

ARES

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES

UIF: 6.1

SJIF: 5.7

SIS: 1.2

Cite Factor: 0.89

2022/04

VOLUME 3

ISSUE 4



*We increase scientific
potential together!*

ARES.UZ

Exact Sciences
Natural Sciences
Technical Sciences
Pedagogical Sciences
Medical Sciences
Social and Humanitarian Sciences



EDITOR-IN-CHIEF

G. Mukhamedov

Professor, Doctor of Chemical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

EDITORIAL BOARD

O. Ziyadullaev

Professor, Doctor of Chemical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

S. Madayeva

Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan

R. Bekmirzayev

Professor, Doctor of Physical Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute

G. Nurshiyeva

Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Kazakhstan

G. Gaffarova

Professor, Doctor of Philosophical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

Y. Safronova

Professor, Doctor of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia

G. Ruzmatova

Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan

B. Eshchanov

Associate Professor, Doctor of Physical Sciences, Chirchik State Pedagogical Sciences

N. Shermuhamedova

Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan

B. Khusanov

Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

K. Bobokhudjayev

Associate Professor, Candidate of Physical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

K. Tulantayeva

Associate Professor, Candidate of Historical Sciences, National University of Kazakhstan

O. Naumenko

Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, National University of Science and Technology MISIS

M. Rakhimshikova

Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, South Kazakhstan State University

M. Gulyamova

Associate Professor, PhD in Pedagogical Sciences, Uzbekistan State World Languages University

N. Makhmudova

Senior Teacher, PhD in Philological Sciences, Uzbekistan State World Languages University

M. Sultonov

Associate Professor, Doctor of Chemical Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute

N. Zolotyx

Associate Professor, Candidate of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia

J. Kholmuminov

Associate Professor, Doctor of Philosophical Sciences, Tashkent State University of Oriental Studies

O. Hayitov

Associate Professor, Doctor of Psychological Sciences, Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

A. Kholmakhmatov

PhD in Political Sciences, Ministry of Higher and Secondary Specialized Education

D. Bozorov

Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan

D. Karshiyev

Associate Professor, Candidate of Physical Sciences, Tashkent Paediatric Medical Institute

T. Shevchenko

Associate Professor, Candidate of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia

R. Ikramov

Associate Professor, Candidate of Juridical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

C. Nasritdinov

Associate Professor, Chirchik Higher School of Tank Command-Engineering

Z. Yakhshiyeva

Associate Professor, Doctor of Chemical Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute

U. Khodjamkulov

Associate Professor, Doctor of Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

S. Botirova

Associate Professor, Doctor of Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

B. Yuldashev

Associate Professor, Tashkent Paediatric Medical Institute

Y. Islamov

Associate Professor, Candidate of Biological Sciences, Tashkent Paediatric Medical Institute

S. Allayarova

Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan

M. Djumabekov

Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, South Kazakhstan State University

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES
SCIENTIFIC JOURNAL
VOLUME 3, ISSUE 4, APRIL, 2022

K. Toshov

Senior Teacher, PhD, National University of Uzbekistan

T. Khojiyev

Associate Professor, PhD, National University of Uzbekistan

T. Kuyliyev

Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Tashkent State Agrarian University

A. Shofkorov

Associate Professor, Candidate of Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

N. Kholikova

Associate Professor, Candidate of Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

I. Ergashev

Professor, Doctor of Political Sciences, National University of Uzbekistan

J. Davletov

Senior Teacher, PhD in Philosophical Sciences, Urgench State University

A. Makhmudov

Doctor of Philosophy in Economical Sciences, Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

A. Yuldashev

PhD in Philological Sciences, Uzbekistan State World Languages University

S. Pirmatov

Associate Professor, PhD in Physics and Mathematics, Tashkent State Technical University

D. Otajonova

Senior Teacher, PhD in Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

F. Rajabov

Associate Professor, PhD in Geographical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

J. Namozov

Associate Professor, PhD in Geographical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

N. Umarova

Associate Professor, PhD in Psychological Sciences, Tashkent State Pedagogical University

S. Toshtemirova

PhD in Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

U. Shermatova

PhD in Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

S. Akhunova

Associate Professor, PhD in Economical Sciences, Fergana Polytechnic Institute

N. Juraeva

Senior Teacher, PD in Economical Sciences, Fergana Polytechnic Institute

S. Iskhakova

Associate Professor, Candidate of Agricultural Sciences, National University of Uzbekistan

D. Akhmedjonov

Associate Professor, Doctor of Technical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

U. Rustamov

Acting Associate Professor, Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

I. Mambetov

PhD in Philological Sciences, Karakalpak State University

Z. Sanakulov

Senior Teacher, PhD in Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

D. Sharipov

Senior Scientific Researcher, PhD in Technics, Tashkent University of Information Technologies

S. Korayev

Acting Associate Professor, PhD in Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

O. Jabborova

Acting Associate Professor, PhD in Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

G. Tojiyeva

Associate Professor, PhD in Philological Sciences, Karshi State University

N. Abdulkhalikova

Acting Associate Professor, PhD in Physics and Mathematics, Chirchik State Pedagogical Institute

A. Yekabsons

Acting Associate Professor, PhD in Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

E. Maxkamov

Associate Professor, PhD in Physics and Mathematics, Chirchik State Pedagogical Institute

A. Seytov

Associate Professor, PhD in Physics and Mathematics, Chirchik State Pedagogical Institute

A. Tursunov

Associate Professor, PhD in Philological Sciences, Navoi State Mining Institute

N. Bobomuradov

PhD in Pedagogical Sciences, Uzbekistan State University of Physical Education and Sport

M. Tadjibaev

Associate Professor, PhD in Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

U. Kasimov

Professor, Doctor of Philological Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute

Sh. Otajonov

Professor, Doctor of Physical and Mathematical Sciences, National University of Uzbekistan

Editorial Secretary: T. Madalimov

AVTOMOBILLARAGA EKSPLUATATSIYA SHAROITIDA TURG'UNLIGINI SAQLASHGA TA'SIR QILUVCH VA ULARNI TA'SIRINI KAMAYTIRISH CHORA-TADBIRLARINI KO'RISH

Akmal Baxtiyor o'g'li Norqo'ziyev
Jizzax Politexnika Instituti assistenti
akmalnorqoziev@gmail.com

Bobur Baxtiyorovich Halilov
Jizzax Politexnika Instituti magistranti

Nurali Ilhom o'g'li Bolqiboyev
Jizzax Politexnika Instituti talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolaqda, Avtomobil turg'unligini saqlashiga ekspluatatsiya sharoitida ta'sir qiluvchi kuchlar va ularni ta'sirini kamaytirish usullari haqida tushuntirilgan

Kalit so'zlar: turg'unlik, sirpanish, ekspluatatsiya, ko'ndalang turg'unlik, bo'ylama turg'unlik, ag'darilish, kritik tezlik, avtomobil koleyasi.

ABSTRACT

This article explains the forces that affect the stability of a vehicle in service conditions and how to reduce their impact.

Keywords. Stability, skidding, operation, lateral stall, longitudinal stall, rollover, critical speed, highway

KIRISH

Turg'unlik deganda avtomobilning surilish, sirpanish, ag'darilishga qarshilik ko'rsatish xususiyatlari tushuniladi. Avtomobilning bo'ylama va ko'ndalang turg'unliklari bo'ladi. Bo'ylama turg'unlikning yo'qolishi avtomobillarda juda kam uchraydi, u juda keskin nishabliklarda sodir etilishi mumkin. SHuning uchun avtomobil turg'unligi haqida gap ketganda, odatda, uning ko'ndalang turg'unligi ko'zda tutiladi. Avtomobilning turg'unligi bir necha ko'rsatkichlar bilan baholanadi. Bulardan asosiysi: aylana bo'ylab, harakatlanganda avtomobil surilishiga, (ag'darilishiga)

sabab bo'ladigan eng katta tezlik; g'ildirakni ko'ndalang surilishiga sabab bo'ladigan eng katta qiyalik burchak; avtomobilni ag'darilishi boshlanishiga mos keladigan eng katta qiyalik burchak. Yo'lda harakatlanayotgan avtomobil turg'unligi ko'p hollarda, uning og'irlik markazi balandligi, bazasi, koleyasi, shinalar o'lchami, konstruksiyasi, holati, yo'lning egrilik radiusi va uning yuzasining holati, harakatlanish tezligiga bog'liq bo'ladi.[2].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Avtomobilning xaydovchi ishtirokisiz berilgan yo'nalishda agdarilmasdan, sirpanmasdan, shataksiramadan va yon tomonga surilmasdan harakatlanishiga uning turg'unligi deb ataladi. Avtomobilning agdarilish va sirpanish yo'nalishiga karab kundalang va bo'ylama turg'unlik bo'ladi.

Avtomobilg' turg'unligini yo'qotganda ag'darilishi, yon tomonga sirpanishi, yetakchi g'ildiraklari shataksirashi mumkin. Avtomobilning kundalang turg'unligi quyidagi turta ko'rsatkich bilan karakterlanadi:

v_{a3} - avtomobilning aylana bo'ylab karakterlanganda yon tomonga surila boshlash paytidagi maksimal (kritik) tezligi, km/soat;

v_{a0} - avtomobilning aylana bo'ylab harakatlanganda agdarila boshlash paytida maksimal (kritik) tezligi, km/soat;


β_3 - avtomobilning g'ildiraklari kundalang surila boshlagan paytda yo'lning maksimal (kritik) nishablik burchagi;

β_0 - avtomobilg' agdarila boshlagan paytda yo'lning maksimal (kritik) nishablik burchagi.

Kritik tezliklar tajriba yo'li bilan aniqlanadi. Avtomobil gorizontaal maydonda radiusi $R=20,25$ m aylana bo'ylab tezligini asta-sekin oshirib harakat qiladi. Harakat davrida markazdan kochirma kuch tahsirida ichki tomonlari g'ildiraklarga og'irlik kamayadi, tashqi g'ildiraklarga esa ortadi. Sinovdan utayotgan avtomobilni agdarilishdan saklash uchun uning yon tomoniga yo'l satxidan $10,15$ sm balandlikda kronshteyn yordamida kushimcha g'ildirak maxkamlanadi. Agar tajriba vaqtida avtomobilg' turg'unligini yo'qotib agdarilsa, yon tomonidagi g'ildirak tayanch bo'ladi. Kuzatuvchi kishilar g'ildirakning yerdan uzilish yoki paytini aniqlab sekundomer va spidometr yordamida izlanayotgan v_{a3} yoki v_{a0} tezliklarini aniqlaydilar.[].

Avtomobilning ag'darila boshlash payti bo'yicha yo'lning kritik nishablik burchagini aniqlash uchun avtomobilg' platformaga o'rnatilib, bir yonidan damkrat bilan kutariladi.

Avtomobilning agdarila boshlash payti aniqlangandan sung platformaning og'ish burchagi aniqlanadi.



1-rasm Ekspluatatsiyada avtomobil turg'unligiga ta'sir qiluvchi omillar

Barqarorlik deganda avtomobilning turli sharoitlarda ag'darilmasdan va g'ildiraklarning qiyalik va yon sirg'alishidan bo'ylama sirpanishsiz harakatlanishi tushuniladi.

Aylanish barqarorligi. Avtomobil tepada bo'lganda, oldingi g'ildiraklardagi umumiy reaksiya noldan katta bo'lsa, ya'ni $Z_1 > 0$ bo'lsa, ag'darish mumkin emas. Old g'ildiraklar to'liq bo'shatilganda ($Z_1 = 0$) va avtomobilning og'irligi orqa g'ildiraklar tomonidan to'liq qabul qilinganda, statik uzunlamasına barqarorlikni yo'qotadi va avtomobil orqa g'ildiraklar o'qiga nisbatan ag'dariladi. .

Tormozlangan transport vositasi ag'darilmasdan turib turgan tayanch yuzasining maksimal egilish burchagi aprev ko'tarilishning cheklovchi burchagi deb ataladi. Bunday holda, mashinaga og'irlik kuchi G (2-rasm) va old (M_{f1}) va orqa (M_{f2}) g'ildiraklardagi aylanish qarshilik momentlari ta'sir qiladi. [4].

Tormozlar tomonidan yaratilgan va mashinani eĝimli tekislikdan pastga tushishdan ushlab turgan g'ildiraklardagi ishqalanish momenti M_T quyidagilarga teng bo'lishi kerak:

$$M_T = Gr_r \sin \alpha - M_{f1} - M_{f2}.$$

Erdagi harakatlantiruvchi g'ildiraklarning Aops nuqtalaridan o'tuvchi o'qga nisbatan momentlar tenglamasidan biz mashinaning rul g'ildiraklaridagi umumiy normal reaksiyani aniqlash uchun ifoda topamiz:

$$Z_1 L = Gbc \cos \alpha - Gh_g \sin \alpha + M_{f1} + M_{f2}$$


M_{f1} va M_{f2} aylanma qarshilik momentlarining ta'sirini e'tiborsiz qoldirib, mashinani ag'darish momentida uning yo'naltiruvchi g'ildiraklaridagi Z_1 reaksiyasi nolga teng ekanligini hisobga olsak, balandlikning cheklovchi burchagi tangensining qiymatini topamiz:

$$G(bc \cos \alpha_{\text{ped.}} - h_g \sin \alpha_{\text{ped.}}) = 0,$$

$$\text{tg } \alpha_{\text{ped.}} = b / h_g.$$

Tuproqdagi orqa g'ildiraklarning tayanch nuqtasidan o'tadigan o'qga nisbatan momentlar tenglamasidan harakatlanuvchi (orqa) g'ildiraklarga umumiy normal reaksiya kuchi quyidagicha aniqlanadi:

$$Z_2 L = G \cdot a \cdot \cos \alpha - G \cdot h_g \cdot \sin \alpha + M_{f1} + M_{f2}.$$




2-rasm Ko'tarish paytida avtomobilning tortishish (og'irligi) taqsimoti

Nishabdan pastga tushganda, mashina bo'ylama barqarorlikni saqlab qoladi va orqa g'ildiraklardagi normal reaksiya noldan katta bo'lsa, ya'ni $Z_2 > 0$ bo'lsa, ag'darilmaydi.

Aylanish qarshiligini e'tiborsiz qoldirib, orqa g'ildiraklardagi normal reaksiyani nolga tenglashtirib, biz nishabdagi statik barqarorlikning cheklovchi burchagini olamiz:

$$\operatorname{tg} \alpha_{\text{nped}} = a / h_g.$$

Nishab bo'ylab (qiyalikda) joylashgan (3-rasm) nishab burchagi β bo'lgan mashinada quyidagi kuchlar ta'sir qiladi: Nishab yuzasiga parallel ravishda mashina og'irligining komponenti, $G \sin \beta$, Ushbu sirtga normal og'irlik komponenti, $G \cos \beta$, tuproqning Z' qiyalikdan yuqorida va Z nishab ostida joylashgan g'ildiraklardagi normal reaksiyalari.



3-rasm Nishabda avtomobilning tortishish (og'irligi) taqsimoti

Yuqorida takidlanganidek, oldingi yetakchi o'q yon tomonga surilishga moyil, chunki avtomobilg' tezlanish bilan harakat qilayotganda o'rinma reaksiya X ortadi. Tormozlanish paytida esa vertikal yukning qayta taqsimlanishi natijasida tishlashish kuchi R_ϕ kamayib ketadi, bu esa ketingi o'qning yana ham surilishiga sabab bo'ladi.

XULOSA

Xulosa qilib aytganda, Avtomobilni turg'unligiga ekspluatatsion kuchlarning xam ta'siri katta. Malumki avtomobilning turgunlign uning harakat xavfsizligi bilan bog'liq. Avtomobilni ekspluatatsiya qilish tugaguncha harakat xavfsizlngini saklash zarur. Avtomobilning turgunlngnga shinaning texnikaviy xolati kuprok tahsir etadi. SHina protektorinpg yeyilishi g'ildiraklarning yer bilan tishlashishini kamaytiradi, bu esa uning yonga sirpanishini oshiradi. SHu sababli, shinaning protektori yo'l qo'yilganidan ortiqcha yeyilganda avtomobillarni yo'lga chikarish man etilad

REFERENCES

1. Suvanov, U., Hamraqulov, Y., & Agzamov, J. (2021). Transport vositasining texnik holat masalalari. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
2. Norqo, A. B. O. G. L. (2021). AVTOSERVIS KORXONALARIDA BAJARADIGAN ISHLARI VA QUUVVATIGA QARAB BOLINISHI. *Scientific progress*, 2(7), 709-711.
3. Agzamov, J., Hamraqulov, Y., & Baratov, I. (2021). Jizzax shaxrining magistral kochalarida harakat xavsizligini tahlil qilish. *Academic research in educational sciences*, 2(6), 363-368.
4. Norqo, A. B. O. G. L., & Islomov, J. B. O. (2022). RESPUBLIKAMIZDAGI AVTOSERVIS KORXONALARINING SAMARALI ISHLASHIGA TA'SIR ETUVCHI ASOSIY OMILLAR. *Academic research in educational sciences*, 3(1), 426-433..
5. Baxtiyorovich, A. I., & Ogli, R. U. F. (2021). YENGIL AVTOMOBILLARDA YOQILGI SARFINI KAMAYTIRISH USULLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1).]
6. Raxmatov, U. F. O. G. L. (2022). ICHKI YONUV DVIKATELLARIDA HAVO TARKIBIDAGI KISLORODNING YOQILG 'I SARFIGA TA'SIRI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(3), 348-353]
7. Raxmatov, O., & Sotvoldiyev, X. R. O. G. L. (2021). AVTOTRANSPORT VOSITALARIGA MAVSUMIY SERVIS XIZMAT KO'RSATISH TURLARI VA ULARNING XARAKAT XAVFSIZLIGIGA TA'SIRI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 1147-1151.
8. www.stat.uz –Davlat statistika qo‘mitasi rasmiy veb sayti.



JON GOLSUORSINING “ADABIYOTDA XARAKTER YARATISH” ASARI BADIY VA FALSAFIY XUSUSIYATLARI

Abror Samad o‘g‘li Ismatov

Bobur Yangiboy o‘g‘li Hakimov

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

ANNOTATSIYA

Badiiy tafakkur orqali borliq ranglarini uqish va o‘qish usul va uslublari behisob. Bu borada Yevropa adabiyotshunoslarining tadqiqotlari e‘tiborga sazovor. Badiiy g‘oya yaratish jarayonida muallifning tip, xarakter va obrazning paradigmatic imkoniyatlaridan foydalanish mahorati hermenevtik sharoitni to‘g‘ri belgilash imkoniyatini yaratib, bu hodisa ko‘plab tadqiqotlarning markazida turgan.

Kalit so‘zlar: adabiyot, Yevropa, sanoq, sahna, Gamlet, Shekspir.

KIRISH

Jon Golsuorsining “Adabiyotda xarakter yaratish” deb nomlangan asarida hermenevtik sharoit vositasida adabiy obrazning individual qirralarini tushunish tamoyillari ko‘rsatib berilgan. Asarda Shekspir, Servantes, Dyuma asarlari misolida ijodkorning xarakter yaratish imkoniyatlari ochib berilar ekan tadqiqotchi, inson ichki va tashqi qiyofasini yaratishning poetik tamoyillarini shakllantirish borasida e‘tiborli fikrlarini bildiradi. U yozadi: «Biografda (bu o‘rinda ijodkor “biograf” nomi bilan yuritilgan) bizni hammadan ortiq qoyil qoldiradigan narsa – uning g‘ayratidir; u zo‘r g‘ayrat bilan tarix qo‘rg‘onlaridan juda katta qimmatga ega bo‘lgan mayda - chuydalarni kavlab oladi. Bu mayda - chuydalar esa skeletga yopishtirilganda esa obraz yaraladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Qahramonning qayta yaratilgan obrazi hamisha u yoki bu darajada biograf shaxsiyatining ranglariga bo‘yalgan bo‘ladi. Ammo biograf shaxsiyatining ranglari qahramonning tabiiy ranglarini qancha kam o‘zgartirsa, erishilgan natija shuncha yuksak bo‘ladi. Biografning vazifasi allaqachon mavjud bo‘lgan skeletga jism va qon ato qilishdir. Biograf o‘z qahramonining oyog‘ini maymoqroq qo‘yishi, uni uch - to‘rtta tishidan mahrum qilishi, umurtqasini sal egikroq qilib qo‘yishi mumkin, biroq u qahramonning asosiy shakl - shamoyilini saqlab qolishga majbur. O‘zining ishida u faktlardan

tashkil topgan allanechuk ustunga tayanadi va uning bu ishi badiiy adabiyotda xarakter yaratishdan ko'ra tasviriy san'atdagi portret yaratishga yaqinroq turadi. Shunday qilib, biograf skeletni yorug' dunyoga olib chiqadi, uni artib changlardan tozalaydi, derazasi shamolga qaragan ustaxonasiga qo'yadi. Shundan keyin uni muskul, go'sht, pay va teri bilan qoplashga kirishadi, bu ish bitganidan keyin esa, o'zining estetik tuyg'usiga yoki odob tuyg'usiga tayanib uni kiyintiradi. Tabiiyki, estetik tuyg'u bilan odob tuyg'usi hamma vaqt ham aynan bir narsa bo'lavermaydi. Tikuvchi sifatidagi o'z xulosalarini u son - sanoqsiz hujjatlardan yoxud bu hujjatlarning mavjud emasligidan keltirib chiqaradi va anglash qiyin emaski, uning xizmatida ong osti tuyg'usiga qaraganda onglilik beqiyos darajada katta rol o'ynaydi. Biograf bilan romannavis o'rtasidagi ikkinchi muhim tafovut ayni ana shu holda ko'rinadi. Biograf boshidan oxirigacha qilayotgan ishini ongi bilan nazorat qilib boradi, romannavis (ya'ni romantik) ongli ravishda o'zini ong osti tuyg'usining chaqinlari ixtiyoriga topshiradi».

Sahna yozuvchilarni individual shaxslardan ko'ra ko'proq tiplar yaratishga da'vat qiladi. Ehtimolki, bu qoidadan eng favqulodda istisno - Folstafdir. Bu ajoyib qariya, osiy banda biz uchun alohida olingan bir inson, xolos, biz uni inson tabiatining hech qaysi qirrasini bilan bog'lamaymiz. Holbuki, Lirni o'ta jazavadorlik bilan, Otelloni rashk bilan, ledi Makbetni kuchli iroda va narsalarning farqiga bormaslik bilan, Gamletni esa xayolparastlik va dudmallik bilan bog'laymiz. Folstaf ko'p jihatdan roman obraziga o'xshab ketadi. Shekspir uni yaratar ekan, o'z ijod parisiga ulkan erk bergan va bu bilan yurakdan lazzatlangan, uning lazzati esa juz'iy o'zgarishlar bilan bizga ham o'tgan. Bu o'rinda u to'la ravishda ong osti tuyg'usiga bo'ysungan: yo'naltiruvchi fikr yo'q yoki u ko'zimizdan yashirin.

Gamletning tipikligi insonda shubha tug'diradi. Adabiy an'ana uchun u Don Kixotning ziddi deb hisoblanadi: biri xayolparast, ikkinchisi sarishta ritsar, biri - fikr odami, ikkinchisi - harakat kishisi. Ammo bunday qulay qarama-qarshi qo'yishni dramaning matni ko'tara olarmikan? Gamlet shunday bir obrazdirki, unda dramaturg xuddi romannavisga o'xshab o'zini devonavash bir tarzda introspektiv metod quchog'iga tashlaydi, u salkam to'laligicha ong osti tuyg'usiga tobe bo'ladi, u esa muallifni lahzalik kayfiyatini ifoda qilishga xizmat qiladi.

Biografik qissa poetikasi va mundariyasi xususida yozar ekan, Irving Stoun quyidagi misralarni qalamga oladi: Agar istiora yordamida fikrimizni bildirmoq istasak, bu janrning asarlari aysbergga o'xshagan tarzda qurilmog'i shart ya'ni uning o'ndan bir qismi adabiyot ummonining sathida, o'ndan to'qqiz qismi esa suv ostida

bo'lmog'i kerak. Agar muallif qog'ozga tushirganiga qaraganda dilida o'n barobar ko'proq narsa bilmasa, uning kitobi bag'oyat bemaza bo'lib bo'lib chiqadi,¹ negaki u qog'ozga tushirmay qoldirgan o'ndan to'qqiz qism yaxlit va bir butun asar yaratish imkoniyatini beradi, unga muayyan xushbo'y hid bag'ishlaydi. Ayni ilg'ab olish mumkin bo'lgan shu hid kitobxonning o'zini erkin va yengil his qilishga majbur qildi. Irving Stoun ikkinchi bir o'rinda biografik qissa yozish tamoyillarini shakllantirar ekan, quyidagilarni o'zi uchun qoida qilib belgilaydi:

1. Voqealar tasvirida dramatik ruhni kuchaytir.
2. Dialoglar ko'p bo'lsin.
3. Hamma ishtirokchi shaxslarni jonlantir.
4. Latifa va hazil – mutoyibadan keng foydalan.

Yana shu o'rinda o'zi uchun "Mangu xotin" kitobini yozish jarayonida 62 moddali talab ishlab chiqqanini yozadi. Yuqoridagi qoida hamda kitob yozish uchun belgilangan moddalar badiiy asarda muallif qo'llayotgan psixologik maneraning nazariy asoslarini yaratar ekan, ikkinchi bir tomondan ularda o'quvchi anglashi zarur bo'lgan asar g'oyasining skeletiga ishora ham mavjud. Agar realist voqealarni hikoya qilib bersa, modern san'atkor voqealarni qanday hikoya qilib berayotganini hikoya qilib beradi.² Modernizmdan keyingi davr san'atkori ortiq voqealarni hikoya qilmaydi, balki ulardan parchalar keltiradi xolos.³

Yozuvchi yaratgan asar individual shaxs ichki dunyosining aksi ekanligini ta'kidlar ekan Aleksandr Genis yozadi: "So'nggi yillarda o'qib chiqqanlarim orasida eng yaxshilarini ajratar ekanman, dastavval Kafka kundaliklarining to'la nashrini, Shvarsning "Telefon kitobi"ni eslayman, lekin ulardan ham avval Oleshaning "Vidolashuv kitobi" degan ajnabiy asarini tilga olishni istar edim.

Unda adib syujetning mustahkam istehkomidan o'zini xolos etib, shunday bir erkni janr uchun yo'l ochadiki, bu janr poeziya bilan nasr o'rtasidagi, hujjat bilan to'qima, falsafa bilan avtobiografiya, aktuallik bilan mangulik o'rtasidagi chegaraga xotima berishga qodirdir. Bunday "qorishiq" adabiyot, zotdor arab arg'umog'iday qonining tozaligi bilan, begona narsa aralashmagani bilan ajralib turadi.

Uni na o'z so'zlaring bilan aytib berib bo'ladi, na boshqa san'at tiliga ko'chirish mumkin. O'z qobig'iga o'ralib olgan so'z san'ati o'z bag'rida shunday bir noyob narsani asrab qoladiki, bu narsani qalbakilashtirib bo'lmaydi. U dastxatga o'xshash betakror adib ovozidir. Hamma narsadan ham ko'ra bizga shu ovoz qadrli, bugun bizni ko'proq asarning noyoblighi emas, balki ijodkor shaxsining noyoblighi hayajonga soladi.⁴

Eng barkamol muxtasarlik, matnning eng oliy darajada ma'nodorligi- uslubiy vosita emas, konstruktiv usuldir. Bu g'arb hikmatlariga xos muxtasarlik emas - g'arb hikmatlarida ko'p so'zlar bilan mumkin bo'lgan fikrni kam so'zlar bilan aytishadi. Bu - yaponlarning tankasi va kokkusining muxtasarligidirki, unda olam haqidagi tasavvur berilmaydi, balki olamning o'zi yangidan yaratiladi- qo'yiladi. Mendelshtam o'z zamonasi uchun hayron qolarlik darajadagi ziyalik bilan shunday yozgan edi: "Atomistik san'atning sevimli shakli bo'lmish tanka miniatyuraday emas, unda ko'lam yo'q, chunki unda harakat yo'q. U dunyoga hech qanday munosabatda bo'lmaydi, chunki uning o'zi dunyodir". Sharq she'riyati voqelikni ko'z o'ngimizda mana men degandek yaqqol ko'rsatib beradi va uni bir lahzada idrok etishga imkon beradi. Mohiyatan bu she'riyat zabonsiz ish tutishni o'rganib olgan.⁵

Sharq she'riyatida begona voqeliklar uchun ramziy narsalar yo'q. Tevarak atrofdagi buyumlardan olingan tabiiy taassurot istioralar ummoniga cho'mib yo'q bo'lib ketmaydi. Aksincha, buyuk shoirning nigohi ostida yiriklashadi, uyushadi. Bir narsa boshqa narsa bilan taqqoslanmaydi. Balki ular natyumortdagidek yonma- yon turadilar. Ularni sababiy - natijaviy aloqalar emas, assotsiativ aloqalar birlashtirib turadi, bu esa she'rga "yelpig'ich kabi ochilishga" imkon beradi. So'zlar yana qaytadan buyumga aylanib qoladi - she'rda bu buyumlar dekoratsiyaday xizmat qiladi. Istiora buyumni so'zga aylantirish, so'zni esa ramzga aylantirishdir. Ammo Sharq she'riyatida buyum so'zga aylantirilmaydi, u ham g'oya, ham istiora, ham ramz sifatida xizmat qiladi. Istioralar she'riyatda dunyoni bir - biriga bog'laydi. Buyumlar va tuyg'ular o'rtasida so'z bilan ifoda qilib bo'lmaydigan aloqani faqat shunday belgilay olishi mumkin. Shoir tilga ko'chmagan narsa haqida gapirmaydi, balki ifodalab bo'lmaydigan narsani tilga olmay shunday qoldiradi-yu, faqat unga ishora qiladi, xolos.

XULOSA

Amerika sinologi Stiven Ouen G'arbda Sharq estetikasining eng yaxshi talqinchilaridan biri hisoblanadi. U yozadi: "Xitoy she'riyati derazaga o'xshaydi - olisdan qorong'i ko'rinadi, yaqindan esa yorishib ketadi. Xitoy she'riyatining qahramonlari- tovushlar va soyalardir. Ular bizni shoirning "g'oyib bo'lgan manbasi" sari yetaklaydilar." O'z davrida Platon yo'qlikdan borliqqa o'tishni tug'diradigan hamma narsani ijod deb atagan edi. Ijod nafaqat borliqni yaratadi, tug'diradi, balki yangi borliqni yaratishni ham kashf qiladi.

Badiiy tafakkur yangi poetik ranglar orqali dunyoni kashf qilish, binobarin, yangi dunyoni yaratish demakdir. Biroq uni uqish va o‘qish uchun xam alohida tayyorganlik zarur.

REFERENCES

1. Stoun Irvin. Biografik qissa haqida // Jahon adiblari adabiyot haqida- T:Ma’naviyat 2010. 100- bet
2. Stoun Irvin. Biografik qissa haqida // Jahon adiblari adabiyot haqida- T: Ma’naviyat 2010. 105- bet
3. Genis Aleksandr. Qalb fotografiyasi// Jahon adiblari adabiyot haqida- T: Ma’naviyat 2010. 116- bet
4. Genis Aleksandr. Qalb fotografiyasi// Jahon adiblari adabiyot haqida- T:Ma’naviyat 2010. 116- bet
5. Genis Aleksandr. Qalb fotografiyasi// Jahon adiblari adabiyot haqida- T: Ma’naviyat 2010. 125- bet
6. Genis Aleksandr. Qalb fotografiyasi// Jahon adiblari adabiyot haqida- T: Ma’naviyat 2010. 125- bet



“OYBEGIM MENING” ASARIDA BOLALIK TASVIRLARI

Bobur Yangiboy o‘g‘li Hakimov

Abror Samad o‘g‘li Ismatov

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

ANNOTATSIYA

Bu asar muallifi Zarifa Saidnosirova "Oybegim mening" nomli kitobi nafaqat biografik asar, balki tarbiyaviy ahamiyati katta bo‘lgan, jonli va yorqin tasvirlarga ega chiroyli muhabbat qissasidir.

Kitobni o‘qigan har bir o‘quvchi qalbida Oybekdek ulug‘ adib va ulug‘ insonga nisbatan hurmat va muhabbat tuyg‘ulari paydo bo‘ladi. Kitobda, Oybekdan tashqari, yana bir asosiy qahramon bor. Bu, butun hayotini Oybekka bag‘ishlagan, uning mashaqqatli qismatini yengillashtirishga intilgan, unga munosib yor bo‘lgan Zarifa opaning o‘zidir.

Oybekning shaxsiy hayotinigina emas, balki bir-biriga munosib ikki ulug‘ siymoning sevgi va vafo dostoni - "Oybegim mening" asarini o‘qir ekansiz, ular boshidan o‘tkazgan qiyinchiliklar, ularga qilingan tusxmatlardan lol qolasiz kitob sizni shunchalik qiziqtirob qo‘yadiki, go‘yo bu voqealar o‘zingiz bilan yuz berayotganday tuyiladi.

Kalit so‘zlar: Turmush, Toshkent, Maskva, sinov, farzand, sevgi, sadoqat, dushman,

KIRISH

Ijodkor yaratgan asl badiiy manzarada doimo fikr bilan birgalikda tuyg‘u, hissiyot ham bo‘ladi. Yozuvchi hamisha yo nimanidir yoqlaydi, yoki inkor qiladi. Betaraf badiiy ijod bo‘lishi mumkin emas. Chunki inson tafakkuri va ruhiyatida betaraflik tugagandan so‘nggina chinakam badiiy asar yaratiladigan holat paydo bo‘ladi. Adibning tuyg‘ulari nechog‘lik kuchli, nigohi qanchalar o‘tkir, tili qanchalik boy bo‘lsa, o‘quvchi uning asariga ta‘siriga shunchalik qattiq beriladi. Yaratilgan badiiy matnning qanchalik hissiy, ta‘sirchan bo‘lishi uning timsoliyligi – obrazlilik darajasiga bog‘liq. Shunday qilib, badiiy adabiyotning ilmiy adabiyotdan asosiy hal qiluvchi farqi uning obrazlilikidadir. Badiiy adabiyot obrazli bo‘lganligi uchun ham odamga kuchli ta‘sir etadi. Xo‘sh, u holda badiiy timsol – obrazning o‘zi nima degan savol tug‘iladi. Bu haqda oltinchi sinfda ham qisman fikr yuritilgan edi. Yuqoridagi misollardan



kelib chiqadigan bo'lsak, ijodkorning fikr, tuyg'u, hissiyot va kechinmalari singdirilgan tasvirni badiiy timsol yoki obraz, deyish mumkin.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Bu qahramon ayol Zarifa Saidnosirovaga maqolani boshida tohtalib o'tishni joyiz deb bildim. Zarifa Saidnosirova O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi, professor. Kimyo fanlari nomzodi. Birinchi o'zbek ayol rassomi. Taniqli ma'rifatparvar S. Mirjalilovning qizi, Oybekning rafiqasi. Toshkentda "Pestolotssi" maktabi Navoiy nomidagi ta'lim-tarbiya texnikumiva so'ngra Rozanov tasviriy san'at studiyasida o'qigan. So'ng O'rta Osiyo universiteti fizika-matematika fakultetining kimyo bo'limini tugatib o'rta maktablar, xotin-qizlar bilim yurti va ishchilar fakultetida fizika, matematika va kimyo fanlaridan dars bergan. "Oybegim mening" asarini o'qir ekanmiz, o'sha davrlarda ikki yozuvchimiz qanchalik bir biriga muhabbat qo'yganligiga, birgalikda qanchadadan qacha qiyinchiliklarni boshidan kechirganligiga guvoh bo'ldim. Va buyuk yozuvchimiz Oybekga yanada hurmatim ortdi. Oybekning muhabbati bilan hozirda muhabbat deb atalmish tuyg'uni solishtirib ko'rsak Zarifani qanchalik sevganligi, qanchalik ardoqlaganiga amin bo'lasiz va o'ylab qolasiz yoshlarimiz o'rtasida hozirda ham shunday muhabbat bormikan, deb. Bu kitob Sevgi va vafo dostoni deb tariflanadi aytganlaricha bor. Bu kitobni o'qir ekanmiz Turk yozuvchisi Rashid Nurining "Choliqushi" asaridagi sevgi qissasi ham yodinga tushdi u kitobda ham kundalik tutilandi. Oshiq moshiqlar bir biriga xatlar yozishadi va kitob ohirida ikki sevishgan bir biriga yetishadi. Bu asarda esa ikki sevishgan yillar davomida bir birini sinashadi, Zarifa sevgisini oshkor qilmay, Oybekni yillar davomida kuttiradi. Bu kitobni o'qir ekansiz, voqealar ko'z oldingizdan kino lentasiday tiziladi va ruxan yengillashasiz. Goxida asar qahramonlariga achinasiz gohida havas qilasiz, ular ijod uchun borini berganligiga hech narsadan chekinmaganligiga amin bo'lasiz. Ular turmush qurishganlarida bitta hona berilganligini aytishadi, lekin biz hech narsaga qiziqmas edik, faqat ikkalamiz birga bo'lsak bo'ldi deydi. Chunki ular baxtli edi. Kitob boshida Zarifa Saidnosirova o'zining bolaligi haqida shunday deydi. Biz Turkiston shahrida, Qaranoq ko'chasining katta may-doniga kelib takalgan joyida, burchak hovlida yashar edik. Hovlimiz ichkari va tashqaridan iborat bo'lib, bir yonboshida yangi qurilgan katta paxta zavodi turardi. Ichka-ri hovli bilan tashqari o'rtasida kichik eshik bo'lib, bu eshik devor pardalar bilan o'ralgan edi. Ichkari xovlining butun bir tomonini pishiq, bo'g'otli yangi uy egallagan. Ikkinchi tomonida esa oziqxon, kata ayvon, oshxon va juda katta molxon joylashgan.



Uchinchi tomonda ochiq molxona bo'lib, buni bostirma der edik. Hovlining to'rtinchi tomoni — ko'chaga karagan baland de-vor. Hovli 1905 yilda, zamonaning eng yuksak zavqiga muvofiq, durustgina qurilgan. Biz shu joyda 1924 yilga kadar yashaganmiz. Otamning dadasi, ya'ni bobom Abdulxay Mirjalil o'g'li-ni baland bo'yli, sodda tabiatli, samimiy, dindor, dehqon odam bo'lgan, deydilar. Uning, bilmadim, qandaydir kichki-na do'koni bo'lgan. Har hayit oldida do'kondan qaytishda mahalladagi yetim-esirlar va beva-bechora xotinlarning uyiga bosh suqib, kiyimlik (zakot) ulashar ekanlar. Hamma ularni avliyo deb atar ekan. Birinchi xotinlaridan ikki o'g'il, bir qizi bo'lgan. U shu xotining vafotidan so'ng Iqon kishlog'idan mening buvimni — yosh qizni olgan. Buvim mehnatkash dehqon oilasidan bo'lgan. Undan ikki qiz vabir o'g'il — mening otam Saidnosir tug'ilgan. Bobom bolalarining barchasini o'qitgan. Ular o'qish-yozishni yaxshi bilgan, savodli bo'lgan. Bobom Qur'on o'qish shart, deb yosh kelin chog'idayoq g'irt savodsiz buvimni mak-tabga katnattirgan. Buvim burniga ko'zoynak qo'ndirib, har kuni Qur'onni juda ravon o'qir, ammo boshqa kitoblardan bir satr ham o'qiyolmas edi. Biz bunga hayron bo'lardik, kulardik. Otam Saidnosir to'qqiz yoshida ekanida bobom bir ham-rohi bilan hajga jo'nagan. Avval Madinani ziyorat qilib, Oybegim mening keyin Makka safariga yo'l olgan. Shunda bobom: «Qanday qilib payg'ambar habriga orqam bilan kirib boraman», degan va yig'lab, teskari, ya'ni orqasiga yurib, Makkaga ravona bo'lgan. Yo'lda charchab yiqilgan va vafot etgan. Hamrohi bobomni Arabiston cho'llariga dafn etib, uning qo'pol qozoqi choponini, oq surp kuloh-do'ppisini va bitma Qur'onini keltirib, buvimga topshirgan. Jiltga solingan, kattagina, og'ir bu bitma Qur'onni bobom hamisha ko'ltig'ida osig'liq olib yurar ekan. (Buvim Qur'on bilan do'ppini menga bergan, men katta o'g'lim Omonbekka meros sifatida qoldirganman.)

Zarifa Saidnosirova onasi yettita qiz tuqanligi va ikki qizi vafot etganligini aytadi. Otasi esa bilimga juda qiziqadigan inson edi. Tuxmat bilan qamalib ketadi sakkiz yil deganda keladi-yu o'n oy turib yana qamaladi av shu bilan qaytib kelmaydi. Oybek bilan Zarifa Saidnosirova turmush qurar ekan juda baxtli hayot kechirishadi. Oybek ish bilan Maskvaga ketar ekan juda chiroyli va mazmuni xatlar yozib turadi xatlaridagi munosabatlarni go'yo sog'inch ila bir birlariga suykalgan ikki musichaga qiyosh etish mumkin Maktab paytlarida bir voqeani so'zlab bergan edi o'shanda uning kallasiga ketmon tegib bosh chanog'i ko'rinib qolgan edi. Bu voqeani shunday tariflaydi: O'sha yillari bo'lib o'tgan bir vokea xal i xam esimda. Bir kuni oyim meni yuvintirib, sochlarimni o'rib, yangi ko'yлак, yangi botinkalar kiygizdi. Erta bahor edi... Zul-fiya bilan

ayvonda ko'g'irchok o'ynay boshladim. U menga kiz uzatmokchi, men o'g'il uylantirmokchiman. Ikkovimiz ayvon-ning boshini egalladik. Lekin men negadir hozir kela-man, deb o'zimni tashkariga urdim. Tashkari da bir necha Zarifa Saidnosirova xizmatkorlar buvimning jiyani Iso bilan birga arik to-zalashar edi. Dadam Isoni Orenburgga oq'ishga yuborgan, ammo negadir bugun u biznikida ekan. Men arik chetiga borib tiqildim. Har narsaga korishib yuradigan odatim bor edi. Kattalardan bittasi: «Nari tur, chirok, ketmon tegib ketadi», — dedi. Qulok solmadim, tag'in yaqinroqqa dam tashladim, ishlarini jinday kuzatgandan so'ng, arikining narigi betiga sakramokchi bo'lib, yikildim: Isoning ketmoni boshimga tekkan edi. Hayriyat, u ketmonni ko'ta-rib kol i sh ga ulgurgan, yo'ksa, katta, yangi charxlangan zil-day ketmon meni ikkiga bo'lib tashlagan bo'lardi. (Erta-ab xam tashkaridan bir xabar olib kirganman, shunda ikki kishining bir to'da ketmonlarni yaraklatib charxlab o'tirganlarini tomosha kilgan edim.) Sh u payt hamma duv etib, tarkalib ketdi. Kimdir ko'lida ketmon ushlagan, kimdir ketmonini yerga tashlagan, ammo birortasi yaqin kelmaydi. Boshimdan tirqirab konotilyapti, lekin xushim joyida. O'rnimdan turmokchi bo'ldim, lekin tag'in yikildim. Meni uyga olib kirmaysizmi? — dedim boshimni bir oz ko'tarib. Odamlar orasidan bir keksarok kozok chiqdi-da, ikkiqo'liga meni yotqizib, ko'tarib oldi. Shundan keyin boshida kata chandiqlik qoladi. Asarda Oybek va Zarifalar qanchalik qiyin yo'llarni bosib o'tganiga, va o'z davrinig juda kuchli adiblari bo'lganligi va o'sha davrning kuchli adiblari bilan birga do'stona munosabatda bo'lganligini guvohi bo'lamiz. Va shunga qaramasdan yaxshilar vor ekan dunyoda ularni ko'rolmaydigan ularga yovuz niyat ila boqadiganlar ham yo'q emas allbatda. Oybek kasal bo'lib yotib qolsada yozishda davom etadi. Eng achinarlisi shundaki kechagina uyiga kelib kamchiliklarimni ko'rib bering deb yurgan shogirdlari uning oyog'iga bolta urishga harakat qilishadi. Oybekning asarlari juda ko'p tillarga tarjima qilinadi. Oybek kasal bo'lib yotar ekan xotiniga tugallanmay qolgan asarlarini aytib turadi va shu tarza yakunlaydi.

XULOSA

Xulosa qilib shuni aytish kerakki, bu asarni o'qib turib Oybekning qanchalik buyuk inson ekanligini, ko'pgina davlat yozuvchilari uni hurmat qilishini va ijodini kuzatib boshqa tillarga tarjima qilib qo'ldan qo'lga almashib o'qilayotganini guvohi bo'lasiz. Shunga qaramay uning umr yo'loshi Zarifa Saidnosirova u boilan birgama birga yurib o'zbek ayolining matonati qanchalik ekanligini ko'rsatib beraolgan chunki. Oybek ishdan kelganida



uyda hech narsa yo‘q edi, shunda ham qidirib ozgina kepak va yog‘g topdim va ikkalasini qovurib,Oybekni oldiga qo‘ydim deydi.Shundan bilsak bo‘ladiki yo‘qchilik paytlari ham matanoat bilan jufti halolini yolg‘iz tashlamagan.Oybek ham ozgina yeb ertalab bollarga berasan deydi ota on anima bo‘lsa ham bollarim och qolmasin deydi.Sabr bilan o‘z ishidan tolmasi va halqimiz hurmatiga sazovar bo‘lib qalblardan joy oldi.

REFERENCES

1. Zarifa Saidnosirova, “Oybegim mening” “Yangi asr avlodi”,2020-yil
2. www.internet Adabiyot so‘z san’ati
3. www.internet O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi (2000-200)-yillar
4. Rashid Nuri Guntekin “Choliqushi” roman



INGLIZ TILI FANINI BILINGUAL O‘QITISH VA FAKULTATIV DARSLAR UCHUN CASE STUDY METODIDAN FOYDALANISH

Bog‘dagul Faxriddinovna Qarshiyeva

O‘qituvchi, Termiz davlat universiteti

bkarshieva@mail.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada ingliz tili fanini bilingual o‘qitish va fakultativ darslar uchun case study metodidan foydalanish masalasi ilmiy asoslarga tayanib ko‘rib chiqiladi.

Kalit so‘zlar: rotate through angle, terminal speed, muammoli vaziyatlar (case studies)

KIRISH

Tor soha yo‘nalishlari uchun (mashinasozlik sanoati, raketa dvigatellari, elektrotexnika va boshqalarni texnologik-konstruktiv tayyorgarlash) bunday o‘quv vaziyatlarini ishlab chiqish yuqori kasbiy bilimlarni talab qilishi bilan, bu o‘qituvchi uchun ham, faol ishtirokchilar va kuzatuvchilar uchun ham qiyinchilik tug‘diradi.

Yangi leksik ma‘lumot ta‘lim oluvchilar uchun shaxsan muhim bo‘lsa muvaffaqiyatli. Shuning uchun, darslarni o‘tkazish shaklidan qat‘i nazar (bilingval ma‘ruzalar, amaliyot, laboratoriya, tanlov kurslari, magistrilar bilan mashg‘ulotlar), talabalarga yangi atamalarni tayyor shaklda taqdim etish maqsadga muvofiq emas, chunki bu holda talabalar atamalar bilan faol ishlamaydilar. Boshqa tomondan, tilshunoslik fani sohasidagi faol izlanishlar ulardagi mavjud bilimlar tuzilmasini qayta qurish va uni chuqurlashtirishga undaydi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ko‘p hollarda iboralar sintaktik va semantik jihatdan yaxlit birlik belgilariga ega bo‘lib, uning komponentlaridan biri ma‘noga ko‘ra tanlanadi, ikkinchisini tanlash esa birinchisini tanlashga bog‘liq bo‘ladi va an‘anaga ko‘ra belgilanadi. Masalan, *rotate through angle* iborasi inglizcha so‘z birligi burchakka o‘girish iborasiga mos keladi. Amaliy mashg‘ulotlar jarayonida mavzu bo‘yicha turg‘un so‘z birikmalarini, topilgan kollokatsiyalar sub‘ektning individual lug‘atini to‘ldirishi kerak.

Fakultativ mashg‘ulotlardagi o‘quv faoliyati turlariga biz yangi tushunchalar, denotatlar, atamalar, tegishli predmet-predikativ aloqalar, savollarga javoblar, shuningdek sinonimlarni



topish mashqlariga xos xususiyatlarni ajratib ko'rsatish uchun mashqlarni bajarish bo'yicha matnlar va matn qismlarini referent va ma'lumotli o'qishni kiritamiz. Yangi so'zlarni (til shaklini) tahlil qilishni tugatgandan so'ng, yangi lug'atdan faol foydalanish uchun mazmuni tahlil qilishga qaytish kerak, uning eng yaxshi vositasi muammoli kommunikativ-bilish topshiriqlari majmuini hal qilishdan iboratdir.

Quyidagi keltirilgan misollarda terminal tezlik *terminal speed* tushunchasi matnda topshiriq bayoni sifatida keltiriladi va uni hal qilish jarayonida faol foydalaniladi.

Problem 1. A raindrop with radius 1.5 mm falls from a cloud that is at height 1200 m above the ground. The drag coefficient C for the drop is 0.6. Assume that the drop is spherical throughout its fall. The density of water is 1000 kg/m^3 , and the density of air is 1.2 kg/m^3 . (a) What is the **terminal speed** of the drop? (b) What would be the drop's speed just before impact if there were no drag force?

Problem 2. The **terminal speed** of a sky diver is 160 km/h in the spread-eagle position and 310 km/h in the nosedive position. Assuming that the diver's drag coefficient C does not change from one position to the other, find the ratio of the effective cross-sectional area A in the slower position to that in the faster position.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Bitiruvchi kurs talabarlari bilan o'tkaziladigan integratsiyalashgan darslar kasbiy chet tilini o'qitish maqsadini ko'zlaydi, shuning uchun til amaliyoti yetakchi o'rinni egallaydi va mazmun qismi yordamchi vazifani bajaradi, til amaliyoti uchun asos yaratadi.

Bitiruvchi kurs talabalariga o'qitishning belgilangan maqsadini amalga oshirish fanni bilingval o'qitish va fakultativ darslar uchun mos metod va uslublar bilan bir qatorda ikki tilda kasbiy lug'atni shakllantirish uchun qo'shimcha vositalarni jalb qilish imkonini beradi. Maxsus fan dasturida mavjud bo'lgan bilimlarni tekshirish shaklida materialni kontent o'rganishning me'yoriy natijasini olish ko'zda tutilmagan. Bu o'quv material va o'quv mashg'uloti turlarining vaqtinchalik resurslari o'zgaruvchanligini keltirib chiqaradi.

Biz kasbiy faoliyatni modellashtiruvchi elementlari bo'lgan muammoli vaziyatlar (*case studies*) bitiruvchi kurs talabalarining faolligiga erishishda, ularning ongida, kasbiy leksik birliklar bilan ishlashda refleksiyaning o'z ichiga olishi muhim salohiyat deb hisoblaymiz. Bunday texnologiya bo'lajak boshqaruvchilar, masalan, "texnosfera xavfsizligi" yo'nalishi



bo'yicha magistratura talabarlari bilan ishlash uchun juda mos keladi.

Masalan, mehnatni muhofaza qilishni ta'minlash bo'yicha hukumat tashkiloti saytiga joylashtirilgan tegishli materiallar asosida, *Health and Safety Executive - the UK national independent watchdog for work-related health, safety and illness*. [1] Bitiruvchi kurs talabalariga kichik korxonlarda xodimlarning xavfsizligini ta'minlash bo'yicha chora-tadbirlarni belgilash uchun namunaviy vaziyatlar taklif etiladi. Kimyoviy tozalash (*drycleaners*) uchun dastlabki ma'lumotlar (*setting the scene*) aniqlanadi: korxonaning joylashgan joyi, binolarning turi (binoning qavatlar soni, qurilgan yili, asbob-uskunalarining joylashuvi, zinapoyalarning mavjudligi), xodimlar soni. Korxonani tahlil qilish asosida birinchi bosqichda muammoli modeli vaziyatni muhokama qilishning har ikki ishtirokchisi mustaqil ishlash uchun ajratilgan soatlar davomida xodimlar duch kelishi mumkin bo'lgan xavflar ro'yxatini tuzadi. Birinchi taxminlar quyidagi ko'rinishda bo'lishi mumkin.

List of hazards

- 1. Use of chlorinated solvents, e.g. perchloroethylene.*
- 2. Use of chemicals for spot-cleaning.*
- 3. Musculoskeletal injuries.*
- 4. Slips and trips.*
- 5. Violence and threatening behavior.*
- 6. Working at height (eg. changing light bulbs).*
- 7. Electrical (eg. faulty building wiring or faulty electrical appliances).*
- 8. Pressure vessels.*
- 9. Fire (eg. smoking, faulty electrics, arson).*
- 10. Asbestos.*

Auditoriyada har bir ishtirokchi o'zining potensial xavflar ro'yxatini taqdim etadi va sanab o'tilgan turlarning har biri ishchilarning sog'lig'iga qanday zarar yetkazishi mumkinligini ingliz tilida tushuntiradi. Sinf ishi juftlikda amalga oshiriladi, talabalar bir-birini to'ldirishi natijasida umumiy ro'yxatni tuzadilar. Keyingi bosqichda talabalarga sog'liq uchun xavf-xatarlarni kamaytirish choralarini ko'rish bo'yicha yozma ko'rsatmalar beriladi. Tadqiqot natijalari auditoriyada ingliz tilida so'zlab beriladi.

XULOSA

Muammoli vaziyatni muhokama qilish shaklida darsni o'tkazishning maqsadi va vazifasi ishtirokchilarning semantik munosabatlar bilan birgalikda maxsus atamalarining ta'riflarini



ifodalay olishlari hisoblanadi. 1-jadvalda sogʻliq uchun zararli oqibatlar va ularning oldini olish boʻyicha harakatlar bilan bogʻliq atamalarning taʼriflariga misollar keltirilgan.

1-jadval.

Fan sohasidagi asosiy munosabatlarga oid atamalarga misollar

Type of hazard Zararli va xavfli omillar	Who might be harmed and how Kim va qay usulda zarar koʻrishi mumkin?	What actions are necessary to prevent it? Xavfni bartaraf etish uchun qanday amallarni bajarish kerak?
Working at height (E.g. changing light bulbs)	Staff risk injuries such as bruising or fractures from falls from any height.	Strong stepladder in good condition provided and staff are trained to use it safely. Periodic checks on condition of the stepladder needed.
Slips and trips	Staff/customers risk injuries such as fractures/bruises, if they trip over ob-jects or slip on slippages	Staff clean up spillages promptly and, where necessary, use 'wet floor' signs. Stairs well lit and in good condition. Door mats put at entrance in wet weather.

Oldindan maʼlum boʻlgan atamalarga sabab, joy, vaqt, shakl, tuzilish, fizik xossalari, maqsad va boshqa parametrlarni qoʻshish orqali yangi atamalar, tushunchalar shakllantirilishi mumkin.

REFERENCES

1. Dubbel, H. Handbook of mechanical engineering: transl.from german. - Engl.ed. - London: Springer, 1994. - ISBN 3-540-19868-7: 84 p.
2. Vinogradov, O. Fundamentals of kinematics and dynamics of machines and mechanisms. [Текст] /CRC Press, 2000. – 304 p.
3. Celce-Murcia, M. Rethinking the role of communicative competence in language teaching. / Soler E.A., Safont Jorda, M.P. (eds.), Intercultural Language Use and Language Learning, Springer, 2007. P. 41–57.

4. Каршиева Б. Ф. ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ ПЕДАГОГА //Вестник современной науки. – 2017. – №. 3-2. – С. 43-44

5. *Халяпина, Л. П.* Методическая система формирования поликультурной языковой личности посредством Интернет-коммуникации в процессе обучения иностранным языкам [Текст]: дис. ... д-ра.пед.наук: 13.00.02 / Л. П. Халяпина. – Санкт-Петербург, 2006. – 426 с.

6. Fakhriddinovna K. B., Fakhriddinovna U. N. The Use of Interactive Bilingual Learning for Teaching English Language the Ages Of 5-6 //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2021. – Т. 3. – С.135-138.



UMUMIY O‘RTA TA‘LIM MAKTABLARIDA VOLEYBOL JAMOASINING TEXNIK VA TAKTIK TAYYORGARLIGINI RIVOJLANTIRISHDA KLASTER YONDASHUVINING O‘RNI

Ulug‘bek Murodjon o‘g‘li Zokirov

Chirchiq davlat pedagogika institute o‘qituvchisi
goldman.ulugbek@gmail.com

Zokirjon Zoxidjon o‘g‘li Xusanov

Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti

ANNOTATSIYA

Maqolada umumiy o‘rta ta‘lim maktablari voleybol sport jamoalarining sport mashg‘ulotida jismoniy texnik va taktik tayyorgarligini rivojlantirish uchun beriladigan jismoniy mashqlarning turlari, ilmiy tadqiqotda tajriba va nazorat guruhlaridan olingan natijalar ko‘rib chiqiladi.

Kalit so‘zlar: sport, texnika, taktika, jismoniy madaniyat, umumiy jismoniy tayyorgarlik.

ABSTRACT

The article reviews the types of physical exercises that are given for the development of physical technical and tactical training in sports training of volleyball sports teams of secondary schools in general, the results obtained from experience and control groups in scientific research.

Keywords: sports, technique, tactics, physical culture, general physical training.

KIRISH

Hozirgi vaqtda butun dunyo ta‘lim sohasini berilayotgan e‘tibor, millat tarannum etishida dolzarb vazifa sifatida qaralmoqda. Jumladan O‘zbekiston Respublikasida ta‘lim muhitida innovatsion klasteri ishlab chiqilab, amaliy hayotga tatbiq qilinmoqda.

Pedagogik ta‘lim innovatsion klasteri jismoniy madaniyat va sport sohasida ham o‘zining o‘rnini egallab kelmoqda. Jismoniy madaniyat tizimining zvenolarida klaster yondashuvi jadallik bilan olib borilmoqda. Jismoniy madaniyat tizimi quyidagilardan iborat:

- maktabgacha ta’lim (davlat va nodavlat maktabgacha tarbiya bolalar muassasalari) zvenosi;
- maktab yoshidagilar jismoniy tarbiyasi (umumiy o’rta ta’lim - I-XI sinflar) zvenosi;
- o’rta maxsus, kasb-hunar ta’limi (akademik litseylar, kasb-hunar kolledjlari) zvenosi;
- oliy ta’lim zvenosi;
- qurolli kuchlar tarkibida jismoniy tarbiya zvenosi;
- oliy ta’lim va armiyadan so‘nggi havasmandlik asosidagi jismoniy tarbiya zvenosi.

Jismoniy madaniyat tizimining zvenolari yordamida har bir yo‘nalish pedagogik, nazariy, amaliy, psixologik jihatdan rivojlanib boradi.

Umumiy o’rta ta’lim tizimida ya’ni maktablarda jismoniy madaniyatdan dars va mashg‘ulotlarni klaster yondashuvida tashkil etish ishlari olib borilmoqda. Umumiy o’rta ta’lim maktablarida voleybol jamoasining texnik va taktik tayyorgarligini rivojlantirishda klasterlash ya’ni mashg‘ulotdagi mashqlari butun organizmga ijobiy, salbiy ta’siri hamda jismoniy tayyorgarlikda muhim ahamiyatga egaligi izchillik bilan olib borilmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR

Umumiy o’rta ta’lim maktablari voleybol jamoasining jismoniy texnik va taktik tayyorgarligini jismoniy madaniyatdan biomexanikada siklik, atsiklik, kompleks, aralash harakatlar berilsa, fiziologik tomondan maksimal, submaksimal, kata va kichik quvvatdagi mashqlarni berib borish umumiy o’rta ta’lim maktabi voleybolchilarining har tomonlama garmonik rivojlanishiga yordam beradi.

Maqolada quyidagi jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasining ilmiy tadqiqot metodlari yordamida tajribalar o‘tkazildi. Ular quyidagilar: nazariy tahlil va umumlashtirish, pedagogik kuzatish, eksperiment, matematik hisoblash ilmiy tadqiqot uslubiyati, suhbat, intervyu olish va so‘rovnomadan foydalanish usullaridan foydalanildi.


Umumiy o’rta ta’lim maktabda voleybolchilarning har tomonlama rivojlanganligi ya’ni jismoniy, nazariy, psixologik, pedagogik, estetik tomonlarning barqaror bo‘lishi uning jismoniy texnik va taktik tayyorgarligiga ham ma’lum darajada ta’sir ko‘rsatadi.

NATIJALAR

Umumiy oʻrta taʼlim maktablarida voleybol jamoasining texnik va taktik tayyorgarligini rivojlantirishda, sport toʻgaraklarida klaster yondashuvi asosida har xil mashqlar berib borildi. Quyidagi 1-rasmda klaster yondashuvi asosida jismoniy texnika va taktik tayyorgarligini rivojlantirish uchun mashqlarni koʻrishingiz mumkin.

1-rasm

Klaster yondashuvi asosida jismoniy texnik va taktik tayyorgarlikni rivojlantirish uchun mashqlar klassifikatsiyasi



Oʻtkazilgan tadqiqotlarga asosan jismoniy madaniyatning biomekanikasida berilgan mashqlar maktab voleybol jamoasining texnik va taktik jismoniy tayyorgarligini hamda maxsus jismoniy sifatlarini rivojlantirishga hamda har tomonlama ijobiy taʼsir koʻrsatdi. Eksperiment yaʼni tajriba guruhlariga jismoniy madaniyat fiziologiyasidagi mashqlar berildi. Ular quyidagilardan iborat: maksimal, submaksimal, katta va kichik. Submaksimal quvvatda 400, 600, 800, 1500, 3000 metr masofalariga takroriylik bilan mashgʻulotlar oʻtkazildi. Katta quvvatda 5000, 8000, 10000 metr masofalarga yugurish va boshqa aerob muhitdagi mashqlar ham berildi.

MUHOKAMA

Tajriba va nazorat guruhlaridan olingan nazorat test natijalariga binoan, tajriba guruhidagi voleybol jamoasining oʻyinchilari 1 oy muddat davomida texnik va taktik tayyorgarliklari 100% dan 23% ga ijobiy tomondan oʻzgardi. Nazorat guruhida 100% dan 13 ga oʻzgardi. 1 yillik silkada voleybol mashgʻulotida umumiy koʻrsatkich tajriba guruhida

to‘plarni qabul qilish va zonalarga zarba berishi, ochko bergan to‘plar nisbatida 36 % ga ijobiy tomondan yaxshilandi. Bu ko‘rsatkichlar shundan dalolat beradiki tizimli ravishda mashg‘ulotlarni olib borish voleybolchilarning jismoniy texnik va taktik tomondan rivojlantiradi.

XULOSA

Xulosa o‘rnida shuni bayon etish mumkinki har bir sport bo‘yicha sport mashg‘ulotlarini tashkil etishda dasturiylik (programma) ya’ni mashg‘ulotlarni yozma ravishda nazariy tomondan ham e’tiborga olish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Har bir voleybol mashg‘ulotida sport turidan kelib chiqib hamda boshqa sport turiga aloqador mashqlarni berib borish sportchining jismoniy texnik va taktik mahoratini oshirishda muhim ahamiyatga ega.

REFERENCES

1. Ulugbek Zokirov. Individual Features Of Development Of Information And Communicative Competence In Masters Of Higher Pedagogical Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations. № 3 (3), 486-491. (2021). <https://usajournalshub.com/index.php/tajssei/article/view/2423/2314>
2. Zokirov Ulugbek Murodjon oqli. Scientific and Theoretical Bases of Didactic Principles of Development of Information – Communicative Competence in Masters of Higher Pedagogical Education of the Republic of Uzbekistan. Annals of the Romanian Society for Cell Biology. № 25 (4), 2021. 8896-8903. <http://annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/3612>
3. Зокиров У.М. “Эркин курашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарликларини такомиллаштириш усуллари”. The journal of academic research in educational sciences. № 1 (2), 306-314. (2020).
4. Зокиров У.М. “Совершенствование тренировочного процесса студентов факультета физической культуры специализирующихся в спортивной борьбе” маг. Диссертация ФерГУ 2020 г. 25,26,27,28.
5. Зокиров У.М., Каримов Т.Р. “Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбиялашда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш усуллари”. The Journal Of Academic Research In Educational Sciences. № 2 (2), 583-590. (2021).
6. Зокиров У.М., Каримов Т.Р. “Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия дарсларида миллий ҳаракатли ўйинларни бажариш орқали жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш”. The Journal Of Academic Research In Educational Sciences. № 2 (4), 1166-1171. (2021).



7. Зокиров У.М., Курбанова П.С. “Олий таълим муассасалари талабаларида соғлом турмуш тарзини ривожлантириш”. The journal of academic research in educational sciences. № 2 (5), 150-155. (2021).
8. Zokirov U.M. "Improvement of the training process of students of the Faculty of Physical Education, specializing in wrestling" mag. Dissertation - FerSU 2020 25, 26, 27, 28.
9. Зокиров У.М., Патидинов К.Д. “Умумий ўрта таълим мактаби 7 – 8 синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини жисмоний ривожланишига боғлиқлиги”. The journal of academic research in educational sciences. № 1 (4), 693-697. (2020).
10. Хонкелдиев Ш.Х., Закиров У.М., Меликузиев А.А. Эффективность разработанной методики повышения физической подготовленности юных борцов вольного стиля. Наука сегодня вызовы и решения материалы международной научно-практической конференции. №1(1), 164-168. 2020.
11. Зокиров У.М. “Индивидуализация технико-тактической подготовки борцов курашистов при моделировании соревновательной деятельности”. Мамлакатимиз олий таълим тизимида жисмоний маданият таълимини модернизациялаш стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари 2019. 82-85.
12. Зокиров У., Жўраев Ш. Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний маданият бўйича синфдан ташқари ишларни мониторингини ташкил этиш. The Journal Of Academic Research In Educational Sciences. №1 (3), 1115-1121 (2020).
13. Ханкелдиев Ш., Зокиров У. Оздоровительная направленность занятий физической культурой в сельских общеобразовательных школах в республике узбекистан. Наука сегодня реальность и перспективы. №1 (1), 113-114. 2019.
14. У.М.Зокиров. Олий педагогик таълим магистрларида ахборот - коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг дидактика тамойилларини илмий - назарий асослари. “УзМУ ХАБАРЛАРИ” Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий журнали. № 1/4/1, 74-77. (2021).



QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI QIZLARDA TEZKOR-KUCH SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH USLUBIYATI

Orzigul Sobirova
Laylo Glijeva

Urganch davlat universiteti o'qituvchilari

ANNOTATSIYA

Hozirgi paytda yengil atletikaning har xil turlari bilan nafaqat erkaklar, balki xotin-qizlar ham shug'ullanadi. Yurish, yugurish, sakrash, uloqtirish bo'yicha xotin-qizlar o'rtasida muntazam jahon chempionatlari o'tkazib kelinadi. Xotin-qizlar bilan ishlash trenerdan ayollar organizmi to'g'risida ma'lum bir bilimga ega bo'lishni taqozo etadi. Ayollar organizmining xususiyatlarini trenirovka jarayonini tuzishda hisobga olish juda muhimdir.

Kalit so'zlar: Yugurish, tezkorlik, jismoniy tarbiya, jismoniy rivojlanish, muvozanat saqlash, chidamlilik.

ABSTRACT

Nowadays, not only men but also women are involved in various types of athletics. There are regular women's world championships in walking, running, jumping and throwing. Working with women requires the trainer to have some knowledge of the female body. It is very important to take into account the characteristics of the female body in the design of the training process.

Keywords: Running, agility, physical training, physical development, balance, endurance.

KIRISH

Hozirda mamlakatimizda ayollar sportini rivojlantirishga katta e'tibor berilib, ayollarning oila va jamiyatdagi o'rnini ko'tarish, ularni davlat va jamiyat qurilishi, sport soxalariga jalb qilish, ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy xayotdagi to'laqonli ishtirokini taminlash, jamiyatni modernizatsiyalash va demokratik yangilanish jarayonida ayollar faolligini oshirish masalalariga aloxida e'tibor qaratilmoqda.

Xozirgi davr sharoitida ayollar maqomiga urg'u berish xususan ularning sport boshqaruvi tizimidagi rolini kuchaytirish, ularni ommaviy ravishda sportga jalb qilish,



qo'llab quvvatlash ularga ijtimoiy-xususiy jixatdan rivojlantirish, ularni davlat qurilishi ishlarida ishtirok etishiga yana xam faol jalb qilish muxim axamiyatga ega.

Aynan shu sababdan O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti tomonidan 1999-yilni "Ayollar yili", 2001-yilni "Ona va bola" yili deb e'lon qilinishi va shu yillarda ayollarning sog'ligini tiklashga ularni jamoat ishlariga jalb qilinishi, sog'lom onadan sog'lom bola shiori ostida ish olib borilishi buning misolidir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

So'ngi yillarda qabul qilingan qonunlar va farmonlarda Ayollar sportini rivojlantirish ularni ommaviy tarzda sportga jalb qilish ishlari olib borilmoqda. U yoki bu soxada ayollar etakchi bo'lgan va katta muvaffaqiyatlarga erishgan davrlar bizga tarixdan ma'lum. Jumladan milliy qadriyatlarimiz xisoblangan To'maris timsolida, Temuriylar davrining eng ma'rifatli ayollaridan biri Bibixonim, Qo'qon xonligidan Nodirabegim misolida ham buni yaqqol ko'rishimiz mumkin. Yurtimizda ayollarning barcha sohadagi imkoniyatlari, jumladan sport sohasida ham o'z imkoniyatlarini yuzaga chiqarishlari uchun barcha sharoitlar yaratilgan.

Yurtboshimiz tomonidan qizlarni sportga jalb qilish va ularning tarkibidan sport bo'yicha kadrlar tayyorlash masalasiga oid yana bir nozik va xayrli ish amalga oshirildi. Ma'lumki o'zbek ayollariga xos sharm-xayo, or-nomuslik kamtarinlik kabi xislatlar oila tarbiyasida o'ta muhim ahamiyatga ega bo'lganligi tufayli yurtimizning ayniqsa uzoq tuman va qishloqlarida qizlarni sport mashg'ulotlariga jalb qilish yoki shu soha bo'yicha ular orasidan mutaxassis xamda rahbarlar tayyorlash masalasi o'ziga xos to'siqlar bilan bog'liq edi. Biroq ushbu vaziyatni chuqur o'rgangan yurtboshimiz bu muammoni xal etilishiga samarali turtki beruvchi siyosiy jixatdan muxim choralarni amalga oshirdi.

Qishloq sharoitida ayollarni qo'llab quvvatlash ularni sport sohasiga jalb qilish ishlari olib borilmoqda. Zero ayollarimiz jismonan, aqlan sog'lom bo'lsalar kelajagimiz poydevori mustaxkam bo'lishi aniq. Shuning uchun bu mavzu qizlarimizni sportga ayniqsa yengil atletikaning qisqa masofaga yugurish turlariga jalb qilish va qizlarning jismoniy sifatlarini rivojlantirish ayniqsa harakat malakalarini shakllantirish tezkor kuchni rivojlantirish maqsadida bu mavzu tanlab olingan.



NATIJARLAR

Harakatlarni tez bajara olish yengil atletikachining muhim fazilatlaridan biridir. Tezkorlik sakrovchining depsinishi, uloqtiruvchilarning siltashi, sprinterning yugurishi uchun zarur bo'libgina qolmay, balki tezkorlik bosh fazilat hisoblanmagan atletlarga ham zarurdir. Yuqori darajadagi tezkorlik tezligi kam harakatlarni osonroq bajarishga imkon beradi. Bu esa ishning ko'proq vaqt davom etishiga yordam beradi.

Sportchining harakat tezligiga birinchi navbatda muskullarning taranglashtirib va bo'shashtirib turadigan harakatlarni yo'lga solib va boshqarib turadigan bosh miya qobig'ining tegishli nerv faoliyati sabab bo'ladi. Bu faoliyat ko'p jixatdan sportchining sport texnikasi qanchalik takomillashganiga, muskullarning kuchi va elastikligiga, bo'g'inlarining harakatchanligiga, uzoq davom etgan ish paytida esa, uning chidamliligiga bog'liq. Tezkorlik - tug'ma fazilat, masalan, tug'ma qobiliyat bo'lmasa, qisqa masofada yuguruvchi bo'lish mumkin emas degan fikrlar hali ham uchrab turadi. Albatta tabiiy moyillik va tug'ma imkoniyatning muayyan ahamiyati bor, ammo bosh rol o'ynaydigan - tarbiya, o'rganish va taraqqiyot topishdir. Tizimlik ko'p yillik trenirovka jarayonida har qanday sportchi tezkorlik fazilatini nihoyat darajada oshirib olish mumkin. Harakat tezligini (ayniqsa o'yinlar yordamida) 10 - 12 yoshdan rivojlantiri boshlash kerak. Harakat tezligini oshirishning eng muhim tomoni – yugurish, sakrash va uloqtirish mukammal texnikasini egallashdir. Bunga faqat o'rganish jarayonidagina erishib bo'lmaydi. Mashqlarni ko'p martalab takrorlayverish, xatto mashq texnikasini to'la o'zlashtirib olgandan keyin ham takrorlayverish zarur. Takrorlash (masalan, 10 – 15 X 100 - 150 m, 30 - 60 marta yadro itqitish, diskni 30 - 40 marta uloqtirish, langarcho'p bilan 30 marta sakrash) maksimaldan pastroq (maksimumning 9/10 qismicha) kuchlanishda bajarilishi kerak. Bunday takrorlashlar ayniqsa sprinterlar va g'ov osharlar uchun kerakdir. Bularda yugurish tezligining ortishi, avvalo, faqat xarakat texnikasidagi juda murakkab nerv-muskul koordinatsiya qaror topgani va ruhiy ishtiyoq natijasidagina emas, balki ular nihoyat darajada mustahkam bo'lgan taqdirdagina ro'y beradi. Bunga esa bir mashg'ulotda 100 - 110 - 150 - 200 m ni maksimal tezlikka yaqin tezlikda ko'p martalab yugurib o'tish natijasida erishiladi. Sprinterlar uchun 50 - 60 metrli qiya (2 - 3) yo'lkada yugurish samaraliroq. Yugurib kela turib, 30 - 50 m ga qiya yo'lkadan yugurib ketganda turg'unlashib kolgan maksimal tezlik ortadi. Yuguruvchi tezroq tepshinishga o'rgatadi, burilishdan to'g'ri yo'lkada chiqishda jadalroq qadam tashlaydigan bo'lishadi. Lekin yengillashtiradigan sharoitda bajariladigan qiya yo'lkada yugurish gorizonta yo'lkada



yugurishga to'la o'xshash emas. Shuning uchun u sprinter trenirovkasining oz qisminigina tashkil etishi mumkin .

Sur'atini tezlasha boradigan ritmik baland tovush yordamida ham yugurish va harakatda turg'unlashib qolgan maksimal tezlikni oshirish mumkin. Chunki sprinter o'z qadami jadalligini tovush sur'atiga moslab tashlashga intiladi.

Bir mashqda trenirovka qilish natijasida sportchining tezkorligi ortgandan keyin, u boshqa mashqlarni ham tez bajara oladimi yo'qmi ekanini bilish muhimdir. Tajribalar shuni ko'rsatadiki, hosil bo'lgan tezkorlik harakat strukturasi o'xshash bo'lmagan boshqa mashqlarga o'tmaydi. Masalan, sprintda trenirovka qilish natijasida telegraf kaliti bilan ishlash chastotasi oshmaydi. Boshqarilishi o'xshash bo'lgan harakatlarda esa bunday emas. Sprintcha yugurishda hosil bo'lgan tezkorlik fazilati, sakrashda depsinishga va uloqtirishda oyoqni to'g'rilash harakatiga o'tadi.

100 m ga yugurish. 100 metrlik masofani imkoniyat boricha maksimal tezlikda yugurib o'tish kerak. Bunday tezlik har doim maksimal ish quvvati bilan aniqlanmaydi. Har qaysi sprintchi ortiqcha kuchanmay, engil yugurganda erishgan eng yuqori tezligi, shu sprintchining maksimal tezligi bo'ladi. Eng zo'r masterlar ish quvvati maksimal bo'lganda maksimal tezlikka ham erishadigan bo'ladilar .

Startdan tez yugurib chiqish 100 m ga yugurishda (tezroq maksimal tezlikka erishib olib, imkoniyat boricha uni marragacha saqlab borish uchun) jo'shqin tezlanishga aylanib ketadi. Biroq 100 metrga yugurishda ham o'sib borayotgan charchash sababli masofaning oxirida tezlik bir qancha pasayadi. Ammo qanchalik yaxshi mashq ko'rilgan bo'lsa, charchash shunchalik kech boshlanadi.

200 metrga yugurish. 200 metrga yugurish texnikasi startning joyi va masofaning yarmi yo'lkaning burilishida ekani bilan 100 metrga yugurish texnikasidan farq qiladi. Startdan keyingi masofani ko'proq qismini to'g'ri chiziq bo'ylab yugurib o'tish uchun start tirgaklari burilishga urinma chiziqda yo'lkaning tashqi chetiga o'rnatiladi. Yuguruvchi burilish bo'ylab yugurayotganida butun tanasi bilan ichkari tomon og'ishi kerak, aks holda egri chiziq bo'ylab yugurayotganda hosil bo'ladigan markazdan qochuvchi kuch uni chetga chiqarib yuboradi. Bunday og'ish yugurish tezligi o'sa borgan sari va burilish radiusi kamaya borgan sari orta boradi. Yuguruvchi markazdan qochuvchi kuch ta'sir eta boshlashini kutmay, balki uning boshlanishiga yo'l qo'ymay, oldindan gavdani asta-sekin ichkarilatib, chapga og'dira borsa, shundagina burilishga to'g'ri kirib borgan bo'ladi. Yuguruvchi mumkin qadar maksimal tezlikka erishgandagina tanasining chapga qiyaligini orttirishni to'xtatadi va shu daraja og'ishni burilishning qolgan



qismini oxirigacha saqlab boradi. Burilishda yugurishni engillashtirish uchun, oyoq taglarini chapga yo'lka raxi tomonga burib qo'ygan yaxshi. Qo'llarning harakati ham to'g'ri yo'lka bo'ylab yugurishdagidan farq qiladi. O'ng qo'l ko'proq ichkariga, chap qo'l esa ko'proq tashqariga harakat qiladi.

Qisqa masofaga yuguruvchi qizlarda tezkor-kuch sifatlarini rivojlantirish uchun metodik ko'rsatmalar:

Asosiy metodlar	Asosiy vazifalar	Trenirovka ishining hajmi	Trenirovka ishining jadalligi %	Trenirovka davri
Eng yuqori tezlikka yaqin tezlikda	Texnikani takomil-lashtirish, jumla-dan, xarakterlarni oson bajara oladigan bo'lish Bosh miya qobig'idagi harakat tezligini belgilab beruvchi tegishli jarayonlarni takomillashtirish	Katta va juda katta	70-90	Tayyorlov va musobaqalashuvning boshlari
Mashqlarni takror bajarish (maxsus mashqlar va tanlangan engil atletika turi)	Kuchni, muskullar kayishqoqligini va bo'g'inlar harakatchanligini yaxshilash	Kichik va o'rta	100	Musobaqalashuv
Mashqlarni nihoyaga etgan tezlikda	Tez xarakterlarda chidamlilikni rivojlantirishning boshlanishi Tez harakatlarda mashq olganlik darajasini saqlab qolish	Kichik va o'rta	100	Musobaqalashuv
Takror bajarish (maxsus mashqlar va tanlangan atletika turi)	Harakatlar oson, bimalol bajarilishiga erishish			
Ayni paytda erishilgan eng yuqori tezlikdan ortiq tezlikdagi mashqlarni takror bajarish (kattaroq tezlikka erishishni osonlashtiradigan sharoitda tanlangan engil turini bajarish)	Harakatlarni avtomatlashtirish. Bosh miya qobig'idagi harakat maksimal tezligini belgilab beruvchi tegishli jarayonlarni takomillashtirish Kuchli muskullar qayishqoqligini va bo'g'inlar harakatchanligini yaxshilash Maxsus chidamlilikni rivojlantirish	Kichik va o'rta	100	Musobaqalashuv

Burilishda yugurayotganda oyoq tagini yo'lka raxidan yoki chap tomondagi oq chiziqdan 8-10 sm oldinroq qo'yishga intilmoq kerak.

Burilishdan to'g'ri yo'lkaqa chiqishni ham bilish kerak. Bu erda yuguruvchi tana qiyaligini kamaytirish uchun burilish tamom bo'lishini kutmaydi, burilishning oxirgi metrlaridayoq tana qiyaligini kamaytira boshlab, to'g'ri yo'lga chiqish paytida esa gavdasini to'la to'g'irlab oladi. 200 metrga yugurayotganda o'sib borayotgan tanglikni «tushirish» uchun burilishdan chiqish paytida eng zo'r kuch kelishdan kutulganday 2-3 qadam tashlab, keyin yana marragacha to'liq kuch bilan yugurishni davom ettirish kerak.

Kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, sprintchi 200 metr oxirigacha maksimal tezlikda yugurib o'tishga qanchalik urinmasin, masofa oxirida, ayniqsa ikkinchi 100 metrda tezlik bari bir susayadi. Shu bilan birga, qadamlar uzunligi ham kamayadi.

400 metrga yugurish. 400 metrga yugurish texnikasi asosan sprintchasiga erkin qadam tashlashdan iborat bo'lib, faqat bunda tezlik maksimal bo'lgandagiga nisbatan kamroq jadallikda yuguriladi. Gavda 100 metrga yugurishdagidan kamroq engashadi, qo'llar ham sekinroq harakat qiladi. Qadamlarning uzunligi 7-8 oyoq tagi uzunligigacha qisqaradiyu, yuguruvchi keng va erkin harakat qilishdan kechmaydi.

Startdan yugurib chiqish xuddi 100 metrga yugurishdagidek boshlanadi. 400 metrlik masofa uchun kerak bo'lgan tezlikka yetishib olgandan keyin, yuguruvchi bemalol qadamga o'tib, erishilgan tezlikni mumkin qadar uzoqroq saqlab qolishga harakat kiladi. Lekin sportchi qanchalik mashq ko'rgan bo'lmasin, uning tezligi, borgan sari o'sayotgan charchash sababli, pasayib boradi. 400 m masofani har holda bir xil sur'atda yugurib o'tishga intilish kerak bu birinchi 200 m bilan ikkinchi 200 m ni o'tishga ketgan vaqtdagi farq katta bo'lgandagiga nisbatan yuqoriroq natija ko'rsatishga imkon beradi. 400 metrga yugurishdagi tezlik egri chizig'i birinchi 100 metrlikning boshlanishida juda tez va yuqori ko'tariladi, ikkinchi 100 metrlikda qariyb o'sha darajada qoladi, uchinchi 100 metrlikda sekin va oxirgi 100 m keskin pasayadi. Marraga 70-50 metr qolganda tezlik ayniqsa ko'p pasayadi. 400 metrga yuguruvchi birinchi 100 metrlikni faqat 100 metrga yugurganida ko'rsata oladigan vaqtiga nisbatan atigi 0,3-0,5 sekund sekinroq yugurib o'tishi kerak. Yaxshi mashq ko'rgan sportchi 400 metr masofaning birinchi 200 metrini o'zining 200 metrdagi shaxsiy rekordidan 1,3-1,8 sekungina ortiqroq vaqtda yugurib o'tishi kerak.

MUHOKAMA

Mashg'ulotlarning asosiy qismi. Bu qismning asosiy vazifasi shug'ullanuvchilarning har tomonlama jismoniy va maxsus tayyorlik darajasini oshirishdan, ularga sport texnikasini va taktikasini o'tgatishdan, irodaviy fazilatlarini tarbiyalashdan, kuchni, tezkorlikni, chidamlilikni, bo'g'imlardagi harakatchanlikni va chaqqonlikni rivojlantirishdan iboratdir.

Asosiy qism ma'zmuni shug'ullanuvchilarning tayyorlik darajasiga ularning yoshiga va jinsiga, trenirovka davriga, yengil atletika ixtisossiga va boshqa sabablarga qarab o'zgaradi. Asosiy qism jismoniy mashqlarini qariyb hamma vaqt ularning nimaga mo'ljallanganiga qarab muayyan tartibda bajarish kerak. Texnikani o'rgatish va takomillashtirishga mo'ljallangan mashqlar, razminkadan keyinroq, yengil atletikachi hali charchamagan vaqtda bajariladi. Agarda texnikani takomillashtirish ko'p kuch talab qilinadigan bo'lsa, bunday mashqlarni keyinroq bajarish ham mumkin. Masalan, bosqon uloqtirish texnikasini takomillashtirishni tezkorlikni o'stiradigan o'rta miyona mashqlardan keyin bajarsa ham bo'laveradi. Ko'proq tezkorlikni rivojlantirishga mo'ljallangan maxsus mashqlar, yugurish, sakrash va uloqtirish odatda qisqa vaqtli, lekin juda jadal bo'lib, atletdan bor kuchini ishga solishni talab qiladi. Ular sal bo'lsa ham har xil sportchini charchatadi, uning idrokini zaiflashtiradi, texnikani o'zlashtirish sharoitini yomonlashtiradi. Shuning uchun tezkorlikni rivojlantiruvchi mashqlar texnikani o'rganish va uni takomillashtirishdan keyin bajariladi. Harakat tezligi maksimal samaraga erishishni istaganda esa, tezkorlik mashqlari bevosita razminkadan keyin qilinadi. Chaqqonlik rivojlantiruvchi mashqlar ham asosiy qism boshida (tezkorlik mashqlari o'rnida yoki ulardan keyin) bajariladi. Texnikani o'rganishga va tezkorlikni rivojlantirishga qaratilgan mashqlardan keyin, har xil og'irliklar bilan va og'irliksiz, gimnastik asboblarda va shu kabi kuch rivojlantiradigan maxsus mashqlar kiritiladi. Yengil atletika sakrashlar, har xil snaryadlarni uloqtirish, har xil takror-takror sakrashlar ham shu bo'linga kiradi.

Tezkorlikni oshirish yoki o'rgatish maqsadidagi mashqlarni kuch rivojlantiruvchi mashqlardan keyin bajarmagan ma'quldir. Chunki bunda harakat tezligi kamayadi.

XULOSA

1.Organ va tizimlarni mustaxkamlash, organizmning funktsional imkoniyatlarini kengaytirish va umumiy jismoniy tayyorgarlik darajasini oshirish kerak degan xulosaga kelindi.

2.Sportchi talaba qizlarda giperkompensatsiya (funktional imkoniyatlarini yuklamagacha bo'lgan darajasini ortirish bilan tiklash) vositasida eng yuqori funksional imkoniyatlar darajasiga erishish.

3.Mikrosikllarni tashkil etishda yengil atletikaning xar bir turiga xos xususiyatlar mavjud. Masalan, sprinterlarda (60, 100m) va (200m - 400m) ikkinchi xafta mashg'ulotlari ancha yengillashtirilgan rejimda o'tkazilishi mumkin, bundan maqsad ortig'i bilan tiklanishni ta'minlash. Kollejda sport bilan shug'ullanuvchi talabalarining musobaqalarga xos yoki undan yuqori tezlik bilan lekin kichikrok xajmda mashq qilish extiyoji bo'ladi, bundan tashqari sportchining alohida xususiyatlarini va eng avvalo. Uning musobaqa oldi mashg'ulotini rejalashtirishning muayyan sxemasiga ko'nikib qolganligi hisobga olinishi lozim. Shunda sportchi talabalarda organizmda bir muncha tiklanish xolati ko'zatiladi. Sur'atini

tezlasha boradigan ritmik baland tovush yordamida ham yugurish va harakatda turg'unlashib qolgan maksimal tezlikni oshirish mumkin. Chunki sprinter o'z qadami jadalligini tovush sur'atiga moslab tashlashga intiladi. Bir mashqda trenirovka qilish natijasida sportchining tezkorligi ortgandan keyin, u boshqa mashqlarni ham tez bajara oladimi yo'qmi ekanini bilish muhimdir. Tajribalar shuni ko'rsatadiki, hosil bo'lgan tezkorlik harakat strukturasi o'xshash bo'lmagan boshqa mashqlarga o'tmaydi. Masalan, sprintda trenirovka qilish natijasida telegraf kaliti bilan ishlash chastotasi oshmaydi. Boshqarilishi o'xshash bo'lgan harakatlarda esa bunday emas. Sprintcha yugurishda hosil bo'lgan tezkorlik fazilati, sakrashda depsinishga va uloqtirishda oyoqni to'g'rilash harakatiga o'tadi.

REFERENCES

1. Aripov Y.Y. Kichik yoshdagi o'quvchilarda uloqtirish harakatlari texnikasini takomillashtirishning zamonaviy uslub va shakllari.T., 2007.35 b.
2. Gancharova O.V. Yosh sportchilarning jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirish. T., Lider Press, 2005.
3. Usmonxo'jayev T.S.,Raximov M.M.,Qudratov R.Q., Meyliyev X.A.,Rasulova T.P.,Qurbanov S.Jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari.T.,O'qituvchi 2005. 350b.
4. Шокиржонова К.Т. Енгил атлетика (мусобақа қоидалари). Ўқув қўлланма. Т., Лидер Пресс, 2007. 352 б.
5. Qudratov R.Q. Sakrash texnikasi asoslari.Talabalarning mustaqil ishi uchun ma'ruza.T., O'zDJTI,1989.26 b.
6. Qudratov R.Q. Sportcha yurish va yugurish texnikasi asoslari.Talabalarning mustaqil ishlari uchun qo'llanma. O'zDJTI,1992.18 b

YO‘L BURILISHLARIDA HARAKATLANAYOTGAN TRANSPORT VOSITASINING TEZLIGIGA YO‘L QOPLAMASI VA OB-HAVO SHAROITLARINING TA‘SIRI

Shohrubbek Ilhomjon ugli Nosirjonov

Farg‘ona politexnika instituti

sh.nosirjonov@ferpi.uz

ANNOTATSIYA

Respublikamizda vodiy viloyatlarini poytaxt va boshqa viloyatlar bilan bog‘laydigan yagona magistral Qamchiq dovonidan o‘tgan. Bu jixat ushbu yo‘lni yuqori darajada intensiv va ahamiyatliligini bildiradi shu sababli cheklangan tezlik yo‘l belgisini o‘rnatishda turli muammolarni keltirib chiqaradi maqola ushbu belgilarni o‘rnatish haqida yottib beradi.

Kalit so‘zlar: transport vositalari, xarakati xavfsizligi, tog‘ iqlim sharoitlari, yo‘l transport xodisalari.

ABSTRACT

The only highway in the country that connects the valleys with the capital and other provinces is the Kamchik Pass. This feature indicates that the road is highly intensive and important, so the limited speed will cause various problems in the installation of the road sign. The article tells about the installation of these signs.

Keywords: vehicles, traffic safety, mountain climate conditions, road traffic accidents.

KIRISH

Ayni paytda O‘zbekiston Respublikasi avtomobil yo‘llari tarmog‘ining umumiy uzunligi 183 ming kilometrdan ortiqdir. Shuning 42,6 ming kilometri umumiy foydalaniladigan avtomobil yo‘llari bo‘lib, ular xalqaro, respublika va mahalliy (viloyat) ahamiyatga ega yo‘llardir [3].


Yer yuzasining tuzilishi jihatidan O‘zbekiston hududi ikki qismga bo‘linadi, 78,7 foiz qismi tekislikdan, qolgan 21,3 foiz qismi tog‘lardan va tog‘ oralig‘idagi botiqlardan iboratdir. Respublikamiz yer yuzasi g‘arb va shimoliy g‘arbdan sharq va janubiy sharq tomon ko‘tarilib boradi [4]. Aytish joizki tog‘li hududlarning iqlimi o‘zgaruvchan va ko‘pincha yog‘ingarchliklar kuzatiladi. Noqulay ob-havo sharoitlarida transport vositalarini



boshqarish esa haydovchilarga qiyinchiliklar tug‘diradi. Bu esa yo‘l transport hodisalarini sonini sezilarli darajada ortishiga sabab bo‘lmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 11 iyuldagi “Yo‘l harakati xavfsizligini ta‘minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori, hamda shu qarorni ijrosini ta‘minlash bo‘yicha ishlab chiqarilgan 2018-2022 yillarda O‘zbekiston Respublikasida yo‘l harakati xavfsizligini ta‘minlash konsepsiyasi mavjud muammolar yechimi yo‘lidagi muhim qadam bo‘ldi, hozirda raqamli tehnologiyalar masofadan turib boshqaruv va intellektual transport tizimlaridan foydalanish harakat havfsizligi tizimida ham juda katta muvaffaqiyatlarga erishishga imkon yaratadi. Quyida O‘zbekistondagi murakkab tog‘li yo‘lning bir bo‘lagi, ya‘ni Qamchiq dovonining 155-kilometri(1-rasm)dagi yo‘lning burilishi misolida, turli ob-havo sharoitlari uchun harakatlanish tezliklarini aniqlash bo‘yicha olib borilgan izlanishlar natijasi keltirilgan.



1-rasm. Tanlab olingan yo‘l bo‘lagi ko‘rinishi

Yo‘l burilishlarida aylanma harakat qilayotgan transport vositasining havfsiz harakatlanishini ta‘minlashning asosiy vazifasi uning turg‘unligini saqlash hisoblanadi. Turg‘unlikni yo‘qotilishi ag‘darilish, yon tomonga sirpanish va yetakchi g‘ildiraklarning shataksirashi kabi ko‘rinishlarda kuzatilishi mumkin. Ag‘darilish va yon tomonga sirpanish holatlari ag‘darilish bo‘yicha kritik tezlik va yon tomonga sirpanish bo‘yicha kritik tezliklari orqali ifodlanadi va quyidagicha aniqlanadi: [1,2]

$$V_{a\varphi} = 3,6\sqrt{gR\varphi}, \text{ km/s} \quad (1)$$

Bu yerda $V_{a\varphi}$ - ag‘darilish bo‘yicha kritik tezlik;

V- transport vositasi koleyasi;

R-yo‘lning aylanma radiusi;

h_g -transport vositasi og'irlik markazidan yergacha bo'lgan masofa;

$$V_{ag'd} = 3,6 \sqrt{\frac{gRB}{2h_g}}, \text{ km/s} \quad (2)$$

Bu yerda $V_{ag'd}$ -yon tomonga sirpanish bo'yicha kritik tezlik;


R-yo'lning aylanma radiusi;

φ -ilashish koeffitsenti;


Ilashish koeffitsenti quydagicha qabul qilindi[2]:

	Quruq yo'l	Nam yo'l	Qorli yo'l	Muzlagan yo'l
φ	0.75	0.4	0.25	0.12

Har bir hol uchun kritik tezliklar va burilish radiusi orasidagi bog'liqlik grafigi quyidagi ko'rinishda tasvirlanadi(2-rasm):



2-rasm. Har bir hol uchun kritik tezliklar va burilish radiusi orasidagi bog'liqlik grafigi Berilgan R=40 m uchun har bir tezliklar grafik yordamida aniqlanadi.



3-rasm. Berilgan R=40 m uchun har bir tezliklar grafik yordamida aniqlanadi.

NATIJALAR

Bundan ko‘rinib turibdiki yo‘l qoplamasi quruq bo‘lganda transport vositasi $V = 62.48 \text{ km/soat}$ tezlik bilan harakatlenganda sirpanish boshlanadi lekin grafik(3-rasm)dan ko‘rinadiki $V = 52.07 \text{ km/soat}$ tezlik ag‘darilish kritik tezligi bo‘lib bundan yuqori tezlikda transport vositasi turg‘unligini yo‘qotgan bo‘ladi. Yo‘l qoplamasi namligida esa $V = 45.07 \text{ km/soat}$ tezlik va undan yuqorida transport vositasi sirpanish bo‘yicha turg‘unligini yo‘qotadi. Yo‘l qoplamasi qor bilan qoplangan holda tezlik $V = 35.63 \text{ km/soat}$ va undan yuqorida transport vositasi sirpanish bo‘yicha turg‘unligini yo‘qotadi. Yo‘l qoplamasi muzlagan vaqtda $V = 24.69 \text{ km/soat}$ tezlik va undan yuqorida transport vositasi sirpanish bo‘yicha turg‘unligini yo‘qotishi ma‘lum bo‘ldi.

XULOSA

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki ob-havoni o‘zgarishi transport vositasining havfsiz harakatlanishiga katta ta‘sir ko‘rsatadi, murakkab ob-havo sharoiti va o‘rtacha ob-havo sharoiti orasida $V = 30 \text{ km/soat}$ tafovut mavjud. Respublikamizda vodiy viloyatlarini poytaxt va boshqa viloyatlar bilan bog‘laydigan yagona magistral Qamchiq dovonidan o‘tgan. Bu jixat ushbu yo‘lni yuqori darajada intensiv va ahamiyatligini bildiradi shu sababli cheklangan tezlik yo‘l belgisini o‘rnatishda turli muammolarni keltirib chiqaradi. Agar tezlik normal ob-havo sharoiti uchun o‘rnatilsa, tajribasiz haydovchilar tomonidan bunday sharoitlarda tezlikni oshirish holatlari kuzatiladi va natijada yo‘l transport hodisasi yuzaga keladi bularni inobatga olgan holatda bunday burilishlarda harakat xavfsizligini ta‘minlash uchun ob-havo sharoiti va qoplama holatiga ko‘ra mos yoki masofadan boshqariluvchi yo‘l belgilarini o‘rnatish tavsiya etiladi.

REFERENCES

1. A.S. Litvinov, Ya.Ye. Farobin. Teoriya ekspluatatsionnykh svoystv. Moskva «Mashinostroenie» 1989.-240 s.
2. S.M.Qodirov, M.O. Qodirxonov - Dvigatel va avtomobillar nazariyasi. Toshkent “O‘qituvchi” 1981-286 s.
3. <http://yib.uz/uz/article/498>
4. <http://geografiya.uz/ozbekiston-tabiiy-geografiyasi/11738-yer-yuzasi-geologik-tuzilishi-va-foydali-qazilmalari.html>
5. Khusanjonov, A. S. O., & Nosirjonov, S. I. O. (2021). Theoretical foundations of the acceleration slip regulation system.

ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(9), 618-623.

6. Fayzullayev, E. Z., Raxmonov, I. S. O., & Nosirjonov, S. I. O. G. L. (2021). TOG'IQLIM SHAROITINING TRANSPORT XARAKATI XAVFSIZLIGIGA TA'SIRINI O'RGANISH. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 53-56.

7. O'G, T. X. S. S., & O'G'Li, N. S. I. (2021). AVTOMOBILLAR BO 'YLAMA ORALIG 'IDA XAVFSIZ MASOFANI MEYORLASH USLUBI. *Academic research in educational sciences*, 2(11), 1179-1183.

8. Ismadiyurov, A. A., & Sotvoldiyev, O. U. (2021). MODEL OF ASSESSMENT OF FUEL CONSUMPTION IN CAR OPERATION IN CITY CONDITIONS. *Academic research in educational sciences*, 2(11), 1013-1019.

9. Алимова, З. Х., Исмадиёров, А. А., & Тожибаев, Ф. О. (2021). ВЛИЯНИЕ ХИМИЧЕСКОГО СОСТАВА МОТОРНЫХ МАСЕЛ НА ВЯЗКОСТНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ. *Экономика и социум*, (4-1), 595-598.

10. Мелиев, Ҳ. О., Исмадиёров, А. А., Шермухамедов, А. А., & Эргашев, Н. Т. (2021). УНИВЕРСАЛ ШАССИЛИ ТРАКТОР ТИРКАМАСИ КУЗОВ ПЛАТФОРМАСИНИНГ ЛЕГИРЛАНГАН ВА ОДДИЙ УГЛЕРОДЛАНГАН ПЎЛАТ МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА КУЧЛАНГАНЛИК-ДЕФОРМАТСИЯЛАНИШ ҲОЛАТИНИ СОНЛИ ТАҲЛИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 2(11), 1107-1113.

11. Ismadiyurov, A. A., & Sotvoldiyev, O. U. (2021). MODEL OF ASSESSMENT OF FUEL CONSUMPTION IN CAR OPERATION IN CITY CONDITIONS. *Academic research in educational sciences*, 2(11), 1013-1019.

12. Абдурахмонов, А. Г., Одилов, О. З., & Сотволдиев, У. У. (2021). АЛЬТЕРНАТИВНЫЕ ПУТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СЖИЖЕННОГО НЕФТЯНОГО ГАЗА С ДОБАВКОЙ ДЕМЕТИЛОВОГО ЭФИРА В КАЧЕСТВЕ ТОПЛИВА ЛЕГКОВОГО АВТОМОБИЛЯ С ДВИГАТЕЛЕМ ИСКРОВОГО ЗАЖИГАНИЯ. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 393-400.

13. Abduraxmonov, A., & Tojiboyev, F. (2021). KORXONADA SHINALAR VA HARAKATLANUVCHI TARKIBNI TAHLIL QILISH VA TEKSHIRILAYOTGAN HARAKAT TARKIBINING XUSUSIYATLARI. *Academic research in educational sciences*, 2(11), 1357-1363

14. Сотволдиев, У., Абдубаннопов, А., & Жалилова, Г. (2021). ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СИСТЕМЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ АКСЕЛЕРАЦИОННОГО СКОЛЬЖЕНИЯ. *Scientific progress*, 2(1), 1461-1466



15. Qobulov, M. A. O., & Abdurakhimov, A. A. (2021). Analysis of acceleration slip regulation system used in modern cars. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 526-531.
16. Qobulov, M., Jaloldinov, G., & Masodiqov, Q. (2021). EXISTING SYSTEMS OF EXPLOITATION OF MOTOR VEHICLES. *Экономика и социум*, (4-1), 303-308.
17. Xusanjonov, A., Qobulov, M., & Abdubannopov, A. (2021). AVTOTRANSPORT VOSITALARIDAGI SHOVQIN SO'NDIRUVCHI MOSLAMALARDA ISHLATILGAN KONSTRUKSIYALAR TAHLILI. *Academic research in educational sciences*, 2(3).
18. Мелиев, Х. О., & Қобулов, М. (2021). СУЩНОСТЬ И НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ОБРАБОТКИ ДЕТАЛЕЙ ПОВЕРХНОСТНО ПЛАСТИЧЕСКИМ ДЕФОРМИРОВАНИЕМ. *Academic research in educational sciences*, 2(3).



СТЕАТИТЛИ ЭЛЕКТРОКЕРАМИКА МАТЕРИАЛЛАРИНИ ОЛИШ УЧУН МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ ВА МИНЕРАЛОГИК ТАРКИБИ ВА ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

М. О. Тўйчиева

Р. Х. Солиев

М. А. Кахарова

Ж. А. Маннонов

Наманган Мухандислик-Қурилиш институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола стеатитли элеткрокерамика материалларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маҳаллий хомашёлар тальк, бентонитнинг янги манбааларини ўрганишга бағишланган. Ўзбекистонда бундай хомашёларнинг қатламлари жуда кўп. Композицион электрокерамик материаллар ишлаб чиқариш учун маҳаллий хомашё ва шолини қайта ишлаш саноат чиқиндисининг кимёвий-минералогик таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари акс эттирилган.

Калит сўзлар: бентонит, тальк, магнезит, физик-кимёвий хосса, стеатитли электрокерамик материал

ABSTRACT

The results of research on the study of chemical and mineralogical compositions and physico-chemical properties of local raw materials and waste from the rice processing industry for the production of composite electro-ceramic materials are reflected. This article is devoted to the study of new sources of local raw materials for the production of steatite electro-ceramic materials talc and bentonite. There are huge deposits of such raw materials in Uzbekistan.

Keywords: bentonite, talk, magnesite, physico-chemical properties, steatite electro-ceramic materials.

КИРИШ

Бутун дунёда юқори физик-механик ва электрофизик хусусиятларига эга бўлган изоляцион электрокерамика материаллар, юқори частотали диэлектриклар, юқори вольтли деталларни ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу



сабабли электрокерамика ва электроизоляцияцион композицион керамик материалларни яратиш ва уларни ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади.

Республикада электротехника саноати учун электрокерамика композицион материалларни яратиш ва ишлаб чиқариш соҳасида бир қанча чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда ва маълум бир натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар Стратегиясида «...илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш...» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, юқори электрофизик ва физик-механик хусусиятларга эга бўлган электрокерамика композицион материалларни самарали таркибларини яратиш, уларни олиш усулларини аниқлаш ва энергия ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги №ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»даги, 2019 йил 24 августдаги №ПҚ-4426-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида» ги, 2020-йил 15-мартдаги №ПҚ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон-2030» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу мақола муайян даражада хизмат қилади.

Бугунги кунда дунёда электрокерамика материаллари энергетика, нефть, металлургия, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқларида кенг қўлланилганлиги сабабли композицион электрокерамика материалларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бу борада электроизоляцияцион юқори частотали диэлектриклар, юқори вольтли деталлар, изоляторлар ва бошқа буюмлар тайёрлаш учун электрокерамика материалларининг самарали таркибини яратиш ва энергия ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга.

Тальк магнезитли электркерамика материалларнинг асосий компоненти хисобланади. Петрографик анализ натижалари кўрсатдики, текширилаётган талькнинг асосий минерали магнезитдир, у гипс, кальцит, кварц, дала шпатилари ва бошқалардан ташкил топган. Магнезит юпка кристалл структурага эга, кристаллари шаффоф, рангсиз, дончалари чўзилган формада, синиш кўрсаткичлари $N_q = 1,700$; $N_p = 1,509$ тенг. Кристаллари тартибсиз катлам ҳолатдаги тузилишга эга, улар орасида магнезит ва доломит жойлашган. Талькнинг зичлиги $2,72-2,80 \text{ г/см}^3$ тенг. Қорақалпоқ тальки яшил-кулранг бўлиб, кимёвий таркибини текшириш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қорақалпоқ талькининг кимёвий таркиби


	П.п.п.	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	TiO ₂	SO ₃	Na ₂ O	K ₂ O
Тальк	13,03	38,06	7,69	7,95	4,2	27,35	-	-	0,57	0,18

Кимёвий текшириш натижалари шуни кўрсатдики, текширилаётган тальк MgOнинг 27,35% гача борлиги билан ҳарактерлидир. Текшириш натижалари талькнинг ўтга чидамлилиги 1570°C эканлини кўрсатди. Талькнинг кимёвий таркибини текшириш натижаларини ГОСТ талаби билан таққослаб, шундай ҳулосага келинди, ўрганилаётган тальк ўзининг таркиби жиҳатидан ПМК-27 маркага мос келади ва магнезитли электркерамик материалнинг омукта таркиби учун компонент сифатида катта қизиқиш уйғотади.

Талькнинг дифференциал-термик анализ натижасида 4 та эндотермик эффект кузатилди (1-расм). Биринчи эндотермик эффект 610°C да магнезитнинг сувсизланиши билан, иккинчи эндоэффект 770°C да доломитнинг магний ва кальций карбонатларига ажралиши билан кечади.

Учинчи эндоэффект 850°C кальций ва магний карбонатларининг парчаланиши билан, тўртинчи эндоэффект 970°C да талькдаги кимёвий боғланган сувнинг йўқолиши билан содир бўлади.

Талькнинг рентгенограммасидан кўриниб турибдики, ўрганилаётган тальк асосан талькдан ($d/n = 0,924; 0,312; 0,234; 0,203; 0,1873 \text{ нм}$) ва темир хлоритдан ($d/n = 0,1354; 0,712; 0,478; 0,356; 0,285 \text{ нм}$) иборат. Ўрганилаётган талькни йирик кристалли, ковушқок (пластик) тузилиши билан ҳарактерланиши аниқланди. Композицион масса таркибига кирувчи талькнинг тузилиши ва кимёвий таркиби композициянинг технологик хоссасига ва электркерамиканинг физик-технологик характерида катта таъсир этади, текширилаётган талькни қиздирилганда содир бўладиган жараёнларни ўрганиш муҳим вазифалардан биридир.



1-расм. Қорақалпоқ талькининг дериватограммаси

Талькининг фаза ўзгаришини ҳароратга боғлиқлиги рентгенфазавий анализ ёрдамида ўрганилди. Рентгенограммадан кўриниб турибдики, куйдирилган тальк магний метасиликати, магний ортосиликати ва темир хлорит кристалл фазаларидан иборат. Магний метасиликати қатлам оралиғида чўққилари $d/n = 0,924; 0,462; 0,328; 0,316; 0,297; 0,288; 0,254$ нм, магний ортосиликати чўққилари $d/n = 0,1065; 0,336; 0,193$ нм ва темир хлорити чўққилари $d/n = 0,1354; 0,712; 0,478; 0,356; 0,285$ нм билан характерланади.

Петрографик анализ натижасида намунадаги магний ортосиликати ёруғликни синдириш кўстакичлари: $N_g = 1,668$ ва $N_p = 1,636$, магний метасиликати $N_g = 1,658$ ва $N_p = 1,650$ иборат эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, ўрганилаётган тальк асосан магний гидросиликатидан, магнезитдан иборат, унда қолдиқ (кўшимчалар) кўринишда кальцит, кварц, дала шпати ва бошқалар бор. Қиздириш вақтида тальк сувсизланади, ва яна ҳарорат кўтарилиши натижасида магний метасиликати ҳосил бўлади.

Қорақалпоқ талькини текшириш натижаларини анализ қилиб, шундай хулоса қилиш мумкин, тальк электркерамик материалларини пишириш вақтида жараёнларни тезлигини ва механизмини бошқариб туради, материални мустаҳкамлигини оширишга ёрдам беради.

Каттакўрғон бентонити ўзининг физик-кимёвий хоссалари ва захираларининг кўплиги нуқтаи назари билан, уни ўрганиш ўзида катта қизиқиш уйғотади. Зокиров М.З. ва бошқалар тупроқни ҳар томонлама ва батафсил ўрганишган. Каттакўрғон бентонитининг яшил ва кулрангли турлари ўрганилган. Текширилаётган бентонит хақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мақсадида, унинг физик-кимёвий ва технологик кўрсаткичларига биз кимё-минералогик таркиби, майдаланиши, қовушқоқлик, ҳавога ва ўтга чидамлилиги, сув ютувчанилик, зичлиги, сиқилишга ва эгилишга бўлган мустаҳкамлигини аниқлаш орқали эришдик.

Бошқа захирадаги бентонитли тупроқни кимёвий анализ натижаларини таққослаб шуни айтиш мумкинки, Каттакўрғон бентонитли тупроқлари ўзининг кимёвий таркиби билан электр ва техника керамикасида ишлатилаётган Огланлин бентонитига яқиндир.

Ўрганилаётган бентонитда SiO_2 Огланлин бентонитига нисбатан камроқ, Al_2O_3 эса кўпроқдир. Каттакўрғон яшил ва кулранг тупроғининг (бўлаги 0,001 мм) ўртача кимёвий таркиби таниқли бўлган Пыжев, Тазказган ва Аскан бентонитли тупроғининг таркиби билан деярли бир хил ва яқиндир. Текширишлар натижасига кўра, бентонитнинг мақбул пишиш ҳарорати 1000°C .

Текширилаётган бентонитни минералогик таркибини электрон-микроскопик, петрографик ва рентгенграфик методлари ёрдамида ўрганилди.

Ўтказилган анализ асосида ўрганилаётган бентонит монтмориллонит тупроғидан иборатлиги, сувда тез буқиши ва тез майдаланиши билан характерланиши, унинг таркибида 50-57% монтмориллонит, 30-36% гидрослюдадар, 8-9% каолинит борлиги аниқланди. Қолдик ҳолида эса кварц, микроклин кўринишидаги дала шпати, кальцит, турмалин ва сфен учрайди. Бентонитнинг пишиш ҳарорати 1000°C , паст ҳароратда деформацияланади ва 1150°C да жипслашади, пишиш ҳолатининг оралиги 50°C .

Ўтга чидамлилиги ва қийин эрийдиган тупроқка нисбатан, термик ишлов беришда бентонитнинг муллит ҳосил булиш жараёни паст ҳароратда (1150°C) бошланади. Шунинг учун уни электрокерамика структурасидаги кристалл фаза муллит ҳосил бўлишига интилувчи эрувчан деб қараш мумкин.

Каттакўрғон бентонити яхши боғловчи ва қовушқоқлик қобилиятига эга бўлгани учун, электркерамик омухтасининг ўтга чидамли ва боғловчи компонент ўрнини босувчи сифатида ўзига нисбатан катта қизиқиш уйғотади. Ижобий кўрсаткичларга эга бўлган бентонитдан ўтга чидамли тупроқ ўрнида фойдаланиш хомашё базасининг кенгайишига ва маҳсулотнинг таннарини пасайишига олиб келади.

Турли хил ишлаб чиқариш чиқиндилари - иккиламчи хомашёлардан фойдаланиш, табиий минерал хомашё ресурсларининг иқтисодий самарасини оширади, бу эса керамика саноати хомашё базаларини кенгайишига олиб келади.

Хар йили Ўзбекистон бўйича 35 минг тонна чиқиндилар ташлаб юборилади, қайсики уларга термик ишлов берилгандан сўнг, улар ўта муҳим кремнезмли хомашёларга айланади.

Проф. А.М. Эминов томонидан кимёвий анализ ёрдамида пиширилмаган ва 1350°C да пиширилган охирги ҳароратда 30 дақиқа ушлаб турилган шолени кайта ишлаш саноати чиқиндисини кимёвий таркиби аниқланди. Бу чиқиндини стеатитли электркерамикасини ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

ХУЛОСА

Комплекс физик-кимёвий анализлар ёрдамида Қорақалпоқ тальки, Каттақўрғон бентонитининг кимёвий-минералогик, гранулометриқ таркиби, физик-кимёвий ва технологик хоссалари аниқланди.

Талькни 1350°C ҳароратда киздирилганда магнийнинг мета- ва орто-силикатлари ҳосил бўлиши аниқланди.

Маҳаллий хомашёлардан тальк, бентонит, каолин ва кремнезми чиқинди асосида стеатитли электркерамика композициясининг мақбул таркиби ишлаб чиқилди.

REFERENCES

1. Туляганова В.С., Абдуллаева Р.И., Тўйчиева М.О., Умирова Н.О., Аззамова Ш.А. Петрографическое и рентгенографическое исследования керамических композиций на основе местного сырья // *Universum: технические науки*. Выпуск: 8(89), Москва, 2021, Часть 2. - С. 117-122 (02.00.00 №1).
2. Туляганова В.С., Абдуллаева Р.И., Тўйчиева М.О., Умирова Н.О., Аззамова Ш.А. Разработка и исследование керамико-технологических и диэлектрических свойств композиционных электрокерамических материалов // *Universum: технические науки*. Выпуск: 8(89), Москва, 2021, Часть 2. – С. 293-298 (02.00.00 №1).
3. Туляганова В.С., Абдуллаева Р.И., Негматов С.С., Тўйчиева М.О., Шарипов Ф.Ф., Валиева Г.Ф. Исследование процесса спекания электрокерамических композиций // *Universum: технические науки*. Выпуск: 10(91), Москва, 2021, Часть 4, - С. 44-46 (02.00.00 №1).
4. Туляганова В.С., Абдуллаева Р.И., Негматов С.С., Тўйчиева М.О., Шарипов Ф.Ф., Джабаров Б.Т., Ходжаева Д.Н. Состав и свойства электрокерамических композиций на основе отхода промышленности // *Композиционные материалы*, №3, 2021, - С. 179-181 (02.00.00 №4).



ТЕХНОЛОГИЯ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК НЕРОДНОМУ СРЕДСТВАМИ ИММЕРСИВНЫХ ОБУЧАЮЩИХ ПРОГРАММ

Гулчехра Саит-Абдуллаевна Махмадиева

Преподаватель Термезского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается о новых перспективах технологии обучения русскому языку как неродному средствами иммерсивных обучающих программ, который станет основой будущей парадигмы образования. Набирающие популярность технологии виртуальной и дополнительной реальности, определяет ключевые позиции в ближайшем будущем, а перспективы использования иммерсивных технологий позволяют по-новому взглянуть на систему взаимодействия человека с компьютером. Особое внимание в статье уделено понятию иммерсивности и использование его в образовании, позволяющей применения качественно, иначе взглянуть на современные технологии погружения

Ключевые слова: технология, иммерсивность, обучающая программа, образование, развитие речи

ВВЕДЕНИЕ

Иммерсивность (от [англ.](#) immersive — «создающий эффект присутствия, погружения») — это способ восприятия, определяющий фактор изменения сознания, в современном мире является важным и частым объектом изучения. Различные примеры эффекта погружения мы наблюдаем в кино, театрализованных представлениях, постоянном взаимодействии с виртуальным сообществом, посредством ПК. Важно отметить, что в образовании тоже можно применить технологию обучения русскому языку как неродному средствами иммерсивных обучающих программ.

Рассматривая понятие иммерсивности, его обычно определяют как погружение в определённые, искусственно сформированные условия. Феномен погружения достаточно широко исследован в различных источниках. Основной акцент в контексте рассматриваемой проблемы сделан на технологические факторы моделирования сознания посредством визуализации искусственного окружения.



ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Понятие иммерсивные технологии, идея создания виртуального мира зародилась в 1930-х гг. и принадлежит Стенли Вейнбауму, описавшему подобный мир в рассказе «Очки Пигмалиона». Именно тогда начали развиваться VR-технологии, но из-за технических ограничений и больших затрат широких возможностей они не открывали. Новый виток развития произошел в 2014 г., когда Facebook приобрел стартап Oculus VR – пионера цифровых технологий. Была выпущена обновленная модель шлема виртуальной реальности, которая произвела настоящий фурор на рынке технологий. В наше время VR набирает обороты и относится к так называемым иммерсивным технологиям — собирательное название всех технологий, которые включают в себя взаимодействие человека с пространством, информацией, контентом. Они стирают грани между реальным и вымышленными мирами, позволяют взаимодействовать и погружаться в информацию и продукт [1].

- Ilmiy bilishning eng umumiy – ilmiy metodi (ongli amaliy va nazariy faoliyat);
- Ilmiy bilishning empirik darajasiga oid umumiy ilmiy metodlar;
- Ilmiy bilishning nazariy darajasiga oid umumiy ilmiy metodlar.

Dastur tarkibi metodik qismining muhim jihati – empirik tadqiqot tuzulmasi, texnika jarayoni va metodlarini asoslashdan iborat.

Tadqiqot tuzulmasi – xususiy metodlar majmui bo‘lib, undan empirik materiallarni to‘plash va tizimlashtirish maqsadida foydalaniladi.

Tadqiqot texnikasi – maxsus metodlarning birligini anglatib, u yoki bu metoddan unumli va o‘z o‘rnida foydalanishni ifoda qiladi.

Amaliy tadqiqot olib borish jarayonida aniq tadqiqot metodlarining ahamiyati ham katta. Ular yordamida dastlabki empirik ma’lumotlar yig‘ib boriladi, ular quyidagi tadqiqot metodlarini o‘z ichiga oladi:

So‘rov metodi – ushbu metodning qulayligi shunda namoyon bo‘ladiki, tadqiqotning kuzatish va eksperiment metodlarini faqat ta’lim jarayonida o‘qituvchilar qo‘llashi mumkin bo‘lsa, so‘rov metodida tadqiqot o‘tkazishga qisqa muddatli tayyorgarlikdan o‘tgan yordamchilarni ham jalb qilish va ular yordamida respondentlarning katta miqdorini qamrab olish mumkin.

Empirik tadqiqot metodi ob’ekt xususida ma’lumot va faktlarni olish, ularni birlamchi qayta ishlash vositasidir. Empirik ma’lumotlar va faktlar keyinchalik nazariy tadqiqot doirasiga kiritiladi.

Nazariy tadqiqot doirasiga kirgan ma’lumotlar va faktlarni tushuntirish o‘ylab topishga, qonun yoki tamoyilni ishlab chiqishga, texnologik ixtiro qilishga olib keladi.

Kuzatish empirik izlanish metodi sifatida:

- a) ob’ektlarni idrok qilsa (kuzatsa) bo‘ladigan xossalar, belgilar va tuzilmalar xususida birlamchi axborot va faktlarni olish;
- b) ob’ekt haqida aniq tasavvur hosil qilish;
- c) nazariy tahlil uchun manba yetkazish vazifalarini bajaradi.

Suhbat – dialog orqali metodi – bu o‘quvchilarni savol – javob orqali berilgan topshiriq asosida bilimlarini mustahkamlashga xizmat qiladi;

Taqdimot – bu o‘quvchilarni nutqiy va kasbiy bilim darajasini aniqlash imkonini beruvchi metod;

Statistika – tahlil qilingan ma’lumotlarni qayta ishlash, isbotlash uchun matematik tahlil metodlaridan foydalanib ishonchli aniq natijalarga erishish.

Bizning tadqiqotlarimiz natijasida Surxondaryo viloyati Boysun tuman 1 – son kasb – hunar maktabida tahsil olayotgan o‘quvchilariga Pydroid va Coding C++ dasturlaridan foydalanish va uni “Mexanika” faniga tegishli mustaqil ta’lim topshiriqlarini bajarish jarayonida qo‘llay olish hamda ularda malaka va ko‘nikmalarini rivojlantirish maqsadida 2

soatlik o'quv trening mashg'ulotini tashkil etdik. O'quvchilarning Pydroid va Coding C++ dasturlaridan o'zlashtirish darajasini aniqlash maqsadida dasturga muvofiq vazifalarini bajarish va uni Likert shkalasi so'rov tadqiqoti orqali tahlil qildik. Ko'pincha respondentlarning muayyan savol yoki bayonotiga qanchalik roziligini so'rash orqali ularning munosabatini o'lchash uchun foydalaniladi. Odatdagi o'lchov "to'liq roziman, ma'qul, men ishonchim komil, qaror qilmayman, qo'shilmayman, qat'iy rozi emasman" bo'lishi mumkin.

Tadqiqotlarimiz asosida tajriba va nazorat guruhlaridan respondentlaridan Pydroid va Coding C++ dasturlaridan foydalanish va uni "Mexanika" faniga tegishli topshiriqlarni bajarish taklifi bo'yicha guruh o'quvchilaridan rozimi yoki yo'qmi degan so'rov bor deylik. Har bir so'rovga javob bo'lib, shkalada quyidagi javoblardan foydalaniladi: to'liq roziman, roziman, be'taraf, rozi emasman, qat'iy rozi emasman. Ushbu misolda biz javoblarni mos ravishda kodlaymiz: qat'iy rozi emasman = 1, rozi emasman = 2, be'taraf = 3, roziman = 4, to'liq roziman = 5

Tartib va intervalli ma'lumotlarni farqlashni e'tiborga olishimiz kerak, chunki ikkala tur ham turli xil tahliliy yondashuvlarni talab qiladi. Agar ma'lumotlar tartibli bo'lsa, biz bir ball boshqasidan kattaroq deb aytishimiz mumkin. Ikki nuqta orasidagi masofani ko'rsatadigan interval ma'lumotlari kabi qanchalik katta ekanligini ayta olmaymiz. Mana Likert shkalasi tuzog'i: ko'plab tadqiqotchilar uni intervalli shkala kabi ko'rib chiqadilar. Bu har bir javob orasidagi farqlar bir xil masofada bo'lishini nazarda tutadi. Haqiqat shundaki, Likert shkalasi bizning misolimizda bu shunchaki javoblar soni ko'p bo'lgan odamlar, kam sonli odamlarga qaraganda, Pydroid va Coding C++ dasturlaridan foydalanish va uni "Mexanika" faniga tegishli topshiriqlarni bajarish taklifi bo'yicha ko'proq rozi bo'lishlarini anglatadi.

Likert shkalasi ma'lumotlarini tavsiflovchi statistika, u raqamli javoblarni qo'lga kiritish va o'rtachani hisoblash maqsadiga qarshi turadi. Bitta "qattiq roziman" (5) va ikkita "qo'shilmayman" (2) javobining kombinatsiyasi o'rtacha to'rttaga teng bo'ladi.

Keyin tadqiqotchilar tomonidan ilgari surilgan gepotezlarni tasdiqlovchi xulosa chiqarish metodlariga o'tadi. Mann – Whitney testi yoki Kruskal – Uollis testi kabi dispersiya metodlarini tahlil qilish yordamida javoblarni bizning misolimizda, tajriba va nazorat guruhlarini mustaqil o'zgaruvchi sifatida Pydroid va Coding C++ dasturlaridan foydalanish va uni "Mexanika" faniga tegishli topshiriqlarni bajarish taklifi bo'yicha savollarga javoblarini tahlil qildik. Aytaylik, bizning ma'lumotlarimiz Pydroid va Coding C++ dasturlaridan foydalanish va uni "Mexanika" faniga tegishli topshiriqlarni

bajarish taklifi bo'yicha respondentlarning javoblarini o'z ichiga oladi, shunda biz Kruskal – Uollis dispersiya testi yordamida respondentlar tajriba va nazorat guruhlarini o'quvchilarining javoblarini tahlil qilishimiz mumkin.

Tanlangan statistik tahlil darajasi uchun quyidagi jadvalga ko'ra, a va b ma'lumotlari uchun darajasining kritik qiymatini aniqlaymiz. Agar olingan U qiymati jadval qiymatidan kichik yoki teng bo'lsa, ko'rib chiqilayotgan tajriba va nazorat guruhlaridagi atribut darajasi o'rtasida sezilarli farq mavjudligi qabul qilinadi (muqobil gipoteza qabul qilinadi). Agar U ning olingan qiymati jadval qiymatidan katta bo'lsa, nol gipoteza qabul qilinadi. Farqlarning ahamiyati qanchalik katta bo'lsa, U qiymati shunchalik kichik bo'ladi.


Pydroid va Coding C++ dasturlaridan foydalanib "Mexanika" fanidan "Tasmali uzatmalarining kinematikasini aniqlash" mavzusida ma'lumotlar bazasini tuzamiz:

Namuna sifatida quyidagi masalani yechimini aniqlovchi dasturini yaratamiz:

1 – rasmdagi yukni noma'lum harakat tenglamasi uchun chiziqli tezligini aniqlang, shuningdek mexanizmni M nuqtasining urinma, normal va to'la tezlanishini hamda ma'lum vaqt oralig'idagi yuk bilan yuradigan yo'l S ni aniqlang.

Berilgan:

$R_2=50$ sm; $r_2=30$ sm; $R_3=40$ sm; $S=45$ sm; yukning harakat qonuni $x=5 + 2t$ sm (t – vaqt).



1 – rasm.

Dasturni identifikatsiya qiluvchi materiallar dastlabki matni (Dastur kodi)
masala =("Tasmali uzatma shakllarining aylanma harakatidagi tezlik
va tezlanishini aniqlash.")
print(masala)

```
qiymatlari = ('Shu berilgan qiymatlardan foydalanamiz: R2=50 sm, r2=30 sm, R3=40
sm, yukning harakat qonuni t=((5-x)/2), x=1')
print(qiymatlari)
bir = ('Birinchii ish t ni topish, t=((5-x)/2):')
print(bir)
natija = ('Natija:')
print(natija)
x = 1
t=((5-x)/2)
print(int((5-x)/2))
ikki = ('A nuqtaning chiziqli tezligi yukning tezligiga teng bo'lganda: (VA)=(20*t); Bu
yerdan VA=? ni topamiz: ')
print(ikki)
natija = ('Natija:')
print(natija)
t = 2
VA = (int((20*t)))
print(VA)
uch = ('C nuqtada bog'lanishda bo'lgan 2 g'ildiraklar chetki qismida joylashgan A va B
nuqta yordamchi birlikka ulanadi, uning chiziqli tezligi B nuqta tezligiga teng bo'lganda: (VA)=
(VC)')
print(uch)
natija = ('Natija:')
print(natija)
VA = 40
VC = VA
print(VC)
to'rt = ('C nuqta 2 g'ildirakning chiziqli tezligi va burchak tezligi w2 quyidagicha
aniqlanadi: w2=(VC)/(R2)')
print(to'rt)
natija = ('Natija:')
print(natija)
VC = 40
R2 = 50
w2=(float((VC)/(R2)))
print(w2)
besh = ('D nuqtasi 2 g'ildirakka tegishli va kichikroq radiusda joylashgan. 2 g'ildirakning
burchak tezligi w2 berilgan bo'yicha D nuqtaning chiziqli tezligi quyidagicha aniqlanadi: VD=
w2*r2')
print(besh)
natija = ('Natija:')
print(natija)
```

```
w2 = 0.8
r2 = 30
VD =(int(w2*r2))
print(VD)
olti = ('Moslanuvchan bog'lanish yordamida 3 g'ildiraklarda joylashgan E nuqta 2
g'ildirakka ulanadi, shuning uchun uning chiziqli tezligi D nuqtasi tezligiga teng bo'lganda: (VD) =
(VE)')
print(uch)
natija = ('Natija:')
print(natija)
VD = 32
VE = VD
print(VE)
yetti = ('M nuqta 3 g'ildirakning chiziqli tezligi va burchak tezligi w3 quyidagicha
aniqlanadi: w3=((VE)/(R3))')
print(to'rt)
natija = ('Natija:')
print(natija)
VE = 32
R3 = 40
w3=(float(VE/R3))
print(w3)
sakkiz = ('M nuqtaning urunma tezlanishi: at=(w3/t)*(R3)')
print(sakkiz)
natija = ('Natija:')
print(natija)
w3 = 1.6
R3 = 40
t=2
at =(float(w3/t))*(int(R3))
print(at)
to'qqiz = ('M nuqtaning urunma tezlanishi: an=(((w3)^2)*(R3)')
print(to'qqiz)
natija = ('Natija:')
print(natija)
w3 = 1.6
R3 = 40
an =float(w3**2)*int(R3)
print(an)
o'n = ('M nuqtaning urunma tezlanishi:
a=(sqrt(((w3)^2)+(((w3)/t)^2)))')
print(o'n)
```



```
natija = ('Natija:')  
print(natija)  
w3 = 1.6  
R3 = 40  
t = 2  
a=float(w3**2) + float((w3)/t)**2  
print(a)
```

NATIJALAR

Tadqiqotlar asosida mavjud muammoni hal etishda Pydroid va Coding C++ dasturlari yordamida “Mexanika” faniga tegishli topshiriqlarni bajarish jarayonida professional ta’lim muassasalari o‘quvchilarining mustaqil ta’limni tashkil etishlarida strategik yo‘nalishlarni ishlab chiqish va bu orqali Pydroid va Coding C++ dasturlari yordamida pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalanib ta’lim jarayoni samaradorligini oshirish hisoblanadi. Shu sababli, ushbu jarayonda Pydroid va Coding C++ dasturlari yordamida vazifalarni bajarish va tadqiqot ishlari samaradorligini baholash hamda mavjud muammolarni hal etishda ta’lim muassasalari o‘quvchilariga dasturlash tillari yordamida ma’lumotlar bazasini yaratish jarayonlari yanada tushunarli bo‘lishi va o‘quvchilarning o‘zlashtirish jarayonida qulaylik yaratish maqsadida o‘quvchilar uchun 2 soatlik o‘quv trening mashg‘ulotlari tashkil etdik hamda o‘quv qo‘llanmalar taqdim etdik. O‘quvchilarning o‘quv trening mashg‘ulotida olingan bilimlar ko‘rsatkichlarini empirik tadqiqotlar ya’ni so‘rov metodidan foydalanib aniqlandi va uni Mann – Whitney testidan foydalanib aniqlandi.

Mann – Whitney testini qo‘llash uchun quyidagi operatsiyalarni bajarishimiz kerak:

1. Har ikkala taqqoslangan tajriba va nazorat guruhlaridan bitta darajali qatorni tuzamiz, ularning elementlarini xususiyatining o‘shish darajasiga ko‘ra tartibga solamiz va kichikroq qiymatga pastroq daraja bering (agar so‘rovda takroriy elementlar mavjud bo‘lsa, o‘rtacha darajadan foydalanamiz). Javoblarning umumiy soni quyidagi tenglikka teng bo‘ladi: $N=a+b$

bu yerda: a – tajriba guruhidagi javoblar soni va b – nazorat guruhidagi javoblar soni.

2. Yagona tartiblangan qatorni mos ravishda tajriba va nazorat guruhlari javoblariga to‘g‘ri keladigan tashkil etuvchini ikki bo‘lakka bo‘lamiz. Tajriba guruhidagi A javoblarining o‘rtacha foizi yig‘indisi hamda nazorat guruhlaridagi B javoblarining o‘rtacha

foizi yig'indisi bo'yicha alohida hisoblab chiqiladi va quyidagicha ifodalaniladi:

$$U_1 = a \cdot b + a(a+1)/2 - A$$

$$U_2 = a \cdot b + b(b+1)/2 - B$$

agar barcha tadqiqotlar to'g'ri bo'lsa, unda: $U_1 + U_2 = a \cdot b$ yoki $A + B = N(N + 1)/2$

Quyidagi formuladan foydalanib, Mann – Whitney statistik qiymatini aniqlaymiz:

$$U = \min\{U_1, U_2\}$$

Hisoblash ishlari:

$$a = 22;$$

$$b = 20;$$


$$N = a + b = 22 + 20 = 42$$

$$A + B = N(N + 1)/2 = 42(42 + 1) = 903/100\%$$

Demak, so'rov natijalariga ko'ra tajriba guruhida 2 nafar to'liq rozi, 4 nafar rozi, 4 nafar be'taraf, 2 nafar va 8 nafar qat'iy rozi emas ya'ni $A = 2 \cdot 5 + 4 \cdot 4 + 4 \cdot 3 + 4 \cdot 2 + 8 \cdot 1 = 54,3$ natija ko'rsatdi. Nazorat guruhida esa, 1 nafar to'liq rozi, 2 nafar rozi, 2 nafar be'taraf, 2 nafar rozi emas va 13 nafar qat'iy rozi emas ya'ni

$$A = 1 \cdot 5 + 2 \cdot 4 + 2 \cdot 3 + 2 \cdot 2 + 13 \cdot 1 = 36$$
 natija ko'rsatdi.

Tajriba va nazorat guruhi o'quvchilarining natijalariga ko'ra, ularning o'zlashtirish natijalari taqqoslaganda, tadqiqot tajriba guruhining natijalari nazorat guruhi natijalariga nisbatan mustaqil ta'limni tashkil etishda Pydroid va Coding C++ dasturlaridan foydalanish natijalariga ko'ra samarali natija ko'rsatdi va quyidagi diagramma orqali tavsiflandi 1 – diagramma.



1 – diagramma. Natijalar ko'rsatkichi

MUHOKAMA

Natijalarning ilmiy yangiligi shundaki, biz professional ta'lim muassasalari o'quvchilarining mustaqil ta'lim jarayonini samaradorligini oshirish maqsadida namuna sifatida Surxondaryo viloyati Boysun tuman 1 – son kasb – hunar maktabida empirik tadqiqotlarini o'tkazdik. Tadqiqot jarayonida respondentlar tajriba guruhida 22 nafar, nazorat guruhida esa 20 nafar o'quvchi qatnashdi. Professional ta'lim muassasalari o'quvchilarining mustaqil ta'lim jarayonini samaradorligini oshirish maqsadida empirik tadqiqotlar tashkil etildi. Empirik tadqiqot ishlarini amaliyotga joriy etish maqsadida Boysun tuman 1 – son kasb – hunar maktabi birinchi bosqich o'quvchilari va Termiz muhandislik – texnologiya instituti Umumkasbiy fanlar kafedrasida o'qituvchilarining tajribada ishtirok etish tartibi ko'rib chiqildi va kafedra yig'ilishida muhokama qilindi. Muhokama tartibi, berilgan takliflar va qarorlar natijalari yig'ilish (2022 yil martidagi № 12 bayonnoma)da qayd etildi.

XULOSA

Yangi professional ta'lim muassasalarida ta'lim mazmuni, soni va sifati, ta'lim dasturlari, texnologiyalarining isloh qilinishi oqibatida bir qancha o'zgarishlar amalga oshirildi. Hozirgi vaqtda Termiz muhandislik – texnologiya instituti Umumkasbiy fanlar kafedrasida o'qituvchilari tomonidan Boysun tuman 1 – son kasb – hunar maktabida tahsil olayotgan o'quvchilari uchun Pydroid va Coding C++ dasturlari yordamida “Mexanika” faniga tegishli topshiriqlarni bajarish maqsadida o'quv trening mashg'ulotlari tashkil etildi. Tadqiqot jarayonlarida tajriba va nazorat guruhlari uchun Pydroid va Coding C++ dasturlari yordamida “Mexanika” faniga tegishli topshiriqlarni bajarish, ularning o'zlashtirish ko'rsatkichlari taqqoslab olindi hamda amaliy dasturlaridan foydalanish natijasida dars mashg'ulotlari hamda mustaqil ta'lim jarayonida ijobiy natijalarga erishildi.\

REFERENCES

1. Bazar Dzhumaevich Ulugov, S. U. (2021). Application of Pedagogical Information Technologies in the Educational Process of Universities in Uzbekistan. *International Journal of Information and Communication Technology Education*, 1-17.
2. BEHERA, P. D. (2013). E- AND M-LEARNING: A COMPARATIVE STUDY. *International Journal on New Trends in Education and Their Implications*, 65-78.



3. Dzhumaevich, U. B. (2020). EFFICIENCY OF USE OF AUTODESK INVENTOR ENGINEERING PROGRAMS AND PEDAGOGICAL INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE FIELD OF RESISTANCE OF MATERIALS IN THE PROCESS OF TEACHING STUDENTS OF TECHNICAL UNIVERSITIES. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 130-143.
4. Fernando Moreira, M. J. (2016). Evolution and use of mobile devices in higher education: A case study in Portuguese Higher Education Institutions between 2009/2010 and 2014/2015. *Telematics and Informatics*, 838-852.
5. Heitink, M. V. (2017). Eliciting Teachers' Technological Pedagogical Knowledge. *Australasian Journal of Educational Technology*, 33(3).
6. Luiz Migel Renda dos Santos, S. O. (2015). Planned e-learning adoption and occupational socialisation in Brazilian higher education. *Studies in Higher Education*.
7. Mazen Ismaeel Ghareb, S. A. (2015). The Role Of E-Learning In Producing Independent Students With Critical Thinking. *International Journal Of Engineering And Computer Science*, 15287-15297.
8. Mouza, C. Y. (2017). Computational Thinking Approach to the Development of Technological Pedagogical Content Knowledge. *Australasian Journal of Educational Technology*, 33(3).
9. Olga V. Yanuschik, E. G. (2015). E-learning as a Way to Improve the Quality of Educational for International Students. *International Conference for International Education and Cross-cultural Communication*. (pp. 147-155). Tomsk, Russia: Tomsk Polytechnic University.
10. Rao, P. S. (2019). THE IMPORTANCE OF TEACHING LANGUAGE SKILLS TO THE SECOND OR FOREIGN LANGUAGE LEARNERS OF ENGLISH: A COMPREHENSIVE STUDY. *South Asian Academic Research Journals*, 6-19.
11. Ulugov, B. (2020). EFFICIENCY OF USE OF AUTODESK INVENTOR ENGINEERING PROGRAMS AND PEDAGOGICAL INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE FIELD OF RESISTANCE OF MATERIALS IN THE PROCESS OF TEACHING STUDENTS OF TECHNICAL UNIVERSITIES. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 130-143.
12. Víctor Revilla-Cuesta, M. S.-L. (2020). Student Perceptions of Formative Assessment and Cooperative Work on a Technical Engineering Course. *Sustainability*, 2-17.

13. Y. Sugimoto, H. S. (2016). 4D CAD-based evaluation system for crane deployment plans in construction of nuclear power plants. *Automation in Construction*, 87-98.
14. Yan Dong, C. X. (2019). Exploring the Structural Relationship Among Teachers' Technostress, Technological Pedagogical Content Knowledge (TPACK), Computer Self-efficacy and School Support. *The Asia-Pacific Education Researcher*, 147-157.



BEHINING (CYDONIA OBLONGA MILL) MORFO-BIOLOGIK XUSUSIYATLARI VA ISTIQBOLLI NAVLARINI O'RGANISH

Ixtiyor Choriyevich Namozov

Toshkent davlat agrar universiteti, dotsent

Ihtiyor_8226@mail.ru

Akmal Xoliqov

O'simliklar genetik resurslari ITI, tayanch doktorant

ANNOTATSIYA

Maqolada behining morfo-biologik xususiyatlari, kelib chiqishi, tarqalishi va mevasining foydali xususiyatlari to'g'risidagi ma'lumotlar keltirilgan. Respublikamizda qishloq xo'jaligi ekinlarining yo'qolib ketish xavfi ostida bo'lgan noyob belgi va xususiyatlarga ega meva turlariga, shu jumladan shifobaxsh ahamiyatga ega bo'lgan behi o'simligining qadimiy navlarini ko'paytirish, ona bog'larini yaratish hamda seleksiya uchun birlamchi manbalar ajratib olish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Kalit so'zlar: behi, nav, o'simlik, daraxt, meva, mevalar tarkibi, tuproq, harorat, namlik, kasallik, zararkunanda, hosil.

ABSTRACT

The article presents data on the morpho-biological characteristics, origin, distribution and useful properties of quince fruits. Particular attention is paid to the conservation of species of fruit crops with unique characteristics and properties that are on the verge of extinction, in particular, the reproduction of native varieties of quince with high useful properties, the laying of their mother gardens, and the allocation of primary materials for breeding purposes is an urgent issue.

Keywords: quince, variety, plant, tree, fruit, content, soil, temperature, humidity, diseases, pests, yield.

KIRISH

Bog'dorchilikni rivojlantirish bir tomondan davlatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishga hissa qo'shsa, ikkinchi tomondan xalq ijtimoiy holatini boyitadi. Bu boradagi ishlarni rivojlantirish maqsadida, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 24

avgustdagi “Qishloq xo‘jaligi ekinlarining yo‘qolib ketish xavfi ostida bo‘lgan noyob belgi va xususiyatlarga ega mahalliy navlarni qayta tiklash va ularni urug‘chiligini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 504-son Qarori [1], shuningdek, 2019 yil 20 martdagi “O‘zbekiston Respublikasida bog‘dorchilik va issiqxona xo‘jaligini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi Qarorlari ijrosini ta‘minlash maqsadida, respublikada qishloq xo‘jaligi ekinlarining yo‘qolib ketish xavfi ostida bo‘lgan noyob belgi va xususiyatlarga ega meva turlariga, shu jumladan qadimdan shifobaxsh ahamiyatga ega bo‘lgan behi o‘simliga ham e‘tiborni kuchaytirish, hozirda yo‘qolib ketish xavfi bo‘lgan behi navlarining ko‘chatlarini ko‘paytirish shu bilan birga behi ona bog‘larini yaratish talab etiladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Behi seleksiyasida navlar aro chatishtirish keng qo‘llaniladi va ota-ona juftlari ekologik-geografik tamoyil asosida tanlanadi. Ular geografik va ekologik jihatdan qancha uzoq bo‘lsa, shuncha yaxshi natija beradi. Duragaylarda zarur bo‘lgan belgi va xususiyatlarni mujassamlantirish ancha oson. Ota-ona juftlarini tanlashda mevasining sifatiga, ayniqsa biologik aktiv moddalar miqdoriga katta ahamiyat berish kerak. O‘zini o‘zi changlayoladigan navlardan ona shakli sifatida foydalanish yaxshi natija beradi [2; 84-85 b.].

O‘zbekistonda yetishtiriladigan behi mevasi tarkibida (yangi uzilganida) 75-80% suv; 8,5% dan 15,2% gacha shakar, 1,5-2,0% olma va limon kislotalari, 0,4-1,0% turli kislotalar, 0,4-0,7% oshlovchi moddalar bor. Behi tarkibida S, V₁, V₂, RR vitaminlari va A provitamini bor. Mineral tuzlardan natriy, kaliy, kal’siy, magniy, fosfor, temir, kobal’t, al’yuminiy, bor, nikel’, titan, mis, marganets, rux va boshqalar uchraydi. Behi urug‘i va urug‘ kosachalarida 20 % gacha shilliq amigdalin glikozidi; 8 % dan oshiq moy va bo‘yoq moddalari bor [3; 10-15 b.], [6].

Behi eng qadimiy o‘simliklardan bo‘lib, bizning mamlakatimizda keng tarqalgan. U buta yoki daraxt sifatida o‘sib, bo‘yi 1,5 m dan 8 m gacha yetadi. Ko‘p ildiz bachki chiqaradi. Novda va kurtaklari, barg bandi tuk bilan qoplangan. Guli ko‘pincha yakka-yakka, oq yoki och pushti rangda, yirik bo‘lib, shu yil o‘sib chiqqan kalta novdalar uchida, barglar qo‘ltig‘ida joylashadi. Kech gullaydi. Behi mevalari limon rangida yoki to‘q sariq, tuk bilan qoplangan bo‘ladi, yetilganda tuki to‘kilib ketadi. Behi kech pishadi, uzoq joylarga yuborishga va saqlashga chidamli. Har tupidan 200 kg gacha hosil olinadi. Ildiz bachkisidan va qalamchasidan ko‘paytiriladi [4; 14-15 b.], [5; 20-25 b.].



Dala tajribalari O'simliklar genetik-resurslari ilmiy-tadqiqot institutining kolleksiyasidagi mavjud behining 30 ta navidan iborat tajriba maydonida o'rganiladi.

Dala va laboratoriya tajribalari «O'simliklar genetik-resurslari ilmiy-tadqiqot instituti uslubi», «Butunrossiya o'simlikshunoslik ilmiy-tadqiqot instituti uslubi» va «Dala tajribalarini o'tkazish uslublari» bo'yicha, o'simliklarda fenologik kuzatuvlar va biometrik o'lchovlar «Qishloq xo'jalik ekinlari navlarini sinash davlat komissiyasining uslubi» hamda X.Ch.Buriyev va boshqalarning «Mevali va rezavor mevali o'simliklar bilan tajribalar o'tkazishda hisoblar va fenologik kuzatuvlar metodikasi» (2014), asosi bo'yicha amalga oshiriladi.

NATIJALAR

Behi juda qadimiy ekin hisoblanadi. O'rta Osiyoda eramizdan oldin ma'lum bo'lib, bizga Eron davlatining shimoliy qismlaridan kirib kelgan. O'zbekistonda urug'idan ko'paytirish natijasida, mahalliy sharoitimizga moslashgan mevalari tubdan farqlanadigan, xo'jalik va tovarlilik belgilari hamda daraxt shakli yaxshilangan, madaniy formalari yaratilgan.

O'zbekistonda ikki turdagi behi: oddiy jaydari behi (*Cydonia oblonga* Mill) va Yapon behi (*Chaenomeles Japonica* Hinde) uchraydi. Madaniy holda oddiy jaydari behi tarqalgan. Ko'p ildiz bachki chiqaradi. O'zbekiston bog'dorchiligida asosan daraxt hoida o'stiriladi. Barcha turdagi meva ekinlar qatorida, behi o'simligini parvarishlashda ham tashqi muhit omillari katta ahamiyatga ega.

Behi o'simligi issiqqa talabchan. Uning yaxshi o'sib rivojlanishi hamda meva kurtaklarining shakllanishi uchun o'rtacha optimal harorat 15-20 daraja hisoblanadi.

Namlilik ham, behi o'simligi uchun muhim ahamiyatga ega, lekin namlilik yetishmagan hollarda qurg'oqchilikka yaxshi chiday oladi. Bunda u, bug'lanishni kamaytiradi va tuproqning o'ta namsizligiga qarshi barglarini burushtiradi. Tuproq namligi normal bo'lganda sifatli va mo'l hosil beradi.

U olma va nokka nisbatan tez – 2-3 yilda hosilga kiradi. Behi qurg'oqchilikka chidamli, olma va nokka nisbatan issiqqa ko'proq talabchan, sovuqqa ham nisbatan bardoshli ($-27 S^0$) hisoblanadi. O'ta past ($-30 S^0$) haroratda meva kurtaklari, bir yillik va qarigan eski shoxlari zararlanadi.

Behi erta hosilga kiradi va 35-40 yilgacha mo'l hosil beradi, 50-60 yilgacha umr ko'radi. Behining mahalliy tur urug' ko'chatlari behi uchun eng yaxshi payvandtak hisoblanadi. Bulardan Namangan viloyati uchun "SHirin" va "Nordon", Farg'ona viloyati uchun oddiy "Quva" (chillagi behi), Buxoro viloyati uchun "Turush", Xorazm viloyati

uchun “Almurut” behi, Samarqand viloyati uchun yirik mevali “Samarqand” navlari tavsiya etiladi. Respublikamizning qolgan boshqa viloyatlari uchun eng yaxshi mahalliy navlarning urug‘ ko‘chatlaridan foydalanish mumkin. “Ayva-A” va “VA-29” tipdagi payvandtaklar behi uchun eng yaxshi payvandtak hisoblanadi.

1-jadval

Behining mahalliy navlarining o‘shish ko‘rsatkichlari

T/r	Nav	Daraxt yoshi, yillar	Daraxt balandligi, m	Tanasining diametri, sm	Hosildorligi, kg
1	SHirin	10-15	4,8	75	80
2	Nordon	10-15	4,5	80	100
3	Achchiq	10-15	4,8	75	60
4	Quva	10-15	5,0	90	100
5	Olma shaklli	10-15	5,5	80	90
6	Nok shaklli	10-15	8,0	110	100

MUHOKAMA

Behi ekinlari haydalma qavati o‘rtacha va yengil qumoq tuproq bo‘lgan madaniylashgan bo‘z tuproqlarda yaxshi hosil beradi. Sizot suvlari yer sathidan kamida 1,5-2,0 m, sho‘r tuproqlarda 2,5-3,0 m chuqurda joylashgan maydonlar ajratiladi. Behi ko‘chatlarini o‘tqazish sxemasi sug‘oriladigan bo‘z tuproqlarda 6x4 m, shag‘alli-qumoq tuproqlarda 5x4 m, pakana (“A”-tipdagi va VA-29) payvantakda 5x3,5 - 4 m sxemasida ekiladi. Behi daraxtini joylashtirishda o‘shishi va hosil berishiga zarar yetkazmagan holda o‘simliklarning oziqlanish maydonidan imkoni boricha to‘laroq foydalanish ko‘zda tutiladi.

Meva daraxtlari to‘liq hosilga kiringuncha gektariga kuzda 40-50 kg hajmda fosfor, 30-40 kg hajmda kaliy, bahorda 60-70 kg azot o‘g‘itlari solinadi.

Hosilli behi bog‘lariga har 2-3 yilda bir marotaba chirigan go‘ng (gektariga 20-30 t), azot gektariga 120 kg, fosfor gektariga 90 kg, kaliy gektariga 45 kg sof holda solinadi.

XULOSA

Behi bog‘i barpo qilinadigan maydonning tuproq-iqlim sharoiti meva ekinlari uchun qulay bo‘lishi lozim, ayniqsa, harorat omili hal qiluvchi ahamiyatga ega. O‘zbekistonning hamma tuproq-iqlim sharoitli hududlarda meva ekinlari o‘shishi mumkin. Lekin ulardan yuqori

va sifatli hosil olishda tashqi muhit omillarining qulay bo‘lishi katta ahamiyatga ega.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 24 avgustdagi “Qishloq xo‘jaligi ekinlarining yo‘qolib ketish xavfi ostida bo‘lgan noyob belgi va xususiyatlarga ega mahalliy navlarni qayta tiklash va ularni original urug‘chiligini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 504-son qarori.
2. Bo‘riyev H., Baymetov K., Jo‘rayev R. Meva ekinlari seleksiyasi va navshunosligi. Toshkent-2001. 84-85 b.
3. Mirzaxidov U., Obidjonov D.A. Behi yetishtirish. Toshkent-2021. 10-15 b.
4. Normuratov I.T., Asatov SH.I., Mamatkulov A.V., Namozov I.CH., Achilov M.U. Mevachilik va sabzavotchilik. Toshkent-2020. 14-15 b.
5. Ostonoqulov T.E., Narziyeva S.X. Mevachilik asoslari. Toshkent -2010. 20-25 b.
6. <https://agronet.uz>



IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA O`ZBEKISTONDA EVAKUATSIYA JARAYONLARI: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR (OLIV TA'LIM MUASSASALARI MISOLIDA)

Ismoil Salomov

Qarshi davlat universiteti doktoranti

ismoilsalomov6661@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Ikkinchi jahon urushi yillarida amalga oshirilgan evakuatsiya jarayonlari (asosan, oliy o`quv yurtlari va ilmiy tashkilotlar) haqida ma`lumot berilgan. Evakuatsiya jarayonlarida vujudga kelgan muammolar va ularning bartaraf etilishi, ko`chirib keltirilgan oliy ta`lim muassalari va tashkilotlari uchun o`quv binolari va talabalar turar-joylarining ajratilishi, o`quv jarayonlarining urush talablari asosida qayta qurilganligi, ko`chirilgan oliy ta`lim muassalarining mahalliy oliy o`quv yurtlari bilan birlashtirilishi haqidagi ma`lumotlar arxiv materiallari yordamida ochib berishga harakat qilingan.

Kalit so`zlar: Evakuatsiya, institut, inventarizatsiya, auditoriya, universitet, oliy ta`lim

KIRISH

Barchamizga ma`lumki, urush har doim insoniyat uchun talofatlarga boy bo`lgan jarayon bo`lib kelgan. Unda kimdir ozodligini, kimdir o`z Vatanini, yana kimdir o`z oilasini, farzandlarini, yo`qotadi. Inson paydo bo`lgandan beri sodir bo`lgan urushlar uchida eng katta talofat keltirganlari, albatta, Birinchi va Ikkinchi jahon urushlaridir. Ayniqsa, Ikkinchi jahon urushi sodir bo`lgan hududlarda mahalliy aholi vakillari anchagina og`ir sinovlarni boshidan o`tkazdi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

1941-yil 22-iyunda xoinlarcha Gitler Germaniyasining SSSR hududiga bostirib kirishi (1939-yil 23-avgustda bu ikki davlat o`rtasida 10 yilga mo`ljallangan “O`zaro hujum qilmaslik to`g`risida” bitim bo`lishiga qaramasdan¹) oqibatida urush harakatlari SSSR hududiga va uning tarkibida mavjud bo`lgan davlatlarga ko`chadi².

¹1939-yil 23-avgustdan 24-avgustga o`tar kechasi tuzilgan Germaniya va SSSR o`rtasida “O`zaro hujum qilmaslik to`g`risida”gi pakt “Molotov-Ribbentrop pakti” nomi bilan ham tanilgan

² Мельтюхов М.И. Упущенный шанс Сталина. Советский Союз и борьба за Европу: 1939-1941. — М.: Вече, 2000. Ст-12



Juda qisqa vaqtda mamlakat hayotini urush talablariga moslashtirish, deyarli barcha sohani g'alaba uchun safarbar etish uchun SSSR va uning tarkibida mavjud bo'lgan 15 ta respublikadagi barcha salohiyatli kadrlar, jumladan, olimlar, tadqiqotchilar, mutaxassislarining yetuk aqliy salohiyatlaridan keng foydalanildi. Ana shu suronli yillarda SSSR intellegensiyasini saqlab qolish, ishlab chiqarish sanoatini dushmanga boy bermaslik, fan-texnika yutuqlarini va uning rivojini asrab qolish uchun evakuatsiya, ya'ni urush sodir bo'lish xavfi past bo'lgan hududlarga ularni ko'chirish ishlari amalga oshirildi.

“Sizlarga ma'lumki, keyingi yillarda xalqimizning buyuk G'alabaga qo'shgan ulkan hissasini har tomonlama o'rganish va targ'ib etish bo'yicha yurtimizda katta ishlar amalga oshirilmoqda. Bu borada ilgari yopiq bo'lgan arxiv hujjatlari ochilgani, sobiq Ittifoq respublikalari va chet eldagi arxiv tashkilotlari, muzey va fondlar, olim va mutaxassislar, keng jamoatchilik bilan hamkorlik kuchaygani muhim ahamiyatga ega bo'lmoqda.

Shu nuqtai nazardan qaraganda, Ikkinchi jahon urushi to'g'risidagi bor haqiqatni aniqlash va xalqimizga yetkazish, ajdodlar xotirasini abadiylashtirish bo'yicha hali ko'p ish qilishimiz kerak. Yurtimizdagi har bir qishloq, mahalla va ta'lim muassasasi, davlat va nodavlat tashkilotlar, keng jamoatchiligimiz urush ishtirokchilariga doir materiallarni to'plash va targ'ib etishda yanada faol ishtirok etadilar, deb ishonaman. Ayniqsa, zamonaviy ilm-fanlarni, xususan, milliy tariximizni katta qiziqish va mehr bilan o'rganayotgan yoshlarimizdan bu borada yangi tashabbus va harakatlarni kutib qolamiz”³.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Urushning dastlabki bosqichida, O'zbekistonga evakuatsiya qilingan oliy ta'lim muassasalari va tashkilotlar haqida ma'lumotlar quyidagicha:

1. Moskva arxitektura instituti O'zbekiston hududiga evakuatsiya qilinib, tegishli institut bilan birlashtirilgan;
2. Leningrad elektrotexnika instituti (32 nafar professor-o'qituvchilar, 153 nafar talabalari bilan) O'rta Osiyo sanoat institutiga joylashtirilishi ko'zda tutilgan;
3. Leningrad qurilish-muhandislik instituti (27 nafar professor-o'qituvchilar, 236 nafar talabalari bilan) Moskva arxitektura instituti bilan birga joylashtirilishi taxmin qilingan;
4. Leningrad to'qimachilik instituti (9 nafar professor-o'qituvchilari, 102 nafar

³ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “Xotira va qadrlash kuni”ga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. T. Yangi O'zbekiston. № 94 (350), 2021-yil 10-may.



talabalari bilan) Toshkent tekstil institutiga joylashtirilishi ko`zda tutilgan;

5. Leningrad kino-muhandislar instituti (15 nafar professor-o`qituvchilar, 122 nafar talabalari bilan) Samarqanddagi kino-foto ilmiy-tadqiqot instituti bilan birlashtirilishi ko`zda tutilgan;

6. Leningrad rejalashtirish va loyihalashtirish instituti (5 nafar professor-o`qituvchilar, 101 nafar talabalari bilan) Samarqanddagi Xalq xo`jaligi instituti bazasiga joylashtirilishi ko`zda tutilgan⁴;

7. Moskva kartografiya va geodeziya instituti, Kimyo-texnologiya instituti, Muhandislik-iqtisodiyot instituti; To`qimachilik instituti, Irrigatsiya instituti, Zootexnika va Qishloq xo`jaligi muhandislari instituti;

8. Odessa Sanoat va qishloq xo`jaligi iqtisodiyoti muhandislari instituti, Suv transporti muhandislari instituti, Aloqa instituti;

9. Xarkov Temir yo`l transporti muhandislari instituti, Kimyo-texnologiya, Pedagogika, Qishloq xo`jaligi, Qishloq xo`jaligini mexanizatsiyalash institutlari;

10. Voronej aviatsiya instituti;

11. Moskva, Kiyev va Xarkov san`at institutlari va boshqalar⁵.

Ko`chirib keltirilgan oliy ta`lim muassasalarini O`zbekiston hududida joylashtirish uchun tezkor choralar ko`rildi. Ya`ni o`qituvchi-professorlar va talabalarning oz sonli qismi bilan kelgan universitetlar vaqtincha Toshkentdagi o`zlariga mos ixtisosga ega institutlar bilan birlashtirildi. Masalan, yuqorida Leningraddan ko`chirilgan institutlar ixtisosligiga ko`ra O`zbekistondagi oliy ta`lim muassasalari bilan birlashtirilganini ta`kidladik. Xuddi shunday boshqa oliy ta`lim muassasalari ham shu tartibda joylashtirildi. Masalan, Kiyev sanoat instituti O`rta Osiyo sanoat instituti bilan, Xarkov temir yo`l muhandislari instituti Toshkentdagi tegishli institut bilan birlashtirildi va hokazo. Qolganlari Toshkentdagi universitetlar, institutlar va ularning yotoqxonolari binolariga joylashtirildi. Bu esa qo`shimcha qiyinchiliklarni keltirib chiqardi⁶. Quyida birgina Varonej aviatsiya intitutini Toshkentda joylashtirish uchun qancha hududdan joylar ajratilganligini, binolar bo`shatib berilganligini, binolarini bergan institutlarning o`zi esa 2-yoki 3-smenada o`quv jarayonini amalga oshirganligini ko`rishimiz mumkin.

Varonej aviatsiya instituti direktori prof. Fabrikant O`zSSR Xalq Maorif Komissarligi raisi Ulibeshevning so`rovnomasiga javoban, Varonej aviatsiya universiteti egallab turgan binolar haqida 1942-yil 10-iyun sanasida ma`lumot bergan. Unga ko`ra, Varonej instituti uchun Ko`ybisheva ko`chasida o`quv binosi uchun 2958m² yer maydoni bilan ajratilgan. Karl Marks ko`chasidagi Univermagning

⁴ Национальный Архив Узбекистана. Фонд-Р-837, опис-32. Ед. хр. 3516. ст-2

⁵ НАУз. Фонд Р-837, опис-32. Ед. хр. 3516. ст-39-40.

⁶ НАУз. Фонд Р-837, опис-32 Ед.хр. 3233, ст-17-19



2-qavatidan 800m² yer maydoni berilgan bo`lsa, O`zbekiston ko`chasidagi Moliya-iqtisodiyot instituti laboratoriya uchun 566m², talabalar turar-joyi uchun 585m² yer maydonini ajratadi. Talabalar turar-joyi uchun Taxtapul ko`chasidan 138m², Hamza ko`chasidan 65m², Olmazor ko`chasidan 81m², Kommunistlar ko`chasidan 90m², Chig`atoy ko`chasidan esa 65m² yer maydonlari ajratilgan. Jami yer maydoni esa 5348 m² ni tashkil etadi, shundan 4324 m² yer maydoni o`quv binolari uchun, 1024 m² yer maydoni esa turar-joy binolari uchun ajratilgan⁷.

Evakuatsiya jarayonlari ketayotgan bir pallada barcha ma`suliyat O`zbekiston SSR Xalq maorif komissarligi zimmasiga tushdi. Xususan, I.V Stalin nomidagi Leningrad to`qimachilik kombinatidan evakuatsiya qilinganlar uchun va yangi o`quv yili qabuli uchun qo`shimcha xonalar va binolar ajratilishi bo`yicha ishlarga O`zbekiston SSR Xalq Maorif komissarligi boshchilik qildi.

Bundan tashqari Toshkent temiryo`l muhandislari instituti boshlig`i o`rtoq Petrukovinga yangi o`quv yili boshlangunga qadar evakuatsiya qilingan va yangi o`quv yilida qabul qilinadigan talabalarni joylashtirish uchun turar-joylar qurilishini tezlashtirish choralarini ko`rish ta`kidlandi.

O`zbekiston SSR Sog`liqni saqlash xalq komissarligi va shahar ijroiya qo`mitasiga Toshkent tibbiyot insitituti yotoqxonalari va evakuatsiya qilingan shifoxonalardan tashqari aholi egallab turgan binolarni zudlik bilan bo`shatish bo`yicha topshiriq berildi.

Toshkent qishloq xo`jaligi institutiga vaqtinchalik bino berilishi rad etildi.

Irrigatsiya va mexanizatsiya institutiga bino ko`zdan kechirilgunga institut uchun yangi bino berilishi haqidagi savol ochiq qoldirilishi ta`kidlandi.

I.V Stalin nomidagi Odessa un maydalash va elevator muhandislari institutiga yaxshi dars jarayonlarini amalga oshirishi uchun o`rta maktablardan 8-10 ta auditoriya taqdim etildi⁸.

Xarkov qishloq xo`jaligi instituti Kattaqo`rg`on shahriga joylashtirildi⁹. Toshkent Moliya-iqtisod instituti¹⁰ evakuatsiya qilingalar uchun 250 o`rinli turar-joy binolari, 14 ta auditoriyasini va ma`muriy boshqaruv apparati uchun 6 ta xonasini ajratdi¹¹. 1942-yil 9-iyunda O`rta Osiyo davlat universiteti Pushkin ko`chasi, 66-uyda joylashgan energetika fakultetining 3664m² hajmdagi yerto`lasini gospital oshxonasi uchun topshirdi. Zarbdor ko`chasidagi talabalar turar-joyining 600 m² yer maydoni Moskvadan ko`chirib keltirilgan oyna ishlab chiqaradigan fabrikaga

⁷ НАУз. Фонд Р-837, опис-32. Ед. хр. 3516. ст-7

⁸ НАУз. Фонд Р-837, опис-32. Ед. хр. 3516. ст-3

⁹ НАУз. Фонд Р-837, опис-32. Ед. хр. 3516. ст-15

¹⁰ Вu paytda institut rektori Krasotkin edi

¹¹ Там же. ст-16



berildi¹². Farg`ona viloyati ijroiya qo`mitasi 1942-yil 7-iyulda Moskva Sharqshunoslik instituti uchun binolar ajratish bo`yicha qaror qabul qildi¹³.

1942-yil 3-avgustda SSSR ichki ishlar xalq qo`mitasining Avtomobil yo`llari bosh boshqarmasi (ГУШОСДОРА НКВД СССР¹⁴)ning V.M. Molotov nomidagi Avtomobil yo`llari instituti Yangiyo`l tumanadagi o`rta maktablarning binolariga joylashtirildi¹⁵.

1942-yil 4-iyulda Lenin ordega ega bo`lgan Mendeleev nomidagi Moskva kimyo-texnologiyalar instituti Qo`qon shahriga joylashtirildi. Unga 40m² lik 8 ta auditoriya va 200 o`rinli talabalar turar-joyi taqdim etildi¹⁶.

1942-yil 11-iyulda Samarqand tibbiyot institutining bo`sh joylari Moskva davlat rejalashtirish va loyihalashtirish institutiga hamda Odessa suv-transporti muhandislari institutiga berildi¹⁷.

Qayta ta`mirlangan Respublika oliy o`quv yurtlarining ko`pgina binolari harbiy maktablar va yarador askarlar uchun shifoxonalarga berilganligi sababli, ko`chirib keltirilgan oliy ta`lim muassasalarini joylashtirishni yanada murakkablashtirdi. Talabalar juda tor va qiyin sharoitda tez-tez, ya`ni ikki yoki uch smenada o`qishga majbur bo`ldilar.

1942-yil 5-mayda SSSR Xalq Komissarlari Kengashi "1942-yilda oliy o`quv yurtlariga qabul qilish rejasi va oliy o`quv yurtlarini moddiy-texnik bazasini mustahkamlash chora-tadbirlari to`g`risida" Farmonini chiqardi. Unga ko`ra, 1942-yilgi qabul jarayonida 1941-1942-o`quv yilida o`rta maktablarni bitirgan o`quvchilar oliy o`quv yurtlariga kirish uchun imtihonlardan ozod qilindi. Hujjatda qayd etilishicha, 1941-1942-yilgi o`quv yilida aynan "a`lo" va "yaxshi" baholari bo`lgan o`quvchilargina universitetga kirish huquqini qo`lga kiritdilar.

XULOSA

Xuddi shu Farmonga binoan, Ittifoqdosh Respublikalar Xalq Komissarlari Kengashlari 1942-yil 15-maygacha "Evakuatsiya qilingan korxonalar, kasalxonalar, oliy ta`lim muassasalari va harbiy tashkilotlarni joylashtirish uchun olib qo`yilgan o`quv binolari va yotoqxonalar o`rniga barcha Oliy o`quv yurtlarini kerakli yotoqxonalar va o`quv binolari bilan ta`minlashi kerak edi"¹⁸. Universitetlarda darslarni to`xtatish, talabalar va o`qituvchilarni turli ishlarga jalb qilish, shuningdek SSSR

¹² Там же. Ст-19

¹³ Там же. Ст-24

¹⁴ Ushbu tashkilot SSSR Xalq Komissarlari Sovetining 1936-yil 3-martdagi qarori bilan tuzilgan

¹⁵ Там же. Ст-26

¹⁶ Там же. Ст-29

¹⁷ Там же. Ст-30

¹⁸ НАУз. Фонд Р-837, опис-32. Ед. хр. 3516. ст-18



Xalq Komissarlari Kengashining ruxsatisiz o`quv binolarini, yotoqxonalarni inventarizatsiya qilish va jihozlarni tanlash, ularni o`zgartirish ta`qiqlandi.

Evakuatsiya jarayonlari tig`iz pallada tezkorlik bilan amalga oshirildi. O`zbekiston SSR ga qilingan evakuatsiya ishlari natijasida SSSR intellegensiyasining asosiy qismi va tajribali mutaxassislar qatlami saqlab qolindi. O`zbekiston hududida joylashgan oliy o`quv yurtlari va texnikumlari, o`qituvchilar tayyorlash institutlari, o`rta maktablar o`zlari o`qib turgan o`quv binolari va talabalar turar-joylarini ko`chirib keltirilganlarga berib o`zbek xalqining bag`rikeng ekanligini, qiyin vaziyatda yordam qo`lini cho`zishini yana bir bor isbotladilar.

REFERENCES

1. Узбекский Национальный Архив фонд Р-837, опис-32, ед. хр. 3516.
2. Узбекский Национальный Архив. Фонд Р-837, опис-32. Ед. хр. 3233.
3. Рачинская Е.В. Народное образование в Узбекистане в годы Великой Отечественной войны. Средняя и высшая школа. Ташкент, 1963
4. Мельтюхов М.И. Упущенный шанс Сталина. Советский Союз и борьба за Европу: 1939-1941. — М.: Вече, 2000.
5. Воскобойников Э. А. Узбекский народ в годы Великой Отечественной войны Т., 1947
6. Yangi O`zbekiston. № 94 (350), 2021-yil 10-may



BROKKOLI KARAMINING OZIQ OVQAT HAVSIZLIGIDA TUTGAN O'RNII

Sirojiddin Qo'shoqovich Qahhorov

Toshkent davlat agrar universiteti Samarqand filiali magistranti
sirojiddinqahhorov72@gmail.com

Sobir Toyirovich Sanayev

Toshkent davlat agrar universiteti Samarqand filiali v.b. professori

Alisher Ekinovich Botirov

Toshkent davlat agrar universiteti Samarqand filiali katta o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Brokkoli (*Brassica oleracea* var. *Italica*) karamdoshlar oilasiga mansub bo'lib o'zining kimyoviy tarkibi, oziqaviylik xususiyati va shifobaxshligi bilan ajralib turadi. Bu maqolada brokkoli karamining ahamiyati, biokimyoviy tarkibi va foydali xususiyatlarini hisobga olgan holda insonlarning oziq ovqat havfsizligida tutgun o'rniga e'tibor qaratgan holda bir qancha adabiyotlar yuzasidan tahlil qilindi. Shu asnoda quyidagi xulosalar jamlandi; havo harorati +20°C ga yetgandan buning karamboshi yaxshi shakillanishi, organizmga nisbatan yengil hazm bo'lishi va inson organizmidagi xolistirin moddasini yig'ilishini oldini olishi kabi xususiyatlari o'rganildi. Brokkoli karami bugungi kunda kundalik oziq-ovqat ratsionida o'zining dietalik xususiyatini hisobga olgan holda keng jamoaga tadbiiq qilsa maqsadga muvofiq bo'ladi.

Kalit so'zlar: Brokkoli karami, karamboshi, asosiy ingrediylentlar, protein, K vitamini, foydali xususiyatlari, oziq-ovqat xavfsizligi.

ABSTRACT

Broccoli (*Brassica oleracea* var. *Italica*) belongs to the cauliflower family and is distinguished by its chemical composition, nutritional properties and medicinal properties. This article analyzes a number of publications, focusing on the role of broccoli in human food safety, given its importance, biochemical composition and beneficial properties. In this regard, the following conclusions were made; when the air temperature reaches + 20 ° C, its properties such as good formation of cabbage, easy digestion by

the body and prevention of accumulation of cholesterol in the human body have been studied. Broccoli cabbage is now widely used in the daily diet, taking into account its dietary properties.

Keywords: broccoli, eatible part, main ingredients, protein, vitamin K, useful properties, food safety.

KIRISH

Brokkoli karamboshining pishmagan gul g'unchalari tojlar deb ham ataladi. Brokkolining karamboshi och yashil va binafsha rangda bo'lishi mumkin bo'lsada, yashil rangda bo'lgani juda afzal. Karambosh va gullarning morfologik xususiyatlariga ko'ra gulkaramga o'xshaydi. To'liq pishmagan asosiy gul kurtaklari (karamboshning) kattaligi ko'chat va urug'larning ekish muddatiga va nav xususiyatlariga qarab o'zgaradi. Kech muddatlarda ekilganda va o'simliklar orasi qisqa ekilganda tojlarining o'lchami qisqaradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI

Asosiy karamboshlarining diametri 5-25 sm va 100-750 g og'irlikda, kurtaklarning diametri esa 5-10 sm, og'irligi 10-100 g bo'ladi. Brokkoli karami 16-18C ° gacha bo'lgan haroratda yaxshi o'sib rivojlanadi va sifatli karambosh hosil qiladi. Yuqori haroratda (+20 °S) karamboshi juda tez shakllanadi va karamboshi tezda sochilib ketadi. Harorat +35-40 °S gacha ko'tarilganda esa o'simlik karambosh o'ramaydi [1, 4].

Biokimyoviy tarkibi: Brokkoli karami boshqa karamlarga nisbatan tez hazm bo'lishi bilan ajralib turadi. Asosiy ingredientlari: U yengil o'zlashtiriladigan oqsilga boy (3,2-4,5%) bo'lib, miqdoriga ko'ra kartoshka, shirin jo'xori hamda ismaloqdan ustun turadi. Undagi oqsil tarkibida antiskleritik modda va metionini (4 mg/100 g) bo'lishi organizmda xolesterin ko'payib ketishiga to'sqinlik qiladi. Oqsili tarkibidagi noyob aminokislotalar mol go'shtidagi lizin, izoleysindan, triftafon miqdori esa tuxumdagi oqsil tarkibidan kuchlidir. Brokkoli karamida ko'plab uglevodlar bo'lib, uning poyalari qandga boy. O'simligida jami shakar miqdori 1,5-3,8 foizni tashkil etib, uning umumiy miqdorini 5-10 foizini saxaroza, 0,4-0,5 foizini kraxmal, 0,7-1,2 foizini kletchatka tashkil etadi. Shuningdek, brokkoli karami o'zida ko'plab mineral moddalarni saqlaydi, ya'ni 100 g quruq vaznida kaliy – 490, kal'siy – 105, fosfor – 82 mg bo'lishi, uning minerallarga boyligini ko'rsatadi. Brokkoli 100 g gul to'plamlari tarkibida natriy tuzlari – 13,1, magniy – 31,0 yod – 12,0 temir – 1,3 mg miqdorda bo'ladi. Brokkoli

karamboshlarida gulkaramda uchramaydigan karotin (1,9-4,0 mg/100 g) moddasi ko'pdir, lekin sabzidagi karotin miqdoridan kam. Shuningdek, uning tarkibida ko'plab turli xildagi vitaminlar: V1 – 0,09; V2 – 0,21; S – 61-160; RR – 1; V6 – 0,25 mg (100 g karamboshlarda) mavjud. Brokkoli gul poyalarida gulkaramga qaraganda S vitamini 1,5-3, quruq modda 1,3-2,7 flavinoidlar 4,0 martaga ko'p uchraydi. Gulkaramga qaraganda brokkolida mineral tuzlar deyarli 2 marta ko'proq bo'ladi [3].

Foydali xususiyatlari: Brokkoli tarkibida vitaminlar, pektin va yumshoq kletchatkani, xolin hamda metionin moddalarini, shuningdek, mineral tuzlar va boshqa biologik faol moddalari mutanosibliigi turli yoshdagi insonlar uchun juda muhim parhez bop mahsulot ekanligidan dalolat beradi. Uning mahsulotidan nurlanish kasalliklarini davolashda samarali foydalanish mumkin. Brokkoli yosh bolalar, homilador ayollar hamda aterosklerozga moyil bo'lgan keksalar uchun juda foydalidir. Uni sog'lom soch tolalarini tiklashda, teri va suyak to'qimalarini shakllanishida qo'llash yaxshi samara beradi [2].

Shifobaxshligi va tibbiyotda qo'llanilishi: Brokkoli karamining tibbiyotda qo'llash doirasi juda keng: o'n ikki barmoqli ichak va oshqozon yarali kasalliklari, meteorizm, disbiyoz va ovqat hazm qilish buzilishi, jigar kasalligi, o't yo'llarining yallig'lanishi, 2 - toifa diabet, xolesterin birikmalarini yo'q qilish orqali yurak va qon tomir kasalliklari, quyosh urushi, kesmalar va teri kasalliklari, uyqusizlik, ko'z kasalliklari davolashda samarali hisoblanadi. Brokkoli karamini muntazam ravishda iste'mol qilish saraton xavfini kamaytiradi [2].

Oziq ovqat havfsizligida tutgan o'rni: Brokkolidan bug'da va mul'tivarkada taom tayyorlashda jarayonida undagi foydali moddalarni maksimal darajada saqlab qolishga xarakteristik qilish maqsadga muvofiq. Xitoylik olimlar maxsus tajriba ham olib borgan bo'lib, unda brokkolidan taom tayyorlash jarayonida foydali birikmalarni saqlab qolishini o'rganish ustida besh xil uslublarni qo'llagan. Qo'llanilgan uslublar quyidagilar: mikroto'lqinli pechda tayyorlash, qaynatish, qovurish, qaynatib keyin qovurish, bug'da pishirish. Bug' bilan ishlab berishdan tashqari barcha jarayonlarda S vitamini, erigan oqsil va shakarlar va xlorofillni sezilarli miqdorda yo'qotilgani aniqlangan, bundan tashqari mavjud glyukozi nolatlarni o'zgarishga uchrashi kuzatilgan. Ta'kidlash lozimki, tayyorlash jarayonini murakkabligini hisobga olgan holda yagona bir usulni tanlash qiyinchilik tug'diradi. Masalan, glyukozi natlar bug'lash jarayonining 1-daqiqasigacha yaxshi saqlanadi, 2-daqiqadan boshlab yo'qola boshlaydi. Umumiy antioksidantlik xususiyatlari 5-10 daqiqalargacha yuqori miqdorda saqlanib qoladi. Ayrim holatlarda mikroto'lqinli pechdan foydalanish maqsadga muvofiq.

Mahsulotni qovurish taom tayyorlash jarayonidagi eng noo‘rin usul hisoblanib, bunda barcha foydali moddalarni saqlab qolinishiga erishib bo‘lmaydi. Bu o‘rinda, dietologlar oldida ushbu vazifani o‘rganish turibdi. Shunga qaramasdan, brokkolini yangi uzilgan holatda ham iste‘mol qilish mumkin bo‘lib, baribir undan taom tayyorlash qaynatish va qovurish (yoki ikkala usulni aralashitirgan holda) keng tarqalgan usul bo‘lib qolmoqda. Brokkolidan tez pishuvchi taomlarni tayyorlashlarda krevetka, tomat, pishloq, qo‘ziqorin va tuxum solish ham mumkin. Bu karam turidan sho‘rvalar, pishiriqlar, sabzavotli, pishloqli, kolbasa qo‘shilgan an‘anaviy taomlarini tayyorlash mumkin. Brokkoli go‘shli, kartoshkali va makaronli taomlar bilan yaxshi yeyiladi [3].

NATIJALAR

Odatda brokkoli karamboshi iste‘mol uchun ishlatiladi. Quyidagi 1-rasimda brokkolining yetilgan karamboshi ko‘rsatilgan. Brokkolining karamboshini uning yetishtirish xususiyatidan kelib chiqib turlicha shakillarda bo‘lishi mumkin.



1-rasm. Brokkoli karamboshining alohida ko‘rinishi.

XULOSA

Maqolada zamonaviy adabiyotlardan foydalangan holda brokkoli karamining ahamiyati, asosiy xususiyatlari muhokama qilingan va ularning biokimyoviy tarkibi, brokkolining oziq ovqat havfsizligidagi tutgan o‘rni, hamda brokkolidan tibbiyotda foydalanish haqida ma‘lumotlar mujassamlangan.

REFERENCES

1. Андреев Ю.М., - Овощеводство. М., 2002.
2. Арипова Ш.Р. - Брокколи ва брюссель какрами етиштириш. Т., 2021.
3. Болтаев М.А., Асатов Ш.И. - Такрорий экин сифатида брокколини етиштириш технологияси бўйича тавсиянома. Т., 2019.
4. Балашев Н.Н., - Сабзавотчилик. Т., 1977.



HELIANTHUS ANNUUS L. ЎСИМЛИГИ НАМУНАЛАРИДА СУВ АЛМАШНУВ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ориф Хушбоқович Омонов

Тошкент давлат аграр университети магистранти

Ойбек Одил ўғли Муротов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Табиий фанлар
факультети II босқич талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада *Helianthus annuus L.* турига мансуб хорижий намуналари Тошкент вилояти шароитига экилиб, ўсимликнинг физиологик хусусиятларидан барглари сув ютиш ва сувни ушлаш хусусиятлари таҳлил қилинган. Тошкент вилояти дала шароитида кунгабоқар ўсимлигининг маҳаллий ва хорижий сув ушлаш ва сув ютиш хусусиятлари Жахонгир, 9848-Степняк (Россия), 30835-С 207 (Туркия), 9859-S 01 (АҚШ) нав ва намуналарида юқори кўрсаткичлар аниқланди. Мойли экинлар селекциясида физиологик хусусиятларга эга бўлган намуналар бошланғич манба сифатида тавсия этилади.

makkajo‘xori 3-4 barg hosil qilganda, chetki organlari 6-8, 10-12 sm, o‘rtasidagi (g‘ozpanja) 16-18 sm chuqurlikka o‘rnatiladi. Kultivatsiya har bir sug‘orishdan keyin tuproq yetilganda o‘tkaziladi. Kultivatsiya paytida yoki egat olishda oziqlantirishlar o‘tkaziladi. Kech o‘tkazilgan kultivatsiyada kesaklar, erta, tuproq loy bo‘lganda o‘tkazilsa palaxsalar hosil bo‘ladi, o‘simlik ildizlari shikastlanadi, o‘shishi rivojlanishi sustlashadi. Makkajo‘xori qator oralarini ishlashni o‘simlik bo‘yi 120 -130 sm bo‘lguncha o‘tkazish mumkin. O‘suv davrida 3 - 4 kultivatsiya o‘tkaziladi. **Sug‘orish rejimi.** Tuproqda yetarli nam bo‘lishi uchun kuz, qish va erta bahorda, gektariga 1500-2000 m³ me‘yyorida yaxob suvi beriladi. Yaxob suvlarini berish hosilni 10-15% oshiradi. Ekish oldidan nam to‘playdigan sug‘orishlar gektariga 800-1200 m³ me‘yorda o‘tkaziladi. Makkajo‘xorini o‘suv davrida tuproqdagi namlik ChDNS ning 70-80% kam bo‘lmasligi lozim. Ayniqsa, ro‘vak chiqarishdan 10 kun oldin, ro‘vak chiqargandan keyin 20 kun davomida makkajo‘xori suvga juda talabchan bo‘ladi. Harorat 30°C oshganda havo quruq bo‘lsa makkajo‘xori changlari bir soatdan keyin nobud bo‘ladi. So‘tada donlar siyrak hosil bo‘ladi. O‘suv davridagi sug‘orishlar soni va me‘yorlari sizot suvlarining joylashishiga, tuproq mexanik tarkibiga va boshqa omillarga bog‘liq holda o‘zgaradi. Sug‘orishlar me‘yori o‘rtacha 900-1000 m/ga. Birinchi sug‘orish maysalar unib chiqqandan keyin 20-25 kun o‘tgach o‘tkaziladi. Keyingi sug‘orishlar har 10-15 kunda o‘tkaziladi. Sug‘orishlar soni 4-7 bo‘lishi mumkin. Qator oralarini kultivatsiyalash og‘ir, sizot suvlar yaqin joylashgan tuproqlarda sug‘orish me‘yorlari katta, ammo soni kam, sizot suvlar mexanik tarkibi yengil tuproqlarda esa aksincha, bo‘ladi. Sug‘orishlar egatlab, yomg‘irilatib o‘tkazilishi mumkin. Makkajo‘xori sizot suvlaridan yaxshi foydalanadi. Ya.A.Mansurov va D.I.Maxmudov tajribalarida sizot suvlar bir metr chuqurlikda joylashganda VIR-338TV duragayidan, o‘g‘itlar qo‘llab, umuman sug‘ormay 70 - 80 don, 800-900 ga/ts silos massasi hosili olingan. Begona o‘tlarga qarshi kurash–makkajo‘xorichilikda begona o‘tlar hosildorlikni oshirishdagi asosiy to‘siqlardan biri. Keyingi yillarda urug‘larni ekishgacha penitron gerbitsidini gektariga 1-2 l/ga, stomp 3-6 kg/ga me‘yorida qo‘llash bir yillik g‘alladosh o‘tlar va ikki pallali begona o‘tlarga qarshi kurashda yuqori samara bermoqda. Ekadikan bir gektarga 4-8 l me‘yorida 300 l suvga aralashtirilib ekish oldidan purkaladi va darhol tuproqqa aralashtiriladi. Bu gerbitsidni keyin ekiladigan ikki pallali madaniy o‘simliklarga zararli ta’siri yo‘q. Agelon, Mayazin, Simazin, Sutan plyus, Prim-ekstra gerbitsidlari ham ekish oldidan tuproqqa beriladi. Ammo ularni keyingi ikki pallali ekinlarga ta’siri kuchli bo‘ladi. O‘suv davrida gektariga

bazagron 2-4, benvil 0,6-0,8 l ga, pardner (22,5%) l ga, titus (25%) - 40-50 gr/ga qo'llanilishi mumkin.

NATIJAR VA MUHOKAMA

Kasalliklarga qarshi kurash-makkajo'xorida-gelmintosporioz, pufakli qorakuya, chang qorakuyasi, so'talar bakteriozi, nigrosporagenez, so'talar fuzariozi, urug'larni va maysalarni mog'orlashi kasalliklari kuzatiladi. Urug'da kasallik chaqiruvchi, qo'zg'ovchi manbalar bo'lsa ular urug'larni zaharli dorilash yo'li bilan yo'q qilinadi. Urug'lik maysalarda pufakli qorakuya bilan begona o'tlarga qarshi gerbitsid purkash jarayoni kasallangan barglar, so'talar, poyalar sindirib, daladan chiqarib yo'q qilinadi. Chang qorakuyasi bilan zararlangan o'simliklar olib tashlanadi, yo'q qilinadi. **Zararkunandalari.** O'zbekistonda makkajo'xorining 60 dan ortiq zararkunandasi ma'lum. Eng ko'p uchraydiganlariga kuzgi tunlam, qoradirina, o'rgamchakkana, chigirtkalar, simqurtlar, may qo'ng'izi va boshqalar kiradi. Ularga qarshi agrotexnik, biologik, kimyoviy usullarda uyg'unlashgan kurash chora - tadbirlari qo'llaniladi. Ayniqsa, yuksak agrotexnika juda yuqori samara beradi. Hozirda ularga qarshi samarali insektitsidlar qo'llanilmoqda. Makkajo'xorini boshqa ekinlarga qo'shib ekish, makkajo'xorini dukkakli don ekinlaridan loviya, soya, g'alladosh ekinlardan sudan o'ti, oqjo'xori bilan qo'shib silos yoki yashil massasi uchun yetishtirish ozuqani sifatini yaxshilaydi, hazmlanadigan protein miqdorini oshiradi. Ayniqsa, makkajo'xori soyani baland bo'yli navlari bilan qo'shib ekilganda yashil massasini bir oziq birligida 100-120 gr hazmlanadigan protein bo'ladi. Toza holda ekilganda bir oziq birligida 60-70 gr hazmlanadigan protein bo'ladi xolos. Makkajo'xori soya bilan qo'shib ekilganda, bir gektariga 50-60 ming makkajo'xori, 80-100 ming soya urug'i ekiladi. Bunda makkajo'xori va soya alohida qatorlarga ekiladi. Sudan o'ti yoki oqjo'xorining Vaxshskaya-10 navlari qo'shib ekilganda hosildorlik ortadi. Makkajo'xori va sudan o'ti yoki oqjo'xori aralashmalari o'rib olingandan keyin, oradan 30-40 kun o'tgach sudan o'ti yoki oqjo'xori yana o'rimga keladi. Yashil massa uchun ikki hosil o'rib olinsa bo'ladi. Bu usulda qo'shimcha 300-400 ts/ga ko'k massa hosili olish SamQXIda makkajo'xorini perko hamda hashaki lavlagi bilan qo'shib ekish bo'yicha ijobiy natijalar olingan. Bu usulda makkajo'xori, hashaki lavlagi yoki perko alohida qatorlarga ekiladi. Makkajo'xori avgust oyida o'rib olinsa, lavlagi oktyabr oyining oxiriga qadar 300-400 ts/ga makkajo'xori bargiga tushgan qurt ildizmeva hosilini to'playdi. Bunda gektariga 10-14 kg lavlagi urug'i sarflanadi. Makkajo'xori urug'i 8-10, lavlagi urug'i 4-5 sm chuqurlikka ekiladi. Yurtimizda



makkajo‘xorini beda bilan qo‘shib ekish juda keng tarqalgan. **Makkajo‘xoriini ang‘izda yetishtirish.** O‘zbekistonda boshqoli don ekinlari 1 mln gektardan ortiq maydonlarga ekilmoqda. Dalalar hosildan may oyining ikkinchi yarmi, iyundan boshlab bo‘shaydi. Ulardan bo‘shagan maydonlarga makkajo‘xori don va silos uchun ekiladi. Karam, kartoshkadan bo‘shagan maydonlar ham makkajo‘xoriini takroriy ekishga yaroqli. Boshqoli don ekinlari mum pishish davrida yengil sug‘oriladi. Hosil tez yig‘ishtirilib, tuproq qurib ketmasdan 25-30 sm chuqurlikda haydaladi va boronalanadi. Hosil yig‘ishtirish cho‘zilib ketsa, somonlar olib chiqilgandan keyin, dala gektariga 500-600 m me‘yorda sug‘oriladi. Tuproq mexanik tarkibiga ko‘ra, 3-6 kunda yetiladi. Keyin chizellanib, boronalanadi, mola bosiladi. Ekish oldidan 10-15 t chirigan go‘ng, 150-200 kg/ga ammofos, 150 kg/ga kaliy tuzi solinadi. Makkajo‘xorini saralangan, dorilangan urug‘lari ekiladi. Ang‘izga makkajo‘xorini Samarqand, Toshkent, Sirdaryo, Jizzax viloyatlarida 1-20 iyunda, Qashqadaryo, Surxandaryoda 25 maydan 10 iyungacha, Farg‘ona vodiysida 5 - 20 iyunda don va silos uchun ekish mumkin. Bunda makkajo‘xori qancha erta ekilsa shuncha yuqori hosil beradi. Zarafshon vodiysida Uzbekska skorospelka navi ang‘izga ekilganda eng yuqori yashil massa hosili gektariga 150 ming tup qalinlikda 506,3 ts/ga, Krasnodarskiy 301 TV duragayi 607,5 ts/ga tashkil qilgan. Shu nav va duragay don uchun yetishtirilganda tup qalinligi 75 va 90 ming ga bo‘lganda hosildorlik muvofiq holda 70,6 va 80,2 ts/ga bo‘lgan. Ekish me‘yori nav va duragaylarning biologik xususiyatlariga hamda ekilish maqsadiga bog‘liq holda o‘zgaradi. O‘rtacha 25-40 kg/ga urug‘ ekiladi. Ekish chuqurligi 8-12 smni tashkil etadi, yozda havo issiq bo‘lganligi uchun urug‘lar ekilgandan keyin 4-6 kunda unib chiqadi. Makkajo‘xori qisqa kun o‘simligi, shuning uchun ang‘izga ekilgan makkajo‘xori bahorda ekilganga nisbatan 10-15 kun erta etiladi. O‘suv davrida qator oralari 2-3 kultivatsiya qilinadi. **Hosilni yig‘ishtirish.** Makkajo‘xori silos uchun doni dumbul pishiqlik davrida yig‘ishtiriladi. Bu davrda yashil massa namligi 65 -70% bo‘lib, silos bostirish uchun eng qulay hisjblanadi. Silos va yashil massa hosili KSK -100, Maral-2,6, SK-2,6A mashinalarida o‘riladi. O‘zbekiston sharoitida bahorda ekilgan makkajo‘xori doni 70-75% so‘talar to‘la etilganda o‘rib boshlanadi. Bu davrda makkajo‘xori bargi va poyalarning namligi 63-65% bo‘ladi. Makkajo‘xoriinig don uchun Xerson-200, KSKU-6, shuningdek qayta jihozlangan SK-5, “Keys” kombaynlarida o‘riladi, bir yo‘la tozalanib, poya va barglari maydalanadi. Urim 10 -12 kunda tugallanishi lozim. Urug‘lik makkajo‘xori so‘talari yoki don holida saqlanadi. So‘talar namligi 16%, donniki 13% dan oshmasligi kerak. Qo‘lda yig‘ishtirish kombaynda o‘rish jarayoni ang‘izga ekilgan



makkajo‘xori qirov va sovuq tushgunga qadar yig‘ishtirib olinadi. Sovuq urgan poya va barglarning oziqaviy qiymati keskin pasayadi.

Bugungi kunda 200 dan ortiq viruslar boshqodoshlar olisiga mansub o‘simliklarda parazitlik qiladi. Ayrim vakillarida asosiy xo‘jayin, boshqa vakillarida asosiy xojayin hisoblanadi. Masalan: Makkajo‘xori pakana mozaikasi virusi, makkajo‘xorining yo‘l-yo‘l chiziqli virusi, makkajo‘xori xlorotik dog‘lanish virusi makkajo‘xori o‘simligiga katta ziyon keltiradi.

Makkajo‘xori chiziqli pakanalik virusi - p.Fijivirus, makkajo‘xori bepushtligi va pakanalik virusi - p.Nukleorhaptovirus, makkajo‘xori xlorotik dog‘lanish virusi p.Waikavirus, makkajo‘xori ingichka yo‘l-yo‘lligi virusi - p.Marafivirus. Makkajo‘xori o‘simligini zararlovchi viruslar o‘simlikning hosildorligiga sezilarli darajada pasaytirmoqda. Bular ichida makkajo‘xori pakana mozaikasi virusi keng tarqalgan. Patogenning virioni ipsimon shakilda bo‘lib uzunligi 670-780 nmni tashkil etadi. Harorat ta‘sirida yuqumliligini yo‘qotish nuqtasi 50-55°C. Makkajo‘xori pakana mozaikasi virusining 5 ta shtammi aniqlangan. A C D E va F shtamlari mavjud. Ular bir- biridan biologik, seriologik va nukleotidlar ketma-ketligi bilan farqlanadi. Bu virus o‘simlik urug‘i, mexanik usul orqali va g‘umay o‘simligi orqali tarqaladi. Makkajo‘xori pakana mozaikasi virusi uchun o‘rtacha iliq havo qulay sharoit hisoblanadi. Makkajo‘xori zararlangan o‘simliklari o‘shishda orta qoladi. O‘simlikda avval xloritik va chiziqli dog‘lar hosil bo‘ladi. Keyinchalik xloritik dog‘lar sarg‘ayadi, ular atrofida qizil xollar hosil bo‘ladi.



1-rasm. Pakana mozaikasi virusi bilan kasallangan makkajo‘xori o‘simligining bargi.

Virus bilan zararlangan urug‘dan o‘sib chiqqan o‘simlikda to‘rt, olti haftalardan so‘ng kasalik simptomlari namoyon bo‘la boshlaydi. Makkajo‘xori o‘simligida virusning inkubatsion davri 4-24 kungacha davom etadi. Hosildorlik ayrim hollarda 5-40% gacha

tushib ketadi. Ekologik omillar kasallik belgilarining namoyon bo'lishiga ta'sir qiladi. Virusni simptomlarga qarab aniqlash qiyin, chunki ayrim virus simptomlari o'xshash bo'lishi mumkin. Bunday hollarda ko'pincha indikator o'simliklardan foydalaniladi. Yana tashqi omillar ta'sir ettirib aniqlash ham mumkin.

Makkajo'xoring yo'l-yo'l chiziqli virusi o'zida DNK tutuvchi bu virus *Geminiviridae* oilasi *Mastrevirus* turkumiga mansub bo'lib, virus kapsiti mavjud emas, diametri 22 nanometr. Makkajo'xori o'simligi asosiy xo'jayin bo'lib, sanaladi. Bu virus hashoratlar yordamida tarqaladi. Simptomlari o'simlikda sariq yo'l-yo'l chiziqlar paydo bolishi bilan xarakterlanadi. Natijada barglarning so'lib qurub qolishi kabi holatlar kuzatiladi. O'sishda ortda qolish, donlarning to'liq pishib yetilmasligi kabi holatlar kuzatiladi (2-rasm).



2-rasm. Zamburug' kasallangan makkajo'jri o'simligi so'tasi. *Mozaik virusi (SrMV)*

Virusning makkajo'xorida paydo bo'lishi birinchi marta 1990-yillarda Hindistonda qayd etilgan (Peterschmitt va boshq., 1991). Jo'xori ustidagi tipik tashqi alomatlar infeksiyalangan bargning tomirlari o'rtasida doimiy xlorotik chiziqlar paydo bo'lishini o'z ichiga oladi. Xlorotik tasmaning kengligi kasallikning rivojlanish bosqichiga qarab o'zgaradi. Infeksiyalangan o'simlikning barglari sarg'ish rangga ega bo'lib, ildizdan barglarning uchigacha davom etadigan doimiy chiziqlar bilan ko'rinadi. Infeksiya tizimli bo'lib, keyingi barglarda sariq chiziqlar paydo bo'ladi. Erta yuqtirilgan o'simlik ertami-kechmi boshlari ko'rinmasdan o'ladi.

Makkajo'xori mozaikasi. Kasallik Kuba va unga tutash orollarda aniqlangan. MDHda topilmagan. Tarqalishi: Osiyo (cheklangan), Afrika, Shimoliy (Florida, Gavayi), Janubiy va Markaziy Amerika, Karib dengizi, Okeaniya. Fidji va Solomon orollarida ro'yxatdan o'tgan. Shirin makkajo'xori barglarida MMV ning dastlabki belgilari o'rta

qovurg'a bo'ylab uzun, och yashildan sariqgacha chiziqlardir. Bu tasmalar cho'zilib, tomirlar o'rtasida va tomirlar bo'ylab bargning tagidan uchigacha bo'lgan aniq, hatto xlorotik tasmalar hosil qiladi. Ikki xil tasma belgilari aniqlangan: nozik chiziqlar va qo'pol chiziqlar. Chiziqlar ko'pincha qin va qobiqlarda paydo bo'ladi. Infektsiyalangan o'simliklar ko'pincha internodlar va qobiqlarning mittiligini ko'rsatadi.

Kechki alomatlarda barglar odatdagidan kichikroq, qo'pol va go'shtli sirt, quyuq sariq chiziqlar, keyin esa nekroz; to'qimalarning oxirgi nekroziga qadar barglar yuqoridan pastgacha va qirralardan varaqning ichki qismiga qadar quriydi. Kasallikning qo'zg'atuvchisi – makkajo'xori mozaikasi virusi - 240×48 va 277×98 nm o'lchamdagi tayoqchalar shaklidagi zarralar ko'rinishida bo'ladi.

XULOSA

Odatda birinchi navbatda eng yosh barglarining pastki qismlarida deyarli rangsiz ko'proq yoki kamroq yumaloq dog'lar shaklida paydo bo'ladi. Keyin lezyon bargning butun asosini qoplaydi, boshqa barglarga o'tadi va tomirlar bo'ylab joylashgan intervalgacha xlorotik chiziqlar shaklini oladi. Chiziqlar uzunligi bir necha millimetrdan bir necha santimetr gacha o'zgarib turadi.

REFERENCES

1. Mutalov K.A., Ramazonov B.R., Boqiyev D.T., Ishmo'minov B.B. "Tuproqshunoslik va qishloq xo'jaligining biologik asoslari fanidan laboratoriya va amaliy mashg'ulotlar" o'quv qo'llanma. Toshkent: "Ishonchli hamkor", 2021. – 168 bet.
2. Atabayeva X., Qodirxujayev O. O'simlikshunoslik, T.Yangi asr avlodi. 2006 yil (lotin alifbosida).
3. Yormatova D.Dala ekinlari biologiyasi va yetishtirish texnologiyasidan amaliy mashg'ulotlar.
4. .Azimboev S.A. Dehqonchilik, tuproqshunoslik va agrokimyo asoslari.
5. Муталов К., Рамазонов Б, Закиров Д, Гулматова М. Полукустарничковая растительность партековая формация convolvuleta hamadae. academic research in educational sciences. 2020(2):205-12.
6. Murtazoyev M.Z., Mamaraximova O'.G. O'simlikshunoslik darslik.
7. Рамазонов БР, Рахимов АК, Муталов КА. Районирование сельскохозяйственных культур на территориях Приаралья их эффективность и улучшение экологического состояния



Аральского региона. Биология ва экология электрон журнали. 2020;4(2).

8. Рамазонов БР. Сельскохозяйственные культуры и их продуктивность в нижнеамударьинском регионе. Академические исследования в области педагогических наук. 2021;2(1).

9. Рамазонов БР. Орол бўйи ҳудудлари ўсимлик қопламнинг қисқача тавсифи. Academic research in educational sciences. 2020(1):283-90.

10. Рамазонов БР, Кузиев РК, Абдурахмонов НЮ. СОСТОЯНИЕ ЗЕМЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ НИЗОВЬЕВ АМУДАРЬИ И МЕРЫ ПО ИХ РАЦИОНАЛЬНОМУ ИСПОЛЬЗОВАНИЮ. Почвоведение-продовольственной и экологической безопасности страны 2016 (pp. 388-389).



TAJRIBA MAYDONIDA EKIB O‘STIRILGAN KOVRAK TURKUMI BA’ZI TURLARINING FENOLOGIK TAHLILI

M. A. Ne‘matova

O‘zbekiston Milliy unversiteti Jizzax filiali

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Jizzax tumani hududida ekib o‘stirilgan kovrak turkumiga mansub *F. kuhistanica*, *F. kokanica*, *F. helenae*, *F. samarkandica*, *F. diversivittata* o‘simliklarini urug‘idan turlicha chuqurlikda ekib ularning unish muddatlari, 2011-2014-yillar davomida rivojlanishi fenologik kuzatishlar asosida bayon qilingan.

Kalit so‘zlar: *F. kuhistanica*, *F. kokanica*, *F. helenae*, *F. samarkandica*, *F. diversivittata*, urug‘pallabarg, monokarp, polikarp, epigeal, gipokotil, vegetatsiya, arxaik, ontogenez.

KIRISH

Respublikamiz o‘simlik resurslariga juda boy. Tabiatda shifobaxsh xususiyatga ega bo‘lgan, xalq xo‘jaligiga foyda keltiradigan, insonlarning ehtiyojini qondiradigan o‘simliklarni izlab topish, ularni o‘rganish va muxofaza qilish chora tadbirlarni ishlab chiqish, fan yutuqlarini amalda qo‘llash muhim ahamiyatga egadir. *Apiaceae* oilasiga mansub *Ferula* L. turkumi turlari shunday o‘simliklar guruhiga kirib, ular efir moyli, yem-xashak, asalchil, shifobaxsh, kraxmal beruvchi, aromatik, ozuqabop va texnika o‘simliklari hisoblanadi. Ularning yer yuzida 200 turi uchraydi. O‘rta Osiyoda 110 dan ortiq, O‘zbekistonda esa bu turkum vakillarining 50 ga yaqin turi, Jizzax viloyatida esa 28 ga yaqin turi uchraydi [3].

Kovrak turkumi turlarining xalq tabobatida keng qo‘llanilganligi tufayli ularning maydonlari tobora kamayib bormoqda. Hozirda *F. foetida*, *F. kuhistanica* o‘simliklarning ildizlaridan yelim (smola) olinib, har yili yuzlab tonna xomashyo tayyorlanib eksport qilinmoqda. Bu holat o‘simlik zahiralari kamayib ketishiga olib kelmoqda. Shuning uchun kovrak turlarini ekinga kiritish (introduktsiya qilish) dolzarb muammolardan biri bo‘lib hisoblanadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Shu boisdan biz Turkiston tog‘ tizmasi va unga chegaradosh hududlardan yig‘ilgan ayrim *Ferula* L. turkum turlarining urug‘larini Jizzax tumanining tabiiy sharoitida ekib

o‘stirib, ularning latent davri va virginil davrining yuvenil bosqichlarida rivojlanishini o‘rganishni maqsad qilib oldik.

Ularning yetilgan urug‘lari quyidagi hududlardan yig‘ib olindi: *F. kuhistanica* – Turkiston tog‘ tizmasi, Baxmal qishlog‘i atrofidan (1.VIII.2010), *F. kokanica*, *F. samarkandica* turlari – Turkiston tog‘ tizmasi, Zomin suv havzasi, Zomin milliy tabiat bog‘i hududidan (10.VII.2010), *F. helenae* - Nurota tog‘i, Baliqli qoldiq tog‘idan (15.VII.2010), *F. diversivittata* – G‘obduntog‘ hududidan (1.VIII.2010) yig‘ildi [2]. Kuzatilgan *Ferula* L. turkumi turlari *F. kuhistanica*, *F. kokanica*, *F. helenae*, *F. samarkandica*, *F. diversivittata* –monokarp hisoblanib, hayotining oxirgi yili gullab urug‘laydi [2]. Ma‘lumki, kovrak turkumi vakillarining urug‘dan unib chiqishi uchun ma‘lum tinch davrni kechirishi kerak. Shuning uchun yig‘ilgan urug‘larni 1 oy muddat ichida muzlatgichda 0-4 C⁰ gradusli haroratda saqlab, unish foizi aniqlandi.(Rahmonqulov va b.,1981- 1999) Urug‘lar har qatorga 100 donadan 4 qatorga, qator oralig‘i 50 sm, ko‘chat orasi 25 sm qilib har xil chuqurlikda ekildi.2010 yilning 8 dekabr kuni Jizzax tumanining Hamid Olimjon nomli suvdan foydalanish uyushmasi hududida ekildi. O‘rganilayotgan hududning tuprog‘i bo‘z tuproq, o‘tgan yillari poliz ekinlari ekilgan.

NATIJALAR

Ekilgan urug‘lar 2011 yilning bahor oyida (10.03.2011 yildan 02.04.2011 gacha) o‘rtacha 83% unib chiqib, maysalar hosil qildi. *Ferula* L. turkumi turlari uchun epigeal unish (urug‘ po‘stini urug‘pallabarglar tuproq yuzasiga olib chiqish) xususiyatiga ega. Kuzatishlar shuni ko‘rsatdiki, unishda dastlab ildizcha hosil bo‘lib, u tezlikda tuproq qatlamiga kira boshlaydi, keyin gipokotil o‘sib, ikkita urug‘pallabarg hosil bo‘ladi. Urug‘pallabarglar 1 oy davomida o‘sib, o‘zining maksimal uzunligiga va kengligiga ega bo‘ladi. Urug‘pallabarglarning umri o‘rtacha 45- 48 kunni tashkil etadi. Kuzatishlar shuni ko‘rsatdiki, monokarpik turlardan *F. kuhistanica* urug‘pallabargi 1 oy davomida 5,0 sm ga, *F. samarkandica* 4,6 sm ga, *F. helenae* 3,5 sm ga, *F. diversivittata* 3,0 sm ga va *F. kokanica* 2,0 sm ga o‘sgan. *F. kuhistanica* vegetatsiyasi boshlanishi 22 fevraldan 5 martgacha davom etadi.. Urug‘pallabarglarining o‘sishi esa 20 aprelgacha davom etadi va uning uzunligi 5,2 sm ni, eni 0,4 sm ni tashkil etadi [1].


Quyida *Ferula* L. turkumi turlari urug‘pallabarglarining morfologik o‘lchamlari keltirilgan (1-jadval).

1-jadval

Ferula L. turkumi turlari urug'pallabarglarining morfologik o'lchami

Turlar	Urug'palla-barg		Urug'pal la barg uzunligi-ning eniga nisbati	Urug'pall abargi ning umri, kun	Ildizi-ning uzunligi, mm	Urug'pal labarg uzunligini ng ildiz uzunligi ga nisbati
	Bo'yi, mm	eni, mm				
<i>F. diversivittata</i>	33	5,0	6:1	47	80	1:2,4
<i>F. kuhistanica</i>	58	4,5	13:1	48	70	1:1,2
<i>F. kokanica</i>	31	4,8	6:1	45	76	1:2,4
<i>F. samarkandica</i>	60	4,8	13:1	46	72	1:1,2
<i>F. helenae</i>	54	4,2	13:1	45	65	1:1,2

O'rganilgan turlarning birinchi chinbarglari urug' unib chiqqandan 25-30 kun keyin, 25-30 mart oylarida paydo bo'lib, ularning vegetatsiyasi may oyining o'rtalarigacha davom etib, ularning vegetatsiya davri o'rtacha 45 kunni tashkil etadi. [1].




1-Rasm. Ferula L turlarining o'rtacha bo'yiga o'sish dinamikasi (2014 - yil)

Birinchi yilda *Ferula L.* turkumi turlarida ikkita, ba'zan uchtdan chinbarglar hosil bo'ladi. Birinchi chinbarglar maysa unib chiqqandan 40-45 kun

Ma'lumki, birinchi chinbarg o'simlikni umumiy tipini belgilaydi, ya'ni har bir tur uchun o'ziga xosdir. O'rganilgan turlarning birinchi chinbarglari uzunchoq-ovalsimon, deyarli butun (*F. kokanica*, *F. kuhistanica*) qisqa bandli, biroz tukli, ba'zilarining (*F. helenae*, *F. samarkandica*) birinchi chinbarglari qirqilgan bo'ladi davomida, ikkinchi chinbarglar 50-55 kun davomida shakllanadi va o'simlikning vegetatsiyasi 70-75 kun



davom etadi. Uchinchi barglar asosan ikkinchi yilda hosil bo‘ladi.



2 – rasm. *Ferula L.* turkumi turlarining o‘rtacha eniga o‘shish dinamikasi (2014-yil)

Demak, 2014 - yilda o‘simliklarning vegetatsiyasi 20 – fevraldan boshlanib, dastlab *F. samarkandica* o‘simligi unib chiqqan. O‘rganilgan turlardan *F. kuhistanica* o‘simligining o‘rtacha bo‘yi 10 – may kuni 48 smni, 30 – may kuni 55 smni tashkil etdi.

Ferula L. turkumi turlaridan *F. samarkandica* o‘simligining o‘rtacha eniga o‘shishi eng yuqori ko‘rsatgichga ega bo‘lib, 2014- yil 10 – may kuni 76 smni, 30 – may kuni 92 tashkil etdi [1].

XULOSA

Tadqiqot natijasida tajriba maydonchalarida ekilgan o‘simliklar bilan tabiiy xolda o‘sayotgan o‘simliklar rivojlanishi solishtirilganda, tajriba maydonchalarida o‘sayotgan o‘simliklarning ontogenezi tezlashishi aniqlandi. Ularning biomorfologik ko‘rsatgichlari ham yuqori bo‘ladi. M: *F. Samarkandica* tabiiy xolda (vegetatsiyasining 3-yili) eng yirik barglari 40 sm bo‘lsa, tajriba maydonida ekilgan o‘simlikning barglari 70-80 sm bo‘ladi.

Demak bu o‘simliklarni Jizzax viloyati sharoitida ekib o‘stirish imkoniyatlari mavjud. Bu orqali shifobaxsh va noyob xususiyatga ega bo‘lgan *Ferula L.* turkumi vakillarining yo‘qolib ketishini oldi olinadi. Shu bilan birga ushbu o‘simliklardan olinayotgan xomashyoning tannarxi arzonlashadi. Natijada o‘simliklardan olinayotgan dorivor preparatlarni Respublikamiz hududida ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘yish mumkin.

REFERENCES

1. Ne'matova M.A. «Kovrak (*Ferula L*) turkumi ba'zi turlarining introduktsiyasi» JDPI-2015 Magistrlik dissertatsiyasi. 130 bet
2. Rahmonqulov U.G. S. Dadayeva, H.U.Usmonjonova, F. Rabbimova “Shifobaxsh o'simliklar” A.Qodiriy nomidagi JDPI. Jizzax- 2013
3. Раҳмонқулов У. Онтогенез видов рода *Ferula L.* (Apiaceae).// Эмбриология цветковых растений. Терминологии концепции. Системы репродукции. Т.3, Мир и семья.- Санкт-Петербург, 2000. Т.3. - С.446-450.



РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ АДМИНИСТРАТИВНЫХ СУДОВ В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Толиб Рахмонов

Студент Ташкентского государственного юридического университета

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются вопросы становления административных судов и практика рассмотрения административных споров в Республике Узбекистан. Также рассмотрены реформы, проведенные в нашей стране в сфере административного судопроизводства и правовая основа деятельности административных судов и осуществления административного правосудия.

Ключевые слова: судебная власть, Конституция, государственные органы, должностное лицо, административное судопроизводство.

ВВЕДЕНИЕ

За последние пять лет Узбекистан переживает значительные преобразования. Были проведены колоссальные реформы, направленные на усовершенствование системы государственной власти и дальнейшее либерализацию всех отраслей законодательства. Эти реформы непосредственно прикоснулись и судебной власти. Судебную власть принято считать одним из основных атрибутов развитого правового государства, и поэтапная демократизация судебной системы, обеспечение соблюдения основополагающих норм о независимости судебной власти, закрепленные Конституцией, служат гарантией дальнейшего процветания государства. Судебная власть выступает гарантом охраны и защиты конституционных прав и свобод человека. Республика Узбекистан, опираясь на эти идеи провела значительные работы, которые направлены на обеспечение независимости судов в качестве независимой ветви власти и перевоплощение их в подлинно самостоятельный институт страны, который призван надежно защищать и охранять права, свободы и интересы граждан. В республике право человека на судебную защиту закреплено на конституционном уровне. В качестве примера можем привести ст. 44 Конституции Республики Узбекистан, которая определяет, что каждому гарантируется судебная защита его прав и свобод, право обжалование в суд незаконных действий государственных органов, должностных лиц, общественных



объединений. Кроме того, было принято множество нормативно-правовых актов, направленные на усовершенствование судебной системы. Следует отметить, что принятие Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному усовершенствованию структуры и повышению эффективности деятельности судебной системы Республики Узбекистан» начало новый период в судебной системе страны. В соответствии с данным Указом впервые были образованы административные суды, основной задачей которых было определено защита нарушенных или оспариваемых прав, свобод и законных интересов граждан и юридических лиц от незаконных действий государственных органов и должностных лиц.

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Как отмечают отечественные правоведы, сущность и ключевая цель административной юстиции – охрана субъективных публичных прав граждан от незаконных административных актов (действия, бездействия) уполномоченных органов (должностных лиц), выполняющих административно-распорядительные функции, а также субъективные частные права граждан (например, право собственности). Кроме ключевой цели, следует указать такую цель, как обеспечение законности в государственном управлении. Лицо, считающее свои публичные права нарушенными, обращается в суд с административным иском [1]. Согласовываясь с мнениями отечественных правоведов, можем заключить, что основная функция административных судов – защита законных прав и интересов граждан и юридических лиц от незаконных действий или бездействий уполномоченных органов (должностных лиц), вытекающих из публичных правоотношений.

Существуют и такие мнения, что административные суды являются органами, привлекающими человека к административной ответственности. На наш взгляд, это неверные представления, которые не были положены в концепцию развития административного правосудия в Республики Узбекистан. Ибо привлечение лица к административной ответственности относится к охранительной функции административного права, а административные суды по своей природе носят правозащитный характер.

Роль административного правосудия в Республики Узбекистан очень велика. В первые годы независимости Узбекистан не отделял должного внимания на административное судопроизводство. Практика рассмотрения судебных споров, сложившееся в

период СССР, основанная на принципе «государству виднее» препятствовало обеспечению баланса публичных и частных интересов и непосредственно оказала свое влияние на судебную систему постсоветских стран, в том числе Узбекистана. Как казалось не странным, до образования административных судов в Республике Узбекистан административные споры рассматривались гражданскими судами, основная функция которого является разрешения споров, возникающие между субъектами гражданских правоотношений. Как в большинстве стран СНГ, в республике высок удельный вес муниципального управления. В республике проводятся широкомасштабные реформы в целях понижения административных барьеров и снижения избыточности муниципального воздействия. Например, принятие Закона Республики Узбекистан «Об административных процедурах» стало новшеством в сфере государственного управления. Но практика показывает, что данный закон полноценно не реализуется и во многих случаях основополагающие принципы административных процедур, закрепленные в законе, не применяются со стороны административных органов и должностных лиц в процессе разрешения административных дел или принятия административных актов. В таких случаях административные суды должны выступать в качестве надежной защиты публичных прав граждан и юридических лиц от неправомерных действий или бездействий административных органов. В этом и заключается ключевая роль административных судов.

Национальное законодательство закрепляет независимость судебной власти. Основной закон страны определяет, что судьи независимы и подчиняются только закону. С связи с принятием решения об образовании административных судов остро встал вопрос принятия единого кодифицированного нормативно-правового акта, который регулировал бы деятельность административных судов. 1 апреля 2018 года вступил в силу Кодекс Республики Узбекистан об административном судопроизводстве, регламентирующий порядок осуществления административного судопроизводства. В частности, в ст. 2 Кодекса определены основные задачи административного судопроизводства:

- обеспечение верховенства закона, прав и законных интересов граждан и юридических лиц в отношениях с административными органами;
- защита нарушенных или оспариваемых прав, свобод и законных интересов граждан и юридических лиц;



- содействие укреплению законности и предупреждению нарушений в административных и иных публичных правоотношений;
- формирование уважительного отношения к закону и суду [2].

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Формирование административных судов и дальнейшее развитие административного судопроизводства в Республики Узбекистан позволит укрепить ее авторитет на мировой арене в качестве подлинно демократического и правового государства, в котором существует надежная гарантия защиты прав и законных интересов гражданина и юридических лиц со стороны административных судов. В свою очередь, сильная судебная власть содействует существенному улучшению инвестиционного климата, которым обеспечивается повышение рейтинга нашей страны на международном уровне, так как инвесторы заинтересованы в судебной защите их прав от произвола государственных органов.

REFERENCES

1. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть. – Ташкент: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2012. – 592 с.
2. Lex.uz
3. Конституция Республики Узбекистан – Т.: Узбекистан, 2019. – 79 с.
4. Закон Республики Узбекистан «Об административных процедурах» // Национальная база данных законодательства, 09.01.2018 г., № 03/18/457/0525
5. Кодекс Республики Узбекистан об административном судопроизводстве // Национальная база данных законодательства, 26.01.2018 г.
6. Стариков Ю.Н. Административное право: учебник – 4-е изд., пересмотр. и доп. – М.: Норма, 2009. – с.



O‘SIMLIKLAR QOPLAMINI GEOAXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIB MONITORING QILISHNING O‘RGANILGANLIK HOLATI VA ILMY-AMALIY AHAMIYATI

B. R. Ramazonov

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti (PhD)

G. A. Maksudova

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti

ANNOTATSIYA

Maqolada bugungi kunda kadastr ishlarini olib borishda, o‘simlik va tuproqlar qoplamini xaritalashtirishda, bioxilma-xillikni asrash va uning yo‘qolib ketishini oldini olishda, qishloq xo‘jaligi ekinlarining hosildorligini aniqlash va ularni boshqarishda geoaxborot tizimlaridan foydalanish hamda bu yo‘nalishda geoaxborot tizimlarining ilmiy va amaliy ahamiyati to‘g‘risida fikr yuritiladi.

Kalit so‘zlar: Qizil kitob, atrof-muhit, o‘simliklar monitoringi, geoinformatsion texnologiyasi, bioxilma xillik, antropogen ta‘sir, ekologiya, , vektor, monitoring.

ABSTRACT

The article deals with the use of geographic information systems in cadastral work today, mapping of vegetation and soil cover, conservation and prevention of biodiversity loss, determination and management of crop yields, as well as scientific information about geographic information systems in this area, its practical application and significance.

Keywords: Red Book, environment, plant monitoring, geoinformation technologies, biodiversity, anthropogenic impact, ecology, vector.

KIRISH

Hozirgi kunda atrof-muhit va ekologiyaning salbiy o‘zgarishi inson xo‘jaligini ortishi bilan bog‘liq. Hududlarning urbanizatsiyalanishi, yangi qishloq xo‘jalik yerlarini ortishi, aholi yashash hududlari va transport infratuzilmasining paydo bo‘lishi davom etmoqda. Bu antropogen ta‘sirlar esa tabiiy atrof muhitga va landshaft o‘zgarishlariga olib keldi. Buning oqibatida alohida o‘simliklar turlari yo‘qolish xavfi ostiga,



ayrimlari esa butunlay yo‘qolib ketishiga sabab bo‘ldi. Bu esa atrof muhit holatini to‘g‘ri baholash bo‘yicha yangicha yondoshuvni talab qiladi. Mamlakatimizdagi atrof muhit hafvsizlik siyosati O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, atrof-muhit va barqaror rivojlanishga oid qonunchilik asosida olib borilib, ijtimoiy va ekologik yo‘naltirilgan bozor iqtisodiyoti orqali huquqiy demokratik davlat va ochiq fuqarolik jamiyati barpo etilmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Mustaqillik yillaridan boshlab atrof muhit va ekologiyaga katta e‘tibor berilib kelinmoqda. Bu o‘rinda o‘simliklar monitoringi ham muhim ahamiyatga ega. Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 5-sentyabrdagi 737-sonli qarori ham O‘zbekiston Respublikasining atrof-tabiiy muhitning davlat monitoring tizimini takomillashtirishga bog‘liq. Hozirgi kungacha O‘zbekiston amaliyotida o‘simliklar dunyosi ob‘ektining to‘liq kadastri tuzilmagan. Bugunga qadar O‘zbekiston florasining zamonaviy ro‘yxati yoxud floraning respublikamiz bo‘yicha ma‘muriy va hududiy ro‘yxati chop etilmagan. Bu muammoning asosiy sabablaridan biri mavjud ma‘lumotlarning tarqoqligi, yagona axborot manbasi yetishmasligidir. O‘zbekistonning ko‘pgina hududlaridagi o‘simliklar yetarli darajada o‘rganilgan emas. O‘simliklarning geografik tarqalishi hamda ularning endemic ko‘payishi va noyob turlarining hozirgi holati bo‘yicha aniq ma‘lumotlar yetishmasligi oqibatida O‘zbekistonning “Qizil kitob”i xalqaro IUCN talablari asosida yuritilmayapti. Bir qator dorivor giyohlar va boshqa iqtisodiy samarador bo‘lgan o‘simliklarning yovvoyi turlariga har yillik votalar e‘lon qilinadi, biroq ularning hududlarda tarqalishi va zahirasi borasida bugungi kunda aniq ma‘lumotlar mavjud emas. Shuning uchun giyohlardan dori tayorlashning ko‘lami oshib ketmoqda va oqibatda ushbu turlarning ko‘payishiga bu hol salbiy ta‘sir ko‘rsatayapti.

K.Sh.Tojiboev, N.Y.Beshko “O‘zbekistonning o‘simliklar xilma xilligi bo‘yicha ma‘lumotlar bazasini yaratish” nomli ilmiy maqolalarida O‘zbekistonda avvalgi olingan ma‘lumotlar haqida tushuncha berilib, hozirgi kunda bu yonalishda tizimlilik va umumiylik mavjud emasligi, ilmiy ishlar va jamlanmalar faqat tor doiradagi mutaxassislarda jamlangani bo‘yicha keskin tanqidiy fikrlar berilib, O‘zbekistondagi rang barang o‘simliklar haqidagi ma‘lumotlarni elektron bazasi yaratish ustida ish olib borilmoqda ligi haqida so‘z yuritilgan. E.I. Chembarisov, M.N. Raximov, Shodiev S.R., G.T. Axmedjanova Z.U. Tillayevalar Orol daryosi va gidroekologik hafvsizlik monitoringiga tegishli bo‘lib suv xo‘jaligi tashkilotlari uchun Orol



bo'yini Ekologik kompleks rejalashtirish, baholashni geoinformatsion tizim texnologiyalari orqali yoritildi.

K.P.Karpov ilmiy ishlari doirasida Qizilqum o'simliklarining Nukus shahri atrofi xilma-xilligi va uning hozirgi ekologik holati monitoringi bo'yicha bo'lib, shu o'lka o'simlik turlarining biomorfologiyasi, fonologiyasi, dominant va subdominant turlar, o'simlik turlarining ekologiyasi va biogeografiyasi, xo'jalikdagi ahamiyati ishlatilishi, kamyob turlari hamda ularning muhofazasiga oid olib borilgan ilmiy tadqiqo natijalari yoritilgan. Geoaxborot tizimlari - geoinformatsion geografik axborot tizimidir. Bu bizga atrofdagi dunyo ob'ektlarini xaritaga tushirishga, so'ngra ularni juda ko'p parametrlar bo'yicha tahlil qilishga, ularni vizualizatsiya qilishga va ushbu ma'lumotlarga asoslanib, turli xil hodisalarni bashorat qilishga imkon beradi. Bunday kuchli texnologiya Geoaxborot tizimlari global vazifalarni hal qilish imkonini beradi. Geoaxborot tizimlari texnologiyalari butun insoniyatga xizmat qilishi, ekologik ofatlarning oldini olish yoki muayyan hududlarda aholining haddan tashqari ko'payishi muammolarini hal qilishga yordam berishi mumkin. Geoaxborot tizimlari alohida kompaniyalar ehtiyojlari uchun, uning yordami bilan samarali biznesni yo'lga qo'yish uchun ham qo'llanilishi mumkin. Masalan, transport kompaniyasi maxsus ma'lumotlar bazalaridan foydalangan holda, o'z transport vositalari uchun eng yaxshi yo'nalishlarni tanlashi mumkin, kommunal xizmatlar yangi uylarga aloqa o'rnatishi mumkin va hokazo.

Ishlaydigan geoaxborot tizimlari beshta asosiy tarkibiy qismni: apparat yoki uskuna, dasturiy ta'minot, ma'lumotlar, ijrochilar va usullar o'z ichiga oladi.

Uskuna. Bu geoaxborot tizimlari bilan ishlaydigan kompyuter. Bugungi kunda geoaxborot tizimlari turli xil kompyuter platformalarida ishlaydi, markazlashtirilgan serverlardan mustaqil yoki tarmoqqa ulangan ish stoli kompyuterlarigacha bo'lgan jihozlar kiradi. Geoaxborot tizimlari dasturiy ta'minoti geografik - fazoviy ma'lumotlarni saqlash, tahlil qilish va vizualizatsiya qilish uchun zarur bo'lgan funktsiyalar va vositalarni o'z ichiga oladi. Dasturiy mahsulotlarning asosiy komponentlari quyidagilardir: geografik ma'lumotlarni kiritish va ulardan foydalanish vositalari; ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimi; fazoviy so'rovlarni qo'llab-quvvatlash vositalari, tahlil va vizualizatsiya (display); asboblari va funktsiyalarga oson kirish uchun grafik foydalanuvchi interfeysidan iborat.

Ma'lumotlar. Bu ehtimol geoaxborot tizimlarining eng muhim tarkibiy qismidir. Joylashtiriladigan ma'lumotlari - geografik ma'lumotlar va tegishli jadval ma'lumotlari foydalanuvchi tomonidan to'planishi va tayyorlanishi yoki savdo yoki boshqa asosda

sotuvchilardan sotib olinishi mumkin. Fazoviy ma'lumotlarni boshqarish jarayonida geoaxborot tizimlari fazoviy ma'lumotlarni boshqa ma'lumotlar turlari va manbalari bilan birlashtiradi, shuningdek, ko'plab tashkilotlar tomonidan o'z ixtiyoridagi ma'lumotlarni tartibga solish va saqlash uchun foydalaniladigan texnologiyalardan foydalanishi mumkin.

Ijrochilar. Geoaxborot tizimlarining texnologiyasidan keng foydalanish dasturiy mahsulotlar bilan ishlaydigan va real muammolarni hal qilishda ulardan foydalanish rejalarini ishlab chiqadigan odamlarsiz mumkin emas. Geoaxborot tizimlarining foydalanuvchilari tizimni ishlab chiqadigan va unga xizmat ko'rsatadigan texnik mutaxassislar, shuningdek, geoaxborot tizimlari tomonidan kundalik ishlar va muammolarni hal qilishda yordam beradigan oddiy xodimlar (oxirgi foydalanuvchilar) bo'lishi mumkin.

Usullari. Geoaxborot tizimlaridan foydalanishning muvaffaqiyati va samaradorligi, shu jumladan iqtisodiy ko'p jihatdan har bir tashkilotning aniq vazifalari va ishiga muvofiq tuzilgan to'g'ri tuzilgan reja va ishlash qoidalariga bog'liq. Geoaxborot tizimlari - geoaxborot tizimlari geografik joylashuvga qarab birlashtirilgan tematik qatlamlar to'plami sifatida real dunyo haqidagi ma'lumotlarni saqlaydi. Ushbu sodda, ammo juda moslashuvchan yondashuv turli xil real ilovalarda o'z ahamiyatini isbotladi: transport vositalari va materiallarni kuzatish, real vaziyatlar va rejalashtirilgan voqealarni batafsil xaritalash va global atmosfera aylanishini modellashtirish. Har qanday geografik ma'lumotlar fazoviy joylashuv haqidagi ma'lumotlarni o'z ichiga oladi u geografik yoki boshqa koordinatalarga havola bo'ladimi yoki manzil, pochta indeksi, saylov okrugi yoki aholini ro'yxatga olish okrugi, yer yoki o'rmon uchastkasi identifikatori, yo'l nomi yoki avtomobil yo'lidagi kilometr postiga havolalar va hokazo. Avtomatik ravishda aniqlash uchun bunday havolalardan foydalanganda funksiyalarning joylashuvi geokod deb ataladigan protsedura qo'llaniladi. Uning yordami bilan siz tezda qaerda ekanligini aniqlashingiz va xaritada ko'rishingiz mumkin sizni qiziqtiradi ob'ekt yoki hodisa, masalan, do'stingiz yashaydigan uy yoki sizga kerak bo'lgan tashkilot joylashganligi, zilzila yoki suv toshqini sodir bo'lgan joy, qaysi yo'nalish sizga kerakli nuqta yoki uyga borish osonroq va tezroq bo'ladi.

Vektor va rastr modellari. Geoaxborot tizimlari ikki xil turdagi ma'lumotlar bilan ishlashi mumkin - vektor va rastr, vektorli modelda nuqtalar, chiziqlar va ko'pburchaklar haqidagi ma'lumotlar X, Y koordinatalari to'plami sifatida kodlanadi va saqlanadi - zamonaviy geoaxborot tizimlari ko'pincha uchinchi fazoviy va to'rtinchi, masalan, vaqt



koordinatasini qo'shadi. Nuqtaning - nuqta ob'ektining, masalan, quduqning joylashuvi bir juft koordinata (X,Y) bilan tavsiflanadi. Yo'llar, daryolar yoki quvurlar kabi chiziqli xususiyatlar X, Y koordinata to'plami sifatida saqlanadi. Daryolar, posilkalar yoki xizmat ko'rsatish joylari kabi ko'pburchak xususiyatlar yopiq koordinatalar to'plami sifatida saqlanadi. Vektor modeli ayniqsa, diskret ob'ektlarni tavsiflash uchun foydalidir va doimiy o'zgaruvchan xususiyatlarni tavsiflash uchun kamroq mos keladi, masalan, aholi zichligi yoki ob'ektlarga kirish imkoniyati. Rastr modeli uzluksiz xususiyatlar bilan ishlash uchun optimal hisoblanadi. Rastr tasvir - bu alohida elementar komponentlar - hujayralar uchun qiymatlar to'plami bo'lib, u skanerlangan xarita yoki rasimga o'xshaydi. Ikkala modelning ham afzalliklari va kamchiliklari bor. Zamonaviy geoaxborot tizimlari ham vektor, ham rastr ma'lumotlar modellari bilan ishlashi mumkin.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Geoaxborot tizimlari - geoaxborot tizimlari keng ko'lamli ilovalarga ega ko'p qirrali vositadir. Ulardan foydalanishning odatiy sohasi yerni boshqarish, kadastr tuzish, maydonlarni hisoblash va yer uchastkalarini chegaralashdir. Bunday muammolarni hal qilish uchun birinchi bunday tizimlar yaratilgan. Yana bir soha - ishlab chiqarish infratuzilmasi ob'ektlarini boshqarish, ularni hisobga olish, rejalashtirish va inventarizatsiya qilish. Ob'ektlar tarmog'ini yaratish va joylashtirish muayyan maqsadda – do'konlar, yoqilg'i quyish shaxobchalari va boshqalar. Arxitektura va qurilish sohasida muhandislik tadqiqotlari va rejalashtirish, hududni rivojlantirish va uning infratuzilmasini optimallashtirish muammolarini hal qilishdan iborat. Transportning barcha turlarini boshqarish - quruqlikdan suv va havogacha. Geoaxborot tizimlari istiqbollari haqida Yangi geoaxborot tizimlari rivojlanishidagi evolyutsiya bosqichini geodizaynning paydo bo'lishi deb hisoblash mumkin, bu hozirgi vaqtda hamma joyda - yerdan foydalanish va tabiatni muhofaza qilish sohasidan tortib, yangi infratuzilma va qurilish loyihalarini rejalashtirishgacha, shuningdek, kommunal xizmatlarni saqlashda talab qilinadi. tarmoqlar va boshqalar. Kelajakda sun'iy intellekt tamoyillarini o'z ichiga olgan geoaxborot tizimlari texnologiyalari keng miqyosda qo'llaniladi. Zamonaviy geoaxborot tizimlari - bu global davlat dasturlarini amalga oshirishga xizmat qiluvchi kosmik va aerofotosuratdan foydalanishga asoslangan eng yangi kompyuter ishlanmalaridan iborat Geoaxborot tizimlari hozirda misli ko'rilmagan tezlikda rivojlanmoqda va tijorat nuqtai nazaridan eng qiziqarli yechimlar qatoriga kiradi. Rossiyada bugungi kunda 200 ga yaqin turli



tashkilotlar ularni ishlab chiqish va amalga oshirish bilan shug'ullanadi, bu bizga g'arb ishlab chiqaruvchilari bilan raqobat haqida gapirish imkonini beradi. Yangi texnologiyalar ortida axborotni qayta ishlashning kompyuter vositalarini yanada rivojlantirishga asoslangan ulkan istiqbollar turgani endi hech kimga sir emas.

Geoaxborot tizimlari texnologiyalari bugungi kunda deyarli hamma joyda – yog'ochni qayta ishlash, qurilish, kartografiya, ekologiya, seysmologiya, qishloq xo'jaligi va boshqa sohalarda qo'llaniladi. Ular oliy o'quv yurtlari va ilmiy institutlarda o'qitiladi. Geoaxborot tizimlari texnologiyasi inson hayotining deyarli barcha jabhalariga ta'sir qiladigan butun sanoatdir. Shu bilan birga, ushbu turdagi texnologiyaga aniq ta'rif berish juda og'ir, bu shunchaki tizimlashtirilgan bilimlar to'plami emas. Mamlakatimizda biologik xilma-xillikni saqlash, uni asrash, muhofaza qilish va undan barqaror foydalanishni ta'minlash, muhofaza qilinadigan tabiiy hududlarni rivojlantirish va kengaytirish, tabiiy Ekologik tizimlarning tanazzulga uchrashi sur'atlarini pasaytirish, hayvonlar va o'simliklarning kamyob va yo'qolib borayotgan turlarini qayta tiklash, bioxilma-xillikni saqlab qolish ohasidagi xalqaro munosabatlarni rivojlantirishga qaratilgan kompleks chora - **2019–2028** yillar davrida O'zbekiston Respublikasida biologik xilma-xillikni saqlash Strategiyasi qabul qilindi.

XULOSA

O'zbekistonning bioxilma-xilligi hozirgi paytda ma'lum bo'lgan **27 mingtaga** yaqin turni o'z ichiga oladi. Ular orasida yuksak o'simliklar, po'panaklar, lishayniklar, suvo'tlari bilan qoplangan zamburug'lar, qo'ziqorinlar va suvo'tlari umuman olganda **11 mingtaga** yaqin turni tashkil etadi, fauna turlari **-15,6 mingta** turdan ortiq. O'zbekiston yuksak o'simliklari endemizmi qariyb **8%** dan iborat. Qadimdan saqlanib qolgan endemiklar endemik turlari Umumiy sonining **10–12** foizini tashkil etadi. Betakror tabiatimiz va undagi bioxilma-xillikni to'liq muhofaza etish, ularni qayta tiklash va ko'paytirish ishlari muhofaza etiladigan tabiiy hududlarda amalga oshirilmoqda.

Geoaxborot tizimlaridan foydalanish, ayniqsa qishloq xo'jaligida ekinlardan yuqori hosil olish, vegetatsiya davrida ularni suv va oziq elementlariga bo'lgan talabini aniqlash, ularni oziqlantirish va boshqarishda kata ilmiy va amaliy ahamiyatga ega bo'lib, yuqori va sifatli hosil olinishini hamda ekinlarni payhon qilinishining oldi olinadi.



REFERENCES

1. Tojiboyev K.Sh. “O‘zbekistonda qancha va qanday o‘simliklar o‘shini bilish nima uchun zarur”. ilmiy maqola.
2. Муталов, К. А., Рамазонов, Б. Р., & Закиров, Д. У. (2020). Полукустарничковая растительность Юго Западного Кызылкума Материалы международной научно-практической конференции «Охрана и рациональное использование природных ресурсов Южного Приаралья» г. Нукус.
3. Рамазонов, Б. Р., Рахимов, А. К., & Муталов, К. А. (2020). Районирование сельскохозяйственных культур на территориях Приаралья их эффективность и улучшение экологического состояния аральского РЕГИОНА. *Биология ва экология электрон журнали*, 4(2).
4. Рамазонов, Б. Р. (2021). Противоэрозионные меры борьбы на склоновых землях и предгорных районах, процессы деградации. *Академические исследования в области педагогических наук*, 2 (5), 410-419.
5. Рамазонов, Б. Р. (2021). Сельскохозяйственные культуры и их продуктивность в нижне амударьинском регионе. *Academic research in educational sciences*, 2(1).
6. <https://www.uznature.uz/uz/site/news> id=1499



УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ БОСҚИЧИДА АДАБИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИНИНГ ШАКЛ ВА МАЗМУНИ

Шахло Исамиддиновна Ботирова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессори, педагогика
фанлар доктори (DSc)

АННОТАЦИЯ

Педагогик таълим жамиятнинг барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамияти ва талабидан келиб чиққан ҳолда инновацион моделларни ўзлаштиришни тақозо қилади. Кейинги йилларда педагогик таълимга янги илмий-амалий йўналиш сифатида кириб келган кластер ёндашуви замонавий талабларга мослиги, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим, фан ва ишлаб чиқариш бўғинлари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Педагогик таълим кластери тизимнинг бугунги ҳолатидан келиб чиқилганда ҳаётий зарурат эканлиги ойдинлашади.

Калит сўзлар: адабий таълим, ўрта таълим, педагогик таълим, таълим кластери, шакл, мазмун.

КИРИШ

Педагогик таълим инновацион кластери борасида амалга оширилган тадқиқотларда унинг таълим, фан ва ишлаб чиқариш субъектларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган умумий методологик асосга эга ҳодиса эканлиги айтиб ўтилган. Педагогик таълим инновацион кластери муайян фан соҳаси доирасида хусусий методологик аҳамият касб этади ва уни амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Тадқиқотнинг ушбу параграфида педагогик таълим кластери занжирида умумтаълим мактабларининг адабиёт фанини ўқитиш мисолидаги ўрни ва аҳамияти, мактабгача ва олий таълим билан ҳамкорлиги масаласи ёритилади.

Бугунги кунда жамиятга мустақил равишда масъулиятли қарорлар қабул қила оладиган, ҳамкорлик қила оладиган, ҳаракатчан, ностандарт ва креатив фикрлаш кўникмасига эга ҳамда мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳисси ривожланган зиёли, ахлоқли ходимлар керак. Бу вазифаларни амалга оширишнинг шартларидан



бири эса мактабгача ва умумий ўрта таълимнинг олий таълим билан ҳамкорлик аънаналари ва тажрибасидан фойдаланишдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Педагогик таълим кластери доирасида адабиёт таълими мисолида умумий ўрта таълим субъектининг роли ва аҳамияти қуйидаги йўналишларда кўзга ташланади:

1. Таълимда ижтимоий шериклик тамойилига асосланган ҳамкорликни йўлга қўйиш.

2. Адабиёт таълимида ўзаро ҳамкорликка асосланган ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш.

3. Адабиёт таълимида ўзаро ҳамкорлик шакллари аниқлаштириш.

4. Адабиёт таълимида кластер ҳамкор субъектларининг вазифаларини белгилаб олиш ва тавсифлаш.

5. Адабиёт ўқитишни такомиллаштиришга қаратилган инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни “мактаб-лаборатория”ларда тажриба-синовдан ўтказиш.

6. Адабиёт таълимида илмий салоҳият оқимини тартибга солиш орқали мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш.

Мамлакатимизда таълим тизимни тўғри ташкил қилиш доимо давлат фаолиятининг муҳим таркибий қисми, таълим олиш эса муҳим қадрият ҳисобланиб келган, чунки у жамиятнинг иқтисодий ривожланиши учун асос, ижтимоий барқарорлик омилларидан бири, интеллектуал ресурсининг ўсиш манбаи ва аҳолининг маънавий-ахлоқий салоҳиятидир. Ҳозирги кунда аҳолининг таълимга бўлган эҳтиёжи ортиб, олий таълимга талабгорлар сони кўпайиб бормоқда. Бугунги янги Ўзбекистон шароитида турли типдаги таълим муассасалари тармоғи кенгаймоқда, улар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда, айти пайтда такомиллашиб, мураккаблашиб ҳам бормоқдаки, таълим инфратузилмасида бошқарув, методик ва илмий-тадқиқот хизматларининг шаклланиши натижасида кадрлар базаси мустаҳкамланишига, таълимнинг шакли, мазмуни ва усуллари янгиланишига ҳамда билимнинг ҳаётий аҳамиятини оширишга қаратилган таълим беришга эътибор қаратилмоқда.

Педагогик таълим инновацион кластери таълимда ижтимоий шериклик тамойилини қўллаб-қувватлайди.

Ижтимоий шериклик таълимий, илмий, услубий ресурсларни мактабгача таълимдан олий ўқув юртларигача тақсимланишига, ҳамкорликдаги фаолиятини тўғри йўналтириш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Таълим соҳасини ривожлантириш учун жамият ресурсларидан унумли фойдаланиш, таълим субъектларининг таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш учун таълим жамоаси ва кластер ҳамкор субъектларининг ҳаётий тажрибасини тўплаш, ижобий жиҳатларни оммалаштириш лозим.

Ижтимоий шериклик барча ҳамкорлар учун умумий бўлган устувор истиқболни кўзлаган ҳолда самарали ва муваффақиятли ҳаракат қилиш имконини беради. Ижтимоий шерикликка асосланган тадбирлар мажмуи ҳамкорликка жалб этилган жамият аъзоларига энг самарали ва тежамкор ёрдам кўрсатиш имконини беради. Бундай ҳамкорликка асосланган умумий ўрта таълим мактаби ва олий таълим муносабати қуйидаги механизмларга асосланмоғи лозим:

- очиклик ва ҳамкорлик;
- ривожланиш, мулоқот ва фикр алмашишга эҳтиёж;
- жамиятда кўрсатилаётган таълим хизматлари сонини оширишга қаратилган ҳамкорлик ва бошқалар.

Ҳозирги кунда “таълимда ижтимоий шериклик” тушунчасининг ягона таърифи йўқ. Хорижий, жумладан, рус тадқиқотчилари томонидан ушбу тушунчага нисбатан айрим таърифлар берилган:

1. Таълим муассасаларининг меҳнат бозори субъектлари ва муассасалари, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигининг алоҳида тури бўлиб, у жараённинг барча иштирокчилари манфаатларини максимал мувофиқлаштириш ва амалга оширишга қаратилади.

2. Ишонч, умумий мақсад ва қадриятлар, ихтиёрий ва узоқ муддатли муносабатлар, шунингдек, ҳамкорлик ва ривожланиш натижасида томонларнинг ўзаро масъулиятини тан олиш билан тавсифланадиган таълим жараёни субъектлари ўртасидаги биргаликдаги фаолиятнинг алоҳида тури.

И.М.Реморенконинг фикрига кўра, таълимга нисбатан ижтимоий шериклик деб қуйидагилар тушунилади:

- муайян мутахассислар жамоасининг ижтимоий гуруҳлар ўртасида содир бўлувчи таълим тизими доирасидаги ҳамкорлиги;

- таълим тизими ходимларининг ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари вакилларига мурожаат қилиш орқали киритадиган ҳамкорлиги;

- фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашувчи ижтимоий ҳаётнинг махсус соҳаси сифатида таълим тизими ташаббуси билан содир бўлувчи ҳамкорлик.

Бизнингча, таълимда ижтимоий шериклик масаласини кластер ёндвшувидан алоҳида ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ижтимоий шерикликдан кўзланган мақсад кластер моҳияти ва тамойилларида ўз ифодасини топган. Демак, хорижий олимларнинг мазкур тушунчасига берган таърифларида унинг кластер ёндашуви билан алоқадорлигининг акс этмаганлиги ушбу таърифлар ислоҳ қилишга муҳтож эканлигини кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда биз “таълимда ижтимоий шериклик” тушунчасининг қуйидаги таърифини таклиф қиламиз: таълим билан алоқадор субъектлар, давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг ихтиёрий ва узоқ муддатли кластер ёндашув тамойилларига асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик шаклидир.

Тошкент вилояти таълим тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида адабиёт фанини бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳудудда ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжнинг тўла қондирилмаганлиги, таълим хизматлари бозорида рақобат муҳитининг йўқлиги табиий равишда ўқитувчилар салоҳиятига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, ҳудудда адабиёт таълими мисолида ўзаро манфаатли ижтимоий шериклик назарда тутилмаган. Бизнингча, зудлик билан мактбгача ва умумий ўрта таълим муассасаларига ўқув-услугий ёрдам беришни амалга ошириш зарур. Бундай шароитда институтда ташкил қилинган методик машғулотлар шакл ва мазмун жиҳатдан тизимли, мактаблар билан ҳамкорлик учун очиқ бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бизнингча, бундай шароитда ҳудудда ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни тезкор ва сифатли қондириш масаласи Чирчиқ давлат педагогика институтида ҳудудда ўқитувчиларга эҳтиёж мавжуд таълим йўналишларини дуал таълим шаклига ўтказиш билан таъминланиши мумкин. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг амалиётга асосланган шакли ҳудуддаги умумтаълим мактаблари билан педагогик олий таълим муассасалари ўртасидаги манфаатли ҳамкорликни таъминлайди.

Бўлажак адабиёт фани ўқитувчиларини тайёрлашнинг методик тизими фаолият кўрсатиш ва таркиб топтиришнинг умумий мақсади, ягона бошқарув тузилмаси ва ўзаро назорат



тамойилларига асосланиши, бирлаштирилган ташкилий таълим шакллари мажмуи йўлга қўйилиши лозим. Унда вилоятдаги таълим муассасалари, мактабгача ва умумий ўрта таълим мактабларининг педагог ходимлари ва тарбиячилари, ўқувчилар гуруҳлари билан яқин муносабатлар таъминланади, яъни ижтимоий шериклик йўлга қўйилади.

Ижтимоий шериклик одамлар ва гуруҳларнинг бир-бирига таъсир этиш жараёнидир. Бу жараёндаги ҳар бир ҳаракат ўзаро ҳамкорликнинг мақсад ва вазифалари, кутилаётган натижаси билан белгиланади. Ҳар қандай ўзаро ҳамкорлик камида иккита иштирокчини – интерактантни ўз ичига олади ва бизнинг шароитимизда бу мактаб ўқитувчилари, талабалар, институт методист олимлари ва талабалар бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу ҳолатда ижтимоий шериклик бир хил ҳаракат бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти бошқа шахс ёки кишилар гуруҳига қаратилгандир.

Умумтаълим мактабларида олиб бориладиган педагогик амалиёт олий педагогик таълим таълим жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Педагогик амалиёт жараёнида талаба учун келажакда касбий фаолият соҳасини ўзи учун қанчалик тўғри танлаганини, шу касбнинг шахсий сифатлари ва талаблари нисбатини аниқлаш, мактаб муҳитига ўқитувчи кўзи билан қараш имконияти яратилади. Амалиёт талабанинг амалий воқелик ҳодисаларини кузатиш, уларнинг иш мазмунини таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради ва шу асосида ўзининг касбий шаклланиш жараёнига нисбатан керакли тузатишлар ва умумлаштиришларни амалга оширади. Амалиётнинг асосий мақсади мавжуд назарий билимлар асосида касбий компетенцияларни шакллантириш, амалий кўникмаларни янада ривожлантиришдир. Ўқувчиларни амалиётга олиб борадиган мактаб ўқитувчилари ёрдамсиз бу мақсадга эришиш мумкин эмас.

Педагогик амалиётни муваффақиятли ташкил этишга кўмаклашувчи ижтимоий шериклик бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради.

Биринчидан, ижтимоий шерикликнинг мақсади, яъни ҳамкорликнинг барча иштирокчиларига тегишли бўлган фаолиятнинг олдиндан режалаштирилган натижасидир. Бу мактаб ўқитувчилари, талабалар, институт методист олимлари ва талабаларнинг умумий мақсад ва хусусий манфаатларнинг қондирилиши билан таъминланади.

Иккинчидан, ижтимоий шериклик муносабатлари эмпирик жараён, яъни амалиётга асосланганлиги учун ҳам бевосита кузатиш имконияти мавжуд бўлади. Бу амалиётчи



талабанинг дарс ва дарсдан ташқари тадбирларда унинг ҳаракатларини кузатиш, таҳлил қилиш ва тузатиш жараёнида намоён бўлади.

Учинчидан, ижтимоий шериклик фаолиятга асосланган, вазиятли, яъни ўзаро таъсир субъектларининг фаолиятини акс эттиради.

Тўртинчидан, коммуникатив, яъни фикр ва ахборот алмашишни ўз ичига олади.

Бешинчидан, ижтимоий шериклик тесқари алоқа, бошқа иштирокчиларнинг қарши муносабатлари мавжудлиги каби хусусият билан тавсифланади. Ижтимоий шериклик муносабатлари тўғри ташкил қилинганда қарши муносабат кам кузатилади, аммо ҳар доим эҳтимолий характерга эга ҳодиса сифатида инобатга олиниши лозим.

НАТИЖАЛАР

Умумий ўрта таълим босқичида адабиёт таълими кластерининг шаклларида бири ҳамкорликка асосланган ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборатдир. Педагогикада ҳамкорликка асосланган таълим технологиялари ўқитишнинг икки ёки кўп томонлама ҳамкорлигини назарда тутди. Ҳамкорликка асосланган ўқитиш технологиялари кўпроқ ўқитувчи ва ўқувчи, ўқувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар тизимига асосланади. Унда ўқувчилар томонидан фан бўйича материалларни қайта ишлаш, лойиҳалаш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган баҳс, мунозарага асосланган машғулотлар назарда тутилади. Ҳамкорликка асосланган ўқитиш технологияси 1980-1990 йилларда америкалик олимлар: Р.Славин, Р.Жонсон, Д.Жонсон, Ш.Шаронлар томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу технология дидактикада нисбатан олдинроқ – 1970 йилларда Англия, Германия, Канада, Япония ва исроил каби мамлакатларнинг таълим тизимида пайдо бўлган ва кенг қўлланилган. Ҳамкорликка асосланган ўқитиш технологиясининг жамоада ўқитиш (Р.Славин), кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш (Р.Славин) каби методлари мавжуд.

Биз тадқиқотимизда кластер шароитида ҳамкорликда ўқитиш технологияларини ишлаб чиқдик. Бу кластер субъектларининг таълим мазмуни ва шаклига нисбатан ҳамкорликда ёндашувини назарда тутди. Буни адабиёт фани мисолида кўриб чиқамиз.

Авалло, таълим субъектлари кластер доирасида ўзларининг хусусий мақсадларидан ташқари олдинги ва кейинги таълим босқичлари билан биргаликда умумий



мақсадга ҳам эга эканлигини англашлари лозим. Кластернинг ушбу тамойиллари таълимнинг барча босқичларида сифат ва самарадорликни таъминлашга хизмат қилади. Адабиёт ўқитиш мисолида бу қуйидаги методларда намоён бўлади:

1. Ўқитувчи-ўқитувчи ҳамкорлик методлари.
2. Ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлик методлари.
3. Талаба-ўқувчи ҳамкорлик методлари.

Ушбу методлар тадқиқотимиз давомида Чирчиқ давлат педагогика институти педагогик таълим инновацион кластер маркази томонидан Чирчиқ шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабида ташкил қилинган “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончасида амалга оширилган “Ташаббускор талабалар” лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилди.

Адабиёт таълимида кластер ҳамкор субъекти сифатида умумтаълим мактабларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Адабий таълимда мактабгача таълим ва олий таълим (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими) турлари ўртасида узвийлик асосида алоқадорликни таъминлаш.

2. Адабиёт таълимида ўқувчиларнинг адабиёт фанини ўрганишнинг бошланғич А1 даражасидан адабиёт фанини ўрганишнинг таянч А2 даражасида, шунингдек, адабиёт фани чуқур ўрганиладиган синфлар ва ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиларининг адабиёт фанини ўрганишнинг кучайтирилган бошланғич А1+ даражасидан адабиёт фанини ўрганишнинг кучайтирилган таянч А2+ даражасида билим олишларини таъминлаш.

3. Умумий ўрта таълим муассасалари адабиёт фани бўйича ўқувчиларда қуйидаги компетенцияларни шакллантириш:

- адабий-нутқий компетенциялар (тинглаб тушуниш, фикрни оғзаки баён қилиш, ўқиш, фикрни ёзма баён қилиш);
- бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияси.

Адабий-нутқий компетенцияларнинг шаклланиши умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига қўйиладиган қуйидаги малака талабларининг қондирилиши билан таъминланади:

A1 даража учун:

- ихчам матн асосида яратилган аудиоматн, видеотасвирларни тинглаб тушуна олиш;

- эртақ, топишмоқ, мақол, тез айтиш, ривоят, ҳикоят, масал, халқ қўшиқлари, ҳикоя, шеърларни ўқиб тушуниш ва мазмунини қайта сўзлаб бера олиш;

- ёзма ва босма ҳарфларни, улар ифодалайдиган товушларни тўғри талаффуз эта олиш;

- матнни гап оҳангига риоя қилган ҳолда аниқ, раван ўқий олиш;

- бир дақиқада 50 — 55 сўзни ўқий олиш;

- монологик ва диалогик нутқда ўз фикрини аниқ ифодалай олиш;

- ўрганилган мавзулар доирасида 5-6 гапдан иборат кичик ижодий матн ёза олиш;

- мактаб кутубхонасидан фойдалана олиш;

- кичик ҳажмдаги 8 — 10 та шеърни ёддан айтиб бера олиш.

A1+ даража учун:

- бир дақиқада 55 — 60 сўзни ўқий олиш;

- асар қаҳрамонлари, табиат тасвири ҳақида 7-8 гапдан иборат кичик ижодий матн ёза олиш;

- кичик ҳажмдаги 10 — 12 та шеърни ёддан айтиб бера олиш.

A2 даража учун:

- бадиий асарлар асосида яратилган аудиоматн, видеотасвирларни тинглаб тушуниш, тегишли муносабат билдира олиш;

- насрий, шеърый, драматик асар намуналарини ифодали ўқий ва мазмун-моҳиятини тушуна олиш;

- бадиий асар сюжетини қайта сўзлаб бера олиш;

- турли жанр ва ҳажмдаги 8 — 10 та шеърый матн ёки унинг парчасини ёддан ифодали айта олиш;

- адабий, адабий-ижодий ва эркин мавзулардаги иншоларга хос хусусиятларни билиш ва ушбу йўналишларда иншо (5 — 7 саҳифа) ёза олиш;

- адабий тил меъёрларига риоя қилган ҳолда турли мавзуларда таассурот, реферат ва ижодий матн ёза олади, унда халқ мақоллари, маталлари, ҳикматли сўз, бадиий, публицистик асарлардан ўринли фойдалана олиш;

- мактаб кутубхонасидан мустақил фойдалана олиш, турли жанрдаги адабиётларни танлаб мутолаа қила олиш, ундаги воқеа-ҳодисалар, образлар тизимига муносабат билдира олиш.

A2+ даража учун:

- турли жанрдаги матнларни образга кириб ифодали ўқий олади;



- турли жанр ва ҳажмдаги 10 — 12 та шеърӣ матн ёки унинг парчасини ёддан ифодали айта олади

- бадий асар асосида яратилган кичик сахна кўринишларида қаҳрамонлар ролини ижро эта олади.

“Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари умумий ўрта таълим босқичида адабиёт таълими кластерининг шаклий белгиларини, тажриба-синов жараёнига қўйилган лойиҳалар эса адабиёт таълими кластерининг мазмун хусусиятларини ташкил қилади. Шу жиҳатдан адабиёт таълими кластерининг мактаб-лаборатория тузилмаси ўзида мазкур лойиҳанинг асосий мазмунини ифодалайди (3.3-расм).

Тадқиқотчи У.Хўжамқулов “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларининг йўналишлари сифатида қуйидагиларни қайд этади: тажриба-инновацион йўналиш; илмий-услубий йўналиш; илмий тадқиқот йўналиши; ахборот-таҳлилий йўналиш.

Мазкур йўналишлар тадқиқотчи томонидан умумий методологик асосга эга йўналишлар сифатида келтирилган. Ушбу йўналишларни фан тармоқлари, хусусан, адабий таълим кластери “Мактаб-лаборатория”ларига татбиқ қилинганда, қуйидаги белги-хусусиятлар намоён бўлади:

- тажриба-инновацион йўналиш – адабиёт таълимининг янгиланган мазмунини амалиётга татбиқ қилиш ва апробациядан ўтказиш; касбгача ва касбий педагогик тайёрлов бўйича таълим ва тарбиянинг инновацион усуллари, шакллари ва технологиялари бўйича инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, апробация қилиш ва татбиқ этиш;

- илмий-услубий йўналиш – адабиёт фани ўқитувчиларига инновацион фаолият бўйича илмий-услубий ёрдам кўрсатиш; конференциялар, семинарлар, мастер-класслар, очик машғулотлар, стажировкалар, гуруҳ ва индивидуал маслаҳатлар ташкил этиш орқали адабиёт фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш ва “Мактаб-лаборатория”да тўпланган инновацион усулларни тарқатиш;

- илмий тадқиқот йўналиши – адабиёт ўқитиш методикасини кластер воситасида такомиллаштириш борасидаги илмий тадқиқотларни таълим амалиётларида қўллаш ва экспертиза қилиш, адабиёт таълимини ривожлантириш дастурларини амалга оширишда самарадорликни тадқиқ қилиш;

- ахборот-таҳлилий йўналиш – адабиёт фани ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган илғор таълим

усулларини ўрганиш ва умумлаштириш; таълимга оид ахборот ресурсларини яратиш, жамлаш ва янгилаб бориш; оммавий ахборот воситаларида адабиёт таълимнинг жозибadorлигини оширувчи ва унинг мавқейини кўтарувчи реклама маҳсулотлари, мақолалар ҳамда видеороликлар тайёрлаш.

МУҲОКАМА

Адабиёт таълими кластери “Мақтаб-лаборатория” тузилмасидаги адабий таълимнинг фаолият йўналишларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Таълим йўналиши:


- адабиёт таълимида мавжуд муаммоларни аниқлаш, таснифлаш ва бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш;
- ҳудудда адабиёт таълими бўйича ўқув-услубий салоҳиятнинг вертикал ва горизонтал ҳаракатланиш механизмини ишлаб чиқиш;
- адабиёт дарс машғулотлари сифатини бошқариш ва назорат қилиш;
- адабиёт таълими бўйича ўқув-услубий самарадорликни аниқлашнинг содда ва энг мақбул механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- адабий таълимнинг ўқув-услубий соҳасида ўзаро тўторлик фаолиятини йўлга қўйиш.

2. Таълим воситалари йўналиши:

- адабиёт фанининг ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш;
- адабиёт фанидан дарслик, ўқув қўлланмаларнинг мазмун-мундарижасини бойитиш ва савиясини кўтариш;
- адабиёт дарс машғулотининг ёрдамчи адабиётлар ва дидактик таъминотини такомиллаштириш;
- адабиёт дарс машғулотларида ахборот технологиялари ва педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга эришиш.

3. Таълим ва фан йўналиши:

- адабий таълим ва фан ўртасидаги интеграцияни кучайтириш;
- адабиётшунослик илмий соҳасида таълим турлариаро устоз-шогирд тизимини йўлга қўйиш.
- ОТМ ва умумтаълим мактаблари (мактабгача таълим муассасалари) адабиёт фани ўқитувчиларининг ҳамкорлигида бинар илмий тадқиқотларни кўпайтириш (илмий ишланмалар ОТМ профессор-ўқитувчилари томонидан, унинг амалиётга татбиқ қилиниши умумтаълим мактаби ўқитувчилари томонидан амалга оширилади);
- адабий таълимда илмий-педагогик салоҳиятнинг эҳтиёжга қараб оқишини таъминлайдиган механизмни ишлаб чиқиш.



1-расм. Адабиёт таълими кластери “Мактаб-лаборатория” тузилмаси

4. Адабий таълимни мувофиқлаштириш йўналиши:

- адабий таълимни инновацион мувофиқлаштириш борасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;
- адабий таълим бўйича таълим турлари манфаатларини мувофиқлаштирувчи ҳудудий бошқарув тизимини яратиш;
- адабий таълимни мувофиқлаштириш тизимига инновацион усул ва воситаларни, ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш.

Кластер тамойилига асосан бир хил турдаги объектлар тўпламининг биргаликдаги фаолияти ҳар доим алоҳида бажарилгандан кўра самаралироқ бўлади, шунингдек, бундай интеграциялашувда уларни бир бутун ҳолда бошқариш мумкин бўлади. Шундай экан, кластер ёндашувини татбиқ қилиш натижасида таълим турлари ўртасида адабиёт таълимини мувофиқлаштириш имконияти яратилади, адабий таълим ва фан ўртасидаги интеграция таъминланади, узвийлик ва узлуксизлик қарор топади.

Ҳар бир фаннинг тузилиши унинг ўрганиш предметининг тузилишини акс эттиргани каби, адабиёт методикасининг тузилиши мактабда адабиёт фанини ўқитиш жараёнини акс эттиради. Бу жараённинг асосий элементлари куйидагилардан иборат: ўқув мақсадлари – ўқув предмети – ўқитувчи – ўқувчи.

Ўқув жараёни эса ўзаро узвий боғланган куйидаги элементлардан иборат: 1) ўқув предмети; 2) ўқитиш, ўқитувчи фаолияти; 3) ўқитиш, ўқувчи фаолияти. Методика фанни ўқитиш билан боғлиқ тегишли муаммоларнинг куйидаги масалаларини ҳал қилади: кимга ўқитиш (ўқув предметлари); нимани ўқитиш (ўқув мақсади); нимани ўргатиш (таълим мазмуни ва тизими), қандай ўқитиш (ўқитиш шакл ва усуллари). Кластер занжирида ўқув жараёни элементлари таълим турлари (кластер субъектлари) доирасида ёндашув билан боғлиқ ўзгаришлар кузатилмайди. Аммо методика масалалари ҳар бир кластер субъектининг фан дастурига мос ҳолда муаян ўзгаришларга учрайди. Бунда ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, таълим мазмуни, таълим воситалари ва шакллари билан боғлиқ хусусиятлар инобатга олиниши лозим.

Адабиёт фанининг ўқув мақсадлари мавзу бўйича материал танлаш ва уни ўқувчига етказиш тизимида таъсир кўрсатади. Танланган (белгиланган) мавзу уни ўқитиш тизими ва усуллари тақозо этади; ўқитувчининг фаолияти натижасида ўқувчиларда билим, кўникма ва малакалар шаклланади.

Умумтаълим мактабларида бу элементларнинг ҳар бири жуда мураккаб алоқа ва муносабатлар тизимида эга. Мавзунинг мазмуни нафақат мактаб мақсадлари билан



белгиланади, балки ўзи ҳам таълим мақсадларига таъсир кўрсатади: масалан, бадий адабиёт ва адабиёт фанининг ривожланиши умумий таълим тизимида мавзунини ўрганиш мақсадларини аниқлаштиради ва ривожлантиради. Ўқувчи, унинг шахси, педагогик жараёнда очиб берилган қобилияти ва имкониятлари таълимни ташкил этишнинг барча қисмларига бирдай таъсир кўрсатади. Бундан адабий таълимга кластер ёндашувини татбиқ қилиш зарурат эканлигини ойдинлашади. Мактабгача таълим муассасасида тарбияланган болада шаклланган дастлабки адабий кўникмалар умумтаълим мактабида адабиёт таълимини ташкил қилишга, ўз навбатида умумтаълим мактабларида ўқувчиларда шаклланган адабий компетенциялар олий таълим муассасаларида адабиёт таълимини ташкил қилишнинг мазмунини белгилаб беради.

ХУЛОСА

Бугунги кун амалиётида адабиёт ўқитиш методикаси мактабда адабиёт ўқитиш муаммолари, мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқади. Бу бевосита мактабда илмий мавзу сифатида адабиёт масаласини ишлаб чиқиш, ўрта мактабда адабиёт фанининг мазмуни ва тузилишини қуриш билан боғлиқ. Аммо амалиётнинг бу шаклида адабиёт таълимининг узвийлиги ва узлуксизлиги масаласи очик қолади. Ҳар бир таълим босқичида масалага алоҳида ёндашувнинг мавжудлиги адабиёт таълимида яхлитликни таъминлай олмайди. Таълим шаклларида адабиёт таълими машғулоти курси таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий мақсадларига, илмий билимлар талабларига ва ўқувчиларнинг (таълим олувчиларнинг) ёш хусусиятларига жавоб бериши керак.

Адабиёт таълими кластерида фанни ўқитиш курсини ташкил қилиш муаммоси қуйидаги вазифаларни талаб қилади: ўзбек ва жаҳон адабиётидан материал танлаш; таълимнинг турли босқичларида (кластер субъектларида) синфдан ва мактабдан ташқари ўқиш доирасини аниқлаш; адабиёт назарияси ва тарихига оид билимлар тизимини аниқлаш; ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш тизими; таълимнинг турли даражаларида дарс қуриш тамойилларини ишлаб чиқиш; ўқувчиларнинг билим, ривожланиш, кўникма ва малакаларига талаблар, мавзулараро боғланишларни белгилаш кабилар.

Адабиёт фанининг ўзига хос жиҳатларига мувофиқ адабий таълим мазмуни ўқитиш методларининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Ўқитиш методларининг ривожланиши қуйидаги муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ: ўқитишнинг мазмуни



ва методлари, фан методи ва ўқитиш методи ўртасидаги муносабатлар; адабиётни ўрганишда ўқувчиларнинг билиш жараёнининг моҳияти, ўқувчиларнинг адабий ривожланиш моҳияти; бадиий асарни таҳлил қилиш йўллари ва ўқитиш методларига муносабатлари; адабиётни идрок этишининг ёши, типологик ва индивидуал хусусиятлари; адабий қобилиятлар ва ҳоказо.

Умуман, Таълимда интеграцияни таъминлаш, узвийлик ва узлуксизликни қарор топтириш долзарб масала экан, тадқиқотларимиз натижаларига кўра, буни кластер ёндашуви асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ эканлиги маълум бўлди. Умумий ўрта таълим кластер занжирида адабиёт таълими ўрта бўғини сифатида ўқувчиларнинг адабий компетенциялари шаклланувчи муҳим босқич эканлиги кўзга ташланди. Унинг мазмун ва шакл бўйича хусусиятларини аниқлаштириш адабиёт таълими илмий жамоатчилиги олдидаги муҳим масалалардан биридир.

REFERENCES

1. Ахатов Д.А. Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар. Ўқув-услубий қўлланма. НДПИ, Навоий, 2012. –Б.33.
2. Никитин М.В. Модернизация управления развитием образовательных организаций: монография. — М., 2001. – С.167.
3. Пискунова Е.В., Кондракова И.Э., Соловейкина М.П. и др. Технологии социального партнерства в сфере образования: Учебно-методический комплекс. - СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2008. – С.120.
4. Реморенко И.М. «Социальное партнерство» в образовании: понятие и деятельность// Новый город: образование для изменения качества жизни. - М.; СПб.: Югорск, 2003. – С. 12.
5. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари. //Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талабларини тасдиқлаш тўғрисидаги” қарори.
6. Ходжамкулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари. Пед. фан. б. фан доктори (DSc) дисс. Чирчиқ. 2021.; Тоштемирова С.А. Кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини ошириш. Пед. фан. б. фал. док. дисс. Чирчиқ. 2021.
7. Ходжамкулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари. Пед. фан. б. фан доктори (DSc) дисс. Чирчиқ. 2021. –Б.77-89.
8. Хўжамкулов У.Н. Мактаб-лаборатория. Услубий қўлланма. Чирчиқ: Университет, 2019. –Б 27.



ШАҲАР ТУПРОҚЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ФУНКЦИЯЛАРИ

З. С. Рахматуллаева

Г. Т. Джалилова

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

АННОТАЦИЯ

Шаҳар ҳудудларининг тупроқ ҳолати алоҳида эътиборни талаб қилади, чунки транспорт, саноат, қурилиш жараёнларининг таъсири тупроқ тизимини ўзгаришига таъсир қилади, яъни тупроқнинг кимёвий, физикавий, микробиологик ва биокимёвий кўрсаткичларини ўзгаришига сабаб бўлади, натижада шаҳарлардаги тупроқ қопламани муҳим экологик функцияларни бажариш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб келади [5].

Кўпгина дарсликларда “шаҳар тупроқлари” атамаси шу муҳитда тупроқ шаклланишини ўрганишнинг дастлабки босқичларида пайдо бўлган ва турли йўллар билан аниқланган тупроқларга айтилади. Кўпинча ушбу тупроқларни “урбан тупроқлар” деб ҳам аталади [6]. Халқаро таснифда (WRB) барча шаҳар тупроқлари Техносоллар деб номланган [13].

Тупроқнинг ҳолатини баҳолаш ва шаҳарда тупроққа эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш зарурлигини тушунмаслик салбий оқибатларга олиб келади. Урбан экотизимларда тупроқни йўқ қилиш ва тупроқ ресурсларини жадал камайтириш инсон учун қулай барқарор муҳитни яратишга имкон бермайди. Аста-секин, бу шаҳар аҳолисининг яшаш учун яроқсиз бўлган ҳудудларда яшашга мажбур бўлишига олиб келади.

Калит сўзлар: Урбан тупроқлар, оғир металлар, кўрғошин бирикмалари

КИРИШ

Замонавий дунёда урбанизация жараёни тобора кучайиб бормоқда, шаҳарлар сони ва уларнинг кўлами тобора ортиб бормоқда. Урбанлашган ҳудудларда атроф-муҳит компонентлари жадал инсон фаолияти туфайли турли хил ўзгаришларга учрайди, доимий техноген босимни бошдан кечиради.

Шаҳар ҳудудларининг тупроқ ҳолати алоҳида эътиборни талаб қилади, чунки транспорт, саноат, қурилиш жараёнларининг таъсири тупроқ тизимини ўзгаришига таъсир қилади, яъни тупроқнинг кимёвий, физикавий, микробиологик ва биокимёвий кўрсаткичларини ўзгаришига сабаб бўлади, натижада шаҳарлардаги тупроқ



қопламани муҳим экологик функцияларни бажариш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб келади [5].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кўпгина дарсликларда “шаҳар тупроқлари” атамаси шу муҳитда тупроқ шаклланишини ўрганишнинг дастлабки босқичларида пайдо бўлган ва турли йўллار билан аниқланган тупроқларга айтилади. Кўпинча ушбу тупроқларни “урбан тупроқлар” деб ҳам аталади [6]. Халқаро таснифда (WRB) барча шаҳар тупроқлари Техносоллар деб номланган [13].

Кўпгина ҳолларда шаҳар тупроқлари ўзларининг экологик функцияларини мавжудлини туфайли уларни тупроқ деб ҳисоблаш мумкинлиги умум қабул қилинган. Шаҳар муҳитида тупроқларнинг экологик функциялари жуда катта аҳамиятга эга, чунки улар яшил ўсимликлар барқарорлигини таъминлайди, техноген моддалар оқимини ўзгартиради, ўзининг санитарлик функцияси билан патоген биотани тозалаш қобилиятига эга [4, 9].

Тупроқнинг ҳолатини баҳолаш ва шаҳарда тупроққа эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш зарурлигини тушунмаслик салбий оқибатларга олиб келади. Урбан экотизимларда тупроқни йўқ қилиш ва тупроқ ресурсларини жадал камайтириш инсон учун қулай барқарор муҳитни яратишга имкон бермайди. Аста-секин, бу шаҳар аҳолисининг яшаш учун яроқсиз бўлган ҳудудларда яшашга мажбур бўлишига олиб келади.

Джувеликяннинг фикрига кўра, тупроқ атмосфера ёғинлари орқали тушадиган зарарли моддаларнинг аэрозол ёғинларидан, маиший ва ишлаб чиқариш фаолияти туфайли ҳосил бўлган чиқиндилар билан юзага келадиган ифлосланишдан сақлашга қодир. Агар ушбу функция бажарилмаса, тупроқ қопламанинг профилида тўпланган ифлослантирувчи моддалар табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатади ва одамлар соғлиғига хавф туғдиради [3].

Шаҳарларда саноат объектлари ривожланган ҳудудларда тарқалган тупроқларда ифлосланишининг ўзига хос хусусияти мавжуддир. Ушбу тупроқларда турли табиатга эга кимёвий моддаларнинг кўп компонентли аралашмасининг тўпланиши, шу жумладан оғир металллар устунлик қилади.

Оғир металллар атамаси ифлослантирувчи моддаларнинг кенг гуруҳини тавсифлайди. Оғир металллар атом массаси, зичлиги, токсиклиги, атроф муҳитда тарқалиши, табиий ва техноген циклларда иштирок этишига кўра турлича бўлади. Оғир

металлар орасида биринчи ўринга юқори токсик, инсон организмида узок вақт сақланиб қоладиган элементлардан симоб, қўрғошин ва кадмий (мутаген, канцероген) ҳисобланади.

Агарда тупроқнинг экологик функциялари тўлиқ бажарилмаса тупроқларда оғир металлар билан ифлосланиш жараёни кузатилади. Масалан, оғир металлар учун тупроқ биосферадаги кимёвий ифлослантирувчи моддалар айланишида ўрин эгаллаган сиғимли қабул қилувчи ҳисобланади. Тупроқ бошқа экологик тизимлар, яъни атмосфера, гидросфера, флора билан доимий алоқада бўлиб, оғир металларнинг инсон организмига киришининг муҳим манбаи ҳисобланади. Илдиз тизими орқали тупроқдан фаол ажралиш жараёнида тупроққа кирган оғир металлар қишлоқ хўжалиги экинларида тўпланиши мумкин, ер усти сувлари билан ювилганда эса сув организмлари ва туб чўкиндиларида тўпланиши мумкин [8].

Оғир металларнинг тупроқда тўпланиши ва ундан жуда секин олиб чиқиб кетилиши аниқланган. Оғир металларнинг олиб чиқиб кетилишнинг биринчи даври турли элементлар учун сезиларли даражада фарқ қилади ва жуда узок вақтни ташкил қилади. Масалан, рух - 70 дан 510 йилгача; кадмий - 13 йилдан 110 йилгача, мис - 310 йилдан 1500 йилгача, қўрғошин - 770 йилдан 5900 йилгача [1].

Лекин кўпгина юқорида қайд этилган элементлар фақат ташқи муҳит орқали эмас, балки тупроқ ҳосил қилувчи она жинслар таркибида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, атмосферада қўрғошиннинг миқдори $1,6 \times 10^{-3}$ кларк ёки 16 мг/кг, магматик тоғ жинсларида қўрғошин 16 мг/кг, сланец ва қумтошларда 20 мг/кг, оҳақ тошларда 5-10 мг/кг дан иборатдир [7].

Қўрғошин бирикмалари ўз валентлик хусусиятини ўзгартириб туради, гидроксил формалари эса сувда кам эрийди, тезлик билан бошқа маҳсулотларни ҳосил қилади ва ўзга алмашилиш хусусиятига эгадирлар. Тупроқ таркибида гумус ва майда лой, коллоид заррачалар томонидан тез ютилиб органик моддалар билан мураккаб бирикмаларни ҳосил қилади [10].

Қўрғошин тупроқни ҳосил қилувчи она жинс ёки саноат чиқиндилари таркибидан тупроққа ўтиб, ўсимлик танаси ва меваларини шакллантиришда иштирок этади, ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатида чорва моллари ва инсон томонидан истеъмол қилинади. Қўрғошин ўсимлик тури ва таналарида ҳар хил миқдорда тарқалган бўлади. Бироқ унинг миқдори меъеридан ошган тақдирда ўсимлик ривожланишида токсик заҳар моддалар вазифасини бажаради.

Қўрғошинни тупроқда тўпланишига органик моддалар ҳам таъсир қилади, айниқса бу ҳол юқори чириндили тупроқларда, шаҳар газонлари остидаги тупроқларда кузатилади [16]. Юқори чириндили тупроқларда қўрғошиннинг тўпланиши унинг ҳаракатчанлиги пасайиши барқарор Pb^{2+} органик комплексларнинг ҳосил бўлиши билан изоҳланади. Кўпгина олимларнинг тадқиқотларидан маълум бўлдики, шаҳар тупроқларида газон экинларининг остидаги тупроқларда қўрғошиннинг структуравий кимёвий ҳолати ўрганилганда, асосан ушбу тупроқлар таркибида бензин таркибида бўлувчи тетраалкил қўрғошин борлиги аниқланди. Бунга сабаб алкил зарраларининг ярим емирилиш даври бор-йўғи бир неча соат бўлгани учун қўрғошин тупроқ зарралари, асосан органик молекулалар билан тез боғланади [17].

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Биосферадаги симобнинг асосий манбалари икки гуруҳга бўлинади: табиий ва антропоген [18]. Табиий манбаларни қуйидагиларга бўлиш мумкин глобал эндоген - юқори мантия, ер қобиғидаги симоб бирикмалари ва глобал экзоген – ҳаводан, сув юзасидан буғланиш, ўрмон ёнғинлари, вулқонларнинг отилиши туфайли симобни атроф муҳитга чиқиши. Алоҳида симоб билан ифлосланишда антропоген манбаларни қайд этиб ўтиш лозим, улар уч тоифага бўлинади. Биринчиси мобилизация натижасида юзага келадиган хом ашёлардан ҳосил бўлган симоб аралашмаларининг эмиссиялари, иккинчисига – технологик жараёнлардан ҳосил бўлган симоб бирикмалари киради. Учинчи гуруҳга эса симобнинг такрорий мобилизацияси натижасида ҳосил бўлиши киради [11].

Адабиётлар таҳлилидан шу маълум бўлдики, тупроқларда симоб кларки 0.01 мг/кг ни, Канаданинг подзол тупроқларида ушбу қиймат 6 марта юқорироқ, шу ернинг гидроморф тупроқларида эса 5 марта юқорироқ бўлиши, органик тупроқларда 40 мартаба, Американинг торфли тупроқларида 20 мартаба, Швеция тупроқларида 6 мартаба, Монголияда эса 30 мартаба юқорироқ бўлиши кузатилган [12].

Йирик шаҳарларда симобнинг тупроқдаги концентрацияси анча юқори бўлиб, бунга сабаб ушбу худудда тарқалган ишлаб чиқариш хисобланади. Тупроқдаги симоб лой, темир оксиди, алюминий марганец ва кремний билан адсорбцияланиш хусусиятига эга. Шу билан бир қаторда олтингугурт билан ҳам мустаҳкам боғлиқликлар



ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун аэроб шароитда органик моддаларга бой тупроқларда комплекслар органик тиоллар металлларнинг доминант шакли ҳисобланади [14, 15].

Тупроқдаги кадмийнинг рухсат этилган меъёридан ортиқча бўлиши тупроқларда кечувчи микробиологик ва ферментатив жараёнларга салбий таъсир қилади. Кўпгина тупроқ умуртқасизлар хайвонлар ўз организмларида кадмийни концентрациялаш қобилятига эга. Тупроқдан ўсимликга кадмийни ўтиши ўсимликларда фотосинтез ва транспирация жараёнини сустлашишига, нуклеид кислоталари ва оқсилларни ингибирлаш жараёнини камайишига, карбонат ангидрид газини фикция жараёнини пасайишига, ўсимликларни илдиз тизими орқали мис, рух, марганец, кальций, магний, фосфор, калий ва темир моддаларини сўрилишини камайтиришга сабаб бўлиб, натижада ўсимликларда хлороз касаллигини кузатилиши намоён бўлади [1].

Кўпгина олимларнинг фикрига кўра, кадмий тупроқларнинг гумус қатламида тўпланади ва тупроқ профили бўйича тарқалиши чекланган. Унинг тупроқ профили бўйича тарқалиш табиати тупроқнинг бошқа элементлар билан таъминланганлиги ва тупроқ тарқалган ландшафтга ҳам боғлиқдир. Тупроқдаги кадмийнинг максимал адсорбцияси гумус миқдори юқори ва юқори сингдириш қобилятига эга нейтрал ва ишқорий тупроқларда кузатилади. Механик таркиби енгил, гумус билан кам таъминланган нордон тупроқларда эса кадмийнинг миграцияси кучаяди [2].

ХУЛОСА

Шундай қилиб, сўнгги йилларда илмий-техникавий тараққиётнинг тезлашиши, шу билан бир қаторда сезиларли шаҳарлардаги саноатнинг жадал ўсиши ва ривожланиши, транспорт ва бошқа омиларнинг таъсири тупроқларнинг экологик функцияларини бузилишига, оқибатда биосфера объектлари, шу жумладан тупроқ, сув, ҳаво, ўсимликларни оғир металллар билан ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз вақтида юқорида қайд этилган табиий компонентлар бўйича экологик мониторинг ўтказиш лозимлигини, яъни оғир металлларни ушбу компонентлардаги миграциясини ўрганиш, аниқлаш ва баҳо беришга қаратиш кераклигини тақозо этади.

REFERENCES

1. Алексеев Ю.В. Тяжелые металлы в почвах и растениях // Л: Агропромиздат, 1987.



2. Большаков В.А. Загрязнение почв и растительности тяжёлыми металлами / В.А Большаков, Н.Я Гальпер, Г.А. Клименко, Т.И.. Лыткина, Е.В. Башта // М., 1978, 52 с.
3. Джувеликян Х.А. Загрязнение почв тяжелыми металлами. Способы контроля и нормирования почв: учебно-методическое пособие для вузов // Воронеж: Издательско-полиграфический центр Воронежского государственного университета, 2009. – 22 с.
4. Добровольский Г. В., Никитин Е. Д. Сохранение почв как незаменимого компонента биосферы. М.: МИРОС МАИК Наука/ Интерпериодика, 2000. 185 с; Структурно-функциональная..., 2003;
5. Забелина О.Н. Оценка экологического состояния почвы городских рекреационных территорий на основании показателей биологической активности // Автореферат канд. диссер. Владимир, 2014
6. Почва. Город. Экология. М.: Фонд “За экономическую грамотность”, 1997. 320 с.
7. Рэуце Н., Кырста С. «Борьба с загрязнением почвы» М.: Агропромиздат, 1986
8. Смагин А.В., Шоба С.А., Макаров О.А. Экологическая оценка почвенных ресурсов и технологии их воспроизводства (на примере г. Москвы). М.: Изд-во Моск. Ун-та, 2008, 360 с.
9. Структурно-функциональная роль почв и почвенной биоты в биосфере. М.: Наука, 2003. 3;
10. Цемко В.П. Процессы рассеяния микроэлементов / В.П. Цемко, И.К. Паламарчук, Г.М. Залуцкая // Микроэлементы в окружающей среде, 1980. – Киев: «Наукова думка». – С. 31-34
11. Atmospheric mercury deposition during the last 270 years: a glacial ice core record of natural and anthropogenic sources / P. F. Schuster [et al.] // Environ. Sci. and Technol., 2002. - V. 36, №11. - P. 2303-2310
12. Grigal D.F. Spatial distribution patterns of mercury in an East-Central Minnesota landscape / D.F. Grigal, E.A. Nater, P.S. Homann // In book Mercury pollution:toward integration and synthesis / Edi. Watras C.J., Huckabee J. Lewis Publ., 1994. - P. 305-317.,
13. IUSS Working Group WRB. World References Base for Soil Resources. World Soil Resources Reports, 84. FAO, Rome. 1998

14. Mercury and lead profiles and burdens in soils of Quebec (Canada) before and after flooding / A. Grondin [at al.] // Can. J. Fish Aquat. Sci. - 1995. - V. 52. - P. 2493-2506.].

15. Mercury in the Tapajos River basin, Brazilian Amazon: A review / B.J.J. Nevado [at al.]// Environment International. - 2010. - V. 36, №6. - P. 593-600.

16. Morin G., Ostergren J.D., Juillot F., Ildefonse P., Calas G., Brown J.E. XAFS determination of the chemical form of lead in smelter-contaminated soils and mine tailings: Importance of adsorption process // Am. Mineral. 1999. V. 84. P. 420-434.

17. Manceau A., Boisset M.C., Sarret G., Hazemann J.L., Mench M., Cambier P., Prost R. Direct determination of lead speciation in contaminated soils by EXAFS spectroscopy // Environ. Sci. Technol. 1996. V. 30. P. 1540-1552.

18. UNEP Global Mercury Assessment. Geneva, Switzerland 2002. – (<http://www.chem.unep.ch/mercury/report/1stdraft-report-25April.pdf>)



ЎЗБЕК ХАЛҚ МУСИҚАСИ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАКЛЛАРИ

Баҳодир Сайдурасулович Абдурасулов

Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси

Хуршида Баходировна Абдуназарова

Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани

38-сонли умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ўзбек халқ мусиқаси, алломаларимизнинг ёш авлодларнинг маънавий – ахлоқий фазилатларини шакллантириш тўғрисидаги фикрлари илмий ўрганилган ва асосланган.

Калит сўзлар: Одоб, ахлоқ, нафосат, меҳр-оқибат, ватанпарварлик.

КИРИШ

Бугунги кунда мусиқа ўқитувчиси касбий билим ва кўникмалари билан бирга ажойиб созанда бўлиши керак. Унинг фаолиятининг муваффақиятлилиги мусиқа асбобида аъло даражада ижро этиши, овоз, нозик эшитиш қобилияти, нота саводхонлиги, ифодали ўқиш каби хислатларини аниқлаб беради. Бу масалада Педагогика фанлари доктори, профессор Ф.Н.Халилов шундай деб ёзади, “Мусиқа ўқитувчиси ” билиши зарур бўлган барча билимлар ичида унинг мусиқа асбобини чала олишини алоҳида таъкидлаш зарур. Дарсда ўқитувчи техника воситалари ёрдамисиз қийналиши мумкин, айниқса синфда хор, оркестр ёки опера сахнасини яратиш керак бўлса бундай жараёнда мусиқа асбоби жонли ижро воситасини ўқитувчи ижросига ёрдамчи сифатида қўлланиши керак.

МЕТОДОЛОГИЯ

Бу қуйидаги уч нуқтаи-назардан ўта зарур:

-биринчидан –жонли ижро ҳамма вақт синфда ҳаяжонли муҳитни пайдо бўлишига сабаб бўлади.

-иккинчидан-жонли ижро вақтида ўқитувчи керакли вақтда ҳамиша тўхташи зарур деб ҳисобланган парчаларни такрорлаши мумкин, бошланиш вақтида айтиш имконияти бўлади ва ҳакоза.

-учинчидан- музика асбобида ижро эта олувчи ва яхши куйловчи музика ўқитувчиси ўз ўқувчилари учун яхши намуна бўлиб, амалиётда музикани ўзи ижро эта олиши қандай зарур ва қизиқарли эканлигини кўрсатади.

Музика асбобида чала олиш, ўз овозига, дирижорлик маҳоратига эга бўлиш, булар музика ўқитувчиси бўлиши учун зарур бўлган билимларни тўлиқ рўйхати эмас. Умумтаълим ва педагогик –психологик мазмундаги фанлар асосида йиғилган музика тарбия услубиётига эга бўлишига имкон яратади. Лекин, бу фақатгина ўқитувчининг ўз касбига, маҳоратига катта педагогик меҳнат эвазига йиғилган тажрибага ва ўз-ўзини устида изланиш орқали амалга оширилиши мумкин. Ҳозирги кунда музика ўқитувчисини касби илмий тадқиқот мавзусига бағишланган. Педагогик тадқиқотлар олиб борилиб, музика ўқитувчиси фаолиятига қўйилган талабларни ёритувчи мақолалар чоп этилапти. Лекин бизнинг кузатувларимиз ва чоп этилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, музика таълимда бор ютуқлар билан биргаликда камчиликларни алоҳида таъкидлаш лозим деб топдик.

1. Илмий тадқиқотчилик масалаларида ўзбек миллий мероси бўлган асарлари, ўзбек бастакорлари томонидан яратилган машҳур музика асарлари ва санъатнинг бошқа турдаги асарлари; ҳамкасблар тажрибаси, ўқитувчиларнинг ишини таҳлил қилиш; ёш ўқитувчилари ўз ишида қўллаш мақсадида илмий ва услубий адабиётни яратиш масалалари.

2. Конструктивлик масаласи дарслар ва дарсдан ташқари музика машғулотларининг тузилишини хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ёритилиши.

3. Лойиҳалаш ўқувчиларнинг маънавий –эстетик тарбиясига қаратилган ўқув-тарбиявий вазифаларни тақсимлаш ва ривожлантириш, ўқувчиларнинг билимларини эгаллашлари учун улардаги билим ва кўникмаларнинг шаклланиши, уларнинг музика ва ижодий ривожланишини таъминловчи усул ва методларни қўллаш соҳаси.

4. Коммуникативлик ўқувчилар билан ишонч ва ҳурмат асосида ўзаро муносабатларни ўргатиш; ўқувчилар орасида обрў-эътиборга эга бўлиш.

5. Ташкилотчилик (ўқув-тарбиявий вазифаларни амалга ечиш масалалари). Сўзсиз, буларнинг ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ бўлиб, ўқувчиларни музика тарбияси вазифаларини ечишга йўналтирилган. Дарс жараёнида маълум бир билимларнинг иштирок этмаслиги педагогик фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса ўз навбатида кутилаётган натижаларни бермаслиги

мумкин. Ушбу билимлар тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Муסיқа ўқитувчиси маълум даражада тадқиқот ишлари олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши зарур. У муסיқий асарларни танлайди, уларни таҳлил қилади, хиссий таъсирини аниқлайди, муסיқани ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал қобилиятларга қараб тинглай олишларини ўрганади. Ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида у ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини ва муסיқий қобилиятларини ўрганади. Ўқувчининг маънавий дунёси ҳамisha ўқитувчининг диққат марказида туради. Ўқитувчининг тадқиқотчилик фаолияти жуда кенг, у биринчи синфдан еттинчи синфгача бўлган барча ўқувчиларни ўз ичига олади. Доимий кузатишлар натижасида ўқитувчи педагог сезгирликка эга бўлиб, у шароитни баҳолаш, ўқувчини ички ҳолатини аниқлаш ва педагог таъсир қилишнинг тўғри услубини топишга ёрдам беради. Муסיқий машғулотларни ўтказишни ижодий режалаштириш билан биргаликда ўқитувчи ўз тажрибасини бойитиб, лойиҳалаштириш ва конструктив билимларга эга бўлади. Уларга ўқув –тарбиявий вазифаларни фаоллигига диққат эътиборни қаратиб, оптимал мос келувчи услубларни танлаш; ўзини ва ўз фанини маънавий бойитувчи ва муסיқий маданиятни тарбияловчи восита сифатида қараш қилади ва албатта ўқитувчи муомила санъатига эга бўлиши керак. У шахс сифатида дарсларда ва бутунлай намоён бўлади: ўқитувчи асарни ижро этибгина қолмай ўзининг бастакорга бўлган муносабатини билдириб, муסיқий асар ҳақида гапириб беради. Шу билан бирга ўқувчиларда ўқитувчиларга нисбатан пайдо бўлган диққат –эътиборлилик, ишонч ва ҳурмат ҳиссининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ўқитувчининг обрўси унинг талабчан бўла олишига боғлиқдир. Ўқувчиларга унинг ёрдами, эътибори, қўллаб – қувватлаши ҳамisha керак. Бусиз эришган ютуқлардан тўла баҳраманд бўлиши мумкин эмас. Албатта, ўқитувчи фаолиятида ташкилотчилик қобилияти ҳам катта ўрин тутаяди. Ўқувчиларни турли хил муסיқий фаолиятларга жалб этиш маълум даражада қобилиятли бўлишни талаб этади. Бу айниқса муסיқий тўғаракларга таалукли бўлиб, бу йўналишда ўқитувчининг иродаси ва мақсад сари интилишига кўп нарса боғлиқ бўлади. Шунга қарамай натижалар унинг тажрибаси ва машғулотларга тайёргарлиги орқали баҳоланади. Ўқитувчининг ижоди унинг педагогик топилмалари мактабдаги биринчи мустақил қадамларидан бошланади. Педагог маҳоратга эга бўлиши ундан ўзининг кадр-қимматини ва камчиликларини билиши, ўзини бошқара олиши, ўз харакатларига баҳо бера олиши ўзини тарбиялай олишини талаб қилади. Ўқитувчининг рухий бойлиги, кўп

қирралиги, унинг ақли, хушмуомилалиги маънавий тозаллиги ўқитувчиларни бутун борлиқлари билан ишлашларига катта таъсир этади. Шунинг учун ишонч билан айта оламизки, ўқитувчи шахси мусиқани фан сифатида аниқлаб беради. Йиллар давомида ўқитувчи минглаб дарс соатларини ўтиб, ўқувчиларни эстетик ривожлантириш ва ўз меҳнатидан бахраманд бўлиш учун уларга диққат билан тайёрланади. Дарс баъзида унча кўзга кўринмаган машаққатли меҳнат бўлиб, ўқитувчидан катта ирода ва диққат-этиборлиликни эгилувчан фикрлаш қобилиятини турли педагог вазиятларда тез ҳаракат қилишни талаб қилувчи жараён дир. Ўйлаган натижани, омадсизлик сабабларини қидиришга мажбур этади. Мусиқа дарси мактабда мусиқий тарбияни ташкил этишнинг асосий шакли дир. Мусиқий тўғараклар машғулотларни ўтилишига қарамай барча болаларни бирлаштира оладиган мусиқа дарслари ҳеч қачон ўзининг аҳамиятини йўқотмайди. Дарс жараёни ўз ичига турли фаолиятларини қамраб олиш: мусиқа тинглаш шулар жумласидан дир. Ашула, рақс ёки мусиқий асарни ўрганиш учун, бир неча соат дарс ўтилиши зарур, шунинг учун бир дарсда янги мусиқа асари билан танишиши, илгари ўрганила бошланган асар парчасини ўрганишни давом эттириш ва ўтилган дарсни қайтариш каби ҳаракатлар амалга оширилади ва ҳафтада берилган 45 дақиқа камлик қилади. Масалан; 1-синфда ўқувчилар “Бойчечак” кўшиғини ижро этишади, Ф.Назаровнинг “Пахтаой ” кўшиғини ўрганишни давом эттиришади, уларга таниш бўлган “Дилхирож” ўзбек халқ куйини эшитишади. Ўқитувчи дарсга яхши тайёргарлик кўриши ва педагогик билимлардан унумли фойдаланишни таъминлаб берувчи жараён бўлиб, ўқитувчи маҳоратига боғлиқ.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳақиқатдан ҳам мусиқий тарбия вазифаларини чуқур ўрганишни, ўқувчилар ёшига қараб асар танлашни уларни мусиқий тайёргарлигини ҳисобга олиниши дарсга талаб этилади. Ўтилаётган дарс мазмунига турли кайфиятлар ва хусусиятларга эга бўлган мусиқий асарлар киради. Шунинг учун уларнинг бир бутунлигига эришишда уларнинг тузилиши мусиқий фаолият турлари бўйича кетма-кетлигини аниқлаш зарур. Ўзбек халқ мусиқаларини ўрганиш жараёнида дарснинг мазмунига оид томонларини ўйлаб чиқишда бир асардан иккинчи асарни ўрганишга ўтишга руҳий диққат этиборлилик, ўқувчилар диққатини биридан иккинчисига қарата олиш жуда зарур дир. Дарс тузишда ҳар бир синф болаларнинг ўзига хослигини уларнинг ҳиссини жисмоний ва ақлий даражаларини инобатга олиш керак.



Мисол учун: бошланғич синф болаларининг диққат-эътиборини узоқ чўзилмаслиги учун уларнинг қизиқишлари пасайиб кетмаслиги учун фаолият турларини ўз вақтида ўзгартириб туриш зарур. Масалан; Мураккаб кўшиқни, мураккаб рақсни бир неча дарс давомида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Мураккаб мусиқий ритмик ҳаракатларни ўргангандан сўнг кўшиқ айтишга ўтиш тавсия қилинмайди, чунки кўйлаш диққат эътиборлилик билан бир меъёрда нафас олишни талаб этади. Бундан ташқари дарсни дарс жадвалидаги ўрнини шу куни 1,3 ёки 4 дарс эканлигини инобатга олиш зарур. Охириги дарсларда болаларнинг чарчоқлиги сезилади. Шунинг учун турли услубларни алмашилиб ўтилишига, болалар қизиқишини тикловчи услубларни танлаш тавсия этилади. Мусиқа дарсини, қайси дарсдан кейин ўтилаётганлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Меҳнат, айниқса жисмоний тарбия машғулотларидан кейин ўтилаётган дарсларни болаларда таъсирчанликни пасайтирувчи ва режалаштирилган ишга мослаштирувчи фаолиятда бошлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир конкрет ҳолда педагог дарс ўтилаётган синф хусусиятларини болаларни у ёки бу мусиқий фаолиятга қизиқишни, уларнинг тайёргарлик даражасини инобатга олиши зарур. Таҷрибали педагоглар дарсни бир бутун қилиб тузишда катта маҳоратга эга бўладилар, дарсни турли элементларини бир бирига боғлаб бир бутун қилиб ўта оладилар.

Дарсларда турли услубларни (асарларни, уларнинг айрим қисмларини таққослаш, муаммоли изланиш, ўйин ҳолатлари) қўллаш ўқувчиларни ижодий топшириқлар лабиринтидан олиб ўтадилар. Бундай ижодий топшириқларни бажаришда санъатга бўлган қизиқиш ўқувчиларни фаоллиги билан аниқланади. Фаоллик муаммоси дарснинг қизиқ тузилишига боғлиқ бўлиб қолмай, болаларда қизиқиш уйғотувчи услубларни қўлланишига эмас, балки ўқитувчининг ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндошишига боғлиқдир. Бу педагог олдида турган энг мураккаб вазифалардан биридир. Чунки у ўқувчилар билан ҳафтада атиги бир марта учрашади, мусиқа дарси эса жадал жараёни намойиш этади ва талаб этади. Шунинг учун ўқитувчи ўз ўқувчиларини яхши билиши, уларнинг кучли ва заиф бўлиши, уларнинг кучли ва заиф томонларининг қизиқишларини эса сақлаши, болалар дунёсига кира олиши, уларнинг ҳар бирининг имкониятини оптимистик баҳолай олиш зарур, дарсда доимо бола билан муомила қилишга ҳаракат қилиши зарур, чунки тўғри берилган саволлар айрим овозда сездирмай айтиб туриш тушунмовчиликни англаувчи қарашлар, далда берувчи бош ирғашлар бу жараёни тўла амалга оширишга ёрдам беради.



ХУЛОСА

Шу ўринда айтиш муҳимки ушбу жараёнда ўқитувчининг ҳаракатлари ва мимикаси ҳам катта таъсир қилувчи восита ҳисобланади. Замонавий мусиқа дарсини махсус жиҳозларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хонанинг эстетик жиҳозланиши турли хил бўлиши мумкин лекин у дарс ўтиш учун қулай шарт-шароит яратиш керак бўлади. Дарсда болаларга мусиқий асбоблар, техник воситалар керак бўлади. Уларнинг сифати, замонавий тайёргарлик ва оқилона фойдаланиш дарсни ўтказишга ёрдам беради. Бугунги кунда мусиқа маданияти ўқитувчиси болаларни турли хил ижродаги (оркестр, хор, ансамбл) лар билан таништиришга ёрдам берадиган, тасмага ёзиб олинган мусиқий асарлар ўқувчиларни айрим мусиқий асбобларни жаранглаши ва инсон овозининг ифодалилигини кўрсатувчи услубларни қўллаш катта аҳамиятга эгадир. Дарсларда болаларни мусиқий эшитиш қобилиятини ривожлантирувчи кўргазмали қуролларни қўллаш ҳам алоҳида касб этади. Нота жадвалларини қўллаш жараёнида нотага қараб куйлаш кўникмаларига эга бўлиш содир бўлади. Бу кичик ашула ва куйларни тез ўрганишга ёрдам беради.

REFERENCES

1. Халилов Ф.Н. «Дидактические основы инструментально – исполнительский подготовки будущих учителей музыки» Докторские диссертация и сискание учёной степени доктора пед. Наук. Ташкент 2006 год. Стр. 38-46
2. Шарипова Г. Мусиқа ўқитиш методикаси ва мактаб репертуари. Дарслик. Тошкент. Турон-Иқболж 2014. 108б.
3. Мирзиёев Ш.М. буюк келажакимизнинг мард ва олий жаноб халқимиз билан бирга кўрамиз. Тошкент "Ўзбекистон" - 2017й.
4. Рахимов Ҳ. «Ўзбекистон Ватаним маним» 2 китоб. Т., 1998
5. Норхўжаев Н. «Ўзбекистон Ватаним маним» 3 китоб. Т., 1999
6. Шарипова Г.М. «Мусиқа ўқитиш метод ва мактаб репертуари» Т 2006
7. Рахимов Ҳ. ва бошқалар «Ўзбекистон Ватаним маним» 1 китоб. Т.,
8. Иброҳимов О. 4, 7 синф «Мусиқа» дарсликлари Т., 2001-2003
9. Панжиев Қ.Б., Салимова Д.И. Вокал ва замонавий мусиқа. Ўқув қўлланма. Тошкент. Инновация-Зиё. Тошкент. 176 б.
10. Нурматов Ҳ. ва бошқалар 1-3 синф «Мусиқа» дарсликлари. Т., 2008



ТЕРМИНОЛОГИЯ ТИЗИМИДА ГИПОНИМИЯ ВА ЭКВОНИМИЯ ҲОДИСАЛАРИНИНГ КЕСИШУВИ

Ихтиёр Эрматов

Гулистон давлат университети доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада умумхалқ тили лексикаси билан терминологик лексика муносабатидаги изоморф, яъни ўхшаш функционал-семантик хусусиятлари ҳамда унинг терминологик лисоний тизимга ўхшашлиги гипоним ва эквоним ҳодисаларининг қиёсланаётган ҳар икки тизимдаги амали билан далилланади. Тилшуносликнинг графика, орфография, услубият бўлимларининг терминлари мақоланинг иллюстратив материали сифатида хизмат қилади.

Таянч сўз ва иборалар. Графика, графема, фонетик меъёр, лексик меъёр, грамматик меъёр, сўзлашув услуби, расмий услуб, илмий услуб, бадиий услуб, эквоним, гипоним ва б.

Сўзнинг функционал-семантик кўринишларидан бири *термин*дир. Терминнинг материал томони сўз ёки сўзлар бирикмасидан таркиб топган иборага тенг келади. Лекин сўз ва термин ўзаро фарқ қилади. Сўз умумхалқ мулки, у тил жамоасининг ҳамма ижтимоий қатламлари учун бир хил хизмат қилади. Термин эса, акс ҳолда, умумхалқ мулки сифатида эмас, балки тил жамоасининг айрим-айрим ижтимоий қатламлари учун хосланган бўлади. Термин ёрдамида халқ хўжалиги, фан ва техниканинг муайян тушунчалари номланади. Терминнинг маъно ҳажми сўзникига нисбатан тор ва унинг истеъмол доираси чекланган бўлади.

Энди мазкур бўлимда тилшуносликнинг графика, орфография, услубият соҳалари атамалари мисолида гипонимия ва эквонимиянинг кесишувини ўрганамиз.

Графика атамаси адабиётларда шундай изоҳланади: 1. Нутқ товушларини ёзиб ифодалаш воситаларининг муайян тизими: *рус графикаси, араб графикаси*. 2. Тилшуносликнинг алифбодаги ҳарфлар таркибини, шаклини, ҳарф ва товушлари орасидаги муносабатни белгилаш билан шуғулланувчи амалий соҳаси.¹

¹Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б.33; Маҳкамов Н., Эрматов И. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. (Умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун) – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2013. – Б.40; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская



Графика бўлимнинг бош бирлиги графемадир. *Графема* атамасининг илмий адабиётларда икки тури борлиги таъкидланади²:

1. Аналитик графема – ёзма нутқда икки ҳарфнинг бир товушни ифодалашини англатадиган термин. Масалан, ўзбек тилининг лотин ёзувида *ng, sh, ch* ҳарфларини илмий тилда *аналитик графема* атамаси ифодалайди.

2. Оддий графема – ёзма нутқда *менга, сенга* сўзларидаги *н* ва *г* ҳарфлари алоҳида-алоҳида ҳарфларни ифодалагани учун.

Демак, *графема* атамаси *аналитик графема* ва *оддий графема* атамалари билан жинс-тур муносабатида гипероним сифатида амал қилади, *графема* – жинс, *аналитик графема*, *оддий графема* – тур атамалари. Кейинги икки термин гипероним мазмунини шакллантиради. Моҳиятан, аналитик графема ҳам, оддий графема ҳам умуман графемадир. Унинг икки тури ўзига хос аниқлаштирувчи атамалари ҳисобланади. Мазкур аниқлаштирувчи атамаларни бир-бири билан горизонтал алоқага киритганимизда уларнинг ўзаро дифференциал белгилари юзага чиқади. Лингвистик жиҳатдан аҳамиятли мазкур белгилар *аналитик графема*, *оддий графема* атамаларини гипонимик муносабатдан эквонимик муносабатга ўтказди. Натижада *аналитик графема*, *оддий графема* атамалари гипонимликдан эквонимликка кўчади. Гипонимликдан эквонимликка ўтиш нуқтасида гипонимия ва эквонимия ҳодисалари кесишади.

Монограф ва *диграф* атамалари юқоридаги икки атаманинг синоними ҳисобланади ва уларда ҳам юқорида кўрсатилгани каби гипонимик ва эквонимик муносабат шаклланади. *Графема* атамаси *монограф* ва *диграф* атамаларининг гипероними бўлади, улар гипонимлари саналади. Уларни умумлаштириб, интеграл муносабатга дохил қилиб турган хусусият – иккаласининг ҳам умуман ҳарф – графема эканли ҳисобланади. Айни вақтда мазкур атамалар лингвистик мундарижасига юзасидан фарқли ҳамдир. *Монограф* атамаси умуман графема бўлса-да, моҳиятан битта товушни ифодалайдиган битта ҳарфдир. *Диграф* битта товушни ифода этадиган иккита ҳарфдир. Демак, мазкур атамаларнинг ягона товушни бир ҳарф ёки икки ҳарф билан ифода этиш хусусияти эквонимик муносабатни вужудга келтирган. Эквонимик муносабатдаги атамалар бир-бири билан эквонимия ҳодисасини намоён этган.

энциклопедия, 1969. – С.117.

² Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. (Университет ва педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари талабалари учун дарслик) – Тошкент: “Талкин” нашриёти, 2005. – Б. 96.



Орфография атамалари тизимида *орфографик тамойиллар* атамаси билан *фонетик тамойил* (бу тамойил асосида тузилган имло қоидаларига кўра сўз ёки сўз шакллари талаффуздаги кўринишига мос тарзда ёзилади), *морфологик тамойил* (бу тамойил асосида тузилган имло қоидалари сўзнинг маъноли қисмларини, улар қандай талаффуз қилинишидан қатъи назар, аслига мос равишда ёзишни талаб қилади), *шаклий тамойил* (бу тамойил асосида тузилган имло қоидалари кўпроқ ўзлашма сўзларга нисбатан қўлланади ҳамда ўзлашмаларни манба тилда қандай ёзилса, олаётган тилда ҳам шу шаклда ёзишни талаб қилади), *тарихий-анъанавий тамойил* (бу тамойил асосида тузилган имло қоидалари сўзларни қадимдан одат бўлиб қолган, анъанага кирган шаклда ёзилишини талаб қилади) жинс-тур муносабатида бўлади ва уларнинг гиперонимига айланади. *Фонетик, морфологик, шаклий, тарихий-анъанавий тамойиллар* атамалари *орфографик тамойиллар* атамаси остида бирлашади. Ўз навбатида, мазкур атамалар бир-бири билан дифференциация ҳосил қилади. Улар бундай фарқланиши билан эквонимларга айланади.

Услубият атамалари ўртасида тадқиқот мавзумиз бўлган ходисаларнинг туташуви ҳосил бўлади. Хусусан, *услубият* атамаси гипероним атама сифатида *фонетик услубият, лексик услубият, морфологик услубият, синтактик услубият, функционал услубият*³ атамалари билан жинс-тур муносабатига киришади. Мазкур жинс-тур муносабатидаги атамаларни қуйидагича иерархик тавсифлаш мумкин: гиперонимик атама (*услубият*) биринчи босқич атама бўлса, *фонетик услубият, лексик услубият, морфологик услубият, синтактик услубият, функционал услубият* атамалари иккинчи босқич атамаларидир. Гиперонимик характердаги атама мазмуний мундарижасида гипонимик атамаларнинг хусусияти умумий бир тарзда акс топади, гипонимик характердаги атамаларда гиперонимик атаманинг моҳияти аниқлаштирилган ҳолда ифода топади. Атамалараро бундай аниқлаштирилган муносабат горизонтал йўналишда ҳам давом этади. Буни натижаси эквонимларни юзага келиши бўлади. Хусусан, бундай муносабатда *фонетик услубият, лексик услубият, морфологик услубият, синтактик услубият, функционал услубият* атамалари ўзаро қандай бирликларнинг (ифода материалларининг) услубий хусусиятлари ўрганилиши жиҳатидан эквонимлар бўлиб қолади. Шу ўринда гипонимия ва эквонимия ўзаро кесишади.


³ Услубиятнинг ушбу кўринишлари юзасидан ушбу адабиётларга қаранг: Шомаксудов А., Расулов И., Қўнгуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1983. – 248 б.; Стилистика. Современный английский язык. Учебник для вузов. – 5-е изд., испр. и доп. – М.: Флинта: Наука, 2002. – 384 с.



Адабий тил меъёрлари масаласи ҳам стилистика – услубиятнинг ўзак масалаларидан ҳисобланади. гипонимия ва эквонимия ҳодисаларининг кесишиши *адабий тил меъёрлари*⁴ атамаси билан *фонетик меъёр*, *лексик меъёр*, *грамматик меъёр* атамалари ўртасидаги жинс-тур ва тур-тур муносабатларида юзага чиқади. Дастлаб жинс-тур муносабатида адабий тил меъёрлари атамаси гипероним бўлади, қолган атамалар унинг гипонимларига айланади.

Гипонимларнинг ўзаро интеграл белгилари – уларнинг ҳаммаси меъёр эканлиги билан *гипонимия* атамаси остида бирлашади. Ўз навбатида, ушбу атамалар бир-биридан дифференциал белгилари асосида фарқланади. Гипонимлараро бундай фарқланиш ҳам *фонетик меъёр*, *лексик меъёр*, *грамматик меъёр* атамаларининг лингвистик моҳияти билан алоқадор. Бинобарин, ҳар бир меъёрнинг алоҳида тил сатҳлари birlikлари эканлиги билан эквонимик муносабатга киришади.

Нутқ услублари атамаси билан *сўзлашув услуби*, *расмий услуб*, *публицистик услуб*, *илмий услуб*, *бадший услуб* атамаларининг гиперогипонимик ҳамда эквонимик муносабатларида ҳам тадқиқотимиз объекти бўлган ҳодисаларнинг кесишиши юз беради. Биз бу ўзаро кесишувни қуйидаги чизмада кўрсатиб ўтамыз:




⁴Адабий тил нормалари юзасидан “Ўзбек тили стилистикаси” (Тошкент, 1983. – Б. 36 – 43.) китобида батафсил маълумот берилган.



Юқоридаги ҳар бир услуб ўз ичида яна гиперо-гипонимик ҳамда эквонимик муносабатларга кириша олади. Лингвистик атаманинг моҳияти қанчалик чуқур ўрганилса, яна шунчалик жинс-тур ҳамда ички тур-ички тур муносабатлари давом этаверади. Эквонимик ва гипонимик муносабатлар кесишиши юзага чиқаверади.

Жумладан, илмий услуб атамасида мана шундай муносабатларни кузатиш мумкин. Биз буни ҳам қуйида чизмаларда кўрсатиб берамиз:



Бу каби фарқланиши натижасида эквонимия ҳодисаси юзага келади. Демак, мазкур атамалараро муносабат интеграл белгилар доирасидан чиқиши ҳамда дифференциал белгилар



доирасида фаркланиши нуктасида ушбу ҳодисаларнинг тўқнашиши содир бўлади.

REFERENCES

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва: Советская энциклопедия, 1966. – 605 с.
2. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. (Университет ва педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари талабалари учун дарслик) – Тошкент: “Талқин” нашриёти, 2005. – 260 б.
3. Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. – Toshkent: Fan, 2013. – 144 b.
4. Стилистика. Современный английский язык. Учебник для вузов. – 5-е изд., испр. и доп. – М.: Флинта: Наука, 2002. – 384 с.
5. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 248 б.
6. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 168 б.



TILLARDA GIPERBOLANI VOQEALANTIRUVCHI VERBAL VA NOVERBAL VOSITALAR

Shaxnoza Rustam qizi Mirzaxalilova

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti

ANNOTATSIYA

Giperbola juda muhim konseptual semantika bo'lib, har bir tilda, shu jumladan o'zbek va ingliz tillarida o'ziga xos verbal va noverbal vositalarga ega. Ushbu maqolada o'zbek va ingliz tillarida giperbola (mubolag'a) stilistik vositasini voqealantiruvchi verbalizatorlarning invariant turlari tizimi yoritilgan.

Kalit so'zlar: giperbola, semantika, konsept, verbalizatorlar, fonomorfema, morfema, leksema, sintaksema, frazeoema, tekstema.

KIRISH

Giperbola (mubolag'a)-tillarda keng qo'llaniladigan nutq shakli bo'lib, bo'rttirib, kuchaytirib tasvirlash usulidir. Giperbola universal tabiatga ega bo'lib, har bir tilda, shu jumladan o'zbek va ingliz tillarida o'ziga xos verbal va noverbal (imo-ishora, yuz, qoshlar, lablar, ko'zlar, burun va boshqa a'zolar tana harakatlari) tizimi orqali voqealantirilishi mumkin. Tilshunoslikda bunday verbal vositalar "verbalizatorlar" (yoki "reprezentant", "aktualizator", "obyektivator") lar deb yuritiladi. Noverbal vositalar esa "paralingvistik vositalar" (Колшанский 1998, 21 to'g'rirog'i paralingvistik verbalizatorlar-Қ.Ж.) deb ataladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Giperbola muloqot nuqtayi nazaridan juda muhim konseptual semantika bo'lib, har bir tilda mavjud sathlar birlikari orqali voqealantiruvchi, maxsus fono-morfologik va leksiko-sintakti, frazeologik va tekstologik verbalizatorlariga ega bo'lgan universal semantic kategoriyadir. Ilmiy tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, har bir tilda, shu jumladan, o'zbek va ingliz tillarida ham giperbola predmetlar (narsalar, insonlar, hayvonlar, hodisalar, voqealar, darajalar, miqdorlar, vaziyatlar, holatlar) tavsifini o'ta oshirib, kuchaytirib, mubolag'alashtirib voqealantiruvchi invariant verbal vositalar majmuasi mavjud bo'lib, ular yaxlit tizimni tashkil etadilar.

Hozirgi zamon ingliz, o'zbek va barcha tillarda giperbola quyidagi bir qator o'ziga xos verbal vositalar-verbalzatorlarning invariant turlari tizimi orqali voqealantiriladi;

- 1) fonomorfema;
- 2) morfema;
- 3) leksema;

- 4) frazema
- 5) sintaksema;
- 6) frazeoema;
- 7) tekstema (disskursema);

Tillarda shu jumladan, ingliz va o'zbek tillarida har bir invariant verbal vosita qat'iy ravishda o'zining birdan ortiq variantlariga ega bo'lib o'ziga xos kichik maydon (mikromaydon)ni tashkil etadi, bu mikromaydonlarning majmuasi "giperbola makromaydoni"ni tashkil etishi umumlisoniy qonuniyatdir.

1) Fonomorfemalar orqali (ularning unli yoki undosh turlari cho'zib talaffuz qilinadi) masalan, ingliz tilida: 1) deeply, too, beautiful, hardly kabi ravish bilan ifodalangan so'zlarda [i:], [e], [u], [a:] va h.k. unli fonomorfemalar orqali, masalan: She breathed deeply then told him everything 2) devilishly, hellishly kabi so'zlarda [d], [h] kabi undosh fonomorfemalar orqali, ingliz tilida: It was because a young boy was so hellishly hot that he did these very things; o'zbek tilida: 1) sovuq, uzun, o'ta, eng, bag'oyat, benihoya, behad, behisob kabi so'zlarda [u:], [o'], [ɔ:], [e:] kabi unlilar, masalan: Uning aytishicha, otasi bu ajoyib oila bilan benihoya mamnun emish. 2) juda, rosa, tor so'zida [j], [r], [t], zor, zo'r so'zlarida [z] kabi undoshlar orqali. Men o'rtoqlarimni ranjitishdan juda qo'rqaman.

2) morfemalar orqali, masalan: ingliz tilida : 1) sifat+est: He was the kindest person, I have ever met. 2) super, hyper, ultra+sifat negiz: That was a supersonic plane (Daily worker); o'zbek tilida: 1) be+ot negiz: "behad, benihoya, behimor, behisob kabi: Men sizdan behad minnatdorman. (A.Muxtor); 2) fe'l+mas (tolmas, o'lmas, charchamas, kelmas va h.k) : Bu yo'l borsa kelmas va h.k.

3) leksemalar orqali bunda ular quyidagi so'z turkumlari orqali ifodalanishi mumkin:

a) sifatlar orqali, masalan ingliz tilida: supreme, extreme, outstanding, everlasting va h.k; o'zbek tilida: oliy, ulug', yolg'iz, birgina, tovuqmiya va h.k.

b) olmoshlar orqali, masalan, ingliz tilida: all, every, each, everybody, everything, everyone, nobody, no one, nothing, none, neither va h.k; o'zbek tilida: bor, bari, barisi, mavjud, hamma, har bir, har kim, har narsa, hech bir, hech narsa, hech bir kishi va h.k.

d) otlar orqali, masalan, ingliz tilida: planet/ on the planet; world/ in the world; earth/ in the earth; life/ in one's life; o'zbek tilida; dunyoda, yer yuzida, jahonda va h.k.

e) ravishlar orqali, masalan, ingliz tilida: always, never, ever, forever, for good, for years, for centuries, nowhere, everywhere, anywhere va h.k, o'zbek tilida; doimo, hech qachon,

hech yerda, hayotda, har yerda, har joyda, har qayerda, umr bo'yi va h.k.

f) sonlar orqali, masalan ingliz tilida hundred(s), thousand(s), million(s), ten(s); o'zbek tilida: yuz, ming, million, minglab, millionlab va h.k.

4) frazemalar (so'z birikmalari) orqali masalan, ingliz tilida; on the earth /not on earth/, in the world/ not in the world/, for the world/ not for the world, thousands of pardons, no one, nowhere but va h.k; o'zbek tilida; yer yuzida, yer kurrasida, hech bir inson, hech bir kimsa, hech bir joyda, hech bir yerda va h.k.

5) gaplar (sentensemalar orqali) ingliz tilida masalan; And she had earth on her hand (B.Erskine); o'zbek tilida masalan; unda ming pahlavonning kuchi bore di. (O'zbek xalq ertaklari).

6) frazeomalar (frazеologik birliklar) orqali masalan, ingliz tilida; not for the world, for the world, swim or sank, cat-and-dog., to give the world to do smth va h.k; I would not go there for the world (J.London); o'zbek tilida; to'nini teskari kiymoq, boshi osmonga yetmoq, boshi yerga tekkuncha tazim qilmoq, kulini ko'kka sovurmoq, boshini olib ketmoq, joni halqumiga kelmoq, ikki oyog'ini qo'liga olib yugurmoq, yuragi yorilmoq, boshi qotmoq, otini boshqa qo'ymoq, kallani garovga qo'ymoq va h.k.

7) tekstemalar (disskursemlar) orqali, masalan, ingliz tilida: And then everything was grey and the sky was covered and the cloud came on down the mountain and suddenly we were in it and it was snow (E. Hemingway); o'zbek tilida: bir tavakkal buzadi ming qayg'uning qal'asin, Bir shirin so'z bitkazar, ming ko'ngilning yarasin (O'zbek xalq maqoli).

Yuqoridagi tahlillardan kelib chiqib, shuni aytish mumkinki, tillarda, shu jumladan ingliz va o'zbek tillaridagi mavjud sathlar bilan bog'liq xolda giperbola konseptual semantikasini voqealantiruvchi verbalizatorlarning quyidagi lingvokognitiv mikromaydonlarga ajratish mumkin:

- 1) fonomorfemik verbalizatorlarning lingvokognitiv mikromaydoni;
- 2) morfemik verbalizatorlarning lingvokognitiv mikromaydoni;
- 3) leksik verbalizatorlarning lingvokognitiv mikromaydoni;
- 4) sintaktik verbalizatorlarning lingvokognitiv mikromaydoni;
- a) frazemik verbalizatorlarning lingvokognitiv mikromaydoni;
- b) sentensemik verbalizatorlarning lingvokognitiv mikromaydoni;
- 5) frazeomik verbalizatorlarning lingvokognitiv mikromaydoni;
- 6) tekstemik verbalizatorlarning lingvokognitiv mikromaydoni;
- 7) paralingvistik verbalizatorlarning lingvokognitiv mikromaydoni;

Bunday mikromaydonlar o'zaro birikib , giperbola konseptual semantikasini voqealantiruvchi verbalizatorlarning "makromaydoni"ni tashkil etdi.

Ilmiy izlanishlar shuni ko'rsatadiki, tillarda giperbolani noverbal vositalar, ya'ni paralingvistik vositalar tizimi (ya'ni yuz, ko'z, qosh, lab, bosh va tananing boshqa a'zolari harakatlari) orqali ham voqealantirish mumkin.

Qiyosiy tipologik nuqtayi nazaridan olib qaralganda verbal vositalarning barchasi "lingvema" bilan, noverbal vositalarni esa "paraningvema" deb atash mumkin. Xususan, giperbolani ifodalay oladigan paraningvemalarni esa shartli ravishda "giperparalingvema"lar deb nomlash maqsadga muvofiq bo'ladi. Masalan, vaziyatga qarab o'ta bezor bo'lib, to'yib ketganligini ifodalash uchun o'ng qo'lini musht qilib, bosh barmog'i ko'tarilgan holicha uni tomog'iga olib borib, chapdan o'nga qarab bir marta tez harakatlantiradi, shu harakalar orqali u muloqotdoshiga o'z muddaosini tushuntirishga harakat qiladi va bunga erishadi.

XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, har bir universal konsept kabi "giperbola" konsepti ham makrokonseptlar sirasiga kiradi va tildagi mavjud barcha sathlar birliklari orqali voqealantiriladi, shu tariqa o'zining maydon tabiatiga ega ekanligini namoyish etadi. Shunday qilib, tillarda, xususan, ingliz va o'zbek tillarida giperbola fonomorfema, morfema, leksema, sintaksema, frazeoema va tekstemalar kabi til birliklari orqali voqealantiriladi. Bundan tashqari mazkur semantika paralingvistik (noverbal) vositalar (tana a'zolari harakatlari) orqali ham ifodalanadi. Bunday verbal va noverbal birliklar tizimi har bir tilda "giperbola lingvokognitiv maydoni" borligini anglatadi.

REFERENCES

1. Qoraboyev J.B Giperbolaning lingvistik maqomi va muolag'alashgan semantikali frazeologik birliklar//Tilshunoslikdagi yangi yo'nalishlar va ularning muammolari.- Toshkent, 2015. 74-75-b.
2. Кунин А.В. Фразеологические интенсификаторы в современном английском языке./ И.Я., 1960
3. Крысин Х.П. Гипербола в русской разговорной речи. Проблемы структурной лингвистики. 1988, 9-11.
4. М. McCarthy, R. Carter "There is millions of them": hyperbole in everyday conversation / Journal of Pragmatics 36 (2004) 149-184.

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA TURIZM LEKSEMALARI

O'g'lonoy Allamurodovna Xudoynazarova

Termiz davlat universiteti katta o'qituvchisi

Dilbar Shuhrat qizi To'rayeva

Termiz davlat universiteti 1-bosqich magistri

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola turizm so'zlari, turizm bilan bog'liq birliklari va ularning ma'nolarini ingliz tillarida ifodalashga bag'ishlangan.

Kalit so'zlar: Tourism, tourism word units, touristic expressions

KIRISH

Fan va texnika rivojlanayotgan bir davrda insonlarning o'zga mamlakatlar tarixi, madaniyati, urf-odatini o'rganishga bo'lgan ishtiyoq va havas tobora ortmoqda. Va o'z o'rnida kundalik leksikamizda turizm bilan bog'liq so'z va tushunchalarning paydo bo'lishiga, mavjudlarining esa yangilik bo'yog'iga ega bo'lishiga sabab bo'lmoqda. Bugungi kunda nutqimizda juda ko'plab turistik leksemalar va frazalar lug'atshunoslikda yangi o'zgarishlarga sabab bo'lmoqda hamda leksikografiyaning rivojlanishiga turtki bermoqda. Mamlakatlararo mustahkamlanayotgan turli ko'rinishdagi aloqalar, diplomatik munosabatlar, turli tadbirlarning keng miqyosda nishonlanishi turizm leksikologiyasining yanada rivojlanishiga zamin yaratmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

O'zbek leksikologiyasidan farqli holda ingliz leksikologiyasi turizm bilan bog'liq tushunchalarni o'zida keng mujassamlagan yo'nalishdir. Turizm fransuzcha *tour* so'zidan olingan bo'lib, sayr-sayohat ma'nosini anglatadi.

«O'zbek tilining izohli lug'ati» da *sahovat* so'zi haqida quyidagi ma'lumotlar beriladi. «Sahovat-arabcha dam olish, hordiq chiqarish yoki dunyoni ko'rish, o'rganish maqsadida qilingan safardir»-deyiladi. *Safar* tushunchasining o'zi ham arabchadan olingan bo'lib, xizmat yoki sayohat maqsadida biror joyga borishdir.

Karvonsaroy-karvonlar tunab o'tadigan rabot, saroy. Yaqin Sharq, Markaziy Osiyo, Kavkaz orti shaharlari savdo yo'lida barpo etilgan.

Ingliz leksikologiyasida turizmga oid quyidagi birliklar yuzaga kelgan:

Baggage.

Travelling bags and personal possessions of a traveler. In travel terms, accompanied baggage is that carried in the same vehicle as the passenger; unaccompanied baggage is that carried separately. Checked baggage is handed over by the passenger, to be claimed at the destination; unchecked(or carry on) baggage stays in the passenger`s possession.

Yuk. Sayohat sumkalari va sayohatchining shaxsiy narsalari. Sayohat nuqtai nazaridan, hamrohlik qilingan bagaj-bu yo'lovchi bilan bir xil transport vositasida olib boriladigan yuk; kuzatib borilmagan bagaj-bu alohida olib boriladigan yuk. Tekshirilgan bagaj yo'lovchi tomonidan belgilangan joyga da'vo qilish uchun topshiriladi; tekshirilmagan(yoki olib yurilmagan) bagaj yo'lovchining posessiyasida qoladi.

Baggage allowance. Per-person amount of baggage by total weight, number of pieces, or volume that will be transported without additional charge.

Yuk uchun ruxsat. Qo'shimcha to'lovsiz tashiladigan umumiy og'irligi, dona soni yoki hajmi bo'yicha har bir kishi uchun yuk miqdori.

Baggage check. Receipt or claim ticket for accompanied baggage, issued by a carrier.

Bagajni tekshirish. Birga bagaj uchun olish yoki da'vo chipta, tashuvchi tomonidan issued.

Banquet room. Often part of a hotel, providing a paying group with a private area where the necessary service personnel, and prearranged amounts and varieties of food and beverage service.

Banket xonasi. Ko'pincha mehmonxonaning bir qismi, pullik guruhni xususiy maydon, zarur xizmat ko'rsatuvchi xodimlar va oziq-ovqat va ichimliklar xizmatining oldindan belgilangan miqdori va xilma-xilligi bilan ta'minlaydi.

Coffee shop. Commercial food facility designed to offer the customer a meal or snack in an informal atmosphere without the service, variety or cost associated with a restaurant, and at those times when a restaurant may not be open.

Qahvaxona. Tijorat oziq-ovqat inshooti mijozga restoran bilan bog'liq xizmat, xilma-xillik yoki xarajatlarsiz norasmiy muhitda ovqat yoki gazak taklif qilish uchun mo'ljallangan va restoran ochiq bo'lmasligi mumkin bo'lgan paytlarda murojaat etiladigan maskan.

Cold call. Personal visit by a sales representative to a prospective customer for the purpose of describing a property or

service and distributing literature. Usually no appointment is involved and a sale at this contact is not expected.

Sovuq qo'ng'iroq. Mulkni yoki xizmatni tavsiflash va adabiyotlarni tarqatish maqsadida savdo vakilining bo'lajak mijozga shaxsiy tashrifi.

XULOSA

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, turizm leksikasi bugungi kun ingliz va o'zbek tillari lug'atshunosligida muhim ahamiyat kasb etuvchi tilshunoslik sohasi bo'lib u o'zida o'tmish va bugungi kun xalqlarining urf-odati va madaniyatini mujassam etgan.

REFERENCES

1. M.Q.Ismoilova. Turizmga oid leksikaning lingvomadaniy jihatlarida tarjimaning nazariy va amaliy masalalari. -Qarshi.-b.14
2. Сирожиддинов Ш. Сўз ўзлаштириш омиллари хусусида// Ўзбек тили ва адабиёти, 22390 – № 60 – б.
3. Metelka, Charles J. The dictionary of tourism. Wheaton Ill.: Merton house Travel and Tourism publishers. 1986.
4. Mirzayev Murotjon Ahmadjonovich. Aliyeva Mahbuba To'ychiyevna. Turizm asoslari. O'zbekiston Faylasuflari Milliy jamiyati nashriyoti. Toshkent, 2011.



ILK O'RTA ASRLARDAGI AFROSIYOB DEVORIY SURATLARI

Sanjar Sa'dullayev

Samarqand davlat chet tillar instituti o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ilk o'rta asrlar rang-tasvir san'atining O'rta Osiyo miqyosidagi rivoji Afrosiyob devoriy suratlarida yaqqol namoyon bo'ladi. Afrosiyob devoriy suratlari faqatgina ilk o'rta asrlar ma'naviyati, madaniyati rivojidan dalolat berib qolmay, balki o'sha davr ichki va tashqi siyosati, iqtisodiyoti hamda hunarmandchilik rivojining ham yaqqol isbotidir.

Kalit so'zlar: innovatsiya, devoriy suratlar, arablar istilosi, Yui shaharcha, ensiz naqsh, Varxumana, zandanachi, Domision tobuti, so'g'dlar turmushi.

ABSTRACT

The development of early medieval color art in Central Asia can be clearly seen in Afrosiab's murals. Afrosiab's murals are not only a testament to the development of early medieval spirituality and culture, but also a testament to the development of domestic and foreign policy, economics and crafts at that time.

Keywords: innovation, murals, Arab conquest, Yui town, narrow pattern, Varkhumana, zandanachi, Domision coffin, sogdian life.

KIRISH

Bugungi kunda madaniy va ma'naviy merosni tiklash hamda keng targ'ib qilish, tarix ilm-fan sohasidagi innovatsiya mazmuniga ega tadqiqotlar natijalarini ta'lim jarayoni, darslik va o'quv adabiyotlariga tadbiq etish, darsliklarning yangi avlodini yaratish va iqtidorli yoshlarni ilmiy tadqiqot ishlariga jalb etish dolzarb ahamiyat kasb etadi.¹

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ilk o'rta asrlardagi ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar O'rta Osiyo madaniyatiga ham ta'sir etmasdan qolmadi. Bu davrdagi madaniy hayot dastavval antik davr madaniy an'analari asosida rivojlangan bo'lsada, lekin Kushon

¹Sh.Mirziyoyev. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz.
-T.: "O'zbekiston", 2017. 472-473-bet.



davlati xarobalarida bir nechta mustaqil davlatlar va mulklarning paydo bo'lishi o'ziga xos mahalliy madaniyatlarning paydo bo'lishiga imkon yaratgan edi. Shu bilan birga, ilk o'rta asrlar madaniyatining shakllanishiga, qo'shni davlatlar avvalo, Hindiston, Eron, Afg'oniston, Xitoy bilan hamda ko'chmanchi chorvadorlar bilan bo'lgan aloqalar(xoh iqtisodiy, xoh siyosiy bo'lsin) ham muhim ahamiyatga ega bo'lgan edi.

Ilk o'rta asrlarda O'rta Osiyo xalqlari san'ati devoriy suratlar, haykaltaroshlik, turli taqinchoq buyumlari orqali izohlanadi. Devoriy suratlar Dilbarjin(Afg'oniston), Varaxsha, Afrosiyob, Panjikentdan topib o'rganilgan bo'lsa, Kuyovqo'rg'on, Vaxsh vohasi, Chaqaloqtepa(Afg'oniston), Yerqo'rg'ondan turli hajmdagi haykallar, zargarlik buyumlari topib o'rganilgan. Umuman olganda, boy bezaklar, sopol, metal idishlar, devoriy suratlar, hatto kiyimlardagi tasvirlar bu davrda O'rta Osiyodagi tasviriy san'atning rivojidan dalolat beradi.²

Afrosiyob devoriy rasmlari — Afrosiyob arxeologik qazilmalar natijasida topilgan mahobatli rangtasvirning noyob namunalaridan biridir. Dastlabki namunalari arxeolog V.Vyatkin tomonidan ochilgan(1913). Keyingi qazishlar davri(1965—68) da o'zbek arxeologlari 30 ga yaqin saroy xonasini ochishga muvaffaq bo'lganlar, bu xonalarning ko'plari devoriy rasmlar, naqshlar bilan bezatilgan. Shulardan katta (11x11 m) va kichik(7x7 m) xonalardagi rasmlar birmuncha yaxshi saqlangan. Xonalardan birida erkak va ayol ark oldida o'tirgan holda tasvirlangan. Katta xona devorlariga ishlangan rasmlar detallarga boyligi, saqlanib qolgan sug'd yozuvlari bilan ahamiyatli. Xona devorlariga ishlangan rasmlarda to'y marosimi, Sug'd hukmdorining xorijiy davlatlarning elchilarini qabul qilishi, bu elchilarning yo'ldagi sarguzashtlari, yirtqich hayvonlar bilan olishuv, ov manzaralari, afsonaviy maxluklar tasvirlangan. Saklanib qolgan rasmlar tahlili o'rta asr mahobatli tasviriy san'atining g'oyaviy badiiy yo'nalishi, rassomning ish usullari va vositalari haqida, tafsilotlarga boy maishiy sahnalar, etnik ko'rinishlar o'sha davr haqida fikr yuritish imkonini beradi. Rassom devorni 3 qismga bo'lib, 2 chetki qismidan ensiz naqsh hoshiyasi ajratib olgan, asosiy qismga mavzuli tasvir ishlagan, voqealarni yuqoridan kuzatayotganday aks etgiran. Afrosiyob devoriy rasmlari yagona bir mazmunga bo'sundirilgan: markazda sug'd hukmdori Varxumon turadi, an'analarga ko'ra rassom uni boshqalarga nisbatan yirik ko'rinishda (butun devor balandligida, 5—6 m) tasvirlab, hukmdorning buyukligini e'tirof etadi, unga abadiylik, qahramonlik baxsh

² A.S.Sagdullayev. O'zbekiston tarixi(darslik) I kitob. – T.: “VNESHINVESTPROM”, 2003. 306-bet.

etadi. Afrosiyob devoriy rasmlari O`rta Osiyoda arablar istilosiga qadar mahobatli rangtasvirning rivojlanganligi, Samarqand uning markazi bo`lganligini ko`rsatadi.³

Oxirgi o`n yil ichida Afrosiyob tarixi bo`yicha o`zbek-fransuz qo`shma ekspeditsiyasi (akademik P. Bernar va keyinchalik F. Grene va M. Isomiddinovlar boshchiligida) yangidan-yangi ma`lumotlarni bermoqdalar. Afrosiyob devoriy suratlarida So`g`d ixshidi Varxumana (VII asr oxiri) saroyida turli hududdan kelgan elchilar tasvirlangan. Shulardan ipak yo`li bo`ylab kelgan Xitoy va Koreya elchilari so`g`d ixshidi tomonidan qabul qilinishi bizgacha yaxshi saqlanib qolgan.

Afrosiyob devoriy suratlarida figuralarni qavatma-qavat joylashtirish orqali yassi devorda fazoviy kenglik hosil qilingan. Demak devordagi tasvirning balandda chizilishiga qarab, qanchalik uzoqligini his etamiz. Odamlar qiyofasida ham shu qonunlarga rioya qilinadi, hukmdor shaxslar naturada ulkan, xizmatkorlar esa kichik o`lchamdagi kompozitsiyada o`z yechimini topadi. Bu ularning ichki kechinmalari yuzlarida emas, qo`l, barmoq harakatlarida aks etishi va me`moriy binolarning kichik masshtabligi O`rta Osiyo miniatyurasida keng tarqalganligidan guvohlik beradi.⁴ Ilk o`rta asrlarda to`qimachilik O`rta Osiyo hunarmandchiligining ustivor yo`nalishiga aylandi. Ayniqsa ipak mahsulotlarini ishlab chiqarish keng yo`lga qo`yilgan. Arxeologik materiallarning guvohlik berishicha ipak qurtini boqish Qadimgi Baqtriyada bronza davridan ma`lum bo`lgan. Antik davri va ilk o`rta asrlarga kelib, ipakchilik bilan shug`ullanish So`g`diyona va Farg`ona vodiysiga ham keng yoyildi. Ipakchilikning jahonga mashhur markazlari paydo bo`ldi. Masalan, VI-VII asrlarda shakllangan Buxoroning «zandanachi» ipak mahsulotlariga bo`lgan talab hatto ipakchilikning ilk vatani Xitoyda ham katta edi. Zandanachi ipak mahsulotlarining namunalari hatto Afrosiyob devoriy su`ratlarida yaxshi saqlangan. Ilk o`rta asrlar badiiy san`atida asosiy e`tibor tasviriy san`at va haykaltaroshlik bezaklaridan iborat edi.

III asrga qadar ipakni Vatani deb Xitoyni tan olingan III asrdan boshlab ipakchilik markaziy, shimoliy, g`arbiy, sharqiy Turkistonga ko`chgan, undan Farg`ona vodiysi, So`g`d, Eron, Vizantiyagacha yoyilgan. Ipak ishlab chiqarish sohasida ikki gegemon markaz faoliyat yuritgan: Xitoy va So`g`d. XX asrda Belgiyadagi kichkina Yui shaharchasidagi Notterdam soboridan avliyo Domision tobutiga qoplangan oltinrang ipak mato topilgan. Tadqiqotlardan ma`lum bo`lishicha bu mato «zandanachi» nomi bilan atalgan hamda VI-VIII asrlarda Buxoroning Zandana qishlogida to`qilgan.⁵

³ Альбаум.Л.И. «Афрасиаб» – Т.: 1969. Стр-256-260.

⁴ Д.Султонова. «Моziydan sado» журнаli. - Т.: «O`zbekiston», 2003. 3-сон. 44-бет.

⁵ www.ziyonet.uz



Arxeologik topilmalar Sug'd hududida paxta, jun va tabiiy ipakdan to'qilgan matolar qo'l mehnati orqali eng oddiy to'qimachilik dastgohlarda amalga oshirilgani ko'rsatiladi. So'g'd matolari Buyuk Ipak yo'li orqali turli davlatlarga eksport qilingan, ayniqsa u Xitoyda yuqori baholangan. Chunki oldinlari nafaqat ipak xom ashyosining o'zi, balki ipak matoning o'zi ham Xitoydan olib kelingan bo'lsa, ilk o'rta asrlardan boshlab ipak O'rta Osiyoning o'zida yetishtirilib, undan tayorlangan matolar aholi ehtiyojini qondirishda Xitoy ipagini siqib chqaradi, shuningdek chetga eksport qilina boshlaydi. Hatto Xitoyning o'ziga ham. Qadimgi forslar ipak, shoyi xom ashyosini Buxoro va Samarqanddan olganlar. Ko'plab So'g'd mato bo'laklari Yevropa muzeylarida hozirgacha asl holida saqlanib kelinayotgani o'sha davrdagi hurarmand ustalarning yuksak mahoratidan darak beradi. Bu fikrimizni yuqorida aytganimiz Belgiyadagi kichkina Yui shaharchasidagi Notterdam soboridan avliyo Domision tobutiga qoplangan oltinrang ipak matoning topilganligi ham tasdiqlaydi.. Mazkur matolarning chidamliligining sir-asrori olimlar uchun hali hanuz jumboq bo'lib qolmoqda.

So'gd hunarmadlari biror martabali kishilar uchun tikiladigan libos matolariga alohida ahamiyat berishgan. Misol uchun elchilar libosi qimmatbaho, qalin va puxta ishlangan tabiiy ipak va ipdan tayyorlangan matodan tikilgan. Uning qalinligi odam egniga qulaylik va ko'rkamlik baxsh etishi hamda chakmon uchun rasmlar va naqshli bezaklarning ketma-ketligi yaqqol ko'rinishi uchun moslangan. Shuningdek, qalin chakmon uzoq vaqtga chidamli, issiq vasovuq havo ta'siridan saqlanishi uchun mo'ljallangan. Elchi egnidagi chakmon yurishga qulay bo'lishi uchun pastki qismidan tizzagacha ikki yon tomonidan qirqimlar hosil qilingan. Erkaklar basavlar va ko'rkam ko'rnishi uchun yelka kengligi kengroq qilib bichilgan. Bo'yin qismi va pastki qismi etagining qirqimlariga alohida hoshiya uchun shu matodan boshqa bichim qilganlar. Ba'zida elchi bosh kiyimi ham egnidagi chakmonga munosib tarzda shu matodan tikilgan. Elchilar sardori bosh kiyimi kashtalangan qalpoqdan boshqalariniki esa oddiy peshonaband qilingan tasmalardan iborat bo'lgan.

L.I.Albaum devoriy rang tasvir suratlarni o'rganarkan, mazkur elchilar chakmoni mutlaqo o'zgacha, ya'ni o'zi xos bezaklarda tasvirlanganini va bu hashamlar boshqa devoriy suratlarda ta'kidlaydi. Uning fikricha, elchi chakmoni alohida va mahsus qimmatbaho liboslar go'zalligini namoyon etish uchun tayyorlangan.

Ularning kiyinish madaniyati muhim diplomatik ahamiyatga ega bo'lishidan bir qatorda o'z xalqining milliy madaniyati va san'atini ham namoyish etgan. Elchi liboslari

ҒИЁСИДДИН АЛИ ЯЗДИЙ – АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ МУАРРИХИ

Жаъфар Муҳаммадиевич Холмўминов

Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти

jafarmuhammad@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ўз даврининг етук олимларидан бири саналган Ғиёсиддин Али Яздий тафсир, фикҳ, ҳадис, тарих, жуғрофиё, ҳарб ва адабиёт илмларини мукамал даражада билган ва турли соҳалар бўйича қимматли асарлар ёзган. Ғиёсиддин Али Яздий ўзининг Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришига бағшланган “Саъодатнома ё Рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон” (“Саодатнома ёхуд Ҳиндистонга юриш кундалиги”) асарининг ёзилиши тарихи ва сабабини асарнинг 57-бетида қуйидагича келтиради: “Подшоҳлик ва салтанат даврининг ўттиз биринчи йилида Ҳазрати Соҳибқироннинг қўл остидаги мулозимларидан бири келиб, иззат ва ҳурмат билан мурожаат этди...” Агар Амир Темурнинг тахтга ўтиришини ҳижрий 771 йил (м. 1369 йил) деб ҳисобласак ва ундан кейинги ўттиз бир йилни қўшсак, асарнинг ёзилган йили 802 ҳижрий (милодий 1400 йил) бўлиб чиқади. Демак, бу асар Амир Темурнинг Ҳиндистон ғазавотидан қайтганидан бир йил ўтгандан сўнг, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сидан икки йил олдин ёзилган бўлиб чиқади.

Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган салкам бир йиллик юриши (1398 йил май – 1399 йил март) Темурийлар тарихига оид манбаларда, жумладан, бу ҳақдаги илк манба “Саъодатнома ё Рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон” асарида футўхотларга тўла бир юриш сифатида тилга олинади.

Ушбу асар Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ва унинг жанг санъати ҳақидаги энг мўътабар тарихий манбалардан бири сифатида ўзига хос илмий аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради.

Калит сўзлар: Соҳибқирон Амир Темур, Ғиёсиддин Али Яздий, “Саъодатнома ё Рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон”, тарихий асар, Ҳиндистон, ҳарбий юриш, қўшин, дарё, қалъа, шаҳар, ғалаба.

ABSTRACT

Ghiyosiddin Ali Yazdi, was one of the leading scholars of his time and wrote valuable works in various fields of science,



such as tafsir (commentary on the Qur'an), jurisprudence, hadith, history, geography and literature

He gives the date and reason for writing his book “Saodatnoma yo ruznomai gazavoti Hinduston” (p. 57), dedicated to the campaign of Amir Temur to India, as follows: “In the thirty-first year of the reign, one of the officials under Hazrat Sahibkiran came and addressed me with honor and respect...”

If we consider Amir Temur's reign as khijri 771 (1369) and add the next thirty-one years, the year of the work's writing is khijri 802 (1400).

It turns out that this work was written a year after the return of Amir Temur from the Indian conquest, two years before Nizamiddin Shami's "Zafarname"

Almost a year-long campaign of Amir Temur to India (May 1398 - March 1399) is mentioned in the sources on the history of the Temurids, including in the first source - "Saadatname or Herald of the Conquest of India" as one of the military campaigns of Amir Temur, which were full victories.

This work is distinguished by its unique scientific significance as one of the most authoritative historical sources about the military campaigns of Amir Temur and his martial arts.

Keywords: Sahibkiran Amir Temur, Giyosiddin Ali Yazdiy, “Saodatnoma yo ruznomai gazavoti Hinduston”, historical work, India, military campaign, army, river, castle, city, victory.

КИРИШ

Яздаги Оли Музаффар сулоласи билан дўстона муносабатда бўлиб, бир муддат Язд вилоятида қозикалон вазифасида ҳам фаолият юритган қомусий олим Ғиёсиддин Али Яздий Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришининг тафсилотларини ўз ичига олган асари – “Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон”ни форс-тожик тилида, тарихий-бадий услубда ёзган. Мазкур асар “Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон” номи билан эронлик машҳур олим Эраж Афшор томонидан 2001 йилда Техрондаги “Мероси мактуб” нашриёти томонидан нашр этилган.

Асарда воқеълик билан бадийлик, ҳақиқат билан муҳолафа уйғунлашиб кетган. Муаллиф Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳинд диёри сари қилган юриши жараёнида рҳй берган воқеа-ҳодисаларни кунма-кун, ҳатто соатма-соат тасвирлаб борар экан, кўп ҳолларда– ташбех, истиёра, муқобала, муҳолафа

каби бадий санъатларга мурожаат этади, баъзи ҳолларда воқеа мазмунига мос ҳолда ўз фикрини бирор байт билан қувватлайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Муаллиф асарни “Муқаддима” ва “Хутба” билан бошлаб, “Фасле дар футухоти Темур” (“Темур фатҳларига оид фасл”) деб номланган қисмда Амир Темурнинг Ҳиндистон фатҳидан олдинги фатҳлари – Самарқанд фатҳи, Мўғулистон ва Хоразмга юриши, Ҳирот ва Хуросон фатҳи, Сейистон ва Мозандарон фатҳи, Исфаҳон ва Шероз юриши, Дашти Қипчоқ фатҳи ва Тўқтамишхон билан уруши, Ҳамадон ва Форс юриши, бағдодга юриши, Тўқтамишхон устидан қозонган ғалаба ҳақида маълумотлар бериб ўтади. Ундан сўнг Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришининг сабабини изоҳлаб ўтади.

Муаллиф Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришининг асосий сабабини Деҳлининг собиқ ҳукмдори Фирузшоҳ вафотидан сўнг Ҳиндистонда исломнинг заифлашгани, золим тойифаларнинг зулми ҳаддан ошиб кетгани ва у ерда адолатсизликнинг ошиб кетгани билан изоҳлайди ва буни “Саодатнома” асарининг бир неча жойида, жумладан, “Деҳли ҳукмдори Султон Маҳмуд билан бўлган урушда ғалаба қозониш ҳақида” деб номланган фаслда ҳам таъкидлайди.

Муаллиф Ҳиндистон юришининг сабабини баён этгач, асарнинг “Саодатнома” қисмини бошлайди. Ундан сўнг воқеаларни куйидаги мавзуларга бўлган ҳолда муайян тартиб билан баён этиб боради: “Зикри мувофиқат ва ғазавот дар Ҳиндустон” (Ҳиндистон ғазавотига қарор қилиш ҳақида), “Зикри Шаҳобиддин Тамим ва мутобиъату муҳолифати ў” (Шаҳобиддин Тамим, унинг тобе бўлиши ва ихтилоф қилиши ҳақида), “Зикри фатҳи шаҳри Банд ва Қалъаи Батнир” (Банд шаҳри ва Батнир Қалъасининг фатҳ этилиши), “Зикри жанг кардан бо Султон Маҳмуд волии Деҳли” (Деҳли волийси Султон Маҳмуд билан бўлган уруш), “Зикри фатҳи Қалъаи Мирт” (Мирт Қалъасининг фатҳ этилиши), “Зикри ғазвае дар дарёи Ганг бо габрон” (Ганг дарёси бўйида габрларга қарши ғазавот), “Зикри се ғазва дар як рўз бо габрон” (Габрларга қарши бир кунда бўлган уч ғазавот баёни), “Зикри истисоли габрон, ки ба дараи Кўпала буданд” (Кўпала дарасидаги габрларни тор-мор этилиши), “Зикри Қалъаи Кўҳи Саволак” (Қалъаи Кўҳи Саволак ҳақида), “Зикри ғазваи ҳаддиди дигар аз Кўҳи Саволак” (Кўҳи Саволак ҳудудида бўлган яна бир ғазавот ҳақида), “Зикри навоҳии муваққифи Жаҳонпаноҳ дар Жаму” (Олампаноҳнинг Жамуда

тўхтаган жойлари ҳақида), “Зикри сохтани Масжиди Жомеъи дорулмулки Самарқанд” (Самарқанд дорулмулкида Жомеъ Масжидини куриш ҳақида).

Панжоб водийси Амир Темур учун Чигатой хонлигининг қонуний ҳудуди ҳисобланар эди. Султон Муҳаммад Туғлуқ вафотидан кейин Деҳли султонлиги заифлашиб борди ва атрофдаги рожалар мустақиллик эълон қилишди. Унинг вориси Ферузшоҳ замонида ҳам бу нарса давом этди. Султонлик кичрайиб, Деҳли билан чекланиб қолди.

Амир Темур Ҳиндиқушгача бўлган ерларни ўзига бўйсундирган пайтда, қочиб кетган маҳаллий амирлар Деҳлидан бошпана топган эдилар. Тарихчиларнинг фикрича, Амир Темур Ҳиндистонни доимий бошқариш мақсадида эмас, балки бойлик илинжида эгаллашни истарди. 1392 йилда бир пайтлар Султон Маҳмуд Ғазнавий мулки ҳисобланган ерларни бошқаришни невараси Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгирга топширган Амир Темур, 1397 йилда унга Ҳиндистонга лашкар тортишни буюрган, шу тариқа бу мамлакат Мўлтон Пирмуҳаммад томонидан эгалланган эди.

Шу йил кишни Мовароуннаҳр шимолида ўтказган Амир Темур 1398 йилнинг илк ойларида Самарқандга қайтди ва қўшин тўплади. Қурултой чақириб, Ҳиндистонга юриш қилишини эълон қилди:

“Ферузшоҳнинг набираси Деҳли тахтига ўтирди. Аммо бу ёш султоннинг ҳукми ўз қўл остидагиларга ўтмайди. Ҳатто улар унга қарши душманлик қилмоқда. Шундайлардан бири Сарангхон Мўлтонни Саййид Хизр хондан тортиб олди, аммо ўзи ҳозир Пирмуҳаммаднинг ҳужумига дучор бўлди. Деҳлида Сарангнинг биродари Маллухон рақибларини мағлуб этиб, шаҳарни эгаллади ва султон номидан ҳукмронлик қилмоқда. Бу тартибсизликлар бизнинг ғалабага чанқоқ қўшинимизни Ҳиндга олиб боришга мажбур қилмоқда.

Бундан ташқари, Ҳақ динга Ҳинднинг кўп жойида амал қилинаётган бўлса-да, салтанатнинг катта қисмида мушриқлар истиқомат қилмоқда. Деҳли султонлари ҳақ динни ҳимоя қилишдан ожизлик қилмоқда. Мусулмон ҳукмдорлар фақат жизя олиш билан чекланмоқдалар...”

Шундай қилиб, Амир Темур қўшини март ойида Термиз орқали Амударёни кечиб ўтиб, Ҳиндистонга қараб юришни бошлади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ғиёсиддин Али Яздийнинг китоб муқаддимасида ёзишича, Соҳибқирон ўз қўшинлари билан Саййиди койинот



ва хулосаи мавжудот Муҳаммад Мустафо саллаллоху алайҳи вассаллам ҳижратидан саккиз юз (х.қ. 800 йил – Ж.Х.) йил ўтгач, зулҳижжа ойининг бошида Ҳиндистон мамлакатининг чегараси бўлмиш Кобулнинг Турин деган жойига етиб борди.

Амир Темур асосий қўшин ва бошқа маликалар билан биргаликда Ҳиндистонга юришда давом этди. Чигатой улусининг хони Султон Маҳмудхон чап қанот билан бирга шимолий йўл орқали Дехлига юрди. Темурнинг ўзи эса жанубга, Пирмуҳаммад билан учрашиш учун Мўлтонга қараб юрди. Сентябрь ойида Ҳинд дарёсига етиб келган Амир Темур қўшини икки кунда дарёни кечиб ўтди.

“Шаҳобиддин Жамд дарёси бўйидаги оролчада волий эди, фуқаролари кўп, ҳашамати катта, мол-мулки беҳисоб эди. Шаҳобиддин Мўлтон вилоятига етиб келган жаҳон аҳли маҳдумзодаси Амирзода Пирмуҳаммад Баҳодирнинг (Амир Темур амирларидан бири – Ж.Х.) оёғини ўпиш шарафига муяссар бўлиб, унга кўп иззат-эҳтиромлар кўрсатди. Бир қанча вақт унинг хизмат ва мулозаматида бўлди. Оролга қайтгач, бошида муҳолифат савдоси қайнади ва бўйсунитдан бўйин товлай бошлади. Оролдаги ҳашаматлари ва мол-мулки билан мағрурланиб, фано дарёсининг қирғоғида ўзи учун уй қурди. Сув ҳаёт манбаи бўлса-да, унинг кулини кўкка совурди.

Ҳазрати хоқон (Амир Темур – Ж.Х.) у бадбахтнинг муҳолифатидан хабар топгач, муҳаррам ойининг биринчи пайшанба куни Шайх Нуриддин Баҳодирга душманни (Шаҳобиддин – Ж.Х.) йўқ қилишга фармон берди. “Шайх Нуриддин Баҳодир фармони олийни бажариш учун лашкари билан елдек учиб, яшиндек чакнаб ўша орол сари йўл олди. Орол ҳудудига етгач, Шаҳобиддин қаздирган чуқур хандақлари ва кўтарган баланд деворларига дуч келди. Дарҳол жанг бошланди, таърифлаб бўлмайдиган даражада уруш бўлди.

Қуёш семурғи Мағриб Қофининг тоғи ортига ботиши ва кун зулмат қўйнига кириши билан Шаҳобиддин лашкари дарё қирғоғига тушган балиқдек ва тузоққа тушган қушдек типирчилаб қолди ва чора тополмай кўпчилиги ҳалокатга учради. Баъзилари ўзини тошқин дарёга отиб, чўкиб кетди. Бу кеча Мансур Буворж Чехра ва унинг оға-инилари кўп жонбозлик кўрсатиб, ўқ ва қилич захмидан кўп жароҳатлар олишди. Ҳазрати олий (Амир Темур – Ж.Х.) оролга кириб келгач, хусравона саховат билан яраланганларни махсус сийлади, уларни шарафманд айлаб, қимматбаҳо инъомлар билан сарафроз этди”.

Юқорида зикр этилган оролчани қўлга киритгач, Амир Темур Ҳиндистонни ишғол этишга киришади. Муаллифнинг ёзишича, ойнанинг (муҳаррам ойи – Ж.Х.) йигирма тўртинчи куни (якшанба – Ж.Х.) Қалъа қарамақаршисидаги Жанова дарёси қирғоғига тушади. Қалъа рўпарасида Жамд ва Жанова дарёлари қўшилиб, улкан бир дарёни вужудга келтирган экан. Гиёсиддин Али Яздий бу улкан, чуқур ва бепоён дарё олдида Дажла ва Фрот дарёлари бир ариқдай, Жайхун ва Сайхун дарёлари эса бир чашмадай, деб тавсифлайди.

Чоршанба куни – ойнанинг йигирма еттинчи куни Амир Темур фармони билан мўр-малахдан ҳам кўп ишчилар тўпланиб, ушбу улкан дарёнинг устига ақл ва тасаввурга сиғдириб бўлмайдиган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, ҳеч ким етти ухлаб тушида кўрмаган кўприк ўрнатадилар (бу кўприк, шубҳасиз, осма кўприк бўлган).

“Бу улкан дарё устидан агар ўтган бўлса, Тармширин деган подшоҳ ўтгандир, аммо унинг устига кўприк ўрнатиб, ўтмаган”, дейди Гиёсиддин Али Яздий. - Амир Темур кўприкдан дарёнинг нариги қирғоғига (қўшини билан) ўтгач, шаҳар (Қалъа – Ж.Х.) қаршисидаги Талмина дарёси бўйига қўнди. Шаҳар улуғлари, олимлари, маликлар Амир Темур ҳузурига келиб, унга бўйин эгдилар. Амир Темур уларнинг ҳар бирини даража ва мақомига қараб муносиб тарзда сийлади”.

Муаллиф асарнинг “Банд шаҳри ва Батнир қалъасини фатҳ этиш ва аҳолисини қўлга олиш ҳақида” номли фаслида шундай ҳикоя қилади:

“Ойнанинг йигирма бешинчиси, чоршанба куни (Сафар ойи – Ж.Х.) Ҳазрати Хоқон (Амир Темур – Ж.Х.) икки минг нафар отлиқ билан Батнир қалъасига етди...

У жуда ҳам мустаҳкам қалъа, Ҳинд диёридаги машҳур қалъалардан бири эди. У қалъанинг волийси ва бошлиғини Рай Дувалжин дердилар. Қалъа аҳолиси кўп, одам билан гавжум эди. Волий Қалъанинг инон-ихтиёрини қўлга киритган, одамлардан хирож ундириб, кириб келган карвонлар ва савдогарлар ҳам унинг божидан қочиб қутулолмас эдилар.

Жаҳонгирнинг (Амир Темур – Ж.Х.) қуёши у ерда порлаб, Рой Дувалжин Қалъа мустаҳкамлиги ва одамлари кўплигидан ғурурланиб, итоат этишдан бош тортганидан сўнг (Соҳибқироннинг – Ж.Х.) зафарёр қўшин Қалъага қараб юриш бошлади. Ўнг томонда Махдумзода Амир Сулаймоншоҳ ва Шайх Нуриддин Валлоҳдод, чап қўлда Махдумзода Халил Султон Баҳодир ва Шайх Муҳаммад

Ийку Темур ва бошқа амирлар. Илк ҳамладаёқ Банд шаҳрини қўлга киритдилар.

Худди ўша пайтда музаффар қўшин амирлари (Амир Темур саркардалари – Ж.Х.) Қалъа атрофига келиб, уни қамалга қилдилар ва жангга киришдилар. Қалъани фатҳ этиш иккинчи кунга қолди. Жаҳонгир (Амир Темур – Ж.Х.) ҳар бир амир ўз ўтови рўпарасидан нақб (тунел – Ж.Х.) қазиб, Қалъа ичидан чиқсин, деган буйруқ берди.”

Қалъа эгалари Амир Темур лашкари ҳужумларига дош бера олмасликларини англаб, қалъа деворлари ва буржлари устидан илтижо қилиб, омонлик ва кечирим сўрай бошлашди ва Соҳибқиронга бўсунишга қасам ичишди.

Аммо Рой Дувалжин Амир Темур қароргоҳида бўлган вақтда ҳам қалъадагилар Қалъа дарвозаларини очмадилар ва қаршилик кўрсатмоқчи бўлдилар. Амир Темур Қалъа қаршисида манжаниқларни ўрнатиш, ер остидан нақбларни қазиш, ўққа тутувчи ва назорат қилувчи минораларни қуришга фармон берди. Қалъадигилар бу ҳолни кўриб, қаршилик бефойда эканлигини англадилар ва охир-оқибат Дувалжиннинг укаси ва ўғли ташқарига чиқиб, таслим бўлдилар. Қалъа калитларини Амир Темур мулозимларига топширдилар.

Амир Темур қўшини Поипатни ишғол этгач, Поипат дарёси бўйида тўхтади. “Шанба куни (Рабеъулаввал – Ж.Х.) ойнинг йигирма олтинчи кунида “баронғор” ва “жованғор” амирлари бир жойда тўпланиб, қўшинни кўздан кечириб, қурол-яроқларни текшириб кўргач, йўлга тушдилар.

Шанба куни ойнинг йигирма еттинчисида “баронғор” амирларига марҳум султон Фирузшоҳ қароргоҳи бўлган ва Деҳлидан икки фарсах узоқликда жойлашган Жаҳоннамой мавзесига ҳужум қилиш фармони берилди.

Ғиёсиддин Али Яздий Амир Темур қўшинининг Деҳли яқинидаги Жаҳоннамой мавзесини ишғол этишдаги ҳаракатини қуйидагича тасвирлайди:

“Айни пайтда Малухон тўрт минг нафар отлик, беш минг нафар пиёда, йигирма еттита занжир фил билан чиқиб яқинлашди. Уларни музаффар қўшиндан (Амир Темур қўшини – Ж.Х.) Жун дарёси бўйида кутиб турган Сунжук Баҳодир ва Саййид Хожа Мубашшир уч юз нафарга яқин аскарлари билан ўққа тутди ва Жаҳоннамойнинг бу томонига ўтиб олган икки қўшин аскарлари (Амир Темур қўшини – Ж.Х.) орқа томонга ўтиб олиб душман қўшинига қуюндек ҳужум қилишди. Душман биринчи ҳамладаёқ Деҳли томонга чекинди.

Муаллиф Амир Темур кўшининг Султон Маҳмуд билан бўладиган жанг олдидаги ҳаракатини – Соҳибқирон ва саркардалар ҳамда лашкарнинг жойлашиб олиши ва урушга тайёргарлик кўриш жараёнини қуйидагича тасвирлайди:

“Рабеъулохир ойининг учинчи куни – одинада собиқ хукмдор Фирузшоҳнинг қароргоҳи бўлмиш Жаҳоннамой қаршисидан ҳаракатга келиб, Қалъанинг шарқий томонида жойлашиб олди.

Бу ерда даргоҳнинг хос бандалари ва мулозимлари бўлмиш саодатли маҳдумзодалар, улуғ амирлар ва саркардалар Жаҳонпаноҳ (Амир Темур – Ж.Х.) тахтининг пойида ҳозир бўлдилар...”

Муаллиф Амир Темурнинг зодагонлар ва саркардалар билан мажлис кургани, уларга ҳарб илмидан сабоқлар ва кўрсатмалар бергани, Соҳибқироннинг ҳар бир саркарданинг фикрини эшитганини, унинг “баранғор” ва “жованғор” ва кўшиннинг бошқа таркибий қисмлари жанг пайтида қаерда бўлиши, уларнинг ҳолат ва ҳаракатлари қандай кечиши, душман ҳужумини қандай қайтариш ҳақида кўрсатмалар бергани ва буни барча зодагонлару саркардалар жон қулоғи билан эшитганликларини қисқача баён этиб ўтади:

“Қуръони мажиддан очилган фолга ихлос қилган ҳолда мазкур ойнинг бешинчи куни, якшанбада Жун дарёси бўйидан кўчиб, нариги қирғоғига сузиб ўтдилар ва Баҳоли деб номланган тепаликка олиб чиқадиган хандақ қаздилар. Ва у ердан сешанба куни ойнинг еттинчи куни куннинг биринчи яримида қоидага кўра кўшиннинг баранғор ва жаванғор, мунқалой ва қўл қисмларини тузиб, саф тортдилар. Ўнг қўлда Амирзода Пирмуҳаммад Баҳодир ва Амирзода Сулаймоншоҳ Баҳодир ва бошқа амирлар бор эди. Чап қўлда Амирзода Султон Ҳусайн Баҳодир, Амирзода Халил Султон Баҳодир, Жаҳоншоҳ Баҳодир ва бошқа амирлар, мунқалойда Амирзода Рустам Баҳодир, Амир Шайх Нуриддин Баҳодир ва Амир Шоҳ Малик Валлоҳдод ва бошқа амирлар жойлашдилар.

Ва Ҳазрат ўз муборак нафаси билан лашкар қалбида (маркази – Ж.Х.) жой олди. Ораста лашкар тузилди...”

“Ва у томондан (душман томони – Ж.Х.) Маликзода Султон Маҳмуд Ҳиндистон мамлакатининг Малухон ва бошқа лашкарбошилари билан бирга ўн минг нафар отлиқ, йигирма минг нафар қуролланган пиёда аскар ва бир юзу йигирма занжир жанговар филлар билан тўфон кўтараётган денгиздай тўлқинланиб саф тортдилар. Ҳар бир фил устига ёғоч тахтлар ўрнатилган, ғулғула солғувчилар филлар қаторида қўйилган, ҳар бир филнинг устига бир неча камончи қўйилган,

филларнинг хартумлари бир-бирига боғланган. Музаффар кўшин (Амир Темур кўшини – Ж.Х.) гарчи уруш ва жангларда жасорат кўрсатишга одатланган ва кўп даҳшатли урушларни бошидан кечирган бўлса-да, бу урушда узокдан ҳайбатли кўринадиган тоғ келбатли филлар жиҳатидан бироз хавотир бор эди.

Чунончи, баъзи ўғлонлар ўзининг мардлигини ҳам эсидан чиқарди. Масалан, машҳур олимларнинг фарзандлари, олампаҳо даргоҳининг мулозимлари бўлмиш Султонлуламо вал-машойих Жалолулҳақ вад-дин Кешийнинг ўғли Мавлонои аъзам Хожа Фазл ва Малик ул-куззот фил-олам Нуъмониддиннинг ўғли Мавлонои аъзам Абдулжаббордан Ҳазрати олий (Амир Темур – Ж.Х.) “Сизлар қаерда бўласизлар?” деб сўраганда улар даҳшатга тушган ҳолда “Бандаларнинг жойи аёллар бўлган жойдир”, дея жавоб бердилар.

Ҳазрати олий хоқоний (Амир Темур – Ж.Х.) табассум қилди. Икки кўшин бир-бирига яқинлашганида Ҳазрат (Амир Темур – Ж.Х.) лашкаргоҳ ўртасида жойлашган Пуштаи Баҳолий этагидаги тепаликка чикди атрофни кузата бошлади. Қаровул ва мунқалой (кўшиннинг таркибий қисмлари – Ж.Х.) бир-бирига тўқнашиб, муҳораба бошланиб кетди.

Ўша соатда Ҳазрати хилофатпаҳо (Амир Темур – Ж.Х.) даргоҳ ходими Мавлоно Носириддин Умарга ишора қилиб, тош устига жойнамоз тўшашни буюрди. Ҳазрат тушиб, икки рақъат намозни тавба-тазарруъ билан беминнат Мағфират этгувчи зот – Жалла ва Ёалодан фатҳ ва нусрат сўради.”

Душман кўшини тор-мор этилди, Султон Маҳмуд ва Малухон биёбонга қараб қочишди. Амир Темур кўшини билан Дехлига кирди. Шаҳарнинг ийдгоҳида чодир уриб, шаҳар зодагонларини қабул қилди.

Асарнинг “Мерут қалъасининг фатҳи ҳақида” деб номланган фасли ҳам Амир Темурнинг мустаҳкам қалъаларни фатҳ этиш санъати тасвирланади.

Дехлидан кейин шарққа қараб юрган Амир Темур январь ойининг бошида, айрим манбаларда 7 январь, айримлари 9 январда Мерут шаҳрини эгаллади. Бу қалъа-шаҳар Темурга бўйсуннишдан бош тортган эди. Муаллиф ушбу қалъа ҳақида шундай дейди:

“Бу қалъа Ҳинд мамлакатининг машҳур қалъаларидандир.

Якшанба куни ойнинг йигирма олтинчи куни Амирзода Рустам Барлос ва Амир Шоҳмалик ва Амир Аллоҳдодни Мерут қалъаси томонга юбордилар”.

“Чаҳоршанба куни ойнинг йигирма тўққизинчисида пешин намози вақтида Жаҳонгир аскарлари Мерут қалъасига етдилар ва шу ондаёқ кўшин амирларига ўз ўтовлари қаршисидан нақб қазиш ҳақида буйруқ берилди. Шом намози вақти бўлганда

деворлар томонига ўн-ўн олти газдан нақб қазिशга улгурган эдилар...

Эртасига Амир Аллоҳдод – Амир Ҳожи Сайфиддин укаси Ҳазрати олийнинг хос кўрчиларидан бўлган қўшини билан қалъа дарвозаси тагига келдилар ва навкарлардан бири... қалъа деворига арқон ташлаб, девор устига чиқиб олди. Ундан сўнг бошқа баҳодирлар ҳам қалъа дарвозаси устига чиқиб олдилар.”

Асарнинг “Ўрмонлари Мозандарон ўрмонларидан ҳам қалин бўлган Кўҳи Саволакнинг бошқа томонидаги яна бир ғазавот баёни” номли фаслида ёзилишича, Жимодиюлаввал ойининг ўн учинчи куни чоршанбасида Амир Темур қўшини Жун дарёсини кечиб ўтиб, Кўҳи Саволакнинг нарига томонига етди. Ўша куни Соҳибқиронга Ратан деган бир ҳинд ройнинг (подшоҳи, ҳокими – Ж.Х.) даъвати билан ҳинд маҳбуслари ва турли табақаларидан сон-саноксиз халқ тўпланиб, унинг қўшинига қўшилгани ва оёқ етмас баланд тоғлар ва қалин ўрмонларда жойлашгани, у жойларга ҳатто пиёда қўшин билан ҳам йўл топиб етиб бориш мушкуллиги ҳақида маълумот етди.

Ана шундай оғир шароит ва хавфли вазиятда ҳарбий амалиётни муваффақият билан давом эттириш мақсадида Амир Темур ойнинг ўн еттинчи куни қўшин саркардаларига машғаллар ёқиб, қўшинни тартибга солиш, дарахтларни кесиб, йўл очиб ўтишга фармон берди. Аскарлар тонг отгунча буйрукни бажаришга киришиб, тоғу тошлар ва қалин ўрмонзор ичидан ўн икки карух йўл очишга эришдилар.

Ойнинг ўн тўққизинчи куни сешанбада куёш чиқаётган пайтда Амир Темурнинг қўшини икки тоғ – Кўҳи Саволак ва Кўҳи Кўка оралиғига етган еди. Рой Ратан ўз қўшинининг маймана (ўнг қанот) ва майсарасини (чап қанот) қоидаларга биноан тартиб берган, қўшинини куроллантириб, жангга шай бўлиб турган экан. Улар узоқдан Амир Темур қўшинининг жанг ноғоралари, яргу ва дубулғалари овози ва лашкарнинг наъра-ю ҳайкириқларини эшитиб, кўрқувга туша бошладилар.

Одина кунининг ўтар кечаси маймана ва майсара (қанотлари) тўпланиб, Амир Темур олдида ҳозир бўлдилар ва икки тоғ оралиғида жойлашдилар.

Шу кеча Амир Темур сипоҳининг ўнг ва кўл қанотлари ҳужумга ўтиб, душманни тор-мор этдилар.

“Одина куни – Жумодиюлаввал ойининг ўн олтинчи куни, - деб ёзади муаллиф, - Ҳазрат Соҳибқирон ушбу икки тоғ оралиғида жойлашган дарадан чиқиб, яна Кўҳи Саволакка қайтди. Бу ердан Накаркут вилоятигача ўн беш фарсахлик йўл бор эди.

Орада эса охири кўринмайдиган қалин ўрмон жойлашган эди”.

Бу жангда Тиғойтамур қаровул эди. Чошт пайтида Амир Темурнинг ҳузурига келиб, ғалаба қозониш имкони кўпроқ эканлиги ҳақида баёнот берди.

Амир Темур жавонғор ва Хуросон кўшинларини душманга қарши ҳужумга ўтиш учун юборди. Амир Темур кўшини ҳужумга ўтиб, душманга қирон келтириб, ғалаба билан қайтди.

Пешин намози вақтида Соҳибқиронга Амир Шайх Нуриддин ва Али Султон Тўпчи кўшинидан чап томонда бир дара борлиги ва у ерда сон-саноксиз оташпарастрлар тўпланганлиги ҳақида хабар келди.

Амир Темур ўша дара томонига қараб йўл олди. Амир Шайх Нуриддин ва Али Султон Тўпчи кўшинлари билан ҳужумга ўтдилар. Тоғ чўққисида Соҳибқирон байроғи тикилди.

Ҳижрий-қамарий 801/ м.1399 йилнинг Жумодиюлаввал оyi ўн бешинчи кунидан бошлаб Жумодиюлохир оyi ўн олтинчи кунининг охиригача бир ой давомида икки тоғ оралиғи – Кўҳи Саволак ва Кўҳи Кўкада Жаму мавзесига етгунча Жаҳонгир (Амир Темур – Ж.Х.)нинг кўшинлари йигирмата ғазавотни ўтказдилар.

Ана шу ўттиз кун давомида Ҳиндистоннинг энг мўътабар қалъаларидан тўсиқлари ва ҳимоя ҳисорлари ўта мустаҳкам, баланд деворларга эга бўлган, бир-биридан бир ё икки фарсанг узокликда жойлашган ва ҳар бир қалъанинг одамлари бошқа қалъанинг одамларига қарши бўлган еттита қалъаси фатҳ этилди.

Амир Темур 1399 йилнинг март ойига қадар Ҳиндистоннинг бутун шимолий қисмини эгаллайди. Март ойида у барча амирлар ва кўмондонларини йиғиб, ўз вилоятларига қайтишга рухсат беради. Ҳинд мулкини эса Хизр Хон Саййидга топшириб, ўзи Самарқандга қайтади. Хизр Хон ўзини Амир Темурнинг вассали деб эълон қилиб, унинг номини хутбага кўшиб ўқиттиради ва унинг номидан тангалар зарб эттиради. Қочиб кетган Маллухон ва Султон Маҳмудлар қайтиб келиб, ҳокимият учун курашга кўшиладилар. Аммо Ҳизр Хон Саййид уларни мағлуб этиб, Деҳлида саййидлар сулоласига асос солади.

Самарқандга қайтган Амир Темур ғалаба шарафига шаҳарда улкан масжид қурдиришга фармон беради. 1399-1405 йилларда қурилган ушбу масжид халқ орасида “Бибиҳоним масжиди” номи билан машҳур бўлади.



ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, донишманд тарихнавис Ғиёсиддин Али Яздийнинг “Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон” номли асари Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, айниқса, Ҳиндистонга қилган салкам бир йиллик ҳарбий юриши ҳақида энг қисқа муддат ичида ёзилган ва тарихий фактларга бой бўлган асар бўлиб, Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”лари, Ибн Арабшоҳнинг “Темур тарихида тақдир ажойиботлари”, Клавихонинг “Кундалик”лари, Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи”, Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асарлари билан қаторда Амир Темур ҳаёти ва ҳарбий юришларига оид муҳим тарихий манбалардан бири сифатида хизмат қилади.

REFERENCES

1. Ғиёсиддин Али Яздий. Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон. Тошкент: Мират Мکتуб, 1379. ص. 77.
2. Ғиёсиддин Али Яздий. Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон. Тошкент: Мират Мکتуб, 1379. ص. 78.
3. Ғиёсиддин Али Яздий. Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон. Тошкент: Мират Мکتуб, 1379. ص. 80.
4. Ғиёсиддин Али Яздий. Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон. Тошкент: Мират Мکتуб, 1379. ص. 91.
5. Ғиёсиддин Али Яздий. Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон. Тошкент: Мират Мکتуб, 1379. ص. 103.
6. Ғиёсиддин Али Яздий. Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон. Тошкент: Мират Мکتуб, 1379. ص. 111.
7. Ғиёсиддин Али Яздий. Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон. Тошкент: Мират Мکتуб, 1379. ص. 112.
8. Ғиёсиддин Али Яздий. Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон. Тошкент: Мират Мکتуб, 1379. ص. 127.
9. Ғиёсиддин Али Яздий. Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон. Тошкент: Мират Мکتуб, 1379. ص. 127.
10. Ғиёсиддин Али Яздий. Саодатнома ё рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон. Тошкент: Мират Мکتуб, 1379. ص. 156.



SAKKOKI IJODIY MAVZUSI VA BADIY SAN'ATI

G'ayrat B. Isroilov

Jizzax davlat pedagogika instituti,
“O‘zbek adabiyoti o‘qitish metodikasi” kafedrası o‘qituvchisi,
(ORCID 0000-0002-9234-6759)
isroilov19920760@gmail.com

ANNOTATSIYA

Hozirgi kunda Mavlono Sakkokiy merosining asosiy qismini g‘azallar tashkil etishi barchaga ma’lum. Shoir she’rlarining bosh mavzusi ishq, bosh timsoli – Inson. Ularda insonparvarlik, millatchilik, umid, qarashlar, go‘zallikning ta’rifi, hayotga muhabbat, ijtimoiy fikr va qaysidir ma’noda siyosiy qarashlar mavjud. Demak, uning she’rlarida asosiy mavzu ishq bo‘lib, ba’zi o‘rinlarda ilohiy ishq, tasavvufiy g‘oyalar tasvirlangan. Shoir o‘z she’rlarida inson sevgisini, orzu-umidlarini, dardlarini, bir so‘z bilan aytganda, inson dardini, orzu-umidlarini, tabiatni tasvirlaydi.

Kalit so‘zlar: Mavlono Sakkokiy, Hajr, Adan, Movarounnahr, Farhod, Shirin, Masih.

АННОТАЦИЯ

В настоящее время хорошо известно, что основную часть наследия Мауляны Саккоки составляют газели. Основная тема стихов поэта – любовь, главный герой – Человек. В них есть гуманизм, национализм, надежда, видения, определение красоты, любовь к жизни, социальная мысль, в некотором смысле, политические взгляды. Итак, основная тема его стилей - любовь, а местами изображает боевую любовь и мистические идеи. В своих стихах поэт описывает человеческую любовь, мечты, боли, слово, человеческие боли, мечты, природу.

Ключевые слова: Мавлана Саккоки, Хаджр, Адан, Моваруннахр, Фарход, Ширин, Христос.

Hozirda, barchamizga yaxshi ma’lumki, Mavlono Sakkokiy merosining asosiy qismini g‘azallar tashkil etadi. Shoir g‘azallaridagi asosiy mavzu – ishq, asosiy timsol – Inson. Ularda insonparvarlik, xalqparvarlik, visol umidi, hijron azoblari, go‘zallik ta’rifi, hayotga muhabbat, ijtimoiy fikrlar ma’lum ma’noda siyosiy qarashlar qalamga olingan.



Demak, g'azallarining asosiy mavzui muhabbat bo'lib, ba'zi o'rinlarda ilohiy ishqni, tasavvufiy g'oyalarni ham tasvirlaydi. Shoir o'z she'rlarida kishilik muhabbatini, orzu-tilaklarini, dardu-alamlarini, bir so'z bilan aytganda insonning dard alamlari, orzu tilaklarini, tabiat tasvirini beradi.

Shoir yor va unga sadoqat, hayot lazzatlaridan bahramand bo'lish, oshiqdagi hijron va ayriliq azoblari, visol nashidasini ta'sirchan tarzda, sodda va ohangdor holatda ifodalaydi:

**Gar hajring o'ti jonu jigarga yoqa keldi,
Jonimg'a ne xush sharbati vasling yoqa keldi.
Hajr o'ti necha majruh etib buzdi jigarni,
Vasling bu shifo marhami ne xush yoqa keldi...
Zulfungni qachon solding ushul ol yong'oq uzra,
Jonimg'a mening iylasa ul o't yoqa keldi,
Devona deding meniyo zulfung sanga zanjir,
Oshiq'lara ma'shuqi munungtek yoqa keldi.
Devona bu Sakkokiyu zulfung anga zanjir,
Hindu chu akas fil boshig'a qoqa keldi (274–6er).**

Lirik qahramon ma'shuqa zolimligidan, vafosizligidan shikoyat qiladi:

**Yolg'ону chindin chitib har lahza qoshingni menga,
Keng jahonni bu zaif ko'nglum bikin tor aylama.
Ey yuzi gul g'uncha bo'ldum javrdin, har dam mening
Ko'zlarim qon yoshidin olamni gulzor aylama.
Ko'p musulmondin qo'yub, tarso bo'lurni qavlasang,
Sen bu kundin so'ngra hech zulfungni zunnor aylama
(240–bet).**

Sakkokiy g'azallarida uch obraz: oshiq, yor va raqib obrazlari ko'zga tashlanadi. Oshiq shoirning o'zi. U yorning visoliga oshiqadi. Oshiqlik iztirob va mashaqqat ekanligini tan oladi:

**Qilding avval bargi gul yanglig' ko'ngulni lutf etib,
Bo'lmag'il emdi dilozor, oxir ozor aylama.
Bosqon iz tufroqitek Sakkokiyni xor aylading,
Suv beroyin yuz edib andin dag'i xor aylama(240–bet).**

Shuningdek, uni she'riyatida an'anaviy obrazlar ham ko'plab uchraydi. Xususan, shoir talmeh san'atidan unumli foydalangan. Farhod – oshiq inson. U Shirin yo'lida tog' qazishga majbur bo'ldi.

Sakkokiy lirik qahramoni esa yori uchun jondan kechishga, “jonkan” bo‘lishga rozi:

Agar Shirin uchun Farhod ishq ko‘hkan bo‘lsa,

Netong Sakkoki ham, jono, yo‘lungda jonkan bo‘ldi (257–bet).

Oshiq ma‘shuqasi yonida bo‘lsa, har qancha mashaqqat bo‘lsa, chidashga qodir. Yori bilan birga bo‘lsa u har qanday g‘amdan qutiladi:

Agar qoshimda o‘shal guluzor bo‘lsa edi,

G‘ame yo‘q erdi, g‘amim gar hazor bo‘lsa edi (260–bet).

Lirik qahramon ma‘shuqasidan jafo qilmaslikni, va‘daga vafo qilishini istaydi:

Bilursenkim kechar dunyoyi foni

Qulungg‘a qilmag‘il javru jafoni.

Base ko‘p va‘dalar qilding bording

Kel emdi va‘daga qilg‘il vafoni...(277–bet).

Sakkokiy oshiq va ma‘shuqaga xos ichki va tashqi sifatlarni yoritishda turli an‘anaviy obrazlar, xalq maqollari, hikmatli so‘zlar, iboralardan keng foydalangan:

Ko‘zung karashma bila, hoy yozuqli Sakkokiy,

Seni o‘ltirurman teb, etti turkona (234–bet).

Yoki:

Yuzi qaro bo‘lsun ko‘zum– andin ko‘rarmen bu balo,

Yo‘q bo‘lsun ul ko‘nglum mening, hech kirmadi farmonima (235–bet).

Sakkokiy ijodiga nazar tashlar ekanmiz, uni g‘azallarining asosiy mazmunini samimiy sevgi, real borliqqa muhabbat bilan qarash va uni ulug‘lash tashkil etishini ko‘rishimiz mumkin. Darhaqiqat, uni g‘azallarida sevgiga sadoqat va vafodorlik ulug‘lanadi, hayot lazzatlaridan zavq va bahra olish targ‘ib qilinadi. Sevishganlar, oshiq–ma‘shuqlarning ishq yo‘lidagi hijron dardi–yu firoq, ayriliq alam–iztiroblarini, visol zavq–shavqlari va nashidalarini, shoir zo‘r hayajon bilan, nihoyatda original, sodda va o‘ta ta‘sirchan misralarda ifodalab beradi:

Gul g‘uncha bo‘lur ko‘rsa yuzini chaman ichra,

Titrrar ko‘rub oy engini sham’ anjuman ichra.

Kim ko‘rdi aning erni, mening yoshima mangzar,

Bir la‘l Badaxshondau bir dur Adan ichra... (238–bet)

Shoirning tasvirida yor–go‘zal, latofatli va dilrabo. Uning husn–jamoli oy va quyoshdan, chamanzor gullaridan ham ziyoda. yorning qomatiga na sarv va na sanobar, uning og‘ziga na pista va na g‘uncha, labiga na la‘l va na yoqut, ko‘ziga na ohu va na nargis, zulfiga na sunbul va na rayhon tenglasha oladi.

U g‘azallarida inson muhabbati, orzu–tilaklarini, dard–alamlarini, tabiat go‘zalliklarini tasvirlagan:

**Bo‘yu yuzu la‘l ernu xatu haddina tush yo‘q,
Sarvu gulu mul nastaranu yosuman ichra.**

**Jodu ko‘zini Kashmir eli xalqi ko‘rubon,
Tuttuq dedilar seni musallam bu fan ichra (238–bet)...**

Shuningdek, g‘azallarida ma‘no va shakl birligini saqlab, so‘z o‘yinlari va qochirimlardan unumli foydalangan:

**Xo‘blar chu yasab yuz yasalar zulfi cherikin,
Bilguluk erur yuzung, ey shohim, tuman ichra.
Yuzung bila lof urg‘ali kun lobda uyolg‘oy,
Sham‘ye erur, ul g‘oyati yer–ko‘k lagan ichra.**

Sakkokiy o‘z g‘azallarida majoziy (insoniy) sevgini, vafo va sadoqati, shodlik va quvnoqlikni ulug‘laydi. Shoir g‘azallarini tahlil qilar ekanmiz, uni nihoyatda g‘azalnavislikda san‘atkorlik mahoratini yaxshi egallaganligini ko‘rishimiz mumkin. Bunga, uni boy xalq og‘zaki ijodini, xususan, salaflari asarlarini puxta o‘rgangani va ulardan ijodiy oziqlanganligi asos bo‘lgan, deb o‘ylaymiz.

**Yolg‘onu chindin chitib har lahza qoshingni menga,
Keng jahonni bu zaif ko‘nglum bikin tor aylama.
Ey yuzi gul, g‘uncha bo‘ldum javrdin har dam mening
Ko‘zlarim qon yoshidin olamni gulzor aylama (240–bet)...**

Shoirning o‘ylashicha, yor faqat tashqi go‘zalligi bilangina emas, balki ma‘naviy olami bilan ham oshiqni maftun qiladi. Biroq yor rahm–shafqat, lutf–karam, vafo va sadoqatda izchil emas. U oshiqqa jabr–sitam ko‘rgazadi, va‘dasiga vafo qilmaydi:

**Ko‘p musulmondin qo‘yub, tarso bo‘lurni qavlasang,
Sen bu kundin so‘ngra hech zulfigni zunnor aylama.
Qilding avval bargi gul yanglig‘ ko‘ngulni lutf etib,
Bo‘lmagil emdi dilozor, oxir ozor aylama.
Bosqon iz tufroqitek Sakkokiyni xor aylading,
Suv beroyin yuz edib andin dag‘i xor aylama(240–bet)...**

Sevgisining zavq–shavqi va yorning lutf–inoyatini orzu qilgan oshiq turli–tuman moneliklarga, azob–uqubatlarga giriftor bo‘ladi. Shu bilan birga, yor oshiqqa hayot va umid, shodlik va quvnoqlik bag‘ishlaydi. Shu o‘rinda, aytib o‘tish kerakki, shoir Masiho (Iso) haqidagi diniy afsonalardan foydalanib, oshiq va yor munosabati bayonida tazod san‘atini qo‘llab, juda go‘zal manzara yaratadi. Ya‘nikim, u bemorga shifo, o‘likka jon ato qiladi. Bunday tasvirlar shoir g‘azallarida ilohiy ishq bilan majoziy ishqni bir

o‘zanga birlashishiga sabab bo‘ladi. Nazrimizda, aslida ham bu ikki ishq bir–birini taqazo qiladi:

**Ey Masihodam begim, bir dam bila bergil shifo,
Sheva birla ko‘zlaring jonimni bemor ayladi.
Zohidikim ko‘rdi zulfung kufrin iymondin kechib,
Bo‘ynida tasbihini beliga zunnor ayladi (278–bet).**

Sakkokiy o‘zbek mumtoz adabiyoti, aniqrog‘i, g‘azaliyoti ravnaqiga sevgi muhabbatning g‘oyaviy jilolari bilangina emas, balki san‘atkorlik mahorati bilan ham o‘z hissasini qo‘shdi. Usta so‘z san‘atkorlaridan ta‘lim olgan shoir shoirning turli xildagi ichki kechinmalarini, uning orzu–umidi va norozilik kayfiyatlarini, shodligi va qayg‘usini, muhabbati va nafratini, yorning husn–latofati va noz–karashmasini, lutf–karami va istig‘nosini, raqibning munofiqligi va surbetligini tasvirlashda yangi obrazlar, original tasviriy vositalar yaratishga intiladi, tazod, tanosub, jonlantirish, laf va nashr kabi usullardan foydalanadi, o‘xshatish, mubolag‘a, majoz va boshqa turdagi tasviriy vositalarga murojaat qiladi.

**Yuzungni qilur toza ko‘zum yoshi–yu ohim,
Gul toza bo‘tur topsa, vale ob–u havoni (261–bet).**

“Sakkokiy yomg‘ir va mayin shabada gulni tozalab, uning tusini, “chehra”sini ochgani kabi, oshiqning ko‘z yoshi va ohi yor yuzini yanada tozaroq, go‘zalroq qiladi, deydi. Bu baytda tazod (ko‘z yoshi va oh yuzning toza bo‘lishiga xizmat qiladi. Bular bir–biriga ziddir va tanosib (yomg‘ir va shabodaning gul tusini ochishi, oshiqning ko‘z yoshi va ohidan yor yuzining tozaroqgo‘zalroq bo‘lishi muvoziy qo‘yilgan) usuli ishlatilgan. Ayni zamonda bu baytda yuz gulga, ko‘z yoshi yomg‘irga, oh–shabodaga o‘xshatiladi.

U bir necha she‘riy usullardan foydalanib ajoyib lavhalar yaratadi:

**Movarounnahr ichra qoldim, chunki ikki yonima,
Ko‘zlarimning biri sayhun, biri jayhun ayladi.
Sabo guldek yuzindin olmasa sunbul niqobini,
Saharda tun kecha bulbul nedin muncha fig‘on ayladi.**

Sakkokiy boshqa baytda ham bir emas, bir necha usul va tasviriy vositalar qo‘llab, maroqli lavha va tashbehtar yaratadi. Misollar:

**Movarounnahr ichra qoldim, chunki ikki yonima,
Ko‘zlarimning biri Sayhun, biri Jayhun ayladi (275–bet).
Sabo gultek yuzingdin olmasa sunbul niqobini,
Saharda tun kecha bulbul nedin muncha fig‘on qildi (266–
bet).**

**Yeltti og‘zingdin o‘g‘urlab pista torliqni anga
Tuz suvin quydilar oncha, ondin iqrор ayladi (278–bet).**

**Sakkokiytek og‘zingni ko‘rub koni latofat,
Chok ayladi gulg‘uncha giribon chamanida (239–bet).**

Sakkokiy she‘rlarining ko‘pchiligi boshqa g‘azalxon shoirlarda bo‘lganidek, y yeti baytlidir. Shular qatorida besh, to‘qqiz baytlilari ham kam emas”¹.

Shoir g‘azallarida so‘z o‘yinlaridan ham ustalik bilan foydalanadi. Tasvirlanayotgan ma‘shuqaning g‘amzasini ta‘riflar ekan:

**Qachonkim g‘amzasi ko‘zlab o‘qin kirpiki kezosa,
Qora qoshlaridan paydo bo‘lur ushshoqning yosi ()**

“Sakkokiy laf va nashrning turli shakllarini mohirlik bilan ishlatib, misralarning mazmunini boyitadi, ularning badiiy qimmatini oshiradi. Bunga quyidagi baytlarni misol qilib ko‘rsatish mumkin:

**Bo‘yu yuzu la‘l ernu xatu haddina tush yo‘q,
Sarvu gulu mul nastarinu yosuman ichra.
Og‘zing, ko‘zingga pistau bodom o‘zini tutsa teng,
Og‘zini sindur pistoning, yor o‘rtadin bodomni.
Qulluqa bitik beruru yuz shodlik aylar,
Zulfu xatingga sunbulu rayhon chamanida.**

Sakkokiy so‘z o‘yiniga ham usta shoirlardandir. Uning devonida g‘azal va qasida janridan boshqa janrlardagi she‘rlar yo‘q. Shoirning tuyuq bilan shug‘ullangan yoki shug‘ullanmaganini bilmaymiz. Biroq shunisi ma‘lumki, Sakkokiy g‘azallarida tuyuq janriga xos tajnisli qofiya usulini muvaffaqiyat bilan ishlatgan. Uning “Yoqa keldi” g‘azalida “yoqa keldi” iborasi bir necha mazmunda kelgan:

**Gar hajring o‘ti jonu jigarga yoqa keldi,
Jonimg‘a ne xush sharbati vasling yoqa keldi.
Hajr o‘ti necha majruh etib buzdi jigarni,
Vasling bu shifo marhami ne xush yoqa keldi.
Devona bikin tishlab emas yugra–yururda,
Jon pora qilur holda elimga yoqa keldi...**

Xuddi shuningdek, “Ol elga oyina, yuz ko‘r bu rasmu oyinda” misrasi bilan boshlanuvchi g‘azalda ham original so‘z o‘yinlari bor. Sakkokiy “Masaldur: eshitgan bu ganju vayrona”, “Pirlikka etgil davlatu ne‘mat bila” kabi xalq maqoli, ta‘biri va

¹ R.Vohidov, H. Eshonqulovning “O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi” (Eng qadimgi davrlardan XVI asr oxirigacha).–T.: O‘zbekiston Yozuvchilar uyshmasi Adabiyot jamg‘armasi, 2006–yil, 182–183 betlar

olqishlari bilan o‘z g‘azallarining mazmunini ham, tilini ham boyitadi. Sakkokiy ayniqsa xalq qo‘shiqlariga katta e‘tibor beradi. Bir g‘azalida:

**Turkona ir irlag‘uncha oning,
Kuydurdi meni yalay–bulosi,–**

degan shoir ko‘p g‘azallarini xuddi Atoiy kabi “turkiy” xalq qo‘shiqlari vaznida–ramali musammani maqsurda bitdi”².

Sakkokiy lirikasi haqida xulosa qiladigan bo‘lsak, uni g‘azallari dunyoviy, diniy va tasavvufiy mazmunda bo‘lib, bu masalalar uning g‘azallarida, qasidalarida turli timsollar va so‘z–san’atlarining o‘ziga xos tarzda ko‘rinadi.

REFERENCES

1. Ahmedov T. Alisher Navoiyning “Layli va Majnun” dostoni. - T.: Fan, 1970 yil.
2. Krachkovskiy. I.Yu. Medjnune i Leyle qissasining ilk tarixi arab adabiyoti // Alisher Navoiy. Sb.statey. SSSR, - M- L.: 1946 yil.
3. Alisher Navoiy. To'liq asarlar to'plami. 10 jild. 8-jild -T.:G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011 yil.
4. Xisrav Nosir. Safarnoma.-T.: O‘zbekiston, 2010.
5. Hayotning xarakteri. Sakkokiy. G‘azallar, she’rlar – T.: G‘.G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti, 1988 yil.

² Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. V томлик, I том.–Т.: Ўқитувчи, 1965–йил, 318–319 бетлар



UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA O'QUVCHILARNING IJODIY QOBILYATLARINI SHAKILLANTIRISHDA TASVIRIY SAN'AT VA BADIY MEHNATNING INTEGRATSIYASI

Rabbina Atajanova

Chirchiq davlat pedagogika instituti o`qituvchisi

Feruza Jalalova

Chirchiq davlat pedagogika instituti o`qituvchisi magistranti

ANNOTATSIYA

Har tomonlama intellektual, estetik jihatdan rivojlangan ijodiy shaxsni shakllantirish uchun shart-sharoitlar yaratish; turli amaliy faoliyat turlari orqali boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarda tashabbuskorlik, ixtirochilik, ijodkorlikni rivojlantirishga ko'maklashish.

Kalit so`zlar: intellektual, badiiy mehnat, fantaziya, konstruktiv, analitik fikrlash, tasavvur, vizual xotira, modellashirish, ijod.

ABSTRACT

Creating conditions for the formation of a comprehensively intellectual, aesthetically developed creative personality; to promote the development of initiative, ingenuity, creativity in children of primary school age through various types of practical activities.

Keywords: intellectual, artistic work, fantasy, constructive, analytical thinking, imagination, visual memory, modeling, creativity.

KIRISH

Ilmiy-texnika taraqqiyotining jadalligi, hayot sur'atining tezlashishi, kuchli axborot oqimi va boshqalar. psixologik, jismoniy ortiqcha yuk va stressga olib keladi. Inson zamonaviy muammolarni hal qila olmaydi. Shuning uchun bolani bolalikdan mustaqil, ijodiy qarorlar qabul qilishga, harakat qilish qobiliyatiga tayyorlash kerak. Uning o'zini ijodiy rivojlantirishi uchun kattalar uning hayoti uchun bolalarda ijodkorlik, o'zlarini va atrof-muhitni o'zgartirishga bo'lgan ehtiyojni uyg'otadigan sharoitlarni yaratishi kerak.

Badiiy mehnat - bu samarali va ayni paytda instrumental faoliyat bo'lib, unda bola turli materiallarning xususiyatlarini

o'rganish orqali asboblarni o'zlashtiradi va ma'lum bir natijaga erishish uchun ularni madaniy yo'llar bilan o'zgartiradi. O'yinchoqlar va barcha turdagi hunarmandchilikni yasash - bola uchun qiziqarli va boyituvchi faoliyat, uning davomida u o'zini yaratuvchi sifatida his qilishdan mamnun bo'ladi.

Qo'l mehnati bolaning eng sevimli mashg'ulotlaridan biridir. Axir, uning ko'z o'ngida oddiy qog'oz varaqlari va parchalari chiroyli qo'g'irchoqlarga, misli ko'rilmagan hayvonlarga, sehrlilarga aylanadi. Bolalar yangi bilim va ko'nikmalarni egallashga katta qiziqish bildiradilar, yaxshi ishlaydilar va eng muhimi, kamroq charchaydilar.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ushbu turdagi faoliyatning maqsadi: har tomonlama intellektual, estetik jihatdan rivojlangan ijodiy shaxsni shakllantirish uchun shart-sharoitlar yaratish; turli amaliy faoliyat turlari orqali boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarda tashabbuskorlik, ixtirochilik, ijodkorlikni rivojlantirishga ko'maklashish.

Qo'l mehnatining asosiy vazifasi: bolalarni zavq bilan hunarmandchilik qilishni o'rgatish, qo'lda turli xil materiallar bilan ishlash, fantaziya qilish va o'z qo'llari bilan chiroyli va sifatli hunarmandchilik qilishni o'rgatish, ish jarayoni va natijasi ko'rinadi.

Badiiy ish bolaning organizmiga rivojlantiruvchi va shifobaxsh ta'sir ko'rsatadi. O'tmishning taniqli o'qituvchilari Ya.A. Komenskiy, I.G. Pestalozzi, F.Fröbel badiiy faoliyatning foydalari haqida guvohlik beradi, chunki ular terapevtik vazifani bajaradi, bolalarni qayg'uli va qayg'uli voqealardan chalg'itadi, asabiy taranglikni bartaraf qiladi va ijobiy hissiy holatni ta'minlaydi.

V.S.Suxomlinskiy shunday deb yozgan edi: "Bolaning qo'lida qancha mahorat bo'lsa, bola shunchalik aqlli bo'ladi". Barmoqlarning rivojlangan nozik motorli ko'nikmalari bolaning aql-idrokining ko'rsatkichlaridan biridir. Ijodiy faoliyat jarayonida obrazli, konstruktiv, analitik fikrlash, tasavvur, vizual xotira rivojlanadi, ya'ni. bolaning shaxsiyati ochiladi, bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirishning qulayligi va tezligi, turli xil, shu jumladan nostandart vaziyatlarda muammolarni hal qilishda ulardan foydalanish qobiliyati tarbiyalanadi.

N. N. Gusarovaning ta'kidlashicha, qo'l san'atlari yaratish jarayonida bolalarda asta-sekin maxsus ko'nikma va qobiliyatlar tizimlari shakllanadi: vizual idrok etish, ko'z, qo'llarning nozik motorli ko'nikmalari, qat'iyatlilik va mustaqillik.

Badiiy, modellashtirish, maket bo'yicha mashg'ulotlar bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishning muhim yo'nalishi bo'lib, ular ijodiy o'zini namoyon qilish erkinligini beradi, ijodkorlik elementlari bolalar faoliyatining barcha turlarida mavjud bo'lganda yaxshi bo'ladi: sinfda, o'yinlarda. muloqotda bu ijodiy qobiliyatlarni faollashtiradi. Agar bolalarning badiiy faoliyati natijalari ehtiyotkorlik bilan saqlansa va to'ldirilsa, hayotning estetik muhitini shakllantirsa, u holda bolalarni ijodkorlikka undaydigan sharoitlar yaratiladi.

Uzoq muddatli pedagogik tadqiqotlar shuni tasdiqlaydiki, aynan badiiy-estetik tarbiya va badiiy ish bolaning san'at olamiga kirishiga yordam beradi, bu bolalarning shaxsiy tajribalari, kuzatishlari va fikrlari dunyosi bilan hissiy jihatdan bog'liqdir. Bola bu dunyoga mustaqil ijodiy faoliyat orqali kiradi.

Ijodiy darslarda ma'naviy erkinlik muhitini, muvaffaqiyat holatlarini, bolaning imkoniyatlarini maksimal darajada ro'yobga chiqarishga yordam beradigan shart-sharoitlarni yaratish, shuningdek, uni noyob yaxlit barkamol shaxs sifatida shakllantirish katta ahamiyatga ega. Badiiy ijoddagi erkinlik rassomning ehtiyojlari, qiziqishi va ijodiy imkoniyatlari bilan shartlangan.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

San'at, modellashtirish, maket bo'yicha mashg'ulotlar bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishning muhim yo'nalishi bo'lib, ular ijodiy o'zini namoyon qilish erkinligini beradi.

Qadim zamonlardan beri odamlar uzoq oqshomlarni tikuvchilik bilan o'tkazishgan, kattalar va bolalar to'qishgan, kashta tikishgan, birga raqsga tushishgan va xorda qo'shiq aytishgan. Ular qo'shiq, doston va afsonalarni, shuningdek, uslub, mahorat sirlarini avaylab saqlagan va avloddan-avlodga yetkazgan. Xalq hunarmandlari avlodlar tajribasini o'rganib, o'zlarining shaxsiy idroki, his-tuyg'ulari, tushunchalarini zamonaviylik nuqtai nazaridan olib, o'z iste'dodining bir qismini sarmoya qilib, badiiy asarlar yaratdilar. Bu insonning ijodiy o'zini-o'zi rivojlanishi uchun oziqlantiruvchi asosdir.

O'qituvchining asosiy vazifalaridan biri bolaga yordam berish, uni qo'llab-quvvatlash va uning o'sishi va rivojlanishi jarayonida ijodiy bo'lishga o'rgatishdir. Pedagogik yordam bolaning bilim, ijodkorlik dunyosiga kirishini yumshatadi, ijtimoiy faollik va sevgi, hamdardlik, minnatdorchilik, go'zallikni ko'rish qobiliyati kabi axloqiy fazilatlarni egallashga yordam beradi. Bolaning ijodiy salohiyatini rivojlantirishga ko'maklashish uchun bolalarning original, nostandart echimlarini rag'batlantirish kerak.

Bolalar mehnatini baholashda kattalar xayrixohlik, bag'rikenglik va ehtiyotkorlik ko'rsatishlari, bolalar tomonidan taklif qilingan variantlarni muhokama qilishni tashkil etishlari kerak.

Ijodiy badiiy ish sinfida kompozitsiyaning asosiy badiiy va ifodali vositalari va usullarini o'rganmasdan va qo'llamasdan turib bo'lmaydi. Shuning uchun bolalarga garmoniya, mutanosiblik, dinamika, kontrast, nuans, ritm va boshqalar kabi atama va tushunchalarni tushuntirish kerak bo'ladi.

Ijod faqat bilimlarni o'zlashtirish ko'rsatkichi, balki ularni tuzatish uchun tramplin vazifasini ham bajaradi. Badiiy ish bo'yicha mashg'ulotlar bolalarga "bu erda va hozir" bilimlarni o'zlashtirish, o'zgartirishdan tortib ularni qo'llash va aqliy va taktil xotirada saqlashgacha bo'lgan kognitiv jarayonning to'liq tsiklida qatnashish imkonini beradi.

Ta'limning muhim muammolaridan biri ijodiy faoliyat natijasidir. Ular nimani va qanday yaratishi muhim. Aynan ijodiy darslarda umumiy madaniyat va estetik didning asoslari shakllantiriladi va amalda mustahkamlanadi. Badiiy asar madaniy talablar va an'analarga mos keladigan ijod jarayonini o'z ichiga oladi.

O'qituvchi birgalikda ijod qilish ishtirokchisi sifatida kundalik madaniyat olamining insonga katta tarbiyaviy ta'sirini doimo yodda tutishi kerak, chunki dunyoqarash va dunyoqarashning moddiylashuvi aynan narsalar olamida sodir bo'ladi.

XULOSA

Shunday qilib, ijodkorlik - bu mavjud bo'lgan, hali bo'lmagan narsalar asosida yaratish. Bular bolaning shaxsiy psixologik xususiyatlari bo'lib, ular aqliy qobiliyatlarga bog'liq bo'lmagan va bolalarning fantaziyasi, tasavvurida, dunyoga alohida qarashlarida, atrofdagi voqelikka bo'lgan nuqtai nazarida namoyon bo'ladi. Shu bilan birga, ijodkorlik darajasi qanchalik yuqori bo'lsa, ijodiy natijaning o'ziga xosligi shunchalik yuqori bo'ladi.

Amaliy san'at sinfida bolalarni o'qitish va tarbiyalashning asosiy vazifalaridan biri o'quvchining dunyoqarashini boyitish, ya'ni. bolaning ijodiy madaniyatini rivojlantirish (topshiriqni amalga oshirishga ijodiy nostandart yondashuvni rivojlantirish, mehnatsevarlikni tarbiyalash, amaliy faoliyatga qiziqish, yaratish quvonchi va o'zi uchun yangi narsalarni kashf etish).

REFERENCES

1. Халилов Р. Ш., Атажанова Р. Р. Использование рабочей тетради в обучении изобразительной деятельности в начальном классе. Молодой ученый. № 7 (193) . Февраль 2018 г.196-199
2. Rakhimovna, A. R. (2020). Art workbook as a means of improving the efficiency of independent work of pupils in younger classes. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8 (5), 54-56.
3. Раббина Рахимовна Атажанова. Рабочая тетрадь по изобразительному искусству как средство повышения креативного мышления самостоятельной работы учеников в младших классах. *Academic research in educational sciences* №2. 2020-yil.
4. Раббина Рахимовна Атажанова, Наргиза Рустамовна Атаева (2020) Роль изобразительной деятельности во всестороннем развитии дошкольников *Academic research in educational sciences* №4 450-454
5. Раббина Рахимовна Атажанова Теоретические основы развития творческих способностей младших школьников (2021) *Science and Education* №4 381-386
6. Раббина Атаджанова Педагогический кластер в развитии творческих способностей в начальных классах (2021) *Academic research in educational sciences* №2 1677-1681
7. Раббина Рахимовна Атаджанова, Мухоббат Арифовна Абдуллаева Теоретико-методологические основы развития художественно-творческих способностей младших школьников при помощи педагогического кластера (2021) *Вестник науки и образования* №10-3 (113) 66-70
8. Ходжиев Р.Б., Норбоева Д.О. (2021) Креативное мышление – важный фактор социального развития. *Вестник науки и образования*. № 10 (113). Част 3. С. 76-79.
9. Ҳожиёв Р.Б., Норбоева Д.О. (2021) Баркамол авлодни тарбиялаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохатларнинг устувор йўналишлари. *Фалсафа ва ҳуқуқ*, № 2. 128-131-б.
10. Ҳожиёв Р.Б., Норбоева Д.О. (2021) Ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш концепциялари. “Муғаллим ҳам узликсиз билимдендирў”. №3(2), 4-11-б.
11. Ҳожиёв Р.Б., Норбоева Д.О. (2021) Ёшларнинг ижтимоий қатлам сифатида мавжудлигининг онтологик асоси. “Муғаллим ҳам узликсиз билимдендирў”. №3(2), 155-159-б



12. Ҳожиёв Р.Б., Норбоева Д.О. (2021) Ёшлар ижтимоий ҳаётининг когнитив асослари. “*Academic Research in Educational Sciences*” № 2(2), 544-555-б.
13. Икрамов Р.А., Ҳожиёв Р.Б. (2020). Воспитание гармонично развитого поколения является приоритетом государственной молодежной политики. *Вестник науки и образования*. № 14 (92). Част 3. С. 88-90.
14. R.V.Hojiyev, G.B.Xolmo'minov, M.L.Sharipov (2020) Raising a harmoniously developed generation is a priority of democratic reforms in Uzbekistan. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. Volume 8. Number 5. pp-1-3.
15. Ҳожиёв Р.Б., Норбоева Д.О. (2021) Когнитивные основы молодежной социальной жизни. “Инновации в технологиях и образовании” Сборник статей участников XIV Международной научно-практической конференции Том. 2 (Болгария), С. 45-54.



NAVOIY QIT'ALARIDA MA'NAVYIY-AXLOQIY MASALALARNING BADIY IFODASI

Irodaxon Toshkenboyeva

Andijon davlat universiteti magistranti

ANNOTASIYA

Mazkur maqolada Navoiy ijod yo'li, faoliyati haqida ko'plab ma'lumotlar berilgan. Xususan, uning o'z asarlari orqali tarbiyaviy ahamiyatga molik ma'lumotlar berishi haqida so'z boradi. Qit'alari va ularning ma'no-mazmuni, insonlar uchun alohida ahamiyatga egaligi haqida ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: qit'a, tamsil, tavoze(izzat-ikrom, ehtirom),kamtarlik,tarbiya.

ABSTRACT

This article provides a lot of information about the activities of Navoi's creative path. In particular, it is said that he provided educational information through his works. The continents and their meanings are given special information about the importance of human beings.

Keywords: continent, fable, humility, humility, discipline.

KIRISH

G'arbda Chig'atoy adabiyotining buyuk vakili, sharqda "Nizomi millat va din "unvoni bilan ulug'langan, o'zbek tilining asoschisi hisoblangan Mir Alisher Navoiy ko'p sohalarga o'zining asarlari bilan katta hissa qo'shgan. O'zbek she'riyatida uning she'riy asarlari yuqori cho'qqida turadi. Ruboiy, tuyuq, lug'z (chiston)larining barchasi o'zining mukammal ,beqiyosligi bilan ajralib turadi. Asarlarining ichida qit'aning alohida o'rni bor.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Birgina " Xazoyin ul Maoniy" da ko'plab qit'a namunalari keltirilgan. Qit'a arabcha so'z bo'lib,"bo'lak", "parcha" ma'nolarini anglatadi. Mana shu bo'lak va parchalar ichida katta ma'no mazmuni o'zida mujassam etadi. Qit'a ba'zi manbalarda "boshsiz g'azal" deb ham yuritiladi. Ushbu janr turk, arab, fors-tojik adabiyotida keng yoyilgan janrdir. Qit'a doim alohida holda kelmaydi. Qissadan hissa chiqarish maqsadida turli nasriy asarlar debochasida ham keladi. Navoiy yaratgan qit'alar qit'aning janr



sifatida alohida mavqega ega bo'lishida katta hissa qo'shgan. Navoiygacha bo'lgan davrda Lutfiy, Xorazmiy, Amiriy ijodida ham qit'aning namunalarini uchratish mumkin. Navoiyning "Mahbub ul qulub", "Xazoyin ul Maoniy", "Arbain hadis" asarlarida qit'aning ajoyib namunalarini uchratishimiz mumkin. Qit'a janridagi eng salmoqli hissani Navoiy qo'shgan desak mubolag'a bo'lmaydi. Sababi, birgina "Xazoyin ul Maoniy" da 210 ta qit'a namunasi bor. Ushbu qit'alarida ilm-ma'rifatni egallash, ota-ona hurmati, adolatli shoh, yaxshi axloq egasi bo'lish yomonlardan uzoq bo'lish mavzulari ilgari suriladi. Albatta, barcha janrlar singari qit'a markazida ham komil inson g'oyasi yotadi. Navoiy qit'alari asosida ma'naviy-axloqiy masalalar yotadi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Alisher Navoiy qit'alari faqatgina mazmundorligi bilan emas badiiy mahoratining yuksakligi bilan ham noyob sanaladi. Ijodkor ko'pincha qit'aning ilk baytida keltirilgan tayanch g'oyani o'quvchiga yetkazish, uning his tuyg'ulariga ta'sir etish maqsadida rang-barang tamsillardan foydalaniladi. Alisher Navoiyning nafaqat qit'alarini, balki, barcha ijod namunalari bilan tanishish mobaynida uning hayotga boshqacha nazar bilan qaraganining guvohi bo'lishimiz mumkin.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Biz yuqorida ilgari surgan ma'naviy-axloqiy masalalar zamirida til masalasi ham yotadi. Fikrimizning dalili sifatida "Oz-oz demakning manfaati-vu va ko'p so'zning manzarasida" nomli qit'asi ham ahamiyatlidir:

Navoiy tiling asrag'il zinhor
Desangkim, yemay dahr ishidin fusus.
Nazar qilki, o'q og'zi tilsiz uchun,
Qilur tojvarlar bila dast bo's.
Necha tojvardur kesarlar boshin,
Chu hamgomsiz nag'ma tortar xurus.

Yuqoridagi qit'aning ilk baytida ijodkor o'tkinchi dunyo ishlaridan afsuslanmaslik uchun tilingni asragil deb o'ziga xitob qiladi. Qit'a boshidan oxirigacha til odobiga bag'ishlanadi. Behuda so'zlashning zarari, so'zning qadri xususida fikrlar bayon etiladi.

Yana bir tarbiyaviy ruhdagi qit'asi sifatida "Hukamo qalbining tarjimai insoniyat" bobida ("Donishmandlarning insoniyat haqidagi fikrlari tarjimai") nomli qit'asini misol qilib olishimiz mumkin:

Tavoze' yaxshi, ammo yaxshiroqdur,
Agar da'b etsa ani ahli davlat.

Erur ham avf xo‘b-u xo‘broq ul
Ki, zohir bo‘lg‘ay el topganda qudrat.
Ato ham turfa ishdur turfaroq bil,
Agar yo‘qtur aning yo‘qtur yonida minnat.
Hakim insoni komil debdur ani,
Ki, bo‘lg‘ay zotida bu necha hislat.

Yuqoridagi misralarda uch narsa muhim sanaladi:tavoze, kamtarlik, kechirimli bo‘lish,bergan hadyasini minnat qilmaslik. Mana shu yuqoridagi hislatlarni o‘zida mujassam etgan insonlarni biz to‘laqonli komil inson qatoriga qo‘shishimiz mumkin.

Insonga ma‘naviy-axloqiy tarbiya berish deganda, avvalo, insonlarda ma‘naviy axloqiy ongni shakllantirish, his-tuyg‘ularni tarbiyalash va rivojlantirish, xulq atvor ko‘nikma va odatlarini tarkib toptirish maqsadida yaratilgan Navoiyning ko‘plab asarlari bor. Ayniqsa, bularnig ichida o‘zining qisqaligi lo‘nda ma‘noga egaligi, ta‘sirchanligi bilan qit‘a janri ajralib turadi. Mana shunday qit‘alarining biriga "Kamol kasbiga dalolat-u nuqsondin izhori malomat" qit‘asini misol qilib olishimiz mumkin. Ushbu qit‘a judayam mashhur qit‘a hisoblanib, barcha uchun o‘ta muhim bo‘lgan ezgu amalga chorlaydi: Bu dunyoga kelganingdan keyin kamolotni kasb et. Bu dunyodan kamolotga erishmay ketmoq hammomga kirib poklanmay chiqishdan gap.

E‘tibor berilsa,ushbu misralardan inson o‘zi uchun o‘zligi uchun katta tarbiyaviy ozuqani olish mumkin:

Kamol et kasbim olam uyidin -
Sanga farz o‘lmag‘ay g‘amnok chiqmoq.
Jahondin notamom o‘tmak biaynik
Erur hammomdin nopok chiqmoq.

XULOSA

Birinchi bor nazar tashlaganimizda Navoiy ijod mahsulida tushunarsiz so‘z yo‘qdek tuyulishi mumkin. Lekin e‘tibor berib qarajak, qo‘llangan so‘zlarning o‘z lug‘aviy ma‘nolaridan ko‘ra ancha keng qamrovli ma‘nolar kelib chiqadi. Mana shulardan kelib chiqqan holda shuni aytishimiz mumkinki, Navoiy qit‘asidagi ma‘no mazmun rang-barang. "Qit‘a o‘zbek mumtoz she‘riyatida hazrat Navoiy qalamining quvvati bilan katta o‘rin egallaydi",- deya fikr bildirishlari bejiz emas. Hamid Sulaymon: "Navoiy qalamidan to‘kilgan "Xazoyin ul Maoniy"da 503 baytdan iborat 210ta qit‘a jamlangan". Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki, bu oz meros emas. Navoiy ijodining o‘ziga xos

xususiyati, qablarni o‘ziga chorlashi uning katta tarbiyaviy ahamiyatga egaligidadir.

REFERENCES

1. R.J. Vohidov, H.P. Eshonqulov "O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi". 2006.Toshkent
2. N. Rahmonov "O‘zbek adabiyoti tarixi".



KURASHCHILARNI TEXNIK TAYYORGARLIGINI MAXSUS HARAKATLI O‘YINLAR YORDAMIDA RIVOJLANTIRISH

Saidahmad Oybek o‘g‘li Saidg‘aniyev
Andijon davlat universiteti magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada kurash va uni rivojlantirish, uning kelib chiqish tarixi, turlari, qayerlarda tarqalganligi xususida fikr yuritiladi. Kurash, ayniqsa, Yunonistonda keng tarqalib, qadimgi olimpiada musobaqalaridan o‘rin olib kelgan. Va bundan tashqari, nafaqat, kurash, balki, barcha sport turlariga oid harakatli o‘yinlar haqida ma‘lumotlar keltirib o‘tiladi.

Kalit so‘zlar: kurash, sport turi, sportchi, milliy kurash, belbog‘li kurash, kuch, tezkor kuch, kuch chidamliligi, kurashchi tezkorligi, egiluvchanlik, jismoniy tayyorgarlik.

ABSTRACT

This article discusses the struggle and its development, its history, types and origins. Wrestling was especially popular in Greece, where it competed in the ancient Olympics. In addition, there is information about not only wrestling, but also action games in all sports.

Keywords: wrestling, sport, athlete, national wrestling, belt wrestling, strength, agility, strength endurance, wrestler speed, flexibility, physical training.

KIRISH

Yurtimizda sport turi, xususan, kurashda yoshlarni tarbiyalash va ta‘lim berish ishlari yuqori darajada tashkillashtirilgan.

Kelgusida yuqori marralarni egallovchi kurashchilar zaxiralari yaratilmoqda va alohida e‘tibor qaratilmoqda. Kurashda zaxiradagi sportchilarni samarali tayyorlash bo‘yicha hamda undagi mashg‘ulotlarda tavsiya etiladigan turli uslublar to‘g‘risida mutaxassislar turlicha tavsiyalar berib o‘tishgan. Kurashni rivojlantirishda mana shu uslublarning yordami beqiyosdir.

Qadimdan yurtimizda kurash va belbog‘li kurash turlariga qiziqish va e‘tibor o‘zgacha bo‘lgan. Hattoki, to‘ylar, turli bazmlar ham bu sport turisiz bo‘lmagan. Shundan ham bilib olishimiz mumkinki, kurash xalqimiz hayotida alohida mavqega ega.

Barcha davrlar va xalqona asarlar kurashning, jismoniy tarbiyaning muhim elementi, jismoniy mashaqqatlarning eng ommabop turlari sifatida keng tarqalganligi to'g'risida guvohlik beradi. Kurash o'yinlari qadim-qadimdan beri o'ynab kelinadi. Qadimgi Yunonistonda kurash turining rivojlanishi, taraqqiy etilishi to'g'risida ko'p sonli haykallar, amforalar hamda vaznlardagi tasvirlar, qadimiy shoirlar asarlari, tarixchilar, faylasuflar - Homer, Platon kabilarning ishlari dalolat beradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Kurashning ilk namunasi sifatida IX - VIII asrlarda " Illiada" dostonida keltirilgan Ayaks va Odisseyaya o'rtasidagi kurash namunalarini misol qilib keltirishimiz mumkin. Mana shu qadimgi kurash o'yinlari natijasida hozirgi kurash o'yinlari shakllanib bordi.

Milliy kurash turlaridan: kurash va belbog'li kurash qadimda dunyoga kelgan. 1936- yilda Toshkentda birinchi bor 30 ta shahardan 120 ta polvon yig'ilgan O'zbekiston birinchiligi o'tkazildi. 1938- yilda " Sambo " kurashi joriy etiladi. 1945- yildan boshlab kurash bo'yicha respublika birinchiligi o'tkaziladi. Shuningdek, sport turlarini rivojlantirish maqsadida katta ko'lamdagi ishlar amalga oshirilgan. Xususan, 1992- yil 14-yanvar O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi tomonidan " Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida "gi qonun qa'bul qilindi. 1992-yilda "Sog'lom avlod uchun" ordeni ta'sis etildi. Bularni sportga qaratilgan katta e'tibor desak mubolag'a bo'lmaydi. Sport turlariga uni rivojlantirishga bag'ishlangan bu kabi faoliyatlar yil sayin keng ko'lamda rivojlantirilmog'da. Biz kurash haqida so'z yuritar ekanmiz, bu sohaning yana bir yo'nalishi sifatida " Armrestling" ni olishimiz mumkin. Armrestling ingliz tilidan olingan bo'lib, qo'lda kurashish ma'nosini anglatadi. Bu yakka kurash turi har xil bayramlar va tantanalarda eng kuchli kishini aniqlashning an'anaviy usuli bo'lib kelgan va hozir ham shunday.

Kurashni, xususan, jismoniy tarbiyani rivojlantirishda turli xil harakatli o'yinlar targ'ib qilinadi. Jismoniy tarbiyaning muhim bosqichlaridan biri jismoniy vositadir. Ularning tarkibiy qismi esa harakatli o'yinlar, sport turlari, turli sog'lomlashtiruvchi ta'sir kuchlaridan iborat. Harakatli o'yinlar jismoniy tarbiya tizimining muhim yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. Mana shunday harakatli o'yinlar ham o'z ichida quyidagi guruhlarga bo'linadi:

1. Jamoali (komanda) o'yinlar
2. Ommaviy o'yinlar (ko'pchilik birgalikda o'ynaydigan o'yinlar)
3. Yakka tartibda yoki juftlikda o'ynaladigan o'yinlar



4. Estafetali o‘yinlar

Jamoali o‘yinlarda ikki yoki undan ortiq jamoalar ishtirok etadi. Masalan, "Kartoshka ekish" o‘yini. Ommaviy harakatli o‘yinlarda barcha qatnashchilar baravariga o‘yinda ishtirok etadilar. Masalan, " Kalxat keldi, qoch bolam ". Yakka yoki juft o‘yinda ikki ishtirokchi qatnashadi. Masalan, "Yelka urishtirish ", " Xo‘rozlar jangi ". Estafetali o‘yinlar ham umumiy, jamoali, yakka bo‘lishi mumkin. Masalan, " Eshak mindi ", " Cho‘pon ", "Podato‘p".

XULOSA

Shuni aytish joizki, jismoniy tarbiya darslari, sport mashg‘ulotlari, turli xil sport musobaqalari jarayonlarida harakatli o‘yinlarni tashkil qilish va o‘tkazishga maxsus tayyorgarlik talab etiladi. Xususan, sportning kurash turini rivojlantirish maqsadida harakatli, egiluvchan harakatlariga oid mashqlarni bajarish lozim.

Milliy harakatli o‘yinlarsiz birorta ham sport mashg‘ulotlari o‘tkazilmaydi, hatto, oliy chempionatlarda mohir sportchilar ham yakka holatda o‘ziga xos bo‘lgan harakatli o‘yinlarni bajarishadi, sababi harakatli o‘yinlar gavda chigillarini yozish, ko‘ngil ochish va jismoniy sifatlarni tayyorlashga xizmat qiladi.

REFERENCES

1. Atayev. A. K. Kurash- T.,1987.
2. Alpomish. -T.,FAN, 1969.
3. Lekarov A. O‘zbek milliy kurashining arxiologiya materiallarida aks etishi // Turon tarixi.2002. N^o_21.
4. Kerimov F.A. Sport kurashi nazariyasi va uslubiyati.- T.,2007

MATNLI MASALALARNI ARIFMETIK USULDA YECHISHNING BA'ZI TATBIQLARI

Maludaxon Musurmonova

Chirchiq davlat pedagogika Instituti o'qituvchisi

Gulhayo Quzmanova

Chirchiq davlat pedagogika Instituti o'qituvchisi

Shahlo Allayarova

Toshkent viloyati Chirchiq shahri 8-umumiy o'rta ta'lim boshlang'ich sinf
o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola bugungi kundagi ta'lim jarayonida o'quvchilarga matematika darslarida matnli masalalarni yechishda duch keladigan muammolarni bartaraf etishga yordam beradi. Hamda masalalarni bunday usulda yechishning qulayligi, o'quvchilarning masalalarni tahlil qilish qobiliyatlarini rivojlantirishda muhim asos bo'lib xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: arifmetik, miqdor, matnli, masala, oqim, masofa, vaqt, tezlik, harakat, sxematik, matematika, sekund, formula, predmet, yechim, qism, amaliy, javob, yo'l, nazariy.

ABSTRACT

This article will help students overcome the problems they face when solving text problems in mathematics lessons in the modern educational process. And the ease of solving problems in this way is an important basis for developing students' problem-solving skills.

Keywords: arithmetic, quantity, text, task, flow, distance, time, speed, movement, scheme, mathematics, second, formula, object, solution, part, practical, answer, path, theoretical.

KIRISH

Bugungi kunda umumiy o'rta ta'lim maktablarida matnli masalalarni arifmetik usulidan samarali foydalanish muhim hisoblanadai. Shu jihatdan matnli masalalarni bu usulda yechish



o'quvchilarni fikrlash qobiliyatini rivojlantiradi hamda ularning aqliy faolyatini ustirishga xizmat qiladi. Shu bois, arifmetik usulda masalalarni yechishning ba'zi bir tadbirlariga to'xtalib o'tamiz. Matnli masalalarni arifmetik usulda yechish murakkab faoliyat bo'lib, uning mazmuni berilgan masalaga ham, masala yechuvchining malakasiga ham bog'liq. Masalaning talabini bajarish yoki masalaning savoliga javob berish haqidagi uzil-kesil xulosani ifodalashdan iborat. Shuni ta'kidlash kerakki, yuqorida ta'kidlab o'tilgan masalalarni yechish bosqichlari har doim ham to'la bajarilmaydi. Chunki masala matniga doir savollar berib, ularga javob berish orqali masala mazmunini tushunib, masala sharti va talabini ajratish mumkin.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Matematika darslarida o'quvchilarga matnli masalani mazmunini tushuntirishda hamda yechimni izlashda, matnni ma'noli qismlarga ajratish maqsadga muvofiqdir. Buning natijasida masala ma'noli qismlarga ajraladi. Masalada ortiqcha ma'lumotlarni chiqarib tashlash, ayrim tushunchalar ifodasini mos atamalar bilan almashtirish va aksincha, ayrim atamalarni ularga mos tushunchalar bilan almashtirish, masala matnini, yechimni izlash uchun qulay bo'ladigan shaklga keltirib tuzish samaralidir.

Umumiy o'rta ta'lim maktab matematika darslarida matnli masalalarni arifmetik usullar bilan masalani yechish keng tarqalgan usullaridan biridir ya'ni matn bo'yicha masalani tahlil qilishdir. Bu usulda masalani tahlil qilish masala shartidan ham, uning savollaridan ham boshlanishi mumkin bo'lgan zanjirli ko'rinishida bo'lishi mumkin. Masalaning shartidan tahlil qilishda berilganlar bo'yicha noma'lumni qanday arifmetik amal yordamida topilishi mumkinligini aniqlash tushuniladi. Bu orqali noma'lumni berilgan ma'lumot deb hisoblab, uning yordamida topilishi mumkin bo'lgan noma'lumni topishni taqozo etadi. Bu jarayonning bajarilishi noma'lumni hosil qilishga olib keluvchi amalni aniqlaguncha davom ettiriladi.

Sonlar ustida arifmetik amallar bajarish orqali masalani yechish bu masalalarni arifmetik usul bilan yechish masala talabiga mos keladi. Berilgan masalani yechishda bir necha arifmetik usullardan foydalanish mumkin. Bu usullar bir – biridan masala yechish jarayonidagi mulohaza va tahlillar bilan farqlanadi. Masalalarni arifmetik usulda yechishga doir ba'zi bir masalalarning tadbiri keltiramiz.


Ayni bir masalani yechishning turlicha arifmetik usullari berilganlar orasidagi, berilganlar bilan noma'lumlar orasidagi arifmetik amallarni tanlashda bu munosabatlarni bajarishdagi



ketma-ketliklar bilan farq qiladi.

Masalani arifmetik usul bilan yechish masala talabiga sonlar ustida arifmetik amallar bajarish vositasida javob topish demakdir. Bir masalani bir necha arifmetik usullar bilan yechish mumkin. Ular bir – biridan masala yechish jarayonida yuritiluvchi mulohaza mantig‘i bilan farq qiladi.

Y.M. Kolyaginga ko‘ra masalani arifmetik usul bilan yechish jarayoni quyidagi asosiy bosqichlarni qamrab oladi.



2.4-rasm. Masalani arifmetik usulda yechishni asosiy bosqichlari

Masala. 82 nafar o‘quvchi shaxmat va basketbol to‘garagiga qatnashadi, 32 nafar talaba basketbol va voleybol to‘garagiga qatnashadilar, 78 nafar o‘quvchi shaxmat va voleybol to‘garagiga qatnashadi. Agar har bir o‘quvchi faqat bir sport turi bilan shug‘ullansa, nechta o‘quvchi shaxmat, voleybol va basketbol to‘garagiga qatnashadi?

Yechish:

1) $82 + 32 + 78 = 192$ nafar talaba shaxmat, basketbol va voleybol to‘garagiga qatnashayotgan o‘quvchilar sonining ikkilangani.

2) $192 : 2 = 96$ nafar shaxmat, basketbol va voleybol to‘garagiga qatnashayotgan o‘quvchilarning umumiy soni.

3) $96 - 32 = 64$ nafari faqat shaxmat to‘garagiga qatnashayotgan o‘quvchilar soni.

4) $96 - 78 = 18$ nafari faqat basketbol to‘garagiga qatnashayotgan o‘quvchilarlar soni.

5) $96 - 82 = 14$ nafari faqat voleybol to‘garagiga qatnashayotgan o‘quvchilar soni.

Javob: 64 nafari shaxmat to‘garagiga, 18 nafari basketbol to‘garagiga, 14 nafari voleybol to‘garagiga qatnashadi.

. Mohina 8 soatda 96 kg anor uzdi. U 5 soatda necha kg anor uzadi?

Yechish.

1- usul. Biz masalani quyidagicha izohlab bajaramiz. Mohina 8 soatda 96 kg anor uzsa, demak biz uning 1 soatda necha kg anor uzushini aniqlab olishimiz kerak. Buning uchun $96 \div 8 = 12$ (kg) hosil qilamiz.

Mohina 1 soatda 12 kg anor uzadi. 5 soatda necha kg anor uzganini aniqlash uchun $12 \cdot 5 = 60$ (kg) ekanligini topamiz.

Javob: 60 (kg)

2-usul. Mohina 8 soatda 5 soatga qaraganda $8 \div 5 = 1,6$ marta ko'p anor uzadi. U holda 5 soatda 1,6 marta kam anor uzgan bundan $96 \div 1,6 = 60$ kg anor uzadi.

Javob: 60 (kg)

Masala. Ikkita vazada 75 dona gul bor edi. Birinchi vazada 6 ta gul ikkinchi vazadan 9 ta gul olinsa, vazadagi gullar soni tenglashadi. Har bir vazada nechtdan gul bor.

Yechish: I bosqichga asosan masalada vazadagi gullar haqida gap boradi.

II bosqichda: masaladagi ma'lum kattaliklar qiymatlari. Jami vazadagi gullar 75 ta, birinchi savatdan 6 ta, ikkinchisidan 9 ta gul olingan.

III bosqichda : izlanayotgan noma'lumlar: Har bir vazadagi gullar soni.

Masalani tenglashtirish usuli bilan yechamiz.

1. Birinchi vazadan 6 ta, ikkinchi vazadan 9 ta gul olingan bo'lsa, jami vazalardan olingan gullar soni $6 + 9 = 15$ ta bo'ladi. Endi jami gullar sonidan olinganlari ayiriladi ya'ni $75 - 15 = 60$ ta gul qoldi.

2. Natijada ikkala vazadagi gullar soni tenglashadi va u $60 \div 2 = 30$ ya'ni har bir vazadagi gullar soni 30 ta bo'ladi.

Tekshirish: Birinchi vazada 30 gulga olingan 6 ta gulni va ikkinchi vazadagi 30 ta gulga olingan 9 ta gulni qo'shib jami gullar soni bilan taqqoslaymiz.

$$30 + 6 = 36$$

$$30 + 9 = 39$$

$$36 + 39 = 75 \text{ yechim to'g'ri.}$$

Javob: Har bir vazada 30 tadan gul bor.

Masala. Bolalar bog'chasida har bir bola uchun kuniga 20 gr sariyog' beriladi. Bolalar bog'chasida 456 ta bola bor. Bir kunda bolalarni sariyog' bilan ta'minlash uchun uch kilogramlik sariyog' bo'laklaridan kamida nechta kerak bo'ladi. Berilgan masalani arifmetik usul orqali yechamiz.

Yechish: Bir kunda bolalar bog'chasidagi bolalarni ta'minlash uchun zarur bo'lgan sariyog' miqdori



$456 \cdot 2 \text{ gr} = 9120 \text{ gr} = 9 \text{ kg } 120 \text{ gr}$ uch kilogramlik sariyog' bo'laklaridan nechta kerakligini topish uchun oromgoh uchun bir kunlik sariyog' miqdorini uch kilogramlik sariyog' bo'laklariga bo'lamiz. $9 \text{ kg } 120 \text{ gr} \div 3 \text{ kg} = 3,4$ ta kerak bo'ladi.


Javob: 4 ta

Endi masalalarni arifmetik usulda yechishning sxematik metodidan foydalanib masala yechimini shakllantiramiz.

Masala. Sinovda 60 ta savol berildi, har bir to'g'ri javob 5 ballga baholandi. 4 ta noto'g'ri javob uchun jarima sifatida bitta to'g'ri javob bekor qilindi. Bu sinovda hamma savollarni belgilagan bir o'quvchi 225 ball olgan bo'lsa, u nechta to'g'ri javob bergan?

Yechish: Masalani yechishni quyidagi tahlil orqali amalga oshiramiz, ya'ni birinchi bosqichda masalani o'qib, unda test sinovi haqida gap borayotganini aniqlashtiramiz. Ikkinchi bosqichda masalaga savollar berish orqali masaladagi kattaliklar qiymatlari, nimalar ma'lum, nimani topish kerakligi, yechim rejasi aniqlashtiriladi. Uchinchi bosqichda yechimni amalga oshiramiz, ya'ni izlanayotgan noma'lum topiladi. Demak yechishni quyidagi ketma-ketlik orqali amalga oshiramiz.

1. O'quvchi sinov natijasida 225 ball olish uchun nechta savolga javob bergan;
2. Sinovda jarimalarni hisoblamagandagi noto'g'ri javoblari soni;
3. ta noto'g'ri javob uchun 1 ta to'g'ri javob bekor qilingan bo'lsa, o'quvchi aslida nechta savolga to'g'ri javob bergan.




Quyidagi harakatga doir matnli masalani arifmetik usulda yechamiz.

Masala. It tulkinging orqasidan quvdi. It sekundiga 8 m, tulki yesa 6 m tezlik bilan chopmoqda. Ularning orasidagi masofa dastlab 360 m bo'lgan, tulkinging o'z uyasiga yetib olishi uchun esa 1 km qolgan edi. Tulki o'z uyasiga yetib olishga ulguradimi?

Yechish: Quyidagi ketma-ketlik orqali yechimni amalga oshiramiz.

- 1) It va tulki turgan joydan, tulkinging uyigacha bo'lgan masofalar (metrlarda);
- 2) It va tulkinging tulki uyasigacha bo'lgan masofani o'tish vaqtlari;
- 3) Vaqtlar orasidagi farqni topish.



XULOSA

Shunday qilib masalalarni arifmetik usulda yechish jarayonida o'quvchilar yangi matematik bilimlarini egallaydilar, amaliy faoliyatga tayyorlana boradilar. Bunda o'quvchining matnli masala va uning tuzilishi haqida chuqur tasavvurga ega bo'lishi, masalalarni turli usullar bilan yecha olishi muhimdir. Shu jihatdan matnli masalani quyidagicha ifodalash mumkin. Matnli masala biror vaziyatning tabiiy tildagi ifodasi bo'lib, unda bu vaziyatning biror qismiga miqdoriy tavsif berish, qismlari orasidagi bog'lanishlar, munosabatlar bor-yo'qligini, va uning turini aniqlash talab etiladi.

REFERENCES

1. Kolyagin Y. M. Zadachi v obuchenii matematike / Y.M. Kolyagin. - CH.2. - M. : Prosvesheniye, 1977. - 144 s.
2. S.A.Ahmedov, S.Ahmedova "O'rta Osiyoda arifmetika taraqqiyoti va uning o'qitish tarixi" Toshkent, 1991y.35-36-bet.

3. Gulhayo Bakhodirovna Kuzmanova, Approaches of mathematical and pedagogical scientists in the teaching of textual problems in general secondary schools. Current research journal of pedagogics 2(8): 80-83, August 2021 DOI:

4. Quzmanova G.B (2021) Umumiy o'rta ta'lim maktablarida matnli masalalarni ta'limiy. Academic Research in Educational Sciences, 2(3), 1154-1159.

5. Musurmonova M. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida matematikadan masalalar yechish ko'nikmasini shakllantirishning metodik imkoniyatlari. "Mug'allim hem uzliksiz bilimlendirio'", ISSN 2181 – 7138, №6 2021 jil

6. Musurmonova M. Boshlang'ich sinf o'quvchilariga uzunlik va yuza o'lchov birliklarini o'rgatish usullari. Ekonomika i sotsium" №8(87) 2021. ISSN 2225-1545
www.iupr.ru



XITOIY VA O'ZBEK TILLARIDA GAPNING AKTUAL BO'LAKLARGA BO'LINISHI

Shohzodjon Baxtiyor o'g'li Qayumov

Samarqand davlat chet tillar instituti magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Xitoy va O'zbek tillarida gapning aktual bo'laklari nazariyasi, sintaktik tahlili, ularning qo'llanilishi kabilar yoritilib, misollar yordamida aniq tushuntirib berildi.

Kalit so'zlar: aktual bo'laklar, kommunikativ muhit, V.Matezius ta'limoti, funksional tahlil.

KIRISH

Gapning aktual bo'laklari nazariyasi jumlaning muayyan nutq muhitiga munosabati muammosiga asoslanib, unda asosiy urg'u jumlaning asosini tashkil etuvchi hamda xabarning yadrosini belgilovchi unsurlarga qaratiladi. Bu jihatdan gapning aktual bo'laklari yosh grammatikachilarning psixologik sub'ekt va psixologik predikat deb nomlangan tushunchalari bilan juda yaqin turadi. Chunki gapning aktual bo'laklari ikkiga bo'linib, ularning birini Vilen Matezius gapning boshlanish nuqtasi yoki "asos" (osnova) deb, ikkinchisini esa "yadro" deb nomlaydi. Bu o'rinda asos deganda nutq muhiti qurshovida tinglovchiga ham, so'zlovchiga ham ma'lum bo'lgan gap unsuri, yadro deganda esa so'zlovchi asos deb nomlanayotgan ana shu unsur haqida ma'lumot beradigan va jumla orqali ifodalanayotgan xabarning yadrosini tashkil etuvchi unsur tushuniladi. Xabarning yadrosini psixologik predikat bilan, asosini esa psixologik sub'ekt bilan qiyoslash mumkin.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Gapning aktual bo'laklarga bo'linishi odatdagi sintaktik tahlildan keskin farq qiladi. Ma'lumki, formal-sintaktik tahlilda gapning bosh bo'laklari - ega va kesimning hamda uning ikkinchi darajali bo'laklari - aniqlovchi, to'ldiruvchi, hol kabilarning sintaktik vazifalari to'g'risida so'z yuritiladi. Aslini olganda, formal-sintaktik tahlil deb ataluvchi bu nazariya ko'p jihatdan mantiqiy qoidalarga asoslanadi.

Gapning aktual bo'laklari nazariyasi esa, aslida u ham mantiqiy qoidalarga asoslansa-da, asosiy e'tiborni jumla



komponentlarining kommunikativ jarayonida bajaradigan nutqiy funktsiyalariga qaratadi. Masalan:

Temur Malik otga qamchi bosdi (Mirmuhsin. Temur Malik).

我父亲清空了一碗美味的菜

Otam bamaza deb bir kosa ovqatni bo'shatdilar.

Berilgan jumlaning aktual bo'laklarga bo'linishiga e'tibor beraylik. Bu o'rinda, agar kimning otga qamchi bosganligi nazarda tutilayotgan bo'lsa, Temur Malik so'zi jumlaning yadrosi hisoblanadi va otga so'zi jumlaning asosi sanaladi. Temur Malikning nimaga qamchi urganligini aniqlash kommunikativ muhit tomonidan talab qilinganda esa otga so'zi jumlaning yadrosi, Temur Malik so'zi asos vazifasini bajaradi. Bordi-yu Temur Malikning nima qilganligi xabar markazini tashkil etgan bo'lsa, u holda qamchi bosdi so'zi yadro, Temur Malik esa asos funktsiyasida keladi.

Xitoy tilidagi misolni tahlil qiladigan bo'lsak, kim ovqatni yeganligiga mantiqiy urg'u berilayotgan bo'lsa 爸爸 (otam) so'zi gapning yadrosi, 菜 (ovqat) so'zi esa gapning asosi sanaladi. Otamning nimani yeganligi nazarda tutilayotgan bo'lsa, u holda 菜 (ovqat) so'zi jumlaning yadrosi, 爸爸 (otam) so'zi esa asosi vazifasini bajaradi. Agar otamning nima qilganligi gapning markazida bo'lsa, unda 清空 (bo'shatdilar) so'zi yadro, 爸爸 (otam) so'zi esa asos vazifasida keladi.

Ko'rinadiki, Vilen Matezius tomonidan ilmiy asoslangan gapning aktual bo'laklari nazariyasi asosan ikki termin - jumlaning asosi va jumlaning yadrosi orqali ish ko'radi. V.Mtezius o'zining dastlabki tadqiqotlarida jumlaning asosi termini o'rniga "tema" terminidan ham foydalangan. Lekin hozirgi tilshunoslikda "asos" o'rnida "tema", "yadro" o'rnida esa "rema" terminlari keng qo'llanilmoqda. Bunda tema xabarning so'zlovchiga ham, tinglovchiga ham avvaldan, hech bo'lmaganda, nutq jarayonida ma'lum bo'lgan qismini, rema esa xabarning markazini tashkil etishi nazarda tutiladi.

Gapning aktual bo'laklari nazariyasi V.Matezius ta'limoti asosida rus tilshunosligida ham mukammal talqin etildi. Bunda olimlardan K.Krushelnitskaya, I.Raspopov, V.Gak kabilarning xizmatlari katta bo'ldi.

Rus tilshunosligida esa gapning aktual bo'lagi tahlilida qo'llanilgan terminlar "dannoye" va "novoye" kabi yangi terminlar bilan almashtirildi. Biroq hozirgi paytda "tema" va "rema" terminlari ko'proq qo'llanilmoqda.

So'nggi yillarda bu sohada rus tilshunosi N.Slusareva ko'proq tadqiqot ishlari olib bormoqda. Ingliz tilshunosligida esa M.Hellidening ilmiy kuzatishlari diqqatga sazovordir.

Gapning aktual bo'laklarini belgilashda jumla tarkibida

qo'llanilayotgan ayrim so'zlar ham ahamiyat kasb etadi. Bunday so'zlar, xususan, remani belgilashda alohida o'rin tutadi. Masalan:

Bu yigit Hafizadan ikki-uch yil avval maktabni tamomlagan (Mirmuhsin. Umid).

这个人受了很多苦

Bu odam juda ko'p azob tortgan.

Berilgan gaplarda yigit va 人 (odam) so'zlarining rema ekanligi qat'iydir. Chunki ularning oldidan qo'llanilayotgan Bu va 这个 (bu) ko'rsatish olmoshlari bu so'zlarni alohida ta'kidlamogda. Shuning uchun jumla tarkibidagi boshqa so'zning rema vazifasida kelishi imkoniyati cheklanmogda. Bundan tashqari, ba'zi affikslar ham remani belgilashda muhim o'rin egallaydi. Masalan:

Hamida Bonugagina taalluqli bo'lgan sirni hech kimga aytib bo'lmaydi (P.Qodirov. Avlodlar dovoni).

只有大卫可以先走

Davidgina birinchi ketishi mumkin.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Berilgan jumalarda Hamida bonu va David so'zlari o'zbek tilida -gina, xitoy tilidagi esa 只有 (-gina, faqatgina) affikslari vositasida mantiqiy urg'u olmogda va bu uning xabar markazini, yadrosini tashkil etayotganini ko'rsatmogda.

Shuni ham aytish lozimki, gapning aktual bo'laklari faqat o'zlari qatnashayotgan jumladagina funktsional faollik ko'rsatadi. Shuning uchun ma'lum bir jumlada rema vositasida kelayotgan so'z ikkinchi jumlada temaga aylanib qolishi ham mumkin. Masalan:

Bu uylar bari qing'ir-qiyshiq paxsadan. Lekin uylar ularga qadrdon (Oybek. Pokiston taassurotlari).

这个蛋糕还是很热。世界上没有任何东西可以代替它，这是我祖父的爱烤制的蛋糕。

Bu pishiriq haligacha issiqgina. Dunyoda hech narsa o'rnini bosa olmaydigan, buvamning mehri bilan pishgan pishiriq.

O'zbek va xitoy tilidagi birinchi gaplarda, albatta, uylar hamda 蛋糕 (pishiriq) so'zlari rema vazifasida kelmogda. Biroq ikkinchi gaplarda mazkur so'zlar tema mavqeidadir, chunki bu gaplarda xabarning yadrosi o'zbek tilidagi misolda qadrdon so'zi bilan, xitoy tilidagi misolda esa 爱烤制

(mehri bilan pishgan) so'zlari bilan belgilanadi. Bunday bo'lishi tabiiydir, zotan, biz muloqot jarayonida har doim aniqlikdan noaniqlikka qarab boramiz va bunda xabarning markazidagi so'z mantiqiy urg'u bilan belgilanib boraveradi.

Ko'rinadiki, V.Matezusning gapning aktual bo'laklarga bo'linishi nazariyasi jumla komponentlarining kommunikativ jarayonda bajaradigan vazifalarini belgilashda muhim ahamiyat kasb etadi. Ana shunga asoslanib ba'zi tilshunoslar buni funksional tahlil nazariyasi deb atashmoqdalar. Masalan, yuqorida tilga olingan N.Slusareva, M.Helide kabi tilshunoslarning tadqiqotlarida buni kuzatishimiz mumkin.

XULOSA

Bizningcha, mazkur masala ancha izohtalab ko'rinadi. Chunki gapning aktual bo'laklarining o'rni jumla tarkibida barqaror xarakterli emas. Bir gap doirasida qatnashayotgan so'zlarning barchasi tema vazifasida ham, rema vazifasida ham kela oladi. Bu esa ularning mantiqiy urg'u olishi bilan bevosita bog'liqdir. Mantiqiy urg'u esa muayyan bir so'zga so'zlovchi tomonidan va tinglovchi tomonidan turlicha qo'yilishi mumkin. Masalan, so'zlovchi alohida ta'kidlayotgan so'z ba'zan tinglovchida reaksiya uyg'otmasligi, uning o'rniga tinglovchi boshqa bir so'zni ma'no jihatdan muhimroq deb bilishi ham mumkin. Bu umumiy masalaning bir tomonini taqozo etsa, ikkinchi tomondan, gapning aktual bo'laklari mantiqiy urg'u bilan uzviy bog'liq ekan, tilimizni yana mantiqiy qoidalar bilan to'ldirishi aniqdir. Chunki remaning belgilanishi mantiqiy urg'usiz bo'lmaydi. Uchinchidan, mazkur nazariyani sintaktik funksiya bilan bog'lash qiyin, chunki so'zning sintaktik vazifasi muayyan bir gap sathida barqaror bo'ladi. Ushbu nazariyaga muvofiq esa, bir jumla tarkibidagi har bir so'z tema ham, rema ham bo'la oladi. Bu jarayonda gapning sintaktik strukturasi o'zgarishsiz qolaveradi. Shuni ta'kidlash kerakki, mazkur nazariyadan gapning semantik tahlilida foydalanish mumkin. Chunki aktual bo'laklar nomi bilan atalayotgan gap unsurlari mazmuniy nuqtai nazardan ahamiyat kasb etadi.

REFERENCES

1. В.И.Горелов. Грамматика китайского языка. М., “Просвещение”, 1974
2. Хитой филологиясига кириш. О'quv qo'llanma., Toshkent 2013
3. Хитой тили дарслиги. О'quv qo'llanma., Toshkent 2014.

O'ZBEKISTONNING TARIXIY YODGORLIKLARI, INSONIYAT MADANIY MEROSIDAGI O'RNI

Rabbina Atajanova

Chirchiq davlat pedagogika instituti o`qituvchisi

Sabohat Madaminova

Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti

ANNOTATSIYA

XX asr 20-30-yillarida boshlangan dinga va diniy e'tiqodga qarshi kurash kampaniyasi shahardagi mavjud me'moriy obidalar taqdiriga ham salbiy ta'sir ko'rsatdi. Masjid, madrasa, cherkov, ibodatxona, sinagog va boshqa diniy inshootlar yopilib, ular o'rniga omborxonalar, do'konlar, yotoqxona, turli sexlar va hokazolar tashkil etildi. Bu holni alohida olingan sobiq dahalar misolida ko'rsak yanada yorqin tasavvur paydo bo'ladi.

Kalit so'zlar: Buxoro, Samarqand, Termiz, Xiva, Toshkent, Sharq darvozasi, eski shahar, Milliy bog', maqbara, masjid.

ABSTRACT

The campaign against religion and religious beliefs, which began in the 1920s and 1930s, also had a negative impact on the fate of the city's existing architectural monuments. Mosques, madrassas, churches, synagogues, synagogues and other religious structures were closed and replaced by warehouses, shops, dormitories, various workshops and so on. This is even clearer when we look at the case of the old districts taken separately.

Keywords: Bukhara, Samarkand, Termez, Khiva, Tashkent, East Gate, old city, National Park, mausoleum, mosque.

KIRISH

O'zbekiston mustaqillikka erishgach, ajdodlarimizdan qolgan madniy tarixiy merosga e'tibor kuchaydi, tarixiy yodgorliklar davlat nazorati ostiga olindi. Istiqlol yillarida Buxoro, Samarqand, Termiz, Xiva, Toshkent, Qo`qon, Shahrisabz kabi shaharlarda ulug` ajdodlarimizning yuksak isde'dodi bilan bunyod etilgan obidalar o'zining haqiqiy qadr-qimmatini topdi,



ularni ta'mirlash va asl qiyofasini tiklash davlatimiz siyosatining ustuvor yo`nalishlaridan biriga aylandi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Toptalgan tariximiz, qutlug` qadamjolar, hatto nomlari ham unutilayozgan obidalar ta'mirlandi, qayta tiklandi. Imom al Buxoriy, Imom at-Termiziy, Abu Mansur al-Moturudiy, Ahmad al-Farg`oniy, Burhoniddin ai-Marg`oniy, Mahmud az-Zamaxshariy kabi ulug` allomalarimizning sha`nlariga munosib yodgorlik majmualar yaratildi. Toshkent, Samarqand va Shahrisabizda Sohibqiron Amir Temur, Toshkentda Mirzo Ulug`bek, Alisher Navoiy, Urganchda Jaloliddin Manguberdi, Termizda Alpomish haykallari qad ko`tardi.

Haqli ravishda "Sharq darvozasi" nomiga musharraf bo'lgan Toshkent — nafaqat Markaziy Osiyo, balki jahondagi qadimiy shaharlardan biri bo'lib, dunyo sivilizatsiyasi rivojiga o'z munosib hissasini qo'shgan. Shahar muhim savdo karvonlari kesishgan, Buyuk ipak yo'li tarmog'ida joylashgan edi. Bu o'z navbatida shahar madaniy hayoti va rivojiga ijobiy ta'sir ko'rsatdi. Toshkent XIX asr boshlariga kelib Qo'qon xonligi hududiga kiritilib, xonlikning asosiy shaharlaridan biri maqomiga ega edi. XIX asrga kelib shaharda 12 ta darvoza mavjud bo'lib, shahar aholisi 80.000 ga yaqin kishini tashkil etgan. XIX asr o'rtalariga qadar shahar asosini Ko'kcha, Sebzor, Beshyog'och va Shayxontohur dahalari tashkil etgan. Har bir daha ko'plab mahallalardan tashkil topgan bo'lib, ularning soni XX asr boshlariga kelib 260 tani tashkil etgan[1].

Sovet hukmronligi davriga kelib, shahar qurilishi tizimiga g'oyaviy — mafkuraviy jihatdan yondashuv ustun bo'lib qoldi. Aksariyat shahardagi joy nomlari, mavze va ko'chalar mahalliy xalq tarixiga aloqasi bo'lmagan, kommunistik partiya va sovet davlati rahbarlari nomi bilan atala boshlandi. Mahalliy xalq an'analari, jug'rofiy va iqlim hususiyatlari e'tiborga olinmagan holda shaharda strukturaviy o'zgarishlar amalga oshirildi. Asosan mahalliy aholi istiqomat qiladigan "eski shahar" qismi imperiya davridan deyarli farq qilmaydigan holda o'zgarishsiz qolaverdi. Bu qismda yashovchi aholi ichimlik suvi, gaz, isitish tarmog'i, kanalizatsiya tizimidan bebahra holatda yashashni davom ettirdi.

XX asr 20-30-yillarida boshlangan dinga va diniy e'tiqodga qarshi kurash kampaniyasi shahardagi mavjud me'moriy obidalar taqdiriga ham salbiy ta'sir ko'rsatdi. Masjid, madrasa, cherkov, ibodatxona, sinagog va boshqa diniy inshootlar yopilib, ular o'rniga omborxona, do'kon, yotoqxona, turli sexlar va hokazolar tashkil etildi. Bu holni

alohida olingan sobiq dahalar misolida ko'rsak yanada yorqin tasavvur paydo bo'ladi. Beshyog'och dahasida hozirgi Respublika o'quvchilari saroyi atrofida bo'lgan Muhammadkarimhoji madrasasi ehtiyoj bo'lmagan holda 1924 yili buzib tashlangan. Hozirgi Milliy bog' darvozasi o'rnida bo'lgan Halimtoy madrasasi esa 30-yillar boshida buzib tashlanib, uning g'ishtlari turli maqsadlarga ishlatilib yuborilgan[4]. Dahadagi mashhur Abulqosim madrasasi 1919 yili yopib qo'yilib, o'n yildan so'ng, 1929 yili Samaradan ko'chib keltirilgan, ocharchilikdan aziyat chekkan 70 oila bu yerga joylashtirilib, tarixiy yodgorlik yotoqxonaga aylantirilgan. 1974 yili esa binoga Toshkent o'yinchoq fabrikasining filiali joylashtirilib, bino qiyofasi butkul o'zgarib ketadi. 1946 yilgi Chotqol zilzilasi bir qator tarixiy inshootlarga salbiy ta'sir ko'rsatib, jumladan madrasa binosi ham yarim vayrona holatiga kelgan edi. Shunday taqdir XVI asr tarixiy yodgorligi bo'lgan Ko'kaldosh madrasasiga ham tegishli bo'lgan. Xoja Ahror jome masjidi, Xayrobod Eshon kompleksi, Cho'ponota masjidi va boshqalar ham xaroba holatga kelib qolgan bo'lib, ulardan turli maqsadlarda foydalanilgan.

Ko'kcha dahasida ko'zga ko'ringan yodgorliklardan biri Shayx Zayniddin bobo maqbarasi bo'lgan. XII asrda yashagan ushbu mashhur diniy arbob qabri ustida XIV asr oxirlarida Amir Temur muhtasham maqbara barpo etgan edi[5]. Mazkur maqbara atrofida qabriston va masjid bo'lib, sho'rolar davrida maqbara butkul qarovsiz ahvolga tushib qolgan edi. Qabristonga tutash tarzda kichik masjid yonida kinoteatr ochilib, ko'ngilochar muassasa o'yin-kulgilari bilan qayg'u-alamga cho'kkan qabriston yonma-yon turar edi. Dahadagi Hofiz Ko'hakiy masjidi yog'och ombori, To'xtaboy masjidi shisha omborxonasiga, Qo'shtut masjidi bog'chaga aylantirilgan. Shuningdek, XIX asr arxitektura yodgorligi bo'lgan Beklarbegi madrasasi 30-yillar boshida buzib tashlanib, uning o'rniga sovet davlati rahbarlaridan biri bo'lmish M. Kalinin haykali o'rnatilgan maydon tashkil etilgan.

XX asr boshida Toshkent me'moriy yodgorliklari ichida Shayxontohur ziyoratgohi alohida o'rin tutgan. Shayxontohur shaharning eng gavjum va fayzli joylaridan biri bo'lib, bu yerda bir necha me'moriy obidalar, shifobaxsh buloqli Langar hovuzi, savdo rastalari o'rin olgan edi. Ziyoratgoh Hayit va Navro'z bayramlarida xalq sayli bo'ladigan yerga aylanar, keng xalq ommasi to'planadigan maskan hisoblanar edi. Keyinchalik ushbu ziyoratgoh 1924 yili yopib qo'yildi.

Toshkentning saqlanib qolgan Shayxontohur darvozasi XX asr 40-yillarida Navoiy ko'chasining kengaytirilishi munosabati bilan olib tashlangan edi. Yuqorida qayd etilganidek, Shayxontohurning ko'cha bo'ylab kirish joyida XIX asr 40-yillarida qurilgan



Eshonguzar madrasasi bo‘lgan. Sovet davrida bu yerga kinostudiya joylashtirilib bir qator, jumladan, “Alisher Navoiy”, “Tohir va Zuhra”, “Nasriddin Buxoroda” nomli filmlar aynan shu studiyada yaratilgan[7]. Madrasa Navoiy ko‘chasining kengaytirilishi bahonasi bilan 60-yillarda buzib tashlandi. Majmuadagi Xotin masjid o‘zining noyob o‘ymakorligi va naqshlari bilan ajralib turardi, u keyinchalik bolalar kutubxonasi aylantirilgan. 1967 yili Xotin masjidi va Zanjirlik masjidi, 1975 yili Ovrat masjidi turli bahonalar, chunonchi obodonlashtirish bahonasida buzib tashlangan[8]. Undan avvalroq esa, arxitektura jihatidan katta ahamiyatga ega bo‘lgan G‘aribboy va Saidazimboy masjidlari 30-yillardagi dinga qarshi kurash kampaniyasi vaqtida buzib tashlangan edi. XX asr 80yillariga kelib Shayxontohur majmuasida atigi 3 ta me‘moriy inshoot — Yunusxon, Shayx Hovandi Tohur hamda Qaldirg‘ochbiy maqbaralari saqlanib qoldi, xolos.

XULOSA

Undan tashqari shaharda mavjud bo‘lgan o‘nlab mahalla masjidlari, ziyoratxona, honaqoh va boshqalar turli sabab va bahonalar ostida buzib tashlangan edi. Toshkentdagi bir qator xristian va boshqa dinlar ibodatxonalari ham sovet diniy siyosatining salbiy oqibatlarini boshidan kechirganlar. Masalan, 1888 yili qurilgan Spaso-Preobrajenskiy cherkovi 1930 yili buzib tashlanadi[9]. Shahardagi katolik, lyuteran cherkovlari ham nochor ahvolda bo‘lgan. Jumladan, XIX asrda qurilgan yevangel-lyuteran cherkovi 1937 yili yopilib, 1990 yilga qadar omborxonaga, geologiya boshqarmasi, itboqarlar jamiyati va boshqa muassasalar ixtiyorida bo‘lgan. Bino bir necha marotaba yong‘inga uchrab, 1966 yilgi zilziladan so‘ng buzib tashlash ham rejaga kiritilgan.

REFERENCES

1. Muhammadkarimov A. Toshkentnoma. Tarixiy toponimik lavhalar. Birinchi kitob. Toshkent: Movarounnahr, 2004. 14-bet
2. Muhammadkarimov A. Toshkentnoma... 15-16–betlar
3. Muhammadkarimov A. Toshkentnoma 41-42-betlar
4. O‘zbekiston Respublikasi MDA; R-94 fond, 5-ro‘yxat, 1182-ish,17-varaq
5. Muhammadkarimov A. Toshkentnoma 76-bet
6. Muhammadkarimov A. Toshkentnoma ... 78-bet
7. Muhammadkarimov A. Toshkentnoma ... 134-bet
8. Халилов Р. Ш., Атажанова Р. Р. Использование рабочей тетради в обучении изобразительной деятельности в



начальном классе. Молодой ученый. № 7 (193) . Февраль 2018 г.196-199

9. Rakhimovna, A. R. (2020). Art workbook as a means of improving the efficiency of independent work of pupils in younger classes. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8 (5), 54-56.

10. Раббина Рахимовна Атажанова. Рабочая тетрадь по изобразительному искусству как средство повышения креативного мышления самостоятельной работы учеников в младших классах. *Academic research in educational sciences* №2. 2020-yil.

11. Раббина Рахимовна Атажанова, Наргиза Рустамовна Атаева (2020) Роль изобразительной деятельности во всестороннем развитии дошкольников *Academic research in educational sciences* №4 450-454

12. Раббина Рахимовна Атажанова Теоретические основы развития творческих способностей младших школьников (2021) *Science and Education* №4 381-386

13. Раббина Атаджанова Педагогический кластер в развитии творческих способностей в начальных классах (2021) *Academic research in educational sciences* №2 1677-1681

14. Раббина Рахимовна Атаджанова, Мухоббат Арифовна Абдуллаева Теоретико-методологические основы развития художественно-творческих способностей младших школьников при помощи педагогического кластера (2021) *Вестник науки и образования* №10-3 (113) 66-70

15. Ходжиев Р.Б., Норбоева Д.О. (2021) Креативное мышление – важный фактор социального развития. *Вестник науки и образования*. № 10 (113). Част 3. С. 76-79.

16. Ҳожиёв Р.Б., Норбоева Д.О. (2021) Баркамол авлодни тарбиялаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохатларнинг устувор йўналишлари. *Фалсафа ва ҳуқуқ*, № 2. 128-131-б.

17. Ҳожиёв Р.Б., Норбоева Д.О. (2021) Ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш концепциялари. “Муғаллим ҳам узликсиз билимдендирў”. №3(2), 4-11-б.

18. Ҳожиёв Р.Б., Норбоева Д.О. (2021) Ёшларнинг ижтимоий қатлам сифатида мавжудлигининг онтологик асоси. “Муғаллим ҳам узликсиз билимдендирў”. №3(2), 155-159-б

19. Ҳожиёв Р.Б., Норбоева Д.О. (2021) Ёшлар ижтимоий ҳаётнинг когнитив асослари. “*Academic Research in Educational Sciences*” № 2(2), 544-555-б.



20. Икрамов Р.А., Хожиев Р.Б. (2020). Воспитание гармонично развитого поколения является приоритетом государственной молодежной политики. *Вестник науки и образования*. № 14 (92). Част 3. С. 88-90.

21. R.V.Hojiyev, G.B.Xolmo'minov, M.L.Sharipov (2020) Raising a harmoniously developed generation is a priority of democratic reforms in Uzbekistan. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. Volume 8. Number 5. pp-1-3.

22. Хожиев Р.Б., Норбоева Д.О. (2021) Когнитивные основы молодежной социальной жизни. “Инновации в технологиях и образовании” Сборник статей участников XIV Международной научно-практической конференции Том. 2 (Болгария), С. 45-54.



БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МАҚСАДИ

О. М. Жабборова

Тошкент вилояти чирчиқ давлат педагогика институти (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мақолада бошланғич таълимда тарбиявий ишлар мақсади ва вазифалари масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: бошланғич, таълим, тарбия, методика, мақсад, вазифа, билим, кўникма, малака.

КИРИШ

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида барча соҳалар қаторида ёш авлоднинг тарбиясини бугунги кун талаблари асосида амалга ошириш вазифалари кўйилган[1]. Шу жиҳатдан бошланғич таълимда амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг янги мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш тақозо этилади. Мазкур ўринда эътиборингизни ана шу масаланинг таҳлиliga тортамыз.

Мамлакатимиз таълим тизимида *тарбиявий ишлар* таълим жараёнининг узвий қисмини ташкил этади. Унга кўра, таълим воситасида амалга ошириладиган шахсга билим, кўникма ва малака бериш таълим, тарбия ҳамда ўқитиш жараёнларига таянилади. Шу жиҳатдан тарбиявий ишлар методикаси бўйича бўлажак бошланғич синф ўқувчиларининг касбий компетенцияларга эга бўлиши зарурият ҳисобланади[2].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Педагог олимларнинг ва Педагогика фани тажрибасига кўра, тарбия – бу авлодлараро ижтимоий-тарихий ва ҳаётий тажрибани узатишга хизмат қиладиган ҳамда турли муассасалар фаолияти воситасида амалга ошириладиган жараёндир. Шу жиҳатдан тарбия жараёни тарбиявий ишлар воситасида амалга оширилади. Бошланғич таълимда тарбиявий ишлар *тушунчасининг* мазмуни шундан иборатки, 7-11 ёшли ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар воситасида амалга ошириладиган фаолиятдир. Бундай тарбиявий тадбирларнинг асосийларини қуйидагилар ташкил этади:



Бошланғич таълимда тарбиявий ишларни ташкил этишнинг бир неча ўзига хос *хусусиятлари* ҳам мавжуд. Бундай хусусиятларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1) бошланғич таълим давлат стандартлари ва малака талабларига қатъий амал қилиш;

2) бошланғич таълим ўқув фанларининг мазмунидан келиб чиқиб, тарбиявий тадбирларни ташкил этиш;

3) бошланғич таълимда тарбиявий тадбирларни ташкил қилишда ўқувчиларнинг ёш ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш;

4) бошланғич таълимда тарбиявий тадбирларни ташкил этишда санитария-гигиена қоидалар, талаблар ва ёндашувларга қатъий амал қилиш, бундай тадбирларнинг ўқувчи шахсига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан холилигини таъминлаш.

Диққат қилинса, бошланғич таълимда ташкил этиладиган тарбиявий ишлар ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан бошқа таълим босқичларида амалга ошириладиган тарбиявий тадбирлардан фарқланиб туради. Шунингдек, мазкур хусусиятларнинг энг муҳими бошланғич таълимда ташкил этиладиган тарбиявий тадбирлар таълимнинг кейинги босқичларида амалга ошириладиган тарбиявий тадбирларнинг пойдевори эканлигидан иборат.

Бошланғич таълимда амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг асосий мақсадлари мавжуд. Бунда *биринчи мақсад* – бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашдир. Бундай тарбия қуйидагилар асосида амалга оширилади:

1) дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни ташкил этиш воситасида;

2) тарбиявий тадбирларнинг амалий самара бериши, қизиқарлилиги ва муайян муддат режимига амал қилиши воситасида;

3) бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашда ҳар бир тарбиявий хатти-харакат, ёндашувлар ва тажрибалардан оқилона фойдаланиш;

4) бошланғич синф ўқувчиларининг тарбия олиш жараёнини тарбиявий тадбирлар воситасида кучайтиришга эришиш.

Бошланғич таълимда тарбиявий ишларни амалга оширишнинг *иккинчи мақсади* – бошланғич синф ўқувчиларини тарбия олиш, тарбияланиш ва тарбияга кўниктиришдир. Бу иш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

1) бошланғич синф ўқувчиларини турли тарбиявий тадбирлар воситасида тарбия олишга кўниктириш;

2) мазкур тоифа ўқувчиларни тарбиявий тадбирлар асосида тарбияланишини ташкил этиш;

- 3) бу тоифа ўқувчиларни тарбиявий тадбирларга асосан тарбия қилиш;
- 4) тарбиявий тадбирларнинг амалий самарадорлигини ташхислаб бориш.

Бошланғич таълимда тарбиявий ишларни амалга оширишнинг *учинчи мақсади* – бу бошланғич синф ўқувчиларини бутун фаолият давомида тарбия олишга йўналтиришдир. Мазкур йўналтириш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

- 1) мактаб таълими жараёнида тарбиявий тадбирлар асосида бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялаш;
- 2) ўқитувчилар ва ота-оналар ҳамкорлигида тарбиявий тадбирлар ташкил қилиб, ушбу тоифа ўқувчиларни тарбиялаш;
- 3) оила, маҳалла ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда тарбиявий тадбирлар асосида бу тоифа ўқувчиларни тарбиялаш;
- 4) тажрибали педагоглар, мутахассислар ва мактаб жамоаси ҳамкорлигида ташкил этиладиган кластер воситасида тарбиявий тадбирлар билан ушбу тоифа ўқувчиларни тарбиялаш.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Диққат қилинса, бошланғич таълимда ташкил этиладиган тарбиявий тадбирлар муҳим мақсадларни мўлжаллайди ва бу мақсадлар ўзига хос асослар асосида амалга оширилади. Шу сабабли бу мақсадларнинг мазмун-моҳияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари томонидан олий педагогик таълим жараёнида чуқур ўзлаштирилиши керак.

Бошланғич таълимда ташкил этиладиган ва амалга ошириладиган тарбиявий тадбирлар ўзининг муҳим асосларига эга. Бундай асосларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- 1) бошланғич таълимда тарбиявий ишларни ташкил этишда мазкур масаланинг назарий асосларига таяниш;
- 2) бошланғич таълимда тарбиявий тадбирларни ташкил этишда бу жараённинг методологиясига қатъий амал қилиш;
- 3) бошланғич таълимда тарбиявий ишларни ташкил этишда унинг амалий самарадорлигини белгилаб олиш;
- 4) бошланғич таълимда тарбиявий тадбирларни мактаб жамоаси, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳамда жамоатчилик вакилларини хабардор қилган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш.

Эътибор берилса, бошланғич таълимда тарбиявий ишларни ташкил этиш муҳим вазифаларга асосланади. Шу



сабабли бундай вазифаларнинг моҳиятини англашда куйидагиларга эътибор бериш керак:

1) бошланғич таълимда тарбиявий ишларда иштирок этадиган ҳар бир кишининг ўз вазифаси мавжудлиги;

2) бошланғич таълимда тарбиявий ишларни амалга оширишда шахс омилининг ва ўқувчи ҳуқуқининг устуворлиги;

3) бошланғич таълимда тарбиявий ишларни соддадан мураккабликка тамойилига асосан ташкил этиш кераклиги;

4) бошланғич таълимда тарбиявий ишларни ошкоралик, очиқлик ва томонларнинг манфаатдорлиги асосида ташкил этиш лозимлиги.

Буларга амал қилиш бошланғич таълимда тарбиявий ишларнинг вазифаларини тўғри идрок этиш ва унда амалий самарага эришиш имкониятларига эга бўлинади.

“Тарбиявий ишлар методикаси” фанининг мақсад ва вазифалари бошланғич таълимда мазкур таълим босқичининг ҳусусиятларига мос равишда белгиланишига эътибор беринг. Шу сабабли бошланғич таълимда тарбиявий ишларни амалга оширишнинг мақсад ва вазифалари олий педагогик таълим жараёнида педагогик туркумдаги фанлар, “Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитиш методикаси” ҳамда “Тарбиявий ишлар методикаси” ўқув фанларини ўрганиш жараёнида ўзлаштирилади. Бунда педагогик фанлар тарбиявий ишларнинг педагогик қонуниятлари билан қуроллантиради ва таъкидланган икки ўқув фани эса тарбиявий ишларнинг асослари билан таништиради ҳамда бунинг натижасида бўлажак синф ўқитувчиларида тарбиявий ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича касбий компетенциялар таркиб топади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб бошланғич таълимда тарбиявий ишларнинг янги мақсад ва вазифалари бугунги кун талаблари асосида идрок этилади. Мазкур масалалар олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари томонидан ўзлаштирилиши тақозо этилади. Бунинг учун юқорида таъкидланган ўқув фанлари асосида назарий билим, амалий кўникма ва методикани эгаллаши тақозо этилади.

REFERENCES

1. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. // [www. Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. Жабборова О., Умарова З. Бобоходжаева Л. Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция. Дарслик. - Тошкент, 2021.
3. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент, 2010



ТЕОРИИ РАЗВИТИЯ ТАЛАНТА И СПЕЦИАЛЬНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ В ПСИХОЛОГИИ

Шавкат Эркинович Нормунинов

Магистр Термезского государственного университета

АННОТАЦИЯ

Фактом является то, что без процесса активного обучения, подкреплённого определёнными характеристиками, развивающими личность, а также без поощрения соответствующей среды, талант исчезает, не находя применения. Особые склонности, такие как умственные способности, творческие способности, социальные навыки, практический интеллект, артистические способности, музыкальные и психомоторные способности находятся под влиянием различных экзогенных или эндогенных регуляторов, чтобы раскрыться различные области с высокими показателями или нет, такие как спорт, искусство, спорт и т. д. Людям с особым талантом предлагать такие условия работы, которые повышают их шансы на высокую производительность

Ключевые слова: образование, обучение, талант, проблема.

ABSTRACT

It is a fact that without the process of active learning, supported by certain characteristics that develop the personality, and without the encouragement of the appropriate environment, talent disappears without finding application. Special aptitudes such as mental ability, creativity, social skills, practical intelligence, artistic ability, musical ability and psychomotor ability are influenced by various exogenous or endogenous regulators to reveal various areas of high performance or not, such as sports, arts, sports etc. To people with special talent to offer such working conditions that increase their chances of high performance

Keywords: education, training, talent, problem.

ВВЕДЕНИЕ

Существует множество научных подходов, берущихся осветить проблему таланта и способностей, исходящих из разных научных областей. Можно упомянуть те, которые оказали наибольшее влияние на образовательный процесс в международном масштабе.



Современный взгляд на то, что такое талант, возникает из принятия многомерности.

Теоретические идеи разработали такие учёные Донтели, Х. Гарднера, К. Хеллер, Фр. Ганье, Ж. Ренцулли и др. Эти теории основаны на взаимодействии и синтезе различных факторов и не в одномерной интерпретации явления.

Одним из наследий Гарднера является известная цитата: «Не спрашивайте какой умный ребёнок, а в чём он умный». За последние два десятилетия теория множественного интеллекта использовался для продвижения многих программных изменений и преподавания в школьных системах Северной Америки. В своих работах Гарднер утверждал, что традиционные измерения для выявления одарённых учащихся активно поддерживаются в тестах IQ, ориентированных на языковые и логические навыки. К разработке теории множественного интеллекта, школьное обучение все больше отходят от этой теории, что к альтернативному методу обучения подходят способные дети. Тем не менее, это все еще проблема подхода разработок методов, которые могут надежно и достоверно измерять каждый из видов интеллекта.

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Конечно, обсуждение многосмысловых теорий не завершено, как и на общую идею Д. Гоулмана об эмоциональном интеллекте.

В своей книге он резюмирует впечатляющее открытие в понимании мощного влияния у которых есть эмоции в развитии и обучении. Эмоции взаимодействуют для того, чтобы определить, как видит индивид мир, как у личности растёт и продвигается обучение. По словам Гоулмана, человек, который может эффективно использовать свои эмоции, скорее всего, стать успешным и продуктивным гражданином. (А.Т., 2020)

Основываясь на вышеуказанных критериях, Гарднер выделил восемь типов интеллекта:

Лингвистический интеллект. Это касается способности человека эффективно управлять своим общением. Другие, а также устная и письменная речь для достижения определённых целей, таких как информирование, руководство, разъяснение, убеждение и двигаться. Люди с таким типом мышления любят читать, писать и рассказывать истории. Соответственно, эти студенты выделяются в математике лого- и письменное выражение в целом. Любят нарративы,

обличение различных структур и форм речи, скороговорки и каламбуры. Они, скорее всего, будут использовать богатый словарный запас, чтобы легко иметь возможность создавать захватывающие истории и стиль повествования, характеризуется склонностью к языковым играм и в изучении языка. Эти люди подходят для обучения деятельности, которая содержит слова, такие как рассказывание историй, обсуждение, диалектические сравнения. Соответствующие учебные мероприятия, которые включают изучение текста, составление письменных работ, рассказов, финансовых презентаций, резюме, отчётов, декламации, специальные представления и т. д. Это тип интеллекта, который характеризует писателей, журналистов, политиков, и т.п.

Логический интеллект. Это касается способности человека к логическому и систематическому мышлению. Это понимание и использование абстрактных отношений для описания, объяснения и оценка фактов и проблем. Выражение рационального интеллекта теоретических и позитивных наук и ежедневно в комфорт личности для эффективного решения различных задач. Люди с таким типом интеллекта любят экспериментировать, формулировать делать предположения и пытаться их проверить, работать с цифрами и задавать вопросы. Эти ученики выделяются на уроках физики, отличаются аналитическим мышлением и пониманием символических величин и того, как они символически отображаются. Им нравится логическое документирование вещей. Они предпочитают такие игры, как шахматы, склонны формулировать в уравнениях и типах обучения явления, которые они видят вокруг себя, всегда просят своих соседей по комнате доказать они всегда ищут рациональные идеи и процедуры.

Преподавательская деятельность, включающая процедуры, подходит для этих людей, индуктивное, дедуктивное и аналитическое мышление. Соответствующий математический действия, которые включают количественные оценки, математические расчёты, размер, вес, расстояние, время, классификации, обобщения, предположения обоснования, выводы.

Это тип интеллекта, который характеризует учёных, программистов, компьютеры, студенты, детективы и т.д.

Пространственный интеллект. Это касается способности индивидуума воспринимать пространственные, схематические и цветовые образы, точную информацию и создавать с ее помощью мысленные образы, которые затем он может выразить их в архитектурных построениях и визуальных композициях. Он более развит у



тех, кто обладает хорошей остротой зрения и способностью запоминать размеры и формы предметов. Важность пространственного больше, чем обычно признается, как это вместе с языком два основных источника информации.

Люди с таким типом интеллекта любят рисовать, рисовать, проектировать, проектировать, создавать новые вещи, мечтать, смотреть живые фото, смотреть фильмы. Они также умеют решать лабиринты и головоломки, читать карты и графики. Студенты в этом мышлении они являются визуальными типами и выделяются в изобразительном искусстве. Ма- лучше всего они работают, когда задействовано их воображение и когда они работают с цветами и изображения. Эти люди подходят для преподавательской деятельности, которая использует строго надзорные подходы, концептуальные карты и любые другие формы, репрезентации, трёхмерные модели, метафорические образы и т. д. Соответствующая учебная деятельность, включающая моделирование, изобразительное искусство, стручки и т. д.

Это тип мышления, который характеризует архитекторов, декораторов, художников, инженеры, изобретатели, охотники, водители, лётчики, хирурги и т.д.

Кинестетический интеллект. Это касается способности человека использовать тело или части человека, о котором идет речь, выражать идеи, информацию и чувства или создавать полезные тексты или решать задачи. Недавние исследования показали, что кинестетический интеллект не только способствует использованию и отличный инструмент для умственного развития и обучения, организации, которые не перемещаются.

В 1983 году в «Структурах разума» Гарднер сформулировал теорию множественности. Это ставит под сомнение представление об интеллекте как стабильном, которое может быть измерено с помощью теста и включает его теорию в фактические теории. По его словам, интеллект – это состояние умственных способностей, которые различны и независимы, но дополняют друг друга и, таким образом, только позволяют человеку решать проблемы и производить продукцию. Навыки, те, которые участвуют в функции интеллекта, многочисленны и различны. - По Гарднеру, они соответствуют определенным критериям и представляют собой особый тип интеллекта.

Людам с таким складом ума нравится двигаться, прикасаться, использовать язык тела. Студенты выделяются в категориях участие в спортивных мероприятиях и танцевально-театральных представлениях; сопровождать свою речь



документальными жестами и наслаждаться опасными подвижные игры. Эти люди подходят для преподавательской деятельности, которая включает приём работ, строительство, сборка, практическое использование материалов сенсомоторную деятельность в целом. Они соответствуют одному типу виды деятельности. Это тип ума, который характеризует танцоров, спортсменов, художников, ремесленников, актёров, хирургов и т.

Музыкальный интеллект. Он касается способности человека воспринимать, различать и преобразовывать музыкальные формы и выражается в сочинении или исполнении музыкальных произведений. Это тип интеллекта, который развивается с самого раннего возраста. Это тип интеллекта, который характеризует композиторов, музыкантов, а также и тех, кто любит ритм и музыкальность языка.

Внутриличностный интеллект. Это касается способности личности осознавать, различать, называть, контролировать, формировать точный образ себя и тренировать постогнитивный контроль в своих психических функциях. Это способность «знать для него". Люди с таким типом мышления лучше понимают себя, желания, страхи, настроения и используют эту информацию, чтоб регулировать свою жизнь. Способность решать, кем человек хочет быть, какую профессию выбрать, на ком жениться, очень важно для жизни. Эти люди лучше учатся, работая самостоятельно, в своем собственном пространстве, обладают самодисциплиной и могут работать без постоянной поддержки другого лица. Они знают свои пределы, они хорошо относятся к себе, без критики или похвалы без причины, они делают все возможное, даже если не их контролирует.

РЕЗУЛЬТАТЫ

Эти студенты обладают способностью понимать себя и могут работать над отдельными проектами без необходимости постоянной поддержки и поощрение учителя или студенческой группы. Они знают, когда расслабиться, могут контролировать и регулировать сильные негативные состояния настроения, такие как стресс, печаль или раздражительность. Этим людям подходит преподавательская деятельность в виде программ специализированное обучение, а также обучающие мероприятия, направленные на повышение самосознания, саморегулируемое обучение и самоконтроль.

Это тип мышления, который характеризует психотерапевтов, философов.

Межличностный интеллект. Это касается способности личности воспринимать чувства, намерения, настроения и желания других, понимать точку зрения других, понятия, которые перенимают другие, общаться и сотрудничать с ними без постоянного трения. Любой, кто обладает способностью к эмпатии, более чувствителен к расплывчатым сообщениям, которые прямо раскрывают потребности и желания других.

Учащиеся с таким типом мышления предпочитают групповую работу, их принимают сверстники, они берут на себя инициативу в групповой деятельности и выступают посредниками в разрешении межличностных споров. Это тот тип менталитета, который подходит политикам, учителям, менеджерам, психотерапевтам и т. д.

Натуралистический интеллект. Это касается способности человека воспринимать геофизическое пространство, различать флору и фауну, а также различать общие элементы и доминирующие мотивы, такие как объекты и процессы, связанные с социокультурной деятельностью, такие как манера речи, стиль одежды и на их основе определить и классифицировать лиц по группам, из которых они происходят. Это тип мышления, который сильно развит у биологов, ботаников, фермеров, охотников, торговцев драгоценными камнями и т. д. Гарднер утверждает, что другие типы интеллекта более различимы. Уже два новых типа интеллекта, экзистенциальный и духовный, находятся в стадии разработки. (А.Т., 2020)

В теории Д.Мюнхена «мюнхенской модели» «Изящество и талант», помимо интеллекта (лингвистического, математического, технического или другого), исследует и другие параметры, такие как: креативность (подлинность в выражении, ловкость, способность быть гибким и удобным в выражении и т. д.), эффективность в общественных собраниях, организованность, способность брать на себя инициативу и определять отношения между членами группы), музыкальные, художественные навыки, психомоторные навыки, практический интеллект (способность справляться с трудностями повседневной жизни и профессии).

Согласно этой модели, факторы, которые, по сути, определяют потенциал таланта, требуют для его реализации каких-то минимально удовлетворительных условий.

Таким образом, результативность, наблюдаемая в данный момент времени, должна восприниматься как

результат как самого таланта, так и факторов, связанных с поощрительной средой. Отмечается, что упомянутый выше процесс мультивзаимодействия не является статичным, а зависит от среды и возможностей, предлагаемых в рассматриваемом пространстве. Вариант модели, предложенный Зиглером и Перлетом, подчеркивает важность активного обучения для достижения отличных результатов в той или иной области при условии поддерживающего взаимодействия и взаимодополняемости между личностными и личностными характеристиками. Роль среды по-своему расширяет А. Таннебаум, когда говорит о значении «случайных факторов» и той роли, которую они играют в трансформации индивидуального потенциала в поведение, ведущее к успеху, а также к чисто «средовые факторы», которые вместе с «умственными способностями», «особыми способностями» и «неинтеллектуальными факторами» составляют определение харизмы. К. Хеллер и Э. Хани также называют «критические жизненные события», влияющие на эволюцию внутреннего потенциала в успешный или поведенческий. (Д.Э, 2021)

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Таким образом, теории развития способностей влияют на развитие таланта. Фактом является то, что без процесса активного обучения, подкреплённого определёнными характеристиками, развивающими личность, а также без поощрения соответствующей среды, талант исчезает, не находя применения. Особые склонности, такие как умственные способности, творческие способности, социальные навыки, практический интеллект, артистические способности, музыкальные и психомоторные способности находятся под влиянием различных экзогенных или эндогенных регуляторов, чтобы раскрыться различные области с высокими показателями или нет, такие как спорт, искусство, спорт и т. д. Людям с особым талантом предлагать такие условия работы, которые повышают их шансы на высокую производительность.

REFERENCES

1. Творчество: теория, диагностика, технология: Словарь-справочник для специалистов в области образования, инноваций и гуманитарных технологий в социальной сфере / под ред. Т. А. Барышевой. — СПб., 2008. — С. 125.
2. Абдурахманова А. Т.. Деструктивное поведение как проблема адаптации в обществе // Вестник науки и образования. 2020. №7-2 (85).

3. Абдурахманова А.Т. Обзор проблемы обесценивания норм социализации в девиантном поведении / Мир педагогики и психологии: международный научно-практический журнал. 2020. № 04 (45).
4. Нормуминова Д. Э. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОГНИТИВНОЙ ПСИХОТЕРАПИИ ПРИ ТРЕВОЖНЫХ ПСИХИЧЕСКИХ СОСТОЯНИЯХ. //Теория и практика современной науки Учредители: ООО" Институт управления и социально-экономического развития". – №. 12. – С. 193-197.
5. Эфроимсон, В. П. Генетика гениальности (Книга о гениальности Андрея) / В. П. Эфроимсон. — М., 2002.
6. Ellis, H. A study of British genius / H. Ellis. — L.: Constable, 1927.
7. Orowan, E. The origin of man / E. Orowan // Nature. — 1955. — Vol. 175. — P. 683-684.
8. Prokop, L. Die Chromosomen der Sport — Amazonen / L. Prokop // Kosmos. — 1972. — Vol. 68, № 10. — P. 443-446.
9. Максимова, С. В. Творческая активность у лиц с наркотической зависимостью / С. В. Максимова // Вопросы психологии. — 2006. — № 1. — С. 118-127.
10. Ильин, Е. П. Психология творчества, креативности, одаренности: монография / Е. П. Ильин. — СПб.: Питер, 2009. —444 с.
11. Simonton, D.K. Creativity: Cognitive, personal, developmental and social aspects / D.K. Simonton // American Psychologist. — 2000. — Vol. 55. — P. 151-158.



AVTOMOBIL SHINALARINI ISHLAB CHIQRISH VA ESKIRGAN AVTOMOBIL SHINALARINI UTILIZATSIYA QILISH BO'YICHA EKSPERIMENT O'TKAZISH USULI

Qaxramon Xusanboy o'g'li Masodiqov
Sardor Xujamqulov
Jaxongir Xasanboy o'g'li Masodiqov
Farg'ona politexnika instituti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola avtomobil shinalari ishlash samaradorligini oshirishga qaratilgan.

Kalit so'zlar: Shina, component, radial, diogonal, Michelin, Goodyear, Continental, Bridgestone, Kama, Medved.

KIRIRSH

Eskirgan avtomobil shinalarini to'liq ishlatish uchun zarur shart bu ularni alohida komponentlarga ajratishdir:

- protektor;
- yon devor;
- ichki halqa;
- breker qatlamlari;
- asos karkasi.


Har bir komponent alohida-alohida turli tarkibga va tuzilishga ega va bundan tashqari, shinalar ishlab chiqarish juda murakkab va qimmat hisoblanadi. Shina quyidagi asosiy tamoyillariga asoslangan:

- yuqori sifatli rezina;
- kord uchun sifatli matolardan foydalanish;
- ishonchli po'latdan yasalgan ramka;
- plastik yig'ish texnologiyasi;
- yuqori sifatli vulkanizatsiya;
- har tomonlama sifat nazorati.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Shunday qilib, shinalarni ishlab chiqarishda quyidagi sxema qo'llaniladi, jumladan, uchta bosqich: xom ashyoni qayta ishlash, tayyorlash va ishlab chiqarish.

Xom ashyoni qayta ishlash bosqichida rezina aralashmasi yopiq rezina mikserda aralashiriladi. Butun jarayon bosim ostida va avtomatik rejimda yuqori haroratda sodir bo'ladi.



1-sxema. Xom ashyoni qayta ishlash jarayoni

Ekstruderda (shprints yoki vintli press) shinning har bir komponenti lenta (protektor, yon devorlar va boshqa elementlar) shaklida hosil bo'ladi. Ushbu bosqichda aralashmani hosil qilishda qayta ishlangan aralashmalar ham qo'llaniladi va kauchuk aralashma alohida-alohida plastiklashtiriladi va shundan keyingina ular aralashiriladi. Qayta tiklangan aralashmalarni in'ektsiya qilish ancha oson, chunki ular kamroq qisqarishga ega va ularning shakli va o'lchamlarini yaxshiroq saqlaydi. Shu bilan birga, jarayonning tezligi yuqori bo'lib, energiya xarajatlari yuqori bo'ladi.

Aralashtirish bilan parallel ravishda, boshqa texnologik pozitsiyalar to'qimachilik shinalari karkas, boncuk yadrolari va to'xtatuvchini ishlab chiqaradi.

To'qimachilik tolasi shnurga o'raladi va kalendarga kiradi, u yerda murakkab va qimmatbaho usul yordamida har ikki tomondan yupqa kauchuk qatlami bilan yog'lanadi. Matolarni kauchuklash uchun kalendrlar 2 xil:

- ishqalanish, bunda rezina aralashmasi rulonlar orasidagi ishqalanish tufayli matoga surtiladi;

-rezina aralashmasi yupqa qatlam shaklida bo'lgan astar matoga qo'llaniladi va rulonlardan o'tkaziladi.


Kalendarlar, shuningdek, quvursiz shinalarga havo o'tkazmaydigan kauchuk qatlamini qo'llaydi.

Kauchuk po'lat simga ham murakkab tarzda qo'llaniladi. Bu yerda hal qiluvchi omillar qo'llaniladigan kauchuk qatlam

qalinligidagi minimal tebranishlar, ikkinchidan, kauchukning simlar bilan bog'lanishi zarur ekanligini yodda tutish kerak.

To'qimachilik tolasi istalgan uzunlikdagi lentalarga kesiladi va po'lat simlar kengligi bo'ylab kesiladi va tamburga qattiq lenta shaklida o'raladi. Yon uzuk ham rezina qobiq bilan jihozlangan.

Barcha komponentlar silindrsimon shishiriladigan rolik shakliga ega bo'lgan yig'ish tamburiga beriladi. Ikki tomon yon tomondan yaqinlashadi, so'ngra sim ramkaga tortiladi, shundan so'ng tekis tuzilma o'zining oxirgi toroidal shakliga ega bo'ladi. Qattiq qatlamlar siqilgan havo bilan ta'minlanadi.



2-sxema. Shina ishlab chiqarishdagi ishlab chiqarish jarayoni

12-24 atmosfera va 165-200 °C bosim ostida yarim tayyor mahsulot 9-17 daqiqa isitish vaqtida qolipga bosiladi.

Shunday qilib, ishlab chiqarilgan barcha avtomobil shinalar ramkaning radiusli joylashuvi - radial va diagonal - diagonali lastiklarga bo'linishi mumkin.

Radial shinalarda shnur va karkas iplari uchun material sifatida diametri 0,2 mm bo'lgan po'lat sim ishlatiladi. Ushbu turdagi shinalar ham avtomobillar, ham yuk mashinalari va avtobuslarda qo'llaniladi.

Diagonal shinalarda to'qimachilik, neylon, polyester va boshqalar kabi materiallar qo'llaniladi. Bu turdagi shinalar, asosan, past tezlikda harakatlanuvchi transport vositalarida qo'llaniladi.

Shuning uchun, yuqorida ko'rsatilgan Ash turlarini alohida tarkibiy qismlarga ajratish jarayoni boshqacha tarzda amalga oshirilishi kerak.

Yuqorida aytib o'tilganidek, ashni ajratish jarayoni quyidagi algoritmgga muvofiq amalga oshirilishi kerak

- yuvish;
- issiqlik bilan ishlov berish;
- ekstraktor orqali ichki halqani chiqarib olish;
- protektorni ajratish;
- sim va ramka qatlamlarini ajratish (radial shinalar uchun);
- rezina tarkibiy qismlarni maydalash (kauchuklash);
- tayyor mahsulotni yig'ish va qadoqlash.

XULOSA

Shuning uchun eksperimentni o'tkazish usuli quyida keltirilgan ketma-ketlikka ega bo'ladi.

1. Eksperiment uchun namunalar sifatida dunyo va Rossiya ishlab chiqaruvchilarining yetakchi zavodlarining avtomobil shinalari tanlangan: Michelin, Goodyear, Continental, Bridgestone, Kama, Medved.

2. Oldindan tanlangan ashlar yuvish uchun mo'ljallangan uskunalar yordamida yuvilgan.

3. Yuqoridagi barcha tayyorlangan shinalar 120 dan 300 ° C gacha bo'lgan harorat oralig'ida isitiladi. Har bir ash uchun uni tarkibiy qismlarga ajratish uchun zarur bo'lgan harakatlar aniqlanadi. Matematik qaramliklar qurildi.

4. Kord halqasini va Braketni olish bo'yicha sa'y-harakatlar aniqlandi va matematik qaramliklar qurildi.

5. Avtomobil shina rezinalarini alohida qismlarga ajratish.

6. ASH ning kauchuk qismlarini silliqlash to'liq o'lchamdagi o'rnatishda turli o'lchamdagi abraziv donalarga ega bo'lgan abraziv maydalagich orqali amalga oshirildi. Eksperimental ravishda aniqlangan:- oziqlantirish kuchi, H;

- chiziqli kesish vositasi tezligi, sm / min;
- ozuqa miqdori, mm;

7. Olingan rezina chiplarning o'lchamlari (chang) o'lchanadi.

8. Rezina kukunni olish jarayoni optimallashtiriladi.

REFERENCES

1. <https://www.dissercat.com/content/resursosberegayushchaya-tehnologiya-utilizatsii-iznoshennykh-avtomobilnykh-pokryshek>
2. Financial instruments for tires recycling management [Электронный ресурс]. - URL: <http://www.cleandex.ru/articles/2010/06/24/> (дата обращения 15.11.2010).
3. Reuse and Recycling [Электронный ресурс]. — URL: <http://www.ertma.org> (дата обращения 15.11.2010).
4. End-of-Life Tires [Электронный ресурс]. — URL: <http://www.wbcSD.org> (дата обращения 19.10.2010).
5. ГОСТ 8407-2007. Сырье вторичное резиновое. Покрышки и камеры шин [Текст]. — Введ. 01.01.1991. - М. : Изд-во стандартов, 1991.-7 с.
6. Модельный закон об отходах производства и потребления [Электронный ресурс]. - URL: <http://www.docs.cntd.ru> (дата обращения 10.05.2009).
7. Говорущенко, Н.Я. Основы теории эксплуатации автомобилей/ Н.Я. Говорущенко. -Киев: я школа, 1971.-32с.
8. https://elibrary.ru/reg_confirm.asp?userid=4137853&guid=F4948112-1DEE-4E8E-95BB-C4BD188F44B4
9. <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=3&article=108>
10. Мелиев, Ҳ. О., Исмадиёров, А. А., Шермухамедов, А. А., & Эргашев, н. т. (2021). универсал шассили трактор тиркамаси кузов платформасининг легирланган ва оддий углеродланган пўлат материаллардан фойдаланган ҳолда кучланганлик-деформатсияланиш ҳолатини сонли таҳлили. academic research in educational sciences, 2(11), 1107-1113.
11. Шермухамедов, А. А., Эргашев, Н. Т., Мелиев, Ҳ. О., & Исмадиёров, А. (2021). Универсал шассили трактор тиркамаси кузов платформасининг легирланган ва оддий углеродланган пўлат материаллардан фойдаланган ҳолда кучланганлик-деформатсияланиш ҳолатини сонли таҳлили. Academic research in educational sciences, 2(11), 1099-1106.
12. Ismadiyrov, A. A., & Sotvoldiyev, O. U. (2021). MODEL OF ASSESSMENT OF FUEL CONSUMPTION IN CAR OPERATION IN CITY CONDITIONS. Academic research in educational sciences, 2(11), 1013-1019.
13. Сотволдиев, У., Абдубаннопов, А., & Жалилова, Г. (2021). ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СИСТЕМЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ АКСЕЛЕРАЦИОННОГО СКОЛЬЖЕНИЯ. Scientific progress, 2(1), 1461-1466



14. Ismadiyurov, A. A., & Sotvoldiyev, O. U. (2021). MODEL OF ASSESSMENT OF FUEL CONSUMPTION IN CAR OPERATION IN CITY CONDITIONS. *Academic research in educational sciences*, 2(11), 1013-1019.
15. Xusanjonov, A., Qobulov, M., & Ismadiyurov, A. (2021). AVTOMOBIL SHOVQINIGA SABAB BO'LUVCHI MANBALARNI TADQIQ ETISH. *Academic research in educational sciences*, 2(3).
16. Xujamqulov, S. U., Masodiqov, Q. X., & Abdunazarov, R. X. (2022, March). PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE AUTOMOTIVE INDUSTRY IN UZBEKISTAN. In *E Conference Zone* (pp. 98-100).
17. Xujamkulov, S., Abdubannopov, A., & Botirov, B. (2021). ZAMONAVIY AVTOMOBILLARDA QO'LLANILADIGAN ACCELERATION SLIP REGULATION TIZIMI TAHLILI. *Scientific progress*, 2(1), 1467-1472.
18. Meliboyev, A., Khujamqulov, S., & Masodiqov, J. (2021). UNIVER CALCULATION-EXPERIMENTAL METHOD OF RESEARCHING THE INDICATORS OF ITS TOXICITY IN ITS MANAGEMENT BY CHANGING THE WORKING CAPACITY OF THE ENGINE USING THE CHARACTERISTICS. *Экономика и социум*, (4-1), 207-210.
19. Qobulov, M., Jaloldinov, G., & Masodiqov, Q. (2021). Existing systems of exploitation of motor vehicles. *Экономика и социум*, (4-1), 303-308.



JAMOATCHILIK NAZORATI VA UNI TASHKIL ETISHDA YOSHLARNING O‘RNI VA ROLI

Ravshan Aktamovich Ikramov

Chirchiq davlat pedagogika instituti, dotsent

Umidbek Xaitbayevich Adambayev

Chirchiq davlat pedagogika instituti, o‘qituvchi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada jamoatchilik nazorati tushunchasiga g‘arb olimlarining mulohazalari, jamoatchilik nazoratini tashkil etishda davlatning roli, Yangi O‘zbekistonda yangidan qad rostlayotgan mahallalar va ularda yashovchi oilalarning jamoatchilik nazoratini tashkil etishdagi faolligi, mahalla yoshlarning mamlakatda bo‘layotgan siyosiy jarayonlardagi ishtiroki, davlat rahbari tomonidan yoshlarga qaratilayotgan e‘tibor va yoshlarning jamoatchilik nazoratini tashkil etishdagi harakatlari to‘g‘risida mulohazalar berilgan.

Kalit so‘zlar: jamoatchilik, nazorat, jamiyat, mahalla, oila, ijtimoiy tarmoq, yoshlar, davlat, hokimiyat.

ABSTRACT

This article discusses the concept of public control, the role of the state in organizing public control, the activity of newly formed microdistricts and their families in organizing public control in new Uzbekistan, the participation of district youth in political processes in the country. y attention and feedback on the actions of young people in the organization of public control.

Keywords: public, control, society, neighborhood, family, social network, youth, state, government.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается понятие общественного контроля, роль государства в организации общественного контроля, активность новообразованных микрорайонов и их семей в организации общественного контроля в новом Узбекистане, участие районной молодежи в политических процессах в стране. y внимание и отзывы о действиях молодежи в организации общественного контроля.



Ключевые слова: сообщество, контроль, общество, соседство, семья, социальная сеть, молодежь, государство, власть.

KIRISH

G'arb olimlarining qarashlarida jamoatchilik nazorati aksariyat hollarda biror bir sohada amalga oshiriladigan nazoratni anglatadi. Jumladan, amerikalik sotsiolog Travis Xirski (Travis Hirschi) jamoatchilik nazoratini, asosan, jinoyatchilikning oldini olish va unga qarshi kurash nuqtai nazaridan talqin qiladi. Unga ko'ra, ijtimoiy so'rovlar jamoatchilik nazoratini shakllantiradi va aksilijtimoiy xarakterga ega bo'lgan xatti-harakatlarni tartibga soladi. Charlz Kuley (Charles Horton Cooley) ham mazkur fikrni davom ettirgan holda, jamiyatdagi illatlarni bartaraf etishda jamoatchilik nazorati muhim o'rin tutishi, mavjud huquqbuzarliklarning oldini olishda u samarali xizmat qilishini ta'kidlaydi. Bu hodisa jamiyatda o'ziga xos raqobat muhitini vujudga keltirishi bilan birga, o'ziga xos tarzda ijtimoiy vijdonni shakllantirishga ham xizmat qiladi[1].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Jamoatchilik nazoratini amalga oshirishda Davlatning roli juda muhim sanaladi, nazorat obyektini davlatning o'zi bo'lsa ham, davlat umummilliy manfaat nuqtai nazaridan jamoatchilik nazoratiga yo'l bermasa, uning samara berishi qiyin.

Yangi O'zbekistonda yangidan qad rostlayotgan mahallalarimiz ijtimoiy va madaniy-ma'naviy hayotida tub o'zgarishlar ro'y bermoqda. Ular faoliyatining huquqiy jihatlari oshirildi, tashqi dunyo bilan aloqalari yanada mukammallashdi, jamiyatimiz islohotlarini amalga oshirishning ishonchli tayanchi va ta'sirchan vositasi sifatida shakllana boshladi.

Insonning butun umri o'tadigan fuqarolar o'zini o'zi boshqaruvining muhim jamoatchilik organi - mahalla bo'lib, uning o'ziga xos xususiyati shundaki, unda yashovchi har bir oila, shaxs shu ahil jamoa ko'z o'ngida shakllanadi, har bir fuqaroning hayot tarzi, uning nimaga qodir yoki muhtojligini mahalladan ko'proq biladigan idora yo'q. Har bir kishi va uning oilasiga qo'shnilari va mahallasi beradigan baho eng xolis bahodir. Turmush bilan bog'liq har qanday tadbir mahallasiz o'tmaydi.

Azaldan xalqda "Bir bolaga yetti qo'shni ota-ona" degan maqol yuradi. Ushbu maqolni hayotiy olib qaraydigan

bo'lsak, haqiqatdan ham mahalladagi har bir bolaning yaxshi inson bo'lib yetishi, o'qishi va biror kasbni tanlashida mahallada yashovchi oilalar, qo'ni-qo'shnilarning o'rni beqiyos.

Hammamizga ma'lumki Respublikamiz aholisining 64 foizini – 30 yoshgacha bo'lgan yoshlar tashkil etadi. 2021-yilda bo'lib o'tgan O'zbekiston Prezidenti saylovida 6 million 993 ming 924 nafar (qariyb 33 foiz) 30 yoshgacha bo'lgan yoshlar ishtirok etishgan. Shulardan 880 ming 155 nafar yoshlar O'zbekiston Prezidenti saylovida ilk marotaba o'zining saylov huquqidan foydalanishgan.[2] Bu mamlakat yoshlarinig siyosiy tafakurga ega va o'z kelajagini oldindan ko'ra bilishidan darakdir.

Muhtaram Prezidentimiz tomonidan O'zbekistonda amalga oshirilayotgan pragmatik, ochiq-oshkorlikka asoslangan yangi bosqichdagi islohotlar samarasi tufayli, jamiyatimizda jamoatchilik nazoratining ham ta'sir doirasi sezilarli ravishda kuchaydi. Ayniqsa, ijtimoiy tarmoqlarda yoshlar tomonidan davlat organlari va ularning rahbar-mutasaddilari xatti-harakatlariga nisbatan bildirilayotgan munosabat tufayli ko'plab kamchilik va muammolar, qonun buzilish holatlariga chek qo'yilayotganini alohida e'tiborga olish lozimdir.

Yoshlar bilan ishlashning yangicha boshqaruv mexanizmlarini joriy etish, ular bilan ishlashning vertikal tizimini yaratish, yoshlar muammolarini bevosita mahallalarda hal etish, ta'lim muassasalarida ma'naviy-ma'rifiy va tarbiyaviy ishlarning samaradorligini yanada oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Mahallalarda yoshlar bilan ishlash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Qarorga muvofiq har bir mahallada yoshlar yetakchisi lavozimi joriy etilib, quyidagilar ularning asosiy vazifalari etib belgilandi:

- "Yoshlar balansi"ni shakllantirish, yoshlar to'g'risidagi zarur ma'lumotlarni "Yoshlar daftari" va "Yoshlar portali" elektron platformalariga kiritib borish, ular bilan samarali ish tashkil qilish;

- mahallalarda yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish, milliy xalq o'yinlari va sport turlarini yoshlar orasida ommalashtirish, Besh muhim tashabbus loyihalari, yoshlar festivallari va boshqa madaniy-ma'rifiy tadbirlarni amalga oshirish; yoshlarning ijtimoiy faolligini oshirish, iqtidori, iste'dodi va tashabbuslarini rag'batlantirish hamda hayotda o'z o'rnini topishlariga ko'maklashish;

- yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash hamda ularning intellektual jihatdan kamol topishini va ma'naviy rivojlanishini ta'minlash;

- huquqbuzarlik sodir etishga moyilligi bo'lgan yoshlar bilan tizimli ishlash, jazoni ijro etish muassasalaridan ozod qilingan, ixtisoslashtirilgan o'quv-tarbiya muassasalaridan qaytib kelgan yoshlarning ijtimoiy-pedagogik rehabilitatsiya qilinishi va moslashuviga ko'maklashish[3].

Yetakchilar o'ziga birlashtirilgan mahallalarda faoliyatini madaniyat va san'atni targ'ib qilish, sog'lom turmush tarzi va sportni ommalashtirish, axborot texnologiyalaridan samarali foydalanishni tashkil qilish, ma'naviyat va kitobxonlikni targ'ib qilish, vatanparvarlik ruhida tarbiyalash va huquqiy savodxonlikni oshirish, tadbirkorlik g'oyalarini qo'llab-quvvatlash kabi asosiy yo'nalishlarda amalga oshiradi. Bu orqali mahalla yoshlarida ma'naviy-madaniy, siyosiy-iqtisodiy, huquqiy ong shakllanadi hamda davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining "Yoshlarga oid davlat siyosatini" mahallabay tizimda qay tartibda amalga oshirilishi yuzasidan mahalla yoshlarning jamoat nazoratini o'rnatilishiga zamin yaratadi.

XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, Yangi O'zbekiston yoshlari o'z oldilariga qo'ygan maqsadlari sari olg'a qadam tashlamoqdalar. Mamlakatning yuksalishida yoshlar jamoatchilik nazoratining asosiy quroli bo'lmish qonun asosida davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining qonunlarga qay tarzda amal qilayotgani va ularni qanday ijro etayotgani yuzasidan jamoatchilik nazorati o'rnatadilar hamda bu jamoatchilik nazoratining xulosalari ijro hokimiyatining faoliyatini tanqidiy ko'rib chiqish, xatolarni tuzatish, xalqchilikni ta'minlashga xizmat qiladi.

REFERENCES

1. Babajanov Sarvarbek Bekpulatovich, (2022). Jamoatchilik nazorati – davlat boshqaruvini demokratlashtirishning huquqiy asosi. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), pp-40.
2. <https://www.gazeta.uz/oz/2021/09/06/electorate> O'zbekistondagi saylovchilarning qariyb 33 foizini yoshlar tashkil etadi.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 19.01.2022 yildagi PQ-92-son. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 20.01.2022-y., 07/22/92/0046-son
Umidbek Adambayev. (2021) Faith – the conception of belief and steps to develop it / *Actual problems of modern science, education and training*. – pp. 96-100.



4. Umid Adambayev. (2021). Milliy o'zlikni anglash millat taraqiyotining poydevori // Scientific progress. – pp. 1858-1862.
5. Адамбаев Умидбек Хаитбаевич. (2022) Ишонч–эътиқодни шакллантиришда урф-одат ва анъаналарнинг таъсири // Scientific progress. – pp. 348-351.
6. Умидбек Хаитбаевич Адамбаев, Дустмурод Э. (2022) Экологик маданият ва уни шакллантириш // Academic research in educational sciences. – pp. 125-134.
7. Umidbek Xaitbayevich Adambayev, Sirojiddin U. (2022) Navro 'z bayrami va uning etnomadaniy ahamiyati. Academic research in educational sciences. – pp. 175-177.
8. Умидбек Хаитбаевич Адамбаев. (2022) Ишонч-эътиқодни шакллантиришда аргументлашнинг ўрни // Academic research in educational sciences. – pp. 898-905.
9. Adambaev U. (2021). Confidence-nonverbal methods of argumentation in the formation of the verb // Экономика и социум. – С.18-21.



БРАХМАНИЗМ ИБТИДОСИ. АТМАН ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ВА ДИНИЙ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Тимур Абдувалиевич Мадалимов

Тошкент давлат транспорт университети таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Мақолада қадимги Ҳиндистонда шаклланган Брахманизм эътиқоди ҳамда ундаги Атман тушунчасининг моҳияти фалсафий ва диний талқини кўрсатилиб ўтилган.

Калит сўзлар: атман, видхи, варна, упанишад

КИРИШ

Брахман тушунчасининг пайдо бўлиши милоддан аввалги VIII-VII асрларга бориб тақалади. Ведалардаги ҳар бир самхита маълум бир Брахманга эгадир. Брахман (ब्रह्म) тушунчаси “муқаддас сир”, “ибодат”, маросимлар ва ибодатлар бўйича мутахассис деган маънони ҳам англатади. Брахманнинг моҳияти анъанавий тарзда видхи (विधि)-қонунлар, артхавада अर्थवाद-талқиндан иборат. Унда дастлаб маросимларни ўтказиш қоидалари ва маросим шарҳлари тушунтирилади. Юқорида айтилганидек ҳар бир веда ўз Брахманига эга. Масалан: Ригведада-Айтарея Брахман ёки Каушитака Брахман, Самаведада эса Таньдя Маха-Брахман, қора Яджурведада –Тайттирия Брахман, оқ Яджурведа-Шатапатха Брахман. Ҳинд фалсафасида Худо Брахман ҳукмронлик қилган давр Ҳиндистонда Брахманизм даври деб аталади. Бу даврга келиб, Ведаларнинг муқаддас қадриятлари эскирган давр сифатида қаралган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Айрим ҳиндшунос олимларнинг таъкидлашича, барча ўзгаришлар сабаби деб жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ўзгариши деб қаралади. Хусусан Костюченконинг таъкидлашича Ҳиндистонда Брахманизмнинг пайдо бўлишидан то Упанишадларнинг вужудга келишигача бўлган давр (милоддан аввалги I минг йиллик ўрталари) ҳинд диёрида ибтидоий жамоа тузуми ўрнига илк синфий жамият пайдо бўлади. Темир асрига ўтиб техникаларнинг ривожланиши, шаҳарларнинг цивилизациялашувига олиб келди. Бу даврда варналарнинг шаклланиши ниҳоясига етаётган эди. Буларнинг барчаси дин орқали ўз аксини



намоён қилаётган эди. Айниқса бу маросимларда ўз ифодасини топаётган эди. Қиммат ва дабдабали маросимлар Браҳманларнинг асосий даромад манбаигина бўлиб қолмай, аста-секин уларни ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаб бораётган эди. Рухонийлар томонидан маросимлар пухта ишлаб чиқилган бўлиб, унда асосий эътибор қурбонлик қилишга қаратилган эди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Брахманларда космогония биологик характерга эга бўлган, шунинг учун дунё ва ҳаёт аллақачон йўқ бўлиб кетган. Браҳманлар эса қурбонлик келтириб, борлиқни қайтиб тиклашган. Э. Мирчанинг таъкидлашича Веда худолари Браҳманларда эътиборга олинмаган ёки қурбонлик пайтлари иккинчи даражали деб топилган. Энг биринчи худо Праджапати қурбонликдан кейин пайдо бўлади. Кейин Пуруша билан танишади. Қурбонлик нафақат Праджапатини тиклайди балки дунёнинг мавжудлигини тиклайди. У орқали ягона моҳият субстанция- Атманни вужудга келтиради. Қурбонлик қилишдан асосий мақсад ҳам – моҳият(атман)ни тиклашдир. Қурбонлик даврида қурбонлик берувчининг руҳий ва жисмоний фаолияти бирлашиши керак. Улар натижасида Атман ҳосил бўлади ва боқийликка эришади.

Айтарая Браҳманда борлиқнинг асоси сифатида –олов тушунилади. Барча нарса оловдан пайдо бўлган ва оловга қайтиб кетади. Аммо ушбу манбаада Браҳманнинг космогоник функциялари эслаб ўтилади. “Тайтириябраҳманда” ғоя Браҳман билан идентификация қилинади. Қизиқ бир жиҳати борки, дастлаб худо Праджапати бутун оламнинг асоси сифатида қаралган, бироқ кейинчалик Браҳманнинг персонификациялашуви уни Праджапатига тенглаштирилади. Кейинчалик эса уни(Браҳманни) унданда устун қўйишади. Натижада Браҳман оламнинг бирламчи сабаби ва ўз-ўзини ташкил этувчи(Сваямбху) сифатида қаралган.

Браҳман муаммоси ҳақида Э. Мирча хулосасига кўра Праджапати ва хонадон ўчоғи, Ригведага таққосланган. Ригведа матнлари эса шу ўчоқнинг гиштларига таққосланган.

Э. Мирча хулосалари жуда муҳимдир, чунки унда бир томондан Пуруша Браҳман билан айнанлаштирилган, иккинчи томондан Атман ва Браҳманнинг ўзаро тенглиги ҳақида фикр юритилган. Праджапати ва Атман ўзаро айниятдир. Улар иккаласи турли моддалардан қайта тирилган. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш даркорки, бу асотир Атманни қайта тирилиш учун энг яхши намуна сифатида қаралган.

Брахманларда энг олий билим атманни билиш билан тушунтирилади. Шатапатхе Браҳманда эса ғоя бирламчи асос сифатида қаралади. Ушбу бобда нутқ, нафас, кўриш, эшитиш, ҳаракат, олов, билим ўзликни намоён бўлиши орқали тушунтирилади. Шунинг учун атман барча нарсаларнинг субстанцияси сифатида қаралади. Шундай фикрни илгари суриш мумкинки, атман тушунчаси жон тушунчасига нисбатан анча кенгроқ саналади. Шундай қилиб, Браҳманларда атман инсоннинг ички моҳияти сифатида қаралади. Нафас олиш эса ҳаётнинг бирламчи воситаси сифатида қаралган.

Брахманизмда энг эътиборли жиҳати шундаки, унда руҳнинг ўлими ҳақидаги тушунчалар ўзгачадир. Масалан ҳиндшунос В.Г. Эрманнинг таъкидлашича, Браҳманларда аллақачонлардир дунёқарашни ривожлантириш учун энг муҳим бўлган “қайта ўлим” тушунчаси мавжуд эди. Такрорий ўлимда шахс ҳақиқатга эришиши лозим, ҳаттоки у абадийликка ҳам эришиши мумкин, бунинг учун у Браҳманизмдаги барча маросимларни амалга ошириши лозим. Бу фикрлар Упанишадлардаги инсоннинг ўлимдан кейинги тақдири ва карма қонунлари ҳақидаги таҳминини юзага келтиради.

ХУЛОСА

Радхакришнаннинг айтишича, брахманизмда келажак ҳақида яқдил назария мавжуд эмас. Аждодлар тариқати ва дева лар йўли бир-бири билан фарқланади. Қайта туғилиш бу ёвузликдан қочиш деб эмас аксинча эзгу неъмат сифатида қаралади. Бу баъзи илоҳий сирларни билиш сифатида ҳадья сифатида ваъда қилинган. Абадийлик осмонда худонинг олдида амалга ошади деб таҳмин қилинади. Махсус қурбонликлар инсонни худога етказишга ёрдам беради. Ҳаттоки, юлдузлар ҳам мурдалар қабристони ҳисобланади. Браҳманизмда боқийликка ҳеч бўлмаса узоқ умр кўриш учун ҳам қурбонлик қилиш зарурдир. Агар инсон узоқ умр кўрмаса ёки жаннатга тушмайдиган бўлса демак у кам қурбонликлар қилмаган ёки бўлмаса маросимлар ўз вақтида бажарилмаган. Агар инсон қурбонлик қилса уни овқатга муҳтожлиги бўлмайди. Тақвадорлик эса инсоннинг кейинги ҳаётда туғилиши – энг олий мукофот сифатида қаралган. Браҳманизмда бу ҳаётдан бошқа ҳаёт борлиги унинг ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқ. Браҳманларда қайта туғилиш ҳақидаги таълимотини ривожлантириш учун барча шароитлар мавжуд эди. Упанишадларда бу фикр тизимлаштирилган ва қайта туғилиш тўғрисида таълимотини яратишди. Гарчи карма ва қайта туғилиш ҳақидаги таълимотлар орийларнинг рационал маҳсули бўлсада, лекин



инсон руҳининг ҳайвонларга кўчиб ўтиши ҳақидаги дастлабки стихияли ғоялар маҳаллий аҳолида мавжуд бўлганлигини инкор этиб бўлмайди.

REFERENCES

1. Rgveda-Samhita. Calcutta. 1933.
2. Атхарваведа (Шаунака): в 3 т./Пер. с вед. Г.Я.Елизаренковой; Ин-т востоковедения./ Т.1:кр.1-У11. - М.: Вост. лит., 2005. - 573 с.
3. Атхарваведа. Избранное. 2-е изд. - М.: Восточная литература РАН, 1995.-406 с.
4. Ашвагхоша. Жизнь Будды / Ашвагхоша. Драмы / Калидаса; Пер. К. Бальмонта; Введение, вступ. статья, очерки, науч. ред. Г. БонгардЛевина. - М.: Худож. лит., 1990. - 573 с.
5. Раматов, Ж. С., & Баратов, Р. У. (2018). Новый подход в системе высшего образования в Узбекистане. *Психология, социология и педагогика*, (4), 1-1.
6. Отамуратов, С., Хусанов, С., & Раматов, Ж. (2002). Маънавият асослари. *Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент*.
7. Раматов Дж., Иноков К., Исмаилова С. и Худойкулов С. (2021). ТРЕБОВАНИЯ ОБРАЗОВАНИЯ МОЛОДЕЖИ С АКТИВНЫМ ГРАЖДАНСТВОМ. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2 (05), 1-3.
8. Раматов, Ж. С. (2021). ФИЛОСОФСКОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ И ЕГО РОЛЬ В ВОСПИТАНИИ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЕЖИ. *Проблемы педагогики*, (1 (52)), 16-17.
9. Раматов, Ж. С. (2021). БАРКАМОЛ ВА СОҒЛОМ АВЛОД–ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИНГ ПОЙДЕВОРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
10. Раматов, Ж. С., & Баратов, Р. У. (2018). НОВЫЙ ПОДХОД ПОДГОТОВКИ КАДРОВ С ВЫСШИМ ОБРАЗОВАНИЕМ В УЗБЕКИСТАНЕ: ПЕРСПЕКТИВА И ИННОВАЦИИ. *Теоретические и прикладные науки*, (4), 89-91.

O'QUVCHILARNING DISKURS (OG'ZAKI NUTQ) KO'NIKMASINI RIVOJLANTIRISHGA OID METOD VA TEXNOLOGIYALAR

Omila Odilovna Yuldasheva

Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti
omilayuldasheva9@gmail.com

Umida Kamolovna Nasirova

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti PhD

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada og'zaki nutqni faollashtirish usullari tasvirlangan, og'zaki va nutq ko'nikmalarini, xususan, o'quvchilarning nutq qobiliyatlarini shakllantirishning samarali vositalari tasvirlangan. Ingliz tili darslarida umumta'lim maktablari o'quvchilarining og'zaki nutq ko'nikmalarini shakllantirishga qaratilgan nazariyalar keltirilgan.

Kalit so'zlar: og'zaki nutq, kommunikativ kompetensiya, interaktiv usullar, pedagogik texnologiyalar, ijodiy faoliyat

ABSTRACT

This article describes methods of activating oral speech, describes effective means of shaping verbal and non-verbal skills, especially students' speaking skills. Theories in English lessons are aimed at shaping the oral skills of secondary school students.

Keywords: oral speech, communicative competence, interactive methods, pedagogical technologies, creative activity

KIRISH

Insonlar bir-biri bilan uzluksiz muloqotda va o'zaro munosabatda bo'lgan ijtimoiy mavjudotdir. Shu sababli, o'quvchilarga xorijiy tilda haqiqiy muloqot qilishlari mumkin bo'lgan vaziyatlarni rivojlantirish muhimdir. Ushbu fikrni qo'llab-quvvatlaydigan dalil Bygate [1]da keltirilgan: "Bizning o'quvchilarimiz o'zlarining eng asosiy operatsiyalarini amalga oshirish uchun ko'pincha ishonch bilan gapira olishlari kerak. Bu ularni eng ko'p baholaydigan mahorat va ular orqali do'stlar orttiradi yoki yo'qotadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Umumta'lim maktabining katta bosqichida o'quvchilarning og'zaki nutqini rivojlantirish muammosi tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda, chunki nutq ta'lim maqsadi aloqa vositasi sifatida ishlaydi. Bugungi kunda zamonaviy maktabning maqsadi o'quvchilarning ko'p madaniyatli shaxsini shakllantirishdan iborat bo'lib, bu ularning chet tili haqida ma'lum miqdordagi bilimlarni egallashini, nafaqat tushunish, balki unda erkin muloqot qilish qobiliyatini shakllantirishdan iborat. O. A. Biryukova va D. V. Semenovalar ta'kidlaganidek, "Zamonaviy metodologiya fanida monolog va dialogik shakllarda o'z og'zaki nutqini yaratish qobiliyatini shakllantirish chet tilini o'qitishning asosiy maqsadi sifatida belgilanadi va chet tili tushunchasi orqali ifodalanadi. Ma'lumki, kommunikativ kompetentsiya juda murakkab ko'p komponentli tuzilishga egadir". [1]

Og'zaki nutq samarali jarayon sifatida talabadan ko'p vaqt va kuch talab qiladi, chunki u til, nutq va kommunikativ kompetensiyalarni ham qamrab olishni talab qiladi. Kommunikativ faoliyat turi sifatida u har bir darsning ajralmas qismi bo'lishi kerak. [2]

O'quvchilarga chet tilini o'rgatishning asosiy maqsadi - umumevropa til kompetensiyasi shkalasi bo'yicha bilishning chegara darajasiga mos keladigan asosiy nutq tuzilmalariga ega bo'lishdir. Nutqni o'rgatish umumta'lim maktabining yuqori bosqichidagi o'quvchilarning haqiqiy ehtiyojlari va qiziqishlariga javob beradigan mavzularga asoslanadi.

O'quvchilarning o'zaro munosabatini rag'batlantirish uchun ijobiy muhit yaratish muhimdir. Bunday muhitda ular xato qilishdan qo'rqmasdan o'z fikrlarini, his-tuyg'ularini va fikrlarini ifoda etishlari mumkin. Talabalar kommunikativ vazifalarni ham samarali bajara oladilar. Uillis (1996) ta'kidlashicha, past stress muhitini yaratish va tildan haqiqiy maqsadlarda foydalanish mazmunli muloqotga erishish yo'lidir va o'zaro ta'sir orqali o'quvchilar nutq ko'nikmalarini egallash imkoniyatiga ega bo'ladilar. Uillis, shuningdek, tilni samarali o'rganish uchun ta'sir qilish, foydalanish va motivatsiya kabi muhim shartlarni ta'kidlaydi. Tilga bunday nuqtai nazardan kelib chiqqan holda, vazifaga asoslangan ta'lim kommunikativ faoliyatni loyihalashda va og'zaki nutqni rivojlantirish va takomillashtirishda ko'plab afzalliklarni beradi.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Talabalarning muloqotini osonlashtirish uchun nutq faoliyatining ushbu turining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga



olish kerak, masalan, motivatsiya, maqsadlilik, faollik, shaxsning shaxsiyati va aqliy faoliyati bilan bog'liqlik, evristika, mustaqillik, sur'at va situativlik. Agar muloqot uchun maqsad va motivlar mavjud bo'lsa, muloqot ishtirokchilarining o'ziga xos xususiyatlari, ularning yoshi, rivojlanish darajasi hisobga olinsa, har qanday nutq vaziyati doirasidagi muloqot akti, albatta, amalga oshiriladi.

Ko'pgina ingliz tili o'qituvchilari og'zaki nutq ko'nikmasini rivojlantirish darslarida "talabalarning jimligi" muammosiga duch kelishadi. Buning oldini olish uchun zamonaviy pedagogik texnologiyalar ta'lim-tarbiyaviy vaziyatni shunday o'zgartirishni taklif qiladiki, o'qituvchi "bahssiz hokimiyat"dan e'tiborli va manfaatdor suhbatdoshga, bilish jarayonida sherikga aylanadi.

O'qituvchining vazifasi o'quvchilarning muloqotini osonlashtiradigan ta'lim-tarbiyaviy ikki tilli vaziyatlarni yaratishdir. O'quvchilarning og'zaki nutqini faollashtirishning eng yaxshi usullari - bu odamning o'zaro ta'siri, ya'ni interfaol texnikasi.

Interfaol ta'lim o'quvchilar va o'quv muhitining o'zaro ta'siriga asoslanadi, bu tajriba sohasi bo'lib, odamlarning munosabatlari va o'zaro ta'siri psixologiyasiga asoslanadi. Bunday trening bilishning birgalikdagi jarayoni sifatida qaraladi, bunda bilimlar birgalikdagi faoliyat jarayonida dialog, polilog orqali olinadi". [3]

Bundan kelib chiqadiki, bu usullar o'quv jarayoni subyektlarining "tengdoshga" darajasidagi o'zaro ta'sirini o'z ichiga oladi, bunda o'qituvchi va sinf ishtirokchisi bir jamoaning bir qismi bo'lib, ular bir maqsadga erishish uchun ishlaydi.

S. B. Suvorova kommunikativ funktsiyalarga asoslangan interfaol o'qitish usullarining o'ziga xos tasnifini taklif qiladi. Ushbu tasnifda barcha usullar uch guruhga bo'linadi:

- 1) muhokama (dialog, guruh muhokamasi, hayotiy vaziyatlarni tahlil qilish va tahlil qilish);
- 2) o'yin (didaktik o'yinlar, ishbilarmon o'yinlar, rolli o'yinlar, tashkiliy va faoliyat usullari);
- 3) interfaol usullarning psixologik guruhi (sezgir va kommunikativ trening, empatiya) [3]

Shuni ta'kidlash kerakki, interaktiv o'zaro ta'sirni o'rgatish ingliz tili darslarida hayotdan olingan o'quv materialidan foydalanishni talab qiladi, bu to'g'ri tashkil etilgan sharoitda o'rganilayotgan tilda tabiiy muloqotga yordam beradi. Interaktiv o'zaro ta'sir holatlarini yaratish uchun talabalar har qanday vaziyatda o'zlarini tasavvur qilishlari kerak bo'lgan vazifalar bilan ishlashni cheklashni istisno qilish kerak. Aksincha, topshiriqlar

maqsadga muvofiq bo'lib, ularning matni interaktiv o'zaro ta'sirga bo'lgan ehtiyojni o'z ichiga oladi. Bunday vazifalar shunday tuzilganki, ularni mustaqil ravishda bajarish mumkin emas.

XULOSA

Til sohasida chet tilini kommunikativ metodika bilan o'qitishdan maqsad nutq vaziyati doirasida chet tilida muloqotni og'zaki va yozma shaklda o'rgatishdir.

Ma'lumki, og'zaki-nutq muloqotining usuli - bu nutq. Maktabda nutqqa o'rgatishdan maqsad o'quvchilarda turli vaziyatlarda og'zaki muloqot qilish qobiliyatini rivojlantirishdan iborat.

Ijodiy faoliyat ijodiy xususiyatga ega bo'lgan faoliyat jarayonida rivojlanadi, bu o'quvchilarni o'rganishga va hayratga solishga, nostandart vaziyatlarda yechim topishga majbur qiladi.

Agar talaba gapirishni, o'qishni, chet tilidagi nutqni eshitishni, yangi narsalarni o'rganishni yaxshi ko'rsa, unda "chet tili" faniga qiziqish borligini aytishimiz mumkin va ma'lum bir muvaffaqiyatga erishish uchun sharoitlar yaratilgan.

Ingliz tilini bilishdan tashqari, talabalar o'zlarining shaxsiy xususiyatlarini rivojlantirish, kelajakdagi kasbiy faoliyati va kundalik hayotda boshqa odamlar bilan muloqot qilish uchun zarur bo'lgan ko'nikmalarni shakllantirish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

REFERENCES

1. Viryukova O.A. Обучение говорению в вузе методом интервью на уроке английского языка, 2017
2. Brown, D. (1994). Teaching by principles: An interactive approach to language pedagogy. New Jersey: Prentice Hall Regents.
3. Bygate, M. (1987). Speaking. New York: Oxford University Press.
4. Starodubtseva O.G. Виды упражнений для формирования лексических навыков устной речи в неязыковом вузе, 2013
5. Suvorova N.A. интерактивное обучение новым подходам, 2005

XIX АСРНИНГ БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ЭТНОПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

У. Х. Адамбаев

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

С. З. Утегенова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тадқиқотчи бугунги куннинг энг муҳим масласи бўлган таълим-тарбия жараёни XIX асрнинг бошларида Туркистонда жадидчилик ҳаракати мисолида кўриб чиққан ҳамда ўша йиллари ҳаракат аъзоларининг этнопедагогик қарашларининг асосий жиҳатдан таҳлил қилиб унинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида қисқача мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: жадид, маърифат, ватан, жамият, таълим-тарбия, педагогика, маданият, мафкура, мерос.

ABSTRACT

In this article, the researcher examines the most important issue of the educational process at the beginning of the 19th century on the example of the Jadid movement in Turkestan, and also briefly analyzes the ethnopedagogical views of the movement of those years.

Keywords: Jadid, enlightenment, motherland, society, education, pedagogy, culture, ideology, heritage.

КИРИШ

Педагогика тарихи қадим замонлардан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган турли тарихий даврларда тарбия мактаб ва педагогика назарияларининг тараққиётини даврлар талаби асосида ўрганилиб келинмоқда ва ўрганилган. Ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш назарияси билан амалиёти қандай қилиб тараққий этганини билмай туриб, келажак ёш авлодни ҳар томонлама қамол ва фозил фарзанд этиб тарбиялаш масалалари долзарб ва муҳим ҳисоблай олмаймиз, амалиётда ҳам тадбиқ эта олошимиз учун чуқур ўрганиб изланишимиз даркор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Миллий тафаккурнинг



шаклланиши мохият эътибори билан озодликни қўлга киритиш билан баробардир”. Зотан, шахс ўзлигини англамас экан, у мустабиддир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XIX аср бошларида бир қанча маърифатпарвар мударрислар Бухоро шаҳридаги 200 га яқин мадрасани ислох қилишгояси билан чиқдилар. XIX аср охири XX асрнинг бошларида Туркистонда чор мустамлакачилигининг кучайиши натижасида Марказий Осиёнинг кўп жойларида жади́дчилик ҳаракати кучайиб кетди. Бу ҳаракат мавжуд жамиятнинг ижтимоий-маданий асосларини қайта қуришга қаратилган сабабли эски тузум, эски турмуш, эски мактаб тарафдорларининг кучли қаршилигига дуч келди. Бу қарши куч вакиллари кадимё кадимчилар деб аталган булса янги хаёт шабадаларни олиб келишга уринган кишилар эса “Жадид” ёки “Жадидчилар” деган ном олдилар. Шу тариқа асримиз бошларида жади́длар ва жади́дчилик ҳаракати юзага келди. “Жадид” сўзи арабча сўзбўлиб “янги” деган маънони билдиради. Жади́дчилик жамиятни тўнтариш ўли билан эмас балки ислохотлар йўли билан ривожлантришни ўзининг асосий вазифаси деб белгилади. Жади́длар учун илм ва маърифат ягона қурол бўлиб улар шу қуролёрдами билан улкада ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт учун курашмоқчи бўлдилар. Унинг асосчиси Исмоилбек Гаспирали ҳисобланади. И.Гаспирали айтганидек: *“Инсоннинг оти булмаса узи хам йук демакдир шунингдек тили булмаган инсон хам соковдир”* [1, 255]. Гаспиралининг ғоялари Марказий Осиёга кенг тарқалди. Жади́дчилар ҳаракатининг даргалари мактаб маориф соҳасида жуда катта тарғибот ишлари олиб боришдилар. Булардан ташқари яна унлаб янги усул мактаби асосчилари ва жади́дчилик ҳаракатининг намоёндалари томонидан кўплаб дарслик дастур кулланма газета ва журналлар нашр этилди. Марказий Осиё жади́дчилиги хақида гап кетганда буни Бехбудий Мунаввар Қори Фитрат С.Айний Исхокхон Ибрат Шақурий каби унлаб маърифатпарвар илм даргаларининг фаолиятисиз тасаввур қилиб булмайдди аксинча улар хақида гап кетганда жади́дчиликнинг четлаб утиб булмайдди.

Шарқ халқларининг маънавий хаётида мактаб-маорифида чинакам тўнтариш ясаган туркий кавмларнинг чинакам ифтихори булган Исмоилбек Гаспирали томонидан ишлаб чиқарилган “Усули жади́д” [1, 254] номи тарихда катта урин тутгани сингари Бехбудийнинг номи хам Туркистон мактаб-маорифида кенг урин эгаллайди. У биринчи бўлиб улкада бу янгича усулдаги мактабларни ташкил этишни



таргиботчиларидан ҳамда амалиётчиларидан ҳисобланади. Бехбудий “Усули жадид” мактабининг зарурлиги унинг конун-қоидалари мактабда утиладиган дарслар қандай имтиҳонлар олиниши мактабнинг қай тарзда тузилиш унга қандай асбоб-ускуналар кераклиги муаллимларнинг вазифалари уларнинг таъминот масалалари ва бошқа қўп жихатларини Гаспиралидан ва унинг асарлари ҳамда мақолаларидан урганди. “Усули жадид” мактабларида ҳамма уқиш ҳуқуқига эга бўлган. Бехбудий ва Шакурӣ бунинг учун барча мусулмон тараккий этган шаҳарларидаги мактабларини урганади. Бехбудий *“ахлоқ ва тарбиянинг асоси-мактаб барча илмнинг боши ва ибтидоси мактаб. Саодатнинг фозил инсоннинг маънавий чашимаси-мактаб.* Бехбудий таъкидлаганидек: “Туркистон меваси донаси тоши туфроғи ва нимарсалари Оврупа бозорига кетар. Муни Оврупа доллари келиб юз баҳога олиб кетар. Меҳнатни биз қилармиз фойдани улар қуради” шунинг учун дейди Оврупа ила савдо қилатурган киши аввало замона илми уқимоғи лозим. У миллат тараккийетининг маънавияти-ҳам тарбияси ҳам иқтисоди ҳам маърифатидир” [1, 251-253].

Исҳоқхон янғича таълим-тарбия тизимининг ниҳоятда катта афзалликларини исботлашда қўпроқ узи эришган ютуқларга узи амалиётга татбиқ қилган янги методларига таянади. Исҳоқхон уз мактабига ҳафталик дарс жадвалини жорий қилди. Исҳоқхон илғор уқитувчи сифатида болаларни мактабдан бездирувчи уларда уқитувчига нисбатан нафрат уйғотувчи тан жазосига биринчилардан бўлиб барҳам берди. Исҳоқхон фақат мактабда эмас оилада ҳам болани қалтаклаб тарбиялаш ута нотугри усул эканлигини алоҳида таъкидлайди. “Матбааи Исҳоқия”нинг илм-маърифат тарқатиш мақсадида ташкил қилинганлигини яна шундан билишимиз мумкинки Исҳоқхон матбаага нур таратаётган қуёшнинг тасвирини ишлаб қуёш ичига “илм” сўзини ёзган.

Мунаввар Қори Абдурашидхонов “Шураи Исломия” жамияти раиси муовини этиб сайланди. “Хуррият берилмас уни олтин у ҳеч нарса ила олиб бўлмай фақат қон ва қурбон билангина олинур”-дейди. Ўзбек халқини маърифатли қилишга интиланган буюқ мураббий 1918 йил май ойида Тошкент шаҳрида “Турк учоғи” илмий-маданий жамияти тузади. У инсоннинг маърифатли бўлиб қўзи очилмагунча виждон уйғонмаса на ўзини на халқининг эркини муҳофаза қила олишини бу иймонсизлик эканини мутафаккирона нозиклик билан уз асарларида ифода этади.

Халқни ижтимоий жихатдан ҳимоялаш ҳамда маънавий ислохотлар утқизиш яъни қуллик ва муътелик исқанжасидан



озод булиш ота-боболаримиз кадриятларини тиклаб уларга муносиб ворис булиш каби вазифаларни амалга ошириш йўлида республикаимизда катта ишлар амалга оширилмокда ва улкан имкониятлар билан биргаликда ургу берилиб ошириб келинмокда. Айниқса биринчи Президент И.А.Каримов: “Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга тадбиқ этиш”[3] ҳақидаги фикрлари биз тарбиячи муаллимларнинг ҳам ҳаракат дастуримиздир. Униб усиб келаётган ёш авлодни биз келажакка қандай қараш билан тарбияласак бизнинг берган таълим-тарбиямиз мева ва натижаси ҳисобланади. Энг аввало биз уз кулимизда турган шарт-шароит ва имкониятлардан уз вақтида унумли фойдаланар эканмиз бунинг таг заминиде улкан машаққатларнинг каттадан-катта зафар ва ютуқлари туради. Чунки истиқлол мафкураси биз шу вақтгача амал қилиб келган мафкурадан фарқ қилиб у халқимизнинг азалий анъаналарига удумларига динига ва тилига руҳиятига умуминсоний кадриятларга садокат келажакка ишонч меҳр-оқибат инсоф адолат маърифат туйғуларини кишилар онгига синдиришга асослангандир. Ҳақиқатдан республикаимизни тараккиёт даражасига кутарадиган чинакам комил инсонни шакллантириш-бу унинг маънавиятини шакллантиришдир. Халқимизда шундай нақл бор: “Бу дунёда роҳат қурмокчи булсанг тижорат қил у дунё роҳат қилмокчи булсанг ибодатда бул икки дунё роҳат қурмокчи булсанг Комил фарзанд тарбия қил”.

Маънавият эса халқнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзи бўлиб халқнинг таълим-тарбияга оид кадриятлари ана шу улкан тараккиётнинг узвий қисми бўлиб ҳисобланади.”Дарахтнинг етуқлиги унинг меваси билан булганидек инсоннинг барча ҳислатлари ҳам ахлоқ билан яқунланади”- дейди Абу Наср Форобий. Бу берилган алломанинг сўзларида анча катта маъно ва таҳлиллари мавжуд.

Унда ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда қулланган усуллар миллий урф-одатлар анъаналар тарбияга оид ғоялар мужассамланган. Бу ғоялар эса алломаларимизнинг бой ижодий меросларида уз аксини топган. Ана шундай ижодий мерос қилиб қолдирганлардан бири яъни асримиз бошида маданий ҳаётимиз тараккиётида муҳим урин эгаллаган инсон Абдулла Авлонийдир.

Абдулла Авлоний халқ орасида илгор фикрларни тарқатишда илм ва маърифатни ташвиқ қилишда газета журналларнинг роли ғоят катта эканлигини яхши билар эди. “Балиқнинг сувсиз яшамоғи мумкин булмагани каби инсоннинг ҳам илмсиз яшамоғи мумкин эмаслигини” уқтирадилар. XX аср бошларида



Узбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва педагогик фикрларнинг ривожига А.Авлоний алоҳида урин эгаллади. Бутун фаолияти даврида у уз халкига хизмат қиладиган комил инсонни етиштириш унинг маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берди. А.Авлоний узбек халқининг саънати ва адабиёти ҳамда миллий маданиятини халқ таълими ишларини йўлга қуйишда катта хизматлар қилган адиб жамоат арбоби ва истеъдодли педагогдир. Авлонийнинг “Иккинчи муаллим” китоби “Биринчи муаллим” китобининг узвий давомидир. Унинг педагогикага оид асарлари ичида “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ “ асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини урганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир.

Узбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида ёзилишича: А.Авлоний - “Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот ё нажот-ё халокат ё саодат-ё фалокат” [2, 62].

А.Авлоний педагог сифатида бола тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб “Агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб тарбиясиз ахлоқсиз бўлиб усдими аллоху акбар бундай кишилардан яхшилик кутмок ердан туруб юлдузларга кул узатмак кабудур”- дейди. Унинг фикрича болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга. Узбек этнопедагогикаси тарихида Абдулла Авлоний биринчи марта педагогикага “Педагогия” яъни бола тарбиясининг фани демакдир” деб таъриф берди. Абдулла Авлоний бола тарбиясини нисбий равишда қуйидаги 4 бўлимга ажратади: 1. “Тарбиянинг замони”. 2. “Бадантарбия”. 3. “Фикр тарбияси”. 4. “Ахлоқ тарбияси”. “Тарбиянинг замони” бўлимида тарбияни ёшлиқдан бериш зарурлигини бу ишга ҳаммани: Ота-она муаллим ҳукумат ва бошқаларнинг қиришиши кераклигини таъкидлайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тарбия хусусий иш эмас миллий ижтимоий ишдир. Хар бир халқнинг тараққий қилиши давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жихатдан боғлиқ деб ҳисоблайди. Тарбия зурриёт дунёга келгандан бошланиб умрнинг охирига қадар давом этади у бир қанча босқичдан уй богча мактаб ва жамоатчилик тарбиясидан ташкил топган. А.Авлоний тарбиянинг доирасини кенг маънода тушунади уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қуймайди. У биринчи навбатда боланинг соғлиги ҳақида гамхурлик қилиш лозимлигини уқтиради. Унинг фикрича соғлом фикр яхши



ахлоқ илм-маърифатга эга булиш учун баданни тарбия қилиш зарур баданнинг саломат ва қувватли булмоғи инсонга энг керакли нарсадур чунки укимоқ уқитмоқ урганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли касалсиз жасад лозимдир. А.Авлоний бадантарбияси масаласида болани соғлом қилиб устиришда оналарга муружаат қилса боланинг фикр томонидан тарбиялашда уқитувчиларнинг фаолиятларига алоҳида эътибор беради. Болаларда фикрлаш қобилиятини устириш ва бу тарбия билан мунтазам шугулланиши бениҳоя зарур ва муқаддас бир вазифа. Бинобарин бу муаллимларнинг диққатларига суялган виждонларига муқаддас бир вазифадир негаки фикрнинг қуввати зийнати кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдир. Аини замонда таълим-тарбия бир-бирига чамбарчас узвий боғлиқ ва ажралмасдир. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор булса ҳам иккинчиси бир-биридан айрилмайди. Бирининг вужуди бирига бойланган. Жон ила тан қабидир. А.Авлонийнинг фикрича Инсон бутун борликнинг қурқи ва шарафидир. Инсон ўз гузаллиги ва мураккаблиги билан қоинотдаги барча махлуқотлардан афзалдир. Бутун мавжудот инсонга хизмат қилиши керак чунки инсон унинг соҳибидир. Чунки инсоннинг ақли бор у шу ақл ёрдамида илм эгаллайди илм туфайли дунёни бошқаради. “Ақл” дейди А.Авлоний инсонларнинг пиру қамоли мурушиди яғонасидир рух ишловчи ақл бошловчидир инсонни хайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдир лекин инсон ақл ва идроқи соясида узига қеладиган зарар ва зулмлардан сакланур ер юзидаги хайвонларни асир қилиб буйнидан бойлаб ипларини учини қулларга берган инсонларнинг ақлидур Авлоний инсонга ва унинг ақлига ана шундай юксак даражада баҳо беради. Илм инсонларнинг мадори ҳаёти раҳбари нажотидур агар ақлингни қули нафс жилосини ушласа сани ёмон йўлларга қирмоқдан саклар. Хар нарса қўп булса баҳоси арзон булур аммо ақл эса илм ва тажриба соясида қанчақўпайса шунча қўпайса шунча қимматбаҳо булур.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, этнопедагогика тарихини ўрганиш ўқитувчиларнинг фақат педагогик маданиятини оширибгина қолмай, балки, шу билан бирга, унга яъни ўқитувчига педагогик маҳоратни эгаллашга ёрдам беради, уни бевосита амалий фаолиятга тайёрлайди. Демак, этнопедагогика тарихи ижтимоий фандир, у тарихий педагогика ходисаларига давр талаби асосида ёндошади ва илгарилаб бораётган замон талабларига асосан илгор қарашларнинг тараккиёт ва



ривожланиш йулларини курсатиб беради. Энди таълим-тарбия масаласига тубдан қарайдиган бўлсак, бизга бу масала 1-уринда сув ва хаводек зарур, чунки улар бир-бирлари билан узвий ҳамбарчас боғлиқдир ва муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу масалага жиддий ёндошмасак, унинг охири жуда ҳам бизга қимматга тушади, ахир устозларимиз бежизга айтишмаган ҳамда бу туғрисида шундай бир чиройли ҳулосага келишганки: “Бу дунёда роҳат қурмокчи бўлсанг-тижорат қилиб, илм изла, у дунёда роҳат қурмокчи бўлсанг ибодат қил, агарда икки дунё роҳат қурмокчи бўлсанг қомил фарзанд тарбият қил” деб бежизга айтиб ўтишмаган. Ахир устозларимиз юксалишимизга, ота-оналаримиз қамол топишимизга сабабчи инсонлардир, зеро шундай экан демак, биз бу берилаётган ишонч ва имкониятлардан тугри ва оқилона ўз жойида фойдалана оلسак марра бизникидир, тарбия оиладан бошланса ҳаммаси ўз ўрнида кетма-кетликда бўлса бизнинг порлоқ келажакимиз ҳам шунга яраша ва мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ахир таълим-тарбия бир қарвонга ухшаса, унинг ортидан эргашган қомил инсонлар шунга яраша ўз муқофот ва даражасига эга бўлишади.

REFERENCES

1. Педагогика тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 2014.
2. Ҳаёт ва турмуш одоби. – Тошкент: 1996
3. Қаримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас қуч. “Маънавият”, – Тошкент: 2008.
4. Umidbek Adambayev. (2021) Faith – the conception of belief and steps to develop it / Actual problems of modern science, education and training. – pp. 96-100.
2. Umid Adambayev. (2021). Milliy o'zlikni anglash millat taraqiyotining poydevori // Scientific progress. – pp. 1858-1862.
3. Адамбаев Умидбек Ҳайтбаевич. (2022) Ишонч–этиқодни шакллантиришда урф-одат ва анъаналарнинг таъсири // Scientific progress. – pp. 348-351.
4. Умидбек Ҳайтбаевич Адамбаев, Дустмурод Э. (2022) Экологик маданият ва уни шакллантириш // Academic research in educational sciences. – pp. 125-134.
5. Umidbek Xaitbayevich Adambayev, Sirojiddin U. (2022) Navro 'z bayrami va uning etnomadaniy ahamiyati. Academic research in educational sciences. – pp. 175-177.
6. Умидбек Ҳайтбаевич Адамбаев. (2022) Ишонч-этиқодни шакллантиришда аргументлашнинг ўрни // Academic research in educational sciences. – pp. 898-905.
7. Adambaev U. (2021). Confidence-nonverbal methods of argumentation in the formation of the verb // Экономика и социум. – С.18-21.



SOTSIOLOGIK TADQIQOTLARDA ANKETA USULI, UNING TUZILISHI VA QO‘LLANISH TARTIBI

Nilufar Yuldashovna Ibragimova

Qoraqalpog‘iston Respublikasi xalq ta‘limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi dotsenti

Barno Sharapat qizi Atamurodova

Qoraqalpog‘ davlat universiteti talabasi

guli.ibragimova.1975@mail.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada sotsiologik tadqiqotlar olib borishning usullaridan biri bo‘lgan anketa usulining ta‘rifi, anketa savollarining tuzilishi, javoblarning joylashtirish tartibi, anketa usulining afzalligi va kamchiliklari, o‘tkazish tartiblari haqida batafsil ma‘lumot keltiriladi.

Kalit so‘zlar: Tadqiqot; respondent; anketa tuzish; anketa bo‘limlari, kirish qismi, asosiy qism, yakuniy qism, savollar taribi, javovlar shartlari: ochiq, yopiq va yarim ochiq javoblar; asosiy va yordamchi (kontakt, "filtrlar", nazorat) savollar; bevosita va bilvosita savollar; anketaning tuzilishi; savollarni shakllantirish qoidalari, auditoriyani belgilash, daslapki yig‘ilgan ma‘lumotlarni qayta ishlash.

ABSTRACT

This article provides a detailed description of the questionnaire method, which is one of the methods of conducting sociological research, the structure of the questionnaire questions, the order of placement of answers, the advantages and disadvantages of the questionnaire method, the procedure.

Keywords: Research; respondent; compile a questionnaire; questionnaire sections, introductory part, main part, final part, question structure, answer conditions: open, closed and semi-open answers; basic and auxiliary (contact, "filters", control) questions; direct and indirect questions; questionnaire structure; rules for formulating questions, defining the audience, processing the initially collected data.

KIRISH

Sotsiologik tadqiqotlar ijtimoiy voqelikda ijtimoiy muammolarni o‘rganish va hal qilinish uchun yechimlar topish



maqsadida o'tkaziladi. Bunda muammoning qaysi sohada qanday turi ijtimoiy xavf tug'dirishi, kelib chiqish sabablari va rivojlanish jarayonida shaxslarning munosabati o'rganilishni talab qiladi.

Sotsiologik tadqiqotlar jarayonida har xil ijtimoiy muammolar o'rganiladi. Bunday muammolarni o'rganish uchun sotsiologik usullardan foydalanish mumkin.

Sotsiologik tadqiqotlar o'zi nima?

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Sotsiologik tadqiqot - sotsiologiyada qabul qilingan nazariyalar, usullar va tartiblar asosida yangi ma'lumotlar olish va ijtimoiy hayot qonuniyatlarini aniqlashga qaratilgan ijtimoiy ob'ektlar, munosabatlar, jarayonlarini o'rganishdan iborat [1].

Sotsiologik tadqiqotning asosiy usullari: **kuzatuv, tajriba, hujjatlarni tahlil qilish, so'rov**dan iborat.

Sotsiologik tadqiqotlarning **kuzatish usuli** sotsiologik tadqiqotlarda ijtimoiy muammolarni o'ziga xos vaziyatlarda va ma'lum guruhlarda qo'llanish mumkin [1; 25].

So'rov usuli odatda anketa va interv'yu o'tkazish orqali olinadi. Bugungi maqolada so'rov usulining anketa orqali sotsiologik tadqiqotlar o'tkazish usullari bilan tanishib boramiz.

Shuningdek, sotsiologik tadqiqotlarda **anketa usuli** - ketma-ketlik, mazmun va shakl bo'yicha tartiblangan, so'rov shaklida gavdalangan so'rov hukmlarining majmuidan iborat. Savollar ochiq bo'lishi mumkin, agar respondent o'z fikrini erkin ifoda etishi kerak bo'lsa, va agar siz taklif qilingan muqobil javoblardan birini tanlashingiz kerak bo'lsa, yopiq bo'lishi mumkin [2; 285].

Amerikalik jurnalist, psixolog va statist olimi Jorj Gellap o'zining "Gazeta materiallariga o'quvchilarning qiziqishini aniqlashning ob'ektiv usuli" mavzusida ilk so'rov usulidan foydalangan. Keyinchalik, 1932-1936 yillarda u reklama agentligida ishlagan paytlarida birinchilardan bo'lib bozorni o'rganish uchun mijozlar o'rtasida anketa usulidan foydalangan [2].

Har bir aniq sotsiologik tadqiqot maxsus anketa tuzishni talab qiladi, ularning barchasi umumiy tuzilishga ega bo'ladi. Har qanday anketa uchta asosiy qismdan iborat: **kirish, asosiy qism, yakuniy qism**.

Kirish qismida tadqiqotni kim o'tkazayotganligi, uning maqsadi va vazifalari, so'rovnomani to'ldirish usuli ko'rsatilishi, uni to'ldirishning anonim xususiyati ta'kidlanadi, shuningdek, so'rovda

qatnashganlik uchun minnatdorchilik bildiriladi. Kirish qismi so‘rovnomanini to‘ldirish bo‘yicha ko‘rsatmalar bilan birga keladi.

Anketaning asosiy qismini tuzish alohida ahamiyatga ega, chunki tadqiqotning muvaffaqiyati ko‘p jihatdan shunga bog‘liq bo‘ladi.

Anketaning mazmuni (so‘ralgan savollarning tabiati va turlari, ularni joylashtirish tartibi, kutilayotgan javoblarni rasmiylashtirish) o‘rganilayotgan ob'ekt haqida eng ishonchli ma'lumotlarni olish istagi bilan belgilanadi. Buning uchun anketa mazmuni shakllantiriladigan savollar tizimini yaxshi bilish kerak. Savollarni shakllantirish so‘rovnomanini tayyorlashning eng qiyin bosqichidir.

Asosiy so‘rovnomanini tuzishda, birinchi navbatda, uning o‘rganilayotgan ob'ekt haqida ma'lumot olish vositasi sifatidagi funktsional rolini, ushbu maqsadga erishish uchun eng mos keladigan savollarni, ularning turi va shaklini, ketma-ketligini hisobga olish muhimdir. Anketa savollari respondentlar uchun tushunarli bo‘lishi, grammatik va leksik jihatdan juda sodda bo‘lishi, ularning umumiy rivojlanish darajasini, madaniy xususiyatlarini va tadqiqot mavzusiga tegishli sohada xabardorlik darajasini hisobga olishi kerak. Savollar bayonotlarning yashirin shakli bo‘lmasligi, sotsiologning pozitsiyasini yuklashi va sotsiolog bilishga intilayotgan ob'ektlar va hodisalar haqida fikrni shakllantirishga yordam berishi kerak. Suhbatdagi kabi, anketadagi savollar ham ochiq, ham yopiq shakllarda tuzilishi mumkin. Shuning uchun, birinchi navbatda, qaysi turdagi savollarga - ochiq yoki yopiq - afzallik berishni hal qilish muhimdir. Bu erda imtiyoz mezonlari rasmiy intervyuda qo‘llaniladiganlarga o‘xshaydi. Yopiq savollarga javoblarni shakllantirishning asosiy talablaridan biri mantiqiy xatolarga yo‘l qo‘ymaslikdir: tushunchalar doirasining kesishishi, tahlil qilinayotgan hodisaning turli tomonlarini tavsiflovchi bir qator ta‘riflarning qoidalari va boshqalar.

Yakuniy qismda ma'lumotlarning ishonchligini tekshirish uchun respondentlar to‘g‘risidagi ma'lumotlarni o‘z ichiga oladi. Bu respondentning jinsi, yoshi, ma'lumoti, yashash joyi, ijtimoiy mavqei va kelib chiqishi, ish tajribasi va boshqalar bilan bog‘liq savollardan iborat bo‘ladi [1: 3; 28].

Anketa yordamida eng to‘liq va ob'ektiv ma'lumot olish uchun anketa savollari ma'lum talablarga javob berishi kerak:

1. Har bir savol alohida, to‘liq fikrni o‘z ichiga olishi kerak. Bir vaqtning o‘zida bir nechta fikrlarni o‘z ichiga olgan murakkab savollar to‘g‘ri javobni tanlashni qiyinlashtiradi. Noto‘g‘ri tuzilgan savollarga bir nechta misollar: “Siz hayvonlar haqidagi kitoblarni o‘qishni, hayvonlarga g‘amxo‘rlik qilishni yoqtirasizmi?”, “Ajoyib sahna ustalarining

hayoti bilan tanishishni, aktyorlar bilan uchrashishni, aktyorlarning fotosuratlarini bilan otkritkalarini yig'ishni yoqtirasizmi?"

2. Savollarni tuzishda polisemantik, kam tarqalgan, xorijiy so'zlar, yuqori darajada ixtisoslashgan atamalardan qochish kerak. Masalan: "Tanlagan kasbingiz bilan identifikatsiyangiz qay darajada?", "Fitnes bilan qaysi shaklda shug'ullanishni afzal ko'rasiz?"

3. Savollar juda uzun bo'lmasligi kerak, chunki bu ularni tushunishni qiyinlashtirishi mumkin va respondent savolning faqat esda qolgan yoki oxirgi bo'lib chiqqan qismiga javob berishni xohlashi mumkin.

4. Savolga bir yoki bir necha so'z bilan javob berish mumkin bo'lmaganda, savol o'ziga xos bo'lishi va aniq bir holatga taalluqli bo'lishi, bahsli xarakterga ega bo'lmasligi kerak. Bu respondentni rasmiy bir so'zli javob berishga yoki javob berishdan bosh tortishga yoki uzoq sharhlar berishga undaydi. Masalan: "Chet tillarini o'rganish qanday foyda keltirishi mumkin?"

5. Savollar, javob respondentga savolning o'zi tomonidan yuklanganda, ilhomlantiruvchi xususiyatga ega bo'lmasligi kerak. Masalan: "Nima uchun siz universitetga borasiz?" yoki "Nima uchun sirtqi ta'lim kunduzgi ta'limdan yomonroq?"

6. Savollarni shakllantirishda respondentlar orasida salbiy reaksiyaga sabab bo'lishi mumkin bo'lgan so'zlardan voz kechgan ma'qul, chunki savolga ko'p javob emas, balki salbiy his-tuyg'ularni keltirib chiqaradigan so'zga reaksiya olinadi.

7. Respondent o'zining javoblari uni boshqalar oldida kamsitishi mumkinligini, o'zi tanlagan javob boshqalardan yomonroq emasligini his qilmasligi kerak va u bunday lavozimga haqli. Savol o'zini himoya qilish reaksiyasini qo'zg'atmasligi kerak.

Misol: "Siz bolalarni qanday jazolaysiz?", "Siz do'stingizga (sevgan insoningiz) qanchalik tez-tez yolg'on gapirasiz?"

8. Respondentga xijolat bo'lmasdan rozi bo'lish yoki rad etish imkoniyatini berish uchun, ehtimol, odatda, tasodifan kabi savollarning matniga "saqllovchi" so'z yoki iboralarni kiritish foydalidir.

9. Savolni shakllantirishda qolipli, shablonli javoblardan qochish mumkin.

Masalan, "Sizning sevimli yozuvchingiz kim?" degan savol o'rniga, bunday hollarda tez-tez uchraydigan "Tohir Malik" javobidan qochish uchun: "Agar siz uzoq vaqtdan beri yolg'iz qolgan bo'lsangiz, yaxshisi. Kompyuter, telefon, televizor, radiodan mahrum bo'lgan odamlar va

hayvonlar va siz faqat o'qish imkoniyatiga ega bo'lsangiz, qaysi mualliflarning kitoblarini tanlagan bo'lardingiz?"

10. Savollarni "peshonaga" (lob) qo'yish noo'rin, chunki bu imtihon, test vaziyatini yaratadi va javob berish motivatsiyasini sezilarli darajada kamaytiradi. Masalan: "Nega shunday deb o'ylaysiz?", "Vaziyatda nima qilish kerak ...?"

Anketa o'z ichiga anketani tuzish, uni tekshirish, sinovdan o'tkazish, aniqlashtirish jarayonlarini oladi. Anketa sifatini baholash uchun tajriba-sinov ishlari olib borilishi kerak. Bunda anketaning mazmuni, savollarning matni va ketma-ketligi, javob variantlari va hokazolar tekshiriladi. Har bir tajribali sotsiolog mikroilovada (100 kishigacha) respondentning javoblarini, uning savollarning mazmuniga bo'lgan munosabatini, ularni tushunish va idrok etishni aniqlash, so'rovga sarflangan vaqtni majburiy belgilashi orqali interv'yu shaklida ham amalga oshirishi mumkin. Bularning barchasi asboblarning kamchiliklarini aniqlash, ularni tuzatish va anketani ommaviy ishlarga moslashtirish imkonini beradi.

Anketalarni yig'ib bo'lgach, ularni qayta ishlash va ma'lumotlarni tahlil qilish boshlanadi.

Tahlildan ko'rinib turibdiki, anketa so'rovi usuli ijtimoiy tadqiqotlarda birlamchi ma'lumotlarni to'plashning eng muhim usuli hisoblanadi.

Anketaning sifati ikkita asosiy shartning bajarilish darajasi bilan belgilanadi:

1) savollarning matni tadqiqot vazifasiga mos kelishi, ya'ni o'rganilayotgan belgi haqida ma'lumot berishi kerak;

2) so'zlar ma'lumot manbai sifatida respondentning imkoniyatlariga mos kelishi kerak, ya'ni savollar respondentga, uning xotirasiga, tahliliy imkoniyatlariga, o'zini o'zi qadrlash haqidagi g'oyalarga chidab bo'lmas talablar qo'ymasligi kerak.

Anketaning yakuniy qismida respondentlar, jinsi, yoshi, ma'lumoti, ish tajribasi, oilaviy ahvoli, asosiy mashg'uloti, daromad manbai va miqdori to'g'risidagi asosiy, maqom ma'lumotlariga javob beradigan savollar mavjud. Bunday savollarni nomli xususiyatlarning kontinumlarini (miqdoriy qiymatlar ketma-ketligini) intervallarga ajratgan holda yopiq shaklda shakllantirish yaxshiroqdir. Bu so'rovnomanini to'ldirish va uni qayta ishlashni sezilarli darajada tezlashtiradi. Yopiq maqom savollari noaniq bo'lmagan atamalar asosida tuzilishi kerak. Shuningdek, yopiq savolda respondentning maqomini pasaytiradigan atamalardan qochish tavsiya etiladi. Misol uchun, malaka darajasi bo'yicha farq qiluvchi ishchilar guruhlarini ro'yxatga olishda muayyan lavozim unvonlaridan foydalanish kerak. Pasport qismi so'rovnomaning oxirida joylashtiriladi.

XULOSA

Xulosa o'rnida ta'kidlash joizki, har qanday ijtimoiy muammolarni o'rganish jarayonida sotsiologik tadqiqot usullarini to'g'ri tanlab bilish zarur. Natijada tadqiqotning yakunida ma'lumotlarni qayta ishlash jarayonida to'g'ri gipotezalar shakllantirish imkonini beradi. Quyidagi ilovada anketa tuzish tartibini ko'rish mumkin.

Ilova. Anketa.

Hurmatli respondent! Men Tarix fakulteti sotsiologiya yo'nalishi 3-kurs talabasi Atamuratova Barnoman. Men **“Talaba yoshlarning sog'lom turmush tarzi”** mavzusida tadqiqot olib bormoqdaman, uning maqsadi talaba yoshlarning sog'lom turmush tarzini shakllantirishga munosabatini va uning tarkibiy qismlari haqida yoshlarning bilimni aniqlashdan iborat. Sizdan ushbu anketa savollariga samimiy va haqqoniy javob berishingizni so'raymiz. Iltimos, savollar va taklif qilingan javoblarni o'qing. Sizga mos keladigan bir yoki bir nechta javobni tanlaganingizdan so'ng, ularning yonidagi raqamni aylantiring yoki javobingizni bo'sh qatorga yozing.

1. Sizningcha, sog'lom turmush tarzining tarkibiy qismlari nimalardan iborat? (cheksiz javoblar)

- 1) Jismoniy faoliyat
- 2) Ratsional ovqatlanish
- 3) Rejalashtirilgan kun tartibi
- 4) Samarali mehnat faoliyati
- 5) Gigiena
- 6) Ma'naviy dam olish
- 7) Sog'lom oila muhiti
- 8) Sizning javobingiz _____

2. Qadriyatlar tizimida sog'lom imidj qanday o'rin tutadi? (kamayish tartibida raqam)

- Sog'lom turmush tarzi
- Kar'era
- Jamoat e'tirofi
- Shaxsiy rivojlanish
- Pul

3. Siz sog'lom turmush tarziga amal qilasizmi?

- 1) Ha 2) Yo'q 3) Javob berishim qiyin

4. Siz muntazam ravishda sport/o‘quv mashg‘ulotlari/raqs bilan shug‘ullanasizmi?

- 1) Ha, muntazam ravishda
- 2) Ba'zan
- 3) Kamdan-kam hollarda
- 4) Yuqoridagilarning hech biri

5. Sog‘ligingiz holati haqida nima deya olasiz?

- 1) Juda yaxshi
- 2) Yaxshi
- 3) Yomon
- 4) Juda yomon

6. Qanday sabablar sog‘lom turmush tarzini olib borishingizga xalaqit beradi?

Sizning javobingiz _____

7. Sizningcha, universitetimizda olib borilayotgan sport musobaqalari talabalarning sog‘lom turmush tarzini yuksaltirishga xizmat qiladimi?

- 1) Ha
- 2) Yo‘q
- 3) Javob berishim qiyin

8. Universitetimizdagi sport sektsiyalariga qatnashasizmi?

- 1) Ha
- 2) Yo‘q

9. Spirtli ichimliklar va gilyohvand moddalarga qanday munosabatdasiz?

- 1) Qarshiman
- 2) Juda yaxshi
- 3) Javob berishim qiyin

10. Siz ta‘maki mahsulotlarini iste‘mol qilasizmi?

- 1) Ha
- 2) Yo‘q

11. Spirtli ichimliklarni qanchalik iste‘mol qilasiz?

- 1) Juda ko‘p
- 2) Gohida to‘ylar va o‘tirishlarda
- 3) Kamdan-kam hollarda
- 4) Men foydalanmayman

12. Siz ratsional ovqatlanish nimadan iboratligi haqida yetarli bilimga egamisiz?

- 1) yuqori darajada bilimga egaman
- 2) o‘rtacha darajada bilimga egaman
- 3) umuman tushunchaga ega emasman

13. Jinsingiz:

- 1) ayol
- 2) erkak

14. Yashash joyi:

- 1) Viloyat
- 2) Viloyat markazi / Tuman markazi

Javob varaqasida faol qatnashganingiz uchun rahmat!

REFERENCES

1. Ф.А.Акрамова. Ижтимоий психология: ўқув қўлланмаси. – Т., 2007. – 166 б.
2. Методы социологического исследования: Учебник. — М.: ИНФРА-М, 2004. — 285 с.
3. Методология и методы научного исследования : учебное пособие / Л. В. Байбородова, А. П. Чернявская. – Ярославль: РИО ЯГПУ, 2014. – 283 с.
4. Андреева Г.М. "Социальная психология" Учебник 2-е изд., доп., перераб. — М.: Изд-во МГУ, 1988—432 б.
5. Социологическая энциклопедия / под общ. ред. А. Н. Данилова. – Минск, 2003. – 240 с.
6. Метод наблюдения / Н. П. Ансимова. – Ярославль: Изд-во ЯГПУ, 1997. – 63 с.
7. Социологические исследования: методология, программа, методы / В.А.Ядов. – Самара: Самарский ун-т, 1995. – 328 с
8. Батыгин Г.С. Лекции по методологии социологических исследований: Учебник для высш. учеб. заведений. – М.: Аспект Пресс, 1995. – 286 с.
9. Гришина Е. А. Анкета // Тезаурус социологии. Кн. 2. Методология и методы социологических исследований. – Москва : ЮНИТИ-ДАНА, 2013. - С.127.
10. Мягков А.Ю. Опросные методы сбора данных: предпочтения респондентов // Социс. 2000. № 8. С. 98 – 109.
11. Пузанова Ж.В. Метод неоконченных предложений в изучении проблемы одиночества // Вестник РУДН, серия «Социология», 2004. № 6 – 7. С. 92 – 11.
12. Рахманова Ю.В. Методы социологического исследования: учебное пособие. — СПб.: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2021. — 124 с.



LEXICAL-SEMANTIC AND LINGUOCULTURAL STUDY OF TERMS IN ENGLISH AND UZBEK

Muhiddin Ahadovich Samadov

English teacher, Karshi Engineering Economics Institute

ABSTRACT

This article deals with the lexical-semantic and linguocultural study of terms in English and Uzbek. Based on the analysis of educational, lexicographic and reference sources, five groups of polysemantic sports terms have been identified. Uzbek-language correspondences of English-language terms that have different meanings in different sports and in one sport are presented. The influence of the context on the choice of translation variant is demonstrated.

Keywords: Term, sport, lexical-semantic, translation, meaning, polysemantic sports.

INTRODUCTION

It's no secret that at present the sports terminology of both the Uzbek and English languages is undergoing significant changes, which caused by globalization, the expansion of intercultural communication, the progress and development of sports in its various directions

MATERIALS AND METHODS

Based on the topic of the article, it seems to us appropriate to single out the following groups of polysemantic sports terms:

- terms used with different meanings in several sports;
- terms that have several synonymous correspondences in the target language in the context of one sport;
- terms denoting sports roles;
- terms whose polysemy is manifested in the composition of the phrases of which they are a part;
- commonly used vocabulary, acquiring terminological properties in sports discourse.

There are a number of cases where an ambiguous term is used in various sports, and choosing the correct translation option requires knowledge of the nuances of its meaning in these sports.



Even if the dictionary contains several matches for the term with the label "sport", this may not be enough [2].

For example, apparatus in artistic gymnastics is a "shell" (horse, crossbar, rings, etc.). If this term is used in rhythmic gymnastics in all-around competitions, then it can be translated as "exercise": Apparatus 1. 10 clubs. - *Mashq* 1. 10. In athletics, matching is even more difficult, and a descriptive translation is often given. Usually this term refers to part of the sector for jumping species. This is not the whole sector, but only the bar on the racks and landing mats (in high jumps) plus a pole box (in pole vaults). This concept does not include the runway zone, which occupies most of the sector.

RESULTS AND DISCUSSION

Score is the "hisob" (in team sports), "baho" (in judo), "ochkolar soni" (in athletics all-around).

Draw in many sports, where opponents are determined by lot, is a "qur`a". At the same time, this term can be translated as "durang" (in football), that is, a situation where the winner is not revealed. If we are talking about curling, then the meaning is completely different - "staged throw", that is, a throw in which other stones are not knocked out. In the same sport, this term can mean a game, a match: We have a draw tonight. - *Bu kecha o`yinimiz bor.*

Starting block - "start kolodkalari" in athletics. In swimming, the term-phrase "start tumbasi" is used. Although in both cases we are talking about the object from which the athlete is repelled at the start, the use of one translation option instead of another is unacceptable.

Vault - the name of the discipline in gymnastics - "to`siqdan sakrash".

Heat in swimming is a "suzish", in rowing and canoeing it is a "belgilash", in athletics it is a "quvib o`tish". Most often denotes the first stage of the competition. The translation of this term may be accompanied by the adjective "preliminary": Heat 3 was even faster than the semifinals. - *Uchinchi quvib o`tish yarim finaldagidan ham tezroq bo'ldi.*

The term race can be a contextual synonym for the previous one and be translated as "quvib o`tish" (athletics), but not as a stage of the competition, but simply to describe events on the track: It is still remembered as Borzakovsky's best race. - *U hali ham Borzakovskiyning eng yaxshi quvib o`tishi sifatida eslanadi.*

Kick - "*zarba*" or "*oyoq zarbasi*" in football and taekwondo, "kick" or "kick" in kickboxing (side kick - "*oyoq yon zarbasi*" or "*sayd kik*").

There are a number of terms whose translations may seem interchangeable, but this is not entirely true: in each sport, only one version is generally accepted.

Thus, field goal in several sports denotes an effective attack during the game, but such a characteristic of the term as unambiguity manifests itself as follows: in basketball it is a "*o`yindagi muvaffaqiyatli otish*", and in American football it is a "*fild gol*".

Transcription and transliteration are methods of translating the lexical unit of the original by recreating its form using the letters of the target language. During transcription, the sound form of a foreign word is reproduced, and during transliteration of its graphic form: skateboarding – "*skeytbording*", skeleton – "*skeleton*", bobsleigh – "*bobsley*", touchdown – "*tachdavn*".

CONCLUSION

Transposition is a method of translation that consists in replacing one part of speech with another part of speech without changing the meaning of the entire message. This method can be used both within the same language, and, in particular, when translating [1].

Thus, when translating terms from English into Uzbek, we most often use such translation techniques as: transcription, transliteration, descriptive and literal translation, tracing, transposition, which allows achieve maximum equivalence.

REFERENCES

1. Boyarkina V.D. Fundamentals of sports terminology, M. Drofa, 2007. - 105 p.
2. Vinogradov V.S. Introduction to translation studies. - M.: Publishing house of the institute general secondary education RAO, 2001. - 224 p.
3. Grinev S.V. Terminology. M: Academy, 2008. - 112 p.
4. Zvonkov, V. L. English-Russian encyclopedic dictionary of hockey terminology [Text] / V. L. Zvonkov. - M.: R.Valent, 2009. - 304 pages - 1000 copies. – ISBN 978-5-93439-264-3.
5. Official guide for the training of translators [Text]: textbook / ed. A. V. Moiseeva, P. G. Karakhanova, I. M. Zaslavskaya, E. A. Sgibneva. – M.: Sochi 2014 Organizing Committee, 2012. – 191 p.: ill. – Sochi 2014 Library. – Bibliography: p. 190-191.



6. Winter Sports [Text]: a textbook for translators (English) / A. A. Galkin, N. M. Lebedeva, E. K. Moshonkina, V. V. Sdobnikov [responsible. ed. V. R. Kolesnichenko]. - Moscow: R. Valent, 2013. - 335 p. : ill. ; 22 cm. - Bibliography: p. 330-335. - in the region in subtitle: Textbook for translators. English language. - 1000 copies. – ISBN 978-5-93439-437-1.
7. Glossary of the XXVII World Summer Universiade 2013 in Kazan [Text] / on reg. The 27th Summer Universiade Kazan 2013 Glossary. - Kazan, 2013. - 223 p.



DETERMINATION OF THE DISTRIBUTION OF CANDIDA FUNGI IN PATIENTS WITH CHRONIC GENERALIZED PERIODONTITIS

Salomat Mahmudjonovna Avezova

Assistant at the Department of Physiology of Bukhara State Medical Institute

E-mail: avezovasalomat49@gmail.com

ABSTRACT

The article presents data on the study of patients with generalized periodontitis. Most researchers believe that periodontitis is a polyetiological disease, the development of which is based on a complex of pathological changes occurring in the oral cavity associated with microbiological changes. The study of the detection of fungi of the Candida in patients with generalized periodontitis may use a different approach in the treatment of this type of disease.

Keywords: dentistry, diseases of the oral mucosa, periodontal disease, chronic generalized periodontitis, etiology, fungi of the Candida.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ГРИБОВ CANDIDA У ПАЦИЕНТОВ С ХРОНИЧЕСКИМ ГЕНЕРАЛИЗОВАННЫМ ПАРОДОНТИТОМ

АННОТАЦИЯ

В статье приведены данные об исследовании пациентов генерализованного пародонтита. Большинство исследователей считают, что пародонтит является полиэтиологическим заболеванием, в основе развития которого лежит комплекс происходящих в полости рта патологических сдвигов, связанным с микробиологическими изменениями. Изучение выявления грибов Candida у пациентов с генерализованным пародонтитом может послужить причиной иного подхода в лечении этого вида заболевания.

Ключевые слова: стоматология, заболевания слизистой оболочки полости рта, пародонт, хронический генерализованный пародонтит, этиология, грибы Candida.

INTRODUCTION

The cause of the development of inflammatory periodontal diseases is the interaction of the microbial content of dental

plaque and the local tissue response to it [2,3,5]. In foreign literature, the importance of coarse flora in inflammatory periodontal diseases has been determined since 1996, when a special form was identified - Candida-associated periodontitis, characterized by selective fungal invasion not only in the gingival epithelium, but also in the area of the periodontal ligament [11,12].

The fungi of the genus *Candida*, being an opportunistic pathogen, are found on the oral mucosa in more than half of the entire population [1,2,4,9]. It has been proven that fungi of the genus *Candida* are isolated from the contents of the gingival sulcus and periodontal pocket in 10-90.5% of cases in different geographical regions. [6,8,11]. However, there are studies that indicate that fungi do not colonize the periodontal pocket and play a very minor role in the etiology and pathogenesis of inflammatory diseases, and then only in HIV-positive patients and in patients with systemic diseases, such as diabetes. diabetes and agranulocytosis [1,7,10]. Such little comparable data are often associated with the territorial location of patients, climate, ecology, and diet in different geographical regions [6,7]. In this regard, it is advisable to study the prevalence of yeast-like fungi of the genus *Candida* in periodontitis in patients living in the city of Bukhara.

MATERIALS AND METHODS

The work was carried out in the period 2020-2021 on the basis of the Bukhara State Medical Institute. The survey included patients with chronic generalized periodontitis of moderate severity (65 patients) and 20 people with intact periodontium..

The 1st group (main) – patients with chronic generalized periodontitis of moderate severity (65 patients).

The 2nd group (control) – patients with intact periodontium who applied with diseases of caries, pulpitis (20 patients).

Patients underwent clinical and microbiological studies. Clinical studies included: a survey (complaints, relapses), examination of the oral cavity, instrumental studies (KPU index, Green-Vermilion, PMA, determination of the severity of periodontitis (Russel, 1956), depth of periodontal pockets). Microbiological culture study with the collection of scrapings of the contents of the periodontal pocket.

RESULTS AND ITS DISCUSSION

The clinical manifestations of periodontitis were very diverse. There were no complaints in the group with intact

periodontitis. On examination, the gingival margin is tightly adjacent to the tooth, pale pink in color, there is no bleeding during probing. Scraping was taken from them along the gingival margin adjacent to the teeth, since periodontal pockets were not detected in them. There were also no radiological signs. Objectively, the presence of bad breath was determined (in 5 patients), not associated with inflammation in the periodontium. Also, in 12 patients of the control group, soft plaque was determined. Patients of the main group complained of bleeding gums when eating, pain, itching and swelling in the gums, numbness of the teeth, a feeling of soreness, bad breath. An objective examination revealed edema and hyperemia of the gums, a change in their configuration in the form of bulges and a loose connection to the teeth. The gums bleed easily, a large amount of supra- and subgingival dental deposits. Periodontal pockets up to 2.0 mm deep. X-ray signs indicated destruction of the interdental septa up to 1/3 of the root length, which causes the appearance of tooth mobility of 1-2 degrees.

The data obtained from a comprehensive clinical and laboratory study of patients made it possible to divide all patients into groups depending on the absence or presence of fungi in the test material.

Based on the results of a comprehensive clinical and microbiological study, four groups were identified. The first group included patients with moderate generalized periodontitis who had fungi of the genus *Candida*. They made up 40% of the total number of the main study group (26 patients out of 65). The second group includes patients who were with intact periodontium, but in the microbiological study they also revealed fungi of the genus *Candida* (65% - 13 patients from the control group). The third group included patients with moderate generalized periodontitis without contamination with fungi of the genus *Candida* (35% - 7 patients from the control group). And, the fourth group included patients with intact periodontium, also without contamination of fungi of the genus *Candida* (60% - 39 patients out of 65).

CONCLUSIONS

Thus, the isolation of fungi was noted by us in 26 patients from 65 of the main group. The presence of fungi of the genus *Candida* in 7 patients out of 20 of the control group suggests that the detection of fungi in the main group can be both an etiological factor and a factor aggravating the course of generalized periodontitis. This may suggest the isolation of a *Candida*-associated variant of generalized periodontitis. This allows us to develop new criteria

for the treatment of generalized periodontitis, aimed at additional mycological treatment.

REFERENCES

1. Albandar J.M. / Albandar J.M. The 1-year treatment outcome of generalized chronic periodotitis may be enhanced by the systematic use of Metronidazole alone or in combination. Journalof Evidence based dental practice. 2012, 2(13), 52-54.
2. Avezova S.M. / Methods for treatment of chronic generalized periodontitis (literature review) //Узбекский медицинский журнал. – 2021. – Т. 2. – №. 5.
3. Avezova S.M. / Avezova S.M. / Generalized periodontitis. // ARES . – Academic research in educational sciences. - 2021, 2(5), pp.1536-1538
4. Blashkova S.L., Protocol for the management of patients with chronic generalized periodontitis // Practical medicine - 2009. - No. 1. - pp.63-67.
5. Grudyanov A.I. Prevention of inflammatory periodontal diseases / A.I. Grudyanov, V.V. Ovchinnikova. - M.: Medical Information Agency, 2007. - 80 p.
6. Dmitrieva L.A. et al., Therapeutic dentistry 2021 - National Guidelines - C.112-120.
7. Komleva A.S., Abstract. Optimization of conservative treatment of patients with chronic generalized periodontitis associated with candida flora, 2010.
8. Mammadova S.G. et al., Treatment of periodontal diseases / Saglamlyg.- 2007. - No. 2. - pp.167-172.
9. Makhmudjonovna S.A. / Makhmudjonovna S.A. Application of healing herbs in diseases of the mucosa of the oral cavity (literature review). ACADEMIA: An International Multidisciplinary Research Journal 11 (6), 67-71.
10. Mirsaeva F.Z., Khanov T.V., Dynamics of clinical and immunological indicators in the complex treatment of candida-associated periodontitis / Problems of Dentistry 2019, volume 15, No. 2, pp. 128-134.
11. S.M.Avezova / S.M Avezova. Etiological role of microorganisms in the development of periodontitis. //Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference 2021 1(1)
12. Ushakov R.V. et al. / Preclinical study of a dental film with combined antimicrobial, anti-inflammatory and antioxidant effects // Siberian medical journal. 2015.№4,30-33.



НАМАНГАН УЕЗДИ ТАРИХИ ХУСУСИДА

Отабек Махаматжонович Норматов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
тарих фанлари буйича фалсафа доктори (PhD), доцент
otabeknormatov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Наманган тарихига оид ижтимоий – иқтисодий жараёнлар акс этирилган. Жумладан ҳудудда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар турли хил тарихий манбалар асосида таҳлил қилинган. Совет ҳокимияти Фарғона водийсида ҳам мустамлака сифатида ўз таъсирида доимий сақлаб қолишга интиланган бўлсада, шунга қарамасдан ўлка иқтисодиётини йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида ҳам айрим чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан бундай чора-тадбирлар Наманган уездида ҳам амалга оширилганлиги ҳақида мақолада сўз юритилади.

Калит сўзлар: Туркистон генерал-губернаторлиги, миллий-худудий чегараланиш, иқтисодий районлаштириш сиёсати, Наманган уезди, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотик, қишлоқ совети, савдо муносабатлари, бозорлар фаолияти.

ABOUT THE HISTORY OF NAMANGAN COUNTY

ABSTRACT

This article reflects the socio-economic processes associated with the history of Namangan. In particular, based on various historical sources, the socio-economic reforms carried out in the region are analyzed. Although the Soviet government sought to maintain its influence in the Fergana Valley as a colony, some measures were taken to establish and develop the country's economy. In particular, the article says that such measures have been taken in the Namangan region.

Keywords: Turkestan governor-general, national-territorial delimitation, economic zoning policy, Namangan district, agriculture, trade, village council, trade relations, market activity.

КИРИШ

Совет ҳокимияти томонидан Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг, 1925 февралда



ташкил топган Ўзбекистон ССРнинг таркибидаги Фарғона вилояти таркибига тўртта уезд, яъни Қўқон, Андижон, Наманган ва Фарғона уездлари киритилди. Совет ҳокимияти Фарғона водийсини ҳам Марказ тартибидаги мустамлака сифатида ўз таъсирида доимий сақлаб қолишга интиланган бўлсада, шунга қарамасдан ўлка иқтисодиётини йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида ҳам турли хил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Наманган уезди маъмурий-ҳудудий тузилиши, аҳолининг этник таркиби, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва уларнинг айрим жиҳатлари, чорвачилик соҳаси ва уларнинг умумий ҳолати, транспорт алоқалар тизими, округнинг саноатини ўзига хослиги, округда савдо-сотик муносабатлари ўзига хос равишда йўлга қўйилганлиги ва амалга оширилиш жараёнлари статистик маълумотлар ва турли бюллетен материалларидаги маълумотлар асосида ўрганилиши мавзу долзарблигини ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, мазкур мавзунинг тарихшунослиги унчалик бой эмас. Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланишдан сўнг ташкил этилган Наманган уезди тарихи мавзусига оид тарихий тадқиқотларни қуйидаги учта гуруҳ: совет даври, мустақиллик йиллари ҳамда хорижий тадқиқотларга бўлиш мумкин. Совет ҳокимияти йилларида давлат ва сиёсат арбоблари, тарихчилар томонидан яратилган айрим тадқиқотларда ҳам Наманган уезди тарихи ва аҳолиси ҳақидаги фикрлар маълум маънода ўз аксини топган.

XX аср 20 – 30 - йилларида чоп этилган бошқа бир туркум адабиётларда Наманган уезди тарихи ва хўжалик аҳволи тўғрисида сўз юритилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ССРнинг раҳбарлари, сиёсий арбобларнинг Наманган уезди ва хўжалик аҳволи тўғрисидаги мақолалари ва нутқлари ҳам мавжуд.

МУҲОКАМА

Тарихдан маълумки Қўқон хонлиги 1876 йил февралда Россия империяси томонидан тугатилди. Туркистон ўлкасининг генерал – губернатори К.Кауфман буйруғига кўра 1876 йил 3 апрелда хонлик худуди ўрнида маркази Янги Марғилон (Фарғона) шаҳрида бўлган Фарғона области ташкил қилинди. Фарғона области худуди маркази Тошкент бўлган ва 1867 йил тузилган Туркистон генерал –



губернаторлиги таркибига киритилди. Фарғона области худудида Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўш ва Чуст уезлари бўлиб улар бир вақтда Чимён (1879 йилдан бошлаб Исфара) уезди тузилган эди. Исфара уездининг худуди 1881 йилда Қўқон ва Марғилон уездларига бўлиб юборилди[1].

Наманган ва Чуст уездларининг худуди тахминан hozirgi Наманган вилоятининг худудига тўғри келади. Чуст уезди таркибига қуйидаги 13 та волость (бўлис) кирган: Чуст, Олмос, Тўрақўрғон, Ашт, Бободархон, Варзик, Боястон, Косон, Қутлуғ Саид, Поп, Тергачи, Чодак, Ахси – Шаханд[2]. Наманган уезди таркибига ҳам ўндан ортиқ волость ва юздан ортиқ қишлоқлар кирган. Кейинчалик Чуст уезди тугатилди ва унинг худуди Наманган уезди худудига қўшиб юборилди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасида амалга оширилган маъмурий-худудий бўлинишда ўлканинг табиий, тарихий, иқтисодий ва миллий хусусиятлари ҳисобга олинмади. Бу жараёнлар ҳақли равишда ҳарбий-бюрократик аҳамиятга молик ҳисобланган худудларни ташкиллаштириш бўйича Россия империясида амалга оширилган умумий тадбирларнинг узвий давоми бўлди.

Туркистон ўлкасининг биринчи генерал – губернатори К.П. Кауфман ўзининг Россия императорига йўллаган ҳисоботида бу ҳақда қуйидагича ёзган эди: “1863-1867 йиллардаги муваффақиятлар, ... турғун ва ўз турғунлигига ўралган мамлакатнинг бутун сиёсий тизимини барбод қилгани ҳолда, яқсон бўлган кучларни қўлга олиш, уларни ўлкага рус давлати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб келинган янги ижобий сиёсий ва фуқаровий дастурларни бажаришга йўналтиришни уddaлай олмади”[3].

НАТИЖАЛАР

1917 йил ноябрда Туркистон ўлкасининг маркази Тошкентда совет ҳокимияти ўрнатилгач, Фарғона водийсида ҳам қурол кучи ва зўравонлик билан янги тузум қарор топди. Туркистон Мухторияти ҳукумати 1918 йил феврал ойида қизил гвардиячилар ва арман дашноқлари томонидан қонга ботирилгач, Фарғона водийси худудида, жумладан, Наманган уездида ҳам истиқлолчилик ҳаракати бошланди. 1918-1924 йилларда мазкур худудда бўлиб ўтган истиқлолчилик ҳаракати тўғрисида тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов ўзининг кўплаб тадқиқотларида сўз юритган[4].

Совет ҳокимияти томонидан ҳам бу даврда Наманган ва Чустда янги ҳокимиятнинг органлари тузилди. 1920 йил 20 июнда Наманган шаҳар ревкомининг буйриғи билан Чуст ва



Олмосда инқилобий кўмита (ревком) тузилди. Чустдаги ревкомга Отабой Искандаров, Олмосдаги ревкомга эса Деҳқонбой Абдураззоқов бошчилик қилишди.

Совет ҳокимияти Фарғона водийсида мустаҳкам қарор топган даврда Наманган уезди Фарғона области таркибида бўлиб, унинг Россия империяси давридаги маъмурий-худудий бўлиниши то 1925 йилгача деярли ўзгаришсиз сақланиб қолган. 1917 – 1925 йилларда совет ҳокимияти кўпинча ҳарбий ҳаракатларга ва ғоявий ишларга асосий эътиборни қаратиб, бошқа соҳалар билан унчалик шуғулланмаган. Фақат 1925 йилдан бошлаб халқ хўжалигининг турли соҳаларини ривожлантиришга киришилди.

Наманган уезди Фарғона вилояти таркибидаги муҳим аҳамиятга эга худуд ҳисобланиб, 1925 йилги маълумотларга қараганда қуйидаги волостлар (бўлислар)ни ўз ичига олган: Олмос, Акси – Шаханд, Ашт, Бободархон, Варзик, Косон, Капа, Қирғизқўрғон, Нанай, Поп, Пишқарон, Тергачи, Тўрақўрғон, Уйчи, Хонобод, Чодак, Чортоқ, Чуст ва Янгиқўрғон [5].

Расмий маълумотларга кўра Наманган уездининг маъмурий-худудий бошқаруви ўзига хос равишда ташкил этилган бўлиб, юқорида номлари келтирилган волостлар, Наманган уезди ва шаҳар ижроия кўмитаси томонидан Наманган шаҳрида туриб бошқарилган. Наманган уезди ва шаҳар ижроия кўмитаси таркибига Шоғофур Шомансуров (раис), Қосимов (ўринбосар), Асрор Зайниддинов (маъсул котиб), Аҳаджон Муҳимардонов, Мизамбоев, Марк Милявский, Чиверев, Аҳмаджонов, Муҳаммаджон Муродов (аъзолар) ва бошқалар киритилганлигини кўришимиз мумкин[6].

Наманган уезди ва шаҳар ижроия кўмитаси таркибида котибият, ташкилий, маъмурий, умумий бўлимлар, режалаштириш комиссияси, халқ таълими бошқармаси, сиёсий – маданий оқартув бўлими, хўжалик бўлими ва девонхона фаолият юритган. Шуни таъкидлаш керакки, ижроия кўмита қарамоғида қуйидаги бўлимлар асосий бўлимлар ҳисобланган: режалаштириш комиссияси, уезд ер тузиш ва фойдаланиш бўлими, уезд сув хўжалиги бўлими, уезд ҳарбий ишлар бўлими, уезд суд тизими, уезд статистика бўлими, уезд халқ таълими бошқармаси, уезд ижтимоий таъминот бўлими ва уезд ички савдо кўмитаси[7].

Бундан ташқари Наманган уездида тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи давлат органлари ҳам фаолият юритган. Жумладан, Наманган уезди ва шаҳар милиция бошқармаси, Наманган жиноят қидирув бўлими, Наманган уезди бўйича

халқ судлари, Наманган уезди прокуратурасини бунга мисол келтиришимиз мумкин. Бундай назорат органлари Фарғона вилояти раҳбарияти тайинлаган шахслар томонидан бошқарилган. Масалан, Наманган уезд ва шаҳар милиция бошқармаси бошлиғи лавозимига Посунов, Наманган жиноят қидирув бўлими бошлиғи лавозимига Қодир Юсупов, Наманган уезди прокурори лавозимига Абдурахмонов тайинланган ва улар Фарғона вилоятининг Наманган уезди бўйича вакиллари ҳисобланишган[8].

1925 йилги маълумотларга қараганда, Наманган уездида 273та аҳоли пунктлари (қишлоқлар), хўжаликлар сони эса 43934та бўлиб, аҳолининг умумий миқдори сони эса 184792 нафарни ташкил этган[9]. Аҳолининг кўпчилик қисми асосан қишлоқларда истиқомат қилишган. Уезднинг шаҳар аҳолиси умумий сони 48 952 нафар ҳисобланиб, Наманган шаҳрида 40 196 нафар, Чустда эса 8 756 нафари яшаганлиги рўйхатга олинган (1923 йил)[10]. Уезд аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқларда яшаганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги соҳаси уезд бўйича катта аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланган. Қишлоқ хўжалигида сунъий суғориш ва лалмикорликка асосланган умумий экин майдонларидан фойдаланилган. Деҳқончиликда асосан пахта, шоли, маккажўхори етиштирилган. Уезд аҳолиси қишлоқ хўжалиги соҳасида деҳқончиликдан ташқари, чорвачилик, хунармандчилик ва савдо - сотиқ билан ҳам мунтазам шуғулланиб келишган.

ХУЛОСА

Наманган уезди бўйича савдо - сотиқ ишлари ҳам ўзига хос равишда ташкил этилган бўлиб ҳар бир волостда бу ҳол яққол намоён бўлган. Наманган уездида аҳолининг савдо ишларини юритиш ва истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида марказий шаҳар бозорлари ва қишлоқ бозорлари фаолият юритган. Наманган уезди аҳолисининг асосий савдо-сотиқ қиладиган йирик шаҳар бозорлари водийнинг Қўқон, Фарғона, Марғилон, Наманган ва Чуст каби йирик шаҳарларида жойлашган эди.

Ўрта Осиёда районлаштириш ўтказилишидан аввал Наманган уездида умумий аҳоли шундай бўлган эди. 1926 йил 17 январда бўлган Ўзбекистон ССР Олий Советининг районлаштириш комиссияси йиғилишида Наманган уездида районлаштириш ишлари тўғрисидаги масала кўрилган. 1926 йил сентябр ойида ўтказилган Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Советларнинг V сессиясида барча уездлар қаторида Наманган уезди ҳам тугатилди ва Ўзбекистон ССР



таркибида округлар (кейинчалик вилоятлар) ва туманлар ташкил қилинди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳозирги Наманган вилояти худуди тарихи, Ўзбекистон тарихида ўзига хос маданий, иқтисодий алоҳида ўринга эга бўлиб, худуднинг тарихини ўрганиш бугунги кунда муҳим, алоҳида илмий мавзу ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон МА(миллий архиви), 86-фонд, 1-рўйхат, 3404-иш, 19-варақ.
2. Абдурахимова Н, Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. –Т.: Академия, 2002. – Б 42-43.
2. Нажиддин Файзиддин ўғли ва б. Чуст тарихи. – Чуст, 1995. - Б-52-53; Ўзбекистон МДА, 18-фонд, 1-рўйхат, 2919-иш, 22,28 – варақлар.
- 3 Қаранг: Абдурахимова Н, Рустамова Г. Колонияльная система власти в Туркестане во второй половине XIX-I четверте XX вв. – Т.: Университет, 1999. – с 27; Проект вселодданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноябр 1867 -25 марта 1881 гг.– Санкт-Петербург,1885.– с 5
4. Раджабов Қ.К. Истиклолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924 гг.). Афтореф. Дисс. ... канд. Ист. наук. –Т.: 1995. -32 с; Унинг ўзи. Намангандаги истиклолчилик ҳаракати // Тарих тилга кирганда ... Даврий тўплам № 2(Мақолалар тўплами) – Наманган, 2008. – Б 43-49.
5. Список населённых мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Выпуск III. Ферганская область. – Самарканд: Изд. ЦСУ УзССР, 1925; NO Махаматjonovich. ZONING POLITICS AND CONSEQUENCES IN UZBEKISTAN. Journal of Ethics and Diversity in International Communication (JEDIC), October -2021.-Pp.62-66. www.openaccessjournals.eu
Lawyers devote the article to the study of the peculiarities of the legal regulation of the conclusion and execution of contracts for the provision of services. The paper analyzes and compares such concepts as “legal service” and “legal assistance”. The conclusion is made that legal services are one of the complex and undeveloped in the theory of types of services that require recommendations to address gaps in the current legislation. An analysis is made of the practical application of contracts for the provision of legal services and contracts of commission concluded by lawyers. Concrete proposals are identified for amendments to the Law “On the

Advocacy and the Bar of the Republicussian Federation”, which, in our opinion, will help strengthen the independence of the institution of the bar in the Russian Federation and eliminate differences on the qualification of the legal aid agreement.

Keywords: legal aid, legal service, legal service, contract, order of assignment, lawyer, contract for the provision of legal services on a fee.

КИРИШ

Фуқаролар ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган мавзу бугунги кунда тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Юридик хизмат кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш ҳақида гапиришдан олдин "юридик ёрдам" ва "юридик хизмат" тушунчаларига аниқлик киритиш керак.

Уларнинг бир-бири билан қандай боғлиқлигини, улар ўртасида нима умумий эканлигини ва бу тушунчаларда фарқлар мавжудлигини аниқлаш лозим.

Амалдаги қонунчилик нормалари ҳамда уни қўллаш амалиёти таҳлили шуни айтишга имкон берадики, ҳозирги вақтда “юридик ёрдам” тушунчаси ва “юридик хизмат” тушунчаси тўлиқ очиқ берилмаган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда юқоридаги атамаларни фарқлаш имконини берадиган асосий белгиларни топиш жуда қийин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Фуқаролик қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги қонуннинг бугунги кундаги ҳолатидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ушбу масала, яъни умуман “юридик хизмат” кўрсатиш, жумладан “адвокат томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат” тушунчалари аниқлаштирилмаган ва тўғри тартибга солинмаган.

Мазкур қонун ҳужжатлари қабул қилинган даврда бошқача бўлиши мумкин эмас еди. Сабаби, ўша даврда юридик хизматлар кўрсатиш соҳаси етарли даражада ривожланмаган еди. Шунга қарамай, ўша пайтдан қонунчиликда иккита асосий ҳуқуқи категориялар қўлланилиб келинган – “ҳуқуқий ёрдам” ва “юридик хизмат”.

"Юридик хизмат" тушунчаси ҳеч бўлмаганда шартномаларни тузиш бўйича тавсияларда унинг турлари санаб ўтилган бўлса, аммо “ҳуқуқий ёрдам” тушунчаси



хусусида олимлар ва амалиётчилар ўртасида ҳамфикрлик йўқ ва ҳаттоки, қонунчиликда ҳам ушбу тушунча ўз ифодасини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасида "юримдик ёрдам кўрсатиш тўғрисида келишув (шартнома)" атамаси белгилаб берилган ва ушбу турдаги "келишув (шартнома)" тушунчаси очиб берилган.

Қонуннинг 9-моддаси 1-қисмига кўра, адвокат билан вакил ўртасида тузилган шартнома асосида вакиллик қилади.

Ушбу модданинг 2-қисмига юримдик ёрдам кўрсатиш бўйича шартнома фуқаролик-ҳуқуқий шартнома эканлиги белгиланган.

Шундай қилиб, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда "ҳуқуқий (юримдик) ёрдам" тушунчаси очиб берилмаганини кўраимиз.

"Юримдик хизмат" тушунчасига келсак, фуқаролик қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 703-моддасида, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини ҳуқуқий тартибга солишни белгилаб қўйган, аммо "хизмат" тушунчасининг таърифи келтирилмаган.

Бундан ташқари, фанда юримдик ёки ҳуқуқий хизматлар нима эканлиги ҳақида умумий тушунча мавжуд эмас. Қонунчилик ушбу тушунчалар ўртасидаги фарқларни назарда тутмайди.

Ҳуқуқий таълимотда қонунчилигимизнинг энг долзарб муаммоларидан бири – унификацияни талаб қилувчи атамаларнинг кўплиги муҳокама қилинаётганда, ушбу атамалар ўртасидаги муносабат масаласи кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, айрим муаллифлар (Т. И. Ильина, А. И. Муранов, Д. В. Новак, Г. К. Шаров) бу тушунчалар бир-биридан фарқ қилмаслигини қайд этадилар.

Бошқалари эса, аксинча, уларга қарши туриб, ўз позициясини асослашга ҳаракат қилмоқда. Масалан, О. С. Понасюк "адвокатура доирасига кирадиган ҳамма нарса малакали юримдик ёрдамдир, бу соҳага кирмайдиган нарса эса юримдик хизматлардир", деб ҳисоблайди. Р. Р. Ленковская ҳуқуқий ва юримдик хизматларни малакали юримдик ёрдамдан фарқлаш керак, деб ҳисоблайди. [3, с. 59].

Юримдик ёрдам тушунчаси кўплаб муаллифлар: О. Н. Бондар, М. В. Кратенко, Р. Г. Мелниченко, К. Е. Михайленко, В. Ю. Панченко, А. С. Плетен, Е. В. Януш ва бошқалар томонидан ўрганилганлиги муҳим аҳамиятга ега. Айрим назарий ишланмалар мавжудлигини қайд этишимиз мумкин.

Қонун ҳужжатларини, суд ва адвокатлик амалиётини, махсус адабиётларни ўрганиш асосида адвокат томонидан юридик хизматлар кўрсатиш шартномаси ва юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг хусусиятлари (умумий, бошқача ва махсус) тўғрисида баъзи хулосалар чиқариш мумкин.

Юридик хизматлар ва юридик ёрдам тушунчалари ҳуқуқий табиати билан фарқланади (биринчи ҳолатда иқтисодий маънода ишлатилса, иккинчи ҳолатда конституциявий ҳуқуқни таъминловчи маънода).

Бу тушунчалар бир-биридан фарқ қилганлиги сабабли, қонунчиликда тегишли тартибга солинишини талаб қилади.

Малакали юридик ёрдам махсус ваколатли шахс бўлган адвокат томонидан амалга оширилади

Юридик хизматлар, қоида тариқасида, муомага лаёқатли шахслар томонидан кўрсатилади. Хизмат кўрсатиш, шу жумладан юридик хизмат фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади. Аммо, "юридик хизмат" на тушунчаси, на атамаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий ва махсус қисмларида мавжуд. Буни қонунчиликдаги бўшлиқ ва, хусусан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатишни тартибга солувчи нормаларни тўлиқ эмаслигидан далолат беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигида юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни тузишда - юридик хизмат истеъмолчилари дуч келадиган иккита асосий муаммони ажратиб кўрсатиш керак.

Биринчидан, фуқароларга "ёрдам кўрсатувчи" субъектнинг малакасини аниқлаш қийин, чунки уларда махсус билим ва тажриба йўқ.

Иккинчидан, фуқароларда "ёрдам кўрсатувчи" субъектни танлаш ҳуқуқи йўқ, сабаби ушбу ҳолатда нафақат олий юридик маълумот етарли, балки айнан малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи тегишли юридик ихтисосликни мавжудлигини тақозо этади.

"Юридик ёрдам" ўзида жамоат манфаатларини ифода этади, "юридик хизмат" эса оммавий-ҳуқуқий аҳамиятга ега. Шу билан бирга, давлат томонидан юридик хизмат кўрсатувчи шахсларнинг (адвокатлардан ташқари) фаолиятини тартибга солувчи, уларнинг касбий тайёргарлиги ва касбий этикасига, шунингдек, сифатсиз хизмат кўрсатганлик учун жавобгарлик механизмини белгиловчи махсус қонун ҳужжати қабул қилинмаган.

Умуман олганда, “юридик хизмат” ҳам, “юридик ёрдам” ҳам алеатор (исталган натижа эришилмаслик хавфи мавжуд) сифатларга эга бўлиб, фидуциар (ишончга асосланган) характерга эга. Шартнома амалда бажарилгандан ва хизмат кўрсатилгандан кейин ҳам бундай хусусиятларни ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳолаш қийин.

Шунингдек, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг предмети тушунчасининг ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги ушбу шартноманинг квалификациясида ҳуқуқий ноаниқликка олиб келади ва натижада судлар юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномани ё ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси ёки топшириқ шартномаси сифатида квалификациялайди.

Амалда, ҳимоя зарур бўлган вазиятда, ҳуқуқ соҳасидаги мутахассис кўпинча топшириқ шартномасини тузади. Топшириқ шартномаси бўйича адвокат ишонч билдирувчи номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни амалга оширади. Унинг тарафлари шартноманинг моҳиятини, яъни пуллик ёки бепул бўлишини аниқлашга ҳақли (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 818-моддаси 1-қисми).

Ушбу шартнома ва юридик хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд бўлиб, уларнинг фарқи ва индивидуал нюанслари амалиётни ўрганиш жараёнида аниқланади.

Шундай қилиб, амалдаги фуқаролик қонунчилигига кўра, юридик хизмат кўрсатиш шартномасининг ҳуқуқий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 39-боб билан тартибга солинга;
- тарафлар пудратчи ва буюртмачи ҳисобланади;
- шартнома предмети - юридик хизматлар кўрсатиш, яъни буюртмачи тўловини амалга оширган ҳаракатлар ёки фаолиятни амалга ошириш ҳисобланади;
- ижро этиш усули - пудратчи томонидан шартнома мажбуриятлари шахсан бажарилиши;
- шартномада тўлаш тартиби ва муддатлари белгилаб қўйилган;
- буюртмачига боғлиқ сабабларга кўра хизматлар кўрсатилмаган тақдирда, умумий қоидага кўра, тўлов тўлиқ амалга оширилади.

Агар хизматлар томонларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра кўрсатилмаса, буюртмачи, қоида тариқасида, ҳақиқий харажатларни тўлайди;

- буюртмачи шартномадан бир томонлама воз кечган тақдирда, у ҳақиқий харажатларни тўлайди. Пудратчи бир томонлама рад этган тақдирда, у етказилган зарарларни қоплайди;

- юридик хизмат кўрсатишдан келиб чиқадиган муносабатларга пудрат ва маиший пудрат тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини қўллашга рухсат этилади.

Топшириқ шартномасининг хусусиятлари:

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 46-боби қоидалари билан тартибга солинган;

- тарафлар - вакил ва топшириқ берувчи;

- адвокат вакил сифатида топшириқ берувчи (ишонч билдирувчи) номидан қонуний ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини олади;

- ҳаракатлар топшириқ берувчи (ишонч билдирувчи) ҳисобидан амалга оширилади;

- топшириқ берувчи (ишонч билдирувчи) адвокатнинг ҳаракатлари учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни олади;

- шартномада адвокат вакил сифатида топшириқ берувчи (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб иш юритишига муддат белгиланиши мумкин;

- агар топшириқ шартномами иккала тараф ёки улардан бирининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, топшири берувчи, агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, ҳақ тўлаши шарт.

Агар шартнома тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаса, агар у норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, ҳақ тўланади.

Юқоридаги шартномаларнинг ҳуқуқий хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида улар ўртасидаги асосий фарқни кўриш мумкин – шартномаларнинг бирида ишонч билдирувчи ўз кўрсатмаларини бажариш учун ўз ваколатларини вакилга топширади, иккинчисида эса буюртмачи эса ижрочиға ўз ваколатларини топширмайди.

Шундай қилиб, шартномалар ўртасидаги асосий фарқ уларнинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети билан белгиланади. Вакил бажариши керак бўлган аниқ юридик ҳаракатлар рўйхати мулкни сотиб олиш ёки бегоналаштириш, тўловларни амалга ошириш ва ҳоказоларни ўз ичига олиши мумкин.

Шу муносабат билан топширик шартномасини қўллаш амалиётининг айрим нюансларини ҳисобга олиш керак:

- топширик шартномасига кўра, адвокат (вакил) ишонч билдирувчи номидан ва унинг ҳисобидан муайян ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини олади. Адвокат (вакил) томонидан тузилган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита ишонч билдирувчида пайдо бўлади;

- ишончноманинг берилиши шартнома тузилганлигининг автоматик тасдиқланишини аниқламайди, чунки юқорида айтилганлар бир томонлама ҳаракатни (ишонч билдирувчининг вакилга ваколат бериш ниятини аниқлатади), лекин иккинчи вакилнинг ушбу ваколатлардан фойдаланган ҳолда ҳаракатларни амалга ошириш истагини билдирмайди. Топширик шартномасида ушбу масала бўйича келишувга эришилганлиги кўрсатилган. Бундай ҳолда, ишончномани бермаслик автоматик равишда топширик шартномаси тузилмаган деб ҳисобланмайди;

- ишончноманинг амал қилиш муддати тугаши ва янги ишончномани берилмаганлиги - шартномани бекор қилинганлигидан далолат беради;

- ишончнома берилганлиги томонлар ўртасидаги топширик шартномасидан келиб чиқадиган муносабатлар шаклланишидан далолат беради ва ушбу муносабатларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг топширик шартномасига доир нормалари қўлланилади. Қоида тариқасида, амалда фуқаролар ва юридик шахслар ёрдам сўраб адвокатларга ёки юридик хизматларга мурожаат қилиб, ўзларини юридик ёрдам кўрсатиш натижасида юзага келадиган салбий оқибатлардан ҳимоя қилиш учун қайси шартномани тузсак яхшироқ деб уйлашади. Бугунги кундаги вазиятдан келиб чиқиб, шартнома турини танлаш зарур. Топширик шартномаси аксар ҳолларда алеатор-фидуциар (ишончга асосланган) характерга эга. Бизнинг фикримизча, топширик шартномасининг шахсий-махфийлик характерга эга эканлиги белгиси субъект таркибидан қатъи назар, барча ҳуқуқий муносабатларни тавсифлайди. Адвокатлар томонидан тузилган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома топширик шартномасига энг яқин ҳисобланади. Иккинчисининг топширик шартномасидан фарқи шундаки, агар унинг предмети жиноий ҳимоя бўлса, адвокатнинг ўзи юридик ёрдам кўрсатишдан воз кеча олмайди.

Ҳақ эвазига юридик (ҳуқуқий) хизматлар кўрсатиш шартномасининг ўзига хос хусусияти судда ёки бошқа юрисдикция органида хизматдан фойдаланувчининг

манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган "муайян ҳаракатларни бажариш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш" иборатдир. Ушбу органлар белгиланган талаблар бўйича қарор қабул қилишлари шарт. Шу сабабли, буюртмачининг манфаатлари - тегишли юридик хизматлар кўрсатиш билан чекланмасдан, ижрочи фаолиятининг ижобий натижасига эришишдан иборат (даъвони, шикоятни қондириш, бошқа ижобий қарорни олиш), бу эса шартноманинг тартибга солиш предмети доирасидан четга чиқади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Юридик хизматлар кўрсатиш шартномасини ҳуқуқий тартибга солинган шундай салбий томони борки, бу кўрсатилган хизматнинг қонунда белгиланган аниқ натижасининг йўқлиги - ушбу шартномани тузишда буюртмачи маълум бир натижа мавжудлигини белгилаши қийин, чунки, қонунда, ушбу шартнома ижрочисининг хизмат кўрсатиш маълум бир натижасини буюртмачига топшириш бўйича аниқ мажбурияти кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, юридик хизматнинг ўзи нисбий тушунча бўлиб, ҳар бир вакил ёки адвокат ўзининг ҳуқуқий билими ва иш тажрибасига кўра юридик хизматлар ёки юридик ёрдам кўрсатиш тартиби билан боғлиқ ҳаракатларни мустақил равишда ҳал қилади. Ва келажакда юридик хизмат кўрсатувчи вакил ўз ҳаракатларида хатога йўл қўйганлигини исботлаш жуда қийин, деярли имконсиз.

Юқорида айтилганларни келтирилганларни умумлаштирган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг батафсил, кенгайтирилган предмети ва юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома турининг квалификацияси ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги Ўзбекистон Республикаси "Адвокатуру тўғрисида"ги қонундаги бўшлиқ сифатида қараш ва уни бартараф этиш чораларини кўриш лозим.

Биз "Адвокатуру тўғрисида"ги қонунда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг мустақил тури эканлигини кўрсатишни ва ушбу 9-моддани "юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг предмети" тушунчаси билан тўлдиршни таклиф қиламиз.

"Адвокатуру тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддаси 5-қисмининг 2-бандида юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома предметини квалификация қилишда "топшириқ предмети" атамаси қўлланган, яъни юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги

шартнома предмети нуқтаи назаридан топшириқ муносабатлари назарда тутилган, аммо негадир ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 46 – бобига ҳавола қилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 818-моддасида топшириқ шартномаси - бу фақат ишончнома билан амалга ошириладиган ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги битим. Лекин ҳар доим ҳам адвокатнинг ваколатлари ишончнома шаклида ифодаланмайди. Жиноят процессида адвокат ҳимоя қилиш учун қабул қилинган топшириқни фақат гувоҳнома ва ордер (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддаси 2-қисми) асосида, шунингдек адвокат фуқаролик процессига кирган тақдирда ҳам ордер асосида ва ишонч билдирувчининг бевосита иштирокида бажаради. Бундан чиқди, ишончнома юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бўйича топшириқни бажаришда адвокатнинг ваколатларини тасдиқловчи мажбурий ҳужжат эмас. Шунинг учун биз Қонун мазмунини, яъни "Адвокатура тўғрисида" ги Қонуннинг 9-моддаси мазмунини "юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг предмети" тушунчаси билан тўлдиришни зарур деб ҳисоблаймиз.

Ушбу ўзгаришлар, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтининг мустақиллигини мустаҳкамлайди ва ҳуқуқий амалиётдаги юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг квалификациясига оид келишмовчиликларни бартараф этади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, тадқиқот мавзусининг долзарблиги ўз тасдиғини топади деган хулосага келамиз. Юридик хизмат - назария ва амалиётда тўлиқ ишлаб чиқилмаган хизматларнинг энг мураккаб турларидан биридир. Ушбу муаммони (масалан, кўрсатилаётган юридик хизмат сифати ўлчови муаммоси) ҳал қилишнинг самарали усуллари аниқлаш учун қонунчиликдаги мавжуд бушлиқларни бартараф этиш бўйича батафсил тавсияларни шакллантиришга бағишланган янада кенг қамровли тадқиқотларни талаб қилади. Сабаби, “юридик хизмат” тушунчасига маъно жиҳатидан қўплаб яқин атамаларнинг мавжудлиги, ушбу тушунчани ўзи ва у билан боғлиқ ходисалар шаклланиш, сайқалланиш жараёнида эканлигини англатади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги қонун. 27.12.1996 йилдаги 349-І-сон
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 29.08.1996 йил.
3. Панченко В. Ю. Подходы к понятию «юридическая помощь» в современном отечественном правоведении / В. Ю. Панченко // Российский юридический журнал. — 2012. — № 1 (82). — С. 18-27.
4. Штырина Н. С. Договор возмездного оказания юридических услуг / Н. С. Штырина // Via scientiarum – Дорога знаний. — 2018. — № 2. — С. 198–204.
5. Конюх Е. А. Невозможность исполнения договора возмездного оказания услуг, возникшая по вине исполнителя / Е. А. Конюх // Российская юстиция. — 2017. — № 8. — С. 7–10.
6. Горельшева Е. М. Некоторые проблемы договора возмездного оказания юридических / Е. М. Горельшева // Сфера знаний в вопросах культуры, науки и образования сборник научных трудов. Казань, 2018. — С. 74–77.
7. Журкина О. В. Критерии оценки качества оказания юридических услуг / О. В. Журкина // Юрист. — 2018. — № 10. — С. 70–76.
8. Ленковская Р. Р. Понятие и правовая природа правовых и юридических услуг / Р. Р. Ленковская // Пробелы в российском законодательстве. — 2015. — № 4. — С. 36–38.
9. Ализаде Э. А. оглы Соглашение об оказании юридической помощи / Э. А. оглы Ализаде // Юстиция. — 2017. — № 4. — С. 10–15.
10. Занковский С. С. Правовое регулирование и практика оказания возмездных юридических услуг / С. С. Занковский // Юридический мир. — 2017. — № 10. — С. 52–55.
11. Самодуров А. С. Отличие договора возмездного оказания юридических услуг от иных договоров оказания услуг и проблемы его реализации / А. С. Самодуров // Вестник экспертного совета. — 2016. — № 2 (5). — С. 95–103.
12. Астапова Е. В. Договор возмездного оказания услуг и проблемы его исполнения / Е. В. Астапова, С. В. Кириченко // Юристы-Правоведы. — 2017. — № 4 (83). — С. 152–158.
13. Третьякова В. П. Форма договора возмездного оказания юридических услуг / В. П. Третьякова // Вестник Томского государственного университета. Право. — 2018. — № 30. — С. 213–223.
14. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. 22.09.1994 йил.



INTELLEKTUAL MATN TAHLILI

Sabohat Yusupboyevna Allanazarova

O'zbekiston Milliy universiteti magistranti

allanazarovasabohat@gmail.com

Nilufar Zaynobiddin qizi Abduraxmonova

O'zbekiston Milliy universiteti dotsenti, DSc

abdurahmonova.1987@mail.ru

ANNOTATSIYA

Fan va texnikaning yuksak darajada rivojlanishi natijasida ijtimoiy saytlar orqali qabul qilinadigan ma'lumotlar hajmi boshqarib bo'lmaydigan tarzda keskin oshib ketdi. Ko'pchilik foydalanuvchilar duch keladigan asosiy muammo - vaqt yetishmasligi. Sababi, barcha ma'lumotlarni o'qishning iloji yo'q. Bu esa ushbu ma'lumotlarni saralash zaruratini tug'diradi. Shu sababli Tabiiy tillar jarayoni (NLP), Mashinaviy o'qitish (Machine learning), Ma'lumotlarga ishlov berish (Data Science) va Sun'iy intellekt kabi sohalarga qiziqishning o'sishi kuzatildi. XXI asr texnologiyalar va intellektual salohiyat asrida insonlarning fikrini o'rganish bo'yicha yangi metod paydo bo'ldi.

Kalit so'zlar: sentiment tahlili, tonallik, ijtimoiy tarmoq, ma'lumotlar bazasi, xizmatlarni baholash.

ABSTRACT

As a result of the high level of development of science and technology, the amount of information received through social sites has increased dramatically. The main problem that most users face is lack of time. Because not all data can be read. Which makes it necessary to sort this data. Therefore, there has been an increase in interest in areas such as the natural language process (NLP), machine learning, data science and artificial intelligence. The 21st century, in the age of technology and intellectual potential, a new method of studying people's opinions has emerged.

Keywords: sentiment analysis, tonality, social network, database, evaluation of services

KIRISH

Innovatsion texnologiyalar asrida hayotimizni ijtimoiy tarmoqlarsiz tasavvur qila olmaymiz, shu sababli ham kunlik



qabul qilinadigan ma'lumotlar hajmi keskin oshib ketadi. Internet ma'lumotlarining ko'pligi sababli, uni intellektual tahlil qilish zaruriyati va undan turli xil bilimlarni o'zlashtirish masalasi bugungi kunning talabidir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Rivojlangan davlatlarda tabiiy tilni qayta ishlash texnologiyalari (NLP) va Informatsion texnologiyalar (IT) sohasida yaxshi natijalarga erishilmoqda. Ushbu ilmiy sohaning eng qiziqarli va samarali usullari orasida Sentiment tahlili ajralib turibdi. Sentiment tahlil qilish kompyuter lingvistikasi uchun samarali tadqiqot yo'nalishlaridan hisoblanadi. Dastlab Sentiment nima o'zi degan savolga javob bersak. Bu - matndagi emotsional rangdagi so'z boyligini avtomatlashtirilgan tarzda aniqlash uchun ishlatiladi. Sentiment tahlili yana quyidagicha nomlanadi:

- **Fikrlarni izlash** (Opinion extraction)
- **Fikrlarni o'rganish** (Opinion mining)
- **Hissiy tahlil qilish** (Sentiment analysis)
- **Subyektivlik tahlili** (Subjectivity analysis)

Hissiyotlarni tahlil qilish va o'rganish - bu yozma tildan odamlarning fikrlari, baholari, munosabati va hissiyotlarni tahlil qiladigan soha bo'lib, dunyo bo'ylab sentiment tahlil deb nomlanadi. Uning qo'llanilishi, biznes xizmatlaridan tortib, siyosiy kompaniyalargacha keng tarqalgan. Xususan:

- ❖ Media mahsulotlari;
- ❖ Fond bozorlari;
- ❖ Siyosat;
- ❖ Tabiiy ofatlar;
- ❖ Tibbiyot;
- ❖ Dasturiy ta'minot;
- ❖ Muhandislik;
- ❖ Xizmat ko'rsatish;
- ❖ Kiberhujum;

❖ **Ekstremistik** matnlarni **neytral** matnlardan farqlash va boshqa sohalarda foydalaniladi.

Xususan so'nggi yillarda ekstremizm g'oyalarning internet foydalanuvchilari o'rtasida tarqalishi, matnlarni tahlil qilishning nechog'lik muhim ekanligini isbotlamoqda. Ekstremistik ruhdagi matnlarni neytral matnlardan farqlash orqali yurtimizda sodir bolishi mumkin bo'lgan xavflarning oldi olinadi. Axborot urushlari paytida bu vazifa eng

muhim vazifalardan biridir Matn ohangini tahlil qilish, inglizcha fikrlarni tahlil qilish demakdir. Leksema yoki kommunikativ parcha darajasida ifodalangan hissiy tarkibiy qism leksik tonallik yoki leksik tuyg‘u deb nomlanadi.

Tonallik- bu muallifning matnda ifodalangan ba’zi bir obyektga, real hodisa, jarayonga nisbatan hissiy munosabatidir. Inson dunyoni birdaniga ko‘p miqyosda: **yaxshi-yomon, kuchli-zaif, katta-kichik, baxtli-baxtsiz, kulguli-g‘amgin, tez-sekin** sifatida baholaydi. Matnda ifodalangan hissiy bahoning tashuvchisi ham odatda aniq shaxs, umuman olganda u matn muallifidir. Agar matn muallifi birovning fikrini keltirsa, u holda hissiy bahoning tashuvchisiga aylanadi.

Nega hissiyotlar shunchalik muhim? Bu tahlilda asosan biror voqea-hodisaga, real vaziyat yoki mahsulot, ishlab chiqaruvchi korxonaga, xizmat ko‘rsatuvchi muassasalarga ijtimoiy tarmoq foydalanuvchilarining munosabati, e’tirofi, shaxsiy kechinmalari kabi norasmiy sharhlarga e’tibor qaratiladi.

Twitter, Facebook kabi ijtimoiy tarmoqlarda kishilar biznes va xizmatlar haqida baho beradilar va sharhlar yozadilar[6]. Ushbu sharhlar va reytinglar boshqa foydalanuvchilarga biznes yoki xizmatni baholashga va mahsulotni tanlashga yordam beradi. Restoran haqidagi sharhlarga e’tiboringizga qaratamiz:

Ijobiy: Qulay uy muhiti! Buvim yoqtirgani kabi! Oilaviy dam olish uchun ajoyib joy! Xizmat eng yuqori darajada!


Betaraf: Odatiy. Bu oddiy kafega o‘xshaydi.

Salbiy: Xizmat ko‘rsatish juda yomon, narxlar juda baland, sho‘rva issiq emas, bezatilishigina yaxshi, men bu joyni tavsiya qilmayman!

Tasniflash uch toifada amalga oshiriladi: ijobiy yoki salbiy va betaraf. Biroq bu yondashuvlarda cheklov mavjud. Ba’zi tadqiqotchilar ishni besh guruh(ijobiy/o‘ta ijobiy, salbiy/o‘ta salbiy va betaraf)ga ajratgan holda amalga oshirishlari mumkin. Bu o‘rganilayotgan tilning nechog‘lik lingvistik resurslar va dasturiy modellarga boy ekanligiga bog‘liq. Tasniflashning eng oson usuli bu - ikkilik tasniflash bo‘lib, bu ish allaqachon o‘zbek tili uchun qilingan.

Ma’lumotlar bilan ishlash. Sentiment tahlilida ma’lumotlar bazasini tuzish o‘zbek tili uchun nisbatan murakkab va ancha vaqtni oladi. Buning uchun bot tuzish va ma’lum mavzuga aloqador so‘rovnoma o‘tkazish kerak bo‘ladi yoki ijtimoiy saytlardagi fikrlarni yuklash uchun maxsus kod tuzish mumkin. Meta kompaniyasining xavfsizlik tizimi tufayli sharhlarni yuklashda qiyinchilik yuzaga kelishi mumkin.


Avvalo, ma'lumotlarga ishlov berish jarayoni qanchalik muhim va asosiy qism ekanligini ta'kidlash zarur. Buni quyidagi diagramma orqali ko'rishimiz mumkin:



1-rasm. AI muhandislarining 80% dan ortiq vaqti aynan ma'lumotlarga ishlov berishdan iborat bo'ladi. Faqatgina 9% vaqt bevosita mashinaviy o'qitish va 4% ML algoritmlarni sozlashga ketadi.

Ikkinchi katta muammo so'zlarning o'zagini topish (stemming yoki lemmatizasiya) ya'ni buni avtomatlashtirish.

Mazkur mavzu bo'yicha ko'plab tadqiqot ishlari mavjud. Ushbu bobda tasniflash vazifasi uchun qo'llanilishi mumkin bo'lgan algoritmlarning qisqacha izohlari keltirilgan.



2-rasm. Sentiment tahlili texnikasi

Hissiyotlarni avtomatik aniqlash muammosini hal qilishning ikkita asosiy usuli mavjud:

1. Statistik uslub. Buning uchun oldindan tonallik bilan belgilangan matnlar to'plami (korpus) kerak bo'ladi. Ular bo'yicha model o'qitiladi, uning yordamida matn tasniflanadi;

2. Lug'atlar va qoidalarga asoslangan uslub. Buning uchun ijobiy va salbiy so'zlar va iboralarning lug'ati tuziladi.

Ba'zida aralash (gibrid) uslub ham qo'llaniladi.

MUHOKAMA

Matn tahlilidagi asosiy qiyinchilik inson tillarining noaniqligidadir[4]. O'zbek tilidagi matnlar uchun sentiment tahlili dasturini ishlab chiqishda mazkur tilning xususiyati hisobga olinishi zarur. O'zbek tilida berilgan matnli ma'lumotlardan inson fikrini ifodalashni avtomatik keltirib chiqarishni shakllantiradigan modellar qurish asosiy vazifa bo'lib turibdi. Buning uchun ingliz tilida bo'lgan **SentiWordNet**, **SentiNet** kabi hissiy tahlil uchun korpus qurish kerak. SentiNet qanday ishlaydi? Hamma fikrlar ham hamisha faqat salbiy yoki ijobiy bo'lavermaydi. Yarmi salbiy, yarmi ijobiy bo'lishi mumkin. Bunda gapning chuqur ma'nosini aniqlash uchun kalit so'zlardan tashkil topgan baza kerak. SentiNet gapning jihati bo'yicha tahlil qiladi.

Ba'zi yomon narsalar yuz berdi, xafa bo'ldim, lekin endi o'zimni yaxshi his qilyapman.

Ijobiy	Salbiy
Yaxshi	Yomon
	Xafa

↓
Ijobiy matn

Yuqoridagi misolda ikki xil fikr ifodalangan. Garchi salbiy so'zlar soni ko'p bo'lsa ham, tahlil gapni ijobiy deb topadi. Sababi ammo, lekin, biroq kabi zidlov bog'lovchilari qatnashgan gaplar tarkibidagi qism tashlab ketiladi. Bu gapning chuqur ma'nosi (aspect based) bo'yicha tasniflashdir.

Sentiment tahlilida matn ohangini aniqlashda so'rovlar muhim ahamiyatga ega. Masalan: aynan bir matnning o'ziga har xil savol berish orqali hukm o'zgarib ketadi:

- 1. Bu tadbirdan sizga nimalar yoqdi?**
- 2. Bu tadbirdan sizga nimalar yoqmadi?**

↓
Hammasi

↓
Hech qaysi

Guvohi bo'lganimizdek, birinchi javob ijobiy, ikkinchi javob esa salbiy bahoni ifodalagan. Yana boshqa misolni ko'rsak:

- 1. Sumka qizil**
- 2. Sumka yaxshi**

Bir qarashda birinchi izoh betaraf, ikkinchi izoh esa, ijobiy fikr ifodalagandek tuyuladi. Aslida ikkala izoh ham ijobiy fikr bo'lib, yaxshi so'zida subyektiv baho kuchli bo'lganligi sababli darrov e'tiborni tortadi.

O'zbek tilida ibora, kinoya piching, kesatirlardan keng foydalaniladi. Bu esa mashinaga tahlil qilish jarayonida

qiyinchilik tug‘diradi. Masalan: **Qirq marta o‘lchab, bir marta kesmoq** – extiyotkor ma’nosida qo‘llaniluvchi ushbu iborani kompyuter alohida-alohida so‘zlar sifatida qabul qiladi. Xususan, kinoya haqida gap ketganda, odamlar o‘zlarining salbiy his-tuyg‘ularini ijobiy so‘zlardan foydalangan holda ifoda etadilar. Kinoyaviy qo‘llanilgan so‘z og‘zaki nutqda o‘ziga xos, farqli intonatsiya bilan aytilsa, yozuvda ko‘pincha qo‘shirnoq bilan ijratiladi: Bugun geografiya o‘qituvchisi darsga kelmadi. So‘ridan yiqilib, oyog‘ini sindiribdi. Bu **“xushxabar”** dan keyin butun sinf bo‘shadi-qoldi. **“Shumxabar”** tarzidagi bu kinoyani mashina tushunadigan dastur ishlab chiqishni talab qiladi Bu esa mashinaga tahlil qilish jarayonida qiyinchilik tug‘diradi[3]. Masalan: **“Elmurod bu sohada eng mohiri”**. Kompyuter bu jumladagi teskari ma’noni tushunmaydi. Natijada fikrni ijobiy deb baholaydi. Hozirgacha o‘zbek tilida qilingan ishlarda paremiologik birliklar tashlab ketilgan.

XULOSA

Ma’lumki, biror mahsulot yoki muammoga qiziqish dastlab uni o‘rganishdan boshlanadi. Ijtimoiy tarmoqlarda esa istalgancha izlash imkoni mavjud. Axborotlar shunchalik ko‘pki, bu ma’lumotlarni to‘liq o‘rganib chiqish uchun bir kishining 24 soat vaqti kifoya qilmaydi. Sentiment tahlilining maqsadi ijtimoiy tarmoqlarning kuchidan turli xil sohalardagi kayfiyatni o‘rganishdan iborat.

REFERENCES

1. Abduraxmonova N. Z. "Linguistic support of the program for translating English texts into Uzbek (on the example of simple sentences): Doctor of Philosophy (PhD) il dis. aftoref." (2018).
2. Abdurakhmonova N. The bases of automatic morphological analysis for machine translation. Izvestiya Kyrgyzskogo gosudarstvennogo tekhnicheskogo universiteta. 2016;2 (38):12-7.
3. Abdurakhmonova N, Tuliyeu U. Morphological analysis by finite state transducer for Uzbek-English machine translation/Foreign Philology: Language. Literature, Education. 2018(3):68.
4. Abdurakhmonova N, Urdishev K. Corpus based teaching Uzbek as a foreign language. Journal of Foreign Language Teaching and Applied Linguistics (J-FLTAL). 2019;6(1-2019):131-7.
5. Abdurakhmonov N. Modeling Analytic Forms of Verb in Uzbek as Stage of Morphological Analysis in Machine



- Translation. Journal of Social Sciences and Humanities Research. 2017;5(03):89-100.
6. Abdurakhmonova N. Dependency parsing based on Uzbek Corpus. In Proceedings of the International Conference on Language Technologies for All (LT4All) 2019.
 7. Aripov M., Sharipbay A., Abdurakhmonova N., Razakhova B.: Ontology of grammar rules as example of noun of Uzbek and Kazakh languages. In: Abstract of the VI International Conference “Modern Problems of Applied Mathematics and Information Technology - Al-Khorezmiy 2018”, pp. 37–38, Tashkent, Uzbekistan (2018)
 8. Go A., Bhayani, R., & Huang, L. (2009). Twitter sentiment classification using distant supervision. CS224N Project Report, Stanford, 1(12).
 9. Kubedinova L. Khusainov A., Suleymanov D., Gilmullin R., Abdurakhmonova N. First Results of the TurkLang-7 Project: Creating Russian-Turkic Parallel Corpora and MT Systems. Proceedings of the Computational Models in Language and Speech Workshop (CMLS 2020) co-located with 16th International Conference on Computational and Cognitive Linguistics (TEL 2020) .2020/11: 90-101
 10. Kuriyozov E., Matlatipov S. Building a new Sentiment Analysis Dataset for Uzbek Language and Creating Baseline Models.// Multidisciplinary Digital Publishing Institute Proceedings. 2019.-№1. Pages 37.
 11. Rabbimov I., Mporas I., Kobilov S. Investigating the effect of emoji in opinion classification of uzbek movie review comments. International Conference on Speech and Computer Science. -2020.-P.435-445.
 12. Chen Yanqing and Steven Skiena, 2014. Building sentiment lexicons for all major languages. In Proceedings of the 52nd Annual Meeting of the Association for Computational Linguistics (Vol. 2: Short Papers). Baltimore, Maryland: Association for Computational Linguistics. Chollet, Francois et al., 2015. Keras. <https://github.com/fchollet/keras>.

TO‘QIMACHILIK IPLARINING NOTEKISLIGI VA UNI ANIQLASH USULLARI

Sanjar Norqul o‘g‘li Yarashov

Termiz muhandislik-texnologiya instituti assistenti
sanjaryarashov2@gmail.com

Nurali Qudratovich Safarov

Termiz muhandislik-texnologiya instituti dotsenti
safarovnurali227@gmail.com

Olim Shoyqulovich Abdurahmonov

Termiz muhandislik-texnologiya instituti katta o‘qituvchisi
olimabdurah@gmail.com

ANNOTATSIYA

Maqolada “Siro” ipining noteksligi va uni aniqlash usullari keng yoritilgan. Halqali yigirish mashinasi yodamida “Siro” usulida $Ne=40$ bo‘lgan yigirib pishirilgan ip ishlab chiqarilgan bo‘lib, ipning notekslilik bo‘yicha ko‘rsatkichlari spektral tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: Spektral tahlil, Siro, Og‘ish, arifmetik, Korrelyatsion tahlil, Notekslilik gradienti, metodika, Kvadratik notekslilik, Puasson modeli, CentexUz, Notekslilik indeksi.

ABSTRACT

The article describes methods for determining the unevenness of Siro on a ring spinning machine, yarn with $Ne = 40$ was produced using the Siro method, and spectral analysis of the unevenness of the yarn was carried out.

Keywords: Spectral Analysis, Siro, Deviation, Arithmetic, Correlation Analysis, Inequality Gradient, Methodology, Quadratic Inequality, Poisson Model, CentexUz, Inequality Index.

KIRISH

Hozirgi kunda jahon bozorida to‘qimachilik iplari sifati deyilganda birinchi navbatda ularning tashqi ko‘rinishi va ravonligi tushiniladi, ya’ni ular ustivor ko‘rsatkichlar sanaladi.



Shuning uchun ipning yo‘g‘on va ingichka joylari, nepslar soni bilan bir qatorda chiziqiy, kvadratik notekisliklari ustuvor ko‘rsatkichlar sifatida baholanadi. Yana muhim ko‘rsatkich – nisbiy pishiqlik hisoblanuvchi mezonidir.

Bugungi shidad bilan rivojlanayotgan davrda to‘qimachilik sanoatining bozor munosabatlari sharoitidagi rivoji texnika va texnologiyaning takomillashishi, fan va texnikaning yangi yutuqlarini ishlab chiqarishga tadbiq etish, jarayoni samaradorligini oshirish hamda tayyor mahsulot sifatini yaxshilash bilan bog‘liqdir. Bunday sharoitlarda to‘qimachilik sanoati oldiga mahsulot sifatini kelgusida yaxshilash, buyumlar assortimentlarini yangilash va kengaytirish, ishlab chiqarishga takomillashgan sermaxsul texnologiyalarni tadbiq etish, texnologik jarayonlardagi o‘timlarni qisqartirish vazifalarini ko‘ndalang qo‘yadi. Yuqorida keltirilgan muomalarni yechimi, yangi turdagi gazlama va tirikataj motolari ishlab chiqarish bo‘lib bunday matolar ishlab chiqarish uchun pishirilgan iplardan foydalanish talab etiladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Barcha turdagi iplarning notekisliklari kattaliklarini aniqlash uchun tegishli maxsus usullar ishlab chiqilgan va qo‘llanib kelinmoqda. Ular standartlarga kiritilib, texnikaviy nazorat yo‘riqnomalarida o‘z aksini topgan. Yigirish yarim mahsulotlari (pilta, pilik) yoki ipning berilgan bir xossasi bo‘yicha notekislik kattaligini aniqlash uchun sinov ishlarini o‘tkazib, bir guruh raqamli ko‘rsatkichlarga ega bo‘lish kerak. Keyin ko‘rsatkichlarning o‘rtacha arifmetik qiymatlarini topib, ularning og‘ishlarini aniqlash mumkin. Sinovlar o‘tkazish metodikasida namunalarni olish, sinovlar miqdori va takrorligi qayd etiladi. O‘rtacha arifmetik qiymat bilan u yoki bu tomonga farq o‘rtacha arifmetik qiymatdan og‘ish deb ataladi. Og‘ish musbat yoki manfiy bo‘lishi mumkin. Agar mazkur og‘ishning o‘rtacha arifmetik qiymati topilib foizlarda ifodalansa, ko‘rsatkich bo‘yicha notekislik topilgan bo‘ladi [1].

Chiziqiy notekislik N quyidagi formula bilan aniqlanadi.

$$H = \frac{2(x_1 - \bar{x})m_1 \cdot 100}{\bar{x} \cdot m}; \quad (1)$$

Bu formula soddaroq qilib yozilishi ham mumkin, ya’ni

$$H = \left(\frac{S_1}{S} - \frac{m_1}{m} \right) \cdot 200 \quad (2)$$

Bu yerda, \bar{x} -sinovlarning o‘rtacha arifmetik qiymatlari;

x_1 – o‘rtacha arifmetik qiymatdan kichik yoki katta qiymatlarning o‘rtacha arifmetik qiymatlari;

m – sinovlar soni;

m_1 - o‘rtacha arifmetik qiymatlardan kichik yoki katta qiymatlar soni;

S - o‘rtacha arifmetik qiymat \bar{x} ning sinovlar soni m ga ko‘paytmasi;

S_1 – o‘rtacha arifmetik qiymatdan kichik yoki katta qiymatlar yig‘indisi;

Bundan tashqari yuqorida aytilganidek, kvadratik notekislik ko‘proq ishlatiladi, chunki o‘rtacha arifmetik qiymatdan og‘ish kvadratga ko‘tarilib, sinovlar soni kamaytirilib aniqlanadi [2]. Kvadratik notekislikni aniqlash uchun, oldin o‘rtacha kvadratik og‘ish topiladi, ya’ni,

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^m (x_i - \bar{x})^2}{m-1}} \quad (3)$$

topilib, so‘ngra kvadratik notekislik S hisoblanadi.

$$C = \frac{\sigma \cdot 100}{\bar{x}}, \% \quad (4)$$

Notekislik indeksi va notekislik darajasi mahsulotda tolalarning amaldagi joylashishi bo‘yicha notekisligi tolalarning tasodifiy joylashishidagi notekisligidan katta bo‘ladi. Tolalarning amaldagi joylashishi bo‘yicha (qayta taralgan piltada) notekisligi tolalari tasodifiy joylashgan mahsulot notekisligidan katta bo‘ladi. Tolalari ideal joylashuvga ega mahsulotning notekisligi hamisha amaliy notekislikdan kichikdir. Bu vaziyat tolalarning aralashuvi samarasi va taralishi bilan izohlanadi. Bu holatda mahsulotning strukturaviy notekisligi kattalashadi, tolalarning cho‘zish asbobida guruh-guruh bo‘lib harakatlanishi kuzatiladi [3].

Mashinalar va cho‘zish asbobining yoxud urchuqlarning nostatsionar va har xil ishlashidan tolalarning tasodifiy joylashuvi paydo bo‘lib chiziqiy zichligi bo‘yicha notekislik ortadi.

Shunday qilib, real mahsulotning tavsif ko‘rsatkilari bo‘yicha og‘ishi idealnikiga nisbatan katta bo‘ladi. Real va ideal (gipotetik) mahsulotlar notekisliklari orasidagi farqqa qarab texnologiya va mahsulot ravonligi bo‘yicha xulosaga kelish mumkin.

Mahsulotda tolalarning tasodifiy joylashuvi mahsulot ko‘ndalang kesimi koordinatasiga bog‘liq bo‘lmay, uning har qanday kesimida tasodifiy kattalik sifatida qolaveradi. Tadqiqotlarga qaraganda gipotetik mahsulot ko‘ndalang kesimida tolalar joylashuvi Puasson taqsimotiga bo‘ysinganligi bois, mahsulotning kvadratik notekisligi Puasson modeli hisoblanib ko‘ndalang kesimlari yuzasi bo‘yicha gipotetik notekislik quyidagicha topiladi:

$$C_r = \frac{100}{\sqrt{m}} \sqrt{1 + \left(\frac{C_q}{100}\right)^2} = \frac{100}{\sqrt{m}} \sqrt{1 + 4\left(\frac{C_d}{100}\right)^2}; \quad (5)$$

Bu yerda $\bar{m} = \frac{T_{un}}{T_T}$ - mahsulot ko'ndalang kesimidagi tolalar soni;

T_{ip} , T_t – ip va tolaning chiziqiy zichligi, teks;

$C_q = 2C_d$ – tolalarning ko'ndalang kesimlari bo'yicha kvadratik notekisligi, %;

C_d – tolalarning diametri bo'yicha kvadratik notekisligi, %.

Ko'p holatlarda gipotetik mahsulot kvadratik notekisligi ancha soddaroq bo'lib quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$C_r = \frac{100K_0}{\sqrt{\bar{m}}}; \quad (6)$$

Bu yerda, K_0 – tola turiga bog'liq koeffitsient bo'lib, paxta uchun 1,06

$C_q = 35\%$ deb qaralganda; jun uchun esa 1,12 ga teng.

Yigirish mahsulotlari notekisligini o'rganishda notekislik indeksi deb ataluvchi ko'rsatkichdan foydalaniladi. Notekislik indeksi deb haqiqiy mahsulot notekisligining gipotetik mahsulot notekisligiga nisbatiga aytiladi, ya'ni

$$I = \frac{C_x}{C_r} = \frac{C_x}{100K}; \quad (7)$$

Bu yerda,
$$K = \sqrt{1 + \left(\frac{C_q}{100}\right)^2}; \quad (8)$$

Yigirish texnikasi va texnologiyasining rivojlanishi natijasida sinov usullari, vositalari ham takomillashib bordi. Mahsulot sifatini baholashning yangi mezonlari belgilanib borildi.

Notekislini aniqlash usullari

1. Notekislikni uni tashkil yetuvchi komponentlarga ajratib aniqlash;
2. Korrelyatsion tahlil;
3. Notekislik gradienti;
4. Spektral tahlil [4].


NATIJAR VA MUHOKAMA

Hozir ipning notekisligini yo'g'onlikning o'zgarishi spektri, ya'ni uzunliklari bo'yicha qiymatlari ko'rsatiladi. Bu spektrogramma deb ataluvchi grafikda yaqqol ifodalanadi. Biz buni Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti qoshidagi laboratoriya sharoitida olingan "Siro" ipi uchun keltiramiz. Bu yerda $N_e=40$ ga teng (1-rasm)

Iplarning muhim ko'rsatkichlaridan yana biri bu – nisbiy pishiqlik hisoblanuvchi R_{KM} mezonidir. Agar biz nisbiy uzish

kuchi R bilan R_{KM} ko'rsatkichi orasidagi bog'liqlikni xisobga oladigan bo'lsak quyidagicha ifodalanadi:

$$R = R_{KM} \cdot 0,9807 \text{ sN/teks} \quad (9)$$



1-rasm. Uzunligi bo'yicha mahsulot massasining o'zgarish spektrogrammasi

Shuning bilan bir vaqtda taqqoslash maqsadida o'rta tolali paxtadan qayta tarash sistemasida olingan $N_e=40$ qayta tarash ipi va $N_e=40$ "Siro" iplarining fizik-mexanik xususiyatlari "CentexUz" laboratoriyasidagi zamonamiy sinov uskunalarida aniqlanib, qiymatlari 1-jadvalda keltirilgan. Jadvalda iplarning fizik-mexanik xossalari qisqacha keltirildi.

1-jadvalda


"Siro" va qayta tarash iplarining fizik-mexanik xususiyatlari

№	Ко'рсаткичлар номи	"Siro" ipi	Qayta tarash ipi
1	Ingliz nomeri, N_e	40	40
2	Maksimal uzush kuchi, gf	283,36	263,10
4	Nisbiy uzush kuchi, cN/tex	18,16	17,47
5	Uzayishi %	6	4.8

6	Nisbiy uzush kuchi bo'yicha variatsiya koeffitsienti CV %	5,29	6.45
7	Uzilish vaqti, sekund	3,44	2,8
8	Buramlar soni	850	920
9	R_{KM} Ko'rsatkichi	18,52	17,82

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlar asosida "Siro" va qayta tarash iplarining ma'lum bir kuch ta'siridagi uzayish diagrammasi 2-rasmda keltirildi.

Keltirilgan diagrammadan quydagicha xulosaga kelishimiz mumkin: 4-tip I navli paxta tolasidan olingan qayta tarash ipining fizik-mexanik xususiyatlari, 4-tip I navli paxta tolasidan olingan "Siro" ipining fizik-mexanik xususiyatlaridan kichik ekanligini ko'rishimiz mumkin.



2-rasm. Kuch ta'siridagi uzayish

XULOSA

Iplarning notekisliklari kattaliklarini aniqlash uchun tegishli maxsus usullar ishlab chiqilgan va qo'llanib kelinmoqda. Ular standartlarga kiritilib, texnikaviy nazorat yo'riqnomalarida o'z aksini topgan. Yigirish yarim mahsulotlari (pilta, pilik) yoki ipning berilgan bir xossasi bo'yicha notekislik kattaligini aniqlash uchun sinov ishlarini o'tkazilib, bir guruh raqamli ko'rsatkichlarga ega bo'lindi. So'ngra ko'rsatkichlarning o'rtacha arifmetik qiymatlarini topib, ularning og'ishlarini aniqlandi. Sinovlar o'tkazish metodikasida namunalarni olish, sinovlar miqdori va takrorligi qayd etildi va halqali yigirish mashinasida klassik usulda olingan ipga nisbatan "Siro" yigirish

usulida olingan ipning notekislik bo'yicha barcha ko'rsatkichlari va fizik-mexanik hususiyatlari ustun qiymatlariga ega ekanligi aniqlandi.

REFERENCES

1. SITRA norms for spinning mills, Coiminator-641014, 2004
2. Sevost'yanov A.G, Metod i sredstva issledovaniy mexonika-texnologicheskix protsessov tekstil'noy promyshlennosti, M:MGTU 2007 g.
3. Onarboev B.O., Tulaganova M.T., Isakulov V.T., Improving the sealing protection of equipment in spinning machines. International journal of advanced research in Science engineering and technology. Vol.6, issue 6, june 2019.
4. L.Amzaev, Q.Jumaniyazov, S.Matismoilov "Tadqiqotning uslub va vositalari" Toshkent 2014.



ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Рустам Убайдулаевич Давлетов

Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантиришнинг бўлажак мутахассисларни тайёрлашдаги аҳамияти келтириб ўтилган. “Ўз-ўзини” тушунчасининг мазмун-моҳияти, тузилиши ва таркиби асосланган ҳамда ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантиришнинг қоидалари, вазифалари, услублари ва амалий ҳаракатлари бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш, компетенция, ўз-ўзини кузатиш, баҳолаш, ташаббускорлик, қобилият, ишонч, инновацион компетентлилик.

ABSTRACT

This article discusses the importance of self-education and development in the training of future specialists. The essence, structure and composition of the concept of “self” are based on the rules, tasks, methods and practical actions of self-education and development.

Keywords: self-education, self-development, competence, self-observation, evaluation, initiative, ability, trust, innovation competency.

КИРИШ

Бугунги кунда таълим жараёнида ўзини ўзи ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бўлажак мутахассисларни тайёрлашда, уларда инновацион компетентликни такомиллаштиришда ўз-ўзини ривожлантириш тизимининг аҳамияти ортиб бормоқда. Айниқса, олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш назарда тутилган[1] бир қатор меъёрий-ҳуқуқий асослар ҳам ўз-ўзини ривожлантириш орқали таълим жараёни субъектлари компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартларида



ҳам умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш[2] орқали таълим олувчиларда таянч компетенцияларни шакллантирилиши таъкидлаб ўтилган. Бу компетенциялар орасида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси таълим олувчининг кейинги фаолиятига катта таъсир кўрсатиши кўплаб тадқиқотларда асослаб берилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Таълим тизимида ўз-ўзини ривожлантириш масалалари бўйича кўплаб илмий изланишлар ва бир қатор услубий ишларда ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантиришнинг назарий асослари ҳамда амалий аҳамияти бўйича маълумотлар келтириб ўтилган. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантиришнинг комил инсон тарбиясидаги аҳамияти, илм-фан ютуқларидаги ўрни бўйича Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Махмуд Қошғарий, Абдулла Авлоний каби мутафаккирларимиз асарларида келтириб ўтилган. Касбий компетенцияларни такомиллаштиришда ўз-ўзини ривожлантиришнинг муҳимлиги А.Муслимов, Ш.Абдуллаева, Д.Н.Арзикулов, Р.Х.Джураев, У.К.Толипов ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Рус олимларидан В.В.Давыдов, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, Г.К.Селевко кабиларнинг тадқиқотларида ўзини ўзи ривожлантириш тушунчасининг мазмуни, моҳияти ва тузилиши келтириб ўтилган. Шунингдек, ўрта махсус таълим муассасалари талабаларида ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш бўйича В.А.Абакумов, касбий ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш бўйича С.В.Бабинлар илмий изланиш олиб борган.

Е.И.Артамонова, Л.К.Гребенкина, Л.П.Илларионова, Л.С.Подимовалар инновацион компетентликни ривожлантиришда шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши самарали восита сифатида таърифланади. Педагогнинг инновацион фаолиятга тайёрлаш шахсий-стратегик жиҳатдан таҳлил этилади ва бунда шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришга мавжуд, долзарб ҳамда потенциал имкониятлари ва қобилиятларига эътибор қаратилади.

Шунингдек, бир қатор тадқиқотларда бевосита педагогга хос касбий компетентлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган, ана шундай тадқиқотлар сирасига А.К.Маркова ва Б.Назаровалар томонидан олиб борилган изланишларни киритиш мумкин.

Ўз тадқиқотларида А.К.Маркова педагогнинг касбий компетентлигининг таркибий асослари сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини намоён этиш кабилардан иборат эканлигини қайд этади.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

Илмий-фалсафий ва психологик тушунчаларни таҳлил этиш шуни кўрсатдики, илмий билимлар шаклланишининг ҳозирги замон босқичида ўзини ўзи ривожлантириш, ўзини ўзи ташкил этиш, ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини ўзи ҳаракатлантириш ва бошқа кўплаб “ўзини ўзи” кўшимчаси қўшилган тушунчалардан фаол фойдаланилади. “Ўзини ўзи” атамашунослигини юзага келиши ва уларнинг фаол қўлланилиши фалсафий, психологик ва педагогик фикрлашда бирор бурилиш пайдо бўлганлигини кўрсатади. Талабанинг ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси касбий ўзини ўзи белгилаш ва ўзининг ўқув-касбий фаолиятини онгли равишда амалга ошириш асосида ўзининг имкониятларини намоён этиш тажрибаси ёки қобилияти ҳисобланади [3].

Ўз-ўзини тарбиялаш учун, аввало ўзини атрофлича чуқур ўрганиш, ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларни кўра олиш лозим, бу ўз-ўзини ўрганиш ва бошқа кишини англаш учун ҳам зарур. Бошқа ютуқларни ўрганмай, ўзини бошқалар билан таққосламай туриб, ўзини шахс сифатида ўрганиш мумкин эмас. Ўзини англаш, ўзини баҳолаш хусусияти бошқа кишилар билан муносабат жараёнида, биргаликдаги фаолият вақтида таркиб топади. Энг аввало ўзида қобилиятнинг қандай хислатлари борлигини ўрганиши керак. Бирор бир фаолиятга муҳаббати юксак киши шу ишга чин кўнгилдан берилиб ишлайди, ҳеч қандай формализмга йўл қўймайди. Ўз касбини севган инсон доимий равишда ғоявий-сиёсий савиясини ошириш ва билим доирасини кенгайтиради, ўз соҳасини чуқур билиш устида қунт билан ишлайди.

Демак, таъкидлаб ўтилганидек, ўз-ўзини тарбиялаш ўз фаолиятини таҳлил қилишдан ва ўз шахсини такомиллаштиришдан бошланади. Ўқитувчи ўз устида ишлаши, ўз-ўзини тарбиялашда қуйидаги услублардан фойдаланади:

1. Ўз-ўзини билиш: ўзини кузатиш; ўз ҳаракатларини таҳлил этиш; ўз-ўзини синаш; ўртоқларининг фикрини тушуна олиш.
2. Ўзига баҳо бериш: ўзини кузатиш; ўзига тавсиф бериш; ўз-ўзини тақдирлаш ва б.

Ўз-ўзини тарбиялаш шахсни ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди, у ўз шахсий фазилатларини таҳлил қилишга, хатти-ҳаракатларини ўйлашга ўргатади. Ўз-ўзини



назорат қилиш учун ўзининг юриш-туриши, интизоми, ижобий одатларининг ортиб бориши ва аксинча, салбий одатларининг камайиб боришини кузатиб боради. Ўз-ўзини баҳолаш ўқитувчини, ўз имкониятларини баҳолашда, ўзидан қониқиш ҳосил қилишда ёрдам беради.

Ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялаш билан бирга ўз устида тинмай ишлаб, ўзининг ғоявий-сиёсий онгини доимий равишда ривожлантириб, педагогик маҳоратини такомиллаштириб боради. Бу йўналишда М.И.Калининнинг ўқитувчиларга қилган мурожаати айниқса катта аҳамиятга эга. У “ўқитувчи ўзини бутун куч-қувватини, имконини, ўзида бор ҳамма қимматбаҳо нарсаларни ўз ўқувчиларига, халққа беради. Аммо, ўртоқлар, агар сиз ўзингизда бор нарсаларнинг ҳаммасини бугун, эртага, индинга берсангиз-у, лекин ўзингизда бунда ўз билимларингизни, ўз кучингизни, ўз қувватингизни яна ва яна тўлдириб бормасангиз, у ҳолда ўзингизда ҳеч нарса қолмайдику, ахир. Ўқитувчи, бир томондан, ўзида борини беради, иккинчи томондан, ўзига халқдан, ҳаётдан, фандан ҳамма яхши нарсаларни олиб ҳазм қилади ва бу ҳамма яхши нарсаларни яна янгидан болаларга беради”[4]. Демак, ўқитувчи фаолияти бумеранглик яъни, ўзаро тезкор қайтар алоқа асосида кечади.

Илғор ўқитувчи ҳамма вақт педагогика соҳасидаги янгиликларни билишга интилади, бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларидан, шунингдек, ўз шахсий тажрибаларидан фойдаланишга ва уларни умумийлаштиришга ҳаракат қилади. Агар шахс изланса, ўз қобилиятлари устида ишласа, ўзидаги яхши фазилатларни камол топирса, унинг обрўси, мавқеи ҳам шу даражада юксалади ва доимо эл назарида бўлади. Ўқитувчи ўзида кузатувчанликни, ғамхўрликни тарбиялаши лозим. Ўқитувчининг мустақил билим эгаллаши ва малакасини ошириши зарурий шартлардан бўлиб, шарқ мутафаккирлари “ўқитувчи ўзи ўқиб турсагина – ўқитувчи бўла олади, агар ўқишни тўхтатиб қўяр экан, унда ўқитувчилик ҳам ўлади”, деб билдирган фикрлари айни ҳақиқат.

Ирода ва характерни шакллантиришда ўз-ўзини тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Ўқитувчилик фаолиятида ўқитувчи характери муҳим аҳамият касб этади. Бунда ирода, ҳис-туйғуларини бошқариш орқали ўзини-ўзи тарбиялашда маълум натижаларга олиб келиши лозим. Бунда ўзини идора эта олиш, яхши кайфият, ўзига буйруқ бериш, ишонтириш, шахсий режимга риоя қилиш ва ўз қондасига эга бўлиш лозим бўлади.

Л.Н.Толстой ўз-ўзини тарбиялашда қуйидаги қоидаларга амал қилган шахсни шундай тавсифлайди: “....

нима белгиласа, ҳеч нарсага қарамай тезкорлик билан бажарар, нимани бажарса яхши бажарар, доимо ақлий, ўз имконияти доираси асосида фаолият кўрсатишга ҳаракат қиларди”.

У.Г.Шульц фарзига кўра, ўз-ўзини тарбиялашда қуйидаги вазифалар катта аҳамиятга эга:

бир кунлик ёки ҳафталик иш режасини тузиш, уни бажариш;

умидсизликка тушмаслик, камчиликларни бартараф этиш;

ўзига, муваффақиятга ишониш;

“мен ўзимга ишонаман”, “мен буни қилишни хоҳлайман”, “мен қила оламан” каби ўз-ўзини ишонтириш формуласини қўллаш[5].

Педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади. Демак, ўзини ўзи ривожлантириш – инсоннинг ўзини шахс сифатида тўла намоён этишга йўналтирган онгли фаолияти. Ўзини ўзи ривожлантириш фаолиятнинг мақсадларини аниқ англашни ва унинг мавжудлигини, идеаллар ва шахсий йўналганликни назарда тутати[6].

Маълумки, инсониятни камолотга чорловчи имкониятлар шунчалик кўпки, уларга эришиш мақсадлари интилишида сабр-тоқат билан ўз устида ишлаш орқали эришиши мумкинлигини кўплаб далилларда кўрамиз. Буюк немис педагоги Д.Дистерверг ҳар бир ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялашни ўз олдига шарафли вазифа қилиб белгилаши лозимлигини таъкидлаб ўтади[7]. Рус педагоги А.Б.Луначарский эса, “Педагог ўзида инсоният идеалини шакллантириши лозим”лигини айтиб ўтган.

Айнан инсониятнинг гўзал фазилатларини ўзида шакллантириш ҳар бир педагогнинг касбий тайёргарлигининг пойдеворини ташкил этади. Ушбу пойдеворда педагогнинг касбий маҳорати ўз устида ишлаш туфайли кундан-кунга ўсиб бориши мумкин.

О.Ю.Шмидт умрининг ҳар бир дақиқасидан сермахсул фойдаланаган олим сифатида доимий ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиб, инсон имкониятлари кенг эканлигини исботлади. А.А Любишев эса, инсон учун ёмон, бўш, ортиқча вақт бўлиши мумкин эмас, у ўз умрининг дақиқаларини онгли ҳолда ҳисоблашдан кўрқмаслиги кераклигини таъкидлайди. К.Д.Ушинский ўз-ўзини тарбиялаш орқали қуйидагиларга эришиш мумкинлигини билдиради: хотиржамлик, сўзда ишонч ва тўғрилиқ, хатти-ҳаракатга мулоҳаза билан ёндошиш,

қатъийлик, ўзи хақида сабабсиз бирор оғиз гапирмаслик, лозим нарсалардангина фойдаланиш, ҳар куни кечаси ўзига ўзи ҳисобот бериш, бирор маротаба мақтанмаслик ва ҳоказо.

Шуни айтиш жоизки, кўплаб инсонлар ўзининг бебаҳо вақтини бекорга ўтказиб юборади. Инсон ўз одатларнинг бир хиллик кун тартиби ҳукмронлиги таъсирига кириб, ўзининг режаларини кечиктириб юборади. Ўз-ўзини ишонтириш, собит қадам ирода орқалигина ўзининг қобилиятларини намоён этишга эришиш мумкин. Ўзини тарбиялашнинг психологик шароитлардан бири ўз-ўзидан норозилик бўлиб, уни Л.Н.Толстой, “мен телба, ўзгаларга қизиғи йўқ, чидамсиз ва болалардек уялчанман”, дея билдирган киноядан ҳам билиш мумкин.

Ўз устида ишлаш бу мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши тушунилади.

Мутахассиснинг ўз устида ишлаши қуйидагиларда кўринади: касбий БКМни такомиллаштириб бориш; фаолиятга танқидий ва ижодий ёндошиш; касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш; ишчанлик қобилиятини ривожлантириш; салбий одатларни бартараф этиб бориш; ижобий сифатларни ўзлаштириш ва ҳоказо.

Педагогнинг ўз устида ишлаш босқичи узвий, тизимли шаклда олиб борилади, жумладан, биринчи босқичда ўз фаолиятини таҳлил қилиш асосида ютуқ ва камчиликларини аниқлайди, иккинчи босқичда эса, ютуқларини бойитиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ қарор қабул қилади, учинчи босқичда қабул қилинган қарор бўйича амалий ҳаракатларни самарали ташкил этиш йўлларини излайди, тўртинчи босқичда хато ва камчиликларни такрорламасликка интилади ва сўнгги бешинчи босқичда қабул қилинган қарорнинг изчил бажарилишини доимий назорат қилиб боради.

Педагогнинг қуйидаги амалий ҳаракатлари мутахассис сифатида унинг ўз устида ишлашини ифодалаб беради:

аниқ мақсад, интилиш асосида педагогик жараёни такомиллаштириш;
педагогик жараён самарадорлигини, ўзининг ишчанлик фаоллигини ошириш;

изчил равишда янгиланиб бораётган педагогик билимларни ўзлаштириш;
илғор технология, метод ҳамда воситалардан хабардор

бўлиш;

фаолиятига фан-техниканинг сўнгги янгиликларини самарали татбиқ этиш;

касбий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;

салбий педагогик низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини излаш ва ҳоказо.

Шахс инновацион компетентлигининг кўрсаткичлари бўлиб инсоннинг ҳодисаларга таъсир этиши, ҳодисаларни бошқариш, улардан ўз-ўзини ривожлантириши учун фойдаланиш қобилиятлари хизмат қилиши мумкин. Инновацион компетентли педагогнинг фаолияти айнан шахсга йўналтирилган бўлиб, унда таълим олувчиларга ўзгариб бораётган ижтимоий маконда юзага келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларда ўзлаштирилган билимлари асосида мустақил қарор қабул қила олиш, масалаларни тезкор ҳал қилиш, ўзининг барча қобилиятларини рўёбга чиқара олиш кўникмалари ўргатилади. Чунки учинчи минг йилликда меҳнат бозори кучли рақобат ва иқтисодий эҳтиёж муҳити шароитида кадрлар танлашга алоҳида эътибор бериб, уларни жиддий сараламоқда. Иш берувчилар мутахассисларнинг нафақат билим даражасини, балки тўплаган тажрибасини, ўз-ўзини ривожлантириш йўлида янги билимларни ўзлаштириш кўникмасини ҳам баҳолашмоқда[8].

Шундай қилиб, рақобатбардош иқтисодий-ижтимоий муносабатлар шароитида таълим тизимида юзага келадиган кучли рақобатга бардошли бўлиш эҳтиёжи ҳар бир мутахассисни ўзида касбий компетентлик ва унга хос сифатларни таркиб топтиришга ундайди. Касбий фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш асосида касбий-педагогик компетентликнинг муайян сифатлари намоён бўлади. Хусусан, педагогга хос касбий компетентлик негизида ижтимоий, махсус (психологик, услубий, инфорацион, креатив, инновацион ҳамда коммуникатив), шахсий, технологик ва экстремал компетентлик каби сифатлар акс этади. Педагогнинг касбий компетенцияси педагогик жараёни самарали, муваффақиятли ташкил этилишини таъминлайди. Касбий компетенцияга эга бўлиш учун педагог ўз-ўзини изчил ривожлантириб бориши ва бунда махсус инновацион дастурлар жорий этиши лозим, бу албатта, катта амалий ёрдам беради. Зеро, бу каби дастурлар орқали мутахассисда мавжуд бўлган компетентлик сифатлари ва ривожлантириш зарур бўлган БКМни аниқ, холис ифодалаш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жамият тараққиётида таълим-тарбия, унинг мазмунини, мақсад вазифалари муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир тузум ижтимоий-иқтисодий сиёсий тараққиёт ўз йўналишини белгилашда ёш авлодга “нимани ўқитиш керак, қандай ўқитиш керак ва кимлар ўқитиши керак?” каби жамият олдидаги кўндаланг кўйиладиган саволларга жавоб излаб келган. Мазкур саволларга жавоб топиш, яъни таълимни янгилаш, унинг тизимини, мазмунини қайта қуриш, янги ҳолатга йўналтириш Республикамизнинг устувор йўналишларидан бири ва бу, албатта, кенг қамровли, босқичма-босқич равишда амалга ошадиган жараён. Ёшларда мустақил равишда билим олиш ва уни ҳаётга қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш, ахлоқ ва одобни яхшилаш зарурати таълим жараёни даврида шаклланади. Бу ҳолатни таълим олувчининг ўзи англаб етиши лозим, шундан кейин бошқарув назариясининг асосий тамойили, тушунча ва қоидаларини эгаллаган ҳолда ўзини-ўзи тарбиялаш ва ривожлантиришга эришади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон Фармони. www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz
3. Бабина С. В. Формирование компетенции профессионального саморазвития студентов вуза: автореф. канд. пед. наук. С. В. Бабина. - М., 2009. -24 с.
4. Пирмухаммедова М. Педагогик маҳорат асослари. Т.: 2001.
5. Султонова Г. Педагогик маҳорат. Т.: 2001.
6. Шарипова Г.Н. Педагогик таълим кластери шароитида талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш / пед. фан. фалс. докт. дисс. Т.: 2021. -Б. 21-23.
7. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Тошкент, 2004.
8. Бабаджанов С.С. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш технологияси («Информатика ва ахборот технологиялари» ўқув фани мисолида): п.ф.б.ф.д (PhD) диссер.... Тошкент, 2018.



МАСАД ВА ҲАЁТИЙ МАҚСАД МУОММОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Санжар Синдоркулович Каримов

Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

haqiqiysanjar@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада фалсафий тафаккур тараққиётининг турли даврларида мақсад ва ҳаётий мақсад тушунчаларининг фалсафий категория сифатида шаклланиши ва ривожланиши масалалари ўрганилган. Мақолада мақсад ва ҳаётий мақсадларнинг моҳияти, структураси, фаолият жараёнидаги ўрни масалалари ҳамда ҳаётий мақсадларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги турли давр файласуфларининг ёндашув ва қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мақсад, восита, ҳаётий мақсад, олий мақсад, эҳтиёж, манфаат, фаолият, сабаб, имконият ва воқеилик, идеал, зиддият, мавжудлик, танлов.

ABSTRACT

This article examines the formation and development of the concepts of purpose and life purpose as a philosophical category at different stages of development of philosophical thinking. The article provides a comparative analysis of the approaches and views of philosophers of different periods on the nature, structure, role of goals and life goals in the process of activity, as well as the importance of life goals in human life.

Keywords: purpose, means, life purpose, higher purpose, need, interest, activity, cause, opportunity and reality, ideal, contradiction, existence, choice.

КИРИШ

Фалсафа тарихининг барча даврларида - инсон, унинг мавжудлиги ва моҳияти, фаолияти, ҳаётининг мазмуни ва мақсади каби масалалар файласуфларнинг муҳокама марказида бўлиб келган. Хусусан инсоннинг мақсади ва ҳаётий мақсадлари муаммоси инсон ҳақидаги фалсафий таълимотларнинг марказий масалаларидан бири ҳисобланган.

Шунинг учун ҳам, инсоннинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ва фаоллигининг асосий дедирминанти ва йўналтирувчи омили



бўлган ҳаётий мақсад тушунчасини ўрганиш барча даврларда ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Жумладан, қадимги Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиё, Месопотамия худудларида инсоннинг ҳаётий мақсадлари тўғрисидаги тасаввурлар мифологик дунёқарашнинг ривожланиб бориши ва унинг негизида фалсафий қарашларнинг вужудга келиши даврлардаёқ шаклланиб турли туман диний-мифологик ва эпик манбалар мазмунида мужассамлашган бўлса ҳам бўлса ҳам бу тушунчанинг фалсафий жиҳатдан ўрганилиши антик давр ғарб фалсафасига ҳосдир.

Шахсда ҳаётий мақсадлар шаклланишининг фалсафий жиҳатларини ўрганиш бўйича турли файласуфларнинг фикр ва қарашларини илмийлик ва мантиқийлик принциплари асосида ўрганиш - мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш ва ёшларда ҳаётий мақсадларни тарбиялашнинг замонавий услубларини яратишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мақсад фалсафий муоммо сифатида қадимги Грецияда Сукрот даврида вужудга кела бошлайди. Сукрот мақсад тушунчасини инсон фаолиятининг мақсади сифатида таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Хусусан, Сукрот дунёда ҳамма нарса муайян мақсадга йўналтирилган, деган фикрга келади, яъни дунёни телеологик нуқтаи назардан тушунтиради. Худди шундай, инсон фаолияти ҳам маълум мақсадни, яъни мутлақ яхшилик ёки бахт-саодатни кўзлайди. Инсоннинг фаолияти ҳам маълум мақсадга эришишни тақозо қилади [8,51]. Сукрот мақсадни хусусий, умумий ва сўнги босқичларга ажратади. “Ўз-ўзини мукаммаллаштиришга интилишдан кўра яхшироқ яшаш мумкин эмас[14]”,- дейди Сукрот. Демак, инсоннинг фаолияти аввало, ўз-ўзини англашга ва ўзгартиришга, ундан кейин одамларни (жамиятни) ўзгартиришга, тарбиялашга қаратилмоғи лозим. Мана шу жараёнда инсон ҳам назарий тафаккурий, ҳам ахлоқан-қалбан такомиллашиб боради ва сўнги, илоҳий мақсадга эришади. Сукрот фикрича аслида инсоннинг мақсадли фаолиятининг барча босқичлари илоҳий ақл таъсирида содир бўлади ва амалга ошади.

Платон устози Сукротнинг ахлоқий – фалсафий таълимотини ўзининг ғоялар ҳақидаги концепсияси билан боғлашга ҳаракат қилди ва илоҳий эзгуликни бутун борлиқни олий мақсади сифатида эътироф этди. Жумладан, “Ғоялар ҳукмронлиги мақсадга муофиқ ҳукмронликдир. Айнан фаровонлик ғояси барча ғояларни

муайян бирликка элтади. Бу бирлик мақсаддир. Дунёда ҳукмрон тартиботлар мақсадга муофиқ тартиботлардир. уларнинг барчаси фаровонлик мақсадига қаратилган. Ҳар қандай вақтинчалик ва нисбий мавжудлик қандайдир объектив борлик мақсадига эгадир”[4,49],- деб ёзади Платон.

Платон қарашларига кўра, борлиқнинг умумий мақсадга мувофиқ тузулиши инсоннинг аниқ мақсадни кўзлаган фаолиятида номоён бўлади. “Инсон ўзи ишлов бераётган предмет муайян кўринишга эга бўлиши учун доимо бирон бир тимсолни фикрида сақлаб туради, унга зарур бўлган воситаларни танлайди. Яъни мақсад тимсолидан келиб чиққан ҳолда ўз меҳнатини ташкил қилади. Инсоннинг мақсадида мақсад тимсоли бир бутунликда номоён бўлади” [9.Т.1,335].

Қадимги Юнонистоннинг энг йирик файласуфи Арестотелнинг мақсад тўғрисидаги қарашлари Сукрот ва Платоннинг қарашларидан нисбатан фарқ қилади. Арестотель энг аввало, мақсадга онтологик нуқтаи назардан ёндашади. Яъни, у мақсадни борлиқнинг сабаблари (асослари) тўғрисидаги таълимот бўлган натурфалсафанинг масалалари қаторига киритади.

Арестотел ўзининг «Метафизика» асарида тўрт хил сабаб ҳақида фикр юритади. Улар қуйидагилар: 1) моддий сабаб; 2) шаклий сабаб; 3) яратувчи сабаб; ва 4) мақсад сабаб. У бунда бу сабабларнинг ҳар бирини бир-бир таҳлил қилиб, изоҳлаб беради, моддий сабаб, яъни модда ҳар бир нарсанинг материали, ҳар бир нарса ундан ҳосил бўлади. Шаклий сабаб, яъни шакл ҳар бир нарсага шакл ато қилади. Масалан: «ҳайкал шаклсиз бронзадан, идиш-тавоқлар бешакл лойдан фарқ қилишиб, улар муайян шакл воситасидагина шу нарса қиёфасини касб этади. Агарда шакл бўлмаса, бронза ёки мис, лой қандай материал ҳолида бўлса, шундай қолаверади», дейди у. Арестотел бунда шаклни фаол ҳисоблайди, у хатто шаклни нарсанинг борлиқ кўриниши, борлиқнинг маъноси, дейди. Арестотел фикрича, агар модда ва шакл «нарсалар нималардан тузилган?» деган саволга жавоб берса, «яратувчи сабаб нима яратилди?»- деган саволга жавоб беради. Масалан, ота-она боланинг сабабчисидир. Охирги сабаб-бу «мақсад» бўлиб, Арестотел тасаввурича, «нима учун? деган саволга жавоб бўлиб, унда табиат ҳодисаларининг келиб чиқиши, пайдо бўлиши ифодаланади. Арестотел бу билан ҳар бир ижтимоий ҳодисада, ҳар бир инсон фаолиятида маълум мақсад борлигини қайд қилади[6,199].

Демак, Арестотель ўзининг тўрт сабаб ҳақидаги қарашларида моддий, шаклий ва ҳаракатлантирувчи сабаблар

билан бир қаторда мақсад сабаб ҳам борлигини кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, мақсад сабаб - бу охирги сабабдир.

Аристотел мақсадни ҳаракат, ўзгариш, фаолият билан боғлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, ҳаракат – жараён, фаолликдир. Ҳаракат – нарсаларнинг имкониятдан воқеиликка айланиш жараёнидир. Бу жараёни охирги мақсадга йўналтирилган муайян зарурият, шарт-шароитлар билгилайди. Шу асосда мақсадли ҳаракат, фаолият ҳодисанинг йўналишини белгилаб беради. Демак, Аристотель қарашларига кўра, оламда юз берадиган барча ҳодисалар бирор бир мақсад асосида содир бўлади. Мақсадга эришиш орзуси, унга интилиш инсонни, нарса ва ҳодисаларни ҳаракатга келтиради.

Фалсафа тарихида ўзларининг ўзига ҳос таълимоти билан машҳур бўлган Стоиклар ҳам мақсад муоммоси билан шуғулланганлар. Уларнинг қарашларига кўра, жониворларнинг мақсадга мувофиқ инстинктларига қарама-қарши ҳолатда инсон фаолиятининг мақсади онгли муҳокама юритиш ва танлов билан боғлиқдир. Мақсадни эркин танлаш инсон фаолиятининг кўплаб йўллари, имкониятини, инсон табиати турли-туманлигининг универсаллигини тақозо этади, шунинг учун ҳам ахлоқийлик фақат инсонгагина ҳосдир. Инсон ҳайвондан фарқли равишда фақат бугунги кун билангина яшамайди, балки ўз ҳаётий мақсадини англаган ҳолда қуруш учун ўтмиш ва келажакни бирлаштиришга ҳам қодирдир. Диоген Лаэтрескийнинг маълумотига кўра, Зенон биринчи бўлиб, “Инсоннинг табиати ҳақида”ги рисоласида инсоннинг асосий мақсади – табиат билан ҳамнафас бўлиб яшашдир, деб уқтиради [4,129].

Ўрта асрлар фалсафасида мақсад тушунчасининг мазмуни бойитишга оид илмий ғоялар етарли даражада бўлмади. Айни пайтда, бу даврда қадимги грек файласуфларининг ушбу масалага доир қарашлари йўққа чиқарилди ёки нотўғри талқин этилди. Ўрта асрлар фалсафасида инсонни бу оламдаги бутун ҳаёти охирги мақсад – нариги дунёда ҳузур-ҳаловатда яшаш учун восита деб ҳисобланди.

Фалсафа тарихида мақсад категориясини ривожлантиришда И.Кантнинг қарашлари муҳим ўрин эгаллайди. Кант фақат инсон фаолиятини ташкил қилиш, ҳосил қилиш ва йўлга солишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш керак, деган таклифни беради. Чунки, уларнинг асосида онгли мақсад ётади. Кант мақсадни “оламда мавжуд бўлган сабаблардан бири деб ҳисоблайди ва инсон фаолияти учун ҳос бўлган сабабиятнинг маҳсус шакли сифатида татқиқ этади. Унинг фикрича, мақсад сабабларга асосланиши мумкин, аммо уларни қабул қилишда мутлақо

эркинدير. Албатта, инсон фаолияти мажбурий бўлиши ҳам мумкин, аммо бундай фаолиятда мақсад бўлмайди [11].

Кант таълимнинг асосий хусусиятларидан бири шундаки, унда мақсаднинг мантикий-гносеологик муоммолари ахлоқий – гуманистик омилларга боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади. Яъни ахлоқий – гуманистик омиллар инсон ҳаётининг фундаментал муоммоларни ҳал этишнинг назарий асоси сифатида номоён бўлади. Ушбу ёндашув негизида Кант мақсад муоммосини қўйиш ва ҳал қилишнинг бўлиши мумкин бўлган уч даражасини фарқлайди.

Биринчи даража маҳорат, қобилиятга тегишли бўлиб бу муаммонинг мантикий техник томонини ташкил этади. Яъни бунда у ёки бу мақсадга қандай қилиб ва қандай воситалар орқали эришиш ҳақида гап боради.

Иккинчи юқори даражада эҳтиёткорлик муоммоси пайдо бўлади. Мантикий ва техник муоммо эзгу мақсадга эришиш истаги билан оқланади.

Кантга кўра мақсадга эришишнинг олий даражаси ахлоқий муоммодир. Яъни инсон қандай мақсад сари интиляпти. Ушбу муаммонинг қўйилиши ахлоқий принципни ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Кантнинг фикри бўйича ушбу принцип қонун даражасига эга бўлиши ҳамда унда мақсаднинг мазмуни фақат алоҳида ҳатти-ҳаракат ёки фаолиятгагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, аксинча ҳар доим ахлоқий танловга асос бўлиши ва хусусий фаолият ва мақсадларни баҳолаш мезони ҳам бўлмоғи лозим. Бунда Кант “мақсад ўзи нима?” деган мантикий муоммо доирасидан чиқиб, “инсоннинг мақсади ўзи нима?” деган анча чуқур маъноли муоммога ўтади. Бундай бурулиш кейинги бутун фалсафа тарихида ахлоқий фалсафий муоммоларнинг ривожланиш йўналишларини белгилаб берди [13.Т5,460].

Кейинчалик мақсад муоммосига Ф.В.Шеллинг ҳам мурожат қилган Унинг фикрича обектив олам ва онгнинг мақсадли интилишининг асосини фаолият ташкил қилади. Инсоннинг бутун онгли фаолияти аниқ мақсақга йўналтирилган [15,360]. Мақсаднинг мавжуд объектга мос келмаслиги зиддиятни келтириб чиқаради. Бу эса фаолиятнинг идеалликдан обективликка ўтишини таминлайди. Шеллинг биринчи бўлиб мақсад категориясидан ажралмас тушунча бўлган “режа” тушунчасини таҳлил қилади. Шеллинг терминалогиясида режа бу “схема” дир. Яъни тегишли мақсадда қурилиши мумкин бўлган объектнинг тасаввуридаги тахминий тасвири, мақсад ва объектни боғловчи бўғин сифатида тушунтирилган.

Немис классик фалсафасининг энг йирик вакили Ф.В.Гегел мақсад категориясини ривожлантиришда ўзига хос

ҳисса кўшиди. Гегелнинг мақсад тўғрисидаги қарашларида ушбу масала бўйича ўзидан олдинги фалсафий ғояларнинг таъсири сезилиб туради. Бунга Арестотелнинг инсон фаолияти жараёнида мақсаднинг ўрни таҳлилини ёки Кантнинг ички мақсад тушунчаси кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Гегел томонидан мақсад тушунчасининг гносеологик ва мантикий таҳлили асосан унинг “Логика” асарида келтирилган.

Гегел мақсадни инсоннинг ҳаракати, фаолияти негизида кўриб чиқишга ҳаракат қилган. Унингча мақсад фаолият жараёнида уч босқичдан иборат.

Биринчи босқич – субъектив мақсад, объектив оламга қарама-қарши турувчи, инсоннинг ҳали ҳаракатга киришгунича ҳолатига мувофиқ келувчи мақсади. Гегелнинг кўрсатишича кишиларнинг ҳаракати, мақсади уларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари ва майлларидан келиб чиқади.

Файласуфнинг фикрича, мақсаднинг субъектив тасаввур сифатида ўзига ҳослиги шундаки, у ўз ичига “ўзи амалга ошириш майлини” қамраб олади.

Интилишларни амалга ошириш ва субъектив мақсад ўртасидаги зиддият фақат фаолиятдагина ҳал этилиши мумкин. Бу жараёнда инсон ташқи дунёни ўз мақсадларига бўйсиндиради. Мақсад ҳаракатда бўлади. Мақсадни аниқлаштириш, унинг ташқи воситалар билан ўзаро муносабати орқали амалга ошади. Мақсадни аниқлаштиришнинг охирига етказилиши биз томонимиздан қабул қилинадиган қарордир.

Иккинчи босқич – мақсад ва фаолиятни амалга ошириш жараёни. Фаолият доимо аниқ бўлади. Бундан зарурий равишда мақсад тушунчасининг конкрет мазмунга эга эканлиги келиб чиқади [3,397]. Мақсадни амалга ошириш икки жиҳатнинг бира номоён бўлишидир. Яъни аниқ мақсадга қаратилган фаолият ва воситанинг бирлигидир. Ҳар бир эришилган мақсад янги мақсадларга эришишнинг воситаси бўлиб ҳисобланади ва бу ҳолат чексиз давом этиши мумкин. Шу маънода мақсад нисбий ҳисобланади.

Учинчи босқич – мақсадни амалга ошириш босқичи. Бунда субъектив мақсад ва объект ўртасидаги зиддият ҳал этилади. Шундай қилиб амалга оширилган мақсад бу – субъективлик ва объективликнинг жоиз бўлган бирлигидир [3,398]. Мақсаднинг натижга мувофиқ келиши субъект маҳоратининг кўрсаткичидир.

Гегел мақсад ҳаракатини татқиқ қилишда имконият ва воқеилик, мазмун ва шакл, сабаб ва оқибат категорияларини ишлатади. Унинг фикрича мақсаднинг воқеиликка айланишида мавжуд шароит билан бир қаторда инсоннинг фаол ҳаракати ҳал қилувчи рол



ўйнайди. Гегел мана шу тарзда инсоннинг аниқ мақсадни кўзлаган ҳолдаги фаолияти диалектик жараён эканлигини кўрсатиб берган.

Гегел шу билан бирга, “мен ҳоҳлаганларимнинг барчаси энг улугвор, энг муқаддас, бу менинг мақсадимдир, мен бунга тайёр бўлишим зарур, мен буни маъқуллашим зарур, мен буни яхши деб ҳисоблашим зарур” [3,396] деб таъкидлайди.

Немис классик фалсафасининг вакиллари яна бири Л.Фейербах инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолиятининг анча кенг ёритиб беришга ҳаракат қилди. У инсоннинг ҳар бир ҳаракати олдиндан белгиланган муайян ният, онгли мақсад асосида юз беради, деб ҳисоблайди.

Фейербах мақсадга эришишга интилувчанлик (собиққадамлик), қуйилган мақсадга содиқликни юқори баҳолайди, инсоннинг бутун фаолиятини уларга буйсундирмоқчи бўлади. Бутун ҳаёт давомида ягона олий мақсадга эга бўлиш, унга ўзининг кучи, диққат-эътиборини жалб қилиш – бирор нарса охиригача эгаллаш ва ҳаётга татбиқ қилишнинг зарурий шarti бўлиб ҳисобланади. “Умуман олганда инсон маълум мақсадларга мос равишда ҳаракат қилувчи мавжудотдир, у мақсадсиз ҳеч бир ишни амалга оширмайди” [12,т.2,629]. Фейербахнинг фикрича, инсоннинг мақсади ўзининг ва бошқаларнинг бахти учун интилишидадир [12,т.1,622-623]. Инсон тақдир тақозоси билан эмас, балки ўзи ўз мақсадини белгилайди, ўз ҳаётини қуради. Демак инсон ўз мақсади ва ҳаётини ўзининг табиатидан ўзини қобилияти ва интилишларидан келиб чиққан ҳолда танлайди.

Аммо, Фейербах, инсоннинг мақоми тўғрисидаги диний – мистик қонидани инкор қила туриб, инсоннинг мақсадини тула ёритиб бера олмади. Бунга унинг инсон тўғрисидаги бир ёқлама таълимоти ҳалақит берди. Негаки, файласуф ўз таълимотида инсонга хос бўлган хусусиятларни унинг табиатидан кидирди.

Фалсафа тарихида инсонни татқиқ қилишда экзистенстиализм фалсафаси муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Экзистенстиализм “мавжудлик моҳиятдан олдин келади” нуқтаи назаридан туриб инсонни татқиқ этади. Ушбу фалсафанинг асосчиси Мартин Хайдеггер қарашлари кўра, инсоони ҳақиқий моҳияти унинг мавжудлигидадур. Яъни инсоннинг мавжудлиги унинг моҳиятидан аввалдир. Демак, инсоннинг ҳақиқий борлиғи – унинг мавжудлигида яширин бўлади. Шунинг учун ҳам инсоннинг асосий мақсади ўз-ўзини англаб етишдан иборат бўлиши керак.



Экзистенстиализмнинг вакилларида бири Жан Пол Сартр ушбу фалсафанинг “мавжудлик моҳиятдан олдин келади” қондасига асосланган ҳолда инсон ҳаётининг маъноси ва мақсадини очиб беришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, одам дастлаб дунёга келади, мавжуд бўлади, кейинчалик ўзини қандай шакллантирса шундай инсон бўлиб етишадди. Инсоний хусусиятлар ҳар бир кишига табиат томонидан ҳам, ҳудо томонидан берилмаган. Қандай одам бўлиш ҳар бир кишининг ўз қўлида. Сартр инсоннинг ким ва қандай бўлиши фақат ўз-ўзини англашидан иборат бўлмай, балки шу билан бирга ўз иродасини намоён қила олишига ҳам боғлиқдир, деб ҳисоблайди. Чунки, унинг фикрича, инсон ўзини мавжуд бўлиб яшай бошлаганидан сўнггина англай бошлайди ва мана шу мавжудликнинг такомиллашиб бориши жараёнида ирода ўзини намоён қилади. Яъни инсон ўзини-ўзи шакллантиради, инсон қилади – бу экзистенстиализмнинг биринчи принциpidир, дейди Сартр [10,29].

Шундай қилиб, экзистенстиализм фалсафаси инсон ҳаётининг маъноси ва мақсади ҳар бир кишининг ўз-ўзини англашида, ўзгартиришида ва мана шу йўлда тинимсиз интилишида, фаол ҳаракатида деб билади.

Юқорида кўриб чиқилган мулоҳазаларда “ҳаётнинг маъноси”, “ҳаётий мақсад” тушунчалари у ёки бу томондан очиб берилган. Ушбу қарашларнинг муаллифлари инсоннинг такомиллашуви, унинг маърифати, янги илғор ахлоқ, ўз-ўзига ижтимоий муҳитни ўзгартириш кучига эга, деган нуқтаи назарга асосланган ҳолда қуйилган масалага ёндашганликлари кўриниб турибди.

Шу ўринда инсоният тафаккурининг муайян қисми ҳисобланганлиги боис Марксизм намоёндаларининг ҳам бу масаладаги қарашларини танқидий нуқтаи назардан ўрганиш муҳим ҳисобланади. Чунки шахс ва жамият ҳаётининг барча муҳим муаммолари қаторида инсоннинг ҳаётий мақсадлари муаммоси ҳам Марксизм таълимотида атрофлича ўрганилган. Марксизм ва унинг давомчилари инсонни моҳият мазмуни, мақсад ва вазифалари масаласида бир мунча ўзгача фикр юритганлар. Уларнинг ушбу масалага оид қарашларида инсоннинг ижтимоий моҳиятига алоҳида урғу берилиши кўриниб туради.

Карл Маркс ва Фридрих Ингелс инсоннинг билиш ва амалий фаолиятининг қонуний ҳарактерини, сабабий алоқадорлик ва фаолият мақсадини, билишнинг инъикос жараёни эканлигини ва мақсадга мувофиқ пайдо бўлиши ва ривожланишини, амалиёт жараёни структурасининг аниқ мақсадга йўналтирилганлигини, мақсад ва воситалар диалектикасини, турли даражадаги мақсадлар иерархияси масалаларини кўриб чиққанлар. Ушбу назарияга биноан



инсоннинг ҳаётининг мақсади унинг фаолиятида номоён бўлади. Аммо, ташқи олам томонидан берилган мақсад инсон томонидан ўзлаштирилади ва унинг ички мақсадига айланади. Ташқи мақсадлар “ўзининг фақат ташқи кўринишини, табиий зарурийлигининггина йўқотади ва индивитнинг ўз олдига қўйган мақсади бўлиб қолади” [7, т.26,109].

Совет даври фалсафасида синфий ёндашув ҳукмронлигига, Марксча дунёқараш анъаналари асосида ривожланишига қарамасдан мақсад тушунчасини янги асосларда ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Ҳусусан, ҳаётининг мақсад тушунчасининг илмий контекста фаоллашуви ҳам айти шу давр фалсафасига ҳос хусусиятдир.

Бу даврда шахснинг мақсадлари ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ ҳолатда кўриб чиқилди. Ушбу масалада Л.Н.Коган қарашлари алоҳида ажралиб туради. Унинг фикрича ўзининг қобилияти ва эътидодини ижодий имкониятлари ва маънавий бойлигини жамият тараққиёти ва умумий манъфати йўлида сарфлаш ҳар бир кишининг аниқ ҳаётининг мақсади бўлиши керак. Л.Н.Коган “инсоннинг барча кучлари ривожланиши”(К.Маркс)ни нафақат шахснинг ижтимоий тараққиёт олдидаги вазифасини бажариш воситаси сифатида, балки, шу билан биргаликда шахснинг ўз мақсади, яъни инсон ҳаёти маъносининг ажралмас элементи сифатида ҳам кўриб чиқади. Коганни аввало ушбу муоммонинг етарли даражада ёритиб берилмаган жиҳатлари қизиқтиради. “Шахснинг ўз кучи ва қобилиятини жамият манфаати йўлида сарфлаш, унинг ички мақсади ва камолотининг меъзони сифатида инсоннинг ўз-ўзини номоён қилиши ва ҳаётининг мазмунини ташкил этади”[5,8],- деб таъкидлайди Коган.

Л.Н.Коган мақсад ва ҳаёт маъносининг алоқадорлиги ҳақида шундай ҳулоса чиқаради: “Инсон, фақатгина унинг ўзи, ўз маслаги ва ҳаётининг маъносини белгилайди. Ҳаётининг мақсадни белгилашнинг асосини инсоннинг ҳаётининг қадри ҳақидаги ўй ҳаёллари, мулоҳазалари ташкил этади. Бунда ушбу қадриятларнинг нафақат алоҳида инсон учун, балки бошқа кишилар учун ҳам, жамият учун ҳам аҳамиятли эканлигини ҳисобга олиш керак бўлади”[5,218]. Коган ҳаётининг мақсад ва ахлоқий танловнинг алоқадорлигига эътибор қаратади. Коган фикрича, улар шаснинг интилишлари, қарори ва мўлжалларига боғлиқ бўлади. Охир оқибатта эса, инсоннинг ҳаётининг мақсадини объектив асосда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатлар системаси белгилайди. Айти вақтда ҳар бир инсон муайян даражада муқобил ҳаёт тарзини танлаш эркинлигига эга бўлади.[5,224].



Мақсад танловнинг номоён бўлиш шакли сифатида файласуф Б.А.Воронивич томонидан ҳам таҳлил қилинган. “Ижтимоий муҳит кишилар фаолиятига умимий асос, сабаб бўлади, аммо уларнинг мақсадларини қатъий равишда бир хил белгиламайди. Айтиб бериш шароит турли шаклдаги яратувчанлик фаолиятларининг вужудга келиши учун имкон ҳисобланади. Бунда қай бир муқобил вариантни танлаш инсонга, унинг онги ва иродасига боғлиқ бўлади. Кишилар ўз ҳаёт тарзини яратадилар, ўзларининг мақсадларига мос келадиган фаолият шакллари танлайдилар” [2,38].

Муаллиф мана шу ўринда мақсаднинг реаллиги масаласига алоҳида тўхталади: “Инсон фаолияти қўйилган мақсадга боғлиқ. Мақсад фаолиятнинг усули ва мазмунини белгилаганлиги учун ҳам, субъектнинг амалий ҳаракати унинг эҳтиёжлари ва манфаатларига мос келиши масаласи энг аввало, мақсаднинг реаллигига боғлиқ бўлади. Агар мақсад инсоннинг эҳтиёжларига асосланса у фаолиятни инсонга айнан керак бўлган нарса ҳодисалар томон олиб боради.

Инсон эҳтиёжларининг онгдаги нотўғри инъикоси унинг ҳаракати билан унга зарур бўлган нарсаларнинг ўхшашлигига олиб келади. Агар инсоннинг субъектив интилишлари унинг ҳақиқий эҳтиёжларига мос келсагина ҳаққонийдир [2,63].

Совет даври файласуфларидан яна бири Э.Г.Юдин мақсад категориясини фаолият тушунчаси негизида татқиқ этган. Унинг қарашларига кўра фаолият тушунчаси ҳозирги замон фани, билиш назариясида методологик аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам фаолият принципи ёрдамида инсонга умимий тавсиф бериш мумкин. Ҳусусан мақсад тушунчаси инсон фаолиятининг структурасини ёритиш имконини беради. “Мақсад қуйиш жараёнида фаолият муҳим ўрин эгаллаб айнан у субъективлик ва объективликнинг бирлигини тامينлайди. Ҳусусан воқеиликни инъикос эттириш жараёнида ижобийлик ва салбийликнинг ажралмаслиги ушбу бирликнинг муҳим шакли ҳисобланади. Айнан “салбий инъикос” инсоннинг воқеийликка бўлган муносабатини ифодалайди... ва уни воқеиликни ўзгартиришга ундайди. Шундай қилиб мақсад мазмун жиҳатдан объектив, шакл жиҳатдан эса субъектив ҳисобланади”. [16,269]. Инсон ҳеч қачон бир мақсадни амалга ошириш билан чегараланиб қолмайди. Шунинг учун ҳам мақсадлар иерархияси муоммосига тўқнаш келишимиз муқаррардир. Инсон фаолиятининг кейинги мантиғи айнан шу ҳолатларга боғлиқ [16,270].

Ҳозирги замон фанида мақсад тушунчасини тарифлашда ягона ёндашув йўқ. Мақсад тушунчасига файласуфлар турлича тарифлар беришган. Бунга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Фаолият бошланишини белгиловчи дастлабки асос (И.Т.Фролов);

Анланган эҳтиёж, талаб (А.Т.Спиркин);

Орзу қилинган келажакни инъикос эттириш шакли, яъни талаб этилган предмитнинг акс эттирилиши (А.В.Борзенко);

Фаолиятнинг объектив имконияти ва унинг назарда тутилган натижасини англаб етиш (И.О.Мартинюк);

Объектив воқеиликни анланган талабларига мос равишда ўзгартиришга қаратилган фаолият натижасининг келажакдаги идеал образи (А.И.Ясенко);

Истиқболдаги натижаларнинг анланган образи (О.К.Тихомиров);

Субъект томонидан идеаллаштирилган, олдиндан режалаштирилган фаолият натижаси(Л. И. Анциферова);

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, фалсафа энг қадимий фанлардан бири сифатида биринчи бўлиб мақсад муаммосини ўрганишга киришган. Фалсафада мақсаднинг қуйидаги жиҳатлари таҳлил қилинган:

-мақсадни инсон ҳаётининг мазмуни билан боғлиқ ҳолатда тушуниш ва таҳлил қилиш(инсон мақсаадларининг шаклланиши ва ўзгариши – инсоннинг моҳияти, жамиятдаги ўрни ва ҳолатининг тарихий ўзгаришига мувофиқ келади);

-мақсад тушунчасини тарифлашдаги ёндашувларнинг ҳилма-ҳиллиги;

-фалсафада мақсад ва мақсад қўйишга бўлган ёндашувларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Идеалистик ёндашув – мақсадни инсон ҳаётига маъно берадиган, унинг мақсадлари ва қадриятларини белгиловчи дастлабки яратувчи қудратнинг иродаси билан боғлиқ деб тушуниш;

2) Имманент фалсафий ёндашувга кўра мақсадларни шахснинг ички эҳтиёжлари белгилайди, у инсон табиатига боғлиқ бўлади;

3) Материалистик ёндашувга кўра мақсадлар шахс ва жамиятнинг эҳтиёжлари ва қадриятларидан келиб чиқади ҳамда шу жамиятнинг тараққиёт даражасига мувофиқ бўлади.

Фалсафа тарихида мақсад тушунчаси категория сифатида ўзгариб, ривожланиб борган. Илк даврларда мақсад ҳақидаги тушунча ва қарашлар оддий, етарли даражада мантиқий асосланмаган бўлса, кейинчалик мақсад тушунчаси аста-секин чуқур ва ҳар томонлама мантиқий таҳлил этилиб борди. Ҳозирги кунга келиб эса бу тушунча ҳақиқий илмий-фалсафий категория мақомига эга бўлди.

Мақсад категориясининг ривожланиб бориши жараёнида унинг турли шакллари, поғоналари ва бошқа жиҳатлари ўрганила бошлади (ҳаётий мақсад, фаолият мақсади, охириги мақсад, нисбий мақсад, субъектив мақсад, кабилар).

Ҳозирги кунда айниқса мақсад категориясининг маънавий доирасига кирувчи ҳаётий мақсад, режа, восита мақсадга мувофиқлик каби тушунчалар илмий муҳокамада бўляпти.

ХУЛОСАЛАР

Ҳаётий мақсадлар муоммосининг асосларини фалсафий жиҳатдан ўрганилиши - мақсад категориясининг моҳияти, унинг инсон фаолиятида тутган ўрнини тушуниб етишда, шунингдек, ҳар бир шахснинг ўз ҳаётий мақсадларини англаб етиши ва белгилаб олишида ёрдам беради.

Бизнинг ушбу татқиқотимизда Арестотилнинг инсон фаолияти жараёнида мақсаднинг роли, мақсаднинг ижтимоий муҳит билан алоқадорлиги тўғрисидаги ғоялари, Шеллингнинг инсон онгли фаолиятининг аниқ мақсадга йўналтирилиши, унинг диалектик хусусиятлари ҳақидаги фикрлари ва режа категориясининг таҳлили, Кантнинг “ мақсад ўзи нима?” - деган мантиқий муоммо чегарасидан чиқиб “инсоннинг мақсади ўзи нима?” – деган муоммони таҳлил қилишга ўтиши ахлоқий – фалсафий масалаларда бурилиш ясади ва унинг кейинги ривожига ўзининг таъсирини ўтказди.

Мақсад муоммосини татқиқ этишда Гегелнинг фалсафий назарияси катта аҳамият касб этди. Унинг фаолият тўғрисидаги қарашларида фаолият структураси ва диалектикаси батафсил таҳлил қилинди, мақсад ва воситанинг ўзаро бир бирини белгилаши ва тоқоза этиши кўрсатиб берилган. Фаолият структураси ва мураккаб динамикасининг Гегелча таҳлили мақсаднинг мазмун моҳиятини чуқурроқ татқиқ этишга йўл очиб берди. Шундан сўнг “ фаолият” инсон билан боғлиқ турли илмий тушунчаларни, жумладан, ҳаётий мақсад категориясини ҳам тушунтириб берадиган универсал принципга айланди. Кейинчалик ушбу принцип М.С.Коган,



И.Г.Юдин сингари олимларнинг асарларида янада ривожлантирилди.

Шундай қилиб, ҳаётий мақсад тўғрисидаги фалсафий қарашларни таҳлил қилиш бизга мақсад, уннинг турли шакл ва даражаларини чуқурроқ англаб етишимизга ёрдам беради ҳамда ҳаётий мақсад категориясининг янги қирраларини татқиқ қилишимизда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

REFERENCES

1. Аристотель. Этика. - М.: АСТ, 2010. — 190 с.
2. Воронович Б. А. Созидательный потенциал человека. — М.: Мысль, 1988. - 188 с.
3. Гегель Г.В.Ф. Энциклопедия философских наук. - М.: Мысль, 1975. <https://books.google.co.uz>
- 4.Йўлдошев С. ва бошқ. Қадимги ва ўрта асрлар ғарбий европа фалсафаси. Т.: “Шарқ”. 2003.-208 б.
5. Коган Л. Н. Цель и смысл жизни человека. - М.: Мысль. - 1984. - 252 с.
6. Маматов Н. Ва бошқ. Фалсафа тарихи (Шарқ ва Ғарб фалсафаси, ўқув қўлланма). Тошкент, ГМИ - 2006й. 230 бет.
- 7.Маркс К., Энгельс Ф. Соч. в 30-ти т., 2 изд. - М.: Госполитиздат, 1955.
- 8.Назаров Қ. ва бошқ. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. - Т.: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004 йил, 472 бет.51 –бет
- 9.Платон. Соч. В 3-х т. Пер. Под общ. Ред. А. Ф. Лосева и др. — М.: Мысль, 1972.
- 10.Сартр Ж. - П. Экзистенциализм. - это гуманизм. - М., 1953
- 11.Фасоро С.А., 2019. Кант о человеческом достоинстве: автономия, человечность и права человека. <https://cyberleninka.ru/article/n/kant-o-chelovecheskom-dostoinstve-avtonomiya-chelovechnost-i-prava-cheloveka>
12. Фейербах Л. Избр. филос. произведения. - М., 1955. - Т. 1,2
- 13.Философская энциклопедия. — М.: Сов. Энциклопедия, 1970. Т. 5.
- 14.Цитаты известных личностей. <https://ru.citaty.net/avtory/sokrat/>
- 15.Шварцман К. А. Философия и воспитание. — М.: Политическая литература. - 1989. - 207 с
16. Юдин Э. Г.Системный подход и принцип деятельности. - М., 1978.- 392 с.
17. Sindorkulovich, K. S. (2020). The significance of socio philosophical study of young people's life goals. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(4), 523-527.
18. Khotamov, A., & Sindorkulovich, K. S. (2020). The study of the problem of life goal in the history of philosophy. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 9(4), 34-42.



ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ (КИЁСИЙ- ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ)

Малик Муротович Бобоев

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби Жиноят ҳуқуқий йўналиши тингловчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада хорижий давлатларда вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш (киёсий-ҳуқуқий таҳлил) асосида кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: жиноят, ҳуқуқ, вояга етмаганлар, нормалар, қонун.

КИРИШ

Бизга маълумки, вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш бўйича тавсиявий хусусиятга эга халқаро-ҳуқуқий нормалар мавжуд.

Пекин қоидаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси) ушбу масалага доир умумий қоидалар акс эттирилган бўлиб, вояга етмаганлар жиноятларининг олдини олишда ёшларга муносиб турмуш шароитини яратиш ва уларнинг тарбиясида муҳим ўрин тутиши таъкидланган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу қоидаларда вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш ҳар бир давлатнинг миллий жиноят процессининг бир қисми бўлиб, унда барча вояга етмаганларнинг ижтимоий тенглигини таъминлаш, ёшларни ҳимоя қилиш ва жамиятда тартибни сақлаш вазифалари биргаликда ҳал қилиниши кўрсатилган. Пекин қоидалари турли ҳуқуқ тизимларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган, шу билан бирга, унда вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари, жинсий жавобгарликка тортиш ёши жуда ҳам кичик бўлмаслиги кераклиги белгиланган. Ушбу қоидаларда вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини юритиш мақсади сифатида: вояга етмаганларнинг муносиб

келажани таъминлаш; таъсир чораларининг вояга етмаганларнинг шахсий хусусиятлари ва содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мослиги; вояга етмаганларга нисбатан жазо чораларини қўллашнинг чекланиши кабилар қиради. Мазкур қоидаларга кўра, вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишини юритаётган шахслар махсус малакага эга бўлиши керак ҳамда бундай жиноят ишларини кўришга ихтисослаштирилган судлар тузилиши мақсадга мувофиқдир. Жиноят ишларини юритиш вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларига жавоб бериши ҳамда тез фурсатларда олиб борилиши, улар суд муҳокамасида қатнашиб, ўз кўрсатмаларини очиқ баён қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Бундай тоифадаги шахсларнинг жиноят ишлари бўйича махфийлик (ишни ёпиқ суд мажлисида кўрилиши) таъминланиши шарт. Зарурат бўлмаган ҳолда вояга етмаганларнинг жиноятларига оид маълумотлар ошкор қилиниши мумкин эмас. Пекин қоидаларида суд муҳокамасида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича махфийлик сақланиши қонуннинг мажбурий универсал принцип сифатида жиноят процессининг вояга етмаганларга оид барча босқичларига жорий қилишга уринишлар мавжуд. Шунингдек, мазкур қоидалар вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишини судга қадар юритиш босқичларида тугатиш имкониятини кўзда тутди (унинг асосий шarti вояга етмаганнинг ихтиёрий розилигидир). Жиноят ишини тугатиш масаласини ҳал қилишда вояга етмаганга нисбатан ҳеч қандай таъсирнинг бўлишига йўл қўйилмайди, ўлим жазоси ва жисмоний азоб берадиган жазонинг қўлланиши тақиқланади. Озодлигини чеклаш эса минимал даражага туширилиши керак. Озодликдан маҳрум қилишда вояга етмаганни бирор-бир муассасага жойлаштириш ҳар доим сўнгги чора сифатида қўлланиши кераклиги таъкидланади.

Энди баъзи давлатларнинг бу соҳадаги амалиёти билан танишамиз. Россия Федерациясининг “Ёшлар ва болалар жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш туғрисида”ги федерал қонуннинг 4-моддасига кўра ёшлар жамоат бирлашмаси деб топиш учун унинг иштирокчиларининг ёши 30 ёшгача деб белгиланган. Ушбу моддадан кўришиб турибдики биз ўрганишга ҳаракат қилинаётган “ёшлар”, “болалар” категориясига Россия Федерациясининг қонунчилигида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар киритилган. 18 ёшгача бўлганлар эса болалар қаторига киритилган. Беларусь Республикасининг қонунчилигида ҳам “ёшлар” тушунчасига таъриф берилган. 1992 йил 24 апрелда қабул қилинган “Давлат ёшлар сиёсатининг бошланғич асослари туғрисида”ги қонунда

“ёшлар” деганда 18 ёшдан 31 ёшгача бўлган фуқаролар назарда тутилган. Яна ушбу қонунда давлатнинг ёшлар сиёсати субъектлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга қуйидагилар киритилган:

31 ёшгача бўлган ёшлар;

Ёш оилалар(тарафлардан бири 31 ёшгача бўлиши лозим);

Ёшлар жамоат бирлашмалари.

Бундан ташқари, Беларусь Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида 1995 йил 30 июнда ўзаро келишув имзоланган бўлиб, унда ёшлар ва болалар сиёсатини ҳамкорликда олиб бориш тўғрисида нормалар белгиланган.

Болалар ҳуқуқларини таъминлашда ҳатто баъзи давлатларда болалар омбудсмани мавжуддир. Болалар ҳуқуқлари буйича омбудсман ёки вакил институти биринчи бўлиб, 1982 йил Норвегияда таъсис этилган. Ҳозирда бола ҳуқуқлари буйича Омбудсман Европа (Австрия, Бельгия, ГФР, Дания, Исландия, Испания, Литва, Люксембург, Норвегия, Финландия ва Швеция) ва Лотин Америкаси (Гватемала, Колумбия, Коста-Рика, Перу) ҳамда Канада, Исроил, Янги Зеландия каби давлатларда мавжуд. Ушбу давлатларнинг аксариятида ушбу институт парламент билан ҳамкорликда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро конвенция ва декларацияларни миллий қонунчиликка имплементация қилишади. Шунингдек, миллий қонунчиликда болалар ҳуқуқларини таъминланишини назорат қилиб боради ва керакли ҳужжатларни қабул қилади.

Швеция парламентида “Болалар ва ёшлар омбудсмани” ташкил этилган бўлиб, у асосан давлатнинг ёшлар ҳуқуқларига оид қонунларни назорат қилади ва ёшлар сиёсатининг умумий аҳволи тўғрисида парламентга ҳисобот беради. 2000 йил 25 майда Литва Сеймида “Бола ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича назоратчи” ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси болалар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунида ҳам болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи омбудсман тўғрисида айтиб ўтилган. Бу норма бизнинг давлат қай даражада демократлаштириш йўлида кетаётганини кўрсатади.

Европа ва Лотин Америкаси мамлакатлари бола ёки ўсмирнинг суд тизими билан кераксиз алоқаларига йул қўймаслик учун амалий ҳамда асосли услубларни изламоқда. Бу айниқса биринчи марта айбланаётган ва майда ҳуқуқбузарликларни содир этганларга тааллуқлидир. Муқобил санкциялар бундай ҳуқуқбузарлик

ишларини судда эмас, балки бошқа орган томонидан кўриб чиқиш кераклигини кўзда тутди. Бизнинг фикримизча, энг оддий муқобил чора - бу ҳуқуқбузар тўғрисида профилактика инспекторини огоҳ этишдир.

Бундай вазиятда профилактика инспектори мустақил равишда ёки боланинг оиласи ва ижтимоий ходим билан маслаҳатлашганидан сўнг унга расмий айблов қўймасликка қарор қилади ва болани унинг қилмишлари оқибатларидан сақлаш ҳамда кейинги сафар бундай ишлар суд билан тугаши ҳақида тушунча беради.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича энг нозик ёндашув Францияда қўлланилади. “Қонун билан танишув” деб аталувчи ушбу ёндашувда суд вакилининг вояга етмаган бола ва унинг ота-онаси билан суҳбати кўзда тутилган. Суҳбат чоғида вояга етмаган бола ўзи томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликка тааллуқли қонун матни, шунингдек, судда унга қандай ҳукм чиқарилиши мумкинлиги билан танишади. Бундан ташқари ота-оналарга қонун бўйича уларнинг мажбуриятлари ҳақида эслатилади.

Бу борада энг кенг тарқалган ёндашув ижтимоий соҳа ходими ўтказадиган пухта ва ҳар томонлама текширув ҳисобланади ва у жазолаш вазифасига эга бўлмаган ташкилий чораларнинг вояга етмаган болага ижобий таъсир қилиш эҳтимоллигини баҳолайди. Агарда эҳтимоллик ижобий баҳоланиб, вояга етмаган бола ҳуқуқни бузганлигини тан олса ва таклиф этилаётган чораларга рози бўлса, прокуратура одатда вояга етмаган болага индивидуал руҳий ёрдам берадиган “жамоатчилик хулқи кўникмалари” гуруҳи курсидан муваффақиятли ўтса ёки қўшимча шартларни бажарса, масалан жабрланувчидан кечирим сўраса, ишни тўхтатади. Курсдан муваффақиятли ўтганидан сўнг вояга етмаган боланинг иши бўйича қўзғатилган иш тугатилади. Иккинчи томондан, агар вояга етмаган бола қўйилган шартларга риоя қилмаса, бундай ҳолатда у суд олдида жавоб беради.

Айни пайтда расмий судларни ўрнини боса оладиган ва унчалик жиддий қонунбузарликка йўл қўймаган ҳамда айбини тан олган ўсмирлар ишларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган қатор органлар ташкил этилмоқда.

Масалан, Шотландияда “болаларни тинглаш тизими” машҳурдир. 18 ёшгача бўлган болаларнинг қилган жиноятлари оғир деб ҳисобланмасагина ушбу тизим уларга нисбатан қўлланилади. Ўсмирлар жиноят суди олдида жавоб бериш ўрнига судда ишни кўриш жараёнига қараганда норасмий ва адоватсиз вазиятда ўтказиладиган судда иштирок этади. Ишни бу тариқа кўриб чиқиш давомида

жамоатчиликнинг махсус ўқитилган вакилларида иборат ҳайъат аъзолари, ота-оналар, ижтимоий соҳа ходимлари, ўқитувчилар ва боланинг ўзи билан муҳокама қилганидан сўнг боланинг ижобий қарашларига асосланган таъсир чоралари тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда суд ҳукмидан норозилик шикоятини суд орқали билдириш мумкин, бироқ кўплаб ишларни судларда кўриб чиқиш давомида болага адвокат берилмайди, чунки бу юридик ёрдамни кафолатлайдиган Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенциянинг 37(d) бандига зиддир. Мазкур Конвенцияни ратификация қилишда Буюк Британия ҳукумати кўшимча шарт қўйди. Бу шарт кўп йиллар давомида вояга етмаганлар муаммоларини ҳал этишнинг самарали услуби ҳисобланган ва айтилган амалда қўлланилаётган болалар ишлари бўйича суд мажлиси тизимини сақлаб қолиш ҳуқуқидир.

Янги Зеландияда 10-13 ёшдаги болаларга нисбатан оилавий маслаҳатлар тизими мавжуд бўлиб, унга бола томонидан қилинган ҳуқуқбузарликлар хусусияти ва кўлами унинг келажаги тўғрисида жиддий хавотирга сабаб бўлгандагина мурожаат қилинади.

Австралияда 1991 йилдаёқ “Вояга етмаганларни огоҳ этиш дастури” ташкил этилган бўлиб, унга мувофиқ полиция кўпчилиги ёш қонунбузарлар ишларини воситачилар ёрдамида кўриб чиқишга жўнатади ва ушбу ишни муҳокама қилишда жабрланувчилар, қонунни бузувчи ва унинг ота-онаси, ижтимоий соҳа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари иштирок этади. Бунда мувофиқлаштирувчи барча иштирокчиларга кўриб чиқиладиган иш ва келтирилган зарарни қоплаш бўйича мурожаат қилишга ёрдам беради, эришилган келишувни расмийлаштиради ва унга риоя қилишни таъминлашга доир чораларни аниқлайди.

Филиппинда нисбати одил судловни қишлоқ жамоасига юбориш тизимидан фойдаланиш орқали дўстона бартараф этишга қаратилган воситачилик тизими мавжуд. Ижтимоий соҳа ходими Ижтимоий таъминот ва ривожланиш департаменти назорати остида ота-оналар ёки жамоанинг масъул аъзосига кафиликка бериладиган вояга етмаган қонунбузар номидан воситачи сифатида иштирок этади. Ижтимоий таъминот тизими Лотин Америкаси мамлакатларида кенг қўлланилиб, бу тизим 60-70 йилларда кенг тарқалди. Бу каби ёндашувда вояга етмаган қонунбузарга ғамхўрлик ва ҳимоя талаб этилади, шу тарзда у қонунда кўрсатилган жиноий таъқибга эмас, ижтимоий таъминот чораларини қўллаш соҳасига тушади. Ушбу ёндашув жамиятга қарши ҳатти - ҳаракатларни амалга



оширган ўсмирни унинг маънавий ёки жисмоний соғлигига хавф туғдирадиган “ғайритабиий” ҳолат қурбони, деб ҳисобланганда ўз аксини топади. Бундай ёндашувда жиной жавобгарлик ёши юқори даражада белгиланади (айрим ҳолатларда 18 ёшгача) ва бу ижобий бўлиб, таъсир чоралари эса жиной хусусиятга эга бўлмайди. Шунга қарамай, кўплаб мамлакатларда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар унинг концептуал асосларининг ўринли эканлиги ва амалий натижага эга эканлигига шубҳа билан қарамокда.

Бу борада Жанубий Африка тажрибасига тўхталиб ўтсак. Бу ерда ҳозир вояга етмаганларга нисбатан одил судлов мақсадлари ва тузилмалари тубдан қайта баҳоланиб, катор новаторлик дастурлари пайдо бўлмоқда. Бу ерда оилавий гуруҳлар кенгашларининг тажриба лойиҳасини амалга ошириш бошланди ва унинг асосида оқсоқоллар раҳбарлигидаги жамоалар кенгашларининг доктринал амалиёти ётади. Ушбу кенгашлар ҳуқуқбузилган ҳолатда томонларни яраштириш ва товон тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун чақирилади. Ана шундай кенгашлардан бири битта ўсмир иккинчисини пичоқлаганда чақирилди. Ушбу ҳолатда иккала томон қонун бузган боланинг оиласи жабрланганни даволаш учун кетадиган маблағни тўлаши ва йиртилган кўйлак ўрнига янгисини олиб бериши ҳақида келишиб олди. Жабрланувчига олиб бериладиган янги кўйлак қонунни бузган боланинг уйида байрам дастурхони устида топширилди.

Албатта, бу - анъанавий урф-одатлардан фойдаланиш ҳар доим ҳам ижобий натижалар беради, дегани эмас. Бу - жинойтчиликка қарши курашишда давлат сиёсатини аниқлаш, жамоатчилик муносабатларининг ҳуқуқий бошқарувини такомиллаштириш ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги учун жуда муҳимдир.

Вояга етмаганларга оид ишларни судда кўришда ва бу орқали вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда одил судловни тиклаш модели ҳам мавжуд. Кўпчиликка ушбу атама таниш бўлмасда, бу янгилик эмас. Тикловчи одил судлов жазолашга эмас, балки қўллашга асосланган одил судлов назарияси ҳисобланади ва у яхши фаолият кўрсатадиган жамият ҳуқуқ ва мажбурият доирасида ишлаши учун шароит яратишдан бошланади. Ушбу мувозанатни бузадиган можаро содир бўлганда маҳалла аъзолари, шу жумладан қонунбузар ва жабрланувчи ушбу жанжални бартараф этиш услубини топиши зарур.

Бу борада қонунбузарни жазоламасдан уни жабрланувчи билан яраштириш ва зарарни ундириш мақсадга мувофиқдир. Тикловчи одил судлов - бутунлай бошқача

қараш, жамиятнинг жиноятга нисбатан бошқача жавоб фалсафаси, “бошқача парадигма”дир. Тикловчи одил судлов ҳаракати Канадада XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида пайдо бўлган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Одил судловнинг асосий мақсади - давлат томонидан белгиланган бузилган ҳуқуқ-тартиботни тиклаш сифатидаги расмий юридик тиклаш тушунчаси эмас, балки кенг ижтимоий-антропологик доирада жабрланувчини ўз ҳолига келтириш, унга етказилган зарарни қоплаш, айбдорнинг гуноҳини ювиши, масъулиятни ўз зиммасига олиши, ижтимоий жамоатда бузилган муносабатларни тиклашдир.

Янгича қараш асосида янги амалиёт юзага келади. Яраштирув технологиясининг марказий таркибий қисми - бу воситачилик. Шундай қилиб, тикловчи одил судловнинг мақсади масъулиятни белгилаш, эҳтиёжларни қондириш ва ўзгаришга ёрдам беришдан иборат. Оддий ҳуқуққа асосланган суднинг асосий мақсади эса ножўя ҳатти - ҳаракатни амалга оширганлик фактини тан олиш ва уни тузатиш учун нима қилиш кераклигини аниқлашдан иборат.

Яраштирув дастурлари жиноят адлияси билан яқин ҳамкорлик қиладиган мустақил ташкилотлар томонидан ўтказилмоқда. Бизнингча, уларга ишлар суд ёки тергов органлари томонидан берилади. Яраштирув жиноятга муносабат билдиришнинг муқобил услубига айланмоқда. Яраштирув учрашуви чоғида ҳуқуқни бузувчи ва жабрланувчи махсус тайёрланган учрашувни олиб борувчилар ёрдамида юзма-юз ўзларининг ҳиссиётлари ва кечинмалари ҳақида сўзлаб беради, сўнгра ҳуқуқни бузувчи тавба қилиб, зарарни қоплашга тайёрлигини билдирса, яраштирув шартномаси тузилади ва унинг бажарилиши назорат қилинади. Яраштирув дастурини олиб борувчининг вазифаси жабрланувчи ва уни ранжитган кишига воқеа, унинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида субъектив ҳақиқатни айтишга ёрдам бериш ва уларни ижтимоий мақбул келишувга олиб келишдан иборат. Агар мурасага эришилмаса, иш расмий тизимга қайтарилади.

Тиклаш тадбирлари қонунни бузувчи ва жабрланувчининг реабилитация тадбирларидан онгли равишда ўтиши учун шарт-шароит яратади. Тикловчи одил судлов “маълум бир воқеа учун” яраштирув учрашуви билан чекланибгина қолмай, балки яраштирувдан олдин бўладиган ва унинг натижаси ҳамда қарорларини



мустаҳкамлайдиган қатор босқичларни ҳам кўзда тутди.

Жазоловчи одил судлов ёндашуви - бу бепарволик ва ҳамма нарсани кечириш эмас, балки бу жамиятнинг соғлом фикридир. Негаки, бу борада қонун бузувчининг жавобгарлик тамойиллари амалга оширилади. Ваҳоланки, яраштирув ишлари фақатгина қонунбузар ўз айбига иқроп бўлиб, қўрилган зарарни қоплашга тайёр бўлсагина амалга оширилади.

Жазоловчи тизим томонидан ҳукм қилинган кимса кўпинча ўзини жабрланувчи деб ҳисоблайди ва жазо муддатини ўташда давлат олдидаги жавобгарликни олиб боради, бироқ жабрланувчи олдидаги ҳақиқий жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

Тикловчи ёндашув нафақат қонунни бузувчи ва жабрланувчига нисбатан инсонпарварлик муносабатлари нуқтаи назаридан, балки жамиятни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ҳам самаралидир.

Муқобил жазолашнинг мавжудлиги жавобгарлик принципини сақлаган ҳолда айбни қандай бўлмасин тан олмасликдан сақланиш, жиноятга энди қўл урган жиноятчиларни жазони ўташ жойларида криминаллаштириш ва ғайри-ижтимоийлаштиришнинг олдини олиш, жиноятнинг такрорланиш даражасини пасайтириш, жиний судловга кетадиган ҳаражатларни сақлаш, ресурсларни қайта тақсимлаб, уларни текширишга жўнатиш, янада мураккаб ишларни судда кўриб чиқиш, қамалганларни сақлашга кетадиган сарф-ҳаражатларни сезиларли қискартириш имконини беради.

Дунёда бундай дастурлар 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда ушбу дастурлар Канада, АҚШ, Янги Зеландия, Австрия, Англия, Германия, Франция, Голландия, Чехия ва бошқа мамлакатларда қўлланиб келинаётир. Одатда тикловчи дастурлар ҳуқуқбузар ёки жиноят содир қилган шахс қонунни бузганлигини тан олганда қўлланилади ва бу дастур ижтимоий оқибатлар нуқтаи назаридан оғир хусусиятга эга эмас.

Бизнинг қонунчилигимизда ҳам тикловчи тизимнинг айрим элементлари намён бўлади. Жиноят-процессуал кодексида кўрсатилганидек, агар шахсга айб эълон қилингунга қадар айбни тан олса, ушбу ҳолат енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Бундан ташқари, Жиноят кодексида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этган шахсларга нисбатан жазо қўлланмаслигини ҳам келтириш мумкин.

Бир вақтнинг ўзида норепрессив чоралар (масалан, жиний жазо) мутахассислар ва олимларнинг фикрича, ахлоқни ижобий тузатиш имкониятига эга эмас. Негаки



бундай ҳолатларда ўсмир масъулиятдан осонгина қутилиб қолади, бироқ ўсмир буни англамаса, кўпчилик судьяларнинг таъкидлашича, у жиноий жазо олганидан сўнг кўп ўтмай яна қора курсига ўтиради. Тикловчи дастурларга келсак, бу борада ўсмир жиноий санкцияларни четлаб ўтиб, ўз зиммасига содир этган қилмишлари учун ёшига яраша жавобгарлигини олади.

Тикловчи одил судловнинг асосий натижалари қуйидаги учта мақсадга эришиш ҳисобланади:

1. Жиноят жабрланувчисини даволаш.
2. Жабрланувчига келтирилган зарарни қоплаш буйича жавобгарлик.
3. Одамларнинг криминал юстицияни ҳал этишда иштироқи.

Биз жазоловчи эмас, балки айнан тикловчи услуб дунёда жиноят адлиясини ислоҳ қилишнинг асосий стратегияси, деб ҳисоблаймиз. Бу Европа Кенгашининг маълумотларида ҳам қайд этилган.

Жиноий жанжал иштирокчилари юзага келган вазиятдан чиқиб кетиш йўлини топиш учун яраштирув тадбиридан фойдаланиш таклифини бажонидил маъқуллайди.

Бельгияда вояга етмаганларга нисбатан жиноий ишларни кўриб чиқишда дилеквент (бундай атама ёшларга жиноятчи тамғасини ёпиштирмаслик учун қабул қилинган) тарбияси шароитларини аниқлашга кўпроқ эътибор қаратадиган, унинг шахсини пухта ўрганадиган ва ўсмирни қайта тарбиялаш имкониятларини таҳлил қилишга жиддий эътибор берадиган махсус судлар ташкил этила бошланди. Бундай судларда енгилроқ жазо тайинланади ва муқобил жазо сифатида эса жамоат ишларида иштирок этиш мажбурияти, тарбиявий тадбирлар ёки ёшлар клубига мунтазам қатнашиш кабилар қўлланилади.

Швейцарияда Бельгиядан ўрнатилган ҳолда дам олиш ташкилотлари, махсус ёрдам департаментлари, тиббий-педагогик ва васийлик хизматини ўз ичига олган ёшлар хизмати ташкил этилган. Айрим Европа мамлакатларида кечалари жамоат жойларида ишлаган кўча тарбиячиларидан иборат ўзига хос педагогик хизматлар пайдо бўлган. Ушбу муассасалар тарбияси тарбияси оғир ўсмирларни ижтимоий фойдали меҳнатга йўналтириш учун бир-бирига ўхшаш ёндашувларни топиш имконини берди.

Азият чеккан болалар кўпчилик ота-оналарининг яраштирув учрашувларида иштирок этишининг асосий сабаби айбланаётган болалар ахлоқини тузатиш ва уларнинг колонияга тушишига йўл қўймасликдир.

Ўз туйғуларини ифода этиш имконияти сезиларли даражада яраштирув учрашуви иштирокчиларининг бир-бирига, ўзига ва вазиятга бўлган муносабатини ўзгартиришга таъсир қилади ҳамда дарғазаблик муҳити амалий суҳбатлар билан алмашади. Ҳуқуқни бузиш ҳолатлари бошқа қайтарилмаслиги учун қандай йўл тутиш кераклиги ҳақидаги масаланинг қизиқарли ва эътиборли муқоама этилиши кўпчилик болаларнинг шахсий муаммоларини англаш ва уларни ҳал этиш йўллари белгилашга мажбур этди.

ХУЛОСА

Юқорида таъкидланган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин:

- болаларнинг моддий ва ижтимоий томондан ҳимоясини таъминлаш орқали жиноятчиликни олдини олиш мумкин;
- ривожланган мамлакатларнинг вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тажрибасининг ижобий жиҳатларини ўрганиш ва миллий қонунчиликка тадбиқ этиш;
- вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва шу орқали шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида умумтаълим мактабларида, коллеж ва академик лицейларда ҳуқуқ ва мажбурият, ҳуқуқбузарликнинг аянчли оқибатлари, ҳуқуқбузарликка йўл қўймасликни ўргатувчи махсус курсларни ўқитиш йўлга қўйилиши;
- доимий равишда вояга етмаганлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари билан мана шундай таълим муассасаларида турли учрашувлар ташкил этилиши лозим.

Бундан ташқари, яна шу нарсани таъкидлаш жоизки, вояга етмаганларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича “ювенал юстиция” нафақат вояга етмаганлар ишлари бўйича ихтисослашган судларни ўз ичига олади, балки бу тизимга ювенал судья, ювенал прокуратура, болалар адвокатураси институтларини, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқбузарлиги профилактикаси органлари ва муассасаларини ҳам (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, бандлик хизмати муассасалари, ёшлар ташкилотлари ва бошқалар) киритиш лозим. Фақатгина ушбу тизимнинг алоҳида элементларининг ҳамжиҳатлиги ва ўзаро ҳаракати ҳамда улар фаолиятининг суд ва прокуратура органлари томонидан мувофиқлаштирилиши орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин.



REFERENCES

1. Саҳадинов. С “Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги”. “Ҳуқуқ ва бурч” журнали . 2011й. 5-сон
2. Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқларини таъминлашда халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик. Халқаро Форум материаллари (Болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимидаги ислохотлар) 15-16 ноябрь 2010, – Т.: ЮНИСЕФ, 2010. 96-б
3. Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқларини таъминлашда халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик. Халқаро Форум материаллари (Болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимидаги ислохотлар) 15-16 ноябрь 2010, – Т.: ЮНИСЕФ, 2010. 96-б
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 1 -2-сон, 1 – модда
5. Зареева. А.В, Малкова В.Д.. Ювенальное право: Учебник для вузов / Под. ред.: – М: ЗАО Юстицинформ, 2008. – С. 320.



ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ШАХС ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

Санжар Тошпулатович Маматкулов

Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси
1984sanjar@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада глобаллашув шароитида шахсининг ҳаётий позицияси шаклланишига таъсир этаётган деструктив ўзгаришлар тадқиқ этилади. Бунда глобаллашувнинг мазмун-моҳияти, сабаб ва оқибатларига аниқлик киритилиб, унинг шахс дунёқараши ҳамда ҳаётий позициясини белгиловчи детерминантлик хусусияти очиб берилди. Шунингдек, глобаллашувнинг иқтисодий, маданий ва мафкуравий хусусиялари маданий-антропологик жиҳатдан таҳлил этилади ҳамда уларнинг қадриятлар ва эътиқодлар тизимига таъсири ўрганилади. Мақолада антиглобалистик жараёнлар, хусусан коронавирус пандемияси шароитида ижтимоий қадриятлар тизимида юзага келаётган ўзгаришларнинг шахс ҳаётий позициясига таъсири ҳам баҳоланади.

Калит сўзлар: глобаллашув, капитализм, унификация, стандартлашув, ҳаётий позиция, дунёқараш, пандемия, мафкура, қадрият, эътиқод.

ABSTRACT

The article deals with destructive changes that affect the formation of a person's life position in the context of globalization. At the same time, the essence, causes and consequences of globalization are clarified, a determinant feature is revealed that determines the worldview and life position of the individual. It also analyzes the economic, cultural and ideological features of globalization from a cultural and anthropological point of view and examines their impact on the system of values and beliefs. The article also assesses the impact of anti-globalism processes, especially changes in the system of social values in the context of the coronavirus pandemic, on the life position of person's.

Keywords: globalization, capitalism, unification, standardization, life position, worldview, pandemic, ideology, value, belief.

КИРИШ

Инсоннинг ижтимоий муносабатлардаги иштирокини белгилаб берувчи, унинг ўзига ҳос маънавий қиёфасини акс эттириб, бутун фаолиятига раҳбарлик қилувчи хусусияти – унинг ҳаётий позициясидир. Инсон ижтимоий муносабатларнинг ҳам объекти, ҳам субъекти сифатида шаклланиш жараёнида муайян ҳаётий позицияга эга бўлади. Субъективликнинг объективлик асосида шаклланиши, ўз навбатида субъективликнинг объективлик томон кириб бориши қонуниятли жараён бўлиб, шахснинг онги ҳамда дунёқарашининг ташқи воқеълик билан диалектик алоқадорлигида рўй беради. Ташқи воқеъликнинг ўзгариб бориши шахс дунёқарашини ҳам акс этиб, унинг ҳаётий қадриятлари, эътиқодлари ва принциплари қарор топишининг детерминантлари сифатида намоён бўлади.

Ташқи воқеълик шахснинг ҳаётий позициясини, унинг маънавий асоси бўлган дунёқарашини шакллантирувчи куч экан, демак объектив ижтимоий шарт-шароитлардаги ўзгаришлар моҳиятини, уларнинг йўналишлари ҳамда шахснинг ҳаётий позициясига, дунёқарашлик асосларига таъсирини тадқиқ этиш ниҳоятда муҳимдир. Бу ижтимоий ўзгаришларнинг антропологик муаммоларини тушуниш имконини беради. Гап шундаки, шахснинг ҳаётий позициясини шакллантирувчи ижтимоий муҳит глобаллашув жараёнлари натижасида жуда тез ўзгармоқда, инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча нарсалар глобал масштабда трансформацияга учрамоқда. Табиийки, бундай ўзгаришлар шахс онги ва дунёқарашини, ҳаётий позициясини қарор топишида муайян деструктив аҳамият ҳам касб этаётганини инкор қилиб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Глобаллашув шароитида шахснинг ҳаётий позициясига, дунёқарашлик асослари ва турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатаётган ўзгаришларни кўриб чиқишдан аввал “глобаллашув” тушунчасига берилган баъзи илмий таърифларни кўриб чиқмоқ, глобаллашув жараёнининг устувор жиҳатларини аниқлаб олмақ зарур. “Глобаллашув” тушунчасига рус олими Л.Е.Гринин “дунёдаги ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликнинг кучайиб, унинг барча субъектлари янада ўзаро боғлиқ бўлиб бориш жараёни” [1], британиялик олим З.Бауман “дунёмизнинг муқаррар қисмати, орқага қайтмайдиган жараён; бундан ташқари, барча инсонларнинг бир ҳил даражага ва бир ҳил қиёфага айланиб бориши” [2],

И.А.Каримов “хаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви” [3] дея таъриф берадилар. Ушбу таърифлардан келиб чиқиб глобаллашув қуйидаги муҳим учта жиҳатни ўзида ифода этишини таъкидлаш ўринли. Булар:

- ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликнинг кучайиб бориши;
- унификациялашув, стандартлашув;
- жараёнларнинг тезлашуви.

Бу хусусиятлар қонуният сифатида аслида ижтимоий борлиқ тадрижий тараққиётининг бутун бир ҳаётида амал қилган. Социум пайдо бўлибдики, у муттасил тарзда соддадан – мураккабга, тарқоқликдан – жипсликка, пассивликдан – фаолликка томон ўзгаришни ўз бошидан кечириб, ҳозирда яхлит бир глобал ижтимоий организмни вужудга келтирди. Демак, глобаллашув кишилиқ жамияти эволюциясининг муқаррар оқибати бўлиб, эртами, кечми, албатта рўй берадиган воқеълик эди. Шу маънода, ўзбекистонлик олим С.Отамуродов таъбири билан айтганда, “глобаллашув инсоният тараққиётининг объектив қонунияти бўлиб, унинг узлуксизлигини ифода эттиради. Шу боисдан глобаллашув жараён ҳисобланади ва инсоният уни тўхтатиш ва унга қарши тўсиқларни қўйишга қодир эмас” [4].

Шу билан бирга, глобаллашув – инқилобий ҳодиса ҳамдир. Глобаллашув жараёнини инқилобий тарзда юзага келтирган куч – капиталлашувдир. Айнан у глобаллашувнинг моҳиятини ҳам белгилайди. Бизнинг назаримизда, ҳозирги глобаллашув даврини глобал даражада ёйилган капитализм – “глобал капитализм” тушунчаси билан ифодалаш мақсадга мувофиқ. Бундай дейишимизга ўзига ҳос сабаблар мавжуд. Бунинг боиси шуки, капитализмнинг фойда ортидан қувиш, моддийликнинг устуворлиги, истеъмолчиликни рағбатлантириш каби тамойиллари моҳиятан глобаллашмаган ҳаётни инкор этади. Чунки, анъанавий замон ва макон ўлчамлари капитализмнинг кейинги тараққиёти учун “тор”лик қилади. Дастлаб, капитализм бу “эҳтиёж”ни мустамлакачилик ва ҳарбий экспанция йўли билан қондирган бўлса, кейинчалик, XX аср ўрталаридан бошлаб мустамлакачилик тизимининг емирилиши натижасида янада самарали усул – глобаллаштириш йўлига ўтилди. Глобаллаштириш – глобаллашувдан манфаатдор бўлган субъектларнинг ушбу жараёни янада тезлаштиришга қаратилган фаолиятдир. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг капитализмга ҳос бўлган циркуляцион модели дунёни глобаллашмасликнинг иложи йўқ бўлган ҳолатга олиб келди.

Демак, капиталистик иқтисод глобаллашувнинг локомотиви сифатида инсон ва жамиятнинг барча



жабҳаларида ўзининг табиатига монанд трансформацияларни юзага келтиради. Ўзбекистонлик олим С.Отамуратов айнан капиталистик иқтисоднинг моҳиятан глобаллашувни ҳаракатга келтирувчи куч, жамият ва инсон ҳаётининг барча жабҳаларининг ўзгартирувчиси эканлигига ишора қилиб шундай ёзади: “Жамият ва инсонлар тараққиётининг асоси бўлган иқтисодиётнинг глобаллашуви охириги манзилга етиб, ер юзида ягона иқтисодий макон батамом қарор топганидан кейин маънавиятнинг, ахлоқ ва миллатлар ҳам иқтисодиётнинг ҳукмига бўйсунмасликнинг имконияти қолмайди ва ягона маънавият, ягона ахлоқ ва ягона миллатнинг шаклланиш жараёнининг олдини олиб бўлмайди” [5]. Шу маънода, ҳозирги глобаллашув даври капиталистик муносабатларнинг ва уларнинг таъсирида юзага келган дунёқараш ҳамда маданиятнинг мисли кўрилмаган даражада ёйилиши ва жадаллашуви эканлиги унинг туб моҳиятини ташкил этади.

Шу билан бирга, адабиётларда глобаллашув маданиятларнинг гомогенлашуви (бир хиллашуви) ва тарихий жараённинг уйғунлашуви жараёни сифатида қаралади [6]. Унинг инсоният учун конструктив жиҳатларини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас. Дарҳақиқат, дунёда таълим, туризм, спорт, мода, оммавий ахборот воситалари, миграция каби кенг тарқалган институционал бирликларнинг пайдо бўлганлиги бундай қарашларни маълум даражада тасдиқлайди. Глобаллашув бутун дунёни иқтисодий жиҳатдан боғлаб туради. Бугунги кунда инсон баъзи жараёнларнинг моҳияти, мазмуни, ўзаро алоқаси ва тизимли яхлитлигини тушуниши, улардан онгли равишда эҳтиёжларини қондириш ҳамда манфаатларини рўёбга чиқариш учун фойдаланиши мумкин. Глобаллашув ҳозирда Ер юзидаги барча инсонларнинг инсонпарварлик, ахлоқ, демократия, эркинлик ва инсон ҳуқуқлари меъёрлари ҳақидаги ғояларининг тобора ўсиб бораётган бирлашувида намоён бўлмоқда.

НАТИЖАЛАР

Бир томондан, глобаллашув замонавий инсоннинг ривожланишидаги янги детерминантларни ва янги қонуниятларни белгилайди. Бошқа томондан, инсоният мавжудлиги муаммосини англаш ва ҳис этиш глобаллашувнинг кўплаб муҳим жиҳатларини тушунишнинг калити ҳамдир.

Шу ўринда биз капиталистик муносабатлар ҳамда неолиберализм мафкураси глобал даражада ҳукмронлик қилаётган ҳамда ўз қадриятларини глобал даражада кенгайтираётган дунёда инсон онги ва дунёқарашда қандай трансформациялашув



жараёнлари кечаётганини, шунингдек, инсон ижтимоий-маънавий қиёфасининг қандай модели глобаллаштирилаётганини кўриб чиқишимиз лозим. Бу эса, ўз навбатида, эътиқодлар ва қадриятлар тизимидаги ўзгаришларнинг ҳозирги замон шахсининг ҳаётий позицияси шаклланишида қандай акс-садо бераётганини тушуниш имконини беради.

Глобаллашувнинг инсон онги, дунёқарashi ва ҳаётий позицияси шаклланишига бўлган деструктив таъсирини маданий ўзгаришлардан қидирмоқ керак. З.А. Ашинованинг таъкидлашича, глобаллашув халқлар ва маданиятлар аралашувининг кучайишига, урф-одат, этник гуруҳ ва аждодлар юрти билан алоқанинг йўқолишига олиб келади. Мегаполисларнинг замонавий аҳолиси, одатда, миллий тил ва маданий анъаналарнинг ташувчиси эмас. Янги маданият моҳиятан эклектик, космополитик, постмодернистик, ноортодоксал ифодага эга бўлади [7]. Бу эса ўз-ўзидан инсон учун “муқаддаслик” мақомидаги қадриятларнинг йўқолишини, индивидуалистик қадриятларнинг устувор даражага чиқиб олишини англатади.

Атрофдаги дунёнинг ўзгариши билан шахс ҳам ўзгаради, қарашлар ва ғоялар ўзгаради. Вақт тиғизлашади, тезлашади, ҳамма нарса калейдоскопик тезлик билан ўзгаради. Аслида бундай тиғизлашув Ғарбда анча аввал бошланган эди. Глобаллашув натижасида ҳозир бутун дунёда вақт интервалининг тобора қисқариб бориши содир бўлмоқда. Испан файласуфи Х. Ортега и Гассет ўз вақтида бундай шундай тасвирлаган эди: “... бизнинг давримиз ажойиб, мўл-кўл, тарихда биз билган ҳамма нарсадан устун туради. Лекин у ўзининг шиддатли кўлами билан барча чекловларни – урф-одатлар томонидан ўрнатилган тамойиллар, меъёрлар ва идеалларни ағдариб ташлади. Бизнинг ҳаётимиз аввалгиларига қараганда анча динамик, шиддатли, воқеаларга бой ва шу тариқа янада муаммоли. У ўтмишга қараб мўлжал олмайди, у учун ўз тақдирини ўзи яратиши муҳим” [8].

Ж. Эллулнинг фикрига кўра, технологик тараққиёт жамиятда ҳукмронлик қилувчи абсурдликни келтириб чиқарди, бу моддий неъматларни ҳаддан ташқари кўп ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ. “Вақтичоқликка, дам олишга ва роҳатланишга имкон берадиган объектлар сони кўпаймоқда. Биз ортиқча нарсани ишлаб чиқарамиз, бу эса аллақачон ортиқча бўлган имтиёзларга қўшилади” [9].

Дарҳақиқат, бугун замон шиддат билан ўзгариб бормоқда. Инсонни қуршаб турган ижтимоий борлик иқтисодий ишлаб чиқариш босими остида шу даражада тез

ўзгармоқдаки, бунинг оқибатида инсон онги ва яшаш тарзининг метафизик хусусиятлари ҳам йўқолиб боради. Гап шундаки, сокин ўзгаришлар инсон онги ва яшаш тарзида барқарор ҳамда мустаҳкам асослар юзага келишига имкон беради. Имон-эътиқод, барқарор ҳулқ-атвор, ахлоқий тамойиллар ва анъанавий қадриятлар – ана шундай инсон ҳаётининг метафизикликка мойил жиҳатларидир. Ана шулар асосида инсон ҳаёти муайян маънога эга бўлади, ана шулар асосида инсонда мустаҳкам ҳаётӣ позиция шаклланади. Бирок, глобаллашув ўзгаришлар суръатини жадаллаштириб юборди. Инсон бундай шароитда ўзини “жуда тез ҳаракатланаётган автомобил ҳайдовчиси” каби ҳис этмоқда. Максимал даражадаги тезлик ҳайдовчидан мантиқий жиҳатдан пухта ўйланган, билимга ва йўл белгиларига қараб қабул қилинган қарорни эмас, балки рефлекс ҳамда инстинктлардан келиб чиқувчи тезкор реакцияни талаб қилганидек, ҳозирда инсон ҳам шиддатли ўзгаришларга ана шундай механизм ёрдамида мослашишга мажбур. Америкалик олим Э.Тоффлер буни шундай тасвирлайди: “Ўзгаришлар суръатининг тобора ўсиб бориши психологик омил ҳамдир. У бизнинг руҳий мувозанатимизни бузади, бизнинг ҳаётни қабул қилишимизга таъсир кўрсатади. Ташқи тезланиш ички тезланишга айланади. <...> Бундай вазиятда яшаб қолишнинг мутлақо янги усулларини излаб топмоғи талаб қилинади, негаки, инсоннинг аввалги таянчлари - диний, миллий, қабилавий, оилавий ва касбий суянчлари ҳозирги кунда ўзгаришларнинг тезлашиб бораётган суръати таъсирида чок-чокидан сўкилиб кетмоқда. <...> Бундай шароитда у ҳамма нарса ўткинчи эканлигини тушуниб етиши лозим” [10].

Жараёнларнинг мислсиз тезлашуви авлодлар ўртасидаги дунёқарашлик тафовутларини кучайтириб юбораётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Маълумки, жамиятда уч авлод фаол ўзаро таъсирда бўлади: “болалар”, “оталар” ва “бобо-момолар”. Мазкур авлодлар ўзаро таъсирининг уйғунлиги кўп жиҳатдан уларнинг қадриятлар тизими қанчалик мувофиқ келишига боғлиқ. Уйғунликка эришиш учун тизимни ташкил этадиган қадриятлар изчил бўлиши керак, аммо глобаллашув шароитида қадриятлар тизимидаги тафовутнинг муттасил кучайиши билан бу деярли имконсиз воқеъликка айланди.

Асосий муаммолардан бири шундаки, замонавий жамият тез ўзгариб туради, унинг динамикаси авлодлар ворислиги жараёнидан устун туради. Оиладаги турли авлод вакиллари ўртасидаги ўзаро алоқалар сони камайиб, уларнинг мазмуни ўзгариб бормоқда. “Оталар” авлоди вакиллари ҳар доим ҳам ўз қадриятларини

болаларга етказишга интилмайдилар ва “болалар” авлоди вакилларининг “бобомолар” авлоди билан ўзаро алоқалари кўпинча минималлаштирилади. Шу сабабли, кўплаб қадриятлар асл маъносини йўқотади ёки ёшларнинг қадриятлар тизимидан бутунлай йўқ бўлиб кетади, бу эса кекса авлодлар билан ўзаро муносабатларни тушунмовчилик ва низоларга қадар мураккаблаштиради.

Ёш авлод вакиллари кекса авлоднинг кўпгина қадриятларини эскирган ва ҳаётга мос келмайди, деб билишади. Кекса авлод кўпроқ консерватив, “ёшларни ижтимоий ахборотни яратиш ва трансляция қилиш муаллифи сифатида қабул қилишга тайёр эмас, бу замонавий шароитда авлодларнинг ўзаро таъсирида зиддиятлилик даражасини оширади” [11]. Шу асосда жамиятдаги глобал ўзгаришлар даврида авлодлараро муносабатлардаги тафовутлар “ўзининг энг юқори даражасига етди ва натижада авлодлар ўртасидаги ўткир зиддиятларга олиб келди” [12].

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёш авлоднинг дунёқараши, ҳаётий позицияси шаклланишида ҳаётий тажрибанинг улуши камайиб бормоқда ва улар катта авлодга нисбатан принципсизликни ҳам намоён этмоқда. Бир томондан жараёнларнинг тезлашиши, иккинчи томондан ахборот олиш имкониятининг ортиши вақт ва ҳаётий тажриба синовларидан ўтган қайий принциплар шаклланишига жиддий тўсиқ қўяди, тез ўзгарувчан ташқи вазиятлар ҳамда ахборот оқимиға мутеъ, қатъий принципларға эға бўлмаган, маргинал ҳаётий позицияға эға шахсларни вужудға келтиради. Авлодлар ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиб бориши асосан ана шу принципиаллик ва принципсизлик ўртасида кечади, дея баралла айтишимиз мумкин.

Глобаллашувнинг яна бир хусусияти – унификациялашув, стандартлашувдир. Аввало ишлаб чиқаришда содир бўлаётган унификациялашув ва стандартлашув жараёни охир-оқибат шахс дунёқарашида чуқур из қолдирмоқда. Бунда капиталистик муносабатларнинг истеъмолчиликни рағбатлантиришға қаратилган ориентацияси ҳаётий қадриятлари фақат истеъмолчиликка асосланган, гедонистик хоҳиш-истакларға мутеъ бўлган дунёқарашнинг қарор топишиға, Фромм назарда тутган “эға бўлмоқ” принципига асосланган утилитаристик ҳаётий позициянинг кенг тарқалишиға олиб келди. Ишлаб чиқаришдаги унификация ва стандартлашув шахснинг ўзлигидан бегоналашувига олиб келишини, ҳаётий позициясига таъсирини тушунтирар экан Э.Фромм шундай ёзади: “Шахсиятимиз айирбошлаш ва олишға, олди-сотди қилишға ва истеъмол қилишға мослашган; барча-барчаси – моддият

ҳам, маънавият ҳам – айирбошлаш ва истеъмол ашё-воситаси” [13].

Глобаллашувнинг кучайиб бориши билан унификациялашув ҳамда стандартлашувга қарама-қарши тенденция – мафкуравий контрастларнинг кучайиши ҳам содир бўлаётганини таъкидлаш керак. Бу жараён аслида Ғарб дунёсининг неолибералистик мафкураси гегемонлигига нисбатан консерватив кучларнинг радикал реакцияси, десак асло муболаға бўлмайди. Ҳозирда неолиберализм мафкурасига қарама-қарши равишда ислом фундаментализми мафкураси ҳам инсон дунёқараши учун жиддий кураш олиб бораётгани сир эмас.

Жараёнлар ўртасидаги алоқадорликнинг кучайиб бориши натижасида ҳар қандай ғоя, мафкура яшин тезлигида ёйилиш имкониятига, трансперсоналлик хусусиятига эга бўлди. Бунинг оқибатида турли бузғунчи идеологияларнинг трансчегаравийлик хусусияти кучайди, бунда ахборот технологияларининг, хусусан интернетнинг, турли электрон ижтимоий мулоқот тармоқларининг ривожланиши муҳим шарт-шароитни юзага келтирди. Бундай мафкураларнинг инсон дунёқарашига, эътиқод ва принципларига таъсири ниҳоятда кучайиб бормокда.

Хусусан, бу ҳақда А.И. Юрьев шундай ёзади: “Глобаллашув инсоннинг ички дунёсидаги ўзгаришларнинг бутун тизимини ҳосил қилади. У инсон дунёсининг тасвирини, унинг дунёқарашини, ҳаётий позициясини ва турмуш тарзини ўзгартиради. Бу дегани, у инсоннинг ўзини – унинг онгини ўзгартиради. Дунёнинг манзараси, дунёқараш, ҳаётий позиция, ҳаёт тарзи – бу худди сув остига шўнғиган ғоввоснинг ҳимояловчи скафандри каби инсонни ҳаётнинг хавф-ҳатарларидан ҳимоя қилишнинг психологик тизим константларидир. Ушбу константларнинг “дарз кетиши” ғоввос скафандрининг дарз кетиши каби ҳавфли, инсон эса буни интуитив тарзда таҳмин этиши мумкин холос. Бу ўзгаришлар атрофида, табиийки, кураш пайдо бўлди, унинг кўринишларидан бири, бу – терроризм ҳодисасидир. Бошқача айтганда, кураш худудлар, ресурслар, иқтисодий манфаатлар учун эмас, балки онг мазмуни учун кетмокда” [14]. Глобаллашув ижтимоий онгни манипуляция қилиш технологиялари орқали шахснинг эътиқод ва қадриятларида туб ўзгаришларни, чуқур когнитив ва экзистенциал инқирозларни келтириб чиқариш имкониятларини ошириб юборди.

Дунёқараш ва дунё манзарасидаги туб ўзгаришлар ҳақида гапирганда, А.И. Юрьев, мавжудликнинг маъносини йўқотиш, ҳаётий мўлжалларнинг ғойиб бўлиши ҳамда бундай



вазиятда ҳаётнинг маъносини қидириш билан боғлиқ зиддиятлар кучайиб бораётганини ҳам таъкидлайди. Америкалик психолог Ирвин Стауб эса ҳатто бундай антропологик инқироз даври учун “оғир даврлар” тушунчасини киритди. Бу тушкунлик, умидсизлик, душманлар қуршовида қолиш, “менинг халқим”, “менинг диним”, “менинг шаҳрим” га нисбатан қилинадиган адолатсизлик ҳиссидир. Стаубнинг фикрича, айнан мана шу ҳиссиётлар мажмуи оммавий қотиллик ва геноцидлар юз беришининг зарурий шarti бўлиб қолмоқда [15]. 2015 йил 1 июлда Францияда “Чарле Эбдо” карикатура журнали таҳририяти биносида, 2019 йил 15 мартда Австралиянинг Крайстчерч шаҳарчасидаги содир бўлган мудҳиш воқеалар И.Стаубнинг фикрлари ҳаққонийлигига яққол далилдир.

МУҲОКАМА

Юқорида глобаллашув шароитидаги баъзи ижтимоий ўзгаришларнинг шахс дунёқараши, ҳаётини позициясига деструктив таъсирларини кўриб чиқиш натижасида ўз-ўзидан шундай саволлар юзага келади: глобаллашув жараёни келтириб чиқараётган маданий-антропологик муаммоларнинг ечими борми? Агар бор бўлса у қандай? Баъзи олимлар бу каби саволларга шунчаки жавоб беришдан қочсалар, бошқалари эса пессимизмга бериладилар, яна баъзи бирлари конструктив таклифларни илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этадилар. Масалан, рус олими В.Степин глобаллашувнинг асосий тренди бўлган модернизация концепциясини кескин танқид қилиб, бу йўл муқаррар маданий-антропологик ҳамда инсоният цивилизациясининг экологик ҳалокатига олиб боради, деган фикрни илгари суради. Унинг фикрича, Ғарбнинг глобаллашув мафкурачилари тарғиботи “Биз каби қилаверинглар, сизлар ҳам биз каби яшайсизлар” каби айёрона тезисга асосланган. Иқтисодий ривожланган истеъмол жамиятларида халқ фаровонлигининг ортиши энергия истеъмоли даражасининг доимий ўсиши билан боғлиқ. Энергия тежайдиган технологияларни янада самарали жорий этиш билан ҳам энергия харажатлари муттасил ортиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, агар бизнинг давримизда бутун инсоният Қўшма Штатлардаги каби аҳоли жон бошига энергия истеъмол қилиш даражасига ўтса, у ҳолда аллақачон энергия манбалари том маънода бир авлод ҳаёти давомида тугаган бўлар эди. Бунга қўшимча равишда энергия истеъмолининг ўсишига тўғридан-тўғри мутаносиб равишда атроф-муҳит ифлосланиши ҳам ортиб бормоқда. Агар бутун инсоният ривожланган Ғарб мамлакатларининг истеъмол

стандартларини амалга оширади деб ҳисобласак, унда экологик фалокат бир неча йил ичида (ва ҳатто бир неча ой ичида) юз бериши мумкин [16].

В.С.Степин модернизация концепциясини техноген маданиятнинг кадриятларини анъанавий маданиятларга нисбатан “трансплантация” қилиш лойиҳаси сифатида баҳолайди ва бунга муқобил бўлган маданиятлар мулоқоти концепциясини таклиф қилади. Юқорида айтиб ўтилган икки стратегиядаги (аллақачон амалга оширилаётган ва муқобил вариант) маданиятларнинг ўзаро таъсири бутунлай фарқли йўналишларга эга. Биринчи ҳолда, маданиятларнинг ўзаро таъсири модернизациялашга қаратилган бўлиб, унда техноген ривожланишда катта ютуқларга эришган мамлакатларнинг техноген кадриятлар версияси ва турмуш тарзи кам ривожланган мамлакатлар томонидан ўзлаштирилиши керак бўлган идеал модел сифатида тақдим этилади. Иккинчи ҳолда, кадриятларни бир томонлама кўчириб ўтказиш маданиятлараро мулоқот билан алмаштирилади, бу тенг шериклик ва маданий анъаналарга ҳурматни англатади. Бу ҳолда маданиятлар мулоқоти ўзига хос ўта муҳим вазифани – глобал инкироздан чиқиш йўлини таъминлайдиган кадриятларни топишни талаб қилади.

В.С.Степин таклиф қилган концепция ҳақиқатдан ҳам долзарб ва айни вақтда адолатли бўлиб кўринади. Ушбу йўналишда олдинга силжиш учун дастлаб маданиятларнинг ўзаро тушунишида асос бўлиши мумкин бўлган умумий заминни аниқлаш керак бўлади. Шунингдек, умуминсоний компонентнинг мавжудлиги маданиятлараро мулоқотни таъминлайди, деб фараз қилинади. Бироқ турли маданиятларда умуминсонийлик ҳам ўзгача талқинларига эга. У маълум бир маданий анъаналарнинг тарихий хусусиятларини тавсифловчи маъно қатламлари билан бирлаштирилган. Ва маданиятлардаги умумийликни алоҳида ажратиб кўрсатишга уринишларнинг ўзи қаршиликка дуч келади, чунки инсонлар ўзларини муайян халқ, этнос, ижтимоий гуруҳ вакили сифатида англайдилар, уларни бошқа маданий анъаналарга мансуб инсонлардан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлари кўпроқ қизиқтиради. Айни дамда яққол устунликка эришиб турган модернизация концепцияси тарафдорлари (назариётчилар, сиёсатчилар ва йирик тадбиркорлар) маданиятлар мулоқоти моделини қабул қилишлари ҳам деярли имконсиздир.

Капиталистик муносабатлар келтириб чиқарган ғарбнинг техноген маданияти ва унинг таъсирида шаклланган истеъмолчилик, гедонизм, шахсий муваффақият ва эркинлик



каби кадриятлар устуворлигига асосланган ҳаётий позиция инсониятни муқаррар тарзда боши берк кўчага олиб кириши борасида пессимистик қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, бу муаммонинг ечими ҳақда немис олими М.Хайдеггер “бизни фақат Худо қутқариши мумкин” [17] деса, француз олими Ж.Бодрийяр “бизни фақат табиат офатлари қутқариши мумкин, чунки уларгина бизни “хушимизга келтиради”” [18], деган хулосага келади.

Ж.Бодрийяр афтидан ҳақ бўлиб чиқди. У нажот йўли сифатида билган глобал табиий офат COVID-19 пандемияси тарзида содир бўлди. 2019 йилда дастлаб Хитойнинг Ухан шаҳрида бошланган эпидемия глобаллашув жараёни яратиб берган қулай логистик шароит туфайли бутунжаҳон пандемияси даражасига кўтарилди. Техноген маданиятнинг қўлга киритган ютуқлари, тараққиёт мезони сифатида кўз-кўз қилинувчи кадриятлари ҳамда яшаш тарзи чуқур депрессияга учрагани кутилмаган воқелик бўлди. Мазкур пандемия техноген маданиятни ҳам, анъанавий маданият ва унинг кадриятларини ҳам қайта баҳолаш заруратини юзага келтирди, десак асло муболаға бўлмайди.


Гап шундаки, жаҳоннинг ҳеч бир мамлакати, жамиятнинг ҳеч бир соҳаси бу глобал офат таъсиридан четда қолмади. Бутун дунё бўйлаб бошланган тиббий-экзистенциал инқироз иқтисодий, сиёсий, социал ва маданий инқирозларга уланиб кетди. Пандемия оқибатларини минималлаштиришга қаратилган давлатларнинг ўз-ўзини чеклаш сиёсати ҳақиқатдан ҳам ҳозирги дунё учун фавқуллодда ҳодиса бўлди, бу глобаллашувнинг муҳим хусусияти – интеграциялашувга жиддий зарба берди, капиталистик иқтисод қарахт ҳолатга тушди, антиглобалистик жараёнлар кучайиб кетди.

Шунингдек, олимлар пандемиянинг турли халқларнинг кадриятлар тизимига таъсирининг оқибатлари тўғрисида ўз тахминларини илгари сурмоқдалар. Хусусан, россиялик олим В. Логиновнинг таъкидлашича, мазкур пандемия келтириб чиқарган инқироз нафақат моддий кадриятларга нисбатан хулқ-атвор ўзгаришини, балки жуда муҳим кадриятларнинг ўзгаришини ҳам келтириб чиқаради. Кўп одамлар соғлиқ, оилавий кадриятлар устувор аҳамиятга эга эканлигини тушунишади. Шунга кўра, келажакда асосий инвестиция оқимлари инсон капиталига, соғлиқни сақлаш ва умрни узайтириш соҳаларига йўналтирилади, деб олдиндан тахмин қилиш мумкин [19].

Америкалик машҳур футуролог олим Н.Таллебнинг таъкидлашича, пандемия инқирози оқибатларидан бири шу бўлдики, “шахсий изоляция шароитида истеъмолчилик одатлари ўзгара бошлади, кишилар жуда кўп кераксиз нарсаларни сотиб

олишни тўхтатмоқдалар. Шу маънода, аввалги яхши кунларнинг (истеъмолчилик фетишизациясидан ҳоли бўлган даврлар назарда тутилмоқда. – С.М.) қайтиб келиши сезилмоқда. Инқироз ушбу тенденцияни янада кучайтиради. Бундан ташқари, маҳаллийчиликка мойиллик пайдо бўлади” [20].

Дарҳақиқат, юқоридаги олимлар айтиб ўтган қадриятлар тизимидаги ўзгаришлар ҳозирдан намоён бўла бошлади. Буни яққолроқ тасаввур этиш ҳамда тушуниш учун исроиллик олим С.Шварц томонидан ишлаб чиқилган қадриятлар таснифидан фойдаланамиз. Қуйидаги жадвалга эътибор қаратинг:



Жадвал барча учун универсал бўлган қадриятларни ифодалайди, бироқ уларнинг устуворлик даражаси ҳар бир алоҳида маданиятда, ҳар бир инсонда турличадир. Шу билан бирга доирадан ўрин олган қадриятларнинг ўзаро муносабати қўллаб-қувватлаш ва зидлик тарзида бўлади. Доирадаги қадриятлар қачалик ўзаро яқин жойлашса, уларнинг ҳамкорлиги ҳам шунчалик яқин бўлади. Аксинча, қадриятлар ўртасидаги масофа узоқ бўлса, айниқса, қарама-қарши томонда жойлашган бўлса, ушбу қадриятлар ўртасида зиддиятли муносабатлар кучлироқ намоён бўлади. Ижтимоий йўналган ва индивидуал йўналган қадриятлар ўртасида зиддиятли муносабат мавжуд. Масалан, гедонистик қадриятлар камтарлик билан, эркинлик эса конформистик қадриятлар билан яққол контрастга эга. Бунда бир томон қадриятларининг устунлиги, иккинчи томоннинг

иерархиядаги ўрни куйи даражага тушишини англатади. Бу ерда ғарбнинг либералистик кадриятлар тизими индивидуалликка йўналган кадриятларни, консерватив-анъанавий шарқона кадриятлар эса жамоавийликка йўналган кадриятларни ўз ичига олади. Глобаллашув даврида модернизациялаш номи остида индивидуалистик кадриятлар ҳукмрон мақомга эга бўлди, бироқ пандемия таъсирида юзага келган фавқулодда шароитлар ушбу кадриятларнинг бундан кейинги ҳукмронлиги эҳтимолини жиддий савол остига қўяди. Хусусан, эркинликдан кўра жамоавий манфаатларга бўйсуниб, шахсий муваффақиятдан кўра бошқаларга ғамхўрлик қилиш кадриятлари мазкур шароитда нафақат яшовчан, балки зарурат сифатида намоён бўлади. Пандемия оқибатларидан айнан либералистик жамиятлар кўпроқ азият чеккани ҳам фикримизнинг яққол исботидир. Масалан, қатор Ғарб жамиятларида карантин режимининг жорий этилиши (тўғрироғи мажбур бўлингани) аҳолининг катта қисми томонидан либерал кадриятларга, инсон ҳақ-ҳуқуқларига тажовуз дея баҳоланиб, қатор оммавий норозиликларга сабаб ҳам бўлди. Италияда ёлғиз яшовчи кексаларнинг қаровсизликдан энг кўп азият чекиши ва ҳатто нобуд бўлишлари жамоавий ғамхўрликдан индивидуализмни устун қўювчи либералистик кадриятларнинг фавқулодда вазиятларда намоён бўлувчи антигуманистик хусусиятини фош этиб қўйди.

ХУЛОСА

Пандемия таъсирида юзага келган кадриятлар тизимидаги ўзгаришлар ҳақида баъзи эмпирик тадқиқотлар хулосалари ҳам гувоҳликлик беради. Ана шундай муҳим тадқиқотлардан бири “Glocalities” халқаро тадқиқот агентлиги томонидан Хитойда ўтказилган бўлиб, унда 2020 йил 23 январдан 13 мартгача бўлган даврда ўзини ўзи изоляция қилган 2022 кишининг фикри онлайн сўров орқали ўрганилди. Мазкур тадқиқот [21] кадриятлар ва эътиқодларнинг ўзгаришини кўрсатди. Тадқиқот жамоавийлик кадриятлари, одоб-ахлоқ даражасининг, шунингдек, ўзаро изоляция режимига мослашиш пайтида ўзаро ҳурмат ва ўзаро ёрдамнинг ўсишини қайд этди. Тадқиқотда қуйидаги асосий тенденциялар аниқланди:

- жамоавийликка нисбатан эътиборнинг кучайиши, индивидуализмнинг рад этилиши;
- инсонларга, таълимга, ҳукумат амалдорларига ва Хитой компанияларига бўлган ишончнинг ортиши;



- хитойлик йирик тадбиркор Жек Ма тимсолида инсонлар ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган ўзаро ёрдам ва ҳайрия ишларининг оммалашуви;

- пандемияга дуч келган барча мамлакатларда ҳам жамоавийлик қадриятларининг кучайиши эҳтимоли юқори, деган хулосага келинди.

Хитойда ўтказилгани каби тадқиқотлар бошқа мамлакатларда ҳам олиб борилганлиги ҳақида бизда ҳозирча маълумот йўқ. Шундай бўлса-да, айтишимиз мумкинки, пандемия бутун дунёда жамоавийликка йўналган қадриятлар: бошқаларга ғамхўрлик, конформизм, ижтимоий хавфсизлик, ижтимоий саломатликка бўлган қадриятий муносабатларни анчагина кучайтириб юборди. Шу билан бирга, жамоавийликка йўналган баъзи қадриятларни қадрсизланишига ҳам сабаб бўлди. Масалан, изоляцивий тартиб анъаналарни жамоавий тарзда ўтказишни чеклаш заруратини юзага келтирганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, пандемия барча халқлар учун ўз қадриятлари тизимини қайта кўриб чиқиш ҳамда янги шароитларга мувофиқ келадиган тарзда қайта саралаш заруратини пайдо қилди. Шу билан бирга, бу шахснинг ҳаётини позициясини шаклланишининг объектив ижтимоий-тарихий шарт-шароитларида жиддий ўзгаришлар содир бўлганлигини англатади. Эндиликда пандемиянинг турли оқибатларидан тезроқ ҳалос бўлиш учун инсониятга либералистик қадриятларнинг ўзи нафақат камлик қилади, балки тўсиқ ҳам бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам, глобаллашувнинг бундан кейинги тақдири модернизация концепциясига кўра эмас, балки маданиятлар мулоқоти концепциясига мувофиқ кечиши объектив зарурат бўлиб, бу инсоният цивилизациясининг глобал ҳавф-ҳатарлар қаршида яшовчанлигини таъминлаш имконини беради.

REFERENCES

1. Гринин, Л.Е. (2005). На грани веков: новые процесс. *История и современность*, 1, 11.
2. Бауман, З. (2004). *Глобализация. Последствия для человека и общества* / Пер. с англ. –Москва: Издательство «Весь Мир», 16.
3. Каримов, И.А. (2008). *Юксак маънавият – энгилмас куч.* –Тошкент: Маънавият, 111.
4. Отамуротов, С. (2013). *Глобаллашув ва миллий - маънавий хавфсизлик.* – Тошкент: Ўзбекистон, 26-27.
5. Отамуротов, С. (2013). *Глобаллашув ва миллий - маънавий хавфсизлик.* – Т.: Ўзбекистон, 24-25.



6. Гезалов, А.А. (2012). *Глобализация и мировоззрение*. <http://naukarus.com/globalizatsiya-i-mirovozzrenie>.
7. Ашинова, З. А. (2012). *Ценности в условиях глобализации*. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsennosti-v-usloviyah-globalizatsii>.
8. Ортега-и-Гассет, Х. (1991). *«Дегуманизация искусства» и другие работы. Эссе о литературе и искусстве*. Сборник. –Москва: Радуга, 278.
9. Эллюль, Ж. (1991). Технологический блеф / Ж. Эллюль. *Философские науки*, 9, 153.
10. Тоффлер, Э. (2002). *Шок будущего*: Пер. с англ. / Э. Тоффлер. –М.: ООО «Издательство АСТ», 45-48.
11. Грязнова, Ю. Г. (2011). Конфликтогенность межпоколенного взаимодействия в культуре современного российского общества. *Вестник Адыгейского государственного университета*, 2, 39–43.
12. Максимовой, С. Г., Старчиковой, М.В. (2014). *Адаптивные стратегии лиц пожилого и старческого возраста в межпоколенном взаимодействии*. – Барнаул: АлтГУ, 7.
13. Fromm, E. (1990). *The Art of loving. An Enquiry into the Nature of Love*. / Перевод Л.А.Чернышевой. –М.: Педагогика, 41-42.
14. Юрьев, А. И. (2004). *Политическая психология терроризма*. Доклад на форуме «Психология и психопатология терроризма. Гуманитарные стратегии антитеррора», 70.
15. Гозман, Л. Я., Шестопа, Е. Б. (1996). *Политическая психология*. –Ростов-на-Дону: Феникс, 368.
16. Степин, В. С. (2011). Глобализация и диалог культур: проблема ценностей. *Век глобализации*, № 2, 9-10.
17. Мотрошилова, Н.В. (1991). *Философия Мартина Хайдеггера и современность*. -М.: Наука, 233-250.
18. Бодрийар, Ж. (2000). *Забывать Фуко*. –СПб.: Издательство «Владимир Даль», 13.
19. Логинов, В. (2020). *Новые ценности: во что нужно инвестировать после пандемии*. <https://www.forbes.ru/finansy-i-investicii/403003-novye-cennosti-vo-chto-nuzhno-investirovat-posle-pandemii>.
20. Нассим, Т. (2020). *В ближайшем будущем я вижу угрозу серьезнее пандемии*. <https://hightech.plus/2020/04/21/nassim-taleb-v-blizhaishem-budushemya-vizhu-ugrozu-sereznee-pandemii>.
21. Lampert, M., Blanksma, A. (2020). *China COVID-19 Lockdown Trend Report*. <https://glocalities.com/latest/reports/china-lockdown-trends>.

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРУВЧИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Феруз Салимович Амонов

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий девони катта офицери

Гўзалхон Баҳодировна Нурмухаммедова

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти

xti_ng1010@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат ва жамият ҳаётида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги, мамлакатда коррупциянинг пайдо бўлиши сабаб ва унга имкон берган шарт-шароитлар батафсил таҳлил этилган, бу борада жамоатчилик фикри ўрганилган, мақола сўнггида коррупцияни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш орқали унинг содир этилиш механизмларини аниқлаш ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириш мақсадида бир қатор таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: коррупция, сабаб ва шарт-шароитлар, профилактика, коррупция билан боғлиқ жиноятлар, детерминант.

КИРИШ

Коррупция даражасини камайтириш ва уни чегаралашда биринчи навбатда унинг пайдо бўлиши учун мавжуд шароитлар ва муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал қилиш, иккинчидан, коррупцияни енгишда барча соҳаларда ва қатъият билан коррупцияга қарши кенг кўламли чора-тадбирлар ёрдам беради.

Криминолог олимлар жиноятчиликнинг пайдо бўлиши нафақат қатор сабабларга боғлиқ, балки қулай шароитларга ҳам боғлиқ деб ҳисоблашади. Жиноятчиликнинг вужудга келтирувчи бу сабаб ва шароитлар умумий "криминоген омил (детерминант)" тушунчаси билан бирлаштирилади. Жиноятчиликнинг детерминантлари бўлиб жиноятчиликни белгиловчи ва унинг пайдо бўлишида ёрдам берувчи сабаб ва шароитлар ҳисобланади.



Коррупцияга қарши курашишнинг энг тўғри ва самарали йўли бу - жамиятда коррупциянинг пайдо бўлишига имконият яратаётган шарт-шароит ва омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш ҳисобланади. Криминологик адабиётлар ва оммавий ахборот воситалари маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда коррупциянинг юзага келиши ва ривожланишида бир нечта асосий, ўзаро алоқада бўлган ва бир-бирига таъсир этувчи омиллар мавжуд.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МУҲОКАМА

Жорий йилнинг 5 апрелида Олий Мажлис Сенатида бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашнинг навбатдаги мажлисида қайд этилишича, мамлакатда 2021 йилда 5 483 нафар шахсга нисбатан 3 769 та коррупциявий жиноят ишлари судларга оширилган. Яъни судга юборилган жиноят ишлари ҳамда жавобгарликка тортилган шахслар сони ўртача 3 бараварга кўпайган.

Судларга юборилган жиноят ишларининг ҳар учтадан биттаси соғлиқни сақлаш, таълим ва банк тизими ходимлари томонидан содир этилган. Коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилган кескин чоралар натижасида судга юборилган жиноят ишлари сони ўтган йилга нисбатан банк соҳасида 300 фоизга, таълим тизимида 120 фоизга ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида 100 фоизга ортган.

Криминолог олимларнинг фикрларига кўра *жиноятчилик сабаблари* жиноятларнинг содир этилишини тақозо қиладиган, уларни озиқлантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг йиғиндиси. Қолаверса, шахс табиатида бўладиган ғаразгўйлик, ружу кўйиш, бировлар ҳисобига яшаш, миллатчилик, жамиятда мавжуд ҳуқуқ ва одат нормаларига риоя этмаслик каби ҳолатлар ҳам жиноятчиликни келиб чиқишида таъсир кўрсатади.

Жиноятчиликнинг шароитлари эса жиноятларни бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг мажмуи ҳисобланади.

Жиноятчиликнинг келиб чиқишида муҳим рол ўйнайдиган сабаб ва шароит ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу ҳолат «кри-миноген-детерминант» деб эътироф этилган. Зотан, ҳар қандай шароитнинг ўзи жиноятчилик ва жиноятни юзага келтирмайди. Шароит мавжуд бўлган ҳолда бирор-бир

жиноятчилик сабабсиз содир бўлмайди. Сабаб, ўз мазмунига кўра ижтимоий-психологик ҳолат бўлса, шароит иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан юзага келувчи ҳолат ҳисобланади.

Криминологик адабиётлар ва оммавий ахборот воситалари маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда коррупциянинг юзага келиши ва ривожланишида бир нечта асосий, ўзаро алоқада бўлган ва бир-бирига таъсир этувчи омиллар мавжуд.

Базел давлат бошқаруви институти томонидан тузилган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши рейтингда Ўзбекистон 141 мамлакат ичида 43-ўринни эгаллаган.

Ўзбекистон кўшни Тожикистон ва Қирғизистонни орта қолдириб, 5.71 балл тўплашга муваффақ бўлган. Бироқ Ўзбекистон ҳали FATF — Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг тўртинчи даври методологияси билан баҳоланмаган, таққосланишни чекланган мамлакат деб қайд этилган. Қозоғистон 71-ўринни билан Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткични қайд этган.

Рейтинг 5 та мезон асосида тузилган: жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тизимининг сифати, порахўрлик ва коррупция даражаси, молиявий шаффофлик ва стандартлар, жамоатчилик шаффофлиги ва ҳисобдорлиги, ҳуқуқий ва сиёсий хатарлар.

И.Исмаилов ва бошқалар коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг детерминантларини шартли равишда уч гуруҳга: иқтисодий-ижтимоий омиллар; маънавий-руҳий омиллар; ташкилий бошқарув ва ҳуқуқий омилларга ажратган. Шунингдек, Р.Р.Газимзянов коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг асосий детерминантларига қуйидагиларни киритган: 1) ҳуқуқий, 2) ташкилий-бошқарув; 3) тарбиявий; 4) мафкуравий; 5) ижтимоий-иқтисодий; 6) ахлоқий-психологик; 7) ижтимоий-сиёсий ва бошқалар.

Бошқа бир муаллифларнинг фикрича, коррупцияга йўл очадиган омиллар сирасига ҳокимият органлари тизимининг мураккаблиги, буйруқбозлик таомилларининг кўплиги, давлат ҳокимияти органлари аппаратининг фаолияти устидан ташқи ва ички назоратнинг йўқлиги каби ҳолатларни киритиш мумкин. Ташкилий тушунмовчиликларни фуқа-роларнинг коррупцион хулқ-атворини рағбатлантиришдан фарқлаш баъзан жуда қийин кечади. Тақиқлар, рухсат бериш таомиллари сонининг

ҳаддан ташқари кўплиги, давлат ҳокимияти органлари фаолиятига жалб қилинган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизми ва ҳуқуқий асосларининг йўқлиги ҳам коррупцияга йўл очади.

А.А.Звягиннинг айтишича, мамлакатда мустақил иқтисодий фаолият юритувчи субъектлар хатти-ҳаракатлари устидан давлат бошқарув органларининг ортикча назоратининг мавжудлиги – давлат хизматчиларига ўз манфаатини кўзлаб мансабини суиистеъмол қилиши учун шароит яратади. Ҳолбуки, бу фикр тўғридир, чунки «иқтисодиётни эркинлаштириш» ва «хусусий секторда давлат назоратини қисқатириш» бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятларидан бири ҳисобланади.

Фикримизча, бугунги кунда коррупциянинг юзага килишига ва ривожланишига имкон берувчи шарт-шароит ва омил сифатида шахснинг психологияси ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, психологларнинг фикрича, жамиятда коррупцияга хайрихоҳ психологик муҳитнинг мавжудлиги ушбу ҳодисанинг тарқалиши ва унинг даражаси ортишига имконият яратади.

В.В.Меркуришиннинг айтишича эса, бугунги кунда коррупциянинг содир этилишига имконият яратаётган асосий шарт-шароитлар бу давлат бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратининг сусайганлиги; давлат бошқарув органларида бюрократик тузумга хос салбий иллатларнинг сақланиб қолиши; ўтиш даврида дуч келинган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг тўлиқ ҳал қилинмай қолиб кетиши.

Ушбу фикрларга қўшимча равишда амалдаги қонунчиликнинг номукамаллиги, демократик принциплар ва институтларнинг ривожланмаганлиги кабиларни ҳам келтириб ўтиш мумкин.

Олимлардан яна бири О.А.Кузнецова олиб борган тадқиқот ишлари хулосасига кўра, қуйидагиларни коррупциянинг сабаблари ва шароитлари сифатида кўрсатган: давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги ташкилий-бошқарув тизимининг такомиллашмаганлиги, ходимларда мансаб ваколатидан келиб чиқиб тамагирлик, ўз манфаатини кўзлаш каби психологик хусусиятнинг мавжудлиги. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, давлат хизматчиларининг аксарият қисми эртами-кечми коррупция билан боғлиқ қарорни қабул қилишни ёки рад этишни танлаш ҳолатига дуч келади.

Айнан мамлакатимизда коррупциянинг пайдо бўлишининг сабаб ва шарт-шароитлари хусусида Ю.С.Пулатов ва Г.А.Алимовлар қуйидагиларни эътироф



этишган: – ҳокимият ва иқтисодийнинг бирлашуви; масъул мансабдор шахсларнинг қонунларни менсимаслиги; – хизматчиларнинг меҳнатига муносиб равишда давлат томонидан таъминланмаслиги; – вазирликлар ва идоралар томонидан хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун турли ҳуқуқларга эга бўлишдаги лоббизм; – барча даражадаги раҳбарларнинг қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга эмас, балки бевосита ўз бошлиқларига бўйсунганининг анъана сифатида қолиб келаётганлиги; – аҳолининг ҳуқуқий маданиятининг ривожланмаганлиги.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда юртимизда коррупцияга қарши курашишда бир қатор назорат-тафтиш органлари, ташкилотлар ёки мансабдор шахслар мавжуд. Бироқ, тақдир тақозоси билан айнан ушбу орган ва ташкилотларда коррупциянинг жуда кўплаб пайдо бўлиши кузатилмоқда: ушбу органлар коррупцияга қарши курашиш ва қонун устуворлигини таъминлаш ўрнига, аксинча, ўз шахсий манфаатлари йўлида хизмат ваколатлари доирасидан четга чиқиш, уларни суиистеъмол қилиш каби ҳолатлар учрамоқда.

Жиноятчилик, шу жумладан коррупция муаммосига доир махсус криминалогик адабиётлар таҳлили коррупцияни ўзининг табиий маҳсули сифатида белгиловчи сабаблар ва шарт-шароитлар (омиллар)нинг айрим гуруҳларини қайд этиш имконини беради. Ижтимоий ҳаёт мазмуни ёки соҳаларига кўра бундай омиллар қаторига ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, тарбиявий, мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа сабаблар ва шарт-шароитлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш Агентликнинг асосий вазифаларидан бири сифатида кўрсатилган. Агентликнинг Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс – назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятидаги айрим коррупцион хавф-хатарлар ўрганиб чиқилган. Аниқланишича, Божхона кодексидаги ҳуқуқий бўшлиқ



туфайли товарларни реэкспорт қилишда (божхона ҳудудига илгари олиб кирилган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан импорт божхона божлари ва солиқларини ундирмасдан қайтариш ёки иқтисодий сиёсат чораларини қўлламадан олиб чиқиш) коррупцион хавф юзага келмоқда.

Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан олиб борилган таҳлилларга кўра, судлар томонидан коррупцион (Жиноят кодексининг 167-моддаси, 168-моддаси 3-қисми, 205-214-моддалари билан боғлиқ) жиноятлар бўйича 2019 йилда 5 565 нафар шахсга нисбатан 3 576 та, 2020 йилда 4 159 нафар шахсга нисбатан 2 834 та, 2021 йилнинг 9 ойида эса 6 197 нафар шахсга нисбатан 3 722 та жиноят ишлари кўрилган.

Бирок, 2019 йилда кўрилган ишлар бўйича айблов ҳукми чиқарилган 4 741 нафар шахсдан 2 574 нафари (ёки 54 фоизи)га, 2020 йилда 3 394 нафар шахсдан 1 740 нафари (ёки 51 фоизи)га, 2021 йилнинг 9 ойида 4 572 нафар шахсдан 2 131 нафари (ёки 47 фоизи)га нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган.

Яъни, коррупцион жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш амалиёти йилдан-йилга камайиб борган.

Коррупцион жиноятлар содир этиб, Жиноят кодексининг 70, 71-моддаларига асосан жазодан озод қилинган шахслар 2019 йилда 386 нафарни, 2020 йилда 362 нафарни, 2021 йилнинг 9 ойида эса 492 нафарни ташкил этган.

Таҳлиллар натижасидан маълум бўлдики, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш амалиёти камайиб бораётганлиги коррупцион жиноятлар сони ортиб боришининг сабабларидан бири бўлмоқда.

Қолаверса, аҳоли орасида олиб борилган комплекс тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, сўровнинг 26,9% иштирокчилари коррупцияга сабаб бўлувчи омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатишган:

- ижро этувчи ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари олдидаги масъулиятсизлиги;
- кўплаб бюрократик тартиботларнинг мавжудлиги;
- айрим фаолият турларини амалга ошириш учун тақиқлар;
- фуқаролик жамияти институтлари томонидан мансабдор шахслар фаолияти устидан тегишли назоратнинг йўқлиги.

ХУЛОСА

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, коррупцияни вужудга келтирувчи ва унинг ривожланишига таъсир этувчи шарт-шароитлар ва омиллар ўзаро алоқадорликда ҳаракат қилиб, бир-бирининг мавжудлигини таъминлаб жамият ҳаётининг турли соҳаларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, коррупциянинг Ўзбекистон миллий ҳавфсизлигига таҳдидлар тизимидаги ўрнини белгилаб бермоқда. Ҳар бир мамлакатда давлат ва жамиятнинг куч ва воситалари ёрдамида коррупцияга қарши кураш амалга оширилиб, бунинг учун катта маблағлар сарфланмоқда. Коррупцияни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш орқали унинг содир этилиш механизмларини аниқлаш ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

Биринчидан, давлат амалдорлари ва муассасалари ҳалоллигини сақлаш ва бунга имконият яратиш мақсадида, нафақат корхона, муассаса, ташкилот доирасида, балки унинг ташқарисида ҳам ходимларнинг ман этилган хулқ-атвор кўринишларини намоён этадиган, коррупция ҳаракатларининг турли шакллари аниқ белгилайдиган Хулқ-атвор Кодексини жорий этиш зарур. Хулқ-атвор Кодекси бузилган ҳолларда ходимларни жавобгарликка тортиш имконини берувчи хулқ-атвор санкциялар турларининг қатъий тартибни белгилаш, хулқ-атвор кодексига зид бўлган вазият мавжудлиги тўғрисида ахборот йиғишга ёрдам берувчи хабарчи-ходим ҳимоясини кафолатлайдиган, хабар қилишнинг ички аноним тизимини белгилаш, ташкилот ёки корхонада коррупцияга мойил бўлган соҳаларни аниқлаш асосида тармоқлар кесимида коррупцияга оид хариталарни тузиш каби механизмларни жорий этиш кўзда тутилади.

Иккинчидан, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилган шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларини мансаб лавозимларига тайинламаслик амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Мансаб этикасини бузганлигига нисбатан жавобгарликнинг белгиланганлигини назарда тутган ҳолда мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Учинчидан, республика миқёсида, ҳудудлар ва алоҳида бўлимларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга масъул бўлган мутахассисларни тайёрловчи, уларнинг махсус билим ва кўникмаларини ривожлантиришни таъминловчи, мансабдор шахсларга коррупциянинг зарарли оқибатларини



тушунтирувчи мунтазам равишда мажбурий ўқитиш учун таълим тизимини яратиш лозим.

Тўртинчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, шунингдек, коррупция омилларини аниқлаш, коррупция хавф-хатарларини бошқариш ва уларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриш борасида олий таълим муассасалари ўқув жараёнига «Коррупцияга қарши хулқ-атвор стандартлари» фанини жорий этилиши аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

Бешинчидан, мамлакатдаги барча соҳаларнинг коррупциялашганлик даражасини аниқлаш, аҳоли ўртасида сўровномалар олиб бориш ва ҳар йили оммага эълон қилиб бориш мақсадида халқаро «Transparency International» нодавлат-нотижорат ташкилотининг «Transparency International Ўзбекистон» номи остида аналогини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, маъмурий хўжалик органларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш орқали мансабдор шахслар томонидан рухсат бериш ёки тақиқлаш бўйича масалаларнинг қандай ҳал қилинишини кузатиб бориш ва адолатсизликларнинг олдини олиш мақсадида «OPEN» дастурини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу эса, фуқароларга мансабдор шахсларга юборган мурожаатларининг жараёнларини очиқ кўзатиб бориш имконини берувчи, аризаларининг қачон, ким томонидан рўйхатга олинганлигини, унинг ижроси учун ким масъуллигини ва мурожаатнинг ҳал этилиши жараёнини, мурожаат юзасидан олинган жавоб юзасидан ўз эътирозларини билдиришга, аризасининг нима сабабдан қондирилмаслигига жавобни реал вақт ичида олиш имконини яратишда хизмат қилади.

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг штат тузилмасига директорнинг «Этика бўйича Маслаҳатчи (ёрдамчи)» лавозимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Унинг коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига йўналтирилган вазифаларини эса қўйидагича белгилаш таклиф этилади: коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига йўналтирилган бўлиб, давлат хизматчиларининг хизмати давомида ва ундан кейин манфаатлар тўқнашуви юзага келгандаги хатти-ҳаракатлари аниқ белгилаб бериш, мансабдор шахслар, ходимлар томонидан Ахлоқ кодексларига риоя қилинишини таъминлаш.



REFERENCES

1. Стрельников М. С. Детерминанты преступности коррупционной направленности // Молодой ученый. — 2016. — №14. — С. 472-474. — URL <https://moluch.ru/archive/118/32831/> (дата обращения: 03.06.2019).
2. Исмоилов И. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фозилов; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 – Б. 90.
3. Исмоилов И. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фозилов; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 – Б. 90.
4. Kriminologiya. Darslik. Oliy o‘quv yurtlariga ilmiy-uslubiy birlashmalar faoliyatini muvofiqlashtiruvchi kengash tomonidan nashrga tavsiya etilgan Professor Z.S. Zaripovning umumiy tahriri ostida, O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2008. – В. 61
5. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Ўқув қўлланма / И.Исмоилов, Ж.С.Мухторов, С.Б.Хўжақулов; масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Қ.Р.Абдурасулова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 9 б.
6. Газимзянов Р.Р. Коррупционная преступность в Республике Татарстан на рубеже веков (криминологическое исследование). Авто.дис. на соискание ученой степени канд.юрид.наук. Нижний Новгород – 2005. – С. 32.
7. Зуфаров Р.А., Ахраров Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография //Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – Б. 154.
8. Звягин А.А. Факторы роста коррупции и теневой экономики. Центр проблемного анализа и государственно-управленческого проектирования. – М. – С.34
9. Усманов А.А., Норбоев А.Н., Юридическая психология. - Т.: ТГЮИ. – 2006. – С.29.
10. Меркуришин В.В. Борьба с транснациональной преступностью. - М.: «Амалфея», 2003, С-208.
11. Кузнецова О.А. Коррупционная деятельность: криминологический и уголовно-правовой аспекты.



Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Тамбов. 2007. – С.24.

12. Пулатов Ю.С., Алимов Г.А. Квалификация и предупреждение коррупционных преступлений: Монография. – Т.:, 2016. – стр. 60.

13. Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: Учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: КазАТК, 2008. – С. 182-187.

14. https://daryo.uz/k/2022/04/05/ozbekistonda-2021-yilda-3-769-ta-korrupsiyaviy-jinoyat-ishlari-sudlarga-oshirilgan-senat-raisi/?utm_source=@daryo_kirill

15. <http://protoday.uz/uz/> Ўзбекистон «пул ювиш» рейтингда 43-ўринни эгаллади

16. <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/03/02/tadqiqot-natizhasi-bozhkhona-sohasida-korrupsion-khavf-khatarlarni-keltirib-chiqarayotgan-qonunchilikdagi-boshliqlar-togrisida>

17. <https://anticorruption.uz/uzc/item/monitoring-and-statistics>

БЎЛАЖАК КИМЁ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳасанбой Убайдуллаевич Дехқонов

Қўқон давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Замонавий таълимнинг асосий вазифаларидан бири ижодкор шахсни шакллантиришдан иборат бўлиб, Олий таълимда жараёнида ушбу вазифа ёшларда илмий дунёқарашни шакллантиришда ўз ифодасини топади. Мазкур моқолада бўлажак кимё ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Калит сўзлар: тарбия, компетентлилик, касбий компетентлик, бўлажак кимё ўқитувчиларининг касбий компетентлиги

КИРИШ

Қобилият – умумий психологик тушунча бўлиб, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари жамини англатади ва у ёки бу фаолиятни самарали амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Онгли равишда фаолият юритиш, илмий муаммо моҳиятини англаган ҳолда изланиш олиб бориш, танқидийлик, мустақиллик, иродавийлик, қатъиятлилик ва шахснинг бошқа сифатлари шулар жумласидандир. Тадқиқотчилик фаолияти билан шуғулланаётган талабалар билан бир қаторда бундай сифатлар ҳар қандай мутахассис учун жуда муҳим ҳисобланади. Тадқиқот муаммосини аниқлаб олиш учун талаба ўз-ўзига: «Мен нимани истайман?», «Нима учун айнан шуни истайман?» деган саволларни бериши керак. Шундагина у фаразларни текшириш ва ҳақиқатни исботлаш йўллари кидириб топишга, жиддий тадқиқот ишларини бажаришга ўзини психологик жиҳатдан тайёрлаб боради. Педагогика олий ўқув юртлари педагогик таркибининг илмий кадрлар салоҳияти талабаларда тадқиқотчилик фаолияти лаёқатларини шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатишини назарда тутиб, Қўқон ДПИ мисолида ушбу ҳолат ўрганилганда, ушбу натижанинг ижтимоий-гуманитар йўналишдаги кафедралар кесимидаги кўрсаткичи аниқланди. Шунингдек, Гулистон давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти Педагогика факультетидаги мавжуд кадрлар



мисолида ҳам касбий компетентлилик салоҳияти кўрсаткичлари тадқиқ этилди. Унга кўра, 2017-2018 ўқув йилида Гулистон, давлат университетлари педагогика факультетлари, Қўқон, Жиззах давлат педагогика институти педагогика факультети бўйича касбий компетентлилик қўйидагича фойзни ташкил этди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жадвалда бўлажак кимё ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, бўлажак кимё ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш фаолияти учун зарур тафаккур даражалари, билимдонлиги ва иродавий сифатларига қўйилган талаблар ифодаланган бўлиб, уни тугалланган ва яқунланган аксиома ҳолатида деб бўлмади. Зеро, у давр талаблари асосида, аналитик ва синтетик тафаккур даражаси, миллий ва умуминсоний кадриятлар мазмунини англаб етиши, тадқиқотчилик фаолиятининг заруриятини англашига кўра такомиллашиб боради.

1-чизма

Бўлажак кимё ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

1.	Илмий билимдонлик
2.	Юқори тафаккурга эга эканлиги
3.	Фикрлаш қобилиятининг юқорилиги
4.	Касб маданиятининг юқорилиги
5.	Касбий қобилиятининг кучлилиги
6.	Фикрлаш доирасининг кенглиги
7.	Замонавий касбий билимларга эгалиги
8.	Мустақил эркин ижодий ва тўғри фикрлай олиши
9.	Муаммоли вазиятларда мустақил фикрлай олиши
10.	Ижтимоий муносабатларда фаол иштирок этиши
11.	Ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги
12.	Масъулият ҳиссининг қарор топганлиги
13.	Мунозарага кириша олиши, далиллаш, исботлаш лаёқатининг кучлилиги
14.	Ижтимоий - сиёсий фаоллиги
15.	Касбий компетентлигининг такомиллаштирилганлиги

Мазкур олий ўқув юртларида юқорида келтирилган мезонларга мувофиқ ёш мутахассисларда талабалик давридан



бўлажак кимё ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш, касбий фаолиятга оид кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида иқтидорли, илмий фаолиятга лаёқати мавжуд бўлган истеъдодли, фаол талабалар танлаб олинди ва уларга кафедралар томонидан республикамиз ҳамда минтақада долзарб ҳисобланган тадқиқот мавзулари тавсия этилди.

Педагогнинг касбий лаёқатлилигини тарбиялаш муаммосини ўрганиш ишига бир қатор илмий ишлар бағишланган. Бироқ бу муаммонинг турли жиҳатлари ва аспектларига олимларнинг қизиқишлари камаймаяпти, бу эса узлуксиз педагогик таълим тизимини модернизациялаш ва ривожлантиришнинг ҳозирги замон босқичида алоҳида аҳамиятга эгалигидан ва унинг долзарблигидан гувоҳлик беради.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш – бу талабанинг шахсий хусусиятлари, қизиқишлари, қобилияти ҳамда имкониятларини инобатга олувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларидан талаба шахсини ривожлантиришда самарали фойдаланишга қаратилган жараёндир. Шу боис ўқитишни дифференциаллаш ва индивидуаллаштириш шахсга йўналтирилган таълимни жорий этишнинг асосий тамойиллари сифатида хизмат қилади. [2]

Замонавий жамиятда таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналиши – бу инсоннинг турли соҳаларда мақсадли мустақил фаолияти асосида унинг интеллектуал ва ахлоқий ривожланишидир. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари қатори мамлакатимизда ҳам таълимдаги ислохотлар жараёнида мустақил таълимни рағбатлантириш муҳим йўналиш сифатида қаралмоқда. Педагогнинг касбий лаёқатлилигини тарбиялаш феноменини тадқиқ қилишга Р.Х.Жўраев В.А.Кан-Колик, Н.В.Кузьмина, Н.Д.Никандоров, В.А.Сластенин ва бошқа қатор олимларнинг ишлари педагогик компетентликка бағишланган. Бу муаллифлар касбий компетентлик шахсиятли-ишончлилик сифатлари билан бирликда ўқитувчининг касбий-шахсиятли ҳодиса сифатида педагогик маданиятини тавсифлайди деган фикрда яқдилдирлар. Ўз навбатида, касбий компетентлик тушунчаси, В.А.Сластенин таъкидлаганидек, педагогнинг педагогик фаолиятни амалга оширишга назарий ҳамда амалий тайёрлигининг бирлигини ифодалайди ва унинг профессионализмининг тавсифлайди.

Педагогика ва психологияда касбий компетентликнинг моҳияти, мазмуни, структураси, асосларини ва уни тарбиялаш имкониятларини таърифлашда турлича ёндашувлар мавжуд.

Педагогнинг касбий тарбияланганлик лаёқатлилигини тадқиқ қилишга бағишланган асарларда унинг қуйидаги турлари фарқ қилинади:

– **касбий лаёқатлилилик** – касбий фаолиятини етарлича юқори даражада эгаллаганлик, ўзининг келгуси касбий ривожланишини лойиҳалаш қобилияти;

– **ижтимоий педагогик лаёқатлилилик** – биргаликдаги (гуруҳли, кооператив) касбий фаолиятни, ҳамкорликни ва, шунингдек, мазкур касбда қабул қилинган касбий мулоқот услубларини эгаллаганлик, ўз касбий меҳнати натижалари учун ижтимоий масъуллик :

– **ауто компетенлик** – ўзининг ижтимоий-касбий характеристикалари ҳақида адекват тасаввур ва касбий деструкцияларни енгиб ўтиш технологияларини эгаллаганлик ;

– **экстремал касбий компетенлик**– тўсатдан мураккаблашган шароитларда, ҳалокатларда, технологик жараёнлар бузилганида ва ҳ.к.ларда ишлаш қобилияти .

Касбий тарбияланганлик лаёқатлилигининг кўрсатиб ўтилган турлари бундай хилма-хиллигига қарамасдан, муаллифлардан ҳеч бири уларни таснифлаш мумкин бўладиган умумлаштирувчи критерий асосни келтирмайди. Жумладан, ижтимоий тарбияланганлик ва экстремал компетенликлар тавсифлаш учун турли асосларга эга, ва демак, структураси, мазмуни ва тарбиялаш шароитлари бўйича фарқ қилади. Равшанки, мазкур муаммо ҳозирги замон педагог ва психологлари ишларида ҳали ўз ечимини тўла топади.

Фақат шуни қайд этамизки, бу ерда айтиб ўтилган касбий тарбияланганликда компетенлик турлари одамнинг касбий фаолиятда ва муомалада етуклигини, профессионал шахснинг қарор топишини англатади. Бу ерда «етуклик» сўзи «одам руҳий, ақлий ва жисмоний қобилиятларининг энг юқори ривожланган, ривожланган масъулият ҳисси, бошқа одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш эҳтиёжи, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш қобилияти» сифатида қаралади.

Касбий компетенлик дейилганда нимани тушунмоқ керак? С.И.Ожеговнинг рус тили изоҳли луғатида ушбу таърифни кўрамиз: «лаёқатли – бирор соҳада билувчи, хабардор, обрўли». «Компетенция – 1. Кимдир яхши хабардор бўлган масалалар доираси. 2. Кимнингдир ваколатлари, ҳуқуқлари доираси». Чет тиллар изоҳли луғатида «лаёқатли – маълум соҳада билимдон, хабардор одам; ўз билимлари ва ҳуқуқлари бўйича бирор нарсани қилиши, бирор нарса ҳақида ҳукм чиқариши мумкин бўлган одам». Академик С.С.Фуломов таҳрири остида чоп этилган

«Олий таълим» лугат - маълумотнома тўпламида - «Компетентлик – лот.comptens – тегишли, лаёқатли» деб ифодаланган

Бироқ, «компетенлик» ёндашуви доирасида «компетенлик» бу «... ўқувчининг эгаллаган билимларига, унинг ўқув ва ҳаётига, тажрибасига асосланган, билиш фаолияти ва таълим амалиёти натижасида ривожлантирган мустақил амалга ошириладиган қобилиятдир». Ўз навбатида компетенлик дейилганда «атроф борлиқ ёки фаолиятнинг одам лаёқатлилиги билан эгаллаши лозим бўлган соҳаси (доираси) деб тушуниш» мақсадга мувофиқдир.

Ўқув машғулотларининг замонавий шаклда ўқитишнинг модуль тизимида ташкил этилиши талабаларда тизимли таҳлил қилиш қобилияти, фалсафий ва илмий тафаккур кўникмаларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ёш мутахассиснинг етуклик даражаси унинг муайян соҳа бўйича тўлақонли ихтисосликка эга бўлиши билан бирга, унда тадқиқотчилик лаёқатининг қай даражада эканлиги, маънавий-интеллектуал ривожланлиги, бир сўз билан айтганда, маънавий-маърифий камолоти билан белгиланади. Чунки чинакам маърифатли одам миллат қадриятларини, инсон қадрини, ўзлигини англаши, мустақил давлатимизни жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин. Зеро, ёшлар онгига мустақил, озод ва обод давлат барпо этиш, унинг содиқ ҳамда фидойи фарзанди бўлишдек муқаддас туйғуни сингдириш давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бири ҳисобланади. Бу соҳада турли хил давлат ва нодавлат уюшма, жамғарма, кенгашларнинг. Хусусан, олий таълим муассасаларида бўлажак кимё ўқитувчиларида касбий компетенцияларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида олий ўқув юртларида ёшларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш мақсадида ёшлар кенгашлари ташкил этилмоқда. Жумладан, Гулистон давлат университети “Бўлажак компетентли кимё ўқитувчиси”, Қўқон давлат педагогика институтида “Компетентли кимё ўқитувчиси”, Жиззах давлат педагогика институтида “Кометентли ўқитувчи - келажак пойдевори” макатаби, Қўқон давлат педагогика институтида “Компетентли кимё ўқитувчиси” мактаби таъсис этилган. Шунингдек, мактаб низоми ва иш режаси асосида барча факультетларда “Ёш кимёгар” мактаби тармоқлари ва барча кафедраларда “Ёш кимёгар” мактаби ташкил қилинган. Қайд этилган олий ўқув юртларида ёшлар мактабларининг низоми ва иш режалари олий ўқув юртининг илмий кенгашлари томонидан тасдиқланади.



Таълим соҳасида бундай ёшлар мактабларининг асосий мақсади: бўлажак Бўлажак кимё ўқитувчилари, мутахассислар, магистрант, аспирант ва иқтидорли талабаларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга оид касбий, касбий-педагогик фаолиятини эркин тарзда уюштириш, замонавий фан-техника ютуқларига асосланган ҳолда, ёшлар касбий фаолияти самарали натижаларини ўқув жараёнига татбиқ этишдан иборат.

Ёш кимёгар мактабларининг асосий вазифалари эса қуйидагилардан ташкил топади:

- бўлажак кимё ўқитувчиси ва тадқиқотчи талабаларни касбий компетенцияларини шакллантиришга имконият яратиш;
- амалий машғулотлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар воситасида бўлажак кимё ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш;
- бўлажак кимё ўқитувчиси, мутахассисларни фан-техника ютуқлари асосида касбий компетентлигини илмий-назарий ҳамда амалий асосларини ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- академик лицей ва олий ўқув юртлари талабаларининг касбий компетентлигини шакллантириш жараёнида ўзаро узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш.

Мазкур мактабда бўлажак кимё ўқитувчиларида касбий компетентлигини шакллантириш фаолияти билан шуғулланиш учун ҳар томонлама кўмаклашади. Уларнинг касбий йўналишни белгилаб олишлари, таълимнинг тренинг, амалий машғулот шакллари ҳамда илмий-амалий конференция ва семинарлар воситасида уларга ўз касбий салоҳиятларини оширишлари, фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда муайян муаммонинг назарий асосларини ёритишлари, ўз тадқиқотлари натижаларини ҳаётга татбиқ этишлари учун шароит яратиш айниқса муҳимдир. Шунингдек, мактаб бўлажак кимё ўқитувчиларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида корхона, ташкилот ва муассасалар билан амалий ишларини олиб бориш ва бошқалар юзасидан маъмуриятга, Илмий кенгашга ҳамда Ихтисослашган кенгашларга таклифлар киритишдек ҳуқуқларга эга бўлиб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари талабаларининг касбий малака ва ижодий фаолиятларини ривожлантиришда ўзаро мустаҳкам алоқа ўрната олади. Асосий фаолият тури профессионал фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилгани сабабли мазкур



мактабларга катта иш тажрибасига эга бўлган мутахассис-олимлар, профессор-ўқитувчилар, амалиётчилар доимий равишда кўмак ва маслаҳатга жалб этилади. Таълим муассасаси таркибида ташкил этилган бундай мактаблар талаба-ёшларни мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг иқтидорли талабалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда алоҳида ташаббус кўрсатиши зарур. Тадқиқотимиз давомида шундай ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришнинг фаол йўналишларини аниқлаш ва ривожлантириш мақсадида Қўқон ДПИ, Қўқон Педагогика касб-ҳунар коллежи, Қўқон академик лицейидаги ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳолатини ўргандик.

ХУЛОСА

Олий таълимда икки босқичли тизимнинг жорий этилиши, мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйилиши «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг амалдаги татбиқи ҳисобланади.

Демак, компетенлик аниқ вазиятда намоён бўлади, у индивид лаёқатлилигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқишда муҳим омилдир.

Шундай қилиб, касбий компетенлик – бу меҳнат субъектининг (мутахассис ёки жамоанинг) кундалик фаолиятидаги вазифаларни ва мажбуриятларни бажаришига касбий тайёргарлиги ва қобилиятидир.

REFERENCES

1. Джураев Р.Х. Дидактические основы интенсификации процесса обучения в профтехучилищах. –Т., 1992. – 53 с.
2. Кан–Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. –М.: Педагогика, 1990. – 144 с.
3. Компетентлик – лот.comptens – тегишли, лаёқатли. Олий таълим, луғат маълумотнома. Академик С.С.Фулломов таҳрири остида. Тошкент, «Молия», 2003 йил. 144 бет.
4. Кузьмина Н.В., Реан А.А. Профессионализм педагогической деятельности. – С.-Пб.: С.-ПбГУ., 1993. – 63 с.
5. Ожегов С.И. Рус тили изоҳли луғати.М..1965.й
6. Слостенин В.А., Чижаква В.И. Введение в педагогическую аксиологию. – М.: Изд. центр «Академия», 2003. – 192 с.

С. Э. ТУЛМИН ЭВОЛЮЦИОН КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ФАН ФАЛСАФАСИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

Абдунаби Хатамов

Жиззах давлат педагогика институти доценти

haqiqiysanjar@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Тулмин эволюцион концепциясининг фан фалсафаси ривожланишидаги ўрни, Тулмин таълимотидаги энг муҳим томонлари, унинг фан ривожланиши жараёнини конкрет-тарихий нуқтаи назардан туриб таҳлил қилган.

Калит сўзлар: Тулминча эволюцион концепцияси, эволюция, фан фалсафаси, фан эволюцияси, рационаллик, мантиқийлик постпозитивизм, интеллектуал муҳит, инсоний тушуниш, парадигма

ABSTRACT

This article analyzes the role of Tulmin's evolutionary concept in the development of philosophy of science, the most important aspects of Tulmin's doctrine, the process of development of science from a concrete-historical perspective.

Keywords: Tulmin's evolutionary concept, evolution, philosophy of science, evolution of science, rationality, logic, postpositivism, intellectual environment, human understanding, paradigm

КИРИШ

С.Э.Тулмин англо-америкалик файласуф, постпозитивизмнинг асосчиларидан бири, фан фалсафасининг йирик вакили.

Тулмин остпозитивизмнинг кўпчилик олимлар ва файласуфлар томонидан тан олинган моделларидан бирининг муаллифи ҳисобланади. Бу модель фан ва фалсафа тарихида “Стивен Тулминнинг фан ривожланиши эволюцион модели” ёки “Тушунишнинг Тулминча эволюцион концепцияси” номлари билан аталади. Тулмин ўз фаолиятини бошлаган даврларда илм-фанда формал мантиқий-индуктив ёндашув муҳим ўрин эгаллаган эди. Ушбу ёндашувга кўра, илмий мулоҳазалар формал-



мантикий тўғрилиқ ва верификациялаш талаблари жавоб бериши зарур эди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу нуқтаи назарнинг чинлигига ишонч-формал мантикий хулосаларнинг универсаллиги принципига бориб тақалади. Тулмин мантикий позитивистларнинг мана шундай универсал формал-мантикий ёндошувларини танқид қилиб чиқди. У ҳар бир олимнинг конкрет фикрлаш услуби воқеа-ҳодисаларга ёндошиш йўли бўлишлиги кераклигига эътибор қаратди [1,443]. Унинг фикрича, илмий қонунлар ҳудди Витгейнштейнча “тил ўйинларида”ги мулоҳазалар қоидалари каби хилма-хилдир. Ҳар бир конкрет “илмий ўйин” турли стандартлардаги мулоҳазалардан иборат бўлиши керак. Тулмин мана шу тарзда мантикий позитивистларнинг универсал формал индуктив мантиғига муқобил бўлган фаннинг эволюцион ривожланиши назариясини илгари суради.

Тулмин фикрига кўра, мулоҳаза юритишнинг турли стандартларини тадқиқ этиш эпистемологиянинг мазмунини ташкил қилади. Ушбу ҳолатда эпистемологиянинг предмети сунъий формал мантикий структуралар қоидаларини ўзгартириш эмас, балки олимлар ва илмий жамоанинг илмий фаолияти мағзи бўлган рационаллик ҳисобланиши керак. Тулмин мана шу асосда илмий назарияларнинг негизда ётувчи рационаллик ва тушунишнинг эволюцион ривожланиши концепциясини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. У ўзининг рационаллик тўғрисидаги ғояларини абсолютистлар ва релятивистлар қарашларига қарама-қарши қўяди. Маълумки, фалсафа тарихидан абсолютистлар муайян авторитет системанинг барча замонлар учун универсал стандартлар бўла олишини эътироф этган бўлсалар, релятивистлар эса муайян авторитет системанинг маълум тарихий давр учун универсал стандарт вазифасини бажариши тўғрисидаги қарашларни илгари сурган эдилар.

Тулмин қарашларига кўра, рационаллик – бу инсон фаолияти ёки ташаббускорлигининг ажралмас қисми, у туфайли тушунча, мулоҳаза каби формал системалар танқид қилинади ва ўзгаради. Бошқача қилиб айтганда, рационаллик – бу тарихан шартланган илмий-тадқиқот меъёрларига мувофиқ равишда мулоҳаза юритиш маданиятидир. Бунда рационалликнинг ягона стандартлари бўлиши мумкин эмаслиги – уларнинг тарахий тараққиёт давомида табиий равишда ўзгариб бориши назарда тутилган.

Тулмин рационаллик ва мантикийлик тушунчаларини бир-бирларидан фарқлаш керак, деб ўргатади. Унинг фикрича, рационаллик – қандайдир мантикий ёки концептуал



системанинг атрибуту эмас, у инсон фаолиятининг атрибутидир. Шунинг учун ҳам инсон фаолиятининг ўзини тадқиқ қилиш талаб этилади. Илмий назарияларнинг фундаментал муаммоларини эса бир бутун тарихий контекст доирасида кўриб чиқиш керак бўлади. Агар мана шу ёндошувга амал қилинса, унда Тулмин рационалликнинг намунаси сифатида математик физика эмас, юриспруденция олиниши керак бўлади, деб ҳисоблайди. Айни юриспруденцияда мантикий жиҳатдан тўғри, аммо амалий мақсадга улар воситасида эришиб бўлмайдиган аргументлар рационал деб қабул қилиниши мумкин эмас. Методологнинг вазифаси мантикий структураларнинг қай тарзда рационал фаолиятга кўмак беришини кўрсатиб беришдан иборат бўлиши керак. Тулмин фикрича, рационаллик муаммосига функционал ёндошув зарур. Унга кўра, мантикий методологик тадқиқотнинг олим илмий изланиш фаолиятига алоқаси йўқ. Олим ғоялар, методлар ва воситалар мажмуи бўлган рационаллик ёрдамида ҳодисаларни тушуниб етади. Илмий билимларнинг рационалиги тушунишнинг қабул қилинган стандартларга мослигидир[1,32-46]. Тулмин олимлар томонидан қабул қилинган стандартларга мос келувчи ҳодисаларни тушунарли деб ҳисоблайди. У тушунишни яхшилаш, янгилаш фан эволюциясига рағбат беришини кўрсатиб ўтади.

НАТИЖАЛАР

Тулмин фаннинг ҳақиқий тарихини ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У ўзининг “Инсоний тушуниш” асарида илмий билимлар ривожланишининг эволюцион биологик моделини тақдим қилади. Тулминнинг фан ривожланишининг эволюцион модели, Дарвиннинг эволюцион назариясига қиёсан яратилади. Масалан, чегарадош билимлар соҳалари тўғрисидаги назариялар “популяция” сифатида намоён бўлади. Тушунча, қоида ва схемаларнинг ўзгариб бориши “ўзгарувчанлик”ка ўхшатилади. Тулмин Дарвиннинг эволюцион назариясига ўхшатган ҳолда илмий тушунчалар ривожланишининг эволюцион назариясини яратиш орқали фаннинг ривожланиш динамикасини очиб беради[1,32-46].

Тулмин фан эволюциясига хос бўлган асосий хусусиятларни алоҳида ажратиб кўрсатади:

1. Фаннинг интеллектуал мазмуни бир томондан ўзгариш содир бўлиши, иккинчи томондан эса ворисийликнинг яққол кўриниши.

2. Интеллектуал фанда доимо синов учун илгари сурилган ғоялар ва методлар бўлади, лекин улар ичида



баъзиларигина илмий билимлар системасида мустаҳкам ўрин эгаллаши мумкин. Мана шу тарзда тўхтовсиз вужудга келувчи интеллектуал янгиликлар танқидий “танлов” жараёнида мувофиқлаштирилади.

3. Ушбу икки томонлама жараён фақат бир қанча қўшимча шароитлар мавжуд бўлгандагина самарали ўзгаришлар келтириб чиқаради. Бунинг учун биринчидан, интеллектуал янгиликлар оқимини қўллаб-қуватлаш қобилиятига эга бўлган керакли миқдордаги одамлар бўлиши зарур, иккинчидан, илмий рақобат форумларида синаш учун ташланган янги билимлар узоқ вақтлар давомида мавжуд бўлиши керак. Мана шу даврда улардаги қимматдорлик ва камчиликлар аниқланади.

4. Ҳар қандай тарихий ва маданий вазиятнинг “интеллектуал экология”сини ўзаро боғлиқ бўлган тушунчалар тўплами белгилайди. Ҳар қандай муаммоли вазиятда интизомий танлов асосида рақобатдош бўлган янгиликлар ичида маҳаллий интеллектуал муҳит талабларига жавоб берадиган энг саралари танлаб олинади.

Шундай қилиб, фаннинг ривожланиши қонунлари тўғрисидаги фикрлаш икки гуруҳ масалаларга келиб боғланади.

Биринчиси, янгиликларнинг пайдо бўлишини қайси омиллар белгилайди?

Иккинчиси, у ёки бу концептуал вариантни тан олиш ва мустаҳкамлашни қандай омиллар белгилайди?

Тулмин фикрига кўра, фан ривожланиши кескин инқилоблар шаклида эмас, балки ҳар бир алоҳида кашфиёт билан боғлиқ ва индивидуал ўзгарувчанлик ёки мутацияга ўхшаш бўлган микроинқилоблар тарзида кечади.

Билимлар, деб уқтиради файласуф, муаммолар ва тушунчалар оқими сифатида “урчиб”, кўпайиб боради. Улардан энг қимматлилари даврдан даврга, бир илмий жамоатчиликдан бошқасига ўтказилади. Яъни, билимлар ривожланишида ворисийлик қонуни амал қилади. Бу жараёнда улар бир шаклдан бошқа шаклга киради, “гибридлашади”. Рационаликнинг янгича тикланиши ва алмашиниши Тулмин қандайдир чуқур инқироз билан боғламайди. Негаки инқироз-носоғлом ҳодисадир. Тулмин уларни танлов вазияти ва тушунчалар мутациясининг ошиб бориши сифатида кўриб чиқади. Бунда гап фан тараққиёти ҳақида эмас, балки унинг ўзгарувчан шароитга кўп ёки оз даражадаги мослашуви ҳақида борапти. Тулмин мана шу тарзда илмий ривожланишни ғояларнинг яшаш муҳитига аъло даражадаги мослашуви йўлидаги доимий ва йўналишсиз курашиши жараёнидир, деб талқин қилади.

МУҲОКАМА

Тулмин қарашларига кўра, илмий назариялар ва анъаналар консерватив сақланиш(яшовчанлик) ва инновация (мутация) жараёнлари таъсирида бўлади. Фандаги инновациялар танқид ва ўз-ўзини танқид ҳолатларига бардош беради. “Интеллектуал муҳит”га энг юқори даражада мослашган популяциялар яшаб қолади. Тулмин фикрича, илмий тадқиқот ишларини оқилоно ташкиллаштириш кўп даражада фундаментал илмий тадқиқотларнинг мазмунига эмас, балки йўналишларнинг лидерларига боғлиқ бўлади. Тулмининг ушбу фикрларида Кунча “илмий инқилоблар” ва “парадигмалар алмашинуви” ғояларига қарама-қарши муносабат кўришиб турибди. Энг драматик инқилоблар ҳам ҳеч қачон ўтмиш билан мутлоқ узилишга олиб келмайди, деб таъкидлайди Тулмин. Бу билан файласуф илмий билмлар ривожланиши ворисийлик асосида содир бўлишини яна бир бор кўрсатиб ўтади[1,128].

Тулмин фан ривожланишини борлиқни янада чуқурроқ билишда, муаммоларнинг моҳиятини тушуниб етишда, деб билади. Оламни тушуниб етиш учун биз, уларга бўлган илмий-тадқиқот ёндошувларимизни ўзгартиришимиз керак, дейди у. Мана шу асосда Тулмин “илмий билимлар эволюциясининг методологик назарияси”ни яратиш учун “концептуал система” тушунчасидан воз кечишимиз, унинг ўрнига “концептуал популяция” тушунчасини киритишимиз керак, деган таклифни илгари суради. Тушунчаларни бундай ўзгартириш унга дарвиннинг эволюцион назариясини парадигма сифатида танлаш имкони билан бирга фан тараққиётини билимларнинг ўсиши сифатида шарҳлашдан воз кечишга ҳамда фан эволюциясини тушунишнинг янгиланиши билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб беришига йўл берар эди. Бундай ҳолатда фаннинг ўзи тушунчалар популяцияси ва тушунтириш воситалари сифатида гавдаланади.

Тулмин илмий тушунчаларнинг ўзгариш жараёнини “инсоний тушуниш” сифатида талқин қилади. У “инсон билади ва шу билан бирга англаб етади”, деган фактга мурожаат қилган ҳолда фикр юритади. Тулмин мана шу тарзда тафаккур ва тушунишни бир-биридан фарқлайди. Унинг қарашларига кўра, тушуниш ҳам ташқи, ҳам ички томонга қаратилган. Икки томонга эга бўлган тушуниш бир бутундир. Методологнинг вазифаларидан бири – мана шу бирликни таъминлаш, яъни ташқи томонга қаратилган амалий масалалар ва ички томонга йўналтирилган назарий масалаларнинг бирлигини таъминлашдан иборат бўлиши керак. Ўтмишда буюк мутафаккирлар тушунишнинг бирлиги масаласига

эйтибор қаратганлар. “Платон ва Аристотель учун ҳар бир метафизик тезис методологик аҳамият касб этган, илмий билишнинг ҳар бир ўлчови эса фалсафий жиҳатдан ўринли, деб топилган” [1,26]. Қадимги давр файласуфлари ҳам, XVII аср Европа олимлари ҳам муаммоларни соф фалсафий ва соф илмий турларга ажратишмаган. Ҳозирги даврда янги эпистемологияни яратиш жараёнида биз буларни ҳисобга олишимиз зарур. Яъни Оламни англаб етишда биз тушунишнинг илмий ва фалсафий жиҳатларини бир-бирларидан бутунлай ажратиб қўймаслигимиз керак.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Тулмин постпозитивизм ёки фан фалсафасида илмий билимлар ривожланишининг ўзига хос моделини яратишга ҳаркат қилди. У ўз таълимотида фан ривожланишининг муҳим эволюцион-диалектик жиҳатларини кўрсатиб берди. Тулминнинг эволюцион модели Дарвиннинг эволюцион назариясига ортикча даражада ўхшатилса ҳам, унинг қарашлари фандаги абсолютизм ва догматизм каби нуқтаи назарларга қарши курашда қўл келади. Тулмин таълимотидаги энг муҳим томонлардан бири унинг фан ривожланиши жараёнини конкрет-тарихий нуқтаи назардан туриб таҳлил қилганидир. Тулминнинг ғоялари фан фалсафаси ва методологиясининг кейинги ривожига ўзининг салмоқли таъсири ўтказди.

REFERENCES

1. Тулмин С.Э. Человеческое понимание. М.:1984. – С.443
2. Sindorkulovich, K. S. (2020). The significance of socio philosophical study of young people's life goals. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 523-527.
3. Khotamov, A., & Sindorkulovich, K. S. (2020). The study of the problem of life goal in the history of philosophy. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(4), 34-42.



ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Мирзохид Акрамович Ҳайитов

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий
мактаби тингловчиси
khayitov2023@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада хусусий айблов институтининг Германия, Англия, Австрия ва Франция давлатларида шаклланишидан бугунги кундаги ҳолатига оид нормалари тадқиқ этилган. Хусусий айблов институти жиноят процессининг асосий базавий институти сифатида унинг бошланғич асослари ва трансформациялашуви ҳақида фикр юритилган.

Шунингдек, мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида хусусий айблов институти элементлари, жиноят қонунчилигида жабрланувчининг аризаси билан қўзғатиладиган жиноятларнинг турлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда процессуал қонунчилигимизда мазкур институтни ривожлантириш истиқболлари ва йўналишлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: хусусий айблов институти, жиноят процессида хусусий айблов институти тарихи, хусусий айблов институтининг шаклланиш босқичлари, жиноят-процессуал қонунчиликда хусусий айблов институти муаммолари, хусусий айблов институтнинг такомиллаштиришнинг тарихий тажрибалари.

ABSTRACT

In a scientific article, the author explores the development of the private prosecution in criminal procedure of Germany, England, France and Austria from the earliest times to the present. The author concludes that a private prosecution is fundamental and a basic institution of criminal proceedings, which in the period of formation and development has changed and evolved into a public accusation, maintaining a private launch.

The article also analyzes the elements of the institute of private prosecution in the criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan, the types of criminal offenses initiated by the victim, their specific



features and prospects and directions for the development of this institution in our procedural legislation.

Keywords: history of the institution of private prosecution criminal process, periods of the institution of private prosecution criminal process, problems of criminal procedural law criminal process, methods to improve the institution of private prosecution criminal process.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13–моддасига кўра, инсон, унинг ҳаёти, кадр-қиммати, шаъни олий қадрият ҳисобланади. [1, б. 2] Бу қадриятларни ҳимоя қилиш давлат томонидан кафолатланади.

Мамлакатимизнинг Асосий қонунида мазкур қоидаларнинг бевосита мустақамлаб қўйилиши ўз навбатида жиноят-процессуал, шунингдек инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлашга қаратилган қонунчилик тизимида хусусий айбловга оид норма ва манфаатларни такомиллаштиришнинг детерминантив асоси бўлиб хизмат қилади.

Хусусан, Жиноят-процессуал қонунчилиги тизими ва институтларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилинди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мазкур Концепцияда Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг устувор вазифаларидан бири сифатида жиноят процессининг янги шакл, тартиб-таомилларини жорий этиш ҳамда жабрланувчи ва жиноятдан жабр кўрган шахсларни ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан жиноят-процессуал ҳамда ташкилий чораларни жорий этиш белгиланган [2, б. 1, 7].

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жиноят содир этиш орқали бузилган ҳуқуқларни тикланишини таъминлашда хусусий айблов институти алоҳида ўрин тутади [3, б. 149-153].

Хусусий айблов институти моҳиятан моддий ва процессуал қонунчилик нормалари тизимида диспозитивлик, жиний таъқиб органларининг замонавий тузулмаси,

жиноятдан жабрланган шахсларнинг давлат органлари билан муносабати ва улар фаолиятининг мутаносиблиги ҳамда анархизм билан боғлиқ масала ва муаммоларни ўз ичига қамраб олади [4, б. 7].

Юридик тушунча сифатида хусусий айблов деганда айрим категориядаги жиноят ишлари бўйича фақат жабрланувчининг айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб берган шикоят асосидагина қўзғатиладиган ва тарафлар ярашганлиги муносабати билан жиноят процессининг исталган босқичида тугатилиши мумкин бўлган жиноий таъқиб шакли тушунилади. [5, б. 22].

Хорижий давлатлар тажрибасида хусусий айблов институти ривожланган давлатлардан бири Германия ҳисобланади. Германия Федератив Республикасининг 1998 йил 13 ноябрда қабул қилинган Жиноят кодексига кўра қўйидаги жиноятларга оид ишлар бўйича:

1. Хизмат хонаси ва турар жой дахлсизлигини бузиш (123-модда);
2. Ҳақорат қилиш (185-модда);
3. Ўзаро ёзишмалар сирларини бузиш (202-модда);
4. Тан жароҳати етказиш (223-модда);
5. Мулкка шикст етказиш (303-модда);
6. Маълумотларни ўзгартириш (303а-модда);
7. Компьютер саботаж (303б-модда) билан боғлиқ жиноятлар бўйича

жиноий таъқибни амалга ошириш учун жабрланувчининг аризаси талаб этилади.

Эътиборга молик жиҳатлардан бири шундаки, Германия қонунчилигида хусусий айблов институтига оид қоидалар мазкур мамлакатнинг Жиноят кодексига, яъни моддий ҳуқуқ нормасининг ўзида белгилаб берилган. Шунингдек, айрим жиноятлар бўйича хусусий айблов институтини қўллашнинг ўзига хосликлари ҳам мавжуд.

Жумладан, ҳақорат қилиш қўйидаги ҳолатларда содир этилганда, яъни:

- агар жабрланувчи аҳолининг муайян миллий-ижтимоий ёки бошқа гуруҳига мансубли сабабли шунга боғлиқ равишда унга нисбатан зўрлик ишлатиш ва ўзбошимчалик йўли билан ҳақорат қилиш;

- ёзма материалларни тарқатиш орқали;

- жамоат жойларида;

- оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилган бўлса жабрланувчининг аризаси талаб этилмайди.

Бундай ҳолларда агар жабрланувчи жиноий таъқиб ўтказилишига ўз эътирозини билдирса, иш юритилиши



мумкин эмас, шунингдек жабрланувчи бу тоифадаги ишларда жиноий таъқиб бошлангандан сўнг ўз эътирозини қайтариб олиш ҳуқуқига эга эмас.

Мазкур тоифадаги ишларда жабрланувчи вафот этган тақдирда, жиноий тақибни амалга ошириш тўғрисидаги ариза бериш ёки уни ўтказилишига қарши эътироз билдириш ҳуқуқига вафот этган жабрланувчининг яқин қариндошлари эга бўлади.

Агар вафот этган марҳумнинг шаъни, кадр-қиммати ёки унинг хотираси билан боғлиқ равишда ҳақорат содир этилганда жиноий тақибни амалга ошириш ҳақида ариза бериш ҳуқуқига марҳумнинг яқин қариндошлари эга.

Шунингдек, ҳақорат қилиш аҳолининг муайян миллий-ижтимоий ёки бошқа гуруҳга мансубли сабабли шунга боғлиқ равишда унга нисбатан зўрлик ишлатиш ва ўзбошимчалик йўли билан;

ёзма материалларни тарқатиш орқали;
жамоат жойларида;

оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилган бўлса жабрланувчининг аризаси талаб этилмайди ва жиноят иши юритуви оммавий айблов шаклида амалга оширилади. Марҳумнинг қариндошлари жиноий таъқиб ўтказилишига эътироз билдирган тақдирда иш юритилиши мумкин эмас ва бундай мазмундаги эътироз қайтариб олинмайди.

Агар ҳақорат қилиш давлат хизматчиси, ҳарбий хизматчи ва бошқа давлат маъмурий орган ходимига нисбатан ўз хизмат вазифасини бажариш ёки хизмат вазифаси билан боғлиқ равишда содир этилган бўлса жиноий тақибни амалга ошириш тўғрисидаги ариза бериш мазкур давлат органлари раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

Хусусий айбловга оид ишлар бўйича жабрланувчининг аризаси суд участкавойига тақдим этилади, мазкур ишларнинг ҳолисона кўрилишини таъминлаш манфаатларидан келиб чиқиб суд участкавойи ушбу ишни келгусида кўриб чиқишда иштирок этмайди. Жабрланувчининг аризасига унинг айбланувчи билан ярашувга эришилмаган тақдирда ярашув органининг махсус ярашув маълумотномаси илова қилинади.

Ярашув органилари сифатида жамоа ташкилоти, махсус ярашув органи ёки ярашув бўйича мутахассислар иш олиб боришга ҳақли.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, хусусий айблов бўйича жиноий таъқибни бошлаш учун белгиланган шаклдаги жабрланувчининг аризаси ва ярашув органининг маълумотномаси асос бўлиб хизмат қилади.

Хусусий айбловга оид ишлар юзасидан жабрланувчи кўйидаги ҳуқуқларга эга:

1. айбловни кўзғатиш;
2. ҳимоячига эга бўлиш;
3. далиллар тақдим этиш;
4. ўз номидан гувоҳ ва экспертларни таклиф этиш;
5. далилларни текширишда иштирок этиш;
6. ишга оид масалалар юзасидан хулоса бериш;
7. ҳукм устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Хусусий айбловга оид ишлар бўйича айблилик презумпцияси амал қилиб, айбловга доир далилларни тўплаш ва тақдим этиш мажбурияти жабрланувчи зиммасига юклатилган.

Хусусий айбловга оид ишлар суд участкавийи томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади. Хусусий айблов бўйича иш юритиш суд муҳокамасининг умумий қоидалари асосида олиб борилади. Шу билан бирга мазкур институт асосида иш юритишнинг кўйидаги айрим ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд:

- мазкур категориядаги ишлар бўйича жабрланувчи судда айбловчи сифатида иштирок этади. Бундай ҳолларда прокурор процессга аралашмайди. Аммо жабрланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийинчиликларга дуч келган тақдирда давлат айбловни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга;

- айбланувчи биринчи инстанцияси судининг муҳокамасида охириги сўзга чиққунга қадар қарши даъво кўзғатиш ҳуқуқига эга, агар воз кечиш ҳақидаги арз айбланувчи сўроқ қилингандан сўнг тақдим этилганда айбланувчининг розилиги талаб этилади;

- Германия ЖПКнинг 391-моддасига кўра, хусусий айбловчи суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида айбловдан воз кечишга ҳақли.

Бундан ташқари, хусусий айбловчининг суд мажлисида иштирок этиши шартлиги ҳақидаги суднинг қарорига қарамай хусусий айбловчи ёки уни адвокати суд мажлисида иштирок этмаса, шунингдек апелляция шикоятининг кўрилишида шу тарздаги ҳаракатсизлик ҳолатларида айблов рад этилган ҳисобланади;

- ишни суд муҳокамасида кўриш бошлангандан кейин қонун бўйича томонларнинг келишувига йўл қўйилмайди, лекин суд амалётида иш ҳолатларидан келиб чиқиб келишувни тасдиқлаш ҳолатлари ҳам қўлланиб келади.

Хусусий айбловга оид ишлар бўйича суд муҳокамаси кўйидаги ҳолларда айбланувчининг иштирокисиз соддалаштрилган тартибда кўриб чиқилиши мумкин:

1) жазо чораси сифатида пул миқдорининг 180 бараварига тенг жарима жазоси қўлланилганда;

2) жазо чораси сифатида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш қўлланилганда;

в) жазо чораси сифатида жиноий йул билан ортирилган мол-мулкни мусодара қилиш ёки йўқ қилиш билан боғлиқ чораларни қўллашга оид ишларда айбланувчининг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Жабрланувчининг шикоятни бўйича қўзғатилган ишларни кўришнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ишни кўришда жабрланувчидан ташқари давлат ва жамият манфаатларига зарар етказилганлиги аниқланган тартибда прокурор ишнинг ҳар қандай босқичида иштрок этишга ҳақли ҳисобланади. Бундай ҳолларда ишни юритиш оммавий айбловга оид қоидалар асосида олиб борилади.

Суд муҳокамасида исботлаш вазифаси прокурор ва суднинг зиммасига юклатилади, суд ҳақиқатни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўради. Суд мажлисида раислик қилувчи процессга раҳбарлик қилиди ва унинг русхати билан томонларга саволлар бериши мумкин [6, б. 230, 305, 313, 328, 405, 406].

Хусусий айблов институти Австрия қонунчилигида ҳам мавжуд бўлиб, кўйидаги жиноятлар ҳақидаги ишлар:

1. Ноқонуний даволаш;
2. Тижорат сирини ошкор этиш;
3. Алдов ёки мажбурлаш йўли билан никоҳ тузиш;
4. Эр-хотинлик садоқатини бузиш билан боғлиқ жиноятларга оид ишларнинг юритуви хусусий айблов тарикасида олиб борилади.

Мазкур жиноятларни содир этган шахс вояга етмаган бўлса, хусусий айблов тарикасида иш юритишни истисно этувчи ҳолат ҳисобланади.

Прокурор мазкур категориядаги ишларни суд муҳокамасида кўришда айбланувчини қоралаш ва уни фош қилиш вазифаларини амалга оширишдан четлатилган. Бу ишни судга қадар юритишда жиноий таъқиб хусусий айблов билан бошлансада, хусусий айбловчининг ҳуқуқлари прокурор ҳуқуқларига нисбатан чекланган.

Хусусий айбловчи судда унинг айбловини қувватлаш бўйича прокурорга илтимос қилиш ҳуқуқига эга. Бундай илтимос прокурор томонидан қаноатлантирилганидан қатъий назар хусусий айбловчи прокурорни рад қилиш ҳақида шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Агар прокурор хусусий айбловга доир ишлар бўйича айловни қувватлашни ўз зиммасига олса, айбловчининг вакили сифатида айбловдан воз кечиш ва айбланувчи билан ярашиш ҳуқуқларига эга бўлади.

Франция қонунчилигида жиноят процесси иштирокчиси сифатида жабрланувчи иштирок этсада, Германия, Австрия ва Россия қонунчилигидаги каби хусусий айблов институти мавжуд эмас. Бу француз ҳуқуқ тизимида мазкур институтининг тарихий ривожланиш жараёнида айбловнинг фақат давлат монополияси сифатида шаклланганлиги билан боғлиқдир. Жабрланувчига етказилган ҳар қандай турдаги зарар жиноят процессида фуқаровий даъво тартибида кўриб чиқилади.

Франция жиноят-процессуал қонунчилигида жабрланувчи ҳар қандай категориядаги жиноят ишлари бўйича фуқаровий даъво кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган субъект ҳисобланади. Жиноят содир этилиши билан боғлиқ ҳолда шахсга етказилган ҳар қандай зарар бўйича жабрланувчи фуқаровий даъво кўзғатишни прокурордан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаровий даъво Франция қонунчилигида жабрланувчининг шахсий манфаатларига етказилган зарарни бартараф этиш воситаси бўлиб ҳисобланади. Даъвогар процесснинг ҳар қандай босқичида даъводан воз кешига ҳақли. Лекин бу расмий давлат органи томонидан кўзғатилган айблов билан боғлиқ ҳолатларга нисбатан татбиқ этилмайди. Франция жиноят процессида икки субъект, яъни прокурор ва фуқаровий даъвогарнинг ташаббуси билан жиноий таъқиб амалга оширилиши мумкин.

Францияда жабрланувчининг ташаббуси билан 2 та ҳолатда жиноят иши кўзғатилиши мумкин:

Биринчидан, аризани суд терговчисига тақдим этиш йўли билан амалга оширилади. Бунда жиноий қилмишда ўзини зарар кўрган деб ҳисоблаган шахс суд терговчисига ёзма ёки оғзаки шаклда ариза тақдим этади. Жабрланувчи иш юзасидан далиллар тақдим этишга мажбур эмас, жиноят иши бўйича далиллар тўплаш ваколатли давлат органлари зиммасига юклатилган. Жабрланувчининг аризасини қабул қилиб олган суд терговчиси оммавий даъво кўзғатиш масаласини ҳал этиш учун уни прокурорга юборади. Асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор



оммавий даъво кўзгатади ҳамда суд терговчисига дастлабки тергов ўтказиш ҳақида талабнома жўнатади.

Иккинчидан, айбланувчини бевосита судга чақириш йўли билан. Дастлабки тергов ўтказиш зарурати бўлмаган ҳолларда ушбу йўл билан жиноий таъқибни кўзгатиш мумкин. Жабрланувчи айбланувчини бевосита судга чақириш ҳақида судга илтимоснома билан мурожаат қилади. “Бевосита судга чақирув тўғрисида”ги ҳужжат суд пристави томонидан тузилади ҳамда айбланувчи бу ҳужжат билан танишиб чиққач, суд муҳокамаси бошланади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам прокурор айбловни қўвватлаши ҳамда исботлаш субъекти ҳисобланади.

Англо-саксон ҳуқуқида хусусий айблов институти континентал ҳуқуқ тизимидан жиддий фарқ қилади. Бу тизим процессуал қонунчилигида айбловнинг хусусий шакли оммавий-ҳуқуқий характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, континентал ҳуқуқ тизимидан фарқли равишда хусусий айбловчи жиноий ишлари айрим категориялари бўйича эмас, балки ҳар қандай тоифадаги жиноят ишларига процессуал таъсир этиши мумкин. Бу хусусият англо-саксон ҳуқуқ тизимининг тарихий ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ равишда Х асрдан буён давом этиб келмоқда.

Хусусий айбловчи жиноий таъқибни амалга ошириш, далиллар тўплаш ва судда айбловни қувватлаш ҳуқуқларига эга. 1879 йилга қадар Англияда давлат айблови умуман мавжуд бўлмаган, шу сабабли хусусий айблов шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг ягона имконияти бўлиб келган.

Содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда жиноят натижасида шахсга зарар етказилган-етказилмаганлигидан қатъий назар Англиянинг муомала лаёқатига эга бўлган ҳар бир фуқароси хусусий айблов бўйича жиноий таъқибни амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Бу ҳозирги кунда амалда бўлган “умумфуқаровий айблов” концепциясига асосланади.

Бугунги кунда Англияда суд магистрати томонидан кўриб чиқиладиган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ишларида жабрланувчи хусусий айбловчи сифатида иштирок этади.

Хусусий айбловчи жиноий таъқибни бошлаш ҳақида судда айбланувчининг иштирок этиши учун чақириш юзасидан суд магистратига илтимоснома киритади. Магистрат хусусий айбловчининг аризасини қўйидаги мезонларга мувофиқлигини текширади:

- хусусий айбловчи томонидан тақдим этилган айбловда кўрсатилган қишмиш жинойт қонуни билан таъқиқланганлиги;
- хусусий айбловчи айбловнинг барча аҳамиятли жиҳатларини кўрсатганлиги;
- жиний жавобгарликка тортиш ва жазо қўллаш муддатлари ўтиб кетмаганлиги;
- жиний иши мазкур суднинг судловига тегишлилиги;
- хусусий айбловчи ариза тақдим этиш ваколатига эгалиги.

Ариза мазкур талабларга мувофиқ бўлган ҳолатларда суд магистрати айбланувчини судга чақриш ҳақида хабарнома юборади. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, айрим тоифадаги ишлар, жумладан оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилган ҳақорат, ўзини-ўзи ўлдиришга ундан ва ирқий камситишга оид ишлар бўйича айбланувчини судга чақриш юқори даражаги суд ёки бош прокурор розилиги билан амалга оширилади.

Суд муҳокамаси судланувчининг ўз айбига иқрорлигини аниқлашдан бошланади. Агар судланувчи ўз айбига иқрорлигини тан олган тақдирда суд жазо чорасини тайинлаш билан қифояланади. Мазкур ҳолатларда суд тергови ўтказилмайди ҳамда судланувчининг айблилиги масаласи муҳокама этилмайди. Бундай ҳолларда суд муҳокамасининг давомийлиги одатда 15-30 минутни ташкил этади. Суд терговини ўтказиш зарурати камдан-кам ҳолатларда, яъни ҳар 10 та ҳолатдан 2 тасида судланувчининг айблилик масаласига оид низо юзасидан ўтказилади.

Англия жиний-процессуал қонунчилигида судланувчининг иштирокисиз, сиртдан ишни кўриб чиқишга судланувчи айбдорлигини тан олган, яъни айблов томонида гумон қилинаётган айбловни исбот қилишга зарурат бўлмаганда йўл қўйилади. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ҳар қандай тоифадаги жиний ишлари бўйича айбланувчи судга келиш ҳақидаги суд буйруғини олган пайтдан бошлаб ўз айбига иқрор бўлган ҳолатларда суд уни суд муҳокамасида иштирок этишдан озод қилиши мумкин.

Ҳозирги пайтда Англияда хусусий айблов бўйича жиний таъқибни амалга оширишда ташкилий, молиявий харажатлар юқорилиги ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар сабабли мазкур институтнинг трансформациялашуви билан боғлиқ тенденциялар кузатилмоқда. Амалда эса Англияда бугунги кунда хусусий айблов институти асосан маиший характерга эга ижтимоий ҳавфи юқори бўлмаган, кам аҳамиятли жинийлар доирасида қўлланилиб келинмоқда [7, б. 235-250].

Бугунги кунда, амалдаги ЖПКда фақатгина давлат айблови ҳақида сўз борган бўлиб, “давлат айблови” тушунчаси кодекснинг ҳеч қайси моддасида қайд этилмаган. Шунингдек, амалдаги ЖПКда ишни ярашганлиги билан тугатиш ва 325-моддаси тартибида жабрланувчи шикоятга асосан жиноят ишини қўзғатиш институтлари моҳияти жиҳатдан хорижий мамлакатлар қонунчилигида кенг қўлланиладиган хусусий айблов ва хусусий-оммавий айблов шакллари ва шикоятнинг хусусиятларини ўзида мужассам этади.

Амалдаги процессуал қонунчилигимизда 12 та жиноят таркиблари бўйича жиноят ишини қўзғатиш хусусий айблов иснтитути тартибига кўра, яъни жабрланувчининг шикоятга асосан қўзғатилади. Жумладан, ЖКнинг 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 118-моддасининг биринчи қисмида, 119-моддасининг биринчи қисмида, 121-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 141¹-моддасининг биринчи қисмида, 149-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосида қўзғатилади [8, б. 168-168].

ХУЛОСА

Юқоридаги давлатлар тажрибалари асосида жиноят-процессуал қонунчилигимизга хусусий айбловга доир ишлар бўйича жиноий таъқибни бошлаш асослари ва процедурасини, шунингдек, бу тоифадаги ишларни судда кўриб чиқиш, суд муҳокамасида соддалаштирилган тартиб-тамоилларни қўллашга оид қоидаларни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992 йил 8 декабрь. // URL: <https://lex.uz/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 3723-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3735818>
3. Н.В.Малярчук., Самко.А.В. Сравнительно-правовой анализ производства по уголовным делам частного



обвинения.

<http://www.irbis-nbuuv.gov.ua> >

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон фармони // URL:<https://lex.uz/docs/4939467>).

5. Юридик луғат. <https://huquqiportal.uz/dictionary>

6. П.В. Головненков. Уголовное уложение Федеративной Республики Германия.

<https://www.uni-potsdam.de> > projects >

7. М.Ю. Жирова. Сравнительно-правовой анализ института частного обвинения в отдельных западноевропейских государствах. <http://repo.ssau.ru>

8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. // URL: <https://lex.uz/>



АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ

Элмурод Дилмурадович Мухамадалиев

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада айрим хорижий давлатлар қонунчилигида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятининг предметига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, жиноятнинг предметига доир Жиноят ҳуқуқи назариясини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилган.

Калит сўзлари: Божхона, ҳужжатлар, жиноят, жазо, жавобгарлик, жуда кўп, микдор, иқтисодиёт, предмет, хуфёна.

КИРИШ

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда хорижий давлатлар билан иқтисодий муносабатларнинг жадаллашгани натижасида иқтисодиёт соҳасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, контрабанда товарларни олиб кириш каби жиноятлар ҳам учраб турибди. Жиноят кодексининг 182-моддасида назарда тутилган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жинояти иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатларга катта хавф туғдиради.

Давлатимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш уюшган-коррупциялашган, алдаш-ғаразли ва кўпчилик ҳолларда давлатлараро жиноятчиликнинг барқарор белгиларига эга бўлиб, сифат жиҳатидан ривожланиш тенденциясига эга. Ушбу жиноят соҳасидаги жуда катта даромадлар хуфёна иқтисодиёт асосларидан бири бўлиб ҳисобланади. Айнан шу соҳа латентликнинг юқори коэффициентига эга, чунки бунда уюшганлик ва коррупциянинг даражаси юқоридир.

Шулардан келиб чиқиб, айрим хорижий давлатлар қонунчилигида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятининг предметига тўхталиб ўтамиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

МДҲга аъзо аксарият мамлакатларда божхона чегараси орқали ўтказилган ҳар қандай товар, материал ёки



қимматликларни контрабанда предмети сифатида баҳоланади. Жумладан, Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси 206-моддаси 1-қисми, Грузия Республикаси Жиноят кодекси 214-моддаси 1-қисми, Россия Федерацияси Жиноят кодекси 188-моддаси 1-қисми, Молдова Республикаси Жиноят кодекси 248-моддаси 1-қисми, Тожикистон Республикаси Жиноят кодекси 289-моддаси 1-қисми, Украина Жиноят кодекси 201-моддаси 1-қисмига кўра, ҳар қандай товар, қимматликлар ёки бошқа предметларни божхона чегараси орқали ўтказиш контрабанда сифатида квалификация қилинади. Аммо, барча мамлакатларда предметларнинг миқдори аҳамият касб этиб, бундай қилмиш кўп миқдордаги товар, қимматликлар ёки бошқа предметларни ўтказиш орқали содир этилсагина жиноят сифатида баҳоланган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жумладан, Грузия Республикаси Жиноят кодекси 214-моддаси 1-қисмида божхона назоратини айланиб ўтиш орқали ёки ундан яширинча, божхона ҳужжатлари ёки воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларацияга ёлғон маълумотларни киритиш орқали ҳаракатдаги нарсаларни Грузия божхона чегараси орқали кўп миқдорда олиб кириш ёки олиб чиқиш учун, иккинчи қисмда эса, ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда содир этилган қилмиш учун жавобгарлик белгиланган.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, мазкур мамлакатлар Жиноят кодексларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан фарқли равишда тегишли модда баёнидан сўнг, “кўп миқдор”, “жуда кўп миқдор” тушунчаларига изоҳ берилган. Жумладан, Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси 206-моддаси баёнидан сўнг келтирилган изоҳга кўра, “мазкур моддада келтирилган контрабанда предметларини “кўп миқдорда” ўтказиш деганда, 4 000 манатдан кўп бўлган миқдор назарда тутилган”.

Грузия Республикаси Жиноят кодекси 214-моддасидан сўнг келтирилган изоҳда “мазкур моддада келтирилган кўп миқдор деганда, 15 000 лардан ортиқ сумма, жуда кўп миқдор деганда, эса 25 000 лардан ортиқ суммадаги нарсалар назарда тутилган”. Украина Жиноят кодексига кўра, контрабанда товарларида кўп миқдор деганда, фуқароларнинг энг кам миқдордаги даромад солиғидан 1000 ва ундан ортиқ баравари суммадаги миқдор тушунилади.

Арманистон Республикаси Жиноят кодекси 215-моддаси 1-қисми диспозициясида “Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб

ёхуд божхона ёки бошқа ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб мазкур модданинг 2-қисмида назарда тутилган товарлар ва бошқа қимматликлардан ташқари товарлар, маданий ёдгорликлар ёки бошқа қимматликларни Арманистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш”, деб қайд этилган. Яъни, Арманистон Республикасида қилмишни контрабанда сифатида квалификация қилиш учун божхона чегараси орқали ўтказилган товарлар ва бошқа қимматликларнинг миқдори аҳамиятга эга эмас.

Туркменистон ва Беларусь Республикаси Жиноят кодексларида эса, “божхона чегарасидан ўтказиш чекланган ёки тақиқланган” ёхуд “божхона чегараси орқали ўтказишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган” товарлар ёки қимматликлар контрабанда предмети сифатида қаралади. Жумладан, Беларусь Республикаси Жиноят кодекси 228-моддаси 1-қисми диспозициясида “Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ёки бошқа ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки ишончсиз эканлиги аён бўлган декларациядан фойдаланиб мазкур модданинг 2-қисмида назарда тутилган товарлар ва бошқа қимматликлардан ташқари божхона чегарасидан ўтказиш тақиқланган ёки чекланган товарлар ва бошқа қимматликларни Беларусь Республикасининг божхона чегарасидан кўп миқдорда ўтказиш”, деб белгиланган. Туркменистон Республикаси Жиноят кодекси 254-моддаси 1-қисми диспозициясида эса, “Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки ишончсиз декларациядан фойдаланиб ушбу модданинг 2-, 3-қисмида кўрсатилганлардан ташқари Туркменистон божхона чегараси орқали ўтказишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган товарлар ёки бошқа предметларни божхона чегараси орқали кўп миқдорда ўтказиш”, деб қайд этилган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам ҳар қандай товар ёки қимматликлар контрабанда предмети ҳисобланмайди. Қозоғистон Жиноят кодексида бошқа давлатлар Жиноят кодексларида назарда тутилмаган битта жиҳат мавжуд. Кодекснинг 209-моддасида “иқтисодий контрабанда”, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки ишончсиз декларациядан фойдаланиб Қозоғистон



Республикаси Жиноят кодексининг 250-моддасида кўрсатилган товарлар ёки бошқа предметлардан ташқари божхона чегараси орқали ўтказишнинг махсус қоидалари белгиланганлиги туфайли божхона чегарасидан ўтказиш чекланган ёки тақиқланган товарлар, нарсалар ёки қимматликларни божхона иттифоқи чегараси орқали кўп миқдорда ўтказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундан кўринадики, иқтисодий контрабанда предмети “божхона чегараси орқали ўтказишнинг махсус қоидалари белгиланганлиги туфайли божхона чегарасидан ўтказиш чекланган ёки тақиқланган товарлар, нарсалар ёки қимматликлар” ҳисобланади.

Озарбайжон Республикаси божхона чегарасидан белгиланган тартибга мувофиқ ўтказиладиган маданий, тарихий ва археологик қимматга эга бўлган предметлар контрабанда предмети сифатида белгилаб қўйилган. Бугунги кунда бундай предметларни божхона чегараси орқали қонунга хилоф равишда ўтказиш Ўзбекистон Республикасида Жиноят кодексининг 182-моддаси (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) билан жиноий жавобгарликка тортилади. Бизнингча, стратегик аҳамиятга эга бўлган хом-ашёлар ҳамда маданий, тарихий ва археологик қимматга эга бўлган предметларни божхона чегараси орқали қонунга хилоф равишда ўтказиш учун ҳам Ўзбекистон Жиноят кодекси орқали алоҳида жавобгарлик назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

МДҲга аъзо мамлакатлар ЖКларида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган нормалар қиёсий ўрганилганда, мазкур жиноят объектив томондан қуйидаги ҳаракатлар орқали содир этилади:

предметни божхона назоратини четлаб (Грузияда айланиб ўтиш орқали) божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни божхона назоратидан яшириб божхона чегарасидан ўтказиш;

предметини божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни декларациясиз ёки ишончсиз (Беларусь Республикасида ишончсиз эканлиги аён бўлган) декларациядан фойдаланиб божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни декларацияга ёлғон маълумотларни киритиш орқали божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни божхона чегараси орқали олиб кириш қоидаларини бузиб божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни божхона чегараси орқали олиб чиқиш қоидаларини бузиб божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни яшириб ўтказиш учун махсус тайёрланган ёки сақлаш учун мослаштирилган яширин йўллар орқали божхона чегарасидан ўтказиш;

предметни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш.

Ўзбекистон Республика Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига кўра, товарларни божхона назоратини четлаб ўтказиш уларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларидан ташқари ёки божхона назорати ўтказиш вақтидан ташқари олиб кириш ёки мазкур ҳудуддан олиб чиқишдан иборат ҳар қандай қасддан содир этилган ҳаракатда ифодаланади.

Агар товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш билан боғлиқ тарзда содир этилса, шахсининг бундай ҳаракатлари ЖК 182 ва 223-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ, божхона чегарасидан олиб ўтиш товарлар ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усулда, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувур транспортдан ҳамда электр узатиш линияларидан фойдаланиш йўли билан божхона ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳаракатларини амалга оширишни англатади.

Р.Кабуловнинг фикрича, товарларни олиб ўтиш (ёки бошқа тарзда кўчириш) назоратсиз ёки назоратдан яшириб ўтиш махсус тайёрланган нарса яширадиган ҳамёнлар, жойларда божхона чегарасидан бойликларни яшириб олиб ўтаётганда, шунингдек ушбу мақсадларда махсус мослашган идишлар ёки транспорт воситаларидаги пана жойлар, багажлар, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари (масалан, икки қават таглиги бўлган жамадон ёки консерва банкасида фойдаланиш, кийимда бўшлиқ ёки нарса яширадиган жойларни қолдириш ва ҳоказолар)да намоён бўлади.

Шуни эътироф этиш лозимки, божхона назорати деганда, қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мажмуи тушунилади.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш предмети божхона назоратини четлаган ҳолда ўтказиш деганда, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш буюмларининг уларни ўтказиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларнинг божхона органи ходимлари текширувисиз, ёки божхона идоралари белгилаган жойлардан ўзга жойдан, ё бўлмаса божхона назоратини амалга ошириш вақтидан бошқа вақтда ўтказилиши тушунилади.

ХУЛОСА

Хулоса қиладиган бўлса, божхона чегасидан ўтказиладиган товарлар ва бошқа предметларни уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда 3 туркумга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- 1) Жиноят кодексининг 246-моддасида назарда тутилган предметлар.
- 2) эркин фуқаролик муомаласида бўлган товарлар ва бошқа қимматликлар.
- 3) эркин фуқаролик муомаласидан чиқарилган ёки эркин фуқаролик муомаласида бўлиши чекланган, яъни эркин фуқаролик муомаласида бўлмаган, лекин Жиноят кодексининг 246-моддасида назарда тутилмаган товарлар. Жиноят кодексига киритилиши таклиф қилинаётган 182¹-модда билан квалификация қилинади.

REFERENCES

1. Уголовный кодекс Республики Азербайджан, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Молдова, Тожикистон, Туркменистон, Украина. [Электронний ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
2. Уголовный кодекс Республики Азербайджан, Арманистон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркменистон, Украина. [Электронний ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
3. Уголовный кодекс Республики Азербайджан, Армения, Беларусь, Казахстан, Российской Федерации, Молдова, Таджикистон, Туркменистон. [Электронний ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
4. Уголовный кодекс Республики Азербайджан, Беларусь, Казахстан, Российской Федерации, Молдова, Тожикистан, Туркменистан. [электронний ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.



5. Уголовный кодекс Республики Грузия. [Электронный ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
6. Уголовный кодекс Республики Грузия. [Электронный ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
7. Уголовный кодекс Республики Грузия. [Электронный ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
8. Уголовный кодекс Республики Молдова. [Электронный ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
9. ¹Уголовный кодекс. Украины. [Электронный ресурс] режим доступа: <http://legislationline.org/ru/legislation/php?tid=1&lid=7028>.
10. Ўзбекистон Республика Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. З.Х.Ғуломов, Р.А.Зуфаров, Р.К.Кабулов, М.М.Қодиров ва бошқ. – Тошкент: Адолат, 1997. – 232-233-бетлар



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ –ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА СОЯ НАВЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ферузбек Куранбоев
Абдурауф Долимов

Мирзо улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада соя навларининг такрорий экин сифатида Хоразм вилояти тупроқ – иқлим шароитларида ҳосилдорликни таъминловчи қимматли хўжалик белгиларининг айрим кўрсаткичлари статистик таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: соя, дуккак вазни, дуккак сони, дон сони.

ABSTRACT

The article presents results of statistical analyzes of some yield-related economic valuable traits of soybean varieties used as a second crop planted in the soil - climatic conditions of the Khorezm region.

Keywords: shade, bean weight, bean number, grain number.

КИРИШ

Дунёда инсонлар томонидан истемол қилинадиган озиқ овқат маҳсулотларининг оқсил, углеводлар, витаминлар ва минерал моддаларга бой бўлиши жуда муҳим саналади. Кўпгина олиб борилган илмий изланишларда инсон истеъмол қиладиган озиқ - овқат маҳсулоти таркибининг озуқавийлик каллорияси 12 % ёки 90-100 г тенг бўлган оқсил ташкил этиш керак. Шундай оқсилга бой экинлардан бири соя ўсимлиги ҳисобланади [1]. Соя ўсилигининг озуқавий қиймати юқорилиги учун бутун дунёда қишлоқ хўжалик экинлари орасида муҳим экин ҳисобланади [2]. Соя ўсимлигининг генетик потенциални доимий ўсиши ўсимлик маҳсулотига асосланган оқсил ва мойга бўлган талабларни қондириш учун жуда муҳимдир, чунки киши жон бошига соя маҳсулотлари истеомоли 2029 йилга келиб 17 % га ошади [3]. Дунёда соя етиштириш бўйича замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали тупроқ - иқлим шароитларига (юқори ҳарорат, сув танқислиги) мослашишга қаратилган селекция ишлари натижасида бу экиннинг майдони ва ҳосилдорлиги йилдан йилга кенгайиб



бормоқда. Сўнги 60 йил ичида дунё бўйлаб соя ўсимлиги ҳосилдорлиги аста секин ўсиб борди. Бу вақт ичида дунё бўйлаб соя ҳосилдорлиги ўртача 1128 кг/га дан 2769 кг/га гача ошди. Ҳосилдорликни оширишда соя навларининг генетик томондан яхшилангани сабаб бўлди. Чунки замонавий навлар эски навларга қараганда кўпроқ ҳосил беради [4].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўтказилган тажрибаларда кичик майдонларга экилган соя ўсимлиги ҳосилдорлиги (12,777 кг/га) анча юқори ҳосилдорлик қайд этилган бўлсада, катта майдонларда суғоришдан фойдаланган ҳолда оптимал шароитларда етиштирилганда камдан кам ҳолларда 6,725 кг/га дан ҳосил олишган [5, 6].

Соянинг миқдорий белгиларини ўзгарувчанлик қонуниятларини аниқлаш ҳосилдорликка боғлиқ бўлган экологик барқарор белгиларни ўрнатишда, селекциянинг дастлабки босқичларида қимматли генотипларни аниқлаш самарадорлигини оширишга, гибридологик таҳлилларга асослан ва морфологик белгиларни ҳосилдорлик билан боғлиқлигини аниқлашга, навлар учун бошланғич материалларни баҳолаш усуллари такомиллаштиришга ёрдам беради.

Тадқиқотларимизни Ҳоразм вилояти Урганч туманида такрорий экилган соя навларида олиб борилди. Тадқиқот объекти сифатида Россия селекцияга мансуб Селекта-302, Спарта, Дуар ва маҳаллий соя навларидан Тўмарис ва Устоз навларидан фойдаланилди. Тадқиқот манбаи сифатида ҳосилдорликни таъминловчи қимматли хўжалик белгилари ўрганилди. Таҳлил натижаларида туп хисобидаги дуккаклар сони таҳлил қилинганда энг юқори натижа Тўмарис навида кузатилиб бир тупдаги умумий дуккаклар сони $42,7 \pm 2,9$ донани ташкил этди. Кейинги натижани Устоз нави қайд этиб $41,0 \pm 1,7$ донани ва Тўмарис навидан дуккаклар сони бўйича 3,9 % га паст эканлиги аниқланди.

1-жадвал.

Навларнинг дуккаклар сони, дона

Навлар	$X \pm S_x$	Limit	σ	V%
Спарта	$39,7 \pm 4,26$	37-48	7,37	15,5
Дуар	$38,7 \pm 2,19$	36-43	3,79	9,8
Селекта -302	$39,0 \pm 1,53$	37-42	2,65	6,8
Устоз	$41,0 \pm 1,73$	38-44	3	7,3
Тўмарис	$42,7 \pm 2,91$	38-48	5,03	11,8



Спарта ва Слекта - 302 навида дуккаклар сони нисбатан сезиларли фарқ йўқлиги аниқланиб $39,7 \pm 4,2$ ва $39,0 \pm 1,53$ донани ташкил этганлиги аниқланди.

Соя навларининг умумий ўртача дукаклар вазни тахлил қилинганда энг юқори натижа Тўмарис навида кузатилиб дуккаклар вазни $24,3 \pm 1,82$ г эканлиги қайид этилди. Устоз навида дуккаклар вазни Тўмарис навидан 4,1 % паст эканлиги ва умумий дуккаклар вазни $23,3 \pm 1,62$ г, Селекта – 302, Спарта ва Дуар навларида 22 г дан $22,6$ г оралиғида ўзгариб турганлиги билан фарқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Навларнинг бир ўсимликдаги дуккаклар вазни, г.

Навлар	$X \pm S_x$	Limit	σ	V%
Спарта	$22,6 \pm 3,11$	17-28	5,39	23.9
Дуар	$22,0 \pm 2,06$	19-26	3,57	16.2
Селекта -302	$22,2 \pm 1,5$	19-24	2,72	12.3
Устоз	$23,3 \pm 1,62$	20-25	2,8	12.0
Тўмарис	$24,3 \pm 1,82$	21-27	3,16	13.0

Яна бир кўрсаткичлардан бири ўсимликдаги дон сони бўйича энг юқори натижа Устоз навида ва энг паст натижа Дуар навида кузатилди. Устоз навининг дон сони $82,6 \pm 6,36$ донани ташкил этди. Ушбу навнинг дон сонини кўп миқдорда бўлиши дуккаклар сонига боғлиқ ошганлиги билан изохлаш


3-жадвал

Навларнинг бир ўсимликдаги дон сони, дона.

Навлар	$X \pm S_x$	Limit	σ	V%
Спарта	$74,7 \pm 5,33$	64-81	9,23	12,3
Дуар	$66,7 \pm 6,13$	54-74	10,61	15,9
Селекта -302	$73,5 \pm 3,94$	68-81	6,83	9,3
Устоз	$82,6 \pm 6,36$	74-95	11,02	13,3
Тўмарис	$80,2 \pm 3,93$	74-87	6,8	8,5

мумкин. Устоз навининг дон сонини қайтариқлар бўйича 74 донадан 95 донагача борлиги, бир дуккакда биттадан учтагача донлар борлиги ҳисобига ўзгариб турганлиги қайид этилди. Устоз навининг дуккаклар сони ва вазни бўйича Тўмарис навидан сезиларсиз фарқ билан паст натижа кузатилган бўлса ҳам аммо дуккакдаги донларнинг кўплиги билан нисбатан сезиларсиз юқори натижа кўрсатди. Тўмарис навида донлар сони $80,2 \pm 3,93$ дона ва Устоз навидан 2,9 % га паст натижа кўрсатганлиги кузатилди. Спарта ва Селекта -302 навларининг бир ўсимликдаги донлар сони $74,7 \pm 5,33$ ва $73,5 \pm 3,94$ донани ташкил этган бўлса, юқори

натижа кўрсатган Тўмарис навидан 9,56 ва 11,1 % га паст натижани қайд этди. Дуар навида энг паст натижа кузатилиб, бир ўсимликда дон сони бўйича $66,7 \pm 6,13$ донани ташкил этди.



1-Расм. Навларнинг қимматли хўжалик кўрсаткичлари.

Умуман навларнинг бир ўсимликдаги донлар сони асосан дуккаклар сони ва унда жойлашган дон сонининг миқдори билан ифодаланилади. 1-расмдаги таҳлилиларда ҳосилдорликни таъминловчи бир ўсимликдаги дон сони, дуккаклар сони ва дуккаклар вазни бир брига боғлиқ равишда ошиб борганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

Навларнинг умумий ўртача бир ўсимликдаги дон сони, дукаклар сони ва дуккаклар вазни таҳлил қилинганда дуккаклар сони юқори бўлган навларда дон сони ва дуккаклар вазни ҳам ортганлиги аниқланди. Таҳлил натижаларида Устоз ва Тўмарис навлари хўжалик учун аҳамиятли бўлган ҳосилдорликни таъминловчи кўрсаткичлари қолган навларга нисбатан юқорилиги аниқланди.

REFERENCES

1. Caroline B., Damien B., Sara H., Wayne I. How Healthy Are Non-Traditional Dietary Proteins? The Effect of Diverse Protein Foods on Biomarkers of Human Health. *Foods*, 2022. V 11., P.-522.
2. Kim Y. H., Hwang S. J., Waqas M., Khan A. L., Lee J. H., Lee J. D. Comparative analysis of endogenous hormones level in two soybean (*Glycine max* L.) lines differing in waterlogging tolerance. *Front. Plant Sci.* 2015. V.6., P.-714.

3. OECD and Food and Agriculture Organization of the United Nations, 2020.
4. Rincker, K., Nelson, R., Specht, J., Sleper, D., Cary, T., Cianzio, S. R. Genetic Improvement of U.S. Soybean in Maturity Groups II, III, and IV. *Crop Sci.* 2014. V. 54, P. 1419–1432.
5. Van Roekel R. J., Purcell L. C., and Salmerón, M. Physiological and management factors contributing to soybean potential yield. *Field Crops Res.* 2015. V. 182, P. - 86–97.
6. Winsor, S. Record-Setting soybeans: what CCAs should know. *Crops Soils.* 2021. V. 54, P. - 11–17.



O'QUVCHILARNING XALQ CHOLG'ULARIGA BO'LGAN QADRIYATLI MUNOSABATINI TARBIYALASH

Fayoz Samiyevich Azizov

Qarshi davlat universiteti, Cholg'u ijrochiligi va vokal san'ati kafedrasini mudiri

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o'quvchilarni musiqa san'atiga va tavsiya qilingan xalq cholg'usiga bo'lgan qadriyatli munosabatini tarbiyalash masalalari yoritib berilgan. Maqola o'zbek va chet el adabiyotlaridan olingan ilmiy manbalar bilan boyitilgan.

Tayanch so'zlar: qadriyat, munosabat, tarbiya, san'at, estetik tarbiya, madaniyat, go'zallik, mukammallik, qalb zavqi, hissiy munosabat, tuyg'u.

ABSTRACT

This article discusses the issues of educating a value attitude to musical art and the recommended folk instrument. The article is filled with scientific sources taken from Uzbek and foreign literature.

Keywords: value, attitude, education, art, aesthetic education, culture, beauty, perfection, joy of the heart, emotional attitude, feeling.

KIRISH

Ilmiy-uslubiy jihatdan musiqa san'atiga qadriyat munosabatini tarbiyalash muammosi yetarlicha o'rganilmagan. San'at sohasidagi ta'lim standarti o'quvchidan shakllangan qadriyatlar tizimiga ega bo'lishini, shu jumladan musiqa san'ati sohasida ham talab qiladi. Shuning uchun estetik qadriyatlar tizimini yaratish uchun boshlang'ich maktab yoshidayoq poydevor qo'yish kerak. Bu madaniy merosning "oltin fondi"ni tashkil etuvchi mumtoz (klassik), ya'ni maqomlar va ular asosida yaratilgan musiqa asarlari, hamda jahon musiqa madaniyatiga mansub musiqa asarlarini o'zbek milliy musiqa cholg'ularida ijro etishni o'rganishga asoslangan.

Qadriyatlar masalasi birinchi bor Suqrot tomonidan ko'tarilgan, u uni o'z falsafasining markaziy nuqtasiga aylantirdi va uni nima yaxshi degan savol sifatida shakllantirdi. Gumanistik ta'lim paradigmasiga o'tish amalga oshirilmoqda-ki, uning eng muhim tarkibiy qismi o'rganilayotgan voqelikka qadriyatli munosabat bo'lib, shaxsning rivojlanishiga hissa qo'shadi. Biroq, jamiyat taraqqiyotining hozirgi bosqichida hayotiy qadriyatlarning yo'qolib borishi, san'at turlarining estetik ahamiyati qadrsizlanishi



muammosi sezilarli darajada ko‘zga tashlanmoqda. Ushbu muammoni faqat o‘quvchilarda hayotiy qadriyatlar hamda san‘atga nisbatan qadriyatli munosabatni tarbiyalash orqali yengib o‘tish mumkin.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Qadimgi va o‘rta asrlar falsafasida qadriyatlar borliqning o‘zi bilan belgilanadi. Qadimgi va o‘rta asr faylasuflari Platon (Geraklit, Demokrit, Suqrot, Forobiy) qadriyatli munaosabatlarning o‘lchov elementlarini mo‘tadillik va o‘z vaqtidalik, go‘zallik, mukammallik, aql, tushunish, qalb zavqidir deb ko‘rsatadi. Keyinchalik Aristotel qadriyatlarni shaxsiy “ichki qadriyatlar” (inson, baxt, adolat)ga ajratadi. O‘rta asr qadriyatlari birinchi navbatda diniy, ilohiy xususiyatga ega edi. O‘rta asr ongiga e‘tiqod, umid, sevgi kabi ma‘naviy qadriyatlar yoki ilohiy fazilatlarni ham e‘tirof etish xarakterlidir.

Uyg‘onish davrida insonning fuqarolik huquqlari, farovonligi, insonparvarlik kabi tushunchalari qadriyatning birinchi qatorida ta‘kidlangan. O‘z navbatida insonning irodasi, erkinligi, ichki faoliyati qadriyat sifatida qaraladi. Qadriyat tushunchasini birinchi bo‘lib nemis faylasufi I.Kant (1724-1804yy.) so‘zning tor ma‘nosida qo‘llagan, u qadriyatlarni tabiati va maqsadlariga ko‘ra mutlaq va nisbiyga ajratgan. “Mavjudligi bizning irodamizga emas, balki tabiatga bog‘liq bo‘lgan narsalar, agar ular aql bilan ta‘minlanmagan bo‘lsa, ular vosita sifatida faqat nisbiy qiymatga ega va shuning uchun narsalar deb ataladi ... ”[5,269 b]. Maqsadlar sub‘ektiv yoki ob‘ektiv bo‘lishi mumkin. Shunday qilib, bizning irodamizdan mustaqil ravishda mavjud bo‘lgan va aql bilan ta‘minlanmagan narsalar ob‘ektiv maqsadlarga ega emas. Ular faqat bizning sub‘ektiv maqsadlarimiz bilan bog‘liq. Shuning uchun ular nisbiy qadriyatlardir. [5, o‘sha erda]. Kant inson mavjudligining mutlaq qiymatining sharti sifatida “.. yaxshi iroda-istak, qobiliyat erkinligi”[5,269b] bilan belgilaydi. U mukammal go‘zallikni, estetik did va qadr-qimmat kabi estetik qadriyatlarni ajratib ko‘rsatdi. “Qobiliyatning tanqidiy tahlili” kitobida (1790y.) faylasuf qadriyat haqida quyidagicha fikr bildiradi: “...agar dunyo jonsiz narsalardan iborat bo‘lsa, yoki qisman tirik mavjudodlardan iborat bo‘lib, lekin aqlli mavjudotlardan mahrum bo‘lsa, unda bunday dunyoning mavjudligi hech qanday qiymatga ega bo‘lmaydi” [4, 485b].

XX-asrning 20-yillarida musiqachi-pedagoglar musiqiy san‘at va bolaning hayotiy tajribasi o‘rtasida bog‘liqlik zarurligini tushundilar. B.V.Asafev o‘z davrining ilg‘or qarashlari, yo‘nalishlari, zamonaviy musiqachilarning bayonotlarini umumlashtirib,

ularning individual va ommaviy musiqa san'ati sohasidagi ajoyib yutuqlarini tahlil qilib, hayotiy tajribani to'ldirishda musiqa idrokining ahamiyati to'g'risida o'z fikrlarini bayon etdi [6,186b].

Zamonaviy fan inson tomonidan qadriyatlarni o'zlashtirishning quyidagi darajalarini aniqladi. Bu ta'riflarni qiyoslash "musiqiy san'at asarlariga, xalq cholg'ulariga qadriyat munosabati" tushunchasining quyidagi ta'rifini ilgari surishga imkon beradi. Bu konsepsiya musiqa san'ati shaxs uchun estetik ahamiyatga ega bo'lgan munosabatni, musiqa san'atiga ongli ehtiyojning mavjudligini va unga amaliy qiziqishni anglatadi.

Yuqorida aytib o'tganimizdek, musiqa san'ati asarlari hamda xalq cholg'ulariga qadriyatli munosabatni tarbiyalash jarayoniga ko'plab omillar ta'sir qiladi, jumladan bolaning hayotiy tajribasi va o'qituvchi tomonidan tashkil etilgan muvaffaqiyatli dars mashg'ulotlari holatini aktuallashtirish. O'quvchilarni musiqa san'ati (asarlariga) va tavsiya qilingan xalq cholg'usiga bo'lgan qadriyatli munosabatda tarbiyalash uchun ko'proq imkoniyatlar ochadigan texnologiyalarni yaratish zarur. Bunday texnologiyani ishlab chiqish uchun bu imkoniyatlar musiqa san'ati (ta'limi)ning zamonaviy metodologiyasi, nazariyasi va metodologiyasida qay darajada talab mavjudligi aniqlanishi kerak. Bundan tashqari bolalarning umumiy ommaviy musiqa san'ati (ta'limi)ning mahalliy tizimini tahlil qilish nazarga tutiladi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

O'quvchilarining musiqa san'atiga va tavsiya qilingan xalq cholg'usiga bo'lgan qadriyatli munosabatini (musiqa asarlariga bo'lgan qadr-qimmatini) tarbiyalash darajalarining asosiy ko'rsatkichlari sifatida quyidagilarni ko'rsatish mumkin: musiqiy tajribalardan xabardorlik, xalq cholg'ularini bilish, bolaning musiqiy hodisalarni adekvat aks ettirishga tayyorligi, ehtiyoj va qiziqishning amaliy namoyon bo'lishi, musiqa san'ati bilan aloqasi.

Aynan maktab yoshida o'quvchilarda dunyoga, milliy musiqa asarlariga, musiqa san'atiga, xalq cholg'ulariga qadriyatli munosabat asoslari yaratiladi. Ta'limning gumanitar strategiyasi o'sib kelayotgan zamonaviy avlodni tarbiyalashning ustuvor uslubiy yondashuvlaridan biri hisoblanadi. Jahon ta'lim makonining aksiologizatsiyasi mavjud bo'lib, bu o'zbek milliy musiqa san'ati (ta'limi)ni modernizatsiya qilishning qiymat ustuvorligini aniqlash zarurligiga olib keladi.

Musiqa san'ati (asari, xalq cholg'ulariga)ga qadriyatli munosabatni shakllantirishning *hissiy, kongitiv, xulq-atvor*



jihatlari mavjud. Keling, ushbu jihatlarning mohiyatini bizni qiziqtirgan muammo-o'quvchilarda musiqa asarlariga qadriyatli munosabatni rivojlantirish nuqtai nazaridan ko'rib chiqaylik. Musiqiy san'at (asarlari)ga, tavsiya qilingan xalq cholg'usiga qadriyat munosabatining subyektivi o'quvchi bo'lib, bunda musiqa san'ati ob'ekt vazifasini bajaradi.

Hissiy jihat-bu tashkiliy, rahbarlik qiluvchi komponent, qadriyat jarayonining o'zagi, u qadriyatlarni shakllantirishda hal qiluvchi ijodiy rolga ega bo'lib, bolaning o'tmish tajribasi bilan belgilanadi. Idrok etish jarayonida musiqa tasvirining tajribasi va mavjudligi, musiqiy asarni idrok etish vaqtida ilgari olingan musiqiy va estetik tajribalar, shaxsiy muhim hayotiy vaziyatlar qanchalik dolzarb bo'lganiga bog'liq. Hissiy jihat musiqaga hissiy munosabat sifatida tushuniladi, ya'ni to'g'ridan-to'g'ri va bilvosita hissiy reaksiyalarning idrok etilgan musiqiy tasvir mazmuniga muvofiqligi darajasi, idrok etilayotgan musiqaga shaxsiy ma'noning yoki munosabatning kiritilishi [8, 192b].

Kognitiv jihatga quyidagilar kiradi: musiqa san'atini idrok etishda to'plangan musiqiy va nazariy bilimlarni yangilash; bolaning hayotiy tajribasida idrok etilgan musiqiy cholg'ular, atamalar, nota yozuvlari, musiqiy tasvirlar bilan (assotsiativ) aloqalarning mavjudligi; musiqaga qiziqishning mavjudligi, musiqa san'atiga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lishni ongli ravishda tushunish. Bolaning pedologiyasi va kognitiv rivojlanishiga oid asarlar muallifi L.S.Vigotskiy (1896-1934yy.) ta'rifiga ko'ra, badiiy his-tuyg'ular, "kognitiv va hissiy tamoyillarning sintezi zarur bo'lgan darajada his-tuyg'ularni anglatadi" [2, 21-27b].

Xulq-atvor jihati: O'quvchilarining musiqa san'atiga (asariga) va tavsiya qilingan xalq cholg'usiga bo'lgan qadriyatli munosabatini tarbiyalashning xulq-atvor jihati musiqa cholg'usini avaylab, ehtiyot qilish, musiqa asarini idrok etish jarayonida bolaning xatti-harakatlaridagi reaksiyalari bilan belgilanadi (ba'zida bu reaksiyalar bo'lmasligi mumkin). Xulq-atvor jihati idrok etilgan musiqaga nisbatan qadriyat munosabatining faktik va samarali namoyon bo'lishi - musiqiy hodisalarni baholash jarayonida shaxsiy pozitsiyani himoya qilish qobiliyati, musiqiy tinglash faoliyatida ishtirok etish istagi, tinglash qobiliyati bilan belgilanadi. O'quvchi musiqa asarini tinglab bastakor va ijrochining (o'z cholg'usida mahoratli ijrosi bilan) san'atiga qanchalik hurmat ko'rsata olishi bilan belgilanadi.

O'quvchilarning musiqa san'atiga qadriyatli munosabati va ongi qadriyatli xulq-atvorining asosidir. Qadriyatli xulq-atvor deganda insonning maqsadli harakatlari, ichki tartibga soluvchi ongli munosabati tushuniladi. Bu jihat u yoki bu qadriyatning qay darajada

shaxsning ichki ehtiyojiga, uning barqaror manfaatlariga aylanganligi bilan ham bog'liq.

Zamonaviy fan inson tomonidan qadriyatli munosabatni o'zlashtirishning quyidagi darajalarini aniqladi. Dastlabki bosqichda inson faqat tashqi qadriyatlarni o'zlashtiradi, bu beqaror ijtimoiy munosabatning paydo bo'lishiga olib keladi. Munosabatning qadriyatli yo'nalishi har doim ham shaxsning faoliyatiga aylantirilmaydi, ya'ni u ong bilan aniqlanadi. Aytish mumkinki, qiymat yo'nalishi emas, balki yo'nalish qiymati mavjud. Qadriyatni assimilyatsiya qilishning navbatdagi bosqichi inson tomonidan emotsional darajada idrok qilinadi, qadriyatning ijtimoiy ahamiyati sezilmaydi. Ijtimoiy munosabat beqaror va faollikka aylanmasligi ham mumkin. Shaxsning xulq-atvori uning qadriyat yo'nalishiga mos keladi. Shuni ta'kidlash mumkinki, musiqiy hodisalarni baholashda tinglovchi bir tomondan badiiy asarga baho bersa, ikkinchi tomondan musiqani idrok qiladi. Aynan baho sub'ektning badiiy asar (musiqa san'ati yoki tavsiya qilingan xalq cholg'usi)ga munosabatini shakllantiradi.

Estetik munosabatning rivojlanish darajasi san'atning shaxsda qay darajada o'zlashtirishga ega bo'lganlik qiymati bilan belgilanadi. U uchun san'at qanchalik qimmatli bo'lsa, badiiy asarni idrok etish jarayonida estetik munosabat shunchalik to'liq namoyon bo'ladi. Musiqiy idrok haqida gapirganda, I.P. Lukshinning ta'kidlashicha, u tajriba hissi bilan birga keladi [7,38-53].

Musiqa asarlariga nisbatan sub'ektning bahosi idrok etish qiymati bilan aniqlanadi. Musiqiy san'atning estetik qadriyatlarini tushunish badiiy faoliyatning muayyan usullariga asoslangan bo'lib, murakkab jarayondir. Birinchi bosqichda ob'ekt (musiqa san'ati) ongsiz darajada baholanadi, musiqiy va estetik hodisaga birlamchi emotsional reaksiyalar paydo bo'ladi. Ikkinchi bosqichda musiqiy va estetik qiymatni baholash yanada ongli darajada amalga oshiriladi. Hissiy va estetik tuyg'ularni aqliy, mantiqiy qayta ishlash jarayoni amalga oshiriladi, qabul qiluvchida adekvat idrok shakllanadi, san'atning badiiy va estetik qadriyatlariga qadriyatli munosabat rivojlanadi. Jamiyatda doimiy ravishda ro'y berayotgan qadriyatlarni qayta baholash o'quvchilarning qadriyat yo'nalishlari mazmunini o'zgartirishga olib keladi.

Zamonaviy ta'lim insonparvarlik paradigmasi sharoitida qadriyat yo'nalishlarini izlamoqda, bu qadriyatlarni tubdan qayta baholashga, hayotning yangi ma'nolarining tug'ilishiga olib keladi. Sobiq tarbiya tizimi va qadriyat munosabatini "tugatilgan shaklda" o'tkazish usullari

o'quvchilarni umuminsoniy qadriyatlar bilan samarali tanishtirishga to'sqinlik qiladi.

XULOSA

Xususan musiqa san'ati o'quvchilarining qadriyat yo'nalishlarini shakllantiradi. Shu sababli, o'quv muassasasining madaniy-ma'rifiy makonida madaniy faoliyat jarayonida shaxsning rivojlanayotgan individual madaniyati va jahon ma'naviy madaniyati o'rtasidagi muloqotga asoslangan ta'lim jarayoni modellashtirilishi kerak. O'quvchining musiqa san'atiga va tavsiya qilingan xalq cholg'usiga bo'lgan qadriyatli munosabatini tarbiyalash aynan insonning dunyodagi o'z o'rnini topishda ma'naviy izlanishlarini aks ettiradi, bu insonga hayotning ma'nosini tushunishga yordam beradi, hamda atrofdagi voqelikka qadriyatli munosabatda bo'lish va shaxsiy o'zini o'zi anglashda katta pedagogik ahamiyatga ega.

REFERENCES

1. Асафьев Б.В. Избранные статьи о музыкальном просвещении и образовании, - М.; Л.: Музыка, 1965. 149 с.
2. Будаева Т.Б. Воспитание у школьников ценностного отношения к музыкальному искусству. В Е С Т Н И К Бурятского Государственного Университета 2015/2 ОБРАЗОВАНИЕ. ЛИЧНОСТЬ. ОБЩЕСТВО с.21-27.
3. Кант И. Первое введение в критику способности суждения. 1789—1790 // Кант И. Соч.: в 6 т. М., 1966. Т. 5. С. 99—160.
4. Кант И. Критика способности суждения // Там же. С. 161—513.
5. Кант И. Основы метафизики нравственности. 1785 // Там же. М., 1965. Т. 4 (1). С. 219 — 310.
6. Коростелева Н.И. Воспитание ценностного отношения младших школьников к произведениям музыкального искусства : Дис. ... канд. пед. наук : 13.00.01 : Екатеринбург, 2004 186 с. РГБ ОД, 61:04-13/1349]
7. Лукшин И.П. Социальная типология эстетического вкуса // Восприятие музыки / Ред.- сост. В.Н.Максимов- М.: Музыка, 2008. — С. 38-53.
8. Слостенин В.А., Чижакова Г.И. Введение в педагогическую аксиологию: Учеб. пособие. — М.: Академия, 2003. — 192 с.



YENGIL AVTOMOBILLARGA SIQILGAN GAZGA MOSLASHTIRISH JARAYONIDA YUZGA KELADIGAN KAMCHILIKLARNI BARTARAF ETISH

Maxammadjon Alijon o'g'li Qobulov

Farg'ona politexnika instituti YUTT va E kafedrası assistenti

m.a.qobulov@ferpi.uz

Asrorjon Anvarjon o'g'li Ismadiyrov

Farg'ona politexnika instituti YUTT va E kafedrası assistenti

a.a.ismadiyrov@ferpi.uz

Xaydarali Fayzullayev

Farg'ona politexnika instituti YUTT va E kafedrası kata o'qituvchisi

x.fayzullayev@ferpi.uz

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada yengil avtomobillarga siqilgan gazga moslashtirish jarayonida yuzga keladigan kamchiliklarni bartaraf etish bo'yicha ko'rsatmalar hamada yengil avtomobilning yuk ko'taruvchanligini ortirish bo'yicha tajribalar ma'lumotlar keltiriladi.

Kalit so'zlar: avtomobil, kauchik, pnevomatik podsvetka, yuk ko'taruvchanlik, purjina, metan gaz ballon, alternativ yonilg'i

ABSTRACT

This article provides guidelines for troubleshooting compressed gas for passenger cars, as well as experimental information on how to increase the load capacity of a car.

Key words: car, rubber, pneumatic light, load capacity, spring, methane gas cylinder, alternative fuel

KIRISH

Respublikamiz mustaqilligidan so'ng mamlakatimizda avtomobil sanoati paydo bo'ldi va avtomobil parki keskin darajada o'sdi va hozir hamo'sib bormoqda. [2] Avtomobil yonilg'isi sifatida qo'llaniladigan benzin va dizel yonilg'ilariga bo'lgan

talabning o'sishi ularga muqobil yonilg'ilardan foydalanishni taqazo etdi va hozirgi kunda tannarxi jihatidan arzon bo'lgan tabiiy gazlardan avtomobillarning motor yonilg'isi sifatida foydalanish yo'lga qo'yilmoqda. [1]

Shuni ta'kidlashimiz kerakki respublikamizda tabiiy gazning ko'plab zahiralari bor va bu zahiralarda yuqori sifatli tabiiy gazlar bo'lib ulardan avtomobil dvigatellari uchun yonilg'i sifatida foydalanishda ortiqcha gazni qayta ishlash yoki kimyoviy usullarda ishlov berish texnologiyalari qo'llanilmasdan to'g'ridan to'g'ri yonilg'i sifatida foydalanish mumkin. [3]

Bundan tashqari motor yonilg'isi sifatida qo'llaniladigan tabiiy gaz neft mahsulotlaridan ustun turadi. Ulardan foydalanishda dvigatelning yuqori texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlariga erishiladi, chunki tabiiy gaz juda yaxshi antidetansion hossalarga ega, havo bilan aralashma hosil qilishi xususiyati juda yaxshi va havo bilan istalgan nisbatda aralashmalar hosil qilishi mumkin.[4]Gazli dvigatellarda aralashma deyarli to'liq yonadi va ishlatilgan gazlarning zaharliligi ancha past bo'lganligidan atrof-muhit kam zararlanadi. [5]

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Manashunday afzaliklariga qaramay yengil avtomobillarga gaz ballonli uskunlarni o'rnatganimizda yuk ko'taruvchanligi va yukxonaning foydal hajmi ma'lum darjada kamayadi. [6]Misol uchun 100 litr hajimli metan gaz ballon uskunlari bilan 70-75 kgni tashkil qiladi. Bu esa ko'rishimiz mumkinki yengil avtomobil uchun sezilarli og'irlik bo'lib avtomobil saloni yo'lovchilar bilan to'lgan holatda yoki yuk yuklaganda me'yordan ortiqcha 20-30 mm cho'kishiga olib keladi. [7]

Haddan tashqari yuk mashinaga salbiy ta'sir qiladi

1. Yoqilg'i sarfi oshadi - yuk qanchalik og'ir bo'lsa, uni tashish uchun ko'proq energiya kerak bo'ladi;
2. Shinalar va tormoz prokladkalarining tezroq eskirishi;
3. Barcha amortiztor birliklarining yuki ortadi;
4. Mashinaning barqarorligi va boshqarilishi yomonlashmoqda.

Shuning uchun, ortib borayotgan yuk ostida siz ravon haydashingiz kerak, to'satdan tormozlanish va burilishdan qochishingiz kerak. Cho'kishni oldini olish uchun quydagi usullar orqali amortiztor va ko'priklarimizni kuchaytiramiz. [8]

METODOLOGIYA VA NATIJALAR

Amortiztorni mustahkamlash usullari

1. Qattiqroq purjinalarni yoki ko‘proq o‘ramli purjinalarni o‘rnatish.(1-rasm)
Kamchiliklar:

- Qattiqroq purjinalarni sotib olish qimmat.
- Mashinaning balandligini 5 sm dan ortiq oshirish avtomobilni boshqarish uchun salbiy ta’sir qiladi. [9]



1-rasm. Bikriligi yuqori purjinalar

2. Mavjud bo‘lganlar ichiga kichikroq purjinalarni o‘rnatish. Oddiy yuk ostida amortizasiya rejimi o‘zgarmaydi. Bagajning og‘irligi oshganda, qo‘shimcha purjinaga yuklushadi. U yuqori tayanch bilan aloqa qiladi, amortizasiya qattiqroq bo‘ladi hamda mashina cho‘kmaydi.(2-rasm) [10]



2-rasm. Kichikroq purjinalarni o‘rnatish

3. Ko‘priklar sonini ko‘paytiring (ressorli avtomobillar uchun). Amortizasiyani mustahkamlash uchun ko‘pincha bitta qo‘shimcha reszor qo‘yish yetarli bo‘ladi.(3-rasm) [11]



3-rasm Ko'prikka qo'shimcha ressor qo'yish

4. Maxsus rezina ustunlar yordamida qattqlikni oshirish. Bunday elementlar poliuretan yoki oddiy kauchukdan tayyorlanadi. Ular purjina o'rami ichiga qo'yiladi va uning ortiqcha siqilishiga yo'l qo'ymaydi. [12]

Usulning kamchiliklari:

- avtomatik tampon bilan aloqada bo'lgan prujinaning o'ramlariga bosim kuchaydi
- oraliq va bobinlar o'rtasida kir to'planib, prujinani tirnashi va korroziyaga olib kelishi mumkin.
- avtomobil bamfer ko'p tebranadi



4-rasm Maxsus rezina ustun

5. Havo padushkalarini o'rnatish (agar purjinalar amortizatorlardan alohida bo'lsa). Bu pnevmatik padushkani arzon almashtirish mumkin. Bu prujina ichiga o'rnatilgan ichi bo'sh kauchuk balon bo'lib, u bilan birga ishlaydi va yukning bir qismini oladi.(5-rasm) [13]

Kamchiliklari:

- Yuqori yuk ostida silindrlar yorilishi mumkin - bosimni nazorat qilish kerak
- Silindrlarni pompalash (yoki bosimni pasaytirish uchun tushirish) qo'lda amalga oshiriladi



5-rasm Pnevmatik podsvetka

Ta'riflangan usullar avtomobilning yuk ko'tarish qobiliyatini bir necha bor oshirmasligini mumkin. Lekin ushbu chora-tadbirlar yuklarni ko'proq yuklashga yordam beradi hamda biz yo'qatadigan yuk ko'tarish qobilyatin qisman tiklaydi.

REFERENCES

1. Khusanjonov, A. S. O., & Nosirjonov, S. I. O. (2021). Theoretical foundations of the acceleration slip regulation system. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 618-623.
2. Fayzullayev, E. Z., Raxmonov, I. S. O., & Nosirjonov, S. I. O. G. L. (2021). TOG'IQLIM SHAROITINING TRANSPORT XARAKATI XAVFSIZLIGIGA TA'SIRINI O'RGANISH. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 53-56.
3. O'G, T. X. S. S., & O'G'Li, N. S. I. (2021). AVTOMOBILLAR BO 'YLAMA ORALIG 'IDA XAVFSIZ MASOFANI MEYORLASH USLUBI. *Academic research in educational sciences*, 2(11), 1179-1183.
4. Ismadiyrov, A. A., & Sotvoldiyev, O. U. (2021). MODEL OF ASSESSMENT OF FUEL CONSUMPTION IN CAR OPERATION IN CITY CONDITIONS. *Academic research in educational sciences*, 2(11), 1013-1019.
5. Xusanjonov, A., Qobulov, M., & Ismadiyrov, A. (2021). AVTOMOBIL SHO'VQINIGA SABAB BO'LUVCHI MANBALARNI TADQIQ ETISH. *Academic research in educational sciences*, 2(3).
6. Xusanjonov, A., Qobulov, M., & Abdubannopov, A. (2021). AVTOTRANSPORT VOSITALARIDAGI SHO'VQIN SO'NDIRUVCHI MOSLAMALARDA ISHLATILGAN KONSTRUKSIYALAR TAHLILI. *Academic research in educational sciences*, 2(3).
7. Xusanjonov, A., Qobulov, M., & Abdubannopov, A. (2021). AVTOTRANSPORT VOSITALARIDAGI SHO'VQIN SO'NDIRUVCHI MOSLAMALARDA ISHLATILGAN KONSTRUKSIYALAR TAHLILI. *Academic research in educational sciences*, 2(3).

- AND CONTROL SYSTEMS AT ROAD TRANSPORT ENTERPRISES IN UZBEKISTAN. *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 3(03), 39-49
21. Qobulov, M., Ismadiyorov, A., & Fayzullayev, X. (2022). ANALYSIS OF THE BRAKING PROPERTIES OF THE MAN CLA 16.220 FOR SEVERE OPERATING CONDITIONS. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(03), 52-59.
22. Qobulov, M., Ismadiyorov, A., & Fayzullayev, X. (2022). Overcoming the Shortcomings Arising in the Process of Adapting Cars to the Compressed Gas. *Eurasian Research Bulletin*, 6, 109-113.
23. Xujamqulov, S. U., Masodiqov, Q. X., & Abdunazarov, R. X. (2022, March). PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE AUTOMOTIVE INDUSTRY IN UZBEKISTAN. In E Conference Zone (pp. 98-100).
24. Xujamkulov, S., Abdubannopov, A., & Botirov, B. (2021). ZAMONAVIY AVTOMOBILLARDA QO'LLANILADIGAN ACCELERATION SLIP REGULATION TIZIMI TAHLILI. *Scientific progress*, 2(1), 1467-1472.
25. Meliboyev, A., Khujamqulov, S., & Masodiqov, J. (2021). UNIVER CALCULATION-EXPERIMENTAL METHOD OF RESEARCHING THE INDICATORS OF ITS TOXICITY IN ITS MANAGEMENT BY CHANGING THE WORKING CAPACITY OF THE ENGINE USING THE CHARACTERISTICS. *Экономика и социум*, (4-1), 207-210.
26. Qobulov, M., Jaloldinov, G., & Masodiqov, Q. (2021). Existing systems of exploitation of motor vehicles. *Экономика и социум*, (4-1), 303-308.
27. Masodiqov, Q. X., Xujamqulov, S. ., & Masodiqov, J. X. (2022). AVTOMOBIL SHINALARINI ISHLAB CHIQRISH VA ESKIRGAN AVTOMOBIL SHINALARINI UTILIZATSIYA QILISH BO'YICHA EKSPERIMENT O'TKAZISH USULI. *Academic Research in Educational Sciences*, 3(4), 254–259.
28. Abduraxmonov, A. G., Xodjayev, S. M., Otaboyev, N. I., & Abduraximov, A. A. (2022). FORMATION OF PRODUCTS FROM POWDERED POLYMERS BY ROTATIONAL AND BLOWING METHOD. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(03), 41-51.
29. Ikromov, I. A., Abduraximov, A. A., & Fayzullayev, H. (2021). Experience and Prospects for the Development of Car Service in the Field of Car Maintenance. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 11(103), 344-346.
30. Ortikovich, U. A., & Obidjonovich, Z. I. (2021). МАКТАВ ФИЗИКА КУРСИДА О 'ZGARMAS VA O 'ZGARUVCHAN TOKNI O 'RGANISH. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(3), 433-436.
31. Умаров, А. О., Мадрахимов, М. М., Захидов, И. О., & Мирзаева, М. А. (2021). 8-СИНФ ФИЗИКА КУРСИНИНГ “ЭЛЕКТР ҚАРШИЛИГИ” МАВЗУСИГА “С++” ДАСТУРИНИ ҚЎЛЛАБ ЎҚИТИШ. *Academic research in educational sciences*, 2(6), 1129-1134.
32. Umarov, A., & Zohidov, I. (2020). «ELECTRIC CONDUCTIVITY. DEPENDENCE ON CURRENT STRENGTH» TEACHING THE SUBJECT. ACCORDING TO 10th FORM. *Збірник наукових праць ЛОГОΣ*, 7-8.
33. Umarov, A., & Zohidov, I. (2020). TEACHING CHAPTER «ELECTRIC RESISTANCE» 8th-CLASS, PHYSICS COURSE. *Збірник наукових праць ЛОГОΣ*, 110-114.



ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ИДОРАВИЙ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Азиз Рахматович Нурматов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратураси тингловчиси
aziz.nurmatov@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг жиноят ишини тугатиш институти қўллаш давомида шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда тергов бўлинмалари раҳбарларининг идоравий назоратини амалга ошириш хорижий давлатлар ҳуқуқ нормалари билан қиёсий таҳлил этилган. Жиноят ишини тугатиш институтини тадқиқ этган олимларнинг фикрлари келтириб ўтилган. Жиноят ишини тугатиш институтини қўллашдаги мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: айбсизлик презумпцияси, жиноят ишини тугатиш, реабилитация, реабилитация асослари, ярашув, оқлов, айблилик, жавобгарликка тортиш муддати.

ABSTRACT

The article provides a comparative analysis of the legal norms of foreign countries in the application of the institute of criminal procedure legislation to ensure the rights and legitimate interests of individuals and the exercise of departmental control over the heads of investigative units. The opinions of scholars who have studied the Institute for the Elimination of Criminal Cases are quoted. Existing problems in the application of the institute of termination of criminal proceedings were identified, and suggestions and recommendations were made to address them.

Keywords: presumption of innocence, termination of criminal case, rehabilitation, basics of rehabilitation, reconciliation, acquittal, guilt, term of prosecution.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган



муружаатномасида “Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чегараланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган деган саволни ҳам кўндаланг кўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди”, деб таъкидлади. Ҳақиқатдан ҳам, Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан тергов идоралари томонидан айблов ҳулосаси билан юборилган жиноят ишлари бўйича оқлов ҳукми чиқарилаётганлиги ҳам дастлабки тергов устидан назоратни кучайтириш кераклигини, терговда ҳолислик, адолат тамойилларига таянган ҳолда иш юритишда хато-камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда.

Суд ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида судга қадар иш юритишда жиноят ишларини тугатиш институтини тадқиқ қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Чунки мазкур институтни тўғри қўллаш орқали айбсизлик презумпцияси таъминланади, шунингдек қонун ҳужжатларидаги талабларни тўғри қўллаш билан бир қаторда айбсиз шахсларнинг жавобгарликка тортилишининг олди олинади.

Жиноят содир этган шахснинг айбига иқрор бўлиб, суд-тергов органлари билан ҳамкорлик қилишини таъминлаш, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жиноят ишини тугатишда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини кафолатловчи миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган жиноят-процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жиноят ишини тугатиш институти самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар кўп йиллардан буён кўпгина хорижий давлатларнинг, шунингдек мамлакатимизнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, мазкур йўналишда Россиялик олимлардан О.Б.Виноградова (Жиноят ишини реабилитация қилмайдиган асослар бўйича тугатиш), юридик фанлари номзоди К.А.Квишина (Вояга етмаганларига нисбатан жиноят ишини тугатиш ва жиноий жавобгарликка тортишнинг хусусиятлари), Э.С.Сандрукян (Жиноят ишини алоҳида асослар бўйича тугатиш), И.С.Тарасов (Жиноят ишини ва жиноий жавобгарликка тортишни реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича



тугатиш), Н.Ю.Букша (Россия жиноят процессида жиноят ишини тугатиш ва жиноий таъқиб қилиш институтини такомиллаштириш) каби олимлар илмий изланиш олиб боришган.

Республикамизда Д.Камалхўжаев (жиноят-процессуал муносабатларда реабилитация), С.М.Саҳаддинов (Суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш), Ш.Г.Ниёзовлар (Муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муаммолари) номзодлик, К.Мирзажонов (Амнистия ва афв этиш назарияси ва амалиёти), Ш.Бердиев (Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари) ҳамда Б.Б.Муродовлар (Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш) (Ш.Бердиев) докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишган. Ушбу тадқиқотларда жиноят ишини тугатишнинг айрим жиҳатлари (реабилитация, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги, тарафларнинг ярашганлиги ҳамда жиноий жавобгарликдан озод қилиш муаммолари) тадқиқ этилган.

“Жиноят ишини тугатиш” тушунчасига қонун ҳужжатларида алоҳида таъриф бериб ўтилмаган. Бироқ, ҳуқуқшунос олимлар “Жиноят ишини тугатиш” тушунчасига ўзларининг таърифларини бериб ўтишган.

Хусусан, Россиялик олимлардан М.С.Строгич “Жиноят процессида шахс ҳуқуқларининг кафолатлари” номли танланган асарида “жиноят ишини реабилитация қилиш муносабати билан тугатиш бу хатти-ҳаракатлари тўғрисида ўрганилаётган шахсни айбсизлигини кўрсатувчи тўхтам”-деб таъриф берган. Мазкур фикрни қисман қўллаб-қувватлаш мумкин. Чунки олимнинг мазкур фикри Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг 83-моддасида кўрсатиб ўтилган “Реабилитация этиш асослари”га (иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса.) тўлиқ мос келади. Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг 301-моддаси билан қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, бир қатор олимлар жиноят ишини тугатиш тушунчасига ўзининг муносабатини билдирган. Жумладан, Д. Камалходжаеванинг “жиноят ишини тугатиш дастлабки терговни тамомлашнинг бошқа турларидан жиноят ишининг моҳиятан тўлиқ ҳал этилиши ва якуний аҳамият касб этиши билан фарқ қилиши”, А. Б. Кулахметовнинг “жиноят ишини тугатиш деганда, тегишли ваколатларга эга

органларнинг иш юзасидан далилларни тўплаш, тадқиқ этиш, баҳолаш ва у билан боғлиқ бошқа барча ваколатларининг тугатилишига олиб келишини тушуниш лозимлигини қайд этиши”, А. Д. Донценконинг “жиноят ишини тугатишни, биринчи навбатда, иш юзасидан якуний хулоса чиқариш сифатида қабул қилиш лозимлиги”, М.А.Лавновнинг “жиноят ишини тугатиш бир неча ҳуқуқ соҳаларидан ташкил топган институт бўлиб, унинг моҳияти шахс, жамият ва давлат ўртасида юзага келган жиноят-ҳуқуқий ихтилофларни бартараф этишга хизмат қилиши”ни ўзларининг тадқиқотларида баён қилишган.

Ўйлашимизча, ушбу олимлар “жиноят ишини тугатиш” тушунчасига умумий таъриф бериб ўтишганлиги сабабли, ўрганувчида фаолият бўйича тўлиқ тассавур шаклланмайди. Шунингдек, мамлакатимизнинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам жиноят ишини тугатиш институтига таъриф бериб ўтилмаганлиги ҳам мазкур нормаларни қўллашда муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Фикримизча жиноят ишини тугатиш институтига кенгрок таъриф бериш ва изоҳлаш мақсадга мувофиқ ҳамда мазкур тушунчани жиноят процессуал қонун ҳужжатларида ҳуқуқий норма сифатида белгилаб қўйиш лозим деб ўйлаймиз. Чунки, мазкур институт ўз ичига бир қанча ҳуқуқ нормаларини (реабилитация асослари, амнистия, ярашув, айбилик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишини тугатиш в.х.з) ўз ичига қамраб олади.

Жиноят ишини тугатиш институтига Б.Б. Муродов тўлиқрок таъриф бериб ўтган, хусусан, у “Жиноят ишини тугатиш масаласи ишни юритаётган ваколатли мансабдор шахс томонидан ишга тааллуқли барча ҳолатлар тўғрисида етарли далиллар тўплаб, аниқланган фактлар ўз исботини топганидан сўнг ҳал этиладиган масалалар сирасига киради. Масалан, жиноят ишини қўзғатиш уни тугатишдан тубдан фарқ қилади. Яъни ишни қўзғатиш масаласини ҳал қилишда тергов органлари ишнинг ҳолатига ойдинлик киритадиган тўлиқ маълумотларга ҳар доим ҳам эга бўлмайдилар. Ишни тугатишда эса, аксинча, жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсда мавжуд ҳолатни ёритадиган етарли ва ишончли далиллар тўпланган бўлиши шарт”- деб ўзининг муаллифлик таърифини берган. Унинг мазкур муаллифлик фикрларини тўлиқ қўллаб қувватлаш мумкин.

Шу ўринда, судга қадар иш юритиш давомида жиноят ишларини тугатиш институтини қўллашдаги мавжуд муаммолар, йўл қўйилаётган



хато-камчиликлар, уларни бартараф этиш усуллари, нормаларнинг тўғри қўлланилиши ҳамда мазкур институтни қўллашда тергов бўлинмалари раҳбарларининг идоравий назоратига ва мазкур йўналишни такомиллаштириш масалаларига тўхталиб ўтсак.

Судлар томонидан 2017 йил-2021 йиллар давомида жами 3702 нафар шахсларга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган. Жумладан, 2017 йилда 263 нафар, 2018 йилда 867 нафар, 2019 йилда 859 нафар, 2020 йилда 781 нафар, 2021 йилда 932 нафар шахсларга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган.

Шунингдек, 2018 йилда 3290 нафар, 2019 йилда 3080 нафар, 2020 йилда 3434 нафар, 2021 йилда 5930 нафар шахслар суд залидан озод қилинган. Бу эса тергов идоралари томонидан жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида ҳуқуқни қўллаш ҳамда ишни судга қадар юритишда шахснинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга тўсқинлик қилувчи омиллар, бўшлиқлар мавжудлигидан далолат беради.

Натижада, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, оқибатда эса аҳолининг асосли эътирозига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг беғаразлигига бўлган ишончининг пасайишига олиб келмоқда.

Бундан кўринадики, судга қадар иш юритишда тергов идоралари томонидан шахсларга нисбатан айблов эълон қилишда жиноят процессининг қонунийлик, жиноят ишини кўзғатишнинг муқаррарлиги, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ҳақиқатни аниқлаш, айбсизлик презумпцияси каби принципларига таянган ҳолда амалга оширишлари лозим. Шунингдек, судга қадар иш юритишда қарор қабул қилишда тергов идоралари раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш орқали терговнинг холислигини ва тўлиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Амалиётда, аксарият ҳолатларда жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор прокуратура органлари томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг тўлиқ ўтказилмаганлиги натижасида бекор қилинган ҳолатларда, жиноят иши юзасидан тергов камчиликларини бартараф этиш вазифаси яна жиноят иши терговини амалга оширган суриштирувчи ёки терговчига топширилади. Фикримизча, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда процессуал хато ва

камчиликларга йўл қўйган суриштирувчи ёки терговчига жиноят иши терговини топширишни мантиқан хато деб ҳисоблаймиз.

Бундай ҳолатда, терговнинг тўлиқлигини таъминламаган суриштирувчи ва терговчига нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаб, жиноят иши терговини амалга оширишни юқори инстанция терговига олиб бериш тўғрисидаги процессуал нормани жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилиши, суриштирувчи ва терговчиларнинг келгусида суриштирув ва дастлабки терговнинг тўлиқ, холисона ва қонуний амалга оширишларига замин яратади.

Мамлакатимиз жиноят процессуал қонунчилигида “тергов бўлинмалари раҳбарларининг ваколатлари сифатида ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат этиши, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб бориш чораларини кўриши лозимлиги, шунингдек ишларни текшириб кўришга, шунингдек дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб беришга, ишни тергов қилишни бир неча терговчига топширишга, шунингдек терговчи ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки тергов олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақли эканлиги, тергов бўлинмалари раҳбарларининг иш юзасидан кўрсатмалари терговчига ёзма тарзда берилиши ва уларнинг ижро этилиши мажбурий эканлиги” белгилаб қўйилган.

Фикримизча қонун ҳужжатларида тергов бўлинмалари раҳбарларининг ваколатлари етарли даражада таъминланмаганлиги, уларнинг масъулияти ва жавобгарлиги белгиланмаганлиги, терговчилар томонидан жиноят ишини тугатиш институтини қўллашлари давомида ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Чунки, айблов хулосаси билан судларга юборилган жиноят ишлари бўйича 2021 йилда 932 нафар шахсларга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганлигини, 5930 нафар шахслар суд залидан озод қилинганлигини ҳам бунинг яққол мисоли сифатида келтириб ўтишимиз мумкин. Ёки, Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бўлинмалари томонидан 2021 йилда тергов қилинган жиноят ишларидан 3728 таси Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 83-84 моддалари билан тугатилган, бироқ ушбу жиноят ишларидан 394 таси прокуратура органлари томонидан тергов



ҳаракатлари тўлиқ ўтказилмаганлиги сабабли бекор қилинган. Ёхуд, Тошкент вилояти ИИББ Тергов бўлинмалари томонидан 2021 йилда тергов қилинган жиноят ишларидан 386 таси Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 83-84 моддалари билан тугатилган, бироқ ушбу жиноят ишларидан 41 таси прокуратура органлари томонидан тергов ҳаракатлари тўлиқ ўтказилмаганлиги сабабли бекор қилинганлиги ҳам мазкур йўналишдаги ишлар етарли эмаслигидан, идоравий назорат тўғри йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда.

Хорижий давлатлардан Россия, Қозоғистон, Украина, Белорусия, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Эстония, Молдавия, Грузия, Арманистон, Азарбайжон, Полша каби давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги ўрганилганда Россия Федерацияси ва Беларус Республикасининг Жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганганимизда жиноят ишларини тергов қилиш амалиёти устидан Тергов бўлинмалари раҳбарларига судга қадар иш юритишда терговчиларнинг қарорларини бекор қилиш ваколати берилганлиги, шунингдек аксарият давлатларнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида тергов бўлинмаларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ белгиланмаганлиги кўзга ташланди.

Тергов бўлинмалари раҳбарларига судга қадар иш юритишда терговчиларнинг қарорларини бекор қилиши мумкинлиги ҳақидаги норма Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодекси 39-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, тергов органи раҳбарининг процессуал назоратни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган асосий ваколатларидан айримларини келтириб ўтсак, жумладан:

- терговчига ёки бир нечта терговчиларга дастлабки тергов ўтказиш бўйича кўрсатмалар бериш;
- жиноят ишини терговчидан чақириб олиш ва уни бошқа терговчига топшириш;
- жиноят ишини иш юритиш учун қабул қилиш;
- жиноят тўғрисидаги баённома ёки жиноят иши материалларини текшириш;
- терговчининг ноқонуний ёки асоссиз қарорини бекор қилиш;
- бўйсунувчи тергов органи томонидан кўриб чиқиладиган жиноят ишлари бўйича бошқа дастлабки тергов органи раҳбарининг, терговчисининг (суриштирувчисининг) ноқонуний ёки асоссиз қарорларини бекор қилиш;



- процессуал назоратни амалга ошириш бўйича махсус ваколат сифатида тергов органининг раҳбари терговчига тергов йўналишига оид масалалар бўйича кўрсатмалар беришга ҳақли;
- терговчига эҳтиёт чорасини танлаш, узайтириш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида судга илтимоснома киритишга розилик бериш;
- терговчига суд қарори асосида йўл қўйилган бошқа процессуал ҳаракатни амалга ошириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш учун судга розилик бериш;
- тергов органининг қуйи бошлиғининг ноқонуний ёки асосиз қарорларини Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда бекор қилиш;
 - дастлабки тергов муддатини узайтириш;
 - терговчининг жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.

Шунингдек, Беларус Республикасининг Жиноят процессуал кодексининг 35-моддасига асосан тергов бўлинмалари раҳбарларига терговчиларнинг асосиз, қонунга хилоф қабул қилинган қарорларини бекор қилиш, шунингдек, юқори турувчи прокурорга қуйи турувчи прокурнинг ноқонуний ва асосиз қарорларини бекор қилиш тўғрисида асослантилган тақдимнома киритиш ваколати берилган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 59-моддасида тергов бўлинмалари бошлиқларининг ваколатлари сирасига терговчининг ноқонуний ёки асосиз қабул қилинган қарорларини бекор қилиш бўйича прокурорга тақдимнома киритиш ҳуқуқи берилган.

Фикримизча, Россия, Беларус ва Қозоғистонда жиноят процессуал қонунчилигини амалга оширишда тергов органлари раҳбарларининг ваколатларини кенгайтириш, масъулиятини ва жавобгарлигини белгилаш орқали, терговчининг процессуал фаолияти устидан идоравий процессуал назоратни кучайтириш ва бу орқали шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда жиноят-процессуал нормаларни тўғри қўллашни таъминлашга эътибор қаратилган.

Фикримизча, Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида тергов бўлинмалари раҳбарларининг ваколатларини кенгайтириш, судга қадар иш юритиш босқичида терговчи ва суриштирувчиларнинг асосиз ва ноқонуний қабул қилинган қарорларини бекор қилиш ваколатини бериш, ҳамда ҳуқуқий нормаларни тўғри

қўлланилишини таъминлаш бўйича уларнинг масъулиятини ва жавобгарлигини аниқ белгилаш орқали ижобий натижага эришиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб судга қадар иш юритишда жиноят ишини тугатишда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда тергов бўлинмалари раҳбарларининг идоравий назоратини амалга ошириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида “Жиноят ишини тугатиш” тушунчасини атама сифатида киритиш ва таъриф бериш;

Судга қадар иш юритиш ваколати берилган мансабдор шахсларнинг жиноят ишини тугатиш институтини қўллаш бўйича малакасини ошириб бориш ҳамда шакллантириш мақсадида доимий равишда ўқув машғулотлари ташкил этиб бориш;

Терговнинг тўлиқлигини таъминламаган, тергов қилган жиноят иши материаллари юзасидан қабул қилган қарорлари бекор қилинишига сабаб бўлган суриштирувчи ва терговчига нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаб, жиноят иши терговини амалга ошириш юқори инстанция тергови томонидан амалга оширилиши тўғрисидаги процессуал нормани жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиш;

Жиноят процессуал кодексда жиноят ишини тугатиш институтини қўллашда, умуман судга қадар иш юритишда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқлари ва эркинлиги бузилишининг олдини олиш мақсадида Тергов органи раҳбарининг масъулияти ва жавобгарлигини белгиловчи ҳуқуқий норма киритиш;

ХУЛОСА

Хусусан, ЖПК нинг 37-моддаси яъни тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг ваколатлари сирасига қуйидаги ваколатларни киритиш:

“суриштирувчининг, терговчининг ноқонуний ёки асосиз қарорини бекор қилиш;

бўйсунувчи тергов органи томонидан кўриб чиқиладиган жиноят ишлари бўйича бошқа дастлабки тергов органи раҳбарининг, терговчисининг (суриштирувчисининг) ноқонуний ёки асосиз қарорларини бекор қилиш;

жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.”

Жиноят ишини тугатиш институтини тадқиқ этган олимларнинг фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига қуйидаги мазмундаги тушунчани киритиш таклиф этилади:

“Жиноят ишини тугатиш бу - жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли қўзғатилган ёки жиноят ишини қўзғатмасдан туриб шахснинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш имкони бўлмаганлиги сабабли қўзғатилган жиноят ишлари бўйича ваколатли мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд) томонидан судга қадар иш юритиш давомида жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган жиноят ишини тугатишни тақозо қилувчи асосларни қўллаш зарурияти юзага келганда, мазкур асосни қўллаш учун барча ҳолатлар ўз исботини топганига ишонч ҳосил қилиб, етарли далилларга асосланиб жиноят иши юритувини тугатиш тўғрисида процессуал қарор чиқариши билан боғлиқ жараёнدير”.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида сўзлаган нутқидан. Манба: http://el.tfi.uz/images/Mirziyoyev_Sh_7c930.pdf.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган мурожаатномаси. Манба: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди расмий сайти маълумотлари. Манба: <https://stat.sud.uz>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрь кундаги “Суд тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сон Фармони. <https://lex.uz>.
7. Б.Б.Муродов. Жиноят ишини тугатишни такомиллаштириш: Дис.юрид.фан.док. (DSc). Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.
8. disserCat — электронная библиотека диссертаций, Манба: <https://www.dissercat.com>.



9. Строгович М.С. Избранные труды в 3 томах. Т. 2: Гарантии прав личности в уголовном судопроизводстве. Манба: <https://studmed.ru>.
10. Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси ҳисоботлари.
11. Тошкент вилояти ИИББ Тергов бошқармаси ҳисоботлари.
12. Хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал кодекслари. Манба: <https://www.legislationline.org>.
13. Уголовно-Процессуальный Кодекс Российской Федерации, статья-39, Манба: <https://www.legislationline.org>.
14. Уголовно-Процессуальный Кодекс Республика Беларусь, статья-35, Манба: <https://www.legislationline.org>.
15. Уголовно-Процессуальный Кодекс Республика Казахстан, статья-59, Манба: <https://www.legislationline.org>
16. Джалилов Н. Профилактика инспектори маъмурий иш юритиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 12/S. – С. 348-352.
17. Джалилов, Нодирбек. "Профилактика инспектори маъмурий иш юритиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари." Общество и инновации 2.12/S (2021): 348-352.



ТАРИХ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Рисолат Усмоналиева

Сурхондарё вилоят ХТХҚТМОҲМ катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тарих фани ўқитувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришга доир айрим масалалари, жумладан, таълимда компетенциявий ёндашув шароитида ахборотлашган жамиятга ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини ривожлантиришга, ахборот олиш, уни қайта ишлаш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ундовчи медиатаълим имкониятлари ҳақида фикрлар баён этилган.

Таянч сўз ва иборалар: тарих, ўқитувчининг медиакомпетентлиги, компетенциявий ёндашув, ахборотлашган жамият, мустақил фикр, ижодкорлик фаолияти, ахборот, медиатаълим.

ABSTRACT

This article discusses some issues related to the development of media competence of history teachers, including media education opportunities that encourage students to think independently, develop creative activities, receive, process, generalize and draw conclusions in an informed society in a competent approach to education.

Keywords: history, teacher media competence, competency approach, information society, independent thinking, creative activity, information, media education.

КИРИШ

Ҳозирги кунда педагогларга ўзининг самарали фаолиятини ташкил қилишда ўқув, илмий ҳамда маданий-маърифий тадбирларни тўғри режалаштириши ва амалга ошириши, касбий педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб боришда ўзгариб боровчи замонавий талабларга тезкор равишда мослашиб бориш каби талаблар қўйилмоқда.

Таълимда компетенциявий ёндашув орқали ўқувчиларнинг шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётларида учрайдиган вазиятларда эгаллаган турли типдаги малакаларини самарали равишда



қўллашга ўргатиш, таълим муассасасида умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари билан биргаликда, ўз фикрини бошқаларга тушунтира олиш, бошқаларни тинглаб уларни тушуна олиш, баҳсга киришиш, кундалик ҳаётда муваффақиятларга эришиш учун ўқувчи ушбу ахборотларни излаб топиши, таҳлил қилиш, билим, кўникма ва малакалардан кундалик ҳаётларида учрайдиган муаммоларни ҳал этишда фойдалана олишларини шакллантириш зарур[1]. Буларни, албатта, ҳар бир ўқитувчи ўзининг самарадор дарслари орқали амалга оширади. Бу борада, айниқса, таълим-тарбияни медиатаълим орқали амалга оширса, амалий натижа яққол кўзга ташланади. Зеро, педагог кадрларнинг таълим-тарбия жараёнларидаги рақобатбардошлиги унинг илғор таълим технологияларини ўзлаштириш қобилияти, ўзгарувчан ҳамда ошиб бораётган касбий талабларга мослаша олишига боғлиқ.

Дунё ривожланишининг асосий тенденциялари орасида ахборотлашган жамиятга ўтиш муҳим вазифа, яъни жамиятнинг барча жабҳаларида медиавоситаларининг таъсири долзарб муаммо саналади. Шу асосда ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожлантиришда медиакомпетентлик устувор соҳа бўлиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда компетентлиги муаммоси Р.Х.Жўраев, Ш.Э.Қурбонов, Э.А.Сейтхалилов, Ф.Р.Юзликаев, А.Р.Ходжабоев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Қ.Т.Олимов, Н.А.Муслимов, Х.Ф.Рашидов, Ш.С.Шарипов, Ж.А.Хамидов, О.Х.Тўрақулов, Д.О.Химматалиев, О.А.Қуйсинов кабилар томонидан тадқиқ қилинган[2].

Ўзбекистон Республикасида медиатаълим муаммолари С.Бекназарова, Я.Маматова, С.Сулайманова, С.Бабажанов ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ўрганилиб, илмийметодик асослари ишлаб чиқилган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.Федоров, А.Милютина, А.Веряев, В.Протопопова, Е.Никитина, И.Фатеева, Г.Онкович, Л.Зазнобина, Н.Змановская кабилар медиатаълимни ташкил этиш бўйича салмоқли изланишлар олиб борган[3].

С.С.Бабаджонов “Медиакомпетентлик педагогикада умумий тарзда шахснинг турли кўриниш, жанр ва шакллардаги медиаматнни танлаш, фойдаланиш, танқидий таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш ва узатиш, социумда медиафаолиятининг мураккаб

жараёнларини таҳлил қилишга тайёрликда намоён бўладиган интегратив сифати тарзида қаралади” деган фикрни илмий изланишлари давомида келтириб ўтган[2,5-6].

М.М.Вахобовнинг фикрига кўра, ўқувчи-ёшларда медиасаводхонлик, медиамаданият ва медиакомпетентликни ривожлантириш орқали турли ахборот хуружлари, бузғунчи ёт ғоялардан асраш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш таълим тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади[2].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

“Медиа муҳит” тушунчаси – бу медиа воситалар ёрдамида амал қилувчи, ахборот фазосининг ҳар бир конкрет индивидуум ва умуман жамият учун мос вариантини яратувчи, ҳамда замонавий ахборот жамиятининг асосий маданияти ҳисобланадиган маданий муҳит[3, 45].

Ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришга оид нисбатан муҳим бўлган қуйидаги дидактик шарт-шароитлар:

- медиакомпетентликни ривожлантириш жараёнини педагогик кузатиш;
- фаол касбий ижодий фаолиятга йўналтириш;
- ўқитувчилари педагогик ва тармоқ ҳамкорлигини ташкил қилиш[4].

Ўқитувчиларда медиакомпетентликни ахборот технологиялари воситасида ривожлантириш жараёни вазиятини яратишда мазкур педагогик жараён иштирокчилари, яъни, ўқитувчилари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг таркибий қисмлари мазмуни, компьютерни ўқувчининг фаолият объекти сифатида жалб этиш ҳолатлари кузатилди. Ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитишда ўрганилаётган педагогик ҳодиса ёки жараённинг ахборот модели ҳам ўқувчи фаолиятининг объекти ҳисобланади. Ўқитувчиларда медиакомпетентликни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ривожлантириш дидактик таъминотининг зарурий шарти педагогнинг мазкур жараёнга тайёрлиги ҳисобланади.

Замонавий педагог медиакомпетентлиги ахборот кўрсаткичларининг ривожланиши унинг медиатаълим фаолиятини амалга оширишга назарий тайёргарлигининг муҳим босқичи саналади[5]. Одатда, педагоглар медиа тўғрисидаги билимларни яхши эгаллаган бўлади ва интернетнинг фаол фойдаланувчилари ҳисобланади. Шу билан бирга, аксарият педагоглар медиакомпетентликдан юқори даражадаги ахборотларга эгалиklarини намоёиш этишга қийналадилар: уларнинг медиа педагогиканинг таянч атамалари тўғрисидаги



билимлари етарли эмас, медиа ва медиатаълим назарий соҳасига оид билимлари етишмайди, медиа тили, жанрлари нисбийлиги, медиамаданият ривожланиш тарихи асосий фактлари, медиамаданият арбоблари ижодининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида фақат тахминий тасаввурларга эга бўладилар.

Кўплаб ахборот таҳдидлар ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатишга уринаётган бир даврда ана шу жараёнларни психологик таҳлил қилиш ва ёшларимизни бундай медиатаҳдидлардан муҳофаза этишнинг йўллари излаб топиб, ҳаётга жорий этиш жуда муҳим вазифа ҳисобланади. Бундай шароитда медиакомпетентликни замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш, бу жараённинг педагогик шароитларини аниқлаш талаб этилади. Ҳозирда илмий-техник тараққиёт талабларига мос ҳолда олий таълим муассасалари талабаларининг ахборот технологиялари борасидаги билимларини такомиллаштириш орқали медиакомпетентликни ривожлантириш йўналишларини белгилаш лозим.

Тарих фани дарсларида компетентли ёндашув таълим натижасига урғу берадиган ёндашувдир. Бунда таълим натижаси ўзлаштирилган ахборотлар йиғиндиси эмас, балки шахсни турли муаммоли вазиятларда ҳаракат қилиш қобилиятидан иборат бўлади.

Тарих фани дарсларида медиакомпетентлик ҳозирги кунда инновацияларни тадбиқ этиш учун креативликка боғлиқ бўлган инновацион таълим технологияларига асосланган. Медиакреативлик (медиа соҳасидаги ижодкорлик) медиакомпетентли ўқитувчи фаолиятидаги ижодий қобилиятдир. Медиакреативлик инновацион ўқитиш муҳитини белгилаб, медиакомпетентликни ривожлантиришга олиб келади.

Тарих фани бўйича барча киритилган мавзулар бўйича ўқув машғулотларнинг технологик харитаси, замонавий педагогик технологиялар (синквейни, Веер, SWOTтаҳлил, кейс стади, тест, медиа тушунчалар бўйича кластер ва х.к.) асосида дарсларни ўтказиш ишланмалари ишлаб чиқилган.

Ўқитувчининг ахборот-коммуникацион ва педагогик технологияларни дарсда мақсадли қўллаши вақтдан унумли фойдаланиш, мукамаллик, кетма-кетлик, мослашувчанлик, ривожланиш, кенг қўламлилик, кўرғазмалилик каби имкониятларни очиб бериш билан бир қаторда мавзуга оид ўқув материалларини ўқувчилар тўлақонли ўзлаштиришларига замин яратади. Ўқитувчи дарсда иштирок этаётган ҳар бир ўқувчининг диққатини мавзуга қарата олади, уларнинг фаоллигини таъминлайди. Дарсда ахборот-коммуникацион



технологияларнинг қўлланилиши электрон дарсликлар, электрон қўлланма, қўшимча манбалар, электрон топшириқлар ва мультимедиали маълумотлардан кенг қамровли фойдаланиш имконини беради. Интернет тармоғи ўқувчиларга мавзуга оид энг янги манбаларни қисқа фурсатда топиб ўқиш ва мустақил ишлаш имкониятини бериш билан бир қаторда ўқувчиларда замон билан ҳамнафас яшаш, ҳар бир ўқув материалининг туб моҳиятига етиш, манба ва маълумотлар устида мустақил ишлаш, қиёсий таққослаш қобилиятлари шаклланишига замин яратади

Медиа таълими ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини ривожлантиришга, ахборот олиш, уни қайта ишлаш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ўргатади.

Умумий ўрта таълим мактабларида 11-синф “Ўзбекистон тарихи” дарсида (15-мавзу) Ўзбекистонда маънавий ва тарихий мероснинг тикланиши мавзусида ўқувчиларга янада кўпроқ дарсликдан ташқари маълумот тақдим этишда ўқитувчи бевосита компьютер ёки мобил телефон ёрдамида megos.uz [6] сайтига мурожаат этиши мумкин. Сайтда Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларидаги бугунги кунда мавжуд бўлган меъморчилик иншоотлари, археологик ёдгорликлар, техник иншоотлар, зиёратгоҳлар ва музейлар ҳақида бирламчи маълумотлар олиш имконияти мавжуд. Масалан, ушбу сайт орқали ўқитувчи видеопроектор ёрдамида Тошкент телеминораси ҳақида умумий маълумот, унинг тарихи ва фото расмларини намойиш қилиши мумкин.

Ё худ <https://e-tarix.uz/> сайти [7] да жаҳон халқлари тарихига оид манбалар, хужжатли фильмлар, меъморчилик иншоотлари, археологик ёдгорликлар, техник иншоотлар, зиёратгоҳлар ва музейлар ҳақида маълумотлар билан танишиш имконияти мавжуд.

Бугунги кун ўқитувчиси ўзининг педагогик маҳоратини намоён этган ҳолда дарс давомида бевосита мавзуга оид қўшимча электрон маълумотларнинг интернет манзили (ҳаволаси)ни ўқувчиларга фойдаланиш учун тақдим этиши керак. Ўқитувчининг ахборот-коммуникацион ва педагогик технологияларни уйғунлашган ҳолда қўллаб дарс ўтишида анъанавий усулдаги дарсдан фарқли равишда улкан маълумотлар омборининг мавжудлиги ҳамда ўқувчилар ҳаракатининг фаоллиги билан ажралиб туради.

Медиатаълим муаммоси юзасидан адабиётлар таҳлили аудитория медиаконпетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган машғулотлар ўйин ва ижодий шаклдаги иш турларига асосланганлигидан далолат беради. Хусусан, медиатаълимда

турли ижодий топшириқлар ўқув материали мазмуни, характер хусусиятлари асосида таснифланади; яъни уларга қўйиладиган талаблар характери, олинадиган якуний натижага қўйиладиган талаблар, бажариладиган ўқув ишлари «маълумотлари» ва «мақсадлари» нисбатларидан, ташкилий ва амалга ошириш шаклларида келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бугунги кунда медиатаълим амалиётида нисбатан кенг тарқалган медиамаданият материалларига қўйидаги циклдаги ижодий топшириқларни келтириш мумкин: Аудиториянинг техник воситалар, ўйин шакллари, эвристик усуллар ёрдамида медиа материаллари юзасидан креатив кўникмаларни эгаллашлари учун роллимитацион, муаммоли-вазиятли, ижодий-тасвирий топшириқлар. Аудиториянинг медиа матнларни тўлақонли англаб етишларини ривожлантиришга йўналтирилган ижодий топшириқлар цикли. Аудиторияда медиа матнни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ижодий вазифалар цикли ҳисобланади.

ХУЛОСА

Тарих дарслари жараёнига ахборот-коммуникацион технологиялар, яъни медиа таълими, мобил ўқитиш тизимини жорий этилиши натижасида ёшларни мустақил ижодий ишлаш, эркин фикрлашга ўргатиш қобилиятлари шаклланади. Бугунги кунда педагогика соҳасидаги энг янги тажриба маҳсулларини таълимга интеграциялашуви давр талаби экан, унинг таълим-тарбия билан узвийлигини таъминлаш педагогларимизнинг бирламчи вазифасидир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187–сон қарори. <https://lex.uz/docs/3153714>.
2. Бабаджонов С.С. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш технологияси («Информатика ва ахборот технологиялари» фанини ўқитиш мисолида) 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018

3. Пўлатова Д.Т. Таълим жараёнига электрон ахборот таълим ресурсларини жорий этишнинг педагогик шарт-шароитлари.// Замонавий таълим.-Т.: 2015.- №7.-11-16 б
4. Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини самарали жорий этиш: муаммо ва ечимлар. Бухоро вилоят ХТХҚТМОИ. Республика илмий – амалий конференцияси тезислар тўплами. II қисм (8-9 январ) Бухоро 2016.
5. Огольцова Н.Н. Мультимедийные проекты как средство повышения квалификации педагогов: дис. ... канд. пед. наук / Н.Н. Огольцова. - Новокузнецк, 2007. - 229 с.



ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КОМПЬЮТЕРЛИ ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИДАН ФойДАЛАНИШ АСОСЛАРИ

Рахмон Рустамович Эшимов

Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада таълим муассасаларида компьютерли ўқитиш воситаларидан фойдаланиш асослари, электрон ўқув қўлланма ва дарсликларга ўрганилаётган фан мазмунини очиб бериши ва ўқув-услугий мақсадларга эришиши учун қўйиладиган асосий талабалар ҳамда ундаги материалларнинг тавсифи ва ҳажми ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ келиши ҳақидаги фикрлар қаламга олинган.

Калит сўзлар. Компьютерли ўқитиш воситалари, электрон ўқув қўлланма, электрон дарслик, виртуал тажриба, электрон ўқув-услугий нашрлар.

ABSTRACT

The article discusses the basics of using computer-assisted teaching aids in educational institutions, e-learning manuals and textbooks to reveal the content of the studied subject and the main students set to achieve educational goals, as well as the description and volume of materials appropriate to the abilities and capabilities of students.

Keywords: computer teaching aids, electron manuals, electron textbook, virtual practice, electron educational and methodological editions.

КИРИШ

Таълим муассасалари ўқувчиларининг мустақил ишлаш фаоллигини ошириш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш илғор педагогик технологияларидан фойдаланишни талаб этади. Бугунги кунда ахборот ва коммуникация технологияларининг жамиятимизда изчил ўрнини эгаллаши билим узатилишининг янги шакллари ва воситаларини ишлаб чиқишини тақозо этади. Бундай шакллардан бири компьютерли ўқитиш технологиялари асосида ўқитишдир.

Электрон таълим захиралари воситасида таълим бериш педагогик адабиётларда *компьютерли ўқитиш технологияси* деб юритилади.



Компьютерли ўқитиш технологиясининг асосий хусусиятлари ва афзаллик жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- ўқитиш жараёнида ахборот воситалари ва захиралари фаол интеграцияси таъминланади;
- ўқувчиларнинг ўқишга қизиқиши ортади;
- таълим олишнинг қулайлиги ва натижавийлигини таъминланади;
- компьютерли технология таълим олувчининг мустақил фикрлаши ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилади;
- ўқитувчи таълим жараёнида маслаҳатчи сифатида қатнашади;
- таълим олувчининг мустақил ишлаш ва изланиш малакалари шаклланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Айрим хорижий мамлакат тадқиқотчилари компьютерли ўқитиш технологиясининг қуйидаги салбий жиҳатларини ҳам қайд этиб ўтган. Хусусан, япон педагоги С.Судзуки «Компьютерли ўқитиш, бир томондан, таълим олувчилар ақлий тараққиётини ривожлантиришга ёрдам берса, иккинчи томондан эса билимни мустақам эгаллашни таъминлай олмайди», - деган фикрни билдирган.

Француз педагоги Л.Легрен «Компьютерли машғулотлар таълим олувчиларнинг асаби бузилишига ва кўриш қобилиятининг пасайишига олиб келади», - дейди.

И.Г.Захарова фикрича, компьютерли ўқитишда ҳар бир таълим олувчи маълум бир вақтда «виртуал ўқувчи» шароитида бўлади. Демак ўқувчи виртуал муҳитга кўникаб бориши керак.

Умуман хорижий тадқиқотчилар замонавий ўқитиш воситаларини қўллашда тизимли ёндашувни, яъни бу тизимда ўқитувчиларни сифатли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш лозимлигини, олимлар, педагоглар ва мутахассислар билан ҳамкорликни ривожлантиришни тавсия этадилар.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Компьютерли ўқитиш технологиясини жорий этишда асосан электрон ўқув услубий мажмуалар, электрон ўқув қўлланма ва дарсликлардан фойланилади.

Электрон ўқув қўлланма ва дарсликлар (ЭЎҚД) қуйидагиларни ўз ичига олади [1-4]:



назарий материаллар;
масала ва машқларни ечиш учун практикум;
курсни ўрганиш бўйича услубий кўрсатмалар;
изоҳли луғат.

Ҳар бир модул (бўлим)да тасвир, жадвал, графика эга бўлган гиперматн мавжуд. Автоматлаштирилган лаборатория практикуми дастурий ва услубий воситалар мажмуасини ўзида жамлайди. Бувоситалар лаборатория ишларини реал физик объектлар ёки математик моделлар ёрдамида ўтказишни таъминлайди.

ЭЎҚДлар фаннинг мазмуни ва моҳиятига диққатни жалб этган ҳолда кўп сондаги маълумотларни қараб чиқиш ва кўпроқ амалий машғулотларни бажаришга имкон яратади. Таълим оловчиларни мураккаб ҳисоблашлар ва алмаштиришлардан халос этади. Ўрганишнинг барча босқичларида ўз-ўзини тест орқали текшириб кўриш учун кенг имкониятлар яратади. ЭЎҚД тажрибали ўқитувчи вазифасини, чекланмаган тушунтиришларни, саноксиз такрорлашларни, эслатишларни тақдим этган ҳолда билимлар тақдим этади.

ЭЎҚД билан ўқитишда ташкилий шарт-шароитларни таъминлаш зарур бўлади. Қуйида биз умумий ўрта таълим мактабларида аниқ фанларни ЭЎҚДлар воситасида ўқитишнинг баъзи бир ташкилий жиҳатларини ёритиш бўйича ўз мулоҳазаларимизни келтирамиз. Амалиётдаги аҳвол билан танишиш ва тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш асосида компьютерли ққитиш соҳасида қуйидаги муаммолар мавжуд:

- бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида бутун ўқув йили давомида компьютер синфларида машғулотлар ўтказиб бўлмайди, лекин ҳамма синфларда таълим оловчилар компьютер синфларида дарс жадвалига биноан машғулотда қатнаша олишда тенг имкониятларга эга бўлиши керак;

- ҳар бир машғулот давлат стандарти талабларига ҳамда аниқ фан дастурларига мос ҳолда услубий ишланмалар билан компьютер синфида ёки оддий аудиторияда ўтказилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда таъминланган бўлиши лозим.

ЭЎҚД услубий таъминотни ишлаб чиқишда қуйидаги асосий элементларни инобатга олишни назарда тутати:

фанлар бўйича машғулотларнинг компьютерли қўллаб қувватланишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган янги иш режалари;

ҳар бир машғулот бўйича тўлиқ тавсиялардан иборат бўлган услубий қўлланмалар;

таълим олишга мўлжалланган компьютерли дастурларнинг мавжудлиги, таркиби ва имкониятлари тўғрисида улардан ўқув синфларида фойдаланиш бўйича ёзилган услубий тавсиялари билан биргаликдаги тўлиқ эга бўлиши керак.

Бундай типдаги ЭЎҚД виртуал тажрибалар яратадиган, масалан кимё фанини ўрганишда тезлаштирилган ва секинлаштирилган вақт ҳажмида турли жараёнларни ўрганиш имконини берувчи моделлаштирувчи компонентларга эга бўлиши керак.

ЭЎҚДда таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш ҳамда назорат қилиш учун тузилган автоматлаштириш дастурлари мавжуд бўлиши зарур.

ЭЎҚД ўқувчиларда реал борлиқнинг ривожланиши қонунларини тушуниш, ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, бойликлардан фахрланиш, ўз Ватанини кўз қорачиғидек асраш, бир сўз билан айтганда ўқувчиларни ҳуқуқий маданиятини шакллантирувчи ҳис-туйғусини камол топтириш учун хизмат қилиши ва шу билан бир қаторда ЭЎҚДда жамият тараққиётида, инсон камолотида меҳнатнинг тутган ўрнини кўрсатишга алоҳида аҳамият берилиши лозим.

ЭЎҚДмазмунини ўқув дастурига мувофиқ равишда ёритилиши, айти пайтда ҳар бир мавзунини баён этишда ундан маълум даражада четга чиқиши, меъёрланган билимларнинг пухта ўзлашувини таъминлаши лозим. Шунинг билан бир қаторда фан асосларининг муҳим томонлари, ўқувчиларнинг амалий фаолиятида эгаллаган билимлардан муваффақиятли ЭЎҚДда теран баён этилиши зарур.

Юқоридагилар билан бир қаторда ЭЎҚД:

способ хранения, представления и передачи информации. ГИС-технологии - не инструмент выдачи решений, а средство, способствующее ускорению и повышению процедуры принятия решений.

В настоящее время крупномасштабные космогеологические исследования ведутся на основе космических снимков Landsat 7, Aster (TERRA), Quick Bird и радарных космоснимков SRTM на базе программных средств - ERDAS Imagine и ENVI.

Изучение территории Узбекистана, имеющего сложный рельеф, требует привлечения значительного числа спутниковых снимков в различных спектральных диапазонах. При этом для решения очень задач мониторинга природных ресурсов оптимальным является сочетание спутниковых снимков в средних и крупных масштабах. Поэтому одним из важных источников данных дистанционного зондирования Земли могут быть космоснимки с разрешением 30 м со спутников серии Landsat, которые имеются в открытом доступе. Важнейшей стадией формирования данных дистанционного зондирования является предварительная обработка: геометрическая коррекция, приведение снимков к принятой системе координат, их взаимное пространственное согласование и создание базового слоя данных дистанционного зондирования. Выбор спутникового изображения для использования в качестве базового зависит от назначения ГИС и природных особенностей территории. В случае равнинного рельефа предпочтительнее многозональные космические снимки с высоким пространственным разрешением. Для горных территорий целесообразнее использовать спутниковое изображение в ортогональной проекции, совмещенное с цифровой моделью рельефа. Снимки сенсора Landsat 7 являются оптимальными для создания серии тематических карт и информационной базой ГИС-проектов для различных объектов: населенных пунктов, сельхозугодий, транспортной сети, водных объектов, ирригационных систем и др. [5].

РЕЗУЛЬТАТЫ

Материалами дешифрирования являются космоснимки ASTER (спутник Terra). Количество спектральных каналов 14 единиц. Существуют различные методы дешифрирования, среди них - методы соотношения и комбинации каналов. Количество комбинации каналов по космоснимку ASTER намного меньше, чем у космоснимка Landsat TM. По методу соотношения (деления, вычитания, сложения)

спектральных каналов ASTER превосходит другие снимки, особенно по части выявления минералов.

Применение космоснимка ASTER позволяет выявлять больше минералов благодаря возможности применения комбинации каналов, высокой эффективности при интеграции методов MNF PCI и др. Также предлагаемый метод намного приблизил данные сигнатур с сигнатурами, полученными с космоснимка, и при их сравнении наблюдается большая идентичность. Другое отличительное свойство - данный метод может интегрировать с другими методами.

Отметим, что применение КС ASTER позволяет выявлять больше минералов из-за возможности применения комбинации каналов, высокой эффективности при интеграции методов MNF, PCA и др. Предлагаемый метод намного приблизил данные сигнатур с сигнатурами, полученными с КС и при сравнении их наблюдается большая идентичность. Другим отличительным свойством является возможность расширения другими методами при интеграции.

Алгоритм дешифрирования космоснимка ASTER позволил использовать несколько видов алгоритмов и определять различные типы объектов и их сигнатуры. Анализ и сравнительная оценка космоснимков по выявлению минералов отражена в *табл. 1*.

Для выявления рудных полей дешифрирование КС ASTER дополняет и уточняет результаты с применением алгоритма выявления по минералогическим индексам. Как было выше изложено, материалами дешифрирования являются КС ASTER (спутник Terra). Количество спектральных каналов 14 единиц. До настоящего времени существуют различные методы дешифрирования - соотношения и комбинации каналов, количество комбинации каналов по КС ASTER намного меньше, чем у КС Landsat TM. По методу соотношения (деления, вычитания, сложения и др.) спектральных каналов ASTER превосходит другие снимки, особенно по части выявления минералов. В настоящее время существуют до сотни методов, определяющих минералы по КС.

Многие методы направлены на выявление одного вида минералов. Существуют несколько видов соотношения каналов на один и тот же минерал. Рассмотрим один из методов деления: Силикат « 11 b (спектр.канал) / 10 b (спектр.канал) = silica». Алгоритм



выполняется в программном обеспечении ErdasImagine. Здесь пиксель одного канала делится на пиксель другого канала.

табл. 1

Виды минералов	Формула	Ссылки
Ferric iron, Fe3*	2/1	Rowan
Ferrous iron, Fe2*	5/3 + 1/2	Rowan
Laterite	4/5	Bierwith
Gossan	4/2	Volesky
Ferrous Silicates (biot, chi, amph)	5/4	CSIRO
Carbonate / Chlorite / Epidote	(7+9)/8	Rowan
Epiote / chlorite / Amphibole	(6+9)/(7+8)	CSIRO
Amphibole / MgOH	(6+9)/8	Hewson
Amphibole	6/8	Bierwith
Dolomite	(6+8)/7	Rowan, USGS
Carbonate	13/14	Biefwith, Nimoyima,
Sericite / Muscovite / Illite / Smectite	(5+7)/6	Rowan (USGS) Hewson (CSIRO)
Alunite / Kaolinite /Pyrophyllite	(4+6)/5	Hewson (CSIRO)
Phengitic	5/6	Rowan (USGS)
Muscovite	7/6	Hewson
Kaolinite	7/5	
Clay	(5x7)/(6x6)	Bierwith
Alteration	4/5	Volesky
Host rock	5/6	Rowan
Quartz Rich Rocks	14/12	
Silica	(11*11)/10/12	Bierwith
Basic Degree Index (gnt, cpx, epi, chi)	12/13	Bierwith, CSIRO
SiO ₂	13/12	Palomera
SiO ₂	12/13	Nimoyima
Kaolinite index (KLI)	[4/5] [8/6]	Other
Alunite Index	[7/5] [7/8]	
Calcite index	[6/8] [9/8]	
Quarts index	(11*11)/(10*12)	
Serpentine and talc carbonate	5\7 and 4\7	
Granitoid rocks	2/4	Copper mineralization
Gabbro-diorite	4/5	
Copper mineralization	7/6	

Каждый алгоритм можно отнести к тематическим снимкам, т. е. на определённый вид минерала. Если данные алгоритмы назовём тематическими, то группу алгоритмов — комплексной. Каждый алгоритм решает часть общей задачи, без выполнения одного вида задач понижается качество оценки при потере одного из факторов анализа результатов.

Преимуществом данного алгоритма является выявление минералов в более сконцентрированном виде, т. е. здесь КС проходит обработку с удалением различных шумов. Важно отметить, что разрешимость спектральных каналов ASTER от 15 до 60 м, от 1-3 (VNIR) каналы — 15 м, 4-9 (SWIR) - 30 м, 10- 14 (TIR) — 90 м. Комплексный функциональный алгоритм разделится на 3 группы по спектральной



разрешимости, после проведения операции результаты 3-х групп будут объединены.

ОБСУЖДЕНИЕ

Разработанный комплексный алгоритм дешифрирования КС ASTER и Landsat позволил использовать несколько видов алгоритмов и определить различные типы объектов и их сигнатуры. При просмотре комплексного алгоритма и получения итогового результата все зависит от опыта и знаний специалиста геолога. Анализ и оценка производятся также с помощью картографических данных и полевых заверочных работ.




Рис.1. Блок-схема комплексного функционального алгоритма.

Предварительная обработка по вышеназванным методам дала существенные результаты: их можно применять к другим методам соотношения спектральных каналов. Выявленные карбонаты и кварциты не концентрированы ячейками (пикселями) - минимальными и максимальными значениями по всему снимку. Результаты сравнительного анализа показали полную идентичность двух сигнатур, полученных с разных регионов Земли, что позволяет применять другие сигнатуры для поиска других минералов [3,4,5].

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В настоящее время дистанционное зондирование Земли стремительно развивается, предоставляя исследователям изображения с высоким разрешением во многих спектральных диапазонах. Компьютерные технологии обработки дистанционного зондирования также неуклонно развиваются в местных геологических исследованиях. Все это открывает новые возможности для изучения геологического строения и поиска новых месторождений полезных ископаемых Республики Узбекистан.

В настоящее время геология является одним из приоритетных направлений промышленности, и для устойчивого экономического развития страны важно

наращивать минерально-сырьевую базу Республики. Поэтому подготовка высококвалифицированных кадров в области геологии и цифровых технологий является одним из важнейших направлений.

REFERENCES

1. Губин Б.Я. Дистанционные методы в геологии: Учеб. пособие для студентов. - Минск, БГУ, 2003.
2. О.Т. Зокиров, Проблема дешифрирования космоснимков, Интеграция науки и практики как механизм эффективного развития геологической отрасли Республики Узбекистан // Мат-лы Междунар. науч.-техн. конф. 19 августа 2016 г. -Т.: ГП «НИИМР», 2016
3. Шамсиев Д.З. Алгоритмы выявления минералов по спектральным характеристикам космоснимка Aster, Интеграция науки и практики как механизм эффективного развития геологической отрасли Республики Узбекистан // Мат-лы Междунар. науч.-техн. конф. 19 августа 2016 г. -Т.: ГП «НИИМР», 2016
4. Токарева О.С., Обработка интерпретация данных дистанционного зондирования земли, учебное пособие, -Томск: Томский политехнический университета, 2010
5. Нурходжаев А.К., Тогаев И.С., Шамсиев Р.З, Методическое руководство по составлению космогеологической карты Республики Узбекистан на основе цифровых космоснимков © SE “RS and GIS-technologies”, 2017 © SE “IMR”, 2017
6. Корчуганова Н. И., Корсаков А. К., Дистанционные методы геологического картирования: учебник, - М.: КДУ, 2009



BOSHLANG'ICH SINFLARDA MIQDORLAR TUSHUNCHASINI KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA O'RGATISH

Ra'no Erjigitovna Shakarbayeva
Nizomiy nomidagi TDPU magistranti
ushakarbaev@gmail.com

ANNOTATSIYA

Umumiy o'rta-ta'lim jarayonining sifati va samaradorligini oshirish uchun, jumladan miqdorlarni o'rgatishda uzluksiz matematik ta'lim tizimi jarayonida pedagogik tajribani o'rganish, zamonaviy talablar asosida miqdorlarni o'rgatishda kompetensiyaviy yondashuv zarurdir. Maqolada boshlang'ich sinflarda miqdorlar tushunchasini o'rgatishda kompetensiyaviy yondashuv haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: ta'lim, tarbiya, boshlang'ich ta'lim, matematika, miqdorlar, hajm, sig'im, kompetensiya, natija, kompetentlik.

ABSTRACT

Improve the quality and efficiency of the process of general secondary education, including the study of pedagogical experience in the process of continuous mathematical education in teaching quantities, a competence-based approach to teaching quantities based on modern requirements is necessary. The article will focus on the competence-based approach to teaching the concept of quantities in primary schools.

Keywords: education, upbringing, primary education, mathematics, quantities, compensation, the result, competence.

KIRISH

Bugungi kunda mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko'tarish, unga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish hamda samaradorligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Fanda texnika va ilg'or texnologiya yutuqlaridan foydalangan holda yosh avlodga ta'lim va tarbiya berishning maqsad, mazmun, uslub va vositalarini ilmiy jihatdan ta'minlash dolzarb muammolarning biri hisoblangan [7].

O'zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan ta'lim sohasidagi islohatlar Respublikaning ravnaqini ta'minlaydigan



istiqboldagi rejalarini amalga oshirishda muhim o'rin topadi. 2017- yilga kelib davlatimizning barcha sohalarida yangi davr boshlandi, shu qatori ta'lim sohasida ham yangi islohatlar kiritildi. Bugungi kunda ta'lim ma'zmunini yangilash, takomillashtirish o'qitish samaradorligini va o'qituvchilarning kasbiy mahoratini oshirish, ilg'or pedagogik tajribalarni keng ommalashtirish bo'yicha ham ancha ishlar amalga oshirilmoqda. 2017-yil 15- martdagi "Umumiy o'rta ta'lim to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida" gi 140-sonli qaror, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi "Umumiy o'rta ta'lim va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida" gi 187-sonli qarori bilan kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan umumta'lim fanlari bo'yicha "Davlat ta'lim standarti" tasdiqlandi [2]. Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan davlat ta'limi standarti kuchga kirib, ta'lim muassasalarida bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda. Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan – kunga kuchayib bormoqda, bunday bo'lishining sabablaridan biri, shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda o'qituvchi – o'quvchini faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, xatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi [9].

Yosh avlodning har tomonlama yetuk, bilimli, yuksak ma'naviyatli, barkamol, vatanparvar shaxslar bo'lib yetishishini ta'minlash yo'lida amalga oshirilayotgan ulkan bunyodkorlik ishlarining eng asosiy bo'g'ini sifatida pedagogik xodimlarning yuqori ilmiy, metodik bilimlarga hamda amaliy ishlash bo'yicha yuksak mahoratga ega bo'lishlarini ta'minlash yuzasidan zarur chora–tadbirlarni amalga oshirish hisoblanadi [7].

Hozirda o'qituvchilarning yuqori kasbiy tayyorgarlikka, pedagogik mahoratga, yuksak ma'naviy – axloqiy fazilatlariga, mafkura borasida chuqur bilimlarga ega bo'lish, ta'lim – tarbiya ishlarida zamonaviy pedagogik texnologiyalar, interfaol usullardan samarali foydalanishi davr talabi hisoblanadi.

Uzluksiz ta'lim tizmini shakllantirish , shuningdek, ta'lim mazmunini yangilash ta'lim sohasida olib borilayotgan islohatlarning bosh g'oyasi sanaladi. O'zbekiston Respublikasida o'qituvchi kadrlarning ma'naviy qiyofasi, aqliy salohiyati hamda kasbiy mahoratiga nisbatan jiddiy talablar qo'yimoqda. Chunonchi, bu borada prezidentimiz Sh.M.Mirziyoev yosh avlodni bilimli komil inson qilib tarbiyalash to'g'risida,

kelajak yosh avlod qo'lida ekanligini , ular bir necha jihatga ega bo'lish lozimligini ta'kidlaydi [7].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Boshlang'ich sinflarning dasturida matematik material bilan uzviy bog'liqlikda turli miqdorlarni ham o'rganish nazarda tutilgan. Miqdorlarsiz tabiatni, borliq olamni o'rganish mumkin emas. Miqdorlarda turli ob'ektlarning, borliq dunyoning xossalari aks etgan.

Miqdor bu narsa yoki hodisaning biror xossasi bo'lib, uni boshqa narsa yoki hodisaning shu xossasi bilan taqqoslash va ulardan qaysi biri shu xossaga ko'proq darajada ega ekanligini aniqlash mumkin [6].

Miqdor tushunchasi murakkab tushuncha bo'lib, o'quvchilarning maktabda butun o'qish davrida shakllantiriladi.

Boshlang'ich ta'limning vazifasi shundaki, u o'quvchilarda miqdorlarni o'rganishning intuitiv tushunarli usulini hosil qilishdir, buning natijasida bolalarda miqdorlar narsalar va hodisalarning o'lchash bilan bog'liq bo'lgan xossalari ekanligi haqida tasavvurlar hosil bo'lishi kerak [8].

Boshlang'ich sinfda o'quvchilarga uzunlik, sig'im, massa, yuza, vaqt haqida dastlabki tasavvurlar beriladi.

Har bir miqdorni o'rganish uslubiyotining o'ziga xos xususiyatlari mavjud bo'lsada, biroq narsa yoki hodisaning hossalarni o'rganishga umumiy yondashish miqdorlarni o'rganishning umumiy uslubiyoti haqida chiniqish imkonini beradi. Bu uslubiyot asosida amaliy usul yotadi. Narsalar bilan ishlash asosida aniq xissiy qabul qilish qobiliyatiga tayanib, kichik yoshdagi maktab o'quvchilarini miqdorlar uchun umumiy bo'lgan xossalarni bilan tanishtirish [5].

Turli miqdorlar haqida tasavvurlarni shakllantirish maqsadida turli amaliy mashqlar va misollar bajariladi, namoyish etiluvchi va alohida ko'nikmali vositalardan foydalaniladi. Bu ish barcha o'quvchilar ishtirokida, alohida-alohida har bir o'quvchi bilan va guruh usulida amalga oshiriladi. O'quvchilar "Miqdor" tushunchasining asosiy belgilarini turli xil amaliy mashg'ulotlar davomida va turli xil muammoli sharoitlar tufayli o'zlashtirib oladilar [1].

Miqdorlar va ularning o'lchov birliklari bilan tanishuv nafaqat amaliy ahamiyatga mashq, ayni vaqtda u o'quvchilarda hayotiy muammolarni ko'ra bilish imkoniyatini shakllantirish va shu bilan ularning bilishga qiziqish ishtiyoqini rivojlantirishga imkon beradi [3].

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Boshlang'ich sinflarda miqdorlar, ayniqsa, sig'im va hajmni o'rganish jarayonida ayrim qiyinchiliklar bo'lishi mumkin. Chunki, bu mavzuga darslikda kam e'tibor berilgan, mashqlar juda kam. Mavzuni mukammalroq o'rganishga mo'ljallangan ilmiy-uslubiy ta'limot yetarli emas. Boshlang'ich sinf o'qituvchilari uchun, o'quvchilar uchun, sig'im va hajm mavzusini o'rganish bo'yicha qiziqishni orttirishga mo'ljallangan, barcha uzluksiz ta'lim talablariga javob bera oladigan, tenglash imkonini beradigan metodika ishlab chiqilmaganligi sababli, biz ushbu ishimiz orqali biroz ijobiy harakatlar qilishga erishdik, deb o'ylaymiz.

Ushbu BMI da boshlang'ich sinflarda sig'im va hajm tushunchalarini o'rganish samaradorligini oshirishga qaratilgan qator ishlar amalga oshirildi:

- sig'im va hajm tushunchalarini o'rganishning nazariy asoslari ishlab chiqildi. Mavzuga oid nazariy ma'lumotlar, jumladan, ilg'or pedagog olimlar fikrlari to'plandi;

- sig'im, hajmni o'rganishda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish usullari batafsil yoritildi, mos dars ishlanmalari namunalari ishlab chiqildi;

- barkamol avlod tarbiyasida miqdorga doir tushunchalarining o'rni ko'rsatildi, tegishli mashqlar namunalari bir tizimga keltirildi;

- sig'im, hajm, vaqt, uzunlik tushunchalari mazmunini muvaffaqiyatli o'zlashtirishga qaratilgan didaktik o'yinlardan foydalanish yo'llari ko'rsatildi;

- boshlang'ich sinf o'qituvchilari uchun miqdorga tushunchalarini mukammal o'rganishga qaratilgan metodik tavsiyalar ishlab chiqildi. Bu tavsiyalar mazkur mavzu bo'yicha asosiy vazifalardan birini bajarishi mumkin;

- o'quvchilarda miqdorlarni o'lchash va hisoblash malakalarini shakllantirishga, testli masalalarni yechilishini o'rgatish asosiy o'rinni egallaydi;

- o'quvchilarda matematika darslarida miqdorlarni shakllantirishda yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish, o'quvchilarni shu mavzular bo'yicha bilim, malaka va ko'nikmalarni yegallashlarini kafolatlaydi;

- O'quvchilarda miqdorlarni o'lchash malakalarini shakllantirishga doir har bir darsda yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llashda o'quvchilarning yosh xususiyatlari va bilim darajalarini hisobga olish zarur [4].

Umumiy o'rta-ta'lim jarayonining sifati va samaradorligini oshirish uchun, jumladan miqdorlarni o'rgatishda uzluksiz matematik ta'lim tizimi jarayonida pedagogik tajribani o'rganish, zamonaviy

talablar asosida miqdorlarni o'rgatishda kompetensiyaviy yondashuv zarurdir.

Kompetensiya – mavjud bilim, ko'nikma, malakalarni kundalik faoliyatda qo'llay olish qobiliyati.

Kompetensiya – fan bo'yicha egallagan nazariy bilim ko'nikmalarni, amaliy ko'nikma va malakalarni kundalik hayotida duch keladigan amaliy va nazariy masalalarni yechishda foydalanib, amaliyotda qo'llay olishdir. Inson o'z hayotida shaxsiy, ijtimoiy, iqtisodiy va kasbiy munosabatlarga kirishishi, jamiyatda o'z o'rnini egallashi, duch keladigan muammolarning yechimini hal etishi, eng muhimi o'z sohasi, kasbi bo'yicha raqobatbardosh kadr bo'lishi uchun zarur bo'lgan tayanch kompetensiyalarga ega bo'lishi lozim.

Kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan ta'lim – o'quvchilarda egallangan bilim, ko'nikma va malakalarni o'z shaxsiy, kasbiy va ijtimoiy faoliyatlarida amaliy qo'llay olish kompetensiyalarini shakllantirishga yo'naltirilgan ta'limdir. Shu sababli, informatika fanidan DTSlarini yangilash, o'quv dasturlarini takomillashtirish - informatika faniga oid kompetentlikni kiritish zaruriyati tug'ilgan.

Kompetentlik lotincha: *competens* – *layoqatli, qobiliyati bor* ma'nosini anglatib, ko'zlangan natijalarga erishish uchun bilim, ko'nikma va malakalarni notanish vaziyatda qo'llay olish qobiliyatini namoyish eta olishni bildiradi. Kompetentlik tarkibiga sof kasbiy bilim, ko'nikma va malakalardan tashqari, tashabbuskorlik, hamkorlik, guruhda ishlash layoqati, kommunikativ qobiliyati, real baholay olish, mantiqiy fikrlash, axborotni saralash va foydalana olish xususiyatlari ham kiradi. Ta'limiy kompetensiyalar ikki guruhdan iborat: **tayanch** (umumiy) va **maxsus** (fanga oid). Inson o'z hayotida shaxsiy, ijtimoiy-iqtisodiy va kasbiy munosabatlarga kirishishi, jamiyatda o'z o'rnini egallashi, duch keladigan muammolarning yechimini hal etishi, eng muhimi o'z sohasi, kasbi bo'yicha raqobatbardosh bo'lishi uchun zarur bo'lgan tayanch kompetensiyalarga ega bo'lishi lozim. Lekin shu bilan birga, ta'limda har bir o'quv fanini o'zlashtirish jarayonida o'quvchilarda, shu fanning o'ziga xosligi, mazmunidan kelib chiqqan holda, sohaga tegishli fanga oid kompetensiyalar ham shakllantirilishi belgilandi. Informatika va axborot texnologiyalari fanining mazmunidan kelib chiqqan holda o'quvchilarda tayanch va fanga oid umumiy kompetensiyalarning elementlari (A1(A1+); A2(A2+)); B1(+B1) bosqichma - bosqich shakllantiriladi.

I. TK-tayanch kompetensiya

1. TK1-kommunikativ kompetensiya
2. TK2-axborot bilan ishlash kompetensiyasi
3. TK3-o'zini-o'zi rivojlantirish kompetensiyasi



4. TK4-ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyasi
5. TK5-milliy va umummadaniy kompetensiya
6. TK6-matematik savodxonlik, fan va texnika yangiliklaridan xabardor bo'lish hamda foydalanish kompetensiyasi [2].

XULOSA

Boshlang'ich sinflarda miqdorlar tushunchasini o'rgatishda aynan yuqoridagi kompetensiyalarning ahamiyatini hisobga olish o'rinlidir. Darslarda o'quvchilarning mustaqil ishlashini tashkil qilish, o'quv fani samaradorligini oshiradi, o'quvchilarni bilim, ko'nikma va malakasini rivojlantiradi, ularning individual va intellektual salohiyatini kuchayishiga xizmat qiladi. Hozirgi kunda ta'lim sifatini jahon andozalari darajasiga yetkazish, ta'lim tizimining eng muhim muammolaridan biri. Bo'lajak pedagoglar uchun zamonaviy axborot va pedagogik texnologiyalardan chuqur bilimga ega bo'lishi juda muhimdir. Bu muammoni hal etish yo'llaridan biri – o'qitish jarayonida ko'proq interfaol usullardan foydalanishdan iborat. Bu metod o'quvchilarni faollashishigagina emas, balki mantiqiy, aqliy, ijodiy, tanqidiy, mustaqil fikrlashini shakllantirishga imkon yaratadi.

REFERENCES

1. Bikbayeva N.U. (1996). *Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi*. O'qituvchi.
2. *Davlat ta'lim standarti*. (2017). O'zbekiston.
3. Jumayev E.E. (2012). *Boshlang'ich matematika nazariyasi va metodikasi*. Turon – Iqbol.
4. Jumayev M.E. (2005). *Bolalarda matematika tushunchalarni shakllantirish nazariyasi*. Ilm-Ziyo.
5. Jumayev M.E. (2005). *Bolalarda matematik tushunchalarni rivojlantirish nazariyasi va metodikasi*. Ilm Ziyo.
6. Jumaev M.E., Tadjiyeva Z.G`. (2005). *Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi*. Fan va texnologiyai.
7. Mirziyoyev Sh.M. (2017). *Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz*. O'zbekiston.
8. Toshmurodov B. (2000). *Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitishni takomillashtirish*. O'qituvchi.
9. Umumiy o'rta ta'lim to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqidagi 140-qaror. (2017).

TALABA QIZLARING TEXNIK VA JISMONIY TAYYORGARLIGINI MILLIY VA HARAKATLI O‘YINLAR ORQALI RIVOJLANTIRISH

Iftixor Farmonovich Narzullayev

Samarqand davlat arxitektura qurilish instituti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada talaba qizlarning texnik va jismoniy tayyorgarligini oshirishda milliy va harakatli o‘yinlardan foydalanish davomida amaliy ko‘nikmalarni egallash, sport mashg‘ulotlarida ularning texnik va jismoniy tayyorgarlik darajasini yaxshi tomonga o‘zgarganligi aks ettirilgan.

Kalit so‘zlar: o‘yinlar, milliy, musobaqa, shiddat, yuklama, bellashuv, ko‘rsatkich, chidamkorlik, texnika, sakrash.

ABSTRACT

This article reflects the fact that the use of national and movement games to improve the technical and physical fitness of female students has led to a positive change in their level of technical and physical fitness in sports.

Keywords: games, national, competition, intensity, load, competition, performance, endurance, technique, optimum, globalization, jump.

KIRISH

Mamlakatimizda sog‘lom turmush tarzini shakllantirish, aholining, ayniqsa xotin – qizlarni jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug‘ullanishi uchun zamon talablariga mos shart-sharoitlar yaratish, sport musobaqalari orqali xotin – qizlarda o‘z irodasi, kuchi va imkoniyatlariga bo‘lgan ishonchni mustahkamlash, mardlik va vatanparvarlik, ona Vatanga sadoqat tuyg‘ularini kamol toptirish, shuningdek, xotin – qizlar orasidan iqtidorli sportchilarni saralab olish ishlarini tizimli tashkillashtirish hamda jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantirishga yo‘naltirilgan keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Dunyo mamlakatlari jismoniy tarbiya va sport sohasiga katta etibor qaratib, davlat siyosati darajasida aholi o‘rtasida sog‘lom turmush tarzini shakllantirish va salomatlikni muhofaza qilish, xalqaro sport tadbirlarida mamlakatning sportdagi nufuzini oshirish va shon-shuhratini yuksaltirish masalalarida tizimli ishlar olib borishmoqda. Hozirgi vaqtda ilm-fan taraqqiyotining tez sur‘atlar bilan rivojlanib borishi natijasida malakali sportchilarni



tayyorlashda sport mutaxassislari va olimlardan yangi ilgʻor texnologiyalarni oʻquv-mashgʻulot jarayoniga tatbiq etish va uni doimiy ravishda nazorat qilib borishni taqozo qilmoqda. Oʻzbekiston Respublikasi hududlarida jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantirish, aholining barcha qatlamlari, ayniqsa xotin –qizlarni jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shugʻullanishga jalb etish, mamlakatimizda bu borada yaratilgan sharoitlardan samarali foydalanish natijadorligini oshirish maqsadida qator qonun, farmon va qarorlar qaboʻl qilindi. Jumladan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan 2020 yil 24 yanvardagi PF-5924 sonli “Oʻzbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni takomillashtirish va ommalashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmonida, 2022 yil 14 martdagi “Gimnastika boʻyicha Oksana Chusovitina sport mahorati maktabini tashkil etish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi PQ-163-son Qarorlari hozirgi globallashuv davrida zamonaviy sport talablariga mos ravishda sportchilarni tayyorlash, yangi ilgʻor texnologiyalardan foydalanish, sport tibbiyoti xodimlari hamda sport psixologlari bilan hamkorlikda faoliyat olib borish masalalariga katta eʼtibor qaratilmoqda. Jismoniy tarbiya va sport orqali talabalar qizlarning sogʻligini mustahkamlash, jismoniy tayyorgarlik darajasini oshirish va mehnatga boʻlgan layoqatini kamol toptirishda milliy va harakatli oʻyinlarning ham oʻrni kattadir. Turli xildagi milliy va harakatli oʻyinlar yoshlarni har tomonlama etuk, sogʻlom boʻlib tarbiya topishida va jismoniy sifatlarini rivojlanishida muhim ahamiyatga egadir.

Talaba qizlarning texnik va jismoniy tayyorgarligini rivojlantirishda muayyan darajadagi harakatlar tezligini belgilaydi, shuningdek bu jarayon tezlik hamda chaqqonlikni talab qiluvchi bellashuvlarda va musobaqalarda ham katta ahamiyatga egadir. Talabalarda tezlik va chaqqonlikni takomillashtirishda biz mashgʻulotlarda ajdodlarimizdan meros boʻlib qolgan milliy va harakatli oʻyinlardan foydalangan holda talaba qizlarning texnik va jismoniy tayyorgarligini oshirishga harakat qildik.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Uzoq oʻtmish tarixiy taraqqiyotining mutloq zanjiri boʻlgan inson sivilizatsiyasining shunday ustunlari va tamal toshlari borki, ularda oʻtmish, hozirgi zamon va kelajakning bir-biri bilan uygʻunligi, rivoji va davomiyligi saqlanib keladi, avlodlarimizdan meros sifatida oʻtadi hamda qadriyatlar darajasiga etadi. «Avesto», «Alpomish», «Goʻroʻgʻli», «Toʻmaris», «Qirq qiz» kabi tarixiy asarlar va xalq ogʻzaki ijodi qahramonlarini eslashning oʻzi bunday dalillarni isbotlab beradi. Ana shunday qadriyatlarni davom ettirgan holda sport bilan shugʻullanuvchi talaba qizlarimizning



mashg'ulot jarayonlarida milliy va harakatli o'yinlardan foydalangan holda qizlarning texnik va jismoniy tayyorgarligini oshirishga harakat qildik.

Yurtimiz olimlarining tomonidan ta'lim muassasalari o'quvchilarining jismoniy tarbiya darslari jarayonida milliy va harakatli o'yinlardan foydalanish muammolari T.S.Usmonxodjayev, A.A.Pulatov, Sh.A.Pulatov, D.X.Abdullayev, M.A.Qurbonova, M.U.Qosimovalarning ilmiy izlanishlarida aks ettirilgan.

Taniqli olimlar ilmiy-uslubiy adabiyotlarini o'rganish natijasida aniq bo'ldiki talaba qizlarning texnik va jismoniy tayyorgarligini oshirish bo'yicha bir qator izlanishlar olib borilgan. Xususan F.A.Kerimov, R.S.Salomov, Yu.M.Yunusovalarning ilmiy-uslubiy ishlarida ham aks ettirilgan.

Talaba qizlarning texnik va jismoniy tayyorgarligini oshirishdan iborat.

Tadqiqotimizning maqsad va vazifalardan kelib chiqib biz ishda talaba qizlarning jismoniy tarbiya darslarida va sport mashg'ulotlarida ularning texnik-taktik tayyorgarligini hamda jismoniy sifatlarini takomillashtirishda biz quyidagi milliy va harakatli o'yinlardan foydalandik:

- Doiradan surib chiqarish;
- Chaqqon oyoqlar jamoasi;
- To'ldirma to'plar bilan yugurish;
- Uch variantli to'p;
- Voleybolchilarning to'p uzatishi;
- Kartoshka ekish;
- G'ozlar – oqqushlar.

Bu milliy va harakatli o'yinlar orqali talaba qizlarning chaqqonligini, tezkorligini, tezkor kuchini takomillashtirish bilan bir qatorda ularning diqqatini va aniqligini ham rivojlantiradi.

Milliy va harakatli o'yinlar natijasida talabalarda shakllanadigan asosiy yoki maxsus mushak guruhlarining rivojlanganligi ularning har tomonlama tayyorgarligiga bog'liq. Bunga jismoniy tarbiya darslarida talaba harakatlarni bajarishda asosiy ishni bajaradigan mushaklarni kiritadilar, natijada jismoniy tayyorgarlikni rivojlantirishga ham alohida ahamiyat beriladi.

Talaba qizlarning alohida mushak guruhlarini rivojlantirishning yanada samarali vositalarini izlash natijasida maxsus mashqlardan foydalanildi. Shunday qilib, biz talabalarning jismoniy tayyorgarligini rivojlantirish orqali har tomonlama optimal sport formasiga ega sportchilarni tarbiyalash mumkinligi to'g'risidagi fikrimiz tasdiqlandi. Talaba qizlarning chidamliligi, chaqqonligi ularning bellashuvlarni yuqori saviyada davom



ettirgan vaqti va buni butun musobaqa davomida saqlanib turgan holati bilan o'lganadi.

Talaba qizlarning jismoniy tayyorgarlik darajasini aniqlash yuzasidan o'tkazilgan tajriba natijalari 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval

Talaba qizlardan tadqiqot boshida tajriba va nazorat guruhlaridan olingan jismoniy tayyorgarligi ko'rsatkichlari. (n=12)

T/r	Ko'rsatkichlar	Tajriba guruhi	Nazorat guruhi
		\bar{X}	\bar{X}
1	100 metrga yugurish (s)	16.6	15.75
2	3x10 m Mokisimon yugurish (s)	10.50	10.48
3	Joydan turib uzunlikka sakrash (sm)	166	168
4	Yugurib kelib yuzunlikka sakrash (sm)	330	331
5	Joydan turib uch xatlab sakrash (sm)	517	519

2-jadval

Talaba qizlardan tadqiqot yakunida tajriba va nazorat guruhlaridan olingan jismoniy tayyorgarligi ko'rsatkichlari. (n=12)

T/r	Ko'rsatkichlar	Tajriba guruhi	Nazorat guruhi
		\bar{X}	\bar{X}
1	100 metrga yugurish (s)	15.4	15.4
2	3x10 m Mokisimon yugurish (s)	10.40	10.41
3	Joydan turib uzunlikka sakrash (sm)	178	176
4	Yugurib kelib yuzunlikka sakrash (sm)	351	350
5	Joydan turib uch xatlab sakrash (sm)	541	537

MUHOKAMA

Biz tadqiqot davomida tajriba nazorat guruhi sportchilarining jismoniy tayyorgarlik darajasini aniqladik. Olingan natijalar 1-2 jadvallar orqali berildi.

Olingan pedagogik tajriba natijalariga ko'ra tajriba va nazorat guruhi Jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanuvchi talaba qizlarning jismoniy tayyorgarlik darajasi tajribadan oldin quyidagicha farqlanadi.

100 metr masofaga yugurish bo'yicha yugurishda tajriba guruhi qizlari o'rtacha natijasi 15,4 sek, nazorat guruhi qizlari 15,2 sek ni tashkil etdi.

3x10 m Mokisimon yugurish bo'yicha yugurishda tajriba guruhi qizlari o'rtacha natijasi 10.40 sek, nazorat guruhi qizlari 10.41 sek ni tashkil etdi.

Joydan turib uzunlikka sakrash bo'yicha yugurishda tajriba guruhi qizlari o'rtacha natijasi 178 sm, nazorat guruhi qizlari 176 sm natija ko'rsatishdi.

Yugurib kelib yuzunlikka sakrash bo'yicha yugurishda tajriba guruhi qizlari o'rtacha natijasi 341 sm, nazorat guruhi qizlari 340 sm natija ko'rsatishdi.

Yugurib kelib yuzunlikka sakrash bo'yicha yugurishda tajriba guruhi qizlari o'rtacha natijasi 541 sm, nazorat guruhi qizlari 537 sm natija ko'rsatishdi.

3-jadval

Tajriba va nazorat guruhlarida tadqiqot natijalarini taqqoslash

T/r	Ko'rsatkichlar	Tajriba guruhi		Nazorat guruhi	
		\bar{X}	O'sish	\bar{X}	O'sish
1	100 metrga yugurish (s)	15.4	1.2	15.2	0.55
2	3x10 m Mokisimon yugurish (s)	10.40	0.10	10.41	0.07
3	Joydan turib uzunlikka sakrash (sm)	178	12	176	8
4	Yugurib kelib yuzunlikka sakrash (sm)	341	11	340	9
5	Joydan turib uch xatlab sakrash (sm)	541	24	537	18

XULOSA

Olib borilgan izlanishlarimiz va adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatdiki, talaba qizlarning jismoniy tayyorgarligi asosiy omil bo'lib hisoblanadi. Jismoniy tayyorgarlik ko'rsatkichlarini maxsus testlar yordamida rivojlantirish va baholash mumkin bo'ladi. Talaba qizlarning musobaqalarda bellashuvlarni olib borishlarida jismoniy tayyorgarlik ko'rsatkichlari bo'yicha tafovutlarning mavjudligini qayd etish mumkin. Olingan natijalar asosida aniqlandiki, talabalarning jismoniy tayyorgarligini rivojlantirish muayyan darajada harakatlar tezligini belgilaydi, shuningdek bu jarayon tezlik hamda chaqqonlikni talab qiluvchi bellashuvlarda va musobaqalarda ham katta ahamiyatga ega.

Olib borilgan tajribamizdan orqali muntazam mashg'ulot davomida va mashg'ulotdan bo'sh vaqtlarida xarakterli o'yinlardan foydalanib turilsa talaba qizlarning texnik va jismoniy tayyorgarliklarini rivojlantirish orqali har tomonlama optimal sport formasiga ega bo'lgan sportchi talaba qizlarni tarbiyalash mumkinligi to'g'risidagi fikrimiz tasdiqlandi. Mashg'lotlar davomida milliy va harakatli o'yinlardan to'g'ri foydalanilsa shikastlanish hamda jarohatlanishlarni oldini olinishini ham mumkin.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5924-sonli Farmoni. 2020 yil 24 yanvar.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Gimnastika bo‘yicha Oksana Chusovitina sport mahorati maktabini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-163-son Qarori. 2022 yil 14 mart.
3. F.A.Kerimov “Sportda ilmiy tadqiqotlar” Darslik. T. 2020.-263 b.
4. P.C.Саламов. Jismoniy tarbiya va uslubiyyati. 1,2 jild.T.ITA-press. 2018 yil.
5. Юнусова Ю.М. “Теория и методики физической культуры.” Учебник Т. 2007 год.
6. T.S.Usmonxo‘jayev, A.A.Pulatov, Sh.A.Pulatov, D.X.Abdullayev. “Xalq xarakatli o‘yinlari nazariyasi va amaliyoti”. Darslik. T., 2014 yil.
7. T.S. Usmanxodjayev, Sh.X. Isroilov, A.A. Pulatov, Sh.A. Pulatov. Milliy va harakatli o‘yinlar. Darslik. T.: «Iqtisod-Moliya», 2015. yil.
8. M.A.Qurbonova, M.U.Qosimova. Milliy va harakatli o‘yinlar: O‘quv-uslubiy qo‘llanma. T., 2009. – 66 b.
9. Berdiyev F. O. ERKIN KURASHCHILARNING MUSOBAQA OLDI TAYYORGARLIK BOSQICHIDA TEZKOR-KUCH SIFATLARINI TAKOMILLASHTIRISH //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – T. 2. – №. 3. – C. 61-67.
10. Yusupova M.Y. Sport takomillashuv guruhlarida dzyudochilarning kuch va tezkor kuch qobiliyatlarini rivojlantirish. //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – T. 2. – №. 3. – C. 78-82.
11. Yuldashevich T. J. Methodological Features of The Application of Unconventional Means of General Physical Training in The Teaching and Training Process of Young Greco-Risk Style Wrestlers //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – T. 4. – C. 58-62.



ALISHER NAVOIYNING "SAB`AI SAYYOR" DOSTONIDAGI OLTINCHI HIKOYA TAHLILI

T. Sabitova

Chirchiq davlat pedagogika instituti dotsenti

D. Anisbekova

Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada dostonning oltinchi musofir tomonidan aytilgan hikoya ancha tarbiyaviy ahamiyatga molikdir. Bu hikoya ikki qarama-qarshi harakterlarni ko`rsatadi. Ular bir hil sharoitda ish tutadilar. Ana shu sharoitda bu harakterlar o`rtasidagi ziddiyat aniq ko`rinadi. Shuningdek, bu asarda ertak motivlari asosida berilgan hikoyadagi Muqbil ijobiy timsol bo`lib, ma'nosi ham iqqbolli, bahtli degani. Mudbir esa salbiy timsol bo`lib, ishi orqaga ketuvchi , bahtsiz, yolg'on gapiruvchi kimsadir. Bu hikoyada Muqbil o'zining yahshi amallari va halollik, to'g'ri so'zligi bilan kamol topadi, Mudbir esa o'zining xudbinligi, qora niyatligi bilan zavol topadi.

Kalit so`zlar: halollik, yolg'on, noshukurlik, baxt, odob, Muqbil, Mudbir, qissa, harakter, sabr, ertak.

ABSTRACT

The story told in this article by the sixth alien of the epic has a much greater educational significance. This story shows two opposing characters. They behave in the same conditions. It is in these conditions that the conflict between these characters is clearly visible. It should be noted that in this work, the alternation in the story given based on the fairy tale, Mukbil is a positive embodiment, and also means wise, happy. And Mudbir is a negative symbol, which means one whose work is backward, unhappy, deceitful. In this story, Mukbil thrives thanks to his good deeds and honesty, the right word, while Mudbir will ruin his life thanks to his selfishness, blackness.

Keywords: honesty, lies, ingratitude, happiness, morality, Mukbil, Mudbir, narration, character, patience, fairy tale.

KIRISH

Bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biri ajdodlarimizning yaratgan asarlarining asl mohiyatini singdirishdan iboratdir. Shunday ekan har bir maqola yoki tezisda aytiladigan fikrlar insonlarning ma'rifatini oshirib, ma'naviyatini yuksaltiradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ulug' mutafakkir shoir Alisher Navoiy o'zining "Xamsa"ga kirgan beshta dostonida ham xalq og'zaki ijodiyotidan unumli foydalangan.

Aayniqsa, "Xamsa"ning to'rtinchi dostoni bo'lgan "Sab'ai sayyor" asaridagi yetti darveshlarning xikoyalarining har biri xalq og'zaki ijodiyoti asarlari bilan yo'g'rilgan.

Dostondagi oltinchi hikoya to'g'rilik, halollik, haromxo'rlik, yolg'on, shukrona va nashukurlik to'g'risidadir. Muqbil rozilik, shukrona timsolidir. U har doim shukrona qiladi, mazlumlarga shafqat bilan qaraydi, to'g'rilikdan sira boshqa yo'lga yurmaydi. Shuning uchun Muqbilga iqbol va saodat kulib boqdi. Muqbil shu sifatleri tufayli go'zal malikaning muhabbati va visoliga erishdi, katta obro' va yuksak mavqe'ni egalladi. Bular hammasi Muqbilning to'g'riligi, halol va pokligi uchun berilgan taqdir mukofotidir.

Mudbir esa Muqbilning tamomila aksi bo'lmish obrazdir. U hamma narsadan norozi, hamisha noshukur. Mudbirning butun qilmishlari uning tabiatidagi noshukurlik, kajbahslik, manfaatparastlik va yolg'onchilikni ko'rsatib turadi.

Navoiy Mudbir singari tor fikr, noshukur, mavjud ne'matlarni qadr qilmay faqat fitna fasod bilan mashg'ul ig'vogarlarni tanqid ostiga olmoqda. Yomonlik va yolg'on Mudbirning vujudiga singib ketgan. Uni tuzatishning iloji yo'q. Shuning uchun halokati muhaqqaq edi.

Mana shu ikki qarama-qarshi ma'no anglatuvchi ismli kimsalar Boxtar degan joydan Xovirga yo'l oladilar. Ularning ishi tunu kun davomida yo'l bosish bo'ldi. Yo'lda tikanli, havosi buzuq vodiyan o'tishga to'g'ri keldi. Vodiyni qaynoq, issiq vodiya deb atashardi. Shuning uchun odamlar ham, hayvonlar ham bu erga oyoq bosmaganlar. Ikki hamroh shu erdan o'tishga majbur bo'ldilar. Havo jazirama issiq, uning ustiga, qandaydir hid qo'shilib, nafas olishni qiyinlashtirdi. Irodasiz, chidami yo'q Mudbir hushini yo'qotib, ro'y berayotgan holatdan shikoyat qila boshladi. Shikoyat qilganda ham Xudoga qarab, uni ayblashga tushdi. "Bu ne havo bo'lg'ay", dedi. " Suv yaratmoq, magar erur dushvor", dedi. Ya'ni Xudoni ayblab, suv yaratish shunchalar qiyinmi, degan so'zlar bilan arz qildi. Hatto Muqbilga qarab:

*"Seni ko'rmak ne shum kun erdi,
Ki yomon muncha xosiyat berdi",-*

dedi. Bu bilan Mudbir Muqbil bilan uchrashgan kunini qoraladi. Uning aytishicha, shunday ko'ngilsiz, bexosiyat vaziyatga tushishining sababchisi Muqbil ekan.

Muqbil ro'y berayotgan yo'l azobini Alloh yuborayotgan sinov deb tushundi. Sabr va iroda bilan bu sinovga chidash uchun qalbiga Alloh yodini singdirishga urindi:

*Muqbil erdi Xudoy ila mashg'ul,
Zikru tasbehi Tangriga maqbul.*

Mudbirni ham sabr qilishga undadi. Ammo hamrohi borgan sari battarroq dod solaverdi. O'rtada ayriliq bo'lur, degan gaplar ham bo'lib o'tdi. Chunki Muqbil Mudbirning arz-shikoyatlaridan to'yib ketgan edi. Mudbir shu zahoti tavbasiga tayanib, yalinishga majbur edi. Yomon odatlarini tashlashga va'da berdi. Muqbil unga ishondi. Oxiri ofat vodiysi tugab, bir dengiz qirg'og'iga etib kelishdi. Bir kemachi ularga qayiq berdi. Qayiqni katta kemaga bog'lab safarga ketdilar. Ammo kema shu qadar shiddat bilan ketar ediki, qayiqdagilar tang ahvolda qolishdi.

Mudbir yana o'z qilig'ini boshladi. Allohni insofsizlikda aybladi. O'z bandalariga zulm qilish bilan band ekanini ayta boshladi. Uning gaplari Yaratganga ma'lum bo'ldimi, katta to'fon boshlanib, qayiq kemadan uzilib ketdi. Kemadagilarning ko'pchiligi g'arq bo'ldi. Qolganlari har tarafga yoyilib ketdi. Qayiq ichidagi Mudbirning ahvoli yana xaroblashdi. Muqbil bo'lsa, yana Xudoga yalindi. Umid bilan yaratgandan shafqat kutdi. Nihoyat, uning duolari mustajob bo'lib, dengiz tinchidi.

Qiyinchilik dardi arigan Muqbil o'sha zahoti Allohga shukr qildi va o'z panohida asrashini yaratgandan so'rab duolar o'qidi. Qayiq tinchgina suzib borar ekan, uzoqda bir qora narsa ko'rindi. U erdan odamga rohat bag'ishlovchi xushbo'y sandal hidi kela boshladi. Ikki hamroh qayiqni o'sha tarafga haydadilar. Oxiri manzilga etib kelishganida qora narsa ulkan bir sandal daraxti bo'lib chiqdi. Daraxt atrofdagi bor quruqlikni egallagan edi. Daraxtning g'ovagidan bir buloq suv oqib, dengizga qo'shildilar. Hamrohlar qayiqni bir ildizga bog'lab, chanqoqni qondirish harakatiga tushdilar. O'sha erda bir o'yilgan yozuvlari bor tosh ham turgan ekan. Yozuvda: "Bu daraxt "sandali siliyo" ("Sehri sandal") deb ataladi. Chashma suvidan sodiq - rost, to'g'ri, sadoqatlinodam ham, kozib - yolg'onchi ham ichib, chanqog'ini qondirishi mumkin. Ammo to'g'ri ichgandan keyin bir oygacha er-icharga hojatmand talabgor bo'lmasa, kozib ichsa, uch kun

o'tgach, suvu taom tilagaydir va chashmadan chanqoq qondirgan odam keyin yolg'on gapirsa, shu zahoti qorni chok bo'lg'usidir (qorni yoriladi). Ki hamul dam halok bo'lg'usidir", deb aytilgan ekan. Yana "Yuqoridagilar ichishga tegishli, ichiga kirishning o'zga xosiyati bor: yolg'onchi kirsas, dam o'tmay kuyadi. Rostgo'y kirsas, unga hech qanday zarar tegmaydi. Cho'milish uchun ko'zini yumadi. Qulog'u burnini berkitib sho'ng'iydi. Boshini suvdan chiqarsa, shunday ajoyibotlarni ko'radiki, ularni aytishga so'z ojiz. Lekin bir cho'milgan kimsa yana cho'mila olmaydi. Xohish bildirib sho'ng'imoqchi bo'lsa, suv pasayib ketadi" deyilgan edi. Nihoyatda chanqagan Mudbir „, yolg'on demakni tark ettim", dedi-yu suvdan ichdi. Sadoqatli Muqbil esa, Robbiga shukr qilib, shundan so'ng suvdan ichdi. Mudbir "sug'a kirmak" istagan edi, suyagigacha kuyib ketdi. Darhol o'zini suvdan oldi. Muqbil lungi bog'lab suvga tushdi, keyin sho'ng'idi. Bo'yini chiqargan edi, toza zilol suvli hovuzga ko'zi tushdi. Atrof Eram bog'idek go'zal edi. Hovuzdan chiqmoqchi edi, kumushtan qizlar unga yordam berdilar.

Uning tanasini yumshoq sochiqlar artib quritdilar. Hashamli kiyimlar kiydirishdi. Chor atrofda sandal hidi ufurib turar edi. Boshiga kiydirilgan ajoyib salladan ham sandal hidi kelardi. Qizlar nazokat bilan uning qo'lidan ushlab, sandal qasriga yo'l olishdi. Muqbil sandal qasriga qadam qo'yganida es-hushini yo'qotdi. Qasrning shipi, ravoqi, eshigi, oyoq osti erlari - hammasi sandal hidi edi. To'rida sandaldan yasalgan taxt, taxtda yuzi quyoshdek yorug', olam mulkiga shohlik qilishga arziydigan farishtasifat go'zal qiz o'tirardi. Muqbil unga ko'zi tushdi-yu, qoni qurib, "rangi sarg'aydi". Zarb bilan erga yiqildi.

Muqbil parivash qiz uning oldiga kelib, shirin so'zlar aytganida bir necha marta behush bo'lardi va yana o'ziga kelardi. Oxiri qiz uni sandal taxtga taklif qildi. Ammo Muqbil taxtga o'tirishni o'ziga loyiq topmay, taklifni rad etdi. Qiz bilan yigit o'rtasida shirin suhbat bo'ldi. Oxiri Muqbil uyquga ketdi. Ertalab kechagi voqealarni eslar ekan, u hovuz suviga bir necha marta sho'ng'idi. Ammo avvalgi saroy, hashamatli qabullarni boshqa ko'rmadi. Mudbirga boshidan o'tganlarni aytmedi. Buloq boshidagi toshga qaragan edi, yana qandaydir yozuvlarga ko'zi tushdi.

Yozuvda kimki hovuz suviga kirib, g'aroyib voqealarni ko'rgan bo'lsa, chiqqani zahoti o'zini chetga olishi, dengiz suvi uzra safarga chiqishi lozim, degan qayd bitilgani uchun bu erda qolishni xatarli hisoblab, zudlik bilan qayiqni echdi va Mudbir bilan yo'lga tushdi. Ammo kayfiyati borgan sari yomonlashdi. Mudbir undan bo'lib o'tgan voqealarni

so'radi. Muqbil javob bera olmadi. Shunda Mudbir hamrohiga buloq bo'yida devu parilar ta'sir qilgan bo'lsa kerak, deb o'yladi. Uning ustiga dengizda bir katta kema ko'rindi. G'aroyib shamol qo'zg'aldi-yu, qayiq kema tarafga suzib ketdi. Ko'p o'tmay, kemaga urilib to'xtadi, shamol xavfidan tezroq qutulish uchun ikki yigit kemaga chiqib olishdi. Taajjub, kemada biron-ta tirik zot yo'q edi. Hamma yoq sandal yog'ochi bilan to'la edi.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Shoir o'z o'quvchisini kema tarixi bilan tanishtiradi. Xovar yurti podshohining pariga o'xshagan bir qizi bor ekan. Shoh uni juda yaxshi ko'rar ekan. Ammo qiz bechora bosh og'rig'i dardiga duchor bo'libdi. Bu dardga faqat sandal daraxtining xushbo'y hidi davolik qilar ekan. Shuning uchun shoh qiziga atab sandal daraxtidan qasr qurishni buyuribdi. "Sandaldan yasalgan qasrda qizim yashab dardidan xalos bo'lsin", debdi shoh. Buyruqni bajarish uchun Hind mulkidan bir kema sandal daraxti olib kelishayotganda kema girdobga uchrabdi. Ko'p vaqt kemadagilar girdobdan qutulisha olmabdi. Ovqat zahiralari tugab, hamma halok bo'libdi. Bu mahal dengiz uzra shamol turib, kema girdobdan qutulibdi. Muqbil bilan Mudbir ana shu hodisadan keyin kemaga duch kelishgan ekan. Kemadagi mayyit (vafot etgan odamlarning jasad)larni ko'rgan Muqbil nolayu oh chekadi. Butun vujudi bilan fig'on chekib, dengiz ichida o'zini yakka his qiladi. Mudbir bo'lsa, mayyitlarni suvga ota boshladi. Uning ko'nglida sandal daraxtlariga, hatto kemaga ega bo'lish niyati avj oldi. Kema shamolning ixtiyori bilan bir sohilga yaqinlashdi. Bu sohil Xovar yurti edi. Yurtning podshohi o'sha kuni tomosha qilishga mayl etib, daryo qirg'og'iga kelgan edi. Ko'zi kemaga tushdi.

Xizmatkorlar kemaga chiqishgan edi, ikki odamni ko'rdilar. Ularning biri shod, biri g'amgin edi. Podshohning xohishini aytishgandi, Mudbir shahdam yurib, shoh huzuriga etib keldi. Mudbir yana o'zi odat qilgan ishini davom ettirdi. U Xovar yurti shohiga o'zini tojir - savdogar qilib tanishtirdi. Savdogarlik bilan shug'ullanishini aytib, kemasidagi odamlar nobud bo'lganini, sohilga bir amallab etib kelganini, faqat Muqbil ismli quli qolganini ma'lum qilyapti. Esingizda bo'lsa, sirli buloq boshida yolg'on gapirmaslikka so'z bergan edi. Buloq yonidagi tosh yozuvida buloqdan suv ichgan odam keyin yolg'on gapirsa, qorni yorilib o'lishi aytilgan edi. Mudbir o'z odatini tark qilmadi. Yolg'on gapirdi. Hatto hamrohi Muqbilni o'zining yagona qolgan quli deb tanishtirdi. Shu yolg'onlari bilan o'zini o'zi o'lim jazosiga hukm

qilganini bilmay qoldi. Bu lavha bilan Alisher Navoiy ayb qilgan odamni bir kechirish, ikki kechirish mumkin. Lekin "Ko'za kunda emas, kunida sinadi" deganlaridek, odamlar jazolamasa, Allohning o'zi uni jazolaydi, demoqchi. Haqiqatan ham Mudbir gapini tugatmasidan tani shisha boshladi. Ya'ni shishidan kiyimlari yorilib ketdi. Ko'ksi ham yorildi va o'ldi.

Podshoh umri bino bo'lib, bunday o'lim ko'rmagan edi. Shundan keyin shoh kemandagi notavon Muqbilni olib kelishni buyurdi, Mudbir jasadini yashirib qo'yishdi. Yigit kelganidan so'ng shoh batafsil so'roq boshladi. Kema kimniki, sandal daraxtlari kimniki: birma-bir javob berish talab qilindi. Ammo Muqbil bu savollarga javob berolmadi. Boshidan kechirganlarini shohga ro'y-rost ma'lum qildi. Uning gaplari shohga ma'qul bo'lib, nima tilagi borligini so'radi. Shunda Muqbil samimiyat bilan shohga umri davomida shohlik qilishni, baxtli bo'lishni tiladi va so'zi yakunida bandasini - o'zini ozod qilishini so'radi. Bu niyatlardan keyin podshoh yigitga o'z farzandidek mehr qo'ydi. Unga mamlakatiga vazir bo'lishni taklif qildi. Muqbil rozi bo'ldi. Ammo bu bilan yigit kelajagi to'xtamadi. Uni shoh o'zining yagona qiziga uylantirdi. Sandal qasrlar qurib bitkazildi. Qisqasi, sirli hovuzda ko'rgan-kechirganlari boshidan takrorlandi. Yana pariga o'xshagan qiz. Yana sandal taxt. Yana hushdan ketishu hushga kelishlar qaytadan jonlandi. Go'zal qiz Muqbilga hovuzda ko'rganlari naqshlardan - xayoliy tasavvurlardan iborat ekanini, yigitning rostgo'yiligi, sabri, irodasi bu tasavvurni Alloh xohishi bilan rostga aylantirganini tushuntirdi.

Shu bilan Muqbil o'zining baxtini topdi, mushkullari oson bo'ldi. Hikoyaning zaminini Alisher Navoiy bildirmoqchi bo'lgan eng asosiy o'git - imonli bo'lish o'giti tashkil etgan. Shoir fikricha, inson imon bilan insondir. Imon esa ishonch, sabr va rostlik birligidan iborat. Odamlar musibatidan aziyat chekish (Muqbilning kemandagi mayyitlarni ko'rganidan keyin ohu nola chekkanini eslang), hech qanday guvohsiz haq so'zga amal qilish, hayot mushkulotlarini iroda bilan kutib olish, sabrli bo'lish va, tabiiy, ilm olish (Muqbilning muomalasiga diqqat qiling, tosh yozuvlarini o'qishiga, ularga amal qilishiga e'tibor bering) kabi fazilatlar insondagi imonni chiniqtiradi. Bu o'gitlarning hammasi, avvalo, doston

o'quvchisiga, qolaversa, Husayn Boyqaro, Badiuzzamonga qaratilgan edi. Bu hikoyaning Doston yakuniga kelib Bahrom va Dilorom voqeasini belgilovchi qoliplovchi hikoyadan oldin berilishi ham bejiz emas. Oltinchi darvesh aytib bergan tarixda shoir eng oddiy odamlarni asariga qahramon qilib kiritgan.

Bu bilan yaratgan oldida shoh ham, oddiy banda ham teng ekaniga urg'u berilgan.

Талаба ёшларнинг саломатлик ҳолати бўйича олинган натижалар ҳаракат фаоллигини етишмаслигини кўрсатади ва бу саломатлик ҳолатида турли оғишларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатни бартараф қилиш мақсадида барча олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия кафедраларини қайта тиклаш, жисмоний тарбия бўйича соатлар ҳажмини ҳафтасига 6 соатгача кўпайтириш ва ўқув режа жадвалига киритиш, мустақил таълимни самарали ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масаларига бағишланган йиғилишда” ги нутқи, 2018 йил 21 сентябрь, “Халқ сўзи газетаси”, 1-2 бет.
2. Узянбаева Р.Г. Комплексный подход к формированию культуры здоровья студентов //Теория и практи. физ. культ., 2007, №5, с. 49-51.
3. Юров Ю.М. - Кластерно – модульный подход в физическом воспитании студентов с ослабленным здоровьем. / Учебно – методическое пособие по физической культуре. Тамбов, 2008, стр. 3-10, стр.66.
4. Мельникова О.А. - Дифференцированный подход в физическом воспитании студентов специальной медицинской группы с дисплазией соединительной ткани. // Теор. и практи.физ.культуры, № 2, 2009, стр.
5. Козлова О.А. - Дифференцированная методика физического воспитания студенток с учетом их нозологии и психофизического состояния. // Теория и практика физической культуры, № 9, 2010, стр. 69.
6. Оболочков С.Г. Программно-методическое обеспечение занятий с девушками специальной медицинской группы на младших курсах педагогического вуза. //Теория и практи.физ.культуры,2010,№2,48 с.
7. Юрченя И.Н., Барташевич О.Н., Саркисова Н.А. В.А.Абаев, Т.В.Барышникова, Е.Ю.Кизиляева Оценка состояния здоровья студенческой молодёжи,обучающейся в неспортивных вузах.// Сб. материалов Всероссийской научно-практической конференции с межд.участием, Инновационные технологии в системе спортивной подготовки, массовой физической культуры и спорта,-17-18 октября 2019г. С-Петербург.,стр.221-223.
8. Максимова Е.Н.Индивидуальный ориентированный подход к физкультурному образованию студентов специальной медицинской группы аграрного вуза. / Диссертация кандидата педагогических наук Смоленск, 2006.,181с.
9. Гильфанова Е.К., Аглеев В.Ф.Применение фитнес-йоги в физическом воспитании студентов специальных медицинских групп в педагогическом вузе //Теория и практика физической культуры, 2009.-№8.-с.-18.
- 10.Ассекретова М. А. Инновации в системе физической культуры /В сб. Физическое развитие студентов в современном мире Материалы межд. Научно-практической конференции, с-Петербург, 2019, с. 359-361.
- 11.Кривошекова О.Н., Бебинов С.Е., КрыловаТ.И., Якименко С.Н.,-Динамика физического развития и заболеваемости



обучающихся вуза, /О.Н. Кривошекова, // Ученые записки университета имени П.Ф.Лестгафта.-2018.- №10 с. 145-147.

12. Якименко С.Н. – Дифференцированный подход к использованию физических средств восстановления. //Теория и практика физической культуры, 2005, №10, с. 46-48.

13. Григорьева И.Н. Распространение Вич-инфекции как следствие падения нравственных ценностей. //материалы межд. научно-практической конференции 11-12 апреля 2019 г. С-петербург.,с. 190-193.



ИПАК ҚУРТИНИ БОҚИШ ВА ПИЛЛА ЎРАШ ДАВРИНИНГ ПИЛЛА СИФАТИГА ТАЪСИРИ

Зиёдулла Абдумухтарович Қодиров
Бобур Мирзо Бахтияр ўғли Шакиров
Иноятхон Олимжон қизи Мадаминова
Андижон машинасозлик институти
ziyodulla.78@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ипак қуртини боқиш ва пилла ўраш даврида олиб борилиши зарур бўлган муҳим агротехник тадбирлар баён этилган. Ипак қуртининг ҳар бир ёшида керак бўлган озуқа, ҳар бир ёши учун қанча майдон керак бўлиши ва зарур микроклим шароитлари тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган. Шу соҳа бўйича иш олиб борган республикамиз ва хорижий олимларнинг илмий тадқиқот ишлари ҳам таҳлил қилинган. Шунингдек, ипак қуртини боқиш ва пилла ўраш даврининг пилла сифатига таъсири ўрганилиб, сифатли пилла хом ашёси олиш учун ипак қуртини боқишда нималарга аҳамият бериш кераклиги ҳақида тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ипак қурти, пилла, пилла ўраш даври, пилла сифати, тут барги, ҳаво ҳарорати, ҳавонинг нисбий намлиги.

ABSTRACT

This article presents the important agro-technical measures that need to be taken during the feeding of silkworms and cocoon curling. Information is also provided on the nutrients that silkworms need at each age, how much space they need for each age, and the microclimate conditions required. The research work of national and foreign scientists working in this field was also analyzed. The effects of silkworm feeding and cocoon curling on cocoon quality were also studied, and recommendations were given on what to look for when feeding silkworms to obtain quality cocoon raw materials.

Keywords: silkworm, cocoon, cocoon curling period, cocoon quality, mulberry leaf, artificial cocoon, air temperature, relative humidity.



КИРИШ

Республикамизда сифатли пилла хом ашёси етиштириш, етиштирилган пилладан жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган юқори сифатли хом ипак чувиб олиш, ипакли маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва ассортимент турларини кенгайтириш, таннархини камайтириш, маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ипакчилик тармоғини ривожланиши пиллакорларнинг даромад манбаини оширибгина қолмай, балки етиштирилган пилла миқдорини кўпайишига, ундан олинadиган хом ипак, ипакли маҳсулотларнинг миқдорини ортишига ҳамда хорижий давлатларга экспорт қилиш ҳажминини кўпайишига олиб келиш билан бирга Республикамиз иқтисодиётининг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади.

Пилла ва хом ипак сифатини яхшилаш эса ипак куртини боқиш ва пилла ўраш давридаги шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Пилла сифатини яхшилаш, боқилган ҳар бир кути ипак куртидан олинadиган пилла ҳосилини имконияти борича ошириш бир қатор агротехника ва ташкилий тадбирларга амал қилишни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тут ипак куртини боқиш жуда сермашаққат жараён ҳисобланади. Чунки 1 кути тут ипак куртини V ёшида боқиш учун 50-60 м² жой керак бўлади. Шунинг учун муаллифлар томонидан янги ғаладонли кўп қаватли сўкчакли тут ипак курти боқишнинг юқори самарали агротехникаси яратилган. Натижада 3-4 кути ипак курти уруғини 50-60 м² жойда боқиш имконияти яратилган. Улар томонидан таклиф қилинган рамка - қопламали сўкчакларда ипак куртини кичик ёшларида 8-12 марта ўрнига 4-5 марта озиклантириб парваришлас, шу ёшда озуқадан 25-30% тежашга олиб келган, меҳнат ва иситиш ҳаражатларини камайтирган ва энг асосийси бу усулда етиштирилган пиллаларнинг 92,3% навли пиллаларни ташкил этган. Рамкали-қопламали сўкчакларда етиштирилган пиллалардан ипак чиқиши 42,6%, чувилувчанлиги 87,5% ни ташкил этган бўлса, оддий сўкчакларда етиштирилган пиллаларда хом ипак чиқиши 41,8%, чувилувчанлиги 85,5% ни ташкил этган [1].

Кичик ёшдаги куртлар териб олинган тут баргларини 5–7 мм кенгликда “угра” шаклида кесиб боқилади. Бунда куртлар ғана остида қолиб кетишини олди олинади ва куртлар бир текис ўсишига эришилади. Биринчи ва иккинчи ёшдаги куртларга сутка



давомида ҳар икки соатда 8–10 марта барг берилади. Қуртлар ёшдан-ёшга ўтиши билан уларга ажратиладиган жой ҳам кенгайтирилиб борилиши керак. Бир қути қуртларни боқиш учун I-ёшда – 2 м²; II-ёшда – 5–6 м²; III-ёшда – 12–15 м² сатҳдаги қурт боқиш майдони талаб этилади. Кичик ёшдаги қуртларни парваришlashда ҳаво ҳарорати ва унинг нисбий намлиги жуда катта аҳамиятга эга. Ипак қуртининг меъёрида ўсиб ривожланиш, қуртларнинг барг ейиш фаоллиги, уларни қурт организмида ҳазм бўлиши ва ёшдан-ёшга ўтиши қуртхонадаги ҳароратга боғлиқ.

Кичик ёшларда қуртхонада ҳарорат 26–27⁰ С, нисбий намлик 65–75 фоизни ташкил этиши лозим. Бундан ташқари ҳар 2–3 соатда хоналарни 15–20 минут шамоллатилиши боқиладиган қуртларни турли касалликларга чалинишини олдини олади. Катта ёшдаги қуртлар кесилмаган ва яшил шохчалар билан боқилади. Қуртлар бешинчи ёшга ўтиши билан барглари 70–100 см узунликдаги новдаси билан кесиб берилади. IV- ва V-ёшда суткасига 6 марта, ҳар 3 соатда барг солинади. Қурт боқилиши бу даврида ҳаво ҳарорати 24–25⁰ С, нисбий намлик 60-65% бўлиши талаб этилади. Ҳароратнинг пасайиши қурт организмида озуканинг ҳазм бўлиши ва модда алмашинувини сусайтиради, бу ўз навбатида қуртлик даврининг узайишига ва пилланинг майда бўлишига олиб келади. Қуртларга бериладиган озуканинг самарали ўзлаштирилиши, улар боқиладиган сўкчак юзасига боғлиқ[2].

Қуртлар бир меъёрида ўсиши, ривожланиши ва турли касалликлардан ҳоли бўлиши учун IV-ёшда – 25–30 м², V-ёшда – 60–70 м² сатҳ бўлиши керак. Қурт боқиш даврида, айниқса катта ёшдаги қуртларни ғаналаш катта аҳамиятга эга. Қурт чиқиндилари ўз вақтида олиб ташланмаса, уларнинг чириши натижасида зарарли газлар ажралиб чиқади ва турли касалликлар манбаи бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Тўртинчи ва бешинчи ёшларда ғана биринчи марта қуртлар пўст ташлаган куннинг эртасига алмаштирилади. Кейин эса ғана қай даражада тўпланишига қараб олиб турилади. Баргга тўйган қуртлар бешинчи ёшнинг 8–9 кунларига келиб озикланишдан тўхтади ва ўз организмини чиқиндилардан тозалаб пилла ўраш учун қулай жой излай бошлайдилар. Шу пайтда қурт боқувчилар биринчи дасталарни қўйиб қолган қуртларга барг бериб туришлари лозим, баргга тўйган қуртлар аста секин дасталарга қўтарила бошлайдилар.

Ҳар бир қути қурт ҳисобига 300–400 дона табиий ўтлардан даста тайёрланади. Бунинг учун мингбош, оқбош, читир ва сариқ гулли ўтлардан энг яхши дасталар тайёрлаш



мумкин. Пилла ўраш даврида қуртларга тоза ҳаво, мўътадил $25-26^{\circ}\text{C}$ ҳарорат ва нисбий намлик 60–65% бўлишини таъминлаш бўлажак пилла ҳосили мўл ва сифатли бўлишига замин тайёрлайди.

Муаллифлар томонидан юқори сифатли пилла ҳосилини олиш учун ипак куртини плёнка остида биологик фаол моддалар билан тўйинтирилган тут барглари ёрдамида боқишни тавсия қилинган. Уларнинг фикрича кичик ёшдаги ипак қуртларини плёнка остида, биринчи ёшда эса биологик фаол модда билан тўйинтирилган тут барги ёрдамида боқилганда, ипак қуртининг ривожланиш даври 1-1,5 кунга қисқаришини, пилла пўстлогидидаги ипак миқдорини ўртача 0.006 грам, ипакчанлигини 1% дан 4,01% гача, биринчи нав пиллалар миқдори 10,09% дан 16,09% гача ортганлигини ҳамда сифатсиз пиллалар миқдори эса 3,48% дан 6,18% гача, нуқсонли пиллалар миқдори 0,41% дан 1,13% гача камайган [3,4].

Муаллифлар томонидан ёзги кузги мавсумларда боқилаётган ипак қуртларини I ёшидан IV ёшигача намланган чойшаб остида боқишни усули тавсия қилинган. Чойшаб остидидаги намлик 80-90 % ни ташкил қилиб ҳаво ҳароратини $22-24^{\circ}\text{C}$ да ушлаб туриш имкониятини берган. Тут барг намлиги сақланиб унинг яхши истимол қилинишига эришилган. Барг сарфи камайиши хисобига иш унумдорлиги 2 маротаба ошган [5].

Мутахассислар томонидан ипак қурти озуқасининг ипак куртини касаллика чалинишига, ипак безининг фаолиятига, тут баргидан фойдаланиш коэффицентига ва пилла ҳосилдорлигига таъсири таҳлил қилинган. Муаллифларнинг такидлашича ипак қурти зоти ва дурагайлари хусусиятларидан келиб чиққан холда агротехник талабларга мос холда ипак қуртининг ёшлари бўйича етарли даражада боқиш майдони ва юқори сифатли озуқа билан таъминланиши хисобига, ипак қуртининг қуртлик даврини 0,5-1 кунга қисқаришига, 1 қути ипак қуртидан олинадиган ҳосилни 4-8 кг га кўпайишига ва етиштирилган пилла сифати кўрсаткичларини 3,5-4% гача ошишига эришилган [6].

Маълумки, ипак қурти ўзининг ривожланиш даврининг бешинчи ёшини охирига келиб яъни 8-кунидан бошлаб уч кун давомида пилла ўрашга киришади, тўла пилла ўраб бўлган ипак қуртлари 36-48 соат давомида пилла ичида ғумбакка айланади. Лекин бир вақтда битта қуртхонада боқилаётган ипак қуртлари бирданига тенг пилла ўрашга киришмайди. Бешинчи ёшини саккизинчи куни 30-35 фоиз, тўққизинчи куни 45-50 фоиз, ўнинчи куни 10-15 фоиз ва ўнбиринчи куни

эса қолган 5-10 фоиз ипак қурти пилла ўрашга киришади. Ипак қуртларини бундай бир вақтда пилла ўрашга тўла киришмаслигига асосий сабаблари; ипак қуртини кичик ва катта ёшларида боқиш учун ажратилиш керак бўлган боқиш майдони ва ёшлари бўйича боқиш учун зарур бўлган озуқа миқдорини агротехник талабларда белгиланган меъёрга мос келмаслиги, ипак қурти боқиладиган сўкчакларнинг ҳамма қисмларига ипак қуртлари ва озуқанинг бир хил тенг миқдорда тақсимланмаганлиги; қуртхонада яратилган микроиқлим шароитлар (ҳаво ҳарорати, нисбий намлиги, шамолатиб турилиши ва ёритилганлик даражасини) қуртхонанинг ҳамма қисмлари бўйича бир хил санитарик норма талабларига мос ҳолда таъминланмаганлиги сабабли ҳозирги кунда ҳамма мавжуд ипак қурти дурагай ва зотлари бешинчи ёшининг охирида 2-3 кунда баъзида эса 5-6 кун фарқ билан пилла ўрашга киришади [7].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институтида ипак қуртини плёнка остида боқиш технологияси яратилган. Бу технология бўйича ипак қуртлари полиэтилен плёнка билан ғона ости ва усти оралиғида ҳосил бўлган микроиқлимда парваришланади. Бу усулда ипак қуртини парваришланганда, кичик ёшларидаги қуртларни озиклантириш сони кескин камаяди, яъни 10-12 марта (оддий парваришlash усулида) ўрнига 2-3 марта озиклантирилади. Натижада, пилла етиштиришда озуқа ва меҳнат сарфи камаяди. Бу усул билан ипак қуртини парваришlash тут дарахтининг бутун вегетация давридан унумли фойдаланиб, фақат баҳордагина эмас, балки, ёз-куз мавсумларида ҳам пилла етиштириш имконини берган [8].

Муаллифлар томонидан пиллаларнинг чувилувчанлиги ва хом ипак чиқиши каби технологик кўрсаткичлари билан корреляцион боғланишда бўлган пилла қобиғининг дондорлик хусусиятига қуртларни парваришlash давридаги шароитнинг таъсири ўрганилди. Қурт боқиш шароити ўзгариб турганда, пилла қобиғи дондорлигида ҳам ўзгаришлар бўлишини хусусан, мўътадил шароитда ипак қобиғининг 1 см^2 сатҳидаги бўртмалар сони 54 та бўлган бир вақтда, худди шу зот қуртларини ноқулай шароитда парваришланганда бу кўрсаткич 40,4 тани ташкил этди. “С-8” ва “Орзу” зотларини қобиғининг дондорлиги бўйича грацияларга ажратиб чувиб кўрилди. Муаллифларнинг фикрича пилла қобиғининг 1 см^2 юзасидаги дунгликлар сони 38 та дан 123 та гача бўлса, шунга мос равишда пилланинг чувилувчанлиги



62,29% дан 81,53% гача, хом ипакни чиқиши 32,55% дан 42,52% га тенг бўлган [9].

Хорижий тадқиқотчилардан Ф.Накагава хом ипакдаги ҳалқа кўринишидаги нуқсонларнинг пайдо бўлиши пилла ипидаги халқалиликка боғлиқлигини, пилла ипининг халқалилиги эса ипак курти зоти ва пилла ўраш давридаги шароитга боғлиқлигини таъкидлайди [10].

Хитойлик тадқиқотчилар Фан Шун-Чао, Су Ле Шаньларнинг маълумотларига кўра пилла ипидаги халқалар пилла қобилининг тузилишига боғлиқ бўлади [11].

Японияда ипак курти парваришининг 60% да фракцион пилла ўраш усули қўлланади. Ипак куртини яшаши учун қулай шароитларни вужудга келтирувчи янги топилмаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши сифатли маҳсулот олиш ва энергиядан тежаб фойдаланиш имконини беради. Қўлланиладиган ҳаво иситиш системаси ёрдамида бутун куртхона эмас, балки поливинилхлориддан тайёрланган каналлар орқали иссиқ ҳаво бевосита ипак курти яшайдиган юзаларга узатилади ҳамда юқори ва пастки ҳаво оқими ўртасидаги ҳароратни тушиб кетишини олдини олади. Бу эса ёқилғи сарфини иқтисод қилишдан ташқари, оддий иситиш натижасида ипак куртини ривожланишида кузатиладиган фарқни йўқотади.

Хитойда ҳам ипак курти кичик ёшларида (I-III) марказлашган ҳолда катта ёшларида (IV-V) авваллари марказлашган ҳолда, ҳозирда эса алоҳида парваришланади. Курт боқишда юқори ҳароратли режим қўлланилади. Дасталар похолдан ва бамбукдан тайёрланади ва юқори сифатли пилла етиштирилади [12].



1-расм. Ипак курти ва пилла.



2-расм. Ипак қуртиниң дастада жойлашиши ва тут барги билан озиқланиши.

Ипак қуртини марказлашган усулда боқилганда, унинг ҳаётчанлиги ошади, меҳнат сарфи икки марта камаяди, янги яратилган агротехник усулларни қўллашга шароит яратилади, нуқсонли пиллалар улуши камаяди, ҳосилдорлик, пиллаларнинг ўлчамлари бўйича бир хиллиги ва сифати ошади.

Ипак қуртини ўсиши ва ривожланишида қуртхоналарда яратилган микроиклим шароитлар асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки ипак қуртиниң қуртхонадаги ҳароратга бўлган сезгирлиги жуда юқори бўлади. Ипак қуртларини барг ейиши, уни ҳазм қилиши, бир ёшдан иккинчи ёшга ўтиши қуртхонадаги ҳаво ҳароратига боғлиқдир.

Японияда I-II ёшдаги ипак қуртлари 87 % марказлашган ҳолда ҳаво ҳарорати 26-28 °C ва намлиги 80-90 % бўлган шароитда кунига 2-3 марта озиқлантирилиб парваришланади. Маълумотларга кўра, марказлашган усулда етиштирилган пиллалар- дан олий нав пиллалар чиқиши 5,5 % дан 16,6 % га ошган. Учинчи навли ва яроқсиз пиллаларнинг ўртача кўрсаткичи 14,2 % га камайган.

Д.Болтабоевнинг ҳам маълумотларига кўра, шундай усул билан етиштирилган пиллалардан олий нав пиллаларнинг чиқиши 5,5% дан 13,7-16,6% га ошган. Учинчи навли ва яроқсиз пиллаларнинг ўртача кўрсаткичи 14,2% га камайган [13].

Ипак қуртини турли хил қопламалар остида парваришlash усули Япония ва Хитойда кенг қўлланилади.

А.Ю.Рахимов томонидан пилла ўраш жараёнида сунъий дасталардан фойдаланишни тавсия қилинган. Сунъий дасталарни қўлланиши ҳисобига бир хил ўлчамдаги пиллалар миқдори кескин ошиши билан бирга биринчи нав пиллалар миқдори 12% дан 18% гача қўпайган, пилла ўраш жараёнида ҳосил бўладиган лос миқдори эса 1,3% дан 1,4% гача камайиши билан бирга унинг ифлосланиш даражаси 7,06% дан 9,5% ни ташкил қилган [14].

Ҳаво ҳарорати пилланинг вазнига, сифати ва ҳосилдорлигига ҳам таъсир этади. Айниқса, кичик ёшдаги ипак қуртларига бу жараён жуда кучли таъсир қилади. Ипак қуртини яхши ўсиши ва ривожланиши учун энг мақбул ҳарорат 25-27 °С. I-III ёшдаги ипак қуртлари 26-27 °С да боқилганда пилла сифати яхши бўлади. Ҳаво ҳароратини кўрсатилган чегарадан ошиши пилла ўрамайдиган ёки сўкчакка пилла ўрайдиган ипак қуртларининг сонини қўпайишига сабаб бўлади. I-III ёшдаги ипак қуртларини боқиш давридаги ҳарорат етиштирилаётган пилла миқдорига жиддий таъсир қилади. Масалан, ипак қуртларини I-III ёшда 27-28 °С ва 29-30 °С да боқилганда етиштирилган пиллаларнинг оғирлиги 26-27 °С даги боқилган пиллаларга нисбатан кўпроқ бўлган. Масалан, ипак қурти I-III ёшда 23 °С ҳароратда боқилганда етиштирилаётган пилланинг оғирлиги 1,75 гр; 25 °С да 1,82 гр; 28 °С да 1,95 гр бўлган.

Қуртхонадаги нисбий намликни ортиши билан ипак қуртининг юрак уриши ҳам ўзгариб боради. Масалан, қуртхонадаги нисбий намлик 60 % бўлса ипак қуртининг юраги минутига 39 марта уради. Нисбий намлик 75 % бўлса 42 марта, нисбий намлик 90 % бўлса 46 марта уради. Бу тажриба V-ёшдаги ипак қуртларида ўтказилиб нисбий намликни кўтарилиши билан овқат ҳазм бўлиш тезланиши ҳам аниқланган. Лекин нисбий намликни меъеридан ортиши қуртхонадаги ғонани моғорлашишига ва ипак қуртини касалликка чалинишига сабаб бўлади. Шунинг учун кичик ёшдаги ипак қуртларига нисбий намлик 70-75 %, катта ёшларда 60-70 % атрофида бўлиши ипак қуртининг яхши ривожланишига мақбул шароит ҳисобланади [10; 30 б].

Муаллифларнинг фикрича, ҳарорат 20-21 °С, нисбий намлик 65-80 % бўлганда пилла ўраган ипак қуртлари миқдори 81-83 % га тенг бўлса, 24-25 °С бўлганда 89-90 % га, ҳарорат 28-29 °С бўлганда эса 84-85 % ипак қурти пилла ўраган [15].

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, тут ипак куртини боқиш даврида унинг озикланиш режимларига амал қилиниши, ҳаво ҳарорати, ҳавонинг нисбий намлиги каби микроиклим шароитларининг маълум бир меъёрий талабларга жавоб бериши олинадиган пилла хом ашёсининг сифатига таъсир қилади. Тадқиқотлар натижасида юқори ҳароратда ипак куртининг пилла ўраши тезлашиши аниқланди. Шунингдек, пиллаларнинг сифати ва технологик хусусиятлари микроиклим шароити таъсирида кескин ўзгаради ва бу ўз навбатида пилладан хом ипак ишлаб чиқариш жараёнларига ва олинадиган хом ипакнинг сифатига маълум даражада таъсир қилади.

REFERENCES

1. Ахунбобаев О.А., Мирзахонов М.М., Валиев Г.Н., Мухамадрасулов Ш.Х., Ахунбабаев У.О. Ипак курти боқиш учун янги тузилишдаги куртхона ва кўп қаватли сўкичак қурилмаси. Тўқмачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқиришни ташкил этишда илм-фан интеграциялашувини ўрни ва долзарб муаммолари ечими. //Тез. док. ҳалқ. илм. амал. конф. материаллари. 27-28 июль 2017. - Маргилон 2017. 1-қисм. –С. 102-109.
2. Рахимов А.Ю. Пилла етиштириш жараёнида биологик фаол моддаларнинг роли. //Тўқмачилик муаммолари. -2007. -№2. – С. 41.
3. Рахимов А.Ю. Пилла тайёрлаш хажми ва унинг сифатига биологик фаол моддаларнинг таъсири. // Тўқимачилик муаммолари №-3, 2008 йил 65 бет.
4. Жуманова У., Ахмедов Н.А. Плёнка остида ипак курти боқиш. //Зооветеринария. Т.: 2011. №7. Б.35-36.
5. Мирзаходжаев М., Мирзаходжаев Б., Умаров Ш., Содиков Д. Ипак куртини чойшаб остида боқиш сўкичагини конструкцияси ва синов натижалари. //Ж. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги. №2. – 2019. – 38 бет.
6. Ахмедов Н., Беккамов Ч., Солиева М. Ипак куртларини навдор тут барглари билан озуқалантиришнинг ипак беши фаолиятига таъсири. //Зооветеринария. Т.: 2014. №9. Б.39-40.
7. Рахимов А.Ю., Рахимов А.А., Қодиров З.А. Пиллани пишиб етилганлик даражасини сифат кўрсаткичларига таъсири // J. Academic Research in Educational Sciences. Volume 2. Issue 11. 2021. –Р. 33-41. www.ares.uz.
8. Рахимов А.Ю., Рахимов А.А., Қодиров З.А. Пиллага дастлабки ишлов бериш ва сақлаш технологик жараёнларининг таҳлили // J. Academic Research in



- Educational Sciences. Volume 2. Issue 11. 2021. –P. 42-51. www.ares.uz.
- 9.Қодиров З.А., Парпиев С.Ф. Пиллага дастлабки ишлов бериш технологияларининг пилла сифатига таъсири. Academic Research in Educational Sciences. Volume 3. Issue 2. 2022. –P. 637-645. www.ares.uz.
- 10.Z.Zhou, Z.Shi, X.Cai. The use of functionalized silk fibrain films as a platform for optical diffraction-based sensing applications. Adv.Mater 22(2010) 1746-1749 Chemical Engineering Journal.
- 11.W.Zhou., X.Chen., Z.Z.Shao. Conformation studies of silk-proteins with infrared and Raman spectroscopy. Prog.Chem 2006; 18(11); 1514-22.
- 12.Леженко О.Б. Шелководство Китая. //Ж. Шелк. Экспресс-информация. 1983.
- 13.Болтабоев Д. Централизованные выкормки и производстве. //Ж. Шелк.-1970. -№1. –С.8.
- 14.Рахимов А.Ю., Абдурахманов А.А., Сулайманов Ш.А. Изучение состояния использования ваты-сдира и пути повышения качества коконного сырья. //Ж. Научных публикации аспирантов и докторантов. -2015. -№4. – С. 152-157. Курск.
- 15.Рахимов А.Ю. Сифатли хом ипак ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси асослари. Техника фанлари доктори (Dsc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Андижон - 2021. 213-б.



ҚУЛУПНАЙНИНГ МАҲАЛЛИЙ ВА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН НАВЛАРИНИ МОРФО-БИОЛОГИК ВА ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ихтиёр Чориевич Намозов

Тошкент давлат аграр университети доценти
Ihtiyor_8226@mail.ru

Мунира Шокиржон кизи Қамарова

Тошкент давлат аграр университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада қулупнайнинг маҳаллий ва интродукция қилинган навларини морфо-биологик ва фойдали хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Қулупнайнинг дориворлик хусусиятлари унинг таркибидаги биологик актив (ҳимоялаш) моддалар-витаминологияга боғлиқ. Қулупнай меваси қайта ишлашда қимматбаҳо ҳисобланиб, катта ассортиментда қайта ишланган маҳсулотлар тайёрланади. Ҳозирги вақтда янги совутгич хоналарнинг қурилиши билан аҳолини йил давомида қулупнай меваси билан таъминлаш имконияти туғилмоқда. Ўзбекистонда етиштирилаётган резавор экинлар ичида эгаллаган майдони ва ҳосилдорлиги бўйича қулупнай биринчи ўринда туради. Қулупнай тез ва эрта ҳосилга кириши билан ажралиб туради.

Калит сўзлар: қулупнай, маҳаллий, интродукция, нав, мева, кўчат, ўсимлик, тупроқ, ҳосил, витамин,

ABSTRACT

The article provides information on the morpho-biological and beneficial properties of local and introduced varieties of strawberries.

Medicinal properties of strawberries depend on the biologically active (protective) substances-vitamins in it. Strawberries are valuable in processing, and a large assortment of processed products is made. Currently, with the construction of new refrigerated rooms, it is possible to provide the population with strawberries throughout the year. Among the berry crops grown in Uzbekistan, strawberries rank first in terms of area and yield. Strawberries are characterized by rapid and early harvest.

Keywords: strawberry, local, introduction, variety, fruit, seedling, plant, soil, crop, vitamin.



КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжаллаган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорларида соҳани ривожлантир бўйича вазифалар алоҳида белгилаб берилган.

Ўзбекистонда ўстириладиган турли мевали ва резавор-мева ўсимликлар ичида қулупнай алоҳида ўрин тутди. Йирик мевали қулупнай бошқа кўплаб мева ва резавор ўсимликлардан афзал туради.

Ўзбекистонда қулупнай етиштириш ҳажмининг пастлигига сабаб навлар сортиментида юқори ҳосилдор, иссиққа ва совуққа, замбуруғли касалликларга чидамли, интенсив, ривожланиш жараёни қисқа, меваларнинг юқори товарлиги ва универсал қайта ишлаш хусусиятларга эга навлар ва гибридларнинг йўқлигидир. Ўсимлик сортиментини шундай навлар билан бойитиш, уларнинг ўстириш технологиясини такомиллаштириш республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида долзарб масала ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қулупнай Rosaceae В. Jues - атиргулдошлар оиласининг Fragaria L авлодига киради. У кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб илдиз пояси қисқа попуқ илдиздан иборат. Ҳар бир куртак асосида кўшимча попуқ илдизчалар шаклланади [2; 7-17 б.], [3; 144 б.].

Қулупнай мазали резавор ва ажойиб ширинлик, балки фаол шифобахш восита ҳамдир. У иштаҳа очиш билан бирга ҳазм қилиш фаолиятини меъёрлаштиради, табиий сийдик ҳайдовчи восита бўлиб, организмдаги туз миқдорини меъёрида ушлаб туради [6].

Ўзбекистонда йирик мевали қулупнайнинг қуйидаги навлари етиштирилади: Узбекистанская, Ташкентская, Ўзбекистон гўзали, Зенга-Зенгана, Баунтифул, Редгоунтлент, Кобра, Память Шредера, Проя, Бомба, Баунтифул ва бошқалар. Йирик мевали қулупнай ҳамма ерда тарқалган бўлиб, у юқори ҳосилдорлиги ва мазалилиги билан ажралиб туради [4; 17 б.].

Қулупнайнинг бир нечта: ўрмон, қир, текислик,



Сахалин турлари учрайди. Қулупнайнинг кўрсатиб ўтилган турларини катта саноат аҳамиятига эга деб бўлмайди, бироқ мазкур туманларнинг аҳолиси истеъмол қилади. Қулупнайнинг ўрмон, Сахалин ҳамда қулупнай деб аталадиган турлари селекция ишларида иммунитетли, қишга чидамли, касалликларга бардошли навлар етиштиришда фойдаланилади. Бу турлар Россиянинг Европа қисмида, Узоқ Шарқда, Ёқутистонда, Сахалинда кенг тарқалган. Гуллари ва мевалари майда [5; 73-103 б.].

НАТИЖАЛАР

Қулупнай раънодошлар (*Rosaceae*) оиласи, (*Fragaria grandiflora*) турига мансуб кўп йиллик ўтчил ўсимликдир. Ўзбекистонда резавор мевалар ичида қулупнай кўп тарқалган.

Унинг 100 г меваси таркибида 30-140 мг/% С витамини, 4-11% қанд моддаси, 0,3-2,0% турли кислоталар, 0,2-0,3% катехин, 0,3-0,6 мг/% В₉ витамини, 1,0-1,4 мг/% РР витамини, 49 мкг% Е витамини, 50-70 мкг% рибофлавин, 0,7 мг/% токоферол, 1-2 мг/% темир моддаси, 1,2-2,2 мкг% йод, 3,4-5,3 мкг% кобальт, 0,3-0,4 мг/% марганец, 0,1-0,4 мг/% мис, темир, фосфор, калий, кальций тузлари ҳамда фолик кислотаси мавжуд.

Қулупнай барглариининг банди илдиз олдида жойлашган кўп йиллик илдизпояли ўсимлик. Илдизпояси юзада жойлашган бўлиб, катта бўлган сари ер устига чиқиб қолади. Ер устки қисми бир йиллик ўсимталардан иборат бўлиб, у ҳосил, барг ва ўсув куртакларидан ташкил топган. Ҳар бир куртакда барг чиқади, гул поясида тўпгул ва ер бағирлаб ўсадиган ингичка новда ривожланади.

Қулупнайнинг илдиз тизими попук илдиз, ҳар бир куртак асосида қўшимча илдиз шаклланади, ундан вертикал илдиз ва горизонтал шохлаб кетадиган илдизлар чиқади. Илдиз тизими 70 см гача чуқурлашиб кетади, бироқ асосий қисми 40 см чуқурликда жойлашган бўлади.

Илдизпоянинг юқори куртак қўлтиғидан ҳар йили ер бағирлаб ўсадиган ингичка новдалар чиқади, улар шохлаб тупроқ юзини қоплайди. Ингичка мўйловсимон новдалар ўз тугунчаларидан янги ўсимлик муртакларини чиқаради, муртаклардан эса илдиз тукчалари ва барг бандлари пайдо бўлади. Улар юмшоқ ва нам тупроққа тегиб, бандлардан илдиз олади, сўнгра асосий ўсимлик тупига бирлашган новда қуриб қолади.

Қулупнай барги уч бўлакли, поясининг охирида барг ёнлиги мавжуд. Қулупнай ўсимлигининг ўзига хос хусусияти

шундаки, тупида ҳар хил ёшда чиқарган барглари сақланиб қолади. Ўсув даври давомида баргларнинг бир қисми қуриydi ва аynи пайтда янги барглар ўсиб чиқади.

Куртак қўлтиғидан қўпайиш илдизпоядаги ўсимталар сонининг қўпайишига олиб келади. Илдиз отиб улгурган ёш бандчаларда биттадан куртак бўлиб, кузга бориб иккитадан ўнтага қўпаяди, уч йиллик ўсимликда улар сони 30 тага етади, сўнгра камаё боради.

Қулупнайнинг гулбанди - бу генератив поя бўлиб, унда мева ҳосил бўлади. Гулбандлар эса эрта баҳорда шаклланган куртаклардан чиқади. Гулбандлардаги тўпгул яхши ривожланган бўлади. Биринчи йил мева тугаётганда ўсимликда 3-10 та гул ҳосил бўлади, иккинчи ва учинчи йили эса бу 20-30 тага етади. Гули икки жинсли бўлиб, гулларида чангчи ва уруғчиси яхши ривожланади. Баъзи навлар бир жинсли бўлиб, уларда оналик чанглари ривожланган, оталик чанглари эса яхши ривожланмаган, бундай навларни чанглаш лозим. Кулупнайнинг сохта меваси гулдондан ўсиб чиққан тўқималардан ҳосил бўлиб, унда майда ёнғоқсимон уруғлар жойлашади. Бир хил навларда уруғлар меванинг юзасида бўлиб, яхши кўриниб туради, бошқаларида эса қулупнай этида зич ёки сийрак жойлашиб олади. Қулупнай кўп йиллик ўтчил ўсимлик турига киради. Унинг барглари қиш ҳарорати -5°C дан паст бўлган жойларда ер устки қисмини совуқ уради. Илдизлари кўп йиллик бўлиб, баҳор фаслида қулупнай гуллайди. Бу гуллардан янги мева пайдо бўлади. Мўйловлари қулупнай тупида табиий жихатда ўзидан пайдо бўлади. Ўсимликлар оддий ҳолатда мўйловларини эрта ёздан кузгача шакллантиради. Ҳар бир мўйловлар ерга тегиб турган жойидан илдиз чиқаради ва янги кўчатлар шаклланади. Узлуксиз мева берувчи навларида ёз бўйи кам микдорда мўйловлар ҳосил қилади.

Ўзбекистонда куз илиқ келиб, узоққа чўзилганда қулупнайнинг баъзи навлари иккинчи марта ҳосил беради. Гектаридан 8-10 тоннагача ва ундан ортиқ қулупнай ҳосили олиш мумкин.

МУҲОКАМА

Қулупнай нафақат мазали резавор ва ажойиб ширинлик, балки фаол шифобахш восита ҳамдир. У иштаҳа очиш билан бирга ҳазм қилиш фаолиятини меъёрлаштиради, табиий сийдик ҳайдовчи восита бўлиб, организмдаги туз микдорини нормаллаштиради. Мазкур резаворни нафақат болалар, балки катталар ҳам севиб

истеъмол қиладилар. Қуйида эса қулупнайнинг 7та фойдали хусусиятларини келтириб ўтамиз.

1. Қулупнай организмни ёшартиради. Қулупнайда алмашинув жараёнини фаоллаштирадиган углеводлар устунлик қилади, бу эса ўз навбатида организмдаги хужайраларнинг тезроқ янгилинишига шароит яратади.

2. Қулупнай тана ҳароратини пасайтиради ва қонни суюлтиради. Шунингдек қулупнай қон суюлишига кўмаклашади. Организм учун айниқса нордонроқ қулупнай фойдали, шу сабабли уни шакар билан эмас, балки сутли маҳсулотлар – сметана, қаймоқ ёки сут билан истеъмол қилган маъқул.

3. Қулупнай энергия билан таъминлайди. Қулупнай таркибида етарли миқдорда органик шовул кислотаси мавжуд бўлиб, мазкур модда танани энергия билан таъминлаш хусусиятига эга.

4. Қулупнай дисбактериозни даволайди. Қулупнайдаги полисахаридлар органик кислоталар билан биргаликда ичак микрофлорасини нормаллаштиришга, дисбактериозни олдини олишга ва организмдан токсинлар ҳамда оғир металларни ҳайдашга ёрдамлашади.

5. Қулупнай – тирик поливитамин. Қулупнайни мунтазам истеъмол қилиниши мавсумий авитаминозни енгади ва организмни С, Е ва В гуруҳи витаминлари билан тўйинтиради. Бундан ташқари қулупнай таркибида юқори миқдорда металл моддалар – марганец, калий, кальций, мис, кобальт, молибден хусусан енгил ҳазм бўладиган шаклда мавжуд.

6. Қулупнай – табиий косметолог. Қулупнайдан косметологияда жуда кўп фойдаланилади. Агар ундан тўғри фойдаланса, у тери, соч ва тирноқ билан боғлиқ бир қатор муаммолардан қутулиш мумкин.

7. Қулупнай нитратлардан холи. Қулупнай ўстириш учун қандай ер бўлишининг аҳамияти йўқ. Асосийси намлик етарли миқдорда бўлиши керак. Мазкур резавор ўғитларга муҳтож эмас, демак нитратлар ҳам унда деярли учрамайди.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда етиштирилаётган резавор экинлар ичида эгаллаган майдони ва ҳосилдорлиги бўйича қулупнай биринчи ўринда туради. Сунъий суғориш ҳамда озиқ моддага бой бўз тупроқли ерларда тегишли агротехникани қўллаган ҳолда ноёб навларни етиштириб, ишлаб чиқариш шароитида гектаридан 10 тонна ва ундан ҳам юқори ҳосил олиш мумкин. Қулупнай – сермеҳнат экин бўлиб, ишни оқилона ташкил

этишни талаб қилади. Қулупнай меваси қайта ишлашда қимматбаҳо ҳисобланиб, катта ассортиментда қайта ишланган маҳсулотлар тайёрланади. Ҳозирги вақтда янги совутгич хоналарнинг қурилиши билан аҳолини йил давомида қулупнай меваси билан таъминлаш имконияти туғилмоқда.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжаллаган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4575-сон Қарори.
2. Абдуллаев Р.М., Абдуллаева Ҳ.Р. Қулупнай этиштириш. Тошкент-2021. 7-17 б.
3. Абдуллаева Ҳ.Р. “Ўзбекистонда ер тути ўсимлиги”. Тошкент 2017. –б 144.
4. Абдуллаева Ҳ.Р. “Плёнка остида қулупнай этиштириш мўмай даромад манбаи”, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 2017. №2 17-б.
5. Белых А.М. Земляника в Сибири. –Новосибирск, 2000. –с.73-103.



АҲОЛИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШДА МИЛЛИЙ ҲИЙИНЛАРНИНГ ҲРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Н. Н. Назаров

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети доценти

АННОТАЦИЯ

Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш – устувор масалалардан бирига айланиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясида “пандемия сабабли жаҳоннинг турли нуқталарида нотинчлик сақланиб қолаётгани, зиддият ва зўравонликлар ортиб бораётгани, экологик офатлар ва бошқа замонавий хатарлар қашшоқлик ва камбағалликнинг глобал муаммоларини кучайтирмоқда” деб аълоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда пандемия шароитида ҳам барча соҳаларда жумладан, спорт соҳасига катта эътибор берилиб тубдан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. XX аср бошларида ижод қилган маърифатпарварларимиздан бири Абдулла Авлоний “Инсон ўз гўзаллиги ва мураккаблиги билан коинотдаги барча махлуқотдан афзалдир. Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи эса инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўкумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ, ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир”, – деб таъкидлайди.

Калит сўзлар: Аҳоли, инсон, жамият, спорт, соғломлаштириш, ёш авлод, миллий ҳийинлар

КИРИШ

Аҳолининг саломатлигини яхшилаш ва таълим тарбияни ривожлантириш, шунингдек жамиятимизда соғлом авлодни вояга етказиш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Инсоният тафаккури тарихидан маълумки, фан, таълим тарбия ва спортнинг ютуқлари асосан эзгу ғояларга, яхши амалларга хизмат қилиб келган.



Хақиқатдан ҳам спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги роли, унинг жисмоний соғломлигининг асоси эканлиги, ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда аҳамияти каттадир.

Миллий ўйинлар ёш авлодни жасорат ва адолат, Ватанни севиш, халқига хизмат қилиш, меҳнатсеварлик, меҳр-саҳоват ҳалоллик ва поклик руҳида тарбиялайди. Халқ шунинг учун ҳам курашда ҳалол, мард полвонни, улоқда чапдас ва моҳир чавандозни қутлайди. Халқ миллий ўйинларининг ғолибларини нафақат чиройли ҳаракатлари балки, иштирокчининг тантилиги, мардлиги, чаптастлиги эвазига эъзозлайди.

Миллий ўйинлар, пойгалар, беллашувлар турли мусобақалар ёрдамида энг яхши удумлар, анъаналар ва маросимлар авлоддан-авлодга ўтиб тарихий меросга айланиб сақланиб келмоқда. Халқ сайиллари, байрамлари миллий ўйинларсиз ўтмаган, унда ёши улғайиб қолганлар ўз шогирдларига ҳаёт эстафетасини топширганлар. Ёшлар мусобақаларнинг сир-асрорларини яхшироқ, ўзлаштириш, кундалик фаолиятларга ёрдам берадиган омилларига айлантириш учун интиланганлар. Сайилларда, байрамларда мусобақаларни тарафма-тароф бўлиб ўтказиш қатнашчиларнинг жамоа бўлиб ҳаракат қилишлари иштирокчиларнинг бақувват, эпчил ва чаққон, қийинчиликка чидамли, тиришқоқ ва тадбиркор бўлишларини тақозо этган. Миллий ўйинлар, кураш, кўпқари ва спортнинг оммавий турлари халқ орасида қадимдан саҳоват белгиси сифатида намоён бўлган. Машҳур улоқчилар, полвонлар, халқ ўйинлари иштирокчилари тез-тез мусобақалар ўтказиб, беллашувлардан тўпланган маблағни етим-есирлар, кўп болали оилалар ҳамда қарияларга ҳада этганлар, кўприклар, мачитлар, мадрасалар, каналлар, йўллар ва бошқа халқ ҳашарларига иштирок этганлар ва ҳашарчиларга илхом бағишлаганлар. Миллий ўйинлар аждодлар анъанасини давом эттиришни, миллий қадриятларни йўқ бўлиб кетишини олдини олади. Минг йиллик тарихга эга Алпомиш достонидан мард ва жасур Алпомишни сеvimли ёри Ойбарчинга етишиш учун 90 қармоқ полвони билан кураш тушгани маълум. Халқ сайиллари ва байрамларида кураш мусобақалари ўтказиб турмаганда йиллар ўткан сайин курашимиз йўқ бўлиб кетган бўлар эди. Пойгалар, қиз қувди ёки ким узоққа отади машқлари, улоқ-кўпқари ҳам ниҳоятда қадимий бўлиб, миллий анъаналаримиз эвазига сақланиб қолган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ



От билан турли машқларни бажариш қадим-қадимдан йигитларга хосдир. “Интизор” достонида Авазхон Ғиротни якка ғишт устида ўйнатар эди, деб тасвирланган. Миллий ўйинлар тури фақатгина кураш ёки кўпкаридан иборат эмас. Қиз қувди, Қулоқ чўзма, оқ теракми кўк терак, чиллак, арғумчоқ, варрак, отиб қочар, дўппи, анакай, подачи, дурра, ланка, қотди, лапар, алифбе каби 100 дан ортиқ миллий ўйинлар тури мавжуд бўлиб уларнинг ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Аслида ана шу ўйинлар замирида каттага ҳурмат, ёшларга нисбатан меҳр-шавқат, болалар камоли ва тарбиясида ота-оналарни азиз фарзандлари олдидаги бурчлари, ўз навбатида фарзандларнинг меҳр-садоқатлари мужассамлашади. Шу боисдан ота-боболаримиз болаларига жуда ёшлиқларидан ҳалқ қаҳрамонлари, уларни ёвуз кучларга қарши курашларда кўрсатган жасоратлари, матонат, дўстлик, аҳиллик, ҳамжихатлик фазилатларини ўзида мужассам этган дoston ва эртақлар, ривоят ва тўқималарни сўзлаб берганлар, миллий ўйинлар асосида ҳалол, ростгўй бўлиш, тўғри гапириш, ҳақсизликка қарши бефарқ бўлмаслик, рақибга нисбатан ҳурмат фазилатларини сингдирганлар. Миллий ўйинларда мағлуб бўлган рақиб устидан ҳеч қачон масҳара қилинмаган. Аксинча хато ва камчиликлар кўриб чиқилиб биргаликда ҳал этилган.

Халқимиз қадимдан насл-насаби етти пуштининг тозалигига айникса авлодининг соғлигига катта эътибор билан қараган. Амир Темур ўз қўл остидаги бошлиқлари юзбоши, мингбоши ва сардорларни ҳам жисмоний жиҳатдан, ҳам онгли тафаккури, тактик фикрлаш ва шу каби фазилатларига катта аҳамият берган. Жангчиларни эса чапдастлигини, жасурлигини, кўркмас, ботирлигини яхши кўрган ва уларга вақти келганда ўз ҳазинасидан ҳар турдаги инъомлар беришга жазм қилган.

Маълумки, ҳар бир жисмоний куч-қудрат жуда кўп жисмоний машғулотлар натижасида рўёбга чиқади.

Амир Темур ва унинг авлодлари даврида жисмоний тарбияга бағишланган мусобақалар жуда кўплаб бўлган. Салоҳиддин Тошкандий қайд этганидек, булар ҳақида кўплаб «китобга ёзғонлар», манбаларда қайд этилган. Афсуски, бу мавзу ҳалигача кам ўрганилган. Мирзо Улуғбек ҳам, Ҳусайн Бойқаро ҳам ўз даврларида қўл остидаги аскарларнинг шундай сифатларга эга бўлишига интиланлар.

Навоий ўзининг Фарход ва Ширин асарида Фарходни жуда ҳам жисмоний бақувват этиб таърифлагани бежиз эмас. Чунки, ўз даврида қаҳрамонларнинг жисмоний

бақувватлигини, ақлий донолигини ёшлар онгига сингдириш уларда қахрамонга нисбатан меҳр уйғотиши табиийдир. Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб айтмоқчимизки, қадим замонлардан бизнинг бобокалонларимиз ўз раҳбарлигидаги аскарлари жисмонан чиниққан, бақувват, кўркмас, жасур ва ботир бўлишига эътибор бериб келганлар.

Амир Темур даврида ҳар бир авлоддан ўзлари яшаб турган минтақасини рақиб тажовузидан ҳимоя қилиш учун аскарлар тайёрлаш талаб қилинган. Аскарларни ҳимоя учун керакли махсус жисмоний машқлар билан шуғуллантириш керак бўлган. Масалан: найза билан жанг қилиш учун қўлларига узун-узун ёғочлар олиб санчиш машқлари: найзани қайтаришда қалқон кийиб найзаларни қайтарган. Ёғоч ва осмондан тўқилган одам шаклини ясаб найза қадаш, пичоқ уриш машқларидан фойдаланилган. Ҳамма жисмоний машқларни аскарлар тўлиқ уст-бошларини кийиб машқ қилишган. Улар узок масофаларга юриш, югуриш, тошларни улоқтириш, сувдан кечиш ўтиш, от устида кураш каби машқлар билан шуғулланганлар.

Бу ҳақида ўз муносабатини билдириб келган бир канча алломаларимиз ва мутафаккирларимиз мавжуддир. Шулардан бири бўлган Шох ва шоир бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) “Бобурнома” қомусий асарида ҳам XVI-аср бошларидаги жисмоний маданиятга оид қимматли маълумотларни топиш мумкин. Унда миллий курашимизнинг ўзига хос минг йиллик илдири барқарор эканлиги гўзал урф-одатларимиз ўз ифодасини топган. Тарихий асарлар билан танишар эканмиз, мусобоқада ғолибга ҳам, мағлубга ҳам бирдек катта ҳурмат кўрсатилганлигини билиб оламиз. Болалар миллий ўйинлар жараёнида фақатгина чаққон, чаптаст кўркмас жасур бўлиб тарбияланмасдан, санаш, сўзларни тўғри талаффуз этиш, ўзини тута билиш хотираларини чарҳлаш каби жиҳатлари билан ҳам ажралиб турганлар. Миллий ўйинлар билан машғул бўлган беш ёшли бола миллионгача санашни ўзлаштиради. Бу болани қобилияти жуда зўрлигидан эмас, балки ўйинларда қизиқиш натижасидир. Ёшларни миллий ўйинлар хасад, номардлик, баҳиллик каби иллатлардан халос этади. Умуман олганда миллий мафкурамиз руҳида соғлом, бақувват, ҳур фикрли, озод ва обод ватанни севишга, керак бўлса жонини беришга тайёр комил инсонни тарбиялашда миллий ўйинлар қадриятимизнинг ажралмас қисми сифатида хизмат қилади. Миллий ўйинларда каттани ҳурмат кичикни иззат қилиш нақлига амал қилинади. Ўйин қоидаларига болалиқдан қатъий амал қилиш, ҳакамни сўзини ҳақ деб билиш, ўйинда ғолиб ёки мағлуб бўлишга қарамасдан



натижани тан олишни ўрганиш ёшларни ахлоқ нормалари асосида тарбиялашнинг асосидир. Миллий ўйинларнинг самарасини ошириш учун кўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

а) Боғча, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртлири ўқув дастурларида миллий ўйинларни кенг ёритиш.

б) Аҳолини барча қатламлари фойдалана оладиган илмий методик қўлланмаларни мукамал яратиш ва ҳалқимизга тўла қонли етказиш.

в) Маҳалла, туман, вилоят, республика босқичлардан иборат миллий ўйинлар турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларни ташкил этиш билан чекланиб қолмасдан режалаштирилган мусобақаларни рекламасини кенгайтириш.

г) Миллий ўйинларга барча миллат вакиллари жалб этиш ва ёшлар онги шуурига сингдириш уларни комил этиб тарбиялаш учун кенг йўл очади.

Юртбошимиз ташаббуси билан мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбия топган авлодни вояга етказиш юксак мақсад этиб белгиланди. Ана шу эзгу мақсад йўлида, ёшларимизнинг ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла намоён этиш, маҳоратини мутассил ошириб бориш, юксак маънавиятли, баркамол инсонлар сифатида камолга етишиш учун улкан куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. натижада юртимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит яратилмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсон саломатлиги унга инъом этилган энг олий ижтимоий бойлик ҳисобланади. Аммо, инсон саломатлиги ўз-ўзидан кечадиган ва юзага келадиган табиий жараён эмас, аксинча, бу одат инсоннинг ўз-ўзига эътибори ва саъйи-ҳаракати орқали давом этадиган воқелиқдир. Бу куйидаги тартибларда яққол намоён бўлади:

Биринчидан, инсон саломатлиги тамойиллари сингдирилишида; Иккинчидан, шахснинг жисмоний шаклланиши, оила ва талим тизимида; Учинчидан, маҳаллада ҳар бир шахснинг саломатлигини асраш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли саломатлигини сақлашда, соғлом турмуш тарзида спортнинг ўрни беқиёс. Ҳеч шубҳа йўқки, соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Аҳоли соғлом наслга эга бўлиши кўп томондан спорт билан жиддий шуғулланишга боғлиқ.

Халқимиз узоқ йиллар хорижлик спортчиларга ҳавас қилиб яшади. Бугун эса Она-ватанимиз мустақил, барча спорт кошоналарида ёшлар қадами залворли тус олди. Мактабдан бўшаган бола, албатта спорт майдонларига ошиқаяпти, мусобоқаларга қатнашаяпти, мураббийнинг таълим-тарбияси билан саломатлигини мустаҳкамламоқда. Бўш вақтни беҳуда отқазмасдан айни пайтда, спортда ютуқларга эришаётган бола эртага жамиятнинг соғлом вакилига айланиши тайин. Соғлом насл - соғлом жамият асосини ташкил этиши бор гап. Соғлом жамият ва соғлом насли эса соғлом турмуш тарзларини илмий тадбиқ этмай туриб, шакиллантириб бўлмайди. Соғлом турмуш тарзи деганда замирида, жисмоний саломатлик ва камолоти инсоннинг маънавий ва мафкуравий саломатлиги унинг шахс сифатида тўла камол топишига мужассамдир. Аҳолини соғломлаштиришда спорт турларининг ўрни кўп ҳолларда маҳалла зиммасига тушади. Лекин тан айтиб ўтиш керакки, бизнинг халқда бир оз тортиниш каби хислатлар бор. Масалан, юраги хаста одам врач тафсиясига кўра, фақат соғлигини йўқотгандагина жисмоний машқлар билан шуғуллана бошлайди. Соғломлаштирувчи машқни одат тусига киритган бемор ўзидаги саломатлик тарзини яхши томонга ўзгарганлигини сезиб, ичиш ва чекишдан ўзини қутқаради. Соғлом авлод тарбиясида жисмоний тарбиянинг ўрни бебаҳо чунки инсон саломатлиги унинг руҳий ҳолати турмуш кечириш шароити ва энг муҳими унинг танасидаги фаол ҳаракатларга боғлиқдир. Ана шу жараёнлар мажмуи бир маромда борса овқат ҳазм қилиш, юрак ва қон айланиш тизимининг равон бўлишига олиб келади. Барчага маълумки ҳаракат малакалари (жисмоний меҳнат, махсус жисмоний машқлар) мунтазам бўлганда ва тобора такомиллаштирилганда инсон саломатлиги доим яхши бўлади. Доно халқимиз “Соғ танда соғлом ақл”, деб бежиз айтмаган. Инсон соғлом бўлгандагина ҳаёт ва турмуш юмушларига лаёқатли бўлади, кўзлаган мақсад сари интилади унинг охирига етади.

Бизга маълумки, инсон ҳаракат билан тирик. Бу тириклик асосини табиий жисмоний ҳаракат ташкил этади. Жисмоний маданият ҳаракатлар занжири. Қачонки бу занжир узилса, инсон умри ҳам узилади. Жисмоний маданият, таълим тарбия кенг маънода, инсоннинг барча табиий ва ижтимоий қобилиятларини рўёбга чиқарувчи, уни тобора инсонийлаштириб, ҳам жисмоний, ҳам маънавий чиниқтириб, юксалтириб борувчи жараёндир. Бу ҳақда профессор Тилаб Маҳмудов: “Жисмоний маданиятдан тобора узоқлашиб борган сари



киши ўз умрига ўзи болта уради. Унда лоқайдлик, сояпарварлик, дангасалик, ишёқмаслик, оқбилаклик, текинхўрлик сингари хунуклик аломатлари кучаяди”, – деб таъкидлайди. Мазкур фикрлардан, инсон маънавий камолотида асосий ўринни эгаллайдиган жисмоний маданият ва таълим тарбиядан тобора узоқлашиб борса, нафақат юқоридаги ҳолатлар балки, касаллик ва ўлим сабаблари ҳам вужудга келади деган хулоса келиб чиқади.

Маълумки, 1985-1990 йиларда жамият ва ижтимоий - маданият шароитлар ҳамда уни бошқариш жараёнларида бирмунча янгилашни жараёнлари вужудга кела бошланди. Ўзбекистон шароитида “Наврўз” байрамини қайта тиклаш бошланди. Бу ўз навбатида миллий қадриятлар маънавият ва маданиятни ривожлантиришга асос солди, “Наврўз” байрамга бағишлаб, Футбол, кураш, енгил атлетика ва халқ миллий ўйинлари катта спорт мусобақалари ташкил қилина бошланди. Бу эса ўз навбатида турли тўғарақлар, спорт мактабларини ташкил қилиш спорт ва ўйин майдонларини кўпайишига сабаб бўлди. Юртимизда аҳолини ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиши учун керакли имкониятлар яратилиб кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда, оналик ва болалик ижтимоий муҳофазаси соғлом оила муҳитини шакллантириш, соғлом бола туғилиши, ҳар тарафлама уйғун ривожланган. Етук шахсни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар эътиборга моликдир. Президентимиз томонидан қабул қилинган “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда жорий йилнинг 1- июлидаги “2009-2013 йиларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш соғлом бола туғилиши жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора – тадбирлари дастури” аҳолининг кенг қатламлари орасида соғлом турмуш тарғиботини кучайтириш саломатликни мустаҳкамлаш оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи бирламчи бўғинлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадидаги устивор вазифалар ижросини таъминлашга чуқур эътибор қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

ХУЛОСА

Спорт – бу гўзаллик, жисмоний ҳаракат, саломатликка етакловчи катта куч бўлиб, ҳар биримизнинг ўз соғлимизга бўлган эътиборни янада кучайтиради. Шу боис, келажак



авлодимиз соғлиғи йўлидаги ишларимиз ривожини янада камол топтириш учун ҳаммамиз бирдек маъсул бўлишимиз зарур. Хулоса қиладиган бўлсак, барчамиз миллий ўйинларимизни бирдек ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшиб, аҳолимиз соғлиғини яхшилаш йўлида хизмат қилайлик.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш. М. БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. Халқ сўзи. 2020 йил 23 сентябрь
2. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: Халқ мероси, 1994. – Б. 14.
3. Маҳмудов Т. Комиллик асорлари. – Т.: Адолат, 2006. – Б. 82.
4. Якубов Фазлиддин Мухитдинович. Synergetic effect — as an innovative approach to the development of the way of thinking of physical culture and sports specialists. European journal of research and reflection in educational sciences. Vol.8 – No.12. 2020 Part III. ISSN 2056-5852. – United Kingdom. – P. 165-170.
5. Назаров Нурали Нормирзаевич. Спорт фалсафаси. Фан - спортга илмий-назарий журнал. 2014 йил, 4-сон, 39-44 бетлар.
Problems of phraseology are extremely important both for practice and for translation theory; they often present great practical difficulties and arouse great theoretical interest, since they are related to the difference in semantic and stylistic functions performed in different languages by words of the same real meaning, and to the difference in combinations that such words enter into in different languages. This paper discusses only some of the many problems of translating phraseological units. It is usually accepted to indicate the equivalent of a phraseological unit to a word. However, the theory of complete equivalence is becoming obsolete. This does not mean that phraseological units and words have nothing in common, which is considered by the theory of correlation of certain types of phraseological units and words, which, however, is based on slightly different principles. The most characteristic for phraseological turns of stable combinations of words are in principle equal in meaning to a single word, differing from it, as a rule, by a certain expressive and stylistic coloring.

Some idioms are translated with the help of partial (relative) equivalence. According to E. F. Arsentyeva, such idiomatic expressions are characterized by the minor differences in terms of phraseological expression of the identical semantics that can have a componential or morphological character (Arsentyeva, 1989: 100) The classification of phraseological units also contains the necessary theoretical knowledge for the translator, with which we can identify the phraseological units in the text, then analyze it and, based on the analysis, give the most accurate translation in this context. The most legitimate approach is to consider phraseological units in three aspects: semantic, structural grammatical, and component. Taking into account the marked levels, the following types are distinguished:

1) phraseological equivalents (full and partial) - phraseological units with identical semantics, structural and grammatical organization and with identical component composition;

Red book – Qizil kitob; The black prince –Qora shahzoda; Black list – Qora ro'yxat; Black diamonds – Qora oltin; Keep quiet – Sir saqlamoq; Make conversation – Manosiz suhbatlashmoq; Milk cow – Sog'in sigir; First think, then speak – Avval o'yla , keyin so'yla; The dog bark, but caravan goes on – It hurar , karvon o'tar; Step by step – Qadam ba qadam.

2) phraseological analogs (full and partial) - phraseological units that express the same or similar meaning, but are characterized by a complete difference in the approximate similarity of the internal form;

A black hen lays a white egg – Qora sigir oq sut berar . Cut the melon – foydanib olmoq. Put smb/smt to the test –tekshirib ko'rmoq; Red meat – Qo'y go'shti; Take a fancy to smb –Maftun bo'lmoq ; Talk turkey – Ochiqdan-ochiq gapirmoq.

3) non-equivalent phraseological units- phraseological units that do not have correspondences in the phraseological system of another language.

To throw up one's cap –do'ppisini osmonga otmoq . Come Yorkshire over smb –Aldamoq , nonni tuya qilmoq Betweenhawk and buzzard –Oila a'zolarini va xizmatkorlar o'rtasidagi o'rinni egallagan inson ; Green room –Teatrda artistlarning kiyinadigan , yasanadigan xonasi ; Harley Street – Shifokorlar, tibbiyot dunyosi (Lo'ndondagi ko'pgina mashxur doktorlar yashaydigan ko'cha); Gretna Green marriage – Uydan qochgan sevishganlar o'rtasidagi turmush;

Since phraseology stands out for its functions in language and speech, it requires a special approach in the translation

process. The main difficulty is that no dictionary can provide for all the false uses of phraseology in the context. Phraseological units, similar in internal form in different languages, are not always identical in meaning as a result of their reinterpretation, so you cannot rely on the similarity of the figurative basis. But when an expression still retains its connection with the sphere in which it was born, the translator has to look for such a phraseological units in the Uzbek language. Techniques for translating phraseological units vary from complete replacement of imagery to complete preservation of the image in translation. And yet, what is common and characteristic of all is the preservation of imagery in translation. But at the same time, the standard and traditional in the original must be transferred to the standard and traditional in the translation. When translating, it is important to observe the stylistic uniformity of the original text. Along with the absence of a corresponding phraseological units in the Uzbek language, it may seem that an Uzbek phraseological units that has the same semantic content does not correspond to English. Of course, ideally, you should strive for full equivalence of the means used, but in practice, you often have to sacrifice functional and stylistic correspondence to preserve expressiveness. It is very important that phraseological

substitutions in translation convey the national flavor of the original language. The original, which is full of phraseological phrases, must retain its phraseological richness and quality.

Research proposal

Research topic: Reflection of the emotional world a person in English praseological units(Отражение эмоционального мира человека в английских фразеологизмах).

Background: Many scholars investigated praseological units in English around the world as Fedorov A. O. “Phraseologism as expressive-stylistic unit of language” Questions of stylistics, vol. 12. Saratov, 1977 p. Furthermore Uzbek scholars Mamatov, A. E. (1999). Issues of the formation of the phrazeologisms of the Uzbek language. Abstract for Doc. of Philol. Sciences; Tikhonov N. A., Khodzhaev T. X. On the grammatical nature of verbal phraseological units in the Uzbek language. Questions of phraseology and grammatical structure of the language. Tashkent, FAN, 1966, pp. 101 - 112.;Anora Jabborova Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan “Phraseologism expressing the emotional state of a person (face)” Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal Volume 2020 Issue 2 Article 6 12-30-2020;



The aim of the is to research ways of translating idiomatic and stable expressions denoting feelings, moods and states of a person in the English a language, taking into account different criteria, compare and contrast the results of investigation in order to discover stylistic peculiarities and usage. To research linguistic and extra linguistic characteristics, human emotions and phraseological-semantic fields. To work on How human emotions are reflected in language.

The methods of research are: the overall selection (used in gathering the research material), componential analysis (used in considering the semantic nature of researched units). The primary research methodology includes the methods of descriptive analysis, which consists in collecting and systematizing the collected facts, in their logical comprehension and identification of specific patterns. Comparative method linguistic and extralinguistic characteristics, human emotions and pshraseological-semantic fields.

Actuality:The importance of our research is phraseologisms expressing the emotional state of a person. It analyses general semantic feature of a group of phraseological units, various emotional states, linguistic and extralinguistic characteristics, human emotions and pshraseological-semantic fields. It is noticeable that a special place in semantic studies of recent times is occupied by the problems of emotional semantics, closely related to the so-called emotional aspect of the human factor in the language. Human emotions are reflected in language.

REFERENCES

1. Zuparova, S., Shegay, A. (2021). Methods of Teaching Foreign Languages. Eastern European Scientific Journal, 1(7), 141-143.
2. Djurayeva, Y., Ayatov, R., & Shegay, A. (2020). Current Problems and Resolutions of Teaching English Grammar. Academic research in educational sciences, 1(3).
3. Ruzmetova, M., Orazova, F., & Kayumova, G. (2020). The Role of Teaching Vocabulary Competence in English. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 509-513.
4. Akhmedov, B. (2022). Methodology of Teaching Informatics in Cluster Systems. International Journal of Innovative Research in Science Engineering and Technology, 11(4), 3485-3491.
5. Xalmatova, D. A. (2022). Formation of Ecological Consciousness and Culture among Young People and Developing Their Skills of Rational Approach to the Environment.



EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 2(4), 4-7.

6. Khalmatova, D. A. (2022). How we can improve ecological culture among pupils of 9-11-grades. *Oriental renaissance Innovative educational natural and social sciences*, 2(2), 72-77.

7. Xalmatova, D. A. (2021). Darsdan tashqari ta'lim jarayonida o'quvchilarda ekologik madaniyatni shakllantirish (9-11) sinflar misolida. *BOSHLANG'CH TA'LIM SIFAT VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH*, 1(5), 420-422.

8. Khalmatova, D. A. (2021). Formation of ecological culture in students in the process of extracurricular activities on the example of grades (9-11). *АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ*, 1(1), 201-203.

9. Жуманова, Ф. У., Мирзарахмонова, Ш. М. (2021). Дуал таълим ва унинг имкониятлари. Бошқарув ва Этика Қоидалари онлайн илмий журнали, 1(6), 122-124.

10. Mirzaahmadovna, M. S. (2021). Didactic System of Vocational Guidance of Students on the Basis of Dual Education. *European Journal of Life Safety and Stability*, 11, 5-8.

11. Mirzaraxmonova, S. M. (2021). Talabalar kasbiy shakllanishida shaxs yo'nalganlik motivlarini ahamiyati. *Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў*, 5(5), 43-45.

12. Қораев, С. Б.; Мирзарахмонова, Ш. М. (2021). Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. *Илмий методологик ва илмий услубий журнал*, 1(188), 16-20.

13. Mirzarakhmonova, S. M. (2021). Advantages of a dual-based learning system in vocational education. *Results of Modern Scientific Research and Development*, 1(1), 222-225.

14. Мирзарахмонова, Ш. М. (2021). Таълимнинг инновацион кластерида дуал таълимни ташкил этиш асослари. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 154-158.

EFIR MOYLARI VA ULARNI TIBBIYOTDA QO`LLANILISHI

Shoxida Ozotboyevna Kadirova

Toshkent farmatsevtika instituti

ANNOTATSIYA

Bizga ma'lumki o'simliklar dunyosi turli hil organik moddalardan iborat. Bu moddalar o'simliklarning o'sish jarayonida ma'lum vazifani bajaradi. O'simliklardan esa xalq ho'jaligining turli sohalarida keng qo'llanilib kelinmoqda. Jumladan: oziq-ovqat sanoatida, qurilishda, qurilish materiallari ishlab chiqarishda, tabobatda dorivor preparatlar sifatida qo'llaniladi.

Kalit so'zlar: moy, lasonlar, Sovuq va issiq kompresslar, Vanna, Efir moy

ABSTRACT

We know that the plant kingdom is made up of many different kinds of organic matter. These substances play a role in the growth of plants. Plants are widely used in various sectors of the economy. In particular, it is used in the food industry, construction, construction materials, medicine.

Keywords: oil, lotions, Cold and hot compresses, Bath, Essential oil

KIRISH

Biz bilamizki o'simliklar dunyosi turli hil organik moddalardan iborat. Bu moddalar o'simliklarning o'sish jarayonida ma'lum vazifani bajaradi. O'simliklardan esa xalq ho'jaligida oziq-ovqat, qurilish materiallari va tabobatda dorivor preparatlar sifatida qo'llaniladi. O'zbekistonda o'sadigan o'simliklar dunyosi o'zgacha hususiyatlari va shifobaxshligi bilan ajralib turadi. Respublikamiz florasining juda ko'p qismini dorivor o'simliklar tashkil etadi. Ularning aksariyati haqida Abu Ali ibn Sinoning "Tib qonunlari" deb nomlangan asarida keng ko'lamda yoritib yozib o'tilgan.

Aromatrapiya asosi bu efir moylaridir. Efir moylari biologik faol moddalar bo'lib, bir tomondan tabiatdan olingan akkumulirlangan energiya manbaidir va u kishi sog'lig'iga ta'sir qila oladi, hamda uning nozik energetik qavatlariga ta'sir qiladi. Hozirgi kunda o'simliklardagi xushbo'y moddalarga talab ortib bormoqda. Shu sababli hushbo'y o'simliklarni yig'ish va undan oqilona foydalanishga katta etibor qaratilmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Aromaterapiyada efir moylari bilan massaj qadimiy va effektiv uslub xisoblanadi. O`zidan o`zi massaj so`zi lotin so`zi massa-barmoqqa yopishadigan, yoki grek so`zi masso-qo`llar bilan qisish o`zagi turadi, uning asosida arab so`zlari mass yoki mass nozik bosish ma`nosi ham kiradi. Hamma bu so`zlar massaj asosini belgilaydi. Kishilar hayotining paydo bo`lishida boshqa ta`sir kuchlarini bilmaganda har xil hayotiy holatlarda bitta yagona ta`sir kuchi qo`lga kishilar e`tibor berganlar. Har xil eski ertaklarda og`riqni qoldirish uchun kishilar yaralangan o`rinni silaganlar.

Teri uchun moy va lasonlar: Aromatik moylar teri uchun qo`llashda xuddi massaj uchun qilganday tayyorlanadi. Ko`pincha moy shimillishi uchun oddiy barmoq bilan muloyim aylana xarakter qilish kerak. Bunda terini tortish kerak emas, asosan nozik joylarda qo`l va bo`yin terisini, quruq va qari teriga atirgul moyi foydali, geran, bergamot va limon moylari yog`li teriga mos keladi.

Bir necha tomchi moyni yoki losion bilan aralashtirilsa bo`ladi, yoki yuz niqobi asosiga qo`shiladi u esa suli yormasidan, asaldan yoki loydan bo`lib xar xil mevalar maydalangan massalari bilan aralashtirilgandir. Ayrim xolatlarda (masalan herpes yoki oyoq epidermofitiliyasida) yaxshisi spirtli los'on bilan foydalanish kerak, krem yoki moydan emas. Bunday los'on tayyorlash uchun 6 tomchi moyni 5 ml spirtga aralashtirish kerak. Bu aralashma bir litr sovutilgan qaynoq suvda eritilsa unda u bilan ochiq kesilgan joylarni yoki yazvalarni, masalan suv chechaki yoki gepital herpesni davolash mumkin.

Sovuq va issiq kompresslar: Kompres-og`riqni yengillashtiradi, shamollashni kamaytiradigan effektiv uslubdir. Issiq kompress oson tayyorlanadi, chashkaga issiq suv to`ldiriladi, unga 4-5 tomchi aromatik moy qo`shiladi. Keyin unga paxta yoki flanel-iptdan yoki jundan to`qilgan yengil mato material bukib botiriladi, suvni siqib, kasal joyga tegiziladi, bunda material tana haroratiga teng bo`lguncha, keyin yana qaytariladi. Issiq kompresslar bel og`riganda, revmatizmida va artrit, abseslarda, quloq og`riganda, tish og`riganda qo`llaniladi.

Sovuq kompresslar xuddi yuqoridagiday tayyorlanadi, qaynoq suv o`rniga juda xam sovuq suv ishlatiladi. Bunday kompresslar bosh og`riganda foydali (unda peshonaga yoki xar xil local-muayyan joydagi shishlarda shamollash hisobida paydo bo`lganda qo`llaniladi.

Sochga parvarish: Sochni mustahkamlash uchun muloyim shampunga bir necha tomchi aromatik moy qo`shish taklif etiladi, xuddi shunday kondisioner yoki suv bilan yuvilganda unga qo`shiladi. Xoxlagan turdagi soch va uning holatiga qarab jojoba moyiga tomizib

aromatik moyni qo'llash mumkin. Bu aralashma bosh terisiga surkaladi va 1-2 soat issiq sochiq bilan o'rab boshni saqlanadi. Rozmarin moyi (qora sochlarga) va moychechak moyi (och rangli sochlarga) surkalsa u tirik sochlarni mustahkamlaydi va o'stiradi, lavanda esa bit va kanadan qutqaradi, bergamot va choy daraxti qozg'oqdan davolaydi.

Vanna: Bu oddiy va aromatik moylarini foydali ishlatish uslubidir. To'ldirilgan vannaga 6-8 tomchi qo'shiladi. Oldindan moyni 1 chashka sutga yoki qaymoqda, yoki 1 choy qoshiq moshin moyida (o'rik, bodom va boshqalar) suyultirilsa yaxshi bo'ladi, ilang-ilang moyining xushbo'yliги kayfiyatni yaxshilaydi, moychechak yoki lavanda shunday ruhiy zarbalar ta'siriga, uyqusizlikda, asabiylashganda foyda beradi, rozmarin yoki qarag'ay oyoq kasallari og'riganda foyda beradi. Ehtiyot bo'ling, terini bezovta qiladigan moylardan foydalanmang. Efir moylari bilan vannalar bu aromaterapiyadagi eng yaxshi xotirali damlardir. Qancha moy qo'shilishi sauna, hamda moyli yoki aromatik kompozitsiya qo'shilayapti o'shanga qarab aromatik vannalar organizmga har xil ta'sir qiladi. Aromatik vanna tayyorlaganda 5-6 tomchi siz tanlagan moy 60g emul'gator (asal, sut, qaymoq, kepak, tuz yoki vanna uchun ko'pik) bilan aralashiring. Emulgator moyni teng miqdorda hamma suv qavatlarida tarqalishiga yordam beradi va ular odam tanasiga ta'sir qiladi. To'g'ridan to'g'ri efir moylarni suvga qo'shilmaydi, chunki unda tana bilan moy tegishi kamayadi, hamda kontsentrangan efir moy ta'sirida teri kuyishi mumkin. Efir moylari yoki o'simliklari iliq suvga bitirilganda ular xid bilan birgalikda, rang bilan birgalikda o'zlarining energiyalarini ham ajratadilar. Vannalar odamning miya ostiga ta'sirga, sevishtga undashga, tezroq tuzalishiga va xususiy ximoyani hosil qilishga yordam beradi.

O'rash: Issiq suvli (2litr) idishga 10 tomchi efir moyi tomiziladi. Bu aralashmaga prostina (adyol) namlanadi, siqiladi va tezda tanaga o'raladi. Suv harorati 25-30°C, muolaja vaqti 60 minutdan ko'p emas. Davolash meyori 15-20 marta o'ralish.

Dorivor ta'siri: tetiklaydilar, tinchlantiruvchi, ter haydovchi, shamollashni oldini oluvchi (shish oldini oluvchi)

Ko'rsatkichlari: nevrozlar, chegarali arterial gipertenziya, I darajali gipertonik kasallar, semirish, qattiq lat yeganlar-tayanch harakat aparatlari lat yeganda.

Qo'llash ta'qiqlanadi: II-III darajali qon aylanishdagi yetishmovchiliklar, miokarditlar, ishemik yurak kasallari, teri kasallari.

Kompresslar: Aromatik vannalarning mahalliy turlaridan biri kompressdir. 300-400 ml issiq suvga 1-6 tomchi efir moy

qo'shiladi, bu aralashmaga paxtali to'qima yoki mato botiriladi, ozgina siqiladi va kerakli joyga teri ustiga qo'yiladi, 2 soat ushlab turiladi. To'qima yoki mushaklar og'rig'iga qarshi kompresslar kasal chiday oladigan darajada bo'lishi kerak. Kompres ustidan folga bilan va issiq tutuvchi mato bilan yopiladi. Bosh og'rig'i kasallarida, paylar shikastlanganda yoki bo'g'implarda sovuq kompresslar qo'llaniladi. Shu sababli 6-10 efir tomchisi qo'shilganda 0, 5l muzli suv qo'shiladi. Kompres tana haroratiga yetguncha ushlab turiladi.

XULOSA

Tibbiyotda ishlatiluvch turli xil massaj kremlarini tayyorlashda, Dorivor vositalar ishlab chiqarishda, Sochni mustahkamlash uchun shampunlarga muloyim berishda, ishlab chiqarishda xom-ashyoga efir moylaridan foydalanib ishlar chiqarish taklif etiladi.

REFERENCES

1. Xolmatov X.X, Axmedov U.A Farmakognoziya -1 qism.-Toshkent: Fan, 2007.
2. Рахимов Р.Н, Ш.О.Кадирова, М.Р.Юлдашева, К.У.Комилов // Euphorbia ўсимлигидан олинган таннин изомерларини оксиллар билан бирикишдаги ўзига хосликлари // Academic Reserch in Educational Sciences, Volume 2, ISSUE 8, ISSN 2181-1384, SJIF 5.723, 2021. DOI:10.24412/2181-1384-2021-8-231-238
3. Рахимов Р.Н., Кадирова Ш.О., Ёдгоров Б.О., Комилов К.У., Абдулладжанова Н.Г., // Hippophae rhamnoids l. (*Elaeagnaceae*) ўсимлиги кимёвий таркиби // Academic Reserch in Educational Sciences, Volume 2, ISSUE 8, ISSN 2181-1385, SJIF 5.723, 2021. DOI:10.24412/2181-1385-2021-11-300-304
4. Rakhimov R. N, Khoshimov N. N, Kurbanova A. Dj, Komilov K.U, Makhmanov D.M, Kadirova Sh. O, Abdulladjanova N.G. Isolation of new ellagitannins from plants of Euphorbiaceous and its effect on calcium transport in the nerve cell of the rat brain. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 2021,25(6),2758–2768. IF-0.03. Retrieved from
5. Rakhimov R.N., Kadirova Sh.O., Komilov K.U., Kurbanova A.Dj., Doliyev G.A. // Elucidation of structures of new ellagitannins from plants of Euphorbiaceous // Medical drugs for humons. Modern issues of pharmacotherapy and prescription of medicine. Materials of the V international Scientific and practical conference. Ukraina. Xarkiv. P.112-114. 2021
6. Rakhimov R.N., Axmedov Ф.А., Kadirova Sh.O., Komilov K.U., Kurbanova A.Dj // 1-О-галлоил-6-О-бисгаллоил-2.4-

валонеил б –Д-глюкоза ва 1-О-галлоил-2,3-гексагидроксидифеноил4.6-валонеил-б-д-глюкозанинг кимёвий структурасига боғлиқ вазорелаксанти таъсири // Абу Али Ибн Сино ва замонавий фармацевтикада инновациялар IV халқаро илмий амалий анжуман мақолалар тўплами С. 174

7. Moydinov I. I, Pozilov M.K, Kurbanova A.Dj, Zaynabiddinov A.E, Abdugafurov I.A, Rakhimov R.N. Effects of new 1st, 2nd, 3rd triazole products on biochemical indicators of blood plasma and activity of liver antioxidant in diabetes caused by alloxan. Turkish Journal of Computer and Mathematics Education. Vol.12 No. 14, P.1-9.(2021)

8. Raimova K.V, Abdulladjanova N.G, Kurbanova M.A, Makhmanov D.M, Kadirova Sh.O, Tashpulatov F.N, Juraev Sh.Sh, Matchanov A.D. // Comprehensive study of the chemical composition of urtica dioica l. // Journal of Critical Reviews. ISSN-2394-5125, Vol 7, Issue 5, 2020, P.750- 755. DOI:// dx.doi.org/jcr.07.03.81

9. Qodirova Sh.O, Abdulladjanova N.G, Ziyayev D.A, Komilov Q.O, Elmurodov B, Shamuratov B.A, Ziyavitdinov J.F // Elucidation of structures of new ellagitannins from plants of Euphorbiaceae // Journal of Critical Reviews. ISSN-2394-5125, Vol 7, Issue 3. 2020, P.431- 437. DOI:// dx.doi.org/jcr.07.03.81

10. Кадирова Ш.О, Долиев Ғ.А, Гайибов У.Г, Абдуллажанов О, Абдулладжанова Н.Г. // Ўсимликлардан ажратиб олинган таннинларнинг биологик фаолликлари // Ахборотнома. НамДУ. №1. 2020 й. Б. -85- 92

11. Kadirova Shoxida Ozotboyevna // The extraction methods of essential oils from medicinal plants and their use in medicine // International Journal for Research in Applied Science & Engineering Technology (IJRASET) ISSN: 2321-9653; IC Value: 45.98; SJ Impact Factor: 7.538, Volume 10 Issue III Mar 2022- Available at www.ijraset.com

S.AYNIYNING “SUDXO‘RNING O‘LIMI” ASARIDA QO‘LLANILGAN MAQOLLARNING LINGVOMADANIY TADQIQI

Raxshona Muslixiddinova

Navoyi davlat pedagogika instituti talabasi

ANNOTATSIYA

Frazemalar barcha nutq doiralarida qo‘llaniladi. Ushbu maqolada badiiy asarlarda maqollarning ishlatilishi, undagi voqealar, shaxslar tasvirini aniqroq ko‘rsatishga yordam berishini “Sudxo‘rning o‘limi” asarlari na‘munasida ko‘rib o‘tiladi.

Kalit so‘zlar: ibora, maqollar, sema, ma‘nodoshlik, vaziyat predmeti, munosabat.

ABSTRACT

Proverbs are used in all areas of speech. In this article, the use of proverbs in works of art, their significance is analyzed on the basis of the work “Death of a Sudkhor”. Proverbs in works are also an important factor in giving a clear idea about individuals.

Keywords: phrase, proverbs, sema, meaning, subject matter, attitude.

KIRISH

Maqol deb xalqning ijtimoiy-tarixiy, hayotiy-maishiy tajribasi umumlashgan badiiy, obrazli mulohazalardan iborat hikmatli so‘zlarga aytiladi. Maqol o‘zbek tilida maqol, tojiklarda zarbulmasal, ruslarda poslovitsa, arablarda (jonli so‘zlashuvda) naql, turklarda ata so‘zi atamasi bilan yuritiladi. Maqol atamsi arabcha [قَوْل] – qavlun – gapirmoq, aytmoq so‘zidan olingan.[7]

Maqollarni o‘rganish XI asrdan Qoshg‘ariyning “Devoni lug‘atit turk” asaridan boshlab berilgan. Undan keyin yaratilgan “Qutadg‘u bilig”, “Devoni Hikmat” asarlarida ham xalq maqollari qo‘llanilganini ko‘rish mumkin.

Jahon tilshunosligi fanida paremiologiya — maqollar, hikmatli so‘zlarni to‘pib o‘rganuvchi bir yo‘nalishi mavjuddir. Sohadagi barcha ishlar shu yo‘nalish tarkibida amalga oshadi.

Hikmatli so‘zlar, maqollar biz uchun asrlarning sadosi, uzoq o‘tmish bilan hamnafaslik hissini uyg‘otuvchi mangu chaqiriq, zamonlararo ko‘prikdir. Hikmatli so‘zlar, maqollar — noma‘lum

shoirlarning yurak satrlari, xalq iste'dodining masofa bilmas shu'lalari. [2]

ADABIYOTLAR TAHLILI

Zamonaviy tilshunoslikda xalq maqollarini o'rganishda N. Ostroumov, V.D. Cherneleva, X.Sharafiddinov, B. Sarimsoqov ilmiy ishlari ahamiyatga molikdir. Darhaqiqat, har bir tilning milliy —madaniy boyligi hisoblanmish maqollar-frazeologik birliklar o'rganilish jarayonida turli guruhlarga bo'lib tadqiq etiladi.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, 80-yillarning oxirlarida O'zbekiston Fanlar Akademiyasining Alisher Navoiy nomidagi Til va adabiyot instituti xodimlari tomonidan 13 mingga yaqin maqollar alifbo bo'yicha tartiblashtirilgan holda nashr ettirildi.[3]

Har bir adib o'z asarining badiiy ahamiyatini oshirish uchun albatta emotsional birliklardan qo'llanilishi mumkin. Xususan, Ahmad Yugnakiy badiiy til vositalari, xalq maqollarini qo'llash orqali asar uslubini va tilini jozibali qilishga erishgan.[4]

Maqolni semantizatsiya qilishda uning qo'llanish holatini ko'rsatish muhim o'rin tutadi. Bu yerda biz shart va sharoitlar majmui sifatidagi vaziyatni emas, nutqiy vaziyatni nazarda tutamiz, buning uchun quyidagi komponentlar talab qilinadi: vaziyatning predmeti (maqolni aytuvchi), adresat (ular kimgadir gapirayotgani yoki kim haqida gapirayotgani), sub'ekt va adresat o'rtasidagi munosabatlar (yosh, ijtimoiy va hokazo), shuningdek, gap mavzusi. [6]

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Maqollar, hikmatli so'zlar Ayniyning ham barcha asarlarida uchraydi. Albatta ular asar tilini go'zallashishiga va ma'noviy butunligi uchun qo'llanganini guvohi bo'lish mumkin. Maqolada misol tariqasida "Sudxo'ring o'limi" asarida uchragan maqollarni ko'rib o'tamiz.

Agar lampani chiqarib tushirishda uning shishasi sinsa, «**mumsikning xarji baravar**» degan maqol to'g'ri bo'lib qoladi, – dedim men. (54-bet.)

Bir tiyinni ko'rsa o'n yumalaydigan o'ta ziqna mumsik odam o'ziga ham xarj qilishni ravo ko'rmasligi Qori Ishkamba tilidan o'z-o'ziga muqoyasa qilinadi.

– Ko'p yaxshi, – dedi Qori Ishkamba, – **Xizrni yo'qlagan uni ko'rar**, deganlar.

– «**Ayiqni yo'qlasang, tayoqni qo'lingga ol!**» ham deganlar, – dedi Arbob Ro'zi kulib, – har holda ko'p ovora bo'lib yurmasdan sizni uchratdim. (96-bet.)

Yuqoridagilar xalq tilida ko‘p uchraydigan “Xizrni yo‘qsalang bo‘larkan” , shuningdek “Bo‘rini yo‘qsalang, qulog‘i ko‘rinadi” maqollarining etimologik shakli desak xato bo‘lmaydi. Asar yozilgan zamon nuqtayi nazaridan maqollarning shu shakli o‘z davrida muloqotda faol ekanligini ko‘ramiz.

Qori aka! – dedi Arbob jiddiy ohangda, – **muomalada ot bo‘ling, it bo‘lmang!** Otlar o‘zaro kelishgandan – hingillashgandan keyin «u ko‘p yedi, men oz yedim» deb qayg‘urib o‘tirmaydi.(103-bet.)

Xalqimizda “Yaxshi so‘z bilan ilon inidan chiqar”, “Ishning ko‘zini bil, erning— tilini” kabi maqollarning boshqacha varianti keltirilgan yuqoridagi gapda o‘z ishini bitirishda muomilada ehtiyot bo‘lish lozimligi uqtirilyapti.

Odanni odam buzadi, ariqni suv deganlar, uni ham shu Muhsin buzgan, -dedi Hamid va izoh berishga kirishdi. (105-bet.)

Ariqni sel buzadi, suvsiz ariq hech nimaga yaramasa-da, unda suv ko‘payib ketsa, me‘yor yo‘qalsa, ariqda suv toshadi va o‘zidan bo‘lgan “bolta” o‘zining ildiziga uradi. Shu sababli me‘yorni saqlashda ma‘no ko‘p.

Keling Arbob aka, o‘n besh kunlik gap ekan, muhlat bering, «**yuziga chidagan yuz biriga ham chidar**», deganlar. Uch yil chidagan odam o‘n besh kunga chiday olmaydimi? (109-bet.)

O‘g‘ri o‘g‘rini qorong‘ida topadi deganlariday, bu ikki sudxo‘r bir-birovi bilan topishgan va ikkovlashib Bo‘lmaxo‘ron va Sangsabz qishloqlaridagi mehnatkash dehqonlarning uylarini kuydirgan edilar. (137-bet)

Mazkur frazema xalqimizda “Ko‘r ko‘rni qorong‘uda topadi” degan maqolning sinonimi sanaladi. Frazemalar lug‘ati katta, ularda birining o‘rniga boshqasi qo‘llanila oladi. Ehtimol, ko‘r ko‘rni qorong‘uda topadi maqoli ham o‘sha davrda qo‘llanilgan bo‘lishi mumkin. Ammo, sinonimlar qatorida doim ham semadoshlik mukammal bo‘la olmaydi, ya‘niki “sizning chehrangiz go‘zal” o‘rnida “aftingiz go‘zal” deyish xato bo‘ladi. Shu sabab ham qahramonlar tasviri uchun “o‘g‘ri o‘g‘rini qorong‘uda topadi” maqoli qo‘llanilgan.

Har bir maqolning hozirgi variantini ko‘rsatib o‘tib ketayotganimizdek, bu maqolni hozirda “Qirqiga chiqagan qirq biriga ham chidaydi” shaklida qo‘llaymiz.

«**Iflos suv botqoqda yaxshi**», deganlar, aslida sizning pulingiz murdor edi, bir murdor joyga ketgan ekan, xafa bo‘lmang, – der edilar. (159-bet)

Asarning o‘zida bu maqol «Obi ganda ba xandaq» degan tojikcha maqolga o‘xshatma ekanligi aytiladi. Demakki, maqollarda kam o‘zlashtirma holatlar uchrashini ko‘ramiz. Shuningdek, kritmalar frazologik

birliklarning : a) ma'nosini kuchaytiradi; b) stilistik vazifa bajaradi; g) tashqi shaklni o'zgartiradi.[5]

«Ildizi bo'lgan daraxtdan meva umid qilish mumkin», deganlar. 172-bet.
“Chiqmagan jondan umid” maqoli bilan tag ma'nosi yaqin bo'lgan yuqoridagi maqol eng oxirgi umidga ishora qilyapti. Zero, ildizi yerda bo'lgan, o'zi qurigan daraxtdan meva kutish doim ham o'z natijasini bermasa-da umid uchquni borligini bildiradi.

REFERENCES

1. Sadridin Ayniy. Sudxo'ring o'limi. Toshkent.: Yangi asr avlodi. 2016.
2. Hikmatnoma. Sh.Shomaqsudov, Sh.Shorahmedov. Toshkent. 1990. 5-bet.
3. Adilova Fanuza Shodiyor qizi. Bitiruv malakaviy ishi. Mavzu: “Yaxshilik” tushunchasini ifodalovchi maqollar semantikasi. 14-bet.
4. O'zbek adabiy tili tarixi. Toshkent. O'qituvchi. 1995. 74-bet.
5. Boltaboyeva Ra'no Isakulova. O'zbek tili frazologik birliklarining transformatsiyasi (semantik-pragmatik tahlil. Aftoreferat. Samarqand. 2019. 15-bet.
6. Приемы семантизации пословиц и поговорок при обучении иностранцев русскому языку. кандидат филологических наук Н. В. Баско. Язык, сознание, коммуникация: сборник статей 1998. Сб. статей / Ред. В.В. Красных, А.И. Изотов. - М.: «Филология», 1998. Вып. 3. - 120 с. ISBN 5-7552-01-12-9. Стр-69.
7. <http://elib.buxdu.uz/index.php/pages/2019-12-17-06-07-18>
8. YARASHOVA N. J. THE LIGHTS OF JEWELS OF TURKIC LANGUAGE IN THE WORKS OF ALISHER NAVOI //THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука. – 2021. – №. 9. – С. 659-661.
9. Jumaevna Y. N. Occupation of the child's personal mental status in dialogical speech //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2020. – Т. 9. – №. 5. – С. 405-408.
10. Jumaevna N. Y. DEVELOPMENT OF LINGUOCREATIVE ABILITIES IN CHILDREN'S SPEECH //Modern Journal of Social Sciences and Humanities. – 2022. – Т. 3. – С. 5-8.
11. Jumayevna Y. N. Linguo culture logical features of metaphors in children's literature (On the example of khudayberdi tokhtabayev's creative work) //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2019. – Т. 9. – №. 4. – С. 139-145.
12. Ярашова Н. Ж. ПРОЯВЛЕНИЕ ИНТОНАЦИИ У ДЕТЕЙ ПОСРЕДСТВОМ ОБРАЩЕНИЯ //Традиции и новации в профессиональной подготовке и деятельности педагога. – 2019. – С. 128-130.
13. Jumaevna N. Y. METAPHOR IN CHILDREN'S PROSE AS A LINGUOCULTUROLOGICAL PHENOMENON //Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 18-22.



П. И. ЧАЙКОВСКИЙ ИЖОДИДА ОПЕРА ВА БАЛЕТ

Илёс Исроилович Куватов

Ўзбекистон давлат консерваторияси, доцент в.б.

АННОТАЦИЯ

Опера ва балет жанрида ижод қилиш композитордан махсус тайёргарликни талаб этади. Сабаби бу ўзига хос мураккаб ва мукамал йўналиш бўлиб, унинг ўз қонун қоидалари бор ва алоҳида масъулиятни талаб этади. П.И.Чайковский ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда бир қанча опера ва балетлар яратиб тингловчилари эътиборига ҳавола этди. Айни мақолада унинг бир нечта асарлари ҳақида маълумотлар берилди.

Калит сўзлар: опера, балет, Чайковский, “Иоланта”, “Афсунгар”, “Оқ куш кўли”, “Қарсилдоқ”.

ABSTRACT

Creativity in the genre of opera and ballet requires special training from the composer. The reason is that this is a specific complex and perfect direction, it has its own rules and requires special responsibility. P. I. Tchaikovsky, feeling this responsibility, created several operas and ballets and brought them to the attention of his audience. The same article provides information about several of his works.

Keywords: opera, ballet, Tchaikovsky, "Iolanta", "The enchantress", "Swan lake", "Nutcracker".

КИРИШ

Жахон классик муסיқаси ўзининг бетакрор муסיқаси, беназир асарлари, бир қанча истеъдодли композиторлари билан тингловчилар ва томошабинлар қалбини ўзига ром этиб келмоқда. Унинг таркибидаги ҳар бир тан олинган асар ўзининг яратувчисига, тингловчисига ва албатта танқидчисига эга бўлиб келган. Шунингдек, ҳар бир яратилган асарнинг ўз тарихи мавжуд. П.И.Чайковский яратган кўплаб асарлари ҳали ҳануз дунёни лол қолдириб келмоқда. Айниқса унинг опера ва балетлари етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган тингловчиларга эга. Айтиш мумкинки, бир инсоннинг умри давомида ёшига мос тарзда Чайковскийнинг асарларига ҳамроҳ яшаши мумкин. Навбатда унинг бир нечта асарларига тўхталиб ўтмоқчимиз.



АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

1884 йилда “Мазепа” операсининг постановкасида сўнг Чайковский янги опера яратиш учун сюжет излай бошлади. Аввалига у Пушкиннинг “Лўлилар” деб номланган асарига тўхталди ва янги операнинг режасини туза бошлаган эди. Аммо бу асар негадир композиторни қониқтирмади ва яна изланишда давом этди. 1885 йилда композитор укаси Михаил Чайковский билан суҳбат чоғида Шпажинскийнинг “Афсунгар” асарини эслади. Бу муаллифнинг драма ва комедиялари 80 йилларда сахналарда узок муддат муваффақият билан намоиш этилаётган эди. Сабаби Шпажинский ўз асарларида ёрқин характерлардан фойдаланар, тўқнашувларни моҳирлик билан қўллар, сахна ҳолатларини жуда таъсирли тасвирлаб бера олар эди.

Шпажинскийнинг драмаси билан танишиб чиққач, композитор Кума ва Княжичнинг сахнасида хайратланди. Масала ўз ечимини топган эди, Чайковский драматургга мурожаат этди ва пьесани опера либреттосига ўгириб беришни илтимос қилди. Шпажинский бу таклифни қабул қилди ва матн ёз охирларида тайёр бўлди. Драма сезиларли даражада ўзгарди. Бир қанча актлар қисқартирилди, баъзи иккиламчи қахрамонлар четлаштирилди, сюжетдаги бир нечта салбий ҳолатлар олиб ташланди. Бош қахрамон образи янада бўрттирилиб, ёрқин миллий қахрамонга айлантирилди. Чайковский эса иккинчи ва тўртинчи актларда халқ сахнасини киритиб, асарни яна ўзгартирди. Либретто тайёр бўлгач, 1885 йилнинг сентябр ойида Чайковский мусиқа басталашга киришди. Кейинги йилнинг бошида биринчи ва иккинчи актларнинг мусиқаси тайёр бўлди ва бир оз танаффус юзага келди. Бунга албатта композиторнинг бир нечта концерт сафарлари сабаб бўлди. Бир йилдан ошиқ вақт ўтгач, яъни 1887 йилнинг 6 майида “Афсунгар” операсининг партитураси тайёр бўлди ва асарнинг постановкаси бошланиб кетди. Тайёргарлик жараёнидаёқ операнинг хажми жуда катта эканлиги маълум бўлди ва Чайковский асарни бир оз қисқартиришга ҳамда ўзгартиришга мажбур бўлди. Шунда ҳам операнинг хажми керагидан ортиқ эди. 1887 йилнинг 20 октябрида “Афсунгар”нинг премьераси бўлиб ўтди.

Чайковскийнинг ижодидаги энг сўнги опера “Иоланта” бўлиб, композиторнинг энг ёрқин ва ҳаётий асарларидан бири сифатида мусиқа тарихида сақланиб қолди. Ушбу асарда бирорта салбий қахрамонни учратмайсиз. Унда муҳаббатнинг қудратли кучи мавзуси устунлик қилади. Опера ишқий характерда ёзилган

бўлиб, ҳар бир қахрамон ўзига мос ариялар билан тасвирланади. Асар марказида бош қахрамон Иоланта туради ва мавзуни қоронғуликдан ёруғлик томон ривожлантириб боради. Операда симфоник принциплар турли мусиқий шакллар билан уйғунлашади. 1883 йилнинг феврал ойида матбуотда ёзувчи Герцнинг “Қирол Рененинг қизи” драмаси нашр этилади. Чайковский ана шу драмани ўқиб чиқади ва асарнинг шеърятни, лирикаси уни хайратлантиради ҳамда бир кун келиб албатта мана шу драмага опера яратишни кўнглига туғиб қўяди. 1888 йилга келиб эса Герцнинг “Қирол Рененинг қизи” драмасини Кичик театрда томоша қилгач, опера яратишга қатъий қарор қилади. 1890 йилда Чайковский бир актли балет ва операга буюртма олади. Шунда у Герцнинг драмасига опера яратиш истагини билдиради ва буюрмачилардан розилик олади. Композиторнинг укаси Михаил Ильич Чайковский “Қирол Рененинг қизи” драмаси асосида либретто ёзиб берди. Либретто 1891 йилнинг апрель ойида тайёр бўлди. Ёз ойларида эса композитор “Иоланта” деб ном олган операга мусиқа басталашга киришди. Икки ой ичида асарнинг мусиқаси бутунлай тайёр бўлди ва йилнинг сўнгига қадар оркестрлаштириш ишлари якунланди. Шу тариқа 1892 йилнинг 6 декабрида “Иоланта” операсининг премьераси Петербургнинг театрларидан бирида бўлиб ўтди ва олқишларга сазовор бўлди.

НАТИЖАЛАР

Чайковский яратган балетлар ҳам деярли барчаси ҳозирга қадар ўз долзарблигини йўқотган эмас. Ҳар бир асарининг яратилишидан аввал ижодкор доим пухта изланган. Масалан, “Оққуш кўли” балетига кўл уришдан аввал композитор кутубхоналардаги мавжуд балетларнинг партитураси билан танишиб чиқди, жанрни пухта ўрганди. Бир қарорга келгач, мавжуд сценарий асосида ушбу асарни 1876 йилда яратди. Ҳозирги кунга келиб “Оққуш кўли” балети дунёда мавжуд балетлар ичида энг гўзали деб эътироф этилди. Композиторнинг замондоши, мусиқа танқидчиси Герман Ларош балет ҳақида шундай фикрларни айтган: “Оққуш кўли” балетининг мусиқаси жуда нозик дид билан яратилган. Айниқса вальслар ранг баранглиги тингловчининг эътиборини тортади”. Дарҳақиқат, Чайковский “Оққуш кўли”ни яратар экан унга мос энг гўзал ва нафис оҳанглари танлади ҳамда оққуш мавзусини жонлантирди. Бошқа ижодкорлар томонидан илгарироқ яратилган балетларга мутлақо ўхшамайдиган “Оққуш кўли”га нисбатан турли фикрлар айтилди. Кимлардир Чайковскийни



ўхшаш тонлардан фойдаланганликда айбласа, бошқалар мавзуни ўзгартириш керак дер эди. Аммо жуда кўпчиликка балет ҳар томонлама манзур бўлган эди. 1877 йил 20 февралда Москванинг “Большой театр”ида “Оққуш кўли” балетининг премьераси муваффақият қозонди ва 1883 йилга қадар театр сахнасидан тушмади.

“Қарсилдоқ” балети - болалик ҳақидаги симфониядир.” Деган эди муסיқашунос Борис Асафьев. Дарҳақиқат унда болалик одатлари, кўрқувлари, ҳаёллари, ҳайрат ва қувончлари.... барчаси акс эттирилган. “Қарсилдоқ” балети Чайковский ижодида алоҳида ўринга эга. Бу асар ўша даврдаги балет жанрига асло ўхшамас эди, шунинг учун ҳам у барча учун янгилик бўлди. Балет 1891-92 йиллар давомида Всеволожскийнинг буюртмасига биноан яратилди. Либреттоси эса Гофман эртаклари асосида Петипа томонидан ёзилган. Рус миллий балети “Қарсилдоқ” асарини негизида фалсафий мазмун яширинган болалар сеҳрли эртаги сифатида қабул қилди. Бутун дунё ҳозирги кунга қадар бу асарга мурожаат қилиб келмоқда. Сабаби ҳар бир ижрода, муסיқий драматургиясида янгидан янги жиҳатлар очилиб келади ва ижрочиларни ҳам, тингловчиларни ҳам ҳайратга солади. “Қарсилдоқ”нинг тақдири жуда қайноқ бўлди. Томошабинлар олқиши ва мутахассисларнинг кескин танқидлари.... бу бошланиши эди. Аммо вақт ўтгач, асар қайта ва қайта янграгани сари асарнинг моҳияти очилиб борди. Ҳозирги кунга келиб эса Чайковскийнинг “Қарсилдоқ” симфоник балети бутун дунёда энг севимли ва ёқимли асарга айланди.

МУҲОКАМА

Шу ўринда мен Чайковский ижодининг ўзбек бастакорлари ижодига таъсири ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Унинг ижоди улкан бир лабораторияга қиёслаш мумкин. Катталар учун ҳам, болалар учун ҳам бирдек мукамал асарларни яратганлиги барча бастакорларнинг руҳий оламига ижобий таъсир кўрсатади. Аслида ўзбек композиторларининг барчаси Чайковский ижодини ўрганиш давомида улғайганлар десам, хато бўлмайди. Бир нечта композиторларимизнинг берган интервьюларида шунга амин бўлганманки, хатто Чайковский ижодини ўзгача меҳр билан ўрганадилар, муҳаббат билан тинглайдилар. Шундай композиторлар қаторига Р.Абдуллаев, М.Отажонов, У.Мусаев, А.Эргашев ва бошқаларни келтириш мумкин. Композиторларнинг симпозиумлари, учрашувларида композитор Р. Абдуллаев Чайковский ижодини яхши кўришини, унинг асарларидан илҳомланишини, унинг ижод

услугидан ўртак олиш мумкинлигини кўп бора таъкидлаган. Композитор Мухаммадjon Отажонов эса “Гулдаста” номли болалар учун фортепиано альбомини яратишда Чайковский услугидан унумли фойдаланган. Яъни ҳар бир асар шеър билан биргаликда келтирган. Энг эътиборли жиҳати эса ушбу “Гулдаста” миллий оҳангларга жуда бой. Муаллиф билан бўлган суҳбатимизда, шундай деган эди: “Чайковский бизга ғойибона устоз саналади. Фортепиано учун концертлар яратаётганда албатта Чайковскийнинг услугидан фойдаланамиз. Фарқи шуки, биз миллий калоритда ёзамиз.”

ХУЛОСА

Чайковский барча ўзбек бастакорларнинг устози десам, янглишмайман, сабаби унинг ижоди ҳар бир композитор умрининг охиригача ҳамроҳлик қилади. Кузатувларимдан келтирмоқчиманки, Ўзбек санъат арбоби Анвар Эргашев “Чеховиана” балетида муаллифнинг Чайковскийнинг балетларидан илхомлангани яққол сезилиб туради. Гарчи асар Чеховнинг “Уч опа сингил” ва “Чайка” номли пьесалари мотивлари асосида яратилган бўлсада, Чайковскийнинг услубига ҳос безаклар яққол сезилади.

Албатта Чайковскийнинг ижоди борасида бир қанча ўрганилмаган мавзулар бор. Бугунги кунда ёш санъатшуносларимиз бу мавзуларни илмий даражада ўрганган ҳолда тадқиқотлар олиб боришса аъло нур бўлар эди.

REFERENCES

1. Вас. Яковлев. Чайковский на московской сцене. — М.—Л.: Искусство, 1940.
2. Богданов-Березовский В. М. Оперное и балетное творчество Чайковского. — Л.-М., 1940.
3. Слонимский Ю. И. П. И. Чайковский и балетный театр его времени. — М., 1956.
4. Протопопов В. В., Туманина Н. В. Оперное творчество Чайковского. — М., 1957.
5. Вайдман П. Е. Творческий архив П. И. Чайковского — М.: Музыка, 1988.
6. Альшванг А. А. Опыт анализа творчества П. И. Чайковского (1864—1878). — М.-Л., 1951.



TECHNOLOGY OF REFINING FLAXSEED OIL

Feruza Abdullayeva Bayjon qizi*

Master's student, Department of Food Technology, Faculty of Chemical Technology,
Urgench State University

Umid Boltayev Satimbayevich

Faculty of Chemical Technology, Department of Food Technology, PhD

Sanobar Achilova Sabirovna

Faculty of Chemical Technology, Department of Food Technology, PhD

Nadira Sabirova Kamiljanovna

Department "Food Technology", Urgench State University

ABSTRACT

This article gives insights into the physicochemical properties of unrefined flaxseed oil and the selection of a rational alkaline reagent in order to neutralize free fatty acids. The main parameters of caustic soda were compared with sodium silicate, and the optimal consumption of sodium silicate for alkaline refining of linseed oil was determined. The use of sodium silicate solves two tasks: neutralization of free fatty acids and physical neutralization of coloring pigments, etc., as well as increases the yield of refined linseed oil by an average of 2.7%.

Keywords: linseed oil, caustic soda, sodium silicate, acid count, refining.

INTRODUCTION

Nowadays, refining in the oil industry of the CIS countries, including Uzbekistan, contains various physical and chemical processes, using it allows to separate the associated substances from the oil. The nature of these processes is determined by the nature of the oil and the quality of the refined oil. The refining method should be chosen in such a way that the triglyceride content of the oil remains unchanged and the maximum amount of valuable by-products (phosphatides) is released from the oil. The refining process must ensure the complete elimination of toxic and carcinogenic substances. There are several requirements for refined oils, depending on the purpose for which they are used. Edible oils must be refined by a complete cycle: the separation of

phosphatides and waxes, free fatty acids, pigmented flaxseed oils are widely used in the food industry, medicine and perfumery. [1, 2]. This research work is relevant to the oil and fat industry and can be used to process flaxseed oil. The aim of the research is to create a highly efficient method of processing flaxseed oil. Solution of flaxseed oil processing by removal of phospholipids, free fatty acids, colorants, separation of sediment from processed oil and filtration of processed oil, removal of phospholipids, free fatty acids, etc. And coloring is carried out by processing crude linseed oil at a temperature of 20-30 ° C in an aqueous solution of sodium silicate with a concentration of 5-8%. [3] Refined flaxseed oil should be clean, transparent, without sediment, greenish-yellow color, the taste and smell should be slightly clear. Taste and smell clean, bitter, sediment (by weight): in class 1 - no more than 0.05%, in class 2 - 0.1%. The moisture and volatile content of both varieties does not exceed 0.3%. Flaxseed oil goes through a complete stage of processing for further production. The shortcomings mentioned above underscore the importance of finding a more selective alkaline reagent for refining food fats. In this regard, sodium silicate ($\text{Na}_2\text{O} \cdot n \text{SiO}_2$) stands out, which has shown positive results in the refining of vegetable oils (sunflower, soybean, legumes, etc.) [7].

METHODS

The main advantage of sodium silicate solution is due to its selective interaction with free fatty acids, almost complete washing of triglycerides (with soap) and the absence of fat-soluble acidic soaps, which results in repeated washing of linseed oil and reduces subsequent processes involving drying. Changing the type of alkaline reagent, such as replacing a conventional caustic soda solution (NaOH) with a sodium silicate solution ($n \text{Na}_2\text{O} \cdot m \text{SiO}_2$), requires consideration of the composition and properties of the latter.

In practice, the density of its solution is used to calculate the amount of sodium silicate required to neutralize fatty acids, but given the complexity of the chemical composition of sodium silicate, this value is not always adequately reflected in its sodium ion concentration. The latter is a decisive factor in calculating the amount of alkali theoretically required to neutralize flaxseed oil. Therefore, we prepared an aqueous solution of sodium silicate by boiling a piece of silicate with a known modulus of three.

The density of the resulting solution was then determined and then titrated with a standard 0.1 N solution of hydrochloric

acid. The rate of sodium silicate solution was calculated according to the following formula:

$$N_1 V_1 = N_2 V_2 \quad (1)$$

here, N_1 and V_1 is the normality and volume of the titrated sodium silicate solution;

N_2 and V_2 are the normality and volume used to titrate the hydrochloric acid solution.

Given that the modulus of sodium silicate used is three, the molecular mass of the $\text{Na}_2\text{O} \cdot 3\text{SiO}_2$ compound was calculated and then the concentration of the solution was determined in g / l. For the convenience of further work, a mathematical model of the dependence of the density of sodium silicate solutions on their concentration in g / l has been proposed, which has the following form.

Therefore, for the optimal consumption of alkali in the refining of vegetable oils, it is recommended to use Equation (2), taking into account the color of the original and refined linseed oil. The chemical interaction between sodium silicate and free fatty acids proceeds according to the following reaction [7].



where silicate (in our case, $n = 2.4$).

A characteristic feature of this reaction, which is derived from conventional sodium hydroxide, is the formation of polychloric acids, which exhibit adsorption properties on the refining of refined linseed oil. It is known that the study of kinetics, ie the speed of the process of refining food oil, allows you to choose an effective alkaline solution and methods of its use in accordance with the requirements of the standard, ensuring the quality of the product [8].

With this in mind, we refined flaxseed oil using conventional caustic soda (NaOH) with a concentration of 100 g/l and the recommended sodium silicate solution ($\text{Na}_2\text{O} \cdot n \cdot \text{SiO}_2$) at a concentration of 60 g/l at 20 ° C. experiments were carried out. The intensity was maintained at 3 m/s during the oil mixing process. The experiments were carried out as follows: a reactor with a volume of 1.0 l was loaded with 500 g of unrefined reactor 2 and heated to 50-60 ° C with slow stirring, then the stirrer speed was increased to 100 cir/min with an alkaline reagent solution (caustic soda). or sodium silicate) was calculated and the excess amount (depending on the color of the unrefined oil) was added and the oil mixture was continued to be mixed with the alkali for 60 minutes. The soapstock formed after alkaline refining was separated from the oil mass by precipitation and filtration. The resulting product was then washed with

distilled water to pH-7.0 and dried under vacuum at a temperature of 70-85 ° C until constant weight of salomas. The obtained linseed oil was analyzed in accordance with the requirements of applicable standards. However, such parameters, which may change during the refining of flaxseed oil, have been investigated.

The results are presented in Table 1.

Physicochemical properties of flaxseed oil refined in an aqueous solution of caustic soda (control) and sodium silicate

Table 1

Indicators	Pressed linseed oil	Refining oil	
		As required	Certain methods
Mass fraction of phospholipids, %	0.30	-	-
Acid number, mg KOH / g	4.27	1.7	2.7
Unit of colour, mg J2	70	52	55
Humidity,%	0.2	0.09	0.14

As can be seen from the table, the replacement of traditional caustic soda with an aqueous solution of sodium silicate improves the quality of refined oils derived from linseed oil, as well as increases their profitability by 2.6 and 2.8%, respectively. This is because the recommended sodium silicate, containing silica (SiO₂), acts as an adsorbent in the purification of coloring pigments.

Thus, research suggests that sodium silicate can be recommended for practical use instead of traditional caustic soda. The use of sodium silicate solves two problems: the neutralization of free fatty acids and the removal of coloring pigments. In addition, from an economic point of view, the use of sodium silicate in the refining of food saliva allows to increase the yield of refined oil products by an average of 2.7%.

DISCUSSION

Flaxseed oil and its refining method, including separation of phospholipids, free fatty acids, dyes, separation of soap stock from refined oil and filtration of neutralized oil, removal of phospholipids, free fatty acids and dyes It is characterized by the fact that it is made by sequential refining of unrefined linseed oil at a temperature of 20-30°C.



CONCLUSION

Studies have shown that the use of sodium silicate in the refining of flaxseed oil improves the quality of the oil. During the refining process, the oil was removed from the accompanying substances and this method was used to obtain a clean and edible product.

REFERENCES

1. Н.С. Арутюнян, Е.А. Аришева, Л.И. Янова и др. Технология переработки жиров. - М.: Агропромиздат, 1985, с.29-33
2. Орлова О.В. Технология лаков и красок
3. Руководство по технологии получения и переработки растительных масел и жиров. Том 2. Рафинация жиров и масел.
4. Руководство по технологии получения и переработки растительных масел и жиров. - Л.: ВНИИ 4Ж, т.2. - 1973. - С.13-109
5. Букин А.А. «Тара и её производство»
6. Карякина М.И. «Лакокрасочные материалы 1984»
7. Кичигин В.П. «Технология и технохимический контроль производства растительных масел»
8. Тютюнников Б.Н., Химия жиров, М., 1974; Беззубов Л. П., Химия жиров, 3 изд., М., 1975
9. Унанянц Т.П. «Химические товары Том 5»
10. Гольдберг М.М. «Сырье и полупродуктов для лакокрасочных материалов »
11. В. С. Киселев, А. Ф. Абашкина «Производство лаков, олиф и красок», Госхимиздат, Москва 1961
12. Белобородов, В.В. Основные процессы производства растительных масел / В.В. Белобородов. - М. Пищевая промышленность, 1966. - 478с.
13. РАФИНАЦИЯ ПИЩЕВЫХ САЛОМАСОВ ПОЛУЧЕННЫХ ИЗ ТЕМНОГО И СВЕТОГО РАСТИТЕЛЬНЫХ МАСЕЛ ВОДНЫМ РАСТВОРОМ СИЛИКАТА НАТРИЯ. Universum mart: Химия и биология : Ходжаев С.Ф., Абдурахимов С.А., Акрамова Р.Р., Хамидова Ачилова Санобар Собировна докторант, Ургенчский государственный университет, Узбекистан, г. Ургенч Рузибаев Акбарали Турсунбаевич канд. техн. наук, Ташкентский химико-технологический институт, Узбекистан, г. Ташкент М.О. 2018. №3(72). с. 15-18. Рузибаев А.Т., Салиджанова Ш.Д. Исследования процесс.

ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ МУҲИТИДА БЎЛАЖАК КИМЁ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КРЕАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИНГ ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ ВА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ҳасанбой Убайдуллаевич Дехқонов

Қўқон давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Замонавий таълимнинг асосий вазифаларидан бири ижодкор шахсни шакллантиришдан иборат бўлиб, Олий таълимда жараёнида ушбу вазифа ёшларда илмий дунёқарашни шакллантиришда ўз ифодасини топади. Мазкур моқолада бўлажак кимё ўқитувчисига касбий компетентликни шакллантиришнинг ижодий ва амалий омиллари ёритилган.

Калит сўзлар: тарбия, компетентлик, тадқиқотчилик компетентлик, бўлажак ўқитувчининг креатив ёндашуви, бўлажак кимё ўқитувчиси.

ABSTRACT

One of important problems of modern education is education of the creative person. Sphere of the higher education lastly directed to from scientific world outlook of young people. In this article creative and practical aspects of formation of research skills at pupils and students are shined.

Keywords: training, competence, reseach competence. Creative approach, future teacher . future chemistry teacher

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ишлаб



чиқилган бўлиб, мазкур концепция Мустақил Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишидан далолатдир. Шу нуқтаи назардан Юртимизда илм-фан ва таълим соҳаси ривожига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, таълимни тубдан ислох қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. [1].

Шахсининг танлаган соҳаси бўйича малакали, юқори маҳоратга эга мутахассис сифатида шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, унга кўп йиллик самарали меҳнат, ижодий изланишлар натижасидагина эришиш мумкин. Бироқ мазкур сифатларнинг шаклланиши учун замин олий ўқув юртларидаги таҳсил жараёнида яратилади. Жумладан, бўлажак кимё ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёнида мутахассисликка оид билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб бориши билан бир қаторда педагогик-психологик фанлар бўйича назарий ва амалий билимдонликнинг шаклланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, долзарб вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун айнан мазкур мутахассисда касбий компетентликни шакллантириб боришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Олий таълим тизимида талабалар уқув фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Зеро, олий таълимнинг асосий мақсади замон талабларига мос юқори илмий-ижодий салоҳиятга ва юксак маънавиятга эга етук кадрларни тайёрлашдир. [1.]

Бўлажак кимё ўқитувчиларда касбий муаммоларни ҳал эта олишга қодир, юксак салоҳиятли етук мутахасссларни тайёрлаш олий педагогик таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Асосий таянч тушунчаларини қуйидагича изоҳлашни мақсадга мувофиқ:

Компетенция тушунчаси латинча “competentia” сўзидан келиб чиққан бўлиб, изоҳли луғатда “қонунан эга”, “ҳақдор” деган маънони англатади, умумистеъмолда кенг ишлатиладиган “қобилият”, “кўникма,” “иқтидор” тушунчаларига яқин туради.

Компетентли атамаси эса ...муайян турдаги компетенцияга эга, лаёқатли, ўз соҳасини билладиган, уни бошқаларга етказишни эплайдиган “маҳорат соҳиби” маъноларини беради.

Таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, ёш



хусусиятларига мос равишда таянч ва фанга оид умумий компетенциялар тизими қўйидагича белгиланди:

Коммуникатив компетенция — ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олиш, мулоқот маданиятига амал қилиш, ижтимоий мослашувчанлик, жамоада самарали ишлаш олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси – медиа манбалардан зарур маълумотларни излаб топиш, қайта ишлаш, улардан самарали фойдаланиш, медиа мулоқот лаёқатини шакллантиришни назарда тутати.

Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси – доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, рухий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, мустақил қарор қабул қила олиш, ўқиб-ўрганиш компетенцияларини эгаллашни назарда тутати.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси – ўзи яшаётган жамият муаммоларига дахлдорлик, фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, ижтимоий мулоқот ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

Миллий ва умуммаданий компетенция – ватанга садоқатли, инсонга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабар-дор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси – аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий режа туза олиш, диаграмма, чизма ва моделларни ўқиш, фанга оид инновацион технологиялардан фойдаланиш лаёқатини шакллантиришни назарда тутати. Мазкур компетенциялар ўқувчиларга она тили фани орқали сингдирилади. .[3.]

Олий таълимида компетенциявий таълимни ташкил этишда кўпроқ қўйидаги таълим принципларига таянилади:

Илмийлик принципи амалий аҳамиятга эга бўлган назарий билимлар, фактлар, тушунчалар, қоидалар ва илмий компетенцияларни ўрганишни кафолатлайди.

Системалилик принципи – ўқитиш мақсади, вазифалари, мазмуни, методлари, воситалари ва шакллари, тилнинг ўзини яхлит бир тизим шаклида тасаввур қилиш ва фойдаланишни, шунингдек, ўқувчилар томонидан яратиладиган матнларнинг

изчил, тизимли, мантиқли шаклланишига эришишни кўзда тутди.

Изчиллик принципи – ўқувчилар томонидан тилга оид тушунчаларни изчил ўзлаштириш, нутқий компетенцияларни босқичли кетма-кетликда шакллантириш, тил имкониятларидан мавзу талаби асосида, мақсадли фойдаланишни тақозо этади.

Кўргазмалилик принципи – ўқувчилар томонидан мустақил матн яратишда табиий, тасвирий, тарқатма, дидактик, аудио-видеоматериаллар, мультимедиа, интернет ва электрон ўқув воситаларидан унумли фойдаланишни кўзда тутди.

Таълим ва тарбиянинг узвийлиги принципи таълим мазмуни, изчиллиги ва мантиқан боғлиқлиги, ўқувчилар томонидан матн яратиш жараёнида ўзаро узвийликни таъминлаш, ўқувчиларда маданий мулоқотни шакллантириш ва ривожлантиришни кўзда тутди.

Онглилик принципи – мустақил матн яратиш компетенцияларини эгаллашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ келадиган компетентлилик даражасини онгли юксалтира билишни талаб қилади.

Тушунарлилик принципи – янги билимларни ўзлаштиришини қулайлаштирувчи, асосий ғояни англашини осонлаштирувчи атама ва тушунчалардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Назария ва амалиёт бирлиги принципи – ўқувчиларга назарий ва амалий билимларни ўзаро уйғунликда сингдириш, касбий компетенцияларни эгаллаш билан бир қаторда, уларни турли вазиятларда, тўғри қўллашга одатлантириш тақозо этилади.

Узвийлик принципи – ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билимлари билан янги ўрганилаётган мавзулар ўртасидаги сатҳлараро алоқадорлик сақланиши, шунингдек, имло, пунктуация ва услубиятга доир билимлар ҳам матн яратиш билан узвийликда такомиллаштирилиши назарда тутилади.

Ўқитиш принциплари “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да кўзда тутилган вазифаларни бажаришга қодир янги авлодни, ташаббускор, рақобатбардош ёш мутахассисларни тайёрлашни назарда тутди. Бу вазифани амалга ошириш учун эса, тилни тизимли ўрганиш, бўлажак кимё ўқитувчиларда касбий компетенцияларини мустаҳкамлаш, таълимни интенсивлаштириш орқали уларда компетентлилик даражасини орттириш лозим. .[3.]

Бўлажак кимё ўқитувчиси – келажакда умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим-

тарбия ишларини амалга оширадиган, ўқув жараёнига раҳбарлик қиладиган педагог мутахассис.

Касбий компетентлик - кишининг касбий фаолият билан боғлиқ вазифаларни бажара олиш қобилияти ва ундан самарали фойдалана олиш имконияти бўлиб, у шахсга хос кўплаб психологик хусусиятларга эга бўлишни тақозо этади. А.А.Деркач томонидан касбий компетентликнинг таркибида касбий фаолиятдаги компетентлик, касбий мулоқотдаги компетентлик, мутахассиснинг ўз шахсини намоён эта олишидаги компетентлигини киритиш мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Педагогнинг касбий компетентлиги педагогика ва психология фанларига доир билимларга эга бўлиш, ўз устида ишлаш, таълим жараёнини режалаштириш, баҳолаш ва қайта алоқани ўрната олиш, ўқувчиларда ўқув фаолияти мотивациясини шакллантириш, ахборот коммуникация технологияларини яхши билиш, таълим муҳитига янгилик киритиш, ўз фанини мукамал билиш, хорижий тиллардан бирини яхши билишни тақозо этади.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши Касбий компетентлик қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

Касбий компетенцияга эга мутахассис:

Касбий компетентлик сифатлари. Касбий компетентлик негизида қуйидаги сифатлар акс этади. Қуйида касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

1. Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгаллик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

2. Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолашни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

Сифатлар:

Ижтимоий компетентлик, шахсий компетентлик,

технологик компетентлик, махсус (ёки касбий)компетентлик, касбий компетентлик негизда акс этувчи сифатлар, экстремал компетентлик Психологик, методик, информация, креатив, инновацион, коммуникатив ва бошқа компетентлик

- мураккаб жараёнларда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда
- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни ўзлаштиради;
- давр талабларини чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди

1) психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

2) методик компетентлик – педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

3) информация компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

4) креатив компетентлик – педагогик фаолиятга танқидий, ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгаллигини намойиш эта олиш;

5) инновацион компетентлик – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш;

6) коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

3. Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

Технологик компетентлик – касбий-педагогикни бойтадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

Экстремал компетентлик – фақулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилна қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.[2]

Бир қатор тадқиқотларда бевосита педагогга хос касбий компетентлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Бун дай тадқиқотлар сирасига А.К.Маркова, ва Б.Назаровалар томонидан олиб борилган изланишларни киритиш мумкин. [2,3]

Ўз тадқиқотларида А.К.Маркова педагогнинг касбий компетентлиги қуйидаги таркибий асослардан иборат эканлиги айтилади.

ХУЛОСА

Таълимнинг мазмуни замонавий талаб бўйича беш муҳим таркибий қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисмда эгалланадиган билим, нутқий-амалий компетенциялар қамрови белгилаб берилди.

1. Ўқувчи эгаллаши зарур бўлган назарий билимлар тизими аниқланади.

2. Танланган назарий билимга мувофиқ бўлган амалий компетенция ва малакалар тизими. Бунда **билим** – ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш; **кўникма** – ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллаш олиш; **малака** – ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллаш олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш; **компетенция** – мавжуд нутқий билим, кўникма ва малакалар интеграциясидан ижтимоий фаолиятда унумли фойдалана билиш қобилияти.

3. Ўқувчиларни ижодий фаолият усуллариға ўргатиш тизими қайта хотирлаш, қисман изланувчанлик, илмий-ижодий шаклда бўлиши мумкин. Қайта хотирлаш – ўқитувчи томонидан кўрсатилган ёки дарсликда берилган намунаға қараб ишлаш, машқ бажариш фаолияти. Бу усулда ўқувчининг фаоллик даражаси чегараланиб, изланишға, кашф қилишға эҳтиёж сезмайди. Қисман изланувчанлик фаолиятида ўқувчи йўналтирувчи топшириқлар ёрдамида тил ҳодисаларининг ўхшаш ва фарқли томонлари устида ўйлаши, топиши, аввал эгалланган билимларни қисман маълум шароитларда қўллаши мумкин. Илмий-ижодий фаолиятда ўқувчи олган билимларини янги шароитда қўллаш олиши, ҳеч қандай ташқи ёрдамсиз зарур билим манбасини топиб, улардан тўғри

фойдаланиш компетенцияларини эгаллаши талаб қилинади. Ўқувчининг ижодий изланиш қанчалик кўп бўлса таълимнинг самарадорлик даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади.

4. Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими ўзаро ҳамкорлик, мақсадга интилишда яқдилликка, ўқувчи субъекти устуворлигига асосланмоғи лозим. Таълим мазмуни кўзланган мақсад йўлида эркин ҳаракатланувчи тил ва нутқ бирликлари, ижодий-амалий компетенциялар захираси ва уни ўқувчи онгида шакллантириш усулларида иборат бўлади.[2.] XXI асрда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг жадал ўсиши инсон ақл-заковати ва маънавияти ривожланганининг асосий омили бўлиб қолмоқда. Бу инсоннинг ўзлигини англаши учун кенг имкониятларни вужудга келтириб, унинг маънавий-интеллектуал ривожланишига шароит яратади. Зеро, миллат тараққиёти, маънавияти ва маърифати юксак салоҳиятли, билимли, мустақил фикрлайдиган, ахлоқ-одоби билан ўзгаларга ибрат бўладиган баркамол авлодга боғлиқ.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ – 5847 – сон Фармони.
2. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Знание, 1996. – 308 с.
3. Назарова Б. Проектирование технологии обучения для формирования у будущих преподавателей педагогического колледжа профессиональной компетентности. // Вопросы гуманитарных наук. Москва.- 2008.- Б. 300-303.
4. Слостенин В.А., Чижикова В.И. Введение в педагогическую аксиологию. – М.: Изд. центр «Академия», 2003. – 192 с.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Диёр Орифович Маматов

Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти “ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси.
d.mamatov@ytit.uz

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикаси билан стратегик ҳамкорлик алоқалари шунингдек, ўзаро муносабатлар тарихи, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамда таълим соҳасидаги алоқаларнинг ривожланиш тенденциялари мавжуд статистик ва илмий асослар билан ёритилган. Корея Республикаси жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторида илдам олға сураётган давлатларидан бири бўлиб, мазкур давлат билан Ўзбекистон Республикасининг турли соҳалар ривожига олдиб бораётган ҳамкорлик алоқалари ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ушбу эришилаётган ютуқлар мақолада тизимли, даврий кетма-кетликда, мантиқийлик ҳамда холисона тарзда ёритилиш билан бирга, керакли хулоса ва таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Стратегик шерикчилик, ҳаракатлар стратегияси, давлат сиёсати, корей хафталиги, электрон савдо платформасини, меморандум, ҳамкорлик, парламентлараро алмашинув, инновацион ҳамкорлик, бизнес-форуми.

ABSTRACT

The article highlights the strategic cooperation as well as the history of relationships, trends in the development of economic, social, cultural and educational relations based on statistical and scientific data between the Republic of Uzbekistan and the Republic of Korea. The Republic of Korea is one of the most developed countries in the world, and cooperation in various fields between the Republic of Korea and the Republic of Uzbekistan is yielding positive results in both directions. These achievements are systematically, periodically, logically and objectively disclosed in the article, and the necessary conclusions and recommendations are made.

Keywords: Strategic partnership, action strategy, government policy, Korea Week, e-commerce platform, memorandum, cooperation, inter-parliamentary exchange, innovative cooperation, business forum.

КИРИШ

Ўзбекистон билан Жанубий Корея географик жиҳатдан бир-биридан узок, лекин кўнгли яқин, тинчлик ва тараққиёт йўлида мақсади муштарак давлатлардир. Тарихдан маълумки, мамлакатларимиз Буюк ипак йўли даврларидан бошлаб ўзаро борди-келди қилган. Самарқанддаги "Афросиёб" музейида сақланаётган деворий суратларда VII аср ўрталарида Самарқанд хукмдорининг қадимги Корея – Чосон элчисини қабул қилиш маросими акс эттирилгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўзаро стратегик шериклардир. Жанубий Корея юксак даражада тараққий этган, улкан иқтисодий, илмий-техникавий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат. Бу ерда ушбу йўналишларда эришилган муваффақиятлар ҳар жиҳатдан ўрганишга ва ибрат олишга арзийди. “Ўзбекистон бизнинг энг яқин ҳамкорларимиздан бири бўлиб, турли соҳалардаги алоқаларимиз изчил ривожланиб бораётганидан мамнунмиз. Жанубий Корея бугунги кунда бутун Евросиёда тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Марказий Осиёда асосий ўринга эга Ўзбекистон ушбу режанинг марказидадир”, деди Корея Республикаси Президенти.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Корея Республикаси Осиё – Тинч океани минтақасида Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикларидан биридир. Жанубий Кореянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмасида Ўзбекистон улуши қарийб 50 фоизни ташкил этади. Расмий Сеулнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этган инвестициялари ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Бунга асосий сабаб бир-бирига нисбатан ҳамда ишончли шерикчилик муносабатларида яқдиллик сиёсатининг ривожланишидандир.

Шу билан бирга, жадал ўзгариб бораётган глобал шароитда икки давлат учун истиқболли бўлган фармацевтика, косметика, меҳмонхона бизнеси, шаҳарларни бошқаришнинг замонавий тизимларини ривожлантириш сингари бошқа соҳаларда -ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. 2019 йили Жанубий Кореянинг фармацевтика компаниялари 18,6 миллиард долларлик кўрсаткич билан Осиёда учинчи ўринни эгаллади. Корея Республикаси 2020 йилга қадар дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳажмини 20,4 миллиард долларга чиқариш орқали дунёнинг етакчи етита давлати сафига киришни режалаштирапти.

Ўзбекистон, ўз навбатида, фармацевтика соҳасига ихтисослаштирилган еттига эркин иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг мазкур соҳадаги ҳамкорлиги амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Икки давлат ўртасида парламентлараро алмашув муваффақиятли ривожланмоқда. 1995-йилда Корея Республикаси Миллий Ассамблеясида “Корея-Ўзбекистон” дўстлик Ассоциацияси тузилди. 2005-йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Корея билан ҳамкорлик бўйича махсус гуруҳ таъсис этилди. 2017-йилнинг сентябрида Корея Республикасининг Миллий Ассамблеяси спикери Чон Се Гюннинг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда 2018-йилнинг февралда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери Н.Исмоиловнинг Корея Республикасига ташрифлари амалга оширилди. Мазкур ташрифлар натижасида қонунчилик тизимида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник, инновацион, ҳарбий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан имзоланган икки томонлама битимлар ва эришилган аҳдлашувларни амалга ошириш, шунингдек, мазкур масалалар бўйича, аввало савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Жанубий Корея Ҳукуматлараро қўмитаси доирасида мунтазам ва самарали ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш борасида икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича музокаралар олиб бориш, жорий масалаларни тезкор ҳал этиш ва олға силжитиш учун Корея Республикасига Ишчи гуруҳ раҳбарларини тегишли вазирликлар, идоралар ва компанияларнинг вакиллари билан бирга хизмат сафарларига мунтазам юбориб туришга келишилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда икки давлат ўртасида ҳукуматлар, вазирлик, идора, молия, банк институтлари ва бизнес тузилмалари ўртасида мустаҳкам муносабатлар тобора кенгайиб бормоқда. Парламентлараро алоқалар ривожланаяпти, ташқи ишлар вазирликлари маслаҳатлашувлари доимий равишда ўтказиляпти. “Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми самарали иш олиб бормоқда. 2017 йилнинг июль ойида Жанубий Корея ҳукумати томонидан махсус тузилма — Корея Республикаси — Марказий Осиё ҳамкорлик форуми котибияти тузилди. Мазкур котибият Жанубий Кореянинг Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон билан



узоқ муддатли ҳамкорлик йўналишларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу ташаббус икки мамлакат-давлат органлари ўртасидаги алоқаларни янада тараққий топтириш, корейлик ишбилармонларни кенг жалб қилиш ҳамда бизнес ҳамкорликни фаоллаштириш йўлида янги имкониятларни очади.

Парламентлараро алмашинув соҳасида ҳам юқори натижларга бой муносабатлар йўлга қўйилиши ўзининг қонунчилик соҳаси ривожидида ўз натижаларини бера бошлади. 1995 йилда Корея Республикаси Миллий Мажлиси ҳузурида Корея-Ўзбекистон дўстлик уюшмаси ташкил этилди. 2005 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Корея билан ҳамкорлик қилиш учун гуруҳ тузди. Икки мамлакат парламентлари мунтазам учрашувлар ўтказиб келмоқда, бу эса мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Муниципал даражада яқин алоқалар ўрнатилган бўлиб, ушбу доирада Тошкент ва Сеул, Фарғона ва Ёнгин, Наманган ва Сонгнам, Самарқанд ва Кёнгжу, Тошкент вилояти ва Кёнсан-Пукто ҳамкорлик келишувлари мавжуд.

Бугунги кунга келиб Корейнинг Ўзбекистонга киритган инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошган. Ўтган йилда 320 миллион доллар, яъни 2020 йилга нисбатан 20 фоиз кўп ўзлаштирилди. Бу маблағлар ҳисобига кимё, нефть-кимё, тўқимачилик, қурилиш, қишлоқ хўжалигида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Корея Эксимбанки ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик фонди (EDCF) билан кўп йиллик самарали ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовор. Масалан, ушбу жамғарма доирасидаги молиялаштириш ҳажми 1 миллиард долларга етказилди. 2023 йилга қадар Ўзбекистонда янги лойиҳаларни амалга оширишга салмоқли маблағ йўналтирилмоқда. Корейнинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан сермахсул шериклик ҳам кенгаймоқда. Ўзбекистон Президенти яқин даврга мўлжалланган ҳамкорликда учта асосий йўналиш: “яшил” тараққиёт, рақамлаштириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш масалалари кун тартибида турганини таъкидлади. Истикболдаги барча қўшма лойиҳалар, дастур ва ҳаракатлар режаларини шу асосий устуворликлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш таклиф этилди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг инсон капитали ва табиий ресурслари Корея Республикасининг истикболли технологиялари ва билимлари билан бирлашса, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун яхши замин яратиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Шу



муносабат билан давлатимиз раҳбари Иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш фондини (EDPF) жалб қилган ҳолда Тошкент вилоятида яримўтказгич ва электроника ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон-Корея кластерини ташкил этиш таклифини билдирди. Унинг ҳудудида фан-таълим муассасалари, илғор технологиялар соҳасидаги тадқиқот ва ишланмалар марказларини жойлаштириш мумкин бўлади.

ХУЛОСА

Ўзбекистон ва Кореянинг кўплаб масалалар юзасидан қарашлари ўхшашдир. Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирига кўмаклашмоқда. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланишини, шунингдек, 2023 йилда Жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси 25-сессиясини ўтказиш жойи сифатида Самарқанд номзодини қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон, ўз навбатида, Кореянинг 2024-2025 йилларда БМТ Хавфсизлик кенгаши муваққат аъзоси бўлиш ниятини қўллаб-қувватлайди.

Икки томон раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли лойиҳа ва дастурларини илгари суриш мақсадида парламентлар ва ҳукуматлар даражасидаги мулоқотнинг янги самарали механизмларини жорий қилишни таклиф этди.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўрисидаги Фармони. – Тошкент: «Адолат», 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.–Т.:Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курмоқдамиз. // Туркистон. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. – Тошкент: Credo Print, 1 том. 2017.
5. Пахрутдинов Ш. Таҳдид –ҳалокатли куч. –Тошкент: Академия, 2001.
6. Сун Дон Ги.Ўзбекистон Республикаси ва жанубий Корея иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда истиқболли режалар. Дис.тарих фанлари номзоди. – Тошкент: 2000
7. <http://parliament.gov.uz/uz/1=50>Обиджонов Б: Муштарак мақсадлар ва қадимий дўстлик ришталари.



ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ ТАРИХИДАН

Буҳажал Алимовна Юнусова

Андижон давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада, милoddан аввалги IV асрдан милodий I асрга қадар бўлган давр мобайнидаги Қадимги Хоразм шаҳарсозлик маданиятининг ривожланиш босқичлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Кат, Аёзқалъа, Бурлиқалъа, Гавхўра, Говурқалъа, Акчаконқалъа, оташгоҳ, пахса, ғишт, шинак, Тупроққалъа, Тошхирмон.

ABSTRACT

In this article, the stages of development of the ancient Khorezm urban culture during the period from the IV century to the I century AD have been covered.

Keywords: Kat, Ayozkala, Burlikal'a, Gavkhura, Govurkal'a, Akchakhonkal'a, fire, pakhsa, brick, shinak, Toprakkal'a, Toshkhirmon.

КИРИШ

Республикамиз мустақилликка эришгач, ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб олди. Ўзининг бой қадимий тарихини тиклаш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистоннинг қадимий тарихга эга эканлигини бутун дунёга намойиш этмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мустақиллигимиз шарофати билан археология фанига ҳам катта эътибор берилиб, айниқса Қадимги Хоразм шаҳарсозлиги алоҳида аҳамият касб этади. Султон Увайс тоғининг жанубидаги Аёзқалъа комплексидан 6 км ғарбда Бурлиқалъа ёдгорлиги жойлашган. Антик даврда Гавхўра каналидан Қаватқалъа яқинида Бурлиқалъа томон суғориш иншооти қазилган. Бурлиқалъа ана шу воҳани ҳимоя қилиш вазифасини бажарувчи давлатнинг шимолий чегара қалъалари тизимига кирган. Шаҳар мураккаб конфигурацияга эга бўлиб, шимолий - шарқдан жанубий -ғарбга чўзиқ шаклда қурилган. Қалъанинг энг узун жойи 120 м, кенг жойи эса 95 м ни ташкил этади. Ташқи деворда найзасимон шинаклари кўп.



Аммо девор Жонбосқалъадаги сингари бурж ва минораларга эга эмас. Шаҳар дарвозаси қалъанинг шимолий қисмида жойлашган. Шаҳарнинг шимолий қисмида 5,2 x 5,9 м ўлчамдаги қурилиш қолдиғи сақланган бўлиб, С.П.Толстов уни диний маросимлар ўтқазадиган бино – “оташгоҳ” ёки минорасимон иншоот деб номланган еди. С.П.Толстов Бурлиқалъани мил.авв. IV – мил. I асрларга, Я.Ғуломов эса сўнгги қанғуй даврига оид деб ҳисобланган. Сўнгги йиллардаги стратиграфик тадқиқотларнинг умумий таҳлили Бурлиқалъа мил.авв. IV –III асрларда бунёд этилиб, унда ҳаётнинг иккинчи марта қайта жонланиши милодий I-IV асрлар тўғри келишини кўрсатади.

Султон Увайс Говурқалъаси - Султон Увайс тоғидан 1,5 км жанубда жойлашган. С.П.Толстов Говурқалъани Кушон даври, Я.Ғуломов эса янада аниқроқ қилиб II – III асрлар билан белгилаган эдилар. 1951 – 1952 йиллардаги тадқиқотлар якунида ёдгорликда ҳаёт мил. авв. II асрдан сўнгги кушон даврига қадар давом этган деган хулосага келинади. 1962 йилда В.Н.Ягодин ёдгорликни ўрганиб ундан мил.авв. IV асрга оид материалларни топади. Қалъанинг тарҳи шимолдан жанубга чўзиқ, учбурчаксимон трапеция шаклида. Шимолий деворнинг узунлиги 200, шарқий деворники 450, ғарбий деворнинг жанубий қисмини Амударё ювиб кетган бўлиб, дарё бўйлаб 40 – 100 м масофада сақланган қисмининг узунлиги 400 м ни ташкил этади. Бизнинг давримизгача ёдгорликнинг фақат шимолий – ғарбий қисми сақланиб қолган. Истеҳком қўшдевор билан ўраб олинган. Шаҳарнинг ички қисмида девор бўлиб, у шаҳарни икки қисмга ажратиб туради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Қалъанинг жойлашган ўрни деҳқончилик воҳаси ёки карвон йўллари кесишган жой бўлмаганлигини кўрсатади. Шимол томондан келган душман Хоразм воҳасининг марказий қисмига фақат ушбу қалъа муҳофаасини ёриб ўтгандан кейингина кира олиши мумкин бўлган. Ғарб ва шарқ томондаги табиий тўсиқ яъни Амударё ва Султон Увайс тоғлари душманни шунга мажбур қилган. Шу жиҳатдан Говурқалъа Хоразм давлатининг муҳим шимоли чегара қалъаси бўлган деб хулоса чиқаришимиз мумкин.

Ақчаҳонқалъа-Беруний туманидаги Тошхирмон воҳасида жойлашган бўлиб, Тошхирмон бевосита Амударёдан сув олувчи катта бир каналга бирлашган мураккаб, сертармоқ суғориш тизими орқали ўзининг сувга бўлган эҳтиёжини қондирган. Ҳозирги вақтда айрим жойлардагина излари сақланиб қолган ушбу канал

мазкур суғориш тармоғи тизимига кирган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бу тизим таркибида милодий II-III асрларда Хоразмшоҳлар қароргоҳи-Тупроққалъа ҳудудини сув билан таминлаб турган ва ўрта аср манбаларида Гавхорэ номи билан қайд этилган канал, шунингдек милодий IV асрдан бошлаб Кот шаҳри ҳудудини суғорган Кот канали ҳам бўлган. Тошқирмон ва Гавхорэ каналлари умумий бир манбадан сув олиб, Думанқалъа кўҳна шаҳари яқинида иккига бўлиниб кетган. Яъни Тозабоғёп каналининг катта бир тармоғи Тупроққалъа канали бўлиб, у Думанқалъа ёдгорлигида иккита тармоққа ажралади, булар Тошхирмон канали ва Гавхорэ канали. Тупроққалъа шаҳрини Гавхорэ канали сув билан таминлаган, Тошхирмон канали эса Ақчахонқалъа ва Тошқирмон ҳудудини сув билан таъминлаган. Кот канали Амударё ўзанидан сув олиб, Кат шаҳрини сув билан таъминлаган. Ачахонқалъа тахминан Кат шаҳридан 15 чақирим шимолроқда жойлашган. Бинобарин, фақат Ақчахонқалъа кўҳна шаҳаригина Хоразмнинг қадимий пойтахтиликига даъвогар бўлиши мумкин. Унинг Амударёга анча яқин жойлашганлиги (20 километр масофада) у қадимги Ҳиндистондан Амударё, Узбой ва Каспий бўйлаб Яқин Шарқ мамлакатлари ҳамда Шимолий Қораденгиз бўйига ўтувчи сув йўлидаги энг йирик савдо марказларидан бири бўлган. Амударё бўйи курукликдаги савдо йўллари ҳам Ақчахонқалъа шаҳри орқали ўтган. Қадимги Хоразмнинг бошқа йирик археологик ёдгорликлари орасида қалъанинг алоҳида мавқега эга эканини кўрсатадиган муҳим белгилардан бири унинг мустаҳкам ташқи девор билан ўралганлигидир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган ёдгорликлар Амударёнинг ўнг қирғоғидаги қадимги деҳқончилик воҳасининг мустаҳкамланган йирик пунктлари бўлиб, улар қадимги тошқин сувлари ҳавзасида ва бу воҳанинг шарқидаги магистраль канал ҳавзасида жойлашган. Амударё ўнг қирғоғи қадимги суғорилган ерларининг умумий тарихий топографик кўриниши Хоразмнинг ижтимоий ҳаётида бўлиб ўтган катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлардан дарак беради.

REFERENCES

1. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Т.,Изд-во АН Уз 1957
2. Толстов С.П. Древний Хорезм.М.,1948.С.115.



3. Толстов С.П. По древним дельтам древнехорезмийской цивилизации. М.,1948.С.101.
4. Ходжаниязов Ғ. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари.Т.,2007.54-55б.
5. Ягодин В.Н.,Беттс А. Кўхна Хоразм жумбоқи. //Фан ва Турмуш //№1-3, 2006. 29-30б.



МУРАККАБ ФИЗИК ЖАРАЁНЛАРНИ НАМОЙИШЛИ ЎҚИТИШДА ВИРТУАЛ ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Муқаддасхон Абдумажитовна Эргашева
Наманган давлат университети доценти

Феруза Абдимўминовна Рахимжанова
Наманган муҳандислик-технология қошидаги академик лицей физика фани
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мураккаб физик жараёнларни лаборатория машғулотида ўрганишга имкон яратувчи воситалардан фойдаланиш йўли баён этилган бўлиб, унда физика фанидан лаборатория машғулотида водород атоми учун Бор постулатлари асос қилиб олинган.

Калит сўзлар: таълим ва тарбия, ахборот технологиялари, Бор постулатлари, орбита, водород атоми, виртуал лаборатория.

ABSTRACT

This article outlines the ways of using the method allowing to study complex physical processes in laboratory classes, in laboratory classes in physics for the hydrogen of the atom, Bohr's postulates are taken as the basis.

Keywords: Education and upbringing, information technologies, Bohr's postulates, orbit, hydrogen atom, virtual laboratory.

КИРИШ

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолати ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган. Албатта, таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойтадиган унинг энг муҳим омилидир. Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсон қилиб вояга етказиш - таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим-тарбияни уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. Бунда таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиш; ўқув

машғулотларини сифатли ўтказиш; ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитиш ва тарбиянинг илғор ҳамда инновацион шакллари ва усулларидан фойдаланиш керак [1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Юқоридагилардан кўринадики, дунё миқёсида ҳозирги пайтда таълимга ахборот технологияларини жадал татбиқ этиш, таълим жараёнини компьютерлаштириш етакчи педагогик-услубий ғояга айланган. Навбатдаги вазифа ахборот технологиялари ва компьютерлаштириш бўйича эришилган натижаларни умумлаштириш йўли билан педагогик-услубий назарияларни асослашдан иборат.

Албатта компьютернинг таълим-тарбия соҳасидаги аҳамияти беқиёс. У халқ таълими тизимини маъмурий бошқаришдан тортиб, мактаб фаолиятини алоҳида ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш, ўқув предметларини ўрганишни ташкил қилишдан тортиб, ўқувчиларнинг индивидуал машғулотларини ташкил этишгача бўлган муаммоларни қамраб олади. Бу муаммоларни ҳал қилиш бўйича барча иқтисодий ривожланган мамлакатларда, жумладан, Республикамизда ҳам турли йўналишдаги илмий тадқиқот ишлари ўтказилмоқда.

Таълим соҳасини компьютерлаштириш, унга ахборот технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилишда муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, бу соҳада ечимини кутаётган масалалар ҳам талайгина. Бу масалалар қаторига таълимда яъни физика ўқитишда мураккаб физик жараёнларни кўрсатиш ва ўқитишда компьютерли таълим методологиясининг яратилмаганлиги; уларни амалга ошириш босқичлари ва механизми етарлича тадқиқ қилинмаганлиги; ўқув материалига педагогик дастур воситаларига мўлжаллаб ишлов бериш, маълумотлар жойлаштириш усуллари, улардан фойдаланиш тизимини илмий асослаш; дарс жараёнидаги босқичларни тўлиқ компьютерлаштириш масаласининг мажмуали ўрганишга олиб келади [2].

У кўп жиҳатдан таълим муассасаларида мавжуд лабораторияларнинг турли даражада техник таъминланганлиги, машғулотларни олиб бориш методикаси, компьютерларнинг қай даражада қўлланилаётганлиги ва олинган экспериментал натижаларни таҳлил қилиш даражаси, эксперимент ўтказишга ўқувчиларнинг тайёргарлигини текшириш усуллари, ҳисобот шакли ва ҳоказоларга боғлиқдир.




МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Лаборатория ишларини бажариш бўйича машғулотлар пайтида ўқувчилар ўз билимларини оширишлари, олган назарий билимларини мустаҳкамлашлари, физиканинг асосий тушунчалари ва қонуниятларини чуқурроқ тушуниш ва англаб олишга эришишлари, экспериментал масалалар ечиш малакалари ва кўникмаларини ҳосил қилишлари, физик асбоб ва қурилмалар, шунингдек, ўлчов асбоблари билан ишлашни, кузатиш ва тажриба натижаларини ишлаб чиқиш кўникмаларини ҳосил қилишлари лозим [3].

Бундай ҳолларда ўтказилаётган лаборатория ишлари ва унда кўриладиган жараёнлар компютерлар учун яратилган дастурлар жуда ҳам қўл келади ва машғулотни самарали бўлишига катта ёрдам беради. Масалан, лаборатория машғулотларида водород атомининг оптик спектрини ўрганишга имкон яратувчи воситалар водород атомининг оптик спектрини тушунтиришда Бор постулатлари асос қилиб олинган. Ушбу экспериментнинг фундаментида Бор постулатлари ётади. Шунга асосланиб, ўқувчининг бу машғулотда икки вертуал ишланма асосида натижаларни кузатиш имкони мавжуд.

Бор постулатлари классик физика қонунларига мутлоқ зид ва тўла квант назария эканлиги унда “дискретлик” тушунчаси, квантланиш қоидасининг илгари сурилиши, энди квант физика оламига кириб келаётган ўқувчи учун қийинчилик туғдиради. Буларни бартараф этишда нафақат маъруза, амалий машғулот дарслари шулар қаторида лаборатория машғулотларини ҳам маъсулиятини оширади. Эксприментни ўтказишдан олдин назарий маълумотга эга бўлган ўқувчи компютер технологиясида тажрибани тасаввурий моделига асосланган лаборатория ишида (1-расм) кузатув олиб бориши ва олинган натижалар асосида хулоса чиқариши ўта муҳимдир.

Бу машғулотни кузатишда вертуал лаборатория ишланмалари қуйидаги имкониятларни беради.




1-расм. Тажрибанинг тасаввурий модели.

Экраннинг ўнг тарафида стационар орбиталарда ҳаракатланаётган электроннинг турли орбиталарда қуйидан юқори орбитага кўчиргандаги ҳолатлари экраннинг чап тарафида $n=1$ асосий ҳолатдаги энергия ионлаштириш энергияси ва қуйидан юқори n_1 дан n_2 га нур чиқариши ва юқоридан қуйи n_4 дан n_3 га нур ютиши ифода этилганлигини кузатади. Экраннинг қуйи қисмида эса стационар ҳолат энергияси


$$E_n = \frac{1}{\epsilon_0^2} \frac{e^4 m_e}{8h^2} \frac{1}{n^2}, p_n = p_1 \cdot n^2, \chi v_{\text{нм}} = \mathcal{E}_n - \mathcal{E}_m.$$

Бор постулатларига оид ифодаларга эга бўлади. Шулар асосида олинган қийматлар:

1 – машқ. Юқоридан қуйига (нур ютиш).



2 – машқ. Қуйидан юқорига (нур чиқариш).



“Бор постулатлари”га оид лаборатория ишини компьютерда кузатиш қуйидаги имкониятларни беради:

- 1) водород атомининг стационар орбиталарини кузатиш;
- 2) водород атомининг энергетик сатҳлар структурасини ўрганиш;
- 3) ёруғлик кванти ютилганда ёки чиқарилганда бир орбитадан бошқа орбитага электронни сакрашини кузатиш;
- 4) энергетик сатҳлар орасидаги ўтишни кузатиш;
- 5) Борнинг частоталар қоидаси билан танишиш ва бошқалар [4].

ХУЛОСА

Булардан шуни хулоса қилиш мумкинки мураккаб физик жараёнларни лаборатория машғулотида ўрганишга имкон яратувчи воситалар фойдаланиш тажриба ва унинг натижаларини кузатиш имконини беради ва ҳодисаларни ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштиришга замин яратилган бўлади. Шунингдек, компьютерлар учун яратилган дастурлардан фойдаланиб ҳисоблашларни олиб борилиши натижаларни жуда аниқ чиқарилишида катта аҳамиятга эга [5]. Демак, илмий асосларга таянган ҳолда ўқувчиларнинг мураккаб физик жараёнлар бўйича тасаввурини ахборот технологиялари воситасида, махсус дастур асосида аниқ назарий ва амалий материалларни яратиш ва уни таълим жараёнига жорий этиш ҳозирги замоннинг долзарб вазифасидир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Таълим тўғрисида” ЎРҚ-637-сон. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси. 2020 йил 23 сентябрь.
2. Ҳайитов А.Ф. Умумий ўрта таълимда информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларини ўқитишни компьютерлаштириш назарияси ҳамда амалиёти 13.00.02 - информатика ўқитиш назарияси ва услубияти педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент – 2006
3. <https://znanio.ru/media/talim-tizimida-fizika-fani-itolishini-kompyuterlashtirish-muammosi-2661563>
4. Жалолова П. «Атомнинг оптик спектрини ўрганиш» мавзусини лаборатория машғулотида коммуникацион технологиялар воситасида намоёниш этишининг самараси. Замонавий таълим журнали. Тошкент, 2018. – №3. – Б.42-47.

5. Умаров А.О., Мадрахимов М.М., Захидов И.О., Мирзаева М.А.
8 - синф физика курсининг “Электр қаршилиги” мавзусига “C++” дастурини
қўллаб ўқитиш. Academic Research In Educational Sciences Volume 2 | Issue 6 |
2021 / ISSN 2181-1385 Volume 2, ISSUE 6 June 2021. P 1129-1134 Scientific
Jornol Impact Faktor (SJIF) 2021:5,723



ОСОБЕННОСТИ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ ЭНДОКРИННОГО БЕСПЛОДИЯ

Малика Рахимовна Рахметова

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии

Махлиё Махмуд кизи Алимова

Магистрантка Ургенчского филиала Ташкентского медицинского академии

Куваниш Турсун оглы Ережепбаев

Студент Ургенчского филиала Ташкентского медицинского академии

Азиза Максудбековна Бахтиярова

Студентка Ургенчского филиала Ташкентского медицинского академии

АННОТАЦИЯ

Бесплодием страдают около 200 миллионов человек в мире. Эндокринное бесплодие (ЭБ) составляет 35% - 40% причин бесплодия у женщин. Проведено обследование и лечение различных форм ЭБ. Анализ результатов позволяет сделать выводы о том, что несмотря на существующие стандарты терапии ЭБ, эффективность лечения возможна только при дифференцированном подходе в каждом конкретном случае. Сложная организация репродуктивной системы женского организма, сочетание нарушений гипофизарно-гонадной, тиреотропнотиреоидной систем обуславливают трудности в лечении эндокринного бесплодия. Вместе с тем, четкое представление об этапности обследования этой категории женщин позволяет разработать индивидуальную программу лечения и наблюдения каждой пациентки. Это позволяет оптимизировать консервативное лечение и сократить его время у женщин с ЭБ, своевременно решить вопрос о применении вспомогательных репродуктивных технологий. Коррекция выявленных нарушений позволит улучшить результаты консервативного лечения основного заболевания и эффективность терапии эндокринных форм бесплодия.

Ключевые слова: Эндокринное бесплодие, дифференциация диагностики ЭБ, медикаментозное гормональное лечение ЭБ, синдром поликистозных яичников, ановуляция

ABSTRACT

Infertility affects about 200 million people in the world. Endocrine infertility (EI) accounts for 35% - 40% of the causes of infertility in women. Examination and treatment of various forms of EI were carried out. The analysis of the results allows us to conclude that, despite the existing standards of EI therapy, the successful treatment is possible only with a differentiated approach in each specific case. The complex organization of the female reproductive system, the combination of disorders of the pituitary-gonadal, thyrotrophthyroid systems cause difficulties in the treatment of endocrine infertility. At the same time, a clear understanding of the stages of examination of this category of women makes it possible to develop an individual program of treatment and observation for each patient. This allows to optimize treatment and reduce its time in women with EI, to resolve the issue of using assisted reproductive technologies. Correction of the revealed violations will improve the results of conservative treatment of the underlying disease and the effectiveness of therapy for endocrine forms of infertility.

Keywords: Endocrine infertility, differentiation of EI diagnosis, hormonal drug treatment of EI, differentiated approach, polycystic ovary syndrome, anovulation.

ВВЕДЕНИЕ

Бесплодие затрагивает миллионы людей репродуктивного возраста, оказывая воздействие на их семьи и общины. По оценкам ВОЗ[2], проблема бесплодия касается от 48 миллионов пар до 186 миллионов человек в мире. Несмотря на то, что вспомогательные репродуктивные технологии (ВРТ) существуют уже более трех десятилетий и 5 миллионов детей в мире родились в результате проведения мероприятий ВРТ, таких как экстракорпоральное оплодотворение (ЭКО), эти технологии по-прежнему в значительной мере не доступны и не приемлемы по стоимости во многих частях мира. Равноправный доступ к лечению бесплодия остается проблемой в большинстве стран, особенно в государствах с низким и средним уровнем дохода.

Узбекистан относится к странам с высокой социальной ценностью деторождения, поэтому в национальной политике страны стратегия охраны репродуктивного здоровья является приоритетной. С марта 2019 года действует закон "Об охране репродуктивного здоровья граждан", который обеспечил правовую основу развитию вспомогательных репродуктивных технологий.



Распространенность бесплодия в Узбекистане весьма высока: с диагнозом бесплодие под диспансерным наблюдением находятся свыше 25 тысяч женщин и 7 тысяч мужчин.

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Как показывает анализ литературы, основные причины женского бесплодия следующие: непроходимость маточных труб в 30% случаев, заболевания матки в 18% случаев, идиопатические причины в 7% случаев, иммунологические факторы в 5% и психологические факторы в 5% случаев. Эндокринное бесплодие составляет 35% - 40% причин бесплодия у женщин[6].

К ановуляции могут приводить следующие эндокринные заболевания[2]:

- Сахарный диабет 1 и 2 типов
- Гиперпролактинемия (различного генеза)
- Гипотиреоз
- ВГКН (врожденная гиперплазия коры надпочечников)
- СПКЯ (синдром поликистозных яичников)
- синдром Кушинга
- Патология гипофиза, включая гормон-продуцирующие опухоли гипофиза (Акромегалия, болезнь Иценко-Кушинга, пролактинома), рак гипофиза, гипофункция гипофиза (уменьшение выработки гормонов гипофиза вследствие инфекционного заболевания, черепно-мозговой травмы и других причин];

- Гипогонадотропная недостаточность яичников
- Стрессовые и депрессивные состояния.
- Генетические заболевания; Синдром Шершевского-Тернера;

Дисгенезия гонад

- Ожирение

Экологические факторы и факторы, связанные с образом жизни, такие как курение, чрезмерное потребление алкоголя и лишний вес, а также тяжелые йододефицитные состояния могут оказывать воздействие на фертильность[9]. Кроме того, воздействие загрязнителей окружающей среды может быть непосредственно токсичным для половых клеток (яйцеклеток и сперматозоидов) и сказываться на их численности и качестве, что приводит к бесплодию[7].

Цель: изучение причин и клинических особенностей эндокринного бесплодия, систематизация диагностики и лечения ЭБ, анализ эффективности гормонального лечения бесплодных женщин.

Изучены 57 женщин в возрасте 24-39 лет с диагнозом «первичное бесплодие», из которых у 39(68,4%) диагностирована патология половой системы у женщины или её мужа. У 18(31,6%) женщин с установленным первичным диагнозом «эндокринное бесплодие» проведено обследование эндокринологического статуса, уровня тиреоидных и половых гормонов, биохимические и общеклинические анализы, УЗИ ЩЖ, половых органов и желез, по показаниям – компьютерная томография (КТ) гипофиза. Обследование осуществлялось совместно с лечащим врачом-гинекологом. Обследованы гормоны – фолликулинстимулирующий (ФСГ), лютеинизирующий (ЛГ), эстрадиол, пролактин, при необходимости – тестостерон общий, андростендион, прогестерон, а также – тиреотропный гормон (ТТГ), гормоны ЩЖ – Т4 свободный, Т3 свободный; антитела к тиреоидной пероксидазе (АТ ТПО). Обследование инсулиноподобного фактора роста (ИФР 1), инсулина, кортизола, адренкортикотропина (АКТГ), гликолизированного гемоглобина (HbA_{1c}) – по показаниям. Уровень инсулина и ИФР 1 в крови определён не только у больных сахарным диабетом, но и у пациенток с гиперпролактинемией, СКПЯ, ожирением, поскольку в основе бесплодия может лежать гиперандрогенная ановуляция, сформированная в условиях гиперинсулинемии [1], а для гиперпролактинемии характерно снижение концентрации инсулина[6]. Проведено консервативное лечение, в основе которого – коррекция гормональных нарушений, с учетом этиопатогенеза, клиники ЭБ и индивидуальных особенностей каждой пациентки.

РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЕ

Bularning barchasiga qaramay, Ibrohim Hakqiy kabi mutafakkirlar yoki olimlar paydo bo'lgan taqdirda ham, ularning ishlari ulamo tomonidan to'xtatildi. Bularning barchasidan tashqari, 18-asrdan boshlab harbiy-ijtimoiy regressiya boshlanishi bilan, maqsadi faqat ro'zg'or tebratish bo'lgan va unda diniy amaldor bo'lishni maqsad qilgan, davlatni o'ylamaydigan kishilar toifalari paydo bo'ldi muammolari yuzaga kela boshladi. Darsliklar arab tilida yozilgan bo'lsa-da, ma'ruzalar turkiy tilda qilingan. Kurslarda transplantatsiya fanlaridan tashqari, matematika kabi ba'zi aqliy fanlar ham o'qitildi. Fatih Mehmet davrigacha madrasalarda ham ijobiy, ham diniy ilmlar o'qitilgan bo'lsa-da, keyinchalik Usmonlilar saltanatining tanazzulga uchrashi bilan madrasalar faqat diniy ta'lim bergan odamlar yig'iladigan maskanga aylandi. Bu holat voqea-hodisalar haqida fikr bildirsa olmaydigan, fikr yurita olmaydigan, voqealarga turli nuqtai nazardan qaramaydigan, taraqqiyot va taraqqiyotdan bexabar avlodni shakllantirdi.

Bosmaxonaning 300 yil o'tib Usmonlilar imperiyasi chegaralarida qo'llanila boshlagani Yevropaning ta'lim sohasida tez rivojlanishiga, Usmonli imperiyasining esa ta'limda juda orqada qolishiga sabab bo'ldi. Bu davrda Usmonli imperiyasidagi maktablarda o'quvchilar yodlab o'qishni davom ettirdilar. Yevropa esa ilm-fan va aql-idrokni birinchi o'ringa qo'yib, eksperimental ta'lim tizimiga o'tdi. Yevropa davlatlari ilm-fan sohasida Usmonli imperiyasidan

ancha qoloq ahvolda bo'lsalar-da, ta'lim va shunga mos ravishda ilm-fan sohasida ancha yaxshi bo'lib qoldilar.

Tanzimat davridagi Turkiya ta'lim tizimi (1839-1876)

Tanzimat tartibga solish ma'nosini bildiradi. Abdulmejit (1839-1876) taxtga kelganida Reshit poshsho ta'sirida "Tanzimat fermanni"ni nashr ettirdi. Bugungi kunga qadar effektlar davom etgan va davom etmoqda. Davrning tarbiyaviy xususiyatlarini ko'rib chiqsak:

1. Ta'limni takomillashtirish davlatni ofatdan qutqarish yo'li sifatida qaraladi. boshlandi. Ta'lim siyosiy va ijtimoiy funksiyaga ega ekanligi tushunildi.

2. Ta'lim fan sifatida ko'rila boshlandi va ma'rifiy fanlar kitoblari yozila boshlandi.

3. Maktab va sinf muhitini tartibga solish, yangi dars materiallaridan foydalanish; umumiy va maxsus yangi o'qitish usullari sinab ko'rildi.

4. Istanbulda va ba'zi viloyatlarda rasmiy ta'lim sohasida katta harakatlar qilingan ko'plab maktablar tashkil etilgan bo'lib, ular bugungi kunda ham faoliyat ko'rsatmoqda.

5. Madrasadan tashqari rasmiy ta'lim boshlang'ich, o'rta va oliy deb baholangan. Ba'zilari qog'ozda qolgan bo'lsa-da, keng qamrovli qoidalar tartibga solingan (1869 yildagi Maorif-i Umumiy qoidalar). Ta'lim boshqaruvida yangi tashkiliy tuzildi (Maorif-i Bosh vazirlik).

6. Rasmiy ta'limni yo'lga qo'yish va rivojlantirish harakatlari mantiqiy ketma-ketlikka rioya qilmadi, O'rta va oliy o'quv yurtlarida tartibga solish deyarli hech qanday aralashuvsiz amalga oshirildi.

7. Rasmiy ta'limda mantiqiy ketma-ketlikka amal qilmaydigan tashabbuslar asosan madrasalarga asoslangan. Madrasa va an'anaviy Sibyan maktablaridan boshqa yangi maktablar ochish maqsadida amalga oshirildi. Ammo madrasaning zehniyati ularga hali ololmagan ta'limini to'ldirishni osonlashtirdi.

8. Madrasalar tomonidan tashkil etilmagan ayrim kasb-hunar madrasalari ochilgan.

9. Ta'lim muassasalarida birlik bo'lmaganligi sababli, juda xilma-xil bilim, fikr, g'oya va dunyoqarashga ega odamlar ko'p yillar davomida "Madrasa", "Tanzimat maktablari", "harbiy maktablar", "ozchilik" va "chet el maktablari" kabi turli manbalardan o'qitilgan. Ushbu qarama-qarshiliklarning salbiy oqibatlari jamiyatda kuzatilgan.

10. Ta'lim sohasidagi innovatsiyalar bir nechta menejerlar, ziyolilar va o'qituvchilar tomonidan boshlangan.

11. Yevropada o'qigan Usmonli elchilari va ziyolilari Yevropadagi o'zgarishlarni jamiyat va ta'lim yangiliklarini targ'ib qilishda muhim hissa qo'shdilar.

12. Ta'limdagi yangiliklar deyarli har doim eski materiallar bilan yangi ish qilish shaklida sodir bo'lganligi sababli, madrasa yangi maktablarda qisman quyidagi yo'llar bilan o'z ta'sirini o'tkazadi bu tomonidan muhofaza qilingan: o'qituvchi, talabalar, dasturlari, usullari.

13. Hayotga yo'naltirilgan darslar ochilgan yangi maktablarning dasturlariga kiritildi.

14. Tanzimatning ildizi uchun ziyolilar va davlat xizmatchilarini tayyorlash zarur deb hisoblandi, shuning uchun fuqarolik maktablari va ofitserlarni tayyorlashga katta e'tibor berildi.

15. Madrasadan boshqa maktablar ham Usmonli deb atalgan turkchani ta'lim tili sifatida qabul qilgan. Maarif-i Umumiya farmoyishini (1869) asoslashda " ta'lim-tarbiyada taraqqiyotga erishish uchun millatni izlamoq, ta'lim tarbiyani o'z tilida olib bormoq lozim; ilm-fan va san'atda taraqqiyot yo'lini jamiyatga ko'rsatish qiyin chet tili bilan". Bu davrda o'qitishda tilning ahamiyati bilan bir qatorda uni ham soddalashtirish kerakligi tushunila boshlandi.

16. O'qituvchilarni tayyorlaydigan kasb-hunar maktablari birinchi marta ochildi.

17. Birinchi marta qizlar uchun umumta'lim maktablari ochildi.

18. Talabalar va o'qituvchilarning niqoblari va kiyimlari aniqlandi va tartibga keltirila boshlandi.

19. Xalq ta'limining ahamiyati yaxshiroq tushunilgan va bu sohada yaxshilanishlar kuzatilgan.

Tanzimat davrida 3 ta asosiy sabab bilan ta'lim sohasida innovatsion harakatlar boshlandi. Bular;

- Tarixiy rivojlanish jarayonida mamlakatda innovatsiyalar amalga oshirildi (1869 yil Maarif - I Umumiye Farmoni), chunki zarur ehtiyoj bor va jamoatchilikni tarbiyalash "Davlat va hukumatning" muhim vazifasi hisoblanadi;
- Bu Usmonli ma'muriyati va turklarga dushman sifatida qaragan Yevropa jamoatchiligi ustidan g'alaba qozonish umidida qilingan;
- Bu Yevropa davlatlarining bosimi tufayli qilingan.

Ushbu davrda ta'limdagi innovatsiyalarning asoslari

1839yilda Tanzimat Farmonida ta'lim haqida hech qanday so'z bo'lmasa-da, davlat rahbarlari tomonidan amalga oshirilgan



va amalga oshiriladigan o'zgarishlar doimiy, bilimdon, madaniy darajaga ega bo'lishi uchun bunga yuqori, savodli, ma'rifatli jamoat auditoriyasining mavjudligi bilan erishiladi, deb o'ylar edi.

Bunga rasmiy va norasmiy ta'lim muassasalari, ya'ni Yevropa standartlari bo'yicha ta'lim beradigan muassasalar yaratilishi tufayli erishildi. Sulton Abdulmachit bu holatni sezgan edi. Mamlakat taraqqiyoti, odamlar tinch muhitda yashaydilar, harbiy hududlardan tashqarida innovatsiyalarning doimiy qismini yaratish; johiliyatni yo'q qilish uchun odamlar va ilm-fanni xalq ta'limi berish uchun ko'proq va ko'proq o'rgatadigan maktablarga aylantiradilar. Farmon chiqardi. Farmonda barcha darajalarda barcha sohalarda tegishli ta'lim bera oladigan maktablarni yaratish va tarqatish, xalq ta'limi, dunyo uchun ham, din uchun ham qabul qilish har tomonlama ta'lim berishga qaratilgan. Bularning barchasi Tanzimat davrida ta'limda kiritilgan o'zgarishlarning sabablari va asoslarini belgilab berdi.

Tanzimat davrida o'rta ta'limdagi yangiliklar va o'zgarishlar

Tanzimat davrida madrasalardan tashqarida yangi o'rta maktab ochish maqsadga muvofiq deb topildi va buning uchun 1848-yilda saflar, 1845-yilda munitsipalitetlar va 1868-yilda sultonliklar ochildi. Rushtiyeler sibyan maktablarining yuqori pog'onasi deb hisoblansa-da, vaqt o'tishi bilan maqsadli darajada ta'lim bera olmaydigan bo'lib qoldi. O'quvchilarning o'qish muddati 4 yil bo'lib, sibyan maktablarini bitirib, sertifikat olgan har bir o'quvchi imtihonsiz qabul qilindi. Rushtiye tashkil etilishi bilan 1869-yilgi Maarif-i Umumiye Farmoyishi bilan mandatlangan.

1859-yilgacha ayol talabalar uchun rushtiye bo'lmaganligi sababli, bu faqat sibyan maktabi edi, moliyaviy ahvoli yaxshi oilalar qizlariga masjid darslarini olib o'qish uchun xususiy repetitorlarni yolladilar. 1859-yildan keyin birinchi qizlar maktabining ochilishi bilan qizlar ham o'rta maktab darajasida o'qishni boshladilar, garchi ayollarning o'qishi sust bo'lsa ham, savodli odamlar soni ko'paydi va ular Tanzimat bilan birgalikda davlat idoralarida davlat xizmatchilari sifatida ishlay boshladilar.

Idadilarga kelsak, ular harbiy tibbiyotga kirishni istagan talabalarning etishmayotgan bilimlarini to'ldirish uchun ochilgan harbiy maktablar va maktablardir. Talabalar o'quv yilining dastlabki uchta sinfini o'z mahallasida va oxirgi sinfini Istanbulda o'qidilar. keyinchalik rushtiye va idadiya birlashib, o'rta ta'limni tashkil etishdi va ta'lim muddati 7 yil deb qaror qilindi.

Idadiyelarda albatta, kitobet va mukammal turk, frantsuz, Qonunchilik-1 Osmaniye, mantiq, mebbade-i ilm-i, Servet-i milel,



geografiya, tarix va umumiy ilm-i mevalid, algebra, buxgalteriya va buxgalteriya protseduralari, geometriya va ilm-i mesaha, donolik, kimyo, rasm darslari berilar edi.

Sultonlar, boshqa tomondan, o'rta maktab darajasida ta'lim beradigan pullik o'rta ta'lim muassasalari. Istanbuldagi Fransiya davlatining iltimosi va yordami tufayli o'qish muddati 10 yil bo'lgan "Mekteb-I Sultoni" ochildi.

Tanzimat davrida oliy ta'limdagi yangiliklar va o'zgarishlar

1863-yilda birinchi Darulfunun ochildi. Ushbu maktab Usmonli imperiyasi chegaralarida yashovchi yoki musulmon bo'lmagan har bir kishiga ta'lim berdi. Maktabning maqsadi davlat uchun zarur bo'lgan malakali kadrlar bilan ta'minlash, madrasalardan tashqarida diniy ta'limdan uzoq bo'lgan zamonaviy ta'lim berishdir. O'qish muddati uch yil bo'lishi rejalashtirilgan. Darulfunun 1873-yilda yopilgan, 1874-yilda yuridik maktab, muhandislik maktabi, adabiy maktab sifatida qayta ochildi, ammo 1881-yilda yana yopilgan.

Bu shuni ko'rsatdiki, darulfununni o'rnatishga urinishlar muvaffaqiyatli bo'lmadi. Darulfunun O'qituvchilarning foydalanmaslik sabablari uchun rejadan tashqari urinishlar, malakali o'quvchilar yetishmasligi, kitoblar yetishmasligi va o'qituvchi kabi sabablar kiradi. Ular Tanzimat davrida turk intellektual hayotining shakllanishi va tarqalishida muhim rol o'ynagan.

Tanzimat davrida kasb-hunar va texnik ta'limdagi yangiliklar va o'zgarishlar

- 1847-yilda qishloq xo'jalik ta'limoti nomli qishloq xo'jalik maktabi ochildi va 4 yildan keyin yopildi.
- 1857-yilda o'rmon maktabi;
- 1874-yilda konchilik muhandislarini tayyorlash uchun konchilik maktabi tashkil etildi;
- 1864-yilda Istanbulda Rimcha, Fransuzcha, Bulg'orcha o'rgatadigan til maktablari ochildi;
- Diyarbakir, Bursa, Edirne kabi markazlarda yetim bolalar uchun korreksion maktablar ochildi bo'lib, bu bolalar har kuni 2 soat o'qishdan so'ng bichish-tikish, etikdo'zlik, poligrafiya kabi amaliy kasblar bilan ta'minlangan;
- 1868-yilda Istanbulda yetim bolalar uchun 5 sinfli "sanoyi maktabi" ochildi. Temirchilik, quyuv, mashinasozlik, arxitektura, duradgorlik, bichish-tikish, etikdo'zlik kabi dasturda o'qitiladigan kurslardan iborat edi. 1-"shogirdlik" sinfini tugatganlar uchun, 2-3 va 4-sinfini tugatganlarga "journeyman" sertifikatlari, oxirgi sinfini tugatganlarga "mastership" sertifikatlari berildi.



O'quvchilarning savollariga albatta o'qituvchilar javob berar edilar. U ta'lim sohasida nafaqat ta'lim sohasida, balki g'oyalar sohasida ham yangicha qarashlar va amaliyotlar qo'llandi.

XULOSA

Usmoniylar imperiyasining so'nggi davrlarida faol ishtirok etgan "Ittifoq va taraqqiyot jamiyati" ning fikr tuzilmasining shakllanishi fikr tizimlari va ta'lim tizimlarining shakllanishi va amalga oshirilishi asosan birinchi o'ringa chiqqan g'oyalar yoki madaniy tendentsiyalarning yangi ta'lim modelini shakllantirishga asos bo'ldi.

Tanzimat davrida ayollar ta'limi bo'yicha ham qadamlar qo'yildi va bu keyingi o'zgarishlarning asosi bo'ldi. Yevropada o'qishdan uyga qaytgan ziyolilar G'arb ta'lim tizimini Usmonli imperiyasining ta'lim tizimiga yoyishga harakat qildilar, G'arbning ta'lim haqidagi tushunchalarini qurilish inshootlaridan tortib, ta'lim vositalariga qadar barcha sohalarda tarqatishga harakat qildilar. Tanzimatgacha bo'lgan davrda Usmonli davlatida ta'lim sifatining pasayishi Ittifoq va taraqqiyot jamiyati ziyolilarining e'tiborini tortdi va ular ushbu sohada yangiliklar qilish uchun faoliyatga o'tishni boshladilar. Qilingan yangiliklar keyingi davrlarda konstitutsiyaviy davr va respublika davri islohotlariga zamin yaratdi.

REFERENCES

1. AKYÜZ, Yahya; Türk Eğitim Tarihi Başlangıçtan 1993'e, 16. Basım, İstanbul 2010.
2. AKYÜZ, Yahya; Türkiye'de Öğretmenlerin Toplumsal Değişmedeki Etkileri 1848- 1940, 1. Basım, Ankara 1978.
3. AKYÜZ, Yahya; Tanzimat Döneminde Eğitim Öğretim Anlayış Uygulamalarında Görülen Yenilikler, Aralık 1989.
4. AKYÜZ, Yahya; Cevdet Paşa'nın Özel Öğretim ve Tanzimat Eğitimine ilişkin Bir Layihası, İstanbul 1988.
5. BALTAÇI, Cahit; 15- 16 Asırlarda Osmanlı Medreseleri, 1. Basım, İstanbul 1980.
6. ORTAYLI, İlber; "Batılılaşma Sorunu", Tanzimat'tan Cumhuriyete Türkiye Ansiklopedisi, c.1, İstanbul 1985.
7. TANÖR, Bülent; Osmanlı- Türk Anayasal Gelişmeleri (1789- 1980), İstanbul 2000.



KARBON KISLOTALAR MAVZUSINI O‘QITISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR USULLARINI QO‘LLASH

Aysholpan Tajetdinovna Shamishova

Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA

Maqolada “Karbon kislotalar” mavzusini o‘qitishda interfaol metodlarni o‘z o‘rnida qo‘llanishi, o‘quvchilarning faolligini va kimyo faniga bo‘lgan qiziqishini oshirish, o‘zi ustida mustaqil ishlash ko‘nikmasini shakllantirish bo‘yicha metodik tavsiyalar va ularning ahamiyati tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: Klaster, aqliy hujum, metodi, innovatsion usul, ijodiy hamkorlik, karbon kislotalar, intuitsiya.

ABSTRACT

This article provides guidelines on the use of interactive methods in teaching the topic "Carbon Dioxides" to increase the activity and interest of students in chemistry, to develop the ability to work independently on themselves.

Keywords: Cluster, brainstorming, method, innovative method, creative collaboration, hydrocarbon, intuition.

KIRISH

Hozirgi buyuk yuksalishlar davri ta’limning barcha bosqichlarida kimyo fanini o‘qitish tizimini yanada takomillashtirish, pedagoglarning samarali mehnatini qo‘llab-quvvatlash, ilmiy-tadqiqot ishlarining ko‘lamini kengaytirish va amaliy ahamiyatini oshirish, xalqaro hamjamiyat bilan aloqalarni mustahkamlash, shuningdek, 2017–2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturida belgilangan. Birinchidan, texnika taraqqiyoti ximik olimlar oldiga nazariy jihatdan ishlab chiqarilishi lozim bo‘lgan bir qator masalalarni qo‘yadi. Bu masalalarni hal etilishi o‘z navbatida kimyo fanining yanada rivojlanishiga sabab bo‘ladi. Ikkinchidan, kimyo fanida yaratilayotgan yangi nazariyalar va bu nazariyalarni amaliyotga tadbiiq qilish texnika oldiga ma’lum strukturali materiallarni yaratish masalasini qo‘yadi. Mamlakatimizda ta’lim-tarbiya tizimini tubdan isloh qilish, uni zamon talablari darajasiga



ko'tarish, kelajak uchun barkamol avlodni tarbiyalash ishlari davlat siyosatining ustivor yo'nalishiga aylandi.

O'zbekistonda olib borilayotgan islohotlardan asosiy maqsad, yurtimizda sog'lom va barkamol, bilimli, yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlarga ega bo'lgan avlodni shakllantirishdan iborat. Aynan ana shu maqsadga erishish uchun muhtaram prezidentimiz Sh. Mirziyoyev rahnamoligida yangi davrda yashaydigan, yangicha fikrlaydigan, yangi ishlab chiqarish, ijtimoiy sharoitlarda faoliyat ko'rsatadigan, zamonaviy kasbiy mahoratga ega bo'lgan mutaxassis kadrlar tayyorlashning "o'zbek modeli" hayotga tadbiiq etildi.

Davlatimiz rahbari Oliy Majlisga 2020-yildagi Murojaatnomasida har yili ilmfanning bir nechta ustivor yo'nalishi rivojlantirilishini aytgan edi. Joriy yilda kimyo ana shulardan biri sifatida belgilandi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

O'zbekistonning kelajagi, uning istiqboli, birinchi navbatda yoshlar tarbiyasiga, ularni sog'lom qilib o'stirishga, milliy g'oya, milliy mafkura va o'z vataniga sadoqat ruhida tarbiyalashga bog'liq bo'lib, bu murakkab jarayonni muvaffaqiyatli amalga oshirish mustaqil mamlakatning eng dolzarb vazifalaridan biridir. Shu boisdan ham bugungi kunda yoshlarning ta'lim-tarbiyasi mustaqil O'zbekistonning davlat siyosatida ustivor ahamiyat kasb etmoqda.

Hozirgi kunda ta'lim jarayoniga yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llash sohasidagi ilmiy izlanishlar pedagogika fanida eng muhim vazifalar dan biri bo'lib qolmoqda.

O'quv jarayonida yangi pedagogik texnologiyalardan unumli foydalanish o'quvchilarning ijodiy faolligi, izlanuvchanligi, mustaqil ishlashga intilishi kabi ijobiy holatlarni shakllantirishning eng samarali usulidir. Dars va laboratoriya mashg'ulotlarning qiziqarli, bahs-munozaraga boy va mazmunli bo'lishi, o'quvchilarni darsga qiziqitira olishi o'qituvchilardan mohirlik hamda turlicha o'qitish usullarini qo'llashni talab qiladi.

Organik kimyo fanini o'qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish masalalariga ham to'xtalamiz. Jumladan, karbon kislotalar mavzusiga qanday innovatsion pedagogik texnologiyalarni qo'llab dars o'tishga to'xtalamiz. Innovatsiya-ta'lim tizimidagi har qanday yangilik, boshqacha aytganda innovatsiya-bu ta'lim tizimiga har qanday yangilikni kiritish, qo'llash degan ma'noni bildiradi.

Organik kimyo fanini o'qitishda ham innovatsion usullarning quyidagi turlaridan foydalaniladi:

1.Kichik guruhlarda ishlash. 2.Aqliy hujum. 3.Tanqidiy tafakkur. 4.Debatlar. 5.Nuqtai nazaring bo'lsin. 6. Rolli o'yinlar. 7.Muayyan holat (vaziyat)ni o'rganish. 8.Har kim har kimga o'rgatadi. 9.Muammoli o'qitish texnologiyasi. 10.Venn diagrammasi. 11.Modifikasiyalangan ma'ruza. 12.Bumerang va h.k.

Yuqorida keltirilgan innovatsion usullardan har birining mazmuni, qo'llanilishi va afzalligi metodik adabiyotlarda keng yoritilganligi tufayli mazkur sohaga batafsil to'xtalamiz.

Biz tanlagan tadqiqot mavzusi bo'yicha pedagogik tajriba-sinovlarni o'tkazish yillarida innovatsion usullarning modellashtirish, namoyish qilish, kichik guruhlarda ishlash, aqliy hujum, tanqidiy tafakkur, nuqtai-nazaring bo'lsin, modifikasiyalangan ma'ruza kabi turlaridan mavzular va laboratoriya mashg'ulotlarni o'tkazishda keng foydalandik. Shu o'rinda aytishimiz zarurki, biror mavzuda yoki laboratoriya mashg'ulotda o'qituvchi bu usullarning bir necha turlaridan foydalanadi, boshqacha aytganda har bir muvaffiqiyatli o'tkazilgan mashg'ulotda innovatsion texnologiyalarning bir necha turi birgalashib yuzaga chiqadi. Masalan, organik kimyodan amaliy mashg'ulotlarda o'tiladigan "Karbon kislotalar" mavzusini o'rganishni olaylik.

Aqliy hujum-usuli ijodiy hamkorlik birga fikrlash, ham jihatlik mashg'ulotlarida yuzaga chiqadi, bu usulda har bir o'quvchi o'z fikrini ayta oladigan va aytishi mumkin bo'lgan erkinlik mashg'ulotidir. O'qituvchi bu usulda o'tiladigan mashg'ulotga qancha ko'p va yaxshi tayyorgarlik ko'rsa, shunchalik o'zini eshitishga jalb qiladi.

Ushbu usulning mohiyati "bir kalla yaxshi, yigirma beshtasi undan a'lo" tamoyili bo'yicha taxmin qilinadigan barcha javoblar variantlarini to'playdi, barcha fikrlarni shu jumladan ayrimlari to'g'ri bo'lmaganlari ham o'rganiladi.

Innovatsion usullardan yana biri muammoli vaziyat yaratish orqali dasturning biror mavzusini o'tish, bunda o'qituvchi muammoli rivojlantiruvchi ta'lim dasturlarini bilishi va u yordamida talabalarning mustaqil o'quv faoliyatini tashkil qilish va ta'minlash vazifalari turadi.

Bu usulda yangi mavzuni o'rganish suhbat orqali amalga oshiriladi. Bu usulda o'quvchilarda avval o'zlashtirilgan mavzudan yangi mavzuni o'zlashtirish uchun tizimli va doimiy foydalanish hamda yangi mavzu bilan kerakli bog'lanishni o'rnatish fikrlashni ko'proq faollashtiradi va bilimlarni puxtaroq o'zlashtirishga yordam beradi. Bu usulda

o'quvchilarning yangi mavzuni o'zlashtirish jarayoni, shu vaqtgacha ma'lum bo'lgan bilimlarning asta-sekin rivojlanishi, uni yangi holatlarga qo'llash asosida namoyon bo'ladi.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Ma'lumki, shu vaqtgacha o'qituvchi barcha o'quv materialni o'zi bayon qilar, o'quvchilar esa loqayd eshituvchi bo'lib qolar edi. Endilikda o'quvchi faoliyatini faollashtirish va jadallashtirishga asoslangan pedagogik texnologiyalarga o'tish zarur. Muammoli ta'lim o'quvchi shaxsini faollashtirishga xizmat qiladi. Amaliy dars mashg'ulotini organik kimyo fanining uglevodorodlar mavzusiga bag'ishlab, bu mavzuni o'quvchilar yetarli darajada o'zlashtirishlari uchun klaster deb nomlanuvchi innovasion metoddan foydalanamiz. Klaster (klaster-tutam, bog'lam) –axborot xaritasini tuzish yo'li-barcha tuzilmaning mohiyatini markazlashtirish va aniqlash uchun qandaydir biror asosiy omil atrofida g'oyalarni yig'ish.

Bilimlarni faollashtirishni tezlashtiradi, fikrlash jarayoniga mavzu bo'yicha yangi o'zaro bog'lanishli tasavvurlarni erkin va ochiq jalb qilishga yordam beradi.

Klasterni tuzish qoidasi bilan tanishadilar. Yozuv taxtasi yoki katta qog'oz varag'ining o'rtasiga asosiy so'z yoki 1-2 so'zdan iborat bo'lgan mavzu nomi yoziladi

Birikma bo'yicha asosiy so'z bilan uning yonida mavzu bilan bog'liq so'z va takliflar kichik doirachalar "yo'ldoshlar" yozib qo'shiladi. Ularni "asosiy" so'z bilan chiziqlar yordamida birlashtiriladi. Bu "yo'ldoshlarda" "kichik yo'ldoshlar" bo'lishi mumkin. Yozuv ajratilgan vaqt davomida yoki g'oyalar tugaguncha davom etishi mumkin.

Klasterni tuzish qoidasi

1. Aqlingizga nima kelsa, barchasini yozing. G'oyalari sifatini muhokama qilmang faqat ularni yozing.
2. Xatni to'xtatadigan imlo xatolariga va boshqa omillarga e'tibor bermang.
3. Ajratilgan vaqt tugaguncha yozishni to'xtatmang. Agarda aqlingizda g'oyalar kelishi birdan to'xtasa, u holda qachonki yangi g'oyalar kelmaguncha qog'ozga rasm chizib turing.

Dars boshlanib, o'quvchilar bilan salomlashish va davomat kabi tashkiliy qismlar tugagandan keyin, o'quvchilar e'tibori o'qituvchiga jalb qilinadi va uyga berilgan mavzu so'raladi. Shu mavzu yozuv taxtasiga yoziladi, ya'ni "Karbon kislotalar". Undan tashqari yozuv taxtasiga asosiy so'z "karbon kislota" so'zi ham yozib qo'yiladi. Shundan so'ng

o'quvchilarga o'tilgan mavzuni bir marta takrorlash uchun 5 minut vaqt beriladi. O'quvchilar bu vaqt davomida mavzuni takrorlab oladilar. Har bir o'quvchiga o'tilgan mavzu yuzasidan muhim iboralar, qonuniyatlar va reaksiyalar ketma ketligini yozish so'raladi. Maqsad bu yozuvlarning hammasi natijada uglevodorodlarning nomlanishi, izomeriyasi, olinishi va xossalari nimaga asoslanganligini tasdiqlashlari kerak bo'ladi.

Shunday qilib, deyarli hamma o'quvchi mavzu bo'yicha o'zlari eslagan ma'lumotlarni ketma-ket yozib, natijada karbon kislotalar haqida o'zlariga tushuncha hosil qiladi.

Kallasiga hech qanday fikr kelmayotgan o'quvchilarga karbon kislotalar qayerda va qachon qaysi sohalarda ishlatilishi va afzalliklari va kamchiliklari haqida ma'lumotlarni yozish tavsiya etiladi. Shu bosqichda miyalariga biror fikr kelib qolsa, ularni darrov daftarlariga yozib qo'yish tavsiya etiladi.

Shu usulda o'tilgan mavzu takrorlab olinadi. Bunga 20 minut vaqt sarflanadi. Qolgan vaqt davomida "aqliy hujum" usuli asosida dars mashg'uloti davom ettiriladi:

Nima? Qayerda? Qachon?

Aqliy hujum tartibi va bosqichlari:

Aqliy hujumda har qanday fikr inobatga olinadi. Aqliy hujum uch bosqichdan tashkil topadi:

Muammoning qo'yilishi

(2) G'oyalar generatsiyasi:

G'oyalar ko'p bo'lishi mumkin. Bu o'rinda chegara qo'yilmaydi.

Tanqidga yo'l qo'yilmaydi. Eng mavhum g'oyalar ham inobatga olinadi. G'oyalar baholanmaydi. Hamma g'oyalar umumlashtiriladi.

(3) g'oyalar guruhlanishi, tartibga solinishi va eng muhimlarining ajratilishi.

Har bir o'quvchiga karbon kislotalarning kimyoviy xususiyatlari va olinish usullari bo'yicha reaksiya tenglamalarini yozib kelish topshiriladi. Nazorat qulay bo'lishi uchun jurnaldagi tartib raqami bo'yicha reaksiya tanlashlari talab etiladi. Kimyoviy reaksiyalarni yozish jarayonida guruhdagi ilg'or o'quvchilar atrofiga 3-4 tadan guruh bo'lishlariga ruxsat beriladi. Kimyoviy reaksiyaning borish jarayoni va mohiyatini talaba uni qanday usulda yozishidan qat'iy nazar juda yaxshi tushunib olgan bo'lishi shartligi talab qilinadi. Kimyoviy reaksiyalar noto'g'ri ishlangan tag'dirda ham noto'g'ri deb tanqid qilinmasdan, unga boshqatdan imkoniyat berish talab qilinadi. Buning uchun o'zining guruhidagi ilg'or o'quvchidan maslahat olishi tavsiya qilinadi.

Shu usullarda karbon kislotalar mavzusidagi bilimlar o'quvchilar tomonidan o'zlashtirilib, kelgusida o'zlarining hayotiy faoliyatlarida qo'llashlari mumkin bo'ladi.

O'qituvchi o'quvchilarni dars jarayonida ishtiroklarini hisobga olib, ularni harakatlariga mos ravishda ballar vositasida rag'batlantiradi.

Yuqoriga ko'rsatib o'tilganidek, har bir interfaol metod ta'lim-tarbiya sifatini yaxshilash, samaradorligini oshirish, o'qituvchi va ta'lim oluvchilar, o'quvchi va o'quvchilar guruhi, shuningdek, jamoa o'rtasida o'zaro hamkorlikni qaror toptirish, g'oyaviy va ruhiy birlikka erishish, yagona maqsad sari intilish, har bir ta'lim oluvchining ichki imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish, shaxs sifatida namoyon bo'lishi uchun zarur shart-sharoit hamda muhitni yaratishda katta imkoniyatlarga ega.

Interfaol metodlar o'z mohiyatiga ko'ra ta'limiy yoki tarbiyaviy maqsadlarni amalga oshirishda ma'lum darajada samaradorlikka erishishni ta'minlashda, biroq, ularning har biri ta'lim yoki tarbiya jarayonida mahsuldorlikni ta'minlash bo'yicha turli imkoniyatlarga ega. Shu sababli o'qituvchilar interfaol metodlarni tanlashda o'rganilayotgan mavzu, muammo yoki hal qilinishi lozim bo'lgan masalaga e'tibor qaratishlari maqsadga muvofiqdir. Qolaversa, interfaol metodlarning samaradorligi yanada oshadi, qachonki, ularni qo'llashda ta'lim o'quvchilarning yosh, psixologik xususiyatlari, dunyoqarash darajasi, hayotiy tajribalari inobatga olinsa. Bu o'qituvchilardan kasbiy mahorat, malaka, bilimdonlik, sezgirlik va intuitsiyaga ega bo'lishni taqozo etadi.

XULOSA

Respublika uzluksiz ta'lim tizimining turli bosqichlarida faoliyat olib borayotgan o'qituvchilardan har bir interfaol metodning mohiyati, xususiyati, qo'llanilish shartlari bilan batafsil tanishib chiqish, amaliy ahamiyatini to'g'ri baholay olish talab qilinadi. Mazkur maqola ta'lim sohasida faoliyat olib borayotgan pedagoglar uchun amaliy manba bo'lib xizmat qiladi degan umiddaman.

REFERENCES

1. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq / Sh.M. Mirziyoyev. - Toshkent : O'zbekiston, 2016. — 56 b.
2. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash — yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O'zbekiston



Respublikasi Konstitusiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruza. 2016 yil 7 dekabr /Sh.M.Mirziyoev. — Toshkent: „O‘zbekiston“, 2017. — 48 b.

3. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. Mazkur kitobdan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning 2016 yil 1 noyabrdan 24 noyabrga qadar Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va 4. Toshkent shahri saylovchilari vakillari bilan o‘tkazilgan saylovoldi uchrashuvlarida so‘zlagan nutqlari o‘rin olgan.

5. G.A. Ixtiyarova, D.J. Bekchanov, M.Sh. Ahadov “Kimyoni o‘qitishda zamonaviy texnologiyalar” Toshkent-2020.

6. R. Ziyaev, A. Abdusamatov, S. Zokirov. Organik kimyo (Muammoli ma'ruza matnlari) Tosh DAU 2004. 86 bet

7. J. Yuldoshev, S. Usmanova “Pedagogik texnologiyalar asoslari” Toshkent-2004

8. N. Sayidahmedov “Yangi pedagogik texnologiyalar” Toshkent-2003

9. N.E. Kuznesova “Kimyoni o‘qitish metodikasi: pedagogika oliy talimi talabalari uchun”. 1987

10. E.V. Beresneva “Kimyoni o‘qitishda zamonaviy texnologiyalar” 2004

MADANIYAT, SAN'AT VA ADABIYOTNING TILGA TA'SIRI: UZBEK VA INGLIZ TILLARINING ÓZIGA XOS XUSUSUYATLARI

Nargiza Farxod qizi Tulaganova

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti

Shoira Batirovna Yusupova

Ilmiy rahbar: O'zbekiston Milliy universiteti dotsenti

ANNOTATSIYA

Chet tillarini o'rganishning turli yo'llari mavjud. Samarali usullardan biri kitoblarni asl nusxada o'qishdir. Bu o'quvchilarning o'qish malakasini hamda so'z boyligini oshirishga ham xizmat qiladi. Bundan tashqari, u til o'rganilayotgan mamlakatning madaniyati va urf-odatlarini haqida ko'proq ma'lumot beradi. Ushbu maqolada biz madaniyat va turmush tarzining chet tillarini o'rganishga ijobiy ta'siri haqida ma'lumotlar berishga harakat qilamiz. Maqolada ingliz va o'zbek tillarida mavjud bo'lgan ba'zi muloyim so'zlar ajratib ko'rsatilgan, ularning ikki tildagi o'xshashlik va farqlarini solishtirilgan.

Kalit so'zlar: lingvomadaniy, nutq odob-axloq birliklari, kommunikativ makon, murojaat, suhbatdosh, ijtimoiy atributlar, tafakkur turlari va odamlarning turli guruhlari madaniyati.

KIRISH

Tillarni tahlil qilishda madaniyat eng muhim unsurlardan biri hisoblanadi. Chunki san'at, adabiyot, turmush tarzi kabi madaniy muhitni idrok etish til mahoratiga erishishga va o'rganayotganda tilni chuqurroq anglab yetishga yordam beradi. Hayot tarzini tushunish bu o'rgangan har bir yangi so'zga mos ma'noni taqdim etish imkonini beruvchi kontekstga ega bo'lishga o'xshaydi. Ijtimoiy-madaniy fon haqida qanchalik ko'p bilsak, yangi so'zlar, iboralar va nutq usullarini tahlil qilish unchalik murakkab bo'lmaydi.

Ingliz tilida nutq odob-axloq qoidalari nafaqat inglizlar uchun, balki ingliz tilini chet tili sifatida biladigan barcha tajribasiz kishilar uchun zarurdir. Ingliz tilidagi nutq odob-axloq qoidalari o'ziga xos bo'lib, o'zining shaxsiy qoidalari va tartiblariga ega bo'lib, ba'zida boshqa tilning nutq odob-axloq qoidalari va me'yorlaridan tubdan farq qiladi.



ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Adabiy tilni uslubda o'rganish muammosi uzoq vaqtdan beri antik falsafaga borib taqaladi. Masalan, Aristotel inson tili ijtimoiy va xilma-xildir, deb hisoblaydi. [1]

Xo'sh, nutq madaniyati deganda nimani tushunamiz? Tilshunoslikda bu tushunchaning ta'riflari juda ko'p va shu sababli ham bitta fikrni tanlab aytish biroz murakkabdir. Chunki ta'riflar ko'p, lekin biz barcha ta'riflarni umumlashtirishimiz mumkin, chunki mavjud til birliklarining nutq vaziyati uchun eng kerakli, ifodali nutq usulini tanlay olishi, ixcham, aniq, ixcham, tushunarli bo'lishi, bunda fikr takrorlanadigan, o'z ifodasini topishi mumkin. Tinglovchi yoki o'quvchi tomonidan bildirilgan fikr-mulohazalar bilan bog'liq emas, balki ma'lum his-tuyg'ularni uyg'otadi, bularning barchasi o'zida nutq madaniyati tushunchasi qamrab oladi.

Qadimgi hind olimlari tilning rang berish xususiyatlari va uslublarni tasniflash uchun ularni bir qator guruhlarga bo'lishgan. Ular tilda 8, 10 ga yaqin uslublar borligini yozib qoldirishgan. [2]

Fransuz metodologiya akademiyasi XVIII asrda tilning sezgirligi va janr xususiyatlariga ko'ra quyidagi uslublar turlarga bo'lingan: klassik tragediyalar, xonalar, oratorik uslub – yuqori uslub; roman, hikoya uslubi – zamonaviy uslub; masallar, oddiy uslubdagi komediya yoki folklor uslubi. [3]

Rus tilshunosligida metodlar nazariyasi M.V Lomonosov nomi bilan bog'liq. Rus tilshunosligida birinchi marta u o'zining uchta uslubi (yuqori, o'rta, pastki) va uslub janrlarini kiritdi. Bular, qahramonlik she'rlari va qo'shiqlari, fojia va nasriy nutqning yuksak uslub, hajviy, hajviy qo'shiqlar, kundalik ishning nasriy tavsifi, nasriy do'stlik maktublari quyidagi uslubga mansub bo'lib, ular quyidagi uslubga mos ravishda yozilgan deb hisoblangan. [4]

NATIJA VA MUHOKAMALAR

Xushmuomalalik nazariyasini fanga kiritgan olimlar Braun va Levinsondir. Va ularning nazariyasi bugungi kunda ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan. Ingliz va o'zbek tillari odobli so'z va iboralarga boy. O'zbek va ingliz tillarida bo'lgani kabi, qarindosh-urug' va do'stlarga murojaat qilishning alohida turlari mavjud.

Bolalar odatda ota-onalariga nana, grammy yoki gramma – buvi, papa yoki bobo – buva, dada-daddy, dada-dadajon, mumiya-mom, oyi-oyijon deb murojaat qilishadi. Suhbat davomida hubby – azizim, sonny-bolajonim, sis-singiljon yoki singilginam kabi murojaatlar ham qo'llaniladi. Ammo shuni yodda tutish kerakki, inglizlar bu kabi murojatni o'z

do'stiga emas, balki notanish odamga berganida, odob doirasiga zid hisoblaniladi , ba'zan esa biroz qo'pol yoki odobsiz eshinishi mumkin. Bunday holda, xushmuomalalik bilan so'rash usullarini bilish talab etiladi :

Polite version : Could you tell me the time , please ?

Muloyim shakl: Iltimos, soat vaqtini ayta iltimosizmi ?

Biroq, bu neytral xushmuomalalik darajasiga mos bòlib asosan tanimagan va bilmagan insonlarga ishlatiladi ya'ni oila yoki do'stlar davrasida bu so'rov g'ayritabiiy ko'rinishi mumkin

Ingliz tilida iltimos, rahmat, kechirasiz va xush kelibsiz kabi muloyim iboralar mavjud. Ushbu iboralarni ham rasmiy, ham norasmiy suhbatlarda foydalanish mumkin. Masalan, biz «iltimos» so'zini muloyim so'rovlar va savollarda ham ishlatamiz.

✓ Iltimos, oynani yoping?

✓ Iltimos, televizorni o'chira olasizmi?

✓ Eshikni ochib bera olasizmi?

Ko'rib turganimizdek, ingliz tilida «rahmat» so'zining turli shakllari mavjud. O'zbek tilida “tashakkur”, “minnatdorman”, “katta rahmat”, “yordamingiz uchun rahmat” kabi so'zlar mavjud.

Chet tilini o'rganuvchi sifatida “excuse me” va “I am sorry ” so'zlarini to'g'ri ishlatishga e'tibor qaratishimiz kerak. “Excuse me ” iborasi odatda ruxsat so'rash ma'nolari ishlatiladi . Kechirasiz – bu ko'p holatlarda ishlatiladigan ibora. Kimningdir e'tiborini jalb qilmoqchi bo'lsangiz, «Kechirasiz» deyishingiz mumkin. Bu so'z o'zbek tiliga “mazur tutasiz” deb tarjima qilingan.

Kechirasiz, vaqtni ayta olasizmi? – Excuse me could you tell me the time ?

“Kechirasiz” ya'ni «I am sorry» ko'pincha biror narsa qilgani uchun kechirim so'rash uchun ishlatiladi va o'zbek tilida “kechirasiz” deb tarjima qilinadi.

I am sorry, I am late . – Kechirasiz kech qoldim .

XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, har qanday tilni o'rganishdan oldin o'sha tilning tarixi va madaniyati haqida ozgina bo'lsada bilish kerak. Bu bizga vaziyatga eng mos keladigan so'z va iboralarni tanlashga yordam beradi va muloqotni osonlashtiradi. Bu, shuningdek, yosh o'quvchilarning so'z boyligini oshirishga yordam beradi va ularni ona tilida so'zlashuvchilar kabi gapirishga o'rgatadi.

REFERENCES

1. <http://www.academicresearchjournals.org/IJELC/Index.htm>
2. Barannikov A.P. The visual means of Indian poetry, Leningrad, 1947, pp. 14-15.
3. Pototskaya N.P. The stylistics of the modern French language. M., 1975.
4. Lomonosov M.V. Full, Obb. Composed. Vol. 7, Moscow, 1952, p. 467.



“O‘ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA LEKSIKOGRAFIYANING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI”

Qarshiyeva Shaxnoza Toxirovna

Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti

A. A. Yo‘ldoshev

Ilmiy rahbar, Chirchiq davlat pedagogika instituti, PhD

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o‘zbek va ingliz tillarida leksikografiyaning o‘rni, tillardagi faol leksik birliklar va ularning leksik-semantik xususiyatlari nimalardan iborat ekanligi haqida ma’lumotlar beriladi.

Kalit so‘zlar: Leksika, leksikografiya, leksik birliklar, frazeologiya, frazeologik birliklar, terminlar, lug‘atlar

KIRISH

Muayyan til leksikasida bo‘lgani kabi, uning terminologik tizimida ham o‘z va o‘zlashgan qatlam farqlanadi. Bu holat terminologik qatlamlar ijtimoiy ongda alohida-alohida tizimlar sifatida mavjud bo‘lmasa-da, ammo ularning o‘zaro variativ, sinonimik, omonimik, qolaversa, paronimik munosabatlarda ekanligi, shu bilan birgalikda, leksik, stilistik va frazeologik terminlarga qo‘yiladigan aniqlik talabi, ayniqsa, termin o‘zlashtirishning umumiste‘mol leksikadan farqli ravishda ko‘pincha subektiv va individual xarakterga egaligi kabi qator muammolar mavjudligini ko‘rsatadi. Bu esa o‘zlashmalarning shakliy, ma’noviy va grammatik xususiyatlarida ba‘zan soxtaliklar vujudga kelishiga, chalkashlik, noaniqlik va boshqa salbiy holatlar yuz berishiga ham sabab bo‘ladi. Shuning uchun bu holatlarni jiddiy tadqiq qilish, vujudga kelgan muammolarni hal etish, terminologik mukammallikka erishish katta ahamiyatga ega. Leksik birlik bu- narsa, hodisalar, ularning belgilari va boshqalarni bildiradi oladigan so‘z, so‘z birikmasi yoki tilning boshqa birligidir. Leksik birlik semantik birlik, so‘zlarning bir so‘z yoki ibora orqali ifodalangan sodda yoki murakkab tushuncha bo‘lib, bu birlikning ma’nosini o‘zgartirmasdan, hech biridan voz kechib bo‘lmaydi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Soʻzlarning biror maqsadda toʻplanib, tartibga solingan yigʻindisi lugʻat deyiladi. Lugʻat tuzishning nazariy va amaliy tamoyillari haqidagi soha leksikografiya (grekcha lexicon - lugʻat va grapho - yozaman) deyiladi. Lugʻat tuzuvchi mutaxassislar leksikograflar deyiladi. Lugʻat tuzish tamoyillari va metodikasini ishlab chiqish, leksikograflar ishini tashkil qilish, lugʻat tuzish uchun asos boʻladigan kartotekalar tuzish, ularni sistemalashtirish va saqlash leksikografiyaning vazifasidir.

Lugʻat - soʻz xazinasini, undan oʻrinli va maqsadga muvofiq foydalanish inson bilimni kengaytirish, lugʻat boyligini oshirishda hamda fikrni toʻgʻri va ravon ifodalashda muhim omildir. XX asrning ikkinchi yarmi XI asr boshlarida oʻzbek va ingliz lugʻatlarini oʻrganishga yondashuvlar muammolarni hal qilishda biz tanlagan uchta sohada aks ettirilgan. Agar lugʻatlar maʼlum darajada konservativ boʻlsa, ular oʻziga hos kamchiliklarini va qadr-qimmatini belgilaydi. Chunki I. R. Galperin yozganidek, "leksikografiya hamma narsani oʻz ichiga olishi kerak, u oʻz qudratini, qadrini va nutqda qoʻllanish qobiliyatini yoʻqotmagan tilda yashaydi, shuningdek, soʻnggi paytlarda tugʻilgan, hayotiy va barqaror boʻlib chiqqan barcha yangi narsalarni aks ettira oladi".

Talaffuz lugʻatlari yozishda qatʼiy boʻlmagan, ammo talaffuzda namoyon boʻladigan morfologik oʻzgaruvchanlik darajasining mavjudligini koʻrish mumkin. Talaffuzda yozma ravishda standart sifatida belgilangan bir qator feʼllar oʻzgaruvchan paradigmatic dizayndagi feʼllar boʻlib chiqadi. Misol uchun, *leaned* /lent/ u /li:nd/, *leaped* - /lept/ u /li:pt/, *learned* - /lə:nt/ u /lə:nd/, *dreamed* - /dremt/, /drempt/ u /dri:md/ talaffuz qilinishi mumkin.

Talaffuz lugʻatlarini tahlil qilish jarayonida leksik birliklarning nostandart paradigma shakllari mavjudligini yaqqol koʻrish mumkin. Chunki nostandart orfografik shakllar faqat "nostandart" deb talaffuz qilinadi va standart orfografik shakllar ingliz tilida ikkita (yoki undan koʻp) "standart" va "nostandart" talaffuz qilinadi. Ayniqsa Amerika talaffuziga hos ingliz tilida buni yaqqol koʻrish mumkin.

Ushbu misollardan koʻrinib turibdiki, dispersiya darajalari mavjud boʻlib, xorijiy tilda soʻzlashuvchilar ingliz tilida leksikografik tahlil yordamida aniq topishlari mumkin, chunki bu xususiyat yozma matnlarda oʻz aksini topmaydi, balki ogʻzaki nutqda tahlil qilish mumkin boʻladi. Lugʻatlarni oʻrganish zarur boʻlgan ikkinchi soha - lugʻat va semantik tahlil katta va kichik vaqt oraligʻida siljishlar. Masalan, tarixdan shuni kuzatish mumkinki, turli nashr etilgan yillardagi neologizm lugʻatlari va turli nashr

etilgan zamonaviy izohli lug'atlarni o'rganish orqali yangi so'zlar va ma'nolarni ishlab chiqishga erishib kelingan. Ko'rsatilgandek, yangi so'zlar

1) dastlab lug'atlarda qayd etilgan so'zlar o'z holicha ma'nolarda uzoq vaqt saqlanib qoladi;

2) so'zlar semantik va stilistik jihatdan rivojlanadi;

3) asta-sekin lingvistik periferiyaga o'tish yoki lug'atni tark etishi mumkin;

4) qo'llanishda keskinlikni boshdan kechirgan holda, tilda davom etaveradi, istorizmga aylanadi, shuningdek, metaforik tarzda qayta ko'rib chiqiladi. \

XX asrning o'rtalaridan boshlab ingliz neologizmlari lug'atlari, XXI asr boshlarida esa ingliz tilining izohli lug'atlari olindi. Misol qilib olinsa, "Smog" so'zi 1955 yilda lug'atda neologizm sifatida ro'yxatga olinganligi ko'rsatilgan "Dictionary of New Words" va 2005 yilda ham bir xil qiymatlarni saqlab qoldi ("*polluted air that is a mixture of smoke and fog*" – 1955 [Ibidem] va "*polluted air that is a mixture of smoke and fog*"-2005 asosan quyidagi ma'nolarni berishi tahliliy misollardan ko'rish mumkin. Huddi shu ta'rif: "*a form of air pollution that is or looks like a mixture of smoke and fog, especially in cities*" jumlasida ham berilgan. Xuddi shu kabi belgilangan neologizm sifatida 1955 yilda Meri Reyferning lug'atida VIP qisqartmasi misolida ham ko'rsatilgan.

So'z shakli, o'zaro bog'langan so'zlarning semantik tuzilishi va ularning nutqda ishlatilishi turli tillarda turlicha ekanligi tarjima jarayonida hisobga olinishi zarur. Masalan, Vebsterning Ingliz tili uchinchi xalqaro yangi lug'atida "eye" so'zining 20 ta o'zbek tilining izoqli lug'atida (2006), rus tili lug'atida (1981) esa "ko'z" so'zining muhim ma'nolari ko'rsatilgan.

Ingliz va o'zbek tillarida o'zaro bog'langan so'zlar turli xil yasama so'zlarni hosil qiladi: eyeglass, eye witness, eyeful, eyeless, to close ones eyes, up to ones eyes, in a pies eye, ko'z – ko'z qilmoq, ko'z olaytirmoq, ko'zi ochilmoq. Ko'rinib turibdiki, ikki tildagi muvofiq so'zlar ma'noviy, valentlik va qo'llanish ko'lamiga ko'ra o'xshash va farqli jihatlariga ega bo'lishi mumkin ekan.

XULOSA

Ma'lumki, leksik birliklar va frazeologik birliklar har bir tilning lug'at boyligini tashkil etuvchi til birligi sanaladi. Ular til birligi sifatida nutqgacha tayyor holatda bo'ladi. Shuningdek, har bir tilda leksik birliklar o'ziga xos lingvistik xususiyatga ega. Ammo barcha tillarda leksik hamda frazeologik birliklar til boyligi bo'lib xizmat qiladi. Polisemantik fraeologik birliklar tilning lug'aviy tarkibini va nutqni boyitishga xizmat

qiladi va hissiy bo'yoqdorlik ma'nolarini mujassamlashtiradi. Shuning uchun biz tarjima qilayotgan vaqtimizda leksik hamda frazeologik terminlarni to'g'ri qo'llay bilishimiz kerak. Ana shundagina, leksikografiya hamda tarjimonlik sohasida katta yutuqlarga erishsak bo'ladi.

REFERENCES

1. Abdulaziz.A, Sodiqov.N, Bashakov.N, Umumiy tilshunoslik T., 1979
2. Rahmatullayev.Sh . Hozirgi o'zbek adabiy tili. 1978
3. Oxford dictionary of idioms Published in the United States by Oxford University Press Inc., New York © Oxford University Press 1999, 2004
4. Isayeva, M. A. (2014). RELIGIOUS AND PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF FAMILY FUNCTIONS. The Way of Science, 90.
5. Raxmatullayev Sh. O'zbek tilining frazeologik lug'ati. – T.: Qomuslar bosh tahririyati. 1982.
6. Smirnitskiy A.I. Ingliz tilining leksikologiyasi. - M., 1996 yil.
7. Vinogradov V.S. Tarjimashunoslikka kirish. - M., 2001 yil.
8. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка.–М. 1986.
9. Narimonova Z. Frazeologik iboralarning tarjimasini haqida.-T.:O'zMU to'plami. 2007.



LINGUOCULTUROLOGY AS A DISCIPLINE OF LANGUAGE AND CULTURE

Bibihanifa Murodjon kizi Urayimova
urayimovab@gmail.com

ABSTRACT

According to this article, the study of how language and human society reflect culture adds to our understanding of other cultures and mentalities, as well as the development of intercultural communication, besides this, the concept of Linguoculturology, a new branch of linguistics that summarizes the work of a number of scholars, is discussed. It teaches the reader about the interconnection of language and culture, their vital role in society. The purpose of this article is to persuade the reader that the scientific and educational discipline of Linguoculturology, as it is known in the domestic academic tradition, can develop more successfully in the context of not only linguistic, but also cultural knowledge itself, by focusing on relevant theoretical and methodological guidelines and employing concepts, terms, and research techniques developed in the cultural sciences. The author focuses on the notion of "Linguoculturology," its origin, evolution, and major research methodologies.

Keywords: Linguoculturology, concept, language, culture, linguistic picture of the world.

INTRODUCTION

The recent accelerating pace of globalization and significant changes in different connections that exist between nations and people has again emphasized the importance of learning a foreign language. It is no secret that foreign languages serve as a means of communication between representatives of different people and cultures.

Any foreign language should be viewed not only as a system of linguistic norms but also as a system of social norms and behavior, spiritual values. It has long been recognized that any living language develops together with the speech community, that is, with the people who speak it. Consider that, languages should be taught and studied in integral unity with the world and culture of the people who speak these languages. It is clearly shown that the



definition of Linguoculturology in science, “learning a language in indissoluble communication with culture”¹.

MATERIALS AND METHODS

Currently, the advancement of intercultural communication necessitates a continuous research and enhancement of diverse people's mutual understanding. This is owing to the fact that new linguistic avenues emerge for investigating the characteristics of a specific language as well as considering the relationship between a language and other areas of people's life. However, disputes still exist in modern society, and some of them are caused by cultural or language disparities. Linguoculturology is a crucial part in avoiding potential disputes.

Linguoculturology is a new branch of science, that deals with manifestations of the culture of different nations, which became fixed and are reflected in the language. Linguoculturology first appeared in the 70th of the XX century as an independent field of linguistics on a base of the triad by Emil Benveniste: language, culture, and human personality. The aim was to activate the facts about language and culture of the country of studying language with the help of philological methods of teaching that were developed by V.V. Vorobev, V.A. Maslova, V.N. Telia, A.T Khrolenko, and others who are notable names in this field. Each of these scholars provided their own perspective of Linguoculturology. The most complete in modern domestic linguistics the theoretical and methodological foundations of Linguoculturology are set forth in Vorobev’s work *Linguoculturology: Theory and Methods*. According to Vorobev, Linguoculturology is considered as the theoretical basis of linguistic culture; It is defined as “a complex scientific discipline of the synthesizing type that studies the interrelation and interaction of culture and language in its functioning and reflects this process as an integral structure of units in the unity of their linguistic and extralinguistic (cultural) content through systematic methods and with an orientation to modern priorities and cultural Establishment (a system of norms and universal values)². The problem of correlation, interconnection, mutual influence of language and culture, a cultural phenomenon in the language, has a general scientific value in linguistics and, in fact, is interdisciplinary. Therefore Linguoculturology plays important role in modern research.

In the last decade, several works devoted to this discipline were published. The most popular science work can be considered a textbook by V. A.

¹ V.A. Maslova *Linguoculturology*. Moscow: Academy, 2001. p 206

² V.V. Vorobev *Linguoculturology: Theory and Methods*. Moscow: RUDN, 1997. p 36



Maslova. It provides a methodological basis, describes the current trends of linguocultural research. The author emphasizes the interdisciplinary nature of Linguoculturology, defining it as “a branch of linguistics that emerged at the junction of linguistics and cultural studies” as “a humanitarian discipline that studies the material and spiritual culture embodied in a living national language and manifested in linguistic processor” or as an “integrative field of knowledge that absorbs the results of research in cultural science and linguistics, ethnolinguistics and cultural anthropology”³. The term “Linguoculturology” means the science, which appeared at the intersection of linguistics and culturology. This science investigates the question of reflection and consolidation of a nation’s culture in language.

Linguoculturology is a humanitarian discipline that studies material and spiritual culture embodied in a living national language and manifested in linguistic processes. It allows you to establish and explain how one of the fundamental functions of language is carried out – to be an instrument for the creation, development, storage, and transmission of culture. Its goal is to study the ways in which language embodies in its units, stores and translates culture.

According to Y.A. Belchikov, one of the topical problems of modern Linguoculturology is connected with the search for mechanisms of interaction between language and culture, because “language and culture have a common humanistic basis”⁴. The aim of Linguoculturology is to study the methods which the language embodies in its units, to keep and to transmit culture.

Linguoculturology studies the national forms of being of society reproduced in the system of language communication and based on the cultural values of a specific historical community. The most important task of Linguoculturology and its characteristic distinguishing feature is the systematic representation of the culture of the people in its language. Linguoculturology explores the linguistic picture of the world, gives a systematic description of the facts of language and culture in their interaction and interrelation. A.T Khrolenko explains this “ The subject is the fundamental issues related to the transforming side of the connection between language and culture: changes in the language and its units, conditioned by the dynamics of culture, as well as changes in the structure and changes in the functioning of culture, predetermined by the language realization of cultural meanings”⁵.

³ V.A Maslova Linguoculturology. Moscow: Academy, 2001. p35

⁴ Y.A Belchikov, 2009. p7

⁵ A.T Khrolenko, 2004, p. 31



RESULTS AND DISCUSSION

The topic of language and culture correlation, connectivity, and mutual impact, a cultural phenomenon in language, has a broad scientific significance in linguistics and is, in reality, multidisciplinary. One of the key elements of the linguoculturological view of language learning is the interaction of language and culture. This question may be seen from three perspectives:

1) Language as an indication of a person's overall culture, speech culture, and communication culture.

2) Language as a cultural phenomenon and as a people's cultural repository, custodian, and method of transfer from one generation to the next.

3) language in its artistic role as a method of producing literature, one of culture's most significant components.

Based on the preceding, we may deduce that Linguoculturology's tasks include not only the research of language-culture interactions but also the reflection of culture and thought in language. Folk worldview, thinking, cultural values, and their reflection in language are thus the core subjects of cultural linguistics research.

After considering the characteristics of Linguoculturology, we conclude that it is one of the more difficult and expansive areas of Linguistics, given the large number of distinct cultures and languages that exist today. This scientific orientation, on the other hand, is always evolving. This is owing to the fact that language and culture are always changing.

CONCLUSION

To sum up, Linguoculturology is a branch of linguistics that views language as a cultural phenomenon and a manifestation of rational thought. It is aimed at scrutinizing linguistic units in connection with the historical and social development of the country at different periods and thus ensures general broad comprehension of the language as a complex system. Linguoculturology plays a significant part in Linguistics since it is an interdisciplinary field in which the data gathered as a result of study may be implemented in practice.

As a result, we've come to the conclusion that Linguoculturology is a brand-new subject of Linguistics in active development, might be a fruitful topic for linguistic research.

REFERENCES

1. Belchikov Y. A *Cultural aspect of philological disciplines* // Philological sciences. No.4, 2009 p 7



2. Benveniste E. *General linguistics* , “Progress” Moscow 1994, p. 4
3. Khrolenko A. T *Fundamentals of Linguoculturology*: Proc. Allowance. –M., 2009, p. 31
4. Maslova V. A. *Linguoculturology*. Moscow Publishing Center “Academy”, 2001. p 30,32
5. Vorkachev S.G. *Linguoculturology, language personality, concept: the establishment of the anthropocentric paradigm in linguistics* // Philological sciences. 2001. No.1. P 65–67
6. Vorobev V. V. *Linguoculturology: Theory and Methods*. Moscow: RUDN, 1997. p 36



RESEARCH INTO THE STUDY OF SAFONIFICATION KINETICS IN THE EXTRACTION OF FATTY ACIDS FROM SOAPSTOCK

Sanjarbek Khusinbay ugli Shamuratov

Department "Food Technology", Urgench State University, sanjar.sh@urdu.uz

Sherzod Khasanovich Karimov

Department "Food Technology", Urgench State University, sher_hon@mail.ru

Umidbek Satimbaevich Baltaev

Department "Food Technology", Urgench State University, umid.bo@urdu.uz

Sanobar Sobirovna Achilova

Department "Food Technology", Urgench State University, sanobar.a@urdu.uz

Gulnoza Ulugbek Qizi Abdullayeva

Department "Food Technology", Urgench State University,
abdullaeva932@gmail.com

ABSTRACT

Soapstock is regarded as a secondary product that is formed while neutralizing free fatty acids of oil in the presence alkali. When it comes to its content, it riches in colourful substances, such as carboxyl, carbonyl, hydroxyl groups. This gives it the opportunity to synthesize new types of competitive products for the national economy.

Keywords : soapstock, fatty acids, saponification, temperature

INTRODUCTION

Currently, many oil and fat enterprises are operating in the direction of oil and fat production, which is the leading network of the food industry in the Republic. In them, along with the main product in the process of production of vegetable oils and fatty acids, a large number of secondary products soapstock are formed. The traditional and effective direction of the use of soapstok composition, which is produced in the processing of cotton oil, is the production of household soap. It should be noted that this direction corresponds to the existing trends in the development of soap production,

including the use of renewable natural raw materials and secondary resources.

Methods for the separation of free fatty acids should meet the following conditions: selective exposure with reagents applied to neutralization should be maximum; ensure the greatest rate of neutralization reaction; ensure rapid and complete separation of the formed phases; ensure that the yield of neutralized oil is maximum.

These conditions are explained by the fact that the composition of triacylglycerins of various oils to be difficult to fulfill, as well as the content of additives varies within a large limit.

METHODS

In our research, the soapstock of JSC "Urganch yog'-moy" was used. Table 1 shows the soapstock component.

Table 1

Soapstock composition

Moisture and volatile substances,%	55,0
The content of neutral fat (NF),% of the mass of the soap stock	9,9
The content of total fat (FFA, unsaponifiable substances HB),% by weight	35,1

Fatty acids (FA) in the form of methyl esters were analyzed by GC on an Agilent 6890 N instrument with a flame ionization detector, using a capillary column 30 m x 0.32 mm with a stationary phase HP - 5, carrier gas - helium, programming temperature 150 - 270°C. The results of the analysis are presented in figure 1. and table.2.




Figure 1. Chromatograms of the fatty acid composition of the control sample of the soap stock JSC "Urganch yog'-moy"

Table.2

The composition of soap stock fatty acids, GC, % by weight of acids

Fatty acid	Content
Myristic , 14:0	0.65
Palmitic, 16:0	25.69
Palmitoleic, 16:1	0.58
Margarine, 17:0	0.14
Stearic, 18:0	2.73
omega-9 Oleic, 18:1	25.24
omega 6 Linoleic , 18:2	42.80
Arakhin , 20:0	0.59
omega 11 Eicosene , 20:1	0.23
Begenovaya , 22:0	0.36
Lignoceric, 24:0	0.14
Hexacosan 26:0	0.85
∑ saturated LCDs	31.15
∑ unsaturated fatty acids	68.85

The presence of large amounts of unsaturated fatty acids in the soapstock reduces their solubilizing properties, which is an important component of the detergent effect of the detergent obtained from the soapstock and significantly determines the washing rate of impurities, as well as the relative washing ability. However, in soapstock, waxes and waxy substances with long enough hydrocarbon chains, as well as high molecular weight fatty acids and alcohols, tend to form mixed micelles that enhance their solubilizing properties.

RESULTS

Soapstock content analysis does not allow us to clearly recommend the most effective way to use it. Therefore, in the next stage of the analysis, the functional properties of the soap base from the soapstock were studied.

The saponification process was carried out at 95⁰C in a laboratory reactor equipped with a mixer and a shell. A 40% solution of sodium hydroxide was used as an alkalizing agent. According to preliminary experiments, 200% of the required amount of sodium hydroxide (NaOH) was obtained [1,2]. It was determined that the mass fraction of free alkali was constant for 15 minutes after the end of the process. The results of the experiment are presented in Table 3 and Figure 2.

Table 3

Soapstock saponification process kinetics

Time, min.	20	30	40	50	60	70	80	90
Free alkali content, %	0,3	0,22	0,15	0,12	0,1	0,1	0,1	0,1

These correlations show that the initial processing of soapstock using the developed modes increases the speed of the soaping process.

It was found that the maximum depth of soaping is achieved in 60 minutes, and the next 2 hours of resting provides a 30% separation of the soap alkali [3]. The main parameters of the soapy base of Soapstock are given in Table 4.




Figure 2. Soapstock saponification kinetics

Table 4

The main features of the soapy base of Soapstock

Index name	Performance characteristics
Color	Orange
Consistency	In gel form
Mass fraction, %:	
Fatty acids	33,20
Neutral oils	-
Wax and waxy substances	9,50
Free sodium hydroxide	0,09
Water	57,21



Taking into account the fact that the base of the soap is not completely separated, as well as the black color of the soap base, the next step is to develop a technology to improve it.

DISCUSSION

According to chemical analysis data, soap production wastewater has a high degree of pollution. This is mainly pollution with organic substances, to a greater extent - with soaps. In appearance, the sample of untreated effluents is a viscous and soapy brownish liquid to the touch. When cooled to room temperature, it thickens to a paste-like state.

CONCLUSION

Research shows that it is not advisable to divert wastewater from the soap industry directly to the municipal sewage system. In our next work, we will consider the application of the process of wastewater treatment by flotation or coagulation. This way we will be able to prevent environmental pollution and land salinization.

REFERENCES

1. Shavrak E.I. Comparison of different methods for isolating fatty acids from wastes of alkaline refining of vegetable oils / 1. Shavrak E.I.. — Volgodonsk Institute of the South Russian State Technical University // Postgraduate student and applicant. N 5 .- 2004 .- 502-503 .- J05000154 .- Chemistry and technology of food products .- 2005 .- N 14
2. Shavrak, E. I. Physico-chemical regularities of the process of extracting fatty acids from soap solutions by their decomposition with mineral acid / Shavrak E. I. // Evestv. and tech. Sciences . N 5 .- 2004 .- 148-155 .- J05000332 .- Technology for the production of household chemicals. Perfumery and cosmetics .- 2005 .- N 21.
3. ShamuratovS., Baltayev U., AlimovU., Namazov Sh.,KurambaevS., Ibadullaev B. Utilization process research of the soap industry acid waste water with high carbonate phosphorite of central Kyzylkum.// E3S Web of Conferences 264, 04079 (2021) <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126404079> CONMECHYDRO - 2021.

ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР ТАШҲИСЛАНГАН ТУРЛИ ЁШДАГИ ОДАМЛАРДА ИММУН СТАТУСИГА ТАВСИФ

Ҳамида Рустамовна Ибраҳимова

ТТА Урганч филиали

xamida.ibraximova@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада паразитар касалликлар аниқланган катта ёшлилар ва болаларда иммун статуси ўрганилган. Баъзи иммуноглобулинлар бўйича назологик бирликлар орасида фарқлар катта бўлмай, индивидуал кўрсаткичлардаги дисбаланс билан изоҳланди. Болаларнинг катта ёшли шу касалликлар билан хасталанган беморлар иммун статусларидаги ўзгаришлар тенденцияси бир хил бўлиб, баъзи кўрсаткичлар (IgG, IgE) интенсивлигининг пастлиги билан тавсифланди. Барча ҳолатларда комплемент С3 компонентининг қон зардобидаги концентрацияси назорат гуруҳи кўрсаткичларидан ишонарли фарқ қилмади, бу параметр бўйича ёшлараро тафовут ҳам кузатилмади.

Калит сўзлар: паразитар касалликлар, иммуноглобулинлар, иммун статус, цитокинлар, болалар.

ABSTRACT

In the article, the immune status of adults and children with parasitic diseases is studied. Differences between the nasological units in some immunoglobulins were not large, but were explained by imbalances in individual indicators. The trend of changes in immune status of patients with the same diseases as adults in children was the same and was characterized by low intensity of some indicators (IgG, IgE). In all cases, the concentration of the complement S3 component in the blood serum did not differ convincingly from the indicators of the control group, neither age nor difference was observed with respect to this parameter.

Keywords: parasitic diseases, immunoglobulins, immune status, cytokines, children.

КИРИШ

Паразитар касалликлар учраш даражаси, уларнинг тиббий - ижтимоий аҳамияти, мамлакатлар учун етказётган иқтисодий зарари, катта ёшдаги аҳоли айниқса болалар ҳаёт сифатининг ёмонлашуви ушбу патологияларга жиддий аҳамият бериш кераклигини кўрсатади. Шундай бўлса ҳамки, ушбу касалликлар



аллергологик ва иммунологик жиҳатлари, иммунопатогенетик хусусиятлари охиригача очиб берилмаган. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, тадқиқотимизнинг ушбу қисмини аллергик фонга эга катта ёшлилар ва болалар орасида ташҳисланган паразитар касалликларда улар организми иммун ва цитокин статусларини тавсифлаш бўлди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирги кунда одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ҳисобига яшовчи паразитларнинг 15 мингдан зиёд тури маълум ва инсонларда кўпроқ аскаридалар, острицалар, қилбош гижжалар учрайди [1, 4].

Гельминтлар одам организмнинг нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, мускуллари, жигар, ўт пуфаги, талоқ, кон, мия, кўз ва бошқа аъзоларида паразитлик қилади. Аҳолининг соғлиғини белгиловчи омиллардан бири ижтимоий жиҳатлар билан боғлиқ касалликлар, жумладан протозооноз ва гельминтлар бўлиб, уларнинг барчаси паразитар касалликларнинг 99% ни ташкил этади [5, 11].

Илмий манбаларда эътироф этилишича, одам ва ҳайвонларнинг аъзо ва тўқималари ҳисобига яшовчи гижжалар (гельминтлар), улар келтириб чиқарадиган касалликлар гельминтозлар дейилади. Касаллик манбаи бемор одам ва гижжалар билан зарарланган ҳайвонлар ҳисобланади [3, 5, 8].

Паразитизм (грекча *parasitos* - текинхўр, ҳамтовок) ҳар хил турга мансуб организмлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан биридир. Бунда организмлардан бири (паразит) иккинчисидан (хўжайин) яшаш муҳити ва озика манбаи сифатида фойдаланиб, унга зарар етказиши. Паразитлар бир ҳужайрали (саркомастигофора, спорали, книдоспоридия, микроспоридия ва инфузориялар) ҳамда кўп ҳужайрали ҳайвонлардан (ясси чувалчанглар, тиканбошлилар, тўғарак чувалчанглар ва бўғимоёқлилар) типлари таркибида учрайди [6, 12].

Ўнинчи марта қайта кўриб чиқилган Халқаро Касалликлар Таснифи (ХКТ-МКБ-10) бўйича (ЖССТ, 2007) паразитар касалликлар I синфга тегишли. ЖССТ маълумотларига кўра, гельминтозлар диарея, сил ва юракнинг ишемик касалликларидан сўнг ер шари аҳолисининг соғлиғига етказилган зарар даражаси бўйича 4-ўринни эгаллайди [14].

Дунёнинг турли мамлакатларида гельминтоз касалликларининг ошиши чиқинди сув оқими натижасида гельминт тухумлари билан атроф-муҳит ифлосланиши, аҳоли миграцияси, ҳайвонлар билан одам мулоқотининг ортиши, паст ижтимоий-иқтисодий

ҳаёт даражаси, аҳоли иммун тизимининг заифлашуви натижасидир [1, 11, 13].

Болалар паразитларга нисбатан аҳолининг заиф тоифаси эканлиги аниқланган. Бу, бир томондан, санитария-гигиена меъёрларига риоя қилишнинг қуйи даражасига, иккинчи томондан, паразитар инвазия натижасида жадал ўсиш ва ривожланишнинг пасайиши билан боғлиқ. Болаликда паразитлар инвазиясига кўпинча овқатланишнинг сурункали бузилиши, ошқозон-ичак дисфункцияси, интоксикация, организм сенсibiliзацияси ва иммун тизимининг заифлашувига олиб келувчи омиллар сабаб бўлади. Гельминт личинкалари кўчиб висцерал мембраналар, мия, кўз, ўпка, ва асаб тизимига зарар етказиши мумкин. Larval мигрантларнинг 5-7% и мияга киради, 30 дан ортиқ паразит турларининг личинкалари ўпка тўқимасига таъсир қилади [2, 3, 9, 10].

Юқорида қайд этилган муаммолар Ўзбекистон Республикасида ҳам долзарб бўлиб [7, 8], адабиётларда бу муаммога бағишланган илмий манбалар кам.

Бухоро ва Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи паразитар касаллиги аниқланган 79 нафар катта ёшлилар ва болаларда иммун статуси ўрганилди. Иммунологик тадқиқот ўтказиш учун қон билан венасидан 5,0 мл микдорда гепарин билан қайта ишланган, центрифуга пробиркасига олинди. Текширилувчиларнинг қон зардобидида асосий уч синф - М, А ва G (IgM, IgA, IgG) иммуноглобулинлар концентрацияси Манчини (1963) бўйича радиал иммунодиффузия усулида аниқланди. Комплементнинг C3 компоненти текширилувчиларнинг қон зардобидида ИФА таҳлили билан баҳоланди.

НАТИЖАЛАР

1-жадвал

Паразитар касалликлар аниқланган аллергия фонга эга катта ёшлилар организми иммун статуси асосий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлил натижалари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=15	Катта ёшлилар, n=32
IgA, г/мл	1,65±0,07	1,58±0,15 ↔
IgM, г/мл	0,85±0,04	1,26±0,15* ↑
IgG, г/мл	9,11±0,37	15,65±0,63* ↑
IgE, мг/мл	35,00±1,4	161,98±0,82* ↑
C3, мг/мл	34,60±1,2	34,22±0,93 ↔

Эслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан ишонарли фарқлар белгиси; ↑ - ўзгаришлар йўналиши; ↔ - ишонарли тафовут йўқ.

Иммун тизими махсус ва махсус бўлмаган омиллари



кўрсаткичлари паразитар касалликлар аниқланган болаларда ҳам ўрганилди, натижалари таҳлил қилинди (2-жадвал

2-жадвал

Паразитар касалликлар аниқланган аллергия фонга эга болалар организми иммун статуси асосий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлил натижалари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=15	Болалар, n=47
IgA, г/мл	1,65±0,07	1,21±0,13* ↓
IgM, г/мл	0,85±0,04	0,95±0,12 ↔
IgG, г/мл	9,11±0,37	14,91±0,59* ↑
IgE, мг/мл	35,00±1,4	132,35±0,80* ↑
C3, мг/мл	34,60±1,2	36,71±0,83 ↔

Эслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан ишонарли фарқлар белгиси; ↑ - ўзгаришлар йўналиши; ↔ - ишонарли тафовут йўқ.

МУҲОКАМА

Тадқиқотларимизда паразитар касалликлар аниқланган катта ёшли беморларда IgA концентрациясида назорат гуруҳига нисбатан ишонарли миқдорий ўзгаришлар кузатилмади - мос равишда 1,58±0,15 г/л га қарши 1,65±0,07 г/л, $P > 0,05$.

Организмида IgM нинг қон зардобидаги концентрацияси бўйича фарқли жиҳатлар аниқланди, назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан (0,85±0,04 г/л) таққослаш гуруҳида ўртача (1,26±0,15 г/л) улар концентрацияси 1,48 мартага ошгани кузатилди ($P < 0,05$). Агар IgMнинг филогенетик жиҳатдан энг эрта ҳосил бўладиган антители эканлигини, қондаги энг кўп миқдори антиген организмга тушган вақтдан бошлаб, 4-5 кунга тўғри келишини, организмда 5 суткагача сақланиб қолишини ҳисобга олсак катта ёшлилар организми қон зардобида улар миқдорий ошишини (ўртача 1,26±0,15 г/л гача) организмга доимо тушиб турувчи антигенлар борлиги билан изоҳлаймиз. Демак, паразитар касалликларда қон зардобида IgMнинг ошиши организмда паразитар инфекция борлигини билдирувчи белгилардан биридир.

Қон зардобидаги IgG миқдорининг солиштирма кўрсаткичлари орасидаги фарқ олдинги иммуноглобулиндан ҳам фарқли бўлди, агар назорат гуруҳида унинг концентрацияси ўртача 9,11±0,37 г/л бўлгани ҳолда, паразитар касалликлар аниқланган катта ёшлиларда бу параметр ўртача 15,65±0,63 г/л ни ташкил этган (1,72 мартага кўпайган, $P < 0,001$).

Агар IgG бирламчи антиген стимуляциясидан кейин 5-6 кунлардан бошлаб синтез бўла бошлаши, организмда 23 суткагача сақланиши (барча иммуноглобулинлар орасида энг

кўп сақланади), иккиламчи иммун жавобда эса биринчи кундан ҳосил бўла бошлашни ҳисобга олсак, улар миқдори ошишини паразитар касалликлар этиологик агентлари организмга тушишда давом этаётгани, антиген стимуляцияси кучаяётгани ҳамда организм иммун тизимининг иккиламчи иммун жавоб сифатида жавоб қайтараётгани билан изоҳланади.

Ҳар учала ўрганилган иммуноглобулинларнинг қон зардобдаги концентрациясидаги бундай дисбаланс сабабчи паразитар касалликлар бўлгани ҳолда касаллик этиологик агентларининг давомли ва кўп миқдорда тушаётгани, беморларнинг тузалиш тенденцияси кузатилмаётганлиги билан изоҳланади. Шу ўринда профилактика тадбирлари касаллик келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга қаратиладиган бўлса ушбу ҳолат келиб чиқмаслиги таъминланган, организм иммун тизимида зўриқиш кузатилмаган бўлиш эҳтимоли юқорилиги исботланди.

Агар IgE нинг организмда 3 суткагача сақланиши, бошқа иммуноглобулинлардан Н-занжирларининг катталиги, шарнир қисмининг йўқлиги, базофиллар ва семиз ҳужайралар, шунингдек бурун бўшлиғи шиллик қавати ҳужайралари юзасида бириккан ҳолда учраши, айниқса организмда вужудга келадиган турли аллергия жараёнларда муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олсак ушбу иммуноглобулинларни аниқлаш катта аҳамият касб этишига ишонч ҳосил қиламиз. Бизнинг ҳолатимизда IgE нинг қон зардобдаги концентрацияси меъёрда (назорат) ўртча $35,0 \pm 1,4$ мг/мл ни ташкил этгани ҳолда таққослаш гуруҳида киритилган беморларда ўртача $161,98 \pm 0,82$ мг/мл гача ошгани аниқланди, бу 4,63 марталик ишонарли даражадаги кескин ошиши ($P < 0,001$) организмда кучли аллергия фон борлигини кўрсатди, бу аллергия фон паразитар касалликлар этиологик агентлари таъсири эканлиги исботлаб берилди.

Комплементнинг С3 компоненти миқдорий кўрсаткичлари назорат ва таққослаш гуруҳларида бир-биридан ишонарли фарқ қилмади-мос равишда $34,60 \pm 1,2$ мг/мл ва $34,22 \pm 0,93$ мг/мл ($P > 0,05$). Махсус бўлмаган химоя омилларининг миқдорий жиҳатдан амалий жиҳатдан ўзгармаганлиги антиген стимуляцияси доимий бўлгани ҳолда иммун жавоб интенсивлиги паст эканлигини кўрсатади. Мос равишда паразитар касалликларда катта ёшдагиларда иммун жавоб интенсивлиги пастлиги, аммо шундай бўлса ҳамки иммуноглобулинлар баъзи синфларининг (IgM, IgG) қон зардобдаги концентрацияси нисбатан ишонарли ошганлиги эътироф этилди. IgE миқдорининг қон зардобдаги кескин

(4,63 мартага) ишонарли равишда ошиши организмда кучли алергик фон борлиги, бу фоннинг асосий сабабчиси паразитар касалликлар этиологик агентлари эканлиги исботлаб берилди.

Паразитар касалликлар аниқланган алергик фонга эга болалар организми иммун статуси асосий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, барча кўрсаткичлар ўзгаришлари катта ёшдагилар параметрлари билан ўхшаш бўлди, аммо ўзгаришлар интенсивлиги сезиларли фарқ қилди. Қон зардобидаги IgA концентрацияси асосий гуруҳда (болалар) назорат гуруҳидан кўп бўлмаса ҳамки, ишонарли фарқ қилди-мос равишда $1,21 \pm 0,13$ г/л ва $1,65 \pm 0,07$ г/л (1,36 мартага, $P < 0,05$). Катта ёшдаги беморларда ҳам ушбу иммуноглобулиннинг қон зардобидаги миқдори пасайиш тенденциясига эга бўлганини ҳисобга олсак бир хил натижани кузатамиз.

IgM концентрацияси ҳам асосий гуруҳда таққослаш гуруҳига нисбатан кам бўлиб, назорат гуруҳи натижаларига яқин бўлди ва улардан ишонарли равишда фарқ қилмади-мос равишда $0,95 \pm 0,12$ г/л (асосий) ва $0,85 \pm 0,04$ г/л (назорат) - $P > 0,05$. IgG концентрацияси асосий гуруҳда (ўртача $14,91 \pm 0,59$ г/л) назорат ($9,11 \pm 0,37$ г/л) гуруҳига нисбатан ишонарли даражада 1,64 мартага кўплиги ($P < 0,001$) аниқланган бўлса ҳам асосий ва таққослаш гуруҳларида ишонарли даражадаги фарқ кузатилмади-мос равишда $14,91 \pm 0,59$ г/л ва $15,65 \pm 0,63$ г/л- $P > 0,05$.

Юқоридаги параметрларга ўхшаш натижалар IgE бўйича ҳам олинди. Асосий гуруҳда ҳам таққослаш гуруҳидагига ўхшаш ушбу иммуноглобулиннинг қон зардобидаги концентрацияси назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишонарли даражада кўпайгани аниқланди-мос равишда $14,91 \pm 0,59$ г/л ва $9,11 \pm 0,37$ г/л (ўртача 1,64 мартага, $P < 0,001$).

Комплемент C3 компонентининг қон зардобидаги миқдори бўйича олинган натижалар асосий гуруҳда таққослаш гуруҳига ўхшаш меъёр параметрларидан ишонарли фарқ қилмади ($P > 0,05$). Махсус бўлмаган химоя омилларидаги ўзгаришлар ишонарли бўлмаганлиги уларнинг паразитар касалликларда кескин ўзгаришлар билан жавоб бермаслиги билан боғланди, бу эса антиген стимуляциясининг доимий бўлса ҳам, аммо кам интенсивликда кечишини кўрсатди, ушбу резистентлик омилларининг паразитар касалликларга этиологик агентларига қарши иммун жавобда иштироки кам эканлигини яна бир бор исботлади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, паразитар касалликлар ташхисланган турли ёшдаги беморлар организми иммун статусининг баъзи кўрсаткичларини аниқлаш шуни кўрсатдики, қон зардобдаги асосий имуноглобулинлар синфлари (IgA, IgM, IgG, IgE) концентрациялари болалар ва катта ёшдагиларда бир хил ўзгаришлар тенденциясини кўрсатди, аммо ушбу ўзгаришлар интенсивлиги турлича бўлиб, бу катта ёшлиларда (таққослаш гуруҳи) болаларга (асосий гуруҳ) нисбатан яққолроқ намоён бўлди. Фақат иммун тизимининг махсус бўлмаган ҳимоя омили вакили бўлган комплементнинг C3 комплементи миқдори ҳар иккала солиштирилаётган гуруҳда назорат гуруҳидан ишонарли фарқ қилмади ($P>0,05$). Бу ҳолат паразитар касалликлар этиологик агентларида антиген стимуляцияси паст бўлиб, иммун жавобда махсус бўлмаган ҳимоя омилларининг ўрни кам, деб талқин этилди. Организмдаги турли аллергияк жараёнларда муҳим ўрин тутувчи IgE миқдорининг кескин ошганлиги (болаларда 1,64 ва катталарда 1,72 мартага) организмда аллергияк фон борлигидан далолат.

IgG ва IgE концентрацияларининг паразитар касалликларда ўзгаришлар тенденциялари ва интенсивлик даражалари ушбу касалликларда беморлар иммун статусини баҳолашда муҳим иммунологик ва аллергиялогик диагностик мезонлар сифатида тавсия этилади, чунки уларнинг юқори диагностик қиймати ўтказилган клиник-имунологик ҳамда аллергиялогик тадқиқотлар натижасида исботлаб берилди.

REFERENCES

1. Алёхина Н.А., Соколова Я.О., Исмаилова З.М., Мартынова О.В., Кенембаева А.С. Паразитарная чистота объектов окружающей среды Астраханской области за 2014-2016 годы // Электронный журнал «Концепт». - 2017. - Том 39. - С.2711-2715.
2. Ахатова Г.Х., Назарова У.Х., Турсунова Х.Н. Совершенствование эффективности применения профилактических мероприятий у детей по снижению заболеваемости гельминтозами // Молодой ученый. - 2017. - №16. - С.25-27.
3. Ершова И.Б., Мочалова А.А., Лохматова И.А., Монашова М.Г., Петренко О.В. Неспецифические проявления гельминтозов у детей // Здоровье ребенка. - 2015. - №8 (68). - С.45-50.

4. Жарнова В.В., Жмакин Д.А., Никитин В.Ф. Клинико-эпидемиологическая картина трихинеллеза в Гродненской области // Российский паразитологический журнал.- Москва, 2015.- Выпуск 4.- С.38-42.
5. Лысенко А.Я., Владимова М.Г., Кондрашин А.В., Майори Дж. Клиническая паразитология. Руководство. - Женева, ВОЗ, 2002. - 752 с.
6. Марушко Ю.В., Грачева М.Г. Современное состояние проблемы гельминтозов у детей. Вопросы диагностики и лечения // Современная педиатрия. - Киев, 2012. - №3(43). - С.1-5.
7. Мухитдинов Ш.Т., Жураева Ф.Р. Проблемы гельминтозов среди детей до 14 лет и организационные методы борьбы с ними в первичном звене здравоохранения // Міжнародний науковий журнал «Інтернаука». - 2017. - №6 (28). - С.30-32.
8. Норкулова Г.С. Гельминтозы у детей: частота и причины // European research: Innovation in science, education and technology XXVIII International scientific and practical conference // London. United Kingdom. - 2017. - P.73-74. European research. - 2017. - N5 (28).
9. Пекло Г.Н., Степанова Т.Ф., Панарина П.В. Серологический мониторинг трихинеллеза в Тюменской области // Эпидемиология и Вакцинопрофилактика. - 2010. - №1 (50). - С.30-33.
10. Усенко Д.В., Конаныхина С.Ю. Современные аспекты диагностики и лечения лямблиоза // Вопросы современной педиатрии. - 2015. - №14(1). - С.108-113.
11. Файзуллина Р.А. Самороднова Е.А., Доброквашина В.М. Гельминтозы в детском возрасте // Практическая медицина. - 2010. - №3. - С.31-36.
12. Хамидуллин А.Р., Сайфутдинов Р.Г., Хаертынова И.М. Гельминты человека: описторхоз и псевдамфиломоз // Практическая медицина. - 2011. - №3(50). - С.35-37.
13. Baldursson S., Karanis P. Waterborne transmission of protozoan parasites: review of worldwide outbreaks - an update 2004-2010 // Water Res. - 2011. - Vol.15. - N45 (20). - P.6603-6614.
14. World Health Organization, UNICEF. Prevention and control of schistosomiasis and soil-transmitted helminthiasis. Joint statement. Geneva, 2004.



СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И ОЦЕНКИ ТОВАРНО-МАТЕРИАЛЬНЫХ ЗАПАСОВ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Шохрух Курбон угли Шахобов

Магистрант Ташкентского государственного транспортного университета

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены вопросы организации бухгалтерского учёта в Республике Узбекистан на основе международных стандартов финансовой отчётности (МСФО).

Ключевые слова: Бухгалтерский учет, международные стандарты финансовой отчетности, национальные стандарты бухгалтерского учета, финансовая отчетность, реформирование бухгалтерского учета.

ВВЕДЕНИЕ

В настоящее время одной из наиболее актуальных проблем экономики является реформирование существующей в стране системы бухгалтерского учета и отчетности в соответствии с международными требованиями. Согласно указу президента Республики Узбекистан «О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах» предусмотрена обязательная публикация финансовой отчетности, составленной на основе международных стандартов финансовой отчетности (МСФО).

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Экспортно-ориентированная экономика Узбекистана намерена усилить свое проникновение на зарубежные рынки и получить возможность использования льготных кредитов зарубежных банков. Для этого следует внедрять международную систему учета и отчетности, что является главным условием интеграции в мировое экономическое сообщество. МСФО представляют собой международную систему общепринятых принципов подготовки и предоставления финансовой отчетности, которые широко применяются во многих странах. Для инвестора нет принципиальной разницы, в какую страну вложить свой капитал. Разница становится заметной тогда, когда инвестор не уверен в эффективности вклада капитала. Для того, чтобы финансовая отчетность

была прозрачной и отвечала международным требованиям следует соблюдать принципы и правила, изложенные в МСФО. Эти стандарты, в первую очередь, нужны тем экономическим субъектам: - кто нуждается в привлечение иностранного капитала; - кто уже имеет партнерские или учредительские связи с иностранными инвесторами; - пытающимся выйти со своей продукцией на международные товарные рынки. Освоение и выход на международные рынки осуществляется посредством выполнения направлений, которые способствуют экономическому развитию. Основным направлением развития экономики страны становится интенсификация производства и повышение его эффективности.

Учет и анализ товарно-материальных запасов является наиболее изученной частью, и именно поэтому, наиболее обеспеченной соответствующими нормативно-правовыми актами, то есть положениями, стандартами, инструкциями и регламентированной. Тем не менее, данная тема остаётся актуальной и это, в современных условиях, на наш взгляд, обусловлено следующими факторами:

- постоянным совершенствованием техники и технологии производства, вплоть до роботизации и внедрения в производство новых современных материалов;
- всё большее внедрение в систему управления возможностей информационно-коммуникационных технологий;
- интернационализация экономики, что в свою очередь приводит к интернационализации учета, анализа и аудита;
- тесная, сложная, взаимосвязанная и переплетённая между собой система организации процесса движения товарно-материальных запасов и система их учета;
- роль человеческого фактора, который приспосабливается с одной стороны, к требованиям современности, таким как более совершенная технология производства и управления, с другой стороны, не перестаёт проявлять элементы бесхозяйственности, расточительства и хищения.

Учет значительно упрощается при использовании в складском учете компьютерной техники. В этом случае все приходно-расходные документы обрабатываются ежедневно или по мере их поступления со складов.

Ранее действующие методики учета производственных запасов, которые были выработаны наукой и практикой, на протяжении последних лет в некоторой степени потеряли

актуальность и в основном были ориентированы на систему ручного труда в условиях так называемых твердых (плановых) регулируемых государством цен.

РЕЗУЛЬТАТЫ

Поэтому, сегодня все это требует совершенствования и новых подходов относительно организации и методики ведения аналитического учета наличия и движения производственных запасов, который является одним из самых важных и наиболее трудоемких участков бухгалтерского учета.

Важность и трудоемкость ведения количественного аналитического учета производственных запасов, значительные их качественные показатели обусловили необходимость поиска более рациональных методов учета материальных запасов с целью устранения дублирования одних и тех же операций.

Для повышения эффективности оперативно-бухгалтерского метода учета производственных запасов целесообразно осуществить детализацию их групп на несколько подгрупп с тем расчетом, чтобы в подгруппе количество наименований производственных запасов не превышало ста наименований, что позволит контролировать объемы производственных запасов для учета их движения и проверки. Это можно достичь путем ежемесячного составления товарно-транспортных накладных, лимитно-заборных карт, накладной на отпуск материалов на сторону и сведений по поступлению и выбытию производственных запасов по каждой подгруппе производственных запасов, что повышает оперативность выявления возможных ошибок в складском и бухгалтерском учете. К тому же следует отметить, что при автоматизированном учете программа позволяет без лишних усилий формировать данные сведения в аналитическом разрезе как по группам и подгруппам материалов, так и по отдельным их видам и сортам за любой период.

Мировой бухгалтерский опыт показывает, что наиболее эффективная реализация контрольной и аналитической функций бухгалтерского учета возможна в условиях разделения бухгалтерии на две самостоятельные – финансовую и управленческую.

В управленческой бухгалтерии создается возможность контроля за сохранностью и использованием ресурсов, а также выявления финансовых результатов по центрам ответственности. Центры ответственности – это подразделения

производственного, снабженческого и сбытового характера, построенные исходя из наличия ответственного руководителя и подведения результатов по центрам деятельности.

Учет по центрам ответственности с позиций экономического анализа можно назвать наиболее удобным, так как в нем имеются в достаточной степени детализированные данные для того, чтобы на их основе провести факторный анализ по местам возникновения доходов и убытков, а также конкретным причинам. Учет деятельности по подразделениям на принципах центров ответственности позволит выявить конечный результат и оценить эффективность каждого из них, устранить негативные результаты в их деятельности.

Есть особенности оценки материалов на момент списания. В этом случае стоимость определяется бухгалтером компании во время списания материалов с использованием метода первых доходов, первых расходов (FIFO) или формулы средневзвешенной стоимости (AVESО).

Основное внимание в нем уделяется использованию одной и той же формулы определения стоимости для всех материалов, которые имеют одинаковые свойства и используются одинаково. В свою очередь, разные формулы расчета стоимости могут использоваться для материалов, которые имеют разные свойства и используются в разных направлениях.

За рубежом метод FIFO (First In First Out) также называют конвейерной моделью. Суть этой оценки заключается в том, что первый закупленный материал продается первым (списывается на расходы), и, в свою очередь, предметы в материалах на конец периода покупаются последними.

При этом методе оценки запасов предполагается, что новые запасы продаются первыми, а старые запасы остаются на складе. Этот метод практически не используется предприятиями, поскольку старые запасы редко продаются и постепенно теряют свою ценность. Это приводит к значительным потерям для бизнеса.

Единственная причина использовать LIFO - это когда компании ожидают, что стоимость запасов со временем вырастет и приведет к инфляции цен. Путем перевода высокозатратных запасов в себестоимость проданных товаров можно снизить уровень прибыли предприятий. Это позволяет предприятиям платить меньше налогов.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В формуле средней стоимости (AVECO) стоимость каждого элемента определяется средневзвешенной стоимостью аналогичных товаров, приобретенных или произведенных в течение периода, со стоимостью аналогичных товаров в начале периода. В зависимости от условий предприятия среднее значение может рассчитываться периодически или с поступлением каждой дополнительной партии.

Все дальнейшее развитие и совершенствование организации бухгалтерского учета должно идти в направлении усиления контрольных функций учета, расширения аналитичности данных учета и повышения оперативности в использовании этих данных для управления и принятия экономически обоснованных решений, более активного участия работников бухгалтерии в экономической работе. Обычно когда речь идет о принятии международных стандартов, в основном, упоминаются бухгалтерский учет на корпоративном уровне. Однако, определенные правила и особенности бухгалтерского учета в сфере управления государственными финансами также должны регулироваться через стандарты, отвечающие международным правилам. То есть, так называемый, бюджетный учет должен отвечать требованиям международных стандартов финансовой отчетности.

REFERENCES

1. И.И. Бочкарева Бухгалтерский учет: - 2-е изд. перераб. и доп. - М .:, издательство проспект, 2017. - 776 с.
2. Хайдаров Ш., Тухсанов Х. Классификация материально-производственных запасов и их методологические основы бухгалтерского учета // Налогообложение и учет. - Ташкент, 2016. -№4.

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Азиз Анварович Азимов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Магистратура тингловчиси

azimov1990azimov@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жамоат хавфсизлигини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари таҳлил қилинган ва мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: жамоат хавфсизлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳуқуқлар.

ABSTRACT

This article analyzes the rights of non-governmental non-profit organizations in ensuring public safety and offers suggestions for improving legislation in this area.

Keywords: public safety, non-governmental non-profit organizations, rights.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясининг 5-бандида “жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат идоралари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилиши”, шунингдек, 18-бандида эса “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар жамоат хавфсизлигини бевосита таъминловчи субъектларга *қўмаклашиши* ҳамда *зарур ёрдамни кўрсатиши* йўли билан жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиши мумкин”лиги белгиланган [1].

Концепциянинг мазкур бандларида белгиланган нормалардан англашимиз мумкинки, нодавлат нотижорат ташкилотлари (кейинги ўринларда – ННТ) ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этади. Шунинг учун, Концепциянинг



6-бандига мувофиқ, ННТлари жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектлар қаторига киритилган. ННТлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш ишларида бирор-бир тўсиқсиз ва ҳеч қандай иккиланишларсиз иштирок этишини таъминлаш учун уларга бир қатор ҳуқуқлар берилиши ва қонунчиликда белгиланиши лозим бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

ННТларининг ҳуқуқлари амалдаги бир нечта қонунларимизда, жумладан, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида [2], ННТларининг асосий тури ҳисобланган жамоат бирлашмалари фаолиятини тартибга солувчи “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасида [3], “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида [4] ҳамда ННТларининг фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.

Мазкур қонун ҳужжатларида ННТларининг фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш борасидаги умумий ҳуқуқлари акс эттирилган бўлиб, уларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳуқуқлари санаб ўтилмаганлигини кўришимиз мумкин.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда ҳам ННТларнинг ҳуқуқлари мустақамланганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, унда қуйидагилар:

21-моддасида “нодавлат нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкин”лиги;

45-моддасида “давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузиши мумкинлиги, ихтисослаштирилган муассасалар ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиши”;

47-моддасида “фаолияти ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид чоратадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат ижтимоий буюртмани

жойлаштириш ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар воситасида қўллаб-қувватлаши” белгиланган [5].

Мазкур Қонунда ННТларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги айрим ҳуқуқлари санаб ўтилганлигини кўришимиз мумкин.

ННТларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳуқуқлари “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасида кўрсатиб ўтилган. Унда белгиланишича, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин [6].

Бизнингча, жамоат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларидан коррупцияга қарши курашиш эканлиги боис, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида санаб ўтилган ҳуқуқларни ННТларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқларидан айримлари деб ҳисоблашимиз мумкин.

ННТларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқларидан яна бири Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомда [7] ҳамда 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомда [8] ҳам мустаҳкамланган. Мазкур Низомларда ННТлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасида, жиноятчиликка қарши курашишда ва коррупцияга қарши курашишда фаол иштирок

этанлиги учун рағбатлантирилиши мумкинлиги белгиланган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Фикримизча, ушбу Низомларда назарда тутилган “рағбатлантириш”ни ҳам ННТларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқларидан бири сифатида кўрсатишимиз мумкин.

Бироқ, ҳозирги кунда ушбу Низомларга мувофиқ, рағбатлантирилган шахслар ва жамоат ташкилотлари тўғрисидаги маълумотларни очиқ манбаларда, жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар ва коррупцияга қарши курашишни бевосита амалга оширувчи органларнинг интернет сайтларида мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин.

Ваҳоланки, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасида жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш – Қонуннинг асосий вазифаларидан бири эканлиги, шунингдек, 13-моддасида эса, “амалга оширилаётган профилактика тадбирларининг моҳияти ва аҳамиятига бағишланган материаллар, қонунийликнинг ҳолати ва жиноятчиликнинг даражаси ҳақидаги маълумотлар, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларга чек қўйиш чора-тадбирлари ҳақидаги ахборотлар” давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилиши мумкинлиги белгиланган [9].

Шунингдек, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида коррупцияга қарши курашишнинг асосий принципларидан бири очиқлик ва шаффофлик эканлиги, 19-моддасида эса, “давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш” давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг бири сифатида белгиланган. Мазкур Қонуннинг 31-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар коррупция билан боғлиқ бўлган, жамият учун аҳамиятга молик воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги хабарларни



қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этиши белгиланган [6].

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 2-бандида хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири этиб қуйидагилар белгиланган:

аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш;

амалга ошириладиган профилактика чора-тадбирларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, қонунийлик аҳоли ҳамда жиноятчилик даражаси ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш масалаларида оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш, содир этилган хуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш жараёни тўғрисида кенг жамоатчиликни тезкор хабардор қилиш [5].

Шу боис, фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка ва коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини ва самарадорлигини янада ошириш ҳамда фаолиятда шаффофликни таъминлаш ва натижадорликка эришиш мақсадида, юқорида кўрсатиб ўтилган Низомларга қуйидаги мазмундаги тегишли қўшимчаларни қўйиш мақсадга мувофиқ:

а) Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-бандини қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдириш:

“Рағбатлантирилган фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг умумий сони ва пул суммаси тўғрисидаги ойлик, чораклик ва йиллик маълумотлар уларнинг шахсини кўрсатмаган ҳолда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ҳамда хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органларнинг расмий веб сайтига доимий равишда жойлаштириб борилади”.

б) Коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 25-бандини қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдириш:

“Разбатлантирилган шахсларнинг умумий сони ва пул суммаси тўғрисидаги ойлик, чораклик ва йиллик маълумотлар уларнинг шахсини кўрсатмаган ҳолда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ҳамда коррупцияга қарши курашувчи органларнинг расмий веб сайтига доимий равишда жойлаштириб борилади”.

Бу ўз навбатида, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жинойтчиликка ва коррупцияга қарши курашишда фуқароларнинг ва жамоат ташкилотларининг фаол иштироки жараёнларидан аҳолининг хабардор бўлиб боришига ҳамда уларнинг мазкур соҳадаги фаол иштироки учун қизиқиш уйғонишига, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар ва жинойтларнинг сезиларли даражада камайишига замин яратади.

Хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, “Фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашдаги иштироки тўғрисида”ги Россия Федерацияси Федерал қонунининг 11-моддасида жамоат тартибини муҳофаза қилишда иштирок этувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш ихтисослигидаги жамоат бирлашмалари ўзлари тузилган ҳудудда қуйидаги ҳуқуқларга эга эканлиги белгиланганлигини кўришимиз мумкин:

1) ҳуқуқбузарликлар ва жамоат тартибига таҳдид тўғрисида ички ишлар (полиция) органларини ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилиш;

2) жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларида ички ишлар (полиция) органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига уларнинг муурожаатига асосан ёрдам кўрсатиш;

3) ушбу Қонун ва бошқа Федерал қонунларда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

Шунингдек, ушбу Федерал Қонуннинг 17-моддасида халқ дўружинликлари жамоат тартибини муҳофаза қилишда иштирок этганда қуйидаги ҳуқуқларга эга эканлиги белгиланган:

1) фуқаролардан ва мансабдор шахслардан ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш;

2) воқеа жойини сақлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини тасдиқловчи ашёвий далилларни кейинчалик ички ишлар органлари ходимларига топшириш учун сақланишини таъминлаш чораларини кўриш;

3) полицияга қонун билан юкланган жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги вазифаларини бажаришда ёрдам кўрсатиш;

4) ушбу Федерал қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда жисмоний куч ишлатиш;

5) ушбу Федерал қонун ва бошқа Федерал қонунларда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш [10].

Бундан ташқари, Беларусь [11] ва Тожикистон [12] Республикаларининг ҳам тегишли қонунларида ННТларининг жамоат тартибини сақлашдаги ҳуқуқлари санаб ўтилганлигини кўришимиз мумкин.

ХУЛОСА

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, фуқаролар ва ННТларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида иштирок этиш шакллари ва принципларини, рўйхатга олиш, фаолият юритиш ва ҳамкорлик қилиш тартибини, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини акс эттирувчи *“Фуқаролар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашдаги иштироки тўғрисида”*ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилиш ва унда ННТларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашдаги ҳуқуқлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1) фуқаролардан ва мансабдор шахслардан ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш;

2) ҳодиса содир бўлган жойни сақлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини тасдиқловчи ашёвий далилларни кейинчалик тегишли органларга топшириш учун сақланишини таъминлаш чораларини кўриш;

3) ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар ҳамда жамоат хавфсизлиги ва тартибига таҳдидлар тўғрисида жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектларни хабардор қилиш;

4) жамоат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишда жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектларга уларнинг мурожаатига асосан ёрдам кўрсатиш;

5) жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш олиш;

6) аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда иштирок этиш;

7) жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

8) жамоат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қонунчиликни ва фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

9) жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

10) спорт, маданий-кўнгилочар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш;

11) ҳуқуққа зид тажовузлар, йўл-транспорт ҳодисалари, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар натижасида жабрланган фуқароларга тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатишда иштирок этиш;

12) жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар билан алоқа қилиш учун юридик шахсларга тегишли бўлган телефон ва бошқа алоқа воситаларидан бепул фойдаланиш;

13) қонунларда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, ННТларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳуқуқларини қонунчилигимизда белгиланиши ННТларининг ва давлат органларининг ҳамкорлиги асосида мамлакатда ҳуқуқий-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ишончли таъминлаш кафолатларини вужудга келтиришга, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги янада ошишига ва тегишли ҳуқуқий асослар яратилишига хизмат қилади.

Шу ўринда, ижобий хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги моддий-техник базани шакллантириш ва ривожлантириш ишларида ННТларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида, маблағлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан шакллантириладиган ва жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда сарфланадиган – жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар ва айрим етакчи ННТлари муассислигидаги **“Жамоат хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашиш” жамоат фондини** ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорини қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мазкур Фонднинг энг муҳим вазифалари этиб қуйидагиларни белгилашимиз мумкин бўлади:

кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, бозорлар, йирик савдо, кўнгилочар, дам олиш мажмуалари ва марказлари ҳамда бошқа жамоат жойларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган махсус техника ва воситаларни

ўрнатиш. Бунда, биринчи навбатда криминоген вазияти оғир ҳудудларга эътибор қаратиш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, автотранспорт воситалари, махсус мўлжалланган транспорт воситалари ва улар учун аксессуарлар сотиб олиш;

“Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз маҳалла”, “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз туризм” концепциялари бўйича ҳудудларни моддий-техник база билан таъминлашга кўмаклашиш;

ижтимоий инфратузилманинг, шу жумладан, туризм объектларининг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлашга кўмаклашиш (зарур воситаларни сотиб олиш);

жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни моддий жиҳатдан таъминлашга кўмаклашиш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратилишида кўмаклашиш;

аҳолига эҳтимолий ёки содир бўлган фавқулодда вазиятлар ҳамда ёнғинлар тўғрисида хабар бериш ва маълумот бериш тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш, шунингдек, уларни оқибатларини бартараф этиш учун зарур бўладиган техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш;

таълим ва тиббиёт муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид махсус техника ва воситалар билан таъминлашга кўмаклашиш;

жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини кенг жорий этишга кўмаклашиш;

ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли мавжуд бўлган жойларга зудлик билан хабар бериш ва чақириш мосламаларини (SOS сигналларини) ўрнатиш;

жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган давлат органларининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

Фонд Уставига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Фикримизча, ушбу Фонднинг ташкил этилиши натижасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги моддий-техник базани мунтазам равишда мустаҳкамланиб боришига ва ушбу соҳа учун маблағлар фақат бюджет маблағларидангина эмас, балки жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг маблағлари ҳам ажратилишига эришилади ҳамда ушбу маблағлар жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда сарфланиши учун замин яратилади, шунингдек, ННТлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш ишларида фаол иштирок этиши ва мазкур соҳадаги ҳуқуқларидан фойдаланиши таъминланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-27-сон Фармони // <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида”ги 763-І-сонли Қонуни // <https://lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги 223-ХІІ-сонли Қонуни // <https://lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-376-сонли Қонуни // <https://lex.uz>
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сонли Қонуни // <https://lex.uz>
6. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни // <https://lex.uz>
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойатчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 15-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3141186>
8. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган



- шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 15-сон қарори // <https://lex.uz/docs/5193571>
9. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги ЎРҚ-369-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/2381133>
10. Федеральный Закон Российская Федерация от 2 апреля 2014 года N 44-ФЗ “Об участии граждан в охране общественного порядка” // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_161195/
11. Закон Республики Беларусь от 26.06.2003 N 214-3 “Об участии граждан в охране правопорядка” // https://kodeksy-by.com/zakon_rb_ob_uchastii_grazhdan_v_ohrane_pravoporyadka.htm
12. Закон Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года №566 “Об участии граждан в обеспечении общественного порядка” // http://www.adlia.tj/show_doc.fwx?rgn=15023&conttype=2

MAQOLLAR MOHIYATI VA XUSUSIYATLARI

Surayyo Bozor qizi Hamrayeva

O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada maqollarning shakllanish tarixi, mohiyat va xususiyatlari haqida so‘z borgan. Shuningdek maqollarning xalqimiz madaniyatida tutgan o‘rni ayrim maqollar misolida tahlil qilingan. Boshqa millat maqollarining tarjima qilinishi, xalqlar o‘rtasidagi do‘stlik aloqalarini mustahkamlashda muhim ahamiyat kasb etishi haqida mulohaza yuritilgan.

Kalit so‘zlar: Maqol, qavlun, tarjima, Fol’klor janr, “Tarjima san’ati”, do‘stlik, matallar, iboralar, xalq o‘yinlari.

ABSTRACT

This article discusses the history, nature, and characteristics of articles. The role of proverbs in the culture of our people is also analyzed in the example of some proverbs. It was noted that the translation of proverbs of other nations plays an important role in strengthening friendly relations between nations.

Keywords: proverb, qavlun, translation, folklore genre, “The Art of translation”, friendship, matals, phrases, folk games.

KIRISH

Maqollar bizning nutqimizga qadimdan kiritilgan, ammo ularning kelib chiqishi haqida kam odam o‘ylaydi. Chunki u davrlarda barqaror frazeologik birliklar mavjud emas edi. Shunda bo‘lsada maqollar yangi muloqot madaniyatining shakllanishiga yordam berdi. Qadimiy dostonlarimizda keltirib o‘tilgan maqollar bugungi kunda ham o‘zing ahamiyatli yuqotmasdan xalqimiz so‘zlashuvida, adabiyotida, bir so‘z bilan aytganda fikrni qisqa, lo‘nda qilib ifodalash uchun ishlatilib kelinmoqda. “Maqol” atamasi arabcha **qavlun** - gapirmoq, aytmoq so‘zidan olingan. Maqol janrining o‘rganilish tarixi Mahmud Koshg‘ariyga borib taqaladi. O‘zining “Devonu lug‘ati turk” asarida 400 ga yaqin maqol va matallar o‘rin olgan, undan tashqari so‘z mulkining sultoni Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur va boshqalarning ijodida ham maqollarga alohida e‘tibor berilganligini ko‘rishimiz mumkin. Maqollar so‘z boshi o‘rnida ishlatilgan hikoyalarni ham ko‘plab uchratamiz. Adib Abdulla Qahhorning “O‘g‘ri” hikoyasida epigrafida sifatida “Otning o‘limi – itning bayrami” maqoli keltirilgan. Bu adibning mahorati bilan bir qatorda,

hikoyaning mazmun-mohiyatini bir maqolda ochib bergandek ko'rinadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Maqollar xalq tajribasidan o'tgan, voqea-hodisalarning so'zdagi o'zgarmas ifodasidir [1]. Mustaqillikka erishganimizdan so'ng xalq og'zaki ijodiga alohida e'tibor qaratdi, bu borada maqollarinig ham chetda qolmaganligini ko'rishimiz mumkin. Hattoki, Birinchi prezident I.A.Karimov "... agarki e'tibor bersa, tilimizda halollik va poklik haqidagi ibratli hikmatlar bilan birga, "Yo'lini topdimi, qandini ursin", "Uzumini yeng-u, bog'ini surishtirmang" degan maqollar borligidan ko'z yumib bo'lmaydi" [2] diya takidlaganligini ko'rishimiz mumkin. demak ijobiy ahamiyat kasb etuvchi maqollar ko'pchilikni tashkil etsada, ayrim salbiy holatlarni ko'rsatuvchi maqollarni ham uchramiz.

Filologiya fanlari doktori B.M.Jo'rayeva O'z ilmiy tadqiqotlarida o'zbek xalq maqollari intralingvistik birliklar yordamida shakllangan 6 ta guruhga ajratgan. a) iboralar asosida shakllangan maqollar: sanamay sakkiz demaslik – sanamay sakkiz dema. b) Fol'klor janrlari asosida shakllangan maqollar: d) e'tiqodiy tushunchalar asosida shakllangan maqollar, f) xalq umidlari asosida shakllangan maqollar, s) xalq o'yinlari asosida shakllangan maqollar e) hadislar asosida shakllangan maqollar [3]. Yuqorida keltirib o'tilgan yo'nalishlar xalq maqollarining shakllanish jarayonlari mazmun – mohiyatidan kelib chiqib guruhlarga ajratilgan. Xalqlar o'rtasidagi madaniy aloqalarning shakllanishi va rivojlanishining bir bo'lagi tarjima asar hisoblanadi. Bu haqida V.G.Beliniskiy "Bir xalqning adabiy asarlarini boshqa xalqning tiliga tarjima qilish, ularning o'zaro yaqinlashishlariga, bir – birlariga g'oya almashishlariga asos bo'ladi, ana shunda yangi adabiy asar kelib chiqadi va aqliy siljish ro'y beradi", demak tarjima asarlar madaniy aloqalardan tashqari, turli millat vakillarini orasida do'stlik aloqalarini ham rivojlanishiga sabab bo'ladi.

Maqol bu – gapning qaymog'idir. Qaysi xalq yoki millat tomonidan yaratilmasin, u mazmun-mohiyatidan kelib chiqib, boshqa davlat aholisi ham foydalanishlari mumkin. Ammo Maqollarni tarjima qilish tarjimonlari uchun talaygina muammolarni keltirib chiqaradi. Sabab sifatida shuni keltirib o'tish mumkinki, tarjimon o'z sohasidan tashqari tarix, falsafa va boshqa fan sohalaridan ham xabardor bo'lishi talab etiladi. Bu haqida G'aybulloh Salomov "Tarjimonda yozuvchi va tanqidchidan, aktiyor, rassom va olim mehnatidan ham nimadir bor. Bu shundan iboratki, tarjimon so'zshunos bo'lib tahlil qiladi, aktiyor singari boshqalarning (shu o'rinda- muallifning) qiyofasiga kiradi va ayni vaqtda o'zligini saqlaydi....." [4] deya takidlagan edi o'zining "Tarjima tashvishlari" kitobida. Demak maqollarning tarjimasi bilan shug'ullanish ham tarjimonidan katta mas'uliyatni va tajribani talab qiladi.

K. Jo'rayev o'zining "Tarjima san'ati" nomli kitobida tarjimachilik faoliyatiga alohida to'xtalib, ushbu tarifni keltirib o'tgan: "Tarjimachilik ishi- milliy adabiyotlarni o'zaro ayirboshlash, birida uchraydigan milliy biqlik va kamchilikni ikkinchisida bartaraf qilishga imkon beruvchi eng ishonchli vositalardan biri. Tarjimon esa shu ijodiy jarayonni amalga oshiruvchi adib"[5]. Albatta tarjima faoliyati bilan shug'ullanish bu – millatlar o'rtasidagi do'stlik rishtalarini mustahkamlashga, an'ana va urf – odatlarga hurmat, ayrim kamchiliklar bo'lsa, tarjima qilinganda tuzatilishiga ham sabab bo'ladi. Maqol – donolik, donishmandlik ramzi. Uni to'g'ri o'qib, to'g'ri anglash va boshqalarga yetkazish alohida layoqatni talab qiladi. Bunda g'o'rlik, mas'ulyatsizlikka erk berib bo'lmaganidek, bilib-bilmay o'zlashtirishga ham yo'l qo'yib bo'lmaydi. Maqollarni nashrga tayyorlab, uni ko'pchilikka manzur etaman, degan odam avval uni mag'zini chaqib ko'rishi kerak.

Xalq og'zaki ijodi namunalarida – doston, qo'shiq, maqol yoki metal bo'lsin- birgina so'zning o'zgarishi bilan matn ma'nosi butunlay o'zgarib ketishi, ohangi, badiiyatiga putur yetishi mumkin.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Maqoli va matallar xalq aql – idrokining mahsuli, uning hukmi, ko'p asrlik tajribalari, turmushdagi turli hodisa – voqealarga munosabati demakdir. "Maqol kundalik hayotda kishilarning bir birlariga munosabatlarida yaratiladi"[6]. Xalq maqoli – xalqning mulkidir. Maqol qayg'usi – xalq qayg'usi, maqol g'azabi – xalq g'azabi, maqol kulgusi – xalq kulgusi va maqol kinoyasi – xalq kinoyasi demakdir. Shu o'rinda shuni takidlash mumkinki, maqol yaratmagan birorta til, maqol ishlatmagan birorta xalq yo'q bo'lmasa kerak.

Soha olimlari tomonidan ko'plab ilmiy izlanishlar olib borilgan va bugubgi kunda ham davom ettirilmoqda. Shu bilan birga maqollarni ham alohida turkum va yonalishlarga ajratilagnigini ko'rishimiz mumkin. Jumladan: do'stlik, vatanga sadoqat, vafodorlik, ilm va ko'plab yonalishlari bor. Do'stlik haqidagi maqollarga to'taladigan bo'lsak, avvalo maqollar turli xalqlar o'rtasidagi munosabatlarni mustahkamlashini ham inobatga olishimiz zarur.

Dunyoda hamma xalqlarning tillarida ham do'stlik, birodarlik, hamjihatlik va hamkorlik to'g'risida juda ko'p maqollarni uchratamiz. Sharq xalqlarida ham do'stlik to'g'risida ajoyib maqollar yaratilgan. Boshqird maqoli "Xalqlarning do'stligi – ularning boyligidir" yoki Gruzin maqoli "Daraxt tomiri bilan, odam do'stlari bilan" Tatar maqoli "Qushning kuchi qanotida, odamning kuchi do'stlikdadir" degan g'oya ilgari surilganligini ko'ramiz. Yuqorida keltirilgan maqollarda shakl o'zgartirish bilan mazmun saqlangan yani bir xil g'oya va maqsadga

xizmat qilishini takidlash mumkin. O‘zbeklarda esa “Do‘sting uchun zahar yut” degan maqol bor. Shunday ekan biror millatning maqoli tarjima qilinib boshqa xalqlar ham foydalansa, yoki mazmuni bir-biriga yaqin maqollar, millatlarning do‘stlik rishtalarini bog‘lashga xizmat qiladi.

Xalqning tilida mavjud bo‘lgan har bir so‘z tilda ifodalanar ekan, ma‘lum xalqning maqollari o‘sha xalq tilida keltirilgan so‘zlardan shu xalq vakillari tomonidan shu xalqning o‘ziga xos xususiyatlari bilan, yasalish usuli bilangina ifodalanadi. Shu o‘rinda ayrim ingliz tilidan kirib kelgan maqollardan ham kirib kelgan maqollardan misollar keltirib o‘tishimiz mumkin. Jumladan: “Ertaga hech qachon kelmaydi”, “Yaxshi kitobdan ortiq haqiqiy do‘st yo‘q” va “It bilan yotgan, burga bilan uyg‘onadi” kabi ko‘plab maqollarga o‘xshash, ma‘nolari bir-biriga yaqin bo‘lganlari bizda ham ko‘plab uchraydi.

XULOSA

Xulosa o‘rnida takidlash mumkinki, har bir millatning o‘ziga xos madaniyat asosida maqollari ham shakllanadi va shu millatning madaniy merosiga aylanadi. Maqollarda asosan o‘sha xalqning urf – odatlari, an‘analari, quonchi va qayg‘usi o‘z aksini topadi. Boshqa xalqlarning maqollari tarjima qilinganda, milliylikka alohida e‘tibor berilish katta ahamiyat kasb etadi. Shu bilan birga xalqlar o‘rtasida do‘stlik aloqalarini mustahkamlashga xizmat qiladi.

REFERENCES

1. “O‘zbek xalq maqollari” X.Suvonqulova “Adabiyot uchqunlari”, Toshkent. 2014.
2. I.A.Karimov “Yuksak ma‘naviyat- yengilmas kuch” , Toshkent. “Ma‘naviyat” 2008. 21-bet.
3. ЖЎРАЕВА БИБИШ МУҲСИНОВНА. ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ. АВТОРЕФЕРАТИ. Самарқанд – 2019 17-20 бетлар.
4. G‘aybulloh Salomov, Tarjima tashvishlari. Toshkent, 1983. 8 bet.
5. К. Жўраев “Таржима санъати” Тошкент. 1982 й. 31-б.
6. G‘aybulloh Salomov, Tarjima tashvishlari. Toshkent, 1983. 7 bet.

KAMBAG'ALLIKNI BAHOLASH TAMOYILLARI VA MEZONLARI: JAHON BANKI VA AQSH MISOLIDA

Jahongir Alisher o'g'li Ilhomjonov

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola iqtisodiyotdagi mumhum makroiqtisodiy kursoratgich bo'lgan kambag'allik darajasini aniqlashning *Jahon banki* va AQSh tajribasini o'ziga xosliklarini yoritib berishga qaratilgan.

Kalit so'z: kambag'allik, mutloq qashshoqlik, kambag'allik chegarasi, rasmiy qashshoqlik, koronavirus (COVID-19), Jahon banki.

KIRISH

Kambag'allik bugun zamonamiy dunyoning yechimi topilishi zarur bolgan eng muhum masalalaridan biri hisoblanadi. Hozirgi kunda dunyo aholising deyarli 10 foizi mutloq qashshoqlida shuningdek, dunyo aholisining 22 foizini tashkil qiluvchi 107 ta rivojlanayotgan mamlakatda 1,3 milliard kishi ko'p qirrali qashshoqlikda yashaydi. Biroq masala qanchalik jiddiy bo'lishiga qaramay kambag'allikni aniqlashning dunyo hamjamiyatida yaxlit va aniq manzarani ko'rsatib beruvchi o'lchov tizimlari shakillanmagan. Bu esa kambag'allikni bartaraf etish uchun samarali siyosat yaratishga to'sqinlik qilmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA


Jahon banki mezoni

Qashshoqlikni o'lchash va qashshoqlikni qisqartirish natijalarini e'lon qilish Jahon bankining uzoq yillik ustuvor yo'nalishi hisoblanadi. 2015-yilda global qashshoqlikni yanada kengroq o'lchash va monitoring qilish bo'yicha tavsiyalar berish uchun Global qashshoqlik bo'yicha komissiya tuzulgan. Komissiya 21 ta tavsiya berdi. Ular pulga aloqador bo'lmagan chora-tadbirlarni o'z ichiga olgan holda qashshoqlikni o'lchash ko'lamini kengaytirishni, global qashshoqlikning ijtimoiy o'lchovini joriy qilishni va kambag'allarning global profilini nashr qilishni o'z ichiga oladi.

Jahon banki guruhi ushbu tavsiyalarning aksariyat qismini qabul qilish majburiyatini oldi. 2017-yilda u bir-birini to'ldiruvchi ikkita global qashshoqlik chegarasini joriy qildi, ulardan

rivojlanish darajasi Xalqaro qashshoqlik chegarasini (kuniga 1,90 dollar) kam taraqqiy etgan dunyo mamlakatlari uchun mezon sifatida foydalanish mumkin. Bir kishi uchun kuniga 3,20 va 5,50 dollarlik qashshoqlik chegaralari Xalqaro qashshoqlik chegarasini to'ldiradi lekin o'rmini bosmaydi.

1-grafik Qashshoqlik darajasi kuniga \$1,90 (2011 PPP) (aholi %)



2018-yilda Jahon bankining “Qashshoqlik boshqotirmasi” hisobotida Jahon banki qashshoqlikni aniqlash va o'lchash usullarini kengaytirdi:

- Ijtimoiy qashshoqlikning yangi o'lchovini taqdim etish, mutloq qashshoqlikning mutlaq kontseptsiyasini va mamlakatlar bo'ylab ehtiyojlarni aks ettiruvchi nisbiy qashshoqlik tushunchasini birlashtirish;

- Uy xo'jaliklari iste'moli va 1,90 dollarlik xalqaro qashshoqlik chegarasiga bog'langan, ammo ta'lim va kommunal xizmatlardan foydalanish to'g'risidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olgan holda chora-tadbirlarni kengaytiruvchi ko'p o'lchovli qashshoqlik chorasini joriy etish;

- Uy xo'jaliklari ichidagi kambag'allikdagi farqlarni, shu jumladan yoshi va jinsi bo'yicha o'rganish.


Jahon banki guruhi yiliga ikki marta ikki sahifali qashshoqlik, umumiy farovonlik va tengsizlik tendentsiyalarini ta'kidlaydigan va qashshoqlik tarixining mamlakat kontekstini ta'minlaydigan " Qashshoqlik va tenglik " ma'lumotlarini ishlab chiqaradi. 2019-yil sentabr oyida mamlakatdagi qashshoqlik brifinglari 115 dan ortiq mamlakatlar uchun

qashshoqlikning ko'p o'lchovli ko'rsatkichlari to'g'risidagi ma'lumotlarni ham e'lon qila boshladi.

2020-yilda koronavirus (COVID-19) halokatli pandemiyaning, xususan, kambag'al va zaif qatlamlarga ta'sirini o'lchashda yangi muammoni qo'ydi. Yuzmayuz suhbatlarga asoslangan so'rovlarga ijtimoiy masofaviy protokollar va harakatlanish cheklovlari to'sqinlik qiladi. Siyosatchilar inqiroz oqibatlari, shuningdek, hayotni saqlab qolish va yashash vositalarini qo'llab-quvvatlash bo'yicha o'zlarining siyosat choralari samaradorligi haqida o'z vaqtida va tegishli ma'lumotlarga muhtoj. Jahon banki tomonidan qo'llab-quvvatlanadigan telefon so'rovlari COVID-19 ning uy xo'jaliklari va jismoniy shaxslarga ta'sirini monitoring qilish uchun hozirda barcha rivojlanayotgan mintaqalar bo'ylab 100 dan ortiq mamlakatlarda tayyorlandi yoki amalga oshirilmoqda. Bunga Janubiy Osiyo va Lotin Amerikasida mos ravishda 42 000 va 13 000 uy xo'jaliklarini qamrab olgan keng ko'lamli mintaqaviy so'rovlar kiradi. So'rov raundlari har 4-6 haftada 12 oy davomida o'tkaziladi. (2-grafik)

Shuningdek, biz mahalliy potentsialni oshirish, mamlakatlarga qashshoqlik bo'yicha tadqiqotlarni ishlab chiqish va amalga oshirish hamda natijalarni baholashda yordam berish uchun davlat statistika idoralari bilan hamkorlik qildik. Tarixan, qashshoqlikni o'lchash uchun foydalaniladigan uy xo'jaliklari so'rovlari mamlakat resurslari va imkoniyatlariga qarab har uch, besh yoki hatto 10 yilda bir marta amalga oshirilgan. Ammo ko'pgina mamlakatlarda qashshoqlikka qarshi kurash ma'lumotlarning etishmasligi tufayli cheklandi. 2002 yildan 2012 yilgacha bo'lgan davrda 29 ta davlatda qashshoqlik to'g'risidagi ma'lumotlar yo'qligi sababli, katta ma'lumotlar bo'shliqlarini bartaraf etish Jahon bankining ustuvor vazifamiz bo'ldi.

2-grafik *Mutloq qashshoqlikning hozirgi holati, 2015-2022*



Shuningdek, biz mahalliy potentsialni oshirish, mamlakatlarga qashshoqlik bo'yicha tadqiqotlarni ishlab chiqish va amalga oshirish hamda natijalarni baholashda yordam berish uchun davlat statistika idoralari bilan hamkorlik qildik. Tarixan, qashshoqlikni o'lchash uchun foydalaniladigan uy xo'jaliklari so'rovlari mamlakat resurslari va imkoniyatlariga qarab har uch, besh yoki hatto 10 yilda bir marta amalga oshirilgan. Ammo ko'pgina mamlakatlarda qashshoqlikka qarshi kurash ma'lumotlarning etishmasligi tufayli cheklandi. 2002 yildan 2012 yilgacha bo'lgan davrda 29 ta davlatda qashshoqlik to'g'risidagi ma'lumotlar yo'qligi sababli, katta ma'lumotlar bo'shliqlarini bartaraf etish bizning ustuvor vazifamiz bo'ldi.

2015-yil oktabr oyida Jahon banki rivojlanayotgan davlatlar va xalqaro hamkorlar bilan dunyoning 78 ta eng qashshoq mamlakatida har uch yilda bir marta uy xo'jaliklari darajasida so'rov o'tkazilish rejalashtirildi, birinchi bosqich 2020 yilgacha yakunlanishi kerak. 2015 yildan 2018 yilgacha 42 ta davlat Afrikaning Sahroi Kabirda uy xo'jaliklari so'rovlari o'tkazildi va 2018 va 2020 yillar oralig'ida taxminan 23 ta mamlakatda bitta rejalashtirilgan. Shuningdek, Jahon banki an'anaviy so'rovlar orasidagi bo'shliqlarni to'ldiruvchi va to'ldiradigan yangi, qisqaroq so'rovlarni ishlab chiqmoqda.

Loyiha ta'sirini monitoring qilishda Bank guruhi real vaqt rejimida natijalarni yaxshilash va o'lchash uchun ikkita asosiy vositaga ega: Instant Frequent Tracking (SWIFT) va Iterative Beneficiary Monitoring (IBM) orqali farovonlik so'rovi. Ushbu vositalar mobil texnologiyalarga, katta va kichik ma'lumotlarga tayanib, muayyan loyiha natijalari va loyiha benefitsiarlarining iste'moli/daromadlari haqida ma'lumot beradi. Hozirgi vaqtda IBM FCV va FCV bo'lmagan kontekstlarda 40 dan ortiq operatsiyalarda keng tarqalgan. SWIFT arzon ma'lumotlarni to'plash va tahlil qilish orqali qashshoqlik va sektorga xos ko'rsatkichlarni bog'lashda muhim rol o'ynaydi.

Rasmiy global, mintaqaviy va mamlakatdagi qashshoqlik natijalari Jahon banki Poverty & Equity Data Portal va PovcalNet kabi onlayn portallar orqali to'playdigan va tarqatadigan ma'lumotlarga asoslanadi. Oxirgi yangilangan: 2021-yil 16-aprel

AQSH da qashshoqlikni o'lchash

Qo'shma Shtatlarda qashshoqlik inson yoki oilaning daromadini belgilangan qashshoqlik chegarasi yoki asosiy ehtiyojlarni qoplash uchun zarur bo'lgan minimal daromad miqdori bilan solishtirish orqali o'lchanadi. Daromadlari chegaradan past bo'lgan odamlar kambag'al deb hisoblanadi.

AQSh aholini ro'yxatga olish byurosi qashshoqlikni o'lchash uchun mas'ul bo'lgan davlat organidir. Buning uchun u ikkita



asosiy chora-tadbirlardan foydalanadi, bular: rasmiy qashshoqlik chorasi va qo'shimcha qashshoqlik chorasidir.

Rasmiy Qashshoqlik O'lchovi

Aholini ro'yxatga olish byurosi qashshoqlik holatini rasmiy qashshoqlik o'lchovi (RKO') yordamida aniqlaydi, u soliqqa tortilgunga qadar pul daromadlarini 1963 yilda eng kam oziq-ovqat dietasidan uch baravar yuqori bo'lgan va oila kattaligiga moslashtirilgan chegara bilan taqqoslaydi.

RKO' aholining necha foizi kambag'al ekanligini aniqlash uchun ushbu uchta element - daromad, chegara va oila hisob-kitoblaridan foydalanadi.

Rasmiy qashshoqlik hisob-kitoblari fevral, mart va aprel oylarida yiliga taxminan 100 000 ta manzilni tanlash bilan o'tkaziladigan Joriy Aholi So'rovi yillik ijtimoiy va iqtisodiy qo'shimchasidan olingan.

2016 yilda, ma'lumotlar mavjud bo'lgan eng so'nggi yil, RKO' milliy qashshoqlik darajasi 12,7 foizni tashkil etdi. 40,6 million kishi qashsho

Joriy Aholi So'rovi yillik ijtimoiy va iqtisodiy qo'shimchasi so'rovnomasi 50 dan ortiq manbalardan olingan daromadlar haqida so'raydi va 27 tagacha turli xil daromad miqdorini qayd etadi. *Daromad* soliqlarni to'lashdan oldin quyidagi manbalarni o'z ichiga olgan holda RKO' tomonidan belgilanadi: daromad ishsizlik va ishchilarning kompensatsiyasi, ijtimoiy havfsizlik, qo'shimcha xavfsizlik daromadi, jamoat yordami faxriylarning to'lovlari, pensiya yoki pensiya daromadi, dividendlar, bolalarni qo'llab-quvvatlash, ta'lim yordami, boshqa turli manbalar

RKO' daromad sifatida qo'shimcha oziq-ovqat yordam dasturi imtiyozlari va uy-joy yordami kabi naqd bo'lmagan davlat imtiyozlarini o'z ichiga olmaydi.

RKO' chegarsi qanday ornatildi

Qashshoqlik chegaralari, kambag'allikdan qochish uchun zarur bo'lgan minimal daromad har yili [iste'mol narxlarini indeksidan](#) foydalangan holda inflyatsiya uchun yangilanadi va oilaning kattaligi, tarkibi va uy egasining yoshiga qarab tuzatiladi.

RKO' chegaralari geografik jihatdan farq qilmaydi. * 2016 yilda to'rt kishilik oila uchun RKO' qashshoqlik chegarasi 24 339 dollarni tashkil etdi. Qashshoqlik chegaralari turli maqsadlarga xizmat qiladi, jumladan, vaqt o'tishi bilan qashshoqlikni kuzatish, turli demografik guruhlardagi qashshoqlikni taqqoslash va bir qator federal yordam dasturlariga muvofiqlikni aniqlash uchun boshlang'ich nuqta sifatida.

* Aholini ro'yxatga olish byurosi ogohlik qiladiki, chegaralar odamlarning yashashi uchun qancha daromad olishi kerakligini

to'liq hisobga olish sifatida emas, balki "statistik mezon" sifatida talqin qilinishi kerak. Ular Amerikada qashshoqlikni aniqlash va miqdorini aniqlash, shuningdek, qashshoqlikda bo'lgan odamlar va oilalar sonidagi o'zgarishlarni va vaqt o'tishi bilan ularning xususiyatlarini qayd etish uchun mo'ljallangan edi.

Qo'shimcha Kambag'allik O'lchovi

Aholini ro'yxatga olish byurosi 2010 yilda Qo'shma Shtatlardagi qashshoqlikning muqobil ko'rinishini taqdim etish uchun qo'shimcha qashshoqlik o'lchovi yoki QKO' ni joriy etdi, bu 21-asrdagi hayotni, jumladan, zamonaviy ijtimoiy va iqtisodiy voqeliklar va hukumat siyosatini yaxshiroq aks ettiradi.

Nomidan ko'rinib turibdiki, QKO' qashshoqlikning rasmiy o'lchovini to'ldiradi, lekin uning o'rnini bosmaydi, bu qashshoqlik bo'yicha rasmiy statistik ma'lumotlar va vositalar bilan sinovdan o'tgan dastur muvofiqligini aniqlash uchun mamlakat manbai bo'lib qoladi.

Rasmiy qashshoqlik o'lchovi va QKO' ni yonma-yon taqqoslashda, aholini ro'yxatga olish byurosi ularning o'lchov birliklari, qashshoqlik chegarasi, chegara sozlamalari (masalan, oila kattaligi bo'yicha), yangilash chegaralari va umumlashtirilgan manbalar sifatidagi farqlarini qayd etadi. Quyidagi 1-jadvalda

1-jadval Kambag'allik o'lchovi tushunchalari qashshoqlikning rasmiy o'lchovi va qo'shimcha qashshoqlik chorasi o'rtasida farqlanadi

Kambag'allikni o'lchash komponenti	Rasmiy qashshoqlik o'lchovi	Qo'shimcha kambag'allik o'lchovi
O'lchov birliklari	Oilalar (eslatmaga qarang) yoki aloqasi bo'lmagan shaxslar	Resurs birliklari (oilaning rasmiy ta'rifi, shuningdek har qanday asosiy qarindosh bo'lmagan bolalar, tarbiyalanuvchilar, turmushga chiqmagan sheriklar va ularning qarindoshlari) yoki aloqasi bo'lmagan shaxslar (oila ta'rifiga boshqacha tarzda kiritilmagan)

Qashshoqlik chegarasi	1963 yilda minimal oziq-ovqat dietasidan uch baravar qimmatroq	Oziq-ovqat, kiyim-kechak, boshpana va kommunal xizmatlar (OKBK) xarajatlari asosida
Chegara sozlamalari	Oilaning kattaligi, tarkibi va uy egasining yoshiga qarab farqlanadi	Oilaning kattaligi va tarkibi, shuningdek, uy-joy narxidagi farqlar uchun geografik tuzatishlar bilan farqlanadi
Eshiklarni yangilash	Iste'mol narxlari indeksi: Barcha moddalar	OKBK bo'yicha xarajatlarning besh yillik harakatlanuvchi o'rtacha ko'rsatkichi
Resurs o'lchovi	Soliq to'lashdan oldingi yalpi pul daromadi	Naqd pul daromadlari yig'indisi

Izoh: "Oila" aholini ro'yxatga olish byurosi tomonidan ta'riflanganidek, "tug'ilish, nikoh yoki farzandlikka olish bilan bog'liq bo'lgan va birga istiqomat qiluvchi ikki yoki undan ortiq kishidan (ulardan biri uy egasi) iborat guruh; barcha bunday odamlar (shu jumladan, qarindosh oila a'zolari) bir oila a'zolari hisoblanadilar.


2016 yildagi rasmiy va QKO' qashshoqlik ko'rsatkichlarining umumiy aholi soni va uchta yosh guruhi o'rtasida taqqoslanishi: 18 yoshgacha, 18 yoshdan 64 yoshgacha bo'lgan kattalar va 65 va undan katta yoshdagi qariyalar 2-rasmda keltirilgan.

Aksariyat guruhlar uchun QKO' qashshoqlik darajasi rasmiy qashshoqlik darajasidan yuqori edi; Bolalar bundan mustasno, 15,2 foiz kambag'allar QKO'dan foydalanadi va 18,0 foiz kambag'allar rasmiy o'lchovdan foydalanadilar. Tahlilchilar QKO'bolalarning qashshoqlik darajasining pastligini, asosan, qo'shimcha oziq-ovqat yordam dasturi (ilgari Oziq-ovqat markalari) imtiyozlari kabi naqd pulsiz imtiyozlarni o'z ichiga olganligi bilan bog'lashadi.

65 va undan katta yoshdagi odamlar uchun kambag'allik darajasi ancha yuqori (14,5 foizga nisbatan 9,3 foizga nisbatan RKO) - qisman ushbu yosh guruhidagi uy egalari bo'lgan oilalar uchun rasmiy chegaralar pastroq o'rnatilganligini ko'rsatadi, QKO'chegaralari esa yoshga qarab farq qilmaydi.

Bundan tashqari, QKO'darajasi 65 va undan katta yoshdagi odamlar uchun yuqoriroqdir, chunki u cho'ntagidan tibbiy xarajatlarni o'z ichiga oladi, bu odatda keksalar uchun yuqori bo'ladi, rasmiy chora esa ularni hisobga olmaydi.

Shakl 2. Jami aholi va yosh guruhlari bo'yicha RKO' va QKO'o'lchovlaridan foydalangan holda qashshoqlik darajasi, 2016 yil, RKO' bolalarning qashshoqlik darajasi va QKO' keksa qashshoqlik darajasi yuqoriligini ko'rsatadi.



XULOSA

Yuqoridagi shular oydinlashyabdiki: kambag'alilikni hisoblash bir muncha murakkab va uzoq vaqt talab qiladigan jarayon hisobalanadi. Shuningdek har bir mintaqaning o'z xususiyatidan kelib chiqqan holda kambag'allik hisoblash timizlari mavjuda. O'lchov meyorlarining turlicha ekanligi kambag'allikni bartaraf etishga sezilarni salbiy tasir ko'rsatmoqda.

REFERENCES

1. L. Fox, "Qo'shimcha kambag'allik chorasi: 2016", Joriy aholi hisobotlari P60-261 (RV), 2017 yil sentyabr oyida qayta ko'rib chiqilgan.
2. E. Filipp Devis va Migel Sanches-Martinesning "Qashshoqlikning iqtisodiy nazariyalari" (2015)
3. Martin Ravallion "Qashshoqlik iqtisodiyoti" Oxford University (2016).
4. www.worldbank.org
5. www.irp.wisc.edu

ENG XAVFSIZ SHIFRLASH ALGORITMLARI.

Doniyor Kuvondikovich Ibadullayev

O'zMU Amaliy matematika va Intelektual texnologiyalar fakulteti "Kriptografiya va kriptanaliz" yo'nalishi II kurs magistranti

ibadullaev.d@gmail.com

Muzaffar Nematjon o'g'li Atajonov

O'zMU Amaliy matematika va Intelektual texnologiyalar fakulteti "Kriptografiya va kriptanaliz" yo'nalishi I kurs magistranti

muzaffar_9127@mail.ru

ANNOTATSIYA

Mazkur ish kriptografiyaning muhim vazifalaridan biri - elektron raqamli imzoga bag'ishlangan. Elektron raqamli imzo (ERI) biror hujjatning muallifini bir qiymatli o'rnatish uchun zarur. ERI biror hujjat yoki shartnomaning haqiqiylikini ta'minlovchi oddiy imzoning analogidir. Ushbu ishda RSA, ElGamal va DSA algoritmlarining afzalliklari va kamchiliklari qarab chiqilgan.

Kalit so'zlar: shifrlash algoritmlari, elektron raqamli imzo, RSA, ElGamal, DSA.

ABSTRACT

This paper deals with one of the most important tasks of cryptography - the electronic digital signature. Electronic digital signature (EDS) is needed to uniquely establish the author of any document. EDS is the analog of a common signature that authenticates any document or contract. In this paper we look at the advantages and disadvantages of the algorithms RSA, ElGamal and DSA.

Keywords: encryption algorithms, electronic digital signature, RSA, ElGamal, DSA.

KIRISH

Shifrlash mashhur so'zga aylandi. Biz har doim shifrlash oraqali bizni tinglash va kuzatuvdan qanday himoya qilishini eshitamiz. Ko'pgina Internet foydalanuvchilari ulanishni himoya qilish uchun shifrlangan ilovalar, elektron pochta, tezkor xabarlar yoki VPN-lardan foydalanadilar. Shu bilan birga, hukumatlarning shifrlangan xizmatlar haqida o'z g'oyalari bor - ular favqulodda vaziyatlarda turli akkauntlarga to'liq kirishni



istashadi. Va shuning uchun ular qonun orqali shifrlangan xizmatlarga orqa eshiklarni taqdim qilishni talab qilmoqdalar. Tabiiyki, ushbu yangi qonunlar ommaviy axborot vositalarining katta e'tiborini tortmoqda va shifrlashni diqqat markaziga qo'yimoqda.


ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Internetda hamma joyda biz shifrlashni ko'rsatadigan juda ko'p tasodifiy harflar va raqamlarga duch kelishimiz mumkin - **ECC** , **XChacha 20**, **AES -256**, **RC 6**, **2 DES** , **QUAD** yoki **DSA** . Ammo agar siz maxfiylikingiz va xavfsizlikingiz haqida qayg'uradigan oddiy foydalanuvchi bo'lsangiz, bu qisqartmalarning barchasini hazm qilish qiyin bo'ladi. Umid qilamanki, quyida keltirilgan tushuntirishlar ularni yaxshiroq tushunishingizga yordam beradi.

Bir nechta shifrlash algoritmlari mavjud. Shuning uchun ularning eng keng tarqalgan va ishonchli bo'lganlarini ko'rib chiqishni avzal ko'rdik.

ECC – SHIFRLASH ALGORITMI

Bu keyingi avlod assimetrik shifrlash algoritmidir. Bundan tashqari, u shifrlash kalitlarini yaratish va xavfsiz ma'lumotlarni uzatish uchun xavfsiz ulanishlarni yaratish uchun ishlatiladi. ECC RSA yoki DSA ga qaraganda ancha tez va xavfsizroq. U RSA ga qaraganda qisqaroq kalitlardan foydalanadi, ularni sindirish juda qiyin. Misol uchun, 512-bitli ECC kaliti 15360-bitli RSA kaliti kabi xavfsizdir, lekin u ancha qisqaroq bo'lgani uchun uni ishlab chiqarish uchun ishlov berish quvvatini sezilarli darajada kam sarflaydi. ECC RSA kabi ishlatilmaydi, chunki u nisbatan yangi va RSAni amalga oshirish osonroq.




XCHACHA 20 – SHIFRLASH ALGORITMI

Bu Daniel Bernshteyn tomonidan ishlab chiqilgan simmetrik shifrlash algoritmidir. ECC singari , u nisbatan yangi, lekin allaqachon o'zini juda xavfsiz, ishonchli va tezkor algoritm ekanligini isbotlagan. ChaCha - oqim shifridir, ya'ni u ma'lumotlar kelishi bilan bitma-bit shifrlaydi. Shu sababli, ChaCha har qanday blokli shifrga qaraganda ancha tezroq

va apparat yoki katta hisoblash quvvatini talab qilmaydi. Ayrim blokli shifrlardan farqli o'laroq, ChaCha vaqti hujumlariga duchor bo'lmasligining sababi ham shu .

NATIJALAR


Rc 6 (oldingi versiyalari - rc 4 va rc 5) - shifrlash algoritmi



Bu simmetrik (shaxsiy kalit) shifrlash algoritmidir. Shifrlangan ma'lumotlarni oluvchi unga faqat jo'natuvchi tomonidan ulashilgan shaxsiy kalit bilan kirishi mumkin. RC 6 umumiy foydalanish uchun mo'ljallanmagan va shifrlanishi mumkin bo'lgan ma'lumotlar miqdori bo'yicha cheklovlar mavjud. RC 6 ni buzish mumkin bo'lgan darajada zaiflashtiradigan ma'lum hujumlar yo'q .

AES – SHIFRLASH ALGORITMI


Bu bir vaqtning o'zida bitta qattiq o'lchamdagi blokda ma'lumotlarni shifrlaydigan yana bir nosimmetrik algoritm. AES turli uzunlikdagi kalitlarga ega bo'lishi mumkin, masalan, AES -128, AES -192 yoki AES -256. 128-bitli algoritm samarali va xavfsiz bo'lsa-da, shifrlash xizmatlari maksimal xavfsizlik uchun AES -192 dan ko'proq foydalanadi.



UCHLANGAN DES - SHIFRLASH ALGORITMI

Bu moliyaviy xizmatlar tomonidan keng qo'llaniladigan ma'lumotlarni shifrlash standartining yangi versiyasidir. Ushbu


algoritm 56 bitli kalitdan foydalanadi, lekin ma'lumotlarni uch marta shifrlaydi va uni 168 bitli kalitga aylantiradi. Biroq, ba'zi ekspertlarning ta'kidlashicha, bu 112 bitli kalitga o'xshaydi. Uch tomonlama shifrlash jarayoni boshqa algoritmlarga qaraganda ancha sekinroq qiladi. Bundan tashqari, u qisqaroq ma'lumotlar bloklaridan foydalanganligi sababli, ma'lumotlarni parolini ochish va sizib chiqish osonroq bo'lishi mumkin. Zamonaviy va tezroq texnologiyalar paydo bo'lishi bilan DES texnologiyasi bosqichma-bosqich to'xtatilmoqda.



U 1993 yilda o'sha paytda mashhur bo'lgan boshqa shifrlash algoritmlariga tez, litsenziyasiz alternativ sifatida taqdim etilgan. Ko'pgina kriptograflar hali ham ushbu algoritmni o'rganishmoqda va uning xakerlikdan himoyalanganligini tasdiqlashga harakat qilmoqdalar.

MUHOQAMA

Rsa – shifrlash algoritmi



В примере **ключи** вычисляются следующим образом:

1. Выбираются два простых числа: $p = 7$ и $q = 17$.
2. Вычисляется $n = pq = 7 \times 17 = 119$
3. Вычисляется $\phi(n) = (p - 1)(q - 1) = 96$.
4. Выбирается e , взаимно простое с $\phi(n) = 96$ и меньшее, чем $\phi(n)$; в данном случае – $e = 5$.
5. Определяется такое d , что $de = 1 \pmod{96}$ и $d < 96$.

Соответствующим значением будет $d = 77$, так как $77 \times 5 = 385 = 4 \times 96 + 1$.

6. В результате получаются **открытый** ключ $KU = \{5, 119\}$


личный ключ $KR = \{77, 119\}$.

foйда
kalit
и
o'tadi

а kalitdan
un, shaxsiy
ernet orqali
u kalitlarni


boshqa algoritm bilan shifrlash uchun ishlatiladi, ayniqsa shaxsiy kalitingizni baham ko'rishingiz kerak bo'lganda. Ma'lum qilinishicha, 768-bitli RSA kaliti buzilgan, ammo hozirda RSA kalitlarining aksariyati 2048-bit va 4096-bit. Bu shifrlash uchun xavfsizroq qiladi, lekin u juda sekin.

DIFFIE HELLMAN - SHIFRLASH ALGORITMI



Bu ommaviy kanal orqali kalitlarni xavfsiz almashish uchun birinchi protokollardan biridir. RSA singari, Diffie-Hellman ham katta tub sonlarning o'ta murakkabligiga tayanadi. U odatda SSL, SSH, PGP va boshqa PKI (Ochiq kalitlar infratuzilmasi) tizimlari uchun ishlatiladi. Shunday qilib, har safar URL manzili yonida qulf belgisi bo'lgan veb-saytga tashrif buyurganingizda, bu sizning qurilmangiz Diffie-Hellmandan foydalanayotganini bildiradi.

EL-GAMAL - SHIFRLASH ALGORITMI



Bu 1984 yilda Taher El-Gamal tomonidan yaratilgan ochiq kalitli shifrlash algoritmidir. Bu Diffie-Hellmanning soddalashtirilgan algoritmi bo'lib, ikkinchi tomonning faol ishtirokisiz bir yo'nalishda shifrlash imkonini beradi. Ushbu algoritmning asosiy kamchiligi shundaki, shifrlangan matn oddiy matndan ikki baravar uzun. Va eng katta afzalligi shundaki, bir xil matn har safar shifrlanganda boshqa shifrlangan matn yaratadi. Bu juda xavfsiz shifrlash usuli ekanligi bir necha bor isbotlangan.

XULOSA.

Aksariyat kiberxavfsizlik bo'yicha mutaxassislar sizga ko'p narsa har bir algoritm qayerda va qanday ishlatilishiga bog'liqligini aytadi. Har bir shifrlash usuli o'zining ijobiy va salbiy tomonlariga ega. Shuning uchun ko'p hollarda assimetrik shifrlash simmetrik shifrlash bilan birgalikda qo'llanilishi kerak.

AES hozirda ko'plab shifrlash xizmatlarida qo'llaniladigan eng mashhur simmetrik algoritmdir. Shuningdek, u ko'plab mamlakatlarda standart sifatida tan olingan. Biroq, ko'proq texnologiya gigantlari **ChaCha** kabi yangi algoritmlardan foydalanishni avzal ko'radilar.

Ammo simmetrik shifrlashning kamchiliklari bor - shaxsiy kalit qabul qiluvchiga yuborilishi kerak. Bu yerda assimetrik algoritmlar o'ynaydi. Shu sababli, bugungi kunga kelib, xavfsizlik va xotirjamlik bo'lishi uchun **ECC** ni **ChaCha** bilan birgalikda ishlatish yaxshiroq bo'ladi.

REFERENCES

1. Kuralov, Y. A., Makhmudova, D. M., (2020). METHODOLOGY OF DEVELOPING CREATIVE COMPETENCE IN STUDENTS WITH PROBLEMATIC EDUCATION. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 4, 2020, Part II ISSN 2056-5852, 142-146.
2. Akhmedov, B. A., Majidov, J. M., Narimbetova, Z. A., Kuralov, Yu. A. (2020). Active interactive and distance forms of the cluster method of learning in development of higher education. Экономика и социум, 12(79), 805-808.
3. Романец Ю.В., Тимофеев П.А., Шаньгин В.Ф. Защита информации в компьютерных системах и сетях. – М.: Радио и связь, 2001. – 376 с.
4. Шнайер Б. Прикладная криптография. Протоколы, алгоритмы, исходные тексты на языке Си. – М., 2002 – 816 с.
5. Жўраева, Н. В., Султанов, Р. О., Абдуллаева, С. А., Рахимжонова, В. А. (2020). Systematization of word combinations in the uzbek language. Наука и Мир, 2(6), 6568.
6. Sultanov R. O., Yusupov M. R. (2020). Ta'limda matematika fanini o'qitishdagi muammolar va ularning yechimida axborot kommunikatsiya texnologiyalarining ahamiyati. O`zMU xabarlar, 2(1/2/1), 144-147.
7. Султанов, Р. О. (2020). Idea блокли шифрлаш алгоритмини такомиллаштириш методлари. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 397-404.
8. Kamolov, E. R., Rahimov, S. M., Sultanov, R. O., Makhmudov, M.A., (2021). Innovative method of developing creative thinking of students. Экономика и социум, 1(80).
9. Хуррамов, А. Ж., Комолов, Э. Р., Разработка алгоритма управления с учетом трудноформализуемой информации // Academic research in educational sciences, (2020). Volume 01, Issue 03, -pp: 240-247.
10. Khurramov, A. J., Makhmudova, D. M., Improvement of Technique of Designing and Teaching Learning Process in the course “Methods of Teaching Mathematics”. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE), 2019. Volume-9 Issue-2, pp: 5244-5249.

EICHHORNIA CRASSIPES (MART) SOLMS O'SIMLIGIDAN FOYDALANISH ISTIQBOLLARI

Sh. A. Tursunova

Mirzo Ulugbek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti PhD katta o'qituvchi,
shohistatursunova@gmail.com

N. X. Sotvoldiyeva

Mirzo Ulugbek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti magistranti
sotvoldiyevanozima9@gmail.com

ANNOTATSIYA

Suvo`tlar yuksak o`simliklar kabi ekosistemaning muhim komponentlaridan sanaladi. Ekologiyaning ifloslanishi biosferamiz tarkibidagi barcha tirik organizmlarga o`zining sezilarli darajadagi ta'sirini o`tkizmoqda. Songi uch on yillikda chiqindi suvni tozalashda biologik usullardan foydalanish imkoniyati dunyo aholisi orasida katta qiziqish uygotmoqda. Shu orinda Eichhornia crassipes osimligi O'zbekiston sharoitida chiqindi suvlarni tozalashda qollaniladigan juda istiqbolli osimlikdir.

Kalit so'zlar: biologiya, o`simlik, biosfera, organizm, tabiat.

ABSTRACT

Algae are one of the most important components of the ecosystem, such as higher plants. In the last three decades methods in wastewater treatment has around great interest among the world's population. In order to effectively use the plant eichhornia crassipes in the biological treatment of wastewater in Uzbekistan.

Keywords: biology, plant, biosphere, organism, nature.

KIRISH

O'zbekiston Respublikasining mustaqilligi ilm-fan taraqqiyoti uchun cheksiz imkoniyatlarni ochib berdi. Ayniqsa, biologik xilma-xillik, tabiiy boyliklardan foydalanish, ularni o`zlashtirish hamda ilmiy jihatdan o`rganish sopalarida katta hajmdagi ishlar amalga oshirilmoqda. Xo'jalik uchun qimmatli belgilarga ega bo'lgan xom-ashyo o`simliklarini har tomonlama chuqur o`rganish borasida ilmiy – tadqiqot institutlari tomonidan amaliy izlanishlar olib borilmoqda. Xo'jalik uchun qimmatli belgilarga

ega bo'lgan xom-ashyo o'simliklaridan foydalanishda ularning bioekologik xususiyatlarini o'rganish muxim ahamiyatga ega vazifalardan xisoblanadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Suvo'tlar yuksak o'simliklar kabi ekosistemaning muhim komponentlaridan sanaladi. Tabiatda keng tarqalgan tirik organizmlar orasida suvotlar o'zining har tomonlama foydali xususiyatlari bilan alohida ahamiyatga ega. Suvo'tlar tabiatda modda almashuvida, organik moddani sintezlovchi produtsentlar hisoblanadi. Suvda yashaydigan suvo'tlar suvdagi tirik organizmlar uchun kislorod ishlab chiqaradi. Ma'lumotlarga ko'ra havodagi kislorodning salmoqli qismini dengiz va okeanlardagi suvo'tlar yetishtirib beradi. Suvo'tlar yer yuzidagi salkam 60% aholini ozuqa ratsioni tarkibiga kiradi. Ekologiyaning ifloslanishi biosferamiz tarkibidagi barcha tirik organizmlarga o'zining sezilarli darajadagi ta'sirini o'tkizmoqda. Sanoat, qishloq xo'jaligi sohasi ishlaridagi ehtiyotsizliklarning o'sishi quruqlik, yer osti, yer usti suvlarining ifloslanib borishiga sabab bo'lmoqda. So'ngi uch o'n yillikda chiqindi suvni tozalashda biologik usullardan foydalanish imkoniyati dunyo aholisi orasida kata qiziqish uyg'otmoqda. Shu o'rinda *Eichhornia crassipes* o'simligi chiqindi suvlarni tozalashda qo'llaniladigan juda istiqbolli o'simlik ekanligi olimlar tomonidan isbotlangan. [1]

Eichhornia Crassipes (Mart) Solms Magnoliyatoifa o'simliklar bo'limi Liliopsida sinfi Ponteradoshlar oilasi vakili hisoblanadi. *Eichhornia Crassipes* (Mart) Solms Janubiy Amerikaning tropik va subtropik qismida tarqalgan erkin suzuvchi ko'p yillik suv o'simligi hisoblanadi. Euxorniya yer yuzidagi eng mahsuldor o'simliklardan biri bo'lib, shu bilan birgalikda yer yuzida tarqalgan 10 ta zararli begona o'tlarning biri hisoblanadi. Euxorniyaning barglari keng, qalin, yaltiroq, tuxumsimon shaklda. Ildizi suv ostida erkin suzib yurib, oqish-binafsha ba'zan suv qoramtir ranglarda ham bo'ladi. Poyasi yumaloq yashil rangda bo'lib poyasining ichi bo'shliqdan g'ovakdan iborat. O'simlik gullaganda yakka yakka gullar hosil qiladi. Gultojbarglari soni 6 ta, gullari pushti rang och siyyohrang rangda bo'ladi. Janubiy Sharqiy Osiyoning ba'zi joylarida euxorniya kuniga 2-5 mertgacha osishi aniqlangan. [3]



1-rasm *Eichhornia crassipes*(mart) solms o'simligining gullari

Ma'lumki *Eichhornia Crassipes* (Mart) Solms o'simligi eng tez o'sadigan o'simliklardan biri hisoblanib, u vegetativ yo'l bilan stolonlar yordamida ko'payadi. Har tup yosh o'simlik 15-10 kun ichida yangi qiz o'simlikni hosil qiladi. Bir haftadan keyin qiz o'simliklar ona o'simlikdab ajraladi. Har bir tup o'simlik qo'shimcha ravishda har yili minglab urug'larni hosil qilishi mumkin va bu urug'lar 28 yildan ko'proq vaqt davomida o'z unuvchanligini saqlab qoladi. *Eichhornia Crassipes* (Mart) Solms o'simligi tropik va subtropik iqlimli joylarda keng tarqalgan bo'lib haroratga chidamlilik darajasi quyidagicha: Minimal o'sish harorati:120C,optimal o'sish harorati:25-300C,maksimal o'sish harorati:33-350C tashkil etadi. Optimal PH ko'rsatkichi 5-7.5 ga teng. 20 asrning boshidan *E. crassipes* muammoli o'simlik sifatida aniqlangan va bu o'simlikga zararli begona sifatida qaralgan. Hozigi kunga kelib ham dunyo mamlakatlaring bir qanchasida bu o'simlikga o'ta zararli begona o'simlik sifatida qaraladi va mazkur o'simlikni o'stirish, ko'paytirish taqiqlab qo'yilgan. Biroq *Eichhornia crassipes* ajoyib gullari tufayli butun dunyo bo'ylab suvli bezak sifatida keng tarqalagan. Euxorniyaning katta tezlik bilan ko'payishi, tashqi muhitning turli ta'sirlariga o'ta chidamli ekanligi bu o'simlikning juda tez ko'payib ketishi hamda o'sha hududda tarqalgan mahaliy floraga salbiy ta'siriga sabab bo'ladi. Bu esa fizik va kimyoviy muhitning o'zgarishiga oziq ovqat zanjiri va ozuqa aylanishining buzilishiga sabab bo'ladi. Biroq Misr olimlari tomonidan olib borilgan tajribalar natijalariga ko'ra *Eichhornia crassipes* o'simligi o'zining tarkibida bir qancha faol birikmalar saqlashini aniqlashgan. Bu birikmalar tarkibiga alkaloidlar, ftalat hosilalari, propanoid va fenil hosilalari aniqlangan. Mazkur faol birikmalar tufayli *eichhornia crassipes* antibakterial, antifungal, antioksidant tasirlarni namoyon qiladi. Saraton kassaligini davolovchi manba sifatida ishlatilishi mumkin. [2]

XULOSA

Изучение развития палеогеографических событий и явлений, в регионе исследований, проводится в геохронологической последовательности формирования горных пород, слагающих земную кору, которая заключается в определении относительного возраста горных пород. Для определения относительного возраста осадочных и вулканических пород широко применяется принцип последовательности напластования. Согласно этому принципу - закон Стенсена (Стено), каждый вышележащий пласт (при ненарушенной последовательности залегания слоистых горных пород) моложе нижележащего. Послойное расчленение геологического разреза, т. е. установление последовательности напластования слагающих его пород, составляет стратиграфию данного района. Для корреляционных сравнений стратиграфических подразделений сформированных на удаленных друг от друга территориях и установления в них толщ близкого возраста, используется палеонтологический метод, основанный на изучении захороненных в пластах горных пород окаменевших остатков вымерших животных и растений. Сопоставление окаменелостей различных пластов, в процессе палеогеографической реконструкции, позволило установить процесс необратимого развития органического мира и выделить в геологической истории Земли ряд этапов со свойственным каждому из них комплексом животных и растений. Определение относительного возраста горных пород впервые было проведено в начале XIX века У. Смитом в Великобритании и Ж. Кювье во Франции. Ж. Кювье объяснял различия в составе комплексов ископаемых, встречаемых в пластах горных пород, вымиранием организмов в течении внезапных геологических катастроф и появлением затем новых комплексов. Исходя из этого, сходство флоры и фауны в пластах осадочных пород может свидетельствовать об одновременности образования этих пластов, об их одном возрасте и соответствующих физико-географических условиях формирования природной среды. Методы палеогеографических реконструкций также широко

используются в обобщающих геологических трудах и детальными поисковыми работами.

Методы палеогеографического изучения истории развития природы в периоды протерозоя основаны на результатах многолетних исследований отложений морских бассейнов и континентального накопления осадков. Подводного и наземного вулканизма, развития рифов, ледников, расположенных в зоне молодых складчатых областей. При детальном исследовании составляются палеогеографические карты погребенных фаций, которые позволяют проследить природные физико-географические обстановки, контролирующие размещение полезных ископаемых.

Таким образом, результаты проведения палеогеографической реконструкции истории формирования земной поверхности, и природных условий в докембрии, привлекают большее внимание. Это, во-первых, связано с огромной длительностью докембрия, охватывающего около 85 % геологической истории Земли. В докембрии на планете возникли атмосфера и гидросфера, зародилась жизнь.

Во-вторых, породы докембрия широко распространены на континентах. Выходы пород этого возраста слагают около 20 % поверхности суши.

В-третьих, литологические отложения, сформированные в периоды докембрия богаты полезными ископаемыми. В породах докембрия сосредоточено свыше 60 % минеральных ресурсов планеты: железных руд, урана, золота, никеля и многих других полезных ископаемых, формирование которых непосредственно связано с региональными палеогеографическими условиями. Указанные особенности определяют исключительное научное значение и практическую ценность изучения докембрия.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Результаты палеогеографических исследований отражают, в обобщенном виде, географию земной поверхности, существовавший на протяжении нескольких миллионов лет назад. За это время неоднократно сменились и перемещались не только фации, но и комплексы. Одной из главных задач палеогеографических исследований является более точная синхронизация отложений различного генезиса, поэтому изучение проводится на детальной стратиграфической основе. В зоне сочленения орогена Тянь-Шаня и Туранской платформы разрабатывается серия палеогеографических карт по материалам хорошо изученных разрезов, по которым проведен комплексный фациальный анализ. В процессе

палеогеографического изучения докембрия, в системе орогена Западного Тянь-Шаня, которая включает Кураминский, Чаткальский, Пскемский, Угамский, Сандалашский, Таласский хребты межгорные впадины отмечены специфические особенности.

REFERENCES

1. Романовский С.И. Великие геологические открытия. Очерки по истории геологических знаний. Вып. 30. СПб., Издательство ВСЕГЕИ. 1995. 216 с.
2. Хаин В.Е., Ломидзе М.Г. Геотектоника с основами геодинамики. Москва: МГУ, 1995. 480 с.
3. Стенон Н. О твердом, естественно содержащемся в твердом. Москва, 1957. 151 с.
4. Романовский С.И. Великие геологические открытия. Очерки по истории геологических знаний. Вып. 30. СПб., Издательство ВСЕГЕИ. 1995. 216 с.
5. Туляганов Х.Т., Яскович Б.В. Геологическая карта Узбекской ССР. Ташкент, 1980. 200 с.



АМИР ТЕМУР ФАОЛИЯТИДА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Низомиддин Шералиевич Бердалиев

Тошкент архитектура ва қурилиш институти доценти

journal88@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада Амир Темур фалоиятида ислом дини, ислом мафкураси, унинг кучли марказлашган давлат барпо этишда шариат ва тариқат илмларини тўла татбиқ этиши, ислом дини ва ислом мафкурасини кадрлаш билан муваффақиятга эришиши ва у томонидан ислом динига муносабат тамойилини ишлаб чиққанлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Амир Темур, ислом дини, ислом мафкураси, шариат ва тариқат, илм, ислом динига муносабат тамойили.

ABSTRACT

The article describes the activities of Amir Temur in the Islamic religion, Islamic ideology, his full use of Sharia and theological sciences in building a strong centralized state, his success in respecting the ideology of Islam and Islam religion, as well as the principle of his attitude to Islam.

Keywords: Amir Temur, the religion of Islam, Islamic ideology, Sharia, science, the principle of attitude to Islam.

КИРИШ

Мустақиллик бизга тарихимизни холис ва ҳаққоний идрок этиш, номлари унутилишга маҳкум этилган аждодларимиз ҳақида тўлақонли билиш имкониятини қайтарди. Мана шу имконият туфайли тарихимизнинг номаълум саҳифалари ва қатағон этилган боболаримизга, жумладан, Амир Темурга бағишлаб асарлар ёзишга йўл очилди.

XIV асрнинг иккинчи ярми XV аср Ватанимиз тарихида воқеаларга ниҳоятда бой тарихий ижтимоий сабоқ даври ҳисобланади, чунки бу даврда мўғуллар ҳукмронлиги ва феодал тарқоқлик тугатилиб, босқинчиларнинг вайронагарчиликлари ва бир ярим асрлик зулмлари оқибатида иқтисодий, маданий-маърифий турғунлик ҳолатига тушиб қолган мамлакатимиз ўз мустақиллигини қайта тиклашга киришди. Бу минтақада Амир Темур (1336-1405 йиллар) бошчилигида



ягона туғ остида марказлашган, кучли ва мустақил давлат ташкил топди. Марказий Осиё халқлари ҳаётида юз берган бу тарихий жараёнда шубҳасиз Соҳибқирон Амир Темурнинг хизматлари буюқдир.

Бу ақлли ва билимли инсон ўз давлатининг куч-қудратини ошириш ва мустаҳкамлаш учун биринчи навбатда ҳарбий ва энг муҳим иқтисодий ислоҳотлар ўтказди. Бу ислоҳотлар заминидан аввалги давр донишмандларининг ақл-идроқи, ғоялари мужассам эди, айниқса, тараққиёт учун ягона давлат, ўзаро тотувлик, ишбилармонларга қулай мулкӣ ва ҳуқуқӣ шароит яратишга, айниқса савдо-сотиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

У Мовароуннаҳрни ягона давлатга бирлаштириш билан чегараланмади, давлатнинг сиёсий, ҳуқуқӣ, иқтисодӣ ва маънавий асосларини шакллантириб ва мустаҳкамлаб, буюқ салтанат даражасига кўтарди. 27 давлатни бирлаштирган Амир Темур салтанатига маҳобати, маънавий ва илмӣ кашфиётларининг бойлиги, барқарорлиги ва қудрати борасида ўша даврнинг бирорта давлати тенглашолмайди. Бу тарихий ҳақиқатдир.

Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағай Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган барлос қавмидан чиққан обрўли беклардан бири бўлиб, Темурнинг жаҳонга ҳукмдор бўладиган фарзанд бўлиши ҳақида биринчи бўлиб, авлиё шайх Шамсуддин Кулолдан эшитиб, ўғлининг илм олишига жуда катта эътибор қаратган. Амир Темур илк бор Кешдаги мадрасаларда билим олган. Бу ерда етарли шарт-шароитлар мавжуд бўлиб бу эса ўқув услубларини такомиллаштиришга ҳам катта ёрдам берарган. Тўққиз ёшли Темур Қуръони Каримни ёддан билган. Темур мадрасанинг бошланғич даврини муваффақиятли тамомлагандан сўнг, таҳсилни Мадрасаи Олияларда давом эттирган. Ўқиш давомида у жаҳон мамлакатларининг тарихи, ислом таълимоти ва ҳуқуқшунослиги, хандаса, риёзиёт, жуғрофия ва фалакиёт илмларини пухта ўрганган, маънавий оламини бойитган. «Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) таъбири тагига на текислигу, на ғадир-будур орқали йўл топилади»[1]. У нафақат Қуръони Каримни, балки араб, турк машойихларининг дурдона фикрларини ҳам ёд олган. Бўлажак жаҳонгирнинг беҳад жарангдор ва ёқимли овози кишиларни ўзига ром этиб, дилларга завқ-шавқ бағишлаган. Диний илмни нафақат ўрганган, шунингдек, унга амал қилган ва қадирлаганлиги, устозларини доимо ҳурмат қилганлиги ва улар берган ўғитларга амал қилганлиги унинг маънавий етук инсонлигидан далолатдир.

АДАБИЁЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мақолада мантиқийлик, функционал-тизимлилик, таҳлил, моделлаштириш каби методлардан, шунингдек республикамиз олимлари тадқиқотларидан фойдаланилган.

Маълумки, XIV-XV асрларда ислом мафкураси ўзининг расмий ҳукмронлиги учун кураш олиб борди, бунинг натижасида у кучли марказлашган давлат барпо бўлишига ёрдам берди [2]. Йилномалар ва тарихий манбаларда Темурнинг динга муносабати ўзининг яққол ифодасини топган. Темур нимаики қилса, шариат доирасида, мусулмон фикҳи қоидаларига таяниб, умуман Ислом қудрати билан иш тутди. Бу эса Темурнинг ўз пири Абу Бакр Тойибодийнинг «рости-расти» яъни, «ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан» ҳикматини, ўз тамғасига муҳр сифатида ўрнаштирган эди [3]. Жумладан, ислом динига муносабат тамойилини ишлаб чиққанлиги бутун темурийлар учун дастур вазифасини ўтади. Чунки Темур ислом динига давлатни идора қиладиган сиёсий тамойили йўқлиги учун эмас, балки унинг халққа энг яқин ва маъқул кадрият бўлганлиги ҳамда унинг инсонпарвар хусусияти учун тўла таянган. Темур ўз «Тузуқлари»да ислом дини ва шариат қонунларига таянмайдиган ҳокимият узокқа бормаи, ўз қудратини йўқотади, шунинг учун подшоҳлик, албатта, дин ва шариат қонунқоидаларига сўзсиз амал қилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Амир Темур адолатли ҳуқумдор сифатида майдонга чиқиб, ўз салтанати сиёсатини тасаввуф асосига қурган адолат байроғини баланд кўтариб, халқни қуруқ қонун-қоидага эмас, балки инсоний тартиб-интизомга бўйсунушга чақирган. Тасаввуфнинг ривожланишини янгича хусусият билан бойитган ва унинг дунёвийлик аҳамиятини янада кенгайтирган [4]. Амир Темур ҳар гал Қуръони Каримдан сўнг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак номларини ҳадсиз ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади, ул ҳазратнинг саҳобаларини ва авлодлари – саидларни ўзининг ягона ва энг яхши дўсти деб билиб, исломга тааллуқли ишларни дунёвий ишлардан устун қўйди. «Аввал Тангри таоло тоатини адо этиб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим». Ҳамда, «Мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим... давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузугим Тангри-таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим, ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим,[5] «Қайси мамлакатда диндан



қайтишлик (илҳод) ва зиндиклик (худосизлик, динга ишонмаслик) кучайса ва у диёрнинг аҳолиси, сипоҳу раияти турли маслакка кириб, иттифоқлари бузилса, у мамлакатнинг ҳалокати яқиндир»[6] деган фикрлари бунинг яққол мисолидир.

Амир Темур давлатни қандай бошқарганлигини ўзининг “Ўз тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину тартиб асосида қурилмас, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшайдирким, кўрган ҳар кимса (ундан) нигоҳини олиб қочади. Ёхуд ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди.”[7] - деган фикрлари билан ифодалаган. Дарҳақиқат, давлат нафақат дунёвий балки, дину тартиб асосида қурилмаса ва унинг мазмуни қонунларга боғланмаса, ундай салтанатнинг қудратини йўқотади.

НАТИЖАЛАР

Темуршунос олимларнинг унинг давлат бошқарувини қуйдаги фикрлар билан асослайдилар. Яъни, Темур салтанати – империясининг бошқариш қонун-қоидалари Нақшбандий тариқати ғоялари билан асосланган, Темур тузукларининг вужудга келиши, кучли мафкуравий назария ҳамда бой амалий тажрибалар маҳсули сифатида майдонга келганлиги кўрсатиб ўтилади. «Ана шу тарзда Нақшбандия тариқати ғоялари Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда ва салтанатнинг бошқа ҳудудларида кучли ижтимоий мафкурага айланди [8]. Амир Темур маънавиятининг шаклланишида, унинг диний, фалсафий қарашлари ва ўз таълимотини яратишда, фақат Нақшбандийликни такрорлайверишда илмий асос йўқ [9]. Файласуф олим С.Каримов ушбу ҳолатларнинг барчасини назарда тутди, шекилли, Амир Темурни бирон-бир тариқат ёки сулукнинг муриди эмас, балки умуман «...сўфийларнинг муоширлари (суҳбатдошлари, шериклари), яъни тасаввуф аҳлининг мухлиси, дўсти деб айтиш, мувофиқ бўлади, – деб ҳисоблайди, чунки сўфий ҳеч нарсага банд ва гирифтор бўлмаслиги керак. Амир эса салтанат эл-улус ташвишлари билан банд, мудом тоат-ибодат билан ҳаёт кечиришга имкони йўқ шахс»[10]. Дарҳақиқат шундай катта давлатнинг бошлиғи тарафдорлик қилиб, бирон-бир тариқатга устунлик бериши мумкин эмас эди. Темур ўз салтанати сиёсатини амалга оширишда дунёвий илмларни ҳамда сиёсат тамойилларни, ўтмишдаги давлат бошлиқлари сиёсий - қарашларини ўрганиш ва қабул қилиш, балки ислом, шариат,

тариқат, футувват илмларини тўла эгаллаш билангина эмас, уларга амал қилган ҳолда муваффақиятли сиёсат юргизиш мумкинлигини англаб етган.

МУҲОКАМА

Амир Темур ўз сиёсатини дунёвий илмлар ҳамда сиёсат тамойилларни, ўтмишдаги давлат бошлиқлари сиёсий қарашларини ўрганиш ва амалда қўллаш билангина эмас, балки ислом шариати ва тариқати илмларини тўла татбиқ этиш ва кадрлаш билан муваффақиятга эришиш мумкинлигини англаб етганлиги сабабли ана шундай қудратли давлат барпо этган.

Дарҳақиқат, диний билимларга тўйинган Амир Темур ўз сиёсатининг фалсафасини кадриятлар негизида қуриш асносида дин ва давлат мувозанатининг самарли воситаларини шакллантиришга эришади. Бу эса ўз навбатида талатўп ихтилофларда юрган Моварауннаҳр халқини бирлаштирувчи миллий мафкурага айланади.

ХУЛОСА

Амир Темур адолат ҳақидаги ўз қарашларини диний қариятлар асосида баён қилиб, исломга, унинг олимларига юксак ҳурмати ва ўзининг юксак маънавиятли мусулмон сифатида давлатни ислом қонун-қоидалари асосида тузиши ҳам Мовароуннаҳрнинг диний марказга, тасаввуф марказига айланишига олиб келади.

Амир Темур ислом дини таълимоти ва турли халқлар маданий меросини чуқур ўрганган ва унга амал қилишнинг тартиб-қоидаларини ташкил этишга эришган ва кадрлаган буюк давлат арбоби ҳамда йирик тафаккур соҳиби сифатида намоён бўлади.

Давлатчилик тарихий тажрибалар Амир Темур яратган сиёсат фалсафаси манфаатларни умумлаштиришда, халқнинг юксак мақсадларига эришишида самарали ва ижобий таълимот эканлигини исботлаб келмоқда. Бугун давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш, кучлар ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш, ривожланишнинг барқарор шакл ва воситалари тадбиқ этишда, миллатлар ва динлараро бағрикенглик фалсафасини ўрганишда Амир Темур мероси ҳалоскор ғояга айланган.

Шу нуқтаи назардан, дин ва давлат муносабатларини тартибга солишнинг илмий асосларини яратишда Амир Темур бобомиз меросига мурожаат қилиш эҳтиёжи сақланиб келмоқда.

REFERENCES

1. Ибн Арабшоҳ Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур» (Темур тарихида тақдир ажойиботлари. 2-қисм. – Тошкент: Меҳнат, 1992, 71-б.
2. Каримов С.К. Амир Темур ижтимоий-сиёсий таълимотининг асосий тамойиллари. Ўрта Осиё социологик фикрлари тарихидан (Ўқув қўлланма). – Самарқанд: СамДУ, 168-б.
3. Ибн Арабшоҳ. «Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур» (Темур тарихида тақдир ажойиботлари. 2-қисм. – Тошкент: Меҳнат, 1992, 65-б.
4. Каримов С.К. Амир Темурнинг тасаввуга муносабати. Амир Темур ва унинг дунё тарихидаги ўрни. 17-18 бетлар. Халқаро илмий конференция маърузалари баёни. – Самарқанд, 1996. 22-23 май.
5. Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2000. 260-262-б.
6. Мен ким фотиҳи Темур. // Шарқ юлдузи, 1995, №1-11.
7. Темур тузуклари. “Shodlik nashriyoti”, 2018. 75 б
8. Ғойибов Н. Амир Темур даври маънавияти. – Тошкент, 2001, 10-б.
9. Яхшиликков Ж., Аҳадов Ш. Темурийлар маънавияти. – Тошкент: Фан, 1999, 34-б.
10. Каримов С.К. У фаний бўлмаган (Амир Темур ва тасаввуф). // Гулистон, 1996, №5, 9-б.



UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA ARALASH TA'LIM METODIKASINI ISHLAB CHIQUISH

Sh. Sh. Allamova

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti
shohistabonu55@gmail.com

ANNOTATSIYA

Maqolada umumta'lim maktablarida aralash ta'lim metodikasini ishlab chiqish, aralash ta'lim metodlari turlari, ularning afzalliklari va kamchiliklari keltirilgan.

Kalit so'zlar: Aralash ta'lim(blended learning), Flipped classroom, online, offline, mustaqil ta'lim.

ABSTRACT

The article describes the development of mixed education methods in secondary schools, the types of mixed education methods, their advantages and disadvantages.

Keywords: blended learning, Flipped classroom, online, offline, independent learning.

KIRISH

So'nggi 10-15 yil ichida aralash ta'lim nafaqat umumiy va oliy ta'lim tizimida keng tarqalib, inklyuziv, qo'shimcha va korporativ ta'limning yangi tarmoqlarini jadal qamrab oldi, balki eng istiqbolli yo'nalishlardan biriga aylandi.

Bu bilan ko'plab mutaxassislar XXI asrda ta'lim tizimining kelajagini bog'lashadi.

Aralashtirilgan ta'lim so'nggi yillardagi eng ajoyib yangiliklardan biridir.

Axborot texnologiyalarining ta'limga ta'siri kuchayib borayotganini e'tiborsiz qoldirish qiyin.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Rossiyada dastlab «aralashirilgan ta'lim» atamasi aniq ta'rifga ega emas edi. Adabiyotda bir vaqtning o'zida o'xshash ma'noga ega bo'lgan bir nechta atamalar ishlatilgan: «aralashirilgan ta'lim» (blended learning), «gibrid ta'lim»(hybrid

learning), shuningdek, «texnologiya-vositachi ta'lim» (technology-mediated instruction) va «aralash rejimdagi ta'lim» (mixed-mode instruction).

Ammo 2006 yilda «Aralash ta'lim qo'llanmasi» nashr etilishi bilan vaziyat o'zgardi. Aynan u yerda aralash ta'limning aniq ta'rifi yuzma-yuz o'qitish bilan kompyuter boshqariladigan ta'limning kombinatsiyasi sifatida berilgan edi. «Aralash ta'limni aniqlash» ma'ruzasida aralash ta'lim tushunchasi «internet va elektron ommaviy axborot vositalarini, o'qituvchi va talabalarning sinfda jismoniy ishtirokini talab qiladigan shakllar bilan birlashtirish orqali taqdim etilgan imkoniyatlar qatori» deb ta'riflaydi.

Adabiyotda aralash ta'limning bir qator ta'riflari taklif qilingan. Sloan Konsortium aralash ta'limni shaxsan va onlayn yetkazib berishni birlashtirgan kurs sifatida nazarda tutadi, bu erda kontentning 30-79% onlayn tarzda yetkazib beriladi. Taqqoslash uchun, ommaviy axborot vositalarini yoki ta'lim jarayonini aralashtirishga ishora qiluvchi aniqroq ta'riflar mavjud. Aralash ta'limni «elektron ta'lim muhitida qo'llaniladigan vositalar va vositalarning kombinatsiyasi yoki «turli didaktiklarning aralashmasi» deb ta'riflaydi.

2008 yilda AQSh Ta'lim Departamenti tomonidan AQSHda masofaviy ta'limni o'rganish bo'yicha topshirilgan tadqiqot Aralashirilgan ta'limni quyidagicha ta'riflagan. Aralash ta'lim bu - «onlayn ta'lim va an'anaviy ta'lim kombinatsiyasi bilan o'quvchilar uchun dars vaqtini qisqartirish» (Lyuis va Parsad, 2008, 1-bet). Ushbu ta'rifdan foydalangan holda tadqiqot shuni ko'rsatdiki, oliy ta'lim muassasalarining 35 foizi aralash kurslarni taklif qiladi va 12,2 million ya'ni 12 foizi hujjatlashtirilgan masofaviy o'qitish kurslarni tanlashgan.

Ta'limni axborotlashtirish, o'quv jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish, Rossiyada masofaviy ta'lim nazariyasi va amaliyoti masalalari bilan Y. S. Zair-Bek, Y. S. Polat, O. V. Pustovalova, I. V. Robert, P. V. Sisoyev, M. A. Tatarinova, S. V. Titova va h.k lar shug'ullanishgan.

Umumiy, oliy va o'rta kasb-hunar ta'limida aralash ta'limni qo'llash muammosi bilan Y. A. Avdeeva, O. Bezverxaya, P. M. Gorev, O. N. Jukova, N. A. Kopilova, D. D. Magdich, K. M. Moskvina, I. Y. Mishota, I. A. Nagayeva, V. G. Nesterenko, Y. A. Polyakov, I. I. Prosvirkina, I. A. Rudneva, N. N. Selyavkina, N. N. Skripnikova, V. V. Utemov, I. O. Filippova, V. O. Chepurnaya, Y. I. Chirkova, L. V. Chistobaeva, Y. Banados, S. Bonk va h.klar shug'ullanishgan.

Rus olimlari orasida aralash ta'lim masalalarida quyidagi olimlar tadqiqot ishlarini olib borishgan: Y.I. Kapustina («To'liq vaqtda ta'lim va masofaviy ta'lim texnologiyalarini qo'llashning

samarali kombinatsiyasi uchun pedagogik va tashkiliy shartlar» dissertatsiyasi), M.N. Moxova («Qo'shimcha pedagogik ta'lim tizimida aralash ta'limda faol usullar» dissertatsiyasi), M.S. Orlova («Professional kommunikativ kompetentsiyani shakllantirishga qaratilgan dasturlashda aralash ta'lim tizimi» dissertatsiyasi), V.A. Fandei («Til universitetida chet (ingliz) tilini aralash o'qitish shaklidan foydalanishning nazariy va pragmatik asoslari» dissertatsiyasi).

Tadqiqotchi A. S. Fominaning qayd etishicha: «Aralash ta'lim onlayn ta'limning ana'anaviy ta'lim bilan uyg'unlashuvi, an'anaviy shakllarni elektron texnologiyalar bilan integratsiyalashuvidir». A. S. Fominaning fikricha, aralash ta'limning asosiy elementlari: «yuqoridan pastga» qurish (ya'ni tartibga solingan); diskretlik; o'quv jarayonining didaktik va tashkiliy funksiyalarini o'zida mujassam etgan LMS (Learning Management System - ta'limni boshqarish tizimi) orqali texnologik amalga oshiriladi; maxsus tashkil etilgan qo'llab-quvvatlash va boshqarish; talabalarning elektron muhitda mustaqil ishlarini tashkil etish.

V. A. Fandey ta'kidlashicha, «... aralash ta'lim - bu kunduzgi va masofaviy ta'lim elementlarining kombinatsiyasi bo'lib, ulardan biri afzal qilingan modelga qarab asosiy hisoblanadi». Bu nuqtai nazar A. M. Evseevaning pozitsiyasiga yaqin bo'lib, u aralash ta'lim... ta'limning an'anaviy va elektron shakllarining oqilona kombinatsiyasi bo'lib, ularning kuchli tomonlarini ishlatish va zaif tomonlarini minimallashtirish imkonini beradi» deb ta'kidlaydi[1].

Aralashtirilgan ta'limning tuzilishi har xil bo'lishi mumkin, aralash ta'limni tashkil etishning ko'plab shakllari va usullari mavjud. Kleyton Kristensen Instituti 40 dan ortiq aralash ta'lim modellarini aniqladi, ammo ularning hammasi ham birdek samarali emas[2].

Eng yaxshi modellarda shaxsiylashtirish, o'z bilimlari uchun shaxsiy mas'uliyatni rivojlantirish, har bir bolaning oldingi materialni o'zlashtirganligini tasdiqlaganidan keyingina yangi materialni o'rganishga o'tishi mavjud. Aralash ta'limda muhim rolni loyiha amaliyotiga yo'naltirilgan ish (nafaqat individual, balki asosan jamoaviy) o'ynaydi.

Kleyton Kristensen instituti maktablarda aralash ta'limni amalga oshirish uchun quyidagi asosiy modellarni aniqlaydi: stantsiya rotatsiyasi, laboratoriya ratatsiyasi, alakart modeli (so'rov bo'yicha) va moslashuvchan model. Ulardan uchtasi maksimal natijalarga erishishga imkon beradi[3].

MUHOKAMA

“Teskari sinf” yoki flipped classroom nomi tasodifan tanlanmagan - bu erda hamma narsa oddiy darsdagi kabi emasligi tushuniladi. Ushbu kontseptsiyaga ko'ra talabalar nazariyani uyda, darsdan oldin o'rganadilar. Darsning o'zida esa o'qituvchi rahbarligida uni amalda ishlab chiqadilar.

Ushbu metodni 2007 yilda Amerika maktabining kimyo o'qituvchilari Jonatan Bergman va Aaron Sams ixtiro qilgan. Keyinchalik boshqa fan o'qituvchilari ham undan foydalana boshladilar.

Bu model modellar ichida eng oddiysi bo'lib, o'zgartirilgan sinf har doim ham aralash o'qitishning yuqori standartlariga javob bermaydi, chunki hamma o'qituvchilar sinfda darslarni amaliy, interfaol formatda o'tkazishga tayyor emaslar.

Maktab. O'quv materialini bilan
Ishlash: amaliyot va proyektlar

Uyda. Online holatda o'quv
materialini rivojlantirish

ta'lim  online  O'qituvchi ta'lim  Offline

Talabalar uyda internetga kirish imkoniga ega bo'lgan o'zlarining elektron qurilmalari yordamida onlayn o'quv muhitida ishlaydilar, yangi material bilan tanishadilar yoki o'rganilayotgan materialni mustahkamlaydilar. Darsda o'rganilganlar mustahkamlanadi va olingan bilimlar yangilanadi, ular seminar, rolli o'yin, loyiha faoliyati va boshqa interaktiv shakllarda o'tkazilishi mumkin.

Yangi material bilan ishlashda, Moodle kabi LMS(ta'limni boshqarish tizimlari) dan foydalanish o'qituvchiga o'quvchilarning yangi materialni tushunishlarini darhol tekshirish imkonini beradi. Buning uchun faqat tegishli vazifalarni yaratish va ularni LMSga yuklash talab etiladi.

Uyda yangi materialni o'zlashtirish muvaffaqiyati haqida ma'lumot har bir talaba o'qituvchiga dars ssenariysini tezda tuzatishga imkon beradi.

Masalan, o'qituvchi yangi materialni muvaffaqiyatli o'zlashtirgan o'quvchilar uchun rolli o'yin tashkil qilishi va ayni shu vaqt ichida uyda yangi material bilan tanishmagan yoki uni tushunmagan talabalar guruhi bilan ham ishlashi mumkin.

► Amalga oshirish uchun texnik talabalar: talabalar uyda Internetga ulangan elektron qurilmalarga ega.

► Afzalligi: butun sinfni yangi material bilan frontal ravishda tanishtirish

zaruratini yo'q qiladi, LMS dan foydalanganda talabalarning darsga tayyorligini hisobga olgan holda dars qurish imkonini beradi.

► Kamchiliklari: O'qituvchi bolalar uchun test topshiriqlarini tayyorlashi kerak.

► O'qituvchiga qo'yiladigan talablar: darslarni interfaol shaklda o'tkazish qobiliyati va LMS bilan ishlash qobiliyati.

► Amalga oshirishning murakkabligi: bitta o'qituvchi o'z fanidan amalga oshirishi mumkin.

Muntazam darslarda ko'plab kamchiliklar mavjud. Mana bir nechta misollar keltirib o'tamiz.

Agar talaba nazariyadan biror narsani tushunmasa, uni to'ldirish qiyin. Darsda o'qituvchi hamma narsaga ulgurish uchun materialni taqdim etishga shoshiladi. Ko'pincha bu mavzuni to'liq tushuntirish uchun etarli bo'lmaydi va bola o'qituvchining tushuntirish tezligiga mos kelmaydi. Yoki tartib-intizom haqida tashkiliy masalalar va h.k.larga vaqt ketib, u faqat dars oxirida yangi mavzuga keladi. Talabalar ko'plab savollar bilan uyga ketishadi - ular mavzu yuzasidan ota-onalariga murojaat qilishadi, repetitorlarga bog'lanishadi va mavzuning va uy vazifasining mohiyatini tushunishga harakat qilishadi.

Teskari sinf tomonidan taklif qilingan yechim shundan iboratki, nazariya darsdan oldin taqdim etiladi va talaba uni o'rganish uchun qancha vaqt kerak bo'lsa, shuncha vaqt sarflashi mumkin - kamida besh marta ma'ruzani qayta ko'rib chiqadi va muhim eslatmalarni yozib oladi. Bu materialni tushunishni osonlashtiradi.

Amaliyot uchun vaqt yetarli emas. Va bu nazariyadan muhimroqdir. Har qanday kasb bilan o'xshashlik qilish mumkin: jarroh uchun o'qilgan ilmiy maqolalar soni emas, balki muvaffaqiyatli bajarilgan operatsiyalar soni muhimdir.

O'zgartirilgan sinf tomonidan taklif qilinadigan yechim shundaki, har bir dars amaliyotga bag'ishlangan. Maktab o'quvchilarida uy vazifasidagi muammolarni qanday hal qilish haqida savollar yo'q, chunki ularning har biri sinfda o'qituvchi bilan birgalikda hal qilinadi. Natijada o'quvchilar bilimlarini amalda qo'llay oladilar.

Darslar ko'pincha bir xil tuzilgan. O'qish zerikarli doirada o'tadi: o'qituvchi mavzuni tushunturadi, bola uyda uy vazifasini bajarishga harakat qiladi, ko'plab savollar paydo bo'ladi, kimdan so'rashi aniq emas. Yangi metodlar va interaktiv usullar kamdan-kam hollarda ishlatiladi.

Teskari sinf tomonidan taklif qilinadigan yechim: turli metodlar va tadbirlar. Nazariya paragraflar, maqolalar, videolar, taqdimotlar, tegishli darsliklarga havolalar shaklida taqdim etilishi

mumkin. Ba'zi o'qituvchilar mavzuni uyda tahlil qilishlari va darsga tayyor holda kelishlari uchun o'zlarining videoma'ruzalarini yozib olishadi va ularni nazariya sifatida talabalarga yuborishadi.

Ayrim o'qituvchilar, aksincha, bolalar ma'lumotlarni o'zlari qidirishlari va uni o'zlari qayta ishlashni o'rganishlari kerak, deb hisoblashadi va o'rganish uchun maxsus materiallarni taqdim etmaydilar, faqatgina mavzuning nomini taqdim etadilar. Keyin talabaning vazifasi nazariy materialni mustaqil ravishda topish va sinfga kelishdir.

Amaliyot viktorinalar, o'yinlar, mahorat darslari, loyihalar, muhokamalar, simulyatsiyalar, topshiriq va holatlar tahlili, tajriba va tajribalar shaklida bo'lishi mumkin.

Hozircha, teskari sinf muammolarini qanchalik samarali hal etishi haqida etarli tadqiqotlar yo'q. Ammo yangi tizim ustida ishlayotgan o'qituvchilarning ta'kidlashicha, talabalar munosib o'quv natijalariga ega[4].

Teskari sinf metodining afzalliklari va kamchiliklari

Afzalliklari:

□ Talabalar materialni qulay sur'atda o'rganadilar. O'zgartirilgan sinf sizga mavzuni tushunish uchun qancha vaqt kerak bo'lsa, shuncha vaqtni o'rganishga imkon beradi. Talaba istalgan vaqtda ma'ruza yozishni to'xtatib turishi yoki orqaga qaytarishi mumkin.

□ O'zgartirilgan sinfdagi mustaqillik va narsaning tubiga yetib borish qobiliyati rivojlanadi.

□ Maktab o'quvchilari nazariy pozitsiyalardan ko'ra amaliy masalalarni yechishga ko'proq moslashgan. Ular bilimlarni amalda qo'llashni aniq biladilar.

□ Agar siz teskari sinfdagi darsni o'tkazib yuborsangiz, siz uyda nazariyani o'rganish orqali bilimga ega bo'lasiz.

Kamchiliklari:

□ «Og'zaki ravishda tayinlangan, tayinlanmagan degan ma'noni anglatadi.» Agar bola ag'darilgan sinf tushunchasi bilan unchalik tanish bo'lmasa, u qayta tartibga solishga o'rganmagan bo'lishi mumkin(□ « — значит не задано». Если ребёнок не слишком знаком с концепцией перевернутого класса, ему может быть непривычно перестроиться.).

□ Kontsepsiya haqiqatan ham darsga tayyorlanish kerakligini bildiradi. Siz shunchaki darsga kelib, sizga hamma narsa tushuntirilishini kuta olmaysiz.

□ Uyda ma'ruza tomosha qilayotganda o'qituvchiga tezda savol bera olmaysiz.

XULOSA

Qaytarilgan sinf darsining modeli G'arbda ham, Rossiyada ham doimiy ravishda ildiz otgani yo'q. Ammo o'qituvchilar bunday tizim bo'yicha ishlaydigan eksperimental sinflar mavjud. O'qishni qanday tashkil etishni hamma o'zi hal qiladi.

Bunday uslub an'anaviy ta'lim tizimining kamchiliklarini qoplaydi, deb ishoniladi: xususan, nazariyani tushuntirishga vaqt yo'qligi va o'quvchilarning bilimlarni amaliyotda qo'llay olmasliklari ayni vaqtdagi muomolardan biri hisoblanadi.

Qaytarilgan metodologiyaning muvaffaqiyati o'qituvchi va talabalar o'rtasidagi sinergiyaga bog'liq va mashg'ulotdan oldin, davomida va undan keyin doimiy motivatsiyani talab qiladi. Kelgusi yillarda bu kontsepsiya hamma joyda paydo bo'lmoqda va u allaqachon mashhur bo'lib bormoqda.

REFERENCES

1. Komilova M.O. Смешанное обучение в современном образовательном пространстве. Fan ta'lim va amaliyot integratsiyasi.
2. Allamova, Sh. Sh., Rizayeva, S. D., Mahkamova, M. U. (2021). Umumta'lim muassasalarida ta'lim klasterining afzalliklari. Academic Research in Educational Sciences, 2(11), 1370-1376.
3. Allamova, Sh. Sh. (2022). Using the innovative cluster of education in the mixed education system. Экономика и социум, 12(91), 1010-1013.
4. Allamova, Sh. Sh. (2022). BLENDED LEARNING METHOD. Экономика и социум, 1(92), 503-506.
5. Rizayeva, S. D. (2022). Masofaviy ta'lim tizimida ta'lim klasteridan foydalanish. Экономика и социум, 1(92), 518-522.

SOMONIYLAR DAVRI TARIXINI RUS OLIMLARI ASARLARIDA O'RGANILISHI V. V. BARTOLD ASARLARIDA SOMONIYLAR TARIXINI YORITILISHI

Farrux Burxoniddin o'g'li Kamoliddinov

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti tarix fani o'qituvchisi

farruxkamoliddinov@mail.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Somoniylar tarixini rus tarixchi olimlar tomonidan o'rganilishi aks ettirilgan. Jumladan V.V.Bartold asarlarida Somoniylar bevosita ularning kelib chiqishi, nomlanishi va mamlakat ijtimoiy – madaniy va iqtisodiy tamoni yoritilishi tahlil qilingan. Bundan tashqari ushbu maqolada Somoniylar davri haqidagi boshqa manbalardagi ayrim ma'lumotlarni keltirilgan.

Kalit so'zlar: Movaraunnahr, Xuroson, Somoniy hukumdorlar, mamlakat boshqaruvi, mansablar, yer egaligi, "Sohib ash-shurat"

ABSTRACT

This article describes the study of the history of the Samanids by Russian historians. In particular, the works of VV Bartold directly analyze the Samanids, their origin, naming and coverage of the socio-cultural and economic aspects of the country. In addition, this article contains some information about the Somoni period from other sources.

Keywords: Movaraunnahr, Khorasan, Samanid rulers, government, positions, land ownership, "Sahib ash-Shurat"

KIRISH

Somoniylar Movaraunnahr va Xurosonda mustaqil davlat tuzish uchun avvalambor, kuchli markazlashgan hokimiyat tuzish kerakligini yaxshi tushunishgan. Bu ayniqsa Ismoil Somoniy hukmronligi davrida kunning dolzarb masalasiga aylandi. Chunki Ismoil Somoniy Movaraunnahr va Xurosonni birlashtirishga va yagona markazlashgan davlat tuzishga muvaffaq bo'ldi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYASI

Maqola umum qabul qilingan tarixiy metodlar-tarixiylik, qiyosiy mantiqiy tahlil, ketma-ketlik, xolislik tamoyillari asosida



yoritilgan bo'lib, mazkur mavzuning tarixshunosligi unchalik boy emas. Movaraunnahr va Xurosonda IX – X asrlarda hukmronlik qilgan Somoniylar davlati tarixi mavzusiga oid tarixiy tadqiqotlarni quyidagi uchta guruh: sovet davri, mustaqillik yillari hamda xorijiy tadqiqotlarga bo'lish mumkin. Sovet hokimiyati yillarida tarixchilar tomonidan yaratilgan ayrim tadqiqotlarda ham Somoniylar davlati tarixi va aholisi haqidagi fikrlar ma'lum ma'noda o'z aksini topgan.

MUHOKAMALAR

Endi bu davlatni idora qilish lozim edi. Shuning uchun Ismoil bir qancha islohotlar o'tkazdi. Mana shunday islohotlardan biri davlatni boshqarish ma'muriyatini joriy qilish bo'ldi. Bu islohotga binoan davlatni idora qilish saroyi (dargoh) va 10 ta devon (harbiy -fuqaro mahkamalari) tashkil etildi[1]. Ismoil Somoniy davlatning majmuini tashkil etishda Sosoniylar Eron va Arab xalifaligida qabul qilingan tajribalardan foydalandi va uni zamon talabiga qarab mukammallashtirdi.

Hokimiyatning eng yuqori pog'onasida somoniylar turib, ular amir unvoni bilan davlatni idora qilganlar. Davlat majmuini mustahkamlashda, Nasr II Somoniyning ma'rifatli vazirlari Abuabdullo Muhammad Jayhoni va Abufazl Muhammad Balamiylarning xizmatlar katta bo'lgan[2]. Umuman, Somoniylar hukmdorligi davrida vazirlik mansabiga asosan shu ikki sulola vakillari tayinlangan. Davlat majmuini dargoh va devonlarga bo'linishi ma'lum darajada rasmiy bo'lgan. Chunki saroyning nufuzli kishilari ko'p xollarda devonlarning ishlariga aralashib turganlar. Saroyda siyosiy hokimiyat "Sohibi xoras" qo'li ostida bo'lgan. Sohibi Xoras Amirning farmonlari bajarilishini nazorat qilgan. Saroyda Sharbatdorlar, Dasturxonchilar, Tashtadorlar, Otboqarlar, xo'jalik beklari kabi turli xizmatchilar bo'lgan. Saroydagi hamma xo'jalik ishlarini "vakil" boshqargan. Vakil saroydagi e'tiborli kishilardan biri hisoblangan. Narshaxiyning yozishicha, Nasr II Somoniy hukmronligi davrida o'n devonga Buxoro registonida o'nta maxsus bino qurilgan[3].

Devonlar orasida vazir yoki "xo'ja buzurg" devoni alohida o'rin tutgan. Bu devonga boshqa hamma devonlar bo'ysungan. U hamma ma'muriy, siyosiy va xo'jalik mahkamalarini nazorat qilgan.

Davlatni idora etishda "mustaufiy devon" ham muhim ahamiyatga ega bo'lgan. Bu devon davlatning butun moliya ishlarini boshqargan va nazorat qilgan. Devon xazinador tomonidan boshqarilgan.

"Devon Amir-al-mulk" yoki "al-rasayi" davlat ahamiyatiga molik bo'lgan rasmiy hujjatlarni tuzish bilan shug'ullangan.

Bundan tashqari bu devon chet davlatlar bilan bo‘ladigan munosabatlarni ham boshqargan.

“Sohib ash-shurat” devoni davlatning butun harbiy ishlarini, shu jumladan amirning shaxsiy qo‘shinini boshqargan. “Sohib ash-shurat”ning maxsus yordamchisi-Aris bo‘lgan. U mahkama va uning boshlig‘i amir qo‘shini xazinasini bilan shug‘ullangan. Qo‘shimcha bir yilda to‘rt marta maosh to‘lagan. Davlatni idora etishda “sohib al-borid” devonining ahamiyati ham juda katta bo‘lgan. Bu devon davlat ahamiyatiga molik bo‘lgan hujjatlarni va xabarlarini yetkazish bilan shug‘ullangan. Devonning hamma shahar va viloyatlarda mahalliy mahkamalari bo‘lgan.

“Muxtasiba” devoni bozorlarni, sotuvchilarni, qadoqboshlarning og‘irligi, bozordagi mollarning narxini, sifatini nazorat qilgan.

Davlat xazinasining daromadlarini va xarajatlarini “mushrif” devoni nazorat qilgan. Bundan tashqari “qozi az-ziya” va “vaqf” devonlari bo‘lgan. “Qozi az ziya” devoni davlat yerlarini, “vaqf” devoni hadya etilgan yerlarni va musulmon ruhoniylarining boshqa mol-mulklarini nazorat qilishgan.

Devonlarning aytarli hammasini viloyatlarda boshqarmalari bo‘lgan. Devonlarning viloyatlardagi boshqarmalari bir tomondan o‘z devonlariga, ikkinchi tomondan viloyat hokimiga bo‘ysunishgan. Bundan faqat “Sohib al-borid” devonining amaldorlari mustasno bo‘lgan[4].

Viloyat va tumanlar amir tomonidan tayinlangan hokimlar tomonidan idora qilingan. Odatda bunday lavozimga mahalliy boy zodagonlar tavsiya etilgan. Somoniylar davlatida musulmon ruhoniylarning ta’siri nihoyatda kuchli bo‘lgan. Ular markaziy hokimiyat ishlarida ham faol ishtirok etganlar. Somoniylar davlatining diniy hayotida hanifiylar mazhabligiga mansub ruhoniylar hamma diniy lavozimlarni o‘z qo‘llariga olishgan. Ruhoniylarning boshlig‘i “ustod”, keyinchalik “Shayx ul-islom” deb atalgan. “Ustod” dan so‘ng o‘z lavozimi bo‘yicha ruhoniylar orasida “xatib” turgan. U jome’ masjidlarida juma namozida xutba o‘qish huquqiga ega bo‘lgan. Bu davrda Buxoro Sharqdagi islom olamining eng nufuzli markazlaridan biriga aylanadi. Movarounnahrda dastlabki madrasalarning bu yerda barpo etilishi ham bejiz emas.

Mulki sultoniy - shaxsan amirga tegishli yer-suv, tegirmon, do‘konlar. Bu mulkni qishloq chorikorlari ijaraga olganlar. Yana yer egaligining toma (umrbod berilgan yer), iqto (merosiy) turlari bo‘lgan.

Xususiy shaxslarga tegishli mulk: hukmdor tabaqa xonadoni, dehqon-zodagonlarga, sayyidlar, sipohsolor, badavlat

savdogarlarga tegishli mulklar hisoblangan. Shartli yer egaligi ham bo'lgan.

Vaqf mulklari: diniy muassasalar va madrasalarga tegishli mulk. Bu mulkni muassasa mutavallisi boshqargan.

Jamoa mulki: yaylov, tog' yonbag'irlaridagi lalmi yerlar.

Xiroj hajmi shariat va davlat qonunlari asosida belgilangan. Somoniylarning birgina Buxoro va Karmana viloyatlari xirojidan tushgan daromadi 116866 dirxamni tashkil qilgan[5].

Somoniylar davrida yerlar qaytadan taqsim qilindi. Yer egalarning yangi guruhi tashkil topdi. Ularning ko'pi sipohiylerden chiqqan edi. Masalan, Alpteginning Xurosonda va Movarounnahrda 500 qishlog'i bo'lib, biror shahar yo'q ediki, unda uning qasri yo bog'i, yoxud karvonsaroyi bo'lmasa. Uning tasarrufida minglab otlar va chorva mollari bo'lgan.

NATIJALAR

Somoniylar davrida qudratli markazlashgan davlatning vujudga kelishi natijasida Movarounnahr va Xurosonda ma'lum barqarorlik qaror topdi. Bu holat mamlakat iqtisodiy hayotiga katta ta'sir ko'rsatdi. Dehqonchilik, hunarmandchilik va savdo tez sur'atlar bilan rivojlana boshladi. Movarounnahr va Xuroson bu vaqtda Sharqning iqtisodiy jihatdan eng rivojlangan o'lkalaridan hisoblangan. Tarixchilar va geograflar bu borada juda yaxshi ta'riflar yozib qoldirganlar. Ular, bu yerlar juda serhosil, tabiiy boyliklarga boy, unda ko'plab qishloq va shaharlar borligini, aholi uchun kerakli hamma narsalar mavjudligini zo'r ehtiros bilan bitganlar.

Xuroson va ayniqsa, Movarounnahr dehqonchilik o'lkalari qatoriga kirgan. Bu yerlarda dehqonchilik asosan sun'iy sug'orishga asoslangan. Ko'plab soy va daryolardan chiqarilgan katta-kichik kanallar mavjud bo'lgan. Buxoro vohasida Shopurkon, Shohrud, Karmana, Poykand, Samarqand vohasida Barj (Darg'om), Barmish, Buzmadisoy, Ishtixon kabi kanallar shahar va qishloqlarni suv bilan ta'minlagan. Bundan tashqari bunday kanallar Xorazm, Qashqadaryo, Farg'ona va Shoshda ham bo'lgan. Manbalarga qaraganda Shosh aholisi xalifa Mutasimga (833-842) murojaat qilib vohada suv yetishmasligi tufayli kanal qurilishiga yordam so'ragan. Sun'iy sug'orishga asoslangan dehqonchilikdan tashqari lalmikor dehqonchilik ham yaxshi yo'lga qo'yilgan.

Tarixchi Abu Mansur as-Saolobiyning Somoniylar Buxorosiga bergan ta'rifi butun O'rta Osiyo davlatlarining IX-XIII asrlardagi ahvoliga tegishlidir: "...shon-shuhrat makoni, saltanat ka'basi va zamonasining ilg'or kishilari jamlangan, yer yuzi adiblarining

yulduzlari porlagan hamda o‘z davrining fozillari yig‘ilgan (joy) edi”. O‘rta Osiyo hukmdorlari ilm ahli bilan yaqinlashdilar. Mamlakatni boshqarishda ularning bilimi va maslahatlaridan foydalandilar. Hukmdorlarning aksariyati bu davrda o‘z saroylarida olim, shoir va usta san‘atkorlar, turli sohalar bo‘yicha qimmatbaho kitoblarni to‘plashga odatlandilar. Saroyga jalb etilgan olim va shoirlar, kutubxonalaridagi nodir qo‘lyozma asarlar bilan mag‘rurlanardilar.

Damashq, Qohira, Bag‘dod, Kufa, Basra va boshqa katta shaharlarda O‘rta Osiyodan borib fan, madaniyat taraqqiyotiga o‘z hissasini qo‘shgan avlod-ajdodlarimiz bu davrga kelib ko‘paya bordi. Bag‘dod shahri Sharqning ilm-fan markazi sifatida olamga tanildi, chunki IX asrda bu yerda “Bayt ul-hikma”- (“Donishmandlar uyi”) Sharqning fanlar akademiyasi tashkil etildi. Bunga monand holda X asr oxirlarida Xorazmda ham xalifa Ma‘mun davrida (995-997-y.) “Donishmandlar uyi”- “Bayt ul-Hikma”- “Ma‘mun akademiyasi” (Xorazm akademiyasi) tashkil topdi. Bu ikki ilm o‘chog‘larida Sharqning mashhur va ma‘lum olimu-allomalari tahsil ko‘rganlar. Ular orasida Ahmad Farg‘oniy, Al-Xorazmiy, Beruniy, Ibn Sino va boshqa buyuk allomalarning nomlari bor.

Buxoroda qurilgan Ismoil Somoniy qabri ustiga pishiq g‘isht bilan qurilgan go‘zal maqbara. Bu bino to‘rtburchak shaklida bo‘lib, tomi gumbaz qilib yopilgan. To‘rtburchakdan nayzali ravotlar yordami bilan sakkiz qirrali shaklga o‘tilgan. Shu bilan birga bu bino to‘rt fasadlidir.

XULOSALAR

Somoniylar hukmronligi davrini tarixiy adabiyotlarda yoritilishi mavzusini o‘zi dolzarb. Ya‘ni bu mavzuni tadbiq etishda birgina Narshaxiyning “Buxoro tarixi” asari kamli qiladi albatta. Bu mavzuni ochishda albatta yevropalik tarixchilar qanaqa fikr bildirgan, ular Somoniylar davrini qay darajada ochib bera olganlar degan savolga ham to‘xtalib o‘tish kurs ishining dolzarbligini ochib berishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Markaziy Osiyoda vujudga kelgan yirik markazlashgan davlat poytaxti Buxoro shahri bo‘lgan Somoniylar davlati X asrning birinchi yarmi bu davlatning gullagan davridir. Somoniylarning oilaviy nisbasi, ya‘ni nomi ularning ajdodi bo‘lmish Somonxudot ismi bilan bog‘liq. Somonxudotning kelib chiqishi haqida turli xil ma‘lumot va fikrlar mavjud. Abu Bakr Narshaxiy (X asr) va Xamza Isfahoniy (X asr) keltirilgan ma‘lumotlarga qaraganda, Somonxudot Balx viloyatidagi Somon qishlog‘idan, al-Muqaddasiy (X asr) ma‘lumotiga ko‘ra esa, u Samarqand viloyatidagi Somon nomli

qishloqdan bo'lgan. "Sa'diya" nomli asarda (XVII asr) keltirilgan ma'lumotlarga ko'ra, uning asl ismi Arquq bo'lib, u Farg'onadan Termizga ko'chib kelgan va u yerda Somon nomli qishloqqa asos slogan. O'rta asrlarda Buxoro, Farg'ona, Toxariston, Xuttalon va boshqa viloyatlarda ham Somon nomli qishloqlar bo'lganligi qayd etilgan. Bu ma'lumotlar "Somon" toponimi yerlarida ham keng tarqalgan joy nomi bo'lganligidan dalolat beradi.

REFERENCES

1. В.В.БАРТОЛЬД - СОЧИНЕНИЯ.Т.2.Ч.1. «Восточной литературы». 1963.Москва. 118ст
2. Камалиддинов Ш.С. Историческая география. С. 116 – 117.
3. Имеются данные, что родина Бахрама Чубина находилась в Мавераннахре (см.: Мухторов А. Сомониён. С. 38), а родиной Саманидов была Усрушана. См.: Мухторов А. Порча. С. 163.
4. Для этого имени допускается также чтение Шадил. См.: Мухтаров А. Сомониён. С. 285.
5. В арабском предисловии Бал ами к персидскому переводу сочинения ат-Табари. См.: Абу-л-Фазл ал-Бал ами. Т. 1. С. 11.
6. Farrux Kamoliddinov (2021). AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI ADABIY MUHIT VA TASVIRIY SAN'ATNING BA'ZI JHATLARI TARIXIY MANBALARDA. Academic research in educational sciences, 2 (9), 786-793.
7. Вольный А. Женский труд в промышленности // Чачваны горят. -М., -Т., 1931.
8. Махаматjonovich, N. O., & Burxoniddin o'g'li, K. F. (2022). Legal Education Is the Basis for the Development of Society. Journal of Ethics and Diversity in International Communication, 2(2), 5-8.
9. Valijonoivna Q.M., & Burxoniddin o'g'li, K. F. (2022). SOBIQ SOVET ITTIFOQI DAVRIDA TURKISTON HUDUDIDA AMALGA OSHIRILGAN "HUJUM" HARAКATI TAVSILOTLARI VA UNING OQIBATLARI. Innovative Developments and Research in Education, 3(2), 172-178

TRANSLATION PROBLEMS OF PHRASEOLOGICAL UNITS: IDIOMS AND SET EXPRESSIONS

Shakhlo Ulugbekovna Nuniyazova

1st year master's degree student

Department of Foreign language and literature (English), CSPI

E-mail: mite90_90@mail.ru

Tel: +998 99 402 42 75

Jamila Sharipovna Djumabaeva

Scientific advisor, DSc., National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek

ABSTRACT

A lot of teachers, today, are actively searching for new forms, methods and ways of teaching. Modern education should prepare students for the active development of the situation of social change, not only the development of the ability to adapt. There is a gap when it comes to English idioms and how to express them correctly and effectively into other languages as Uzbek or Russian. This study aims to discuss translation problems of idioms and the way of using them in oral speech and set up the criteria in the process of learning then in Uzbek and Russian.

Keywords: idiom, speech unit, literary translation, semantic translation, structure of an idiom

Many may not realize this but idioms are not the same in each language and cannot directly be translated. Being a fluent speaker or even a native speaker, you can sometimes find these confusing, so a machine translator would be baffled if they felt the emotion of baffleness. Idioms cannot simply be translated word for word, as the context does not transfer; we need knowledge of the original language to understand it and knowledge of the target language to find the equivalent.

An idiom is a group of words established by usage as having a meaning not deducible from those of the individual words or a form of expression natural to a language, person or group of people. In other words, the only way to know what an idiom means is to know the idiom. Their very nature means that you can't work out the meaning of the phrase from the phrase alone. There are some simple rules how to deal with idioms. At first, it is important to think of idioms as being just like single words, and then we must

record a whole phrase in the notebook, along with the information on grammar and collocation.

Idioms are usually rather informal and you must be careful using them. It is important to know that their grammar is flexible and some idioms are more fixed than others are.

As a matter of fact there are so many languages all around the world each of which differs from the others in some aspects. In addition, it is obvious that the people of different countries have got diverse ideologies and every society perceives the world in a different way from the other one and consequently the ideologies influence the languages and the ways of expressing meanings. Finally, as the result, the collocations and idiomatic expressions of the languages diverge from each other in most cases. [1]

Translating idioms is one of the most difficult tasks for translators. The main problems consist in recognizing an idiom, understanding it and distinguishing idiomatic from nonidiomatic usage.

According to Brown and Yule (1983)[2], when the speaker says words to the listener, it is not only to express what is in his/her mind but also to cater to the needs or information services of the listener. Speaking is the process of building and sharing meaning through the use of verbal and non-verbal symbols, in a 136 variety of contexts' (Chaney, 1998)[3]. It is an extremely important faculty, and essential for an individual's living as are the abilities of seeing and walking.

An idiom is an integral semantic structure. Semantics in this structure plays a dominant role. However, semantics does not depend on the meaning of the words that form an idiom. Words, combined into the structure of an idiom, in most cases lose their original meaning. Therefore, it is very difficult to translate an idiom into another language without knowing the actual meaning of this phraseological unit (mare's nest - nonsense; spill the beans - reveal a secret). Idioms are a special linguistic phenomenon and demonstrate linguistic, semantic, artistic richness language, its wide possibilities, diversity and originality.

These standard or traditional features are metaphoricity or figurativeness, analyzability or non-compositionality, fixedness of form, the level of formality, and being multi-word expressions. Metaphoricity is deemed the principal feature of idioms. Non-compositionality indicates that idioms are dead, whereby their meanings are arbitrary and not figurative. Fixedness of form signifies the intolerant syntactic nature of idioms, as they are frozen. The level of formality is related to the fact that idioms are considered to

belong to informal, spoken language rather than formal, written language. Last, of all, idioms are composed of more than one word and, thus, they are multi-word expressions.

Baker (2018) postulates that the problems in translating idioms are prompted by two causes, viz., the ability to recognize and interpret an idiom correctly, and how to render the various aspects of the meaning of the ST idiom into the TL. Recognizing an expression as an idiom may not be an easy task as it might seem to. Translators sometimes fall in the trap of perceiving an idiom literally, and thus the inability to recognize it as an idiom.

Doston voqealari shu yerga kelganda asardagi asosiy qahramon obrazi maydonga chiqadi. Bu obraz kenja oʻgʻil Hamro edi. Odatda kenja oʻgʻil haqida ertaklarda juda koʻp sarguzashtlar tilga olinadi. Bu dostonda ham ertakka xos lavhalar juda koʻp. Jumladan, safarga chiqqan bolalar uch yoʻl bandiga kelib, kattasi “borsa kelar”ga, oʻrtanchisi “borsa xatar”ga, kenjasi “borsa kelmas”ga joʻnab ketishadi.

Keyingi voqealar asosan kenja oʻgʻil faoliyati bilan bogʻlanib ketadi. Doston ertak sujeti bilan aloqador boʻlganligi sababli kenja oʻgʻilning barcha ishlari anʻanaviy andozaga muvofiq davom etadi. Kenja oʻgʻilning oliyjanoblighi tufayli podshohning barcha farzandlariga qaytadan hayot beriladi. Shu jarayonda yana ertaklardagi kabi bulbuligoʻyo qush muammosi tugʻiladi.

Eposdagi motivlar tizimining birinchi qismini qahramonining ilk hayoti bilan bogʻliq motivlar tashkil etadi. Bu doiraga moʻjizaviy tugʻilish va ilk jasoratga oid motivlar, doʻst tutinish va uylanish motivlari, epik ot va qurol bilan bogʻliq motivlar kiradi. Bu jarayonda epik qahramon toʻla shakllanadi. Bu motivlardan keyin epik qahramonning ijtimoiy hayot bilan aloqador faoliyatini yorituvchi motivlar boshlanadi. Bu doiraga epik qahramonning jangavor guruhi motivi, vatan himoyasi va asirga tushish motivlari, eposda mifik evrilish motivi va yakuniy motiv xisoblangan epik qahramonning oʻlimi bilan bogʻliq tafsilotlar kiradi. Albatta har bir eposda boshqa motivlar ham boʻlishi mumkin. Biz bu yerda asosan oʻzbek eposidagi motivlar tizimiga tayandik.

REFERENCES

1. Sh.M. Mirziyoyev. “Oʻzbekiston adabiyoti va sanʼati” gazetasi, 2018-yil 18-may №21 (4471)



2. Jirmunskiy V.M. Zarifov X.T. Uzbekskiy narodniy geroicheskiy epos. –M.: GIXL, 1947. –S. 294-300
3. Imomov K. Dostonlarda ertak motivlari. // Fozil shoir. - T.: “Fan”, 1973. – B. 97 – 104.
4. Imomov K. O‘zbek satirik ertaklari. – T.: “Fan”, 1974. – 207 b.
5. Imomov K. Ertak va dostonlarda ideal qahramon talqini masalasiga doir. // Po‘lkan shoir. - T.: “Fan”, 1976. – B. 127-133.
6. Imomov K. Sehrli ertaklar. // O‘zbek folklori ocherklari, 2-tom. - T.: “Fan”, 1989.
7. Imomov K. Yalmog‘iz – jodugar obrazi talqiniga doir//Islom shoir va uning xalq poeziyasida tutgan o‘rni. - T.: “Fan”, 1978. – B.77 – 88.
8. Mirzayeva S. O‘zbek xalq romanik dostonlari poetikasi. – T.: “Fan”, 2004. – 192 b.
9. Oltin beshik: ertaklar. – T.: Adabiyot va sa’nat nashr., 1985. – 256 b.
10. Oshiq Mahmud, Avazxon. - T.: “Fan”, 1970. 50-b.

AKADEMIK ESHKAK ESHISH SPORTIDA SAKKIZ KISHILIK QIZLAR EKIPAJIDA JAMOAVIY HARAKAT TEXNIKASINI MUVOFIQLASHTIRISH

Xayrulla Yuldashovich Matnazarov

O'zDJTSU, p.f.b.f.d. (PhD)

Dilora Xusnoddin qizi Ibodullayeva

O'zDJTSU, magistrant

ANNOTATSIYA

Maqolada akademik eshkak eshish sportida sakkiz kishilik qizlar ekipajini shakllantirishda yuzaga keladigan muammolar hamda texnik tayyorgarlik va texnik muvofiqlikning sport natijalariga ta'siri bo'yicha amalga oshirilgan ilmiy tadqiqot natijalari batafsil yoritilgan. Jamoa a'zolarining texnik tayyorgarlik muvofiqligi eshkakka beriladigan kuchlanishning tenzometrik uslub orqali tahlil qilingan.

Tayanch so'zlar: akademik eshkak eshish, sakkiz kishilik ekipaj, ekipajni shakllantirish, tenzometrik tahlil, texnik tayyorgarlik, texnik muvofiqlik.

ABSTRACT

The article describes in detail the results of research on the problem of forming the crew of women eight, taking into account technical training, technical compliance and their impact on sports results. The conformity of technical readiness with the help of the method of tensometric measurement of the force transmitted to the oar was analyzed.

Keywords: rowing, crew of eight, crew formation, tensometric analysis, technical training, technical compliance.

KIRISH

Hozirgi kunda akademik eshkak eshish sportida kuchli raqobat va sport natijalarining doimiy o'sib borishi mashg'ulot jarayoni va musobaqa faoliyatini boshqarish tizimini takomillashtirish, sportchilar tayyorgarligining samarali yo'nalishlarini tanlash ko'p yillik tayyorgarlik bosqichida tayyorgarlikning o'ziga xos xususiyatlarini aks ettiruvchi vazifalarni amalga oshirish bilan bir qatorda mazkur sport turida sportchilarni saralash va jamoaviy



qayiqnlarni shakllantirish soha mutaxassislari va olimlari oldida turgan dolzarb muammolardan biri bo'lib qolmoqda.

Shu o'rinda akademik eshkak eshishda sakkiz kishilik ekipajni ularning har tomonlama tayyorgarligini ya'ni, shug'ullanuvchilarning jismoniy, texnik, funksional va psixologik tayyorgarligini bir-biriga muvofiq takomillashtirish bu sport turida yuqori natijalarga erishishga asos bo'ladi.

Tadqiqot maqsadi – akademik eshkak eshishda sakkiz kishilik qizlar ekipajining jamoaviy texnik harakatlari muvofiqligini maxsus trenajyorda aniqlash va texnik tayyorgarlik bo'yicha amaliy tavsiyalar ishlab chiqish.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Akademik eshkak eshish sportida sportchilarning individual tayyorgarligi va texnik elementlarni mukammal ijro etish mahoratiga oid savollardan tashqari trenerlar va eshkak eshuvchilar oldida yana bir muhim vazifa – jamoaviy qayiqlarda eshkak eshishning jamodagi boshqa sportchilar harakatlariga mosligi va jamoa a'zolarining har tomonlama majmualiy tayyorgarligiga erishish masalasi turadi [1,3].

Chet el tajribasi shuni ko'rsatadiki, akademik eshkak eshish bo'yicha yetakchi sportchilar va ekipajlarni yetkazib beruvchi bir qator davlatlar o'zlarining jamoaviy qayiqnlarni shakllantirish mezonlariga ega. Quyidagi jadvalda ularni ko'rishimiz mumkin (1-jadval).

1-jadval

Chet mamlakatlarda ekipajni shakllantirish uchun sportchilarni saralashda qo'llaniladigan mezon va ko'rsatkichlar

Mamlakat	Mezon	Ko'rsatkichlar
Avstraliya	Musobaqaviy	1X, 2- (2 km, 5 km) da musobaqa faoliyati natijalari
	Funksional	Funksional ko'rsatkichlar
Buyuk Britaniya	Jismoniy	Jismoniy tayyorgarlik ko'rsatkichlari (kuch, chidamkorlik)
	Funksional	Funksional ko'rsatkichlar
	Morfologik	Morfologik ko'rsatkichlar
Germaniya	Musobaqaviy	1X, 2- (2 km, 6 km) da musobaqa faoliyati natijalari
	Texnik	Texnik ko'rsatkichlar
Italiya	Musobaqaviy	1X, 2- (2 km) da musobaqa faoliyati natijalari

	Texnik	Texnik ko'rsatkichlar
Kanada	Musobaqaviy	1X, 2- (2 km) da musobaqa faoliyati natijalari
	Funksional	Funksional ko'rsatkichlar
	Texnik	Texnik ko'rsatkichlar
	Jismoniy	Jismoniy tayyorgarlik ko'rsatkichlari
Yangi Zelandiya	Musobaqaviy	1X, 2- (2 km) da musobaqa faoliyati natijalari
		Ergometrda da musobaqa faoliyati natijalari (2 km)
Rossiya	Musobaqaviy	Ergometrda musobaqa faoliyati natijalari
	Morfologik	Morfologik ko'rsatkichlar
AQSh	Musobaqaviy	Ergometrda musobaqa faoliyati natijalari (6 km)
		1X, 2- (2 km) da musobaqa faoliyati natijalari

Mamlakatimizda ekipajlarni shakllantirish ilmiy asoslangan ishlanma va uslublarga tayanmasdan, asosan trenerlarning shaxsiy tajribasi asosida amalga oshiriladi. Bunda trenerlar shug'ullanuvchilarning asosan jismoniy tayyorgarligiga e'tibor qaratishadi. Bu esa o'z navbatida ekipaj a'zolari imkoniyatlarini, ya'ni texnik, psixologik, funksional ko'rsatkichlarini har tomonlama inobatga olmasdan ekipajni shakllantirishga olib keladi. Natijada sport natijalarining beqarorligi kuzatiladi [2,4].


Akademik eshkak eshish sportida sakkiz kishilik ekipajni shakllantirishda shug'ullanuvchilarning texnik tayyorgarligi va ularning jamoa a'zolari texnikasi bilan muvofiqligi katta ahamiyatga ega. Chunki, ekipaj a'zolarining barchasi bir vaqtning o'zida eshkak yuzasi bilan suvni lilishi, eshkakka bir xil kuchlanish berishi va bir vaqtning o'zida eshkakni suvdan chiqarishi yuqori sport natijalariga erishishga zamin yaratadi [1].

Bu o'rinda shuni ta'kidlash kerakki, ekipajni shakllantirishda trenerlarga to'laqonli yordam beruvchi moddiy-texnik bazaning yetishmasligi jamoaviy ekipajlarni shakllantirishda bir qator muammolarni yuzaga keltiradi. Shuning uchun eng samarali uslublardan biri hisoblanuvchi eshkakka beriladigan kuchlanishni qayd qiluvchi tenzometrik uslub tayyorgarlik jarayonida ekipajni shakllantirishda kam qo'llaniladi. Murakkab sharoitlardan kelib chiqib trenerlar aksariyat hollarda pedagogik va ekspert tavsifi uslublarini qo'llagan holda ekipajni shakllantiradi.

Sportchilarni jamoaga saralash jarayonida har bir sportchining individual tayyorgarlik darajasi muhim ahamiyatga ega. Buni esa faqat kichik qayiqlarda va jismoniy tayyorgarlik testlarini hisobga olgan holda (ergometrda) aniqlash mumkin. Masalan, 1,2,3 va 4 reytingga ega to'rtta sportchidan ikkita teng kuchli ikkitalik ekipajni faqat 1-4 va 2-3 shaklda joylashtirish orqali erishish mumkin.

Musobaqa yakunida yetakchi ekipaj aniqlansa ham yetakchi sportchilarni aniqlash imkonsiz bo'ladi. Chunki, musobaqada yutgan ekipaj kuchli kombinatsiya asosida tuzilmasdan, nisbatan kuchsiz (3 yoki 4) sportchilar ham ekipaj a'zosi hisoblanadi. Aksincha, nisbatan kuchli sportchilar (1 yoki 2) yutqazgan ekipaj tarkibida bo'lib saralashdan o'ta olmaydilar. Xuddi shunday holat sakkiz kishilik (8+) ekipajni shakllantirishda ham uchraydi [3,5].

Biz tajribamizda jamoa a'zolarining texnik tayyorgarligi muvofiqligini aniqlash va ularni mukammal darajada moslashtirish maqsadida eshkakka beriladigan kuchlanish tenzometriyasi uslubidan foydalandik. Bu uslubdan foydalanishda sportchilar tomonidan CONCEPT-2 eshkak eshish ergometrida eshkakka beriladigan kuchlanishning egri chizig'i aniqlandi. Tajribamiz jarayonida akademik eshkak eshishda barcha sportchilar eshkakka beriladigan kuchlanish bo'yicha uchta tipga bo'linishi ma'lum bo'ldi (1-rasm).



1-rasm. CONCEPT-2 eshkak eshish ergometrida eshkakka beriladigan kuchlanishning egri chizig'i

Tadqiqotimiz jarayonida, ya'ni to'rt oy mobaynida biz shakllantirgan ekipaj a'zolarining alohida tenzometrik ko'rsatkichlarini umumiy muvofiqlikka yaqinlashtirish maqsadida CONCEPT-2 eshkak eshish ergometrida va suvda qator mashqlarni tayyorgarlik jarayonida qo'lladik va bu sakkiz kishilik ekipajni tajriba guruhi sifatida qabul qildik. Nazorat guruhi sifatida ikkinchi sakkiz kishilik ekipaj olindi hamda ular amaldagi dastur asosida trenirovka mashg'ulotlarini olib borishdi.

Tadqiqot natijalari. Tadqiqotimiz boshida va oxirida CONCEPT-2 eshkak eshish ergometrida ekipaj a`zolarining alohida 2000 m ga eshkak eshish natijalarining o`rtacha ko`rsatkichi va suvda to`liq ekipajning 2000 m ga eshkak eshish natijalarini qiyosiy tahlil qildik (2-jadval).

2-jadval

Tajriba va nazorat guruhlarining test natijalari

Test	Nazorat guruhi		Nisbiy o'sish (%)	Tajriba guruhi		Nisbiy o'sish (%)
	Tajribadan oldin	Tajribadan keyin		Tajribadan oldin	Tajribadan keyin	
CONCEPT-2 ergometrida 2000 m ga eshkak eshish o`rtacha natijasi (daq., soniya)	8:18,12	8:09,41	1,8	8:19,34	8:01,54	3,6
Suvda 2000 m ga eshkak eshish (daq., soniya)	8:21,43	8:13,52	1,6	8:21,16	8:07,38	2,8

Yuqoridagi jadvaldan ko`rinib turibdiki, nazorat guruhi sifatida olingan ekipaj a`zolarining CONCEPT-2 eshkak eshish ergometrida 2000 m ga eshkak eshish natijalarining o`rtacha ko`rsatkichi nisbiy o`shishi 1,8% ga yaxshilangan bo`lsa, tajriba guruhi sifatida olingan sakkiz kishilik ekipaj natijalarining o`rtacha ko`rsatkichi nisbiy o`shishi 3,6% ga yaxshilangan. Suvda 2000 m ga eshkak eshish testi bo`yicha nisbiy o`shish ko`rsatkichi nazorat guruhida 1,6% ga, tajriba guruhida esa 2,8% ga yaxshilanganini ko`rishimiz mumkin. Bu o`z navbatida biz tanlagan uslubiyat orqali sakkiz kishilik qizlar ekipajini shakkantirish sport natijalarining yaxshilanishiga olib keladi degan xulosa chiqarish imkonini beradi.

XULOSA

Hozirgi kunda mamlakatimizda sakkiz kishilik ekipajlarni shakllantirish bo`yicha har tomonlama majmuaviy o`rganilgan hamda ilmiy asoslangan, zamonaviy sport yutuqlarini o`zida mujassam etgan uslubiyatlarning yetishmasligi bu mavzu bo`yicha chuqurroq ilmiy tadqiqot ishlarini olib borish zaruratini yuzaga keltirmoqda.

Sakkiz kishilik qizlar ekipajini shakllantirishda jamoa a`zolarining texnik tayyorgarligi va texnik muvofiqligi yuqori sport natijalariga erishishda muhim ahamiyatga ega. Chunki, jamoa a`zolarining barcha texnik harakatlarni sinxron va bir-biriga muvofiq bajarishi

liderning jamoani muvaffaqiyatli boshqarish qobiliyati bilan birgalikda qayiq tezlanishida muhim omil hisoblanadi.

O'tkazilgan tadqiqot davomida sportchilar texnik muvofiqligi bo'yicha qo'llanilgan uslubiyat sport natijalarining yaxshilanishiga olib keldi. Ya'ni, tajriba guruhi sifatida olingan va tayyorgarlik jarayonida maxsus mashqlar qo'llanilgan ekipaj a'zolarining sport natijalari nazorat guruhi natijalariga nisbatan yaxshi bo'lganligi biz qo'llagan uslubiyatning samarali ekanligidan dalolat beradi.

REFERENCES

1. Kleshnev V. Rowing Biomechanics Newsletter. №1, vol. 5, January, 2005
2. Korbut V.M., Matnazarov X.Y., Ikramov B.F. Eshkak eshish nazariyasi va uslubiyati. O'quv qo'llanma T.: 2017
3. Купреев М.В., Алексеев М.В. Методика формирования студенческого экипажа 8+ в академической гребле. Ученые записки университета имени П.Ф.Лесгафта. – 2019. - №12 (178)
4. Mambetnazarov I.M. Akademik eshkak eshishda katta ekipajni shakllantirsh: xorijiy mamlakatlarning zamonaviy tajribasi. Fan sportga 2021/1. 78-84.
5. Яковенко Е.О. Обоснование подхода к формированию экипажей в гребле академической. Педагогические, психологические и медико-биологические проблемы физической культуры и спорта. 2013/12. 105-109
6. Pirnazarov Sh. A. Boshlang'ich tayyorlov guruhlarida bolalarni suzishga o'rgatishda tajriba tekshirish. CENTRAL ASIAN RESEARCH JOURNAL FOR INTERDISCIPLINARY STUDIES, (VOLUME 2 ISSUE 3 MARCH 2022) 498-509.
7. Шамсиддинов Ш.Х. Ёш сузувчиларни кўкракда крол усули орқали куч сифатларини ривожлантириш. CENTRAL ASIAN RESEARCH JOURNAL FOR INTERDISCIPLINARY STUDIES, (VOLUME 2 ISSUE 3 MARCH 2022) 510-520.
8. Pirnazarov Sh.A. Suzish nazariyasi va uslubiyati. O'quv qo'llanma. 2021 yil. 50-55.

PREGNANCY WITH PREPARTAL CARDIOMYOPATHY

Dildora Mukhitdinovna Jurayeva

Obstetrician-gynecologist of "Oktash" clinic

Head of the maternity department

“Gulnigor shifo med” LLC, Termez district, Surkhandarya region

ABSTRACT

Peripartal cardiomyopathy (PCMP) is an idiopathic cardiomyopathy with left ventricular systolic dysfunction and clinical heart failure that occurs in healthy women at the end of pregnancy or in the first months after delivery. According to the 2016 definition of the European Society of Cardiology (ESC) working group on PCMP, the diagnosis of PCMP can be made by checking the left ventricular ejection fraction (LVEF) by 45%. Other causes of heart failure (pulmonary embolism, congenital or acquired heart disease, dilated cardiomyopathy, etc.) should be ruled out during the diagnosis process.

Keywords: Cardiomyopathy, prepartal, pregnancy, laparoscopic, therapeutic, gynecological, uterine, clinical.

The prevalence of PCMP varies significantly depending on regional and ethnic characteristics. There are no exact statistics, but it is known that PCMP is more common in Nigeria and Haiti - 1 case per 100 births. The prevalence of PCMP in Germany is approximately 1: 1000-1500 births and is comparable to data from South Africa (1: 1000) and the United States (1: 1500). The mortality rate in this pathology is 2% to 30%. To date, several risk factors for PCMP are known: extreme maternal age, multiple pregnancies, in vitro fertilization, African race, long-term tocolytic therapy, hereditary factors, malnutrition during pregnancy.

Arterial hypertension (AH) during pregnancy is also referred to as a risk factor for PKMP. Pregnancy hypertension is 1.5 times more common and Preeclampsia is 4 times more common in patients with PCMP. Animal studies have shown that angiogenic imbalances play an important role in the development of PCMP and preeclampsia. During the last trimester of pregnancy, the placenta releases a large number of anti-angiogenic factors that cause endothelial dysfunction, vasospasm, hypertension, and organ hypoperfusion. However, not all patients with preeclampsia develop PCMP, which is probably a genetic predisposition. In one study, the onset of PCMP was associated

with a history of gestational hypertension, but this did not affect the prognosis and recovery of RF LV systolic function. One of the largest epidemiological studies was conducted in the United States between 2004 and 2011. During this period, 34,219 women aged 15 to 54 years were registered with a PCM diagnosis. The prevalence of this diagnosis was 1 case per 968 live births. According to the registry, the incidence of PKMP was found to increase with age and was highest among women aged 40–54 years. The most common PCMP is found in African-American women, women with hypertension, eclampsia (or preeclampsia), and type 2 diabetes.

To date, the pathogenesis of PCMP is not fully understood; Several mechanisms of PCMP development have been proposed, such as autoimmune, inflammatory theory, viral infections, and low levels of selenium in the blood. However, none of these mechanisms have been confirmed. That theory was first described in an experimental study conducted in 2007 by D. Hilfiker-Kleiner et al. Showed an important role of prolactin during lactation in the mouse model, noting the occurrence of toxic effects on cardiomyocytes and the formation of heart muscle dysfunction as a result. Thus, due to oxidative stress associated with pregnancy and the postpartum period, a 23 kDa prolactin molecule is broken down to form a 16 kDa prolactin fragment, which has an anti-angiogenic, anti-inflammatory effect. This fragment of prolactin induces apoptosis of cardiomyocytes with properties similar to proteolytic enzymes such as cathepsin D and matrix metalloproteinases (MMP). In addition, damage to the prolactin molecule may occur with the formation of a 16kDa fragment. Thus, a 16 kDa fraction of prolactin causes endothelial dysfunction and micro-RNA 146a expression, which has toxic effects on myocytes and potentially leads to the development of reversible systolic heart failure.

Furthermore, an increase in 16kDa in patients with PCMP has been shown to be associated with slow transcription and activation of receptor coactivator gamma (PGC-1a) activated by peroxisome proliferator, which plays an important role in proliferation. and protecting myocytes from death. PGC-a1 receptors are involved in lowering the levels of the antioxidant manganese-dependent superoxide dismutase (MnSOD), which leads to increased production of reactive oxygen species that have a detrimental effect on cells, which has been proven in experimental studies on rodents.

An increase in pro-angiogenic placental growth factor (PLGF) levels was detected in patients with PKMP in the early postpartum period. Efficacy against PLGF-factor has been shown as a method of prevention of myocardial dysfunction. These results highlight the need for further study of the function of the endothelial and proangiogenic

system in PCMP and the search for new effective methods of its specific prevention and treatment. It is known that approximately 15% of patients with PCMP have mutations in genes similar to those in expanded cardiomyopathy, which confirms the role of genetics in the development of PCMP. Several gene mutations, such as cardiac myosin heavy chain (MYH), titin (TSN), and SCN5, have been previously described. In most carriers, the mutations are asymptomatic before pregnancy. Hemodynamic changes (increased heart rate, cardiac output, decreased general peripheral vascular resistance, volume overload of the heart) occur in the late stages of pregnancy, during and in the early postpartum period. This hemodynamic stress may be a trigger for genetic damage activation. In addition, more morbidity in certain ethnic groups and in some parts of the world confirms the role of genetic factors.

The course of the disease can range from mild changes in the patient's condition to very severe forms with cardiogenic shock clinic. Often, before the end of pregnancy and in the early postpartum period, even healthy women begin to complain of general discomfort, weakness, asthenia, shortness of breath, edema syndrome associated with general fluid retention. Complaints of pathological dyspnea should be distinguished from orthopnea and hypotension. In some cases, PCMP begins with cardiogenic shock and lung tumor. Early diagnosis is critical in all cases of PCMP, allowing timely initiation of proper treatment. For the onset of chronic heart failure (CHF), the PKMP clinic should be able to differentiate between treating the patient in the last trimester of pregnancy and in the early postpartum period. Patients complain of severe unexplained weakness, dizziness, heaviness and swelling, swelling of the lower extremities. One study found that only 4% of the 262 patients who complained of shortness of breath during pregnancy were associated with the onset of PKMP, and in 96% of cases, shortness of breath was associated with physiological changes in the respiratory system. In this case, the system of the pregnant woman, respiratory infections, severe anemia can also be observed.

REFERENCES

1. Елисеев О.М. Сердечно-сосудистые заболевания у беременных. 2-е изд. перераб. и доп. М.: Медицина. 1994
2. Репина М.А. Преэклампсия и материнская смертность. СПб.: Издательский дом СПбМАПО. 2005
3. Sanderson Y.E., Olsen E.G.J., Gate D. Peripartum heart disease: an endomyocardial biopsy. //Brit. Heart J. 1986. № 56.

4. Jo`rayeva Dildora Mukhitdinovna. (2022). PREEKLAMSIYANING HOMILAGA TA`SIRI. EURASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES, 2(4), 4–7. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6473270>
5. Juraeva Dildora Mukhitdinovna. (2022). Nay Peritoneal Type of Female Infertility (Mkb-10 / N 97.1). Texas Journal of Medical Science, 7, 77–78. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/tjms/article/view/1311>
6. Juraeva Dildora Mukhitdinovna. (2022). Changes in the Women's Body During the Climate Period. Texas Journal of Medical Science, 7, 90–91. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/tjms/article/view/1314>
7. Juraeva Dildora Mukhitdinovna. (2022, April 25). THE COURSE OF FETOPLACENTAL INSUFFICIENCY, SEVERITY AND SPECIFICITY OF TREATMENT. International scientific-online conference: "INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM", USA Washington. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6481791>

BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARIDA AKT VA INTERNET MA'LUMOTLARIDAN FOYDALANISH

Surayyo Ibragimjonovna Jo'rayeva
Namangan davlat universiteti magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola "Boshlang'ich sinf o'qish darslarida akt va Internet ma'lumotlaridan foydalanish" haqida. Ibn Sinoning ta'limotidan inson narsa va hodisalari, ularning xususiyatlarini ko'rish (ko'rish), eshitish (audial), ta'm, hid, teginish (taktil) orqali idrok etishi, ularning ko'pini, ya'ni to'qson foizdan ortig'ini ko'rish va eshitish orqali singdirishi ma'lum. Namoyishlar talabalarga quyidagi ko'rgazma turlaridan foydalangan holda taqdim etiladi:

Tayanch so'zlar: jonli mushohada, tevarak-atrof, narsa va hodisalar, idrok etish, ko'rsatmalilik, tamoyil, idrok etish, nazariy bilim, amaliyot bilan bog'lash.

KIRISH

Insonga xos bo'lgan bilish hissining birinchi pog'onasi - jonli mushohada, ya'ni tevarak-atrofdagi narsa va hodisalarni idrok etishdir. Ko'rsatmalilik tamoyili idrok etishni osonlashtirishi va nazariy bilimlarni hayot, amaliyot bilan bog'lash imkonini beradi. Bu tamoyil o'rganilayotgan hodisalarga qiziqishni oshiradi, bilimlarni puxtaroq egallanishiga yordam beradi. Ibn Sinoning qayd qilishicha, inson o'zining o'quv mashg'ulotlari boshlanishida narsaning tashqi xossalarini o'rganadi, uning aslini va tasvirini ko'rib o'zicha bevosita bilimlarni hosil qilishi mumkin. Har qanday narsaning ta'rifi uning mavjudligini isbotlash vositasida bilinadi, ya'ni narsa va hodisalar qaysidir bir fan aniqlaydigan xususiyatlardan iborat bo'ladi. Bu qanoat o'qitishdagi ko'rsatmalilik tamoyilining faqat bir jihatini yoritadi. Insonda mavjud narsalar yoki ularning tasvirini idrok etish orqali ob'yektiv voqelik to'g'risida tasavvur hosil bo'ladi va shu asnoda ularni to'g'ri ta'riflash imkoniyati tug'iladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Olimning ta'limotlaridan inson narsa va hodisalar, ularning xususiyatlarini ko'rish (vizual), eshitish (audial), tatib ko'rish, hidlash, sezish (taktil) orqali qabul qilishi, ularning asosiy qismini, ya'ni to'qson foizdan ortig'ini ko'rish va eshitish orqali o'zlashtirishi ma'lum. Narsa va hodisalarni idrok etish tashqi sezgi organlari orqali amalga oshadi va ushlab ko'rish

bilan ham ro'y beradi. Ushlab ko'rish sezilgan narsaning issiqligi, sovuqligi, namligi, quruqligi, qattiqligi, yumshoqligi, og'irligi, yengilligi, shakli va hokazolarini bilish imkonini beradi. Teri va mushaklar esa sezgi qurolidir. Nervlar ana shu hisni mushaklar va teriga yetkazadi. Shundan kelib chiqib aytish mumkinki, internet orqali o'zlashtiriladigan o'quv materiallari ham ko'rish va eshitish orqali o'zlashtiriladi. Ma'lum bo'ladiki, internet materiallari nisbatan o'zlashtiriluvchan ahamiyat kasb etadi.

Yan Amos Komenskiy ham «Buyuk didaktika» asarida ifodalagan «lotin qoida»sida o'quvchilar sezib idrok etishi mumkin bo'lgan narsalarni, albatta, sezgilar vositasi bilan, xususan: ko'rish mumkin bo'lgan narsalarni ko'z bilan ko'rib, hidi bor narsalarni hidlab ko'rib, ta'mini sezish mumkin bo'lgan narsalarni tatib ko'rib, ushlab sezish mumkin bo'lgan narsalarni ushlab bilib olishlari kerakligini ta'kidlagan. Birdaniga ko'p sezgilar yordamida idrok etish mumkin bo'lgan narsalarni, iloji boricha bir necha sezgilar yordamida idrok etish lozimligini aytgan. Bu qoidaning uch asosi bor. Birinchidan, avval sezmagan narsasi haqida kishida bilim ham bo'lmaydi. Shuning uchun ham o'qitish narsalar haqida quruq mulohaza yuritishdan emas, balki narsalarni bevosita kuzatishdan boshlanishi kerak.

Ikkinchidan, bilimning to'g'ri va aniqligi ham faqat sezgilarning guvohligiga bog'liq. Demak, bilim sezgilarga qanchalik ko'proq tayansa, u shunchalik ishonchli bo'ladi. Bolalarga haqiqiy va mustahkam ilm berish uchun, umuman, hamma narsa bevosita kuzatish va sezgilar asosida o'qitilishi kerak.

Uchinchidan, sezgilar — xotiraning eng ishonchli vositasi. Agar kishi tuyani bir ko'rgan bo'lsa, biror marta qand yegan bo'lsa, Rimga bir marta borib, uni diqqat bilan tomosha qilgan bo'lsa, bulbul xonishini bir marta eshitgan bo'lsa, bularning hammasi xotirasida mustahkam qoladi va hech qachon esidan chiqib ketmaydi. Olim bu mulohazalarini mustahkamlash uchun Plavtning quyidagi fikriga tayanadi: «Eshitganini aytib beradigan o'nta kishidan o'z ko'zi bilan ko'rgan bitta guvoh afzal». Yan Amos Komenskiy xulosasi bo'yicha o'quvchini boshqalarning narsalar haqidagi kuzatishlari va guvohliklarini emas, balki o'sha narsalarning o'zini bilishga va tadqiq etishga o'rgatish zarur. Maktab amaliyotida ham darsda o'rganiladigan hodisaning eng muhim tomonlarini aniq ifodalaydigan, ana shu belgilarni avval ajratishda.

Keyin gurahlashda, umumlashtirishda o'quvchilarga xalaqit beradigan ortiqcha elementlardan xoli ko'rsatmali qo'llanmalardan, shuningdek, obrazli tasvirlarga uyg'unlashgan holda, ya'ni o'quvchilarning fikrlashini muayyandan mavhuma oson yo'naltiradigan qilib ishlangan ko'rsatmali qo'llanmalardan foydalanish g'oyat samarali tadbirdir.

Boshlang'ich sinflarda ob'yektlarning o'zini namoyish etish

yoki ular bilan bevosita tabiatda tanishish, darslarda narsalarning o'zidan iborat tarqatma materiallarni qo'llash maqsadga muvofiqdir. Rasmlil ko'rsatmalil qo'llanmalar: manzara tasvirlari, diapozitiv va diafilmlarning samarasi kamroq bo'lsa-da, ular orqali ham u yoki bu narsalar to'g'risida qaysidir darajada yaxlit tasavvur hosil qilish mumkin. Aralash ko'rsatmalil vositalar to'plami ham o'quv jihozlarining muhim elementi hisoblanadi. Ular dars vaqtida turli ko'rsatmalil vaziyatlarni yaratish, tez o'zgartirish va birlashtirishda yordam beradi. Buning uchun rasmlil materiallardan foydalaniladi yoki doskaga bo'r bilan rasmlari, chizmalari chiziladi va har xil yozuvlar bajariladi.

Mazkur vositalar jumlasiga magnitli taxta va flengatlar ham kiradi. Ularning didaktik imkoniyatlari bir xil. Ular boshlang'ich sinf o'quvchilarini o'qitishda beqiyos katta ahamiyatga molikdir, ammo o'quv jarayonida audio-vizual qo'llanmalar, ahyon-ahyonda boshqa ko'rsatmalil vositalardan ham foydalanish zarur. Buning quyidagi turli variantlari bor:

1. Dasturdagi ashyolarni qayta ishlash mavzu bo'yicha kirish darsida o'quv filmini namoyish etish va keyingi darslarda kino -kolsovkalar, kinofragmentlar, diapozitivlar, diafilmlar va jadvallarni qo'llash.
2. Mavzuning xususiy masalalarini diapozitivlar, diafilmlar, jadvallar, namoyish qilinadigan tajribalar, kinofragmentlar va kinokolsovkalardan foydalanib ishlab chiqish. Mazkur mavzu bo'yicha umumlashtirish darsida o'quv filmlarini ko'rsatish.
3. Darsda o'qituvchining tushuntirishi bilan birgalikda diafilmlar, diapozitivlar, kinofragmentlarni va darsning oxirida o'quv filmini namoyish etish.
4. O'quvchilarning tasavvurini kengaytirish, ularda shakllanadigan tushunchalar mazmuni to'liqligini ta'minlash uchun ekran qo'llanmalarining bitta seriyasidan foydalanib o'quv materialini ishlab chiqish va ularning boshqa to'plamini qo'llab, bilimlarni mustahkamlash. Ko'rsatmalil vositalarning turli didaktik vazifalari va imkoniyatlarini nazarda tutib ularni kompleks holda qo'llash talab qilinadi. Shu taqdirdagina darsning bilish bilan bog'liq vazifasini hal qilish eng yuqori bosqichga ko'tarilishi mumkin. Shu bilan birga, o'rganilayotgan hodisaning turli jihatlarini yoritish lozim bo'lgandagina har xil ko'rsatmalil qurollardan foydalanish o'zini oqlaydi. Chunki mazkur jihatlarining har birini ko'rsatmalilikning ma'lum turi yordamida ishonarli tarzda va tola yoritish mumkin. Ko'rsatmalil vositalarni tanlashda ularning imkoniyatlarini har bir o'quv predmetining o'ziga xos xususiyati va har qaysi darsning mazmuni bilan taqqoslash zarur.

Ko'rsatmalil qo'llanmalar o'quvchilarga ko'rsatmalilikning quyidagi har xil turlaridan foydalangan holda taqdim etiladi:

1. Tabiiy ko'rsatmalilik - o'quvchilarni mavjud ob'yektlar,

o'simliklar, hayvonlar, minerallar va hokazolar bilan tanishtirishni taqozo etadi. Tabiiy Ko'rsatmalilikni sinfda ham, ekskursiyalar paytida ham namoyish etish mumkin.

2. Hajmli ko'rsatmalilik - mavjud olam hajmining aks etishidir. Bu fotosuratlar, rasmlar, diafilm va diapozitivlardan iborat bo'ladi.

3. Ovozli ko'rsatmalilik - tovush obrazlarini ifodalash uchun ovozli vositalardan foydalanish Gramplastinkalar va magnitafon yozuvlarini eshitish, ovozli kino ko'rishi.

4. Simvolik va grafik ko'rsatmalilik - xaritalar, rejalar, sxemalar, chizmalar va diagrammalar. Ular mavjud voqelikni shartli umumlashgan simvolik ko'rinishda aks ettirishi sababli fikrlashni rivojlantiradi.

Maktabda birinchi sinfdan o'ninchi sinfgacha ko'rsatmalilikning ana shu barcha turlaridan foydalaniladi, lekin, tabiiyki, boshlang'ich sinflarda o'quvchilarning yoshini hisobga olib, ularga bevosita kuzatishlarni, shu asosda fikrlash va faoliyat olib borishni topshirish, yuqori sinflarda o'quvchilarning mustaqil va mantiqli fikrlashi rivojlanishiga ko'ra simvolik va grafik kuzatishlarni ko'proq qo'llash maqsadga muvofiq bo'ladi.

Ko'rsatmalilik o'quvchilar o'rganiladigan u yoki bu narsalar to'g'risida muayyan tasavvurga ega bo'lmagan paytda juda zarur. Ammo shuni ham unutmaslik lozimki, ko'rsatmali qo'llanmalarni namoyish etishga tayyorlanmaslik yoki ularni noto'g'ri tanlash faqat zarar keltiradi.

Bugungi kunga kelib milliy tarbiya tizimida ham internet o'qituvchi hayoti va faoliyatining bir qismiga aylanib bormoqda. Chunki u yangi ma'lumotlar olishning eng qulay va ko'nikilgan manbaiga aylandi.

Bulardan tashqari, o'z faoliyatlarida internet darslar tashkil qilishda ham foydalanadilar:

- o'quvchilarni sinfda va sinfdan tashqari o'qishini tashkil etadilar;
- o'quvchilarning internetdan to'g'ri foydalanishlariga ko'maklashadilar;
- tarbiyalanuvchilarining jamoa bo'lib ishlashlarini tashkil etadilar;
- o'quvchilarning ma'lumot olish imkoniyatlarini oshiradilar.

Bularning barchasi o'qituvchining kasbiy faoliyatini sifatli amalga oshirishga imkon beradi. Buning uchun o'qituvchilarning quyidagilarni amalga oshirishi maqsadga muvofiqdir:

- o'quvchilarga yuklanadigan topshiriqlar hajmini aniqlab olish;
- o'z an'anaviy o'qitish usullari bilan birga zamonaviy internet materiallaridan foydalanish;
- internet orqali hamkasblar darslarini kuzatish, zarurat tug'ilsa, ularning tajribalaridan o'z amaliyotida foydalanish.

Bundan tashqari, nafaqat o'qituvchilar, balki o'quvchilar

ham sinfda yoki kutubxonada internet orqali zarur o'quv materiallarini topishi, topgan materiallarini o'rtoqlari bilan bo'lishishi, bilimlarini, uy vazifalarini o'qituvchisiga internet orqali topshirishlari ham mumkin. O'qituvchi va o'quvchilarning internet orqali doimiy muloqoti bu faoliyat samaradorligini ham ta'minlaydi.

Internetdan izlash tizimi o'quvchilarga har xil yo'nalishdagi multimediyaga ma'lumotlarini tanlash imkoniyati bilan taqdim etadi. O'quvchilar har xil ma'lumotnomalar, ensiklopediyalar va o'quv materiallariga kirish, eng so'nggi yangiliklardan xabardor bo'lish imkoniyatiga ham ega bo'ladilar. Internet imkoniyatlari bugungi kunda shunchalar kattaki, u har xil masalaning uyda yoki maktabda, o'tirgan joyidan qimirlamay yechimini topish imkoniyatini yaratadi. Ma'lumotlar omboriga: kutubxonalar, fonotekalar, filmotekalar orqali kiriladi. Bu shakldagi qidirish serverlari bilan ishlash aynan nimani qidirish kerakligini aniq bilganda qulay va oson kechadi.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Internet tarmog'ida materiallarning turfa multimedialar mavjud. O'quvchilar mavjud materiallar orasida muhimini va zarurini tanlab olishlari qiyin kechadi. Shu bois qidiruv serverlariga murojaat qilish maqsadga muvofiq deb topilgan. Ularda ham har xil mavzularga yo'naltiruvchi bunday serverlar foydalanuvchilarning talablariga binoan zarur manbani qidirishga kirishadi.

O'qituvchilarning darslarida internet texnologiyalaridan foydalanishi darslarni ham, o'quv fanini ham belgilab qo'yilgan vaqt me'yorida chiqib ketishiga sabab bo'lmoqda. Sababi o'quvchining bilimlarni o'zlashtirishga bo'lgan qiziqishi, dars tugashi bilan to'xtab qolmaydi. Bola qiziqdimi demak, izlanadi.

Maktab va oliy o'quv yurtlari kutubxonalarining internetga ulanishi o'quvchi va talabalarning qidirish, to'plash, ma'lumotlarni qayta ishlash ehtiyojlarini qondirishga xizmat qilmoqda. O'z navbatida ta'lim maqsadi va DTS talablariga muvofiq vazifalarni amalga oshirish imkoniyatlarini ham kengaytirmoqda.

Zamonaviy maktabning vazifasi o'quvchi shaxsining muvaffaqiyatli taraqqiyotini ta'minlash, uning rivojlanishida muhim ahamiyatga ega bo'lgan ma'naviy fazilatlarini oshirib o'quvchining dunyo miqyosidagi ma'lumotlar olamida teng huquqli foydalanuvchi sifatida shakllana, borishi garovidir.

Maktab va oliy o'quv yurtlari ta'lim-tarbiya jarayonida internet texnologiyalari, telekommunikatsion vositalardan tizimli foydalanilishi, xodimlarning innovatsion vositalar ko'magida ish

yuritishi darslarning maqsadi, o'quv rejasi, dars shakllari va metodlaridan o'quvchilarni o'qitishda qanchalik qo'l kelayotganini kuzatish imkonini ham bermoqda.

O'qituvchi dars rejasini noan'anaviy, nisbatan qiziqarli tarzda tuzish va shu asosda darsni tashkil etish uchun u internet orqali ko'rgazma materiallar (suratlar, jadvallar, fotosuratlar)dan, multimediya materiallaridan foydalanadi. Har xil tanlovlar, ko'rgazmalar, grantlarda qatnashish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Dunyo miqyosida maktablar internet-texnologiyalarining yangi bosqichiga, ya'ni o'quv rejalarida alternativ ta'lim elementlarini qo'llashga o'tib bormoqdalar. Bu bilan ba'zi o'quv muammolarini hal qilishga erishmoqchilar.

Bu nafaqat o'qituvchilar, balki o'quvchilarga ham o'quv maqsadlarini amalga oshirishni, dunyoqarashini kengaytirish, bilimlarini orttirish va shaxsini to'g'ri shakllantirishga imkoniyat yaratishi nazarda tutilgan. O'quvchilar har xil saytlardan o'zlariga qulay sharoitlarda ta'lim olishlari mumkin. Bunda asosiy mas'uliyat bolalarga yordam berish va ularni yo'naltirish vazifasi ota-onalarga yuklatiladi.

Yangi zamonaviy informatsion texnologiyalar orqali o'quvchilar bilimlarni istagan joylarida olishlari mumkin. Ma'lum mutaxassislik bo'yicha bilimlarni, dunyoqarashini kengaytirish va malakalarini oshirishda zarur bo'ladigan ma'lumotlarni uyda o'tirgan holda dunyo miqyosidagi kutubxonalardan olish imkoniyatiga ega bo'ladilar. O'quvchilarda dunyo bo'ylab tengdoshlari bilan muloqot imkoniyatlari paydo bo'ladi. Ular boshqa o'qituvchilar, dunyo miqyosidagi olimlar, mutaxassislardan o'zlariga kerakli ma'lumotlarni olish imkoniyatini qo'lga kiritadilar. O'quvchilar internet-bilimlarni kompyuterlashtirilgan sinflarda o'tirib mustaqil ravishda olishlari mumkin.

Intemet-texnologiyalar bolalarga ta'lim berish va ularni tarbiyalashdan tashqari bolalarning ma'lumotlar bilan to'yinish muammosini ham keltirib chiqaryapti. Bundan tashqari, o'quvchilar ayrim nokompetent saytlardan yolg'on ma'lumotlarni ham olyaptilar.

O'quvchilar internet ma'lumotlar oqimiga kirib tayyor ma'lumotlanii olish bilan birga mavjud mavzu bo'yicha o'z nuqtai nazariga ham ega bo'lishlari kerak. O'quvchi bu masalani mustaqil ravishda hal qilolmaydi. Bu degani, o'quvchini ma'lumotlar oqimida yolg'iz qoldirish mumkin emas.

Qisqa qilib aytganda milliy maktabni zamonaviy informatsion texnologiyalarsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Kompyuter texnologiyalaridan foydalanib dars o'tish boshlang'ich sinflar o'qituvchilari va o'quvchilari uchun ham oddiy ta'lim jarayoniga aylanib bormoqda. Lekin

internetdan oqilona foydalanish uchun avval bolalarning saviyasiga ishlash, ma'naviyatini sog'lom shakllantirish, ruhiyatini tozartirish to'g'ri keladi.

Bugun internet butun ijtimoiy hayotni qamrab olmoqda. Internetdan foydalanuvchilar va informatsion sahifalarning soni kundan kunga ortib bormoqda. Internet, eng avvalo, ma'lumotlar tarmog'i. Juda katta ma'lumotlar hajmi internetni ma'lumotlar qidirishda tengsiz tarmoqqa, manbaga aylantirib qo'ymoqda. Bu tarmoqdan nafaqat o'qituvchi, o'quvchilar ham foydalanib, o'zlariga kerakli ma'lumotlarni olmoqdalar. Bugungi talabalar bilim va ma'lumollarni kitoblardan emas, osongina uyda o'tirib internetdan qidirmoqdalar. Bugun o'quvchilar ham internet resurslaridan unumli foydalanishga ehtiyoj sezmoqdalar. Ota-onalar ham, maktab ham o'quvchilarining veb-imkoniyatlardan samarali foydalanishlariga e'tibor qilishlari, masalan. -yo'nalishli onlayn konferensiyalarda qatnashishlari, o'z saytlarini tuzish ishlarida foydalanishlarini nazorat qilishlari, ularni foydali ishlarga yo'naltirishlari maqsadga muvofiqdir.

Mutaxassislar farzandlarini internetdan foydalanishni ta'qiqlagan ota-onalarni ham ayblamoqdalar. Bu, o'z navbatida, bolalarga tengdoshlari bilan muloqotda bo'lishga, tengdoshlaridan ortda qolishga, ota-onalarga nisbatan salbiy munosabat paydo bo'lishiga olib kelishini ta'kidlamoqdalar.

Bugungi kunda, ta'lim tizimining har bosqichini axborot-kommunikatsiya texnologiyalarisiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Kundalik hayotda media-texnologiyalarining o'rni tobora kengayib bormoqda. Katta hajmdagi yangi axborotlar, reklamalar, televideniya ko'rsatuvlarida kompyuter texnologiyalaridan foydalanish, kompyuterlar va ulardan foydalanish talabalarining ta'lim-tarbiyasi, ularning atrofdagi voqea-hodisalar to'g'risidagi tasavvurlari, tafakkuri hamda idrokiga katta ta'sir etmoqda.

Ilgari talabalar istalgan mavzuga oid axborotlarni: darslik, ma'lumotnoma adabiyotlar, o'qituvchi beradigan saboqlar, darsni konspektlashtirish vositasida egallagan bo'lsalar, bugungi kunga kelib, asosan, elektron darsliklar, internet orqali o'zlashtirmoqdalar. Shu sababli ham o'qituvchi zamonaviy voqelikka to'g'ri yondashgan holda ta'lim jarayoniga axborot uzatishning yangi metodlarini olib kirishi zarur.

Katta hajmdagi axborotlarni har bir talaba qisqa vaqt mobaynida o'zlashtirishi, ongida shakllantirishi va amaliy faoliyatida foydalana olishni bilishi zarur. Zamonaviy texnika vositalaridan foydalanilgan darslarda har bir talaba o'zini erkin his etib, faol ishtirok etishi, darsga qiziqish bilan yondashib, ijodiy fikrlashi, o'z mehnati samarasini ko'rib, uni baholay olishi zarur. Oliy maktab domlasi axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan

foydalanib dars o'tishga tayyorgarlik ko'rishda bu jiddiy ta'lim dasturiga oid dars materiali ekanligini unutmasligi zarur.

Axborot kommunikativ texnologiyalardan foydalanishning afzalligi: ta'limni individuallashtirish, talabalarning mustaqil ishlarini mujassamlashtirish; darsda amalga oshirilgan topshiriqlar hajmining oshishi; internetdan foydalanilganda axborot oqimi doirasining kengayishi natijasida o'zlashtirishda faollik, darsda motivatsiyaning kuchayishini ko'rish mumkin.

Darslarni axborot kommunikativ texnologiyalardan foydalanib tashkil etishda o'qituvchi o'z mehnatining ko'p qismini kompyuterga yuklashi mumkin bo'ladi. Bu bilan darsni yanada qiziqarli, rang-barang qilib, mazmunan boyitadi. O'qituvchi o'quvchining bilimini o'z vaqtida xolisona baholab boradi, ularga noan'anaviy saboq berish usullarini topishga ijodiy yondashadi. Bu o'qituvchining kasbiy jihatdan rivojlanishiga ham asos bo'ladi.

O'quvchining bilimini qisqa vaqt mobaynida aniqlab, uni to'g'ri yo'naltirishida o'qituvchi oldida qulay imkoniyat yaratiladi. Bundan tashqari, o'quvchi olishi kerak bo'lgan axborotni hali davr talabiga mos vaqtida, o'z dolzarbligini yo'qotmasdan olish imkoniyati mavjudligi va topshiriqning murakkablik darajasini to'g'ri baholash sharoiti yaratiladi.

Shunday bo'lsa-da, o'z kasbining mahoratli sohibi bo'lgan o'qituvchi tomonidan o'zining chuqur bilimi, katta tajribasiga tayangan holda, axborot kommunikativ texnologiyalardan foydalanib o'tkazgan dars mashg'ulotlari, talabalar ko'z oldida namoyish etilgan media mahsulotlari, ko'rgazmali materiallari asosida yanada qiziqarli bo'lib, oson o'zlashtiriladi va ularda mustaqil fikrlash hamda o'z ustida ishlash malakalarini mustahkamlaydi.

Oliy maktab ta'limi jarayonida axborot kommunikativ texnologiyalardan foydalanib dars o'tishni o'zlashtirib olgan bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari o'z amaliy faoliyatlarining samaradorligini ta'minlashda ham internet ma'lumotlariga murojat qiladilar.

Xulosa qilib aytganda, ko'rgazmalilikning zamonaviy usullari bilan birga an'anaviy tamoyillaridan ham o'rni bilan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Ayni zamonda, o'quvchilarning zamonaviy axborot texnologiyalariga oqilona yondashishini nazorat qilish ham o'qituvchining bugun paydo bo'lgan yangi vazifasidir.

Abdulla Avloniy. "Aqlli qarg'a"ertagi

Amaldagi birinchi sinf "O'qish kitobi"darsligida Abdulla Avloniy qalamiga mansub "Aqlli qarg'a" nomli ertagi o'rganish uchun taqdim etilgan": *"Yoz fasli jaziramasida hamma yoqda*

suvlar quribdi. Bechora qarg'a suv yo'qligidan chanqab, juda qiynalibdi. Har tarafdin suv axtarar ekan, birovning oldida turgan ko'zan i ko'rib qolibdi, Ko 'zoning yoniga kelib qarasa, ichida suv bor ekan. Lekin bo'ynini suqib ichay desa, bo'yi yetmabdi. Shunda u tumshug'i bilan toshlami yig'ib, ko'zaning ichiga tashlay boshlabdi. Birozdan so'ng ko'zaning ichidagi suv uxtiga chiqibdi. Aqlli qarg'a suvdan ichib, tashnalik balosidan qutulib, uchib ketibdi". Bu hikoyani o'rganishni birinchi sinf o'quvchilarga qiziqarliroq o'tish uchun kompyuterdan qarg'alarining har xil holatdagi suratlarini topib ekranda namoyish etiladi. Rus tilidagi "Vikipediya" dan qarg'alarining tashqi ko'rinishi, oziqlanishi (hatto bolalarga qarg'aning ovozi ham eshittirish mumkin), yashash tarzi haqida ilmiy ma'lumotlar beriladi. Qarg'aning aqlliligini hayotiy haqiqatlar misolida ham o'quvchilarga ma'lumotlar beriladi. O'quvchilar qarg'a haqida umumiy tasavvurga ega bo'lganlaridan so'ng yuqoridagi matn o'qib eshittiriladi. Darslikda mazkur matn mazmuni yuzasidan: "Qarg'a jaziramada nega qiynalibdi?" va "Sarlavha nega «Aqlli qarg'a» deb nomlangan?" tarzidagi ikkita savol berilgan, xolos. Bu bilan o'quvchilar matnning mohiyatiga ham kirolmaydilar, Abdulla Avloniy nazarda tutgan sifatlarni ham farqlay olmaydilar. Hikoya matni bilan tanishtirgan o'qituvchining o'zi savol va topshiriqlar tuzishga majbur bo'ladi.

1. Yaxshilab o'ylab ko'ring-chi, yoz fasli jazirasida suvlar nega va qanday qilib quriydi?

2. Qarg'alar haqida hozir eshitganlaringiz ilmiy ma'lumotlarni eslang. Ular O'zbekistonda, asosan, qaysi faslda yashashadi?

3. Qarg'aning aqlliligini nimada ko'rdingiz?

4. Qarg'aning bo'yni suvga yetmagani sababini uning rasmiga qarab asoslab bering.

5. O'ylab ko'ringchi, ko'zachaga qarg'a tashlangan losh bilan suv ko'tariladimi? Istaangiz, buni amalda tekshirib ko'ring.

Shu tariqa savol va topshiriqlar ustida ishlanib, internet materiallaridan oqilona foydalanilib o'tilgan dars birinchi sinf o'quvchilarining dunyoqarashini boyitadi, bilimni orttiradi, saviyasini ko'taradi, mustaqil va mantiqli mulohaza yuritishga o'rgatadi. Aks holda badiiy matnlar o'qilgan joyida qolib ketaveradi.

XULOSA

Xulosa qilib aytganda, boshlang'ich sinflarda zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish o'quvchilarni mustaqil fikrlashga, ijodiy izlanish va mantiqiy fikrlashlarini kengaytirish bilan birga ularni darslarda

o'rganganlarini hayot bilan bog'lash hamda darsga qiziqishlarini oshirishga yordam beradi. O'qituvchilarning bunday zamonaviy talablar asosida yaratilgan sharoitlardan samarali foydalanib, darslarni ilg'or pedagogik hamda axborot kommunikatsiya texnologiyalari asosida tashkil etilishi ta'lim-tarbiya jarayonini sifatini kafolatlaydi. Aytish joizki, multimedia ilovalarini har bir darsda qo'llash natijasida o'quvchilarda mustaqil, ijodiy fikrlash yanada rivojlanadi. Xulosa sifatida aytish mumkinki, axborot kommunikativ vositalarining boshlang'ich sinf darslarida qo'llanilishi va darsning sifati va samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh.M. "Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz" -T.: "O'zbekiston", 2017
2. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi. 2019-yil 29-aprel, PF-5712-sonli farmoni.
3. Uzviylashtirilgan Davlat ta'lim standarti. -T.: "Yangiyo'l poligraf serves", 2010
4. Umarova M., Hamraqulova X., Tojiboyeva R., O'qish kitobi (3-sinf uchun darslik) -T.: "O'qituvchi", 2016.-2117 bet
5. G'affarova T., Shodmonov E., Eshturdiyeva G., O'qish kitobi (1-sinf uchun darslik) -T.: "Sharq" 2017. -127bet
6. Husanboyeva Q. Adabiy ta'lim jarayonida o'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatishning ilmiy – metodik asoslari, Ped.fan .dok..diss..-T.:22006.-262bet

AMIR TEMURNING HARBIY FAOLIYATI

Do`stmuhammad Shavqatulloyev
Zarif Shuhrat o`g`li Toshboltayev
Islombek Gulshanbek o`g`li Jo`ramurodov
ma6069054@gmail.com

ANNOTATSIYA

Sohibqiron Amir Temur o`zining 35 yillik hukimronligi davrida yurtining tinchligi va osoyishtaligi uchun o`z davrining qudratli hukmdorlariga qarshi kurashishga tayyor turgan. Temur harbiy yurishlar davomida dushmanlariga tinim bermagan va bu uning g`alabalarida katta rol o`ynagan. Ko`pchilik tarixchilar uch buyuk sarkardalar qatoriga Aleksandr Makedonskiy bilan Chingizxonlar qatoriga Amir Temurni ham qo`shishadi va ular ichida Temurni faoliyatiga yuqori baho berishadi. Bu to`g`ri fikr , sababi Aleksandr uchun ham, Chingizxon uchun ham o`z davrida munosib raqib topilmagan. Amir Temurning raqiblari esa o`z davrida butun Yevropa va Rusni tahlikaga solgan hukimdorlar edi. Temur o`z davridamag`lubiyatga uchragan vaqtlari ham bo`lgan, lekin o`zida kuch topib doim yurti tinchligi uchun qayta olgan.

Kalit so`zlar: Loy jangi, Xuroson, Kepakxon, Chirchiq, Chinoz, Anqara, Xiva, Seyiston, Chistopl, Gruziya, Armaniston, Samara, O`tror, Terek, Qunduzcha.

KIRISH

Amir Temur Vatznimiz tarixida , o`zbek davlatchiligi taraqqiyotida beqiyos xizmat ko`rsatgan shaxs. Amir Temur jahon xalqlari tarixida buyuk davlat arbobi, mashxur sarkarda sifatida rtirof etilgan buyuk siymodir. Afsuski , Amir Temur nomi mustamlakachilik davrida inkor etilib, avlodlar nazaridan chetga surilib kelingan edi. Biroq o`z zamonasida o`zbek davlatchiligini qayta tiklagan, uni yuksak rivojlanish pog`onasiga ko`targan, jahonga shuxrat taratgan Amir Temurning tarixiy xizmatini jahon afkor ommasini nazaridan yashirish, uni qatag`onlik zanjirida ushlab turish vaqti o`tdi. Milliy istiqlol tufayli o`z ona tariximizni xolisona yoritish, tarixiy haqiqatni qaror toptirish barobarida Amir Temur bobomizning nomini, nuroniy qiyofasini tiklash baxtiga muyassar bo`ldik.[1]

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Amir Temur qadim zamon va o`rta asrlarda faoliyat ko`rsatgan uch buyuk sarkardalarning biri hisoblanadi. Bular:



Aleksandr Makedonskiy, Chigizxon va Amir Temurlardir. Ular turli davlarda, bir-biridan tubdan farq qiluvchi tarixiy sharoitlarda faoliyat ko'rsatishgan. Shu sababli ularni solishtirish qiyin. Shunday bo'lsada fransuz va rus tadqiqotchilari bu buyuk sarkardalarning hayotini o'rganib, eng yuqori bahoni Amir Temurga berganlar. Fikrimizcha buning sabablari quydagilardan iborat:

Aleksandr Makedonskiy taxtni otasidan meros qilib olgan bo'lsa, Chingizxon katta farzand bo'lganligi tufayli taxtga da'vogarlik qilish huquqiga ega edi. Amir Temur barlos urug'ining nufuzli beki oilasida tug'ilgan bo'lsada, tengdoshlari nazarida taxtni egallash huquqiga ega emasdi. U nimaga erishgan bo'lsa, bu uning harakati, intilishi, tashkilotchilik va harbiy qobilyatining natijasi bo'ldi.

Aleksandr Makedonskiy o'z harbiy faoliyati davrida birorta ham o'ziga munosib raqib uchratmagan. U asosan 1 ta davlat, ya'ni Ahamoniylar saltanatiga qarshi kurashgan. Munosib raqib bo'lishi mumkin bo'lgan Spitamenning ixtiyorida qo'shin son jihatdan ham, salohiyat jihatdan ham yirik bo'lmagan. Chingizxon o'ziga munosib raqib sifatida faqat Sulton Jaloliddinni hisoblagan. Amir Temur esa Oltin O'rda va rus knyazligini egallagan To'xtamishni, Yevropaning birlashgan qo'shinini yengan Usmonlilar Sultoni Boyazidni va o'z davrining qudratli hukmdorlaridan biri, Shimoliy Afrika va G'arbiy Osiyo hududlarini bosib olgan Misr sultoni Faradjni mag'lubiyatga uchratib, tarixiy taraqqiyot jarayonlarini boshqa yulga burib yuborgan edi. [2]

Kepakxon vafotidan so'ng ko'chmanchi qabilalarning xonlari va beklari o'rtasida hokimiyat uchun o'zaro kurashlar boshlanib ketadi. So'nra hokimiyat tepasiga qozonxon kelib, Kepakxonning siyosatini davom ettiradi. Lekin Chig'atoy urug'ining boshliqlari bu siyosatga qarshi chiqishdi. Kurash yana avj olib ketdi. Qozonxon uldirildi. Movarounnahrda Qozog'on egalik qilib, Hirotni bosib olishga harakat qiladi. Lekin u ov vaqtida uldirildi. Shundan keyin Movarounnahrda kuchli hukmdor qolmadi. Nizoyu adovat yil sayin kuchayib borar, davlat parokandalikka uchragan edi. Bu hol Mug'uliston xoniga Movarounnahrni egallab olish uchun qulay imkoniyat yaratadi. Tug'luq Temur 1360-1361- yillarda Movarounnahrda bostirib kelganida o'zaro urushayotgan xonu beklar unga qarshilik ko'rsata olmadi. Yosh Temur ham dastlab bunga jurat qilolmadi, aksincha, uning xizmatiga kiradi. Mug'uliston xoni Xurosonga qochgan Hoji Barlos o'rniga 25 yoshli Temurni kichik, lekin boy bo'lgan Shahrizabz tumaniga hokim etib tayinlaydi. [3]

Tug'luq Temur o'ziga nisbatan Temurbekning sadoqatini his eta boshlagach, Mug'ulistondagi amirlar isyonini bostirish maqsadida Movarounnahrni boshqarib turish yorlig'ini Temurga

berib, o'zi Jeta tomonga ketadi. Ammo Temur mug'ullarga uzoq vaqt xizmat qilmaydi. Vaqt o'tib Tug'luq Temur o'z ahdini buzib, Movarounnahrda ikkinchi marta qo'shin tortib kelib, hokimyatni Temurdan olib, tajribasiz yosh o'g'li Ilyosxo'jaga topshiradi. Temur ana shu davrdan boshlab mug'ullarga xizmat qilishdan bosh tortib, markazlashgan mustaqil davlat barpo qilish uchun mug'ullar istibdodiga qarshi kurashadi. Temur o'z yigitlari bilan birga Badaxshonga chekinib, maslakdoshlar qidiradi va Badaxshondan Xorazmga tomon harakatlanadi. Xorazm tomon yul olgan yul-yulakay Balxda to'xtab uncha katta bo'lmagan qo'shin bilan viloyat hokimi Amir Husayinni o'z yuliga tortadi. Amir Temurni Xorazmda paydo bo'lganidan xabar topgan va uni o'ldirish to'g'risida Ilyosxo'jadan maxsus topshiriq olgan Xiva hokimi To'kal Bahodir 1000 otliq jangchilar bilan Temurga hujum qiladi. Bu jangda Temur oz sonli yigitlari bilan To'kal Bahodirning ming kishilik qo'shinini tor-mor keltiradi. Jang oqibatida Xorazm askarlaridan 50 kishi, Amir Temur kuchlaridan esa 10 kishi – 7 ta otliq va 3 ta piyoda xurosonlik qoladi. Temur yana o'z qo'shinlari sonini oshirish maqsadida turli viloyatlar buylab harakalanadi va janubdagi bazi bir hududlarni egallaydi. [4]

1361-yilda Temur Amir Husayn bilan yaqinlashib ikki hokim birlashgan holda, mug'ul xonlariga qarshilik ko'rsatish imkoniga ega bo'ladilar. Temur hayotida ro'y bergan va bir umrga unga tan jarohatini muhrlagan voqea 1362-yilda Seyistonda bo'lib o'tgan. Amir Temur jang vaqtida o'ng qulining tirsagidan va o'ng oyog'idan kamon o'qi tegishidan qattiq jarohatlanadi.

Tug'luq Temur o'limidan so'ng, 1363-yilda Movarounnahr tuprog'idan haydalgan mo'g'ul xoni Ilyosxo'ja yangidan katta lashkar bilan avvagi mulklarini egallab olish maqsadida Movarounnahr tomon harakat qila boshlaydi. Mug'ul xoni ayniqsa o'zining raqiblariga nisbatan qahr kayfiyatida ekanligi ham ma'lum edi. 1363-1364-yillarda Temur va Husayn mug'ullarni uch marotaba mag'lubiyatga uchratishdi. Temur va Husayn bo'lg'usi qaqshatqich to'qnashuvga imkon boricha harbiy kuchlarni yig'ishdi. Tarixda " Loy jangi " nomi bilan kirgan mazkur jang Chinoz bilan Toshkent o'rtasida 1365-yilning 22-may kuni bo'lgan. Jangda Amir Temur Husaynning sust va layoqatsizligi sabali mag'lubiyatga uchraydi va Samarqandga qaytib ketadi. Bu sharoitda Samarqand mudofasini sarbadorlar o'z qullariga olishadi. Harakat qatnashchilarining asosiy maqsadi mug'ul istilochilari va zulm o'tkazuvchi mahalliy qatlamlarga qarshi kurash edi. Mudofa rahbarligiga Mavlonzoda qatoriga Xo'rdak Buxoriy va Abu Bakr Kalaviy ham qo'shildilar. Shaharni mudofalanganligidan xabarsiz qolgan mug'ullar uni bir urinishdayoq egallab olishlariga ishonar edilar.

Hujum boshlanishi bilan mug'ullar qo'shiniga Mavlonzoda boshliq sarbadorlar kamonlar yordamida dushmanga katta talofat yetkazishadi. Keyingi qamalga tayyorgarlik paytida Ilyosxo'ja lashkarlari orasida yuqumli kasallik tarqala boshlaydi. Buning natijasida zaiflanib qolgan ilyosxo'ja dastlab Samarqandni, keyinchalik butun Movarounnahrni tashlab chiqib ketishga majbur bo'ladi.[2]

Amir Temurning keying jushqin faoliyati davomida uning Amir Husayn bilan dustligi, ittifoqi mustahkam bulmaydi. Tabiatan shuhratparast, hokimyatparast Amir Husayn qanday qilib bulmasin Amir Temurga pand berish, unga xiyonat qilishdan qaytmaydi. Vaziyat taqazosi bilan Amir Temur Amir Husayn o'rnashib olgan Balxga 1370-yil bahorida qo'shin tortib bordi va uni mag'lubiyatga o'chratadi. Shundan so'ng Amir Temur Movarounnahrning yagona hukumdori bo'lib qoladi. Temur hukmronligining dastlabki davrlarida yani 1370-yil oxiri va 1371-yil boshida Sharqiy Turkiston tomon yurush qiladi. Mug'ul xoni Kepak Temurga qaqshatqich zarba berilishi orqasidan Farg'ona mulklari va boshqa hududlarni egallaydi. Tarixiy manbalarda Temur Mo'g'uliston tomon 7 marta yurush qilganligi aytib o'tilgan.

O'z tasarrufida Qashqar, Issiqko'lva Yettisuv vohasini birlashtirgan hamda 1369-yili Ilyosxo'jani taxtdan ag'darib, Mo'g'uliston xoni bo'lib ko'tarilgan Qamariddin bilan 1370-1389-yillar davomida Amir Temur hayot-mamot janglarini olib boradi. Bu janglardagi g'alaba Movarounnahrqa qarashli asosiy sharqiy hududlarni Temur yana o'z tarkibiga qo'shib oladiki, bu o'zbek davlatchiligining vujudga kelishida hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. [1]

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Amir Temur Xorazmni ham qaytadan Movarounnahrqa kiritishga intildi. 1372-yilda Husayn So'fi Amir Temurga boj to'lamasdan, buning ustiga Temur tomonidan yuborilgan elchiga shunday javob berdi: << Men mamlakatni qilich bilan fath etganman, shuning uchun ham uni faqat qilich bilan olish mumkin >>. Usha yili Amir Temur Xorazimga qo'shin tortib keldi. Urganchga borish uchun Qiyot shahridan o'tish kerak edi. Bu shahar biroz qarshilikdan so'ng Temur qo'shini tomonidan ishg'ol qilinadi. Buni eshitgan Husayn So'fi Amir Temurga itoat qilishga rozi bo'ladi. Biroq Husayn bir qancha vaqtdan keyin yana bosh ko'taradi va yana mag'lubiyatga o'chrab Urganch qal'asiga berkinadi va tez orada vafot etadi. Undan so'ng akasi Yusuf So'fi hokimyatga keladi va Temur bilan tinchlik shartnomasini tuzadi. Ammo u ham keyinchalik Temurga qarshi bosh ko'targanidan so'ng 1373-1374-yillarda Amir Temur ikkinchi marta Xorazmga yurush qiladi va g'alaba qozonadi. Shunday

qilib Amir Temur Xorazmni uzil-kesil bosib olish uchun jami besh marotama yurush qilishga majbur bo'ladi va nihoyat 1388-yilda to'liq bosib oladi [2]

1388-yili Temur Urganchni egallab Sulaymonni va So'fiylar sulolasini yo'qotdi, Urganch aholisini Samarqandga ko'chiradi. 1391-yili Temur shaharni tiklashni buyurdi, ammo faqat bitta dahani tiklash mumkin bo'ldi xolos. Shunday qilib 1390-yili O'rta Osiyoning butun hududi Temurning qo'l ostida birlashdi.

1389, 1391 va 1394-95-yillari Temur To'xtamishga qarshi uch marta yurush qildi, ora-orada Eron, Kavkaz, Rusning janubiy chegaralariga qo'shin tortib to'rdi. 1391-yili Temur 200 ming kishilik qo'shin bilan hozirgi Qozog'iston cho'llariga yul oldi. 18-iyun kuni u hozirgi Samara va Chistopl shaharlari orasidagi Qunduzcha degan joyda To'xtamishni tor-mor keltiradi. To'xtamish 1395-yili Shimoliy Kavkazdagi Terek daryosi vodiysida ham mag'lubiyatga uchraydi. Shundan so'ng Temur poytaxt Saroy Berkani bosib oldi, taladi va o't quyadi moddiy boyliklarni o'z yurtiga olib ketadi. Saroyning 1395-yildagi halokati 1380-yildan keying yakunlovchi zarba bo'ladi. Shundan so'ng Oltin O'rda o'zini o'nglay olmadi. Zamondoshlar Temurning Rus uchun bu xizmatini baholay olishmadi, rus yilnomachilari Janubiy Rusning bir qancha shaharlarini vayron qilgani uchungina u haqida nihoyatda salbiy fikr bildirishadi.[3]

XULOSA

Amir Temurning bir mamlakatga qilgan yurishlari uning boshqa mamlakatlarga qilgan yurishlari bilan ketma-ket borganligini urush voqealari ko'rsatib turadi. Amir Temur Ozarbayjonga bir necha bor yurish qilib va 1387-yilda uni buysundirishga muvaffaq bo'ladi. Armaniston va Gruziyani Temur 1392-yilda buysundiradi. Temurning uzoq Hindistonga yurishi 1398-yilda yakunlanadi. Sohibquron Amir Temurning harbiy mahorati shunda ediki, u o'z dushmanlarini erkin nafas olishga qo'ymagan. 1400-yilda Amir Temur qo'shini Turk sultoni Boyazid I va Misr sultoni Faraj bilan kurash olib boradi. 1402-yilda Amir Temur Anqara yaqinida Boyazid bilan ikkinchi marta to'qnashadi va uni tor-mor etadi. Amir Temur 1404-yilning oxirida Xitoyga qarab yulga chiqadi. O'sha yili qish O'rta Osiyo tarixida eng qahraton qish bo'ladi. Sirdaryoning suvi 1 metrga muzlagan, askarlardan ko'pini, quloq- burunlarini, qul-oyoqlarini sovuq olgan edi. Temur ham shamollab qoladi va O'trorda to'xtashga majbur bo'ladi. 1405-yil 18-fevralda Temur O'trorda vafot etadi.

REFERENCES

1. Q. Usmonov, M. Sodiqov, N. Oblamurodov, O'zbekiston Tarixi: Toshkent- 2002
2. R. Xoliqulov, K. G'aniyev, M. Nasrullayev, O'zbekiston Tarixi: Samarqand – 2019
3. O'zbekiston Xalqlari Tarixi, Toshkent-1992.
4. O'quv uslubiy majmuasi, O'zbekiston Tarixi, Denov-2020



KIMYO FANIDAN MASALA YECHISH DARSLARIDA KOMP'YUTER TEXNOLOGIYALARI ELEMENTLARIDAN FOYDALANISH

Roziya Muxtor qizi Umarzakova
Kamaridin O'rinovich Komilov

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

ANNOTATSIYA

Maqolada o'rta maktab kimyo mashg'ulotlarida o'quvchilarga masala yechishni o'rgatishda, axmorot-kommunikatsion texnologiyalardan foydalanishni samaradorligi haqida so'z borgan. Bu borada olib borilgan ishlar batafsil aytib o'tilgan va misollar bilan asoslangan.

Kalit so'zlar: kimyo, masala, yondashuv, AKT, mashg'ulot, usul.

ABSTRACT

The article discusses the effectiveness of the use of information and communication technologies in teaching students to solve problems in high school chemistry classes. The work done in this regard is described in detail and based on examples.

Keywords: chemistry, problem, approach, ICT, training, method.

KIRISH

Kimyoviy muammolarni hal qilishni o'rganishga har doim katta ahamiyat berilgan. O'qituvchi boshqarishi mumkin bo'lgan dasturlarda muammolarni hal qilishga o'rgatishning tizimli yondashuvi qo'yilgan bo'lib, uning muntazam bajarilishi o'quvchilarda kimyoviy fikrlashni shakllantirishga imkon beradi[1]. Biroq, kimyo fanini o'rganishga ajratilgan soatlarning kamligi, maktab o'quvchilarining ko'pchiligida kimyoviy muammolarni hal qilishni o'rganishning ichki motivatsiyasining yo'qligi va boshqa bir qator sabablar bu yondashuvni to'liq amalga oshirishga imkon bermaydi. O'quv dasturiga muvofiq olib boriladigan sinfda, individual, guruhli, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlarida kimyoviy masalalarni hal qilish, odatda, talabalarning haddan tashqari yuklanishiga olib keladi, garchi ular hech bo'lmaganda odatdagi muammolarni echish ko'nikmalariga ega bo'lishlariga kafolat bermasa. kimyo fanidan. Muammolarning bir turini yoki ularni echish usulini o'zlashtirmagan va etarli darajada ishlab chiqmagan talabalar boshqa materialni o'rganishga o'tishga



majbur bo'lishadi. Ular keyingi turdagi vazifalarni mutlaqo yangi va allaqachon ma'lum bo'lgan narsalar bilan bog'liq bo'lmagan narsa deb bilishadi. Natijada, o'quvchilarning katta qismi kimyoviy muammolarni hal qilishda umumiy yondashuvni ishlab chiqa olmaydi va ularni hal qilish qobiliyatiga ega emas[2].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Muammolarning bir turini yoki ularni echish usulini o'zlashtirmagan va etarli darajada ishlab chiqmagan talabalar boshqa materialni o'rganishga o'tishga majbur bo'lishadi. Ular keyingi turdagi vazifalarni mutlaqo yangi va allaqachon ma'lum bo'lgan narsalar bilan bog'liq bo'lmagan narsa deb bilishadi. Natijada, o'quvchilarning katta qismi kimyoviy muammolarni hal qilishda umumiy yondashuvni ishlab chiqa olmaydi va ularni hal qilish qobiliyatiga ega emas[3].

Ta'lim sohasida olib borilayotgan islohotlar munosabati bilan bu holat faqat yomonlashishi mumkin. Ko'rinib turibdiki, kimyo fanidan muammolarni echishda yangi o'quv qo'llanmalaridan foydalanmasdan va ularni qo'llash metodikasini ishlab chiqmasdan turib, yaqin kelajakda vaziyatni yaxshi tomonga o'zgartirish mumkin emas[4].

Axborot – kommunikatsion texnologiyalari kimyo ta'limini tashkil etishda tobora muhim o'rin tutib bormoqda. Kimyoviy muammolarni hal qilishni o'rgatish uchun axborot texnologiyalaridan foydalanish hozirgi vaziyatdan chiqishning mumkin bo'lgan usullaridan biri bo'lib, u o'quvchilarning dunyoqarashini kengaytirishga imkon beradi, axborot uzatishning yangi imkoniyatlarini beradi, ko'rgazmali qurollardan kengroq foydalanishni ta'minlaydi. ta'limning individualizatsiyasi va o'quvchilar faolligi bilan birgalikda interfaol o'qitish rejimi hisoblanadi[5].

Kimyo o'qitishdagi masalalarni yechishda har doim ham mustaqil o'ganish muhim deb hisoblanmagan; vazifalar yordamida talabalar kimyoning asosiy tushunchalari va qonunlarini o'zlashtiradilar, belgilar tizimi bilan tanishadilar, reaktivlar o'rtasidagi miqdoriy munosabatlarni tushunadilar, tajriba orttiradilar va amaliy ko'nikmalarni rivojlantiradilar. ko'nikmalar. Tarbiyalanuvchilar kimyoviy tafakkurni rivojlantiradi, paydo bo'lgan muammolarni hal qilishda mustaqil ravishda natijalarga erishish qobiliyatini rivojlantiradi va faol hayotiy pozitsiya shakllanadi [6].

Ushbu maqolada "Kimyo hamma uchun - XXI: masala yechish. Mustaqil masala yechish bo'yicha qo'llanma" interfaol o'quv elektron nashri (EN) yordamida kimyo fanidan masala

yechishni o'rgatishning mumkin bo'lgan usullaridan ba'zi birlari taklif qilingan.

Ta'lim muassasalarining moddiy bazasi rivojlanishi bilan axborot texnologiyalaridan foydalanish tobora dolzarb bo'lib bormoqda. Ko'p maktablarda ko'rgazmali sinflar yaratilyapti va O' AIS(o'qituvchi uchun avtomatlashtirilgan ish stoli) tashkil etilyapti. AKT elementlari asta - sekin ekzotik bo'lishni to'xtatadi, endi u faqat o'rganish ob'ekti emas. Balki unga, birinchi navbatda, tinglovchilarning intellektini oshirish, intellectual qobiliyatini shakllantirish va rivojlantirish vositasi sifatida qarash tavsiya etilmoqda[7].

Hozirgi vaqtda o'qituvchilar va o'quvchilar uchun kimyo fanining turli bosqichlarida va mustaqil masala yechishni o'rganishda o'quv jarayonini qo'llab-quvvatlash uchun elektron nashrlarni (EN) tayyorlash muhim ahamiyatga ega. Kompyuter - bu har xil faoliyat turlarida o'qitish uchun o'quv jarayoniga qaraganda hozirgi vaqtda keng qo'llanilishi mumkin bo'lgan qulay o'qitish vositasi. Yuqorida aytilganlar ENM (elektron nashrlar va manbalar) ning rivojlanishini va eng muhimi, ularni qo'llash usullarini tezlashtiradi[8].

Tadqiqot olib borar ekanmiz, elektron "Universitetlararo intensiv o'qitish metodikasi laboratoriyasida" Kimyo hamma uchun-XXI: masalalar yechish qo'llanmasidan keng foydalanish mumkinligi ko'rsatildi. Mustaqil ish uchun qo'llanma "Elektron interaktiv nashrining o'quv jarayonida va mustaqil masala yechish qo'llanilishi mumkin bo'lgan ilovalarni o'rganib chiqdik. " [9]. Uni qo'llash va qo'llash usulini ishlab chiqish, kimyo fanidan masalalarni yechish o'rgatish amaliyotida mavjud bo'lgan qarama - qarshiliklarni ma'lum darajada hal qiladi:

- kimyo fanini o'qitishga bag'ishlangan dars soatlarining qisqarishi, o'quvchining bilimiga qo'yiladigan talablarning yuqori darajasi va shu bilan birga ularning mustaqil masala yechish hajmining oshishi;
- kimyo fanini o'rganish uchun ko'p sonli elektron nashrlarning mavjudligi va masala yechishni o'rgatish uchun funktsionallikning yo'qligi;
- kimyo fanidan masalalarni hal qilishni o'rgatishda ENni amaliy qo'llash imkoniyati va ulardan foydalanishning etarlicha ishlab chiqilmagan metodologiyasi;
- talabalarga murakkab kimyoviy masalalarni mustaqil yechish zarurati va ularning muhim qismida hatto eng oddiy masalalarni ham yechish qobiliyati yo'qligi;
- masala yechishni o'rgatish uchun EIdan foydalanish imkoniyatlarining oshishi va ko'pchilik o'qituvchilarning ularni o'quv jarayonida ishlatishga tayyor emasligi.

Aniqlangan tushunmovchiliklar tadqiqot mavzusini aniqladi: "O'quvchilarni AKT lardan foydalangan holda kimyoviy masalalarni echishga o'rgatish usullari".

Tadqiqot gipotezasi: kimyo masalalarini hal qilishni o'rgatishda axborot texnologiyalaridan foydalanish o'rganilgan materialni o'zlashtirishni osonlashtiradi, ko'nikmalarni rivojlantirishga va odatiy vazifalarni bajarish ko'nikmalarini mustahkamlashga, o'quvchilarda kimyoviy tafakkurni shakllantirishga yordam beradi. va natijada ularning aqliy faolligini faollashtiradi va bilimlarni o'zlashtirish kuchini va sifatini oshiradi.

"Kimyo hamma uchun - XXI: masala yechish elektron qo'llanmasi. Mustaqil masala yechishni o'rgatish" ENdan foydalanish imkoniyatlarini o'rganish, o'quvchilarni kimyo fanidan masalalarni echishga o'rgatish, olingan ma'lumotlarni hisobga olgan holda yakunlash, metodologiyani ishlab chiqishda AKT elementlaridan foydalanib, o'quvchilarni kimyoviy masalalarni echishga o'rgatish kabi vazifalarni bajaradi.

Tadqiqot mavzusi - "Kimyo hamma uchun - XXI: masala yechish elektron qo'llanmasi. Mustaqil masala yechishni o'rgatish" ENdan foydalanish misolida o'quvchilarni AKT elementlari yordamida kimyo fanidan masalalarni echishga o'rgatish metodikasi.

Gipotezani sinab ko'rish va tadqiqot maqsadiga erishish uchun quyidagi vazifalar qo'yildi:

1. Talabalarga kimyo fanini o'qitishda kimyoviy masalalarning o'rni va o'rnini aniqlash uchun o'quv, uslubiy va ilmiy adabiyotlar tahlilini o'tkazish.
2. Kimyoviy vazifalarning mavjud tasniflarini tahlil qiling va ularning asosida EN uchun vazifalar tasnifini ishlab chiqing.
3. Kimyoni o'qitish nazariyasi va metodikasidagi "kimyoviy muammo" tushunchasiga aniqlik kiriting.
4. EN uchun vazifalarni tanlash mezonlarini aniqlang.
5. Bosqichma-bosqich strategiya yordamida kimyo fanida masalalarni yechish mazmunini ishlab chiqish.
6. O'quv-uslubiy qo'llanmaning o'quv jarayonida samaradorligini baholang.
7. Har xil o'qitish shakllarining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda "Kimyo hamma uchun - XXI: masala yechish elektron qo'llanmasi. Mustaqil masala yechishni o'rgatish" Elni o'quv jarayonida qo'llash metodikasini ishlab chiqish va sinovdan o'tkazish.
8. O'qituvchilar uchun "Kimyo hamma uchun - XXI: masala yechish elektron qo'llanmasi. Mustaqil masala ishlashni

o'g'atish uchun qo'llanma" ENdan foydalanish bo'yicha amaliy tavsiyalar tayyorlang.

Eksperimental tadqiqot bazasi. Tadqiqot 2021 yilda Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika institute "Kimyo" kafedrasida o'tkazilgan. Chirchiq akademik litsyeyi "Kimyo" va "Organik kimyo" fanlarini o'rganishda, sinfda, individual-guruh mashg'ulotlarida, darsdan tashqari mashg'ulotlarni o'tkazishda, abituriyentlar o'rtasida tayyorgarlik kurslarida va mustaqil ishda, individual talabalar uchun uyda elektron nashr bilan tanishishgan va undan foydalanishgan. Tadqiqotda Chirchiq shahar "25 - sonli umumta'lim maktabi", "3 - sonli umumta'lim maktabi" o'quvchilari, Toshkent viloyati umum ta'lim maktablari o'qituvchilari uchun TVCHDPI "Kimyo" kafedrasida qoshida tashkil etilgan malaka oshirish kurslari tinglovchilari qatnashdi.

1. AKTlari elementlaridan keng foydalanish sharoitida masala yechish jarayoni kimyo fanini o'qitish va o'quvchilarni intellectual qobiliyatlarini rivojlantirishning etakchi usullaridan biriga aylanib borishini ta'minlash.

2. EN uchun kimyo fanidan masalalarni tanlash mezonlari va ishlab chiqilgan kimyoviy masalalar tasniflash (yengil, o'rtacha, murakkab va o'ta murakkab).

3. "Kimyo hamma uchun - XXI: masala yechish elektron qo'llanmasi. Mustaqil masala yechishni o'rgatish uchun qo'llanma" EN misolida kimyo o'qitish uchun AKT elementlaridan foydalanish usullari.

XULOSA

Olib borilgan muamolarni yechimlari quyidagilarda o'z aksini topgan:

1. O'quvchi o'zida mavjud bo'lgan vositalar yordamida hal qilishi kerak bo'lgan, muayyan muammoli vaziyatning modeli bo'lgan kimyoviy ta'lim vazifasining ta'rifi aniqlandi. Asosiy maqsad – masala yechishni bilmasligini emas, balki masala yechish jarayonining o'quvchilarning kimyoviy tafakkurining shakllanishiga ta'siri.

2. O'quv, uslubiy va ilmiy adabiyotlarni tahlil qilishdan kelib chiqadiki, kimyoviy masalalarni yechishni o'ganish jarayonini o'qitish usuli va nazorat vositasi sifatida katta ahamiyatga ega. Hozirgi vaqtda kimyodan masalalar yechishning ahamiyati ortib bormoqda va u o'qitishning muhim usuli bo'lib, masala yechish o'qitish o'quvchilarning ko'nikma, malaka va shaxsiyatini shakllantirishda etakchi bo'lib qolmoqda.

3. Kimyoviy muammolarning mavjud tasniflarini tahlil qilish ko'pchilik tadqiqotchilar orasida yagona yondashuv

yo'qligini ko'rsatadi. Taklif etilayotgan tasnif EI uchun vazifalar tizimini ishlab chiqish uchun ishlatilgan.

4. Ishlab chiqilgan tasnifga muvofiq, elektron muhitga moslashtirilgan, har xil turdagi vazifalar tuziladi yoki tanlanadi. Vazifalarni tanlash mezonlari ishlab chiqilgan. Izohlar bilan bog'liq muammolarni batafsil hal qilish.

5. Kimyo fanidan muammolarni hal qilishni o'rgatishda "Kimyo hamma uchun - XXI: masala yechish elektron qo'llanmasi. Mustaqil masala yechishni o'rgatish uchun qo'llanma" ENdan foydalanish odatiy kimyoviy masalalarni echish, malakalarini oshirish va ko'nikmalarini mustahkamlashga yordam beradi, talabalarning bilimlari, bu statistik ma'lumotlar bilan tasdiqlanadi.

6. "Kimyo hamma uchun - XXI: masala yechish elektron qo'llanmasi. Mustaqil masala yechishni o'rgatish uchun qo'llanma" EN talabalarga o'qitishda sinovdan o'tkazildi. Uning o'quv jarayonida qo'llanilishi ularning kimyo faniga bo'lgan qiziqishini uyg'otadi va umumiy hissiy holatini yaxshilaydi.

7. AKTlari elementlaridan foydalanish o'qitish samaradorligini oshiradi, o'qituvchining ishini osonlashtiradi, shu bilan birga unga ijodkorlik imkoniyatlarini beradi, o'quvchilar va o'qituvchilar faoliyatining xususiyatini o'zgartiradi, hamkorlik ularning munosabatlarining asosiga aylanadi.

8. "Kimyo hamma uchun - XXI: masala yechish elektron qo'llanmasi. Mustaqil masala yechishni o'rgatish uchun qo'llanma" EN misolida mustaqil masala yechishni o'rgatish uchun axborot texnologiyalarini qo'llashning ishlab chiqilgan usuli an'anaviy o'qitish uslubiga zid emas, u bilan yaxshi integratsiyalashgan. EN - dan kimyoviy masalalarni yechishni o'rgatishda foydalanish bo'yicha amaliy tavsiyalar uning o'quv jarayoniga qo'shilishini osonlashtiradi.

REFERENCES

1. Badalova S. I., Komilov Q. U., Kurbanova A. J. Intellectual training of students of technical institute// Academic Research in Educational Sciences. 2020, Vol. 1 No. 1. Page 266-274.
2. Аллаев Ж. Курбанова А.Дж., Комилов К.У. Педагогические технологии как дидактический инструмент при подготовки специалиста в техническом ВУЗе/ Халқаро илмий конференция материаллари. Ташкент, 2018. 364-366 б.
3. Аллаев Ж. Использование личностно-ориентированного обеспечения на занятиях химии/ Халқаро илмий конференция материаллари/ Ташкент, 2018. 366-368 бетлар.



4. Аллаев Ж. Использование студентоцентрированного обучения на уроках химии/ Материалы международной научной конференции по инновациям и перспективам/ Ташкент, 2019, том 1, стр. 366.
5. Yodgarov B. Applying ICT for improvement general chemical education// Society and innovations.2021. №4. Page 258-263.
6. Рустамова Х.Н., Эштурсунов Д.А. Роль информационных и коммуникационных технологий в обучении общей и неорганической химии // «Экономика и социум». 2021. №5(84).
7. Kurbanova A.Dj., Komilov K.U. Case-study method for teaching general and inorganic chemistry// Academic Research in Educational Sciences.2021.№6. Pade 436-443.
8. Komilov K.U., Kurbanova A.Dj. Umumiy va anorganik kimyoni o‘qitish jarayonida talabalarni intellektual qobiliyatini shakllantirish// Academic research in educational sciences. 2021. №4-maxsus son, 73-78 b.
9. Atqiyayeva, I. S., Kurbanova A.Dj., Komilov, Q. O., Fayziyev, X. Kimyoni o‘qitishda o‘quvchilarning intellectual imkoniyatlarini rivojlantirishda elektron taqdimotlarning qo‘llanilish// Academic research in educational sciences. 2021. №4-maxsus son, 47-52 b.



ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АСОСИ СИФАТИДА

Шохназар Бобоқулов

Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ер ресурсларини муҳофаза қилиш, ва улардан оқилона фойдаланиш, ер мулкдорлари, эгалари, ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тизимини яратиш, бу соҳада қонун устуворлигига эришиш истикболари ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, фуқароларнинг моддий фаровонлиги табиатнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган ерга нисбатан қонунийликни таъминлаш, ердан қонун талаблари асосида фойдаланиш, ер қонунчилигини бузилишига йўл қўймаслик, ер муносабатлари соҳасида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ушбу вазифани ҳал қилишга боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ер, хусусий мулк, қонун, ҳуқуқ, ер-ҳуқуқи, ер қонунчилиги, табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи, ер ҳуқуқбузарликлари, ер-ҳуқуқий жавобгарлиги, юридик жавобгарлик.

ABSTRACT

This article discusses the prospects for the protection of land resources, their rational use, the creation of a system of measures to protect the rights and legitimate interests of landowners, owners, land users, in order to achieve the rule of law in this area. In addition, issues related to ensuring the legality of land, which is an invaluable wealth of nature, using land in accordance with the law, preventing violations of land legislation, restoring violated rights of citizens in the field of land relations were analyzed.

Keywords: land, private property, law, land law, land legislation, nature use right, land offenses, land legal responsibility, legal responsibility.

КИРИШ

Ерга нисбатан хусусий мулкчилик асосларини белгилаб бериш, фуқароларнинг ердан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқларини янада такомиллаштириш, ер унумдорлигини



ошириш, тупрокни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ҳамда ривожлантириш ҳам бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Демак, республикамызда фуқароларнинг моддий, маданий эҳтиёжларини таъминлашда алоҳида аҳамиятга молик бўлган ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари устида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш ҳозирги куннинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, мамлакатимизда ер ҳуқуқи нуқтаи назаридан ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг айрим масалалари ҳуқуқшунос олимлардан И.Ж.Жалилов, У.Б.Бозоров, М.Б.Усмонов, Й.О.Жўраев, Ж.Т.Холмўминов, Ш.Х.Файзиев, С.С.Ҳамроев, Н.К.Скрипников, У.Т.Аюбов, Г.Г.Файзуллаева, Ф.С.Намозов, Б.Ҳ.Калонов, Э.Р.Хайитбоев, Ш.Р.Қобилов, Р.Ҳ.Кенжаев, М.М.Нурматов, А.Абдуллаев, Д.М.Умаров, Ж.И.Сафаров ва О.Б.Турсуновларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Экологик қонунчилик, уни такомиллаштириш ва кодификациялаш истиқболларининг баъзи масалалари Б.Б.Алиханов, Ю.Ш.Шодиметов, А.Н.Нигматов, Г.Абдуллаева ва Н.Ф.Реймерс сингари эколог олимларнинг изланишларида ҳам ўрганилган [1]. Бироқ, ушбу ҳуқуқшунос олимларнинг ишларида ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги асосида, ер ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда комплекс жиҳатдан тадқиқ этилмаган бўлиб, бу ушбу мавзунинг долзарблиги ва янгилигидан далолат беради.

НАТИЖАЛАР

Ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга бағишланган конституциявий кафолатлар ер қонунчилигида, хусусан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида янада аниқлаштирилган. Чунончи, ушбу Кодекснинг 1-моддасида белгиланишича, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари хўжалик юритишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер

участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, ер муносабатлари соҳасида қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат [3].

Умумий қоидага биноан, ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш кафолатлари деганда қонунда белгиланган тартибда ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ўз субъектив ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи, ер билан таъминлаш, ер участкаларини ғайриқонуний равишда олиб қўйиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, етказилган зарарни қоплашга қаратилган чора-тадбирлар тизими тушунилади [4, 197].

Махсус илмий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ўз ичига: биринчидан, ердан фойдаланиш ҳуқуқини огоҳлантириш; иккинчидан, ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузишни тугатиш; учинчидан, ердан фойдаланувчи субъектларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш; тўртинчидан, ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузишда айбдор бўлганларни юридик жавобгарликка тортиш кабиларни қамраб олади [5].

Амалдаги ер қонунчилигида ердан фойдаланиш ҳуқуқининг бир қатор кафолатлари белгилаб қўйилган. Хусусан, Ер кодексининг 41-моддаси ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатларига бағишланган бўлиб, унда ердан фойдаланиш ҳуқуқининг қуйидаги кафолатлари белгиланган:

1. ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари фаолиятига давлат, хўжалик органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг аралашуви тақиқланиши;

2. ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари бузилган ҳуқуқларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши;

3. ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган зарарнинг (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши;

4. жисмоний шахсларга берилган ер участкаларининг давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишига кўра туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилаётган ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин

ҳамда Ер кодексининг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши;

5. давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг, қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот муассасаларининг, тажриба ва ўқув хўжаликларининг ерлари уларнинг хоҳишига кўра олиб қўйилаётган иморатлар ўрнига уй-жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатлар қуриб берилганидан кейин ҳамда Ер кодексининг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши;

6. юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектини, шунингдек уй-жой бинолари ҳамда бошқа биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкаси билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш, шунингдек уларни мусодара қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатлари гувоҳи бўлганимиздек, мазмунан ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорларини уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувдан ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларга етказилган зарарни қоплаш, ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда ҳуқуқини кафолатлашга, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни чеклашнинг фақат қонунда кўрсатилган асос ва тартибда амалга оширилишини белгилашга қаратилгандир.

Шу билан бирга ер қонунчилигида ердан фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа кафолатлари ҳам кўзда тутилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан, Ер кодексининг 9-моддасида белгиланишича, ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш бундай ўтказиш фактларини ғайриқонуний деб ва улар асосида тузилган ер участкаларига доир битимларни ҳақиқий эмас деб топишга, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этишга асос бўлади [5]. Бу қоида ҳам мазмунан ер эгалари ва фойдаланувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кафолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси аввало қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқларини кафолатлашга асосий эътибор қаратади. Буни биз қишлоқ

хўжалигига мўлжалланган ерларни ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжларига ўтказишнинг алоҳида тартиби белгиланганлигида кўрамиз. Айниқса суғориладиган ерларни бошқа тоифага ўтказишга алоҳида тартибга асосланган ҳоллардагина йўл қўйилади. Бунда қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги идоралари, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш идоралари билан келишиб амалга оширилиши, ўта зарур шарт-шароитлар вужудга келгандагина берилиши лозим.

МУҲОКАМА

Айтилганлардан ташқари, ер қонунчилигида белгиланишича, ер эгалари, мулкдорлари, фойдаланувчилар, ижарачилар бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаси ижарачиси ва мулкдорларининг ҳуқуқларини бузмасликлари шарт [3]. Демак, қонунда ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорларига мажбурият юклаш орқали, бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари кафолатланган.

Таъкидлаш лозимки, ердан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатларининг таъминланиши ерларни муҳофаза қилишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат этадиган бўлса, Туркменистоннинг 2004 йил 25 октябрдаги “Ер тўғрисида”ги кодексининг 5-моддасида ер муносабатлари соҳасида давлат кафолатлари белгилаб қўйилган. Хусусан, уларнинг сирасига қуйидагилар кириши кўзда тутилган: Туркменистон ҳудудининг яхлитлиги, дахлсизлиги ва бўлинмаслигини таъминлаш; ер муносабатлари соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш; ер муносабатлари соҳасида ҳуқуқий ҳаракатлар, иқтисодий, ташкилий, техник ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш; ер, ердан фойдаланувчилар ва ер ижарачилари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; манфаатдор шахсларнинг ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга қаратилган таклифлар тайёрлашда иштирок этишини таъминлаш; ер муносабатлари соҳасида экологик хавфсизликни таъминлаш; Туркменистон қонунчилигига мувофиқ белгиланган тартибда манфаатдор шахсларни ерлар миқдори, ҳолати, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш; давлат ер тузиш, давлат ер кадастри ва ер мониторинги бўйича ишларни олиб бориш; Туркменистон ер қонунчилигига мувофиқ, давлат назоратини амалга ошириш; халқаро ҳамкорлик соҳасида ер масалалари бўйича давлат манфаатларини ҳимоя қилиш [6].

Тожикистоннинг 1997 йил 12 декабрдаги Ер кодексида ҳам ердан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатларини таъминловчи

ўзига хос нормалар белгиланган. Хусусан, унинг 7-боби “Ер ҳуқуқларини муҳофаза қилиш”га бағишланган бўлиб, унда ер ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари, ер низоларини кўриб чиқиш, ер ҳуқуқларини тан олиш ва тиклаш масалалари юридик жиҳатдан тартибга солинган. Хусусан, Тожикистон Ер кодексида белгилинишича, ер ҳуқуқларини муҳофаза қилиш куйидаги усулларда амалга оширилади: ер ҳуқуқларини тан олиш; ердан фойдаланувчининг фаолиятига давлат ва бошқа ердан фойдаланувчилар томонидан аралашининг таъқиқланиши (ер қонунчилигининг бузилиши ҳолатлари бундан мустасно); ер ҳуқуқининг давлат томонидан тўхтатилиши ёки чекланиши ҳолатларининг аниқ рўйхатининг қонунда белгилаб қўйилиши; қонунда ер ҳуқуқлари тўхтатиладиган ёки чекланадиган бўлса уларни ҳимоя қилиш кафолатларининг белгиланиши [7].

Ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш масаласи айниқса Беларусь Республикаси ер қонунчилигида атрофлича тартибга солинган. Чунончи, Беларусь Республикасининг 2008 йил 23 июлда қабул қилинган ва 2009 йил 1 январдан кучга кирган Ер кодексида ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш (71-модда), ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини қайтариш (72-модда), ер участкаларини давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда ердан фойдаланувчилар ҳуқуқининг кафолатлари (73-модда), маъмурий-ҳудудий ва ҳудудий бирлик чегараларини ўзгарганда ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларининг кафолатлари (74-модда), ердан фойдаланувчиларга ер участкаларини олиб қўйиш ёки вақтинчалик эгаллаш, унда жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни чеклаш (қийинлаштириш), шу жумладан, ер сервитути белгиланиши муносабати билан етказилган зарарларни қоплаш (75-модда) ҳамда қишлоқ хўжалиги ва (ёки) ўрмон хўжалигида йўқотишларни қоплаш (76-модда) масалалари алоҳида тартибга солинган [8].

Ушбу масалалар Украинанинг Ер кодексида ҳам анча кенг тартибга солинган. Хусусан, Украина Ер кодексининг 5-бўлими (152-161-моддалар) ерга бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш (23-боб), ер мулкдорлари ва ердан фойдаланувчиларга зарарни қоплаш (24-боб), ер низоларини ҳал қилиш (25-боб) каби уч бобдан иборат тарзда ушбу масалаларни тартибга солишга қаратилган [9]. Жумладан, унинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари бағишланган 152-моддасида фуқаро ва юридик шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг куйидаги йўллари кўзда тутилган: ҳуқуқни

тан олиш; ер участкасининг ҳуқуқ бузилишига қадар бўлган ҳолатини тиклаш ҳамда ҳуқуқни бузувчи ёки ҳуқуқни бузиш хавфини келтириб чиқарувчи ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш; битимни ҳақиқий эмас деб топиш; ижро ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш; етказилган зарарни қоплаш; қонунда кўзда тутилган бошқа усулларни қўллаш.

Украинанинг Ер кодексида шунингдек, ижро ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ерга бўлган мулк ҳуқуқини бузганлик (154-модда) ҳамда ижро ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ер участкаси мулкдорларининг ҳуқуқларини бузувчи қарорлар қабул қилганлиги учун жавобгарлиги ҳам тўғридан-тўғри белгилаб қўйилган (155-модда). Юқоридагилар билан бир қаторда Украина Ер кодексининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатларини таъминловчи нормаларининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири бу унда ер мулкдорлари ва ердан фойдаланувчиларга етказилган зарарни қоплашнинг асослари белгилаб берилганлигидадир (156-модда). Унга биноан, ушбу шахсларга етказилган зарар, башарти, у: а) қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва бутазор ерлари қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилса (сотиб олинса); б) қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва бутазор ерлари вақтинчалик бошқа фойдаланиш турлари учун эгалланса; в) ер участкаларидан фойдаланиш бўйича чеклов белгиланса; г) қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва бутазор ерларининг тупроқ қатлами сифати ва бошқа фойдали хусусиятлари ёмонлашса; д) қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва бутазор ерлари фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келтирилса; ер участкасидан вақтинчалик фойдаланмаган вақт мобайнида даромад олинмаса тўла ҳажмда қопланади [9].

Россия Федерациясининг 2001 йил 25 октябрдаги Ер кодексининг 9-боби ҳам ер участкасига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган бўлиб, унда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тан олиш (59-модда), ер участкасига бўлган ҳуқуқ бузилганга қадар мавжуд бўлган ҳолатни тиклаш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бузувчи ёки уларни бузиш хавфини келтириб чиқарувчи ҳаракатларнинг олдини олиш (60-модда), давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш (61-модда), зарарни қоплаш (62-модда), ер участкалари давлат ёки муниципал эҳтиёжлар учун олиб қўйилганда ерга бўлган ҳуқуқнинг кафолатлари (64-модда) каби масалалар ўз аксини топган [10].

ХУЛОСА

Хорижий мамлакатлар ер қонунчилиги тажрибасидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатларига оид 41-моддасини қўйидаги қоида ва талаблар билан ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлиши тўғрисида хулосага келишимиз мумкин: ер ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари кўрсатиш; маъмурий-ҳудудий ва ҳудудий бирлик чегараларини ўзгарганда ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларининг кафолатларини белгилаш; ердан фойдаланувчиларга ер участкаларини олиб қўйиш ёки вақтинчалик эгаллаш, унда жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни чеклаш, шу жумладан, ер сервитути белгиланиши муносабати билан етказилган зарарларни қоплаш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш; давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш асосларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Юқоридагилар асосида мамлакатимизда ердан фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан мустаҳкам кафолатланган ҳамда ердан фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатланганлиги, қонун билан ҳимоя қилиниши ердан фойдаланувчиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти барқарорлигини таъминлашга, улар фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади, деган хулосага келишимиз мумкин.

REFERENCES

1. Kandov Bakhodir Mirzayevich (2021). Problems of Global Ecology and Socio-Natural Environment. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences. 1(5), - pp. 182–186.
2. Усмонов М.Б., Мирзаабдуллаева М.Р., Узакова Г.Ш. Ўзбекистонда ер ҳуқуқининг назарий муаммолари. Монография. – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б.303.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998. 5-6-сон, 82-модда.
4. Ер кодексига шарҳлар. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 197.
5. Жуманов А.А. Ер низоларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш муаммолари: Юрид.фан.номз.... дисс. – Т.: ТДЮИ, 2008.
6. Кодекс Туркменистана «О земле» // <http://base.spinform.ru>
7. Земельный кодекс Республики Таджикистан // <http://base.spinform.ru>
8. Кодекс Республики Беларусь о земле от 23 июля 2008 г. № 425-3. Принят Палатой представителей 17 июня 2008 года. Одобрен Советом Республики 28 июня 2008 года.

9. Земельный кодекс Украины // <http://meget.kiev.ua/kodeks/zemelnyy-kodeks>
10. Земельный кодекс Российской Федерации. – М., 2002.
11. Makhmudova G., G'affarova G., Jalalova G. (2020). O'zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
12. Gaffarova G.G, Saydaliyeva N.Z. (2020). The influence of social networks on youth thinking and activity. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal. 6 (5), 105-108.
13. Gaffarova G.G. (2018). Self-organization as an autopoietic system. Paradigmata poznani, vol. 3, pp. 56–60.
14. Gaffarova, G.G.; Jalalova, G.O. (2021). Human capital as the basis of society development. ISJ Theor. Appl. Sci., 4, 455–460.
15. Гаффарова, Г., & Абдуллаева, М. (2020). Тасаввуфнинг когнитив тизими замонавий фалсафа призмасида. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 102-114.
16. Гаффарова, Гулчехра Гуламжановна. (2020). Когнитив жараёнда аутопозис назарияси. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар: Республика миқёсида 16-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари. 193-196.
17. Гаффарова Г. (2018). Ёшларда когнитив тафаккурни ривожлантириш масалалари. Ёшларни ғоявий-мафкуравий тарбиялашнинг устувор йўналишлари: XV республика илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд, Б.28-29.
18. Гаффарова, Г.Г. (2021). Янги Ўзбекистон стратегиясининг структуравий асослари. Янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, маънавий ўзгаришлар: республика илмий-амалий анжуман материаллари. 83-87 б.

KONCHILIK MASHINALARINI GIDRAVLIK TIZIMDAGI ISHCHI SUYUQLIGINI TOZALASH UCHUN G'OVAKLI FILTRNING TAYORLASH METODIKASI

Akbar Shavkatovich Jurayev

Navoiy davlat konchilik instituti konchilik elektr mexanika kafedrası dotsenti (PhD),
jurayevakbar@mail.ru

Zuxra Muzaffar qizi Raxmatova

Navoiy davlat konchilik instituti talabasi
jurayevakbar@mail.ru

Fotima Muzaffar qizi Raxmatova

Navoiy davlat konchilik instituti talabasi
jurayevakbar@mail.ru

ANNOTATSIYA

Bugungi kunda tog'-kon sanoatida hamda qurilish sohasida ekspluatasiya qilinayotgan gidravlik ekskavatorlar ish unumdorligini oshirish dolzarb hisoblanadi. Gidravlik ekskavatorlarning samarali ishlashini taminlash uchun ekskavatorning qisimlarini ishonchli ishlashini taminlash talab etiladi. To'xtalishga sabab bo'ladigan omillar qatoriga ekskavatorlarning ishchi suyuqligini tozaligi sezilarli darajada ish suratiga tasir ko'rsatadi. Bu maqolada dunyoda ekspluatasiya qilinayotgan gidravlik ekskavatorlarning ishchi suyuqlikni samarali filtrlash imkonini beruvchi g'ovakli filtr va gidravlik tizimdagi ishchi suyuqlikni go'vakli filtrdan tozalashda olingan natijalar atroflicha taqqoslanib tadqiqod tahlilari qilingan. Respublikamizda ishlatilayotgan gidravlik ekskavatorlarning ishchi suyuqligini tozaligini ta'minlash uchun yuqoridagi natijalariga erishishning iqtisodiy samarasini ko'rish uchun filtrlarni mahalliyashtirishga doir ishlar olib borilgan.

Kalit so'zlar: Gidravlik ekskavatorlar, gidravlik tizim, g'ovakli filtr, nosozliklar.

ABSTRACT

Today, it is important to increase the efficiency of hydraulic excavators used in the mining and construction industries. To ensure the efficient operation of hydraulic excavators, it is necessary to ensure the reliable operation of the parts of the excavator. Among the factors

that cause downtime is the cleanliness of the working fluid of excavators, which significantly affects the speed of operation. This article provides a detailed comparison and analysis of the results obtained by the porous filter of hydraulic excavators operating in the world, which allows effective filtration of the working fluid, and the cleaning of the working fluid in the hydraulic system from the porous filter. In order to ensure the cleanliness of the working fluid of hydraulic excavators used in the country, work has been done to localize the filters to see the economic benefits of achieving the above results.

Keywords: Hydraulic excavators, hydraulic system, porous filter, malfunctions.

KIRISH

Hozirgi kunda Respublikamizning ko'pgina yirik korxonalarida gidravlik tizimdagi qurilmalar qo'llanilib kelmoqda. Gidravlik tizimdagi qurilmalar boshqa qurilmalardan bir muncha ustunligi chet el adabiyotlarida ta'kidlab o'tilgan. Gidravlik tizimda energiyani ishchi suyuqlik tashish manbai hisoblanib uning tozaligi muhim hisoblanadi. Gidravlik tizimdagi ishchi suyuqliklarni tozalash bo'yicha ko'pgina izlanishlar qilingan bo'lib, ishchi suyuqliklarni tozalashda katta hissa qo'shgan olimlar Filkinshteyin, Brotskiy va boshqalardir. Bu izlanishlar tahlili asosida ishchi suyuqlikni filtrlashning eng samarali usullarini ishlab chiqish dolzarb hisoblanadi.[1,2,3,4]

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ko'pgina manbalarda tozalash usullari va tozalik me'yorini nazoratga olish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar ko'rib chiqilgan, tahlil natijalarini olishgan va shuning evaziga ishchi suyuqliklarning tozalik sinfini ijobiy holatga erishishga muvassar bo'lishgan. B.N. Slesarov ishlarida ko'rishimiz mumkinki ishchi suyuqlikni saqlash, tashish va quyush paytidagi moy agregatini va gidravlik tizimning bakiga alohida PFU-10m filtrlash qurilmasini alohida tizim shaklida qo'llash natijalari shuni ko'rsatganki, gidravlik yuritmaning ishonchliligi 25-30 % oshgani, gidravlik ekskavatorga texnik xizmat ko'rsatishda tizimni texnik holatini monitoringi yaxshilangani va ifloslangan ishchi suyuqliklarning agregatlarning ishlash resursiga qarab ishchi suyuqlikning rasional ishlashini tozalik 10-12 sinflariga erishganligi isbotlagan. Oboyansev O.Yu. ishlarida ham ishchi suyuqlikni tozalash gidrotizimda quyidagi natijalar erishishgan. Gidravlik tizimda ishchi suyuqlikni alohida tozaligini operativ nazoratga

olish usuli, ya'ni mexanik zarrachalarni avtomatik aniqlovchi analizator FS-112 apparati orqali kuzatib turgan. Texnik xizmat ko'rsatishda qo'shimcha ishchi suyuqlikni nozik tozalash filtr orqali 3-5 marotoba ishchi suyuqlikni ifloslanishini kamaygani va 2-3 marotoba ishonchli ishlashiga erishgan. Demak shuni xulosa qilishimiz mumkinki ishchi suyuqlikni filtrlash asosiy vazifalardan biridir. Respublikamizda ishlatilayotgan gidravlik ekskavatorlarning ishchi suyuqligini tozaligini ta'minlash uchun yuqoridagi natijalariga erishishning iqtisodiy samarasi filtrlarni mahalliyashtirish orqali erishishimiz mumkin. Tadqiqotimiz davomida ishchi suyuqlikni samarali filtrlash imkonini beruvchi material g'ovakli muhitdagi filtr bo'ldi. Go'vakli filtrning izlanishi bo'yicha G.V. Golubev va G.G. Tumashev ishlarida keng ko'rsatilib o'tilgan. Respublikamizda go'vakli filtrlarni mahalliy xomashyodan tayyorlangan holda ishchi suyuqlikda alohida filtrlash tizimi sifatida qo'llashdan maqsadimiz va vazifamiz hisoblanadi. Maqolamizning asosiy vazifalaridan biri go'vakli filtrning mikroskopik tuzilishini va gidravlik tizimdagi ishchi suyuqlikni go'vakli filtrdan tozalashda olingan natijalarni tahlil qilishdan iborat. [5,6,7,8]

NATIJALAR

Har qanday g'ovakli to'siqlar filtrlashda 3 ta muhitga ega bo'lishi mumkin. (1-rasim) Teshikli g'ovaklar, ya'ni devor yorig'i shaklida mikroquvurchalardan tashkil topgan bo'lib diametrlari turlicha o'zgarib turadi. Natijada qattiq zarrachalarni ushlab qolish imkonini beradi.

1. Bitik g'ovaklar yani har tomoni yopiq zarachalarga tasiri yo'q g'ovaklardan iborat.

2. Yopiq go'vaklar yani bir tomoni ochiq bo'lib ikkinchi tomoni esa bitik bo'ladi. Buning natijasiga zarachlar bu g'ovaklarda yig'ilib qolish holati yuzaga keladi.



1-rasm. G'ovakli filtrning mikroskopik ko'rinishi.

При этом в атоме хлоре во внешнем электронном слое находятся 7 электронов, которые образуют 3 пары и 1

электрон находится в неспаренном состоянии. При взаимодействии с атомом бериллия два неспаренных электрона двух атомов хлора взаимно перекрываются с двумя трансформированными электронами атома бериллия, при этом образуются два спаренных трансформированных электронных пар. Таким образом образуется молекула хлорида бериллия с двумя одинаковыми связями (рис.22).

При образовании солей бора два электрона образуют электронную пару, а один электрон находится в неспаренном состоянии, при действии электронов другого атома происходит трансформация электронов (рис.23), при этом каждый электрон занимает 1/3 часть сферы и располагается под углом 120°, что обеспечивает равноудаленность электронов друг от друга и образование связи между электронами реагирующего атома фтора (рис.24).




Рис.23. Трансформация электронов в атоме бора




Рис.24. Образование молекулы фторида бора

В вышеприведенной реакции при взаимодействии с атомом бора три неспаренных электрона трех атомов фтора

взаимно перекрываются с двумя трансформированными электронами атома бериллия, при этом образуются три спаренных трансформированных электронных пар.

В невозбужденном состоянии углерода участвуют все четыре электрона второй орбитали, при этом сфера орбитали разделена на 3 части, в одной части, которая занимает половину сферы расположены 2 спаренные электроны, оставшаяся половина сферы в свою очередь разделена тоже на две части, в которых располагаются по одному электрону.

Воздействие на атом углерода некоторой энергией при взаимодействии другого атома приводит к трансформации электронных облаков. При этом в результате трансформации сфера орбитали делится на четыре части, которые расположены по отношению друг к другу в пространстве под углом $109^{\circ}28'$. На этих частях сферы располагаются электроны и образуют тетраэдрическое строение, при котором электроны будут равноудалены друг от друга (рис.25).





Рис.25. Трансформация электронов в атоме углерода

Гипотеза трансформации электронных орбиталей предназначена не только для узкого круга знатоков химии, а должна преподаваться даже в средней школе. Но для наглядного и простого объяснения гипотезы атомных орбиталей можно использовать схематические проекционные методы отображения атомных орбиталей, что хорошо согласуется с теорией валентности. На основе этого метода орбитали атома углерода изображаются следующим образом (рис.26).



Тетраэдр

Рис.26. Проекционная схема трансформации электронов в атоме углерода

Для объяснения образования химической связи между атомами одного или различных элементов в настоящее время используется электронная теория валентности.

Электронная теория валентности. Современные представления о природе химической связи основаны на электронной теории валентности. Эту теорию разработали независимо Г. Н. Льюис и В. Коссель в 1916 г. Согласно электронной теории валентности, атомы, образуя связи, приближаются к достижению наиболее устойчивой (т.е. имеющей наиболее низкую энергию) электронной конфигурации. Атомы могут достичь этого двумя способами:

1. Они могут терять либо приобретать электроны, образуя ионы. Если атомы приобретают электроны, они превращаются в анионы. Если они теряют электроны, то превращаются в катионы. Анионы и катионы с заполненной внешней электронной оболочкой имеют устойчивую электронную конфигурацию. Между анионом и катионом возникает химическая связь, представляющая собой электростатическую силу притяжения. Химическая связь такого типа ранее называлась электровалентной связью, современное название ионная связь.

2. Атомы могут также приобретать устойчивые внешние электронные конфигурации путем обобществления электронов. Возникающая при этом химическая связь называется ковалентной связью. Ковалентная связь образуется в результате обобществления пары электронов, поставляемых по одному от каждого атома. Однако в некоторых молекулах или многоатомных ионах оба таких электрона могут поставляться только одним атомом. Такая разновидность ковалентной связи называется координационной, донорно-акцепторной или дативной ковалентной связью.

Правило октета. Когда атом какого-либо элемента образует химическую связь, приобретая, теряя либо

обобществляя валентные электроны, его электронная конфигурация становится такой же, как у атома благородного газа, расположенного в конце того же периода, что и данный элемент, либо в конце предыдущего периода. Атомы всех благородных газов, за исключением гелия, имеют во внешней оболочке устойчивый октет (восьмерку) электронов. Поэтому образование химических связей путем достижения устойчивых электронных конфигураций, как в атомах благородных газов, составляет суть так называемого правила октета. Это правило применимо и к ионным, и к ковалентным связям.

Чтобы было еще понятнее образование химической связи посредством трансформации электронных облаков представим вышеприведенные химические реакции в схематической проекционной форме. Начнем с образования молекулы водорода:




Рис.27. Схематическая проекционная форма образования молекулы водорода

В атоме водорода единственный электрон заполняет все отведенное ему орбиталь. Поэтому движение электрона по орбите показано в виде стрелки по границе орбиты. Воздействие двух атомов водорода друг на друга приводит к трансформации электронного облака и переходу его в форму полусферы. При этом электроны будут иметь противоположные спины и дальнейшие столкновения атомов приводит к объединению двух атомов с образованием молекулы водорода (рис.27).

При образовании молекулярного иона водорода, как было указано выше один электрон отделяется от молекулы водорода и в результате оставшийся электрон выполняет роль объединяющего центра для двух ядер атомов водорода. При этом электрон, притягиваемый с двух сторон одинаковой силой ядер будет иметь форму не полусферы, а сферического диска (рис.28).




Рис.28. Схематическая проекционная форма образование молекулярного иона водорода

Точно также во втором электронном слое бериллия два электрона заполняют весь орбиталь и различаются своими спинами. При трансформации происходит образование двух полусферических электронных облаков, но они будут иметь единый спин (рис.29).





Рис.29. Трансформация двух электронов бериллия

Давайте рассмотрим образование молекулы BeCl_2 . Ее образование вполне понятно из электронного строения атомов бериллия и хлора, которое изображается формулами Льюиса:



По предлагаемой гипотезе легко объяснить электронной теорией валентности схематическом методом, что хорошо согласуются с теорией валентности.




Рис.30. Схематическая проекционная форма образования молекулы хлорида бериллия

Таким образом образуется молекула хлорида бериллия с двумя одинаковыми связями (рис.30).

При образовании солей бора, в невозбужденном состоянии два электрона образуют электронную пару, а один электрон находится в неспаренном состоянии, сфера разделена на две полусферы, при действии электронов другого атома происходит трансформация электронов (рис.31), при этом каждый электрон занимает 1/3 часть сферы и располагается под углом 120° , что обеспечивает равноудаленность электронов друг от друга и образование связи между электронами реагирующего атома фтора (рис.32).




Рис.31. Трансформация электронов в атоме бора




Рис.32. Схематическая проекционная форма образования молекулы фторида бора

Возникает резонный вопрос как объяснить образование π -связи в молекулах непредельных углеводородов. Но на самом деле по предлагаемой теории нет π -связи. Два электрона образуют связь между атомами углерода, так как связь равносильная то возникает избыточная энергия двойной связи, которая приводит к разрыхлению двойной связи. Здесь следует сказать, что две связи, образованные атомами углерода одинаковы, т.е. нет понятия σ - и π -связи. Поэтому в реакциях присоединения может участвовать любой из двух связей (рис.33). Почему же возникло представление о неравноценности связей в двойной связи в соединениях? Все дело в том, что исследователь видит только начальное и конечное состояние. При взаимодействии с другими веществами любая из двух связей может вступать в реакцию, но после образования новой связи, энергия оставшейся связи между атомами углерода усиливается и у исследователя возникает ощущение, что одна из связей всегда была крепче, чем вторая. На самом деле обе связи равносильны и обладают одинаковой энергией.




Рис.33. Схематическая проекционная форма реакции этилена с водородом с образованием этана

Использование предлагаемой теории трансформации электронных облаков легко объясняет строение молекулы бензола и равнозначность атомов углерода без применения мигрирующей двойной связи (рис.34).




Рис.34. Схематическая проекционная форма строения молекулы бензола по ТТЭО

Как мы видим из предлагаемой структуры каждый атом углерода имеет парную связь с другим атомом углерода, и как в случае с этиленом происходит накопление избыточной энергии, которая приводит к увеличению реакционной способности такой связи.

Как видно из приведенных примеров, предлагаемая теория трансформации электронных облаков вполне объясняет даже некоторые проблемные вопросы, такие как локальный минимум при образовании молекулы водорода, равноценности всех атомов углерода в молекуле бензоле (рис.34).

Теперь рассмотрим молекулы, для объяснения гибридизации которых использовали добавку “типа”.

Например, строение аммиака объясняли тем, что нераспределенная пара азота в аммиака будет считаться за одну связь и тем самым образуется соединение гибридизацией типа – sp^3 . Но теперь исходя из предлагаемой гипотезы (рис.35) можно забыть о словах типа, и вообще о гибридизации. При образовании молекулы аммиака, нераспределенная электронная пара азота отталкивает от себя

электронные пары N-H и в результате валентный угол будет не $109^{\circ}28'$, а немного меньше, $107,3^{\circ}$.




Рис.35. Схематическая проекционная форма образования молекулы аммиака

Также в молекуле воды не стоит считать, что две нераспределенные пары электронов кислорода будут выступать в роли псевдосигма связи, тем самым образуя sp^3 -гибридизацию. Ведь, если считать, что во всех соединениях, где центральный атом образует четыре сигма связи или sp^3 -гибридизацию, валентный угол каждый раз будет иметь разное значение.

Поэтому исходя из гипотезы трансформации электронных облаков будем говорить просто о валентном угле, без привязки к гибридизации (необходимость в гибридизации отпадает). В атоме кислорода нераспределенная электронная пара и электронная пара O-H взаимно отталкиваются, но в отличие от атома азота, здесь двум нераспределенным электронным парам кислорода противостоят 2 пары O-H электроном, в результате отталкивание к большему раздвижению валентного угла. И как показывают экспериментальные результаты, и вправду валентный угол воды составляет $104,27^{\circ}$ (рис.36) и меньше валентного угла аммиака.




Рис. 36. Схематическая проекционная форма образования
ВОДЫ

Как видно из приведенных выше данных, предлагаемая гипотеза трансформации электронных облаков помогает намного легче описать процесс образования химической связи, при этом отпадает нужда в скрещивании электронов различных типов. Вместе с тем, в рамках гипотезы трансформации электронных облаков нами объяснены некоторые моменты, которые существующие теории не могли объяснить и относили к частным случаям.

Мы рассмотрели строение валентных оболочек элементов первого и второго периода. Что происходит при появлении так называемых d-электронов? Ровным счетом ничего. На оболочке появляются дополнительные ячейки (рис.37), на которых эти электроны начинают располагаться и вращаются в своей секториально-сферической ячейке.




Рис. 37. Строение валентного слоя элементов 4-периода

Таким образом, согласно второму постулату, число ячеек в третьей орбитали максимально равно половине максимального числа электронов по принципу Паули, и она равномерно занимается электронами по мере их появления в атоме элемента.

Как мы знаем, некоторые элементы проявляют переменную валентность, которая связана с переходом элемента в возбужденное состояние. Рассмотрим на примере атома хлора переход его в возбужденное состояние. Хлор находится в третьем периоде периодической системы химических элементов Д.И. Менделеева и имеет 3 орбитали, которые могут быть заполнены электронами. По принципу Паули максимальное количество электронов в третьей орбитали может быть равно $2 \times 3^2 = 18$, согласно второму постулату предлагаемой гипотезы максимальное

количество ячеек в третьей орбитали равно половине максимального числа электронов, т.е. $18/2=9$. В состоянии покоя (невозбужденном состоянии) третья орбиталь хлора разделена на 4 ячейки, в которых находятся 3 пары и 1 неспаренный электрон (рис.38а).




Рис. 38. Переход хлора в возбужденное состояние

При переходе в возбужденное состояние происходит распаривание электронных пар и переход неспаренных электронов с образованием новых ячеек в третьей орбитали (рис 38б-г). В результате постепенного распаривания электронных пар хлор может проявлять валентности равные 1, 3, 5 и 7 [8].

Как видим, предлагаемая гипотеза прекрасно объясняет явления классической химии, для которых раньше приходилось оперировать разными предположениями.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Исходя из вышеприведенных данных можно сделать следующие выводы:

1. Раскрыта форма дискретности электромагнитных волн, что было ранее не ясным.

2. Существующие на данный момент теории о строении электронных орбиталей и о природе образования химической связи не описывают полностью все случаи, и с развитием химии все больше появляется частных случаев и исключений из данных теорий.

3. Предлагаемая гипотеза трансформации электронных орбиталей не только полно описывает конфигурацию электронных орбиталей химических элементов, но раскрывает дискретность электромагнитных волн и природу химической связи. При этом, вносится ясность во многие явления, для которых не было объяснений в существующих теориях.

4. На основании предлагаемой гипотезы полностью опровергается теория гибридизации и доказывается возможность объяснения равносильности образуемых двумя атомами химических связей без образования гибридных облаков.

5. На примере строения молекул этилена и бензола доказана одинаковая природа всех связей между атомами углеродов и нелогичность разделения химических связей на σ - и π -связи.

6. Объяснен переход элементов в возбужденное состояние с проявлением переменной валентности с помощью гипотезы трансформации электронных орбиталей.

7. Применение гипотезы трансформации электронных облаков приводит к более точной интерпретации результатов квантовохимических расчетов, а также дает возможность приблизительного расчета объёмов электромагнитных волн в атоме и химических связей.

REFERENCES

1. Kurotchenko, S.P., no date. Model of the electron structure of mass, charge and spin. Dissertation abstract, originally in Russian.

Available online: https://nadisa.org/wp-content/files/electron_ru.pdf (date accessed: February 12, 2022)

2. Nature – online journal, 2012. Magnetism flips heat flow. Column by Edwin Cartlidge. 19 December, 2012. Available online: <https://www.nature.com/articles/nature.2012.12090> (date accessed: February 12, 2022)

3. Daniels, F., Alberti, R. 1978. Physical Chemistry (originally in Russian), Moscow: "Mir", 1978, pp. 389-390.

4. Ramsden E.N., 1989. The beginning of modern chemistry (Russian translation), Moscow: "Chemistry", 1989, pp. 45-46.

5. Kuznetsov, S.I., 2011. Physics, Tomsk city: Tomsk Polytechnic University press, 2011, p.253.

6. Martynova, T.V., Artamonova, I.V., Godunov, E.B. Chemistry: textbook and workshop for applied undergraduate studies; ed. T. V. Martynova. — 2nd ed., corrected. and enriched - Moscoow: Yurayt Publishing House, 2019. p. 368. — (Series: Bachelor Applied Courses).

7. Chemistry portal, no date. Visual explanation of hybridization of orbitals. Available online: http://www.himiy88.blogspot.com/p/3_42.html (date accessed: February 12, 2022)

8. Pauling, L., 1947. The nature of the chemical bond (Russian translation by eds. Dyatkina, M. E and Prof. Syrkina Ya. K.). Moscow: GosKhimIzdat, 1947. p.440.

9. Freidlina, R. Kh. (editor), 1963. "Theoretical Organic Chemistry." (Russian translation ed. Bundel, Yu.G). Moscow: Publishing house of foreign literature, 1963. - Vol. 1. – p. 365.

10. Fox, M.A., Whitesell, J.K., 2003. Organic Chemistry, 3rd edtion. Johns and Barlett Publishers. Boston, Toronto, London, Singapore. p.88.

PEDAGOGIK VOSITALAR YORDAMIDA OLIY TA'LIMNING TEXNIKA YO'NALISHI TALABALARIGA KOMIL INSON G'OYASINI TUSHUNTIRISH

Iroda Adambayevna Xajiyeva
TATU Urganch filiali dotsenti

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada ma'naviy qadriyatlarimizda, diniy asarlarda komil insonga munosabat, komil insonning o'ziga xos jihatlari, insoniylik tuyg'usi to'g'risida mulohaza yuritilgan. Komil inson tushunchasini texnika yo'nalishidagi talabalarga tushuntirishning usul va vositalari bayon etilgan. Yoshlarni barkamollik ruhida tarbiyalashda ta'limning o'rniga e'tibor qaratilgan. Maqolada darsning mazmuni va mohiyatidan kelib chiqqan holda ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan meros hamda ularda "komil inson" g'oyasiga nisbatan bildirilgan munosabatlar keltirib, tahlil ostiga olindi. Muhokama jarayonida diniy, dunyoviy, tasavvufiy adabiyotlarda komil inson to'g'risidagi ma'lumotlarga murojaat etildi. "Komil inson" tushunchasini talabalarga tushuntirishda oliy ta'lim muassasining imkoniyatidan kelib chiqqan holda elektron taqdimotlar, kompyuter, proyektordan foydalanish, tezkor savol-javoblar o'tkazish mumkinligi ta'kidlandi. Shuningdek, bugungi kunda butun insoniyatga xavf solayotgan ekstremistik va terroristik g'oyalarga qarshi kurashning asosiy omillaridan biri har bir shaxsning ma'naviy yetuk inson bo'lishiga bog'liq ekanligiga e'tibor qaratildi. Maqoladagi ma'lumotlardan texnika yo'nalishidagi oliy ta'lim muassasalarida o'qitiladigan "Ta'lim nazariyasi", "Pedagogika. Psixologiya", "Ta'lim psixologiyasi", "Dinshunoslik" kabi bir qator fanlar tarkibida o'qitiladigan mavzulardan foydalanish mumkinligi ko'rsatib o'tildi.

Kalit so'zlar: Komil inson, oliy ta'lim, tasavvur, tasavvuf, globallashuv, diniy adabiyot, meros, bilim, Alloh, yoshlar.

ABSTRACT

This article is focused on a sense of humanity, attitude towards a harmoniously developed person, the features of a harmoniously developed person in religious works and our spiritual values. It is also describes methods and means of explaining the concept of a harmoniously developed person to students of technical sciences. When educating young people in a spirit of harmony, the focus is on education. Based on the content and

essence of the lesson, the article analyzes the heritage created by our ancestors and their attitude to the idea of a "harmonious person". During the discussion, information about a harmoniously developed person was mentioned in religious, secular, and mystical literature. When explaining the concept of "harmoniously developed person" to students, it was noted that, depending on the capabilities of the university, it is possible to use electronic presentations, computers, projectors, question-and-answer conversations. It was also pointed out that one of the main factors in the fight against extremist and terrorist ideas that threaten all of humanity today depends on the fact that each person is a spiritually mature person. It is noted that the information of the article can be used in the studied topics taught in technical universities of such disciplines as "Theory of Education", "Pedagogy", "Psychology", "Pedagogical Psychology", "Religion".

Keywords: Harmoniously developed person, higher education, imagination, mysticism, globalization, religious literature, heritage, knowledge, Allah, youth.

KIRISH

Dunyoning mafkuraviy manzarasi tobora murakkablashib, globallashuv jarayonlari mislsiz darajada avj olayotgan bugungi kunda komil insonni tarbiyalash g'oyat dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Zero, globallashuv natijasida yashin tezligida tarqalayotgan axborotlarning barchasini o'z holicha qabul qilish har bir shaxs hayotini tubdan o'zgartirib yuborishi tabiiy.

Ma'lumki, tarbiya bu - insonning o'zi va o'z xulqi haqidagi tasavvurining to'g'ri va xolis bo'lishini ta'minlovchi murakkab jarayondir. Ayni shu murakkab jarayonni amalga oshirish oilaning ustunlari - ota-ona zimmasiga yuklatilgan. Bu esa ota-onadan tarbiyani to'g'ri tashkil qilishni talab etadi. Chunki har qanday tarbiyaning bosh mezoni tarbiyalanuvchida o'zi va o'z fazilatlari haqida to'g'ri tasavvurlarni shakllantirishdan iborat. Tarbiya har bir davr va taraqqiyot bilan ham chambarchas bog'langan. Ota-onalar bilishi, amal qilishi lozim bo'lgan yana bir muhim masala farzandlariga berayotgan tarbiya davr ruhiga, zamon imkoniyatlari va ehtiyojlariga qay darajada mos kelishini yaxshi tasavvur etishdir. Tarbiya natijasida insonning ma'naviyati, ma'naviy qiyofasi shakllantiriladi.

Ma'naviyat insonning ruhiy va aqliy olami majmuini o'zida mujassam qiladigan murakkab ijtimoiy hodisadir. Aniqroq qilib aytganda, ma'naviyat - inson faoliyatining ajralmas tarkibiy qismi, ongi, aql-zakovatining mahsuli [8,29], inson qalbida, ko'ngil ko'zguna aks etgan haqiqat nuridir [9,14].

Prezidentimiz Sh.Mirziyoev aytganidek, farzandlarimizni mustaqil fikrli, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarni egallagan, sogʻlom hayotiy pozitsiyaga ega, chinakam vatanparvar insonlar sifatida tarbiyalash biz uchun hech qachon oʻzining dolzarbligini yoʻqotmaydigan masala hisoblanadi. [1,256].

Zero, maʼnaviyatni shakllantirish orqaligina yuksak maʼnaviyatli, ilmiy, zakovatli, bir soʻz bilan aytganda, komil insonni tarbiyalash mumkin.

Tarbiyaning makon va zamon tanlamasligini inobatga olgan holda biz taʼlim muassasalarida ham taʼlimni tarbiyadan ajratmasligimiz lozim. Zero, maqsadimiz Oʻzbekistonning kelajagi sanalgan yoshlarni barkamol ruhda tarbiyalashdan iborat.

ADABIYOTLAR TAHLILI

Komil insonni tarbiyalashga doir bir necha kitoblar chop etildi, oʻz navbatida davlatimizda keng hajmdagi ilmiy-tadqiqot ishlari ham olib borilmoqda. Mazkur ishlar qatorida B.Ziyomuhamedov¹, N.Komilov², M.Xayrullayev³, S.Nishonova⁴, R.Karimov⁵, G.X. Ibragimova⁶, Z.Q.Ismailova⁷, R. Mamatqulova,⁸ Q.Nazarov va A.Ochildiyev,⁹ M.Hamdama¹⁰, Sh.Qurbonov¹¹ O.Hasanboyeva¹² I.Ergashevlar¹³, M.Quronov¹⁴, prof M.Imomnazarov,¹⁵ prof.M.Lafasov,¹⁶ dotsent M.Hamdama¹⁷

¹ Ziyomuxamedov. B Komillikka elituvchi kitob. Toshkent.: “Turon iqbol” 2006.

² Komilov.N Muallif haqida ikki hikoya. /Husayn Voiz Koshifiy. Futuvvatnoma Sultoniy yoxud javonmardlik tariqati. T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti. 1994. 8-sahifa

³ Xayrullayev M.M. Uygʻonish davri va Sharq mutafakkirlari. Toshkent.: Oʻzbekiston. 1971.

⁴ Nishonova S. Komil inson tarbiyasi. T.: Istiqlol 2003

⁵ Karimov.R. Xind mutafakkirlarining komil inson haqidagi falsafiy fikrlari.T.: “Mutarjim”. 2005.

⁶ Ibragimova G.X. Kasb taʼlimida talaba yoshlar maʼnaviyatini milliy istiqlol gʻoyasi asosida shakllantirish. 13.00.01. ped.f.d. il.dar.olish uchun yoz.diss. 231b, ToshDPU, 2005.

⁷ Ismailova Z.Q. Maʼnaviy-axloqiy tarbiyaning nazariy va eksperimental metodik asoslari (milliy istiqlol gʻoyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar asosida)13.00.06. ped.f.d. il.dar.olish uchun yoz.diss.Tosh., 2006.

⁸ Mamatqulova Raxima. Milliy maʼnaviy meros asosida universitetlarning talabalarida xulq – odob fazilatlarini tarbiyalash:Ped.f.nom. diss(13.00.01.)ToshDU – T., 1995. – 220 b.

⁹ Nazarov Q., Ochildiyev A. Milliy istiqlol gʻoyasi: asosiy tushunchalar, tamoyillar va atamalar. -T.: «Yangi asr avlodi», 2002..

¹⁰ Xamdama M.Z. «Taʼlim va tarbiya texnologiyasi» (Maʼnaviyat asoslari va pedagogika darslari misolida metodik qoʻllanma) ToshDShI, Toshkent shahar “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2009. 152 bet. 9,5b/t.

¹¹ Qurbonov Sh.E. Sotsialno-pedagogicheskiye osobennosti natsionalnoy modeli i programmy po podgotovke kadrov. Atoref.diss..dokt.ped.nauk. T., 2000.54 s.:

¹² Hasanboyeva O. Tarbiyaviy ishlarni tashkil qilish metodikasi. -T., 1996. –91 b.

¹³ Ergashev I. va boshq. Milliy istiqlol gʻoyasi: Oʻzbekiston Respublikasi Oliy taʼlim bakalavriat bosqichi uchun darslik. -T.: Akademiya, 2005.

¹⁴ Quronov M. Yoshlarni milliy mafkuraviy tarbiyalash – texnologik masala. // «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ni amalga oshirish sharoitida yosh avlodni maʼnaviy tarbiyalash shakl va usullari» mavzusidagi ilmiy-amaliy konferensiya materiallari toʻplami. -Toshkent. 2001.

¹⁵ Imomnazarov.M. Milliy maʼnaviyatimiz asoslari. Oʻquv qoʻll.Oliy va oʻrta maxsus taʼlim vazirligi.– T.:Oʻzbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti, 2006.

¹⁶ Lafasov.M. Milliy mafkura fani oʻqitish metodikasi (metodik qoʻllanma) T.:2012.

¹⁷ Xamdama M. Milliy gʻoya asosida uzluksiz taʼlim tarbiyani rivojlantirish mexanizmlari. T.: “Fan va texnologiya”.2009.

va akademik E.Yusupov¹⁸ kabi olimlarimiz ham o‘z ilmiy tadqiqot ishlari va monografiyalarida “Komil inson g‘oyasi” to‘g‘risida o‘z fikr va mulohazalarini bildirishgan.

METODOLOGIYA:

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining asarlari, ajdodlarimiz merosi, olimlarimizning ilmiy ishlari komil inson talqinini texnika yo‘nalishida ta‘lim olayotgan talabalarga tushuntirishdagi fikrlarimiz bayon etiladigan maqolaning metodologik asosini tashkil etadi.

Metod:

Maqolada ma‘lumotlar qiyosiy-tahlil metodi asosida yoritildi.

Natija:

Texnika yo‘nalishidagi ta‘lim tashkilotlarida talabalarga “komil inson” tushunchasini anglatishda pedagogik usul va vositalardan foydalanish va samaradorlikka erishish.

MUHOKAMA

Yoshlarni barkamol ruhda tarbiyalashning asosiy omillaridan biri dastlab ularga tom ma‘noda “komil inson” tushunchasini anglatishni taqozo etadi. Ayniqsa, texnika yo‘nalishidagi oliy ta‘lim muassasalarida o‘qitiladigan “Ta‘lim nazariyasi”, “Pedagogika. Psixologiya”, “Ta‘lim psixologiyasi”, “Dinshunoslik” kabi bir qator fanlar tarkibida komil inson tushunchasini mavzuning mohiyatidan kelib chiqqan holda teranroq anglatish maqsadga muvofiqdir. Bu jarayonda pedagogning o‘zi kreativ fikrlashi, turli metod, usul va vositalarni darsda qo‘llash mahoratiga ega bo‘lsagina oldimizga qo‘yilgan maqsadga erishishimiz mumkin. Ma‘ruza mashg‘ulotlarida komil insonning diniy va dunyoviy talqini to‘g‘risida nazariy ma‘lumotlar berish talab etiladi.

Zotan, barkamollik, komil inson tushunchasi asrlar davomida shakllanib, barcha davr va asarlarda inson kamolotining eng yuqori cho‘qqisi sifatida ta‘riflab kelinmoqda. Komil inson bu barcha diniy va dunyoviy bilimlarni egallagan, ma‘naviy-ruhiy fazilatlarini o‘zida jamlagan, qalbi ezgulikka to‘la, saxovatli va ma‘rifatli insonning ideal timsolidir.

Komil inson masalasiga tasavvuf ta‘limotida alohida e‘tibor qaratilgan. Tasavvuf tom ma‘nodagi insonparvarlik ta‘limotidir, desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

¹⁸ Yusupov.E. Inson kamolotining ma‘naviy asoslari.T.: Universitet. 1998.



E.E.Bertels: “Tasavvuf adabiyotini o‘rganmasdan turib, o‘rta asrlar musulmon Sharqi madaniy hayoti haqida tasavvurga ega bo‘lish mumkin emas. Bu adabiyotdan xabardor bo‘lmasdan Sharqning o‘zini ham anglash qiyin”[6,54],- deya alohida ta‘kidlaydi. Shu bois islom ta‘limotidagi komil inson g‘oyasini tasavvuf ta‘limoti bilan uyg‘un holda o‘rgatish maqsadga muvofiqdir.

Darsda elektron taqdimotlar asosida buyuk mutasavvuflarning komil inson to‘g‘risidagi fikrlarini tahliliy asosda ko‘rib chiqamiz.

Tasavvuf ta‘limotining yirik vakili Ibn al Arabiyning fikricha, “Tangri taolo ilohiy nurdan ilk marta Aqli Avvalni yaratdi va uning surati shakli Komil Inson qiyofasida zuhur etdi. Shuning uchun “Halaqallohu odama alo suratar-Rahmonu” Alloh-odamni Rahmon suratida yaratdi) degan hadis mavjud. Komil inson, shu tariqa, Allohning Rahmonu Rahim sifatlariga ega bo‘ldi, deydi.

....Komil inson timsoli Muhammad payg‘ambar timsolidir. Chunki u kishida aqliy, ruhiy kamolot, dunyoviy va ilohiy bilimlar jamuljam edi [11,131-132].

Alloh o‘zining sifatlarini faqat komil insondagina ko‘radi. Shu bois komil insongina Alloh jamolini ko‘rishga muyassar bo‘ladi, - deb ta‘lim beriladi, tasavvuf ta‘limotida.

Fikrimiz isboti sifatida Qur‘on oyatlariga murojaat qilish o‘rinlidir.

Qur‘onning “Nur” surasi 35-oyatida “Alloh osmonlar va Yerning “nuri”dir. Alloh o‘zining (bu) nuriga o‘zi xohlagan kishilarni hidoyat qilur”[4,354], - deya e‘tirof etiladi.

Manbalarga ko‘ra, Alloh nuri ilohiy fayz bo‘lib, u insonlarga qaratiladi. “U payg‘ambarlarga bevosita vahiy tarzida, avliyolarga ilohiy jazba shaklida, oddiy insonlarga iste‘dod va ilhom ko‘rinishida balki qobiliyat va yaratuvchanlik qudrati sifatida yo‘naltirilishi mumkin” [10,36], - deya e‘tirof etiladi.

Talabalarga har bir berilgan ma‘lumot yuzasidan xulosani chiqarishni o‘rgatish nihoyatda muhimdir.

Demak, ma‘naviy merosimizda, diniy ta‘limotda komillik insonning qalbi, ya‘ni botiniy go‘zalligi bilan belgilanishiga alohida urg‘u beriladi. Bu “Alloh sizning suratlarigiz va amallaringizga emas, balki qalblaringiz va niyatlaringizga boqar”[7,153] singari hadislarida ham o‘z aksini topgan.

Komil inson to‘g‘risida mulohaza yuritilar ekan, bevosita diniy va dunyoviy ma‘naviy qadriyatlarimizda bu masalaga alohida e‘tibor qaratilganini e‘tirof etish zarur.

Forobiy o‘zining “Fozil odamlar shahri” asarida komillikni fozillik bilan uyg‘unlashtiradi. E‘tiborga loyiq jihati shundaki,

allomaning fikricha, fozillar yashaydigan shaharni ma`naviy-axloqiy jihatdan yuksak inson boshqarishi kerak. Yuksak ma`naviyatli, komillikka erishgan hokimga xos o`n ikki jihat Forobiy tomonidan ajratib ko`rsatiladi:

- ...to`rt muchali sog`lom bo`lishi zarur;
- ... tabiatan nozik, farosatli bo`lishi;
- uning xotirasi kuchli bo`lishi...;
- o`z fikrini ravshan tushuntira olishi uchun chiroyli so`zlay olishi;
- ta`lim olishga, ma`rifatli bo`lishga, o`qish, o`rganishga doimo intilishi;
- har qanday yomon illatlardan o`zini tiya oladigan bo`lishi;
- haqiqatparvar, odil va haqgo`y bo`lishi;
- ... inson qadrini biluvchi oriyatli, ulug`, oliy ishlarga intiluvchan bo`lishi;
- mol-dunyoga qiziqmaydigan, boylik orqasidan quvmaydigan bo`lishi;
- tabiatan adolatparvar, yaxshilik qiluvchi, har qanday haqsizlik va razolatlarga murosasiz bo`lishi;
- qat`iyatli, sabotli, jur`atli, jasur bo`lishi zarur [13,159-160].

Darhaqiqat, insonning kamolotida o`qish va ilm olish bilan bir qatorda insoniylik fazilatlarini mujassam bo`lmog`i kerak. O`z navbatida talabalarga komil insonni tarbiyalash nafaqat asrlar davomida shakllangan ma`naviy merosni o`rgatish, ajdodlarimizga munosib voris bo`lishning sharti, balki davrning talabi ekanligi anglatish, hayotiy misollar asosida tahlil etib tushuntirish zarur.

O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning “Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma`naviy salohiyatga ega bo`lib, dunyo miqyosida o`z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo`sh kelmaydigan insonlar bo`lib kamol topishi, baxtli bo`lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz”, – degan fikrlari yosh avlodni milliy qadriyatlar asosida yetuk, barkamol etib tarbiyalashda barchamizga kuch-g`ayrat bag`ishlamoqda. [2,146].

Komillikka intilish kishini odamiylik sari yetaklaydi, mardlikka undaydi. Bu jihatdan qomusiy allomalarimizning fikrlari o`rinlidir. Jumladan, Beruniyning mulohazalari diqqatimizni tortadi: “Odamgarchilik, ya`ni muruvvat kishining o`z urug`-aymog`i va o`z ahvoliga ta`sir etish bilan chegaralanadi. ...Muruvvatli mard kishi o`zidan va o`ziniki ekanligiga hech kim tortishib o`tirmaydigan narsadan boshqasiga egalik qilmaydi.

...u o`zining halimligi, muloyimligi, irodasi mustahkamligi, chidamliligi, kamtarinligi tufayli ulug`vorligi bilan tanilib, garchi u shu martaba ahlidan bo`lmasa ham, oliy darajaga ko`tariladi. U

nasl-nasab jihatdan emas, balki haqli ravishda o‘sha sifatlari bilan ehtirom qilinadi” [5,70].

Ibn Sino insonlardagi adolat, pokizalik, bilimdonlik, irodalilik, ezgu niyat, himmat, saxovat, shijoat kabi fazilatlarni qadrlaydi, o‘z navbatida aldanchilik, qo‘rqoqlik, ikkiyuzlamachilik, xasislik, o‘g‘rilik, ig‘vogarlik, yalqovlik, fisqu fasod kabi salbiy illatlarni qoralaydi. Allomaning fikricha, aqllilik – biror ishni bajarishda shoshma-shosharlik qilishdan saqlovchi quvvatdir [12,39].

Insoniyatning taraqqiyoti bosqichlari jihatidan keyingi davrning yetuk vakili komillik tuyg‘usi Navoiy donishmandligining asosi, ma`naviy qarashlarining bosh mezoni ekanligini darsda foydalanayotgan o‘quv qo‘llanmalar vositasida tushuntirish zarur. Hazrat Navoiy “Lisonut tayr” asarida: “To‘rt unsur, yetti ko‘k va oltita tomon – bular koinotining nodir va eng oliy asosini tashkil etadi. Koinotdagi barcha narsalar ichida hammadan eng ulug‘i Inson bo‘lib, uning kamoloti oldida aql hayron qoladi” [14,23].

Talabalarga mavzuni tushuntirish jarayonida diniy va dunyoviy ma`lumotlarni uyg‘un holatda, birini ikkinchisi bilan bog‘lab tushuntirsak, bu borada ko‘proq natijaga erishamiz.

Tasavvuf ta`limotining atoqli vakillaridan biri Aziziddin Nasafiy komil insonni mukammal tasvirlab beradi: “...Odamlar orasida komil inson bor bo‘lgani uchun jami mavjudot odamlarga sajda qiladilar. ... Mavjudot ichra komil insondan ko‘ra ulug‘roq va donoroq narsa yo‘q, ... komil inson mavjudot xulosasi va qaymog‘idir va maloikalar ulug‘idan kichigigacha va arshu kursi va samovot va yulduzlar – hammasi komil inson xodimlaridir va hamisha komil inson tegrasini tavof etadilar...” [11,135].

Demak, komil inson insonlar ichra eng ulug‘ va donosidir, eng aqlli va pok axloqlisidir. Bu jihatlar insonda o‘z-o‘zidan paydo bo‘lmaydi. Kamolotga erishish, yuqori darajaga ko‘tarilish kishidan qalban va ruhan poklanishni, ma`rifat o‘rganishni va eng asosiysi, ilmini boshqalarga o‘rgatishni talab etadi.

Vaholanki, Yusuf Xos Hojib “Kamolotga yetish yo‘li ikkita: bilim olish va ibrat o‘rganish”¹⁹ ekanini ta`kidlab o‘tadi. Haqiqatan ham, tarbiyali inson o‘zgalarning ijobiy xislatlaridan ibrat olishga qodir bo‘ladi, salbiy xislatlaridan esa saboq chiqara biladi. Rudakiy “Bilim – barcha kulfatlar uchun qalqon”²⁰ deb bejiz aytmagan.

XULOSA

¹⁹ Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. –T.:Fan, 1971. –B.103

²⁰ Kuch bilim va tafakkurda. T.:Ma`rifat-Madadkor, 2003. –B.177



Komil inson tushunchasini talabalar atroficha tushunishi uchun bevosita dunyoda sodir bo'layotgan ekstremizm va terrorizm, "ommaviy madaniyat" kabi zararli g'oyalari, ular dunyoning qay burchagida sodir bo'lishidan qat'iy nazar har bir insonning muammosi ekanligini, o'zligini anglagan, Vatanni qadriga yetadigan insongina turli zararli g'oyalarning ta'siriga tushmasligini ta'kidlab o'tish joiz.

Bu borada Sh.Mirziyoevning BMT minbaridan turib aytgan fikrlarini eslash o'rindir: "Sayyoramizning ertangi kuni, farovonligi farzandlarimiz qanday inson bo'lib voyaga yetishi bilan bog'liq. Bizning asosiy vazifamiz yoshlarning o'z salohiyatini namoyon qilishi uchun zarur sharoitlar yaratish, zo'ravonlik g'oyasi "virusi" tarqalishining oldini olishdir. Buning uchun yosh avlodni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, uning huquq va manfaatlarini himoya qilish borasidagi ko'p tomonlama hamkorlikni rivojlantirish lozim, deb hisoblaymiz" [3].

Darhaqiqat, yoshlarimizni din niqobi ostidagi turli zararli g'oyalari ta'siridan asrash uchun ma'naviy qiyofasini shakllantirish g'oyat muhim. Komil insonning o'ziga xos axloq kodeksi [11,138] ajdodlarimiz tomonidan ishlab chiqilgan bo'lib, unga erishish har bir odamning orzusidir.

N.Komilov ta'kidlaganidek: "Odam qanchalik nodon bo'lsa, u xurofotga, so'zlar sehriga, shakllarga mahliyo bo'ladi, rasm-rusumga, aqidalarga shuncha beriluvchan bo'ladi. Va, aksincha, odamning ma'rifati, bilimi oshgan sari, u ... mazhabparastlikdan, aqidaparastlikdan yuqori ko'tarilaveradi..." [11,265].

Islom dini bu shunchaki aqida emas, balki ta'limot, ma'rifat ekanligini yoshlarimiz to'liq anglab yetsagina soxta "diniy ta'limotlar" ularning ongiga ta'sir o'tkaza olmasligi tayin. Zero, turli xil "islom aqidalari" yoshlarimizni komillik ruhida tarbiyalashga to'siq bo'lib, ularning qalbi va ongini zaharlashga xizmat qiladi. Aqlan, qalban, jismonan va ruhan sog'lom, komil insonni tarbiyalash har birimizning dolzarb vazifamizdir.

Texnika yo'nalishida tahsil olayotgan talabalarga komil insonning o'ziga xos jihatlari tushuntirishda kompyuter, elektron taqdimotlar, proyektordan foydalanish maqsadga muvofiq. O'z navbatida "Blits-so'rov" o'tkazish, mavzu doirasida talabalarning fikrlarini eshitish talab etiladi.

Shuningdek, talabalarning bilimlarni chuqur va mustahkam egallashi, Vatanparvarlik, insonparvarlik va milliy iftixor tuyg'usiga ega bo'lishi, huquqiy va ekologik madaniyat, xulq-odob qoidalarini egallab olishi, san'atning inson hayotidagi o'rni, milliy va umuminsoniy qadriyatlar, ularning jamiyat taraqqiyoti va shaxs kamolotidagi mavqei, oila ma'naviyati

mustaqillikni mustahkamlashga xizmat qilishi masalalariga alohida to'xtalish maqsadga muvofiqdir.

REFERENCES

1. Mirziyoev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. T. "O'zbekiston" 2017. 256-bet
2. Mirziyoev. Sh. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. T. "O'zbekiston", 2016.B.146
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi. Nyu-York. 2017. 19 sentabr
4. Abdulaziz Mansur. Qur'oni Karim ma'nolarining tarjima va tavsiri. Toshkent islom universiteti, -Toshkent: 2007, -B 354.
5. Beruniy Abu Rayhon. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar. Tanlangan asarlar 1 t. – T.: Fan. 1968.- 488 b.
6. Bertels.E.E. Sufizm i sufiyskaya literatura. – M.: Nauka. 1995.S.54.
7. Jaloliddin Rumi. Ichingdagi ichingdadir. –Toshkent: Yozuvchi, 1997, 153-b.
8. Jalolov.A Mustaqillik mas'uliyati. T. "O'qituvchi". 1996 y. 29-bet.
9. Imomnazarov. M. Milliy ma'naviyatimiz nazariyasiga chizgilar. T. "Sharq", 1998. – 239 bet.
10. Imomnazarov.M., Eshmuhammedova M. Milliy ma'naviyatimiz asoslari. Toshkent islom universiteti, - Toshkent: 2001, 36-bet.
11. Komilov N. Tasavvuf. 1-kitob – Toshkent: Sharq, 1996. - 272 bet.
12. Olimov Sh. Kasb-hunar kollejlari o'quvchilarini ma'naviy-axloqiy tarbiyalash. – T.: Fan, 2007. - 163 b.
13. Forobiy Abu Nasr. Fozil odamlar shahri. – T.: Xalq merosi, 1993.- 224 b.
14. Haqqul Ibrohim. Kamol et kasbkim. – T.: Cho'lpon. 1991. b.23.



11-12 ЁШЛИ СУЗУВЧИЛАР ОРАСИДА ЙИЛЛИК МАКРОЦИКЛДА КУЧ ҚОБИЛЯТЛАРИ ЎҚУВ ЮКЛАМАСИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ

Ё. Т. Хамдамова

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Сузишдаги натижалар кўп жиҳатдан жисмоний қобилиятларнинг ривожланиш даражасига ва кўпроқ даражада – сузувчиларнинг куч тайёргарлигига боғлиқ. Ушбу мақолада 11-12 ёшли сузувчилар орасида йиллик макроциклда куч қобилиятлари ўқув юкламасининг тақсимланиши назарда тутилган.

ABSTRACT

The result in swimming largely depends on the degree of development of physical abilities, and to a greater extent – on the strength training of swimmers. This article presents the distribution of the training load on strength skills in the annual macroscopic among swimmers aged 11-12 years.

КИРИШ

Спортчининг муҳим ташқи қаршиликларни енгиш учун иш ҳаракатларини намоён этиш қобилиятини тавсифловчи куч қобилиятлари сузувчиларнинг максимал тезлик қобилиятларини аниқлайди. Сузувчиларнинг куч машқларининг вазифаси айнан сузишга хос бўлган асосий моторли ҳаракатларни: старт, бурилиш, сиклик ишларни бажаришда юқори куч ва ҳаракатлар кучига эришишдир.

Дастлабки асосий тайёргарлик босқичида тезлик, куч намоён бўлишининг турли шакллари ривожлантиришга, шунингдек ҳаракатлар ва мослашувчанликни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор берилиши керак.

Ушбу босқичда, кейинчалик спортни такомиллаштириш учун оз миқдордаги махсус машқлар билан куч-қувват машқларидан фойдаланишнинг рационаллиги.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқот 39 ҳафталик микроцикл учун иккинчи ўқув йилининг иккита ўқув гуруҳида ўтказилди. Ҳар бир гуруҳ 10 нафар ўғил болалардан иборат бўлиб, уларнинг ёши 11-12 ёш



эди. Битта микросикл учун куруқликда ва сувда машғулотлар учун 12 академик соат ажратилди. Машғулотлар ҳафтасига 6 марта, кунига битта машқ ўтказилди. Машғулотлар давомийлиги 90 дақиқани ташкил этди. Ўқувчиларнинг ҳафталик иш юкламаси 12 соатни ташкил этди, шундан 4-5 соат куруқликда ва 7-8 сувда машғулотлар бўлиб ўтди, вақт ҳам вазифаларга қараб ўзгариб турарди. Йил давомида ўқув вақтининг умумий миқдори 454 соатни ташкил этди, бу ерда 176 соат куруқликда ва 278 сувда машғулотлар учун ажратилган бўлиб, бу иккинчи ўқув йили ўқув гуруҳлари учун ишлаб чиқилган дастур талабларига мос келади. Умумий жисмоний тайёргарликнинг ўртача ҳажми (УЖТ) 55% ни, махсус жисмоний тайёргарлик (МЖТ) – 45% ни ташкил этди. Йиллик макросикл даврларининг ҳар бир алоҳида босқичи учун унинг ўз юк ҳажми аниқланади. Йиллик макросикл давомида УЖТ ва МЖТ нинг тақсимланиши 1-жадвалда кўрсатилган. Тадқиқот натижалари. Спортчиларнинг махсус тайёргарлик асбобларида куч қобилиятларини самарали ривожлантириш учун машғулот пайтида юкламани тўғри тақсимлаш керак, бу вазифалар ва машғулот даврига боғлиқ. Спортчини тайёрлашнинг муҳим омили-бу спорт машғулотларининг ҳар бир босқичига мос келадиган машғулот усулларини қўллашнинг тўғрилигидир.

1-жадвал

Йиллик макроциклда УЖТ ва МЖТ нинг фоиз тақсимоти

Тайёргарлик даври	Тайёргарлик босқичи	УЖТ,%	МЖТ,%
Тайёргарлик	Умумий тайёргарлик	70	30
	Махсус тайёргарлик	50	50
Мусобақа даври	Мусобақа даври	35	65
Ўтиш даври	Ўтиш даври	60	40
Тайёргарлик	Махсус тайёргарлик	55	45
Мусобақа даври	Мусобақа даври	25	70
Ўтиш даври	Ўтиш даври	40	60

Алоҳида машғулот даврларида бир машғулот давомида машқ тренажерларида куч қобилиятини ривожлантириш учун



ажратилган вақт ва бунинг учун қўлланиладиган усуллар 2-жадвалда кўрсатилган (минимал юклама кўрсаткичлари). 3-жадвалда йиллик макросиклнинг маълум даврларида ишлаб чиқилган куч сифатига ва турли хил интенсивликка қараб, махсус ўқув тренажерларида машғулотлар пайтида ишлатиладиган оғирликларнинг улуши кўрсатилган.

2-жадвал

Махсус йиллик макроциклда ўқув машғулотларини махсус жисмоний тайёргарлик юкломаларини тренажорларда тақсимлаш

Тайёргарлик даврлари ва босқичлари	Машқни бажариш вақти (минутда)	Тренажерларда бажариладиган машғулотнинг бир қисми (%)	Фойдаланиладиган услублар	Интенсивлик (%)
Тайёргарлик даврининг умумий тайёргарлик босқичи	7	15	Бир-хил, доимий	50
Тайёргарлик даврининг махсус тайёргарлик босқичи	15	30	Интервалли ўзгарувчан, интервалли такрорланган, қайта ўзгарувчан	85 98
Мусобақа даврининг мусобақа босқичи	8	17	Такрорий, интервалли	95
Ўтиш даврининг ўтиш босқичи	5	10	Доимий, бир-хил, такрорий	60
Тайёргарлик даврининг махсус тайёргарлик босқичи	15	30	Интервал оралиғи ўзгарувчанлиги, такрорланувчи, такрорланувчи ўзгарувчанлиги	85 98
Мусобақа даврининг мусобақа босқичи	10	25	Такрорий, интервалли	95 85



3-жадвал

Йиллик макроциклнинг маълум даврида ишланган куч сифати ва машқлар интенсивлигига қараб махсус тренажерларда ишлатиладиган оғирлик улиши

Тайёргарлик даври	Жисмоний машқлар интенсивлиги (%)	Сифатларнинг ривожланиши	Ишланган оғирликларнинг қиймат (%)
Тайёргарлик даврининг умумий тайёргарлик босқичи	50	Моксималний куч Портловчи куч Куч чидамлилиги	80-90 60-75 70-75
Тайёргарлик даврининг махсус тайёргарлик босқичи	70-85 95-98	Моксималний куч Портловчи куч Куч чидамлилиги	85-95 70-90 70-80
Мусобақа даврининг мусобақа босқичи	95	Моксималний куч Портловчи куч Куч чидамлилиги	85-95 80-90 70-80
Ўтиш даврининг ўтиш босқичи	50-60	Моксималний куч Портловчи куч Куч чидамлилиги	80-90 60-75 70-75
Тайёргарлик даврининг махсус тайёргарлик босқичи	70-85 95-98	Моксималний куч Портловчи куч Куч чидамлилиги	85-95 70-90 70-80
Мусобақа даврининг мусобақа босқичи	90 70-85	Моксималний куч Портловчи куч Куч чидамлилиги	85-95 70-90 70-80

Ўқув йили бошланишидан олдин малакали мутахассисларни сўроқ қилиш жараёни амалга оширилди (n=20). Бу жараён сузувчилар-спринтерларнинг куч машқларининг асосий усуллари аниқлаш учун анкета саволларига жавоб берди. 4-жадвалда жавоблар фоизи кўрсатилган.

4-жадвал

Анкета саволларига жавоблар фоизи

Анкета саволлари	Жавоблар варианти	Жавоблар сони %
Бир машғулотда куч қобилиятларини ривожлантириш учун махсус тренажерларда машқларга қанча вақт ажратасиз?	а) 5-15 дақиқа; б) 20-30 дақиқа; в) Тренажерлардан фойдаланмайман	60 30 10



Йиллик макроциклнинг қайси босқичида куч қобилиятларини ривожлантириш яхшироқ?	а) умумий тайёргарлик; б) махсус тайёргарлик; в) ўтиш даври; г) мусобақа даври;	15 45 10 30
Сизнингча куч қобилиятларининг энг ривожланиш даври қаерда бўлади?	а) куруқликда; б) сувда; в) куруқликда ва сувда биргалликда	40 20 40
Куч қобилиятларини ривожлантириш учун қуйдаги куч машқлари усулларида қайси бири энг самарали деб ҳисоблайсизми?	а) изометрик (статик); б) изотоник (динамик); с) изокинетик; д) ўзгарувчан қаршилиқлар; е) плёметрик (зарбали)	10 10 40 30 10
Спринтерларни ўргатиш учун қайси машғулот усулидан тез-тез фойдаланасиз?	а) ягона (тенг масофавий) усул; б) ўзгарувчан (ўзгарувчимасофа) услуб; с) такрорий усул; д) интервалли усул; е) назорат ва мусобақа услуби	15 20 30 20 15
Йиллик макросиклда спринтерларнинг ишлаш даражасининг индиудал муҳим кўрсаткичларини режалаштиряпсизми?	а) ҳа; б) йўқ; с) баъзан; д) фақат мусобақа учун; даврлар	50 35 10 5
Ўқув жараёнида юкламаларини тартибга солишнинг қайси мезонларига эътибор қаратасиз?	а) ЮУТ; б) субектив белгилар; с) тест натижалари	40 20 40

Муайян дарс учун тахминан 5-15 дақиқа вақт кетади, 30% респондентлар 20-30 дақиқа машғулот вақтини ажратиш керак деб ҳисоблашади ва 10% ўқув воситаларидан фойдаланган ҳолда техникадан фойдаланмайди. 45% мураббийларнинг фикрига кўра, куч қобилиятларини махсус тайёргарлик даврида, 30% - рақобат даврида, 15% – умумий тайёргарлик даврида ривожлантириш яхшидир. Кучни тарбиялаш усулларида изокинетик усул устунликка ега бўлди-40% мутахассислар ушбу жавоб вариантини танладилар, респондентларнинг 30% ўзгарувчан қаршилиқлар усулини, 10% еса изотоник, изометрик, плёметрик усулларни қабул қилдилар. Спринтда сузишда тезликка чидамлик (45%) мос равишда 30 ва 25% жавобларни олган портловчи куч ва кучга чидамликдан кўра муҳимроқдир. Барча респондентлар спринтерларни тайёрлаш учун барча

ўқитиш усулларининг тахминан бир хил нисбатидан фойдаланадилар: бир хил-15%, ўзгарувчан-20%, такрорий – 30%, интервал – 20%, назорат-мусобақа – 15%. Сўров шуни кўрсатдики, ўқув жараёнида юкламаларини кузатишнинг асосий мезони юрак уриш тезлиги (40% жавоблар), ихтисослаштирилган тест натижалари (40% жавоблар) ва субъектив белгилар (20% жавоблар) кўрсатди.

Ушбу сўровнома асосида куч-қувват машқларининг иккита усули танланди, улар иккинчи йил ўқув гуруҳларида бир йиллик макросикл давомида ишлатилган сузувчилар спринтерларнинг махсус куч қобилиятларини ривожлантиришга ўргатиш. Бу изокинетик усул ва ўзгарувчан қаршиликлар усули.

Изокинетик усул восита ҳаракатлари режимига асосланган бўлиб, унинг давомида тана боғланишларининг доимий ҳаракат тезлиги ва ҳаракатнинг бутун траекторияси бўйлаб ташқи қаршилик миқдори таъминланади. Ушбу усул сузувчига ҳаракатларни кенг тезликда бажаришга, ҳар қандай ҳаракат босқичида максимал ёки уларга яқин ҳаракатларни кўрсатишга имкон берадиган махсус ўқув тренажерларидан фойдаланган ҳолда ишлашни ўз ичига олади, бу еса мушакларнинг ҳаракат оралиғида оптимал юк билан ишлашига имкон беради.

Ўзгарувчан қаршилик усули, шунингдек, восита ҳаракатлари режимига асосланган, аммо бу усулни қўллаш махсус ўқув мосламаларидан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг дизайн хусусиятлари ҳаракатнинг амплитудаси давомида турли хил артикуляр бурчаклардаги қаршилик миқдорини ўзгартиришга имкон беради.

Иккала усул ҳам махсус ўқув воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Изокинетик усул учун тадқиқотда “Мини-Жим” ўқув тренажери, ўзгарувчан қаршиликлар усули учун еса Мертенс–Хуттел тренажеридан фойдаланилган. Бу методларнинг фарқи шундаки, изокинетик режимда машқ бажарганда мотор ҳаракатининг барча фазаларида оғирликларнинг катталиги бир хил бўлиб қолади, Мертенс–Хуттел тренажерида машқ бажарганда эса оғирликларнинг катталиги бажарилган ҳаракат фазасига боғлиқ бўлади. Изокинетик усулдан фойдаланиш ҳар бир такрорлашда ҳаракатнинг бутун амплитудаси бўйича кучнинг максимал намоён бўлишига имкон беради. Ва Мертенс –Хуттел тренажерининг дизайн хусусиятлари эшиш ҳаракатларининг турли қисмларида мушакларнинг ҳақиқий имкониятларига қаршиликни “мослаштириш” имконини беради.

Изокинетик усулнинг ўзига хослиги қаршиликнинг катталиги ва ҳаракат тезлигини сезиларли ораликда ўзгартириш имкониятидир.

Ўзгарувчан қаршилик усулининг ўзига хос хусусияти ҳар қандай усулда сузишда эшиш ҳаракатларини кўлланиш билан эмитация қиладиган турли хил машқларни бажаришдан иборатди.

Тажриба охирида назорат ва тажриба гуруҳларининг жисмоний тайёргарлиги даражасини тест баҳолаш ўтказилди, бу барча қайд этилган кўрсаткичларда силжишларни кўрсатди.

Нazorat ва тажриба гуруҳларида, биринчи ва иккинчи ярим йиллик циклларда куруқликда ва сувда ўтказилган синов натижаларини таҳлил қилиб, натижаларнинг кўпайиши бутун йиллик макросикл давомида содир бўлганлигини таъкидлаш мумкин.

ХУЛОСА

1. Асосан ўзгарувчан қаршиликлар усулидан фойдаланган сузувчиларнинг тажриба гуруҳида кўрсаткичларнинг сезиларли даражада ошиши аниқланди. Махсус жисмоний тайёргарликни (максимал куч, портловчи куч, тезлик-куч қобилиятлари) аниқлайдиган кўпгина тестларда назорат гуруҳи экспериментал гуруҳга қараганда паст натижаларни (ўртача 10-12%) кўрсатди.

2. Икки гуруҳдаги куруқликда куч қобилиятининг энг катта ўсиши йиллик макросиклнинг биринчи ярмида иккинчисига қараганда кузатилди. Сувда ўтказилган синов натижаларида икки гуруҳда куч қобилиятларининг ривожланиши турли суръатларда содир бўлганлиги қайд этилди, бу эса қўлланиладиган методларнинг турлича таъсирини исботлайди.

Agar odamlar bolalikdan o'zini tuta bilishga va xushmuomlalikka o'rgatilgan bo'lsa yana yaxshi. Agar siz odamlarga xushmuomala bo'lsangiz, ular ham sizni hurmat qiladi. Xushmuomalalik odam sog'ligiga yaxshi ta'sir etadi. Xushmuomala, xushchaqchaq, ochiq ko'ngil, bag'rikeng, dili pok, to'g'ri so'z odamlar sog'lom bo'ladi, uzoq umr kechiradi. Odamlarning bir-biri bilan muomalasi ularning o'ziga bog'liq. Odam hayoti mobaynida ota-onasi, o'rtoqlari, ish joyidagi odamlar bilan munosabati sharoitiga qarab yaxshi tomonga o'zgarib borishi kerak.

Yoshlikda odamning do'stlari ko'payadi, yangi yangi do'stlar orttiriladi. Do'stlarni o'zaro munosabati juda muhim. Eng yomoni odamni do'stlari o'rtoqlaridan ajralib yakkalashib qolishidir. Bunday odam o'zini yomon xis qiladi, kayfiyati tushib ketadi. Nima uchun

bunday holat yuz berganini o‘ylayverib oxir oqibat betob bo‘lib qolishi mumkin.

XULOSA

Yuqoridagi sxemadan ma‘lumki sog‘lom turmush tarziga 8 ta omil ijobiy ta‘sir etar ekan. Sog‘lom turmush tarziga sog‘lom bo‘lmagan turmush tarzi, salbiy emotsiyalar, nerv-psixik buzilishlar, nevroz va boshqalar salbiy ta‘sir etadi. Odamlar bir-biri bilan samimiy, muloyim munosabatda bo‘lishlari kerak. Faqat qo‘pol muomala qiladigan, baqiribchaqiradigan kishilar emas, balki indamas qovog‘i soliq surbetlar ham odamlar asabiga tegadi. Bir og‘iz ham gapirmay yurishga, ba‘zilari so‘kinishga o‘rgangan bo‘ladi, boshqa bir odamlarga tepadan qaraydi, “men hammadan yuqoriman” deb o‘ylaydi. Bunaqa odamlar ozchilikni tashkil qiladi, lekin ko‘pchilikning dilini og‘ritadi. Ular dilozor kishilardir.

REFERENCES

1. Афанасьев Ю.А, Куликов Ю.А, Насреддинов Ф.Н. Физическое воспитание и врачебный контроль в вузе. Ташкент, 1991.
2. Ананасенко Г.Л. СГБ, 1992 Эволюция биоэнергетики и здоровья человека.
3. Абрамов М.С, Столярук В.С. Ташкент, 1985 Состояние и оценка морфофункциональных показателей у студентов
4. Благуш П.К. Теории тестирования двигательных способностей. (чех тилидан қисқартирилган таржима) М.ФИС, 1982, 165 б
5. Кашбахтиев И.А. Основы физического совершенствования студентов. Ташкент, 1992, 153 б.
6. Кашбахтиев И.А. Валеология студенческой молодежи. Ташкент, 2000, 147 б
7. D.Sharipova, Q.Sodiqov G.A.Shaxmurova. Valeologiya asoslari. O‘quv qo‘llanma.Tashkent 2007.
8. Рихсиева А.А. Насреддинов Ф.Н, Рихсиев А.И. Физическое состояние школьников и спортивной молодежи. Ташкент. Ўқитувчи, 1989, 80 б.
9. Талага Е. Энциклопедия физических упражнений (Полякчадан таржима) М: ФИС, 1998-412 б
10. Ханкельдиев Ш.З. Физическая подготовленность учащихся, молодёжи. Ташкент, Медицина, 1986.



МАМЛАКАТИМИЗДА МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Нозимахон Авазхоновна Имомова

Фарғона давлат университети ўқитувчиси PhD

АННОТАЦИЯ

Ушбу тадқиқотда Ўзбекистонда ишчи кучи миграциясининг ҳисобини тўғри олиб бориш, фуқароларнинг хорижга қонуний чиқиши ва меҳнат қилишини таъминлаш мақсадида фуқароларга ягона идентификацион рақам бериш тизимини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: донор мамлакат, рецпиент мамлакат, қонуний миграция, ноқонуний миграция, хорижга чиқиш, идентификацион рақам.

ABSTRACT

This study presents proposals and conclusions on the development of a system of a single identification number of citizens in order to accurately record labor migration in Uzbekistan, to ensure the legal departure and employment of citizens abroad.

Keywords: donor country, recipient country, legal migration, illegal migration, travel abroad, identification number.

КИРИШ

Глобаллашув шароитида мамлакатлар ўртасида ўзаро боғлиқликнинг ортиши, ўзаро иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларнинг чуқурлашуви ишчи кучи миграциясига ҳам таъсир этмай қолмаганлигини назарда тутиб ишчи кучи миграциясини ўрганишнинг ахамияти ортиб борди.

Аҳоли миграцияси – бу, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг турли жиҳатлари, улардаги ўзгарувчан тенденцияларнинг шаклланиши ва намоён бўлиши билан боғлиқ бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса. Шу билан бирга, миграцияни ўрганиш жараёнида унинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатиш ва кўриб чиқиш зарурияти туғилади. Биринчидан, тор маънода, миграция доимий яшаш жойининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ҳудудий ҳаракатларнинг тўлиқ тури сифатида намоён бўлади; миграция эса кўчиб ўтишни англатади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бундай шароитда йигирманчи асрнинг биринчи чорагида Чикаго социология мактаби тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган аҳоли миграциясини ўрганиш методологияси бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда Чикаго мактаби 1915 йилдан 1935 йилгача



Америка социологиясида устун мавқени эгаллади ва умуман социология ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди, унинг эмпирик йўналишини белгилаб берди. Ушбу мактаб вакиллари томонидан аҳоли миграцияси муаммоси етарлича батафсил ўрганилган. 1860 йилдан 1920 йилгача Қўшма Штатларда энг йирик иммигрант гуруҳлар: Шарқий Европадан келган ирландлар, италияликлар, яҳудийлар ташкил топди. Шу муносабат билан, мослашиш ва шунга кўра, мигрантларнинг янги жамиятга қўшилиши масаласи долзарб эди. Миграцияни социологик нуқтаи назардан ўрганиш миграция жараёнларини тартибга солиш, этник низоларни ҳал қилиш, муҳожирларнинг девиант хатти-ҳаракатлари олдини олиш ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш механизмларини ишлаб чиқишга имкон берди [1].

Шунингдек, «миграция» атамасининг биринчи марта назарий жиҳатдан тушунтириб бериш одатда инглиз географи Ровенстейн номи билан боғланади.

Ровенстейн таъкидлаганидек, шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисига нисбатан кам ҳаракатдадир. Шунингдек, инфратузилмалар таракқиёти, транспорт ва алоқа воситаларининг ривожланиши, савдонинг кенгайши ҳамда саноатнинг ўсиши ҳам миграцияни кучайтиради.

Ишчи кучи миграциясини ижтимоий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, мамлакат меҳнат ресурсларининг бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга кўчиб юриши тушунилса, иқтисодий нуқтаи-назардан эса, ижтимоий мазмуни билан боғланган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳолининг минтақа ва ҳудудлараро кўчиб юриши тушунилади. [2-6]

Меҳнат миграциясининг оқибатларини очиб беришда икки хил ёндашув мавжуд бўлиб, биринчидан, мамлакатнинг меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжни таъминлайди, янги ҳудудларни барпо этилишига олиб келади, иқтисодий фаол аҳолини иқтисодиётдаги ҳолатини тартибга солади ва шунингдек аҳолининг ижтимоий-маданий ҳаёт тарзига сезиларли таъсир ўтказади.

Иккинчи ёндашув эса, меҳнат ресурсларининг миграцияси натижасида катта шаҳарлар пайдо бўлади, экологиянинг кескинлашуви, турли муаммолар туғилиши, мигрантларнинг янги ҳаётдаги муаммоларнинг вужудга келиши билан изоҳланади.

Шундай экан, меҳнат миграциясининг донор мамлакатлар (ишчи кучини экспорт қилувчилар) ва реципиент мамлакатлар (ишчи кучини импорт қилувчилар)га ижобий ва салбий таъсирларни ўрганиш ҳам муҳимдир. [7]

Меҳнат миграциясининг донор мамлакатлар иқтисодиётига ўтказадиган ижобий таъсирлари:

– эмиграция мамлакат меҳнат бозорини анча юмшатади, яъни ишчи кучи миграцияси натижасида ортиқча меҳнат ресурслари сони камаяди, айниқса, аҳолиси зич жойлашган мамлакатларга сезиларли даражада ижобий таъсир ўтказади (Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Покистон, Туркия).

– ишчи кучи экспорти – донор мамлакатларнинг эмигрант ишчиларига текин янги мутахассисликни ўзлаштиришга, уларнинг малакаси ошишига, янги техника ва технологиялар билан алоқа қила олишига олиб келувчи жараён;

– мигрантлар ўз ватанига қайтаётганда ўзи билан қимматбаҳо буюм, пул ва шунга ўхшаган ноёб нарсаларни олиб келишади ва шунингдек турли пул жўнатмаларини амалга оширадilar:

– ишчи кучи экспорти – валюта кириб келишининг асосий манбаи бўлиши билан бирга уларнинг оила аъзолари турмуш даражаси кўтарилишининг йўлларида бири;

– донор мамлакатлар ўз фуқароларининг хорижда ишлашни ташкиллаштирадиган воситачи фирмалардан давлат бюджетига солиқлар ундиради.

Донор мамлакатлар иқтисодиётига ишчи кучи миграциясининг салбий оқибатларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

– эмиграция қиладиган мамлакатлар ўзларининг меҳнат ресурслари ёки меҳнатга лаёқатли иқтисодий фаол аҳолининг маълум қисмидан ажраладилар;

– донор мамлакатлар эмигрантларнинг билим олиш ва малакасини ошириш учун маблағ сарфлайдилар;

– малакали кадрларнинг камайиши, яъни билимли ва малакали кадрларнинг чиқиб кетиши содир бўлади. Бунинг натижасида эса давлат йирик миқдордаги пул маблағини йўқотади.

Рецепиент мамлакатлар иқтисодиётига эса ишчи кучи миграцияси қуйидагича ижобий самара беради:

– хориж ишчиларининг кириб келиши юқори даражадаги сафарбарликни келтириб чиқаради, миллий иқтисодиётнинг таркибида айрим тармоқларини шакллантиради;

– иммигрантлар миллатнинг ёш таркибини яшартиради, чунки одатда эмиграция қилинганлар ёшлардан иборат бўлади;

– қабул қилиб олаётган мамлакатлар харажатларини тежашга эришади, чунки ўз ишчи кучларини билим ва малакасини оширишга жўнатаётган донор мамлакатлар буни олдиндан тўлашган бўлади;

– иммигрантлар ички бозор ҳажмини оширадilar, товар ва хизматларга талабни ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширадilar;

– ишчи кучи импорти товарнинг рақобатбардошлигини оширади, чунки арзон ишчи кучи келиши билан ишлаб чиқариш харажатлари тежалади;

– иммигрантларнинг вақтинчалик бўш турган маблағлари, қабул қилувчи давлат томонидан ўз иқтисодиёти учун молиялаштирилади;

– иммигрантлар демографик ҳолатни яхшилайдilar, бу айниқса, умумий аҳолиси таркибида қариялар улуши юқори ҳисобланган Ғарбий Европа мамлакатлари учун хосдир;

Меҳнат миграциясининг реципиент давлатлар учун салбий томонлари эса қуйидагиларда намоён бўлади:

- мамлакатнинг иқтисодий тармоқлари хориж ишчи кучларига қарам бўлиб қолади;
- ички ишчи кучларининг баҳоси пасаяди ва хориж ишчи кучларининг таклифи ошиб кетади;
- туб аҳоли билан иммигрантлар ўртасида турли зидди ятлар пайдо бўлади ва натижада мамлакатларaro низолар ҳам пайдо бўлиши мумкин;
- иммигрантлар меҳнат фаолиятини олиб бораётган мамлакатда узоқ ва қийин мослашадилар.

Шу ўринда, хорижий мамлакатларда ишчи кучи миграцияси, унинг асосий йўналишлари ва муаммоларини ўрганар эканмиз, унда миграция оқими, ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга йўналади. Ривожланган мамлакатларда иқтисодий билим, таълим ва маданий ҳолати юқори бўлган аҳолининг юқори тажаурмуш даражаси миграцион омилга кучли таъсир ўтказади. Ишсизлик даражаси юқори, иш ҳақи кам бўлган мамлакатларда, ҳаётни таъминловчи асосий зарурати бўлган бирламчи эҳтиёжларни қондириш, оилани моддий-иқтисодий таъминлаш муоммоси ҳам ривожланган мамлакатларга кўчишга туртки беради.

Ишсизлик даражаси юқори, иш ҳақи кам бўлган мамлакатларда, ҳаётни таъминловчи асосий зарурати бўлган бирламчи эҳтиёжларни қондириш, оилани моддий-иқтисодий таъминлаш муоммоси ҳам фаровон мамлакатларга кўчишга туртки беради.

Миграция жараёнларини мазмунига кўра икки хил турга:

- 1) иқтисодий мўлжаллар ва;
- 2) маънавий-интеллектуал ҳамда сиёсий омиллар асосида вужудга келадиган миграцияга ажратиш мумкин.

Халқаро иқтисодий ва сиёсий жараёнларда меҳнат миграцияси мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги пайтда миграция жараёни жадал ривожланаётган мамлакатларнинг катта қисмини шимолий мамлакатлар ташкил этмоқда.

Шунингдек, хорижий мамлакатлардан Германияда меҳнат мигрантлари ва уларнинг мамлакатда яшаши учун ижтимоий шароитлар ва миграция жараёнларининг мамлакатга таъсири ўрганилганда, Германия Европада иммиграция бўладиган мамлакатларидан бири ҳисобланади. Европа Иттифоқининг бу энг катта мамлакатининг аҳолиси таркибида ҳар ўндан бири Германия фуқароига эга бўлмаган чет эл фуқаролари бор. XX аср 50-йилларида тахминан 30 миллион лигчет элликлар ва немислар Шарқий Германиядан, Германия Федератив Республикасига кўчиб кетишган. 2002 йил охирида Германияда қонуний равишда яшаётган чет элликлар сони 7,3 миллион



кишини ёки жами аҳолининг 8,9 фоизини ташкил этган бўлса [2], 2020 йил маълумотларига кўра, бу кўрсаткич 1,36 миллион қочоқ билан бойиди, бу Европа давлатлари учун ўртача кўрсаткичдан (5,1%) сезиларли даражада ошди [3]. Кўпгина ҳолларда, иммигрантларнинг асосини, бу Европа давлатлари учун ўртача асосини 1950-1960 йилларда тузилган меҳнат шартномаларида иштирок этувчи мамлакатларнинг фуқаролари ташкил этади. 2003 йилдаги статистик маълумотларга кўра, 28 фоизи Туркиядан, 16,2 фоизи собиқ Югославиядан, 8,4 фоизи Италиядан, 5 фоизи Грециядан ва 4 фоизи Польшадан келганлар ташкил этади[4]. 2020 йил маълумотларига мувофиқ, булар қаторига Яқин Шарқ мамлакатларидан келганлар қўшилиб, 1,36 миллион қочоқнинг фақат 80 фоизигина Германия ҳукумати томонидан расмий ҳимояни олган[5]. Сўнгги пайтларда Яқин Шарқдан келувчи мигрантлар оқими кучаймоқда, буни қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- Яқин Шарқ мамлакатлари иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва ўзгартириш шароитида кўплаб иқтисодий тармоқларда иқтисодий ва ижтимоий беқарорликнинг юзага келганлиги;

- Сиёсий беқарорлик, этник низолар ва жиноятларнинг кўпайиши аҳолининг Яқин Шарқ мамлакатларидан чиқиб кетишига олиб келганлиги;

- атроф-муҳитнинг экологик жihatдан ёмонлашиши, қурғоқчилик, қишлоқ хўжалигининг ривожланмаганлиги ёки табиий офатлар туфайли тупроқнинг емирилиб бораётганлиги;

- Яқин Шарқ мамлакатларининг ривожланган Европа мамлакатлари билан яқинлиги, яъни геосиёсий омиллар сабабли муҳожира кўчиб ўтиш жараёнини нисбатан соддалаштирганлигини кузатиш мумкин.

2017 йил маълумотларига кўра, Германия аҳолисининг 24 фоизини миграцион ўтмишга эга бўлганлар ташкил қилар эди. Аммо 2018-2019 йилларда ушбу оқимнинг пасайиш тенденцияси кузатилди[14]

Германияда ўтказилган сўровномалар натижасида[15] Германия аҳолисининг 24 фоизи фикрига кўра, мамлакатдаги асосий ижтимоий, маънавий ва сиёсий муаммолардан бири мигрантлар ва қочоқлар ҳисобланади.

Миграция ҳодисаси жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётига салбий ва ижобий жиҳатдан таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда иммиграцияга доир қонун ва тартибларнинг бузилиши, шунингдек, Европа давлатлари туб жой аҳолиси ўртасида ишсизликнинг кучайиши муайян зиддиятли ҳолатларни юзага келтирмоқда. Хусусан, Германияда бошқа муаммолар билан бир қаторда, немислар бошқа миллатлар феъл-атворида, маданиятига мурасимсизлигининг кучайиши ва бу ҳолатни улар экстремизмга қарши кураш билан боғлаётганларини айтиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Германиядаги хорижликлар билан интеграция фаолияти 1978 йилда бошланган, мамлакат ҳукуматининг

иммигрантлар ва уларнинг оилаларининг интеграциясини кўллаб-қувватлаш учун Комиссар идорасини очиш бўйича қарори ҳам айнан шу йил қабул қилинган. 2005 йилда кучга кирган янги қонунга кўра эса, доимий яшаш ҳуқуқини олган барча муҳожирлар махсус интеграция курсларида қатнашишлари шарт ҳисобланади. Шу билан бирга, замонавий Германиянинг миграция сиёсати муҳожирларни ижтимоий ҳимоя қилишдаги жавобгарлик функциясини нодавлат мақомга эга бўлган ижтимоий агентликларга топшириши билан тавсифланади. Замонавий немис интеграцияси моделининг ажралиб турадиган энг муҳим хусусияти бу мамлакатнинг ижтимоий институтлари, шу қаторда меҳнат бозори, таълим тизимлари, қочоқларни жойлаштириш ва муҳожирларни нодавлат секторлардан давлат ижтимоий ҳимояси ва ижтимоий-сиёсий тизимига киритиш зарурати ортиб бормокда. Айни вақтда мигрантлар, сиёсий социологик нуқтаи назардан ёндашилганда, немис жамияти таркибига расман киритиламайди.

Мигрантнинг фуқароликни олиш фактисиз давлат ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига кира олмаслиги амалдаги Германия миграцион модели мигрантларнинг идентификация интеграциясини амалда рад этишини англатади. Аммо 2000 йилга келиб, Германияда туғилган чет элликларнинг фарзандларига нисбатан «тупроқ қонуни» тамойилидан фойдаланган ҳолда фуқаролик тўғрисидаги янги қонун қабул қилинди.

1991-2017 йилда Германияга келган мигрантлар сони [16]

Йиллар	Германияга келган немислар (киши)	Германияга келган хорижий мигрантлар (киши)
2017	164 199	1 381 439
2010	114 752	683 530
2000	191 909	649 249
1991	273 633	925 345

Германияда миграция қонунчилигининг янги вазифалари қуйидагилар эди [17]:

- миграция идоралари ва Германия миграция қонунчилигини бузадиган ҳар қандай ҳаракатга қарши туриш, шу жумладан, чегараларни ноқонуний кесиб ўтиш, расмий ташкилотлар руҳсатисиз ишга жойлашиш, шунингдек, сохта никоҳларни тузиш, ҳолатларига қарши курашни кучайтириш;

- муҳожирларнинг меҳнат малакаси ва умумий моддий таъминоти даражасига кўйиладиган талабларни ошириш орқали иммиграция субъектларини ўқитиш, касб бериш билан боғлиқ бўлган харажатларини камайтириш;



- муҳожирларга, шунингдек, бошпана излаётганларга бериладиган ижтимоий тўловларни камайтириш орқали Германияга кирадиган ва яшаб қоладиган муҳожирлик жозибдорлигини пасайтириш;

- Германияда немис тилини, шунингдек, Германия тарихи, давлат ва фуқаролик тузилишини билиш талабларини ошириш орқали ижтимоий тарқоқликнинг олдини олиш.

Германия миграция сиёсатининг XXI асрдаги жадал эволюцион ислоҳотлари натижалари ўлароқ қуйидаги асосий йўналишларни кўрсатиш мумкин:

- 1) хавфсизлик масалаларининг ўта муҳим аҳамият касб этиши;
- 2) миграция сиёсатининг табиатга кўпроқ фойда келтирувчи хусусиятга эга бўлиши ва эътиборни иқтисодий фойда олишга қаратила бошлаши;
- 3) эволюциялар муҳожирларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни қисқартириш, шунингдек, миграция сиёсатининг ҳуқуқий жиҳатларига зарар етказиш ҳисобига таъминланди.

Бизнингча, бугунги кунда юқорида кўриб чиқилган Германия тажрибасидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонда миграция соҳасида ислоҳотлар олиб бориш, муваффақият қозонган ва амалда қўлланилган ташаббуслар тажрибасидан вилоятлар миқёсда фойдаланиш, мамлакат вилоятларини маҳаллий ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда мигрантларнинг интеграциялашуви ва мослашуви бўйича лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат миграцияси нуқтаи назаридан донор мамлакат ҳисобланади. Сўнгги йилларда ўзбекистонлик мигрантларнинг хориждаги ноқонуний ҳаракати, чет элга ноқонуний чиқиши ва дедаларак йўқолиши, ишга ёлланиш тартибининг инсон хавфсизлига зид ҳолатларнинг тез-тез такрорланиши ҳукумат томонидан ягона рақамли базага ўтиш ва шу орқали хорижга чиқувчиларни назорат қилиш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда.

Ушбу тизим қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- Хорижий мамлакатларда бўлгани каби ҳар бир фуқарога идентификацион рақам бериш ва фуқароларнинг банк ҳисоб рақамларини, пул ўтказмаларини, харидларини, авиа ва темир йўл чипталарини сотиб олиш тизимини, солиқ тўловларини ушбу иденцификацион рақамга боғлаб қўйиш. Бундай тизимни йўлга қўйиш мигрантлар томонидан мамлакатимизга юборилаётган пул ўтказмалари ва уларнинг миқдорини назорат қилиш имконини беради.

- Фуқароларнинг иденцификацион рақамларини уларнинг паспорт маълумотларига боғлаб қўйиш. Ушбу ҳаракат орқали фуқароларнинг қайси мамлакатда ва нима учун рўйхатдан ўтганлигини кузатиб бориш имконига эга бўлинади.

- Фуқароларнинг иденцификацион рақамлари кўз тасвири ва қўл изларини ўзида сақлаши лозим. Ушбу тизим хорижда жиноят

қилган ёки бедарак йўқолган мигрантларни топиш имконини бериши лозим.

- Ўзбекистон фуқароларининг миграцияси фаол тарзда амалга оширилаётган рецпиент давлатларнинг рақамли тизимларига ушбу идентификацион рақамни боғлаш тизимини йўлга қўйиш. Бундай тизимнинг йўлга қўйилиши ноқонуний миграциянинг олдини олишда муҳим омил бўлади. Жумладан, Ўзбекистондан ноқонуний чиқиб, аммо рецпиент давлатга қонуний кирган мигрантларнинг ҳисобини олиб боришда фойдали ҳисобланади.

ХУЛОСА

Бу каби дастурлар Ҳиндистон ва Хитой тажрибасида кенг қўлланилган бўлиб, дунёда аҳолиси энг кўп бўлган ушбу икки мамлакатда ўз самарасини кўрсатган.

Аммо улар тажрибасида фуқароларнинг маълумотларини ягона идентификацион рақам орқали кодлаш тизими ишчи кучининг тўлиқ ҳисобини олишда, уларнинг солиқ тўловчи сифатидаги ҳисобини юритишда, ишчи кучи мигрантларининг хориждаги хатти-ҳаракатларини кузатиб боришда ва керакли пайтда уларга ёрдам беришда фойдали бўлган бўлса, бундай тизимнинг айрим ҳолларда хаккерлар ҳужуми остида қолаётгани тизимни ҳимоя қилиш-фуқароларнинг персонал маълумотларини ҳимоя қилишнинг кучли асоси эканлигини кўрсатади.

Ушбу сингари тизимнинг йўлга қўйилиши, мигрантларнинг ҳисобини тўлиқ олиб бориш билан биргаликда мамлакатнинг ўз фуқаролари тўғрисида хорижда ҳам қайғуриш ва уларни ҳимоя қилиш имконини кенгайтиради.

REFERENCES

1. Ситникова Идеи Чикагской школы социологии в современных исследованиях миграции населения // Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского. Серия: Социальные науки. 2009. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/idei-chikagskoy-shkoly-sotsiologii-v-sovremennyh-issledovaniyah-migratsii-naseleniya> (дата обращения: 08.02.2021).
2. Статистика международной миграции Практическое руководство для стран Восточной Европы и Центральной Азии. О. О. Н. 2011. https://unesce.org/fileadmin/DAM/stats/publications/RUS_International_Migration_Statistics_Practical_Guide.
3. Российская газета (<https://rg.ru/2020/07/29/v-germanii-podveli-itoqi-krizisa-migrantami-htm>.)
4. Статистика международной миграции Практическое руководство для стран Восточной Европы и Центральной Азии. О. О. Н. 2011. https://unesce.org/fileadmin/DAM/stats/publications/RUS_International_Migration_Statistics_Practical_Guide.
5. Российская газета (<https://rg.ru/2020/07/29>).
6. В,А,Ионцев. Международная миграция населения: Россия и современный мир / М., 2002.



7. П.Сорокин “Социальная и культурная мобильность” // 1992 г.32-40стр
8. Руткевич М. Н., Филиппов Ф.Р.Социальное перемещение. М., 1970,
9. Аванесова Г.А. Социальная стратификация // Социология. Основы общей теории. “Российская социологическая энциклопедия”.1998 г.срт234
10. Генкин Б.М. Экономика и социология труда. Учебник для вузов. –М.: Норма, 2006. – С. 416.
11. Убайдуллаева Р.А. Демографическая ситуация Узбекистана и перспективы ее развития // Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. – Т.: 2009.стр76-82
12. А.И. Евокимов. Международное экономики отношения. Учебник. Москва «Проспект» 2004. С. 480
13. Имомова, Н. А. (2020). МАМЛАКАТДА ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИОН ХАРАКАТЛАРИ ХОЛАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУДУДИЙ. Журнал Социальных Исследований, 3(3).
14. Численность населения Германии в 2019 году достигла рекордного уровня. <https://www.dw.com/ru>.
15. <https://www.tupa-germania.ru/zhizn/problemy-germanii.htm>.
16. Численность русских мигрантов, беженцев и переселенцев в Германии, а также мигрантов из других стран <https://ru-geld.de/statistik/how-many-migrants.htm>.
17. Карачурина Л. Иммиграционная политика Германии: успешный – неуспешный опыт // Мировая экономика и международные отношения. 2008. № 7. С. 55 – 65.
- 18.Имомова, Н. А. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАРАЁНЛАРИ. Журнал Социальных Исследований, 4(1).



BOSHLANG'ICH SINFLAR O'QUVCHILARINING O'QISH SAVODXONLIGINI RIVOJLANTIRISHDA PIRLS TOPSHIRIQLARIDAN FOYDALANISH METODIKASI

Sevara Rahmonqul qizi Shodmonqulova
Guliston davlat universiteti magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada PIRLS-Xalqaro baholash tizimi topshiriqlari asosida boshlang'ich sinflar o'quvchilarining o'qish savodxonligini rivojlantirishga qaratilgan test topshiriqlari keltirilgan.

Kalit so'zlar: PIRLS, badiiy asar, o'qish savodxonligi, test, ta'lim sifatini baholash.

ABSTRACT

This article presents test assignments to improve the reading literacy of primary school students based on the assignments of the international assessment system PIRLS.

Keywords: PIRLS, artwork, reading literacy, testing, quality assessment of education.

KIRISH

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga muvofiq umumiy o'rta va maktabdan tashqari ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, o'sib kelayotgan yosh avlodni ma'naviy-axloqiy va intellektual rivojlantirishni sifat jihatidan yangi darajaga ko'tarish, o'quv-tarbiya jarayoniga ta'limning innovatsion shakllari va usullarini joriy etish maqsadida, O'zbekiston Respublikasining 2030-yilga kelib PISA xalqaro dasturi reytingida jahonning birinchi 30 ta ilg'or mamlakatlari qatoriga kirishiga erishish hamda xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish asosida o'quvchilarning o'qish, matematika va tabiiy yo'nalishdagi fanlardan savodxonlik darajasini baholashga yo'naltirilgan ta'lim sifatini baholashning milliy tizimini yaratish vazifalari belgilangan.



ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Konsepsiya doirasida, o'quvchilarning tanqidiy fikrlash, axborotni mustaqil izlash, tahlil qilish malakalari va kompetensiyalarining rivojlanishiga alohida urg'u berishni hisobga olgan holda, zamonaviy innovatsion iqtisodiyot talablariga javob beradigan umumta'lim dasturlari va yangi davlat ta'lim standartlarini joriy etish, o'quvchilarning bilim darajasini baholashda ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro PIRLS, PISA, TIMSS va boshqa dasturlarda doimiy ishtirok etish nazarda tutilgan. Shuningdek, xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish, xalqaro aloqalarni o'rnatish, o'quvchi yoshlarning ilmiy-tadqiqot va innovatsion faoliyatini, eng avvalo, yosh avlodning ijodiy g'oyalari va ijodkorligini har tomonlama qo'llab-quvvatlash hamda rag'batlantirish maqsadida hukumat qaroriga muvofiq: ishlar olib borilmoqda.

O'sib kelayotgan yosh avlodni jahon miqyosida o'tkazilayotgan xalqaro baholash dastur talablariga javob beradigan yuksak intellektual salohiyatli qilib tarbiyalash bugungi kun talabidir. PIRLS (Progress in International Reading Literacy Study- xalqaro o'qish savodxonligini o'rganishdagi yuksalish) tadqiqotida O'zbekiston Respublikasining ishtirok etishi ta'lim sifatini oshirish, xalqaro miqyosda mamlakat nufuzini mustahkamlash bilan birga, o'quvchilar bilimini xalqaro talablar darajasiga olib chiqishga xizmat qiladi. PIRLS dasturi Ta'lim sohasidagi yutuqlarni baholash xalqaro assotsiatsiyasi (IEA) tomonidan tashkil etilgan bo'lib 4- sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini xalqaro darajada baholaydi. Tadqiqotlar 2001, 2006, 2011, 2016 yillarda o'tkazilgan bo'lib, 2021 yil tadqiqotning beshinchi davriyligi hisoblanadi. O'zbekiston 2021-yilda ushbu xalqaro PIRLS tadqiqotida birinchi marta ishtirok etdi. Tadqiqotning 2016 yil natijalariga ko'ra, 50 ta mamlakat ichida, Rossiya, Singapur, Gonkong, Irlandiya va Finlyandiya mamlakatlari yuqori natijalarni qayd etdi. Biz bu davlatlarning ta'lim tizimini o'rnatib qilib olsak va ta'lim jarayonida qo'llay olsak o'ylaymizki yurtimiz ham juda yaxshi samaradorlikka erishadi. PIRLS xalqaro tadqiqoti boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qib tushunish ko'nikmalarini qay darajada rivojlanganligi haqidagi ma'lumotlarni xalqaro miqyosda taqqoslash imkonini beradigan, o'qish va o'qitishni yaxshilashda ta'lim sohasidagi davlat siyosatiga xizmat qilishi mumkin bo'lgan tahlillarni taqdim etadigan yirik xalqaro baholash dasturi hisoblanadi. Tadqiqotida o'quvchilarning erishgan yutuqlarini baholash barcha o'quvchilardan emas, balki ushbu qatlam vakillari sifatida tanlab olingan o'quvchilardan obyektiv testlarni o'tkazish orqali amalga oshirildi. Shuningdek, maktab direktorlari, o'qituvchilar, o'quvchilar, hattoki ota-onalardan so'rovnomalar



o'tkazilib, ta'lim sifatiga ta'sir etuvchi omillarga doir qimmatli ma'lumotlar to'plandi.

O'qish savodxonligi – jamiyat tomonidan talab qilinadigan va inson tomonidan qadrlanadigan yozma tilning shakllarini idrok etish va amaliyotda qo'llay olish qobiliyatidir. Ushbu nuqtayi nazar o'quvchilarning o'qishdan olingan ma'lumotlardan foydalanish qobiliyatiga tobora ko'proq e'tibor qaratadigan zamonaviy jamiyatda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Asosiy e'tibor tushunishni namoyon qilishdan o'zlashtirilgan ma'lumotlarni qanday qilib yangi loyihalar va vaziyatlarda qo'llay olish qobiliyatlarini namoyon qilishga qaratilmoqda. O'qish savodxonligining bu ko'rinishi konstruktiv va interaktiv jarayon sifatida ko'plab o'qish nazariyalarini aks ettiradi. O'quvchining matn bilan ishlashi jarayonida o'quvchi va matn orasidagi muloqot orqali (shuning uchun ham bu jarayon interaktiv deyiladi) o'quvchi ma'noni yaratadi (shuning uchun ham bu jarayon konstruktiv inglizcha «construct» – yaratmoq deyiladi). O'quvchi bu jarayonning faol qatnashuvchisi bo'lib, ma'no yaratadi, matn ustida mushohada yuritadi va samarali o'qish strategiyalarini ongli ravishda tanlab qo'llaydi. Har bir matn turi odatiy shakl va qoidalarga amal qilgan holda o'quvchiga matnni sharhlashga yordam beradi. Har qanday matn turli shaklga ega bo'lishi mumkin. Bular an'anaviy kitoblar, jurnallar, hujjatlar va gazetalar, shuningdek, raqamli ko'rinishdagi yozma shakllarni ham o'z ichiga oladi.

Biz o'qituvchilar boshlang'ich sinf o'quvchilarimizni o'qish savodxonligi bo'yicha eng yaxshi natijaga erishishi uchun o'qishga ijobiy munosabatda bo'lishini ta'minlashimiz kerak. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini PIRLS- baholash tizimi topshiriqlari asosida badiiy asarni tahlil qilishga harakat qilamiz. 4-sinf kitobida berilgan Xudoyberdi To'xtaboyevning "Erkacholning o'rigi" hikoyasini tahlilga tortamiz. O'quvchilar hikoya matni bilan tanishtirilgach asarning voqealar rivojini mazmun mohiyatini, g'oyasini badiiyatini, shaklini va umumiy xulosasini tahlil asosida o'rganib o'quvchining savodxonlik darajasini aniqlaymiz. O'quvchilar matnni mazmunini chuqur anglab yetishi uchun har bir so'z mohiyatini anglab yetishi uchun va matndan to'g'ri xulosa chiqarishiga yordam berishi uchun test topshiriqlaridan foydalanish maqsadga muvofiq.

1. Asar qahramoniga Erkachol kim bo'lgan?

- A) Hamkasbi
- B) Bobosi
- D) Qo'shnisi.

2. "Qoraqandak" o'rik navi nima uchun bunday atalgan?



- A) Quriganda shirasi ko'p bo'lganligi sababli rangi qorayib qolgani uchun
B) Suvli yerda o'sganligi sababli
D) Tog'da o'sganligi sababli
3. O'rik ko'chatini qaysi qishloqdan olib kelishgan?
A) Qashqar
B) Qoraqamish
D) Qorovultepa
4. Nima uchun asar qahramoni tarbiyasi bilan bobosi shug'ullangan?
A) Otasi bilan onasi ajrashganligi sababli
B) Otasi va onasi uzoq safarga ketganligi sababli
D) Otasi olamdan o'tgach onasi boshqa turmush qurganligi sababli
5. O'rik nihollarini ekayotganda orasidan qancha masofa joy qoldirib ekishdi?
A) 8-10 gaz
B) 5-6 gaz
D) 10-12 gaz
6. Qoraqandak o'rigi qanday yerda o'sadi?
A) Faqat suvli yerda o'sadi.
B) Tog' yonbag'irlarida o'sadi.
D) Faqat suvsiz yerda o'sadi.
7. Erkacholning o'rigi haqida gap ketganda nima uchun yozuvchi "Yuragim hapqirib ketdi. Shirin-shirin entika boshladim".- deb yozadi?
-
8. "Sutga to'ymagan qo'zi" iborasi bolaga nisbatan aynan qaysi o'rinda ishlatilgan?
-
9. "Yaxshidan bog' qoladi" maqolini hikoyaga qanday aloqasi bor?
10. "Meni qanchalik suyib erkalasalar, nihollarni ham to hosilga kirgunicha erkalaganlar" ma'nosini izohlang?
-

O'qish darslarida o'tiladigan har bir dars davomida o'quvchilarni matn bilan tanishtirish uning asosiy mazmun-mohiyatini ochish, berilgan badiiy asardan to'g'ri xulosa chiqarish va mazmunini chuqur tushunib yetgan holda o'z hayotida amaliyotda kerakli o'rinda foydalana olishga o'rgatishda yuqorida berilgan topshiriqlar yuqori samara beradi. Bunday topshiriqlardan o'qituvchilar har bir darsda foydalanishi lozim.

Agar o'quvchda berilgan matni ongli ravishda tushunish ko'nikmasi rivojlanganda uning o'qishga bo'lgan qiziqishi jadal suratda oshadi. Matn yuzasidan bajarilgan test topshiriqlari o'quvchini har tomonlama aqliy va intellektual qobiliyatlarini rivojlantirib, ma'nan tarbiyalanishiga yordam beradi.

REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida» 2019-yil 29-apreldagi PF-5712-sonli Farmoni.
2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida» 2018-yil 8-dekabrda 997-sonli qarori.
3. "Xalqaro tadqiqotlarda boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini baholash" (Boshlang'ich sinf o'qituvchilari, metodistlar va soha mutaxassislari uchun metodik qo'llanma) Toshkent.2019.
4. "O'qish kitobi " 4-sinf: umumiy o'rta ta'lim maktablarining 4-sinfi uchun darslik S.Matchonov, X.G'ulomova, Sh. Shariev, Z.Dolimov. Toshkent.2020-yil.



BIOLOGICAL DIVERSITY AND PROBLEMS OF ITS CONSERVATION (ON THE EXAMPLE OF THE FERGHANA VALLEY)

O. Abduganiyev

Candidate of Geographical Sciences, Associate Professor, Fergana State University,
Uzbekistan

U. Obidjonov

Lecturer at the Department of Biology, Fergana State University

S. Mominova

The 1st year student in Geography, Fergana State University

ABSTRACT

Currently, biological diversity is of paramount importance for the normal functioning of systems and the biosphere as a whole, contributes to the sustainable development of the region. Further conservation of biodiversity in the territories of the Fergana Valley requires a transition from a mono-resource approach to an ecosystem approach in nature management. The article and methodological plan consider the issues of accounting and assessment of biological diversity in the development of the creation of new protected areas.

Keywords: protected natural areas, representative, reserve, key biodiversity areas, IUCN, endemic, flora, fauna.

The Fergana Valley is an intermontane depression in the mountains of Central Asia, it is an intermontane depression bounded in the north by the Tien Shan mountain system, and in the south by the Alai and Turkestan ranges. In plan it resembles an ellipse about 300 km long and up to 170 km wide. If from a geographical point of view, the territory is a single whole, then in the political and administrative respect it is characterized by significant heterogeneity. Today, there are three regions of Kyrgyzstan - Osh, Jalal-Abad, as well as the recently formed Batken, three regions of Uzbekistan - Andijan, Fergana and Namangan - in the central part of the plain, and the southwestern part of the valley is occupied by the Sughd region of Tajikistan [8, 9].

The Fergana Valley is the most fertile and densely populated region in all of Central Asia and, in some respects; it still retains the importance it had when it lay on the ancient Silk Road. The economies of all three countries are predominantly agricultural in nature. Therefore, the general degradation and fragmentation of natural ecosystems, which are

intensified under the influence of anthropogenic impacts, have led to a reduction in the ranges and numbers of both rare and resource species. Such species have an increased risk of extinction in the wild and are recommended for inclusion in the Red Book. In the part of the Fergana Valley belonging to the Republic of Uzbekistan, there are 52 species of animals listed in the Red Book of the Republic of Uzbekistan, including 16 species of invertebrates, 7 species of fish, 7 species of reptiles, 16 species of birds, 3 species of mammals [11, 12].

Over the past decades, as a result of intensive nature management, some species of animals in the Fergana Valley have been subjected to anthropogenic impact, and therefore their ranges and numbers have decreased, some species are on the verge of extinction or have disappeared completely. The number of many animals has not yet reached a critical level, but continues to decline steadily. Degradation of habitats and direct extermination affected, first of all, large carnivores (*Ursus arctos*, *Cuon alpinus*, *Canis lupus*, *Uncia uncia*, *Vulpes vulpes*) and ungulate mammals (*Capra ibex*, *Capreolus pygargus*, *Sus scrofa*) [6, 10].

The flora of the Fergana Valley is rich in endemic, rare and endangered species. In the Fergana Valley, 45 species of plants are distributed, listed in the Red Book of the Republic of Uzbekistan. The distribution of these species is indicated in the Red Book of Uzbekistan (2019) and in separate publications [5, 7, 8]. But the overwhelming majority of data on the area of distribution, abundance, state of populations or reasons for the decline in the number of individuals is outdated and new research is required.

Population growth and the acceleration of urbanization processes lead to the loss of unique and valuable natural ecosystems in the Fergana Valley, as well as the genetic fund of plants and animals. In the Uzbek part of the valley, the situation is further complicated by the fact that there are no protected areas I, II and IV (i.e. reserves, national parks and sanctuaries), which would make it possible to restore and preserve biological diversity in the Fergana Valley. For the further implementation of effective protection of biodiversity components, a systematic approach is required; it is necessary to develop comprehensive measures both for the protection of the species themselves and for the preservation of their habitats [1, 2, 3, 4].

Therefore, the current situation requires optimization and new approaches to solving the problems of ecosystem conservation. One of the possible ways out of this situation is to identify key biodiversity areas (KBAs) that meet international standards and are important for the conservation of biodiversity on a global scale [6]. KBAs are defined by elements

of biodiversity that, globally, natural sites contribute significantly to conservation, such as endangered species or ecosystems. When identifying KBAs, several criteria and subcriteria are used, each of which has corresponding quantitative threshold values [12]. Territories are classified as KBA if they meet at least one of the following criteria [6]:

- A1: presence of a significant proportion of the global population of one or more globally threatened species;
- A2: the presence of a significant proportion of the ecosystem threatened with global extinction;
- B1-B4: presence of geographically limited (not necessarily threatened) elements of biodiversity, including individual species, associated species, species populations and ecosystem types;
- C: ecological integrity: natural sites that maintain completely intact ecological communities and the ecological processes that support them;
- D: exceptional biological processes, including demographic aggregations (e.g. seasonal aggregations for breeding or feeding), ecological shelters and initial populations required for the survival of the species;
- E: indispensable: territories recognized as irreplaceable based on quantitative analysis of complementarity, confirming very high indispensability in terms of global biodiversity.

Biodiversity and natural ecosystems are concentrated in remote mountainous areas, where state borders often pass. Therefore, many key biodiversity areas are cut apart by boundaries. This means that the best approach to their protection is bilateral or regional cooperation. Long-term conservation of nature requires the protection of landscapes and geocological corridors. This is especially important for the conservation of large-scale ecological and evolutionary processes, as well as for the conservation of species with large ranges, low natural population density and migration instincts. In addition, such corridors facilitate cross-border cooperation between KBAs that are ecologically similar but can be separated by borders. Conservation corridors can also be an effective tool for integrating environmental concerns into land-use plans, contributing to the conservation of biodiversity in the use of cultural landscapes such as cropland, grassland and forestland [6, 10].

In the part of the Fergana Valley belonging to the Republic of Uzbekistan, the provision of the territory with nature protection objects is low. The region is characterized by a high degree of anthropogenic transformation of the territory, mainly due to plowing and small

values of the areas of natural geosystems. The high degree of preservation of natural geosystems corresponds to mountainous regions and partly to Central Fergana. Separate areas with natural vegetation have survived on the Chatkal and Kuramin ranges, in the foothill and mid-mountainous parts of the Alay and Turkestan ranges and in the flat part of Central Fergana [2, 3, 4] (Table 1).

In the Uzbek part of the Fergana Valley, there is an urgent need to increase the areas of protected areas, according to the results of the assessment of key biodiversity areas according to the criteria developed by IUCN (2016). Currently, there are several natural monuments, water protection zones and zones of fresh groundwater deposits as protected areas. However, they are not able to ensure the conservation of the region's biodiversity in the long term, if measures are not taken to reliably preserve it throughout the region outside the protected areas.

Therefore, it is required to give certain areas the status of a protected natural area, subject to the confirmed presence of globally endangered species or narrowly endemic species found in only one KBA. Due to the complex physical and geographical conditions of the hotspot and the high concentration of biodiversity in areas remote from human settlements, many KBAs are located along state borders and require concerted action on both sides.

Key areas of biological and landscape diversity of the Fergana Valley

Table 1

№	Territory	Administrative districts	KBA criteria	Rare and endemic species	Existing protected areas	Promising protected areas
1	Upper part of the Akhangaran river basin	Pap	B1	Flora: <i>Aconitum talassicum</i> Popov, <i>Hedysarum angrenicum</i> Korotkova, <i>Iridodictyum winklerii</i> (Regel) Rodionenko, <i>Achoriphragma kuramense</i> (Botsch.) Sojak, <i>Tulipa kaufmanniana</i> Regel.	Not	National parks
2	Kuraminsky ridge	Pap	B1, C, A2	Flora: <i>Acantholimon laxiusculum</i> , <i>Acantholimon margaritae</i> , <i>Allium praemixtum</i> , <i>Allium pskemense</i> , <i>Astragalus dolonus</i> , <i>Astragalus nucleosus</i> , <i>Astragalus pseudoamygdalinus</i> , <i>Bunium angreni</i> , <i>Cicer mogoltavicum</i> , <i>Eremurus korovinii</i> , <i>Rindera fornicate</i> , <i>Salsola titovii</i> , <i>Tulipa mogoltavica</i> , <i>Tulipa vvedenskyi</i> . Fauna: <i>Cuon Alpinus</i> , <i>Ursus arctos</i> , <i>Canis lupus</i> , <i>Cicindela galatea</i> Theime, <i>Alsophylax loricatus</i> Strauch, <i>Gypaetus barbatus</i> , <i>Gyps himalayensis</i> Hume, <i>Gyps fulvus</i> Hablizl, <i>Aegypius monachus</i> , <i>Columba eversmanni</i> Bonaparte, <i>Ursus arctos</i> Linnaeus, <i>Vormela peregusna</i> , <i>Ciconia nigra</i> , <i>Terpsiphone paradisi</i> , <i>Capra ibex</i> , <i>Sus scrofa</i>	Protected forests	State reserve
3	Chatkal ridge	Pap	B1, C, A2	Flora: <i>Aconitum talassicum</i> Popov, <i>Ferula czatkalensis</i> M.Pimen, <i>Iridodictyum winklerii</i> (Regel) Rodionenko, <i>Dorema microcarpum</i> Korovin, <i>Lomatocarpa korovinii</i> Pimenov, <i>Achoriphragma saxifraga</i> (Botsch. et Vved.) Sojak, <i>Tulipa kaufmanniana</i> Regel, <i>Allochrusa gypsophiloides</i> (Regel) Schischk. Fauna: <i>Uncia uncia</i> , <i>Canis lupus</i> , <i>Marmota menzbieri</i> zachidovi, <i>Cicindela galatea</i> Theime, <i>Alsophylax loricatus</i> Strauch, <i>Gyps himalayensis</i> Hume, <i>Gyps fulvus</i> Hablizl, <i>Aegypius monachus</i> , <i>Columba eversmanni</i> Bonaparte, <i>Marmota menzbieri</i> , <i>Ursus arctos</i>	Protected forests	State reserve

				Linnaeus, Vormela peregusna, <i>Terpsiphone paradoxa</i> , <i>Capra ibex</i> , <i>Sus scrofa</i> .		
4	Sokh	Sokh	B1, C	Flora: <i>Astragalus auratus</i> , <i>Astragalus dianthoides</i> , <i>Calligonum calcareum</i> , <i>Calligonum elegans</i> , <i>Ferula vicaria</i> , <i>Tulipa ferganica</i> . Fauna: <i>Tetrax tetrax</i> , <i>Columba eversmanni</i> Bonaparte, <i>Falco naumanni</i> Fleischer, <i>Hieraaetus fasciatus</i> , <i>Hieraaetus pennatus</i> , <i>Canis lupus</i> , <i>Capra ibex</i>	not available	National parks
5	Upper reaches of the Chadak and Chorkesar rivers	Chadak	B1	Flora: <i>Acantholimon laxiusculum</i> , <i>Dracocephalum komarovii</i> , <i>Euphorbia mucronulata</i> , <i>Kuramosciadum corydaliifolium</i> , <i>Tulipa dasystemon</i> , <i>Tulipa dasystemonoides</i> , <i>Tulipa dubia</i> .	Protected forests	Order reserve
6	Papal adyrs	Pap	B1	Flora: <i>Allium haneltii</i> , <i>Allium isakulii</i> , <i>Allium kuramense</i> , <i>Anthochlamys tianschanica</i> , <i>Astragalus austroferganicus</i> , <i>Astragalus pseudodianthus</i> , <i>Dorema microcarpum</i> , <i>Mogoltavia sewerzowii</i> , <i>Salsola drobovii</i> , <i>Tulipa intermedia</i> , <i>Tulipa scharipovii</i> . Fauna: <i>Alsophylax loricatus</i> Strauch.	not available	Order reserve
7	Karatag	Qurghontepa	B1	Flora: <i>Acantholimon nabievii</i> , <i>Allium filidentiforme</i> , <i>Mogoltavia sewerzowii</i> . Fauna: <i>Aegyptius monachus</i> , <i>Alsophylax loricatus</i> Strauch	not available	Natural parks
8	Ungortepa	Chartoq	B1	Flora: <i>Allium filidentiforme</i> , <i>Allium tatyanae</i> , <i>Allium viridiflorum</i> , <i>Tulipa ferganica</i> . Fauna: <i>Alsophylax loricatus</i> Strauch	not available	Natural Monuments
9	Chartak adyrs	Chartoq	B1	Flora: <i>Acantholimon nabievii</i> , <i>Hedysarum gypsaceum</i> , <i>Lamyropappus schakaptaricus</i> , <i>Mogoltavia sewerzowii</i> . Fauna: <i>Alsophylax loricatus</i> Strauch.	not available	Natural Monuments
10	Central Fergana deserts (Sands Yazyavan and Akkum)	Yazyavan and Mingbulok	B1, C	Flora: <i>Astragalus rubellus</i> Gontsch, <i>Astragalus subauriculatus</i> , <i>Astragalus austroferganicus</i> Kamelin et R. M. Vinogr, <i>Calligonum elegans</i> Drobow. Fauna: <i>Reduvius fedtschenkianus</i> Oshanin, <i>Phrynocephalus strauchi</i> , <i>Cercinthus lehmanni</i> Kolenati, <i>Scarites turkestanicus</i> Heyden, <i>Lethrus</i>	Natural Monuments	State reserve
				<i>bispinus</i> B. Jakovlev, <i>GlaucoPsyche charibdis</i> , <i>Phrynocephalus strauchi</i> Nikolsky, <i>Phrynocephalus helioscopus</i> (Pallas, 1771) ssp. <i>saidalievi</i> Sattorov, <i>Teratoscincus scincus</i> (Schlegel, 1858) ssp. <i>rustamowi</i> Szczerbak, <i>Eremias scripta</i> (Strauch, 1867) ssp. <i>pherganensis</i> Szczerbak et Washetko, <i>Varanus griseus</i> .		
11	The sources of the Syrdarya river and tugai forests	Balikchi, Pap, Turakurgon, Mingbulok, Besharik, Dangara	B1, C, A2	Flora: <i>Calligonum plicatum</i> , <i>Ephedra lomatolepis</i> , <i>Prangos equisetoides</i> , <i>Saussurea robusta</i> . Fauna: <i>Cottus spinulosus</i> , <i>Hirudo medicinalis</i> Linnaeus, <i>GlaucoPsyche charibdis</i> , <i>Acipenser nudiventris</i> Lovetzky, <i>Pseudoscaphirhynchus fedtschenkoi</i> , <i>Abramis sapa</i> , <i>Aspiolucius esocinus</i> , <i>Barbus brachycephalus</i> Kessler, <i>Barbus capito</i> , <i>Ciconia ciconia</i> (Linnaeus, 1758) ssp. <i>asiatica</i> Severtzov, <i>Platalea leucorodia</i> Linnaeus, <i>Marmaronetta angustirostris</i> , <i>Aythya nyroca</i> , <i>Sus scrofa</i>	not available	Complex (landscape) reserves
12	Teshiktash adyrs	Andijan	B1	Flora: <i>Salsola drobovii</i> , <i>Tulipa ferganica</i> . Fauna: <i>Alsophylax loricatus</i> Strauch, <i>Varanus griseus</i> , <i>Falco naumanni</i> Fleischer, <i>Hieraaetus fasciatus</i> , <i>Hieraaetus pennatus</i> .	not available	Natural Monuments
13	Chilustun and Kyrtashtau mountains	Khuzhaobod	B1	Flora: <i>Allium alaicum</i> , <i>Astragalus rhacodes</i> , <i>Ferula vicaria</i> , <i>Salsola drobovii</i> , <i>Tulipa ferganic</i> . Fauna: <i>Alsophylax loricatus</i> Strauch, <i>Varanus griseus</i> , <i>Falco naumanni</i> Fleischer, <i>Hieraaetus fasciatus</i> , <i>Hieraaetus pennatus</i>	not available	Natural parks
14	Shahimardan	Fergana	B1, C	Flora: <i>Acantholimon katrantavicum</i> , <i>Acantholimon muchamedshanovii</i> , <i>Acantholimon schachimardanicum</i> , <i>Allium backhousianum</i> , <i>Allium isakulii</i> , <i>Allium schachimardanicum</i> , <i>Astragalus auratus</i> , <i>Astragalus borissianus</i> , <i>Astragalus dianthoides</i> , <i>Astragalus rhacodes</i> , <i>Fergania polyantha</i> , <i>Fumariola turkestanica</i> , <i>Iskandera alaica</i> , <i>Lepidium curvinervium</i> , <i>Lonicera paradoxa</i> , <i>Salsola drobovii</i> , <i>Salvia margaritae</i> , <i>Tulipa dasystemon</i> , <i>Tulipa ferganica</i> . Fauna: <i>Valvatamnicola archangelskii</i> , <i>Valvatamnicola schachimardanica</i> Izzatullaev, <i>Rhinolophus hipposideros</i> , <i>Capra ibex</i>	not available	Natural parks

All territories promising for the creation of protected areas are distinguished according to the corresponding groups of criteria (landscape diversity, biodiversity, soil, geological diversity,

valuable natural areas with high recreational significance), which are characterized by a certain specificity of the protected object. As part of the creation of a system of protected areas at the regional level, it is impossible to preserve all the valuable natural objects of the Fergana Valley. For the development of protected areas of regional significance, it is recommended to carry out comprehensive studies to create an ecological framework. This methodology implies an assessment of the representation of geographic diversity, an analysis of the availability of protected areas in the area under consideration according to the basin principle, an assessment of the information security of protected areas, their ecological and cognitive functions, and consideration of the problem of regulatory support. Only in the case of joint development of protected areas networks at all levels (global, regional, local) it is possible to create an effective system of specially protected natural areas.

The landscape approach involves the integrated management of land, water and biological resources, which ensures a balance between environmental objectives and the goals of sustainable use of resources. When expanding the modern system of protected areas, it is necessary to take into account the degree of landscape diversity of the area and the ecological cores should coincide with the cores of landscape diversity, this will achieve the main goal of all nature protection schemes - the preservation of landscape and biological diversity.

mamlakatlarida paydo bo'la boshladi. 1912-yil Xalqaro havaskorlar kurash federatsiyasi (FILA) tuzildi (hozir unga 144 mamlakat a'zo, Xususan, mamlakatimiz unga 1993-yilda a'zo bo'lgan). Xalqaro maydonda sport kurashining yunon-rum kurashi, erkin kurash, dzyudo, sambo va boshqa turlari keng tarqalgan.[1] Keyingi yillarda o'zbek kurashi ham alohida kurash turi sifatida dunyo miqyosida tan olina boshlandi. Kurash insonni kuchli, epchil, chidamli va irodali qilib tarbiyalovchi asosiy vositalardan biridir. Mutaxassislar nazorati ostida 12 yoshdan kurash bilan shug'ullanishga ruxsat etiladi. Kurash azaldan o'zbek turmush tarzining uzviy qismi bo'lganligini arxeologik topilmalar, tarixiy qo'lyozmalar tasdiqlaydi. Qadimgi Baqtriya hududidan topilgan Bronza davriga oid silindrsimon sopol idishda ikki polvon kurashi tasvirlangan. Yana bir artefaktda esa polvonlarning Kurash usullari namoyishi aks ettirilgan. Bu noyob topilmalar miloddan 1,5 mingyil ilgari ham kurash ajdodlarimiz turmush tarzining bir qismi bo'lganini anglatadi. Yunon yozuvchisi Klavdiy Elian (II-III asr) va boshqa tarixiy shaxslarning yozishicha, sak qabilasi qizlari o'zlariga kuyovni yigitlar bilan kurashib tanlaganlar. Keyinchalik qizlar kuyovni shart qo'yish yo'li bilan aniqlashgan va bu shartda kurash musobaqasi bo'lgan. Bunga o'zbek xalq qahramonlik dostoni — „Alpomish“dagi Barchin shartlarini misol qilib ko'rsatish mumkin. Ulardan biri ikki kurashuvchining biri o'z raqibining belbog'idan ushlab o'ziga tortadi, shu bilan birga o'z raqibidan qutulishning chorasini qiladi...[2]“. Bu ta'rif zamonaviy Kurash qoidalariga yaqindir. Shuningdek, Mahmud Koshg'ariyning „Devonu lug'otit turk“, Alisher Navoiyning „Hamsa“, „Holoti Pahlavon Muhammad“, Zayniddin Vosifiyning „Badoye' ul-vaqoye“, Husayn Voiz Koshifiyning „Futuvvatnomai sultoniy“, Z.M.Boburning „Boburnoma“ asarida kurash haqida qimmatli ma'lumotlar bor. IX-XVI asrlarda kurash xalq o'rtasida keng ommalashgan. Shu davrda Pahlavon Mahmud, Sodiq polvon kabilar dovrug'i butun Sharqqa tanilgan.

O'zbek xalq yakka kurashining belbog'li kurash deb nomlangan turi ham bor. Bunga taalluqli ko'plab topilmalar va tarixiy qo'lyozmalar mavjud. 5 ming yil ilgari Mesopotamiya hududidan topilgan haykalchada belbog'li kurash usulida musobaqalashayotgan polvonlar tasvirlangan. Xitoyning „Tan-shu“ qo'lyozmasida Dovon davlati (Farg'ona vodiysi) to'ylar, sayllar kurash musobaqalarisiz o'tmasligi yozilgan. Ahmad Polvon, Xo'ja polvon kurashning ana shu turida shuhrat qozonishgan (XIX asr oxiri — XX asr boshi). Chorizm va sho'rolar davrida mafkuraviy harakatlar negizida o'zbek milliy kurashini xalq turmush tarzidan sun'iy ravishda siqib chiqarishga harakat qilindi. XX asrning 90-yillari oxiriga kelib bu urinishlarga barham berildi.

1991-yilda kurashchilar sulolasi vakili, bir necha kurash turlari bo'yicha xalqaro miqyosda sport ustasi Komil Yusupov o'zbekcha kurashning xalqaro andozalarga moslangan quyidagi qoidalarini ishlab chikdi: Ku tushuvchilar 14 x 14 m dan 16x 16 m gacha bo'lgan, chetroq qismi qizil rangli „xavfli chiziq“ bilan belgilangan ko'k-yashil tusli gilamda tik turgan holatda bellashadilar. G'olib ishlatilgan usullar va maydondagi xatti-harakatlariga qo'yiladigan baholarga qarab aniqlanadi. Kurashda bo'g'ish, raqibga og'riq beruvchi usullar qo'llashga ruxsat etilmaydi, kurashuvchilarning biri ko'k, ikkinchisi yashil rangli yaktak (ayollar yaktak ichidan oq rangli futbolka) kiyadi, belga eni 4—5 sm li belbog' bog'lanadi, erkaklar 60, 66, 73, 81, 90, 100 kg va 100 kg dan ziyod, ayollar 48, 52, 57, 63, 70, 78, va 78 kg dan ziyod vazn toifalarida bellashadilar (bolalar, o'smirlar, o'spirinlar, yoshi ulug'lar va qizlar musobaqalarida ham yosh xususiyatlari hisobga olingan holda vazn toifalari belgilanadi).

MUHOKAMA

1992-yilda O'zbekistonda kurash federatsiyasi tuzildi. Xalqaro kurash assotsiatsiyasi (IKA)ning 2003-yil Toshkentda o'tgan Kongressi har bir uchrashuvning qizg'in bo'lishini ta'minlash maqsadida rasmiy musobaqalarda bellashuv vaqtini 3 daqiqa qilib belgiladi. Ishlatilgan usullarga bajarilishiga mos ravishda „chala“, „yonbosh“, „halol“ baholari, qoidaga zid harakatlarga esa „tanbeh“, „dakki“, „g'irrom“ jazolari beriladi. Kurashuvchi „halol“ bahosini olsa (yoki raqibi „g'irrom“ bilan jazolansa) bu uning g'alabasini bildiradi. Ikki bor „yonbosh“ bahosini olish (yoki raqibining ikki bor „dakki“ deya jazolanishi) ham g'alabani anglatadi. „Chala“ baholari hisobga olib boriladi... Ballar tengligida oxirgi baho olgan kurashchiga g'alaba beriladi, kurashchilarning baho va jazolari soni teng holatda baho ustunlikka ega bo'ladi, jazolar soni teng bo'lsa oxirgi jazo olgan mag'lub hisoblanadi, agar barchasi teng (yoki baho va jazo olinmagan) bo'lsa, g'olib hakamlarning ko'pchilik ovozigga ko'ra e'lon qilinadi[3].

2001-yilda O'zbekistonda belbog'li kurash federatsiyasi tuzildi[4]. 1998-yil sentabrda Toshkentda 28 davlat (AQSH, Boliviya, Buyuk Britaniya, Gollandiya, Rossiya, O'zbekiston, Yaponiya va b.) vakillari Xalqaro kurash assotsiatsiyasi (IKA) muassislari bo'lishdi va shu munosabat bilan bu yerda o'zbekcha kurash bo'yicha yirik xalqaro musobaqa o'tkazildi. Prezidentning „Xalqaro kurash assotsiatsiyasini qo'llab-quvvatlash to'g'risida“gi farmoni o'zbek milliy kurashining yanada rivojlanishini ta'minladi. Shu yili Toshkentda o'zbekcha kurash bo'yicha birinchi jahon chempionati,

Rossiyaning Bryansk shahrida ayollar o'rtasida xalqaro musobaqa bo'lib o'tdi. IKA qoshida Xalqaro kurash akademiyasi tashkil etildi.

2000-yil O'zbekistonda kurash oyligi o'tkazildi. Bu oylik davomida 2 mln.ga yaqin kishi kurash gilamiga chiqdi. Buyuk Britaniyada IKA faxriy prezidenti Islom Karimov nomidagi an'anaviy xalqaro musobaqaga asos solindi. 2001-yildan Toshkentda Xalqaro kurash instituti faoliyat boshladi. IKA ga 66 ta milliy federatsiya a'zo bo'lib kirdi. Yevropa, Osiyo, Panamerika va Okeaniya kurash konfederatsiyalari tuzildi. Hozirgi paytda o'zbekcha kurash bilan xorijiy mamlakatlarda 600 mingdan ziyod kishi shug'ullanadi. Kurashning bu turi bo'yicha jahon, qit'a va mamlakatlar chempionatlari hamda O'zbekistonda at-Termiziy, Pahlavon Mahmud xotirasiga bag'ishlangan va boshqa ko'plab xalqaro musobaqalar muntazam o'tkaziladi. Osiyo olimpiya kengashi 2003-yilda kurashning bu turini Osiyo o'yinlari dasturiga kiritdi. Kurash bo'yicha o'tkaziladigan jahon chempionatlarida Bahrom Anazov, Isoq Axmedov, Maxtumquli Mahmudov, Kamol Murodov, Toshtemir Muhammadiyev, Akobir Qurbonov (O'zbekiston), Kubashxonim Elknur, Selim Totar o'g'li (Turkiya), Aleksandr Katsuragi, Karlos Xonorato (Braziliya), Pavel Melananets (Polsha), Xiroyoshi Kashimoto (Yaponiya) va boshqa g'olib chiqdilar va sovrindor bo'ldilar.

NATIHLALAR

O'zbek xalqining an'anaviy sport turlaridan biri bo'lmish kurash uch yarim ming yillik tarixga ega. Kurash o'zbekcha so'z bo'lib, u qator qadimiy sharq adabiy manbalarida yakkama-yakka olishuv va ijtimoiy ko'ngilochar sport turi sifatida tilga olingan.

Ming yillik tarixga ega afsonaviy Alpomish eposida kurash olis o'tmishda O'zbekiston zaminida ommaviy tus olgan eng sevimli va nufuzli sport turi bo'lganligi yoritilgan.

Qadimda va o'rta asrlarda yashab ijod etgan qator faylasuf va tarixchilar o'z asarlarida kurashni alohida ehtirom ila tilga olganlar.

Ibn Sino kurash bilan shug'ullanmoq jon va tan sog'ligini ta'minlashning eng yaxshi vositasidir, deya e'tirof etgan. Shunga qaramasdan hali-hanuz kurash aynan qachon va qayerda paydo bo'lganligi xususida aniq ma'lumotlar mavjud emas. O'z navbatida bunday mavhumlik qator olimlar tomonidan kurashni qadimiy sport turlaridan biri sifatida e'tirof etilishi uchun to'siq bo'la olmadi. IX asrda kurash rivoji yangi bosqichga ko'tarildi. O'sha kezlarda zamonaviy O'zbekiston hududida istiqomat qiluvchi aholi an'anaviy bayramlar, to'y-hashamlar va yirik jamoatchilik tadbirlari

davomida kurashdan ko'ngil ochish va dam olish vositasi sifatida foydalanganlar. Keyinroq kurash ko'ngil ochish vositasidan mustaqil sport turi va jismoniy chiniqish usuliga aylandi. Eng kuchli kurashchilar xalq orasida ma'lumu-mashhur bo'lib, ular haqida afsonalar to'qila boshlandi. XII asrda yashab o'tgan Pahlavon Mahmud buning yaqqol namunasidir. Hali-hanuz uning qabri ziyoratchilarning sevimli maskani va muqaddas qadamjoldan biri hisoblanadi.

XIV asrda insoniyat tarixida yorqin iz qoldirgan tengi yo'q sarkarda va davlat arbobi Amir Temur o'z askarlarini chiniqtirish va jismoniy tayyorgarligini oshirish maqsadida kurashdan foydalangan. Ma'lumki, Amir Temur armiyasi zamonasining eng qudratli va yengilmas qo'shini hisoblangan.

Vaqt o'tishi bilan kurash zamonaviy O'zbekiston hududida istiqomat qiluvchi aholining eng sevimli va ardoqli an'alaridan biriga aylandi. Shu ma'noda kurash o'zbeklarning qon-qoniga singib ketgan, deb aytish mubolag'a bo'lmaydi. Ushbu sport turiga bo'lgan muhabbat otalardan bolalarga meros sifatida o'tib keladi. Bugungi kunga kelib birgina O'zbekistonda kurash bilan muntazam shug'ullanuvchilarning soni ikki milliondan ortgan. Ushbu sport ishqibozlari va havaskorlarning soni esa behisobdir.

1980-yillarning boshida mashhur o'zbek kurashi ustasi, dyuzdochi va sambochi Komil Yusupov o'zbek kurashining boy merosini tadqiq etish ishlarini boshlab yubordi. Bu shaxsning asosiy maqsadi kurashning xalqaro me'yorlarga mos bo'lgan yangicha qoidalarini ishlab chiqishdan iborat bo'ldi. To'qsoninchi yillarning boshlariga kelib bu sharafli vazifani muvaffaqiyatli ado etib o'zbek kurashini xalqaro arenaga olib chiqishni o'z oldiga maqsad qildi. Avvaliga u o'zi ishlab chiqqan kurash qoidalarini jamoatchilik, mutaxassislar va ishqibozlar e'tiboriga havola etdi.

Yangi qoidalar o'zbek kurashining eng ardoqli an'analari va maxsus kiyim bosh, musobaqalarni o'tkazish joyi va bellashuvning davom etish muddati kabi xalqaro sport me'yorlarini o'zida mujassam etdi. Sport mutaxassislari Komil Yusupov tomonidan ishlab chiqilgan kurash qoidalari to'laligicha xalqaro sport talablariga javob berishini e'tirof etdilar. Kurash qoidalarining asosiy afzalliklaridan biri shundaki, ular yotgan holda bellashuvni davom ettirilishiga yo'l qo'ymaydi. Sportchilardan birining tizzasi gilamga tegishi bilanoq hakam bellashuvni to'xtatadi va kurashchilar turgan holda musobaqani davom ettirishadi. Bu hol kurashni tez sur'atlarda olib borilishi va muxlislar uchun qiziqarli va maroqli bo'lishini ta'minlaydi. Bundan tashqari kurash qoidalari belbog'dan pastki qismni ushlovchi yoki og'riq qo'zg'atuvchi va bo'g'uvchi uslublarni ishlatishni ta'qiqlaydi. Shu tariqa kurash sportchilarga

tan jarohati yetkazilishining oldi olingan eng xavfsiz sport turlaridan biriga aylandi[5].

1991-yilda O‘zbekiston mustaqilligi kurashga yangicha hayot baxsh etdi. Milliy sport turi hisoblanmish kurashni qayta tiklash davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlardan biri sifatida belgilandi. Kurashni haqiqiy xalqaro sport turiga aylantirish, keyinchalik esa olimpiada o‘yinlari dasturiga kiritish eng asosiy maqsad bo‘lib qolmoqda.

XULOSA

Kurash faollarining sa’y-harakatlari O‘zbekiston bilan chegaralanib qolmadi. Ular 1992-yildan boshlab Janubiy Koreya, Kanada, Yaponiya, Hindiston, AQSh, Monako va Rossiyada o‘tkazilgan qator nufuzli sport anjumanlarida o‘zbek kurashini tanitishga qaratilgan tadbirlarga bosh qosh bo‘ldilar. 2020-yil 4-noyabrda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Kurash milliy sport turini rivojlantirish va uning xalqaro nufuzini yanada oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ- 4881-son qarori asosida “Kurash milliy sport turini 2025-yilgacha yangi bosqichga olib chiqish Konsepsiyasi” ishlab chiqildi. Unda kurash milliy sport turini yanada ommalashtirish va rivojlantirishga to‘siq bo‘layotgan muammolar va ularni bartaraf qilish vazifalari belgilandi. Shu bilan birga Kurashni jahon xalqlarining sevimli sport turlaridan biriga aylantirish, uning insonparvar g‘oyalarini keng

targ‘ib qilish orqali jahonda O‘zbekiston nufuzini oshirishning ustuvor yo‘nalishlari belgilab olindi.

REFERENCES

1. Shodi Bobomurodovich Umirov. Kurashchilar jismoniy fazilatlarni rivojlantirish. Scientific progress. 2021. 49-b
2. <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek>
3. Yusupov K., Kurash, T., 1999; Mo‘minov A., Prezident. Sport. G‘alaba!, T., 2001.
4. <https://yuz.uz/uz/news>
5. Shodi Bobomurodovich Umirov. Milliy kurashning ommaviylashivida xalq bohodirlarining o‘rni. Central asian academic journal of scientific research. 2021. 151-b

ZAMONAVIY DAVLAT ORGANLARI TIZIMIDA PREZIDENTLIK INSTITUTINING TUTGAN O`RNI VA AHAMIYATI

Rushana Husnidin qizi Sultonova

Toshkent davlat yuridik universiteti magistranti

ANOTATSIYA

Ushbu maqolada Prezidentning davlat hokimiyati organlarining kelishilgan holda faoliyat yuritishi va hamkorligini ta`minlash, davlat hokimiyatini tashkil etish bilan bog`liq integrativ funksiyalarining narariy-huquqiy asoslari tahlil qilingan.

Kalit so`zlar: Prezident, davlat hokimiyati, davlat rahbari, davlat organlarining kelishilgan holda faoliyat yuritishini hamda hamkorligi ta`minlash, davlat boshqaruv shakli, ijro hokimiyati, parlament

ABSTRACT

The article analyzes the theoretical and legal aspects of the integrative function of the President, related to ensuring the coordinated functioning and interaction of state authorities, as well as its significance in the organization of state power.

Keywords: President, state power, head of state, coordinated functioning and interaction of state authorities, form of government, executive power, parliament

KIRISH

Bugungi kunda zamonaviy davlatlarning aksariyat qismi boshqaruvning respublika shakliga ega bo`lgan davlatlar bo`lib, ularda davlat boshqaruv tizimi ma`lum bir yo`nalish bo`yicha saylangan oliy hokimiyat organlariga asoslangan. Prezidentlik instituti boshqaruvining respublika shaklidagi davlatlarda davlat hokimiyati tizimining eng muhim tarkibiy qismlaridan biri hisoblanadi.

Demokratik nuqtayi nazardan qaralsa, prezidentlik instituti xalqning o`ziga xos g`alabasi sanaladi, chunki davlatda prezidentlik institutining mavjudligi to`g`ridan-to`g`ri saylovlar orqali yoki xalq tomonidan saylangan vakillar orqali o`z xalqining irodasini amalga oshiradigan Prezident lavozimiga eng munosib nomzodga ovoz berish imkoniyatini beradi.

Prezidentlik institutining bugungi kunda davlat organlari tizimida tutgan o`rni va ahamiyati haqida fikr yuritishdan oldin biz, avvalo, prezidentlik institutining mazmun-mohiyatiga to`xtalib o`tishimiz lozim.



«Prezident» soʻzi lotincha «praesidens» soʻzidan kelib chiqib, soʻzma-soʻz tarjimasi «oldinda oʻtiruvchi» (antik davrlarda turli xil majlislarda raislik qiluvchilarni president deb atashgan) maʼnosini anglatadi.

Prezident soʻzi yuridik termin sifatida, qadimgi Afina va Rim respublikalari davridan qoʻllanilganligi maʼlum. Bu termin ilk demokratiya shakli hisoblangan kollegial organlar majlislarida raislik qiluvchi shaxsga nisbatan ishlatilgan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Huquqshunos olim N.A.Saxarov oʻz asarlarida qadimda turli yigʻilishlarda raislik qilgan shaxsga Prezident deb murojaat qilishi odat boʻlganligini taʼriflaydi. Biroz vaqt oʻtgach, ism lavozimga aylantirildi. Shunday qilib, hukmron shaxs sifatidagi "prezident" tushunchasi haqidagi birlamchi gʻoyalar tugʻildi.

Bugungi kunda respublika davlat boshqaruvi shaklidagi mamlakatlarda Prezident soʻzining-davlat boshligʻi, davlat organi sifatida qoʻllanilishi rasm boʻlgan. Davlat hokimiyati organlari tizimida davlat boshligʻi va uning oʻziga xos funksiyalari aniq boʻlsa-da, har bir davlatda uning huquqiy maqomi turlichadir.

Davlat boshligʻi sifatida prezidentlik instituti alohida oʻrin tutib, dunyoda birinchi boʻlib, ushbu lavozim 1787-yilda qabul qilingan Amerika Qoʻshma Shtatlari Konstitutsiyasida oʻz ifodasini topdi. Yevropada prezidentlik instituti 1848-yilda ikkita mamlakatda, yaʼni Fransiya va Shvetsariyada paydo boʻldi. Hozirga kelib Bilashgan Millatlar Tashkiloti tarkibidagi 150 tadan ortiq mamlakatlarda Prezident lavozimi joriy etilgan.

O.T.Voloshukning fikricha, Prezident davlat boshligʻining yuridik shakli sifatida hokimiyat tabiati haqidagi demokratik qarashlarning rivojlanishi natijasida xalq hokimiyatchiligining timsoli sifatida vujudga keladi

Prezidentlik institutini oʻrganishda ayrim olimlar uni avvalambor ijtimoiy institut sifatida oʻrganishni taklif qiladilar. Xususan, rus siyostchi olim I.D.Xutinayev "prezident institutini" kengroq tushuncha doirasida – "ijtimoiy institut" sifatida tadqiq etishni taklif qildi, chunki u ijtimoiy fanlarning turli sohalarida tadqiqot ishlarining predmeti boʻlib, ular doirasida «prezident» tushunchasiga turli xil fikrlar shakllangan.

Prezidentlik instituti terminologiyasining maʼnosini toʻliq anglash uchun ushbu institutning asosiy xususiyatlarini aniqlab olish zarur.

B.P.Yelishev ushbu institutning asosiy xususiyatlari sifatida quyidagilarni koʻrsatadi:

- Prezident saylab qo'yilgan davlat rahbari bo'lib, u ijro hokimiyatiga boshchilik qilishi mumkin va davlat hokimiyati bo'linishi tizimida arbitr vazifasini bajaradi;

- tashkiliy jihatdan Prezident hech kimga bo'ysunmaydi hamda davlat hokimiyatining boshqa oliy organlaridan mustaqilligining yuqoriligi bilan ajralib turadi;

- Prezidentlik lavozimining siyosiy xarakteri yuqori bo'lib, davlat ichki va tashqi siyosatini shakllantirish, davlat ishlariga siyosiy rahbarlikni amalga oshirishda Prezidentning o'rni ustuvor sanaladi.

V.A.Shatili prezidentlik instituti- Prezident saylovi, Prezident funktsiya va vakolatlari, vakolat muddati va uni tugatish tartibi, konstitutsiyaviy-huquqiy ma'suliyati, shuningdek, Prezident huzuridagi muassasalar faoliyatini tartibga soluvchi normalar tizimi deb ta'rif beradi.

M.M.Mirakulovning fikriga ko'ra, prezidentlik instituti murakkab tuzilmaga ega bo'lib, quyidagi 8 guruh konstitutsiyaviy-huquqiy normalardan tashkil topadi: 1) Prezident lavozimini ta'sis etadigan; 2) Prezident saylovi (xususan, prezidentlikka bo'lajak nomzod; partiya yuqori organida ko'rsatilgan nomzod, ro'yxatga olingan nomzod; saylangan, biroq lavozimga kirishmagan prezident huquqiy maqomi; 3) prezidentning lavozimiga kirishish (inaguratsiya) tartibi; 4) Prezident funktsiya va vakolatlari; 5) Prezident, xususan eks-prezident faoliyatining huquqiy, tashkiliy, moddiy, ijtimoiy kafolatlari; 6) prezident vakolatlari tugashining asoslari va tartibi; 7) prezident vakolatlarini vaqtincha bajarib turish asoslari va tartibi; 8) ma'suliyat asoslari va ularni qo'llash tartibi.

Biz ning fikrimizcha, prezidentlik institutiga berilgan ta'riflar ichida oxirgi qayd etilgani ushbu institutning barcha jihatlarini to'la ochib beradi.

Darhaqiqat, prezidentlik instituti bu faqatgina prezidentlik saylovi, Prezident vakolatlari va Prezidentning konstitutsiyaviy-huquqiy maqomi bilan bog'liq bo'lgan munosabatlarni tartibga soluvchi huquq normalari yig'indisi bo'libgina qolmay, ushbu institut prezidentlik lavozimini ta'sis etish bilan bog'liq bo'lgan munosabatlarga ham tadbiiq etiluvchi huquq normalarini ham o'z ichiga oladi.

Huquqiy adabiyotlardagi zamonaviy yondashuvlarga ko'ra, «prezident» atamasi davlat hokimiyati organlari iyerarxiyasida eng yuqori o'rinni egallovchi, mamlakat ichki siyosiy hayotida va davlatning davlatlararo, xalqaro munosabatlarida oliy vakilligini amalga oshiruvchi mansabdor shaxs sifatida talqin etiladi.

Ma'lumki, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 11-moddasida O'zbekiston Respublikasi davlat hokimiyatining tizimi-hokimiyatning qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyatiga bo'linishi prinsipiga asoslanishi qayd etilgan. Shuningdek, Konstitutsiyamizning 89-moddasida O'zbekiston Respublikasining Prezidenti davlat boshlig'idir va davlat organlarining kelishilgan holda faoliyat yuritisini ta'minlashi belgilangan.

Xo'sh, Prezidentning davlat hokimiyati o'rganlari tizimidagi o'rni va ahamiyati nimadan iborat.

Ma'lumki, 2008 yilgacha O'zbekiston Respublikasi Prezidenti ijro etuvchi hokimiyat boshlig'i sanalgan. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasidan Prezidentning ayni bir vaqtda hukumat rahbari ekanligini qayd etuvchi normaning chiqarilishi muhim siyosiy-huquqiy o'zgarish sanaladi. Prezidentning davlat hokimiyatini amalga oshirishi, muhim davlat funksiyalarini bajarishiga qaramasdan, Konstitutsiyaga muvofiq u hech bir hokimiyat tarmog'iga kiritilmagan.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Barcha huquqiy tadqiqotlarda, parlament, hukumat va sud davlat hokimiyatining klassik tarmoqlari sifatida tushuniladi. Shu bilan bir qatorda, davlat mexanizmida davlat rahbari alohida o'rin egallaydi. Davlat rahbarining amaliy va huquqiy holatini yuqorida qayd etilgan hokimiyatlar tarmog'idan alohida o'rganib bo'lmaydi.

Prezidentning hokimiyatlar tizimida qanday o'rin egallashi va hokimiyatning qaysi tarmog'iga mansubligi to'g'risidagi masala har bir davlatning amaldagi Konstitutsiyasi va Konstitutsiyaviy tuzumi, qonun chiqarish jarayoni va huquqni qo'llash amaliyotiga bog'liqdir.

Aytib o'tish joizki, davlat rahbari lavozimi davlat boshqaruvining har qanday shaklidagi davlatlarda mavjud. Monarxiya shaklidagi davlatlarda- monarx, respublikalarda –saylangan Prezident davlat rahbari sanaladi. Davlatning o'zi konstitutsiyaviy tuzumning yaxlitligini, hokimiyat mexanizmining samaradorligini ta'minlovchi, xalqaro munosabatlarda davlatning oliy vakilligini amalga oshiruvchi lavozimga ehtiyoj sezadi.

Turli davlat boshqaruvi shaklidagi davlatlarda davlat rahbarining vazifalari turlichadir. Masalan, ayrim davlatlarda davlat rahbari vazifalari nominallashtirilgan bo'lsa, ayrim davlatlarda davlat hokimiyati to'laligicha davlat rahbariga tegishlidir.

Ko`plab mamlakatlarning konstitutsiyaviy-huquqiy doktrinalari davlat rahbarini xalq birligini ta`minlovchi, boshqa davlatlar bilan munosabatlarda davlatning vakilligini amalga oshiruvchi, davlat hududining yaxlitligi va xafsizligini ta`minlochi, suverenitetni kafolatlovchi, davlat hokimiyati organarning kelishilgan holda faoliyat yuritishi hamda hamkorligini ta`minlovchi davlat hokimiyatining oliy mansabdor shaxsi sifatida ko`rib chiqadi.

Davlat rahbarining aniq huquqiy holati va davlat hayotidagi faktik o`rni har bir mamlakatning tarixiy an`analari va siyosiy shart-sharoitlariga bog`liq bo`ladi.

A.Azizxo`jayevning fikriga ko`ra, davlat boshqaruvi turli davlatlarda turlicha tashkillashtirilgan. Davlat boshqaruvining shaklidan qat`iy nazar kim ijro etuvchi hokimiyat ustidan nazoratni o`rnatsa, u davlatda markaziy o`rin egallaydi. Prezidentlik boshqaruv shaklida bu Prezident, Parlametar boshqaruv shaklida-parlament hisoblanadi.

Agar davlat rahbari ayni vaqtda ijro hokimiyati boshlig`i sanalsa bunday davlatlar Prezidentlik boshqaruv shaklidagi davlatlar sanaladi.

M.Mirxamedovning ta`kidlashicha mamlakatda yuzaga keladigan qaltis va ziddiyatli vaziyatlarga nisbatan tezkor qaror qabul qilish zaruriyatining vujudga kelishi Prezidentlik lavozimining joriy etilishiga sabab bo`lgan. Sababi bunday vaziyatlarda kollegial organlar tezkor qaror qabul qilaolmagan.

O`zbekiston Respublikasida Prezident davlat hokimiyati tizimida markaziy o`rin egallaydi va siyosiy tuzumning asosini tashkil etadi.

Ma`lumki, konstitutsiyaviy huquqning muhim elementidan biri davlat boshqaruv shakli hisoblanadi. Agar O`zbekiston Respublikasi davlat boshqaruv shaklini tahlil qiladigan bo`lsak, ushbu masalaga oid olimlarning fikrini ikkita katta guruhga bo`lish mumkin. 1-guruhga O`zbekiston Respublikasini prezidentlik respublikasi sifatida ko`rib chiquvchi olimlarni fikr-mulohazalarini kiritamiz. (F.X.Raximov, Sh.Abbosxo`jayev).

Prezidentlik respublikalari hokimiyatlarning qat`iy bo`linish prinsipiga asoslanadi. Bu shuni anglatadiki, mazkur shakldagi respublikalarning Konstitutsiyalarida qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyati organlarining vakolatlari o`rtasida chegara aniq belgilangan bo`ladi. Bunday holda hokimiyat tarmoqlari nafaqat bir-biridan aratilgan balki ularning mustaqilligi ham ta`minlangan bo`ladi. Prezidentlik respublikalarida Prezidentning qo`lida davlat boshlig`i va hukumat rahbari vakolatlari to`planishi bilan birga, prezidentlik saylovida, hukumatni shakllantirishda parlamentning ishtirok

etmasligi, parlamentning javobgarligi institutining mavjud emasligi kabi holatlar mavjud bo`ladi.

Ikkinchi guruh olimlar O`zbekistonni davlat boshqaruv shakliga ko`ra aralash respublika ekanligini ta`kidlashadi. (A.Azizxo`jayev, O.Muxamedjanov, G.R.Malikova). Masalan, O.Muxamedjanovning fikriga ko`ra O`zbekiston Respublikasida hokimiyatlar bo`linish tizimida parlamentning vakolatlarni aniqlashtiruvchi o`zida prezidentlik va parlamentar respublikalarning xususiyatlarini mujassamlashtiruvchi o`ziga xos model shakllanmoqda.

Shak-shubhasiz O`zbekistonda davlat hokimiyatini tashkil etishda prezidentlik respublikasining xususiyatlari namoyon bo`ladi: Prezident davlat boshlig`i hisoblanadi va xalq tomonidan saylanadi, ijro hokimiyati tizimida va sud hokimiyati faoliyatini tashkil etishda keng hajmli vakolatlarga, veto huquqiga ega hamda O`zbekiston respublikasining butun hududida bajarilishi majburiy bo`lgan qaror, farmon va farmoyish chiqaradi. Biroq hozirgi huquqiy islohotlar sharoitida parlamentar respublikani shakllantirish tendensiyasi kuzatilmoqda. Xususan, parlament Prezidentning veto huquqini cheklay oladi, Bosh vazirni lavozimiga tayinlash parlament bilan kelishilgan holda amalga oshiriladi va Prezident parlamentni Konstitutsiyada belgilanga qat`iy shartlar va tartibga ko`ra tarqata oladi. Mazkur qarash tarafdorlari hukumat o`z faoliyati uchun parlament oldida javobgar bo`ladigan parlamentning ustunligi prinsipiga asoslanishadi. Parlamentar respublikalarda hukumat parlamentning quyi palatasida ko`pchilik o`ringa ega bo`lgan siyosiy partiya vakillaridan shakllantiriladi. Parlamentar respublikalarda davlat boshlig`i parlamentar yo`l bilan yoki parlament tomonidan yoki parlament tomonidan tashkil etilgan kollegial organ tomonidan saylanadi. Parlamentar respublikalarda davlat boshlig`i bir qator vakolatlarga ega bo`lsada, davlat hokimiyatini amalga oshirishda amalda hech qanday ta`sir o`tkaza olamaydi.

A.A.Azizxo`jayev va G.R.Malikovaning fikriga ko`ra O`zbekiston bosqichma-bosqich aralash respublika boshqaruv shakliga o`tib bomoqda.

O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va boshqa normativ-huquqiy hujjatlarning hamda Prezident bilan Vazirlar Mahkamasi o`rtasidagi munosabatlarning amaliy tahlili O`zbekistonda aralash respublika shakli qaror topib borayotganidan dalolat beradi.

Quyidagi huquqiy normalar fikrimizning isboti hisoblanadi:

- prezidentning umumxalq saylovida saylanishi (O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 90-moddasi) prezidentlik respublikasi belgisi;

- Bosh vazir lavozimining mavjudligi (O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 98-moddasi) parlamentar respublika belgisi;
- Ishonchsizlik votumi institutining mavjudligi (O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 98-moddasi) parlamentar respublika belgisi;
- Prezidentning Bosh vazir taqdimiga binoan viloyat va Toshkent shahar hokimlarini lavozimiga tayinlashi va ozod etishi (O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 93-moddasi) prezidentlik respublikasi belgisi;
- Prezidentning parlamentni tarqatib yuborish huquqi (O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 95-moddasi) parlamentar respublika belgisi;

Bugungi kun huquqshunosligining yana bir muhim savol va tadqiqotlaridan biri bu Prezidentning hokimiyatlar bo`linish tizimida qaysi hokimiyat tarmog`iga mansubligini aniqlash hisoblanadi.

Aytish joizki, Z.Islomov, B.Jo`rayev, M.N.Marchenko, I.M.Filyalina, K.V.Proxorov va boshqalar) kabi bir guruh olimlar Prezidentni ijro hokimiyati tizimiga, prezidentlik institutini esa ijro hokimiyati institutiga kiritishgan. G.R.Malikova fikriga ko`ra, qonun ustuvorli nuqtayi nazaridan Prezident davlat hokimiyati tizimining birorta tarmog`iga kirmaydi va holat uning boshqa hokimiyat tarmoqlaridan ustunligini va ularning bir biriga bog`liqligini izohlamaydi, chunki ular orasida bo`ysunuv munosabatlari mavjud emas. Ushbu fikrga zid ravishda M.V.Baglay hokimiyatlar bo`linish prinsipiga asoslangan har bir demokratik huquqiy davlatda har bir lavozim hokimiyatning qaysidir tarmog`iga mansub bo`lishini ta`kidlaydi. Ushbu olimning ta`kidlashicha, Prezidentning funksiyalari hokimiyatning uchta tarmog` bilan chambarchas bog`liq bo`lib, uni qonun chiqaruvchi va sud hokimiyati tarmog`iga kiritishni imkoni mavjud emas. Prezidentning ijro hokimiyati bilan munosabatlari uning boshqa hokimiyat tarmoqlari bilan munosabatlardan juda ajralib turadi.

Boshqa bir guruh olimlar (M.A.Axmedshayeva, A.A.Kotenkov, V.Y.Vasilyev, V.A.Shatili) Prezident alohida konstitutsiyaviy-huquqiy maqomga ega bo`lib, ijro hokimiyati tizimiga kimasligini ta`kidlaydi.

O.T.Voloshukning fikriga ko`ra, hokimiyatlar bo`linishi nazariyasini tahlil qilish jarayonidagi zamonaviy interpretatsiyada Fransiya, Rossiya va Ukraina kabi davlatlarida Prezident hech bir hokimiyat tarmog`iga mansub emasligi tezisi amal qiladi. Ushbu davlatlarda davlat rahbari to`lalgicha bitta hokimiyat tarmog`iga mansub bo`lmasdan, qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyati bo`yicha tegishli vakolatlarga ega bo`ladi. Bunday

holda Prezident davlat hokimiyati tizimidan chetda qolmasdan, balki ularning normal faoliyat yuritishini ta`minlaydi.

M.M.Mirakulovning qayd etishicha, Prezidentning davlat hokimiyati tizimiga aloqador emasligi va uning faqat davlat hokimiyati tarmoqlari faoliyati hamda hamkorligini ta`minlovchi organ sifatida ko`rib chiqilishi O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 11-moddasidagi hokimiyatlar bo`linish prinsipiga asosan demokratik huquqiy davlat qurilishiga zid hisoblanadi.. Olim o`z fikrlarini Prezidentning funksiyalari tabiatiga ko`ra ijro hokimiyati tizimiga yaqinroq bo`lganligi ifodalangan Konstitutsiyaning 93-94-moddalar va boshqa qonunlarda ifodalangan huquq normalari bilan isbotlashga harakat qilgan.

M.A.Axmedshayevaning ta`kidlashicha, Prezident rasman ijro hokimiyati rahbari hisoblanmasada, uning vakolatlari ijro hokimiyatining boshqa tarmoqlar bilan muvofiqlashtirilgan holda faoliyat yuritishini ta`minlashga qaratilgan. M.A.Axmedshayeva O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 93-moddasi 8,10,11,13,15,16,24 bandlarida qayd etilgan Prezident vakolatlarini ushbu toifadagi vakolatlarga kiritadi. Yuqorida sanab o`tilgan bandlardagi Prezident vakolatlari o`z tabiatiga ko`ra, hokimiyatning tarkibiy va tuzilmaviy qismini tashkil etishga yo`naltirilganligi birga ular faoliyatiga rahbarlikni amalga oshirishga ham qaratilgan. M.Rahmonqulovning fikriga ko`ra Prezident ijro hokimiyatining keng hajmli, strategik ahamiyatga ega bo`lgan funksiyalarini bajaradi. X.I. Ro`zmetov yuqoridagi olimlarning fikriga qo`shilishi bilan birga, Prezidentning konstitutsiyaviy-huquqiy maqomini belgilovchi Konstitutsiyaning 89-moddasidan 2007 yilda uning ijro hokimiyati rahbari ekanligini belgilovchi norma chiqarib tashlangan bo`lishiga qaramasdan, Prezident o`zining vakolatlari bilan ijro hokimiyati organlari faoliyatini tashkil etish va rahbarlik qilishga ma`sul hisoblanishini qayd etadi. Olim Konstitutsiya 93-moddasi 4,7,8,10,11,13,15,16,17,19,20- bandlari, 89-moddasi M.Usmonov shuningdek, xavfsizlik va mudofaa vazifasini bajaruvchi ijro hokimiyati organlari O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlar Bosh Qo`mondoni - O`zbekiston Respublikasi Prezidentiga bo`ysunishini ta`kidlab o`tadi. Mazkur norma ,shuningdek, O`zbekiston Respublikasining 9 yanvar 2018 yildagi ORQ-458 sonli «O`zbekiston Respublikasining mudofaa doktrinasi to`g`risida» gi Qonunida ham o`z aksini topgan.

M.M.Mirakulovning ta`kidlashicha, dunyo bo`ylab 143 ta davlatda prezidentlik instituti mavjud bo`lgan holda, 109 ta davlatda Prezident ijro hokimiyati vakolatlarini bajaralishini ta`minlaydi.

XULOSA

Prezidentlik instituti O`zbekiston Respublikasida bevosita xalqdan vakolat oladi va jamiyat hayoti hamda davlat ishlarini boshqarishda fuqarolarining vakili hisoblanadi. Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, biz Prezidentni hokimiyatlar bo`linishi tizimida ijro hokimiyati tizimiga mansub ekanligini e`tirof etamiz. Mazkur fikrlar davlat hokimiyati organlarining konstitutsiyaviy huquqiy maqomi shuningdek, Konstitutsiya 5 bo`limi tuzilishi bilan o`z tasdig`ini topadi. Xususan, 5 bo`limda dastlab Oliy Majlis haqidagi, so`ng Prezident, undan keyin Vazirlar Mahkamasi, mahalliy davlat hokimiyati organlari, sud hokimiyatiga oid boblar joylashtirilgan.

M.M.Mirakulovning fikriga ko`ra, prezidentlik institutining amaliy faoliyatiga e`tibor qaratadigan bo`lsak, Prezident hokimiyatlar bo`linishi tizimida qonun chiqaruvchi va ijro etuvchi hokimiyatning faoliyatida strategik ahamiyatga ega bo`lgan o`rin egallaydi. M.Rahmonqulov prezidentlik instituti hokimiyatlar bo`linishi tizimida alohida o`rin egallaydi. Davlat boshlig`i davlat hokimiyati organlarining kelishilgan holda faoliyat yuritishini hamda hamkorligini ta`minlashi bilan bir vaqtda ijro hokimiyatining strategik ahamiyatga ega bo`lgan funksiyalarini ham bajaradi. Olim ta`kidlaganidek, Prezident qonun chiqarish faoliyatida, davlat hokimiyati butunligi, fuqarolarning huquq va erkinliklari, O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va qonunlariga rioya etilishini kafolatli himoya qilish, O`zbekiston Respublikasining hududiy yaxlitligi va xavfsizligini ta`minlash bo`yicha ahamiyatli vazifalarni bajaradi. M.M.Mirakulov, biz yuqorida bayon etilganlarni Prezident tomonidan qaror, farmon, farmoyishlar chiqarilganidan so`ng Oliy Majlis va Vazirlar Mahkamasi tomonidan harakatlar dasturi ishlab chiqilishi va amalga oshirilishida ko`rishimiz mumkinligini aytib o`tadi. Olim Prezidentning farmon va qarorlari asos bo`lib xizmat qilgan Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 23 fevraldagi yaqin va uzoq kelajakka mo`ljallangan harakat dasturini misol sifatida keltirib o`tadi. Bundan tashqari, M.M.Mirakulov 2005 yildan 2009 yilgacha bo`lgan vaqt oralig`ida Qonunchilik palatasi tomonidan qabul qilingan 256 ta qonun loyihasidan 42 tasi, 2010-2014-yillar oralig`ida 19 ta qonun loyihasi O`zbekiston Respublikasi Prezidentiga tegishli bo`lganligini, 160 ta qonun loyihasi esa hukumat tomonidan O`zbekiston Respublikasi Prezidenti qaror va farmonlarining ijrosini ta`minlash yuzasidan Qonunchilik palatasiga kiritilganligini aytib o`tadi. O`z navbatida biz ham yuqoridagi fikrlarni O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi «O`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`yicha harakatlar strategiyasi to`g`risida»gi PF-4947-sonli Farmoni bilan mustahkamlashimiz mumkin. Xususan, ushbu famon asosida

davlat boshqaruvini isloh qilish yuzasidan Oliy Majlis va Vazirlar Mahkamasi tomonidan 2019 yil 1 may holatiga 100 dan ortiq chora-tadbirlar ishlab chiqilgan.

Bayon etilganlarga asosan shunday xulosa qilishimiz mumkinki, davlatning bosh islohotchilik prinsipi asosida davlat boshlig`i Respublika Prezidenti sanalgan hamda davlat boshqaruvi organlarning ko`rastib o`tilgan iyerarxiyasiga asoslangan davlat boshqaruvi tizimi bugungi iqtisodiy nostabillik tendensiyasi sharaotida o`zini to`liq oqlmoqda.

Davlat boshlig`ining muhim funksiyalaridan biri bu davlat hokimiyati oranlari faoliyatining o`zaro hamkorligi va samaradorligini ta`minlash hisoblanadi. Prezident bugungi kunda davlat hokimiyati tizimida fuqarolik jamiyati institutlari to`la tashkil topishi, davlat boshqaruvining demokratlashtirilishini yanada chuqurlashtirish jarayonida davlat hokimiyati organlarining kelishilgan holda faoliyat yurtishini hamda hamkorligini ta`minlagan holda, Ozbekiston Respublikasining hududiy yaxlitligi va suvereniteti himoyasining asosiy kafili hisoblanadi.

REFERENCES

1. Mirakulov.M.M. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining konstitutsiyaviy-huquqiy maqomi (qiyosiy-huquqiy tahlil): diss. ...y.f.d . –Toshkent, 2016- 258 b.
2. Abbasxodjayev Sh.A. Demokratik davlat qurilish sharoitida prezidentlik institutining huquqiy asoslari : diss. ... y.f.n. –Toshkent, -163.b

КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Умид Негматович Ходжамқулов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Педагогика фанлари доктори (DSc)

АННОТАЦИЯ

Мақолада кластер ёндашуви асосида педагогик таълим сифатини бошқариш ва рақобатбардошлигини такомиллаштириш имкониятлари атрофлича таҳлил қилинган. Сифат муайян нарса-ҳодисанинг (объектнинг) бир ҳолатдан иккинчи яхшироқ ҳолатга ўтишини таъминлайдиган хусусиятлар мажмуи дейиш мумкин. Шундай экан, сифат объектда динамик ҳолатда кечиши мумкин экан. Объектнинг яхшироқ ҳолатга ўтишини таъминлайдиган хусусиятлар устида, уларнинг барқарорлиги ва салмоғини ошириш устида ишлаш сифатни таъминлайди. Бу жараён соҳанинг ривожланиши ва рақобатнинг кучайиши шароитида доимо мураккаблашиб бораверади. Бу эса сифат мунтазам янгиланиб борадиган жараён эканлигини ва уни бошқариш соҳа мутахассислари томонидан доимий мониторинг олиб борилиши лозимлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: кластер, ёндашув, педагогик таълим, сифат, бошқарув, рақобатбардошлик, такомиллаштириш.

КИРИШ

Таълим сифати ва уни бошқариш муаммоси барча даврларда педагогиканинг асосий тадқиқот объектларидан бири бўлиб келган. Бу муаммони ўрганиш “сифат”, “таълим сифатини бошқариш” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини таҳлил ва тавсиф қилишни талаб қилади.

“Международные стандарты: Сборник новых версий стандартов ИСО серии 9000” тўпламида **сифат** тушунчаси “объектнинг белгиланган ва қутилган эҳтиёжларини қондириш қобилияти билан боғлиқ хусусиятлар тўплами”дан иборат эканлиги қайд этилган. [3]

Демак, сифат муайян нарса-ҳодисанинг (объектнинг) бир ҳолатдан иккинчи яхшироқ ҳолатга ўтишини таъминлайдиган хусусиятлар мажмуи дейиш мумкин.



Шундай экан, сифат объектда динамик ҳолатда кечиши мумкин экан. Объектнинг яхшироқ ҳолатга ўтишини таъминлайдиган хусусиятлар устида, уларнинг барқарорлиги ва салмоғини ошириш устида ишлаш сифатни таъминлайди. Бу жараён соҳанинг ривожланиши ва рақобатнинг кучайиши шароитида доимо мураккаблашиб бораверади. Бу эса сифат мунтазам янгилашиб борадиган жараён эканлигини ва уни бошқариш соҳа мутахассислари томонидан доимий мониторинг олиб борилиши лозимлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотчи Е.И.Варченко таълим сифатини бошқаришни таълим сифатини таъминлаш, такомиллаштириш, мониторинг қилиш ва баҳолашга йўналтирилган стратегик ва тезкор ҳаракатларнинг мунтазам равишда амалга ошириладиган тизими” [2] эканлигини эътироф этиб, таълим муассасасининг фаолиятида ушбу омилнинг аҳамиятини юқори баҳолайди.

Демак, таълим сифатини бошқариш шу соҳа мутахассисларидан, аввало, сифатни таъминлашни (таълим ва тарбияни яхшироқ ҳолатга ўтишини таъминлайдиган хусусиятлар устида ишлашни), ривожланиш тамойилига кўра уни такомиллаштиришни, олдинги ва кейинги ҳолатни ўзаро таққослаш учун доимий мониторинг қилишни ва ўз фаолиятларини объектив баҳолашни талаб қилади. Ушбу фаолият турларини муайян тизимга солиш ва буни соҳанинг стратегияси, истиқбол режалари билан боғлаш таълим сифатини бошқаришни таъминлайди.

Муайян ўқув юртидаги таълим тизимининг ҳолати ва ривожланишини таҳлил қилиш учун сифат объектнинг узлуксиз ривожланиши давомида ижобий ўзгаришларни тавсифловчи, якуний натижага эришишни англатувчи “сифатни яхшилаш” тушунчаси муҳим ҳисобланади. Ю.А.Конаржевский таълим муассасаларида сифатни яхшилаш ва унинг бошқаруви инсон билан, биринчи навбатда, ўқитувчи билан ишлашдан бошланади ва кадрлар билан ишлаш, уларнинг касбий даражасини ошириш билан тугайди, [2] деб уқтиради. Мутахассис бу ўринда таълимни бир сифат босқичидан иккинчи босқичга олиб чиқишни назарда тутган. Шунинг учун ҳам сифатни бошқаришда бошланиш ва тугаш нуқталарини аниқ беради. Аммо сифатни яхшилаш (ва, табиийки, бошқариш ҳам) жараёни мунтазам янгилашиб боришини инобатга олсак, унинг тугаш ҳақидаги фикри шартли маъно касб этади.



“Сифат” ва “таълим сифатини бошқариш” тушунчаларига асосланиб, таълим сифатини очиқ таълим тизимининг ҳолати ва самарадорлигини ошириш жараёни билан боғлиқ ижтимоий категория сифатида тушуниш мумкин. Бунда, таълим сифатига, биринчидан, *таълимнинг меъёрий мақсадларига*; иккинчидан, *шахсларнинг ва турли ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларига* мувофиқлигини таъминлайдиган юқори таълим натижадорлиги сифатида қараш лозим бўлади.

Демократик тамойиллар таълимнинг сифатини бошқаришнинг очиқлик хусусиятини белгилайди, бу эса иштирок этиш, кўмаклашиш, рефлексивлик ва иккитомонламалик тамойиллари билан намоён бўлади. Сифат соҳасидаги ишлар ўқув жараёнининг бевосита субъектларига ва ўқув юртининг ташқи ҳамкорларига (ота-оналар ва васийлик кенгашлари, иш берувчилар, ижтимоий соҳалар) нисбатан максимал даражада очиқликка интилишини талаб қилади. Иштирок этиш таълим фаолияти барча субъектларининг сифат соҳасидаги бошқарув қарорларини тайёрлаш, муҳокама қилиш, қабул қилиш ва амалга оширишда кенг қатнашишларини ўз ичига олади. Сифат соҳасидаги асосий таркибий қисмларни шакллантириш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш таълим муассасаси маъмуриятининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Сифат тизимини сифат соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш воситаси дейиш мумкин.

Муайян натижаларга эришиш, мақсадларни аниқ белгилаш, сифат соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун аниқ ҳаракат дастурини таклиф қилиш таълим муассасаси ходимларининг касбий фазилатларини қўллаб-қувватлайди ва уларнинг педагогик ҳамда методик маҳоратини оширишларига рағбат уйғотади.

Таълим субъектларини бошқариш орқали биз субъектларнинг (таълимни бошқариш органлари) мақсадли фаолиятини тушунамиз, таълим хизматларини тақдим этиш ва бошқарув вазифаларини ҳал қилиш орқали таълим хизматлари истеъмолчиларининг (ўқувчилар, талабалар, ота-оналар ва бошқалар) биргаликдаги фаолиятини ташкил этишни таъминлаш, уларнинг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва унинг сифатига эътибор беришни тушунамиз.

Таълим соҳасидаги ислохотлар билан шуғулланган олим Майкл Фуллан таълим сиёсатида кенг миқёсли ислохотларга эришиш ва сифат самарадорлигини таъминлаш борасида фикр билдирар экан, агар ўқитувчилар фақат ўз синфлари даражасида фикрласа ва бошқа ўқитувчилар ва бутун мактабнинг



муваффақиятларидан мутлақо манфаатдор бўлмаса; агар мактаб директорлари ўз мактаблари даражасида ўйласа ва ўз туманларидаги бошқа директорлар ва мактабларнинг муваффақиятларидан мутлақо манфаатдор бўлмаса; агар туман мутасаддилари режаларини фақат ўз туманлари доирасида амалга оширсин ва бошқа туманларнинг муваффақиятларидан мутлақо манфаатдор бўлмаса, кенг миқёсли таълим ислохотига эришиб бўлмайди. Тадқиқотчининг ушбу фикрлари тизимни кластер ёндашуви асосида бошқаришни тақозо қилади. Ушбу моделнинг пировард мақсади субъектларни бутун тизимнинг муваффақиятига жалб қилиш, ўзгариш жараёнларида бевосита иштирок этишни таъминлашдан иборатдир.

Бундан кўришиб турибдики, таълим сифатининг кластер бошқаруви алоҳида субъектлар даражасидан ўсиб чиқиб, ўша субъект жойлашган минтақанинг таълим сифатини оширишга йўналтирилган комплекс ёндашувдир. Зеро, ҳудуднинг салоҳиятини оширишдан туриб алоҳида субъектлар билан кенг миқёсли самарадорликка, ислохотга эришиб бўлмайди. Педагогик таълим инновацион кластер модели шуниси билан ҳам мамлакатнинг педагогик илм-фани ривожини учун зарур ҳисобланади.

Минтақавий даражадаги таълим сифатини бошқаришда кластер ёндашувидан фойдаланиш минтақавий тизимлар ва таълим муассасаларининг ҳамкорлик муҳитини шакллантириш, захира кучларидан фойдаланишни оптималлаштириш ҳисобига харажатларни камайтириш имконини беради ҳамда илғор тажрибаларни ривожлантиришни кучайтиришга йўналтирилади. Кластер алоқалари ҳамда рақобат муҳити инновацион ривожланиш, лойиҳа фаолияти йўналишлари ва суръатларига, шунингдек, кластернинг ички таркибий қисмларини истиқболли ривожлантиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида минтақанинг умумий таълим сифатини бошқариш тушунчасига қуйидагича таъриф берилди: **минтақа умумий таълим сифатининг кластер бошқаруви – бутун минтақанинг умумий таълим сифати жараёнига ва унинг асосий элементларига, хусусиятларига (субъективлиги, мазмуни, тузилиши, динамикаси, шахс, жамият ва давлат талабларига мувофиқлиги) инсонпарварлик, узлуксизлик, демократлаштириш ғояларига асосланган замонавий таълимни янгилаш ва ривожлантириш мақсадида комплекс, йўналтирилган ва мувофиқлаштирилган таъсир.**



Тошкент вилояти педагогик таълим инновацион кластери доирасида Чирчиқ давлат педагогика институтида амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар олий таълимнинг илмий салоҳияти ёрдамида ҳудуддаги мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларида таълим-тарбия сифатини яхшилашга қаратилган. Жумладан, “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедрасининг **“Инноватор ўқитувчи” лойиҳаси** умумтаълим мактабларида она тили ва адабиёт дарс машғулотларига ижодий жараён сифатида қарайдиган, янгиликлардан қўрқмайдиган ўқитувчини тарбиялаш орқали; “Факультетлараро жисмоний тарбия” кафедрасининг **“Иқтидорли ташаббускор ёшлар” лойиҳаси** ўқувчиларнинг жисмоний имкониятлари ва ижодий салоҳиятини намоён қилиш ҳамда ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, мақсадли дастур бўйича иқтидорли ўқувчилар билан яқка тартибда шуғулланиш орқали; “Тарих” кафедрасининг **“Иқтидор” лойиҳаси** иқтидорли ўқувчиларни шахс, жамият ва давлат манфаатларига мос равишда аниқлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун қулай шароитлар яратиш, ўқувчиларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ошириш орқали; “География” кафедрасининг **“Маҳоратли географ” лойиҳаси** ўқитувчиларга ўқув-услубий ёрдам бериш, олий таълим муассасалари талабларига асосланган ҳолда мактабда дарс машғулотларининг сифатини яхшилаш орқали; “Тасвирий санъат” кафедрасининг **“Педагог рассом” лойиҳаси** умумтаълим мактабларида тасвирий санъат тўғараклари фаолиятларини кучайтириш орқали; “Ижтимоий фанлар” кафедрасининг **“Инноватор мураббий” лойиҳаси** мактаб таълим тизимида мураббийлар фаолияти самарадорлигини ошириш масаласида янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг ўқитувчилар билан муносабатларини мақсадли йўналтириш орқали; “Мактабгача таълим” кафедрасининг “Монтессори” лойиҳаси мактабгача таълим муассасаларида “Илк қадам” давлат ўқув дастури ва ижодий дастур интеграцияси асосида болалар билан олиб бориладиган таълимий машғулотларни ташкил этиш орқали таълим ва тарбия сифатини оширишга йўналтирилган. Ушбу лойиҳалар таълим-тарбия сифатини бошқаришда олий таълимнинг илмий-амалий кўмагини мактабгача ва умумтаълим муассасаларига йўналтиришни назарда тутди.

Мутахассислар “рақобат” тушунчасининг мазмуни, унинг моҳияти борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Жумладан, австриялик олим Фридрих А.Фон Хайек “Билиш, рақобат ва эркинлик” номли китобида рақобат ҳақида қуйидаги

фикрларни билдиради: “Рақобат – бу жараён, у орқали одамлар билимга эга бўладилар. Рақобат билим ва қобилиятдан унумли фойдаланишга олиб келади. Инсонийлик неъматларининг аксарияти беллашув, рақобат орқали ҳосил қилинган. Рақобат – инсоннинг ақлий қобилиятини ўстириш, буюк кашфиётчи ва тадбиркорларни тарбиялаб етиштиришнинг алоҳида воситасидир” [4]. Россиялик олим Г.Л.Азоев эса рақобатга қуйидагича таъриф беради: “Рақобат бу алоҳида юридик ёки жисмоний шахслар ўртасидаги қандайдир майдонда битта кўзланган мақсадга эришиш йўлидаги беллашувидир” [1]. Ўзбекистонлик олим А.Қодиров эса “Рақобат – умумижтимоий категория бўлиб, ижтимоий жараёнлар қатнашчилари ўртасидаги кўпроқ фойдага эришиши учун бўладиган кураш”ни англатишини таъкидлайди.

Мутахассисларнинг ушбу фикрлари “рақобат” тушунчасининг иқтисодий категория сифатидаги белгиларини ифодалаган. Аммо уни таълим тизимида ҳам татбиқ қилиш мумкин. Таълим хизматлари бозорида ҳам мақсадга ёки фойдага эришиш борасида беллашув, кураш кузатилади ва бу таълим субъектлари ўртасидаги рақобатни ифодалайди.

